I
жилд

Адабиёт энциклопедияси

(Атамалар, истилохлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар)

Ўзб 2
03
А-32

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетти

АДАБИЁТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

(Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар)

I жилд: А

Тузувчи
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

O'zbek filologiyasi
fakulteti
KUTUBXONASI

ТОШКЕНТ
«MUMTOZ SO'Z»
2013

УДК: 821.512.133
ББК 83
А29

Адабиёт энциклопедияси: (Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар). Тузувчи: Ҳ.Болтабоев / ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўз-н Миллий ун-ти; масъул муҳ-рлар: И.Ғафуров, М.Маҳмудов; таҳрир ҳайъати: Э.Воҳидов [ва бошк.]; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. - 564 б.

I. Болтабоев, Ҳ.

УДК: 821.512.133
ББК 83я2

Масъул муҳаррирлар:
Иброҳим Ғафуров, Маҳкам Маҳмудов

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Неъматулла Иброҳимов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Шуҳрат Ризаев, Абдулла Улуғов, Саидбек Ҳасанов

Тақризчилар:
Азизхон Қаюмов,
Наим Каримов

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети қошидаги
ОТ-Ф8-151 - рақамли давлат гранти лойиҳаси
асосида амалга оширилди

ISBN 978-9943-398-04-7

© Ҳ.Болтабоев , 2013
© «MUMTOZ SO'Z», 2013

ҚОМУСИЙ МАНБАЛАР СОҒИНЧИ

Инсон доимо маънавий озуқа – илм ва санъатга ташна. Инсоният илк маротаба ўзини танигандан бери дунёни билишни истайди. Гарчи Яратганнинг ҳукмидан нарига ўтолмаса ҳам ўз ақли етганчалик нарса ва ҳодисаларни чамалайди. Уларнинг мавжудлик белгилари ва моҳият-эътиборини англашга интилади. Ад-т инсониятга берилган улуғ неъмат эканки, унинг воситасида инсон ўзлигини билиши, Аллоҳни англаши ва дунёни тушуниши учун йўл топади. Топганлари б-н қониқавермайди, яна ва яна... янги маълумотларга эга бўлишни, янгича талқинлар излашни, бу б-н оз бўлса-да, имконияти даражасида билганлари б-н ўртоқлашишни истайди. Бу йўлда беминнат кўмакчи бўлган луғат ва қомуслар, таҳлил ва талқинларга таянади.

Ўзбеклар юрти азалдан қомусий даҳолар ва улар яратган тамаддуний манбаларга бой. Бироқ ҳозирги кунда уларни имкон қадар бир йўналишга солиш, ҳеч бўлмаса адабий эҳтиёжни қондириш ва адабий ҳодисотларга бошланғич муносабатда бўлиш учун маълумот ва хабарлар берувчи, ижодий жараённинг қамров ва тушунчаларига жавоб топиш учун бирламчи манбага муҳтожмиз. XX аср бошларида илк адабий қўлланма Фитратнинг "Ад-т қоидалари" (1926)дан Иззат Султоннинг қайта таҳрирдан чиққан "Ад-т назарияси" (2005)га қадар ўтган саксон йиллик муддат давомида ад-тшунослигимиз бемисл даражада ўсди. XX асрнинг 70-йилларида яратилган ўзбекча ад-тшунослик луғатлари[1] ўз даврида қанчалар мўътабар бўлмасин бугунга келиб, улар китобхонга муайян тушунча ва истилоҳ ҳақида етарли маълумот беришга ожизланиб қолди. Шунинг учун бўлса керак айрим муал.лар асарлари луғатидан (мас., Порсо Шамсиевнинг "Навоий асарлари луғати", 1972) алоҳида бир манбалар луғати (мас., "Алпомиш"луғати, "Фарҳод ва Ширин" луғати)ни яратишга майл кучайди. Нафақат ғайрисўзлар, балки она тилимизда бугун истеъмолда бўлган ҳар қандай сўз ва тушунчаларни ҳам тўла тушуниб қўллаш эҳтиёжи баралла сезилаётган бир пайтда айрим

[1] *Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С.* Адабиётшунослик терминлари луғати. Т.: Ўқитувчи, 1967; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979, 1983.

ад-тшунослик атамалари луғатлари[2] тузилди. Улар имкон қадар адабий жараёндаги энг фаол атама ва истилоҳларни англашда ўз вазифасини ўтамоқда. Бироқ Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг "Мафотуҳу-л-улум" ("Илмларнинг калитлари", XI аср) қомусий луғати яратилганига минг йилга яқин давр кечди. Муҳаммад Хоксорнинг "Мунтаҳабу-л-луғат" ("Танланган луғатлар", XVI)ида бошланган айрим тушунча ва ҳодисалар тўғрисида маълумотлар бериш анъанаси бугунги ад-тшуносликнинг ҳар бир соҳасига оид луғатларда[3] давом эттирилиб, бу соҳада анча юксакликка эришилди. Бундан ташқари туркий луғатчилик тарихида *исмлар луғати, асарлар луғати* типидаги манбалар ҳам учрайди. Шамсиддин Сомийбекнинг "Қомусу-л-аълом" (XIX аср охири), Ф.А.Брокгауз ва И.А.Ефроннинг "Энциклопедик луғат. Тарж.йи ҳоллар"[4] (XX аср бошлари) каби фундаментал манбалари таркибида ҳам адабий сиймолар, машҳур ижодкорлар ва уларнинг асарларига оид маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларнинг адабиётшуносликка дохил муайян қисмидан ҳам фойдаланиш зарурати бор. Юртимизда "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" б-н бир қаторда "Фалсафа. Қомусий луғат" (2004), "Ислом. Энциклопедик луғат" каби адабиётга яқин соҳаларда эътиборли манбалар нашр этилдики, биз адабиёттшунослар бу соҳада ҳаракатсиз ўтиришимиз ярашмайдиган бир ҳолга айланди. Шунинг учун ана шу адабий эҳтиёжни вақтинча бўлса-да кондириш мақсадида Миллий университет қошида махсус илмий лойиҳа белгиланиб, "Адабиёт энциклопедияси"нинг қисқароқ бир шаклини яратишга киришилди. Айни китоб манба ва маъхазлари тўпланиб, бир тизимга тушгунга қадар бир неча йил вақт кечди. Ниҳоят, кўпйиллик заҳматнинг натижаси ўлароқ ушбу манба нашрга топширилди.

Китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган мазкур қомус бир олимнинг муаллифлик иши бўлиб, у бир неча ўн йиллар давомида қатор илмий ва назарий манбаларни ўрганиш натижасида юзага

---

[2] *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. Т.: Akademnashr, 2010; *Салаев Ф., Қурбонниёзов Г.* Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. Т.: Янги аср авлоди, 2010.

[3] *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998; *Исҳоқов Ё.* Сўз санъати сўзлиги. Т., 2006.

[4] *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энциклопедический словарь в 12 т-х. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991.

келган (энциклопедиялар тузиш бир кишининг ёки бир кичик илмий гуруҳнинг иши эмас, балки унга турли қарашдаги юзлаб олимларни жалб қилиш лозим, деган мулоҳазалар мазкур нашрнинг амалга ошишини бир неча йилларга орқага суриб юборди). Шунга қарамай муайян бир мақсад йўлида бир неча ўн йиллар давомида амалга оширилган иш вақти келиб коллектив энциклопедиялар яратилгунга қадар китобхонларга ёрдам бериши мумкинлигини инобатга олган ҳолда уни нашр этишга журъат топдик. Қолаверса, илмий жараён тарихида бир киши томонидан тузилган луғат ва қомуслар мавжуд бўлгани (Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Брокгауз-Ефрон, Шамсиддин Сомийбек, Юрий Борев в.б.) ҳолда бундай тажриба, яъни тушунча ва ҳодисаларга бир олим томонидан изоҳ ва талқинларнинг ёзилиши маълум маънода бир методологик ёндошув асосида вужудга келгани, китобхонга адабиётшунослик илмининг мураккаб ҳодисалари хусусида бир дунёқараш асосидаги шарҳлар китобхон қарашларини ҳам муайян мақсадга, яъни адабиётшунослик масалаларини қабул қилиш ва тушунишга ёрдам бериши мумкин. Масалага илмий ёндошувда муаллиф қарашлари етакчилик қилган бўлса ҳам у нисбатан кенг маълумотлар базасига таянгани ва ўша маълумотлар олинган манбаларни кўрсатиши орқали ўқувчиларни янада кенгроқ илмий хабарлар билан таъминлашга, ҳар бир ҳодисанинг бирламчи манбаси ҳақида маълумот топишга ёрдам бериши мумкинлиги ҳам эътиборга олинди. Бунда гарчи айрим назарий ҳодисалар шарҳида муаллиф қарашлари етакчилик қилса-да, айрим ижодкорлар, уларнинг асарлари, нашрлари хусусида мавжуд илмий манба ва адабиётлардаги қарашларга таянилди. Айрим истилоҳ ва тушунчалар шарҳида нафақат ўзбек ва рус адаюиётшунослигидаги фикрлар, балки имкон борича хорижий информацион манбалардаги факт ва материаллар ҳам ўқувчиларга ҳавола этилди.

Истилоҳлар тизимисиз ҳеч қайси фан яшай олмайди. Илмий нутқ (хоҳ у оғзаки, хоҳ у ёзма шаклда бўлсин) истилоҳларсиз амалга ошмайди, унинг ёрдамида биз фаннинг моҳиятини англашга киришамиз. Илмнинг мақсади ҳам айрим тушунча ва истилоҳлар моҳиятини тўғри тушуниш орқали терминологик чалкашликларга аниқлик киритишдан иборат. Ушбу энциклопедияда жаҳон адабиётшунослиги томонидан қабул қилинган истилоҳлар билан бирга аввал айрим миллий адабиётлар доирасида қўлланилган

(мас., араб адабиётида) сўнгра эса тасаввуф адабиёти орқали алоҳида маъно касб этиб, янгича мазмун касб этган тасаввуфий истилоҳларга ва адабий ҳодисаларга ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, мазкур ишда мавжуд адабиётшунослик ва эстетика (айрим ҳолларда фалсафа ва тилшунослик)даги академик мактаб ва замонавий концепциялар (мас., рус формал мактаби ёки структурализм каби) томонидан илгари сурилган тушунчаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди (шу маънода "Энциклопедия суфизма", "Словарь модернизма" каби маълумотномаларга мурожаат этилди).

Табиийки, биз тавсия этаётган қисқа талқинлар адабиётшунослик соҳасидаги илк изланиш бўлгани туфайли унда анчагина етишмовчиликлар, талқинларда нотугаллик, маълумотларда эса қисман ноаниқликлар учраши мумкин. Улар ҳақида хабар берилса, келгуси нашр ва жилдлар доирасида тузатишга, тўлдириш ва қайта таҳрирдан ўтказишга имконият бўлади. Шу каби китобхонга ушбу китобдан фойдаланиш усулларидан хабар беришни лозим кўрдик.

"Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар" деган тагсарлавҳа орқали ушбу манбанинг йўналишини англатишга ҳаракат қилинди. Чунки рус тилидаги "термин" ва турк тилидаги "терим" сўзлари ўзбекчада баъзан *атама*, баъзан *истилоҳ* маъносида келади. Шунинг учун ҳам тушунча ва қамровлар талқинида *истилоҳ* калимасини қўллашга тўғри келди. Хорижий манбалардаги "фигура" (алоҳида ижодкорга нисбатан) тушунчасини ўзбекча *сиймо* (адабий сиймо) орқали англатишга ҳаракат бўлди. Ҳазрат Навоийдан бошланган ўзбек тазкирачилиги тарихи бу йўлда серҳосил манба ҳисобланиб, туркий ва форсий тилларда яратилган тазкиралардаги маълумотлар ҳам ушбу иш доирасига тортилди[5]. Айрим мутахассислар "образ" (кишилар образи) тушунчасини қўллашда адабий қаҳрамонларга нисбатан "сиймо" сўзини қўллашмоқда. Худди шу маънода айрим машҳур адабий асарлар, эпос ва йирик эпик пландаги эпопеялар қаҳрамонларига ҳам тўхталишни жоиз топдик. Бизда адабий

[5] Қаранг: Болтабоев Ҳ. Тазкиралар зикри. 200 тазкирада қайд этилган олимлар. Т., 2014.

асарлар луғатлари тузиш ҳали таомилга кирган эмас, бу йўлдаги дастлабки урунишлар[6] тажрибасидан ҳам фойдаланишга уриндик.

Нашрлар дейилганда вақтли матбуот ва босма нашрларга изоҳ бериш баробарида адабий жараёнда фаол қўлланилган мажмуа, тўплам, баёз, альманах, антология в.б.га ҳам тўхталишни жоиз кўрдик. Чунки "Ўзбек ёш шоирлари" (1922), "Адабиёт парчалари" (1926), "Гўзал ёзғичлар" (1925), "Гулдаста" (1971), "Ёшлик" (1976), "Ёшлик баёзи" (1979) каби нашрлар нафақат бошловчи ижодкорлар асарларини жамлаган, балки адабий ҳаётда муҳим из қолдиргани, айрим ижодкорларнинг асарлари дастлаб мана шу манбалар орқали китобхонларга етиб келганини ҳам инобатга олиб, улар ҳақида ҳам маълумот беришни лозим кўрдик.

Адабиётшуносликка доир ушбу ихчам талқинларни нашрга тайёрлаш баробарида хорижий тилларда (айниқса, инглиз, рус ва турк тилларида) эълон қилинган ушбу йўналишдаги ишларга таяндик. Рус тилида нашр қилинган 12 жилдли "Литературная энциклопедия" (1929-38, 10,11-жилдлари нашр этилмаган) , тўққиз жилдли (1-8 жилдлар – асосий, 9-жилд – қўшимча) «Краткая литературная энциклопедия» (1962-78), "Литературный энциклопедический словарь" (1987) кабилардан фойдаландик. Турк тилида чоп этилган "Турк дунёси адабий тушунчалари ва терминларининг энциклопедик сўзлиги", "Турк дунёси адабиётчилари энциклопедияси", "XX асрга қадар Турк дунёси адиблари википедияси" кабилар нафақат турк адабиёти тарихида, балки умумтурк дунёсида аҳамиятли манбалар саналишини, бу нашрларда ўзбек олимларининг иштироки борлигини инобатга олиб, баъзи масалаларни ёритишда уларга мурожаат қилдик[7]. Бундан ташқари, ҳар бир мақола доирасида фақатгина айрим адабиётларни тавсия этиш билан чекланмай, фойдаланилган адабий манбаларни аниқроқ (саҳифаларигача) кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, "Фойдаланилган манбалар рўйхати"да кўрсатилган сўнгги йилларда чоп этилган адабиётшунослик атамалари луғатлари, қомусий қўлланмалар (энциклопедия ва

---

[6] *Ганиева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2006; *Necatigil B.* Edebiyatımızda Eserler Sözluğü. İstanbul: Varlık yayınları, 1989.

[7] Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001-11; Turk Dunyasi Edebiyatclari Ansiklopedisi. Cilt 1, Ataturk Kultur Markezi, 2001-10; XX Yuzyıla kadar Turk Dunyası Yazarleri Sozlugu Vikipediyası. www.

справочниклар)даги англатма ва шарҳлар билан тайёрлаган материалларни солиштириб, уларда баён қилинган талқинларнинг тўлдирилишини таъминладик. Бундан юз йиллар аввал яратилган қомусий манбалар[8]даги маълумотлардан ўзбек адабий ҳаётига доирларини белгилаб олиб, улардан ҳам истифода этишга имкон топдик.

АЭдан фойдаланиш тартиби.

АЭдаги мақолаларга кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбоси асосида тартиб берилди. Изоҳланаётган сўздан кейин қўйилган рим рақамидаги белгилар I., II. унинг биринчи, иккинчи в.б. маъноларини билдиради. Қавс ( ) ичида сўзнинг луғавий маъноси кўрсатилди: сўз олинган тил, сўзнинг асосий луғавий маъноси, қўлланилиши мумкин бўлган маънолари ажратилди. Мас., ***АБОРИГЕНЛАР*** (лотинча: ab origine – *бошланишдан*, маҳаллий). Бу ўринда сўзнинг асосий маъноси курсивда ажратиб кўрсатилган. Агар изоҳланаётган сўз ёки тушунча бир неча маънони ифода қилса, унинг ҳар бир маъносига алоҳида мисоллар берилди. Мақолалар таркибида курсивда (мас., *азал*, *Амирий*) ёзилган сўзларнинг талқини ушбу АЭдан (бу ва бошқа жилдларидан) ўрин олган. Муаллифларнинг туғилган ва вафоти саналарини беришда йил, кун ва ойсаналари **1845/10.VIII–1904/6.VII.** тарзида кўрсатилди. Туғилган ёки вафоти саналари номаълум бўлса, сўроқ (?) аломати қўйилди ёки яшаган асрини (X) бериш билан кифояланилди. Ой, кун саналари аниқ сақланмаган бўлса, у ҳолда ёзувсиз қолдирилди. Асарнинг нашр санаси ҳам қавсда (1901) тарзида берилди. Агар унинг икки ёки ундан ортиқ нашри амалга оширилган ёки муаллиф томонидан қайта ишланган бўлса, ҳар бир нашр вергул билан ажратилди: (1927, 1938) каби. Сиймолар, адиблар ва муаллифлар исм + фамилия = ***АБАЙ ҚУНОНБОЕВ***, исм + тахаллус = ***АЛИШЕР НАВОИЙ,*** , тахаллуснинг ўзи = ***АМИРИЙ*** ва фамилия + исм = ***ААЗЕН,*** Ивар Андреас тарзида жойлаштирилди. Фамилияси бўйича келтирилган муаллифлар номи **қ.: Орипов, Абдулла** тарзида кейинги жилдларга ҳавола қилинди. Истилоҳ ва тушунчалардан кейин [ ] каби қавс ичида истилоҳ тегишли соҳа, унинг илк манбалари соҳаси ёки

---

[8] Брокгауз и Ефрон. Энциклопедический словарь в 12 т-х. Биографии. Т.I. М.: СЭ, 1991; *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом. 1-ж. / А.Юнусов тарж. Қўлёзма. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи архиви.

адабиёттшуносликнинг фаол қўлланиладиган бўлими кўрсатилди. Мас., [мифология] ёки [поэтика] каби. Адабиётларни беришда мақолада сўз юритилган муаллиф асарларига ♦ тўртбурчак маркер, ўша муаллиф ёки атама ҳақидаги асарларга эса, ● доира маркер белгиси қўйилди. Адабиётлар кетма-кетлиги нашр этилган санаси бўйича хронологик тартибда жойлаштирилди (айрим манбаларнинг нашр кўрсаткичлари тўла қўйилди). Асарлардан парча ва намуналар келтирилганда, қавс ичида уларнинг муаллифи, асар номи, нашр кўрсаткичи ва саҳифаси илова қилинди. Алишер Навоий асарлари каби нисбатан машҳур ва кўп марта нашр этилган асарлардан олинган парчалар барча нашрларда топилиши мумкин бўлсин учун Мукаммал асарлар тўпламидаги жилд ва ғазал рақами кўрсатилди. Мас.: (Алишер Навоий, "Бадойиу-л-васат": V, 288-ғазал) каби.

АЭда шартли белги ва қисқартмалар сўзбошидан кейин, фойдаланилган қомусий манбалар рўйхати эса жилднинг сўнгида келтирилди. Ҳар бир мақолага доир хусусий адабиётлар эса, ўша мақола остида кичик ҳарфлар билан кўрсатилди. Мавжуд энциклопедия ва лугатлардаги жорий тартибларга амал қилиниши билан бирга бизга номаълум муаллифнинг ижоди ҳақида муайян таассурот уйғотиш мақсадида айрим мумтоз адабиёт намояндаларининг асарларидан намуналар (мумтоз тазкиралардаги каби) ҳам келтирилди (бу анъана Шарқ адабиётшунослигига тегишли энциклопедия ва қомусий луғатларда мавжуд).

АЭнинг китобхонларга тақдим этилган ушбу жилди фақат "А" ҳарфи билан бошланувчи сўз ва тушунчаларни жамлаган холос, ҳали олдинда яна қанчадан қанча заҳматлар туфайли тузилган АЭнинг навбатдаги жилдларининг нашри масаласи турибди. Айни нашрни самимий фикр ва тавсиялари билан тўлдиришга ёрдам берувчи мулоҳазалар билдирганларга олдиндан миннатдорчилик айтиш баробарида уларнинг қимматли фикрларни инобатга олишликни зиммамизга оламиз.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

ШАРТЛИ БЕЛГИ ВА ҚИСҚАРТМАЛАР

♦ – мақолада сўз юритилган муал. асарлари.
• – у ҳақдаги адабиётлар.
? – туғилган ёки вафот санаси номаълум.
~ – тахминан.
I., II. изоҳланаётган тушунча ёки сўзнинг бир неча маънолари.
АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.
англ. – английский (инглиз т.).
б. – бинни (ибн, ўғли).
б-н – билан.
в. – вафоти.
введ. – введение (кириш)
вып. – чиқиш.
г. – год (йил).
газ. – газета.
ж. – жилд.
журн. – журнал.
ин-т – институт.
изб. – избранное (танланган).
изд. – издание (нашр).
й. – йил.
йй. – йиллар.
й.т. – йилда туғилган.
коммент. – комментарий (шарҳ).
Л. – Ленинград (Санкт-Петербург).
лит-ра – литература (адабиёт).
М. – Москва.
“Мажолис...” – “Мажлдису-н-нафоис”
Мас. – масалан.
мас. муҳар. – масъул муҳаррир.
МАТ – мукаммал асарлар тўплами.
м.а. – милоддан аввал.
муал. – муаллиф.
муҳ-р – муҳаррир.
нашр. – нашриёт.
нашр. тайёрл. – нашрга тайёрловчи.
НДА – номзодлик диссертацияси автореферати.

НМАК – Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.
пер. – перевод (таржима).
проф. – профессор.
реж. – режиссёр.
сах. – саҳифа (форс-тожик тилида).
S. – саҳифа, хорижий манбаларда.
Сб. – сборник (тўплам).
сост. – составитель (тузувчи).
соч. – сочинение (асар).
СПб. – Санкт-Петербург.
СЭ – Советская энциклопедия (нашриёт номи).
Сов. пис. – "Советский писатель" (нашриёт номи).
Т. – Тошкент.
т. – I. том (рус тилидаги адабиёттлар кўрсаткичида)
II. тил, тили, тилида (ўзбек тилидаги матнларда).
талқ. – талқини.
танл. – танланган.
тарж. – таржима.
туз. – тузувчи.
ун-т – университет.
фак-т – факультет.
фам. – фамилия, фамилияси.
филол. ф. докт. – филология фанлари доктори.
франц. – француз.
Худож. лит-ра – "Художественная литература" (нашриёт)
ч. – часть (қисм).
ш. – шаҳар.
энц-я – энциклопедия.
яз. – язык (тил).
Ўз-н – Ўзбекистон.
ЎзРФАШИ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
ЎМЭДИН – Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти
қ. – қаранг.
қад. – қадимги.
ҳоз. – ҳозирги.

А

Адабиёт энциклопедияси

А – I. Осиё ва Европа т.ларида алифбенинг биринчи ҳарфи, унли товуш. А. кидаелиб чиыиш нуқтаи назаридан юнон "альфа" си ва финикийларнинг "алиф" ҳарфидан олинган. Ўзбек кирилл ва 1929–39 йй., 1995 й.даги ўзбек лотин алифбосидаги биринчи ҳарф. Араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида "алиф" деб юритилган. А. (алиф) *абжад* ҳисобида бир рақамини англатади. Эски славян (черков) тилида А (аз – мен) бир рақамини, мингни, ўн мингни ва юз мингни англатган.

II. юнон т.да ва унинг асосида шаклланган Европа т.ларида қўлланиладиган олд қўшимча (префикс). А. инкор маъносини англатади. Мас., *морал* – ахлоқ, *аморал* – ғайриахлоқий. Замонавий ўзбек тилига *бе-, -сиз* қўшимчаси воситасида тарж. қилинади: *ахлоқсиз* тарзида.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5; Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва мас. муҳар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004.

ААЗЗ (арабча:) – энг азиз; азизрок: эл орасидан чиққан улуғ, фозилларга нисбатан қўлланиладиган сифат.

Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ,
Ким халқнинг ааззи деди: «Азза ман қанаъ».

(Алишер Навоий, "Бадойиу-л-васат": V, 288-ғазал)

Мазмуни: Агар азиз бўлишни Аллоҳдан тиласанг, элга тамаъ назари б-н қарама, халқнинг энг азизи (яъни Пайғамбар с.а.в.) дейдики: Ким қаноатли бўлса (ўша) азиздир.

- Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ). 1-ж. Акад. Э.Фозилов таҳрири остида. Т.: Фан, 1983. Б.21.

ААЗЕН, Ивар Андреас (1813–96) – норвег т.шуноси, маҳаллий шевалар асосида норвег адабий т.ни шакллантиришга ҳаракат қилган. Норвег т. грамматикаси (1848) ва халқ шевалари луғати (1850)ни тузган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

ААЛЬ, Яков (1773–1844) – норвег адиби ва давлат арбоби. Порсгрунд (Норвегия)да туғилган, аниқ фанлар ва диний илмлар б-н шуғулланган. 1814 й. қабул қилинган ва ҳозиргача амалда бўлган Норвегия Конституциясининг муаллифларидан. Унинг асарларидан энг машҳури "Христиания" (1844–45)дир. Бундан ташқари Снорре Стурлезоннинг шу номдаги асарини норвег

т.га тарж. қилган (1938-39). «Nutid og Fornid» номли сиёсий-иқтисодий газ. чиқарган (1833-36).

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.7.

ААРОН (Инжил) [диншунослик] – "Қадимги аҳд" ("Таврот") китобида яҳудий руҳонийси, руҳонийлик каста (синф)сининг асосчиси. "Қуръони карим"да Хорун. Яҳудий мифологиясида Авраам ва Иохавед ўғли, Мусо ва Марйамнинг укаси. Яҳудийларнинг Мисрга келиши вақтида тугилган. Унинг таваллуди манбаларда м.а. 1578 й. деб берилади. Машҳур нотиқ бўлган, фиръавнлар б-н бўлган мунозарада Мусонинг нойиби сифатида қатнашган. Кейин А. ва унинг фарзандлари Яхве томонидан чекланмаган имтиёзларга эга бўладилар. Умрининг 123 й.ида Ор (бошқа ривоятга кўра Мосер) тоғида вафот этади. Инжилнинг сўнгги тафсирчилари уни «идеал руҳоний» сифатида улуғлайдилар. "Талмуд"да А. нинг ширинсуханлиги, юмшоққўнгиллиги ва сулҳпарварлигига урғу берилади. Унинг рухига православ черковида Муқаддас ота ҳафталиги ўтказилади.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21; Мифологический словарь. М., 1990. С.12; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.8.

ААРНЕ, Антти Аматус (1867–1925) – фин фольклоршуноси, тарихий-географик фольклоршунослик мактаби вакили. Қиёсий методнинг техник усулларини ишлаб чиққан, уларни эртак, қўшиқ ва топишмоқларга татбиқ этган. А.нинг асосий ишлари: «Эртаклар типлари кўрсаткичи» (1910, С.Томпсон томонидан тўлдирилган ва давом эттирилган), «Эртакларни қиёсий ўрганиш асослари» (1913), «Эртаклар ҳақидаги ад-тлар шарҳи» (1914), «Топишмоқларни қиёсий ўрганиш" (1-3 ж., 1918). Бу кўрсаткич ва шарҳлар жаҳон халқлари эртакларини ўрганишда доимий дастур ҳисобланади. А. кўрсаткичи асосида рус олими Н.П.Андреев "Аарне системаси асосида эртаклар сюжети кўрсаткичи" (1929) тайёрлаган.

• *Андреев Н.* Антти Аарне. Художественный фольклор. 1926. № 1; *Никифоров А.И.* Финская школа перед кризисом // Советская этнография. 1934. № 4; *Конкка У.* Финская школа о сказке / Труды Карельского филиала АН. Вопросы лит-ры и народного творчества. Петрозаводск, 1959; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.22; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

ААРРА [мифология] – қад. араб мифологиясида Басра ш.нинг ҳомийси. Деҳқончилик, фаровонлик маъбуди. Эллиник даврда Дионис б-н кўришган. Бошқа ривоятларга кўра А. *Душара*нинг яширин сақланган ҳақиқий исми.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21; Мифологический словарь. М., 1990. С.12.

ААХ (Ях) [мифопоэтика] – Миср мифологиясида Ой маъбудаси, Фивада ҳам эъзозланган. А.га дастлаб Ернинг Ойдаги йўлдоши сифатида қаралган. У тасвирларда бошида ярим ой ўрнатилган ҳолда ёки лочин бошли тарзида ифодаланган. А. ҳақида "Ана папируси"да ва *"Марҳумлар китоби"*да

ёзилган. Айрим манбаларда Осирис – Аах деб берилган. А. культи Ўрта хонлик даврида кучайган. А. культи шумерлардаги Яха ва яҳудийларнинг Яхва ҳақидаги культларининг параллели сифатида қаралади.

• Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.10-27.

ААХМЕС (в. м.а.1530) – Миср фиръавнларидан бири. Фиръавн Ухабрани енгиб, унинг ўрнини эгаллаган. Юнон манбаларида юнонларнинг ҳимоячиси сифатида т.га олинади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

АБ (арабча: اب – ота) – ота, сўзнинг мустақил шакли.

Зотида ҳаё била адаб ҳам,
Ул навъки амму холу аб ҳам.

(Алишер Навоий, «Лайли ва Мажнун»: IX, 74)

Мазмуни: Зотидаги ҳаё ва одоб, худди аммаси, холаси, тоғаси ва отасига ўхшашдир.

АБАГИНСКИЙ (Кудрин), Архип Георгиевич (1907–1960) – XX аср ёқут шоири. «Шеърлар ва қўшиқлар» (1927), «Қадам-бақадам» (1931), «Ғалабадан ғалабага» (1939) шеърий тўпламлари муаллифи. «Шанхай» (1933), «Мен – Ватан ўғли» (1938) достонларини ёқут т.да ёзган. «Шарқ» ва «Ғарб» публицистик китоблари бор. Ёқут шеъриятига *акцент шеър*ни олиб кирган.

♦ *Абагинский А.* Избранное. М.-Якутск: 1953. Якутию пою. Магадан, 1957.

АБАД (арабча: ابد – сўнгги йўқ, мангулик) [тасаввуф] – чексизлик, давомийлик, ниҳоясизлик, сўнгги йўқ замон, бироқ ибтидоси бор вақт ўлчови. А. *азал*нинг зидди. Азалнинг ибтидоси йўқ, бироқ интиҳоси бўлиши мумкин. Азал-абад эса, ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ чексизликдан иборат. А. истилоҳи диний ва дунёвий талқинда қўлланилади. Дунёвий талқинда вақт ёки замоннинг доимийлиги, чексизлигини англатади.

Тасаввуфий маънода А. шундай муддатки, унинг ниҳоясини инсон ақли тасаввур қила олмайди. А. ниҳоясизликка қараб, Ягона Яратувчининг мавжуд ва доимо ҳаракатда бўлиши, нихоясиз мавжудликдир. Айни тушунтириш Саййид Шариф Журжонийнинг «ат-Таърифот» асарида келади. Эрон тасаввуф олими Саййид Жаъфар Сажжодий "Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати"да мазкур таърифни кенгроқ англатган. Ибн Сино замоннинг чексиз давомини А. деб англатган бўлса, ал-Киндий асарларида ўзининг давом этиши учун бошқага муҳтож бўлмаган ва борлиги сабабга боғланмаган доимийлик, деб таърифланган. Тусийнинг талқинига кўра, А. Аллоҳдан бошқа нарса ва ҳодисаларга ҳам қўлланиши мумкин, бироқ А. ва азал Аллоҳдан бошқаларга нисбат берилмайди.

А. га тасаввуф фалсафасида Яратувчининг сифатлари тарзида ҳам қаралади. Қайсарий "Кашшофу истилоҳоти-л-фунун" ("Фан истилоҳларининг кашф этилиши") асарида ушбу фикрни давом эттириб, А.нинг азалийлиги ва азалнинг абадийлигини таърифлайди. Унингча, азал ва А. Аллоҳнинг икки сифати бўлиб, унинг мавжудлиги зарурияти (вожибу-л-мавжуд) инсон ақли орқали тушунилиши учун замонга нисбат берилган. Ҳазрат Навоий асарларида ҳам А. Аллоҳнинг доимий мавжудлиги ҳамда ниҳоясизлик, сўнгги йўқ замон маъноларида қўлланилган:

Зиҳи ниҳоятинг охир келиб абад аввал,
Вале хабар бера олмай бидоятинга азал.

(Алишер Навоий, Наводиру-ш-шабоб: IV, 368-ғазал)

Ҳар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст,
То абад гам йўқ агар бўлса яна ё бўлмаса.

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар: VI, 24-ғазал)

Ҳаётингиз зулоли абадга дегинча жорий ва давлатингиз қуёши қиёматгача завол касофатидин орий бўлсун, омин.

(Алишер Навоий, Муншаот: 138-мактуб)

~ ***нуқтаси*** – ғузалликнинг доимий ва ўзгармас белгиси (айрим ҳолларда ягона бир дона хол):

Эй сафҳаи рухсоринг азал хуттидин иншо,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

(Алишер Навоий, Ғаройибу-с-сиғар: III, 23-ғазал)

~ ***умри*** – туганмас, бокий умр:

Куйида ўлсам, абад умрича бор бу умр агар,
Қилмаса хориж танимни, итларига судратиб.

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар: VI, 41-ғазал)

Эй, Навоий, гар насибингдур абад умри керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар: VI, 15-ғазал)

~ ***ҳаёти*** – туганмас, мангу ҳаёт:

Абад ҳаёти каби васлига етишкунча,
Фироқ маҳлакаси ичра умр омон бермас.

(Алишер Навоий, Бадоеъу-л-васат: V, 245-ғазал)

- *Алишер Навоий*. МАТ. 7-ж. Т.: Фан, 1991. Б.18-22; Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва масъул мух-р: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.5-6; АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.21.

АБАДЗЕХИ [этнография] – *адигей* қавмига мансуб этнографик гуруҳ. А. ўтмишда адигейларнинг бир уруғи сифатида танилган. Ҳозир бу уруғга

мансуб кишилар Адигей республикаси (Россия Федерацияси) Шовгенов туманида истиқомат қилишади. Асосий касблари: деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик. Адигей тилининг А. шевасида сўзлашадилар. А. мансуб кишилар ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қиладилар.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАДИЙ (арабча: ابد – сўнгги йўқ, мангулик) [фалсафа, тасаввуфшунослик] – мангу, доимий, ҳамишалик. Фалсафада борлиқ, оламдаги мунтазамлик ва барқарорлик. Моддий жиҳатдан қараганда материя А. мавжуд. Бироқ диний тасаввур бўйича материя Яратувчининг яралмиши, шундай экан, унинг абадийлиги нисбий. Материяга нисбатан унинг Яратувчиси А. ҳисобланади. А. Аллоҳнинг доимий сифати бўлиб, ҳамма маъноларда ҳам абадийлик тимсоли Ягона Аллоҳдир.

Масти абадий бўлгуси мен янглиғ азалда,
Ҳар кимки фано дайрида бир жом симурди.

(Алишер Навоий, "Фавойиду-л-кибар": VI, 588-ғазал)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.21.

~ ***мавзу*** – бад. асар асосига қўйилган воқеа ва ҳодисалар, моҳият ва мазмуннинг мангулик, доимийлик касб этиши. Мас., маърифий ад-тда илоҳий (Аллоҳ) мавзуга ва бадиий ад-тдаги муҳаббат, севги мавзусига нисбатан қўлланиладиган сифат. А. мавзуга бағишланган Имом Ғаззолийнинг "Кимиёи саодат", машҳур хамсанавислар томонидан яратилган "Хусрав ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" каби асарлар; Ғарб ад-тида муҳаббатни абадий мавзу сифатида талқин этган "Ромео ва Жульетта", "Руслан ва Людмила" достонларини т.га олиш мумкин.

~ ***қиёфат*** – Яратганнинг доимий мавжудлиги ва унинг инсон қалбида доимо акс этиши. А.к. Шайх Нажмиддин Кубронинг талқинича, Аллоҳга яқинлашиш ва унинг сифатлари б-н ахлоқланишнинг ўн усули (усули ашара)да доимий зикр б-н юрувчи солиқларгагина хосдир. Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани унутиб, унинг ёди б-н яшамоқ доимий зикрдир.

- *Шайх Нажмиддин Кубро.* Усули ашара / Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.142.

АБАДИЙЛАШМОҚ (арабча: тааббуд) – қ.: *тааббуд.*

АБАДИЙЛАШТИРМОҚ (арабча: таъбид) – бирор адиб ёки машҳур шахс исми тарихда сақланиши учун ш., кўча, хиёбон ёки ўқув муассасаларига унинг номини қўймоқ. Яна қ.: *таъбид.*

АБАДИЯТ [тасаввуфшунослик] – мангулик. Тасаввуфда Ягона илоҳга нисбатан қўлланиладиган Ҳақлик сифати. А. тасаввуф алломаларидан

Рузбеҳон Наврузнинг талқинича, бу вақтинчалик абадийликдир. Ҳужвирийнинг тушунтиришига кўра, чеки, чегараси йўқ ҳодисалар.

«АБАДИЯТ ҚОНУНИ» – грузин адиби Нодар Думбадзе асари.

АБАЕВ, Василий Иванович (1900–?) – осетин тилшуноси. Диалектология, этнография ва фольклор мутахассиси. Асосий асарлари: «Осетин эпосидан» (1939), «Нартлар эпоси» (1945), «Осетин нутқи ритмикаси» (1949), «Тил тарихи – эл тарихи» (1952), «Этимологик тадқиқотлар тамойиллари ҳақида» (1956).

♦ Осетинский язык и фольклор. М.Л., 1949; Нарты / Эпос осетинского народа совместно с другими. М., 1957; Грамматический очерк осетинского языка. М., 1959.

• *Исаев М.* Славный путь ученого // Известия Северно-осетинского научно-исследовательского ин-та. 1960, т.22. Вып.1; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.22.

АБАЖИ, Тоҳир (1951 й.т.) – турк адиби. Истанбул ун-ти журналистика ин-ти ва ҳуқуқ фак-тини битирган. Малатия "Себат" газ. (1967-68)да маданият бўлимини бошқарди, "Doğru" ("Туғри") журн. (1973–76)нинг асосчиларидан бири. "Йурт ансиклопедияси" тузувчиси.

«Геден умрумуз» ("Ўтган умримиз", 1976) ҳикоялар тўплами, «Одалари утандиран дағлар» ("Уйларни уялтирган тоғлар", 1976), «Басит шейлар» ("Оддий нарсалар", 1980), "Айнади бир юз" ("Кўзгудаги жамол", 1994) шеърий тўпламлар муаллифи. Тарихий мавзуда "Ағир Акан су" (1990), "Сижак ҳайат" (1994), "Илк одим" (2002) каби романлар ёзган.

• *Necatigil B.* Edebiyatımızda isimler Sözlüğü. İstanbul: Varlık yayınları, 1989. S.9; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.3.

АБАЗА (абазинлар) [этнография] – халқ, элат номи. Кавказда ва Туркияда яшайди. А.т. Кавказ т.лари гуруҳига киради. А.нинг аждодлари Қора денгиз бўйларида яшаганлар. Ҳозир Кавказда IV асрдан бери яшайди. *Адигей*лар б-н яқин алоқага киришиб, ҳатто чатишиб кетган. А. халқи ислом эътиқодини қабул қилган. А. номли қишлоқ (1856) Хакасияда бўлиб, кейинроқ шаҳар (1966, Россия Федерацияси)га айланган. У Абакан дарёсининг шим.да жойлашган.

• Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАЗА, Константин Константинович (1841–1905) – рус оммабоп тарихий очерклари муаллифи. «Бошланғич ҳарбий мактабларда таълим раҳбарлиги» (1873), «Азбука» (1883), «Арифметика» (1884) ўқув китобларини ёзган. «Шарқ ва Ғарб халқларининг қаҳрамонлик ҳикоялари» (1891), «Ватан қаҳрамонлиги ҳикоялари» (1891), «Туркистоннинг босиб олиниши. Ҳарбий тарихдан ҳикоялар, табиат ҳикоялари ва маҳаллий аҳоли (туземцы) ахлоқлари» (1902) каби асарларида ватансеварлик ғояларини илгари сурган.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TDU AXBOROT-RESURS MARKAZI
KUTUBXONASI

• *Бутовский Н.Д.* О способах обучения и воспитания современного солдата. СПб., 1908. *Брокгауз.* Военная энц-я, т.1. Спб., 1911. РП, 11.

АБАЗГИЛАР [этнография] – Турон қавмларидан бўлиб, III–VII асрларда Қора денгиз бўйларида яшаган. Манбаларда Византия қўшини таркибида т.га олинади. Кавказ т.ларига мансуб абазги т.да гаплашувчи айрим қавмлар мавжуд. А. Россия федерациясининг Қорачой-Черкез ва Адигей мухтор вилоятларида, қисман Ставропол ўлкасида (33 минг киши) яшайди. *Абхазлар*нинг қадимги аждодлари саналади.

• Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиклол, 2008. Б.24-25.

АБАЗИНЛАР – Кафказ аҳолиларидан бири. А. 38 минг киши (2002)ни ташкил қилади. Сравропол ўлкасида ва қисман Туркияда ҳам яшайди. А. умумий сони 50 минг нафар атрофида, ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қиладилар. А.т. Кафказ т.лари оиласининг абхаз–адигей гурухига мансуб, А.т. Қорачой-Черкез ўлкасида тарқалган бўлиб, икки шева тапант ва ашхар асосида шаклланган. А.т.да 20 мингдан ортиқроқ киши сўзлашади. 1932 й.дан лотин, 1938 йилдан кирил ёзуви қўлланилади.

• Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАЙ (Иброҳим) Қунонбоев (1845/10.VIII–1904/6.VII) – козоқ маърифатпарвар адиби, янги козоқ ёзма ад-тининг асосчиси. Мансабдор Қунонбой Ускенбай ўғли оиласида Чингизтав (Жар.Қозоғистон)да туғилган, Еттисув мадрасасида таҳсил олган. Асарлари шоирнинг ҳаётлигидаёқ Уфа, Оренбургда босилган. Шеърлар тўплами Тошкент ва Қозонда (1922) нашр этилди.

Тўрт фасл «Қиш», «Баҳор», «Ёз», «Куз» туркум шеърлари, асосан, олтилик ва саккизликлар шаклида ёзилган бўлиб, козоқ шеърияти учун янгилик саналган. «Маъсуд» (1887), «Азим ҳақида ривоят» достонларида Шарқ мумтоз ад-ти, хусусан, Фирдавсий, Навоий ва Фузулий анъаналарини давом эттирган. «Искандар» достони машҳур сюжетдан фаркли равишда Искандар Зулқарнайн босқинчилигини қоралайди, унинг қаршисига Арасту ҳаким образини қуяди. Лирик ва сатирик шеърлар муаллифи. «Насиҳатлар» насрий китобида Саъдий анъаналарига содиқлик бор. Қозоқ шеър шакллари ҳақидаги "Сегиз аяқ" ("Саккизликлар") илмий асарини ёзган.

А.Қ. бастакор сифатида ўзи ёзган шеърларининг айримларига куйлар боглаган ва бу қўшиклар бир неча йиллар давомида козоқ қўшиқчиларининг репертуаридан доимий ўрин олган. А.С.Пушкин, М.Лермонтов, И.Крилов асарларини козоқ т.га тарж. қилган. Мухтор Авезов шоир ҳақида кенг тасаввур берувчи "Абай йўли" тетралогиясини яратган.

♦ *Абай.* Асарлар (козоқ т.). 1-2 - ж. Олмаота, 1977; Изб. М., 1981.

• *Бейсембиев К.* Мировоззрение Абая Кунанбаева. Алма-ата, 1956; *Сильченко М.С.* Творческая биография Абая. Алма-ата, 1957; *Авезов М.* Абай йули. 1-4-ж. Т., 1958;

Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.23-24; *Ауэзов М.* Статьи, исследования. Алма-ата, 1967; Абай энц-яси. Алмати, 1995.

АБАЙТАНУВ (қозоқча: *абайшунослик)* – қозоқ ад-тшунослигининг муҳим соҳаси бўлиб, ижоди қозоқ мумтоз ад-тининг чўққиси ҳисобланган Абайнинг ҳаёти ва ижоди масалаларини ўрганишни мақсад қилиб олган. Таниқли абайшунослар сифатида Аҳмад Бойтурсун, Кокитой Исақули, Алихон Бўкейхонов, Миржақип Дувлатов, Илёс Жансуғиров, Бейимбет Майлин, И.Мустамбайули, Ғ.Тўғжанов кабиларнинг ишлари тилга олинади. Олмаотадаги "Илим" нашриётида Абай ижодининг мажмуи сифатида адибнинг икки жилдли тўла асарлари эълон қилинган. А., шунингдек, Абай ҳақида яратилган бадиий ва публицистик асарларни ҳам ўз таркибига олади. Бу жиҳатдан Мухтор Авезовнинг "Абай йули" романи эътиборли. А.нинг кейинги й.лардаги ривожида И.Дуйсенбаев, З.Аҳмедов, М.Мирзаахмедов, А.Исқақов, Р.Сидикова кабиларнинг хизмати бор. 1995 й.да Олмаотада "Абай энциклопедияси" нашр қилинган.

- *Аҳметов Б., Шанбаев Т.* Адабиййаттанув терминдеринин сўзлиги. Алматы, 1996; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.9–13.

АБАЙ ШЕЪРИ (Абаев стих) [поэтика] – қозоқ мумтоз ад-тининг асосчиси Абай Қунонбоев фаол қўллаган шеър шакли. Халқ шеъриятининг ритмик имкониятлари ва қофия усули асосида ҳар банди саккиз мисрадан иборат тарзда қозоқ шеъриятига кириб келган. Абайдан сўнг беш, етти, саккиз ҳижоли вазнларда қўлланилган. Ушбу шеър шакли асосида Абайнинг "Сегиз аяқ" асари мавжуд бўлиб, қозоқ ад-тшунослигида А.Ш. ўрнида *сегиз аяқ* деб ҳам юритилган.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; *Аҳметов Б., Шанбаев Т.* Адабиййаттанув терминдеринин сузлиги. Алматы, 1996.

АБАКАН [топонимика] – Енисей (Энасой) дарёсининг чап ирмокларидан бири, Хокасиядан оқиб ўтади. Узунлиги 496 км, Саян (Олтинтоғ) тоғларидан бошланади, унинг бошланғич манбаси 1842 й. сайёҳ Чихачев томонидан топилган. Узунлиги 514 *км*, майдони 3200 *кв/м*. А. соҳилида яшовчи туркий халклар ҳам мана шу ном б-н юритилади.

А. ш. Хокас рес-касининг пойтахти. 163,4 минг нафар аҳоли (2009) истиқомат қилади. 1675 й.да аҳоли яшайдиган пункт, 1931 й.дан ш. макоми берилган (1925-31 йй.да Хокасск деб юритилган). Илмий маданий марказ сифатида Хокас ун-ти, Политехника ҳамда Тил, ад-т ва тарих инс-ти б-н танилган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

АБАКАН ТИЛИ [лингвистика] – хакас т.нинг қад. номи, айрим манбаларда Энасой туркилари т. деб ҳам юритилади (Н.А.Баскаков). Турк т.нинг Енисей ҳавзасида қўлланилган ва *сақай, белтир, қуйбал, қизил* каби гуруҳларга ажратиладиган лаҳжаси. Элатнинг номи Хакасия пойтахти Абакан ш. (1777 й.да Пётр I даврида Абаканск номи б-н барпо этилган) номланишида сақланиб қолган. 1960 й.даги маълумотга кўра, бу т.да 57 минг киши сўзлашар эди. Тарихан турк т.ларининг уйғур-ўғуз гуруҳига мансуб бўлиб, камасин, кйуэрик, шўр, сариуйғур ва олтой т.нинг шимолий диалектлари б-н бирга хакас т. гуруҳини ташкил қилади. А.т. генетик жиҳатдан қирғиз т. б-н боғланган.

- *Баскаков Н.А.* Тюркские языки. М.: 1960. С.198-204.

«АБАКАН» – адабий-бадиий альманах. Россия Ёзувчилари уюшмаси хакас бўлими чиқарган. 1948 й.дан «Хокас чироклари», 1954 й.дан эса «А.» номи б-н юритилади.

- Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.24.

АБАНТ (Абас) [мифология] – I. юнон мифологиясида жангари апантлар қабиласининг доҳийси, машҳур юнон подшоҳлари Посейдон ва Аретуснинг ўғли.

II. мифологияда Аргос подшоҳи, Гиперместра ва Линкейнинг ўғли, Акрисийнинг отаси, Данайнинг бобоси, Персейнинг улуғ бобоси, айрим манбаларда Мелампанинг ўғли.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21.

АБАРЛАР [этнография] – туркий қабилалардан бўлиб, дастлаб Или дарёси бўйларида яшаган жунгорияликлар. Кейинчалик тургашларга сингиб кетган. Кул Тегин ёдномаларида т.га олинган. Уларнинг бир қисми *мукри, соге ва алише* уруғлари б-н чатишиб кетган.

- Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Т.: Истиқлол, 2008. Б.24.

АБАРБАНЕЛ, Иегуда (1470–1521) – испан адиби. Насронийлик ва яҳудийлик руҳида асарлар битган. Файласуф сифатида *неоплатонизм* тарғиботчиси. “Муҳаббат ҳақида суҳбатлар” асари испан руҳонийлари орасида шуҳрат қозонган.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАРТИЙЧИЛИК (французча: abynaton) [фантастика] – юнон ва лотин хаёлий фантастик ад-ти. Манбаларда А. нинг икки кўриниши мавжуд бўлиб, инсониятнинг илк кунларидан ҳозирга қадар инсон хаёлоти б-н боғлиқ адабий ҳодисалар тушунилган. Европа ад-тида А. ўрнини фантастика эгаллаган.

- *Dutalt E.*, Le Theme de L'Adynaton dans la Poesie Antique. Paris, 1936; *Porter* L.L., La Fantasie et le Fatras. Paris, 1960.

АБАРТМА (туркча: abartma) [поэтика] – турк ад-тшунослигида *муболаға* истилохининг муқобили. Яна қ.: муболаға.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.8.

АБАС (форсча: майда, ушоқ) – оғирлик ўлчови. Гавҳар ва шу каби қимматбаҳо тошларни ўлчашда қўлланган. Бир А. = 0, 1458 *г*.

Адабий манбаларда "бефойда, кераксиз, беҳуда, бекор" маъноларида қўлланилган. Мас.:

Агар қойил эрмас бу ишга киши,
Бўлур бар абас офариниш иши.

(Алишер Навоий, Садди Искандарий: XI, XLVI боб)

Мазмуни: Агар бир ишга киши муносиб бўлмаса, унинг ишидан натижа бефойда, кераксиз бўлади.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.21.

АБАС (*лар*) ёки *абааслар* [мифология] – ёқут афсоналарида юқори (осмон), ўрта (ер усти) ва қуйи (ер ости) оламнинг ёвуз руҳи. Инсонга ўхшаш, лекин бир оёқли, бир қўлли ва бир кўзли махлуқ. Бутун зарарли ва заҳарли ўсимликларни А. яратган деб тасаввур қилинади. *Арсан-дуолай, Хара Суорун* исмлари кўп учрайди ва эпосда А. халқ қаҳрамонларининг душмани сифатида талқин қилинади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21-22; Мифологический словарь. М., 1990. С.12.

АБАСА (арабча: ابصه – юзини буриштирмоқ) [диншунослик] – Қуръони каримнинг 80-сураси. Маккада нозил бўлган, 42 оятдан иборат. Суранинг дастлабки ояти каримаси "Юзини буриштирди ва юз ўгирди" бўлгани учун ушбу сўз суранинг номига айланган. Сурада "инсонни яратишдаги, набототдаги ва таомдаги далиллар орқали Аллоҳ таолонинг биру борлиги исбот этилади" ("Тафсири ҳилол"). Сура мазмунида Абдуллоҳ ибн Умму Мактум (р.а.) қиссалари келтирилади. Сўнгра ношукр инсонлар, нонкўр ва кофирлар; инсон назари, қиёмат ва унинг даҳшатли белгилари хусусида баён қилинади.

- *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.* Тафсири ҳилол. 2-нашри. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.372-386.

АБАСИЙАНИҚ, Саид Фойиқ (1907 –1954) – турк адиби. Жумҳурият даври (1923 й.дан) ҳикоянависларидан бири. Истанбул ва Гренобл (Франция) ун-тларида таҳсил олган. Швейцария ва Францияда дарс берган. Асарлари 1936 й.дан босила бошланган. «Лузумсиз одам» (1948), «Осмонда булут» (1951), «Сўнгги қушлар» (1952), «Ширини кам» (1954) ҳикоялар тўпламлари муаллифи. «Суд залидан» очерк ва репортажлар китоби, «Маиший ҳаёт мотори» (1944), "Йўқалганни излаб..." (1953) романлари ва «Севиш вақти»

(1953) шеърлар китобини ёзган. Ўн беш ж.дан иборат асарлари чоп этилган (1970–89).

• *Бабаев А.А.* Очерки современной турецкой лит-ры. М., 1959; Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.24-25; *Miskioglü A.* Ana Temleriyle Sait Faik ve Yeni Turk Edebiyati. Ankara, 1979; *Uvguner M.* Sait Faik Abacıyanık. Ankara, 1983; *Necatigil B.* Edebiyatımızda isimler Sözlüğu. İstanbul: Varlık yayınları, 1989. S.9-10.

АБАШЕЛИ (фам. Чочня), Исак (Александр) Виссарионович (1884–1954) – XX аср грузин шоири. 1905 й.ги инқилобий ҳаракатларда қатнашгани учун 1908 й.гача камалган. Илк ижодида символистик мотивлар ўрин олган. Мас., «Қуёшнинг жилмайиши (1913) тўплами. Жаҳон уруши й.ларида «Онамга хат», «Сталинград» асарлари машҳур бўлган. «Олтин зиналар» (1950) ҳикоялар тўплами муаллифи. Грузин мумтоз шоири Ваша Пшавели тўла асарларини нашрга тайёрлаган.

♦ *Абашели И.В.* Асарлар. 1-2 ж. Тбилиси: 1958-60 (грузин т.); Сайланма. Тбилиси: 1968 (грузин т.).

• *Жгенти В.Д.* Александр Абашели. Тбилиси, 1958; Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.25.

АБАШИДЗЕ, Григол Григорьевич (1914/19.VII–1994) – XX аср грузин шоири. Тифлис ун-тини тамомлаган. Шеърлари 1934 й.дан чоп этила бошлаган. «Олтин ишком» (1966) шеърлар тўплами б-н шуҳрат қозонган. Жаҳон уруши й.ларида "Душманлар" (1941), «Енгилмас Кавказ» (1943) достонларини ёзган. "Уч даврга саёҳат" (1957), «Ялдо кечаси» (Жалолиддин Мангуберди ҳақида) (1963), «Цотнэ ёхуд Гуржистоннинг кўтарилиши" (1975) романларининг муаллифи. "Кранали" тарихий романида Кавказорти мамлакатларидаги XIII аср ҳаёти акс этган. «Аждодлар ва замондошлар. Хатлар» (1979) эсселар китоби нашр этилган. Грузия давлат мадҳиясини ёзган.

♦ *Абашидзе Г.* Асарлар. 1-4 ж. Тбилиси., 1970-76 (грузин т.); Стихотворения и поэмы. М., 1961; Собр. соч., т.1-3. М., 1976-78.

• *Апхаидзе Ш.Г.* Абашидзе. Тбилиси, 1958; *Барамидзе А., Радиани Ш., Жгенти Б.* История грузинской лит-ры. М., 1958; Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.25-26.

АБАШИДЗЕ, Ираклий Виссарионович (1909/10.XI–1992) – XX грузин шоири, академик. 1953–67 йй. Грузия Ёзувчилари уюшмасини бошқарган, 1967 й.дан умрининг охирига қадар Грузин Миллий энц-ясининг раҳбари. «Яқинлашув» (1966), «Гуржистон қушиқлари» (1971), «Ватан» (1973), «Риони водийси шамоллари» (1979) китоблари нашр қилинган. "Шота Руставели изидан" (1966), «Фаластин, Фаластин» (1963) китоблари учун Давлат мукофоти б-н тақдирланган. "Дўстлар, йўллар, ўйлар" (1979) саёҳат хотиралари муаллифи. А. шеърлари ўзбек т.га тарж. қилинган, А. Зулфия шеърларини грузин т.га тарж. қилган.

♦ *Абашидзе И.* Шеърлар. Т., 1962; Асарлар. 1-2 ж. Тбилиси, 1979 (грузин т.); Изб. М., 1979.

• *Маргвелашвили Г.И.* Абашидзе. Тбилиси, 1958; Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.26.

АББА, Жузеппе Чезаре (1838–1910) – италян адиби. «Романья» (1887), «Эски шеърлар» (1906) тўпламлари, «1784 й.да Бермида соҳили» (1875) тарихий романи муаллифи. «Куартодан Волтурногача: "Мингдан бир (киши)нинг қайдлари" (1880) хроникаси б-н машҳур. «Тарих саҳифалари» публицистика китоби (1-3 ж., 1914) бор.

• Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.27.

АББАНЯНО, Никола (1901 –1977) – италян файласуфи ва филологи. Турин ун-ти профессори. «Позитив экзистенциализм» асосчиларидан бири. М.Хайдеггер, К.Ясперс, М.Марсел, Ж.П.Сартр каби немис ва француз экзистенциалистлари давомчиси. Бевосита фалсафага доир ишларидан ташқари, инсон ва табиат муаммосига ўзгача ёндошиб, уларнинг ўртасида техника туради ва инсон унинг ёрдамида нарса ва табиатга таъсир кўрсатади деган қарашни ифодалаган. Инсоннинг табиатга қайтиши тарих орқали рўй беради. Инсон тарих воситасида табиатни замон талотумларидан сақлаб қолади. Санъат ҳам табиатга қайтиш йўли бўлиб, у инсоннинг тўла эркин танлови асосида юзага келади. Бу жиҳатдан инсоннинг олдида кенг имкониятлар уфқи очилади. А. ўз қарашлари б-н позитив экзистенциализм вакилига айланган.

• *Эфиров С.А.* Итальянский позитивный экзистенциализм / Современный экзистенциализм. М., 1966; *Долгов К.М.* Аббаньяно / Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.5-6.

АББАТ I (сурёнийча: *abba* – ота) [диншунослик] – католик рухонийси, черков бошлиғи. V асрдан Ғарбий Оврупада орден (мазҳаб) бошликлари ҳам шундай аталган.

А. тахаллуси остида Францияда кўплаб антиклерикал (динга қарши) романлар ёзилган. Бу асарлар Парижда «Le Maudit», «La Religieuse», «La Moine» номлари б-н (1863) нашр этилган. Муаллифлари сифатида Луи Мишон, Луи Улбах т.га олинади.

II. француз адиби ва файласуфи Шарл Перро (1628-1703)нинг «Қадимчилар ва янгичилараро параллел" (1688-92) асарининг рамзий қаҳрамонларидан бири. Перро асари беш диалог асосига курилган. Улардан учинчи диалог нотиқлик ҳақида, тўртинчиси эса поэзия тўғрисидадир. Ушбу асарда Раис б-н баҳсга киришган Аббат янгилик тарафдори сифатида кўрсатилади. Сўзбошида Перро ёзганидек, "Мени Аббат сўзларининг тарафдори деб билувчиларнинг қарашларига қўшилиш менга маъқул келади, бироқ мен Шевале айтган сўзларига жавоб беролмайман..." Демак, қад. юнон файласуфлари каби муаллиф ўз қарашларини Аббат воситасида баён қилади. Шарл Перронинг замондоши, машҳур классицист Никола Буалонинг ёзишича, Аббат тимсоли француз эстети Юэ қарашларига яқин келади. Муаллифнинг Аббат номидан ёзишига кўра, "поэзия учун асосийси ёқиш

(китобхонга), нотиқлик санъати учун эса, ишонтириш. Шунинг учун қайси предмет ҳақида гапирмасин, (поэзия) уни ранглар б-н бўяб турли ҳолатларда кўрсатадики, у (предмет) тасвирда бизга ёқсин; поэзия тасаввурни шундай чизадики, у бизга ёқиш б-н бирга, тасаввуримизни образлар б-н тўлдиради..." Шундай қилиб, Шарл Перронинг Аббат воситаси орқали англатган қарашларига кўра, қад. ад-т гўзал, бироқ уни такрорлаш б-н тараққиётга эришиб бўлмайди. Худди устоз ва шогирд Афлотун ва Арасту каби. Улар бир йўналишдаги олимлар, бироқ Арастунинг қарашлари устозиникидан айрим ўринларда кескин фарқ қилади, ҳатто уни инкор қилади. Биз ҳам қад. поэзия ва фалсафадан ҳайратланиш б-н бирга унинг қаршисига янги, бугунги санъат асарлари туғдирган масалаларни қўйишимиз керак. Қад.лар ҳар канча даҳо бўлишмасин, ўзигача ўтганларни таҳлил қилиб қолдирганлар холос.

♦ *Перро Ш.* Параллель между древними и новыми в отношении поэзии / Спор о древных и новых: История эстетики в памятниках и документах. М.: Искусство, 1985. С.142-245.

• *Бахмутский В.Я.* На рубеже двух веков / Спор о древных и новых: История эстетики в памятниках и документах. М.: Искусство, 1985. С.7-40. *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энцкий словарь в 12 томах. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.13; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7.

АББАТ ПРЕВО – француз адиби. «Кавалер де Гриё ва Манон Леско қиссаси» (тарж. Ж.Абдуллахонов), "Мусулмон гўзалининг бошидан кечирганлари" асарлари муаллифи.

♦ *Аббат П.* Кавалер де Гриё ва Манон Леско қиссаси // Жаҳон ад-ти. 1999. № 1-2.

АББАТЛИК (сурёнийча: *abba* – ота) [диншунослик] – католик черковларининг мулки. А. мулки аббат (эркак) ёки аббатисса (аёл) томонидан бошқарилган. Ўрта асрларда диний урушлар туфайли қўлга киритилган мулк (ер)лар ёки айрим бойлар томонидан ҳадя этилган ерлар эди. А. ерларида кўпроқ черков ходимлари, диний талабалар таътил пайтларида меҳнат қилганлар. А. XVI асрдан ўз эътиборини йўқота бошлаган. Мусулмон вақфларидан фарқли равишда А. сотилиши мумкин бўлган мулк. Войничнинг "Сўна" романида А. ҳақида бадиий лавҳалар бор. А. Реформация ва Маърифатчилик даврида сиёсий куоашларда ҳам иштирок этган, ўзини черковдан юқори қўйган. Католикларнинг "Қонуний ҳуқуқ кодекси" (1982) А. ҳуқуқини оддий католик черкови даражасида белгилаган.

• *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

«АББАТЛИК» («l'Abbaye») [адабий жараён] – француз адиблари гуруҳи. 1906 й. кузида Ш.Вилдрак ва Р.Аркос Франсуа Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэл» романидаги Телемага тақлидан Париж яқинидаги Кретей (Creteie) деган жойга маскан қурдилар. У ерда кичик босмахона ташкил қилдилар. А. гуруҳига А.Мерсеро, Ж.Дюамел, Ж.Ромен, Ж.Шенневер, Л.Дюртен каби адиблар, рассом А.Глез ва бастакор А.Дкаен қўшилганлар. 15 ой давомида 20 дан ортиқ асар нашр этган босмахона моддий жиҳатдан

қийналгани учун ёпилган. «А.» гуруҳи символизмга қарши эканлигини яширмайди. А. тарафдорлари У.Уитмен ва Э.Верхарн руҳида асарлар битдилар, сўнг тарқалиб кетди. «А.» ғоялари кейинроқ *унанимизм* оқими тарафдорлари томонидан давом эттирилган.

- История французской лит-ры. Т.3. М., 1959; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.28; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.6; *Cuisiner A. Jules Romains: L'unanimisme et les hommes de la bonne volontй. P., 1966.*

АББЕВИЛ МАДАНИЯТИ [археология] – илк палеолит даврида Европадаги маданият. Мутахассислар унинг даврини милоддан 1,5 млн. й. аввал юзага келган деб тахмин қиладилар. XX аср 20–30 -й.ларида Франциядаги Сомма водийсидаги Авил ш.да археологик қазишмалар натижасида палеолит даврига оид меҳнат қуроллари топилган. Бу Париж яқинидаги Шелли маданиятидан қадимийроқдир. Табиий иқлимнинг ёмонлашиши оқибатида Африкага кўчиб кетганлар.

АББОС, Абулфазл Ҳошимий (566–652) – Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиси, Абдул Мутталибнинг фарзандларидан бири. Маккада туғилган, отасининг исми Нутайла. Дастлаб тожир, отасининг вафотидан сўнг унинг ўрнига Замзам булоғининг назоратчиси бўлган. Бадр жанги (624)дан сўнг мусулмонликни қабул қилган. Унинг таъсирида кўплаб қурайшликлар исломни қабул қилганлар. Макка фатҳида (630) Пайғамбар (с.а.в.)га ёрдам берган. Муҳаммад (с.а.в.) вафот этганида Ҳазрат Али б-н биргаликда дафнга тайёрлаган. Қуръони каримнинг араб т.даги дастлабки тафсирининг муал.и сифатида ҳам т.га олинади. Ҳижрий 32 й.да вафот этган.

А.нинг тўнғич фарзанди *Абдулла ибн А. аббосийлар* сулоласи (750-1258, Бағдод)га асос солган. Бу сулола 750 й.дан Бағдодда халифаликни бошқарган. Сулоланинг сўнгги вакили Муътасим Мисрга кочиб, авлодларига халифаликни қолдирган. Мисрда халифаликни Нуриддин, Салоҳиддин, Султон Бейбарс каби мамлуклар бошқарган. 1517 й.дан халифалик турк султонларига ўтган. Аббосийлар сулоласининг вакиллари хозирга кадар Туркия ва Шимолий Ҳиндистонда яшаётгани қайд қилинади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.11; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7.

АББОС, Хўжа Ахмад (1914–?) – ҳинд адиби ва режиссёри. Урду ва инглиз т.ларида асарлар ёзган. А.нинг «Эртанги кун сизга тегишли» (1945), «Инқилоб» (1954), «Тўрт қалб, тўрт йўл» (1959) романлари, «Нур ва тун» киссаси ва «Қиз» (1942), «Аудха кечаси» (1956), «Қизил ва сариқ», «Менинг ўғлим – душманим» (1953), «Гуруч» (1943), «Тош ўриндиқда минг кеча» (1957) ҳикоялар тўпламлари бор. Драматург сифатида «Зубайда» (1941), «Ананас ва атом бомбаси» (1943), «Абадийлик» (1951) драмаларини ва «Дайди», «Жаноб 420», «Уч денгиз оша» киносценарийларини яратган.

♦ *Аббос Х.А.* Завтра принадлежит нам. М.: Молодая гвардия, 1955; Сын Индии. М., 1956; Пшеницы и розы. М., 1961; Черное солнце // Иностранная лит-ра. 1961. №10; *Аббос Х.А., Смирнова М.* Хождение за три моря. М.: Искусство, 1958.

• *Арипов У.* Ходжа Ахмад Аббас. Очерк жизни и творчества. Т.: Фан, 1967; *Низомиддинов И.* Хужа Ахмад Аббос. Т., 1965; Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.27.

АББОС ибн Ахнаф (750–808) – араб шоири. Хорун ар-Рашид даврида яшаган, ғазаллар ёзган. «Девон» тартиб берган. Жоҳилийя даври анъанавий шеър шаклларини янгилаган. А.нинг ғазаллари халқ томонидан севиб куйланган.

• Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.28.

АББОС МАРВАЗИЙ (в.815) – форс шоири. Маъмун ибн Хорун ар-Рашиднинг Марвга келиши (809)га аталган қасидаси машҳур.

• *Сафо, Забиҳулла.* Тарихи адабийат дар Эрон. 1-ж. Теҳрон: 1332/1954.

АББОС СИҲҲАТ (1874–1918) – озарбойжон шоири ва таржимони. Асл исми: Аббосқули Алиаббос ўғли Мехтизода. Шамаҳида туғилган. Теҳрондаги мадрасаи Низомиййаи Носириййада ўқиган. 1903 й.дан асарлари чоп этила бошлаган. "Ҳаёт" газ.да босилган "Янги шеърият қандай бўлиши керак?" мақоласида янги озарбойжон шеъриятининг уфқларини белгилаган. "Синиқ соз", "Мағриб қуёши" (1912) шеърлар китоблари, "Поэтик нутқ", "Озодликка қасида", "Уйғониш овози" достонлари б-н шуҳрат топган. "Шоир, илҳом ва ш.лик" романтик достонида соф санъат назариясини инкор қилган. "Али ва Ойша" романи, "Нефт фонтани" (1912) тарихий асари, "Қора кунли калима" (1917) ҳикояси ва "Волга саёҳати" сафарномаси муал.и.

♦ *Аббос Сиҳҳат.* Сачилмиш асарлари. Бакы, 1950.

• *Толибзода К.* Аббос Сиҳҳат. Бакы, 1963; Ҳусеинов Ф. XX аср Азарбойжон ад-ти. Баку, 1982. С. 365-376.

АББОСИЙЛАР – араб халифалари сулоласи (750–1258). Абу Муслим Хуросонда уюштирган кўзғолон натижасида халифалик умавийлардан тортиб олиниб, Муҳаммад (с.а.в.) амакиси авлодларидан Абу Аббос ас-Саффоҳ (халифалик даври 749–754)га берилган. Халифалик маркази Дамашқ (Шом)дан Бағдодга кўчирилган. Машҳур аббосий халифалар: Абу Жаъфар Мансур (754–775), ал-Маҳди (775–785), Хорун ар-Рашид (786–809), Маъмун (813–833), сўнгги буғин Мустаъсим Биллоҳ (833–842). 883 й.да зинжалар кўзғалони туфайли ҳокимият заифлашган, 945 й. бувайҳийлар А.ни сиёсий ҳокимиятдан маҳрум этганлар. А. сулоласининг сўнгги вакили Мустасим (1242–58) ҳижрий 656 (1258) й. Ҳулокухон буйруғи б-н қатл қилдирилган. Мустаъсимнинг амакиси Мустансир Мисрга қочиб бориб, халифаликни давом эттирган. Усмонли халифалиги Мисрда аббосийлардан халифаликни қабул қилган. 1517 й.дан халифалик Мутаваккил III томонидан Истанбулга кўчирилган.

Аббосийлар даврида кўпгина масжид, мадраса, кутубхона ва шифохонлар қурилган. Илм-фан арбоблари Эрон ва Туркистондан таклиф қилинган. Марказий ва Кичик Осиёдан китоблар келтирилган, юнон манбалари тарж. қилинган. Айниқса, сулоланинг бешинчи бўгини Хорун ар-Рашид даврида илм, фан ва маданият ривож топган. Икки аср кейин Урганчда бино қилинган Абул Аббос Маъмун академияси мана шу сулоланинг илмпарварлигини кўрсатувчи далилдир. Ислом ад-ти ва санъати, тижорати ва зироати Маъмун даврида кучли тараққий топган.

- *Беляев Е.А.* Арабы, ислам и арабский халифат. М., 1965; *Бартольд В.В.* Сочинения. Т.6. М., 1966. С.15-78; История стран Азии и Африки в средние века. М., 1968, ч.2, Гл.8; *Большаков О.Г.* История арабского халифата. М., 1978; *Фитрат А.* Мухтасар ислом тарихи. Т., 1992. Б.26-28; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.14; *Ислом.* Энц-я. Т.: ЎМЭДИН, 2004.

АББОСОВ, Шуҳрат Солиҳович (1931.16.I) – кинорежиссёр. Ўзб-нда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Ўз-н халқ артисти (1974). Қўқон ш.да туғилган. Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954), шу ин-тда проф. (1983 й.дан), кафедра мудири (1991 й.дан). М.Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида (Янгийўл ш.) бош реж. (1954–56). 1958–91 й.лар «Ўзбекфильм»да реж. (1982–86 й.ларда директор). А. яратган «Маҳаллада дув-дув гап» (1960), «Сен етим эмассан» (1963), «Қалбингда қуёш» (1965), «Тошкент – нон ш.» (1967), «Севги можароси» (1971) фильмларида Тошкент ш.даги турли даврдаги воқеалар, тошкентликларнинг турмуш тарзи, ўзига хос хислатлари ёркин акс эттирилган.

А. адабий материалларга кўп мурожаат этган реж.лардан бири. Унинг «Абу Райҳон Беруний» (1974) фильмида буюк алломанинг ҳаёт йўли акс этган бўлса, «Оловли йўллар» (17 қисмли, 1975–84), телефильмида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тарж.и ҳоли асосида XX аср бошларидаги мураккаб ҳаёт воқеалари акс эттирилган, «Катта урушдаги кичик одам» (1989) миллий қаҳрамон яратиш йўлидаги урунишлардан биридир. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи асосида М.Туйчиев б-н ҳамкорликда (1998) ўзига хос янги киноэпопея яратган.

Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти лауреати (1974). «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1998), «Шуҳрат» медали (1994) б-н тақдирланган.

АББРЕВИАТУРА (италянча: abbreviatura – *қисқартириш,* лотинча abbrevio – қискартираман) [лингвистика] – I. тилшуносликда сўзлар ва сўз қисмларининг биринчи ҳарфларидан (қисқартириш орқали) ясалган ном ва исмлар. Мас., БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

II. мусиқа асарлари ва ноталарда қисқартма белгиси. А. нота ўқилишини осонлаштиради;

III. нашрларда келтириладиган шартли қисқартмалар. Мас., Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" асарининг уч қўлёзма нусхаси бор. Улар топилиш ўрнига кўра Вена, Қоҳира ва Наманган нусхалари дейилади ва шартли

равишда *А, В, С* нусхалари деб қабул қилинган. Айрим илмий тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар ҳамда луғатларда ўша нашр табиатидан келиб чиққан ҳолда шартли қисқартмалар қабул қилинади. Мас., *А.Қ.* – Абдулла Қаҳҳор, *А.Қод.* – Абдулла Қодирий каби.

- Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.28; Словарь сокращений рус. языка. 3-изд М.,1983; *Лопатин В.В.* Аббревиатура / Большой энц-кий словарь: языкознание. М., 1990. С.9; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.16; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.6; Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009.

АББУД, Марун (1886–1962) – араб (Ливан) адиби ва ад-тшуноси. Байрут унти Ҳуқуқ инс-тини тамомлаган. "Ар-Рауда" газ.да қатнашган. Даслабки ғикояси "Марикнинг беваси" 1935 й. матбуот юзини кўрган. «Саҳифалар ва ҳикоялар» (1945), «Қорлуқ баҳодирлар» (1948) ҳикоялар тўпламлари муал.и. «Қизил амир» (1954) қиссасини, «Қоғоздаги сиёҳ» (1957) китобини ёзган. Абул Аъло ал-Маари, Амин ар-Райҳоний ва ўрта асрлар араб ад-ти тарихи ҳақида тадқиқотлар ёзган. Мас., «Жадид ва қудама» («Янги ва эски», 1954), «Фи-л-мухтабар» («Ижодхонада», 1952) кабилар.

- Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.28-29.

АБВОБ (арабча: ابواب – эшиклар) [тасаввуфшунослик] – I. тасаввуф ад-тида соликнинг ҳолатини ифодаловчи истилоҳ. Ҳақ йўлидаги солик (йўлга кирган)лар ҳолатлари ўз бошланиш нуқтасига эга. Сайр давомида солик (йўлчи) бир неча даражалари, яъни эшиклардан ўтиши лозим: 1) эшикни билиш ва аниқлаш; 2) эшикдан кирилиш ҳолати; 3) мазкур соликка унинг ҳолатига қараб муомала қилинади; 4) муомаладан сўнги ихтилофли ҳолат (ҳатто яқинлари б-н) содир бўлади; 5) солик ўзини яхши васфларга тайёрлайди ва солиҳ хулқларни эгаллайди; 6) йўлни ўтиш жараёнида кутилган ҳалокатлар, бахтсизлик; 7) фаркланиш ва жамъ (ўзини йигиш); 8) солик башарий сифатларнинг мумтозлари б-н сифатланади; 9) бутун вужуди б-н Ҳаққа томон интилиб тасарруфот, ҳаракат ва сукунатда фақат У (Аллоҳ) томон назар; 10) ниҳоядаги вусул (висолга эришиш) марҳаласи (мартабаси). Тасаввуф алломаларидан Лоҳижий "сайри илаллоҳ" (Аллоҳ томон сайр)да мақомотни ўн асл қисм ва ҳар бир қисмни яна ўнта бўлакка ажратади: 1) бидоят (бошланиш) даражаси: зийраклик (дикқатлилик), тавба, санокни тўғри олиш (сонда адашмаслик, зикр ҳолатида), инобат, тафаккур, тазаккур (зикр), номақбул ишлардан ўзини тиймоқ, ёмонликлардан қочиш, риёзат (машаққат чекиш), самоъ (эшитиш); 2) иккинчи ҳолатда ҳузн (ғамгинлик), хавф, ҳамдардлик, хушуъ, эхбот, зухд, вараъ, табаттул, ражоъ, рағбат; 3) муомалот ҳолатлари: риоят, мурақабат, ҳурмат, ихлос, таҳзиб, истиқомат, таваккул, тафвиз, саққат ва таслим; 4) хулқлар: сабр, ризоъ, шукр, ҳаё, сидқ, ийсор (бахшиш, ҳиммат), халқ, тавозеъ, футувват ва инбисот; 5) усуллар:

қасд, азм, ирода, адаб, яқин, унс, зикр, фақр, ғаний ва мурод; 6) хун (қасос): эҳсон, илм, ҳикмат, басират, фаросат, таъзим, илҳом, сакина, тамаънина ва ҳиммат; 7) аҳвол: муҳаббат, ғайрат, шавқ, ташналик, важд, бағрикенглик, ҳимматлилик, ҳамён, барқ ва завқ; 8) валийлик: лаҳза, вақт, сафо, сурур, сир, нафас, ғурбат, ғарқ, ғайбат ва тамкин; 9) ҳақиқат: мукошафа, мушоҳада, муояна, ҳаёт, қабз, баст, сукр, саҳв, иттисол (боғланиш) ва инфисол (бўлиниш); 10) ниҳоялар: маърифат, фано, бақо, таҳқиқ, талбис, вужуд, тажрид, тафрид, жамъ ва тавҳид. (Лоҳижий. Шарҳи "Гулшани роз", 655). Шунингдек, Қунавийнинг "Мисбоҳу-л-унс" асарида ҳам А. талқинлари берилган.

Абдуллоҳ Ансорийнинг "Манозилу-с-сойирин" ("Сайр қилинувчи манзиллар") асарида қуйидаги ўн марҳала (рутба, даража)ни шарҳлаб, абжад ҳарфларидан (абжад, ҳаввос, ҳутти...) фойдаланиб, у мақомларни шундай англатади: ا (алиф) – бидоят (бошланиш), у қуйидагилардан иборат: *яқзо* (уйғоқлик), *тавба, муҳосабат* (ҳисобли бўлиш), *инобат* (тавба, илтижо), *тафаккур, тазаккур* (зикр қилиш), *эътисом* (гуноҳдан кочиш), *фирор* (ёмонликлардан тийилиш), *риёзат, самаъ;* ب (бе) – А. (эшиклар) қуйидагилардан иборат: *ҳузн (ҳазинлик), хавф, ишқоқ, хушъ (хокисорлик камтаринлик), ахбот, зуҳд, вараъ, табаттил, табтил, ризо, рағбат;* ج (жим) – муомаъотлар: ривоят, муроқибат, ҳурмат, ихлос, таҳзиб, истиқомат, таваккул, сиҳат в.б.; د (дол) – ахлоқ: *сабр, ризо, шукр, ҳаё, сидқ, эсор, хулқ, тавозеъ, футувват ва инбисот;* ز у (охсул: *қасд, азм, ирода, адаб, яқин, унс, зикр, фақр, ғино, мурод;* و(вов) адвийа (водийлар): *эҳсон, илм, ҳикмат, басират, фаросат, таъзим, илҳом, сакинат, тамоъинот ва ҳиммат;* ح (ҳо) аҳвол: *муҳаббат, ғайрат, шавқ, ғалқ, айш, важдҳ, даҳиш (?) хаймон, барқ, завқ;* و (вов) валоят (валийлик): *лаҳз, вақт, сафо, сурур, сирр, нафас, ғурбат, ғарқ, ғайбат, тамкин;* ط ҳақойиқ: *мукошафа, мушоҳада, муойижа, ҳаёт, файз, басит, сукр, саҳр, итттисол, инфисол;* ى (йо) ниҳоят: *маърифат, фано, бақо, тахлиқ, талбис, вужуд, тажрид, тафрид, жамъ ва тавҳид.*

II. китобнинг бўлимлари. Алишер Навоийда шундай байт бор:

Ишқ абвобин ёзарға яхши жисмим хомаси,
Хоссаким тиғи фироқинг айлади бошимни ишқ.

Мазмуни: илоҳий ишқ боблари, қисмларини ёзиш учун жисм хома (қалам) бўлди, чунки сенинг ишқинг тиғидан бошим хоссага айланди, яъни хос (суфий)лар сафига кирдим.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22; *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати. Техрон: Сах. 22.

АБД ('абду' – арабча: қул) [диншунослик] – I. Тасаввуфий истилоҳ сифатида Аллоҳнинг қули. Ҳаққа қул бўлгани учун ундан бошқасига қуллик қилмайдиган Пайғамбар (с.а.в.)нинг энг юксак мақоми. Қуръони каримдаги калимайи шаҳодатда "абдуҳу ва расулуҳу", яъни "Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳнинг қули ва расули (элчиси)дир" деб айтилган. Буни *убудиййат*, яъни

қуллик рисолат (элчилик)дан ва нубувват (пайғамбарлик)дан-да аввал келган, деб тафсир қиладилар. Тасаввуфда тавба мақомларнинг бошланиши бўлса, қуллик унинг сўнгги, юксак даражасидир. Қул бўлган киши ҳур, эркли кишидир. Зеро Раббидан бошқа кишига бўйнини эгмас.

Даги билким малак эрур мавжуд,
Борчаси абду, Тенгридур маъбуд

(Бобур, Мубаййин: 2006, 280)

Мазмуни: Бутун мавжудот (малаклар – фаришталар ҳам) қулдир, уларнинг маъбуди, яъни сиғинувчиси Тангри таолодир.

II. арабчадан ўтган исломий исмларнинг бошланғич қисми: Абд+Аллоҳ = Абдулла, Тангрининг қули. Аллоҳнинг қуллари орасида энг даражаси юксаги Абдуллоҳдир. Ислом маданиятига кўра, исми номаълум кишига нисбатан ҳам "Абдуллоҳ" деб мурожаат қилиш қабул қилинган.

• *Бобур.* Мубаййин. Т., 1994; *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlügü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19; *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005. S.10-11; Ислом тасаввуфи манбалари. Т., 2006. Б.280; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.6.

АБДАЛ [этнография] – I. эфталит (афдал)ларнинг қад. номи. Туркий уруғлардан бири А.лар Туркистон, Шим. Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаган. А. VI асрда тургутлар қабиласидан мағлубиятга учрагандан сўнг (Насаф яқинидаги жанг) туркманлар ва туркийларга сингиб кетган. Ўзбек ва туркманларда уруғ номи сифатида А. учрайди. Ғаллаорол тумани яқинида Қорабдал қишлоғи бор. А. уруғ номи сифатида бошқирдларда ҳам учрайди. Эфталий (ҳайтал)лар ҳам юнон ва сурёний манбаларида А. деб номланади.

II. цахур, даргин ва лаклар мифологиясида ов маъбуди, аварларда (будуала) ёввойи ҳайвонларнинг раҳнамоси деб талқин қилинади ва грузинлардаги ов пиридан ўтган, деб талқин қилинади. Бу хато талқин бўлиб, исломий истилоҳ моҳиятига зиддир.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; *Sami Akalın I.* Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Istanbul, 1984. S.10; Мифологический словарь. М., 1990. С.12; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.15-16; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Т.: Истиклол, 2008. Б.25.

АБДАЛОВ, Отажон (1856–1939) – биринчи ўзбек ношири ва матбаа ходими. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) топшириғи б-н Эрондан *литография* келтириб, илк матбаа ташкил этган (1874). Литографияни форс мутахассиси б-н бошқарган (1874–78). Матбаанинг илк нашри Абдуносир Фароҳийнинг "Нисабу-с-сибён" асаридир. Дастлабки нашрлардан бири сифатида Огаҳий девони тавсия этилганда, улуғ шоир "аввал устозим Алишер Навоий асарларини чоп этиш маъқул" деган таклиф киритган. Навоийнинг "Хамса" таркибидаги достонлардан "Ҳайрату-л-аброр" (1880), шеърий меросидан "Хазойину-л-маоний» ("Чор девон", 1881), Огаҳийнинг "Таъвизу-л-ошикин" (1882), Феруз "Девон"и (1897) ва "Мажмуату-ш-шуаро» тазкираси (1900) мана шу матбаада А.О. томонидан чоп этилган.

• *Allworth E.* Central Asian Publishing and the Rise of Nationalism. New York, 1960. Pp. 10–14; *Самойлович А.Н.* Хивинское придворные книгохранилища и книгопечатания // Изв. АН Туркмении. Сер. Общественные науки. 1981, №1. С.74-79; *Пидаев М.* Матбуот – миллат чироғи. Т., 1999; *Абдуазизова Н.* Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). Т.: Академия, 2000. Б.29–30; *Язбердиев А.* Старопечатные туркменские книги (проблемы собирания, библиографирования и изучения). М., 2001. С.32–39.

АБДАСТ (форсча: *оби даст*дан) – намоздан аввал бажариладиган покланиш, ўзбек т.да *таҳорат*. Турк, озарбойжон т.лари ва ўғуз лаҳжаларида таҳорат ўрнида шу сўз қўлланилган. Қуръони карим (5:6, ал-Моида)га кўра *Ҳадаси асғар* ҳолларида А. жоиздир. "Ўғузнома" ва "Китоби Дада Қўрқуд"да фаол учрайди: *Qalin Oğuz bağları arı sudan abdast aldılar* (Семиз ўғуз беклари арик сувида таҳорат қилдилар). Яна қ.: Таҳорат, тайаммум.

• Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.8; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7-8.

АБДИЙ, Мирабдуллоҳ Хожа (1870–1922) – шоир ва ад-тшунос. Бухорода яшаган. Бобоси Мухтор Хожа Искандархон мадрасасида мударрис бўлган. А. ҳақида маълумот Афзал Пирмастийнинг "Афзалу-т-тазкор" (1904), Неъматулла Муҳтарамнинг "Тазкирату-ш-шуаро" (1910) тазкираларида зикр этилган. Ғазал ва қасидалар, "Тазкирайи Абдий" (1904, форс т.да) муал.и. А. тазкираси мукаддима ва 28 мақсаддан иборат бўлиб, Бухоро амири Абдулаҳадхон даврида яшаган 118 шоир ҳақида маълумот келтирилган. Улар: *Аҳмад Дониш, Возеҳ, Шоҳин, С.Айний, Т.Асирий* в.б.

• *Ходизода Р.* Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. Сталинабад, 1956. С. 80; *Тазкираи шуарои Неъматулла Муҳтарам.* Душанбе, 1975. С. 246; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.26.

АБДИРАҲМОНОВ, Ўрозбой – қорақалпоқ шоири. Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманида тугилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика фак.ини тамомлаган. "Жеткиншен" газ. (1973–76), "Амударё" журналида бўлим мудири (1976–80), масъул котиб (1982—84) бўлиб ишлаган. 1970-й.ларда илк ҳикоялари чоп этилган. "Бир муҳаббат тарихи" (1978), "Қушнилар" (1980) тўпламлари муал.и. Унинг айрим асарлари ўзбек т.га тарж. қилинган. А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини қорақалпоқ т.га тарж. қилган. Қорақалпоғистон Ёшлар мукофоти совриндори (1979).

АБДО (АБДУ), Муҳаммад (1849–1905/11.VII) – араб диншунос олими, публицист, мисрлик ислом ислоҳотчиларидан. Машҳур файласуф ва шоҳиётчи Жамолиддин Афгонийнинг истеъдодли шогирдларидан бири. Мисрдаги ал-Азҳар ун-тини тугатган (1877), 1881 й. Мисрнинг чет эл томонидан эзилишига йўл қўйган Араб Пошога қарши исён кўтаргани учун 1883-88 й.ларда чет элга сургун қилинган. Устози Ж.Афғоний б-н бирга Парижда "Урвату-л-вуско» ("Мустаҳкам бирлик", 1884) жамиятини тузган. Байрут ва Парижда яшагандан сўнг ўз юртига қайтиб расмий суд-қози

вазифасида; 1889 й.дан ал-Асҳар ун-тида, 1899-1905 й.ларда Мисрнинг бош муфтийси бўлиб ишлаган. Искандарияда вафот этган, қабри Қоҳира ш.да.

Замонавий араб публицистикаси ва журналистикасининг асосчиларидан бири, янги араб адабий т. шаклланишида ўзининг адиблик ва публицистлик фаолияти б-н фаол иштирок этган. "Ал-Манар» журн. (1898)га асос солган. «Ал-Вақоеъ ал-Мисрия» («Миср воқеалари») газ.си муҳ-ри бўлган. А. публицистикасининг янги араб адабий т.нинг шаклланишида муайян ҳиссаси бор. "Қуръон тафсири" (1898-1905), "Рисолату-т-тавҳид" (1897) асарлари муаллифи Фаннинг турли соҳаларига оид 30 дан ортиқ китоблар ёзган.

• *Рашид Риза.* Тарих ал-устоз ал-имом аш-шайх Муҳаммад Абдо. 1-3 ж. Қоҳира, 1908-31; *Мустафа А.* Муҳаммад Абдо. Қоҳира, 1946; *Аҳмад А.* Зуама-л-ислаҳ фи-л-аср ал-Ҳадис. Қоҳира, 1948; *Усмон А.* Раид ал-фикр ал-Мисри. Қоҳира: 1955; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.29; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7. *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.8.

АБДОЛ (арабча: بدل – сўзининг кўплиги: қаршилик) [тасаввуфшунослик] – қаландар, дарвиш, суфий. Туркчада *абдоллар*, форсчада *абдолон* деб қўлланилади. "Қомуси туркий"да қаландар мазҳаб, дарвиш одам сифатида талқин этилади. Тасаввуфий истилоҳ сифатида дунёнинг лаззатларини тарк этувчи кишиларга, яъни дарвиш ва қаландар, "зоҳид" сўзининг муқобили сифатида ҳам келиши мумкин. Оз еб-ичиш, камтар кийиниш ва халойиқдан ўзини йироқ тутиш кабилар унинг хусусиятларидан. А.ларга «рижолу-л-ғайб», юқори мартабалиларга «қутб», раҳбарига «қутбу-л-ақтоб» дейилган. Турк т.даги манбаларда илк абдоллардан бири сифатида Ибн Арабий номи зикр этилади. Тасаввуф тарихида *қирқ абдол* (ўзбекчада "қирқ қаландар", форсчада "чил дарвеш") тушунчаси А.ларга нисбатан айтилган. Ибн Арабий "Футуҳоти Маккиййа" китоб (191-боб, 31-фасл)ида еттилик бир гуруҳни "абдол" деб атаган. Абдураҳмон Жомий, «Нафаҳоту-л-унс»да "Ҳақ субҳона ва таоло ерни етти иқлим қилиб яратган ва ўзининг бандаларидан етти нафар кишини танлаб, аларга "абдол" деб ном қўйган ва ҳар бир иқлим вужудини ўша етти нафардан биттаси б-н сақлайди" деб ёзган. Айрим А.лар жамиятдан панада яшаганлари ҳақида маълумотлар учрайди. Турк ибодат ад-тининг шаклланишида ўрни бор. Абдол Муса (XIV аср), Пир Султон Абдол каби шоирлар мана шу тариқат удумларига амал қилганлар.

А. авлиёлар гуруҳининг номи. Абдоллар етти нафар бўлиб, еттита иқлимга тарқалганлар ва ҳар бири ўз жойида халқнинг осойишталиги, тинчлиги учун посбонлик қилиб туради, оддий одамлар уларни кўролмайдилар ёки кўрганларида ҳам бошқалардан фаркини билмайдилар. А. нисбатан етти, тўққиз ва қирқ валийларга нисбатан ҳам қўлланилади. Дунёдан хабарсиз қоладиган даражада ўзини охиратга, кунларини Ҳаққа бахшида этган соф қалбли инсонлар. Абдоллар Ҳаққа етган зотлар бўлиб, ташқи қиёфаларини ўзгартира оладилар ва бирданига бир нечта жойда намоён бўла оладилар. Мас., *...Бобо Худойдодким, дерларким, абдолдин эрмиш* (Алишер Навоий. "Мажолису-н-нафоис", 157). Салоҳиддин

Ғошкандийнинг "Темурнома" асарида ёзилишича, абдоллар ва чилтонлар қийин пайтларда Темурбекка ёрдамга келганлар.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22; *Uludag S.* Tasavvuf Terimleri Sözlügü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19; *Cebecioglu E.* Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. Istanbul: Anka Yayınları, 2005. S.11-12; *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173.

~ ***тили*** (жаргон) – бир даврадаги дарвишлар ўртасида қўлланиладиган т.дир. Бу т.да сўзлашувчилар учун умумий бир маслак, истилоҳлар ва уларнинг ифодаси ўлароқ майдонга келган. Бу т. бошқалар тушунмаслиги учун атайлаб, ўзларининг т. ва ифодаларига сирли бир маъно бермоқчи бўлган гуруҳлар ўртасида қўлланган. Тасаввуфга оид манқаба ва мақомотларда бу т.даги айрим сўз ва ибораларнинг талқини берилган.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.14.

~ ***ваш*** – қаландарсифат, дарвишнамо, жунуни бор суфий. Алишер Навоий асарларида шу маънода қўлланилган: *Саййид Муслимий... <u>абдолваш</u> йигит эрди.*

(Алишер Навоий. "Мажолису-н-нафоис", 56)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБДОЛ, султон (в.1580) – ўзбек шоири, шайбоний султонларидан. Асл исми: Абдулмалик Абдуллатифхон б. Кўчкинчихон ўғли, тахаллуси *Ҳуш*. У ҳақда Мутрибий: "Фозил ва латиф табъи шеър айтишга мойил бир подшоҳ эди. Фазл аҳлига кўп риоят ва ҳуб иноятлар қиларди... Гўзал табъи ва ёқимли гаплари бор эди, мана бу матлаъни бир уй қурилишида жуда яхши айтган" деб, бир байт келтирган:

Ин хона аз латофати хубон беҳишти мост,
Ҳиште зи остонайи у сарнавишти мост.

Мазмуни: Яхшилар латофатидан бу уй бизга жаннатдир,
Остонасин ҳар ғишти қисматимиздан ҳикоятдир.
Самарқандда Кўчкинчихон мадрасаси ҳовлисига дафн қилинган.

- *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2013. Б.28-33.

АБДОЛОНИ РУМ (Рум абдоллари) [тасаввуф] – XIII асрда Онадўлида яшаган бир гуруҳ шиа мазҳабига мансуб кишилар. Хуросондан Рум (Онадўли)га келган валийлар.Улар орасида Абдол Муса, Пир Султон Абдол, Қайғусиз Абдол исмли машҳур шоирлар бор. А.Р. вакиллари ижодидан:

<u>Рум абдоллари</u> келар Али дуст дея,
Хирқа кияр - або дея, пуст дея.

(Қайғусиз Абдол)

<u>Абдоллиғин</u> биносини сўрарсан
Аллоҳ бир, Муҳаммад, Али <u>абдолдир</u>.
Ҳақиқат илмининг аслин арарсан (ахтарсанг),

Жумла улуғлардан улуғ абдолдир.

(Қул Мустафо)

- *Uludag S.* Tasavvuf Terimleri Sözlügü. Istanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.300; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.15-16.

АБДЕР (юнонча: abder) – юнон мифологиясида Гермеснинг ўғли, Гераклнинг севиклиси. Унинг вафоти туфайли қабр ўрнида Геракл Абдера ш.ни бино қилган. Ўлимидан сўнг ҳам Нарцисс, Гиакинф ва Гилас каби гўзаллигини сақлаб қолган.

- Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБДУВАЛИ ҚУТБИДДИН (1960 й.т.) – замонавий ўзбек шоири. Қарши ш.да туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган. Ғафур Ғулом номидаги нашриётда, "Халқ сўзи" газеталарида ишлаган. "Найсон" (1988), "Ҳумо" (1989), "Бахтли йил" (1991) тўпламлари муаллифи.

АБДУЛАВВАЛ Нишопурий (XV) – тасаввуф олими. Нақшбанд тариқатига оид фалсафий асарлар муал.и. "Масмуъот" ("Эшитилганлар") асарида Хожа Аҳрор валий манокиби ва шу сулукдаги шайхлар ҳақида маълумот келтирилган. Асарнинг 1598 й.да Абдурахмон фақиҳ томонидан кўчирилган нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик ин-тида сақланади. Қабри Самарқандда, Хожа Аҳрор валий даҳмасида.

АБДУЛАЗИЗ МИРЗО (1430–1449) – темурийзодалардан, Мирзо Улуғбекнинг кенжа ўғли. Бухоро хокими, Самарқанд ноиби (1449) бўлган. Отаси Ҳирот ва Тарноб жангларидан сўнг фатҳ нишонини А. номига ёздиргани учун ўғли Абдуллатиф б-н ораларига совуқлик тушган. Кейинчалик Аблуллатиф томонидан қатл қилинган.

- *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлайи саъдайн ва мажмайи баҳрайн. II жилд. Т., 1969.

АБДУЛАЪЛАМ Файзхонов – татар олими ва адиби. Машҳур аллома Шаҳобиддин Маржонийнинг шогирди, маърифатпарвар адиб Ҳусайн Файзхоновнинг укаси. 1891 й.да Абулғозининг "Шажарайи турк" асарини нашр қилдирган. Ўрта Осиёда 5 й. яшаб, ўзбек т.ни ўрганган, араб, форс, рус, француз т.ларини яхши билган. "Калила ва Димна" ва "Тутинома" асарларини форс т.дан татарчага тарж. қилган. У ҳақда Асқад Мухтор "Тундаликлар" асарида "яна топиш керак бўлган нарсалар мана булар..." деб унинг асарлари ҳақида маълумот беради.

- *Асқад Мухтор.* Тундаликлар. Т.: Маънавият, 1997. Б.8.

АБДУЛАҲАДХОН (1859/16.III –1911/6.I) – Бухоро амири (1885-1910), Манғит амирлари сулоласидан Амир Музаффариддиннинг ўғли. 1885 й.да Бухоро амирлигини қабул қилган. А. даврида Чоржўй-Самарқанд темир йўли (1900–01) қурилган.

АБДУЛБОҚИ Наҳовандий (XVII) – форс т.да асарлар ёзган шоир ва тазкиранавис. 1617 й. Абдураҳим б. Байрамхонга бағишланган "Маосири Раҳимий" тазкирасида Ҳиндистон адабий муҳити ҳақида маълумот бериб, "Мажмаъу-л-фузало" муал.и, асли бухоролик Хожа Муҳаммад Ориф Бақоий Бухорий –Андижоний Мушфиқийнинг шогирди бўлгани, Бақоий мазкур тазкираси ва "Орифу-л-осор" номли иккинчи бир асари борлигини ёзади.

- *Хофиз Таниш Бухорий.* Абдулланома. 2-ж. Т.: Шарқ НМК, 2000.

АБДУЛВАДУД КОТИБ Шоший (XV–XVI) – хаттот, саҳҳоф (китоб муковаловчиси). Тошкентда туғилган. Машҳур мутасаввиф адиб Валиаддин Абдуллоҳ хатиб Табризийнинг «Мушкот ал-масобиҳ»(1336) асарини чиройли насх хати б-н китобат қилган (1540). Бу асарнинг қўлёзма нусхаси 555 варақдан иборат бўлиб, ЎзРФАШИда сақланади. А.К. араб, форс т.ларини яхши билган, ўз ҳаёти давомида бир қанча китобларни кўчирган ва чарм б-н муковалаган.

АБДУЛВАҲҲОБ – «Ғавсу-л-аъзам авлодлари» деб улуғланадиган саййидлардан бири. Шайх Абдулқодир Гилонийнинг ўғиллари, Ғавсу-л-аъзам вафот этгач, унинг ўрнига шайхликни қабул қилган. «Рисолаи қаландарий»да кўрсатилишича, «оламнинг тўрт рукнида тўрт пир бордир. Машриқ томонда Абдулкарим, мағриб томонда Абдураҳим ва шимолда Абдурраззоқ ва жануб томонда Абдулваҳҳоб».

- *Гилоний, Абдулқодир.* Сирру-л-асрор. Т., 2005. Б.15; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.318.

АБДУЛВАҲҲОБ Суҳоий – адиб, тасаввуф шеърияти вакили. Шайхим Суҳайлийнинг якин қариндошларидан, Алоуддавла девонида мухрдор бўлган, "Абдолнома" номли китоб ёзган. Навоий "Мажолис..."да унинг қуйидаги матлаъсини келтиради:

Дошtам аз чашми бемораш ба дил сад гуна дард,
То ба чашми худ надид он дардро бовар накард

(Мазмуни: Хаста кўзидан дилимда юз хил алам бор эди, ўз кўзи б-н кўрмагунча бу аламга ишонмади).

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.149.

АБДУЛЖАМИЛ Имом (XII) – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг отаси. «Рашаҳоту айну-л-ҳаёт»да ёзилишича, «волиди шарифларининг (Хожа Абдулхолиқнинг – Ҳ.Б.) оди Абдулжамилдурур ва Абдулжамил Имом деган тасмия б-н маъруфдирлар. Имоми Молик авлодидан турурлар... ва айтурлар Абдулжамил Имом Рум подшоҳларининг авлодидан турур». Асли румлик бўлган А.И. Бухорога келиб, Ғиждувонда яшаб қолган.

- *Али Сафий, Фахруддин.* Рашаҳоту айну-л-ҳаёт. Т., 2004. Б.35; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.113.

АБДУЛЖАМИЛ котиб (в.1505/06) – Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намояндаси, Алишер Навоийнинг шахсий котиби. Ҳусайн Бойқаро саройида яшаган, Навоийнинг ўнлаб ғузал асарларини китобат қилган. Жумладан, "Хамса", "Наводиру-н-ниҳоя" ("Нодирликлар ниҳояси") девонини ғузал безаклар б-н оққа кўчирган.

А.к. қаламига мансуб "Туҳфату-с-салотин" ("Султонларга туҳфа") асари ҳақида Чарлз Рьёнинг "Британия музейида сақланаётган туркий қўлёзмалар фиҳристи"да хабар берилган. П.Шамсиев ташаббуси б-н асарнинг фотонусхаси олинган ва нашрга тайёрланган. П.Шамсиев ёзишича: "Ўзи олим, шеъриятдан хабардор ва ҳуснихат устозларидан бўлган А. китобат давомида ҳар бир ғазал мазмунини чуқур мулоҳаза қилиб, мавзу эътибори б-н байтлар тера борган. Қайси байт қандай мавзуни ифода қилишини аниқлаб, шу асосда тўплам тузган". Ушбу асар Навоийнинг "Ҳазойину-л-маоний" в.б. асарларидаги шоҳбайтлар мажмуаси бўлиб, А.к. 45 мавзудаги шоҳбайтни жамлаб, мажмуа тузган. Муал. уни "45 туҳфа" деб атаган.

"Саккизинчи туҳфа: Тасаввуфда

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф
Ки зотида мавжуд эмастур таҳаллуф...

Тасаввуф эмас ринду тақвою одат
Ки анда риё йўл топар бетавақкуф.

Эрур маҳз тақво ва лекин риёсиз,
Убудият сирфу айни талаттуф (4,306)"

♦ *Абдулжамил котиб.* Туҳфату-с-салотин / Нашр. тайёрл. П.Шамсиев. Т., 2007.

• *Ганиева С.* "Туҳфату-с-салотин" ёхуд шоҳбайтлар мажмуаси / Абдулжамил котиб. Туҳфату-с-салотин / Нашр. тайёрл. П.Шамсиев. Т., 2007. Б.3-5.

АБДУЛКАРИМ СОТУҚ БУҒРОХОН – қ.: Буғрохон.

АБДУЛКАРИМ халифа – «Рисолайи қаландарий»да машриқ томонда "Абдулкарим пир" деб кўрсатилган яссавий шайхларидан бири. Ҳазинийнинг «Жавоҳиру-л-аброр мин амвожу-л-биҳор» асарида сайрамлик хожалар сифатида т.га олинади. Имом Ҳанафийнинг авлодидан. Ушбу силсила Камолиддин шайхдан бошланган бўлиб, унинг тўртинчи бўғини сифатида Саййид Абдулкарим боб келтирилади, силсила Абдуллоҳхон томонидан берилган ёрлиқ б-н тасдиқланган.

• *Сайрамий Мулла Мусо ибн Исо.* Тарихи Амнийя. Қозон: 1905. Б.286; *Köprülü M.F.* Türk Edebiyatında ilk Mutasavvıflar. Ankara, 1991. S.61; *Фитрат А.* Аҳмад Яссавий / Танланган асарлар. 2–ж. Т.: 2000. Б.17; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.318.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878/12.VII–1934/24.VIII) – ўзбек адиби, маърифатпарвар публицист, муҳ-р, жамоат арбоби. Туркистон жадидчилик

ҳаракатининг йирик намояндаси. Тошкентда туғилган, Шайхонтоҳур мадрасасида ўқиган. 1904 й.дан жадид мактаби очиб, муаллимлик қилган. Илк асарлари "Туркистон вилоятининг газети"да босилган (1906). Айрим мақолаларида Индамас, Ҳижрон, Набил, Шуҳрат, Шапалоқ, Чол, Абдулҳақ в.б. тахаллусларни қўллаган. "Тараққий" (1906) газ. иштирок этган, "Шуҳрат" (1907) газ. ташкил этган, яширин "Осиё" газ. чоп этгани учун ҳукумат унинг фаолиятини тақиқлаб қўйган. "Нашриёт", "Мактаб" ширкатлари, "Жамияти хайрия" (1909), "Туркистон кутубхонаси" (1910)нинг очилишида иштирок этган. Афғонистонда консуллик хизматида бўлган (1919). "Афғон саёҳати" сафарномасини ёзган (1919). Тошкент Ўлка билим юрти (1921–22), Хотин-қизлар ўқув юрти (1923)да мудир, ҳарбий мактабда муаллим бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги мактаби, Ўрта Осиё ун-тида Педагогика факультетида проф., тил ва ад-т кафедрасида мудир бўлган (1925-30). Тошкент ш.да вафот этган.

Мактаблар учун дастур, дарслик ва қўлланмалар яратган. "Биринчи муаллим" (1911) дарслиги алифбо ва ўқиш китоби тарзида тузилган. Унинг таркибида Алишер Навоий, Хожа ва муаллифнинг ўз асарларидан намуналарберилган. "Иккинчи муаллим" (1912) жадид мактабларининг иккинчи синфи учун тузилган бўлиб, унда "Муқаддима", "Ақл", "Салавот" бўлимларидан кейин "Калила ва Димна", "Тўтинома", "Зарбулмасал" асарларидар намуналар келтирилган. "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" (1913) Саъдийнинг "Гулистон"ига назира тарзида ёзилган бўлиб, "Ватанни суймак", "Яхши хулқлар", "Назофат" ("Покизалик"), "Ақсоми илм" ("Илм таксими"), "Ҳифзи лисон" ("Тил муҳофазаси") каби бобларида дидактак йўналишда пандлар битилган. "Мактаб Гулистони" (1915). Умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун «Ад-т хрестоматияси» тузган (1933).

Бадиий асарлари: Шеърий асарларининг умумий ҳажми 4 минг мисрадан ортиқ. "Ад-т ёхуд миллий шеърлар" тўплами (4 жузвдан иборат, 1909–15), "Пинак", "Адвокатлик осонми?", "Португалия инқилоби" пьесалар ёзган. "Қотили Карима", "Хиёнаткорлар оиласи", "Ҳўр-ҳўр", "Жаҳолат", "Ўликлар", "Уй тарбиясининг бир шакли" драмаларини татар, озарбойжон т.дан тарж. қилган. Тошкентдаги кўчалардан бирига ва Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий ин-тига А. номи қўйилган. Авлоний ёдгорлик музейи очилган.

♦ *Авлоний А.* Тошкент тонги. Т., 1979; Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1990; Ўсон, миллат. Т., 1993; Танл. асарлар. 1-2 ж. / Нашр. тайёрл. Б.Қосимов. Т.: Маънавият, 1998; Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом. Т.: Ислом ун-ти НМБ, 2008.

• *Бобохонов А., Махсумов М.* А.Авлонийнинг педагогик фаолияти ва таълим тўғрисидаги қарашлари. Т., 1966; *Қосимов Б.* Абдулла Авлоний. Т., 1979; *Қосимов Б., Долимов У.* Маърифат дарғалари. Т., 1990; *Ризаев Ш.* Жадид драмаси. Т., 1997; *Азимова Ҳ.* Абдулла Авлоний драматургияси. НДА. Т., 1999; Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.: Маънавият, 2002; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.243-271.

АБДУЛЛА ОРИПОВ – қ.: *Орипов*, Абдулла.

АБДУЛЛА, Собир – қ.: *Собир Абдулла*

АБДУЛЛА Тўқай (1886/14.IV–1913/2.IV.) – татар адиби. Асл исми: Габдулла Муҳаммадгариф ўғли Тўқаев. Қозон ш. яқинидаги Қушлович қишлоғида тугилган. Асарлари 1903 й.дан чоп этила бошлаган. "Фикер" ("Фикр") газ.си ва "Ал-аср ал-жадид" ("Янги аср") журн.да иштирок этган. "Яшен" ("Яшин") ва "Ялт-йулт" сатирик журн.лари (1907–10)да ишлаган.

"Озодлик ҳақида", "Товуш", "Турмуш" шеърларида миллий озодлик туйғулари акс этган. "Маҳораба ва Давлат думаси" мақоласида оташин публицист сифатида миллат шаънини ҳимоя қилиб чиққан.

- *Абдулла Тўқай.* Танл. асарлар. Т., 1961.
- *Нуруллин И.З.* Абдулла Тўкай. Адабий портрет. Т., 1985.

АБДУЛЛА Шер – қ.: *Шеров*, Абдулла

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР (1907/17.IX –1969/25.V) – улуғ ўзбек адиби, Ўз-н халқ ёзувчиси (1967). Қўқонда ш.да туғилган, Муҳаммаджон қорининг усули савтия мактабида таълим олган. «Истиқлол», "Коммуна", "Намуна" мактабларида ва билим юртида таҳсил кўрди. Билим юртининг «Адиб» қўлёзма жур.да дастлабки машқлари эълон қилинган. 1925 й.дан Ўрта Осиё Давлат ун-ти ишчилар (1928) ва педагогика фак-тларини (1934) тугатган. Мамлакатдаги бир қатор газета ва журн.лар таҳририятларида ишлаган. «Қизил Ўз-н» газ.сининг «Ишчи-батрак мактублари» варақасига мух-р (Тошкент, 1925), «Янги Фарғона» вилоят газ.сига котиб ва «Чиғириқ» ҳажвий бўлимига мудир (1929), «Совет ад-ти» журн.да масъул котиб, ЎзДавнашрда мух-р ва таржимон (1935–53), Ўз-н Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси (1954–56) вазифаларида ишлаган.

Адабий мероси, асосан, наср, драматургия ва тарж. асарлар, адабий-танқидий ва публицистик мақолалардан иборат. Илк шеъри («Ой куйганда» «Муштум» журн.да *Норин шилпиқ* тахаллуси б-н (1924), ҳажвий асарлари «Янги йўл» журн. ва «Қизил Ўз-н» газ.сида *Мавлон куфур, Гулёр, Ниш, Эркабой, Э-вой* тахаллуслари б-н чоп этилган.

Дастлабки ҳикояси «Бошсиз одам» (1929), илк киссаси «Қишлоқ ҳукм остида» (1932) асарлари б-н танилди. Наср устаси сифатида адиб ҳикояларида ўзбек ҳаётининг ўтмиш лавҳалари («Ўғри», «Анор», 1936; «Бемор», «Дахшат», 1961), замонининг муҳим ижтимоий ва ахлоқий масалалари («Нурли чўққилар», 1966; «Минг бир жон»), Иккинчи жаҳон урушида халқимиз аҳволи («Кўк конверт», «Кампирлар сим қоқди», «Асрор бобо», 1943) кабилар моҳирона тасвирланган.

Биринчи романи «Сароб» (1934-38)да бош қаҳрамон Саидийнинг фаолияти орқали XX аср 20-й.лари ҳаётининг маиший, маърифий ва маънавий манзаралари акс этган. Роман ўзбек насрининг дурдона асарларидан бири сифатида китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда.

«Қўшчинор чироқлари» (1951) романи (илк варианти «Қўшчинор», 1946) жамоалаштириш даврининг воқеалари, миллат ҳаётидаги мураккаб тарихий даврларнинг бадиий талқинига бағишланган. А.Қ. ижодида қиссалар салмоқли ўринга эга. «Синчалак» (1958), «Ўтмишдан эртаклар» (1965), «Муҳаббат» (1968) ва "Зилзила" (1968, туғалланмаган) қиссаларида шахс эрки ва унинг турли ижтимоий шароитлардаги ҳолати, миллат якин ўтмиши манзаралари ва XX асрнинг 60-йиллари ҳаётидаги муҳим воқеалар акс этган. "Синчалак" қиссасида XX аср 50-й.ларнинг 2-ярмида жамиятдаги "юмшаш" жараёнини бир жамоа хўжалиги тақдири орқали кўрсатиб бера олган. Асардаги Саида образи гарчи аёллардан етишиб чиққан раҳбар сифатида талқин қилинса ҳам, унга муносабатда бошқа қаҳрамон Қаландаров орқали қаҳрамон фаолияти истеҳзо б-н тасвирланган. Шахс эрки жамият тараққиётида муҳим омил саналиши, шахс имкониятларининг чекланиши жамият тараққиётига таъсир кўрсатгани ишонарли далиллар орқали юксак бадиий савияда тасвирланган.

А.Қ. йирик драматург ва комедиографлик маҳоратини «Шоҳи сўзана» (1949–50), «Оғриқ тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962, кайта ишланган варианти «Сўнгги нусхалар», 1965) ва «Аяжонларим» (1967) каби пьесалари орқали намоён қилган. Комедияларида хаётимиздаги ижтимоий ва маҳаллий иллатлар, шахс ахлокидаги етишмовчиликлар кулги воситасида кўрсатилади. Драмаларида ҳам худди насрий асарларидаги каби миллий т.нинг чексиз имкониятларини намойиш эта олган, она т.миз луғат бойлигининг ажойиб намуналарини берган ва ўз бадиий ижоди б-н ўзбек адабий т.нинг камолотига катта ҳисса қўшган.

А.Қ. кўплаб адабий-танқидий ва публицистик мақолалар, очерклар, фельетонлар муал.и. Алоҳида адиблар фаолиятига доир, ижод психологияси ва адабий жараён масалаларига оид ўнлаб мақолалар эълон қилинган. "Ёшлар б-н суҳбат" мақолалар китоби узоқ вақтлар давомида нафақат ёшлар, балки миллий зиёлиларнинг маънавий камолотида муҳим рол ўйнаган адабий манба сифатида эътибор топган.

Рус ад-тининг буюк вакиллари А.С.Пушкиннинг «Капитан қизи», Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» (К.Қаҳҳорова б-н ҳамкорликда), Н.В.Гоголнинг «Ревизор», А.М.Горькийнинг «Менинг ун-тларим» асарларини, А.П.Чехов ҳикоялари (20 дан ортик)ни ўзбек т.га маҳорат б-н тарж. қилган. А.Қ. асарлари немис, француз, чех, поляк, болгар, румин, араб, ҳинд, вьетнам, рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, т.ларига тарж. қилинган.

Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1966) совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000). Чиғатой қабристонига дафн этилган.

♦ *Абдулла Қаҳҳор.* Асарлар. Олти жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1967-1974; Ёшлар билан суҳбат. Т.: Ёш гвардия, 1968; Асарлар. Беш жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1987-89; Зилзила // Шарқ юлдузи, 1996. № 11-12.

♦ *Қўшжонов М., Норматов У.* Маҳорат сирлари. Т., 1968; *Қаҳҳорова К.* Чорак аср ҳамнафас. Т., 1987; *Шарафиддинов О.* Абдулла Қаҳҳор. Т., 1988; *Қўшжонов М.* Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Т., 1988; *Норматов У.* Қаҳҳорни англаш машаққати. Т., 2000; Устоз ибрати. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўз-н Миллий кутубхонаси нашр., 2007.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР УЙ-МУЗЕЙИ (Тошкент ш., Юнус Ражабий кўч., 26/1; 1987) – мемориал музей. 1958–68 й.ларда улуғ адиб яшаб, ижод қилган уйда очилган. Музей фондида 4498 экспонат бор бўлиб (2009), улар китоблар, ҳужжатлар, магнитофон ёзувлари, қўлёзмалар ва фотосуратлардан иборат. Музейнинг мемориал қисми (2 хона)да ёзувчининг иш кабинети, кутубхонаси ва меҳмонхонаси акс эттирилган. Музейнинг 1-бўлимидан адиб ҳаётининг муҳим воқеалари, 2-бўлимидан адибнинг журналистик фаолияти ва ижодининг турли даврларига тегишли асарлар ва қўлёзмалар, 3-бўлимидан мукофотлар, туҳфалар, диплом ва эсдалик буюмлари жой олган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (1894.4.X–1938.10.IV) – буюк ёзувчи, ўзбек романчилик мактаби асосчиси. Тошкент ш.да туғилган. Мусулмон мактабида (1904–06), рус-тузем мактабида (1908–12), Абулқосим шайх мадрасасида (1916–17) таълим олган. Москвадаги Олий ад-т курсида ўқиган (1925–26). Эски ш. озиқа қўмитасининг саркотиби (1918), «Озиқ ишлари» газ. муҳ-ри (1919), Касабалар уюшмасининг саркотиби (1920), «Муштум» журн. асосчиларидан бири ва таҳрир ҳайъати аъзоси (1923–26) вазифаларида ишлаган. 1937 й. 31 дек.да ҳибсга олиниб, 9 ойлик қамоқдаги сўроқ-тергов, қийноқлардан кейин қатл этилган.

А.Қ. ҳаёт йўли каби ижодий фаолияти ҳам мураккаб йўлдан кечди. Дунёга янгича кўз б-н қараб, жаҳон маданияти намуналаридан андоза олаётган жадид маърифатпарвар адиблари қаторидан ўрин олди. Давр ва адабий муҳит А.Қ.ни XX аср бошларида ўзбек ад-тида ўринлаша бошлаган реалистик наср тамойилларининг шаклланиши, ривожланиши, бунинг олий намунаси бўлган – миллий ўзбек романининг яратувчичиси бўлиб етишишига имкон берди. Адибга йигитлик ёшидаёқ жаҳон романчилиги андозаларига мос келадиган биринчи ўзбек романини яратишни насиб этди.

А.Қ.нинг "...Менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина рол ўйнаган" сўзлари ҳаёти ва ижодий фаолиятининг мустаҳкам алоқадорлиги далилидир. А.Қ. адабий-бадиий ижоднинг шеърият, публицистика, драматургия, адабий танқид соҳаларига доир замондошларининг эътиборини топган асарлар яратганига қарамай янги ўзбек насрининг том маънодаси асосчисига айланди. Насрнинг мавжуд ҳикоя, кисса, роман каби етакчи жанрларида миллий адабиётимиз тарихига намуна бўларлик дурдона асарлар яратди. Илк ижод намунаси «Садои Туркистон» газ.нинг (1914, 1 апр.) "А.Қ." имзоси б-н «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали хабари ҳисобланади. Асарларида Жулқунбой, Овсар, Норин шилпиқ каби бир неча тахаллуслар қўллаган. «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Фикр айлагил» каби шеърларида миллат ҳаётидаги ўзак

масалалар қаламга олинган, уларга танқидий муносабатда бўлиш орқали миллий иллатларнинг олдини олиб, ўзбек халқининг жаҳоний миллатлар қаторида туришини орзу қилган. Кейинчалик яратган насрий асарларида мана шу асрий орзуларнинг ушалиши йўлида адабий ҳаракатга киришган.

Драматургия соҳасида "Бахтсиз куёв" (1915) драмасини ёзди, пьеса ўз даврида ёқ шуҳрат қозонди. Драмада ад-тнинг азалий мавзуларидан бири икки авлод муносабати, оталар ва болалар мавзусини кўтарди. XX аср бошлари адабий ҳаётида фаол қўлланилган бу мавзу доирасида оталар жаҳолати ва ёшлар тарбияси қатор фожиаларга сабаб бўлаётганини очик кўрсатди. Мавзу жиҳатидан Беҳбудий, Авлоний, Фитрат ва Ҳожи Муъин драмаларига яқинлашса ҳам, муаммонинг бад. ечими нуқтаи назаридан бахсизликнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берди.

Ўзбек насрида илк реалистик ҳикоялар А.Қ. қаламига мансуб. «Жувонбоз» (1914–15), «Улоқда» (1916), "Жинлар базми" в.б. ҳикоялари миллатсеварлик руҳида ёзилган, уларда жадидчилик ғоялари бўртиб кўринади. Миллатни ғафлат уйқусидан уйғотишга даъват этади, эркин фикрлашга чорлайди. Чўлпон насрда Қодирий йўлидан бориб, ундаги анъанавий мавзуларни янгича талқин б-н бойитди. Бироқ А.Қ. ҳикоялари ўзининг илиқ нафти, рангинлиги, тилининг шираси ва услуб жозибаси б-н том маънода янги ўзбек ҳикоячилигига асос солди, улар "ад-тимиздаги гўзал ҳикоя намуналаридир" (Фитрат).

А.Қ.нинг публицистик чиқишлари ўз даврининг тарихий-бадиий ҳужжати сифатида асқотади. Уларда давр ҳаётининг муҳим ижтимоий ва маънавий масалалари акс этган. Туркум ҳажвий ҳикоялари «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан» публицистик асарларига уйғун бўлиб, уларда миллат ҳаётидаги ноқисликлар, айрим иллатлар ҳажв тиғи остига олинган. «Муштум» журн.да босилган «Йигинди гаплар» (1926) ҳикояси учун қамоққа олинган.

«Ўткан кунлар» (1926), «Меҳробдан чаён» (1929) каби тарихий романлари миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт қайғуси, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари б-н йўғрилган. Ҳар икки романида муаллиф авлодлар ҳаётини ўз табиий жозибаси, даврий етишмовчиликлари б-н ва тарихан аниқ воқеалар асосида боридай қибил яратишга муваффақ бўлди. А.Қ. қаҳрамонлари – Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно миллат руҳиятига таъсир эта оладиган идеал шахслар. «Ўткан кунлар» – "Ўзбек адабиётининг биринчи романи" (Ойбек) муваффақияти ёзувчи ўз ғоясини юксак бадиий шаклда ифодалай олганлиги (М.Қушжонов), унинг бад. кашфиёти *эпик ривоя ва эпик образ* синтезлаштирилган ҳолда яратилиши (С.Мирвалиев), "маънавий ҳусн", яъни "ахлоқ идеали"ни тўғрисидан тўғри роман марказига қўя олгани (И.Ғафуров)дадир. «Ўткан кунлар» романининг ўлмас асар даражасига кўтарилиши муаллиф ғоявий нияти ифоси учун муҳим манбани топа олганида ва бу зарур восита ёрдамида халқ ҳаётини ишонарли бад. лавҳаларда гавдалантира олганлигида кўринади. "Ўткан кунлар"да қаламга олинган давр, унинг

тарихий воқеалари алоҳида тарихий шахслар тақдири б-н ҳаётда боридек акс эттирилган, тўқима образлар ҳам ҳаётий қаҳрамонлар каби таассурот қолдиради. Тарихий шахс ва тўқима қаҳрамонлар ҳаёти бир муҳитда, ўзаро алоқадорликда, тарихнинг шахс қисматидаги акси даражасида кўрсатилади. Ҳар икки роман ҳам макон ва мавзу жиҳатидан XIX аср воқеаларига бағишланган, улар қисматининг тарихдаги ҳукмдори – Худоёрхон. Макон ва замондаги иқтисодий ва сиёсий танглик табиий етишмовчиликлар, улар туфайли ғалаёнлар, ихтилофлар ва низолар туғилган. «Меҳробдан чаён» чаён романида қаҳрамон шахсидан кўра кўпроқ ана шу ғавғолар юқори планга чиқарилган ва бу ҳолат романнинг сарлавҳасидаёқ берилган. Меҳроб тавоб қиладиган покиза ва юксак "минбар", бироқ унда "чаён"ларнинг эгалик қилиши ана шу ҳалол тавобхонанини чаёнлар масканига айланишига сабаб бўлган. Роман қаҳрамонлари мана шу "қора кунлар" бағрида тасвирланадики, улар ўз мунаввар (зиёли) ҳаёти, сажияси ва ҳаракатлари б-н мана шу замоний ва маконий қоронғиликни ёритишлари даркор. Романнинг катта бадиий қиммати ва маърифий аҳамияти ҳам ана шунда.

«Обид кетмон» (1935) қиссасида муаллиф замоний сулҳпарварлик қилиб жамоа хўжалиги даври воқеаларини акс эттирган. Ўз даврида қаршиликка учраган бу қисса заминида Обид кетмон сиймоси, унинг ақлли чеҳраси ва виждоний қиёфаси туради.

А.Қ. «Тўла русча-ўзбекча луғат» (1934)ни тузишда иштирок этган, Н.В.Гоголнинг «Уйланиш», А.П.Чеховнинг «Олчазор» драмалари, Ғарб адибларининг бир қатор ҳикояларини ўзбек т.га тарж. қилган. Ўз навбатида А.Қ.нинг «Ўткан кунлар»и Холид Саид ва Абдулла Камчинбек тарж.да озарбойжон (1928), «Меҳробдан чаён»и Саидризо Ализода тарж. да тожик (1935), ҳар икки роман Л.Соцердотова тарж.да рус (1935), олмон ( ), Аҳсан Батун тарж.да турк (200?) т.ларида нашр этилган.

А.Қ. қатағон қурбони сифатида 1956 й.да оқланиб, мустақиллик даврида ўз баҳосини олган ва асарлари умумтаълим мактаб дарсликлари ("Удокда", 5-синф; "Ўткан кунлар", 9-синф)га киритилган. Алишер Навоий номидаги Ўз-н Республикаси Давлат мукофоти (1991), «Мустақиллик» ордени б-н тақдирланган (1994). Тошкент маданият ин-ти, Тошкент ш.даги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент метрополитени бекати ва шоҳкўчалардан бирига А.Қ. номи берилган.

♦ *Қодирий А.* Асарлар. 1-ж. Т., 1995; Ўтган кунлар. Т.: Ўзадабийнашр, 1958; Меҳробдан чаён. Т., 1959; Обид кетмон. Т., 1960; Кичик асарлар. Т., 1969; Ғирвонлик Маллавой. Т., 1987; Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Романлар. Т., 1992; *Kadiri A.* Otgen Künler. (Geçmiş günler) / Türkiye türkçesi. Ahsen Batur . İstanbul. Selenge yaınları. 2005; Диёри бакр. Т.: Янги аср авлоди, 2007.

• *Ойбек.* Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли, Т., ЎзССР Фанлар комитети, 1936 / Асарлар 1-19 ж. 16-ж. Т.: Фан, 1979; *Султонов И.* Абдулла Қодирий ижоди ҳақида / Пьесалар, мақолалар. Т.: Ўздавнашр, 1959; *Allworth E.* Uzbek Literary Politics. The Hague: Mauton and Co., 1964; *Қўшжонов М.* Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Т.: Фан, 1966; Қодирий – эрксизлик қурбони. Т.: Фан, 1992; *Мирзаев И.* Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Т.: Фан, 1977; *Қодирий Ҳ.* Отам ҳақида. Т., 1983; Қодирийнинг

сўнгги кунлари. Т., 1989; Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Т., 1988; *Боқий Н.* Қатлнома. Т., 1992; *Қўшжонов М.* Қодирий – эрксизлик қурбони. Т: Фан, 1992; *Норматов У.* Қодирий боғи. Т., 1995; "Ўткан кунлар" ҳайрати. Т.: Ўқитувчи, 1996; *Мирвалиев С.* Абдулла Қодирий. Т.: Фан, 2004; *Қодирий Х.* Отамдан хотира. Т., 2005; *Merhan A.* Abdulla Qodiriy ve Ozbek Romanının Doğuşu, Grafiker. Ankara, 2008; *Қодирий Ш.* 37-хонадон. Т., 2009; *Норматов У.* Қодирий мўъжизаси. Т., 2010; *Karakaş Ş.* Ozbek romanıcı Abdullah Kadırı ve Otken künler romanı / Ozbek edabiyati yazıları. Ankara: Kurgan edabiyat. 2012; Абдулла Қодирий абадияти / Мақолалар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АБДУЛЛАЕВ, Абдулҳақ (1918/30.XII–2001/28.X) – рангтасвирчи рассом, портрет жанрининг устаси. Ўз-н халқ рассоми (1968), Ўз-н БА фахрий аъзоси (1997). Ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон ш.да туғилган. Тошкент (1926) ва Самарқанд бадиий билим юртида (1931–36) ва Москва бадиий ин-тида (1938–41) таҳсил олган.

Ижодини манзара ва портретлар чизишдан бошлаган: «Ҳовуз бўйида» (1932) манзараси орқали истеъдодли рассом сифатида эътироф этилган. Ўзбек адиб ва санъаткорлари «Аброр Ҳидоятов» (Отелло ролида, 1946), «Маннон Уйғур» (1946), «Ойбек» (1949), «Комил Яшин" (1960), "Алишер Навоий" (1968) портретларини ишлаган. "Меҳнат қаҳрамони Н.Ниёзов портрети" Москвадаги Шарқ халқлари музейи, "Жияним Шаҳло портрети" Третьяков галереясидан ўрин олган. Бир неча *автопортретлар* (1937, 1980, 1984, 1986), манзаралар («Ёмгирдан сўнг», 1954; «Баҳор келди», 1955; «Шафтоли гуллаганда», 1954; «Хумсонда», 1961) ва натюрмортлар («Олма», 1962; «Узум ва шафтоли», «Қовун б-н ҳандалак», 1957) муаллифи. Ҳиндистон сафаридан сўнг бобурийлар томонидан яратилган кошона ҳақида «Тонгда Тожмаҳал» суратини чизган. Асарлари Тошкентдаги Ад-т музейида (1968), Ўз-н санъат музейида (1980–84) в.б. жойларда сақланади.

Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1977), «Эл-юрт ҳурмати» ордени совриндори (1998). Чиғатой қабристонига дафн этилган.

♦ *А.Абдуллаев.* Альбом репродукций. Т., 1983.

АБДУЛЛАЕВ, Воҳид (1912/15.V–1985/30.V) – ад-тшунос олим, ЎзРФА академиги (1966), ЎзР Фан арбоби (1973), филол. ф. докт. (1959), проф. (1960). Фарғона пед.ин-тида ўқиган. Тошкент ва Москвада аспирантурани ўтаган. Бухоро, Самарқанд пед.ин-тлари, СамДУ Ўзбек ад-ти каф. мудири (1944-69). СамДУ ректори (1963–70) бўлиб ишлаган.

Асарлари 1930 й.дан чоп этила бошлаган. "Навоий Самарқандда" (1948), "XIX асрда Бухорода навоийхонлик ва Навоий издошлари", "Нишотий ва унинг "Ҳусну Дил" достони" (1955), «Муҳаммад Хоксор ва унинг "Мунтахабу-т-таворих" китоби» (1955), "Нишотий ва Хоксор" (1960), "XVI-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти", "Жомий ва ўзбек адабиёти" каби монография ва рисолалари; "Самарқанд сайли" (1970), "Бедор қушиклар" (1992) шеърлар тўпламлари; "Мирий ва унинг замондошлари" (Б.Валихўжаев б-н ҳамкорликда, 1977) ва "Сайланма" (1982) китоблари муаллифи. Олий ўқув юртлари учун "Ўзбек ад-ти тарихи. 2-китоб" (1964)

дарслигида ўзбек ад-ти тарихининг XVII-XIX аср 1-ярмидаги тараққиёти ёритилган, китоб бир неча марта қайта нашр этилган. Беш ж.дан иборат "Ўзбек адабиёти тарихи"нинг муаллифларидан бири.

◆ *Абдуллаев В.* Ўзбек ад-ти тарихи. Иккинчи китоб. XVII асрдан XIXасрнинг иккинчи ярмигача. Т.: Ўқитувчи, 1964; Сайланма. Т., 1982; Танл. Асарлар. 1-2 ж. Т.: Фан, 2002.

• Адабиёт илмининг алломаси. Самарқанд, 1997; Самарқанд адабмётшунослик мактаби. Т., 2008; *Қаюмов А.* Академиклар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012; Хамсат ул-аброр ёхуд Яхши кишилар бешлиги. Самарқанд, 2014.

АБДУЛЛАЕВ, Исматуллох (1929/10.III – ?) – шарқшунос ва ад-тшунос олим. ЎзР Фан арбоби (1989), филол. ф. докт. (1979). Ўрта Осиё ДУни тамомлаган (1951), Наманган пед. ин-ти (1951–57)да, ЎзРФАШИ (1957–92)да ишлаган. Араб т.да яратилган адабий манбалар, уларнинг таснифи ва тарж.си б-н шуғулланган. Абу Мансур Саолибийнинг "Йатимат ад-дахр…» асари буйича тадқиқот олиб борган. X–XI асрларда яшаган арабийнавис шоирлар асарларини, Усома ибн Мунқиз, Абдурахмон Ҳамисий асарларини ўзб. т.га тарж. қилган.

◆ *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т., 1965; Абу Мансур ас-Саолибий. Т., 1972; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X - нач. XI в. Т.: Фан, 1984.

АБДУЛЛАЕВ, Лутфулла (1912/25.10–2000/2.10) – рангтасвир устаси, Ўз-н халқ рассоми (1950). Мирзачўл (Сирдарё вилояти)да туғилган. Самарқанд бадиий билим юртида ўқиган (1930–35). Тошкент бадиий билим юртида ўқитувчи (1935–37) бўлиб ишлаган. Асарларида машҳур ўзбек санъаткорлари суратини акс эттирган («Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов портрети», 1938; «Дўстларнинг учрашуви» 1961). Ҳажвчи рассом сифатида карикатуралари «Муштум» журн.да босилиб турган. Йирик ўзбек адибларининг (15 дан ортиқ) китобларига бадиий безак берган. Мас., А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи (1961, рус т.да), Ойбекнинг «Болалик» (1963), F.Ғуломнинг «Шум бола» (1964) қиссалари шулар жумласидан. «Осиё устида бўрон», «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» бадиий фильмлари учун либослар эскизларини тайёрлаган. Манзара, плакат ва портрет жанрларида ҳам асарлар яратган.

А.Қодирий номидаги Ўз-н Давлат мукофоти совриндори (1995), «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби (1999).

АБДУЛЛАЕВ, Самиғ (1917/25.X–1998/10.V) – мойбуёкчи рассом. Ўз-нда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Тошкент ш.да туғилган. Тошкент бадиий билим юрти (1938) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1960). Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944). Ўз-н Рассомлар уюшмаси бошқаруви раиси (1945–55), Ўз-н Давлат санъат музейи директори (1956–88) вазифаларида ишлаган. Асарларида табиат, инсон гўзаллиги, айникса, замондошлари, уруш қаҳрамонлари ўз аксини топган. Ҳарбий мавзудаги

портретлар («Автопортрет», 1945; «Резида», 1954; «Генерал-лейтенант Ф.Норхўжаев», 1977; «Б.Бобоев», 1985), манзаралар («Чирчик водийсида», 1977; «Баҳор», «Денгиз бўйида», 1979), натюрмортлар («Гуллар», 1966; «Тошкент мевалари», 1981; «Натюрморт», 1985) муал.и.

Тошкентдаги Тешиккопка қабристонига дафн этилган.

АБДУЛЛАЕВ, Фаттоҳ (1914–?) – тилшунос олим, таржимон, филология фанлари доктори (1965), профессор (1969). Қозоғистоннинг Жамбул ш.да туғилган. Ленинград ун-тининг Туркология фак-тини тамомлаган (1939). Низомий номидаги Тошкент, Наманган, Урганч пед. инс-тларида ишлаган. "Ўзбек т.да арабизмлар" (1946), "Ўзбек т.нинг Хоразм шевалари фонетикаси" (1961) тадқиқотлари муаллифи. Умар Хайём рубоийлари, Камина шеърлари, Б.Кербобоевнинг "Дадил қадам" (1952), "Небит-даг" (1962), Жек Лондон ҳикояларини ўзбек т.га тарж. қилган.

♦ *Абдуллаев Ф.* Ўзбек т.нинг Хоразм шевалари. Т.: Фан, 1961; Тил қандай ривожланади? Т.: Фан, 1972; Сўзлар ўзаро қандай боғланади? Т.: Фан, 1974; Ҳамза ва ўзбек адабий т. Т.: Ўз-н, 1981.

- *Шукуров Ш., Базарова Д.* Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.8-9.

АБДУЛЛАЕВ, Ҳабиб Муҳамедович (1912/31.VIII–1962/20.VI) – машҳур геолог олим, давлат ва жамоат арбоби. Ўз-н ФА акад. (1947), Геология-минералогия фанлари д-ри (1946), проф. (1946). Қирғизистоннинг Аравон қишлоғида туғилган. Тошкентда Ўрта Осиё Индустриал ин-тида таҳсил олган (1930-35). Шу ин-тда доцент, директор (1940), Ўз-н ҳукумати раисининг ўринбосари (1942), Давлат план комиссияси раиси (1944), Ўз-н ФА вице-президенти (1947), айни вақтда Геология ин-ти директори (1947–52), Ўз-н ФА техника, геология-кимё фанлари бўлими раиси (1952–55), Ўз-н ҳукумати раиси ўринбосари (1955–56), Ўз-н ФА президенти (1956–62) вазифаларида ишлаган. Асосий илмий асарлари маъданшунослик илми петрология соҳасининг назарий масалаларини ишлаб чиқиш, руда конларининг пайдо бўлиши каби масалаларга бағишланган. А. ер қобигида асосий фойдали қазилмаларнинг юзага келиш ва таркалиш қонунияти назарияси муаллифи. Беруний номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1970) совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби (2002).

Чиғатой қабристонига дафн этилган. Геология ва геофизика ин-ти қошида Ҳабиб Абдуллаев музейи ташкил этилган. Геология ва геофизика ин-ти, метро бекати, Учтепа туманидаги маҳалла, Улуғбек ш.часидаги кўча А.Ҳ. номи б-н аталади. Ўзбек ад-тида А.Ҳ.га бағишланган бир неча насрий ва шеърий асарлар ёзилган.

- *Қаюмов А.* Академиклар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

«АБДУЛЛАНОМА» («Шарафномайи шоҳий») – Ҳофиз Таниш Бухорий асари. 1584–90 й.ларда форс т.да ёзилган. Бухоро хони Абдуллоҳхон II даври тарихи (1583–1598)га бағишланган. "А." сажъ (қофияли наср) ва назм б-н

ёзилган, тугалланмаган. Асар таркиби: муқаддима, асосий қисм сифатида икки мақола; хотима. Муқаддимада тарихнавислик анъанасига кўра Чингизхон ва чингизийлар тарихи, Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон ҳукмронлиги (1428–68), Шайбонийхон (1451–1510) тарихи ёритилган. Абдуллоҳхон ҳукмронлиги воқеалари асосий қисмда баён қилинган. "А."да туркий қавмлар: қанғли, қипчоқ, қорлик, халаж, оғажири, қўнғирот, уйғур, баёвут, дўрмонлар тарихига оид маълумотлар бор. Шунингдек, асарда мумтоз адиблар Бобур, Шайбоний, Убайдий ҳаёти ҳақида сўз юритилган. "А." ад-тшунос С.Мирзаев (1885-1961) томонидан ўзб. т.га тарж. қилинган.

♦ *Ҳофиз Таниш Бухорий.* Абдулланома. 1-ж. 1966; 2-ж. Т., 1969; Қайта нашри: [Б.Аҳмедов нашр.тайёрл.] Т.1-2. Т., 1999-2000.

- *Аҳмедов Б., Мунировр Қ.* Ҳофиз Таниш Бухорий. Т., 1963.

АБДУЛЛАХОНОВ, Жонрид (1929 й.т.) – ўзбек адиби. Наманган ш.да туғилган. САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология фак-ти журналистика бўлими ва Олий адабиёт курси (Москва)ни тамомлаган (1954). Ўз-н телерадио компаниясида, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган.

Илк асарлари ("Мактаблошларим") Наманганда 1952 й.да чоп этилган. "Ҳикоялар" (1956), "Тўйга келинглар" (1960), "Тонг ёришган соҳиллар" (1962) тўпламлари, "Гулчеҳра" қиссаси (1962) каби насрий асарлар муаллифи. "Йўл" (1964), "Тўфон" (1968), "Борса келмас" (1978–80), "Хонадон", "Суиқасд" (1991) романларида мураккаб даврлар ҳаёти тасвирланган. "Оловкалб" драматик асарини ёзган.

- *Мирвалиев С.* Ўзбек адиблари. Т.: Ёзувчи, 2000. Б. 120–121.

АБДУЛЛАТИФ мирзо (1423–1480/8.V) – темурий шаҳзодалардан Мирзо Улугбекнинг учинчи ўғли. Бобоси Шоҳрух мирзо саройида тарбияланган, ҳарбий юришларда қўшиннинг ўнг қанотига қўмондонлик қилган. 1447 й.дан бош қўмондон. 1449 й.дан Мовараунназр султони. Шоҳрух ўлимидан сўнг (1447) ҳукумат учун курашларда иштирок этган. Мирзо Улуғбекка қарши Абулқосим Бобур б-н иттифоқ тузган. 1449 йилда Самарқанд яқинида отасини енгиб, тахтни эгаллаган. Унинг розилиги б-н Улуғбек ва укаси Абдулазиз Мирзо қатл этилган. "Бобурнома" А. ҳақида: "Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди" (50аб) деб ёзилиб, таърих келтирилган: *Улуғбек баҳри улуму хирад / Ки дунёву динро ар ў буд пушт / З-Аббос ш. шаҳодат чашид / Шудаш ҳарфи таърих "Аббос кушт"* (Улуғбек илму ақл денгизи эди / У дунёю диннинг азим таянчи / Аббосдан шаҳидлик болини тотди / Вафот таърихи: "Аббос кушт" (сўйди) бўлди. Бу таърихдан Мирзо Улуғбекнинг қатл санаси 853 (1449) экани англашилади. Олти ойлик ҳукмронлигидан сўнг А. Улуғбекнинг хос навкарларидан Бобо Ҳусайн баҳодир томонидан ўлдирилган (1450).

Тарих илми ва бадиий ижод б-н шуғулланган. Навоий у ҳақда маълумот бериб: "Аммо табъи назм бор эрди ва шеърни обдон айтур эрди. Бу матлаъ ушбугдурким:

Бар дилу жон сад бало аз як назар овард чашм,
Чун бигуям шукри ин, ё Раб, набинад дард чашм

Мазмуни: Кўз бир қараш б-н дил ва жонга юз бало келтирди, бунинг шукрини қандай (адо) килай? Ё Раб, (у) кўз дард кўрмаган!"

А. ҳақида Фахрий Ҳиравий "Донишманд мирзо зиж ва расад(хона) соҳиби эди. Ва савдойитабъ, ошуфтамеъзож ва мажнуншева эди... Ва Абдуллатиф мирзо паришон хаёллигига қарамай гоҳида шеър ҳам айтар эди" дея таъриф берган.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.60, *223*; *Самарқандий Давлатшоҳ.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 280-281; *Фахрий Хиротий.* Равзат ус-салотин. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АБДУЛЛАТИФ ЛАТИФИЙ (в.1582) – Кастамани (ҳ. Туркиядаги ш.)да туғилган. Асл исми Абдуллатиф. Таълимни тамомлаб давлат хизматига кирган. Котиб ва муҳосиб (ҳисобчи) вазифасида Усмонли давлатининг турли ш.ларида ишлаган. 1582 й.да Мисрдан Яманга кетаётиб кема чўкиши натижасида вафот этгани тахмин қилинади. Асосий асари "Тазкират-ш-шуаро ва Табсироъту-н-нузамо" ("Шоирлар тазкираси ва нозимлар кенглиги") бўлиб, у "Тазкирайи Латифий" (953/1546) номи б-н машҳур. Асар подшоҳ Қонуний Султон Сулаймонга тақдим этилган. Латифий Ҳирот мактаби тазкиралари сифатида танилган Жомийнинг "Баҳористон"и ва Алишер Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис"ини ўзига намуна қилиб олган. Бундан ташқари, "Девон", "Авсофи Истанбул", "Анису-л-фусаҳо" ("Фасиҳлар дўсти"), "Авсофи Иброҳим Пошо" ("Иброҳим Пошо васфлари"), "Фусули арбаа" ("Тўрт фасл"), "Назму-л-жавоҳир" ва "Асмоу-с-сувори-л-Қуръон" ("Қуръонда эслатилган исмлар") номли асарлари бор. Латифийнинг ҳаёти, санъати ва асарларига доир Мустафо Эсоннинг "Тазкирадан биографияга" асарида кенг маълумот бор.

- *Levent A.Sırrı.* Türk Edebiyati Tarihi, Ankara, 1974; *Mehmed Halid (Bayrı).* Latîfî ve Tezkiresi, Hayati. Ist., 1977; *Sevgi Ahmet.* Latîfî'nin İki Risalesi. Enîsü'l-Füsehâ ve Evsâf-ı İbrahim Paşa. Konya, 1986; *İpekten Halûk.* Türkçe Şu'arâ Tezkireleri, Erzurum, 1986; *Canım Rulvan.* Latîfî. Tezkiretü'ş-şuarâ ve Tabsıratu'n-nüzemâ, Doktora Tezi, AU. SBE, Erzurum, 1991; *Mustafa İsen.* Latîfî Tezkiresi. Ankara, 1999; *Мустафо Эсон.* Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

АБДУЛЛОҲ АБУ АВОНА ШОШИЙ (в.899) – имом, муҳаддис. Кўҳна Шош (Тошкент)да туғилган. Тарихчи Абу Саъд Самъоний Шошдан кўплаб имомлар етишиб чиққанлиги, А.Ш. шулар жумласидан эканлигини қайд этган. Буюк муҳаддис Имом Бухорий, Жаъфар ибн Муҳаммад Фирёбийнинг замондоши бўлиб, улардан ёш бўлишларига қарамай, бир неча ҳадисларни ундан ёзиб олганлар.

АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ (1006–1088) – тасаввуф олими, фақих ва форсийзабон шоир. Тўла номи: Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абул Мансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравий. "Пири Ҳирот" ва "Шайху-л-ислом" нисбалари б-н машҳур. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида ўқиган. Фиқҳ илмини Шариф Маргозий ва Абу Абдуллоҳ Тоқий, ҳадис илмини Абулфазл Жорудий, тафсир илмини Хожа Яҳё Аммордан ўрганган. Ўн тўрт ёшидан Балх, Нишопур, Тус, Бистом ш.ларида саёҳатда бўлган. Рой ш.да Бобо Кўҳий, Абул Ҳасан Харақоний, Нишопурда Абусаид Абулхайр б-н кўришган. Юсуф Ҳамадонийнинг пири. Алишер Навоий А.А. ҳақида: "Лакаби Шайху-л-исломдур ва бу китобда ҳар ердаким Шайху-л-ислом воқеъдурур мутлақ мурод ондиндур ва ул Абу Мансур Маттул Ансорий фарзандларидандур ва Маттул Ансорий Айюб Ансорий фарзандидурки, Ҳазрат Расул (с.а.в.)нинг соҳиби риҳли эрмиш..." деб таъриф берган. Араб ва форс т.ларида илмий, тасаввуфий ва бадиий асарлар яратган. Араб т.да 6 минг байтдан ортиқ маснавий ва икки мингдан ортиқ рубоий ёзган. Учта "Девон" тузган, бироқ тўла ҳолда сақлангани йўқ. Муножотлари тасаввуф ад-тида юксак қадрланади. Асосий асарлари: "Муножот", "Рисолайи дилу жон" ("Дил ва жон рисоласи"), "Канзу-с-соликин" ("Соликлар хазинаси"), "Зоду-л-мусофирин" ("Сайр қилувчиларнинг йўл озиғи"), "Табақоту-с-суфия" ("Суфийлик мақомлари"), "Манозилу-с-сойирин" ("Сайр қилинувчи манзиллар"), "Ҳафт ҳисор" ("Етти қалъа"), "Сад майдон" ("Юз майдон"), "Муҳаббатнома", "Ганжнома", "Қаландарнома", "Насойиҳ" ("Насиҳатлар") в.б. Қуръоний мавзудаги "Қиссайи Юсуф" асосида "Анису-л-муридин ва-ш-шамсу-л–мажолис" ("Муридлар дўсти ва мажлислар қуёши") номи б-н 14 мажлис доирасида насрий асар битган.

Рубоийларидан бири:

Ё Раб, мени ишқинг майидин хуммор қил,
Ишқингда мени хоҳи йўқ, хоҳи бор қил,
Ишқингдан ўзга ҳар нарсадан безор қил,
Ишқин домига бир йўла гирифтор қил.

Ҳиротда вафот этган. 1425-29 й.да А.А. мақбараси қурилган. Бобуршоҳ мақбарага оқ мармардан ёдгорлик (баландлиги 7,5 м) ўрнатган.

- *Бертельс Е.Э.* История персидско-таджикской лит-ры. М., 1960; *Самарқандий А.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 341-342, 355; *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 403-тартиб; Энц-яи ад-т ва санъати тожик. Ж.1. Душанбе, 1988. С.161-162.

АБДУЛЛОҲ ЖАВДАТ (1869–1932) – XX аср турк адиби. Истанбулда Аскарлар тиббий билим юртида ўқиган. Кўз шифокори бўлиб хизмат қилган. «Усмонли» газ.си ва «Ижтиҳод» (1904) журн.нинг асосчиси, унинг муҳ-рлигида журн.нинг 28 й. ичида 358 сони чиқарилган. «Ижтиҳод кутубхонаси» туркум нашрлари (1905)нинг асосчиси.

- *Dr. M.Şükrü Hanioğlu.* Doktor Abdullah Cevdet ve Dönemi. İstanbul, 1981; *Necatigil B.* Edebiyatımızda isimler Sözlüğü. İstanbul: Varlık yayınları,1989. S.10.

АБДУЛЛОҲ ибн АББОС (619–687) – аббосийлар сулоласи асосчиси, тафсир, фиқҳ ва ҳадис олими. Тўлиқ исми: Абдуллоҳ б. Аббос б. Абдул Мутталиб б. Ҳошим б. Абдуманноф б. Қурайший. Аббос (Пайғамбарнинг амакиси)нинг тўнғич ўғли. Имом Бухорийга кўра, ота ва онасидан аввалроқ исломни қабул қилган. Халифа Умар ва Усмон даврида ислом оламнинг бош муфтийси. Али ибн Абу Толиб даврида Басра волийси. Қуръон тафсирининг етакчиларидан бўлгани учун "Таржимону-л-Қуръон", "Султону-л-муфассирин» унвонларини олган. А. нақл қилган ривоятлар асосида Фируз Ободий (1329–1414) "Тафсиру-л-миқёс тафсири ибн Аббос" ("Ибн Аббос тафсирлари миқёсининг шарҳи") китобини ёзган. Муҳаддис сифатида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)дан 1660 та ҳадис ривоят қилган. А. ривоят қилган ҳадислар биринчи манба: Абу Бакр Сиддиқ, Оиша, Маймуна, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдураҳмон ибн Авф каби саҳобалардан олинган. Кексалик чоғларида кўзи ожиз бўлиб қолган. Манбаларда умрининг охирида айтган ушбу фарди қайд этилган:

Аллоҳ кўзларимдан сўндирди нурни,
Юрак қатларига индирди нурни.

А. ҳижрий 68 й.да вафот этган.

• *Ислом.* Энц-я. Т.: ЎМЭДИН, 2004; *Имом Бухорий.* Ал-адаб ал-муфарад (Адаб дурдоналари). Т., Мовараннаҳр, 2006. Б. 421-424 (изоҳлар муалл. А.Самад); *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.8.

АБДУЛЛОҲ ибн ал-ОДАМИЙ ШОШИЙ (X) – муҳаддис. Кўҳна Тошкентда туғилган. Бобосининг исми Одам бўлган, шунинг учун унга «Одамий» нисбаси берилган. Ҳадис илмини дастлаб ўз юртида Ҳабиб Муғира Шоший, Ҳомид ибн Довуд Шошийлардан ўрганган. Илм талабида Ироқ ва Ҳижоз ўлкаларига сафар қилган. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг хабар беришича, А. ибн О.Ш. Шош воҳасида ҳадис илмини тарғиб қилганлардан бири.

АБДУЛЛОҲ ибн ЖАЪФАР (в.699) – Ҳазрат Алининг жияни, ўзининг саховатпешалиги б-н донг таратгани ад-тларда қайд этилган.

АБДУЛЛОҲ ибн ЗУБАЙР (622–693) – ислом уламоси, Қуръони каримни мусҳаф қилган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг завжаси Ойшанинг жияни. Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларидан бири, лашкарбоши Зубайр ибн Аввомнинг ўғли. Қуръони каримни Ҳазрати Усмон даъвати б-н мусҳафга кўчирган тўрт уламонинг бири. Закои Кўнрапанинг "Ашараи мубашшара" асарида т.га олинган. Миср ва Рум фатҳида қатнашган. 9 ой халифалик қилган. *Ҳожару-л-асвад*ни Каъба ичкарисига олдирган, Муҳаммад пайғамбар яшаган уйни таъмирлаган. А.З.дан кўпгина ҳадислар ривоят қилинади.

• *Бухорий, Имом Исмоил.* Ал-жомеъу-с-саҳих. 3-ж. Т., 1994; *Кўнрапа З.* Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. Т., 1995. Б.155; *Имом Бухорий.* Ал-адаб ал-муфарад (Адаб дурдоналари). Т., Мовараннаҳр, 2006. Б. 427-430 (изоҳлар муалл. А.Самад); Ислом тасаввуфи манбалари. Т., 2006. Б.40, *329.*

АБДУЛЛОҲ ибн МУБОРАК (VII) – хоразмлик буюк муҳаддис, Пайғамбар (с.а.в.) тобеъинларидан бўлган. Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб, А. ҳадис тўпламини таълиф этган. Навоийнинг "Насойим..."ида у ҳақда шундай маълумот бор: "Ани уламонинг шаҳаншоҳи дер эрмишлар ва жуду шижоатда замонининг ягонаси эрмиш. Ва тариқат асҳобининг муҳташами. Ва бу қавмнинг машойихининг кўпининг суҳбатиға мушарраф бўлубдур. Ва машҳур тасонифи бор... Анинг маноқиби зикрин тилаган киши Ҳазрат Шайх Фаридуддин Аттор к. с.нинг «Тазкирату-л-авлиё»сида тиласунки, вофий битибдур".

Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001, 7-тартиб.

АБДУЛЛОҲ ибн МУБОРАК Марвазий (736–797) – қомусий олим, муҳаддис ва мутасаввиф. Марвда робот ва хонақоҳлар қурдирган. Фиқҳ, ҳадис ва тафсир илмига оид асарлар ёзган. Тарсус (Сурия)да вафот этган.

Қабри Хит (Сурия) ш.да.

АБДУЛЛОҲ ибн МУТТАЛИБ (555–580) – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг отаси. Қурайш қабиласининг эътиборли кишиларидан. Омина исмли аёлга уйланиб, фарзанд кўрган. Жуда эрта 25 ёшида тижорат сафаридан сўнг, ҳасталаниб вафот этган. Қуръони каримнинг 93-сурасида (аз-Зуҳа) Пайғамбар (с.а.в.) отасидан эрта етим колганига ишора бор.

Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.9.

АБДУЛЛОҲ ибн МУЪТАЗЗ (861–908) – аббосийлар сулоласининг етук олими ва жамоат арбоби. Тўлиқ номи: Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Муътазз. Аббосийлар сулоласининг бўғини сифатида т.га олинса ҳам Халифа Муътадид даврида саройга яқинлашган ва атиги бир кун (908 й., декабр) халифалик қилгани учун, ҳатто сулолада номи кўрсатилмайди. Бироқ соҳиби девон шоир сифатида кўплаб тазкира ва баёзларда ҳурмат б-н т.га олинган, эпик шеъриятда тарихий достон жанрининг асосчиси сифатида кўрсатилган. А.нинг «Китобу-л-одоб», «Табоширу-с-сурур» («Шодлик тонги»), «Ашъору-л-мулук» («Подшоҳларнинг шеърлари»), «Китобу-л-бадеъ» («Бадиият китоби»), «Ал-жомеъ фил-ғино» («Оҳанглар тўплами»), «Китобу-л-жаворих ва ас-сайд» («Овчи қушлар ва ўлжалар китоби»), «Ҳалли ахбор» («Хабарлар зийнати»), «Китобу-з-заҳра ва ар-риёз» («Гуллар ва боғлар китоби»), «Китобу-с-сурукот» («Адабий ўғриликлар китоби»), «Табокоту-ш-шуаро» («Шоирларнинг табақалари»), «Мукотиботу-л-иҳвон би-ш-шеър» («Шеърий иҳвон мактублари») асарлари маълум ва машҳур. Араб олимларидан Шарафиддин Муборак ибн Аҳмад Муставфий, Абу Закариё Табризий, Абдулқодир Бағдодий, Халил Асокир, Абу Ҳаййон, Ибн Рошиқ, Абул Фараж Исфаҳоний, «Табақоту-н-наҳвиййин ва ал-луғавиййин» («Граматика ва луғат олимларининг табақалари») китоби муал. Жалолиддин Суйутий, «Иршод» муал. Ёқут Ҳамавий, «Вафоёту-л-аъён» муал. Ибн Ҳолликон,

«Кашфу-з-зунун» муал. Ҳожи Халифа ўз асарларида “устози аввал” деб билганлар.

«Китобу-л-бадеъ» («Бадиият китоби») бадиий санъатларнинг дастлабки 12 тури ҳақида илк тизимли маълумот берувчи асар, беш бобда муал. мутлақ янги маҳосин – гўзал санъат турлари баён қилинган. А.нинг ушбу асари 887–888 й.ларда ёзилган, 1-котиби муал.нинг дўсти олим Али Мунажжимдир. Китоб 1935 й. Лондонда факсимиле, тарж. ва тадқиқот ҳолида И.Ю.Крачковский муал.лигида илк бор нашр этилган.

♦ *Абдуллоҳ ибн Муътазз.* Китабу-л-бадеъ / Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.VI. М.Л., 1960. С.179-257 (текст); *Ибн Муътазз.* Китобу-л-бадеъ (М.Маҳмуд тарж.) / Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т., 2008. Б.234-244.

• *Крачковский И.Ю.* Ибн ал-Му’тазз. Китаб ал-бади’ / Избранные сочинения. Т.VI. М.-Л., 1960. С.97-178; *Каскель В.* Китаб ал-бади’ и ее место в арабской поэтике и риторике / Арабская средневековая культура и лит-ра. М.: Наука, 1978; *Куделин А.Б.* Средневековая арабская поэтика. М.: Наука, 1983.

АБДУЛЛОҲ ибн УМАР (в.693) – ислом уламоларидан, муҳаддис ва тафсирчи. Ҳазрати Умарнинг тўнғич ўғли, илк мусулмонлардан. Табаристонга қилган юришлар (650–651) иштирокчиси. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) б-н Ҳандақ жангида иштирок этган. Ҳазрат Усмон вафотидан кейин халифаликка тайинламоқчи бўлганида қатъий суратда рад этиб, ўрнига Ҳазрат Алини тавсия этган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) дан 2630 та ҳадис ривоят қилган. Маккада 84 ёшида вафот этган.

• *Бухорий, Имом Исмоил.* Ал-жомеъу-с-саҳих. 3–ж. Т., 1994; *Имом Бухорий.* Ал-адаб ал-муфарад (Адаб дурдоналари). Т., Мовароуннаҳр, 2006. Б. 432 (изоҳлар муалл. А.Самад); Ислом тасаввуфи манбалари. Т., Ўқитувчи, 2005. Б.41.

АБДУЛЛОҲ Китобдор (Шиҳобиддин) – Бобур кутубхонасининг бошлиғи (Кобул). Назмга мойил, ҳушсуҳбат киши бўлган. Бир неча бор жангларда бирга қатнашган. А. ҳақида “Бобурнома”, “Фатҳнома”да маълумот берилган.

Ғиёсиддин Хонламир. Ҳабиб ус-сияр. Т.: Ўз-н, 2013.

АБДУЛЛОҲ КОБУЛИЙ (XVII) – тарихчи олим. Бобурийлардан Акбаршоҳ саройида хизмат қилган. *«Тазкират ут-таворих»* асари муаллифи.

АБДУЛЛОҲ КОТИБ (XIX) — хаттот, наққош. А.К. кўчирган қўлёзмалардан Ҳисомуддин Умар Бухорийнинг «Воқеоти Ҳисомий» (1820), Рукниддин Шерозийнинг «Шарҳ ул-фусус» (1821), Абдулқодир Бедилнинг «Чаҳор унсур» (1824), Ҳусайн Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна», 1824) каби асарлари ЎзФАШИда сақланади.

АБДУЛЛОҲ МАРВОРИЙ Хожа Шиҳобиддин (в.1516) – шоир, созанда, мусиқашунос олим. *Баёний* тахаллусини қўллаган. Марвда туғилган, Ҳиротда Жомий ва Навоийга шогирд бўлган. Темурийлардан Ҳусайн Бойқаро саройида мухрдор ва вазир бўлган. “Мунису-л-аҳбоб” (“Дўстлар

муниси") номли шеърий девони бор. "Хусрав ва Ширин" достони, мусиқага оид рисола ва "Татсилот" асари муаллифи. Ҳусайн Бойқаро, Жомий, Навоий ва ўз мактубларидан иборат "Тарассул" мажмуасини жамлаган. Навоий "Мажолис..."да, Бобур "Бобурнома"да А. ҳақида маълумот берган. Сўнгги манбада "Турфа зойил киши эди, қонунни онча киши чалмайдир. Қонунда гирифт қилмоқ мунинг ихтироидир. Хутутни хўб битир, таълиқни хўброқ битир эди. Иншони хўб билур эди. Хушсуҳбат киши эди" каби баҳо берилган ("Бобурнома", 175а).

- *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. Т.: Фан, 2002.

АБДУЛЛОҲ НОРИНЖОНИЙ – қ.: Норинжон.

АБДУЛЛОҲ САДР (в.1516) – шоир, олим, мусиқашунос, хаттот. Асл исми: Хожа Шаҳобиддин, тахаллуси Баёний. Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдор, вазир, парвоначи (қабулхона масъул ходими) бўлган. "Хусрав ва Ширин" достонини ёзган. "Мунису-л-аҳбоб" ("Дўстларнинг дўсти") рубоийлар мажмуаси, "Тарассул" номли ҳужжат ва мактублар тўплами тузган. Унга Хожа Аҳрор, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаронинг мактублари киритилган.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.141,269-270.

АБДУЛЛОҲ ТЕРМИЗИЙ (в.1625) – шоир ва хаттот. Восифий тахаллуси б-н асарлар битган. Ҳиндистонда бобурий султонлардан Жаҳонгир мирзо саройида (1605-25) "Мушкин қалам" унвонини олган. Мутрибий "Нусхайи зебойи Жаҳонгир" тазкирасида т.га олинган. Агра ш.га дафн қилинган.

АБДУЛЛОҲ ҲОТИФИЙ (в.1521) – тарихчи олим, адиб; Абдураҳмон *Жомий* синглисининг ўғли. Балхда яшаган. «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт манзар», «Шоҳ Исмоил жаноби олийлари Шоҳномаси» каби асарлар муал.и. Султон *Ҳусайн Бойқарога* бағишлаб, Амир Темурнинг зафарли юришларини тасвирловчи «Темурнома» (ёки «Зафарнома») тарихий достонини ёзган. Асарнинг қўлёзмаси кўпгина кутубхоналарда сақланиб қолган. 1869, 1896 йй.ларда Лакхнавда, 1957 й. Мадрасда чоп этилган.

АБДУЛЛОҲХОН II (1534–1598) – Бухоро хони, шайбонийлар сулоласи вакили. Тўлиқ номи: Абдуллоҳ б. Искандархон б. Жонибек султон б. Хожағум султон б. Абулхайрхон Ғозий. 1557 й. Бухорони забт этган, 1583 й.дан тахтга ўтирган. Шайбоний ўлимидан сўнг Ўзбекхонлар давлатини кенгайтириш мақсадида Тошкент, Сирдарё, Балх, Фарғона, Хоразм ва Бадахшон каби юртлар эгалланган. 1561 й. Мовароуннаҳр тахтига отаси Искандархонни ўтқазиб, амалда (расман 1583 й.дан) давлатни ўзи идора қилган. А. даврида Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон, Онадўли (ҳозирги Туркия) ва Россия б-н маданий, тижорий алоқалари ривожланган. Узоқ вақт хонлик

қилган, ад-т ва санъатга ихлоси баланд бўлган. *Хон* тахаллуси б-н асарлар битган. А. II даврида мамлакатда ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Хусусан, Мирзачўлдаги сардоба, Тошкентдаги *Кўкалдош мадрасаси* шу даврда қурилган. 60 ёши (1007 ҳижрий)да вафот этган, қабри Баҳоуддин Нақшбанд мозорида.

А. даври ҳақида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллоҳнома" (1584–89), Амин Аҳмад Розийнинг "Ҳафт иқлим" (1583) асарларида маълумотлар берилган. Мутрибий Самарқандийнинг «Тазкирату-ш-шуаро» (1593–95) тазкирасининг Биринчи қисмида "муалиф кўрган, мулозимати иззати б-н эъзоз топган подшоҳларнинг ҳумоюн мақтови ва бахтиёр васфлари баёни"да шундай т.га олинган: "Бу хоннинг соғлом табъи ва тўғри зеҳни бор эди, сўзни топиб танлашда тенгсиз ва нозик маъноларни ишлатишда мислсиз даражада ном чиқаргандилар. Жаҳонбонлиқ мартабаси ва юрт бошқармоқлик рутбасига қарамай, сухандонлик ўлкаларини эгаллашга ҳам эътибор қаратардилар. Ва ширин сўзлар, рангин абётлар айтишга ажиб бир майлу истаклари бор эди... гоҳида ёғдули кўнгиллари салим табъи ва мустақим зеҳни меваларини назм шаклида янада мазмундор қилардилар ва малики маннон иноятн воситасида ул ҳазрат иккита тил – форсий ва туркийда шеър айтмоқ иқтидорига эга эдилар". Сўнгра бир форсий ғазалини тўла ҳамда туркий ғазалининг матлаъсини келтирган:

Бир аёқ ичтук ўшал Наврўзи мискин қошдин,
Қўш аёқ ичмай туриб чиқмас хуморлар бошдин.

• *Бартольд И.В.* Соч., Т.II (2). М., 1964; *Ахмедов Б.* Историко-географическая лит-ра Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. Т., 1985; *Ҳасанхожа Нисорий.* Музаккири аҳбоб. Т., 1993; *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2013. Б.18-26; *Ҳофиз Таниш Бухорий.* Абдулланома. 1-ж. Т., 1999; 2-ж. Т.: Шарқ НМАК, 2000.

АБДУЛМАЛИК ибн Ҳишом ал-Маорифий (в.833/8.V) – араб тарихчиси, филологи. Тўлиқ исми: Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Ҳишом ибн Айюб Ҳимйарий ал-Маорифий ал-Мисрий. Басрада туғилган, Мисрнинг Фустот ш.да яшаган. Мисрда Имом Шофеъий А. б-н сухбат қуриб, унинг т., шеър ва насаб илми билимдони эканини эътироф этган. Ибн Исҳоқнинг "Мағозий"ини қайта тартибга келтирган асари "Сийрат ибн Ҳишом" ёки "Таҳзибу ибн Ҳишом" деб номланган. Бу асарни Кийтий, Заҳабий, Ибн Касир, Ибн Имод, Ибн Халликон каби тарихчилар Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётига доир энг ишончли сийра (қисса) сифатида қайд этишган. Асар Мисрда (1843–44), Германияда (1858–60) Ф.Вустенфилд уч ж.да нашр этган. Асарга Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ Суҳайлий (в.1185), Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий, Абулфатҳ ибн Иброҳим Билбисий шарҳлар ёзишган. А. асари форс, турк, немис, урду, рус (қисқа шаклда) т.ларига тарж. қилинган. Ўзбек т.га акад.Н.Иброҳимов раҳбарлигидаги тарж.лар гуруҳи томонидан ўгирилган.

♦ *Абдулмалик ибн Хишом ал-Маъорифий.* Жизнеописание пророка Мухаммада / Пер. Ш.А.Гайнуллина. М., 2002; *Абдулмалик ибн Хишом ал-Маъорифий.* Ас-сийра ан-Набавиййа. 1-ж. 1-китоб. Т.: Sharq НМАК, 2011.

• *Аҳмедов А.* Ибн Исҳоқ – Ибн Ҳишомнинг «Ас-Сийра ан-набивия» асари ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2009. 4-сон; 2010. 1-сон.

АБДУЛМАЛИК ота (XII) – Хожа Аҳмад Яссавийнинг илк халифаларидан. Хожа Аҳмаднинг пири Арслон бобонинг набираси (Мансур отанинг ўғли). «Рашаҳоту айну-л-ҳаёт»дан маълум бўлишича, силсилада Мансур отадан кейинда келади. А.о. Хожа Аҳмад Яссавий услубида ҳикматлар ёзган. Асарларидан айрим парчалар «Бокирғон китоби»га киритилган.

• *Сайрамий, Мулла Мусо ибн Исо.* Тарихи Амнийя. Қозон: 1905. Б.289; *Koprulu M.F.* Turk Edebiyatında ilk Mutasavvıflar. Ankara, 1991. S.87; *Фитрат А.* Яссавий мактаби шоирлари туғрисида текширишлар / Танл. асарлар. 2–ж. Т.: 2000. Б.31-36; Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт / Тарж. Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Т., 2004. Б.23.

АБДУЛМАННОН КОТИБ Абдулваҳҳоб ўғли (1880–1945) – хаттот. Тошкентда туғилган. А.к. томонидан настаълиқ хати б-н кўчирилган 20 дан ортиқ қўлёзма ЎзРФАШИ фондида сақланади. Булар орасида Навоийнинг «Хамса» (1905) ва «Мажолис ун-нафоис» (1917), Мирзо Салимбекнинг «Кашкули Салимий» (1912), Биноийнинг «Боғи эрам» (1917), Афзал Пирмастийнинг «Афзал ут-тазкор» (1917) каби асарлари бор.

АБДУЛМЎЪМИНХОН (в.1599) – шайбоний сулоласи хонларидан. Бухоро хони Абдуллоҳхон II ўғли. Балх ва Бадахшон ҳокими (1582–98), Бухоро хони (1598–99). Балх қалъасини қайта қурдирган, Хожа Абунаср Порсо мозорида қўшк барпо қилган. Эрон сафавийларига қарши курашган. Мутрибий Самаркандий у ҳақда ёзади: “Табъи бағоят яхши эди, мазали шеър ва тотли сўздан ажиб бир равишда завқланарди. Ва гоҳида ўзи ҳам шеър айтмоқ йўлига қадам босарди. Бу матлаъ ва рубоий унинг латиф табъи меваларидандир” дея матлаъ ва ушбу рубоийни келтиради:

Аз гуфтани шеър дил сафое ёбад,
Шоир ба жаҳон нашъу намойи ёбад,
Авсофи бутон гўй, агар гўйи шеър
То оинайи дилат жилойи ёбад.

Мазмуни: Шеър ёзмоқдин кўнгил сафо топсин,
Жаҳон ичра шоир нашъу намо топсин.
Шеър айтсанг, санамлар васфин қил,
То дилинг кўзгуси жило топсин.

• *Аҳмедов Б.* Историко-географическая лит-ра Средней Азии XVI-XVIII вв. Т., 1985; *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. Б.26-28.

АБДУЛРАҲИМ УСМОНИЙ ҲИДОЯ – қ.: Ҳидоя ибн Абдулраҳим Усмоний.

АБДУЛРАҲМОН ТОЛЕЪ (XVIII) – бухоролик мунажжим, шоир ва тарихчи. Асл исми Абдураҳмон Давлат, Толеъ – тахаллуси. А.Т. Бухоро хони Абулфайзхон (1711–47) замонида яшаган ва ҳукумат ишларида қатнашган, амир Абдуллоҳ қушбегининг якин мулозими бўлган. А.Т.нинг

«Тарихи Абулфайзхон» асари аштархонийлар сулоласи сўнгги вакили Абулфайзхоннинг хукмронлиги тарихига бағишланган бўлиб, унда XVIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахдаги сиёсий аҳвол, халқ турмуши ва маданий ҳаётга оид маълумотларга жамланган. А.Т.нинг тарихий асари аштархонийлар сулоласига мансуб Субхонкулихон (в.1114/1702) тарихига бағишланган Муҳаммад Юсуф муншийнинг "Тарихи Мукимхоний" ва Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллоҳнома" асарларининг давоми хисобланади. Абулфайзхоннинг тахтга чиқишидан тортиб, унинг Раҳимбий томонидан ўлдирилиши воқеаларигача асарда тўла акс этган. Фитрат машҳур драмасини ёзишда бирламчи манба сифатида ушбу тарихга таянган. Асар рус т.га ("История Абулфейзхана") тарж. қилинган.

Қўлёзма форс т.да ёзилган. ЎзРФАШИда сақланади, 161 варақдан иборат. Шарқ қўлёзмалари тўплами (Т., 1952)да 197-рақам б-н тасниф берилган.

♦ *Толе А.* История Абулфейзхана / Пер. А.А.Семенова. Т.: Фан, 1959.

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ (1103–1179) – мутасаввиф олим, *хожагон* тариқатининг асосчиси. Тўлиқ исми: Хожа Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний. "Хожайи жаҳон" номи б-н машҳур Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний китобларда Юсуф Ҳамадонийнинг «тўртинчи халфаси» сифатида тилга олинади. 9 ёшида Қуръони каримни ёд олган, Имом Сидриддиндан тафсир илмини ўрганган. 22 ёшидан Бухорога келиб, Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид бўлган. Айрим тадқиқотчилар Хожагон тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланган (В.Бартольд) десалар, айримлар кейинчалик «накшбандийлик» номи б-н машҳур бўлган тариқатнинг яратувчиси (Ж.Тримингэм) сифатида А.Ғ.ни т.га оладилар. Тасаввуф тарихидаги «Саккиз рашҳа» («Оби ҳаёт томчилари») А.Ғ. номи б-н боғланган. Юсуф Ҳамадоний томонидан тўрт рашҳа *хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан ва хилват дар анжуман*га асос солинган бўлса, уни давом эттириб яна тўрт рашҳа – *ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт ва ёддошт* А.Ғ. томонидан асосланган. Муҳаммад Порсо «Фусулу-л-хитоб» ("Хитоб фаслари") асарида «Ҳазрати Хожа Абдулхоликнинг йўллари тариқатда ҳужжат хисобланади» деб ёзган.

А.Ғ.нинг асосий асарлари: «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний», "Одоби тариқат" ("Тариқат одоби"), "Рисолаи соҳибия" ("Дўстлик рисоласи"), "Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний" ("Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний сўзларидан"), «Васиятнома» в.б. А.Ғ. форс т.да ёзган рубоийларидан бири:

Гар кишидан дилда шикоят бўлгай,
Дил огриги ундан бениҳоят бўлгай,
Ҳеч уйлама интиқом олишни, чунки
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

(Эргаш Очилов тарж.)

А.Ғ.нинг мурид ва шогирдлари Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий,

Хожа Саййид Мир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд в.б. Қабри Ғиждувон ш.да.

♦ *Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний.* Мақомоти Юсуф Ҳамадоний / С.Рафиддин ва Н.Ҳасан тарж. Т., 2003; Минг бир рубоий. Т.: Фан, 2009. Б.63-67.

• *Ҳасаний М., Раззоқова М.* Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Т., 2003. Б.30; *Али Сафий, Фахруддин.* Рашаҳоту айну-л-ҳаёт. Т., 2004. Б.35-48; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.19.

«***АБДУЛХОЛИҚЧИЛАР***» [тасаввуфшунослик] – Хожагон тариқатига Абдулхолиқ Ғиждувоний асос солгани учун унинг вакилларини А. деб аташган. Фитрат ҳам ҳали нақшбандийлик номи б-н шаклланиб улгурмаган силсилани «Абдулхоликчилар» деб атаган.

• *Фитрат А.* Аҳмад Яссавий / Асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000. Б.10-31; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.19.

АБДУЛҚОДИР ГИЛОНИЙ (1077–1166) – тасаввуфда қодирийлик тариқатининг асосчиси. Тўлиқ исми: Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Абдуллоҳ. Эроннинг Гилон (Жилон) кентида туғилган ва Бағдодда вафот этган. Отаси Абу Солиҳ б. Мусо Жангидўст шариф Ҳазрати Ҳасан (р.а) авлодларидан, онаси Уммихайр Фотима саййида б. Абу Абуллоҳ Ҳазрати Ҳусайн (р.а.) авлодларидандир. Ислом дунёсининг актоби арбаа (тўрт қутби)га мансуб бу зот қодирийлик тариқатига асос солган. Бу тариқатнинг бош дастури «машғуллик ила фориғлик» (ўзинг дунё б-н машғул бўлган пайтда дилинг ундан фориғ бўлсин)дир. «Аҳд» б-н кирилмоғи лозим бўлган бу тариқат Миср, Андалус, Шом, Бағдод, Онадўли, Марказий Осиё ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган ва кейинги 29 тарик йўли (Ж.Тримингэм)га асос сифатида хизмат қилган. Навоийнинг ёзишича, «Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жилий (к.с.) карометлари тавотур (узлуксиз)... жаҳон шайхларининг бирортасига бундай карометлар зоҳир бўлмаган».

«Ғавсу-л-аъзам» исми б-н машҳур бўлган А.Г. Мусо б. Юнуний, Нуриддин Али Шаттанафий, Муҳаммад Тодафий, Муҳаммад Дилоий, Ибн Ҳожар, Мулукшоҳ Сиддиқий, Муҳаммад Мир Олим, Шароний, Жомий, Навоий, Хожазода Аҳмад Ҳилмий кабиларнинг тазкира ва мақомотларида улуғланган. А.Г.нинг «Ғунйату ли-толиби тарику-л-Ҳақ», «Фатҳу-р-раббоний вал-файзу-р-раҳмоний» («Ситтин мажолис»), «Футуҳу-л-ғайб», «Ҳизби башару-л-ҳайрот», «Мавоҳибу-р-раҳмониййа вал-футуҳу-р-раббонийа...», «Жалоу-л-Хотур», «Йавоқуту-л-ҳикам», «Фуйузоту-л-раббонийа фил-авроду-л-қодирийя», «Девони Ҳазрати Ғавсу-л-Аъзам» («Ғазалиёти Муҳйи») каби асарлари маълум.

«Сирру-л-фи ма йаҳтажу илайҳи-л-аброр» («Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сири») ва «Мактуботи Гилоний» асарлари нашр қилинган. “Куня” асарида 73 мазҳаб таърифи берилган.

♦ *Шайх Саййид Абдулқодир Гилоний.* Сирру-л-асрор. Мактубот (Таржимон, сузбоши ва луғат-изоҳлар муал.и О.Журабоев). Т.: Моваройннаҳр, 2005.

• *Маҳмудов М.* Аҳли дил. Т.: Ўқитувчи, 1997. Б.308–309.

АБДУЛ МУИС (1886–1959) – индонез адиби ва сиёсий арбоб. «Сарекати ислом» оммавий ҳаракатининг йўлбошчиси, «Нотўғри тарбия» (1928) романида исломий тарбияни бузаётган Ғарб мустамлакачилари ва мутахассислари танқид қилинган. «Сурапати» (1951), «Роберт, Сурапати ўғли» (1953) романлари муал.и. Малайзия ад-тидаги машҳур қиссалар «Бахтиёр қиссаси», «Мордехай қиссаси», «Сабай нан Алуйх» каби асарларнинг адабий вариантларини яратган. Ғарб ад-тидан тарж.лар қилган.

• *Сикорский В.В.* Становление современной индонезской лит-ры // Вестник истории мировой культуры. 1959. №6. Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.29.

АБДУЛ ҲАҚ (1870–1961) – покистонлик филолог олим. «Анжумани тараққийи урду» жамиятининг асосчиси. «Хамари забон» («Бизнинг т.»), «Урду», «Маашият» («Ҳаёт»), «Саинс» («Фан») журн.нинг ташкилотчиси. Ҳайдаробод ва Дехлида кад. қўлёзмаларни тўплаган. Ўрта асрлар урду ва форс т.даги ад-тнинг мутахассиси.

• Краткая лит-ная энц-я, т.I. М.: СЭ, 1962. С.30.

АБДУЛРАҲМОН ибн ҲАРИС (VII) – Муҳаммад (с.а.в.) фидойи саҳобаларидан. Кўп юришларда Муҳаммад пайғамбар б-н бирга қатнашган. Ҳазрати Усмон даврида Қуръон сураларини мусҳафга кўчирганларидан бири. Исмоил Бухорийнинг қайд этишича, Пайғамбаримиз бу ишни Зайд ибн Собит, Саййид ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдураҳмонга топширган.

• *Бухорий, Имом Исмоил.* Ал-жомеъу-с-саҳих. 3–ж. Т., 1994; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.40, *329.*

АБДУЛРАҲМОН МОМАНД (1632–1707) [фалсафа, тасаввуфшунослик] – афғон шоири, мутасаввифи. Пешовар яқинида Моманд уруғига тегишли оилада туғилган. Асарларини пашту ва форс т.ларида битган. Ғазал ва рубоийлари асосида "Девон" тартиб берган. Унинг таркибига кирган асарларнинг аксарияти тасаввуфий руҳда. "Девон"и 1876 й. Лаҳурда чоп этилган.

АБДУ-Л-ҚАҲИР ЖУРЖОНИЙ – турк олими ва адиби, асарларини араб т.да ёзган. Араб поэтикасига доир "Асрору-л-балоға фи илму-л-баён" ("Балоғат ва баён илмининг сирлари") рисоласи балоғат илми ҳақида энг мукаммал асарлардан ҳисобланади. "Далойилу-л-эъжоз" ("Муъжизалар далиллари") асарида барча муъжизалар Яратувчиси ва унинг яралмишлари ҳақида баён қилинади.

• Арабская средневековая культура и лит-ра. М.: Наука, 1978; *Куделин А.Б.* Средневековая арабская поэтика. М.: Наука, 1983; *Quliyeva M.* Şərq poetikasının asas kateqoriyaları. Bakı, 2010. S.96.

АБДУЛҚАҲҲОР САМАРҚАНДИЙ (в.1483) – арузшунос олим ва форс адиби. Аруз ва қофия илмига доир «Рисолаи Ҳумоюн» асарини ёзган. Шамси Қайс Розий ва Носириддин Тусий асарлари руҳида яратилган бу асарда XV аср шоирлари ижодига доир қимматли маълумотлар бор. Ғазал шеърлар битган, ад-тдаги назарий ҳодисаларга ўз ижодидан мисоллар келтирган.

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ – қ.: Мирзо Абдулқодир Бедил.

АБДУЛҚОДИР ШАКУРИЙ (1875–1943) – маърифатпарвар адиб, педагог. Самарқандда илк жадид мактабларининг асосчиси. Самарқанд теграсидаги Ражабзамин қишорғила туғилган. Тиллакори ва Орифжонбой мадрасаларида ўқиган. 1903 й. Қўқонда очилган жадид мактаби (Салоҳиддин Мажидий) усули б-н танишиб, Самарқандда уни жорий қилган. Мактаб ишлари б-н танишиш учун Қозон (1906) ва Қрим (1911)га сафар қилган. Исмоил Ғаспирали А.Ш. мактабини бориб кўрган (1908). 1916 й. мардикорликка олинган, сўнгра ватанига қайтиб, 1925 й.га қадар ўзи очган мактабларда ишлаган. 1937 й. ноҳақ ҳибсга олинган, 1943 й.да вафот этган.

Усули жадид мактаби учун дастур (1904, Беҳбудий б-н ҳаммуал.ликда) тузган, дарсликлар яратган. Турк маърифатчиси Аҳмад Мидҳатнинг “Хожайи аввал” (“Биринчи муаллим”) асари йўналишида “Раҳбари савод” алифбеси (Ҳожи Муъин б-н ҳамкорликда) ни тузган. Шогирди И.Раҳматуллоҳ ўғли иштирокида “Жомиъу-л-ҳикоят” (“Ҳикоятлар тўплами”, 1907), “Зубдату-л-ашъор” (“Сара шеърлар”, 1907) ўқиш китобларини, биринчи синф учун “Таълими алифбо ёхуд раҳбари мактаб” қўлланмасини ёзган. Сўнгги қўлланма Тошкентда (1915) чоп этилиб, бутун Туркистон бўйлаб тарқалган. Бу мактаб фаолияти хусусида “Таржумон” (1908), “Ойина” (1914) ва “Правда” (1923) газ.ларида хабарлар босилган.

• *Фаттаев М.* Атоқли педагогларимиз. Т.: Ўқитувчи, 1965. Б.13-16; *Каримов Б.* Муаллим Шакурий // ЎзАС. 2001. 31 авг.; *Долимов У.* Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.214-222.

АБДУЛҲАМИД II (1842/21.IX–1918/10.II) – Туркиядаги Усмонлилар салтанатининг сўнгги 34-султони. Абдулмажид ўғли. Мураккаб ва таҳликали бир давр (1876–1909)да султонлик қилган. 1876 й. давлат тўнтариши туфайли тахтга чиққан. “Янги усмонлилар” раҳбари Мидҳат Пошо талаби б-н Конституция қабул қилган, мамлакатни бошқариш ишларида парламентга суянган, кейинроқ парламентни тарқатиб юборгани норозиликларга сабаб бўлган. 1877-78 йй. Россияга қарши урушган. 1882 й.да Мисрни бутунлай бой берган. “Генж турклар” (“Ёш турклар”) ҳаракатининг талаби б-н 1908 й.да 1876 йиги Конституцияни тиклаган. 1909 й. ҳокимиятни топширишга мажбур бўлган. 1912 й.га қадар турмада сақланган ва шу й. Истанбулга келтирилиб, қатл қилинган.

Султон Абдулҳамид II ҳақида кўплаб тарихий, ҳужжатли ва бадиий асарлар яратилган. А.нинг "Сарвати фунун" ("Фанлар бойлиги") каби адабий даврларга муносабати ҳақида қатор тадқиқотлар яратилган.

- Osmanoğulları ve Aydınların Anlatımıyla İmperatorluğun Yüzük Taşı II Abdülhamid / Yayına Hazırlayan Mehmet Tosun. Istanbul: Yeditepe, 2009.

АБДУЛҲАМИД МАЖИДИЙ (1902–1938) – ўзбек адиби, ад-тшуноси ва журналисти. Тахаллуси: *Абутанбал.* Каттақўрғонда бошланғич ва рус-тузем мактабида ўқиган. "Зарафшон" (1925–26), "Озод Бухоро" (1927–28) газ.ларида муҳ-рлик қилган. Хоразм театри (1929–33)да адабий эмакдош ва директор, "Муштум" журнали (1934–37)да мухбир бўлиб бўлиб ишлаган. «Хандон лолалар» (1929), «Қалдирғоч» (1932) шеърий, "Ҳангома" (1937) ҳикоялар тўплами чоп этилган. Китобий достон асосида "Варқа ва Гулшоҳ" пьесаси, "Отсиз" тарихий драмаси саҳнага қўйилган.

АБДУЛҲАМИД котиб – илк ислом даври араб алломаларидан. Ҳадис, фиқҳ илмлари соҳиби. Илми адаб тарихига доир асарлар битган. Насрга таъриф бериб, уни "хитобалар мажмуаси" сифатида талқин этган. Турк олими М.Фуад Кўпрулунинг "Турк ад-ти тарихи" (1926) асарида т.га олинган.

- *M.Fuad Koprülu.* Turk Edebıyatı Tarıhı. Istanbul: 1980. S.108-109; *Болтабоев Ҳ.* Мумтоз сўз қадри. Т.: Адолат, 2004. Б.16-17.

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН (1897–1938/4.X) – улуғ ўзбек адиби, драматурги, муҳ-ри, таржимони ва жамоат арбоби. Андижон ш.да Сулаймонқул Муҳаммад Юнус ўғли оиласида туғилган. Отаси Волайи Расво тахаллуси б-н шеърлар битган, "Девон" тартиб берган. А.Ч. Андижондаги рус-тузем мактабида, мадрасада ўқиган. Тошкентга келиб, бадиий ижод б-н шуғулланган. Асарлари 1914 й.дан "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона", "Туркистон вилояти газети" в.б. нашрларда "Қаландар", (Қ.), "Андижонли", "Чўлпон" тахаллуслари б-н чоп этилади. Илк асарлари: "Туркистонли қариндошларимизга" шеъри, "Қурбони жаҳолат" ҳикояси ва "Ад-т надур?" мақоласи "Садойи Туркистон" газ.да босилган. 1917 й.да Оренбургда яшаб, Бошқирд ҳукумати маҳкамасида котиб бўлиб ишлаган, 1918 й.да Қўқонда ташкил этилган "Туркистон мухторияти" ҳукумати А.Ч. "Туркистон" шеърини давлат мадҳияси деб қабул қилган. XX асрнинг 10-й.лари сўнгида ТуркРОСТА мухбири бўлган, "Чиғатой гурунги" тўгарагида иштирок этган, Бокудаги Туркий халқлар қурултойи (1920)да қатнашган. Фитрат таклифи б-н Бухоро жумҳуриятида "Бухоро ахбори" газ.да муҳ-р (1921–22), Тошкентда "Инқилоб" журн. (1922)да Андижонда "Дархон" (1923) газ.да ишлаган. Москвада 26 ёш ижодкор б-н Вахтангов театри қошидаги драмстудияда (1924) тарж. бўлиб ишлайди. 1926 й.дан Тошкентда ижод б-н машғул бўлди. Маданият ходимлари II қурултойи (1927, октябрь)да ижоди кескин танқидга учради. 1932 й.дан Москвада яшаб, бадиий тарж. б-н шуғулланди. 1935 й.дан Тошкент театрида адабий эмакдош бўлиб ишлайди. 1937 й. 14 июлда

қомоққа олинади, 1938 й.нинг 4 октябрида ноқонуний равишда қатл қилинади.

А.Ч. асарлари "Садойи Туркистон", "Садойи Фаргона" каби газ.да ва "Ўзбек ёш шоирлари: Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту" (1922), "Гўзал ёзгичлар" (1925), "Ад-т парчалари" (1926) каби мажмуаларда чоп этилди. Шеърий тўпламлари: "Уйғониш" (1922), "Булоқлар" (1922). Бу шеърий тўпламлар Чўлпон шеъриятининг ўлмас анъаналарга содиқлигини, мумтоз тимсол ва рамзларга бой дилбар шеърлари китобхонлар қалбида ўчмас из қолдирган. "Тонг сирлари" (1926) тўпламга А.Қодирий сўзбоши ёзган.

"Соз" (1935).

Ҳикоялари: "Доктор Муҳаммадиёр",

"Ёркиной" (1921), "Халил фаранг" (1921), "Чўрининг исёни" (1926), "Ўрток Қаршибоев" (1928), "Ҳужум" (1928) драмалари б-н миллий драматургияни ривожлантирди.

Романи: "Кеча ва кундуз" (1935)

Илк адабий мақоласи "Адабиёт надур?" (1914) "Садойи Туркистон" газ.да чоп қилинган. Унда: "Тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар бирлан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар ад-т керакдир. Ад-т яшаса – миллат яшар" каби аниқ ва содда талқин б-н ад-тнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб берган. Мақола ва тақризлари:

Тарж.лари: Гоголнинг "Ревизор", И.Франконинг "Феруза", Л.Андреевнинг "Осилган етти кишининг ҳикояси" (Москвада, 1932–35), Шекспирнинг "Ҳамлет", А.С.Пушкиннинг "Борис Годунов", "Дубровский", М.Горькийнинг "Она" (Тошкентда, 1936–37).

♦. Ад-т надур? Т.: Чулпон нашр., 1994; . Яна олдим созимни. – Т.: Ад-т ва санъат, 1991; Чўлпон А. Гўзал Туркистон; Шеърлар / Сўзбоши ва изоҳлар муал.и Б.Дўсткораев. – Т.: Маънавият, 1997. – 128 б.

•Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. Т.: Маънавият, 2004; Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: 1997; Шарафиддинов О. Чўлпон. – Т.: 1991; Шарафиддинов О. Чулпонни англаш.–Т.: Ёзувчи, 1994.

АБДУЛҲАҚ КОТИБ (1808–1886) – хаттот. Тошкент ш.да туғилган. Бухоро мадрасасини хатм қилгач, Тошкентда мударрислик қилган. 1881–84 й.ларда Арабистон, Миср мамлакатларига саёҳат қилган. Бир муддат Онадўли (Истанбул)да яшаган. *Таълиқ, риқоъ, сулс, настаълиқ* хатларини яхши ўзлаштирган, бу хат турларида ўнлаб қўлёзмаларни кўчирган. ЎзРФАШИда у кўчирган қўлёзмалар сақланади.

АБДУРАЗЗОҚ БИМИЙ – к.: Бимий

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ (1413/7.XI–1482) – шоир, тарихчи олим, сайёҳ, элчи. Тўлиқ исми: Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий. Ҳиротда туғилган, ҳаётининг асосий қисми Самарқандда

ўтган. Шохрух мирзо саройида дипломатик ёзишмалар мудири (мунший) бўлган ва элчилар бошлиғи сифатида Ҳиндистонга (1441–44) ва Гилонга (1446–47) борган. Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган, Ҳиротда шайхлик мақомига (1463) эришган. Араб т.га оид "Рисолайи Азудийя" китобига шарҳлар ёзган. Асосий тарихий асари "Матлаъу-с-саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи", 1467-71)ни форс т.да ёзган. Асарда мўғуллар салтанати тарихи, Амир Темур ва темурийлар сулоласига оид 1304–1471 й.лар воқеалари акс этган. Шунингдек, асарда Самарқанд ва Ҳирот ш.даги маданий иншоотлар, Шохрух Мирзо ва Улуғбек Мирзонинг илмий-адабий фаолиятига доир маълумотлар бор.

♦ *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаъу-с-саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Тарж. А.Ўринбоев. Т., 1969; Т.: Шарқ НМАК, 2010.

• *Ўринбоев А.* Абдураззоқ Самарқандийнинг "Ҳиндистон сафарномаси". Т., 1960; *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.37, *232.*

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886–1938) – улуғ ўзбек адиби, олими ва жамоат арбоби. А.Ф. Бухоро ш.да Абдураҳим савдогар оиласида туғилган. Мирараб мадрасасида таҳсил олган. 1909 й. Истанбул (Туркия)га ўқишга борган, Войизон мадрасасида маърузалар ўқиган. "Бухоро таъмими маориф жамияти" тузган ва унга раҳбарлик қилган, бу жамият Туркияга ўқишга келган талабаларнинг моддий ҳаёти ва илм олишларига кўмак берган. Истанбулда А.Ф.нинг «Ҳиндистонда бир фаранги б-н бухороли бир мударриснинг усули жадида мактаблари хусусида қилган мунозараси» (1910), «Сайҳа» (1912), «Ҳинд сайёҳи баёноти» (1912) асарлари ҳам нашр қилинган. "Турк юрду", "Сироту-л-мустақим" ("Тўғри йўл"), "Таъруфи муслимин" ("Мусулмонлар таърифлари") каби нашрларда ўз илмий ва публицистик мақола ва хатлари б-н қатнашган.

«...Мунозара»да маориф масалаларига қаратилган бўлиб, XX аср бошларида Туркистонда авж олган жадид ва қадимчилар ўртасидаги баҳсни акс эттирган ва усули жадил мактабларининг эски мактабдан устунлиги кўрсатиб берилган. «Роман услубида ёзилган» (С. Айний) "Ҳинд сайёҳи баёноти"да ўлка ҳаётининг кўплаб муаммолари – халқнинг ночор аҳволи, зирбий нозирларнинг интизомсизлиги, шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг экологик аҳволи, эл соғлигини сақлаш – табобат ва даволаш усуллари, саноат ва ишлаб чиқаришнинг ночор ҳолати, қозихоналар иши, қатор вилоятларнинг миллий рўзномага муҳтожлиги, йўл қурилиши, хатто темир йўллар, деҳқончилигу ҳунармандчилик – ҳаётнинг барча соҳалари кескин ислоҳга муҳтож эканини Ҳинд сайёҳи назари орқали идрок этилади.

1914 й.дан А.Ф.нинг «Раҳбари нажот» («Нажот йўли»), «Мухтасар ислом тарихи», «Ойила», «Мавлуду шариф ёхуд хайрул башар» номли фалсафий-ахлоқий асарлари босилиб чиққан. А.Ф. шеърлари Мижмар, сўнгра Фитрат тахаллуси б-н «Ўзбек ёш шоирлари» (1922)да эълон қилинган. «Сайҳа»да форс тилида эълон қилинган шеърлар «Садойи Туркистон» газ.да (1914)

қайта босилган. Буларда "Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта ёркин шаклда ифодалаб берилди» (Ф.Хўжаев). А.Ф. лирикаси нафис ва улуғ Шарқ шеъриятининг барча гўзалликларидан туйинган, уни ўзига хос равишда ичдан янгилашга камарбаста шеърлардан тартиб бўлган.

Самарқандда «Ҳуррият» газетасида муҳ-рлик (1917–18) қилган. А.Ф. публицистик асарларида «Шарқ сиёсати», «Сиёсий ҳоллар», «Юрт кайғуси», «Туркистонда руслар» каби ватан ҳаёти б-н боғлиқ ҳодисаларга муносабат билдирилади. А.Ф. драматик асарлари, асосан, 1918-1925 йиллар оралиғида ёзилган, эълон қилинмаган «Бегижон», «Ўғузхон», «Темур сағанаси», «Қон», «Абу Муслим» каби асарлари ўз вақтида саҳнага қўйилган, улар ҳақида вақтли матбуот саҳифаларида тақризлар босилган. Ф.Фю драмалари ҳинд ўлкаси воқеаларига бағишланадими («Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш»), Бухоро тарихининг қоронғу қатламларидан баҳс юритадими («Абулфайзхон», «Арслон») ёхуд диний сюжет материалларига асосланадими («Шайтоннинг тангрига исёни», «Рўзалар») улар ўлка тарихига боғланади, юрт келажагига дилдан қайғурувчи «ватанпараст» шоирнинг истеъдоди қўламидан далолат беради. Драматургнинг «Восеъ қузғалони» (форс т.да) драмасини ва «Тўлқин» номли опера либреттосини ёзган.

1918 й.дан Шокиржон Раҳимий ва Қаюм Рамазон билан ҳаммуаллифликда «Она тили» дарслигини ёзди, бу соҳадаги ишларини мукаммаллаштирди, "Сарф. Ўзбек т. қоидалари тўғрисида бир тажриба (1-китоб)", "Нахв" (2-китоб) дарсликлари 1924-30-йиллар давомида беш марта қайта нашр этилади. Шунингдек, «Тожик тилининг қоидалари» («Қоидаҳои забони тожики»)ни ёзди. «Тилимиз», «Ўзбекча тил сабоқлиги», «Имло конференсияси муносабати билан» мақолалари ҳам тилшунослик масалаларидан баз юритади.

Ад-тшуносликка оид "Ўқув" (1917), «Ад-т қоидалари. Ад-т муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма» (1926), «Энг эски турк ад-ти намуналари» (1927), «Ўзбек ад-ти намуналари (1–ж., 1928)» каби дарслик ва мажмуалари эълон қилинган. «Аруз ҳақида» (1936) номли монографиясида ару вазнининг ўзбек шеъриятидаги истиқболларини белгилаб берган. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб каби ўзбек адиблари, Фирдавсий, Сайфи Исфаранги, Умар Хайём, Мирзо Бедил каби форс шоирлари ҳақида ёзилган рисола ва мақолалари эълон қилинган. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», «Шарқда шахмат», «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» каби тарихга оид асарлар яратган.

А.Ф. 1923 й. ўрталаридан Москвада яшай бошлаган, аввал Лазаревлар Жонли шарқ т.лари ин-ти (ҳоз. Осиё ва Африка ин-ти), Сакнт-Петербург ун-ти Шарқ фак.тида маърузалар ўқиган ва ўша ерда профессорлик илмий унвонига эга бўлган. 1928 й.дан Фитрат Самарқанддаги Педакадемияда (ҳоз. ун-т) Шарқ мумтоз адабиёти, ўзбек ва форс т.ларидан талабаларга маърузалар ўқийди.

1932 й.дан Ўз-н Фанлар қўмитаси (ҳоз. Тил ва ад-т инс-ти)да умрининг охирига қадар етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган. 1937 й.да асоссиз равишда қамоққа олиниб, 1938 й. 4 октябрда қатл қилинган.

♦ *Абдурауф Фитрат.* Танл. асарлар. 1-5 ж. Т.: Маънавият, 2000-2011; Чин севиш: Шеърлар, драмалар, мақолалар / Т.: Ад-т ва санъат, 1996; Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Тарж. Ш.Воҳидов. Т.: Маънавият, 1998.

• *Болтабоев Ҳ.* Абдурауф Фитрат. Т., 1992; Қатағон қилинган илм. Т., 1996; Фитрат – шахсият. Т.: Ёзувчи, 1996; Фитратнинг илмий мероси. Т.: Хазина, 1996; Фитрат ва жадидчилик. Т., 2007; *Қосимов Б.* Маслакдошлар (Беҳбудий, Ажзий, Фитрат). Т.: Шарқ НМАК, 1994; *Ганиев И.* Фитрат. Эътикод. Ижод. Т.: Камалак, 1994; Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. Т.: 1994; Фитратшунослик. Бухоро, 1995.

АБДУРАШИД ИБРОҲИМБЕК (1850–1944/31.VIII) – татар адиби ва олими. "Рашид қози", "Абдурашид Ўзбек" лақаблари б-н танилган. Тобольск вилояти Тара қишлоғи (Россия)да туғилган. Отаси Умар Татаристондаги ўзбек оиласи бошлиғи Иброҳим охунднинг ўғли. Илк таълимни бобосидан олгани учун унинг номини (фамилия ўрнида) қабул қилган. 1877 й.дан саёҳатга чиқиб, Истанбул, Макка ва Мадина ш.ларида яшаган. Маккада Шайх Шомил б-н учрашган. 1881 й. Истанбулга қайтиб, Номиқ Камол, Муаллим Ножий, Аҳмад Мидҳат каби адиб ва олимлар б-н дўстлашган. "Басират" газ.да "Ислом мактабларининг дарс ва таълим дастурлари"ни эълон қилди. Ўз юртига қайтиб, янги мактаблар очди. Уфада Умумрусия мусулмонлари марказий ташкилотини бошқарди. Шоҳобиддин Маржоний, Қаюм Носирий, Ризо Фахруддин каби зиёлилар б-н бирга мустамлакачиларга қарши курашга отланди. "Левоу-л-ҳамд" рисоласини Истанбулда чоп этиб, Россия мусулмонларига тарқатди. 1890–95 йй.да Оренбургда вилоят қозиси бўлиб ишлади. «Чўлпон юлдузи" номли рисоласини ислом идора ва маҳкамалари тартиботига бағишлади. 1897 й.дан 1990 й.га қадар Европа, Шимолий Африка, Осиё мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқди. Франция, Италия, Австрия, Болгария, Кавказ каби мамлакатлардан сўнг Бухоро, Сарбоғ ва Шарқий Туркистонда бўлиб, ўз юртига қайтди. 1900–05 йй.да Истанбулда яшади, 1905 й.даги Русия инқилобидан умид қилди, Нижний Новгородда (1906, 16–21 август) Бутунрусия мусулмонларининг III қурултойини ташкил қилди. Қурултой Русия мусулмонларининг диний, сиёсий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун 72 моддадан иборат дастур қабул қилди. Санкт-Петербургда «Улфат» газ. (1905–07) ва «Ғайратимиз» мажмуасини нашр эттирди. Ноширлик фаолияти тақиқлангач (1907), Бухоро, Самарқанд, Еттисувга саёҳатга чиқди. Туркистон мактабларидан бирида бир муддат дарс берди. 1908 й.дан Сибир, Қозоғистон, Манчурия, Япония, Корея, Хитой, Ҳиндистонда бўлди. 1910 й. Истанбулга қайтиб, саёҳатномасини нашрга тайёрлади. 1911-1930 йй.да Европада яшади. 1934 й.да ҳаж зиёратидан сўнг Японияга бориб, японлар ўртасида ислом динини тарғиб этиб, Токиода масжид ва мадраса қурдирди. 1944 й.да вафот этди, қабри Токио ш.даги мадраса ҳовлисида.

Асарлари: “Миръот ёхуд Кўзгу” (Қозон, 1899–1909) даврий мажмуаси, “Тарж.и холим ёки кечирган кунларим” (СПб., 1300), “Виждон мухокамаси ва инсоф тарозуси” (Истанбул, 1328), “Ад-дину-л-фитри” (Истанбул, 1340), “Чўлпон юлдузи” (СПб., 1907), “Осиё тахликада” (Истанбул, 1328) в.б. “XX аср бошларида Ислом дунёси ва Японияда интишори исломият” (икки жилд) мемуар асари шуҳрат қозонган. Бу асар рус, татар, япон т.га тарж. килинган. Асарнинг 1-қисми Меҳмед Акиф сўзбошиси б-н 1326/1910 й.да Истанбулда чоп этилган. Китобнинг 1-қисмига Туркистон, Эски Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилояти ҳақида кузатишлари киритилган.

♦ *Abdürreşid İbrahim.* 20. Asrın Başlarında İslam Dünyası ve Japonya’da İslamiyet. 1.cilt; 20. Asrın Başlarında Islam Dünyası: Çin ve Hindistan’da Islamiyet. 2.cilt. Istanbul: Özal Mfrbaası, 1987.

• *Mehmed Paksu.* Abdürreşid İbrahim’in hayatı ve eserleri / 20. Asrın Başlarında Islam Dünyası ve Japonya’da İslamiyet. 1.cilt. Istanbul: Ozal Mfrbaası, 1987. S.3–15; *Fevziye.* Abdürreşid İbrahim’ın Son Yılları / 20. Asrın Başlarında İslam Dünyası: Çin ve Hindistan’da Islamiyet. 2.cilt. Istanbul: Ozal Mfrbaası, 1987. S.463-468; Фитрат. Мунозара / Асарлар. 1-ж. Т.: Маънавият, 2000.

АБДУРАШИДОВ, Раззоқ (1936–?) – Тошкент ш.да туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган, Олий адабиёт курси (Москва, 1969-71)ни тамомлаган. Болалар ва ўсмирлар нашрларида, Ёзувчилар уюшмаси ва Телерадио еомпаниясида ишлаган. Ғ.Ғулом номидаги нашриётда бўлим мудири вазифасини бадарган.

“Йўл бошида” (1962), “Кафтимда олам”, “Кайфият”, “Бодом гули”, “Мусаффо осмон”, “Ёруғлик”, “Эҳтирос”, “Оталар чироғи” шеърий тўпламлари муаллифи. А.С.Пушкин, Н.Ҳикмат, Р.Ризо, Р.Ҳамзат, М.Жалил ва С.Вурғун шеърларини ўзбек т.га тарж. қилган.

• *Мирвалиев С.* Ўзбек адиблари. Т.: Ёзувчи, 2000. Б. 149-150.

АБДУРАШИДХОНОВ, Мунаввархори (1878–1931.23.IV) — ўзбек адиби, журналисти, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан. Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳаси Дархон маҳалласида туғилган. Бухородаги Мирараб мадрасасида (1885-90), Тошкентда Эшонқули додхоҳ мадрасасида таҳсил олган. Усули жадид мактабини очган (1991), «Тараққий» (1906) газ.сида адабий ходим бўлган. *«Хуршид» (1906), «Шуҳрат»* (1907), *«Тужжор»* (1907), *«Осиё»* (1908) газ.ларини бошқарган. *«Садойи Туркистон»* да масъул муҳ-р муовини (1914-15), «Ал-ислоҳ» журн. да махфий муҳ-р (1915—17), *«Нажот»* ва *«Кенгаш»* (1917) газ.ларида масъул муҳ-р бўлиб ишлаган.

Тошкентда «Жамияти имдодия» (1909), «Турон» (1913), «Туркистон кутубхонаси» (1914), «Умид» (1914), «Мактаб» (1914), «Кўмак» (1921) каби жамиятлар ташкил этган. «Шўройи ислом», «Турк адам марказият», «Иттиҳод ва тараққиёт», «Миллий иттиҳод», «Нашри маориф» (1917-24) каби ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилган. Марказий Осиёда биринчи ун-т (1918) Халқ дорилфунуни ташкил этилишида қатнашган ва унинг раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шўъбасининг иш юритувчиси

(1918), Тошкент ш. маориф нозири, Бухоро жумҳурияти Маориф нозирлиги ходими, (1920—21), Тошкент ш. ижтимоий тарбия бўлими мудири (1921), Академмарказ раиси (1922), Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги пед техникум ва аёллар ўқув юртларида (1923-25) ишлаган. Шарқ халқлари қурултойи (Боку, 1920)да Тошкент вакили сифатида қатнашган. Самарқанд музейида илмий ходим, Ўз-н осори-атиқаларни саклаш қўмитаси Тошкент-Фарғона бўлимида масъул котиб (1927-28) бўлиб ишлаган.

Қатор дарслик, ўқув қўлланмалар: «Адиби аввал» (1907), «Адиб ус-соний» (1907), «Усули ҳисоб», «Тарихи қавми турк», «Тажвид» (1911), «Ҳавойижи диния», «Тарихи анбиё», «Тарихи исломия» (1912), «Ер юзи» (1916-17) муаллифи. Фитрат раҳбарлигида тузилган «Ўзбекча тил сабоқлиги» (1925—26) дарслигида иштирок этган. «Сабзавор» номли шеърий мажмуа (1918)ни нашр эттирган. Бадиий ижод намуналари ихчам ҳикоялар, шеърлар ёзган ва ўз давридаги мажмуа ва қўлланмаларга киритган. Публицистик мақолаларида инсон ва жамият, дин ва диндорлик, ахлоқ, мустамлакачилик ва ҳуррият, давлат бошқаруви, маънавият ва маориф муаммоларини ёритган.

1929 й. 6 нояб.да қамоққа олинган, Москвадаги Бутирка қамоқхонасида қонунсиз равишда қатл қилинган. Ваганкова қабристонига дафн этилган.

♦ Хотираларимдан. Т., 2001; Танланган асарлар, Т.: Маънавият, 2003.

♦ *Зиё Саид.* Танланган асарлар, Т., 1974; Ўз-нинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустамлакачилик учун кураш, Т., 2001.

АБДУРАҲИМ ибн БАЙРАМХОН (XVII) – Ҳиндистонда яшаган шоир ва таржимон. Араб, форс, турк ва урду т.ларида асарлар битган. Акбаршоҳнинг бош вазири Муҳаммад Байрамхоннинг ўғли. *Хонихонон* унвонига сазовор бўлган.

"Девон"и Маҳмуд ал-Ҳасан Сиддикий томонидан 1971 й.да Калкуттада нашр қилинган (муҳ-р Др. Муҳаммад Собир)дан сўнг Туркманистон ва Москвада "Сайланма"лари чоп этилди. Шоҳ Акбарнинг буйруғи б-н машҳур "Бобурнома" асарини форс т.га тарж. қилган (1589). Ушбу тарж. асосида "Бобурнома"ни Ж.Лейден ва У.Эрскин инглиз т.га (1826), А.Кайзер немис т.га (1928) ўгирган. Шунингдек, Р.Калдекот, Ф.Г.Талбот ва С.Лен Пул қисқа тарж.ларига асос бўлиб хизмат қилган.

Абдураҳим НИЗОРИЙ (1770–1848) – уйғур адиби, хаттот. Қашғар (Шаркий Туркистон)да Зуҳриддинбек саройида бош мунший бўлган. Қашғар, Хўтан, Учтурфон, Кучар, Турфон ш.ларида мадрасалар қурдирган, ад-т, санъатга доир асарларни тўплаган. Мактаб ва мадрасалар учун Ҳофиз ва Навоий асарлари асосида «Хожа Ҳофиз», «Навоий» номли дарсликлар тузган (1805). Уйғур ад-тида биринчи бўлиб Навоий "Хамса"си таъсирида тўққиз достон

(«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Вомиқ ва Узро», «Чаҳор дарвеш», «Маҳзун ва Гулнисо», «Масъуд ва Дилоро», «Робия ва Саъдин», «Дурр ун-нажот», «Малика ва шоҳ»)дан иборат «Муҳаббат достонлари» туркумини яратган. Ҳар бир достон дебочасида Навоий ҳақида сўз юритиб, улуғ ўзбек шоири асарларидан намуналар келтирган. Ижодий мероси 20 га яқин достон, 80 дан зиёд мухаммас (40 тачаси Навоий ғазалларига боғланган), бир қанча қисса, қасида ва б.дан иборат. Фирдавсий "Шоҳнома"си, Умар Хайём, Ҳофиз, Фоний ва Бедил шеърлари ва "Минг бир кеча"га кирган айрим эртаклар (370 ҳикоят)ни уйғур т.га тарж. қилган. Алишер Навоий "Куллиёт"ининг хаттот томонидан насталиқ хати б-н кўчирилган нодир нусхаси ЎзРФАШИда (Сақл. № 136) сақланади.

- *Низорий.* Достонлар. Т.: Ғ.Ғулом номидаги ад-т ва санъат нашр., 1970. *Абдурейим Низарий.* Дастанлар вә мухәммәсләр. Алмута: Жазуши, 1972.
- *Солиҳова Ҳ.* Ўзбек-уйғур адабий алоқалари тарихидан. Т.: Фан, 1978; *Рўзиева Д.* Абдураҳим Низорий. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ (1414–1492) – ҳиротлик машҳур валий ва улуғ шоир. Тўлиқ исми: Абдураҳмон ибн Низомиддин Аҳмад ибн Шамсиддин Жомий. Нисбаси: Нуриддин – "нуру-л-миллати ва-д-дин" (миллат ва диннинг нури). Хуросоннинг Ҳирот ва Машҳад оралиғидаги Жом қишлоғида туғилган. А.Ж. темурий султонлар Шоҳрух Мирзо, Абулқосим Бобур, Абу Саъид ва Ҳусайн Бойқаро даврида яшаган. Жомийни Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг ўғиллари ва Алишер Навоий ўзига пир-муршид деб билган.

1425 й. А.Ж. оиласи Ҳиротга кўчиб келган. Ҳиротдаги Низомия ва Дилкаш мадрасаларида таҳсил олган. 20 ёшида илми нужум бўйича рисола ёзиб Самарқандга юборган, сўнгра Самарқандга таклиф этилган, у ерда нақшбандий тариқатининг пири Хожа Аҳрор валий б-н боғланган. 1451 й.да Ҳиротга қайтиб, Шайх Саъдиддин Кошғарий сулукига кирган. 1459 й.дан Навоий б-н ҳамкорлик қила бошлаган. Навоий "Мажолис..."нинг Учинчи мажлисини А.Ж. номи б-н очади: "...алар латойифи назми андин кўпрокдурким, ҳожат бўлғайким, баъзи битилгай ё элга маълум бўлсун деб бирори сабт этилгайким, кутубларининг отин битилса, бу авроқтин ошар ва мусаннафотлари дурлари зикрин қилилса, гардун баҳри андин тошар, ложарам чун бу маъни билилур ва дуо била хатм қилилур" деб, А.Ж. шаънига бир рубоий айтади:

Ё Раб, бу маоний дуррининг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони,
Ким айладинг они олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзоний.

Навоий А.Ж.нинг 38 асарига тавсиф берган. "Ҳафт авранг" ("Етти тахт") мажмуасига "Туҳфату-л-аҳрор" ("Нуронийлар туҳфаси"), "Сибҳату-л-аброр" ("Озодалар, яъни нафс қуллигидан қутулганлар тасбиҳи"), "Лайлову Мажнун", "Юсуфу Зулайхо", "Хирадномаи Искандар", "Силсилату-з-заҳаб" ("Тариқат силсиласи"), "Соломон ва Абсол" достонлари киритилган. Шеърий асарлари асосида уч девон тузган. А.Ж.нинг "Баҳористон" номли насрий

асари (1487, асарнинг 7-равза (боби) шеър ва шоирлар ҳақида тазкира тарзида тузилган), «Рисолаи аруз», «Рисолаи қофия», «Рисолаи мусиқий», «Рисолаи кабир дар муаммо» («Муаммога доир катта рисола»), «Рисолаи мутавассит дар муаммо» («Муаммога доир ўрта рисола»), «Рисолаи сағир дар муаммо» («Муаммога доир кичик рисола»), «Рисолаи асғари манзума дар муаммо» («Муаммога доир кичик назмий рисола»), «Фавоиди Зиёия» («Зиёлилик фойдалари»), «Сарфи форсии манзуму мансур» («Форсий назм ва насрнинг морфологияси») каби илмий-назарий рисолалари машҳур.

♦ *Абдураҳмон Жомий.* Танл. асарлар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Ад-т ва санъат нашр., 1971 (Тузувчи ва сузбоши муал. Ш.Шомуҳамедов); *Абдурахман Джами.* Притчи из поэм "Золотая цепь", "Саламан и Абсал", "Дар благородных", "Четки праведных / Суфии. Восхождение к истине. М., ЭКСМО, 2007. С.203-306; Гулшанингда сўлмасин гул / Ғазаллар, рубоийлар. Т.: Фан, 2008.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.70-71; *Бертельс Е.Э.* Навои и Джами. М.: Наука, 1966; *Шамсиев П.* Улуғ дўстлик нашҳаларидан / Жомий ва Навоий. Т.: Фан, 1966; *Афсаҳзод А.* Рузгор ва осори Абдураҳмон Жомий. Душанбе: Дониш, 1980; *Афсаҳзод А.* Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. М.: Наука, 1988; *Али Сафий, Фахруддин.* Рашахоту айну-л-ҳаёт. Т., 2004. Б.176-214.

АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ (1525–1588) – бухоролик форсийзабон шоир. Бухоро ш.да ҳунармандлик, 1564–65 й.ларда Самарқанд ҳокими Султон Саййид саройида кутубхона мутасаддиси бўлган. Маълум муддат Ҳиндистонда Акбаршоҳ саройида яшаган. Бухорога қайтгач, Абдуллоҳхон саройида хизмат қилиб, "малику-ш-шуаро" даражасини олган.

Асосий асарлари: ғазаллар (2 та), қасидалар (2 та), мутойибалар девонлари ва "Соқийнома", "Гулзори Эрам", "Жаҳоннамо" достонларидан иборат. Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб", Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллоҳнома" (1-китоб) асарларида "малоҳатли шоир" сифатида т.га олинган. А.М.нинг 39 рубоийси "Минг бир рубоий" тўпламида чоп этилган. Улардан бири:

Ҳар кимки жаҳонда эътибори бордир,
Ҳеч ўйлама ҳар ишда барори бордир,
Оламни ёритган шу қуёшнинг ҳатто
Кун ботса завол топиш шиори бордир.

(Эргаш Очилов тарж.)

♦ Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди 3. Душанбе, 1976; Минг бир рубоий. Т.: Фан, 2009. Б.212-217.

• *Муқимов Р.* Абдураҳмон Мушфикий ва "Девони мутойибат"и ў / Армугон. Мажмуа. № 185. Самарқанд, 1976. С.116-117; *Нисорий Ҳ.* Музаккири аҳбоб. Т., 1993. Б.246-247; *Бухорий Ҳ.* Абдулланома. 1-китоб. Т., 1999. Б.151,247. *Бухорий С.* Икки юз етмиш етти шоир Бухоро, 2006; Энц-яи ад-т ва санъати точик, ж.2. Сах.367-369.

АБДУРАҲМОН ОФТОБАЧИ (~1844–84) – Қўқон хонлигида сиёсий арбоб, офтобачи, парвоначи ва мингбоши вазифаларида турган. Мусулмонқул мингбошининг ўғли. Хонлик жанубидаги қирғизлар исёни раҳбари. 1870

й.лардаги ҳаракатлар натижасида Ўш, Наманган, Андижон ва Асакани қўлга киритган. Скобелов томонидан кўзғолон бостирилгач (1875), сўнгра мустамлакачиликка қарши бош кўтарган Пўлатхонга қўшилган.1876 й.да тўла таслим бўлган, рус ҳарбийлари А.О.ни Оренбургга сургун қилганлар.

• *Ибрат.* Фарғона тарихи / Мерос. Т.: Камалак, 1991. Б.266-327; *Бобобеков Ҳ.* Қўқон тарихи. Т., 1996; *Бабаджанов Б.М.* Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. Б.291-300.

АБДУРАҲМОН САЪДИЙ (1889–1953) – Бошқирдистоннинг Уфа ш. яқинида мударрис оиласида туғилган. Оренбургдаги Муҳаммадия мадрасасида, Туркиядаги Истанбул ун-тида ўқиган. 1911–17 йй. татар тили ва дабиётидан дарс берган. Злотоустда уч йиллик татар-бошқирд (1917-20), сўнгра Боку (1921) педагогика курсларида ўқиган. 1921 й.дан Тошкентда Маориф инс-тида, САГУ (Ўрта Осиё давлат ун-ти)да Шарқ мумтоз ад-тидан дарс берган. 1925–30 й.ларда Қозонга чақириб олинган. 1929 й.да Қозон Шарқ педагогика ин-ти унга профессор унвонини берган. 1930 й. Ўзбек Педагогика академияси (Самарқанд, 1930-32)га ишга таклиф қилинган. 1932 й.дан Тошкентда Маориф вазирлиги қарамоғидаги ин-тларда дарс берган. 1933–37 й.лари Фарғона педагогика инс-тида ад-т кафедрасини бошқарган. 1936 й. диссертация ҳимоясисиз филолия фанлари номзоди илмий даражаси берилган. 1939–41 йй. Самарқанд ун-тида, 1942 й.дан САГУнинг Ўзбек тили ва ад-ти кафедрасида мудирлик қилган. 1948 й.дан умрининг охирига қадар Ўз-н Фанлар академияси Тил ва ад-т ин-тида етакчи илмий ходим сифатида фаолиятда бўлган. 1948 й.да «Алишер Навоий ижоди – ўзбек мумтоз ад-тининг юқори босқичи» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Ад-т назариётчиси сифатида «Қавойиди адабия ва унга илова», «Ад-т усуллари», «Ад-т муаллими» (татар ва бошқирд т.ларида), «Гўзал санъат дунёсида», «Амалий ҳам назарий ад-т дарслари», «Символизм тўғрисида», «Футуризм», «Комплекс усули» каби рисола, мақола ва ўқув қўлланмалари муаллифидир.

Шарқ ад-ти ва фалсафаси тарихига оид Форобий, Ибн Мискавайҳ, Имом Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Роғиб Исфаҳоний, Алишер Навоий, Абай каби аллома ва адиблар тўғрисида мақола ва тадқиқотлар яратган.

♦*Саъдий А.* Амалий ҳам назарий ад-т дарслари. Т., 1924; Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.72-77, 315-316, 349-353.

• *Муминова Н.* Абдурахмон Саъдий – ад-тшунос. НДА. Т., 2000; *Шарафиддинов О.* Домлалар. Т.: Маънавият, 2009.

АБДУРАҲМОНОВ, Ғани (1925 й.т.) – тилшунос олим. Филология фанлари доктори (1960), профессор (1966), ЎзРФА академиги (1968). Фарғона ш.да туғилган. Фарғона пед.инс-тини тугатган. Фаргона пед.инс-тида (1946-58, 1967-71), ЎзРФА Тил ва ад-т инс-тида ишлаган (1958-71). ЎзР Олий ва ўрта махсус таълими вазири (1971-78), Тошкент чет тиллар инс-ти ректори (1978-1982) вазфиаларида ишлаган. "Ҳозирги замон ўзбек т.да сифатлар субстантимацияси" (1950), "Ҳозирги замон ўзбек т.да қўшма гаплар асоси"

(1960) каби тадқиқотлари маълум. "Девону луғатит турк"нинг индекс-луғатини тузган (1968). "Қутадғу билиг" асарининг танқидий матнини тузиш бўйича илмий гуруҳга раҳбарлик қилган.

♦ *Абдураҳмонов Ғ.* Қўшма гап синтаксиси асослари. Т.: Фан, 1958; Миллий т.ларнинг тараққиёти масаласи. Т.: Фан, 1962; Ўзбек т.нинг тарихий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1973; Ҳозирги замон ўзбек адабий т. Синтаксис. Т., 1979; Қадимги туркий т. Т., 1982.

Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.10-12.

АБДУРРАҲИМБОБ – мутасаввиф аллома, фақих. *Хожа Қорахон* сулоласи асосчиси. Имом Муҳаммад б. Ҳанафий (в.700)нинг тўртинчи авлоди. Туркистондаги Қора Усмон қишлоғида яшаган (ҳ. Жан. Қозоғистоннинг Арис тумани). "Насабнома"да Қорахонлилар давлати (992–1211) асосчиси Сотуқ Бўғрохонга тенглаштирилган. Туркистонда ислом жорий килинишида қатнашган. Ўзган, Фарғона, Шош, Исфижоб, Қора Усмон, Тароз ва Шарқий Туркистонни эгаллаган. Қора Усмон ва Сайрамдаги суфийлар Мансур Хамир ота, Тектурмас ота, Машҳад ота, Тўкмоқ ота в.б. А.нинг авлодлари. Халқ қиссаларида бу сулола А. Машриқий *чилтон*лари деб юритилган. «Рисолайи қаландарий»да «Машриқ томонда Абдураҳим пир» деб кўрсатилган.

• *Фитрат А.* Аҳмад Яссавий / Танл. асарлар. 2-жилд. Т., 2000. Б.17; *Муминов А.К.* 'Абд ар-Рахим-баб / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. Словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.5; *Кочнев Б.Д.* О Насаб-нома Караханидов // Йасави тағылымы. Вып.2. Туркестан, 2002; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.318.

АБДУСАЛОМ АНДАРАСБОНИЙ (XII) – хоразмлик мутасаввиф, комусий олим. Тўлиқ исми: Абдуссалом б. Муҳаммад Ҳижжий Хоразмий. Хоразмнинг Андарасбон қишлоғида туғилган. *Муътазила* эътиқодидаги муҳаддис. А. бобоси Абулқосим Замахшарий (в.1144)нинг устози бўлган. Ҳаж зиёратини ўтаган. Рой ш.да *қозиу-л-қузот* Муҳаммад б. *Астрободий*дан бир қанча ҳадислар ёзиб олган. Урганжда Муваффақ Маккий (Замахшарий шогирди, в.1172)дан сабоқ олган. Ислом ва фалсафага оид саккиз рисола (араб т.да) муал.и. 277 ислом олимининг (манбаларда кўрсатилмаган) номи киритилган биобиблиографик луғат тузган. Абдуллоҳ б. Муборак, Имом Бухорий, Замахшарий каби алломаларнинг таржимайи ҳоллари ушбу луғатда акс этган.

♦ Андарасбоний А. Биографик луғат (араб т.да). РФА Спб филиали. Шаркшунослик инс-ти. Қўлёзма С2387.

• *Халидов А.Б.* Неизвестный биографический словарь ал-Андарасбани / ППВ, 1974. С.143-161; *Прозоров С.М.* ал-Андарасбани / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. Словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.9-10.

АБДУСАТТОР Қози (1825-1880) – туркман шоири. Турманистондаги Кўктепа қалъасида туғилган. Хивада 7 й. қозилик қилган.

Машҳур "Жангнома"нинг муал.и. Асарда 1858 й.ги Гарриқалъа, 1861 й.ги туркман-эрон уруши воқеаларини акс эттирган. Асар муқаддимасида ҳамд ва муножот (184 мисра), асарнинг ёзилиш сабаблари (66 мисра)ни англатган.

А.Қ. асари маснавий шаклида ёзилган бўлиб, икки минг икки юз мисрадан иборат. Шунингдек, асарда 1861 й. Марв ш. учун миллий озодлик кураши ифодаланган. “Жангнома” А.Н.Самойлович (1914), Б.Гарриев (1943) томонидан нашр эттирилган.

♦ *Абду-с-саттор кази.* Книга рассказов о битвах текинцев / Введ. А.Самойловича. СПб, 1914; Женнама. Текелерин уруш кысса китабы. Ашгабат, 1943.

• *Кор-оглы Х.Г.* История туркменской лит-ры. М., 1978; Дурдиев Қ. XIX аср ҳамда XX асрнин башларидаки Туркмен адабийатинин тарихиндан очерклар. Ашкабат, 1987.

АБДУҚАҲҲОР САМАРҚАНДИЙ (в.1493) – шоир ва арузшунос олим. “Шариф” тахаллуси б-н шеърлар ёзган, бироқ улар сақланмаган. Аруз назариясига доир “Арузи Ҳумоюн” рисоласи маълум. А.С. ўз асарини Шамси Қайс Розий ва Носириддин Тусий асарлари асосида яратган. Рисола аруз ва қофия қисмларидан иборат. Манбаларда китобнинг илк сарлавҳаси “Мезону-л-авзон” бўлгани айтилади. Бироқ Эрон олими Муҳаммад Ҳасан Адиб Ҳиравий рисолани “Арузи Ҳумоюн” номи б-н (1959) чоп этгандан сўнг арузшуносликда бу асар ушбу ном б-н сақланган.

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.22,53; *Тўйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.90.

АБДУҒАФУРОВ, Абдурашид (1931/15.I – ?) – ад-тшунос олим. ЎзР Фан арбоби (1999), филол. ф. докт. (1970), проф. (1979) Ўрта Осиё ун-тини тамомлаган (1951). ЎзРФА Тил ва ад-т ин-тида етакчи илмий ходим (1958–76; 1981–92), бўлим мудири (1992–2003) бўлиб ишлаган. Ўзбек мумтоз ад-ти бўйича “Ўзбек демократик ад-тида сатира” (1-китоб, 1961), “Навоий сатираси” (1966), “Навоий ижодида сатира” (2-китоб, 1972), “Зокиржон Фуркат” (1977), “Буюк бешлик сабоқлари” (1995) асарлари муал.и. Бобур, Машраб, Мукимий, Завқий, Камий асарларини нашрга тайёрлаган.

♦ *Абдуғафуров А.* Буюк бешлик сирлари. Т., 1995; Қалб каъридаги қадриятлар. Т., 1999; Муҳаммад Ризо Огаҳий. Т., 1999.

АБЕЖЕ – к.: Алифбо.

А’БЕККЕТ, Гилберт Аббот (1810-1856) – инглиз сатирик ёзувчиси. “Пунч” (“Punch”) газ. фельетончиси. Инглиз қонунлари ва театрининг доимий ҳажви билан шуғулланган. Комик характердаги кўпгина пьесалар муаллифи.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.6.

АБЕЛЬ, Ремюза Ж.-П. (1788–1832) – француз хитойшунослик мактаби асосчиси. Хитой истилоҳидаги *дао* тушунчаси (таълимот)ни шарҳлаган. А. таълимотича, моддий дунё даодан бошланган. Дао ҳақидаги муқаддас китоб «Даодэцзин» Лао-цзи (м.а. VI аср) А.га нисбат берилади.

• *Гегел Г.В.* Лекции по истории философии. Книга первая / Сочинения. Т.9. М., 1932. С.114; *Лисевич И.С.*, Лит-ная мысль Китая на рубеже древности и средних веков. М., 1979. С.8-10.

АБЕЛЛЬ, Кьеел (1901–1961) – даниялик драматург ва рассом. 1927 йилдан Лондон, Париж ва Копенгагенда театр рассоми сифатида фаолият кўрсатган. 1935 й.да "Йўқотилган куй" асари б-н шуҳрат қозонган (1960 й. рус т.га тарж. килинган). Антифашистик руҳдаги "Анна Софи Хедвиг" (1939), Дания қаршилик ҳаракатига бағишланган "Силькеборг" (1946), "Булутли кунлар" (1947), "Андерсен ёки унинг ҳаёт эртаги" (1955) асарлари дунё саҳнасига чиққан. Драмаларида рамзий мотивлар кучли, асарларининг т.да публицистик услуб етакчилик қилади.

• *Матусевич В.Б.* Абелль / Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.33.

АБЕЛЯР, Пьер (Петр) (1079–1142) – француз файласуфи ва шоири. Ўрта асрлар Европа диний ҳаётидаги асосий сиймолардан бири. Бретанда рицари оиласида туғилган, 13 й. ёшидаёқ илм толиби сифатида эътироф қилинган, Шампода ва Гильомда таҳсил олган. 1113 й. ўз мактабини очган, 1119 й.дан черковга кирган.Париждаги Биби Марйам ибодатхонасида ишлаган. Ўз устозларининг номинализм ва реализмига қарши *концептуализм* назариясини яратган. Схоластик мантиқ асосчиларидан. Қисман Арасту таълимотига асосланган бу қарашда универсализм реал борликда эмас, балки уни ўзида жамлаб акс эттирган инсон акли – тафаккуридадир, деган ғоя бор. Билиш асосида ҳиссий қабул қилиш ётади, ғоялар фақат илоҳийлик касб этиши лозим. Нарсаларнинг шаклларини инсон онги материядан (бор бўлганидан) фаркли қабул қилади, шунинг учун нарсалар моҳиятини фақат материядаги ҳолатига қараб эмас, балки инсон онгидаги инъикосига қараб белгилаш лозим. Акл эътиқоднинг бошланғич нуқтаси, шартидир ("ишонишдан аввал тушунишим керак") каби қарашлар ифодаланган. А.нинг "Илоҳий бирлик ва учлик ҳақида" (1121) асарини черков талабига кўра ўз қўли б-н ёқиб юборган. "Теологияга кириш" каби диний асарлари бир неча марта католик черковларида муҳокама қилинган (1140). Илоҳий иродага қарши бормаслик А. ахлоқий қарашларининг мазмуни севгилисига бағишланган "Элоизанинг саволлари" асарида унга жавобан баён қилинган. Унингча, барча илоҳий конуниятлар азалдан белгиланган бўлиб, гуноҳ инсоний фаолият ва билимсизлик туфайлидир. А. илм ва ад-тда схоластик методнинг асосчиси бўлиб, А. қарашлари "Ҳа ва йўқ" ("Sic et non",1122) асарида акс этган. А. диалектикаси "Файласуф, яҳудий ва насронийнинг суҳбати" асарида ўзига хос тарзда баён қилинган. "Кўрган-кечирган мусибатларим" автобиографик асари ўзга хос икрорнома бўлиб шуҳрат қозонган, сўнг яна уни диний ўқув юртларида дарс беришга жалб қилишган. Умрининг сўнгини черковда ўтказган.

♦ *Абеляр П.* История моих бедствий. М., 1959; История бедствий Абеляровых, описанная им в письме в другу / Памятники средневековой латинской лит-ры X-XII веков. М.: Наука, 1972. С.292-392.

• *Соколов В.В.* Средневековая философия. М., 1979; *Гайденко В.П.* Абеляр / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.5.

АБЕЦЕДАРИЙ (лотинча: abecedarium) [поэтика] – I. алифбо тартибидаги шеър. Ўрта асрларда италян шеъриятида урф бўлган, мисраларнинг бош ҳарфлари алифбо тартибида келадиган шеър шакли. А. икки хил бўлган. Унинг биринчиси нотўлиқ ҳисобланади, алифбодаги ҳамма ҳарфлар иштирок этмайди. Мукаммал А.да эса юнон ёки лотин алифбосидаги ҳар бир ҳарф б-н мисралар бошланадиган шеърдир. Унинг намуналари Гораций ва Вергилий ижодида кузатилади.

А. ёзиш Шарқ ад-тида ҳам урф бўлган, мумтоз ад-тда Махтумқули қаламига мансуб ушбу шеър А. усулида ёзилган:

Алиф – Аллоҳ йўлидир, тўғри туриб кетмак керак,
Бе – бирлигин Худонинг барҳақ билиб битмак керак,
Те – тавба айлабон дунёни унутмоқ керак,
Се – саҳвон айласанг, дуниб ёқа тутмоқ керак,
Жим – жоиздир хўжа-қул қуллигин этмак керак.

Ҳе – ҳамдин ёд этиб, ҳукм ила "кун"ни айлади,
Хе – Худо менман деди, икки жаҳонни айлади,
Дол – далолат дейибон Мустафони айлади,
Зол – залиллик чекмасин деб босафони айлади,
Ре – раҳмат баҳридин ихлос умид этмак керак.

Зе – зиёда нафсингни дунё учун елдирмагин,
Син – субҳонинг ёд этиб, ғафлатда тил қолдирмагин,
Шин – шайтон йўлига қул кўнглингни солдирмагин,
Сод – сабр айла, савобинг оташа ёндирмагин,
Зод – забт бирла сўралса, не жавоб этмак керак?

То – таъма бирла кўнгулни нафс йўлига солмагин,
Зо – зулм айлаб ул кун дўзахда қолиб ёнмагин,
Айн – олам тузди карвон, сен ҳам андин қолмагин,
Ғайн – ғаний, мол-мулким боқий дебон ишонмагин,
Фе – фароғат вақти экан, нафсни ром этмак керак.

Коф – карам сен истасанг, бу йўлда белинг боғлагин,
Гоф – гувоҳинг ёд этиб тур, ҳам саҳарлар йиғлагин,
Лом – лутфин қил умид, шайтондин ўзни сақлагин,
Мим – муродинг истабон ожизлигинг ёд айлагин,
Нун – нури раҳматидин чин умид этмак керак.

Вов – васли рутбасин бир гизли бозор айлади,
Ҳе – ҳалокатлик б-н ошиқларни зор айлади,

"Ла илаҳа иллаллоҳ" деб ўзни ошкор айлади,
Ерга берди масканат, осмонни даввор айлади,
Марҳ уланлар ишқ йўлида жонни унутмоқ керак.

Ё – Яратган йўлига нонингни берсанг оз ҳануз,
Тан бараҳна ўлтириб, тунингни берсанг оз ҳануз,
Ранги сурхинг сўлдириб, қонингни берсанг оз ҳануз,
Чок этиб, Махтумқули, жонингни берсанг оз ҳануз,
Не учун жонон истаган жонни хўб тутмак керак?

II. Айрим Ғарб мамлакатларида она т. ва лотин т. маълумотларини ўзида жамлаган алифбе китоби ҳам А. деб юритилади.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; *Самад А.* Махтумқули – Фироғий дардлари / Хотира сандиғи. Т.: Фан, 2008. Б.69-70; Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009. С.3.

АБЁТ (арабча: *байт*нинг кўплиги – уйлар) [поэтика] – байтлар, шеърлар. Мумтоз шеъриятда ғазал, қасида ва маснавийнинг ҳар банди икки мисра (қатор)дан иборат бўлиб, мана шу бандга *байт* дейилади. Байт фикр ва ритмик жиҳатдан тугалланган бўлади, ғазалнинг А., яъни байтлари одатда 16 байтгача, қасиданики эса ундан ортиқ бўлади. Маснавий эпик мазмун ифодалагани учун ундаги байтлар миқдори жуда кўп бўлиши мумкин. Алишер Навоий байт хусусида ёзади:

Абётига назми оташолуд
Назми чиқариб димоғига дуд

Мазмуни: Назмининг алангали байтларидан назм (шеърият) димоғига дуд (тутун) чиқади.

Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун", 37.

АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБЖАД (арабча: ابجد) [поэтика] – араб алифбосидаги ҳарфлардан тузилган сўз. А.да ҳар бир ҳарф муайян рақамни ҳам англатади. "А." сўзи муайян луғавий маънога эга эмас, у араб алифбосидаги ҳарфларнинг ўзаро кетма-кетлиги асосида яратилган сўздир. Ад-тда саналарни қайд этишда А. ҳисоби фаол қўлланилган. «Алиф», «бе» дан сўнг унга шаклдош бўлган «те», «се» эмас, балки «жим» келади; ундан сўнг эса, унга шаклдош «ҳе», «хо» эмас, «дол» келади. Абжад ҳисобида "алиф" – 1, «бе» – 2, «жим» – 3, «дол» – 4... каби. «А, б, ж, д... ҳарфларини қўшиб ўқиганда *абжад* сўзи ҳосил бўлади. Шу каби *ҳаввоз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, саххоз, зазоғ* сўзларида қатнашган ҳарфлар (диакритик белгилар эмас) маълум рақамни ифодалаб, бирдан мингга қадар бўлган сонларни англатади. Мумтоз ад-тда тарих, ғаваллуд ва вафот саналари, асарнинг ёзилиш ёки тугалланиш муддати абжад ҳисобида кўрсатилади.

Мисол: А. ҳисобига кўра, "Фатҳи Бобур баҳодур" 906 (мил.1501) рақамини беради, бу Бобурнинг Самарқандни фатҳ этган й.ни англатади.

Шарқ мусиқа илмида парда ва нағмаларнинг ёзилиши ва ифодасида А. тизимидан фойдаланилади.

• *Жувонмардиев А.* Ҳарф ва рақам. Т., 1971; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.16.

АБЖАДХОН – бошловчи талаба, ўқишга энди киришган шогирд. Абжад ҳисоби мадраса таълимининг бошланғич даврида ўрганилгани учун ўз маъносида энди абжад ўқишга киришган ўқувчи бўлиб келади. Алишер Навоийда шундай мисол бор:

...иккинчи суффа мустаидидур тифли абжадхон.

• АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБЗАР ИЯСЕ (турк-татарча: *иясе* – эгаси) [мифология] – татар мифологиясида ҳовли ва далада озикланувчи рух. Ривоятларга кўра, А.И. тунлари одам ва турли ҳайвон суратида кўринармиш. Уй ҳайвонларини яхши кўриб, отларни ўзича тўйдириб юрармиш. Ғарбий Сибирь мифологиясидаги Мал Иясе, Занги (Санги) бобои Пошо она каби рухлар талқинига мос келади.

• *Коблов Я.Д.* Мифология казанских татар / Известия общества археологии, истории и этнографии при Казанском ун-те, 1910. т.26, в.5; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБЗАЦ (туркчада: *параграф*) [тилшунослик] – I. хатбоши, матннинг мантиқий ва мазмуний тугалланган қисми, бадиий асарда композицион бирлик. Босма ёки ёзма матнда тугалланган маъно ифодаловчи парча. Насрдаги абзац, шеърда банд (строфа)га тенг бўлади. Замонавий шеъриятда маъно тугалланмаган ҳолларда ҳам шеърнинг ички ритмикасидан келиб чиқиб, А. белгиланиши мумкин. А. ад-тшуносликнинг Строфика (к.: строфа) соҳасида А. ҳақида илмий кузатишлар бор. Босма матнда А.га қаттиқ риоя қилиниб, уни ажратиш мақсадида сатр бошидан икки ҳарф ўрни қолдирилиб, учинчи ҳарфдан матн бошланади. Матн қандай размер (кегл)да ва қайси шрифтда ёзилса, А.да ўша миқдордаги ўрни очиқ қолдирилади.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.18; Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009. С.3.

II. меъморчиликда тош деворнинг чукури, ўйилган қисми. Ғарбий Европа меъморлик санъатида, готик ва барокко услубида қурилган тош биноларда акс этган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

АБЗУ (шумер), ***АПСУ*** (аккад.) – шумер-аккад мифологиясида ерости денгизи. А. нинг эгаси *Энки* бўлиб, унинг саройи Эредугеда жойлашган, «Энгурр уйи» деб аташган (*Энгурр* Эредугенинг синоними). А.да абгаллар, яъни маданиятли кишилар яшаган, ш.лар барпо қилишган. Бобил асотирларида Апсу – океаннинг инсонлаштирилган қиёфаси. Апсу ва Тиамат сувлари аралашмасидан илк маъбудлар Лахма ва Лахам вужудга келган. А. Эйя (шумер. Энки) томонидан ўлдирилган ва у ерда Абсу ш.ни барпо қилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБИВАРДИЙ, Абу Абдуллоҳ Зарир (Х) – Марказий Осиёда яшаган, араб ва форс т.ларида ижод қилган шоир ва таржимон. Хуросоннинг Абивард қишлоғида туғилган, Бухорода яшаган. Кўзи ожиз бўлгани учун *Зарир* (арабча: кўр) лақаби берилган. Форс тилидаги мавжуд зарбулмасал (мақол)ларни арабчага мазмунан ўзаро боғлаб, қасида йўли б-н тарж. қилган. Бундай қасида битиш усули ўртаосиёлик бошқа шоирлар ижодида учрамайди. Унинг қасидаси Абу Мансур ас-Саолибий (350/961–429/1038)нинг «Йатимат ад-даҳр" тазкирасига киритилган.

- *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат ад-даҳр. 4-қисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976.

АБИВАРДИЙ, Маъофий (в.360/970) – адиб ва шоир. Тўлиқ исми: Абу-н-Наср ал-Маъофий ибн Ҳузайм ал-Абивардий ал-Ҳузаймий. Куняси Абул Фазл. Хуросоннинг Абивард қишлоғидан чиққан. Бир мунча вақт Бухорода яшаган, сомонийлар саройида қатор лавозимларда ишлаган ва яна қайтиб, умрининг сўнгги даврини Абивардда ўтказган. Қасида ва ғазаллар ёзган. Бухорода Мансур ибн Нуҳ замонида тўпланган қасидалар ичида ҳукмдорга фақат унинг қасидаси маъқул бўлган. Абу Мансур ас-Саолибий унинг қасидасини келтирган. Ал-Музаффарий унинг ҳикоялар, шеърлар ва нутқлардан иборат китобини ўқиганини ёзади. Бу китоб "Маҳосин аш-шеър ва аҳосин ал-маҳосин" ("Шеър гўзаллиги ва гўзалларнинг гўзали) деб номланади. Асосий асарлари: "Девони шеър", "Муъжаму-ш-шуйух" ("Шайхлар комуси") в.б.

- *Ҳожи Халифа.* Китобу кашфи-з-зуннун. 6-ж. Б.128; *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат ад-даҳр. Т.: Фан, 1976. Б.162-167; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.18.

АБИВАРДИЙ, Муҳаммад (1065–1113) – муҳаддис ва фиқҳ олими. Тўлиқ исми: Садриддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Ҳасан ибн Муовия ал-Умавий Анбасий ал-Муоъвий ал-Абивардий аш-Шофиъий. Хуросоннинг Абивард қишлоғида туғилган, Исфаҳонда вафот этган. Асосий асарлари: "Табақоту-л-илми фи кулли фан" ("Ҳар бир фан соҳасидаги олимларнинг табақалари"), "Девони шеър", "Тарихи Абивард ва Насо", "Девону мажмуъ қасоиди мухтора" ("Танланган шеърий қасидалардан тузилган девон"), "Шарҳу-л-қасоиди-н-наждиёт" ("Нажд қасидаларининг шарҳи"), "Қабсату-л-ажлон фи насаби оли Абу Суфён" ("Абу Суфён авлодларининг насаби

ҳақида тез ўзлаштирилган билим"), "Бугйату-ш-шодий фи илали-л-аруз" ("Аруз иллатлари ҳақида хониш қилувчининг мақсади"), "Тарж.у-с-салафий фи ахбори Жоҳиз" ("Жоҳиз хабарлари ҳақидаги салафларнинг тарж.си"), "Таъиллату-л-мақрур фи васфи-л-барди ва-н-нийрон" ("Совуқ ва оловни васф қилиш ҳақида совуқни сезадиган кишининг важҳи") в.б.

- Китобу Муъжами-л-булдон. 1-ж. Б.110; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.17-18.

АБИД (арабча: қуллар) – бир неча қул, хизматкорлар жамоаси. Алишер Навоий асарларида ҳам шу маънода ишлатилган: "Яқуб (а.с.)га бу фарзандлар муяссар бўлғандин сўнг қўй, сигир... ва *абид*дин кўп жамият ҳосил бўлди" ("Тарихи анбиё ва ҳукамо", XV, 199).

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБИДАМА [диншунослик] – насроний дини асосланган китоблардан бири бўлиб, ривоятга кўра Исо (а.с.) туғилишидан юз йил аввал ёзилган. Буддавийлик рухшунослигига оид *Трипитаки* китобининг учинчи қисми. А.да онг тажрибаси, дунё ҳақидаги тасаввурдан унинг тахлилигача давом этган қарашлар йиғиндиси.

- *Боревъ Ю.* Энц-я эстетики, теории литературы и теории искусства (эл. версия). М., 2008. С.9.

АБИДОС [топонимика] – қад. Мисрдаги ш. номи. Ривоятга кўра А. ш.да машҳур Асирис дафн этилган ва унинг мақбараси жойлашган. Бу ер Ўрта подшолик даврида (м.а. 2-минг йиллик) ибодат жойи вазифасини бажарган. Мақбарадаги тахтачага м.а. 4400–1366 й. яшаган 76 фиръавннинг номи зикр этилган. Кўплаб араб, юнон ва лотин манбаларида бу афсонавий ш. номи т.га олинади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

«АБИДОС КЕЛИНИ» – Жорж Байрон достонининг номи. Шоир бу достонини "Турк эртаги" деб атаган. Асар қаҳрамони Зулайхо.

- ♦ *Байрон Дж.* Сочинения в 4-х т., т.3. М., 1982.

АБИЗ (арабча: ҳофиз – Қуръон ўқувчи) [диншунослик] – туркий халклар Тангрига эътиқодининг социал-маданий тамсилчиси. А. буюк, улуғ маъноларини англатгани учун қавм оқсоқоли, уруғ бошлиғи маъносида ҳам учратиш мумкин. Қозоклар мифологиясида шомонларга берилган исм. Айрим манбаларда А. бахши, олим ва коҳин тарзида тавсия этилади. Олтойда бахшининг қўлида ёй тутган ҳолдаги ҳайкали А.га нисбат берилади.

Татаристонда XVI-XVIII асрларда *абизлар ҳаракати* номли диний-ижтимоий оқим кузатилган. А. ҳаракати қатнашчилари ислом анъаналари сақланиши тарафдорлари сифатида ҳаракат қилганлар. Бошқирдистонда Батырши (1755) қўзғолони вакиллари ўзларини А. деб атаганлар. Россия тарихида А. ҳаракати мустамлакачиликка қарши қаратилган қўзғолонлар

сифатида баҳоланган, унинг иштирокчилари чор ҳукумати томонидан таъқиб остига олинган.

Қозоқ фольклори намунаси "Энлик Кебек" достони (Шокарим Худойбердиев версияси)да А. персонажи мавжуд. Мухтор Авезовнинг "Абиз" драмаси мавжуд.

- *Раҳим Г., Газиз Г.* Татар эдабияты тарихы: Феодализм дэвере. Казан, 1925; *Гэйнетдинов М.* XVII йозде татар янарыш хэрэкэте // Казан утдары. 1976. №7. С.170–186, №8. С.102–115; *Мэржани Ш.* Мостэфед ал-ахбар фи ахволи Казан ве Бўлғор. Казан, 1989. С.242-243; *Аҳметов Б., Шанбаев Т.* Адабиййаттанув терминдеринин сўзлиги. Алматы, 1996; *Хабутдинов А.Ю.* Абызы / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. Словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.5; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.15–16.

АБИР (арабча: *абир*) – ис, ҳид. Айрим ўринларда анбар маъносида ҳам ишлатилади. Навоийда шундай мисол бор

Марғулаи сунбулин очайин,
Оламға абиридин сочайин

(Алишер Навоий, Лайли ва Мажнун: IX, 93 б, 5)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

~ и жаннат – тасаввуфда жаннатдан келадиган хушбўй ис пайғамбар ва валийлар воситасида оммага етади. Унга эришмоқ учун май – илоҳий ишқдан озиқлана билиш керак. Мас.,

Абири жаннат исин айламас писанд улким,
Муаттар айласа майдин машом мен янглиғ.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: III, 163)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.23.

АБИССИН АД-ТИ – Қ.: Эфиопия ад-ти.

АБИТУРИЕНТ (лотинча: abituriens – кетишга тайёрланаётган) – ўрта ва махсус билимм юртини тамомлаб, битирув имтиҳонларини топшираётган ўқувчи. Айни маънода жаҳондаги кўп мамлакатларда қўлланилади. 1950-й.дан собиқ иттифоқда умумтаълим мактаби ва ўрта билим юртларини тамомлаб, олий ўқув юртига киришга тайёрланаётган киши. Ўз-н ва собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларда шу мазмун сақланган.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБЛАЙ И (1711–1781) – Туркистондаги Ўрта Жуз ҳокимияти хонлари (1771–81)дан бири. Ўз мустақиллиги учун Хитой ва Россия б-н жанг қилган. Қозоқ ва қирғиз адиблари унинг шаънига мадҳиялар ёзишган. Қозоқ адиби Маҳамбет Ўтемис ўғли асаридаги тарихий қаҳрамон.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

АБЛЮЦИЯ (лотинча) [диншунослик] – Рим католик черковида покланиш. Осий банда гунохлардан покланиш учун А.га киради. Бу жараён Войничнинг "Сўна" романида ва Д.Дидронинг "Роҳиба" асарларида келтирилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

АБКАМ (арабча: *лол, тилсиз*) [поэтика] – I. гунг, соков.

Навоий айтсун ўз дардиники, дард мени
Қилибтур ул сифат абкамки, айта олмасмен

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: Ш б,281)

Бу ўринда дард мени гунг, соқов қилди, маъносида қўлланилган.

• АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.23.

II. аруз илмида зиҳоф номи (2) бўлиб, ҳазаж баҳрининг асосий рукнларидан мафоийлун (v– – –) дан ҳосил қилинади...

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри ачам. Чилди I. Душанбе, 1994. С.22-24.

АБЛАҚ (арабча: икки рангли) [тасаввуф] – ранг тасвири (1): ола-була, оқ-қора, кеча-кундуз каби. Навоий байти:

Замона аблақи қолғай равишдин,
Ул ошуби замон сакратса абраш.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: II б, 259)

Тасаввуфда *замона аблақи* кеча-кундуз ҳаракатда бўлишни англатади.

• АНАТИЛ. 1-ж. Т., 1983. Б. 23.

АБЛАҒ (арабча: балоғатнинг кўплик шакли, бирлиги: *болиғ*) [поэтика] – балоғатга етган. Балоғат илмлари (аруз, қофия ва бадиий санъатлар)дан хабардорлик. Навоийда:

Китобинг ўзга кутубдинки, бордурур аблағ,
Балоғатингга муносиб ҳақ айламиш иблоғ.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний, II, б-299)

АБНАУАЙУ («ўрмон одами») [мифология] – абхаз афсоналарида ёвуз куч сифатида талқин қилинади. А. бадани қалин юнг б-н қопланган, тирноқлари катта ва узун. Кўз ва бурни эса одамсифат. Ривоятга кўра, ҳар бир ўрмонда биттадан А. яшайди. А.нинг овчи ва чўпоннинг учрашуви мотивида катор сюжетлар тўқилган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБНО (арабча: *ўғил бола*) [тасаввуф] – бола, ўғил фарзанд, наслни давом эттирувчи авлод. Абнойи жинс (ҳамжинслар), абнойи замон (замондошлар),

абнойи даврон (давр фарзандлари), абнойи даҳр (дунё аҳли) каби бирикмаларда келиб, тасаввуфий талқинда моддий дунё б-н боғланган инсонларга нисбатан қўлланилади.

Соқиё, абнойи даврон жаврининг поёни йўқ,
Ўйла соғар тутки, зойил айлагай хушу хирад
(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: IVб-125)

~йи мулук – мулк фарзанди, мулкпараст.

• АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.24; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.105.

АБО (арабча: ابا) – I. аб (ота)нинг куплиги, оталар. Асли *абу* бўлиб, вови муфрад б-н ҳамза қўйилгач, *або* ўқилади. Тасаввуфда тариқат ва гуруҳ раҳбарлари исми ёки нисбасига "ота", "боб", "бобо" сўзлари қўшилиб айтилса, шундай маънога эга бўлади. Мас., Ҳаким Сулаймон ота, Арслонбоб, Бобо Раҳим каби.

• Ғиёсу-л-луғот, ч.1. Душанбе, 1987. Сах.16.

~ йи улвия (арабча: аб – ота, улвия – боболар) – улуғ оталар. Тасаввуфий истилоҳда илоҳий исмлар маъносини англатади. Фалсафа ва астрологияда тўрт унсур: ҳаво, сув, тупроқ ва оловдан иборат тўрт унсурни дунёни асоси деб билган улуғ кишиларга берилган исм.

• *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlügü. İstanbul: Kabalcı Yaymevi, 2005. S.17-18; *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005. S.10.

II. кийим, либос. Қадимда жундан тўқилган матодан тикилган енгсиз кийим бўлиб, асосан, мусулмон ўлкаларида тарқалган. Узунлиги тиззадан қуйи, бош ва қўллар чиқарилиши учун махсус ўйиқ (жой) қўйилган бўлиб, асосан, оқ ёки қаҳва рангли бўлади. Манбаларда йўқсулларнинг кийими тарзида ҳам талқин этилади. Сефийлар ва дарвишлар фақирлик аломати сифатида, зуҳд нишонаси сифатида зоҳидлар ва обидлар томонидан кийилади. А. кийган дарвишга *абопўш* истилоҳи қўлланилган. Айни маънода у рамзийлик касб этиб, суннат белгиларидан ҳисобланади. Чунки Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ҳам доимо або кийиб юрган. Бу узун кийим ёқасиз ва енгсиз бўлиб, тиззани ёпиб турган ва бўйиндан оёқларга қадар узанган. Навоийдан:

Турфа абойи анга истаб кўнгил,
Ранги сақарлот била долу гул.
(Алишер Навоий, Ҳайрату-л-аброр: 204)

Бу ерда Навоий турли хил кийим кийишни эмас, балки дарвишлик белгиси бўлган А.ни ҳавас қилиш б-н, кўнгилнинг суфийликка интилишини баён этмоқда.

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.7; *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlugü.

Istanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.17-18; *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. Istanbul: Anka Yayınları, 2005. S.9.

~ ***аҳли*** *(*айрим манбаларда: *Оли або*): дарвишлар, мутасаввифлар, каландарлар назарда тутилади.

~ ***ул-аҳвол*** (арабча: ҳол оталари) – илми ҳол, яъни тасаввуф илмини яхши билган, ҳол (кўплиги: аҳвол) соҳиблари. Ҳол илмида турли тебранишлардан, иккиланишлардан холи бўлиб, Ҳақ йўлини топганлар. А.а.нинг муқобили абноу-л-аҳволдир.

- *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlügü. Istanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.18-19; *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. Istanbul: Anka Yayınları, 2005. S.9.

АБОБАКР Мирзо (XV) – ўзбек шоири. Темурий шаҳзодалардан бўлиб, қиличининг зарби б-н Чигатой улусида машҳур бўлган. Навоий "Мажолис..."да унинг бир туюғини келтириб:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ёра еб ётса отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина.

Агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисини яхши топибдур" деб баҳо беради.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.170.

АБОБИЛ *(*арабча: ابابيل – *тоғ қуши*) [тасаввуф] – қўлга ўрганиши қийин ёввойи қуш. Тасаввуфий талқинда *жон қуши, кўнгил қуши.* Ислом мифологиясида Фил й.да (милодий 570) ҳабашлар қўшини Каъбани вайрон қилиш учун келганида А. қушлари оғир тошларни ташлаб, босқинчиларни қириб ташлаган. Алишер Навоий бу воқеани бир ҳикоятда шундай талқин қилади:

Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатил,
Тийри <u>абобил</u> ила асҳоби фил.

(Алишер Навоий. "Ҳайрату-л-аброр", XX мақолат)

Мазмуни: Кўрдингки, ўқ бир лаҳзада А.ни ва фил лашкарларини қатл қилди.

АБОВЯН, Хачатур (1805-1848) – арман адиби, маърифатпарвар ва янги арман ад-ти ва адабий тилининг асосчиси, этнограф олим. Тифлисда ўқиган. 1837 й.дан Ереванда фаолият кўрсатган. Бадиий ижоднинг роман, ҳикоя, очерк, драма, шеър, масал в.б. жанрларда асарлар яратган. 1837 й. Тифлисда ва 1843 й.дан Ереванда уезд ўқув юртида назоратчи бўлиб ишлаган. 1848 й. уйдан чиқиб кетиб, изсиз йўқолган. "Арманистон жароҳатлари" (1841, 1858) номли тарихий романи б-н шуҳрат қозонган. "Баяти" туркум шеърлари

(1864) ва "Американинг кашф этилиши" (1864) ва ҳикоялари б-н эътибор топган. Гомер, Гёте, Шиллер ва Карамзин асарларини арман т.га тарж. қилган. Янги усул мактаблари очилишига шахсий маблағини сарфлаган. Арман т. ва ад-тидан илк қўлланмалар муал.и.

♦ *Абовян Х.* Раны Армении. Ереван, 1948; Избранное. М., 1955.

• *Агасов Г.* Пламенное сердце. Ереван, 1941; *Абов Г.* Хачатур Абовян. Жизнь и творчество. Ереван, 1948; *Сантросян М.* Хачатур Абовян – выдающийся армянский педагог. М., 1957; *Мурадян Г.* Абовян, Хачатур. Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.35-37.

АБОЛИЦИЯ *(*лотинча: abolitio – *йўқ қилмоқ, бекор қилмоқ)* [ҳукуқшунослик] Рим давлатида ҳукуқшунослик истилоҳи: бирор қонун ва қарорни бекор қилмоқ (1), бирор вазифани қисқартирмоқ (2), жиноий ишни ҳаракатдан тўхтатмоқ (3) ва бирор унвонни тикламоқ ёки тўхматдан халос этиб, қонуний тус бермоқ маъноларида ишлатилган. XVIII асрдан АҚШ, Франция, Буюк Британияда негрларни қулликдан озод қилиш ҳаракати. Бу ҳаракат 1861–65 йй.да АҚШ фуқаролар урушига сабаб бўлган. А. ҳаракати ҳақида кўплаб бадиий ва ҳужжатли асарлар битилган. У.Л.Гаррисон, Г.Бичер-Стоу, Г.У.Лонгфелло асарларида А. ҳаракат вокеалари акс этган.

АБОЛИЦИОН АДАБИЁТ (лотинча: abolitio – *йўқ қилмоқ, бекор қилмоқ*) [адабий оқим] – XIX асрнинг 30–60 - йй.да АҚШдаги адабий йўналиш. Негрларни қуллик асоратидан қутқариш (аболиционизм) руҳидаги ад-т. Бошловчиси ва йирик вакили У.Л.Гаррисон бўлиб, у «Liberator» (1831–65) газ.нинг ношири бўлган. Р.Хилдретнинг «Қул ёхуд Арчи Мурнинг хотиралари» ва Г. Бичер-Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» асарлари А.а. намуналари саналади. А.А. ғоялари Г.У.Лонгфелло, Р.У.Эмерсон, Г.Д.Торо, У.Уитмен, Ж.Р.Лоуэлл в.б. каби Америка адиблари ижодида ҳам акс этган.

• *Беккер М.И.* Аболиционистская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М., 1987. С.37.

АБОНЕМЕНТ *(*французча: abonement) – муайян муддатда фойдаланиш ҳукукини берувчи ҳужжат, обуна қайди. Маълум бир даврда бирор вақтли матбуот воситасига ёки кутубхонага аъзо бўлиб туриш ва ундан фойдаланиш. А. даврий нашрлардан ташқари, турли томоша, спектакл ва концертларда ҳам белгиланади. А.дан фойдаланиш ҳукукига эга шахс, муассаса ва ташкилотлар *абонент* деб юритилади (Туркия туркчасида: *абоне*). Бу варақа йиллик, олти ойлик ва уч ойлик бўлиши мумкин. Адабий журналлар, асосан, мана шу усулда тарқатилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.15-16.

АБОРИГЕНЛАР (лотинча: ab origine *бошланишдан*, маҳаллий) [тарих] – бирор жойнинг туб аҳолиси (русча: туземцы), маҳаллий халқ. Бу истилоҳ бирор жойни эгаллаш учун келиб ўрнашиб қолганларнинг зидди сифатида

ишлатилган. Қад. ибтидоий жамоа тузумида яшовчи ва ҳозир ҳам ўз ҳаёт тарзини сақлаб қолган қабилаларга нисбатан ҳам А. истилоҳи қўлланилади. Рим мифологиясига кўра, А. номли қабила Апеннин водийсида Лацияда яшаган. Уларнинг подшоҳи номи Латин бўлгани туфайли Лациум мамлакаьт аҳолиси шундай аталган. Рим ш. абориген-лотинлар диёрида қурилган.

Австралиядаги тубжой қабилаларига нисбатан ҳам ушбу ном қўлланилган бўлиб, А. дейилганда Австралиянинг тубжой аҳолиси тушунилган. А. атамаси Австралия адиблари асарларида фаол қўлланилади. Қад. юнон адабий манбаларида А. тушунчасини берувчи *автохтонлар* сўзи қўлланилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБОТЕНИ (арабча: *або* – ота) [мифология] – Бирма-Тибет мифологиясида илк одам, ундан одамзот тарқаган. Ривоятларга кўра А. Супунгда, Ҳимолойнинг шарқида яшайди. А.нинг дастлабки уч хотинидан ер,осмон ва сув яралган, тўртинчи хотини Жамир Гимбарадан ўғли Аблом туғилган, деб тасаввур қилинади. У ҳунармандлар пири сифатида талқин қилинади.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБР (форсча: *булут*) I. [тасаввуф] – бадиий ад-тдаги ирфоний рамзлардан бири. Тасаввуф истилоҳида булут ёмонлик, қўполлик, дағалликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлувчи бир ҳижобдир ва у убудият (бандалик) ва рубубийят (эгалик) ўртасидаги пардадир. Суфийлар истилоҳида абр – шундай ҳижобки, у жидду жаҳд оркали шаҳодатга восил қилувчи ҳолат бўлиб, далилни ундан олади. Шунингдек, А. файз маъносида ҳам келади.

Мағрибий:

<u>Абри</u> фазлаш чун батобад бар замин мумкинот
Он замин ва осмонро пўр зи моҳу хўр кунад.

Мазмуни: унинг фазлу раҳмат булути агар ер устига ўз имкониятларини ёғдирса, ул ер ва осмонни тўлин ой каби қилар (ёритар).

Тасаввуфда Ҳақни мушоҳада этишга тўсиқ бўладиган парда, ҳижоб. Аҳлуллоҳ (суфийлар) истилоҳида ортиқчаликка сабаб бўладиган парда ҳам убудият (бандалик) ва рубубият (илоҳият) пардасидир.

II. [эстетика] амалий санъатда безак тури. Булутсимон кўринишдаги тарҳ меъморчиликда, китобат ва муқовасозликда фойдаланилади.

~ ***и баҳор*** (баҳор булути) – китобат санъатида мукова ва айрим саҳифаларни безак тури. А.б.учун тилларанг сув юритилган махсус қоғозлар ишлатилган. Ҳирот хаттотлик мактаби ва китобат санъатида фаол қўлланилган, XVI асрдан бошқа ўлкаларга ҳам тарқалган. Ўз-нда А.б. санъати қўлланилган китоблар мустақиллик й.ларида қайта тикланган.

• Шарқ миниатюра мактаблари (Тайёрл. А.Мадраимов, Н.Норматов). Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1989.

~ ***и файз*** – фазилат булути. Мумкинот (имконият) оламига, ерга юзланса, у ерни ою қуёшга тўлдиради.

~ ***и карам*** – карам ва саховат булути, нозу неъматга боис булут. Навоийда тасаввуфий истилоҳ сифатида қўлланилган ушбу байт бор:

Май ички, халқ гуноҳин ювмоққа абри карам.
Ёғар маҳалда эмас ринду порсо малҳуз.

(Алишер Навоий, "Хазойину-л-маоний": I б-302)

~ ***и найсон*** – ёмғирли булут, ёмғир ёғдирувчи бахорги булут.
Замонавий шеъриятда ҳам шу маънода келади:
То сувин сочаркан абри найсонлар...

(А.Орипов, "Баҳор")

~ ***и раҳмат*** – раҳмат суви (оби раҳмат) ёгдирувчи булут

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: 1983. Б.24-25; *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилохлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

АБРААМ, Пьер (1892–1974) – француз ёзувчиси ва ад-тшуноси, асл исми Пьер Блок. "Маҳкам ушла!" (1951) романи б-н машҳур. Театр танқидига доир ишлари, Бальзак (1929), Пруст (1930) ҳақида эсселари бор. "Уч огайни" хотиралар китоби (1971)ни ёзган. «Франциянинг адабий тарихи» номли фундаментал нашрнинг раҳбари сифатида танилган. "Реализм ва рақиблик рухи" илмий рисоласи машҳур.

- Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.381-385.
- Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.38.

АБРАКАДАБРА (форсча: ҳеч қандай маъносиз) [тилшунослик] – сирли калом ёки тушуниксиз сўзлар бўлиб, ҳеч кандай аниқ маънони ифодаламайди. Ёзувда □ ва ∇ белгилари қўлланилади. Кўчма маънода: *ҳеч нарса* (чепуха), *ҳеч нимани* англатади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБРАКАС (яҳудийча) – [диний ад-т] қад. туморларда ифодаланган рамзий сурат. Бирор маъбуд ёки Илоҳ тимсоли. Айрим туморларда шакл ўрнига ёзув келади. Яҳудий диний ад-тида, XX аср адиби Шолом Алейхом асарларида учрайди.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБРАКСАС, Абрасакс (юнон) [мифология] – космогоник мифологияда (Сурия) А. фалак тимсоли. Насронийликдаги Василид сектасининг қарашига

кўра, А. етти рақамдан ҳосил бўлган: 1+2+100+1+60+1+200=365, бундан мурод йилдаги кунларнинг сони келиб чиқади. Бу магик етти рақамнинг турлича талқинлари бор. А. исми ва унинг иконографик тимсоли (хўроз бошли, илон оёкли одам) насроний дунёсида ва ундан ташқарида ҳам тарқалган. XX аср ад-тида бу тимсолга К.Г.Юнг ("Уликларга етти қироат"), Х.Ҳессе ("Демиан") инсон руҳи юксак оламининг эзгу ва ёвуз кучлар бирлиги сифатида талқин қилинган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБРАМ (абраҳам) – Иброҳим (а.с.)нинг ибронийча (яҳудий ва насроний динидаги) номи. к.: Иброҳим (а.с.).

АБРАМ ЭНГШИЛЛЕНЗ (в.1664) – суриялик олим. Париждаги Шарқ т.лари мактаби мударриси. "Таврот"ни сурёний ва араб т.га тарж. қилган. Араб т. грамматикасига оид илмий асарлар муал.и.

- *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом. 1-ж. / А.Юнусов тарж. Қулёзма. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Ад-т музейи архиви. Б.12.

АБРАМИТА (АБРАХАМИТА) [диний ад-т] – насроний динидаги мазҳаб (секта)лардан бири. IX асрда Сурияда вужудга келган. А. мазҳабига кўра, Исо Масиҳ Худо ўғли (насронийликдаги уч тимсолдан бири) эмас, балки пайғамбардир. Бу мазҳаб XVIII асрда (1781 й.дан сўнг) қайта жонланган. А. тарафдорлари Уч худо (Ота Худо, Она Худо – Биби Марям ва Бола Худо – Исо Масиҳ) таълимотини инкор қилганлар. Рационал секта сифатида ном қозонган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБРАМОВ, Федор Александрович (29.II/1920–14.V/1983) – замонавий рус адиби, публицист. Санкт-Петербург ун-тида ўқиган, аспирантурани тамомлаб, М.Шолохов ижоди юзасидан номзодлик диссертациясини ёқлаган (1951). 1949 й.дан адабий фаолиятини мунаққид сифатида бошлаган.

XX асрнинг 70-йилларида урф бўлган "қишлоқ прозаси"нинг фаол ёзувчиларидан. Қишлоқ мавзусидаги "Отасизлик" (1961), "Пеланея" (1969), "Дарахт илдизлари" (1970), "Алька" (1972) фиссалари муаллифи. "Пряслинлар" эпопеяси (1975) "Акалар ва опалар" (1958), "Икки қишу уч ёз" (1968), "Йўл-айрилишлар" (1973) романларидан ташкил топган. "Пряслинлар" туркумидаги "Уй" романи Давлат мукофоти (1975)га сазовор бўлган. "Икки қишу уч ёз", "Дарахт илдизлари" асосида ёзилган драмалари Россия ш.ларида қўйилган.

- *Абрамов Ф.* Пелагея. Повести. М.: Современник, 1980; Дом. М.: Современник, 1984; Чем живём – кормимся. Статьи, Воспоминания. Л., 1986.

АБРАМОВИЧ, Григорий Львович (1903–?) – рус ад-тшуноси. 1924 й.да Москва Ад-т ин-тини тамомлаган. 1930 й.дан Москвадаги олий ўқув

юртларида ад-т назарияси ва ад-т тарихидан дарс берган. 1932 й.дан асарлари нашр этила бошланган. Ад-тшуносликнинг назарий муаммолари б-н шуғулланган, "Ад-тшуносликка кириш" дарслиги беш марта қайта нашр этилган. Н.В.Гоголь, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Ф.М.Достоевский ижодига бағишланган мақола ва тадқиқотлар муал.и.

♦ *Абрамович Г.Л.* Историзм в теории лит-ры // Вопросы лит-ры. 1959. №3; Введение в лит-ведение. 3-изд. М., 1961.

• *Плоткин Л.* Книга по литературоведению // Звезда. 1954. №1.

АБРЕЖЕ (французча: abrégé – қисқа баён) – матннинг маълум бир бўлими ёки боби ҳақидаги қисқа маълумотлар. А. одатда боб ва бўлим сарлавҳасидан кейин матндан аввал берилади. Айрим ҳолларда А.дан сўнг у маълумот акс этган саҳифалар кўрсатилиши ҳам мумкин. А. танлаб ўқувчилар учун матннинг мазмуни ҳақида хабар беради, зарур воқеа ва тафсилотни топишга ёрдашлашади. А. китобхоннинг матн мазмунини қабул қилишга тайёрлайди. Айрим ҳолларда А.ли матн унинг маълум бир бўлак (парча)ларга бўлиб, уларни сарлавҳалаштиришдан сақланиш учун қўл келади.

• *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.7.

АБРИС (олмонча: abriss – *чизма, лойиҳа*) – матн ва полиграфияда контур (узуқ-узуқ) чизиқлар б-н ифодаланувчи матн, расм ёки чизманинг четки белгилари. А. дастлаб қўл ёзуви тариқасида жорий этилган, рангли фонда икки бир-бирига яқин рангларни ажратиб туриш учун қўлда тузатилган белгилари ҳам А. деб аталган. Сурат ва матнни калька ва фалгага ўтказишда ҳам А. сақланади.

• Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAV MATBUOTLITI, 2009. С.3; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.7.

АБРОЖ (арабча: ابراج – *буржнинг* кўплиги) [тасаввуф] – тасаввуф таълимотида сайру сулук манзилларидан бирининг рамзидир. Шаҳобиддин Суҳравардий рисолаларидан бирининг номи "Аброж". Суҳравардий рисоласида сайру сулук жараёни ўн буржли қалъага ўхшатилади, солик жидду жаҳд (астойдил ҳаракат) б-н ушбу 10 буржни ўташи лозим. Зоҳиран бу мустаҳкам қалъа инсоннинг жасадидир, 10 бурж эса унинг ташки ва ички ҳиссиётлари ёки бошқа қувватларидан иборат бўлиб, улар сайру сулукка монеълик қиладилар.

• *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати.

«АБРОЖ» (арабча: ابراج – *буржлар*) – тасаввуф олими Абу Нажиб Суҳравардий (1097–1168) асари. Тасаввуфда сайру сулук манзилларидан бирининг номи бўлиб, рисолада мазкур жараён ривоят тарзида сўзлаб берилган. Қалбни поклаш йўл (сулук)ига кирган солик (йўловчи, яъни

сўфий) ўн буржли қалъадан ўтиши лозим. Будининг учун соликдан жидду жахд (астойдил ҳаракат) лозим бўлади. 10 бурж қалъага ўхшатилишига сабаб, бу инсоннинг ички ва ташқи ҳиссиётлари бўлиб, сайру сулук жараёнига монеълик қилади. Шунинг учун ҳам бу сифатлар мустаҳкам қалъага ўхшатилмоқда.

• *Шиҳобиддин Суҳравардий.* Рисолату-л-аброж. Мажмуаи севвум: мусаннифот. Сах. 463; *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.174.

АБРОР – (арабча: ابرار – яхши ахлоқлилар) [тасаввуф] – солиҳ амалларни бажарувчи кишилар. Ирфоний истилоҳда яхши фазилатли инсонлар. А. тариқатда Аллоҳнинг хос бандаларидирлар. Улар қалбни поклаш жараёнида Аллоҳ томон сайрнинг бир нечта мақомларини босиб ўтгандирлар. Шайх Нажмиддин Кубронинг талқинича, Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади (сони) учта бўлиб, улар: *тариқи ахёр, тариқи аброр ва тариқи шуттор*дир. Тариқи А., яъни А. йўли мушоҳада ва риёзат соҳибларининг йўлидир. Бу йўл солик (йўлчи)ларни гўзал феъл-атворга эга бўлиши, кўнгилни тазкия (поклаш), қалбни тасфия (покланиш натижасида дилнинг равшан тортиши) қилиши имкон беради. А. ботинини обод қилиш, маъмур этиш учун ғайрат кўрсатувчи кишилардир. Ҳақ сари сайрда даражага эришган хос бандалар сулук (тариқат)да ўрта даражани эгаллаган ва Худонинг хос бандаларидирки, *сайруллоҳ* даражаларидан бир нечтасига кўтарилган, соф кўнгил эгаларидир.

~ ***мақоми*** – Ҳаққа яқинлик мақомларидан биридир. Жомий "нафс қуллигидан қутилганлар" мақоми деб таъриф берган. "Ахлоқи Носирий" асарида ёзишича, А. ш.лар ҳамда одамлар орасини ислоҳ қилиш б-н машғул бўлиб, кишиларни комилликка етаклашади. Қуръони каримнинг Оли Имрон (193-оят), Анфол (13-оят) ва Инсон (5-оят) каби сураларида А. т.га олинган. А. тасаввуфда муқаррабин (яқин кишилар) мақомидан кейин келади. Ҳадисда келтириладики, "Ҳасанату-л-аброр саййиъатил муқаррабийн", яъни "Аброрлар савоби муқарраблар гуноҳи б-н тенгдир". Алишер Навоий "Хамса"нинг биринчи достонини «Ҳайрату-л-аброр» деб аташ б-н бу мақомга оид ўзининг фалсафий қарашларини ифода қилган:

Ҳайрати аброр кўруб зотини
"Ҳайрату-л-аброр» дедим отини.

Уларнинг аброрлик зотидан ҳайратланиб, (достоннинг) номини "Ҳайрату-л-аброр" деб қўйдим.

• *Алишер Навоий.* Ҳайрату-л-аброр / МАТ. 7-ж. Т.: Фан, 1991. Б.344; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.135-136; *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.174.

АБРСКИЛ (абхаз) [мифология] – шу номдаги абхаз қаҳрамонлик эпосининг бош персонажи. Мўъжиза туфайли отасиз туғилган, бош маъбуд *Анцва*га қарши чиққан. Жаҳл отига минган Анцва уни тутиш ва жазолашга аҳд

кишган. Чилоус ғорида уни тутиб олиб, оти б-н бирга темир устунга боғлаган. А. ҳакидаги сюжет грузинлардаги *Амирани* ва адигейлардаги *Нарсин-жач*га яқин келади. XIX асрнинг 70-й.ларида қайта ишланган ва рус тил.га тарж. қилинган. Асар А.Иоакимов, И.Лихачёв, В.Гарцкия каби фольклоршунослар томонидан ёзиб олинган.

• Краткая лит-рная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.40-41; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АБРЎ (форсча: ابرو – *қош*) [тасаввуф] – мумтоз шеъриятда қош тавсифи мехроб, камон, дол (ҳарф)лари орқали ифодаланади.

Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдум нишон,
Бир камон абрўда тузлуқдин нишоне топмадим

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: I б-430)

Тасаввуф истилоҳида юзнинг пардаси бўлган сифатларидан бири, зот нурининг пардаларидан вужуд олами жамол олади. Завқ аҳли калималарида шундай сифатларга айтиладики, зот ҳожиби (қўриқчиси) қошга айланади ва вужуд олами ундан гўзаллик олади (Фахриддин Ироқий, Истилоҳоти суфия).

Ироқий:

Бутам аз ғамзаи абрў ҳама тиру камон созад,
Ба ғамза хуни дил ризад бобару кор жон созад.
Чу дар дом сари зулфаш ҳама олам гирифтораст
Чиро мужгон кунад новак чиро абру камон созад.

Мазмуни: Менинг бутим қошнинг ғамзаси – чимирилишидан ўқ ва ёй ясади. Ғамзаси б-н дил қонини тўкади, худди тузоқдаги каби зулфининг ғорига барча олам гирифтордир. Нега киприк ўқ бўлади, нега қош камон бўлади?

Ҳофиз Шерозий:

Худо чу сурати абрўи дилгушой ту баст,
Гўшод кори ман андар карашмаҳои ту баст.

Мазмуни: Худо сенинг дилни очувчи қошингни яратганида, мен учун карашма бўлди?

~ ғамзаси – қош учириши, қош қоқиши. Тасаввуф истилоҳида нурнинг жилоланиши.

• *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.175-176.

АБРЎ, Ҳофиз (в.1430) – тарихнавис, географ ва адиб. Асл исми: Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдуррашид ал-Хавофий. Амир Темур ва темурийлар салтанатида хизмат қилган (1386 й.дан). Амир Темур юришларида қатнашган, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Ироқ, Эрон, Озарбойжон, Гуржистон, Арманистон, Ҳиндистон в.б. юртларда бўлган.

"Зубдату-т-таворих" ("Тарихларнинг сараси") асари Шарафиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарининг давоми бўлиб, унда 1404–1415 йй.

воқеалари баён қилинган. Шоҳрух Мирзо талаби б-н ўзининг асосий асарини (1414–1415) ёзган. Бу асар Муҳаммад ибн Нажим Бакроннинг "Жаҳоннома" (1208) асари асосида тартиб берилган. "Мажмуа" номли тарихий асари(1420)да Шоҳрух Мирзо ҳукмронлигининг 1417–1420 й.ларини муфассал тасвирлаган. Кейинроқ Бойсунгур Мирзо талаби б-н барча тарихий асарларини жамлаган тўрт ж.дан иборат "Мажмау-т-таворихи султония" ("Султонга аталган тарихлар –туплами") асарини ёзган. Асарнинг 1-ж. инсоният ибтидосидан 642 й. воқеаларигача, 2-ж. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарлигидан аббосийлар сулоласи тарихига қадар, 3-ж.да эса, аббосийлардан кейинги сулолалар тарихидан 1335 й.га қадар, ниҳоят 4-ж. Амир Темур даври (1336–1405)га бағишланган. Кейинги асари "Зубдату-т-таворихи Бойсунғурий" (1427)ни ҳам мана шу сўнгги ж.га илова тарзида киритган. Агар Ҳ.А. тарихий асарлари Табарий ("Тарихи Табарий"), Рашидиддин ("Жомеъу-т-таворих"), Низомиддин Шомий ("Зафар-нома")га асосланиб, уларнинг давоми сифатида яратилган бўлса, Абдурраззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асари Ҳ.А. асарларига таянилган ҳолда ёзилган ва ундаги воқеаларнинг давоми саналади.

- *Бартольд В.В.* Хафиз-и Абру и его сочинения / Ал-Музаффария. Спб., 1897. С. 1–28, *Ромаскевич А.А.* Персидские источники по истории туркмен и Туркмении X–XV вв. / Материалы по истории туркмен и Туркмении. т.I. М.-Л., 1939. С. 58–59; *Самарқандий Л.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 22-25.

АБСИДА (апсида) [санъатшунослик] – меъморликда ярим доира сифатида ишланадиган бинонинг пештоқи (арка). Византия ибодатхоналарида А. меҳробнинг юқори қисмида ярим ўйиқ ҳолида шакллантирилган. Рус православ черковида учта А. қўйилган (престол, ризницы ва жертвенник – қурбонлик учун). А. Одатда шарқ томонга меҳробни ифодалаш учун ишлатилган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8; *Борев Ю.* Энц-я эстетики, теории лит-ры и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБСОЛЮТ (лотинча absolutus – *шубҳасиз, чегарасиз*) [фалсафа] мутлақлик, шак-шуюҳасиз бирор ҳодисанинг юзага келишига ишониш. Фалсафада А. рух. Барча яралмишларнинг сабабчиси, борлиқнинг бирламчи асоси. А. истилоҳи илк бор фалсафий ва адабий тушунча сифатида XVIII аср сўнгида М.Мендельсон ва Ф.Якоби томонидан "Тангри ёки табиат" тушунчасининг ифодасида қўлланилган. Файласуф ва ад-тшунос Ф.Шеллинг томонидан фаол истифодага киритилган бўлиб (1800), А. борлиқ, воқелик сифатида фалсафий тушунчага асос солинган. Кант уни А. ахлоқ, яъни ахлоқий категория сифатида талқин этган. Гегел ва объектив идеализм тарафдорлари учун А. рух сифатида ўзи яратилган ва ривожланишда бўлган ғоя сифатида қаралган. Брэдли фалсафасида А. "абсолют идеализм" шаклида ривожлантирилган бўлиб, унингча, борлиқнинг "олий шакли" ва "асоси"дир.

Шопенгауэрда ирода, Бергсонда интуиция сифатида англатилади. Неогегелистик фалсафада А. ўта кенг тушунча бўлмасдан фақат *абсолют тафаккур* маъносида қўлланилган.

- Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.5; Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳ-р: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ НМАК, 2004. Б.6-7; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

~ *идея (ғоя)* – Гегел фалсафаси (диалектика)нинг асоси саналиб, субъектив билимнинг такомили А.и. тарзида намоён бўлади. Файласуф талқинича, А.и. нинг асосий шакллари: санъат, дин ва фалсафадир. Санъат ва динда А.и. абсолют руҳ тарзида намоён бўлса, фалсафада бу асос А.и. тарзида шаклланади.

~ *руҳ* – Гегел фалсафасида субъектив билимнинг кўриниши, санъат ва динда намоён бўлишидир. А.р. ўз тараққиётида бир қанча босқичларни босиб ўтади. Руҳ санъатда образлар орқали, динда эса эмоционал руҳий фаолият натижасида намоён бўлади. А.р. абсоют ғоянинг ўзини англашидир, шахс, жамият ва ғоянинг бирлиги сифатида чексиз макон ва замонда эркин ҳаракатга эга. А.р.нинг маълум босқичдаги намоён бўлиш шакли инсоният ва жамиятдир.

~ *ҳақиқат* – объектив воқеликнинг киши онгида мутлақ ўзгаришсиз акс этишидир. Гегел фалсафасида А.р. ҳаракатининг натижасидир.

- *Гегел.* Эстетика, т.1-4. М., 1968-73; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.6; Фалсафа. Қомусий луғат. Мас. муҳар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.6-7.

АБСОЛЮТИЗМ (лотинча: absolutus – *ҳукмрон*) [фалсафа] – сўзсиз мутлақлик. А. атамаси илк бор XVIII аср охирида В.Мендельсон ва Ф.Якоби томонидан қўлланилган бўлиб, Спиноза фалсафасидаги «Худо ёки табиат» категориясини англатган. Ф.Шеллинг (1800) уни кенг истеъмолга олиб кирган. А. Арастунинг «бирламчи Яратувчи», Фихте фалсафасидаги «абсолют мен» тушунчаларига яқин маъно ташийди. Гегел фалсафаси учун абсолют руҳ бирламчи моҳият касб этади. Мутлақ борлиқ тарафдорлари унинг яратилмагани ва туганмаслигини ҳам тан оладилар. Гегел талқинида абсолют руҳ борлиқни яратган ва у б-н алоқасини узган, кейин эса борлиқ ўз ҳаракати б-н тараққиётга эришган. Абсолют руҳ абсолют билим орқали эришилади, абсолют ғоя (идея) санъат, дин ва илм (фалсафа) орқали реаллашади. Абсолют ғоя тарафдорлари қарашлардаги дуализмни инкор этади, унинг учун руҳ, борлиқ, жамият бирлиги ғояси абадий ва ижодий яшовчандир. А. Туркия туркчасида *салтчилик* деб юритилади.

- *Хютт В.П.* Категории абсолютное и относительное в историко-философском освещении //Ученые записки Тартусского ун-та. Труды по философии 8. 1965, Вып.165; *Мотрошилова Н.В.* Путь Гегеля к «Науке логики». М., 1984; Turk Dunyasi Edebiyat

Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.16; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.402.

АБСОЛЮЦИЯ (лотинча: absolutusion – *ҳукмрон*)) [диний ад-т] – насроний черковида икрор, тавба туфайли гуноҳларнинг қувилиши. Ҳуқукшуносликка доир ад-тларда эса айбсиз деб ҳисоблаш. Ф.М.Достоевский ва Л.Толстой асарларида тасвирга олинган. Толстойнинг "Икрорнома" ("Исповедь") асари А.нинг ад-тдаги кўринишидир.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБСТРАКТ (лотинча: abstactio – *мавҳум*) [санъатшунослик] – мавҳум ёки предметсиз санъатни ифода ва қабул қилиш усули. А. моҳиятини француз рассоми А.Лот шундай белгилайди: "Абстрактивизм реалистик ҳодисадир". А. санъат муал.нинг борликка муносабатини ҳалол, холис ифода қилади. Чунки ҳар бир ижтимоий ғоя заминида бирор бир манфаат ётади. 1931 й.да П.Клее ёзганидек, "Дунё қанчалар қўркинчли бўлиб борса, санъат шунча абстрактлашиб боради". "Соф абстракт" санъат томошабин ва ўқувчига тушунарсиздир. У қанчалик нозик ва сирли бўёқ ва ранглар, ишора ва рамзлар б-н иш кўрмасин аниқ ифода шакллари воситасида юзага чиқади. 1949 й.да француз санъатшуноси М.Сейфорнинг "Абстракт санъат, унинг илдизлари ва биринчи усталари" асари эълон қилинган бўлса ҳам уни зиёлилар хушламай қабул қилдилар. Шўролар даврида эса бундай қарашлар очиқдан-очиқ ман қилинди. Чунки унинг илдизлари мифик қарашларга бориб тақалар, рухоният дунёси талқини бу йўналишда асосий моҳият касб этар эди.

Ўз-нда А. санъатга хос хусусиятлар XX асрнинг 20–й.ларида кириб келган. Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир шеърларида, 70–й.да Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон ва XXI аср бошларида Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр шеърларида, Б.Жалолов рангтасвирларида учрайди.

• *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16; *Борев Ю.* Энц-я эстетики, теории литры и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБСТРАКЦИОНИЗМ (лотинча: abstactio – *мавҳум*) [адабий жараён] – абстракт санъат; ад-т ва санъатдаги модернистик йўналишларидан бири. Моддийликдан чекиниб, инсоннинг ички, руҳий дунёсига алоҳида эътибор қаратувчи бу оқим Европа санъатида 1910–13 й.ларда вужудга келган. XX аср бошларида фотосанъатнинг пайдо бўлиши б-н тасвирий санъатнинг вазифаси бирмунча ўзгарди. Реал ҳаётдаги нарса ва предметларни айнан ўзидай қилиб акс эттиришни фотография ўз зиммасига олгандан сўнг, кўплаб рассомлар нарса ва предметларнинг айнан ўзини эмас, унинг инсон онгидаги аксини ёки тасаввурдаги шаклини беришга қизиқдилар. Тасвирий санъатда реал дунёни мавҳум шакллар йиғиндиси сифатида берувчи оқим

сифатида шаклланди. А. дастлаб предметсиз санъат сифатида вужудга келди. Модернистик санъатдаги кубизм ва футуризмнинг мантиқий заминида ривож топди. А. ижодий жараённи предметлар дунёсидан ажратиб тасаввур қилишни тавсия қилди. А. тарафдорлари ҳаёт ҳақиқатини эмас, балки тасаввур шаклларига яширинган ҳақиқатни изладилар ва топганларини сўз ва буёқ воситасида акс эттирдилар. Рассомларнинг А.га келиш йўли, асосан, икки хил кечди. Биринчиси, *геометрик абстракция* орқали, яъни аниқ конфигурациялар шакли орқали. Бу йўналишда рус рассоми Казимир Малевич, голланд Пит Мондриан ва француз Робер Делоне ижод қилдилар. Иккинчиси, *лирик абстракция* бўлиб, рассомлар бевосита эркин шаклларни чизишга қизиқдилар. Бу йўналиш Россияда рассом Вас. Кандинский номи б-н боғлиқ. Унинг "Санъатдаги руҳият" (1912) тадқиқотида А.ни "ички эҳтиёж", "санъатнинг предметлилигидан озод санъат", яъни "эрк санъати" сифатида таърифлаган.

А.да санъаткор нарса ёки предметдан нусха олмайди, балки у б-н мулоқотга киришади. Дастлабки предметсиз санъат 40-й.лар охирига келиб ўз йўлини ўзгартирди. Жаҳонга машҳур рассомлар: Пикассо, Боннар, Матисс, Вламник ижодида абстракт идея предметларнинг рассом тасаввуридаги сурати орқали жонланди. Аввалроқ А. АҚШда ҳам кенг тарқалди, ҳатто 1937 й. миллионер Гуггунхейм маблағи асосида предметсиз санъат музейи ташкил этилди. 40-йилларда кўплаб европалик рассомлар: Марк Шагал, Макс Эрнст, Пит Мондриан, Ганс Арп, Салвадор Далининг АҚШга эмиграцияси туфайли бу ҳолат янада кенгайди. Сузиб юрувчи ранглар оқими, стихияли ҳаракатлар, рассомнинг ички ҳарорати бадиий полотноларга кўчиб ўтди. Кўп ўринларда ёлғизлик мотиви бош ғоя даражасига кўтарилди. Бу йўналишда ижод этган машҳур рассомлар: Жозеф Альберс (1888–1976), Натан Альтман (1889–1970), Карл Андре (1935 й.т.), Ганс Арп (1887–1966), Франтишек Купка (1871–1957), Эл Лисицкий (1890-1941), Жорж Матье (1921 й.т.), Пит Мондриан (1872–1944), Жексон Поллок (1912–1956), Пьер Сулаж (1919 й.т.), Ганс Хартунг (1904–1989) ижоди А. туфайли ўзининг янги кирраларини намойиш этди.

♦ *Пикассо П.* Сборник статей. М.: Искусство, 1957; *Матисс А.* Сборник статей о творчестве. М.: Изд. Иностранной лит-ры, 1958; Knaurs Lexsikon der modernen Kunst. Paris: 1963; "Le merveilleux et le "theatre du silence", Paris, 1965; *Barr A.*, Cubism and Art Abstract. New York: 1974; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; *Бажанов Л., Турчин В.* Абстрактное искусство / Советское искусствознание. 1991. Вып.27; *Сарабьянов Д.*, Вас. Кандинский в русском контексте // Вопросы искусствознания. 1997. №1; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.17; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.3; Энц-я модернизма. М.: Эксмо-пресс, 2002. С.117-146; Энц-я искусства XX века. М.: Олма-Пресс, 2002; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.6-8; *Русова Н.Ю.* От Аллегории до Ямба: терминологический словарь-тезаурус по литературоведению. М.: Флинта-Наука, 2004.

АБСТРАКЦИЯ (лотинча: abstactio – *мавҳум*) – бирор объектни қабул қилиш жараёнида унинг табиий сифатларини, ўзига хос жиҳатларини ва алоқаларини умумлаштириб, ўз табиийлигидан кўра мавҳумроқ қабул қилиш. Бадиий ижодда абстракциялаш методи орқали тасодифий ҳолатлар типик ва доимий ҳолатлардан фарқланади. Шунинг учун ҳам абстракциялаш бадиий ижод учун аҳамиятлидир. 1908 й.да олмон олими В.Воррингер "Абстракция ва ҳис қилиш" китобида А.ни натурализмга қарама-қарши қўйиш орқали уни ижодий жараённинг энг олий нуқтаси сифатида баҳолади. XX аср бошларидаги бу қараш экспрессионизм ва абстрактивизм санъатига асос бўлиб хизмат қилди. 1931 й. олмон файласуфи П.Клее "дунё ваҳшийлашиб борган сари санъат абстракциялашиб бораверади" деган қарашни илгари сурди. А. тарафдорлари санъатнинг турли соҳаларида ўз қарашларини исботлашга уринган бўлсалар ҳам реал борлиқнинг мавҳумий қабул қилинишига кўпроқ урғу бердилар.

XX аср абстрактивизмида икки оқим ўзаро фарқланган. Улардан биринчиси Ван Дусбург, Мондриан номи б-н боғлиқ рационал йўналиш бўлса, иккинчиси, В.Кандинский номи б-н боғланган экспрессив йўналиш. Биринчи йўналиш асосида кейинроқ синтетик кубизм вужудга келди, санъатдаги пуризм шаклланди; иккинчи йўналиш эса машҳур рассомлар А.Матисс, П.Клее, Ф.Леже ва П.Пикассо ижодига туртки берди, кейинроқ эса сюрреализмга юз бурган Г.Арп, Х.Миро, А.Массон, А.Явленский ижодида бўй кўрсатди. А. методи, шунингдек, *дадаизм, поп-арт, оп-арт* ва модернизмнинг турли кўринишларида ҳам истифода этилди. 1915 й.ги кўргазмада танилган К.Малевичнинг "Қора квадрат" сурати А. методи натижасида машҳур бўлди.

"Соф абстракт" санъат томошабин ва китобхонга унчалик тушунарли эмас. Бу санъат моҳиятан француз олими М.Сейфорнинг "Абстракт санъат, унинг манбалари ва илк усталари" (1949) асарида асослаб берилди. Санъатнинг А. асослари илоҳий тасаввурларни ифода қилишда, ижоднинг мутлақ Яратувчи б-н муносабатини англатишда кўл келди. Назариётчи В.Фаворский эса Жотто, Микеланжело ва Рембрандт асарларини ана шу ғоя асосида шархлашга уринди. Ижодий тахайюл воситасида санъаткор оддий кўз б-н кўриш мумкин бўлмаган хилқатларни кўра олади ва уни конкрет шаклларда ёки предметларда эмас, балки рамзий белгиларда акс эттиради. Илоҳий А.га тиш тирноги б-н қарши бўлган соц.реализм эса уни "предметсиз санъат", "объектсиз тасаввур" деб камситиб келди. Бу оқим Туркия адтшунослигида *сўйут* истилоҳи б-н юритилади.

• Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.7; Фалсафа. Қомусий луғат. Т.: Уз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.7; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.422–423;

АБСУРД (лотинча: ab-surdus – бемаврид, маънисиз, *қарқулоқ*) [адабий жараён] – борлиқни бадиий акс эттиришнинг бир тури бўлиб, унинг учун воқеалар тартибидаги сабаб-оқибат муносабатларининг бузилиши ва инсон борлиғининг маънисиз жиҳатларини акс эттириш характерлидир. Қад. римликлар дағал, кўпол туюлувчи нарсаларни А. деб аташган. А. авангардизм санъатида кўпроқ бўй кўрсатган бўлиб, бу тафаккурнинг шаклга номувофиқлиги асосида келиб чиққан. А.га хос жиҳатлар *сюрреализм, дадаизм, концептуал санъат, видео-арт, поп-арт, соц-арт* каби оқимларда ҳам қўлланилган. Муайян нарса, воқеа ва ҳулосанинг ички зиддияти, нотўғрилиги ва ясамалиги; фалсафада муайян ғоялар, қарашлар ва таълимотларнинг ғайриилмийлиги, ҳаётга мос келмаслиги. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги давр Европа зиёлиларининг тушкун қарашларини ифодалаган.

Мантиқли, тўғри ва оқилона тушунчаларнинг зиддидир (Мас., А.Камю. "Сизиф ҳақида миф"). Замонавий ад-тда абсурднинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, анъанавий ифодадан фарқли бир шаклда асар яратилишига ҳам абсурд деб қаровчилар мавжуд. Р.Музилнинг "Моҳиятсиз одам" (1930–43). Туркча манбада А. нинг маъноси *сочма, абас; кулунч, маъносиз* деб берилган ва турк насрида *Аҳмад Ҳамдий Танпинар*нинг "Соатлари айралама институси" ("Соатларни фарқлаш институти", 1962) романи мисол келтирилган. Ўзбек ад-тида А.Қаххорнинг "Сароб" романига А. намунаси деб қаровчилар мавжуд.

• Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9; *Ионеско Э.* Противоядия. М., 1992; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.17; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. – С.8; Фалсафа. Қомусий луғат. Туз. ва мас. муҳар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.8; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16; *Белокурова С.П.* Словарь литведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.17.

~ ***драма*** – XX аср 50–60 – й.лар драматургиясида *авангардизм* оқимида ижодга келган оқим. Экзистенциализм фалсафасида А.Камю, Ж.-П.Сартр асарларида учрайди. А.Д. бошланган. С.Беккет асарлари б-нЭ.Ионесконинг «Кал қўшиқчи» (1950), «Гадони кутиб» (1952) драмалари премьерасидан кейин туғилган. Абсурд драманинг таниқли вакили сифатида *Альберт Жамус, Эжен Конеско* асарлари кўрсатилади. А.д. муал.лари сифатида Францияда Ж.Жене, Б.Виан, қисман А.Адамова, Италияда Д.Буццати, Э.Д'Эррико, Англияда эса Х.Пинтер, Н.Симпсон кўрсатилади.

А.Д. анъанавий драматургия б-н қайсидир маънода ўз давомийлик ришгасини узади. Буни мутахассислар *абсурдизация* деб номлайдилар, бу усул романтизмда, айниқса, сатирик драмаларда кўл келади. Шундан келиб чиқиб, А.Д.га нисбатан *антидрама, антитеатр* истилоҳлари ҳам қўлланилади.

• *Esslin M.*, The Theatr of the Absurd. New York, 1961; *Проскурина Т.* Французкая антидрама (50–60-е гг.). М., 1968; *Дорошевич А.Н.* Абсурда драма / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9; *Барт Р.* Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М., 1989; *Ионеско Э.* Противоядия. М., 1992; *Великовский С.И.*, Умозрение и словесность: Очерки французской культуры. СПб., 1999.

АБТАР (арабча: илдизи б-н *ағдариш*) [поэтика] – аруз илмида зихоф номларидан бири бўлиб, *мафоийлун* аслининг ўзгартирилиши натижасида ҳосил бўлади. *Фаъ* (–) тармоқ рукни номи. Навоийнинг "Мезону-л-авзон» асарида шу истилоҳ қўлланилган: *Аммо фуруъи: мафоъилун – мақбуз, мафоъилу – мақфуф... фаъ – абтар.* Бобуршоҳ "Рисолайи аруз"да А.нинг *абтари махбун, абтари машкул, абтари махбуни маҳзуф* каби шаклларини кўрсатади: *"Ахрам била ахраб авзонининг ижтимоъидин шеър номавзун бўлмас. Бу баҳрлардин доги рубоъий вазни ҳосил бўлур... рамалдин абтари махбун: фаъилун фаъилотун фаъилотун фаъилун, абтари машкул: фаъилун фаъилоту фоъилотун фаъилун, абтари махбуни маҳзуф: фаъилун фаъилотун фаъилотун фаъилун".*

• *Заҳириддин Муҳаммад Бобир.* Мухтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971 Б.60; *Тоир У., Саидалй С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри ачам, ч.I. Душанбе: 1994. С.22-24; *Ҳожиаҳмедов А.* Узбек арузи луғати. Т.: 1998. Б.7.

АБУ (арабча: ота) [тилшунослик] – атоқли отдан аввал келадиган куня: Абу Али – Алининг отаси.

АБУ, Эдмон (1828–1885) – француз адиби, Париж Бадиий академияси аъзоси (1884). Юнонистонда туғилган ва болалигини ўша ерда кечирган. 1851 й. Францияга кўчиб келган. «Ҳозирги Греция" сатирик қиссаси (1854), "Тоғлар қироли" (1857) романи орқали танилган. А. шунингдек, "Қулоғи синган одам" (1861), "Бир нотариуснинг бурни" (1862), "Яхши инсон романи" (1880), "Толла" каби асарлар муал.и. Наполеон III нинг кўмаги б-н Римга келиб, унинг ғояларини тарғиб қилувчи бир қатор мақолалар ёзган. Дастлаб бонапартчи бўлган, сўнгра республикачилар тарафига ўтган. А. романларида Рим каттиқ танкид остига олинган. Унинг ноёб истеъдоди туфайли "Вольтер ўғли" лақаби берилган.

♦ *Абу Э.* Роман хорошего человека. М., 1907.

• *Наркевич А.Ю.* Абу, Эдмон / Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.41; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.30.

АБУ АБДУЛЛОҲ Боғдодий (XII) – араб олими, тилшунослик илмига доир асарлар ва луғатлар тартиб берган. Тўлиқ номи: Абу Абдулоҳ Қосим б. Салом Боғдодий. Шамсиддин Қайс Розийнинг "Ал-Муъжам..." асарининг кофия ва шеър танкиди бобида т.га олинади ва ундан кўчирма келтирилади. А.А. нинг ёзишича, мавзун, яъни вазнга солинган сўз (шеър)ни дастлаб Яъруб б. Қаҳтон айтган экан: "Яъруб донолик қуввати ва истеъдод закоси ила уни топди, мавзун сўзни номавзундан фарқ қилди ва фавқулодда икки

байт айтди. Ва аъёнлар, қариндошлар, қариялар, яқинлари ҳузурида шеърхонлик қилди. Улар – ҳаргиз манзум сўз эшитмаган эдилар – ўрадилар: «Бу қандай муаззам сухан сўз тартибидурки, сендан аввал бундай сўз эшитмаган эдик?» У айтди: «Мен ҳам бу каби суханни ўзимдан топмадим»... Таълим ва таҳлилсиз унга мавзун калом шуурдан келди, уни *шеър* дедилар ва унинг айтувчисига *шоир* ном қўйдилар".

• *Шамси Қайси Розий.* Ал-Муъжам (муал.и сарсуҳани тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У.Тоиров). Душанбе: Адиб, 1991. Б.264-269; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев тақдимида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.287.

АБУ АБДУЛЛОҲ Зарир Абивардий – к.: Абивардий.

АБУ АБДУЛЛОҲ ибн ИСМОИЛ БУХОРИЙ (810–870) – буюк ҳадис олими. Тўлиқ исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Имом Бухорий. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, бир оз тижорат ишлари б-н ҳам шуғулланган. А.А. ёшлигида отадан етим қолди. 10 ёшларида араб т. ва Ҳадис илмини қунт б-н ўрганишга киришди. Бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий (777–839), Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфий (в. 843)лардан кўп ҳадисларни ёд олди. 16 ёшида акаси Аҳмад ва онаси б-н ҳаж сафарида бўлди. Зиёрат асносида Балх, Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Маккаю Мадина ш.ларида ҳам бўлди. А.А. ўта истеъдодли, ҳофизаси ўткир олим эди. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир марта мутолаа қилса, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди. А.А. ўз сўзига кўра, олти юз минг ҳадис тўплаб, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг гайрисаҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган Ҳадис, албатта, ишончли Ҳадис эмастур" деган. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий (780–855)нинг айтишича, "бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас". Ҳадис илмида етиштирган шогирдлари: Абу Исо Термизий, ан-Насоий, Абу Заръа, Юсуф Форёбий, Абу Бакр ибн Ҳузайма кабилар.

А.А. 20 ёшидаёқ бир неча китоблар муал.и сифатида машҳур бўлди. Алломанинг "Ал-адаб ал-муфрад" («Адаб дурдоналари»), "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ("Ишончли ҳадислар тўплами")дан ташқари яна йигирмага яқин китоби бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. А.А. яратган "Саҳиҳи Бухорий" тўрт жилд (жуз)дан иборат бўлиб, тўпламга 600 минг ҳадисдан 7563 та энг сараси жамланган. Ҳадисларни араб т.дан ўзбекчага Зокиржон Исмоил, Музаффар Набихон ўғли, Раҳматуллоҳ қори Қосим ўғли, Бахтиёр Набихон, Абдулғани Абдуллоҳ тарж. қилганлар. А.А. ўз ватани Бухорога қайтгач, бир мунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берган. Амир Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳлийнинг фитнаси б-н Бухорони тарк этиб, Хартанг қишлоғида истиқомат қилган. 870 й. 30 августда Рамазон ҳайити куни вафот этган. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида дафн этилган.

♦ *Имом Бухорий.* Ал-адаб ал-муфрад. / Ш.Бобохонов, Н.Абдулмажид тарж. Т.: Мовароуннахр, 2006; *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.* Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) / 1-4 ж. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 2008; *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.* Саҳиҳи Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) / I-II китоблар. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

- *Бобохонов Ш.* Эътиқодга бахшида умр / Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т.: Мовароуннахр, 2006. Б. 8-46.

АБУ АБДУЛЛОҲ ИЛОҚИЙ (в.1008) – машҳур ҳаким. Асл исми: Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқий, ўрта асрларда яшаган, *Ибн Сино*нинг шогирдларидан бири. Илоқ воҳаси (ҳоз. Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёси атрофи)да туғилган. Дастлабки маълумотни Шош (Тошкент) мадрасаларидан бирида олиб, сўнг ўз билимини такомиллаштириш учун дастлаб Бухорога, кейин Урганчга бориб таҳсил олган. Ибн Сино б-н учрашиб, унинг таълимини олган. А.А.И. фалсафа ва тарих б-н шуғулланган. «Куллиёти тибби Илоқий» («Илоқийнинг табобат ҳақида рисолалари») асарида тиббиёт тарихига оид маълумотлар берилган.

АБУ АБДУЛЛОҲ Муҳаммад ибн Салом – араб олими ва адиби. "Табақоту ш-шуаро" ("Шоирлар табақалари") – жоҳилийя ва ислом шоирлари туғрисида маълумот берувчи тазкира муал.и. Балоғат қонунлари, адабий танқид ва услуб қоидалари тўғрисида назарий қарашлари бор. Қуръони карим ва балоғат илмининг бадиий сўзга таъсирини тадқиқ этган.

- *Quliyeva M.* Şərq poetikasının asas kateqoriyaları. Bakı, 2010. S.96.

АБУ АБДУЛЛОҲ Муҳаммад ибн Ҳасан Маъруфий Балхий (IX–X) –ўзбек шоири ва адиби. Абу Абдуллоҳ Рудакий (858–941)нинг кўзига мил тортилишига сабабчи бўлган фотимийлик ҳаракатининг тарафдорларидан. А.А. меросидан 92 шеър сақланган бўлиб, улар Умар Родуёний, Шамс Қайс Розий рисолаларида бадиий санъатлар акс этган шеърий намуналар сифатида т.га олинган:

Ҳукми қазо буд в-ин ба дилам бар,
Маҳкам аз он шуд Ки ёр ёри қазо шуд.
Ҳар чй бигуям зи ман нигар, ки нигарй,
Ақл жуло шуд зи ман, Ки ёр жудо шуд.

Мазмуни: Қалбимдаги оғир юк қазо ҳукмидир, Шундан ёр ўлимнинг ўрни бўлди. Нима десам-да менга боқ, бокмасанг, Акл ҳам, ёр ҳам мендан жудо бўлади.

- *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Абдуллоев А.* Ад-ти форс тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш, 1979. *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён ад-ти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ АБДУЛЛОҲ Муҳаммад Таржий – қ.: Ибн Батута.

АБУ АБДУЛЛОҲ Нотилий – фалсафа ва мантиқ олими. Абу Али ибн Синонинг ёшликдаги устози. Абул Ҳасан Али Заҳириддин Байҳақийнинг "Татимату-с-савон ал-ҳикма» асарида фалсафа ва илоҳиёт илмида жуда кучли экани айтилиб, "Вужуд (борлиқ) ва унинг шарҳи" номли асарини қайд этади.

АБУ АБДУЛЛОҲ РУДАКИЙ (858–941) – форсий ад-тнинг асосчиси. Тўлиқ номи: Абу Абдуллоҳ Жаъфар бинни Муҳаммад Рудакий. Панжрудак қишлоғида туғилган. 8 ёшида Қуръони каримни ёд олган. Сомоний Наср ибн Аҳмад саройида хизмат қилган. Абдураҳмон Жомий унинг хушовоз, уд чалишда маҳоратли эканини ёзса, Давлатшоҳ Самарқандий мусика фани ва шеърият устодларидан, қасида ва маснавийни гўзал айтишини зикр қилган. С.Айнийнинг талқинича, форс т.да биринчи девон тартиб берган шоир. Манбаларда унинг асарлари турлича кўрсатилади, умумий ҳажми 700 мингдан 1.300 минг мисрагача. "Модари май" ("Май онаси"), "Шикоят аз пири" ("Қариликдан шикоят") қасидалари машҳур. "Саҳли мумтанеъ" (осону мумкин эмас) услубининг асосчиси. Умрининг сўнггида кўзига мил тортгирилган.

Рудакий рубоийларидан:

Ҳар кимсага ҳам вожиб эмас фазлу карам,
Лек вожиб эмиш шукри У берса нима ҳам,
Не вожиб эмас Сенда гуноҳ бўлмас экан,
Ҳар вожиб учун менми гуноҳкор, эй Эгам.

(Эргаш Очил тарж.)

♦ *Осори Рудакий.* Душанбе, 1958; *Абу Абдуллоҳ Рудакий.* Бобо Тоҳир. Сайланма / Ш.Шомуҳамедов тарж. Т., 1994. Б.7-81; Бухорийлар бўстони / С.Воҳидов тарж. Т., 1998. Б.9-12; Инжулар уммони. Рубоийлар / Ш.Шомуҳамедов тарж. Т., 1998. Б.11-57; Муҳаббат проналари / Э.Очилов тарж. Т., 2005.

• *Мирзоев А.* Абу Абдулло Рудакий. Душанбе, 1958; *Айний С.* Асарлар. Саккиз томлик, т.8. Т., 1967; *Самарқандий Д.* Шоирлар бўстони / Б.Аҳмедов, Н.Норқулов тарж. Т., 1981. Б.22-27; *Брагинский И.С.* Абу Абдаллах Джафар Рудаки. М., 1989; *Жомий А.* Баҳористон / Ш.Шомуҳамедов тарж. Т., 1997. Б.67-68.

АБУ АБДУЛЛОҲ Харис Мухосибий – қ.: Мухосибий.

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ (X) – улуғ ўзбек олими, математик ва қомусий билимлар эгаси. Тўлиқ номи: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад б. Аҳмад б. Юсуф котиб Хоразмий. Бизгача етиб келган ягона асари «Мафотиҳу-л-улум» («Илмларнинг калитлари») сомонийлар сулоласининг учинчи вакили Нуҳ б. Мансур (975–997) халифалиги даврида ёзилган. Вазир Абул Ҳасан Убайдуллоҳ Утбийга багишланган бу асар араб т.да битилган. Унинг мундарижасидан муал.нинг форс, юнон ва қад. сурёний т.дан хабардорлиги маълум. Қомус шаклида ёзилган бу асарда ўша давр фанларининг муҳим соҳаларига оид атамаларнинг маънолари очиб берилган.

Асар икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимнинг 5-боби илми аруз, қофия ва саноеъга оид истилоҳларни ёритишга бағишланган. Боб ўз навбатида беш қисмдан иборат: 1-қисм мазкур фаннинг таркиби, аруз тизимидаги атамалар; 2-қисм аруз вариантлари ва иллатларнинг номлари; 3-қисм қофия ва унинг таркиби; 4-қисм мазкур атамаларнинг келиб чиқиши ва улардан фойдаланиш усуллари, 5-қисм шеърият танқиди ва ундан фойдаланиш йўллари ҳақида. Шунингдек, тўртинчи бобнинг 8-қисми «котибларнинг сўздан фойдаланишдаги маҳоратлари»га бағишланган.

А.А. ўзигача яратилган араб т.даги поэтик манбалар Халил б. Аҳмад луғати, Ибн Муътаззнинг «Илму-л-бадеъ» ("Бадиият илми"), Қудама б. Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» ("Шеър танқиди") каби асарларидан ижодий фойдаланган. Қомуснинг Лейден, Берлин ва Лондон фондларида сақланувчи бешта қўлёзмаси асосида яратилган танқидий матни голланд олими ван Флотен томонидан 1895 й.да нашр қилинган ва кўплаб Европа т.ларига тарж. қилинган. Мазкур асар Ю.И.Крачковский, В.В.Бартольд, П.Г.Булгаков, М.Хайруллаев, Р.М.Баходиров, М.Зиёвуддинова томонидан тадқиқ этилган.

- *Крачковский И.Ю.* Арабская поэтика IX века / Изб. соч., т.2. М.Л., 1956. С.361-372; Арабская средневековая культура и лит-ра. М.: Наука, 1978; *Куделин А.Б.* Средневековая арабская поэтика. М.: Наука, 1983; *Баҳодиров Р.* Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Т.: Фан, 1995; *Зиёвуддинова М.* Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг "Мафотуҳу-л-улум" асарида поэтика. Т., 2001. Б.21-28; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқ. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.175.

АБУ АЛИ Рудборий (в.1014) – қ.: Рудборий.

АБУ АЛИ ибн СИНО (980–1037) – машҳур табиб, файласуф, мусиқашунос ва мутасаввиф. Тўлиқ исми: Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино. Бухоро вилоятидаги Афшона қишлоғида туғилган. "Шайху-р-раис" ("Донишмандлар раиси") номи б-н машҳур. А.А.нинг ёшлиги ва йигитлик даври Нуҳ II ибн Мансур Сомоний ҳукмронлиги й.лари (976–997) Бухорода ўтди. Абу Абдуллоҳ Нотилийдан фалсафа, Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийдан табииёт илмини ўрганди. 16–17 ёшларида машҳур табиб бўлиб танилди. Бухорони қорахонийлар забт этгач, 1000 й.да Бухородан чиқиб, Хоразмга борди ва Хоразмда Маъмун академиясида ишлади. Лекин Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб, Эрондаги турли ш.ларда яшади. Журжонга келгач, Ибн Сино ҳоким Қобус ибн Вашмгир саройида вазир ва табиб сифатида шуҳрат қозонди. 1019–21 й.ларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қилди. Баъзи сабабларга кўра бу ердан қочиб, Исфаҳонга борди ва бутун умрини илм-фанга бағишлади.

А.А. буюк табобат олими, файласуф, математик, мантиқшунос, мусиқа ва тилшунослик илмларининг етакчиси сифатида 450 дан ортиқ асар ёзган. Фалсафа соҳасида "Табииёт", "Мантиқ", "Баъд ат-табиа" ("Метафизика"), "Азҳавийя" ("Ёруғланиш") асарлари муал.и. Арасту ва Форобийнинг издоши. Мантиқ илмига оид "Арғанун" ("Органон") тўпламини тузган, бу тўплам мантиққа оид "Маъқулот" ("Силлогизм"), "Мукаддима"

(“Топика”), “Хитоба” (“Риторика”) фанларини қамраб олган. Асосий илмий асарларидан бири “Тиб қонунлари” узоқ давр мобайнида дунё тиббиёт ходимлари учун қўлланма бўлиб келган. Тиббиётга оид “Рисолайи набз” (“Пульс ҳақида таълимот”), “Жавдия” (“Ажойиб маслаҳатлар”) асарлари ҳам маълум. 149 бобдан иборат “ал-Воҳия» (“Файзия”) асари рецептлар тўпламидир. “Уржуза” тиббий достон бўлиб, 1329 байтдан иборат бу асарда муал. санъат (шеърият) ва илм (тиббиёт)ни ўзаро бирлаштиради. “Шоирлар сўз соҳиблари бўлса, табиблар соғлик фаришталаридир. Улардан бири гўзал сўзлар б-н руҳни қувонтирса, иккинчилари садоқат б-н жисм (тана)ни даволайдилар” деб ёзади муал.. Бадиий ижод соҳасида форс т.да 46 рубоий, 5 китъа, 2 байт яратгани ва араб т.да “Қасидайи айния” асари маълум. Умар Хайём рубоийда А.А.ни ўзига устоз деб билган. “Тайр қиссаси”да тана қафасидан қутилган руҳнинг арши аълога, яъни ўзи яратилган жойга қайтиши ифодаланган. “Саломон ва Ибсол”, «Ҳайй ибн Яқзон», “Юсуф”, “Меърожнома” каби насрий асарлари X–XII асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий насрнинг юксак намуналаридир. Ад-тшуносликка оид “Ал–ҳикмат ал–арузия” (“Аруз ҳикматлари”), “Ал-мантик фи аш -шеър” (“Шеър мантиқи”), “Ал-қасойид фи-л-узмат ва-л-ҳикмат”, т.шуносликка оид “Лисану-л-араб” (“Араб тили”), “Махорижу-л-хуруф” (“Ҳарфларнинг маҳражлари”) асарларини битган. Тасаввуф олими А.А.нинг “Ат-танбеҳ ва-л-ишорат»” асарининг биринчи қисмида мантиқ, иккинчи қисмида табииёт, учинчи қисмида руҳшунослик (метафизика)га оид масалалар кўриб чиқилади. Сўнгги қисмда муал. ижод ва яратувчанлик тушунчаларининг фарқи ҳақида, руҳнинг танадан ажралиши, шодлик ва бахт, суфийликнинг даражалари (обид, зоҳид ва ориф), мўъжиза ва карометлар хусусида сўз юритади. Асарнинг хулоса қисми “Васият” деб юритилган. “Руҳ (жон) ҳақида” асарида маъдан руҳи, ўсимлик ва ҳайвон руҳлари, инсон руҳи ва унинг камолоти ҳамда руҳнинг танадан ажралгандан кейинги ҳаёти ҳақида сўз юритади. А.А. “Ёруғланиш” асарида басират – қалб кўзи очилган, янглишлар коронғулигидан қутулиб, онги ва шуури ёришган зотларнинг Илоҳий олам асрорини кашф этиш қудратига эга бўлиш ҳақидаги тасаввуф таълимотини баён қилган. Бу асарларида тасаввуф таълимотида *ирфоний ишқ* фалсафасини илгари сурган. А.А.нинг “Рисола фи-л-ишқ” асари етти боб, яъни: ҳар бир якка (индивид) моҳиятидан келиб чиқадиган ишқ ҳақида (1); оддий жонсиз моҳиятлар – маъданларга хос севги ҳақида (2); ўзига хос миқдордаги озиқланиш қувватига эга мавжудот (ўсимлик) севгиси ҳақида (3); ўзига хос жонли мавжудот – ҳайвоний руҳ эгалари севгиси ҳақида (4); ақл ва ёркин чиройи б-н ажралиб турадиганлар ишқи ҳақида (5); аҳли дил ишқи ҳақида (6) ва хулосалар (7)дан иборат.

♦ *Абу Али ибн Сина.* Канон врачебной науки, т.1-6. Т., 1954-60; Донишнамэ. Душанбе, 1957; Авжи зуҳал. Сатурна предел. Душанбе: Ирфон, 1980; Избранные философские произведения. М., 1980; Шеърлар ва тиббий достон / А.Ирисов тарж. Т., 1981; Тарж.йи ҳол / А.Ирисов. Ҳаким ибн Сино. Т.: Ўз-н, 1992.

• *Семенов А.А.* Абу Али ибн Сина. Сталинобод, 1953; *Терновский В.Н.* Ибн Сина (Авиценна). М., 1968; *Серебряков С.Б.* Трактат Ибн Сино о любви. Тбилиси, 1976; Абу Али ибн Сино. К 1000-летию со дня рождения. Т., 1980; *Завадовский Ю.Н.* Абу Али ибн Сина (опыт критической биографии). Душанбе: Ирфон, 1980; *Сагадеев А.В.* Ибн Сина. М.: Мысль, 1985; *Ҳусайнзода Ш., Шарифов Х.* Мақоми Ибн Сино дар шеъри адаби тожик. Душанбе: Маориф, 1985; *Заҳириддин Байҳақий.* Татиммату-с-савон ал-ҳикма. Т., Фан, 1987; Торжество разума. Материалы международной сессии, посвященной 1000-летию со дня рождения Абу Али ибн Сино (Авиценны). Душанбе: Дониш, 1988; *Шидфар Б.* Ибн Сина. М.: Восточная лит-ра, 1986; *Болтаев М.* Ибн Сина – великий мыслитель средневекового Востока. М.: Сампо, 2002; Фехристи нусхаҳои мусаннифоти Ибни Сино аз Яхё Маҳдавий. Теҳрон, 1333.

АБУ АЛИ ШОШИЙ (в.956) – фақиҳ, шайх. Тўлик исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший, Тошкент ш.да туғилган. У Абу Ҳанифа мазҳабидаги фақихлардан. Багдодда яшаб, у ерда таҳсил олган. Истеъдоди ва билимининг қуввати б-н жамоанинг шайхи даражасига етишган. Бағдод мадрасаларидан бирида устози Абулҳасан ал-Кархий фалаж (шол) бўлиб қолганида, таълим ҳамда ҳадис илмидан сабоқ беришни Абу Али Шошийга топширган.

АБУ АЛИ ҲАСАН ибн Рашиқ (999–1064) – араб олими ва адиби. Балоғат, шеър навлари ва танқидига доир илмий рисолалар ёзган. Асосий асари: "Ал-Умда фи маҳосину-ш-шеър ва адабиҳи ва нақдиҳи" ("Шеър таърифи, гўзалликлари ва адабий танқид"), «Таянч» в.б. Ибн Муътаззнинг "Китобу-л-бадиъ" асаридан фойдаланиб ёзган ушбу асарида шеърга таъриф берган, унинг маҳосини, яъни гўзалликлари, лафзий ва маънавий санъатлар, шеърий асарни таҳлил қилиш йўлларини баён қилган.

АБУ АЛИ ҲУСАЙН ибн Аҳмад ас-Салломий ал-Байҳақий (Х) – ўзбек адиби ва олими. Термизда Сағонийлар саройида мулозимлик қилган. А.А.нинг ҳукмдор Абу Али топшириғи б-н ёзилган «Китоб ат-тарих фи ахбор вулат Хуросон» («Хуросон ҳукмронлари ҳақида тарих китоби», 955) ҳозиргача топилмаган, бу асар Беруний, Абу Мансур Саолибий, Гардизий асарларига манба бўлган. А.А. номи Низомий Арузий Самарқандий, Муҳаммад Авфий, Абу Умар Жузжоний, Алоуддин Отамалик Жувайний в.б. асарларида ҳурмат б-н т.га олинади. А.А.нинг «Китобу-н-натф ва аз-зарф» («Ҳикматли сўзлардан намуналар»), «Китобу-л-мисбоҳ» («Чироқ ҳақида китоб»), «Китобу-с-сор» («Тасдиқ китоби») каби асарлари бизгача етиб келмаган. А.А.нинг шеърий меросидан намуналар Абу Мансур Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр...» асарида келтирилган.

• *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш. 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён алабиёти (X-XII асрлар). Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ АМР ибн АЪЛА (в.771) – араб олими. Басра ш.нинг мударрисларидан. Аббосий халифалигининг етук олими, арузшунос Халил ибн Аҳмаднинг устози. Аруз ва қофия илмига бағишланган рисолалар муаллифи.

АБУ АЪЛО ал-МААРИЙ (973–1057) – шоир, адиб ва файласуф. Тўлиқ исми: Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Сулаймон, буюк араб шоири ва мутафаккири. Шом (Сурия)нинг Марраъ ан-Нуъмон ш.да қози оиласида туғилган. Тўрт ёшида чечак касали б-н оғриб, бир кўзи, олти ёшида эса, иккинчи кўзи кўрмай қолган. Замондошлари ва издошлари (Ёқут Ҳамавий, Ибн Халликон, Ибн Жавзий, Абдулкарим Санъоний) А.нинг ҳайратланарли хотираси ҳақида ёзадилар. У 6-8 ёшларида Қуръони каримни ёд билган. Халаб ш.да ўқиган. Амир Сайфуддавла ҳомийлигида буюк файласуфлар асарлари б-н танишган. Асосий асарлари: "Сақт аз-Занд" ("Чақмоқтош учқунлари"), "Ал-лузум ма ла йалзам" ("Қарашлар зарурияти"), "Ўрмон ва бутоқлар", "Фасл ва мақсадлар", "Вазн ва қофиялар бўйича умумий қўлланма". Сўнгги асари "Рисолату-л-ғуфрон" ("Мағфират рисоласи") Ибн Карихнинг ҳажвиясига қарши ёзилган. "Рисолату-л-малойика" ("Фаришталар рисоласи") асарида мутойиба оҳангида ҳалол одамларнинг нодон ҳукмдорлар томонидан эзилаётганини тасвирлайди. Абу Таммом (788–845), ал-Бухтурий (820–897), Абу-т-Таййиб Мутанаббий асарларига шарҳлар ёзган. Сайфуддавла вафотидан сўнгра Бағдодга бориб, аббосийлар халифалигида ижод қилган. Сўнгра эса салтанат ишларига аралашмай, умрини ёлғизликда ўтказган.

А.А. ҳақида арман шоири А.Исакян достон ёзган, уни Асқад Мухтор ўзбек т.га тарж. қилган.

- *Абул Аъло ал-Маррий.* Сақт аз-Занд. Байрут, 1957; Изб. М.: ГИХЛ, 1990; Расойил. Байрут, 1994; Рисолату-л-ғуфрон. Қоҳира, 1998.
- *Крачковский И.Ю.* Ал-Мутанабби и Абул Ала. Избранные соч. Т.2. М.Л., 1956; *Широян С.* Улуғ араб шоири ва мутафаккири Абул Аъло ал-Маарриий. Т., 1958; *Рустамов А.* Абул Аъло ар-Маарриий. Т.: Фан, 1965; *Шидфар Б.Я.* Абул Ала ал-Маррий. М.: Наука, 1985; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.31-32; *Маҳмудов М.* Ҳуррият қўшиғи / Аҳли дил. Т.: Ўқитувчи, 1998.

АБУ АЪЛО ШУШТАРИЙ (Х) – форс шоири ва олими. Шеърий ижодидан намуналар етарли даражада сақланмаган. Умар Родуёний "Таржумону-л-балоға" ("Балоғат таржимони"), Асадий Тусий "Луғати фурус" рисолаларида А.А.нинг шеърларидаги бадиий санъатлардан мисоллар келтирган, шеърларидан атиги 19 байти бизгача етиб келган. Форс арузи ҳақида рисола ёзган, бу рисола кўп манбаларда т.га олинганига қарамай бизнинг даврга қадар етиб келмаган.

- *Тўйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.76.

АБУ АҲМАД ибн Абу Бакр Котиб (в.940~945) – бухоролик шоир ва хаттот. Отаси Абу Бакр ибн Ҳомид сомонийлар саройида котиб бўлган, сўнгра амир Исмоил ибн Аҳмад (900–907)га вазирлик қилган. А.А. вазирлар Абу Абдуллоҳ Жайҳоний, Абул Фазл Баламийга қарши шеърлар ёзгани учун

саройдан кетишга мажбур бўлган. Бағдод ва Омулда яшаган. Шеърларида араб шоири ал-Атавий, Али ибн Муҳаммад ибн Бассом каби шоирларга эргашган.

- *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат ад-дахр. 4-қисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976.

АБУ БАКР Сиддиқ (572–23.VIII.634) – Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)дан кейинги биринчи халифа (632-634). Тўлиқ номи: Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Қаҳҳофа ибн Омир. Қурайш қабиласидан. Чаҳорёр (хулафои рошидин – тўғри йўлдан борган халифа)ларнинг биринчиси. А.Б. Пайғамбар (с.а.в.)га ва ислом динига бўлган садоқати туфайли *Сиддиқ* нисбаси б-н номлаганлар. *Исро ва меърожни* илк марта тасдиқлаган. Исломни қабул қилмай туриб, исми Абдулкаъба эди. Мусулмонликни биринчилардан бўлиб қабул қилгач, *Абдуллоҳ* исмини олди. Ҳижрат пайтида (Маккадан Мадинага) пайғамбар (с.а.в.)га ҳамроҳ бўлган. Бадр, Уҳуд, Ҳандақ, Худайбия жангларида иштирок этган. Қуръони каримни турли ҳофизлардан тўплаган. 142 ҳадис ривоят қилган. Халифалик даврида Ироқ ва Шом (Сурия)ни фатҳ қилган. Мадинада вафот этган, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) қабри ёнига дафн қилинган.

- *Большаков О.Г.* История халифата, т.1. М.: Наука, 1978; *Соғуний А.* Тарихи Муҳаммадийя. 1993; Фахруддин Р. Чаҳорёрлар. ??????????

АБУ БАКР ВАРРОҚ (в.980) – машҳур мутасаввифлардан. Тўлиқ исми: Муҳаммад б. Умар Ҳаким Термизий. Термизда туғилган. Навоий "Насойиму-л-муҳаббат"да "Оти Муҳаммад б. Умар Ҳаким Термизий. Асли Термиздиндур... Абу Исо Термизий тағойисидур. Аҳмад Хузравайҳ била суҳбат тутубдур ва кўп тасонифи бордур. Ва «Таврот» ва «Инжил» ва «Қутби осмоний»ни ўқубдур ва шеър девони ҳам бордур... Ва онинг сўзидурким: умаронинг фасоди зулм биладур ва уламонинг фасоди тамаъ била ва фуқаронинг фасоди риё била" деб ёзади. Қабри Термизда, аммо айрим манбаларда Балхда деб ҳам кўрсатилган.

- *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 135-тартиб.

АБУ БАКР ВОСИТИЙ – қ.: Воситий.

АБУ БАКР КАЛАВИЙ (в.1366) – самарқандлик ҳунарманд. Самарқандда *сарбадорлар* ҳаракати (1365-66)нинг раҳбарларидан. Мўғул хонларидан Исёс Хожа ш.га ҳужум қилганида, унга қарши бош кўтарган.

АБУ БАКР НАРШАХИЙ (899–959) – тарихчи олим. Тўлиқ исми: Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарийя ал-Хаттоб ибн Шарик ан-Наршахий. Бухородаги Наршах қишлоғида туғилган. Сомонийлар саройида котиблик қилган. А.Б.Н.нинг асосий асари «Бухоро тарихи» («Таҳқиқи вилояти Бухоро, 943—944). Араб т.да ёзилган ва сомонийлар амири *Нуҳ ибн Наср* (943—954)га тортиқ қилинган. А.Б.Н.дан сўнг асарни ўғли Абу Бакр

Мансур ва набираси Абу Рафи ал-Ала ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Жъфар асарни давом эттиришган. Асар 943-999 йиллар тарихини ёз ичига олади. Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубавий асарни форс т.га кискартириб тарж. қилган (1128), бизгача тарж. нусхаси етиб келган. Асар 36 бобдан иборат. Бухоронинг барпо этилиши, қад. номлари, қад. подшоҳлари, Кармана, Нур, Искажкат, Зандана, Вардона, Афшона, Баркат, Ромитан, Варахша, Байканд (Пойкенд) в.б. жойлар, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида содир бўлган муҳим тарихий воқеалар баён қилинади. Китобда Бухоронинг ислом динини қабул қилиниши, *Муқанна, Абу Муслим* қўзголонлари, сомонийлар давридаги маданий ҳаёти ҳам акс этган.

«Бухоро тарихи» Париж (1892)да француз, Бухоро (1904) ва Теҳрон (1939)да форс, Тошкент (1897)да рус, Лондон (1954)да инглиз, Тошкент (1966, 1993)да ўзбек, Душанба (1979)да тожик т.да нашр этилган.

- *Наршахий А.* Бухоро тарихи. Т., 1966.
- *Камалиддинов Ш.С.* «Китоб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ас-Сам'ани как источник по истории и истории культур Средней Азии. Т., 1993; *Насафий Н.* Самаркандия. Т., 2001.

АБУ БАКР РОЗИЙ (240–320) – ислом дунёсида табобат илмининг асосчиларидан. Эроннинг Рой ш.да туғилган. Илм олиш мақсадида Шом (Сурия), Ироқ, Андалусия (Испания) ва Мисрга сафар қилиб, бир муддат Бағдодда яшаган. Бухорода сомонийлардан Мансур ибн Исмоил саройида бош табиблик қилган. Табобат илмига оид "Ал-Куношу-л-Мансурий" асарини ҳукмдор Мансурга бағишлаган.

180 дан ортиқ илмий асарлар ёзган. Тиб илмига оид асарларидан ташқари «Ҳайъату-л-олам», "Руҳий тиббиёт" асарлари муал.и.

- *Абу Бакр ар-Розий.* Сирру-л-асрор / Тайны тайн. Душанбе: Ирфон, 1993.
- *Фитрат А.* Нажот йўли. Т.: Шарқ НМК, 2001.

АБУ БАКР САҒОНИЙ (X) – адиб, географ ва мунажжим. Тўлиқ номи: Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний, уни Беруний ҳурмат б-н т.га олган. «Тахтитул-устурлоб» («Устурлоб хатолари»), «Китоб фи тасҳеҳ ат-том» («Мутгасил ҳаракатлар китоби»), «Қавонини илми ҳайъат» («Ер шакли илми қонунлари») асарлари муал.и.

- *Аблуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш, 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён алабиёти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б 17.

АБУ БАКР Тойибодий (XIV) – Амир Темурнинг пири. Тўлиқ номи: Шайх Зайнуддин Абубакр Шайх Али б. Шайх Абубакр б. Шайх Аҳмад б. Шайх Муҳаммад б. Шайх Маҳмуд б. Шайх Суҳайл Тойибодий. Нисбаси: *шайху-л-ислом.* Хуросоннинг Тойибод ш. туғилган. "Темур тузуклари"да 17 ўринда т.га олинган. А.Б. номи Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс», Низомий

Боҳарзийнинг «Макомоти Мавлоно Жомий», Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг «Макомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» каби асарларида келтирилган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд б-н Бухорода, Ҳофиз Шерозий б-н Шерозда учрашган. Навоий "Насойиму-л-муҳаббат"да: "Мавлоно Низомуддин Ҳиравийнинг шогирдидур. Аммо шариат мутобаати варзиши б-н ботин улуми абвоби ҳам анинг юзига очилибдур ва билҳақиқат увайсий эрмиш. Ва тарбият Ҳазрат Шайх ул-ислом Аҳмад Жом руҳидин топибдур ва дерларки, Мавлоно муддатлар риёзот ва мужоҳидот била ўткаргандин сўнгра Ҳазрат Шайх Мавлоноға зоҳир бўлиб, дебдурларки, сенинг дардингнинг давосини Ҳақ таоло бизнинг шифохонада қуюбдур" деб таърифлайди. А.Б. ҳақида «Мавлоно Абубакр Тойибодийнинг қисқа ҳаётномаси ва Тойибодда ўтган ҳамсуҳбатлари б-н учрашувларининг зикри» рисоласи бор, унда А.Б.нинг Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳофиз Шерозий, Муҳаммад Порсо, Неъматуллоҳ Валиъ, Зайнуддин Хавафий б-н мулоқотлари акс этган. Амир Темур баъзи шаръий масалалар бўйича А.Б. маслаҳатларидан фойдаланган. «Нафойиъу-л-ахбор» ("Хабарларнинг нафлари") асарида ёзилишича, Амир Темур насиҳат сўраганида, «Ҳар ким Худодан қўркса, ҳамма ундан қўрқиши мумкин, кимки Худодан қўркмаса, ҳеч нарса ундан ҳайиқмайди» деб жавоб бергани қайд этилган. А.Б.нинг ўз қўли б-н ёзилган китоблари сақланмаган. Бироқ А.Б. нақллари турли манокибларда келтирилган.

Қабри Тойибод ш.да, Шоҳруҳ Мирзо мақбара қурдирган. Мирзо Улуғбек мақбарани қайта таъмирлаб, зиёрат қилиб турган.

• *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 521-тартиб. Зиндагиномаи мухтасари Мавлоно Абубакр Тойибодий ва ошнои жамоли бозоҳрохи Тойибод. Чоп рисолат Тойибод. Масжиди жомеъи Ахноф. Таълифи 1347 *Болтабоев Т.* Амир Темурнинг пири / Мумтоз суз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.25-28.

АБУ БАКР ШОШИЙ (1038–1114) – фиқҳшунос олим. Тўлиқ номи: Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Умар ал-Имом ал-Кабир. Фиқҳ илмини Багдодда Муҳаммад ибн Баён ал-Казрувний, Қози Абу Мансур ат-Тусий, Шайх Абу Муҳаммад ал-Жувайний сингари алломалардан ўрганган. Шайх Абу Исҳоқ Шерозийнинг шогирди бўлиб, кейинроқ улуғ имом (ал-имом ал-кабир) даражасига етган. "Фахр ул-ислом" (ислом фахри) номи б-н шуҳрат қозонган. Бағдоддаги Низомия мадрасасида мударрислик қилган ва кўплаб шогирдлар етиштирган. Фиқҳ илмига оид «Ҳилят ал-уламо фи мазоҳиби ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар мазҳабларида олимлар зийнати») асари б-н танилган. Алломанинг фиқҳшуносликка оид «аш-Шофий» («Шифо берувчи») асари машҳур. Бу асар араб олими ал-Музаний (791–878)нинг «ал-Мухтасар» («Қисқача») асарининг шарҳидир. Ушбу шарҳ 20 жилддан иборат бўлиб, муал. уни 5 й. давомида ёзган. Алломанинг «Аш-Шофий шохобчасининг устуни», «Талоққа оид масала» каби асарлари ҳам маълум. А.Б.Ш. араб ад-ти, грамматикаси, шеърияти ва тилшунослигини ҳам яхши билган. Багдод вафот этган ва «Боб ул-Шероз» мақбарасига дафн этилган.

АБУ БАКР ҚАФФОЛ ШОШИЙ (903—976) – тилшунос олим, шоир, муҳаддис, фақиҳ. Тўлиқ исми: Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қаффол (кулфчи) аш-Шоший ал-Кабир; Ҳазрати Имом (оғзаки нутқда – Ҳастимом) номи б-н машҳур. Имом ал-Кабир (Улуғ имом) нисбаси. Тошкент ш.да ҳунарманд оилада тугилган. Араб мамлакатларида сафарда бўлди, анча вақт Бағдодда яшади. Машҳур имом Абул Аббос Ахмад ибн Умар ибн ас-Сурайжий (850—918)нинг шогирди. Фиқҳ, мантиққа оид «Қозининг феъл-атвори», «Одобу-л-баҳс» («Баҳс одоби»), «Ҳусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») каби асарлар муаллифи. А.Қ.Ш.нинг шоирлиги ҳақида Ғожиддин ас-Субкийнинг «Табақот аш-Шофиъия» («Шофиъийлик даражалари») асарида маълумот беради ва унинг айрим намуналарини келтиради.

А.Қ.Ш. Тошкентда вафот этган, қабри устига XVI асрда мақбара қурилган.

- Маънавият юлдузлари. Т., 2001; Ҳайит Т. Қаффол Шоший. Т., 2004; Ўз-н – буюк аломалар юрти. Т.,

АБУ БАКР ҲОМИД ШОШИЙ (1007–?) – улуғ аллома ва шайх. Тўлиқ исми: Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший. Тошкентда тугилган. Фиқҳ илмини Абу Бакр ас-Санжийдан ўрганган. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, алломанинг бобоси Имом Абулмузаффар Самъонийнинг Марвдаги асҳобларидан бири бўлган, доимо илм б-н машғул бўлган. Фиқҳ илмида «имом» даражасига етишган. Ғазна султони уни саройига таклиф этгандан сўнг дастлаб Ғазнада ва Ҳиротда яшаган. Ҳиротдаги Низомия мадрасасида мударрислик қилган.

АБУ БАШАР МАТО – к.: Настурий.

АБУ ДАХБАЛ Жумаҳий (VII аср 2-ярми–VIII аср бошлари) – араб шоири. Умавийларга қарши курашган. Шеъриятда сиёсий мавзудаги қасидалар ва ғазаллар йўналишини бошлаб берган. Маърифий руҳдаги шеърлари халқ томонидан куйланган. Ўрта асрлар араб шеърияти тарихида истеъдодли шоир ва қасиданавис сифатида эътибор топган.

Крачковский И.Ю. Поэт корейшитской плеяды. Изб. соч., т.2. М.-Л., 1956.

АБУ ДУЛАФ (X) – сайёҳ олим, шоир. Тўлиқ исми: Абу Дулаф Мисъар ибн Муҳалҳил ал-Хазражий Янбуий. X асрнинг 1-чорагида Мадинадан Бухорога келган. Сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад саройида хизматда бўлган (914-942). Хитой элчилари б-н бирга Шарқий Туркистон ва Хитойга элчи бўлиб борган. 220 кунлик саёҳати давомида ўзи кўрган манзараларни ўта аниқлик б-н ёзиб борган, айниқса, “хитой хони” б-н учрашув таассуротлари кенг тасвирланган. Сўнг Тибет, Ҳиндистон ва Эронда бўлиб, бу ўлкалар географиясига оид қатор асарлар яратган. “Рисолату-л-аввал” (“Биринчи рисола”), “Рисолату-л-ухро” (“Кейинги (иккинчи) рисола”) асарлари

муаллифи. “Биринчи рисола”сида Каспий ва Ўрта ер денгизи ҳудудларидаги мамлакатлар, аҳоли ва маданий турмуш ҳақида хабар берган.

АБУ ЖАЪФАР ХОЗИН (X) – мунажжим ва риёзиёт олими. Тўлиқ исми: Муҳаммад ибн Ҳусайн Сағоний Хуросоний. Чағониён (Термиздаги) давлатида хизмат қилган. Илми нужум (астрономия)га оид “Китоб зижу-с-сафоих” (“Гардишлар зижи китоби”) асарини ёзган. Математикага оид “Шарҳ китоби “Усули ҳандасий Иқлидус” (“Эвклиднинг “Усули ҳандасий” китобига шарҳ”), “Тафсир “Мақолайи ашара” Иқлидус” (“Эвклиднинг “Ўнинчи мақоласи” тафсири”) рисолалари муаллифи. Эроннинг Рой ш.да вафот этган.

- *Аблуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш, 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён алабиёти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ ЗАЙД ад-ДАБУСИЙ (~ 975–1037) – файласуф ва мутасаввиф аллома. Бухорода яшаган, манбаларга кўра Ибн Синонинг холаваччаси. Қорахонийлар даври фикҳшунослиги вакилларидан. Ас-Самъоний, Ибн Халликон, Ибн Касир асарларида А.З. ҳақида маълумотлар бор. Бухорода қозилик қилган. Ҳанафий фикҳ мактабининг вакилларидан. 9 асаридан 4 таси етиб келган: “Ал-Амад ал-акъсо” (“Олис мақсад”) – тасаввуфий асар; “Китоб ал-асрор фи-л-усул” (“Фикҳ усулидаги сирлар ҳақида китоб”) шофиъйлик мазҳабида учрайдиган ихтилофлар ҳақида; “Тақвим ал-адилла фи усул ал-фиқҳ” (“Фикҳ усулида далилларни кучайтириш”) ва “Таъсир ан-назар” (“Қарашни асослаш”). Ибн Сино унинг вафотига атаб марсия ёзган.

Бухорода вафот этган, имом Абу Бакр ибн Тарҳон (в. 972) қабри ёнига дафн қилинган.

- *Ҳасанов М.* Ибн Синонинг холаваччаси // Фан ва турмуш. 1987. №7; *Нажмиддинов З.* Абу Зайд ад-Дабусий ва унинг ижоди // Имом ал-сабоклари. 2002. №3. Б.234-236.

АБУ ЗАЙД ибн Саҳл Балхий (850-934) – фалсафа ва география олими, тилшунос ва астроном. Шарқ географлари мактаби асосчиси. Араб олими Киндийнинг шогирди. Маълум вақт Бухорода яшаган. Беруний А.З.ни илми нужум ва география олими сифатида, Заҳириддин Байҳақий эса файласуф сифатида т.га олади. Асосий асари: “Сувару-л-ақолим” (“Иқлимлар суратлари”, 920)да дунёнинг илк харитасини (доира ичидаги қуш шаклида) чизган, кейинги яратилган харита ва атласлар (Ибн Ҳавқал, “Китобу-л-масолик ва-л-мамолик“) шу китобга асосланган. Тарихда “Ислом атласи” номи б-н шуҳрат қозонган хариталар тўплами А.З. хариталари асосида тузилган. А.З. “Китоб фи фазли синоату-л-иллат” (“Котиблик санъати хусусияти ҳақида китоб”), “Китоб фи фазилати илму-л-ахбор” (“Тарих илми фазилати ҳақида китоб”), “Китоб фи фазилати улуму-р-риёзиёт” (“Математик илмларнинг фазилати ҳақида китоб”) каби илмлар

фазилатларига оид асарлар битган. Тил илмига ва амалиётига оид "Китобу-л-асмо ил-куния ва-л-алкоб" ("Исмлар, кунйа ва лакаблар хакида китоб"), "Китобу-н-нахв ва-т-тасриф" ("Синтаксис ва морфологияга оид китоб") рисолалар муал.и.

Байхакий асарида А.З.нинг хикматлари келтирилади: "Хакикат замини серунум ва у тотли мевалар беради, ёлгоннинг замини йўк, (шунинг учун) мева бермайди", "Ўлим хак. Ўлимдан эмас, (тирикликдаги) ёмон килмишлардан қўрқиш керак", "(Беморга) энг яхши дори – билимдир".

• *Хасанов Ҳ.* Сайёх олимлар. Т.: Ўзн, 1981; *Заҳириддин Байҳақий.* Татиммату-с-савон ал-хикма. Т., Фан, 1987.

АБУ ИСХОК ИСТАХРИЙ (X-XI) – географ олим ва адиб. Багдоддан то Чингача саёхат килиб, хижрий 340 йили "Китобу-л-аколим" ("Иклимлар хакида китоб") асарини араб т.да ёзган. Сунгра асар француз ва инглиз т.ларига тарж. килинган. Китобда Марказий Осиё, унинг ш.лари, иклими, маданияти в.б.га оид маълумотлар бор.

• *Хасанов Ҳ.* Сайёх олимлар. Т.: Ўзн, 1981; *Камолиддинов Ш.* Географические сведения Средней Азии в средневековых арабских источниках. Т.: Фан, 1977; *Фитрат А.* Рахбари нажот. Т.: Шарк НМК, 2001; Асарлар. 5-ж. Т.: Маънавият, 2009.

АБУ ИСХОК Иброхим ибн Саййар ан-Наззом (в.845) – Басрада туғилган, *муътазилийлик* (кетиш, узоклашиш) таълимоти вакилларидан. Бу таълимот асосчиси Восил ибн Аъто бўлиб, унинг "Фи-т-тавхид ва-л-адл" ("Аллохнинг бирлиги ва адолат") китоби оркали тарқалган. Муътазилийлик унинг шогирди А. томонидан давом эттирилган. Муътазила тарафдорлари хокимиятдаги умавийлардан узоклашганлар ва зохидлик б-н машғул бўлганлар. Бишр ал-Муътамир (в. 840), Абу Худайл Аллаф (в. 849) уни кенгайтирганлар. Айникса, халифа Маъмун томонидан (824) бу таълимотни давлат дини даражасида қабул килиниши муътазиланинг аббосийлар салтанатида кенг қўлланишига сабаб бўлган.

• *Низомий Арузий Самарқандий.* Чахор макола. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Ад-т ва санъат нашр., 1985; *Eraydin Salcuk.* Tasavvuf ve Tarikatlar. Istanbul, 1981; Tarikatlar Ansiklopediyasi. Istanbul, 1991; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўкитувчи, 2005. Б.14.

АБУ МАНСУР Дакикий (929–977) – балхлик форсийзабон шоир. Тўлик исми: Абу Мансур Мухаммад ибни Ахмад Дакикий. Сомонийлар даври мумтоз ад-тида машхурликда Рудакийдан кейинда турадиган шоирлардан. 950 й.да Чағониёнга келиб, Абу Мансур Наср саройида мулозимлик килган. А. хакида Берунийнинг «Ал осор ал-бокия», Абулфазл Байхакий (996–1077)нинг «Тарихи Масъудий», Фирдавсийнинг «Шохнома», Мухаммад Авфийнинг "Лубобу-л-албоб» (1221), Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Лутф Алибек Озарийнинг «Оташкада» (1760–61), Ризокулихон Хидоят тазкираларида у хакда хабар берилган. Жомий "Баҳористон" асарида А.М.Д.нинг тўртлигини келтиради:

Ман ин жо дер мондам, хор гаштам,

Азиз аз мондани доим шавад хор.
Чу об андар шамар бисёр монд,
У фунад гирад аз ороми бисёр.

Мазмуни: Мен узоқ тургандан лаънатландим, Бир жойда узоқ қолиш ҳурматли одамни ҳам лаънатга ботиради. Ахир бир жойда сув кўп турса кўлмак бўлиб, Унинг ранги, ҳиди ва тамъи ўзгаради.

А.М.Д. Нуҳ ибн Мансурнинг топшириғи б-н насрий «Шоҳнома»ни шеърга сола бошлайди, бироқ унинг уч минг байтини ёзиб улгурганида, ўз хизматкори томонидан пичоқлаб ўлдирилган. Бу асар «Гуштаспнома» номи б-н ад-т тарихида Дақиқий муал.лигида сақланиб қолган. Фирдавсий «Шоҳнома»да муқаддимадан сўнг «Достони Дақиқий шоир» номи б-н А.М.Д. асаридан бир боб келтиради. Муҳаммад Авфийнинг маълумотига кўра, А.М.Д. йигирма минг байт шеър ёзган. Шоирнинг "Девон"и Афғонистонда Саййид Махдум Роҳин томонидан нашр қилинган бўлиб, унда 220 байт шеърий асар бор. "Дақиқийнома" асари ҳижрий 1354 й.да чоп этилган. Шеъриятида қасида етакчилик қилади, йил фаслларига бағишланган қасидалари бор. А.Д. қасидачилик урф бўлган замонда фахрия услубини эпик шеъриятга олиб кирган. Беруний маълумотига кўра, Каюмарс ҳақида достон ҳам битган.

А.М.Д. ижоди б-н В.В.Бартольд, И.В.Брагинский, М.Н.Османов, Б.Ф.Лифшиц, Э.В.Ртвеладзе в.б. олимлар шуғулланганлар.

• *Дакики.* Бой Гуштаспа с Аржасилом / Фирдоуси. Шахнаме. Сталинобод, 1949; Ашъори ҳамасрони Рудакӣ. Сталинобод, 1958; Сабаки Рудакӣ. Душанбе: Ирфон, 1984.

• *Аблуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965. Б.56; Жомӣ А. Баҳористон. Душанбе: Ирфон, 1966. С.88; *Фитрат.* Форс шоири Умар Хайём / Танл. асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000. Б.134-172; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён ад-ти (X-XII) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17; *Маликова А.* Жизнь и творчество Абу Мансура Дакики. АКД. Душанбе, 2002.

АБУ МАНСУР ас-Саолибий (350/961–429/1038) – сомонийлар даврида Бухорода яшаган шоир, олим ва сайёҳ. Тўлиқ исми: Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Нишобурий. Хуросоннинг Нишопур ш.да туғилган. Ироқ, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмда бўлган. "Шоҳномаи Саолибий" маснавийси форсий ад-тда машҳур бўлган, уни арабчадан форс т.га тарж. қилган эронлик олим Маҳмуд Ҳидоят олимнинг 34 асарини санаб ўтган.

Араб т.да "Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳлу-л-аср" ("Асрнинг яхши кишилари ҳақида дурдоналар") тазкираси машҳур. Асар 995–1000 йлар давомида ёзилган, 1020 й.да қайта ишланиб, тўлдирилган, у 4 қисмдан иборат, ҳар бир қисм 10 бобни ташкил қилади. 1-қисмда Ҳамдонийлар сулоласи (Сурия) ва унга қўшни Миср ва Мавсил шоирлари; 2-қисмда Ироқ аҳлидан бўлган ва Даҳламийлар даврида яшаган шоирлар, 3-қисм Жабал, Форс, Журжон, Табаристон ва Исфаҳон шоирларига ва 4-қисм сомонийлар давридан ғазнавийлар давлати илк давригача Хуросон, Мовароуннарда яшаган шоирлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг асарларидан намуналар

келтирилган. Бухорода яшаган 47 ва хоразмлик 7 шоир ҳақида маълумот беради. Бу шоирлар фақатгина араб т.да асарлар ёзиш б-н чекланмаган, туркий ва форсийда ёзилган асарларни ҳам араб т.га тарж. қилганлар. Асарда адаб ва шеър устозлари Абу Бакр Хоразмий ва Абул Фазл Ҳамадоний ижодига кенг ўрин берилган. Тазкира таркибида, асосан, қасида ва ҳажв, васф ва фардлар учрайди. Муал. улардан парчалар келтирган. Бу қасидаларда ҳукмдорлар, қумондонлар ва шоирлар васф этилади. Мас., Абу Зарир Балхий қасидаси Абул Аббос Маъмуний деган шоирга, Ҳузаймий қасидаси эса Искофий тахаллусли шоирга бағишланган. Ҳажвларда амир ва амалдорлар танқид остига олинган. Мас., Абу Таййиб Тоҳирийнинг амир Аҳмад ибн Исмоил (907-914)га ва Наср ибн Аҳмад(914–943)га қарата айтилган ҳажвлари бор. Бухородаги айрим жойлар, Хоразм ва Сийистон каби айрим ш.лар, ташландиқ жойлар ва қаровсиз қолган ерлар ҳақида ҳам ҳажвлар ёзилган. Васф шеърларида й. фасллари, табиат ҳодисалари, уй жиҳозлари, ёзув қуроллари, таом ва ичимликлар асос қилиб олинган. Баъзи шеърлари муаммо ёки чистон жанрларининг дастлабки намуналари каби тасаввур беради.

♦ *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат ад-даҳр. 4-қисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976; *Абу Мансур Абдулмалик ас-Са'алиби.* Йатимат ад-даҳр фи махасин ахл ал-асрар. Исследование и пер. с арабского И.Абдуллаева. Т.: Фан, 2005.

- *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Берунийга замондош шоирлар. Т.: Фан, 1975; *Абдуллаев И.* Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X - нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Абдуллаев И.* Мерос ва талқин. Т.: Фан, 2006.

АБУ МАНСУР Хафд – к.: Хафд.

АБУ МАСЪУД (VII) – Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларидан. Бу ҳақда Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий «Қуръон фазилатлари ҳақида» китобида Алқама ривояти воситасида хабар беради.

- Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2006. Б.41.

АБУ МУСЛИМ (~ 727–755) – асл исми Иброҳим ибн Асад (айрим манбаларда: Абдураҳмон ибн Муслим), лақаби Абу Исҳоқ Хуросоний. Аббосийлардан Иброҳим Имом унинг исмини ўзгартиришни сўраган ва у Абдураҳмон бўлиб қолган. Иброҳим Имом унга саркардаликни топширган, у қора кийимда жанг қилган. Ислом оламини умавий халифаларидан қутқариб (747-50), Пайғамбар (с.а.в.) хонадони вакилларига халифаликни қайтарган баҳодир. Хуросон волийси (750 й.дан) сифатида Самарқанд роботини қурдирган, Бухоро жанубида канал қаздирган. Халифа Мансур А. шуҳрати ва қудратидан қўрқиб, Абу Жаъфар воситасида ҳийла б-н қатл эттирган.

"А.М. ҳаракати" номи б-н тарихга кирган (747–750) жанглар асосида қисса яратилган. «Абу Муслим жангномаси» муал.лиги Абу Тоҳир ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Тарсусийга нисбат берилади. Фитрат беш

пардали тарихий драмасини «Абу Муслим» деб атаб, унинг ботирликларини оммалаштирган.

- Абу Муслим жангномаси. Т., 1992; *Ибн ал-Асир.* Комил фи-т-тарих. Т.: Ўз-н, 1986.

«АБУ МУСЛИМ» – (айрим манбаларда Або Муслим) Фитрат асари. Беш парда етти кўринишдан иборат фожиа. Ислом тарихидаги мураккаб даврлардан ҳисобланган умавийлар халифалигига қарши А.Хуросоний томонидан кураш бошланиб, А.нинг ғалабаси б-н тугайди ва халифаликка янги сулола аббосийларнинг келиши б-н воқеа якунланади. "А." ҳақида Чўлпоннинг «Қаландар» имзоси б-н «Або Муслим» номли тақризи эълон қилинган. Унда ёзилишича, «13 декабрда (1921 й. – *Ҳ.Б.*) «Турон» қишлиқ биносида улуғ адибимиз Фитратнинг «Або Муслим Хуросоний» номлиқ томошаси ўйналди. Томоша аралашқучи қаҳрамонларнинг кўблиги ҳам тарихнинг энг чувалашқан давридан олиниб ёзилғани учун томошанинг сўнгига унинг натижасини тўла кўрсататурған бир кўрунуш орттирилган. Бу кўрунуш хийла муваффақиятлик тузулган. Айниқса, Марв беги қизининг бир тўда «ёввойи» кишилар орасида қолған чоғидағи шошқинлиғи, одам болаларининг ахлоқ важидан қандай қуйи даражаларга тушганлиги тўғрисида халққа қараб қилған хитоблари ҳам ул кишиларнинг ҳар бирини битта-битта таъриф қилиши жуда ўткирдир. Умуман, томошада Фитратга хос сўз усталиғи хийла кучлук. Бу жиҳатдан томоша катта бир адабий аҳамиятга моликдир». Сўнгра муал. актёрлар б-н бирма-бир таништирар экан, биз ушбу саҳна асарининг иштирокчилари сифатида Абу Муслим, Заҳҳоқ, Марв беги, Марв бегининг қизи Гулнор, Або Муслимнинг вазири Холид, Амир Али, Язид, Нарсиёр, Гулнорнинг энагаси каби асар персонажлари б-н таништирган. Асарнинг тўла матни топилмас экан, у ҳақдаги маълумотлар етарли эмас. Турғунбой номли муал.нинг «Або Муслим» маколаси 1921 й. «Туркистон» газ.да босилиб чиққан. Мазкур тақриз муал.и Турғунбой (Қаюм Рамазон) ҳам асарнинг саҳна варианти ва унинг ижрочиларига баҳо бериш б-н чекланган.

- *Турғунбой.* Або Муслим // Туркистон. 1921. 30 ноябрь; *Чўлпон.* Ад-т надур? Т.: Чўлпон нашр., 1994. Б.76-77; *Болтабоев Ҳ.* Қуёшни кутган кеча. Фитратнинг нашр қилинмаган драмалари қисмати // Театр. 2007. № 3.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (873–950) – улуғ ўзбек алломаси, файласуф ва адиб. Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида Ўтрор қишлоғида туғилган. Форобда ўқиган, Шошда бўлган, Бухоро ва Самаркандда таҳсил олган. Араб мамлакатларида яшаган, Бағдодда олимлар б-н учрашган, Дамашқда вафот этган. А.Н. даврининг мавжуд илм соҳаларига оид 160 дан ортиқ илмий рисола яратган. "Иҳсо ал-улум ва-т-таъриф" ("Илмлар санъати ва таърифлари") рисоласида ўттиздан ортиқ фан соҳасининг таснифи берилган. Тадқиқотчилар А.Н. шуғулланган фан тизимлари фалсафанинг умумий масалалари, инсон билиш фаолиятининг фалсафа ва аниқ фанларга муносабати, материянинг миқдори ва ҳажми, материяни ўрганувчи, яъни

табиий фанлар, ижтимоият, сиёсат ҳамда филология (илми адаб) каби йўналишларини аниқлаганлар. А.Н. нинг филологик тадқиқотлари "Каламу-ш-шеър ва-л-қавофи" ("Шеър ва қофиялари ҳақида сўз"), "Китобу-л- хитоба" ("Риторика ҳақида китоб"), "Китобу-л-луғат" ("Луғатлар ҳақида китоб"), "Китобун фи-с-саноъату-л-китоби" ("Хаттотлик ҳақида китоб") в.б. Санъат соҳасида "Мусиқа китоби", "Мусиқа ҳақида сўз", "Катта мусиқа китоби", "Ритмлар ҳақида китоб", "Ритмлар таснифи ҳақида китоб" асарларини ёзган.

А.Н. Афлотун ва Арасту асарларининг таржимони ва шарҳловчиси сифатида ҳам машҳур. Арастунинг ўндан ортиқ илмий асарларига шарҳлар ёзган. Мас., Арастунинг "Фи синоъати-ш-шеър" ("Поэтика") асарига ёзилган шарҳи нафақат юнон олимининг поэтикага доир таълимотини тушунтиришда, балки санъат ва ад-т хусусидаги назарий билимларнинг билимдони эканини англатади.

♦ *Абу Наср Форобий.* Шеър санъати. Т., 1979; Фозил одамлар ш.. Т., 1993.
• *Хайруллаев М.* Фараби. Т.: Фан, 1966.

АБУ НАСР Қубавий (XI–XII) – тарихчи олим, таржимон. Тўлиқ исми: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср. Фарғона вилоятининг Қува ш.да туғилган. Шоҳ Маҳмуднинг "Бухоро тарихи" (1128–29) асарини арабчадан форс т.га ўркин тарж. қилган, унга янги маълумотлар қўшган. А.Н. тарж.сининг қўлёзма нусхалари ЎзРФАШИда сақланади.

АБУ НУВОС (762–813) – араб шоири ва олими. Асл исми: Абу Али Ҳасан ибн Хоний ал-Ҳакамий. Келиб чиқишига кўра форс қавмларидан. Куфа мадрасасида таҳсил олган. Боғдодда аббосий халифаларидан Хорун ар-Рашид ва Амин саройида хизмат қилган. Асарларида исломга қадар ўтган *ғидойун шеъриятин*инг жанр ва мавзуларини ислоҳ қилган. Ижодида *қасида* устувор жанр ҳисобланади. А.Н. шеъриятга янги мавзулар ва сюжетлар олиб кирган. Шеърларининг гўзаллиги, пур-ҳикматлилиги жиҳатидан *Умру-л-Қайсга* тенглаштирилган. "Хамрийят" ва "Зуҳдийят" туркум шеърлари машҳур. "Девон"ида ишқий ва ахлоқий мавзу етакчи ўрин тутади. Ғарбий Европада А.Н.ни "Араб Гейнеси" деб аташган. А.Н. «Девон»и Қоҳирада кайта-кайта нашр этилган (1898). Асарлари Кремер томонидан олмон т.га ўгирилган. Венада 1855 й.да нашр қилинган.

♦ *Абу Нувас.* Девон. Байрут, 1962; Лирики Востока. М.: Правда, 1983.
• *Крымский А.* Арабская лит-ра в очерках и образцах. М., 1911; *Розен В.Р.* Пробная лекция об Абу Нувасе и его поэзии. М., 1947; *Фильштинский И.М.* Арабская классическая лит-ра. М., 1965; *Шидфар Б.Я.* Абу Нувас. М.: Восточная лит-ра, 1975; Абу Нувос ҳақида ривоятлар // Жаҳон ад-ти. 1998. №1; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973–1048) – улуғ ўзбек олими ва мутафаккири. Хоразмнинг Қиёт ш.да туғилган, 22 ёшида ўз ватанидан чиқиб кетган (Берун – «ташқари» нисбасига эътибор беринг). Журжонда в.б. ўлкаларда яшаган. Шартли равишда Маъмун академияси деб номланган илмий анжуман

фаолиятида муҳим рол ўйнаган. Фаннинг элликдан ортиқ соҳаси бўйича илмий тадқиқотлари маълум. А.Р.нинг бадиий ад-тнинг назарий масалаларига бағишланган "Фазл аҳлининг шеърда айтилган фикрларини баён қилиш китоби", "Танланган асарлар ва шеърлар китоби" ёзгани маълум. “ал-Осору-л-боқия” (“Ўтмиш ёдгорликлари” / ”Хронология”), “Китобу ма лил ҳинд мин маъқуллатин фи-л-ақли ав марзулатин”, (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби” / ”Ҳиндистон”), "Китобу ал-жамоҳир фи маърифати ал-жавоҳир" (“Жавоҳирларни билиш усуллари китоби”, / “Минерология”), "Китобу-с-сайдана" (“Дорилар билими китоби” / “Фармакогнозия”) асарларида санъат ва ад-т муаммоларининг айрим қирраларига очиқлик киритган, асар бағишланган соҳа б-н боғлиқ ҳолда шеърий талқинлар ҳам берган. "Ҳиндистон" асарида ҳинд шеър илмига махсус боб (13-боб) яратилиб, унда асар ҳинд тили грамматикаси ва фонетикаси қоидаларининг шеър илмида акс этиши муаммолари ўрганилган. Бу илмга тегишли 8 китобнинг номини келтирган: «Аиндра» (Индра тузган), «Чандра» (Будданинг суҳбатдошларидан Чандра ишлаган), «Шоката» (Шокатояна қабиласи томонидан тузилган), «Понини» (тузувчининг исми бўйича), «Котантра» (Шарвавармaн тузган), «Шашидевавритти» (Шашидева тузган), «Дургавивритти» (муал. исми б-н юритилган) ва «Шишъяҳи-товритти» (Уграбҳути тузган). Асарда ҳинд шеър тузилиши б-н бирга Ҳинд-Европа т.ларидаги фонетик ҳодисаларни ҳам англатади ва араб арузини тушунишга ҳам ёрдам беради.

А.Р. бадиий асарлар ҳам яратган (араб т.да) 37 байтли қасида, 3-4 шеърий парча Ёқут Ҳамавий «Мажмаъу-л-удабо» («Адиблар тўплами») асарида келтирилган. Тўртлик:

[Тарж.:]

Меҳнатсиз шуҳрат қозонган одам
Осойишталик, фаровонлик соясида яшайди.
Яхши кийинади, роҳатда (кун кўради),
Лекин улуғлик кийимида у ҳамиша ялангочдир.

«Ал-Жавоҳир» асарида маъданлар таснифи б-н бирга «Луълуъ» бобининг «Гавҳар ва унинг номларининг адиблар томонидан таърифланиши» фаслида ад-т масалаларига тўхталади, саксондан ортиқ шоир ижодига мурожаат қилади. «Абу Таммом ашъорига шарҳ», «Абу Таммом ижодида алиф б-н тугалланадиган қофияли шеърлар» каби рисолалари, форс т.дан арабчага тарж. қилган. «Қосиму-с-сурур ва Айну-л-ҳаёт», «Ҳурмуздиёр ва Меҳрёб», «Лолмоҳ ва Киромидухт», «Вомиқ ва Узро», «Бомиённинг икки санами», «Нилуфар», «Дабистий б-н Борбаҳокор ҳикояси» каби асарлари бизгача етиб келмаган. Абу Райҳон Беруний “ал-Жавоҳир” асарида саксондан ортиқ шоир ижодига мурожаат қилади. Асарда жоҳилия даври араб шоирлари Қайс ибн Мулаввах, Ҳотам Тоъйи, Ибн Саъд ижодидан ҳам намуналар келтирилган. Шунингдек, араб ва форс т.ларида асарлар ёзган Ҳамза Исфаҳоний, Абу Бакр ибн Ҳусайн Кўҳистоний, Абул Қосим ибн Бобак Журжоний, Мансур

Муаррид Форсий, Гадоирий, Даршор ибн Бурд, Абу Мансур Саолибий, Абубакр Хоразмий, Хотибий ибн Насровайҳ Самарқандий в.б. тилга олади. "Маъданшунослик" асарининг муқаддимасида инсон нутқи ва унинг гўзал бўлиши кераклигини айтиб, нутқнинг икки хил шакли *наср ва назм* хусусида сўз юритади. Наср қоидалари навҳ (синтаксис) илмида баён қилинган бўлиб, унга амал қилиш орқали насрдаги нутқ тартибга солинади. Шеър ўлчовлари эса, хусусан, аруз ва қофия илми назмда ёзилган асар мувозанатини тутиб туради, деган назарий хулосага келган.

♦ *Абу Райҳон Беруний.* Танл. асарлар. 1-2 ж. Т.: Фан, 1963-65; Минерология. М.: 1963. С.55-56; Беруний б-н Ибн Синонинг ёзишмалари. Т.: Фан, 1950; Юлдузлар туркумларини шиқлаш ва жойларни (харитага) кўчириш ҳақида. Т.: Фан, 1973; Қад. халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., 1973; Феруза. Т., 1993; Тавҳим / А.Аҳмедов тарж. Т.: 2006.

• *Крачковский И.Ю.* Избранные произведения. Т. II. М.Л., 1957; *Толстов С.П.* Бируни и его "Памятники минувших поколений" / Бируни. Избранные произведения. Т.1. Т.: Фан, 1957. С.VIII-XXI; *Салье М.А.* Абу Райҳон Беруний. Т., 1960. Б. 79; *Қаюмов А.* Беруний ва ад-т. Т., 1968; *Булгаков П.Г.* Жизнь и труды Беруни. Т., 1972; *Каримов У.* Абу Райҳон Беруний. Т.: Фан, 1973; *Ирисов А.* Абу Райҳон Беруний ҳикматлари. Т.: Фан, 1973; *Ёқут Ҳамавий.* Беруний ҳақида. Т.: Фан, 1973; *Комилов Н.* Беруний ва бадиий ижод // Ўзбек тили ва ад-ти. 2005. №4. Б.3-16; Шроммайер Г. Беруний: Ғарб дунёси билмаган даҳо // Жаҳон ад-ти. 2007. №3; Шермуҳамедов П. Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати. Т., 2009; *Каримов Н.* Ҳиндистон, Гомер ва Беруний / Ад-т ва тарихий жараён. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.5-11.

АБУ САЙЙИД (1305–1335) – Ҳулокухон давлати ҳукмдорлари (1316 – 35)дан Ўлжойтухон ўғли. Хуросон ноиби бўлган (оталиқ ёрдамида), Ҳулокулар салтанатини бошқарган (1316 й.дан). Давлатдаги шиачилик таълимотига чек қўйган, зарб эттирган тангаларига тўрт халифа (Абубакр, Умар, Усмон, Али) номини ёздирган.

АБУ САЙЙИД (1424–1469) – темурий султонлардан. Тўлиқ исми: Султон Абу Саййид Мирзо ибн Султон Муҳаммад. Шоҳрух мирзо ва Улуғбек мирзодан сўнг Абдуллатиф мирзо, сўнгра эса А.С. Мовароуннаҳр тахтига ўтирган (1450). Хожа Аҳрор валийнинг шогирди. Абулқосим Бобур вафотидан кейин (1458) Хуросонни ҳам қўлга киритиб, марказий ҳокимиятни тиклаган. *Оққўйинли*лар б-н жанг (1469)да ҳалок бўлган. А.С. даврида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривож топган. Ҳиротда сарой, қўшк, кўприклар, ш. дарвозаси қурдирган.

АБУ САЙЙИД ибн Абулхайр Хуросоний (967–1049) – хуросонли шайх ва шоир. Форс тасаввуф шеъриятининг асосчиларидан бири. Асл исми: Фазлуллоҳ, пири Абулфазл Ҳасан Сарахсийдир. Айрим манбаларда тахаллуси: Майхонаий. Рубоий жанрида шуҳрат топган. А.С. асарлари Россияда проф. В.Жуковский томонидан нашр қилинган. Унинг асарлари, жумладан, "Тавҳид сирлари" асари (1899) А.Кримский тарж.да босилган. Навоий ёзади: "Шайх жума кечаси хуфтон намози вақти тўрт юз қиркда шаъбон ойи дунёдин ўтти. Ва умрлари минг ой эрди. Аларнинг зикрида

қалам ожиздур, битилгандин мабсутроқ тилаган «Нафаҳоту-л-унс»да кўрсун. Ва барча ҳолатлари мақомотларидаким, ниёзмандлардин баъзи битибдурлар, бордур. Ва ул эл орасида кўпдур – магар андин баҳра вофий топқайлар". А.С. ўлимидан сўнг унинг қабри устига мақбара қурдирилган, мақбара Туркманистонда "Майхонабобо мақбараси" номи б-н ҳозиргача сақланган.

- *Крымский А.* История Персии и ее литературы. М., 1910; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии. Т.I. М.: СЭ, 1991. С.33; *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 374-тартиб.

АБУ САЙЙИД ибн Кўчкунчихон (в.1533) – шайбоний ҳукмдорларидан. Бухоро хони бўлган (1531–33). А.С. даврида Моваройуннаҳрда шайбонийлар ўртасида Бухоро ва Самарканд тахти учун ўзаро низолар давом этган. А.С. машҳур тасаввуф олими ўз вазири Офоқ Хожанинг мурид и эди.

АБУ САЙЙИД РУМИЙ (XV) – ҳиротлик олим, шоир, созанда-бастакор, хонанда. Лақаби: *Пахлавон Муҳаммад.* Ҳиротлик машҳур бастакор-хонанда Уста Шодийнинг шогирди. Ҳаётининг асосий қисмини Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро саройида ўтказган. Алишер Навоий раҳнамолигида ижод қилган. Сарой ва мадрасаларда фароиз (математика соҳаларидан бири), оҳангдошлик (просодия), иншо ва гўштгир (паҳлавон)лик, илми мусиқийдан таълим берган. А.Р. Рост мақомининг панжгоҳ қисмидаги қўшиқлари б-н машҳур. Унинг ижрочилик ва бастакорлик маҳорати ҳақида Алишер Навоий «Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад» асарида маълумот берган.

АБУ САЙЙИД ХАРРОЗ (в.899) – мисрлик мутасаввиф, Зуннун Мисрийнинг издошларидан. Асл исми Аҳмад б. Исо. Навоий у ҳақда: "Иккинчи табақадиндур... Маккада мужовир эрди. Қавмнинг айиммаси ва машойихнинг ажилласидиндур. Муҳаммад б. Мансур Тусий шогирдидур. Зуннун Мисрий ва Абу Убайд Бусрий ва Сарин Сақатий ва Бишр-Ҳофий била суҳбат тутубдур. Ва ул аввал кишидурки фанову бақо илмида сўз дебдур. Ва Шайх ул-ислом дебдурки, ул ўзин Жунайднинг шогирдлиғида кўргузур эрди, аммо анинг устоди эрди ва андин улуғ эрди" деб ёзган.

- *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 73-тартиб.

АБУ СУМБУЛ (арабча: *буғдой, дон ўғли*) – Африкадаги Нил даёсининг Ғарбий қирғоғидаги қоя. У ерда Фиръавн Рамзес II (м.а.1388 –22) томонидан маъбудлар Амон, Ра ва Птах шарафига ибодатхона-мақбара қурдирилган: икки қисмдан иборат бўлиб, улардан бири Рамзес, иккинчиси унинг хотини малика Нофтери (Нофертида) шарафига қурилган. Рамзий маънода дон, тўкинчилик отаси сифатида шарафланган. У ҳақда Миср шоирлари бир қатор шеърий ва насрий асарлар битишган. Ҳоз. пайтда қоядаги барельефлар А.С. номи б-н юритилади.

А.С.даги мақбара 1960 й.да Асвон тўғони қурилиши муносабати б-н қирғоқдан 180 *м.* йирокка кўчирилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБУ СУФЁН (567–652) – ислом давридаги Қурайш ш. зодагонларидан. Маккада Муҳаммад (с.а.в.)га қарши курашган, унинг ўғли Муовия курашни давом эттирган, *чаҳорёр*лардан кейин халифаликни эгаллаган. Ислом тарихида умавийлар сулоласига асос солган (661).

АБУ ТАММОМ (~796–845) – араб шоири ва кад. араб шеърияти тадқиқотчиси. Араб шеъриятидаги «қадимга қайтиш» ҳаракатининг асосчиларидан. «Девон» тузган қасиданавис шоир, етти шеърий тўпламнинг муаллифи сифатида ҳам машҳур: "Китобу-л-Ҳамоса" ("Жоҳилийя давридан аббосийлар давригача ўтган шоирларнинг энг яхши шеърлари"), "Китобу-л-ихтийар мин ашар ал-кабаил" ("Турли қабилалар шоирларининг шеърлари"), "Китобу-л-ихтиярат мин шиар аш-шуаро" ("Кам танилган шоирларнинг шеърлари"), "Китобу-л-фухул" ("Жоҳилийя ва Саодат асрининг танланган яхши қасидалари") в.б. Ушбу тазкираларда жойилийя давридан аббосийлар халифалигига қадар ўтган шоирларнинг асарларини жамлаган. Шунингдек, А.Т.нинг "Кичик Хамса" асари бизгача етиб келган. Беруний А.Т. ҳақида «Абу Таммом ашъорига шарҳ», «Абу Таммом ижодида алиф б-н тугалланадиган қофияли шеърлар» каби рисолалар ёзган.

♦ *Абу Таммом.* Девон. Байрут, 1995; Лирики Востока. М.: Правда, 1983.

• *Крымский А.* Хамаса Абу Таммама Тайского. Т.1-2. М., 1912; *Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар. 1-2 ж. Т.: Фан, 1965-68; *Абу Бакр ас-Сули.* Ахбар Аби Таммам. Қохира, 1999 (араб т.да).

АБУ ТОЛИБ Маъмуний (950–994) – шоир, араб ва форс т.ларида асарлар ёзган. Тўлиқ исми: Абу Толиб Абдуссалом ибн Ҳусайн Маъмуний. Аббосий халифаларидан Маъмуннинг авлодларидан. Бағдод, Нишопур, Рой ш.ларида бўлган. Бухорога келиб (980), умрининг охиригача шу ерда яшаган. Бухорода қасида ва васф жанрларининг йирик намояндаси сифатида шуҳрат топган. Кўпчилик қасидаларини ислом шеърияти руҳида, соф араб услубида ёзган. Васфларида озиқ-овқат, мевалар, буюм-ашёлар, табиат ҳодисалари ва б. тавсиф қилинган.

А.Т. ҳақида ас-Саолибийнинг «Йатимат ат-даҳр» ("Замона аҳлининг фазилатлари"), Қутубийнинг "Буғйоту-л-вуот", Ибн Халликоннинг "Вафойоту-л-аъён» асарларида маълумот берилган. Рой ш.да бувайҳийлар вазири Ибн Аббод ҳақида қасидалар ёзган. Мева, буюм ва таомлар ҳақида васф шеърлари 100 дан ортиқ васфлари "Йатимат ад-даҳр" тазкирасида келтирилган.

• *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат ад-даҳр. 4-қисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976; *Абдуллаев И.* Поэзия на арабском яз. в Средней Азии и Хорасане – нач. XI в. Т., 1984.

АБУ ТОҲИР ХАТУНИЙ (XVI) – ўзбек шоири. Андижонда яшаган, сўнгра Ҳиндистонга ҳижрат қилган. Мутрибий тазкирасида "Мажмаъу-л-фузало" муаллифи сифатида т.га олинган. VIII–XI асрларда форс-тожик ёзма ад-ти шаклланиши туфайли унинг вакиллари ва назарий масалаларини ифодаловчи форс т.даги тазкира асарлари вужудга келган. XVI асрда А.Т. ёзган "Маноқибу-ш-шуаро" ("Шоирларнинг сифатлари") биринчи тазкира сифатида эътироф этилади, бироқ бу тазкира бизгача етиб келмаган. Ана шундай асарлардан бири ҳижрий 990 йил охирида (1582, декабр) Андижонда ёзила бошлаб, 1003–1005 (1595-1597) й.лари Ҳиндистонда тугатилган "Мажмаъ ул-фузало" тазкирасидир.

• *Мутрибий Самарқандий.* Нусхаи зебойи Жаҳонгир / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АБУ ТОҲИРХОЖА Самарқандий (в.1874) – тарихчи ва хаттот. Тўлиқ исми: Мир Абу Тоҳир ибн Қози Абу Саййид Садр Самарқандий. Отаси ш. қозиси бўлган. А.Т. Самарқандда муфтий, Карманада раис вазифасида ишлаган. Бухоро амири Музаффариддинга бағишлаб, "Ахлоки Музаффарий" асарини ёзган. А.Т. асарда хоннинг ахлоқий қарашларигина эмас, балки даврнинг маънавий-маърифий масалаларига ҳам эътибор қаратган. "Самария" номли тарихий асарида (форс т.да) Самарқанднинг қад. даврлардан то XIX асрга қадар кечган қисқа тарихи баён қилинган. "Самария"да ш.нинг географик ўрни, осори атиқалари, мадраса ва масжидлари, шунингдек, мозорлари хусусида батафсил маълумот бор. Хожа Аҳрор валий мозори ҳақида сўз юритиб, у ҳақда айтилган шоирларнинг байтлари, хусусан, А.Жомийнинг "Тухфату-л-аҳрор" асаридан байтлар келтирилган. А.Т. қаламига мансуб Хожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам Косоний Даҳбидийга бағишланган бир неча байтлар асардан ўрин олган. "Самария" шарқшунос Н.И.Веселовский томонидан нашр қилинган (1878), В.Л.Вяткин уни рус т.га (1898), Абдулмўъмин Сатторий ўзб. т.га тарж. қилган ва бу асар С.Айний таҳририда босилган (1926). Асарни қўлёзма ва тарж.лари б-н солиштириб, Б.Аҳмедов ва А.Жувонмардиев қайта нашрга тайёрлаган.

◆ Самария. Описание древностей и мусульманских святин Самарканда Абу Тахир-Ходжи, перев. В.Л.Вяткина / СКСО VI. Самарканд, 1898. С.153–259. *Абу Тоҳирхожа.* Самария / Мерос. Т.: Камалак, 1991. Б.12–81.

• *Аҳмедов Б., Жувонмардиев А.* Абу Тоҳир Хожа ва унинг "Самария" асари ҳақида / Мерос. Т.: Камалак, 1991. Б.7–11.

АБУ УБАЙДУЛЛОҲ Тошкандий (1804–?) – тарихчи олим. Тўлиқ исми: Муҳаммад Эшонхожа қори ибн Султонхожа. Қўқон хонлигининг Тошкентдаги ноиби бўлиб ишлаган (1860 й.гача). "Хулосату-л-аҳвол" ("Аҳволлар хулосаси") номли тарихий асар ёзган. А.У. асарида Қўқон хонлиги (Худоёрхон даври)нинг XIX асрнинг 2-ярмидаги тарихи баён қилинган.

АБУ ШАКУР Балхий (X) – Марказий Осиёда яшаган форсигўй шоир. Рудакийнинг замондоши. У ҳақда "Сабаки Рудакий"да маълумотлар бор ва шеърларидан камуналар келтирилган.

- Ашъори ҳамасрони Рудакй. Сталинобод, 1958; Сабаки Рудакй. Душанбе: Ирфон, 1984.

АБУ ЯЗИД (Боязид) Бистомий (в. 875) – илк мутасаввифлардан бири. Тўлиқ номи: Абу Язид Тайфур ибн Исо ибн Сурушман ал-Бистомий Акбар. А.Б. таълимоти тасаввуфнинг илмий (Қуръоний) асосланишида, Фано ва тариқат тушунчаларини талқин этиши жиҳатидан эътиборли. Боязид Бистомий номи б-н «Шатхийят» (луғавий маъноси «соҳилга чиқиш») китоби боғланади, унда жазба ҳолатидаги нидо, муножот ва мулоқотлар жамланган. Боязид Бистомийнинг покланиш йўли (тариқи) барча сўфийлар томонидан маъқулланмаган. А.Б.ни тавҳид, яъни ягоналикка даъво қилишликда айблашган ва «кофир» деб эълон қилишган.

«Илоҳий мулоқот» номи б-н машҳур асари «Шатхийят» таркибига кирган бўлиб, самовий мажлисларда эҳтирос б-н ўқилган. Ушбу асардан камуналар турк олими Эрол Гунгўрнинг «Ислом тасаввуфи масалалари» китоби (Истанбул, 1993)га илова қилинган. Ўзбек т.да илк бор «Ислом тасаввуфи манбалари» мажмуасида асардан парча эълон қилинган.

- *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 50-тартиб; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2006. Б.41.

АБУ ҲАЙЙОН Андалусий (1256–1334) – тилшунос ва тарихчи олим. Тўлиқ исми: Асириддин Муҳаммад ибн Юсуф ибн Али Ғарнотий. Т.шунослик ва тарихга оид оид 60 дан ортиқ асарлар битган. Шундан тарихга оид: "Китобу-л-мубаййин фи-т-тарих ал-Андалус" ("Андалусия тарихи ҳақида баён қилинган китоб"), "Заҳру-л-мулук фи таҳаррурит турк" ("Турк озодлиги чечаги") асарларини ёзган. Бизгача етиб келган т.шуносликка оид "Китобу-л-идрок ли лисон ал-атрок" ("Туркий т.ларни билиш китоби"), "Китобу-л-афъол фи лосони-т-турк" ("Турк т.даги феъллар китоби"), "Манти-л-фурус ли лисон ал-фурус» («Форс т.ни билмайдиганлар учун форс т. ҳақида"), "Нуру-л-ҳабаш фи лисон ил-ҳабаш" ("Ҳабаш т.даги қоронғуликларни ёритувчи нур"), "Ад-дуррату-л-музиъа фи луғати-т-туркийа" ("Туркий т. ҳақида нур берувчи марварид") в.б. асарларида турк, форс т.ларининг лексик, грамматик хусусиятлари, турк т.даги мавжуд шевалар ва уларнинг таснифи ёритилган.

АБУ ҲАМИД ҒАЗЗОЛИЙ, Зайниддин Муҳаммад (1058–1111) – буюк тасаввуф алломаси. Мусулмон оламида "Ҳужжату-л-ислом" унвони б-н машҳур. Хуросоннинг Тус ш.да туғилган, болалиги Ғаззола қишлогида кечган. Тусда Аҳмад Родугонийдан, Нишопурда Жувайнийдан таълим олган. Бағдодда тўрт йил мударрислик қилган. 1085 й. салжуқли султон Маликшоҳнинг вазири Низомулмулк А.Ҳ.ни Исфаҳонга таклиф этган. 1091

й.дан Низомулмулк томонидан Бағдодда очилган Низомия мадрасасида дарс берган. 1095 й.да ҳаж сафарига борган, Сурия, Искандария, Андалусия ўлкаларида (1095–1105) яшаган. Сўнгра Тусга қайтган. Ўз қишлоғида хонақоҳ ташкил қилиб, ўша ерда вафот этган.

Имом Ғаззолий асарлари "Қомусу-л-аълам"да зикр қилинган: "Ал-Басит" («Жавҳар»), "Ал-Васит" («Ўрталик»), "Ал-Ваъжиз" («Қисқа»), "Ал-Хулоса", "Ал-Мустафо" («Сайланган»), "Ал-Мунҳал" («Ниҳоллик»), "Ал-Мунтаҳал" («Ниҳоя»), "Тахофуту-л-фалосифа" («Файласуфларнинг ихтилофлари»), "Маҳаку-н-назар" («Қарашларни аниқлаш»), "Меъёру-л-илм" («Илм меъёрлари»), "Ал-Мақосид" («Мақсадлар»), "Ҳақиқату-л-қавлайн" («Икки сўз ҳақиқати»), "Маъкулот" («Тушунчалар»), "Ажибу-л-қулуб" («Ажойиб қалблар») в.б. "Жавоҳиру-л-Қуръон", "Мишкоту-л-анвор" ("Зиё нурлари"), "Ёқуту-л-таъвил" ("Тафсирлар гавҳари"), "Унвони мусулмонийя" "Фазойиҳу-л-ботинийя" ("Ботинийлик моҳияти"), "Қистосу-л-мустақим" ("Ҳақиқат мезонлари") асарларида тасаввуф тариқати, моҳияти ва ботинийлик сирлари хусусида сўз юритган.

"Иҳйа ал-улум ад-дин" («Диний илмларни жонлантириш») А.Ҳ.нинг бош асари бўлиб, кишилик дунёси абадият б-н боғланиши учун илохий илмлар доимо ҳаракатда бўлсин, токи инсонларнинг қалблари турмуш ташвишлари туфайли кирланмасинлар деган фалсафа мавжуд. "Кимиёи саодат" асарининг зоҳирий тарж.си "Дил ҳақиқати" бўлиб, бу асар тасаввуф таълимотининг нозик тушунча ва ишоратлари шарҳига багишланган. Бу А.Ҳ.нинг «Иҳйа ал-улум ад-дин» асарининг мухтасар шаклидир, уни Хўтан ҳокими Азиз Шоҳбек топшириғи б-н Муҳаммад Исо XIX асрда арабчадан туркийга тарж қилган. Унда дил ва рух тушунчалари, уларнинг тасаввуфий талқинлари в.б умуминсоний фикрлар баён қилинган. А.Ҳ.нинг "Мукошафату-л-қулуб" асарининг тўла тарж.си «Қалбларни босиб ётган ғайриинсоний феъл ва туйгуларнинг кашфи» демакдир. Бу асарда мутасаввиф адиб жамият таназзулига сабаб бўладиган қусурлар – кибру ҳаво, риё, ҳасад, шуҳрат ва зулмларни ҳамда улардан тузатиш сабабларини кўрсатган. А.Ҳ. таълимоти ўзидан кейинги барча илмларнинг тараққиётига таъсир кўрсатган.

♦ *Абу Ҳомид Ғаззолий.* Мукошафату-л-қулуб / Туркчадан М.Аъзам тарж. Т.: Адолат, 2002; Т.: Янги аср авлоди, 2005; *Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий.* Кимиёи саодат. Рух ҳақиқати / Нашрга тайёрл. М.Маҳмуд ва А.Кулоҳий. Т.: Адолат, 2005; *Имом Ғаззолий.* Иҳйа ал-улум ад-дин / Парчалар. Т., 2006; *Абу Хамид ал-Газали.* Притчи / Суфии Восхождение к истине. М., ЭКСМО, 2007. С.11-46.

• *Маҳмудов М.* Имом Ғаззолий / Аҳли дил. Т.: Ўқитувчи, 1997. Б.281–290.

АБУ ҲАНИФА – к.: Имом Аъзам.

АБУ ҲАНИФА, Диноварий (~ 815–895) – филолог, тарихчи ва табиатшунос. Манбаларда Абу Ҳанифайи Соний ёки Абу Ҳанифа Диноварий номи б-н учрайди. Келиб чиқиши форс бўлса-да, асарлари араб т.да ёзилган. "Китобу-ш-шеър ва-ш-шуаро" ("Шеър ва шоирлар китоби")да шеър илмига оид масалалар; "Китобу-л-фасоҳат" ("Фасоҳат китоби") асарида нотиқлик

фасоҳати хусусида сўз юритилган. Куп жилдли "Китоб фи-н-набот" ("Усимликлар китоби") асари *абжад* тартибида тузилган бўлиб, унда 482 хил ўсимлик ҳақида маълумот бор. А.Ҳ. асари таркибига араб шоирларининг ўсимликлар ҳақидаги кўплаб шеърларини ҳам киритган. Асар Б.Левин томонидан инглиз т.га тарж. қилинган. Бизгача тарихий асари "Китабу-л-ахбор ат-тивал» («Муфассал хабарлар китоби") тўла етиб келган. Асарда 637 йилдан IX аср ўрталаригача Ажамда юз берган воқеалар акс этган. А.Ҳ.нинг сўнгги асари В.Ф.Гиргас (1888), И.Ю.Крачковский (1912) томонидан эълон килинган. А.Ҳ.ҳақида К.Брокелманн в.б. шаркшуносларнинг тадқиқотлари маълум.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.*230.*

АБУ ҲАСАН Али Баҳром Сарахсий (в.1106) – форс шоири ва олими. Авфий Бухорийнинг "Лубобу-л-албоб", Низомий Арузий Самаркандийнинг "Чаҳор мақола" рисолаларида А.Ҳ. ҳақида маълумотлар бор. Истеъдодли шоир бўлган, "Ҳужастанома" маснавийси, "Ғояту-л-арузайн" ("Икки аруз белгилари"), "Канзу-л-кофия" ("Қофиялар хазинаси") рисолалари манбаларда т.га олинади. Биринчи рисолада араб ва форс арузи хусусиятларини қиёслаган, форс арузига тегишли уч доира: *мунғалата, мушаълиқа ва мунъақиса*ни кашф қилган (Бузургмеҳр Койиний б-н бирга). А.Ҳ.нинг иккинчи рисоласи кофия илмига багишланган бўлиб, унда муал. кофия ҳарфлари ва ҳаракатлари, кофия усуллари ва айблари хусусида сўз юритган.

- *Шомуҳамедов Ш.* Форс-тожик арузи. Т.: ТошДУ, 1970; *Низомий Арузий Самарқандий.* Подир ҳикоятлар / форс т.дан М.Ҳасаний тарж. Т., 1986; *Шамси Қайс Розий.* Ал-Муъжам фи маъойир ашъору-л-Ажам. Душанбе: Адиб, 1991. С.464; *Тўйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.77.

АБУ ҲИЛОЛ Аскарий (в.1005) – араб олими, адиби. Тўлиқ номи: Абу Ҳилол Ҳасан б. Абдуллоҳ б. Саҳл Аскарий. Поэтикага доир ўнлаб асарлар орасида «Китабу-л-санъатайн ал-китаба ва-ш-шеър» («Шеър китобларидан икки санъат китоби») алоҳида ўрин тутади.

- Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т., 2006; *Quliyeva M.* Şərq poetikasının asas kateqoriyaları. Bakı, 2010.

АБУЛ АББОС Мустағфирий (941–1041) – адиб, тарихчи, муҳаддис олим. Тўлиқ исми: Жаъфар ибн Абу Али Муҳаммад ибн Абу Бакр Насафий Самарқандий. Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самаркандда яшаган. Умрининг сўнггида Нафасда имом-хатиб бўлиб ишлаган ва ўша ерда вафот этган. Ад-тшуносликка оид "Китобу-ш-шеър ва-ш-шуаро" ("Шеър ва шоирлар ҳақида китоб"), "Китобу-л-вафо" асарлари муал.и. Ўрта Осиё ва унинг йирик ш.лари тарихига оид "Китоби тарихи Самарқанд" ("Самарқанд тарихи"), "Китоби тарихи Насаф ва Кеш" ("Қарши ва Ш.сабз тарихи")ни битган. Пайғамбарлик тарихи ва фиқҳ илмига оид "Китобу-л-далойили-н-нубувва" ("Пайғамбарлик далиллари китоби"), "Китобу-д-даъавот"

("Даъватлар китоби"),"Китоби хутоби-н-набий" ("Пайғамбарлик хутбалари китоби"), "Китоб тиббу-н-набий" ("Пайғамбар табобати китоби") асарлари маълум. Бу китоблар орасида биргина "Китоб тиббу-н-набий" бизгача етиб келган ва Техронда чоп этилган.

АБУЛ АЪЛО Шуштарий (X) – форсийзабон шоирлардан. У ҳақда Асадий Тусий «Луғати фурус»да, Умар Родуёний «Таржумону-л-балоға»да маълумот берган ва унинг шеърларидан мисоллар келтирган. Родуёнийнинг қайд қилишича, нозиктаъб шеършунос бўлган, форс т.да аруз илмига оид рисола ёзган. Унинг асарларидан намуналар айрим мажмуаларда келтирилади.

♦ Ашъори ҳамасрони Рудакй. Сталинобод, 1958.

• *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.25.

АБУЛ АТОХИЙ, Исмоил (748–825) – араб шоири. Аббосий халифа Хорун ар-Рашиднинг отаси Халифа Маҳдий (775–785) даврида лирик шоир сифатида машҳур бўлган, унинг шеърларига куйлар басталанган. Халифа Хорун ар-Рашид даврида эса фалсафий рисолалар битган.

♦Лирики Востока. М.: Правда, 1983.

• *Крачковский И.Ю.* Изб. сочинения, т.2. М.-Л., 1956; *Абул Фараджс Исфахани.* Книга песен. М., 1980; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.I М.: СЭ, 1991. С.32.

АБУЛ БАРАКА (Хожа Фироқий, XV–XVI) – шоир, фақих, Ш.сабз қозиси. Алишер Навоий "Мажолис..."да унинг шоирлигини айтмаса-да, "анинг назмидин хотирда йўқ эрди, аммо бу байтни зурафо анинг учун дебтурлар:

"Деви шайтонсифат Абулбарака / Бод жояш ба ҳафтуман дарага" (Шайтонсифат Абул Бараканинг дойи еттинчи дўзаҳ бўлсин)" деб бир байт келтирган.

• Алишер Навоий. Мажолису-у-нафоис. МАТ. 13-жилд. Т., 1997.

АБУЛ ВАФО ХОРАЗМИЙ (в.1432) – хоразмлик шоир ва валий. XV асрнинг бошларида яшаган. "Ер фаришгаси" лақаби б-н машҳур бўлган. Тасаввуф, илми ғариба, мусиқага оид рисолалар ёзган. Навоий икки асарида А.В. ҳақида маълумот беради. "Насойиму-л-муҳаббат"да "Хожа Абулвафо хизматларига тавҳид арбоби ва мавожид ва азвоқ асҳоби суфия машорибидин шурби тамом бор эрмиш. Андокки аларнинг расоил ва ашъоридин, батахсис рубоиётидин бу маъни зоҳирдур ва бу даъво исботига неча рубоий келтирилур" деб таърифланган. "Мажолис..."нинг Биринчи мажлисида эса: "Хожа авсофини ҳар киши битир бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмаским, бир китобда сиқғайму ё йўқ" дея тавсифланиб, форсий бир рубоийси келтирилган:

Бад кардаму эътизор бадтар зи гуноҳ,

Зеро ки дар ин ҳаст се даъвии табоҳ.
Даъвии вужуду даъвии қуввату ҳавл,
Лоҳавла вало қуввата илло биллоҳ

(Мазмуни: Мен ёмонлик қилдим, узр айтиш гуноҳдан ёмонроқ, чунки бунда учта бузуқдаъво бор: борлик, куч ва қувват даъвоси, куч б-н қувват эса Худодан бошқа ҳеч кимда йўқ).

Ҳусайн Хоразмийнинг "зоҳир илмида устози, ботин илмида пири" (Навоий) эди. Қабри Хоразмда.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.13; Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 478-тартиб.

АБУЛМАЖИД ҲАКИМ САНОЙИ (1080–1140) – Ғазна ш.да туғилган. Маъсудшоҳ III даврида сарой шоири бўлган, Шайх Юсуф Ҳамадоний таъсирида суфийлик йўлини тутган. Ҳаж зиёратини ўтаган. Балх, Сарахс, Ҳирот, Нишопур, Хоразм ва Бағдодда сафарда бўлган.

А.С. шоирликни пайғамбарлик ва валийлик б-н тенг деб билган. Навоий у ҳақда: "Суфия тариқи шуаросининг кубаросидиндур ва машойих анинг назмларидин истишҳодға ўз расойилидин келтурубдурлар ва «Ҳадиқату-л-ҳақиқа(т)» китоби анинг шеърида азвоқу мавожидиға ва тавҳид арбоби маърифати адосида камолиға қатъий далилдур" деган таъриф б-н бир байт келтирган. Асосий асари "Ҳадойиқу-л-ҳақойиқ" ("Ҳақиқат боғлари") суфийлик қомуси сифатида тан олинган. Хожа Аҳмад ибн Масъуд таклифи б-н ёзилган бу достон ҳикоят ва ривоятларни ўз ичига олган. Навоийнинг маълумотига кўра, "ҳамул вазн ила яна уч китоби бор": "Муҳаббат китоби", "Ақл китоби" каби достонлар ва "Аллоҳ қулларининг манзилига қайтиш йўллари" асари Ғарбда ҳам машҳур бўлган, айрим манбаларга кўра Дантенинг "Илоҳий комедияси" мана шу асар таъсирида ёзилган. "Ҳадойиқу-л-ҳақойиқ" Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарларининг ёзилишига туртки берган. Шоир сифатида "Девон" тартиб берган.

Ғазнада вафот этган. Қабри ўша ерда.

♦*Санаи.* Сад истин (Отрывки) / Суфии. Восхождение к истине. Изд. Л.Яковлева. М.: ЭКСМО, 2007. С.49-64.

- Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 714-тартиб.

АБУЛ МАҲОСИН, Юсуф ибн Тангриберди (1410–1470) – араб тарихчиси ва ад-тшуноси. Асли туркийлардан бўлган, Мисрда яшаган. Унинг отаси Мисрга қул бўлиб келган, кейинчалик эса Ҳалаб ва Дамашқ ҳокими даражасига кўтарилган. Бир қатор тарихий асарлар муал.и, шеърлари асосида "Девон" тузган ва қад. даврлардан XV асрнинг ўрталаригача бўлган давр шоирларини қамраб олувчи тазкира тузган.

- *Крачковский И.Ю.* Историк Египта Ибн Тагриберди как беллетрист / Изб. соч., т.2. М.Л.: 1956; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.45.

АБУЛ МАКОРИМ (в.1585) – бобурийлар сулоласининг вакилларидан, шоҳ ва шоир, мусиқашунос ва бастакор. Тахаллуси: Муҳаммад Мирзо Кобулий. Ҳумоюншоҳнинг ўғли. Акбаршоҳ даврида Кобулни бошқарган. Мутрибий "ғоятда илмпарвар ва олимларни эъзозлаш, қадрлашни зарурий савоб ишлардан деб билувчи ҳукмдор" деб таништиради. Форс ва туркий т.ларда назм битгани маълум. "Нусхайи зебойи Жаҳонгир" асарида "Аруз илми, шеърнинг қофия мезонларини тўла ўзлаштирган, сўзлари тиниқ ва дилга ёқувчи" деб таърифланган. Мутрибий "Тазкирату-ш-шуаро"сида унинг бир матлаъи ва бир рубоийси келтирилган:

Бо ёди туам, хуш аст, жоно ҳама ҳол,
Рўзона дар андишаву шабҳо ба хаёл.
Гар бо ту наям, бе ту наям, дар ҳама ҳол,
Хоҳи, ба фироқам куш ва хоҳи ба висол.

Мазмуни: Ёдинг била эрсам, хушдир манга барча ҳол,
Кундузи қўркув, тунда бошда минг хаёл.
Гар йўқман ёнингда, лек сен ила мудом
Хоҳ ўлдир фирок-ла, йўқса ўлдирсин висол.

Бастакор сифатида Ҳусайний оҳангида "Даври шоҳий" номли куй басталагани, "Рост" оҳангида ҳафиф усули б-н савту-л-амал боғлагани манбаларда т.га олинган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АБУЛ МУҲСИН Мирзо (1472–1507) – темурий шаҳзодалардан бири, Султон Ҳусайннинг ўғли. Марқ қилояти ҳокими. Гарчи унинг ижоди ҳақида маълумотга эга бўлмасак ҳам Бобур уни ҳурмат б-н т.га олади ("Бобурнома", 207а). Алишер Навоий "Соқийнома" асарининг муайян қисмини, Ҳусайн Воиз Кошифий "Ахлоқи Муҳсиний" асарини унга бағишлаган.

• *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. Т.: Фан, 2002.

АБУЛ ФАРАЖ Исфаҳоний (897–967) – араб шоири ва олими. Тўлиқ исми: Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қурайший. Сўнгги умавий халифаларидан Марвон ибн Муҳаммад Исфаҳоний авлодларидан. Бағдодда ўқиган. Йақут Ҳамавий "Муъжаму-л-удабо" асарида А.Ф. устозлари сифатида Табарий, Киндий, Қурайший, Тануҳий каби алломаларни кўрсатади. Илми адаб, ҳадис, фиқҳ, тарих, тиббиёт, мусиқа, фалсафага оид рисолалари бор. Шоир сифатида "Девон" тартиб берган. Унинг эллик йилга якин муддатда яратган асосий асари "Китобу-л-Оғани" ("Қўшиқлар китоби") бўлиб, у 1904 й.да 21 ж.да Қоҳирада эълон қилинган. Мажмуа асосига дастлаб юз асар қўйилган: улар Иброҳим Мавсилий, Исмоил Жомий каби қўшиқчилар иштирокида Хорун ар-Рашид (786-809) учун танлаб олинган. Халифа Восиқий даврида қайта таҳрир қилинган. Йақутнинг ёзишича, бу тўплам 50 йил давомида яратилган ва Сайфу-д-Давлага тақдим қилинган. Бу тазкира VII–X асрларда араб т.да ёзилган асарлар асосида тартиб берилган,

унда муал.ларнинг тарж.и ҳоллари б-н бир каторда араб халифаликларининг маданий тарихига оид қимматли фактлар, жумладан, бастакор ва мусиқашунослар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ушбу қомусий манба кўплаб Шарқ алломалари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Жумладан, проф. Фитрат бир қатор тарихий ва илмий асарларида ушбу манбага бир неча марта мурожаат қилган. А.Ф.нинг иккинчи йирик асари "Китобу-з-зийарат" ("Саёҳатлар китоби")да 786 й.дан 902 й.гача яратилган шеър ва ҳикоятлар тўпланган.

♦ *Абу Фарадж Исфахани. Книга песен.* М.: Наука,1980.

• *Йақут.* Муъжаму-л-удабо. Қоҳира, 1930 (араб т.); *Халфулла М.А.* Сохибу-л-Оғани – Абул Фараж Исфахоний. Қоҳира, 1953; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.45; *Пастухова Л.Е.* "Книга песен" Абул Фараджа ал-Исфагани / Классическая лит-ра Востока. М.: Наука, 1972. С.3-10.

АБУЛБАРАКА (XV) – Хуросон ва Самарқанддаги машҳур кишилардан. Навоий у ҳақда "Мажолис..."да маълумот бериб: "Анинг назмидин хотирда йўқ эрди, аммо бу байтни зурафо анинг учун дебтурлар:

Деви шайтонсифат Абулбарака,
Бод жояш ба ҳафтумин дарага.

(Мазмуни: Шайтонсифат Абулбараканинг жойи еттинчи дузах бўлсин)

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.157-158.

АБУЛВОСЕЪ (XV) — ҳиротлик форсийзабон шоир. Иншо санъатида маҳоратли хаттот, бадиҳагўй (ҳозиржавоб) бўлган. А. ҳақида *Восифий* («Бадоеъу-л-вақоеъ»), *Жомий* («Баҳористон»), *Навоий* («Мажолису-н-нафоис») асарларида маълумотлар учрайди. Восифий А.нинг ҳозиржавоблиги б-н Навоий таҳсинига сазовор бўлгани, Султон Маҳмудга багишланган «Чор дар чор» қасидасининг яратилиши тарихи ҳақида маълумот бериб, 24 байтли шу қасидасини келтиради. Жомий ушбу қасидага юксак баҳо бериб, унга ҳеч ким жавоб ёза олмаганини айтади. Навоий А.нинг Маждиддин Муҳаммад ҳақида 500 байтдан ортиқ, бошқалар ҳақида 1000 байтдан зиёд ҳажвлар битганини ёзади. Жомий вафотидан сўнг Навоий тавсияси б-н А. устоз тарж.йи ҳолини ёзган.

АБУЛЛАЙС Самарқандий (в.1003) – конуншунос ва фиқҳ олими. Тўлиқ исми: Абу Лайс ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий. Самарқанд ш. шайхулисломи. Қуръони каримни тафсир қилиб, "Тафсиру-л-Қуръон" асарини яратган. Фиқҳ илми (ислом ҳуқукшунослиги)га оид "Хизонату-л-фиқҳ" ("Фиқҳ хазиналари") рисоласи, тасаввуфга оида "Бўстону-л-орифин" ("Орифлар бўстони") асарлари муал.и.

АБУЛЛАЙСИЙ, Фазлуллоҳ – самарқандлик олим ва адиб. Машҳур фақиҳ Абуллайс Самарқандий авлодларидан. Мирзо Улуғбек салтанатида хизматда бўлган. Навоий Самарқанддалик даврида (1465-68) унинг қошида сабоқ

олгани ва Алишерни "фарзанд" деб билганини "Мажолис..."да қайд этган: "Самарқанднинг аълами уламоси эрди, шеър ва муаммоға даги майл эрди. Бу матлаъ аларнингдурким:

Қади чун сарви чу жон аст маро, балки равон,
Сўйам, эй сарв, равон шав ки фидо созам жон.

Мазмуни: Сенинг сарв каби қаддинг менинг учун жондир, балки рухравондир. Эй сарв, мен томонга равон бўл, сенга жонимни фидо айлай).

Самарқандда ўз хонақоҳига дафн этилган.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.32-33; *Самарқандий А.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 110-111, 300-301.

АБУЛФАЗЛ, Алломий (1551–1603) – Ҳиндистонда бобурийлар саройида яшаган, олим, фозил, давлат арбоби, шоир ва тарихчи олим. Бобурнинг ўғли Ҳумоюншоҳнинг устози Шайх Муборакнинг иккинчи ўғли. А. болалигидан ноёб қобилиятга эга бўлган. Бир ёшдан ошганда у эркин гапирар, беш ёшида ўқиш ва ёзишни биларди. 7 ёшга етганда отасидан кўп билимларни ўзлаштириб олганди. Ўн йил давомида ўқиш ва ўрганишга берилиб, ҳатто икки-уч кун туз тотмаган кунлари ҳам бўлган. А. Акбаршоҳнинг доимий маслаҳатчиси ва дўсти, бош вазир. Унинг қаламига мансуб "Акбарнома" асари уч жилддан иборат бўлиб, учинчи жилди "Ойини Акбарий" деб номланиб, Акбаршоҳнинг давлат бошқаруви, мамлакатнинг маъмурий тузилмаси, ижтимоий турмуши ва маданий ҳаётига бағишланган тарихий асардир. А. "Мукотаботи Алломий" асарида Акбаршоҳнинг 12 вилоят ҳокимига ёзган хатларини жамлаган ва шарҳлаган. Йигирма ёшга етганда А. атроф оламда бўлаётган воқеалар ва ҳодисаларни ўрганишга интилиши кучайганини сеза бошлади. А. қаламига мансуб "Акбарнома" асари Акбар ҳукмдорлиги даврига берилган муфассал таҳлилий хулосалар, Акбар айтган фикрлар тўплами, унинг маъмурий идоралари, салтанатни бошқариш маҳорати ва салтанатга кирган ҳудудлар ҳақида берган маълумотлари нуқтаи назаридан тенгсиз бир асардир. Ҳиндистон тарихи б-н шуғулланган барча олимлар ушбу манбага мурожаат қиладилар, асар худди "Бобурнома" сингари ўз аниқлиги ва ҳақиқати б-н шуҳрат қозонган. А. санъатнинг бошқа турлари б-н ҳам машғул бўлган. Унинг ёзишича, "мусиқа тингловчи қалбига маъюслик ва қувноқлик бахш этувчи таълимот"дир. А. "Акбарнома" асарида 36 та сарой мусиқачиларининг рўйхатини келтиради. Шунингдек, "Рисолаи муножот", "Жамиъу-л-луғат" асарлари ҳам А. қаламига мансуб. Ҳинд файласуфи Пилпойк асарини форс т.га тарж. қилиб, "Меъёри дониш" ("Билим ўлчови") тўпламига киритган.

♦ *Абул Фазл.* Акбарнома., Ойини Акбарий.

• *Низомиддинов И.* Абулфазл Алломий. Т.: Ўз-н, 1982; *Берк С.М.* Акбар бобурийларнинг энг буюги. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АБУЛФАЗЛ Суккарий Марвазий (X) – Марвда туғилган ва ижод этган Сомонийлар даврининг машҳур шоирларидан, асарларини араб т.да битган.

Форс т.даги мақолларни тўплаб, мазмун жиҳатидан боғлаган ва араб т.га тарж. қилган. Муздавжа усули (маснавий)да шеърлар ёзган. Дидактик услубда ёзган шеърлари "Йатимат ад-даҳр"га киритилган. Араб т.га тарж. килган шеърларидан: *Кеча ҳомиладор, (аммо) нима туғишини билмайди.*

- *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат ад-даҳр. 4-қисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976; *Абу Мансур Абдулмалик ас-Са'алиби.* Йатимат ад-даҳр фи махасин ахл ал-асрар. Исследование и пер. с арабского И.Абдуллаева. Т.: Фан, 2005. С. 49-51.

АБУЛФАЙЗХОН (1695–1747) – аштархонийлар сулоласи сўнгги вакили, Бухоро хони (1711–47). Субҳонқулихоннинг ўғли. А. даврида ўзаро низолар кучайган, мамлакат чуқур иқтисодий-сиёсий таназзулга юз тутган. Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ҳужуми туфайли енгилиб, ворислари б-н бирга қатл қилинган. У ҳақда Абдураҳмон Толеънинг "Тарихи Абулфайзхон" асарида ёзилишича, Убайддуллоҳхоннинг укаси ва вориси бўлиб, асарда А.нинг 1711 й.дан бошлаб 14 йиллик фаолиятини акс эттирилган. Бу жиҳатдан асар Мир Вафо Карманагийнинг "Туҳфаи хоний" асарининг давоми ҳисоблнади. А. қатлидан сўнг Фарғона Бухоро хонлигидан ажралиб, мустақил Қўқон хонлиги сифатида яшай бошлаган. Бухорода эса 1740 й. Нодиршоҳ Хакимбий оталиқни ўзига вассал қилиб, Бухорога тахтига ўтқазган.Унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон (Раҳимбий оталиқ) Манғит амирлари сулоласининг биринчи бўғини сифатида ҳокимиятни бошқарган ва шу даврдан эътиборан Бухоро хонлиги, Бухоро амирлиги деб юритила бошланган.

А. тарихига бағишланган Фитратнинг тарихий фожиаси ёзилган.

- Абдуррахман-и Тали'. История Абулфейз-хана. Т.: Изд. АН УзССР, 1959.

«АБУЛФАЙЗХОН» – Фитрат асари (1924). Сарлавҳа остида "Йўқсул ўлкасининг тарихидан беш пардали фожиа" деган изоҳ билан чоп этилган. Улуғ ўзбек адиби Фитрат бир қанча драматик асарлар эълон қилгандан сўнг "А."ни ёзишга киришар экан, аштархонийларнинг сўнгги вакили А. тарихини чуқур ўрганган. Асарда А. билан бирга бир қатор тарихий шахслар, жумладан, А.нинг ўғиллари, Нодиршоҳ, Ҳаким бий, Раҳим бий қаторида машҳур муаррих "Туҳфаи хоний" муаллифи Мир Вафо Карманагийни ҳам қаҳрамонларидан бири сифатида келтирган. Муаллифнинг эслатишича, 1-парда билан 2-парда орасида 7 й., 3-ва4-пардалар билан 5-парда орасида 1 й.ча вақт ўтади. Демак, асар Бухоро тарихидаги энг кескин ҳисобланган 1740, 1747 ва 1748 йй. воқеалари асосида бадиийлаштирилган. Фожиа А. ҳаётининг сўнгги кунларини акс эттирар экан, драматург эътиборни ноаҳил сарой амалдорларига, уларнинг фитнаси туфайли инқирозга юз тутган сулола тарихига бағишлаган. Фитрат улуғ драматург сифатида салтанатни фожиага олиб келган сиёсий воқеаларнигина эмас, балки ўша воқеаларнинг сабабкори амалдор шахслар эканини очиқ кўрсатади. Фитрат асарда бошқа тарихий асарлари каби тарих воситасида замонининг муаммоларига жавоб ахтармоқчи бўлади. Айни фожиа орқали

юртимизга келиб эгалик қилаётган Нодиршоҳ каби зўравонларга қарши мамлакат мустақиллигини сақлаш миллатнинг ўз қўлида эканини англатмоқчи бўлади.

♦ *Фитрат.* Абулфайзхон / Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: Маънавият, 2000. Б. 180-219.

• *Болтабоев Ҳ.* Абдурауф Фитрат. Т., 1992; *Ғаниев И.* Фитрат драмалари поэтикаси Т.: Фан, 2005; *Умарова М.* Тарихий драмада бадиий вақт: Шекспир ва Фитрат. Т. MUMTOZ SO'Z, 2013.

АБУЛХАЙР Ҳаммор (Х) – фалсафа ва ҳикмат олими. Форобийнинг шогирди, Беруний ва Ибн Синонинг замондоши. Маъмун академияси – "Байту-л-ҳикма"да хизмат қилган. Низомий Арузий Самаркандий уни "Букроти соний" (Иккинчи Гиппократ) деб атаган.

• *Заҳириддин Байҳақий.* Татиммату-с-савон ал-ҳикма. Т., Фан, 1987.

АБУЛХАЙРХОН (1412–1468) – ўзбекхонлар сулоласининг асосчиларидан, жужи уруғидан. 1428 й.дан Дашти Қипчоқ хони сифатида фаолият юритган, 1447 й. Сирдарё соҳиллари, Сиғноқ ва Ўзганни эгаллаб хонлигини кенгайтирган. Темурийларга доимий суратда рақобатда бўлиб келган. 1463–64 йй. қалмиқлардан енгилиб, ҳокимияти заифлашган. А. вафотидан кейин унинг давлати қулаган ва Шайбонийхон давридагина қайта тикланган. Мутрибий А. ҳақида "ҳазрат салтанатпаноҳ муътабар хуштабълардан ва шуҳрат топган суз усталаридан эди. Шеър айтишда унинг қоидаларига тўла риоят қиларди. Ўткир фаҳми ва бало кўптирувчи зеҳни бор эди. Манави ғазал унинг жонпарвар гуфторидандир" деган маълумот беради. Мутрибий келтирган А. ғазали матлаъси:

Манам зи тиғи фироқи ту дил фигор ништаста,
Зи дурии гулруйи ту беқарор ништаста.

Таржимаси:

Менман фироқинг қиличидан дил афгор ўтирган,
Гул юзингдан узоқ тушиб, беқарор ўтирган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т MUMTOZ SO'Z, 2013.

АБУЛХАЙР (1693–1748) – қозоқ хонларидан. Ўрта Жуз ҳудудини бошқарган (1720-31). Жунгарларга қарши қозоқ қўшинларини бирлаштирган. 1731 й.да Россияга қарши жангларда қатнашиб, охири унинг ҳукмронлигини қабул қилишга мажбур бўлган. Россиянинг Марказий Осиёга қарши истилосининг илк зафарларидан бири А.ни енгиш орқали эришилган.

АБУЛҚОСИМ Али ибн Муҳаммад ал-Искофий (в.956) – хаттот ва адиб. А.А ҳақида Абу Мансур Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр...» асарида «Хуросоннинг тили, ғурури, кўзи ва ягона кишиси эди. У китобат ва илми балоғатда Хуросонда бирдан бир киши бўлиб, илм ва санъатда тенги йўқ

ди» деб таърифланган ва ундан 21 байт келтирилган. Атр идиши хусусида муаммо:

Сиртимда энболик барқ урар,
Ичкарида хушбўй ҳид этар ғарқ.
Ярим танам насибасин татир,
Ярмим тўкис ва тугал атир.

(Арабчадан И.Абдуллаев тарж.)

А.А. вафот этганида Абу Наср Ҳузаймий «Рисолалар девонида у йўқ энди, Девондаги қалам ва дафтар эгасиз қолди» деб ёзган.

- *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш. 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён ад-ти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУЛҚОСИМ БОБУР (1422–1454) – темурий ҳукмдорлардан. Бойсунғур мирзонинг ўғли. Шоҳрух мирзо тарбия қилган. Хуросон ҳукмдори (1449–57). Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро А.Б. саройида хизматда бўлган. Ад-т ва санъатга эътибор берган, саройига кўплаб шоир ва санъаткорларни жамлаган. А.Б. ўзбек ва форс т.ларида шеърлар битган.
А.Б.нинг

Неча юзинг кўруб ҳайрон ўлайин,
Илоҳо, мен сенга қурбон ўлайин.

деган байтини Навоий "Мажолис ун-нафоис" китобида келтирган ва "Дарвешваш ва фоний сифат ва карам ул ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олдида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди..." деб таърифлаган.

- *Самарқандий А.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б.304-305.

АБУЛҚОСИМ ЗАМАХШАРИЙ – қ.: Замахшарий.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ – қ.: Фирдавсий.

АБУЛҒОЗИ, Баҳодирхон (1603/23.VIII–1664) – ўзбек адиби, тарихчиси ва давлат арбоби. Абулғози Баҳодирхон Хива хони Арабмуҳаммад оиласида туғилди. Ўн уч ёшидан (1616) тож-тахт учун курашларда иштирок этган. Истеъдодли шоир бўлган.16 ёшида ўз акаси Ҳабаш султонга қаршилик қилгани учун Урганчдан сургун қилиниб, туркманлар, қозоқлар ва қалмиқлар орасида яшаган. Ўн йилдан ортиқ Эронда асирликда бўлган. 1641 й.да она юртига қайтиб, бир қанча жанглардан сўнг 1643 й.да Хоразм тахтини эгаллаган. 20 йил ҳукмронлик қилди. 1664 й. апрелда вафот этган.

А.нинг икки тарихий асари машҳур: "Шажарайи турк" ва "Шажарайи тарокима". «Шажарайи турк» (1663–64) ўзбек уруғлари тарихига бағишланган. Тўққиз бобдан иборат. Бу асарда нафақат хонлик тарихи, балки пайғамбарлар ва туркий қавмлар тарихи ҳам акс этган. Асарда муал.

Ер юзида хаётнинг пайдо бўлиши, Одам Атонинг туғилишидан тортиб, ўзининг хонлик тарихига қадар ўтган даврларни қаламга олган. Асарлари таркибида туркий элатлар тарихига оид ривоят ва маълумотлар тўпланган. Асарнинг тили содда ва равон. Абулгози тарихий воқеаларни бадиий бўёқлар, хаётий лавҳалар орқали тасвирлайди. «Шажарайи турк» шарқ, рус ва ғарб олимларининг ҳам эътиборини тортган. У Қозонда бир неча марта нашр этилган (Румянцев нашри, 1825; Саблуков нашри, 1854). Т.Н.Демезон асарни француз т.га тарж. қилган (1817–18). Асар Ғарбий Европа тарихчилари орасида ҳам машҳур. «Шажарайи тарокима» (1661) туркман халқининг аждодлари тарихига бағишланган. Бу тарихий асарлар ўзбек, туркман, тожик, мўғул халқлари тарихини ёритишда таянч манбалардандир.

А. нинг тарихчилик фаолияти Хоразмда Мунис, Огаҳий ва Баёний томонидан давом эттирилган. Ўз-н тарихини яратишда Я.Ғуломов, Б.Ахмедов, Қ.Муниров, К.Юсупов, М.Йўлдошев каби олимлар Абулғози маълумотларидан кенг фойдаланишган. А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, С.И.Иванов каби т.шунос олимлар А. асарларига суянишган. О.Шарафиддинов, М.Юнусов, В.Абдуллаев в.б. ад-тшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишган. Шеърий асарлари етиб келмаган. А. тарихий асарларининг ЎзРФАШИда бир неча қўлёзма нусхаси сақланади (инв. № 7668, 1223, 4017). А. нинг тиббиётга оид «Манофеъу-л-инсон» («Инсон саломатлиги учун фойдалилар», 1657) рисоласи етиб келган. Китобда 24 боб орқали 120 дан ортиқ хасталик, уни даволаш ва халқ табобатида қўлланиладиган 700 дан ортиқ дори-дармон ҳақида маълумот берилган.

♦ *Абулғози.* Шажарайи турк / Нашрга тайёрл. Қ.Маҳмудов. Т., 1992; Шажараи тарокима / Нашрга тайёрл. Қ.Маҳмудов. Т., 1995; Родословное древо тюрков / Пер. и предисл. Г.С.Саблукова. Казань, 1906; *Махмуд ибн Вали.* Море тайн. Введение (Пер. прим. и указатели Б.Ахмедова). Т., 1977.

• *Кононов А.Н.* Родословная туркмен. Сочинение Абу-ль-Гази, хана Хивинского / Исследование, тексты, перевод. М.-Л., 1958; *Ғуломов Я.* Хоразмнинг сугорилиши тарихи. Т., 1959; *Иванов С.Н.* Родословное древо тюрок Абулгазихана. Т., 1969; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.44; Ўзбек ад-ти тарихи. 3-т. Т.: Фан, 1978; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии. Т.I. М.: СЭ, 1991. С.32; *Худойназаров Ҳ.* «Шажараи турк» ва унинг урганилиши. Т., 1994; *Мунис ва Огаҳий.* Фирдавсу-л-иқбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б. 181, 197.

АБУЛ ҲАСАН – ҳиротлик туркигўй шоир. XV аср бошида яшаган. Навоийнинг баҳосича, "табъи хўб" (истеъдоди баланд) шоир эди. Муаммо фанида ҳам юксак экани "Мажолис..."да қайд этилиб, бир байт келтирилган:

Келибтур ул гулу бир ҳафта туруб борадур,
Бу ўт кўнгулга тушиб жонни куйдуруб борадур.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.26.

АБУЛ ҲАСАН Али Фаррухий Чулуғ Сейистоний (980–1037) – даврининг латиф шоирларидан бўлган. А.А. ҳақида Низомий Арузий Самарқандий,

Авфий, Давлатшоҳ Самарқандий хабар беради. Асли Сейистондан, Сағониёнда яшаган. Ҳоким Абул Музаффар номига қасида битган, бир фақир шоир бундай гўзал қасида ёзганига амирнинг кадхудоси Амид Асад ишонмайди, А.А. бир кечада бошқа «Доггоҳ» номли қасида битган. Қасидачиликда Дақиқий йўлини давом эттирган. А.А.нинг шеър базмида айтган

Кўк ҳаридан юзига ёпган рўмолин сабзавор,
Етти хил ранг ипакларин бошга солди кўҳсор

деб бошланувчи қасида машҳур. Музаффарий исмли бошқа бир шоир уни «тожиу-л-шуаро» деб атаганини Асадий Тусий (1005–75) «Луғати фурус» асарида келтиради.

- *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Т.: 1985. Б.37; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш. 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён ад-ти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУЛ ҲАСАН ибн Саъид Ахфаш (в.830) – араб олими. Машҳур арузшунос Халил ибн Аҳмаднинг шогирди. Аруз илмигага доир рисолалари бор. Араб арузидаги 16 баҳр ихтирочиси. Устози Халил ибн Аҳмаднинг «Айн китоби»и асари бизгача етиб келмаган. Фақат А.А.нинг рисолаларида "Айн китоби"нинг мазмуни баён қилинган.

АБУЛҲАСАН ҚОСИМ ШОШИЙ (X) – тошкентлик олим. Машҳур аллома *Қаффол Шоший*нинг ўғли. Тарихий манбаларда дунёдаги улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. А.Қ.Ш.нинг 10 ж.ли «Ат-Тақриб фил-фуруъ» («Фуруъга яқинлашиш») асари фиқҳ илмида алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихчи Ибн Халликоннинг ёзишича, «Бу асар шофиъий мазҳабидаги мўътабар китоблардан бўлиб, кимнинг ҳузурида шу китоб бўлса, бошқасига хожат йўқдир». Исломшуносликда турли фиқҳий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишда А.Қ.Ш.нинг «Ат-Тақриб» асари муҳим аҳамиятга эга.

АБУЛ ҲУСАЙН Муҳаммад б. Муҳаммад Муродий Бухорий (в.940) – касиданавис шоир. Рудакийнинг севимли шогирдларидан бўлган бўлган, А.Ҳ. ўлимига Рудакийнинг марсияси ҳам бор. Қасидасидаги бир байт мазмуни:

Бошинг узра ўлим чарх уриб турганда,
Ҳашам ва хазинадан фойда нечун.

♦ *Абул Ҳусайн Муҳаммад.* Қасида / Ашъори ҳамасрони Рудакй. Сталинобод, 1958. С.29.

- *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Т.: 1985. Б.37; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш. 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён алабиёти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

«АБУМУСЛИМНОМА» – X–XI асрларда Марказий Осиё ва Эронда турк ва форс т.ларида яратилган халқ қиссаси. “А.” бош қаҳрамони умавийлар халифалигига қарши бош кўтарган Абу Муслим Хуросоний (в. 755)дир. “А.”да бош қаҳрамон тимсолида футувват, бағрикенглик, жасорат каби сифатлар улуғланган. Асар муал.лиги масаласи баҳсли бўлса ҳам, уни Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али ибн Муса Тарсусийга нисбат берувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Бу асар ҳозирда ҳам Марказий Осиё, Эрон ва Туркияда халқнинг севимли қиссаларидан бири ҳисобланади. Унинг асосида бошқа қиссалар (мас., “Замчинома” ёки «Аҳмад Замчи”) ҳам ёзилган.

♦ Абу Муслим жангномаси. Т., 1992.

• *Брагинский И.С.* Очерки из истории таджикской лит-ры. Сталинобод, 1956; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.46.

АБУНА-Э – япон мумтоз маданиятида ўрин тутган эротик суратлар. Бу суратлар графика тарзида ёки гравюра тарзида дарахт (укиё-э) ва бошқа қаттиқ жисмларга ишланади. А. Токугава даврида анча тараққий этган. Бу соҳанинг усталари Сугимура Дзихэй, Судзуки Харунобу, Китагава Утамаро, Кацусика Хокусай, Тории Киёнага в.б. япон мумтоз ёзувчиларининг асарларига А. ишлаганлар.

• Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.5.

АБУШИЙ, Ҳасан Ато (XX аср бошлари) – татар тарихчиси, Қозонда туғилган ва яшаган. “Туркий қавмлар тарихи” асари муал.и.

♦ *Абуший Ҳ.* Туркий қавмлар тарихи. Т.: Чулпон, 1992.

«АБУШҚА» (арабча: *кекса, қари, эски*) [тилшунослик, ад-т тарихи] – луғат номи. Номаълум муал. томонидан тузилган, изоҳли луғат. Луғатда изоҳланаётган биринчи сўз *абушқа* бўлгани учун, у шундай номланган. Сўзларга келтирилган мисоллар, асосан, Навоий асарларидан олингани учун уни «Алишер Навоий асарлари луғати» деб ҳам аташади. Луғатда, шунингдек, Лутфий, Ҳусайний, Бобур, Комил, Раҳматуллоҳ каби адиблар ижодидан ҳам мисоллар учрайди. “А.”да икки мингдан ортиқ сўзнинг изоҳланган. “А.”да Ҳиротда Толеъ Имоний тузган “Бадоеъу-л-луғат”дан фойдаланилган. Венгрияда Армений Вамбери томонидан проф. Ж.Будени таҳрири остида нашр қилинган (1862). Россияда Вельяминов-Зернов “Ал луғату-н-Навоий ва-л-истишҳодоти-л-чиғатоиййа” (“Чиғатой т.дан шоҳидлик келтирувчи Навоий луғати”) номи б-н нашр қилдирган (1868).

♦ *Vambery A.* Abuska. Csagatajtörök szogyüjtemegy. Elöbszeddel és jegyzetekkel kiserte Jozsef Budenz. Pest, 1962; Словарь джагатаско-турецкий. Изд. В.В.Вельяминов-Зернов. СПб. 1868.

• *Боровков А.К.* Лексикографическая традиция в словарях чагатайского языка // Лексикографический сборник. Вып.IV. М., 1962; *Фаттоҳов Х.* «Абушка»нинг янги нусхаси // Ўзбек тили ва ад-ти. 1980. №2.

АБХАВА (санскритча: *мавжуд бўлмаган*) [фалсафа] – «бўшлик», «йўқ бўлиш», «инкор», «ўлим» каби диний-фалсафий категорияларга яқин тушунча бўлиб, *бхава* (борлиқ, мавжудлик) категориясининг зидди сифатида келади. А. билишнинг ижобий объекти сифатида дунёни ташкил этувчи олти жиҳат *моҳият (субстанция), сифат, ҳаракат, умум, белги, алоқадорлик*ка ид қўйилади. Бундай фалсафий талқин Ведалар ҳақидаги таълимотда ва унинг ад-тдаги акси бўлган "Ригведа", "Рамаяна" ва "Маҳабҳорат" эпосларининг фалсафий талқинида учрайди.

• Философский энц-кий словарь. М., 1989. С.8.

АБХАЗ (АПСУА) АДАБИЁТИ – Абхаз халқи ад-ти, абхаз т.даги фольклор асосида шаклланган. Нарт баҳодирлари ҳақидаги эпос, Абрскил ҳақидаги ривоятлар қўшиқ ва мақолларга бой. Абхаз ёзма ад-ти Д.Гулиадан бошланади. 1912 й. унинг биринчи шеърлар тўплами эълон қилинади, 1919–20 й.лари «Апсны» (луғовий маъноси "Қалб ўлкаси" – «Абхазия») газ. ташкил қилинган. Д.Гулианинг "Камачич" романи, С.Чанбунинг "Маҳажира" драмаси, Б.Шинкуба кичик насрий асарлари А.а.нинг тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Вакиллари: М.Лакербай Л.Квициниа, Ф.Лабахуа, И.Папаскири. 1955 й.дан абхаз адабий журн. «Алашар» ("Нур") нашр этила бошлаган.

• Абхазские рассказы. М., 1950; Антология абхазской поэзии. М., 1958.

• *Гарба И.К.* Абхазская лит-ра / БСЭ, т.1. М.: СЭ, 1970. С.105-106; *Инал Ипа.* Страницы абхазской лит-ры. Сухуми,1980; *Дарсалия В.В.* Абхазская проза 20-60-х гг. Тбилиси, 1980; *Попова И.И.* Абхазская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9.

АБХАЗ ТИЛИ – Абхазия (Грузия ва Россия ҳудуди, қадимда Абоза деб номланган)да яшовчи халқ т.лари. Кавказ т.ларининг абхаз-адигей гуруҳига киради. А. адабий т. фонетикаси ҳарф ва белгиларнинг кўплиги (58 ҳарф бор) б-н характерланади. А.т. таркибида туркизм ва грузинизмлар сезиларли даражада кўп. 1928 й.дан лотин ёзуви асосида А. алфавити шакллантирилган. Икки асосий диалект: абжуй ва бзиб шеваларига ажратилган. XIX асрнинг 60-й.ларидан А.т. асосида миллий ёзув яратишга ҳаракат бўлган. 1926 й. кирилл алифбоси, 1928 й.дан лотин, 1938 й.дан грузин, 1954 й.дан яна кирилл ёзувига ўтилган.

• Русско-абхазский словарь. Сухуми, 1964; Рогава Г.В. Абхазско-адыгейские языки / Языки народов СССР, т. 4. М., 1967; *Гецадзе И.О.* Очерки по синтаксису абхазского языка. Л.,1979. *Кумахов М.А., Шагиров А.К.* Абхазско-адыгейские языки / Языки Азии и Африки. М., 1979.

АБХИДХАРМА (санскритча: дунё очилиши) – буддавийлик таълимотининг асосий назарияси, руҳшунослик, космогония қарашларини ўзига назарий

асос сифатида олган қисми. *Аналитик метод* дастлаб мана шу таълимот орқали амалга оширилган. А. диний тажрибанинг турли соҳаларига нисбатан қўлланилган. Мас., ахлоқда қалбни тозалаш, табииётда экологияни сақлаш оғзаки ижод намуналарини диний талаблар асосида қайта таҳрирдан ўтказиш в.б. А. таълимоти бўйича яратилган "А.-Коша" китоби барча диний ўқув юртларида қўлланма сифатида ўқитилган.

Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБХИНАВАГУПТА (~ 950–1020) – қад. санскрит назариётчиси ва шоири. Анандавардхананинг «Дхваньялока» номли эстетик категориялар ҳақидаги китоби тафсирчиси. «Паратримшика», «Драматик санъат ҳақида шастра (рисола)», «Лочана» («Кўз») асарлари муал.и. Олимнинг қарашича, *дхвани* маънони яшириб ифодалаш шеърнинг жони бўлиб, у эстетик ҳиссиёт кўзгатиш (раса)нинг бош омили ҳисобланади. Маънони яшириб ифодалаш – дхвани шеърга қандайдир кутилмаган, фавқулодда маъно қатламларини киритиш орқали эмас, балки шоир ва шеърхоннинг ўткир зеҳни, топқирлиги орқали юзага келади. Дхвани назариётчилари бу тамойилни сўзнинг имкониятлари – маъно кўчимлари, рамзлари, мажозлари орқали юзага келишини уқтирадилар. Шу муносабат б-н қад. санскрит тилшуносларининг грамматикада мавжуд бўлган сўзнинг икки вазифаси – номинатив (абхидха) ва кўчма маъно ифодалашига қўшимча равишда учинчи бир вазифани суггестив (вьянджана) вазифасини ҳам киритадилар. Айни мана шу вазифа поэтикадаги дхванини аниқлашга имкон беради. А. назарияси, яъни адабий асарнинг эстетик ҳиссиёт қўзғатиши ва китобхон томонидан тўла идрок этилишига тўсиқ (драматик асарда)лар бўлиб, шулардан бир нечасини таҳлил қилган: биринчиси – асар воқеаларининг томошабинда ҳамдардлик уйғота олмаслиги; иккинчиси – драматик асарнинг макон ва замони ўта аниқ тарихий жой ёки вақт б-н таъминланса, томошабинда асарга нисбатан эътироз ёки лоқайдлик кайфияти вужудга келиши; учинчиси – ижодкор ўзининг ҳис-туйғуларига томошабинни кўмиб юбориши; тўртинчи ва бешинчи тўсиқлар эса актёрларнинг ижроси, асар композицияси ва тилининг ғализлиги; олтинчи тўсиқ – асарда етакчи ҳис-туйғунинг йўқлиги; еттинчи тўсиқ – асар барча жиҳатлари б-н томошабинда шубҳа уйғотишидан иборат.

А. Бхаратанинг «Натья шастри»сида қайд этилган саккизта расага яна битта, яъни тўққизинчи расанинг – осойишталик, хотиржамликнинг мавжудлигини қўшади. А.га қадар бу раса ҳақида Удбхата, Анандавардхана каби назариётчилар ҳам тўхталиб ўтган эдилар. Аммо Анхинавагупта осойишталик, хотиржамликдан иборат тўққизинчи расани саккизта расанинг энг муҳими, деб ҳисоблайди. А. «Дхваньялока»га ёзган шарҳида раса – шеъриятнинг жони, бинобарин, безаклар (аланкара) безатилувчи б-н тўла уйғун бўлишлигини айтади. Демак, расанинг воқе бўлиши, асосан, асар компонентларининг ўзаро тўла уйғун ва мутаносиблигидадир. А. *аучитья* – шеъриятда уйғунлик амалий ҳодиса сифатида баҳолайди. Айни мана шу

ючитья тамойили шеърий асарда воқе бўладиган нуқсонларни (дош) ишқлашнинг бош мезони эканлигини уқтиради. “Абвинавабхарати” асарида дхвани ва раса назариясини драматик поэзияга нисбатан қўллайди. А. Веданта фалсафий мактабининг давомчиларидан бири саналади. Машҳур олим Кшемараджага устозлик қилган.

- *Ларин Б.А.* Учение о символе в индийской поэтике Поэтика. Кн. 2. Л., 1927; *Эрман В.Г.* Теория драмы в древнеиндийской письменной лит-ре. Драматургия и театр Индии. М., 1961; *Невелева С.Л.* Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. М.: Наука, 1979; *Гринцер П.А.* Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987; Теория лит-ры. В двух томах, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.154.

АБХИНАЙИ (ҳиндча: театрдаги образ) [санъатшунослик] – нутқнинг сўзсиз ишораси, мимика ва имо; саҳна маданияти ва актёрлик техникаси, санъатининг барча элементлари. А. Саҳна нутқига асосланади, рақсда пантомимик хусусиятни ифодалайди. Тўла тасаввур бериш учун айрим ҳолларда нутқ иштироки б-н имо-ишора ҳам баравар олиб борилади.

- *Борев Ю.* Энц-я эстетики, теории литературы и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБХИРАТИ (санскритча: лаззат) [мифология] – буддавийликда жаннат ўрни бўлиб, Шарқда жойлашган будда Акшўбха ери. Буддавийликка доир “Саддхармапундарике”, “Гандхавюха” манбаларда учраса ҳам унинг талқини “Акшўбхататхагата-вюха”да тўлиқ баён қилинган. А. таълимотига кўра Ер юзи, асосан, текисликдан иборат бўлиб, унда тоғ ва водий, дарахтлар ва тошлар бир хил баландликда. Шу каби инсоният ҳам бир хил – тенг бўлиб, у бахтни тенг бўлишиши керак.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АБШЕРОН [география] – Каспий денгизидаги ярим орол. Боку (Озарбойжон) ш. А.га жойлашган. Аҳолиси қад. зардуштийлик динига эътиқод қўйган, IX асрдан исломни қабул қилган. Озарбойжон адиби Меҳти Ҳусайн “Абшерон” романини ёзган. XX аср бошларидаги А.даги ҳаёт асарда акс этган.

АБШНИТ [меъморлик, матншунослик] – бино ёки иншоотлар ички мудофаасини таъминловчи қўшимча қурилма. А. Санъатнинг бошқа турларида ҳам қўлланилиши мумкин. Шунинг учун ҳам сўз санъатида А. бадиий асарнинг ички мустаҳкамлигини сақловчи элемент тарзида келади.

- *Борев Ю.* Энц-я эстетики, теории литературы и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБЪЕКЦИЯ (французча: abjection – қуйи тушиш, *тушкунлик*) [руҳшунослик] – постмодернизмга тааллуқли истилоҳ бўлиб, З.Фрейд психоанализи асосида шаклланган. Тасвирий санъатга нисбатан унинг мазмуни турлича талқин қилинади. Санъат асарини А. деб ҳисоблаб, инсон

борлиғи ва реал тасвирни ундан устун қўйиш ҳоллари кузатилган. Постмодернизм даврида белгини қабул қилувчи инсон ва ҳақиқий реаллик муносабатларини ифода қилади.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.17.

АБЭ, Кобо (1924–1993) – япон адиби. Япония ад-тида рамзий романлар, риоят в.б. оғзаки ижод намуналарини реалистик наср элементлари б-н уйғунлаштирган ёзувчи. "Қумдаги аёл" (1962), "Бегона қиёфа" (1964), "Ёқиб юборилган харита" (1967) романларида ахлоқий масалалар кўтарилган. Фантастик романлари орқали дунёга машҳур бўлган. А.нинг "Одам – қути" (1973), "Сакура" (1984) шу типдаги асарлардан. Сатирик йўналишдаги пьесалар муаллифи. "Ур тўқмоққа айланган эркак" (1960) драмаси кўплаб театрларда саҳналаштирилган.

АБҲАР (арабча: ابهر – наргис) – гул номи: бўтакўз, хушбўй гул, муаттар ис таратувчи ўсимлик.

Урди нафас нафҳаи анбар насим,
Етти варақ сафҳаи абҳар шамим.

(Алишер Навоий, Ҳайрату-л-аброр, 48).

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.26.

АБҲАРИЙ, Муаммад (в.1274) – тўлиқ исми: Муҳаммад б. Аҳмад Абу Абдуллоҳ Абҳарий. Қазвин (Эрон) яқинидаги Абҳар қишлоғида туғилган. Фиқҳ олими ва ш. козиси бўлган. "Кофияту-н-нуҳуз фи масоили аруз" ("Аруз масалалари ҳақидаги камолотнинг етарли даражаси"), "Лавомиъу-л-масоил фи масолиъи-р-расоил" ("Рисолалар келиб чикиши ҳақидаги масалаларнинг ёркин лавҳалари") асарларининг муал.и.

- Китоби кашфу-з-зунун. 6-ж. Б.131; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашр., 2007. Б.14–15.

АВА (в.1127) – таниқли олмон шоираси. Диний мавзудаги шеърий туркумлар муал.и. Асарлари: "Исонинг ҳаёти", "Мукаддас Руҳнинг неъмати", "Антихрист ақида", "Қиёмат куни ҳақида". Унинг асарларида насронийлик мифологияси акс этган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.34.

АВАДАНА (санскритча: *ривоят,* ҳикоят) [диний ад-т] – ҳинд буддавийлик ад-тининг жанрларидан бири. Буддавийлик динидаги авлиёлар ва фозилларнинг ҳаёт йўли, кураши ва сифатларини баён қилувчи ахлоқий асарлар шу жанрда ёзилган. А. ахлоқий низом бўлиб, савоб ишлар учун бериладиган мукофотлар ва гуноҳ ишлар учун белгиланган жазолар ҳам унда акс этган. А. Будда номидан ривоят қилади. Айрим А.лар буддавийлик қоидалари китоблари бўлган "Винаяпитака" ва "Суттапитака" таркибига

киради. Буддавийлик тарихида кўплаб А.лар жамланган. "Аваданашатака" ("Юз авадана тўплами") ва "Дивйавадана" ("Илоҳий аваданалар") А.нинг кид. намунаси саналади.

- *Ольденбург С.Ф.* Буддийские легенды, ч.1. СПб., 1894.

АВАДДОН (яҳудийча: ўлдирувчи) [мифология] – яҳудий мифларида яширин ва изсиз йўкола оладиган чуқурлик, майитлар учун қабр. Тимсол сифатида ўлим фариштасини эслатади. Насроний мифологиясига кўра, азият чекувчилар ҳомийси, инсониятга қарши ўч олиш учун яратилган махлуқ. Айрим манбаларда юнон мифларидаги Аполлионга яқин талқин қилинади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АВАЗ МИРОБ – Шермуҳаммад Мунисниng отаси. "Фирдавсу-л-иқбол" асарида шундай маълумот бор: "Фақирнинг отаси амири олийжаноб мағфиратмаоб Аваз бий мироб..." Шоир Мунис отаси Аваз мироб вафотига атаб беш байтли таърих-ғазал ёзган. Унинг мақтаи шундай:

Дедики бир хирадга бу на шўриш, айт тарихин,
Деди Мунис фиғон қилдиким, эрур сўг Аваз мироб.

- *Лаффасий.* Тазкираи шуаро. Урганч, 1992. Б.6-7; *Мунис ва Огаҳий.* Фирдавсу-л-иқбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б. 26, 150.

АВАЗ ЎТАР ўғли (1884/15.VIII–1919) – ўзбек маърифатпарвар шоири. Хивада Полвонниёз Ўтар Гадойниёз ўғли оиласида туғилган. Инокий мадрасасида таълим олган, 14 ёшидан шеър ёза бошлаган, 18 ёшида шоир бўлиб танилган. Ахмад Табибийнинг шогирди. Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) саройида хизмат қилган, бирок турли бўҳтонлар сабаб саройдан кетган.

Шеърлари "Ойина", "Вақт", "Мулла Насриддин" журн.ларида чоп қилинган, кейинрок "Саодату-л-иқбол" ва "Девони Аваз"га жамланган, унга ғазал, мухаммас, маснавий, мустаҳзод, рубоий, китъа каби жанрлардаги асарлар киритилган. Машҳур шеърлари: "Тил", "Мактаб", "Фидойи халқим", "Сипоҳи пора истар..." мактаб дарсликларига киритилган. "Фалоний" туркумида шеърлар битган.

35 ёшида вафот этган. Қабри Хивадаги шоирлар хиёбонида. А. Завалудининг 100 й. муносабати б-н Ичан қалъа (Хива)да мемориал музей очилган.

- *Аваз.* Избр. произведения. Т., 1951; Танл. асарлар. Т., 1956; Девон. Т., 1976; Сайланма. Т., 1984.
- *Юсупов Ю.* Аваз. Адабий-биографик очерк. Т., 1954; *Мирзаев В.* Аваз Ўтар ўғли. Т., 1961; Каримов Ғ. Ўзбек ад-ти тарихи. 3-ж. Т., 1966; *Кор-оглы Х.Г.* Узбекская лит-ра. М., 1968; *Айёмий.* Ўт чақнаган сатрлар. Т., 1983; *Юлдашева М.* Аваз шеъриятида анъана ва махорат. НДА. Т., 2006; *Қобулов Н., Муминова В., Ҳаққулов И.* Аваз ва унинг адабий мухити. Т., 1987.

АВАЗ ҒОЗИЙ – ўзбекхонлар сулоласи вакили Абдуллоххоннинг тахаллуси Бу ҳақда Содиқ Китобдор "Мажмаъ ул-хавас" тазкирасида "Абдуллоххон Ўзбек Ўзбекия подшоҳларининг ашжаъи ва улуғ хонларнинг акрамидур Туркий ва форсий назмда яхши борур. *Аваз Ғозий* тахаллус қилур" деб унинг

То телбалигим шуҳрати оламни тутупдур,
Андин бирав Мажнун сўзини эл унутупдур.
Новаклари мендин кечип ағёрга декди,
Жоним билур ул дамки, нелар мендин ўтупдур.
Бечора Аваз Ғозий нетиб васлига етсун,
Ҳижрон ўти чун нахли умидин қурутипдур.
Фарҳод ила Мажнун не билур ишқ фунунин,
Бу водийда шогирдим уларни ўқутупдур.
Қароқчилаб тўкодур қон қаро ичинда кишунг,
Қилич қиличга урар қон тўкканда кўз қоқишинг

ғазалини келтирган.

АВАЗБИЙ Инок ибн Муҳаммадамин (1782–1804) – Хива хони (1790 й.дан) Маданий иншоотлар қурилишига аҳамият қаратган. Хивадаги Жума масжидини қайта қурдирган (1789).

"АВАЗХОН" – ўзбек халқ достонларидан, "Гўрўғли" туркумига кирад Достон Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан куйланган ва унинг т.дан ёзиб олинган. Достоннинг бош қаҳрамони Авазхон. Ушбу мавзусидаги "Гулқизой", "Интизор", "Малика айёр", "Машрико", "Зулфизар", "Бўтакўз", "Қундуз б-н Юлдуз", "Сарвиноз", "Балогардон", "Авазнинг арази" достонларида ҳам иштирок этган. Достонда Чамбил юртига садоқатли, ў ватани ҳимояси учун тайёр турган қаҳрамон сифатида улуғланади.

АВАЛЛОН (ирландча: олма) [мифология] – кельт мифларига кўра "сеҳрли орол", нариги дунё. Рамзий маънода шиша қасрда гўзал аёллар барҳаётлик олмасини улашар эмиш. Дастлаб А. сўзи исм маъносида келган. Ўрта аср ирланд матнларида "абблах" нисбаси бўлиб, Лер ўғли Мананнан оролларини англатган. XII аср манбаларига кўра мана шу оролда машҳур қирол Артур яраланган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АВАЛОКИТЕШВАРА (санскритча: изтироб) [мифология] – Будда мифологиясидаги маъбудлардан бири, Изтироб рамзи. А. сўзини турлича тарж. қилишган: қуйига қаровчи маъбуд (1), кўринган ҳазрат (2), нигоҳ ёки назар маъбуди (3); товушларни кузатувчи (4) каби. Марказий Осиёдаги қадимги манбаларда А. сўнгги талқинда, яъни буддавийликка оид хитой манбалари тарж.ларида *Гуан-ин* ёки *Гуан-ши-ин* тарзида учрайди. Бу тимсолни шомон мадҳ (гимн)ларида А. универсал кутқарувчи маъносида

келиб, изтироб чеккан ёки муҳтож бўлиб уни чорлаганларни 32 хавфдан халос қилади. А. ҳиндларда Браҳма, Ганеша, Вишну, Шива ролини бажаради. Сунгги "Карандавьюхасутре"да Яратувчи (Худо) культи ўрнида келади. У рангтасвирда турлича тасвирланган: Ҳинд шаҳзодаси, қўлида гул тутган эркак, тўтр қўлли ёки минг қўлли қилиб. Айрим суратларда аёл киёфасида ҳам келган.

• Encyclopaedia of Buddhism, v.2. fasc.3. Ceylon, 1967, pp.407-425; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23-24.

АВАНГАРД – қ.: Авангардизм.

АВАНГАРДИЗМ (франц. avant – *илгор,* garde *қўшин*) – янги ижодий тажриба йўналиши, мактаби ва концепциясига нисбатан қўлланувчи адабий оқимнинг шартли истилоҳи. Бадиий тафаккур типи ва борлиқни акс эттириш усули бўлиб, XIX аср охирларида Т.Дюре томонидан сиёсий ҳаётдан адабий танқидга кўчирилган (Париж, 1885). Ад-тда янгилик ахтарувчи, барча экспериментал тажрибаларни умумлаштирувчи оқимдир. Реалистик тасвир усулидан чекиниб, бошқа шартли шакллар изловчи оқим сифатида кўзга ташланган. А. дастлаб футуризм, экспрессионизм, сюрреализм, дадаизм, поп-арт, оп-арт ва бошқа адабий оқимларни ўзида бирлаштирган. Тасвирнинг классик нормаларидан чекиниш, бадиий асардаги сюжет тугалланганлигига эътибор қаратмаслик, субъективизм ва шаклнинг бошқа тасвирий усулларига берилиш бу оқимга хос хусусият. А. намояндалари анъанавий тасвир воситаларининг муқобил вариантларини ахтарганлар. Нафақат анъанавийликка, балки модерн ад-тга ҳам қарама-қарши қанликларини очик ифода қилганлар. Авангард санъатига хос романтик мифология ҳам мавжуд. Айрим ҳолларда нафақат романтик, балки ижод жараёнига нисбатан илоҳий деб қараш етакчилик қилади, ўз асарларида предметлар оламини эмас, балки рухлар оламини акс эттиришга интилиш кузатилади. Буни рус авангард рассоми Л.Попова: "Реал борликнинг шаклидан муал. назарда тутган мавҳум бадиий шакллар оламига юз буриш" деб тушунтиради. А.да метод, йўналиш, оқим тушунчалари ўз моҳиятини йўкотиб, "янги тажрибалар дастгоҳи учун материаллар изланган". В.Кандинскийнинг фикрича, "санъатни ҳаёт мазмуни сифатида қабул қилиб, синтез асарини яратмоқ мақсад қилинган". "Кумуш аср" (XX аср бошлари) деб ҳисобланган даврдаги идеаллар ўз моҳиятини ўзгартирган. Конструктив, технологик жараёнларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳиссиёт қатъий ҳисоб-китоб б-н алмашинган, бадиий образга эстетик конструкция (қурилма) деб қараш А.га хос хусусиятдир.

Рус файласуфи ва диншуноси С.Булгаков: "Ижод руҳоний қиммат касб этади... Нигилизм эса ижоднинг бу жиҳатини инкор қилади" дейиш б-н А.даги ўтмиш ад-тига нисбатан айрим нигилистик қарашларни инкор қилган. А. тасвирий санъатдаги айрим тушунчаларнинг ўзгаришига сабаб бўлган, уларнинг талкинича, иллюзионизм (тахайюлот) ўрнига "визионизм" (visionis

– кўрмоқ)ни шакллантириш керак, яъни мавжуд идеаллар б-н эмас, муал. дунёни қандай кўрса, шундай акс эттирмоқ керак, деган хулосага келинган. М.Шагал, К.Малевич, В.Кандинский чизган суратларга нисбатан ҳам А. истилохи қўлланилган. Рус санъатшунослигида А.Бенуа биринчи бўлиб А.ни ёқлаган (1910) ва П.Кузнецов, М.Ларионов, Г.Якулов асарларига шу нуқтаи назардан баҳо берган. В.Маяковскийнинг рус шеъриятидаги, Сальвадор Далининг рассомчиликдаги ижодий изланишлари А. шиори остида кечган. Икки жаҳон уруши оралиғида (1918–1941) фаол ҳаракатда бўлган. А.га мойил адиблар сифатида П.Элюар (Франция), Б.Брехт, И.Бехер (Германия), Д.Ривера (Мексика) т.га олинади. II жаҳон урушидан сўнг "абсурд драма", "янги роман", "конкрет поэзия" сингари оқимлар А.дан ўсиб чиққан. XX аср 60–70–й.ларига келиб, *неоавангард, поставангард ва трансавангард* каби тушунчалар пайдо бўлди. П.Верлен, А.Рембо, С.Малларме; драматург А.Роб-Грие, М.Бютор ва романнавис Н.Саррот А. га мансуб шоирлар сифатида баҳоланади.

"Авангард" номи б-н 1918 й. француз киносида янги оқим вужудга келган. Реж. Л.Деллюк раҳбарлигида А.Ганс, Ж.Дюлак, М.Л'Эрбье, Ж.Эпштейн каби киночилар тижорат киносига қарши киносанъатнинг юксак тамойилларини ишлаб чиққанлар.

• *Маца И.* Проблемы художественной культуры XX века. М.,1969; Неоавангардистские течения в зарубежной лит-ре 1950-60 гг. (Сб. стат.) М., 1972; *Kramer H.* The Age of the Avant-garde. New York, 1973; *Дорошевич А.Н.* Авангардизм / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9; *Cuddon, J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Сахно И.М.* Русский авангард: Живописная теория и поэтическая практика. М., 1999; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.9; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.17-23; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб,: Паритет, 2006. Б.10; *Русова Н.Ю.* От Аллегории до Ямба: терминологический словарь-тезаурус по литературоведению. М.: Флинта-Наука, 2004. С.29; Фалсафа. Қомусий лугат. Тузувчи ва мас. мухар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ НМАК, 2004. Б.8; *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Ад-тшунослик луғати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.5.

АВАНСЦЕНА (фр. avant – аввал, олдинги) – театр саҳнасининг томошабинларга якин қисми, парда билан оркестр оралиғи. Актёр А.га чиққанда кўпинча монолог айтиши ёки ўйларини ифода қилиши мумкин. Айрим томошаларда бевосита томошабинган мурожаат қилиш учун ҳам А.га чиқилади.

АВАНТЕКСТ (французча: avant – аввал, тескст – матн) [матншунослик ва манбашунослик] – муаллий матни бўлиб, ўз таркибига матннинг нашрига кадар кечган қоралама нусха, барча вариантлар, ёзувчи кундаликлари ва асарнинг режаси, муал. ниятини ўз ичига олади. Бу манбалар матншунос учун муҳим тадқиқ объекти ҳисобланади. 1972 г. Жан Беллемен-Ноэл томонидан генетик танқид ва матншуносликка янгича талқинда киритилган,

яъни А. сунгги матннинг ёзма манбалари, асарнинг ёзувчи томонидан тайёрланган тугал варианти. Е.Дмитриева: «А. қулёзмалар туплами эмас, балки муал.нинг ўша матнни яратишдаги мантиқий тизимидир" деб ёзган. А. матн яратилгунга қадар кечган жараёнларни ўзида акс эттирадиган материаллар бўлиб, у муал.нинг ижодий лабораторияси ҳақида маълумот олувчи манба ҳисобланади.

- Генетическая критика во Франции. Антология. (отв. ред. Е.Е. Дмитриева). М.: ОГИ, 1999; *Jean Bellemin-Noel.* Le Texte et l'Avant-texte. Paris. 1972; Ж. Беллемен-Ноэль. *Дмитриева Е.Е.* Воссоздать рукопись, описать черновики, составить авантекст / Генетическая критика во Франции. Антология. М., 1999, С.98–114; *Козьменко М.* Проблема «гипер-авантекста» / Текстологический временник. Русская лит-ра XX в.: Вопросы текстологии и источниковедения. М.: ИМЛИ РАН, 2009; *Биази де П.М.* К науке о лит-ре: Анализ рукописей и генезис произведения // Генетическая критика во Франции. Diccionario de la lengua española – 22 ed. Madrid, Real academia española 2001; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.8-10.

АВАНТИТУЛ (французча: avant – аввал, лотинча: titulus – сарлавҳа) – матннинг биринчи саҳифаси. А.да нашр ҳақида муҳим маълумотлар: муал. исми, шарифи (тахаллуси), китоб номи, нашриёт номи ва белгиси акс этади. А.дан кейин одатдаги титул варағи келади. А. икки варақли титулнинг биринчисидир.

- *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.10.

АВАНТЮР (французча: aventure – саргузашт) – сюжети таркибида саргузашт воқеаларига кенг ўрин берилган асарлар, уларнинг эстетик сифати ва қаҳрамонларнинг кескин ва тасодифий ҳаракатлари б-н боғлиқ муносабатлар доираси. А. жанрий йўналиш касб этиши мумкин (А. роман), сюжет типи сифатида қаралиши мумкин (А. сюжет), қаҳрамон хусусияти бўлиб келиши мумкин (А. қаҳрамон), архетипик тафаккур бўлиши ҳам (А. тафаккур) мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда, унинг турли муносабатларига доир сўз бирикмалари ҳосил қилинган.

- *Klotz V.* Abenteuer-Romane. München, 1979; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энцкий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10.

~ ***вақт*** – саргузашт, сайёр вақт. Мил. II–VI асрларида яратилган юнон насрий асарларида воқеалар айнан ўхшаш мавзулардан таркиб топади ва унинг давомида ҳеч қандай биологик ўзгариш кузатилмайди, яъни асар бошида қаҳрамонлар неча ёшда бўлишса, асар охирида ҳам ана шундай навқирон ҳолда қолаверади. Воқеа давомида ўтган куну тунлар, соату дақиқалар ҳисобга киргизилган юнон романларида барча воқеалар на тарихий вақтга ва на биографик вақтга тўғри келади. Бундай бўм-бўш вақт ўзидан кейин из ҳам қолдирмайди ва ад-тшуносликда *авантюр,* яъни таваккал вақт деб юритилади. Бундай вақтдаги тасвирда воқеаларнинг кўпи тасодифий ҳолатларда содир бўлади, қаҳрамонлар тасодифан учрашиб қолишади, тасодифан душманлар ёвузлик қилишади (ёки ёв тўсатдан ҳужум

бошлайди) ва тасодифан омад кулиб боқади. Бу тасодифлар жуда ҳам тез, бирин-кетин юз беради: бир кунда, бир соатда, ҳатто бир пайтнинг ўзида шундай бўлиши мумкин. А.в.да инсониятнинг куну туни ҳосил бўлмайди, шунинг учун ўзидан кейин астрономик из қолдирмаган вақт, канча бўлмасин, давом этаверади.

- Ритм, пространство и время в лит-ре и искусстве. Л.: Наука, 1974; *Гуревич А.Я.* Средневековый хронотоп / Категории средневековой культуры. М., 1984; *Есин А.Б.* Время и пространство / Введение в лит-ведение. Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.47-62.

~ ***роман*** – саргузашт роман. Тасодифий ва кутилмаган ҳодисаларни кетма-кет тасвирловчи, қаҳрамонлар ҳаракатида афсонавийлик етакчилик қилувчи роман. Ўрта асрлар Ғарбий Европадаги рицарлик романлари, савдогарлар сафари ва саёҳатномаларни ўзида акс эттирган, уйдирма сюжетлар асосига қурилган романлар. Болгар адиби ва олими Б.Райнов Л. роман биографиясини Ч.Диккенснинг "Оливер Твистнинг саргузашлари"дан бошлайди. Мутахассислар унинг "Инспектор ва тун" (1964), "Ўтмишдан қайтган инсон" (1966), "Бразилия куйлари" (1969) асарларини шундай романлар таркибига киритадилар.

- *Klotz V.* Abenteuer-Romane. Munchen, 1979; *Райнов Б.* Черный роман (пер. с болгарск.) М.: Прогресс, 1975.

~ ***сюжет*** – Саргузашт асарлар сюжети, вокеалар бири иккинчисидан келиб чиқадиган ва бир-бирини тақозо қиладиган сюжет. Бу сюжет типини Ф.М.Достоевский романларида кузатган М.М.Бахтин ёзади: "Достоевскийда сюжет қандайдир тугалланганлик функциясидан озод бўлиб, унинг мақсади инсонни турли хил ҳолатларга солиш, уни очиб кўрсатиш, одамларни ўзаро мулоқотга суриш ва булар сюжет рамкаси доирасида қолиб кетмайдилар, кўпинча, ундан ташқарига чиқадилар. Ҳақиқий алоқалар оддий сюжет тугаб, ўзининг хизмат вазифасини бажаргандан кейин бошланади".

- *Klotz V.* Abenteuer-Romane. Munchen, 1979; *Бахтин М.М.* Функции авантюрного сюжета в произведениях Ф.Достоевского / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986; *Cuddon, J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory London: Penguin Books, 1991.

АВАРЛАР – Қора денгиз бўйида ва Кубан вилоятида яшаган халқлар. Л. Турк хоқонлиги даврида тунгутлар (Истами хоқон)дан енгилгани ҳақида манбаларда маълумот бор. Феофилакт Симокатта, Менандр, Иоанн Эфесли асарларида ва Фредегар хроникаси "Картлис Цховребе"да ёзилишича, Л. Марказий Осиёдан келиб, Ғарбий турк хоқонлигининг асосини ташкил қилган. 561–571 й.ларда Баянхон раҳбарлигида мустақил давлат тузилган. Р.Ҳамзатовнинг ёзишича, бу давлат 628 й.га қадар давом этган. Сунгра Паннонияда Аварлар хоқонлиги барпо этилган. XII–XIX асрларда Л. хонлиги (пойтахти Хунзах ш.) бўлган. Уммахон даврида (в.1634) йирик марказлашган давлатга айланган. XVIII асрда кучли хонлик саналгани учун

Грузия, Дарбанд подшоҳликлари унга хирож тўлашган. 1803 й. Русия томонидан босиб олинган. 1843–59 йй.да Имом Шомил томонида–н озод этилиб, *Шомил имомати* деб юритилган. Русия истилоси кучайиб, 1984 й.дан Россия таркибига кирган. Улуғ рус адиби Л.Н.Толстойнинг "Ҳожи Мурот" қиссаси мана шу тарих саҳифаларидан ҳикоя қилади.

- *Бернштам А.Н.* Очерк истории гуннов. Л., 1951; *Магомедов Р.М.* История Дагестана. Махачкала, 1961; *Абуший Ҳ.А.* Аварлар / Туркий қавмлар тарихи. Т.: Чўлпон, 1992; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиқлол, 2008. Б.26-27.

АВАР АДАБИЁТИ – Доғистонда яшовчи туркий халқлардан авар миллатига мансуб халқнинг ад-ти, авар т.да битилган оғзаки ад-т намуналаридан "Нодиршоҳ б-н уруш", "Хочбар ҳақида қўшиқ", "Бахтика" каби қаҳрамонлик қўшиқлари бор. Авар т.да ёзилган дастлабки асарлар XV–XVIII асрларга мансуб бўлиб, араб ёзувида битилган. XIX аср охири XX аср бошида Тожиддин (Чанка) ва Маҳмуд шеърияти халқ орасида машҳур бўлган. XX асрда Ҳамзат Цадаса (1877–1951)нинг шеърлари, сатирик асарлари А. юксалишига сабаб бўлган. Шу асрнинг 20–30-йилларида наср ва драматургия шаклланган. Г.Цадаса, З.Гажиев асарларида авар ад-ти ўзини намойиш қилган. Замонавий авар ад-ти М.Муҳамедовнинг роман ва қиссаларида, Ф.Алиева шеъриятида акс этган. Расул Ҳамзатов (1923 й.т.)нинг ижоди авар ад-тининг юксак чўққисидир. Шоир шеърлари рус, ўзбек в.б. т.ларга тарж. қилинган. Унинг «Туғилган йилим", "Юксак юлдузлар", "Менинг қалбим тоғларда", "Муҳаббатнома", "Аёллар ороли", "Хаёл ғилдираги" каби ўнлаб шеърий тўпламлари авар ва рус т.ларида чоп этилган. Ўзбек т.да шеърлари, "Доғистоним менинг" эсселар китоби Э.Воҳидов, М.Мирзо, Асрор Муъмин тарж.ларида нашр этилган.

- *Гамзатов Р.* Изб. в 2-х т. М.,1972; Ложувард осмон. XX аср шеърияти: Мирпўлат Мирзо тарж. Т., 2008. Б.136-157.

- *Говоров С.* Аварский театр. Махачкала, 1960; *Магомедов Б.* Очерки аварской дореволюционной лит-ры. Махачкала, 1961; *Казиев Г.К.* Жизнь и слово. Махачкала, 1978; *Алимова Л.Н.* Аварская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9-10.

АВАР ТИЛИ (туркча) – туркий т.ларнинг Олтой-Урал гуруҳига кирувчи т. Кавказда лазгин т. б-н бирга Доғистоннинг асосий мулоқот ва адабий т. Аварлар исломни қабул қилган бўлиб, деҳқончилик, чорвачилик ва узумчилик б-н шуғулланганлар. Авар ёзуви XIX аср иккинчи ярмидан араб ёзуви асосида шаклланган, 1927 й.дан лотин ва 1938 й.дан кирилл ёзувига ўтилган. А.т.да Ҳамзат Цадаса ва Расул Ҳамзат асарлари шуҳрат топган.

- *Жирков Л.И.* Грамматика аварского яз. М., 1924; *Бокарев А.А.* Синтаксис аварского яз. М.-Л., 1949; *Саидов М.* Аварско-русский словарь. М., 1967; *Чикобава А., Церцвадзе И.* Аварский язык, Тб., 1962; *Мадиева Г.И.* Морфология аварского лит-ного языка, Махачкала, 1981; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.9.

АВАРЭ (японча) – [эстетика] япон шеъриятида фаол қўлланилган юкламалар. Улар, асосан, қувонч, ажабланиш, аччиғланиш в.б.ни ифодалаш учун белгиланган. *Манъёсю* матнларида ҳайвонлар ва қушлар овозини бериш учун қўлланилган. Саҳна ижро санъатида улар алоҳида мусиқий клише вазифасини бажарган. Шеърият тараққиёти б-н улар ажабланиш аломатини ифода қилувчи поэтик бирликларга айланган. А. асосида яратилган *моно-но аварэ* япон эстетикасида гўзаллик категорияси сифатида қабул қилинган. Хэйан даврида японлар поэтик тафаккурининг тамойилига айланган. Ижодкордан ҳар бир ҳодиса ва ҳолатга мос ифода воситаси, яъни А. талаб қилинади.

• Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.5,132.

АВАТАРА (санскритча: пастга тушиш) – [мифология] қад. ҳиндуизм динида олий маъбуд Вишнунинг ер юзига ғоҳ Кришна, ғоҳ Рама, ғоҳ бошқа киёфаларда қайтиши. “Маҳабхорот”, “Рамаяна” эпосларида 10 хил талқинда баён қилинган: балиқ, тошбақа, вепра, одам-арслон, карлик, қўлида болта тутган Рама, Кришна, Будда ва оқ от шаклларида Ерга қайтиши мумкин.

• Шарқ фалсафаси. *Низомиддинов Н.Ғ.* Жанубий, Жануби-шарқий ва шарқий Осиё халқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.24-25.

АВВАБИН (арабча) [диншунослик] – шом ва хуфтон намозлари орасида ўқиладиган намоз. Олти ракаатдан иборат. Абу Ҳурайра Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: “Ким суҳбатлашмай 6 ракаат намозни шомдан кейин ўқиса, ўн икки йил ибодат қилган б-н тенг бўлади». Бундай намоз ўқувчи *аввабун* деб юритилади. А.да қилган гуноҳлари учун узрхохлик қилинади. Бу ҳақда Қуръони каримнинг 56 сура 48 ояти каримасида айтилган.

А. намози ҳақида Ҳофиз Ирокий шундай ривоят қиладилар: “Бу намозни Абдулла ибн Маъсуд, Абдуллоҳ ибн Умар, Салмон Форсий, Абдуллоҳ ибн Амр, Анас ибн Малик ўқиганлар”. А. Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларидан саналган.

• *Юсуф Хаттар Мухаммад.* Энц-я суфизма. М.: Ансар, 2005. С.444-445.

АВВАКУМ (яҳудийча: Хабаккук) [диншунослик] – яҳудий динидаги кичик пайғамбарлардан тартиб бўйича саккизинчи набий. А. китоби уч бобдан иборат, унда А. саволларига Яратганнинг жавоблари баён қилинган. Бу китобнинг таълиф даври турлича кўрсатилади. Аниқроғи, иудей ҳукмдори Езекий (720–692) даврида битилган деган тахмин бор. А. шарафига православ черковида ҳар йили 2 (15) декабрда ибодат маросими ўтказилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.34-36.

АВВАЛИ ИЛМ [диншунослик] – диний мадраса тизимида ўрганиладиган фанлардан. Фитратнинг "Мунозара" асарида Бухоро мадрасаларида ўқитилган фанлардан бири экани айтилиб, таълимнинг биринчи й.да таҳсилга киришилиши баён қилинган. Айрим манбаларда "Илми аввал ёхуд Бидон" (Бил!) деб номланади. С.Айний ва М.Муҳаммаджоновнинг ёзишича, "Бидон" мадраса таҳсилидан аввал ўқитилган. Демак, мактабларнинг ўрнида мадраса таълимининг эса, бошланишида ўқитилиши лозим бўлган фан. Бунда савол-жавоб тарзида диний билим асослари ўргатилади.

• *Фитрат.* Мунозара... / Асарлар. 1-ж. Т.: Маънавият, 2000; *Муҳаммаджонов М.* Турмуш уринишлари (бир муллабаччанинг хотира дафтари). Т., 1926. Б.6; *Айни С.* Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. М., 1922.

АВГИЙ (юнонча: Augeas) [мифология] – юнон мифларида Элида подшоҳи, маъбуд Гелиос (айрим вариантларда Посейдон, Эпей, Форбант)нинг ўғли. Мифга кўра, жуда кўп отлар уюрини боқарган, Геракл унинг отхонасини тозалаш учун Алфей дарёсини отхона томон буриб юборган экан. Бу Гераклни машҳур қилган 12 қаҳрамонликнинг бири сифатида ад-тларда тилга олинади. А.отхонаси кўчма маънода бад. ад-тда тартибсизлик, *антархия* маъносида қўлланилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.10; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.25.

АВГУСТ (лотинча: augustus – илоҳий) – ой номи. Император *Октавиан Август* шарафига номланган. Юлий (Цезар) ва Григориан таквими бўйича йилнинг саккизинчи ойи. Римда таквим Юлий Цезар ислоҳотига қадар март ойидан бошланган бўлиб, йилнинг иккинчи ойи А. тўғри келар эди. Ҳисоб бўйича 30 кунли олтинчи ой бўлгани учун *секстилис* деб аталган А. император томонидан Юлий (Июл) ойидан кам бўлмаслиги учун феврал ойининг бир куни олиниб, Аюга қўшилган. Натижада Юлий ойи ҳам, А. ойи ҳам энг катта ойлардан, яъни 31 кундан қилиб белгиланган. Дунё таквимида мана шу ислоҳотлар сақланган.

АВГУСТ, Октавиан (м.а.63–м.14) – Биринчи Рим императори, мил. 27 й.га қадар Римни бошқарган. Гай Октавийнинг ўғли, Юлий Цезарнинг жияни. Цезардан сўнг Антоний тахтни эгаллагандан кейин пойтахтга келиб, дастлаб унга хизмат қилган. Юртнинг учдан бир қисмини бошқарган ва ҳокимиятни эгаллаган. Бошқарувнинг янги шакли – принципатни жорий қилган, армияда тартиб ўрнатган. Унинг ҳукмронлиги даврида Испания, Паннония, Далмация, Иллирия ва Германия забт этилган. Манбаларда "А. ғиштин Римни мармар Римга айлантирди" дейилган. А. даврида Рим ад-ти юксакликка эришган ва "олтин аср" баҳосини олишида Вергилий, Гораций, Овидий, Трибулл, Проперций, Тит Ливий ижоди муҳим ўрин тутади.

А.дан сўнг Рим императорларига А. нисбаси қўшиб айтилган, императорлик белгиси ёки А. сулоласининг вакили тарзида қабул қилинган. Мас., Фридрих *Август* каби.

• *Машкин Н.А.* Принципат Августа (библ.). М., 1949; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.49-55; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.10; *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.125

АВГУСТИН, Аврелий (Блаженний, 354–430) – файласуф, насроний дини илоҳиётчиси. Ёшликда монийлик, неоплатонизм б-н машғул бўлган. Асосий асарлари автобиографик характерда. Улар: "Тавба" (400), "Илоҳий ш ҳақида" (413–427). А. қарашига кўра борлиқ Худо томонидан яратилган бўлса-да, у бир хил эмас. Турли мақомдаги мавжудотлар поғоналаридан ташкил топган. Инсон кичик олам (олами сағир), яъни микрокосмос бўлиб ўзида моддий жисм табиатини бирлаштирган. Руҳ абадий бўлиб, у моддийлик касб этмайди. Руҳ мустақил субстанция – жавҳар сифатида у хосса ҳам, жисм ҳам эмас. Руҳ биологик функциялардан холи бўлиб, унинг баркамоллиги Худога яқинлигидан. Руҳий ҳаётнинг асосини ирода ташкил этади. Инсон моҳияти унинг ақли б-н эмас, руҳияти б-н белгиланади.

А. эстетик қарашлари диний асосга қурилган. Унингча, "эркин санъат"дан ҳаловат топиб бўлмайди. Ягона эрксевар ад-т бу Инжилдир. А. назарида эркин санъат тарафдорлари бу эркин кишилар эмас, балки қуллардир. Инжилгина инсоният онгидаги кераксиз мифларни фақат Инжилгина суриб чиқариши, унинг ўрнига ҳақиқий таълимот бериши мумкин. Санъатдаги ёлғон ҳаётдаги ҳақиқий ёлғон эмас. Ёлғон икки хил бўлиб, биринчиси, табиат томонидан кишиларнинг алданиши ва иккинчиси, тирик жонзотлар томонидан амалга ошириладиган ёлғон. Ёлғоннинг бу тури ҳам икки хил бўлиб, амалий ва қасддан амалга оширилган ёлғон ва истироҳат мақсадида буладиган ёлғон. Ёлғоннинг сўнгги турига А. поэзия, комедия, юмор, пантомимани киритган. А. қарашлари М.Конфессор, Кассиодор, Алкин, Боэций томонидан давом эттирилган.

♦ *Августин А.* Богословские труды. Т.19. М., 1978.

• *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с анғл. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.125,141-145; *Бычков В.А.* Эстетика А.М.Аврелия, 1984; *Уколова В.И.* Философия истории А.Аврелия / Религии мира. М., 1986; *Аверинцев С.С.* А.Августин / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.8-9; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.38-48; Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва мас. муҳ. Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.8-9.

АВДИЙ (Овадий, м.а. IX) [диншунослик, мифология] – яҳудийлик динининг пайғамбарларидан. "Библия"даги *12 кичик пайғамбар*нинг тўртинчиси. Айрим манбаларда "Юқори Ахд" китобларидан биринчи муаллифи деб ҳам қаралади.Авдий китоби бир бобдан иборат бўлиб, унда *Иеремий китоби*нинг мазмуни қайтарилади. Йилнинг 19 ноябри пайғамбар А. куни деб, унинг шарафига ибодат маросими ўтказилган.

Улуғ адиб Ч.Айтматов "Қиёмат" романининг бош қаҳрамони А.Каллистратов номини мана шу А. пайғамбар қисматида олган.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АВЕЗОВ, Мухтор Умархон ўғли (1897/16.IX–1961/27.VI) – қозоқ адиби, олими ва жамоат арбоби. Қозоғистоннинг Чингиз қишлоғида туғилган. Бобоси Аваз оға Абайнинг дўсти ва қардоши бўлган. 1928 й. Ленинград ун-тини тугатган, САГУ (Ўрта Осиё ун-ти, ҳозирги ЎзМУ) аспирантурасида таҳсил олган. Қозоғистон ФА академиги (1946).

1917 й.дан асарлари чоп этила бошлаган. Абдулла Қодирий романларидан таъсирланган. 1920–30 й.ларда Т.да қозоқ тилида нашр этилган адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий «Чўлпон» журнали б-н ҳамкорлик қилган. А. Тошкентдалиги вақтида ушбу журн.да унинг «Кундошлар» пьесаси, ҳикоялари ва бир қанча мақолалари босилган. "Енлик Кебек" (1926, янги таҳрирда 1957) драмаси унга шуҳрат келтирган. "Қараш-караш" (1927), "Елкама-елка" (1933), "Излар" (1935), "Бургут б-н ов" (1937) қиссалари, "Тортис" ("Кураш", 1935), "Оқ қайин" (1938), "Кобланди" (1945) драмалари муал.и. "Абай йўли" эпопеяси (1942–56) қозоқ романчилигининг сара асарларидан саналади. Романда улуғ адиб Абай ҳаёти ва ижодий йўли XIX аср қозоқ ҳаёти б-н боғлиқликда кўрсатилган. Роман бош қаҳрамони Абай ватанпарвар адиб, улуғ мутафаккир ва гуманист шоир сифатида тасвирланган. "Равнақ" (рус т.да "Ёшлар машъали") тугалланмаган эпопеясининг биринчи китоби (1962), "Зўр синов" романи вафотидан кейин чоп қилинган. Публицистик асарлари: "Туркистон шундай туғилган" (1956), "Ҳиндистон очерклари" (1955). А. ад-тшунос сифатида Абай ҳақида ўнлаб тадқиқот ва мақолалар ёзган, "Қозоқ совет ад-ти тарихи" (1958, 60)нинг асосий муал.ларидан. Халқ оғзаки ижоди намуналари "Эр Тарғин", "Алпомиш", "Манас" достонлари юзасидан тадқиқотлари бор. М.А.нинг "Абай йўли" эпопеяси Зумрат (Орифжонова) тарж.да ўзбек т.да нашр қилинган.

- Ауэзов М. Тандамалы шығармалар, т.1-6. Алматы, 1955-57; Шығармалар 12 т., т.1-9. Алматы, 1967-69; Абай, т.1-2. М., 1958; Мысли разных лет. Исследования, тексты. Алматы, 1961.
- *Кедрина З.* Мухтар Ауэзов. М., 1951; *Каратаев М.* Мухтар Ауэзов. Записки о творчестве. Алматы, 1958; *Нурқатов А.* Мухтар Ауэзов творчествосы. Алматы, 1965.

АВЕЛ [мифология] – Инжил мифологиясидаги персонажлардан бири. "Таврот" таълимотига кўра, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг иккинчи ўғли. Қуръони каримда Ҳобил номи б-н келади. Уни биродари Каин (Қобил) ўлдирган. Ислом манбаларида Ҳобил номи б-н келади. Ўз акаси Каин (Қобил) томонидан ўлдирилган. А. иудей ва насроний адабий манбаларида бегуноҳ қурбон рамзи бўлиб қўлланилади. Янги Аҳд китобида азобга дучор бўлган биринчи одам, ноҳақ ўлдирилганларнинг ҳам дастлабкиси. Айрим диний-адабий манбаларда Исо а.с.нинг прообрази қилиб тасвирланган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.25.

АВЕЛЛАЛЛЕМАННИ, Фридрих Христиан Бенедикт (1809–1882) – олмон адиби ва сиёсатшуноси. Любек халқи эркига оид Полоция уставини нашр қилдирган. Олмон т. грамматикаси (1858)ни ёзган. Бир қатор саргузашт романлар муал.и. Берлинда вафот этган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т.. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.59.

АВЕЛЯНИДА, Гертруда-Гомес (1816–1873) – испан адибаси. "Леонсия" драмаси б-н шуҳрат қозонган. "Саб", "Эспатолина" каби новеллалар тўпламларини эълон қилган. Ҳозир ҳам асарлари Мадрид ва в.б. Испания ш.лари театрларида қўйилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991 С.60.

АВЕНАРИУС, Василий Петрович (1839–1923) – публицист ва болалар ёзувчиси. Петербург ун-тини тамомлаган. 1859–60 й.да қувноқ талабалик даври ҳақида шеърлар эълон қилган. Нигилистик ғояларга қарши "Замонавий идиллия" (1865) қиссаси ёшлар орасида шуҳрат топган. "Поветрие" (1867) асарида Чернышевский ва унинг тарафдорларини кескин танқид қилган. Сўнгра ўзини ижодга бағишлаган. "Асалари ҳақида эртак", "Хона нима дейди?" киссалари болалар ад-тини намуналари саналади. "Пушкиннинг ўсмирлик йиллари» (1887), «Гоголнинг болалиги» (1896) в.б. биографик қиссаларини ёзган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991 С.60.

АВЕНАРИУС, Рихард (1843/19.XI–1896/18.VIII) – швейцар файласуфи. Цюрих ун-ти профессори. Эмприкритицизм (махизм) таълимотининг асосчиси, оламнинг асоси ягона руҳ деган қарашни ёқлаган. Асарларида материя ва табиий, руҳий дунё зиддиятлари ҳақида ёзган. Асосий асарлари "Фалсафа кам куч сарфлаш принципи асосида дунё ҳақида ўйлар сифатида» (1876), «Соф тажриба танқиди» (Икки ж., 1888–90), "Оламни инсоний англаш" (1891). Асарларида оламни ҳиссиётга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган, "принципиал координационаллаш" илмига асос солган. Унингча, "Субъектсиз объект (онгсиз материя) йўқ", яъни материя Буюк яратувчининг маҳсули. Ўз яратган кашфиётини эмпириокритицизм (тажриба танқиди) деб атаган. Инсон билимларининг ягона манбаи сезгилардир, деган хулосага келган. Ҳиссий билишга ва дунёни ҳиссий идрок этишга асосланилгани учун унинг қарашлари олмон эстетлари учун ўзига хос тажриба мактаби саналган. А. таълимотига қарши В.И.Ленин "Материализм ва эмпириокритицизм" асарини ёзган.

• Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.9; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.61-64; Фалсафа. Қомусий луғат. Тузу

мас. мухар.: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.9.

АВЕРБАХ (АУЭРБАХ), Эрих (1892–1957) – йирик олмон олими ва ад-тшуноси. "Франция Уйғониш даври новеллаларида маҳорат", "Роман филологиясига кириш", "Антик давр ва ўрта асрларда адабий тил ва халқ нутки" асарлари муал.и. Данте, Монтен, Руссо, Бальзак, Стендал, Флобер, Бодлер, Золя ҳақида илмий-танқидий асарлар ёзган. Истанбулда Арасту «Поэтика»си шарҳланган "Мимесис" асарини битган. Асарда Арастунинг концептуал гояси – ҳаётни табиий ва ҳаққоний тасвирлаш санъатнинг бош масаласи эканини асослаб берган.

- *Авербах Э.* Мимесис. Изображение действительности в западноевропейской лит-ре / Пер. с немец. А.Л.Михайлова. М.: Прогресс, 1976.
- *Фридлендер Г.М.* Авербах и его "Мимесис" / Авербах Э. Мимесис. Изображение действительности в западноевропейской лит-ре (Предисловие). М.: Прогресс, 1976.

АВЕРИНЦЕВ, Сергей Сергеевич (1937–2004) – антик ад-т тадқиқотчиси, маданиятшунос. Россия ФА ҳақиқий аъзоси (2004). Тадқикот объекти сўнгги антик давр, илк насроний ва ўрта асрлар ад-ти тарихидан иборат. 1990 й. собиқ иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлган. "Архетиплар", "Филология", "Символ", "Муаллифлик ва машҳурлик" ("Авторство и авторитет"), "Диний таълимот моҳияти ва маданият шакли", "Сахватли Плутарх қахрамонлар ҳақида сўзлайди ёки биографик жанрдаги бахтли нихоҳ" (Фалсафа ахлоқи)". "Антик маросим идеали ва Уйғониш маданияти", "60-70 – йй. Зиёлиларининг Худога илтижоси", "Адабий даврлар ўзгаришида поэтика категориялари", "Фалсафий тақаккур эволюцияси", "IX—XII асрлар Византия ад-ти" асарлари муаллифи.

- Поэтика древнегреческой лит-ры. М.: Наука, 1986.

АВЕРКИЕВ, Дмитирий Василевич (1836–1905) – таниқли рус драматурги. 1857 й. Петербург ун-тини тамомлаган. "К.Рьянов" имзоси б-н фельетонлар ёзган. Достоевскийнинг "Эпоха" журн.да биринчи пьесаси "Мамаев майдони" чоп этилган. "Аннушка" комедияси, "Кашир қадимияти", "Подшоҳ Пётр ва шаҳзода Алексей", "Римлик Франческо", "Янги бека" сингари драмалар муал.и. Пьесаларида қадимий анъаналарни улуғлаган. 1885-86 йларда «Адиб кундалиги" номи б-н ойлик журнал чоп этган. "Драма ҳақида" (1877-78) туркум мақолаларида Арасту ва Лессингнинг драмага оид қарашларини шарҳлаган. Шекспирнинг "Ҳамлет" асарини рус т.га тарж. қилган.

- *Аверкиев Д.В.* Драмы, т.1-3. СПб., 1906; Повести из старинного быта, т.1-2. СПб., 1898; Повести из современного быта, т.1-3. СПб., 1998.
- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.64-65; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АВЕРРОЭС – Ибн Рушд исмининг лотинлаштирилган шакли. Қ.: Ибн Рушд.

АВЕРРОИЗМ [фалсафа, эстетика] – андалусиялик (испаниялик) ислом алломаси Ибн Рушд (1126–1198) фалсафий қарашлари асосида Ғарбий Европада вужудга келган фалсафий-эстетик таълимот. Париж ун-ти профессори Сигер Брабантский (1240–1284) аверроист (ибнрушдчи) бўлиб, насроний черкови мутасаддилари Бонавентура, Фома Аквинский, Буюк Альбертлар қарашларига қарши А. таълимотини шакллантирди. Сигер Брабандлининг Ибн Рушд фалсафаси асосида яратилган «Оламнинг абадийлиги ҳақида", "Руҳнинг ақллилиги ҳақида" асарларида олам абадийдир, инсоний руҳ ўткинчидир, деган хулоса б-н иш юритган. А. анъаналари Оксфорд ун-ти профессори Роджер Бэкон (1210–94) қарашларида ҳам акс этган. Уларнинг энг асосий ютуғи черков схоластларининг қарашлари синдирганлиги-дадир. Бу борада Арасту, Ибн Сино ва Ибн Рушд фалсафасига таянган. А. XV аср ўртасига қадар муваффақиятли давом этган (яна қ.: *Ибн Рушд).*

• *Ренан Э.* Аверроэс и аверроизм / Пер. с франц. Киев, 1903; *Соколов В.В* Средневековая философия. М., 1979; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.9-10. Фалсафа. Қомусий луғат. Туз. ва мас. муҳар: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б. 9-10.

«АВЕСТО» (қад. форс т.да: "Асос", м.а. X–VII) – зардуштийлик таълимотининг диний китоблари мажмуаси. Бу эътиқод Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон ва Озарбойжонда кенг тарқалган. А. – Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихининг қад. ноёб ёдгорлиги бўлиб, уни "ҳаёт йўриқномаси" деб атаганлар. Зардуштийлик эътиқодига амал қилувчиларнинг муқаддас китоби сифатида Ягона Тангрига топиниш шу таълимотдан бошланган. Бу китоб таркиби, ифода услуби ва тимсоллар тизими б-н адабий манбаларга яқин туради. А.да т.га олинган жой номлари "Азар-хурра" ва «Арёнам вайжо» (Варахша, Вахш)дан келиб чиқиб, Амударё соҳилларида яратилгани аниқланган. Бундан ташқари, "Чорвага бой Гава (Суғд)", "қудратли Моуру (Марғиёна)", "байроқлари баланд кўтарилган Бахди (Бактрия)" каби жой номлари т.га олинади. Бу "шарқий" қарашдан ташқари «А.» ватани Хоразм эмас, балки Медея, деган "ғарбий" қараш ҳам мавжуд.

А. оромий ва паҳлавий ёзувлари асосида яратилган махсус алифбода дастлаб тўққиз ҳўкиз терисига ёзилган. Сосонийлар (м.а. VII–III аср) даврида илк нусхалари асосида 21 китоб ҳолида йигилган, бизгача уларнинг чорак қисми етиб келган. Аллома Масъудийнинг ёзишича, Эрон шоҳи Доро ибн Доро хазинасида "Обисто"нинг 12 минг олтин тахтачага ёзилган қисмлари сақланган. Берунийнинг ёзишича, 12 минг ошланган мол терисига тилла сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган. Демак, А. 1) турли китоблардан иборат ибодатлар тўплами ҳолида; 2) қуйидаги тўрт бўлимларни ўзида бирлаштирган ҳолда сақланиб қолган: *Ясна* ("Диний

маросимлар"), *Яштлар* (маъно жиҳатдан Яснага яқин) – зардуштий маъбудларига мадҳиялар, *Виспарад* ("Барча илоҳлар ҳақидаги китоб"), *Вендидод* ("Ёвуз руҳларга қарши қонунлар мажмуаси") қўшиқлари. Тикланган матнга «Занд» номи б-н шарҳлар битилган. Ясна таркибига кирган мадҳлар "Гатлар" (айрим манбаларда «гоҳлар») деб номланиб, уларни Зардуштнинг ўзи ёзган, деб тахмин қилинади. Гатлар шеърий асар бўлиб, беш ҳижоли бармоқ вазнида яратилган. Улар таркибида Жамшид (Йима), Гершасп, Афросиёб (Алп Эртўнга) каби афсонавий қаҳрамонлар ҳаёти лавҳалари учрайди. А. да зардуштийликнинг ахлоқий, ҳуқуқий ва эстетик қарашлари ҳам акс этган. Унга биноан олам нур ва зулмат (табиатда), ҳаёт ва ўлим (жамиятда), жон ва жасад (руҳиятда), эзгулик ва ёвузлик (турмушда), эрк ва тобеълик (мамлакатда) каби зиддиятлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро кураши азалий ва абадийдир. А.да эстетик категория сифатида гўзаллик ва хунуклик, унинг ифодачилари Аҳриман ва Аҳура Мазда асосий қаҳрамонлар сифатида танилган. А. да "мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жами эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишлайман ўзимни, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз ўгираман" каби даъватлар акс этган.

А. инсоният цивилизация тарихининг илк саҳифаларини ташкил этгани учун жаҳон олимларининг эътиборини тортган. А. илк маротаба Европада Анкетиль-Дюперрон (1771) тарж.да нашр қилинган. У ҳақда Ф.Ницше, Ф.Шпигел, А.Майллет, В.Бартольд, Е.Бертельс, Ян Рипка, О.Маковельский, С.П.Толстов, И.Брагинский в.б. хорижий олимларнинг тадқиқотлари мавжуд. Ўз-нда А. ни ўрганиш қадимдан бошланган. Абу Райҳон Беруний, Абу Жаъфар Табарий, Абу Бакр Наршахий асарларида А. таълимотига ва унда т.га олинган тимсолларга мурожаат қилинган. Бу нодир илмий асарларнинг қўлёзма ва босма нусхалари ЎзРФАШИ жамғармасида сақланади. А.Қаюмов, Ҳ.Ҳомидов, М.Исҳоқов, Н.Раҳмонов в.б. ўзбек олимларининг илмий тадқиқот ва мақолалари эътиборли. Ўз-н Республикаси Президенти қарори б-н 2001 й. октябрда А. нинг 2700 й.лиги нишонланди. А. ватани Хоразмда боғ барпо қилинди, асарнинг ўзбек т.даги тарж.лари чоп этилди, у ҳақда янги тадқиқотлар юзага чиқди.

♦ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Аскар Маҳкам тарж.) Т.: Шарқ НМАК, 2001; "Авесто"дан (тарж. М.Исҳоқов) // Ўзбек тили ва ад-ти. 1999, № 2–4; Авесто / Поэзия и проза Древнего Востока. М., 1973; Отрывки из «Авесты» (Пер. с языка «Авесты» Е.Э.Бертельса. Сб. «Восток», 1924. № 4; Авеста / В пер. и с коммент. И.М.Стеблин-Каменского. Душанбе: Адиб, 1990.

• *Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации. М.-Л., 1948; *Брагинский И.С.* Из истории таджикской народной поэзии. М., 1956; *Бертельс Е.Э.* История таджикско-персидской лит-ры. М., 1960; *Маковельский О.* Авеста. Баку, 1960; *Дьяконов М.М.* Очерк истории Древнего Ирана. М., 1961; *Соколов С.Н.* Авестийский язык. М., 1961; *Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий.* Бухоро тарихи. Т., 1966; *Абу Райҳон Беруний.* Ал-осору-л-бокия ан-ал каруну-л-холия. Т., 1969; *Қаюмов А.* Қадимият обидалари. Т., 1971; *Ницше Ф.* Так говорил Заратустра. М., 1983; Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения (Сб.). М.: Наука, 1986; *Брагинский И.С.* Авесто / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.10; *Сагдуллаев А.С.* Қад Ўзб-н илк ёзма манбалари. Т.,

1997; *Ҳомидов Ҳ.* «Авесто» файлари. Т., 2001; Фалсафа. Қомусий луғат. Туз. ва мас. муҳар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004 Б.11; *Нитше Ф.* Зардўшт таваллоси / И.Ғафуров тарж. Т., 2007; *Каримов О.* "Авесто" изидан. Т., 2008.

АВЕСТО ТИЛИ – "Авесто" асарининг т. Зардушт эътикодидаги кишиларнинг ибодат т. Ўлик т.лардан саналиб, Европада XVIII асрнинг охиридан маълум бўлган. А.т.да икки диалект фарқланган: гат (гоҳ)лар т. ва А.нинг Занд (шарҳ) қисмини шакллантиришда фойдаланилган т. А.т флектив т.лар гуруҳига киради. А.т. оромий ёзувидаги 50 белги асосида шакллантирилган.

- *Bartholomae Cbr.* Altiranisches Worterbuch, 2 Aufl. B., 1961.*Соколов С.Н.* Авестийский язык. М., 1961; *Его же.* Язык Авесты / Основы иранского языкознания. Древнеиранские языки. М., 1979. Виноградова С.П. Авестинский язык / Большой энц-кий словарь. Языкознание. М., 1990.

АВИЕЦЕННА – Абу Али ибн Сино исмининг лотинлаштирилган шакли. қ.: Абу Али ибн Сино.

АВИМЕЛАХ (яҳудийча: менинг отам – подшоҳим) [мифология] – Юкори Аҳд мифологиясида Ҳерар ш.нинг подшоҳи. А. исм бўлишидан ташқари дастлаб подшоҳ маъносини англатган, сўнгра айрим подшоҳлар исмларига қўшиб қўлланилган ва ниҳоят, аниқ бир шахснинг исмига айланган. Тақдир ҳукми б-н унинг ўлими аёл киши қўлида бўлган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.25.

АВЖИЙ (XVII) – шоир ва олим. Ҳасанхожа Нисорийнинг шогирдларидан. Балх ш.да Вали Муҳаммадхон саройида мулозим бўлган. Дастлаб Саманий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Балхда машҳур бўлгач, А. тахаллусини қўллаган. Мутрибий А.нинг қуйидаги рубоийсини келтиради:

Жоне дорам ки толиби озор аст,
Дарде дорам ки аз даво безор аст.
Гуше дорам ки нағмаи ғам шинвост,
Чашме дорам ки ашки ҳасратбор аст.

Мазмуни:

Бир жоним борким, ўзига истар озор,
Бир дардим борким, даво сўзидан безор.
Қулокларим фақат ғам куйига дингдир,
Кўзларим бўлса ҳасрат ёшларига ёр.

Балх ш.да вафот этган.

АВЗОН (арабча: اوزان – вазнлар) – қ.: Вазн.

II. А. (Авсон) – Қад. Рим давлатида Италиянинг биринчи қироли. Мифга кўра, Одиссей ва Кирканинг ўғли. Италия дастлаб қирол А. шарафига *Авзония* деб аталган, у ернинг аҳолиси авзонлар деб юритилган.

АВЗОНИЯ (италянча: auson – халқ, элат номи) [эстетика] – Италиянинг поэтик номи. Шу ҳудудда яшаган аҳоли номидан олинган. А. Италиянинг жанубий ғарбида жойлашган бўлиб, кейинроқ Компанье деб юритилган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.64-65.

АВИДЯ (санскритча: билимсизлик) [эстетика] – санскрит фалсафаси ва эстетикасидаги тушунчалардан бири. Видя – билим бўлиб, *авидя* унинг зиддидир. А. "Мен"нинг ҳақиқий табиатини билмасликдир. А. дунёни билиш орқали эмас, балки унинг ёвуз асоси орқали ҳиссий қабул қилишдир. Ўз ҳиссиётларини назорат қилиш, "Мен"нинг табиатини ўрганиш орқали А.ни йўқотиш мумкин. А. диний қайта туғилишлар силсиласидан бехабарликни ҳам англатади.

- *Радхакришнан С.* Индийская философия (пер. с англ.), т.1-2. М., 1956-57; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.10; Шарқ фалсафаси. *Низомиддинов Н.Ғ.* Жанубий, Жануби-шарқий ва шарқий Осиё халқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010.

АВИЖЮС, Йонас (16.V/1922 –7.VII/1999) – литва адиби. Литва халқ ёзувчиси (1986). Медгинайда туғилган, оммавий ахборот воситаларида журналист бўлиб ишлаган. Литва насрининг XX асрдаги тараққиётига катта улуш қўшган. 1948 й.дан профессионал ёзувчи сифатида танилган. "Мерос" (1949), "Одамлар ва воқеалар" (1954), "Инсон инсон бўлиб қолади" (1960) қиссалари, "Ойнатоғ" (1961), "Чорраҳадаги қишлоқ" (1964), "Буқаламун ранги" (1979) романлари эътибор топган. "Йўқотилган қонлар" (1-4 китоб, 1970–88) романи учун давлат мукофотига сазовор бўлган.

♦ *Авижюс Й.* Асарлар. 1-7 ж. 1983-85 (литва т.да).

- *Бучис А.*

АВЛЕТИКА – қ.: «Поэтика».

АВЛИЁ (арабча: валийлар) [тасаввуфшунослик, диншунослик] – Тасаввуф таълимотида анбиё (набийлар)дан кейин турадиган ва уларнинг меросхўрлари бўлган ҳол ҳамда мукошафа эгалари, Худонинг дўстлари. Шариату тарикат ва маърифату ҳақиқатда олий даражани эгаллаган зотлар. Анбиёларда валийлик қобилияти бор, аммо авлиёларда набийлик қобилияти йўқ. Анбиёда муъжиза бўлса, авлиёда карoматни кўриш мумкин. А.нинг хислатлари кўп, аммо улар буни халққа кўз-кўз қилмайдилар.

АВЛИЁ ЧАЛАБИЙ (1611–1682) – XVII аср турк олими ва сайёҳи. Тўлиқ исми: Муҳаммад Залли ибн Дарвиш Чалабий. Истанбулда туғилган. Аё Суфийа масжидида ҳофизлик қилган. Турк армияси сафида иштирок этган. Яқин ва Ўрта Шарқ бўйлаб қилган саёҳатлари ҳақида кўпжилдли

"Саёҳатнома" ёзган. Асарда Кичик Осиё, Месопотамия, Миср ва Ҳабашистон (1640), Кавказ ва Озарбойжон (1644–48), Украина (1656–58), Болқон мамлакатлари (1656, 1680) саёҳатлари акс этган. Саёҳатномаларда кезилган, кўрилган жойлар танитиш ниятида қаламга олинган бўлса-да, мақсад ўша жойни жой қилиб турган инсон унсурига урғу бериш, диққатни инсонга қаратишдир.

Асарда ад-тга тегишли тушунча ва талқинлар, машҳур адибларнинг асарлари ҳам т.га олинган. "Саёҳатнома"да шоирларга оид маълумотлар икки тарзда: 1-дан, шоирлар "Фотиҳ даври шоирлари", "Иккинчи Боязид даври шоирлари" ва "Султон Салим даври шоирлари" каби сарлавҳалар б-н тақдим этилади. 2-дан, ш. номи зикр этилгандан сўнг ўша ўлкада етишган шоирлар берилади: Трабзон шоирлари (Гиноий), Амосиё шоирлари (Мунирий, Миҳрий), Аргири шоирлари (Букоий, Фиғоний, Нолиший, Сукутий, Фазоил каби.

А.Ч. асари олмон т.га, Украинага оид қисми рус т.га тарж. қилинган.

♦ *Avliya Çalabı.* Sayahathama. Zuhûrî Danişman neşri. Istanbul, 1970.

- *Мустафо Эсон.* Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АВЛАДУ-Т-ТАРИҚА (арабча: тариқат авлодлари) – [тасаввуфшунослик] тасаввуф таълимотида устоз-шогирдлик силсиласи. А.Жомий "Силсилату-з-заҳҳаб" достонида бу ҳодиса олтин занжир ҳалқалари сифатида шарҳлаган.

АВРААМ – қ.: Иброҳим пайғамбар.

АВРАНГЗЕБ (1618–1707) – Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг султони (1658–1707). Асл исми: Муҳйиддин Муҳаммад. Тахаллуси: Оламгир. Аврангзеб (форсча: тахт безаги). Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳал (Аржумандбону)нинг ўғли, машҳур шоира Зебуннисобегимнинг отаси. 1658 й. дан Ҳиндистон подшоҳи. Тахтга чиққандан сўнг 80 дан ортиқ солиқ турларини бекор қилган. Аврангобод ш.га асос солган. Пойтахтни шу ш.га кўчириб, унда бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Хотини Дилрас бону вафотидан сўнг, унга мақбара (ҳозир Бибика мақбараси) қурдирган, уни "Иккинчи Тожмаҳал" деб атайдилар. Турк, араб, форс, ҳинд ва урду т.ларини яхши билган. Моҳир хаттот: настаълиқ ва шикаста ёзувлари устаси. Суннийэътиқодли мусулмонлар етакчиси бўлган, "Бобурнома"нинг нисбатан мукаммал Ҳайдаробод нусхасини, Навоийнинг "Хазийину-л-маоний" девонини кўчиртирган. Дипломатик мулоқот учун Русия князи Иван III га мактуб юборган.

- *Бернье Ф.* История последних полтитических перворотов в гос. Велокого могола / Пер. с франц. М.: Соцэкгиз, 1936; *Гаскойн Б.* Великие моголы. М.: Центрполиграф, 2003; 1936; *Сатимов Ғ.* Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2008. Б.173–182.

АВРЕЛИЙ, Марк (121–180) – Рим императори, файласуф олим. Претор Аннй Вернинг ўғли, Римда Адриан даврасида тарбия кўрган. 161 й.дан Рим давлатини бошқарган. 162 й.дан Парфия, Сурия ва Месопотамияга уруш қилган. А. моддиюнчилик тарафдори бўлиб, грамматика ва риториканинг тараққиётига хизмат қилган. А. санъатда сохталикни кескин рад этган. Унингча, сунъий гўзалликни "пишган мевалар"дан фарқлаш лозим. "Ўзим б-н юзма-юз» асари шуҳрат қозонган.

♦ *Аврелий, Марк.* На едине с собой. М., Наука, 1980.

• *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ра., 1960. С. 113,124,254.

АВРИТТИ (санскритча: *такрор*) [поэтика] –ҳинд поэтикасидаги санъатлардан бир тури. Мазмун ва маънога дахлдор безак фигураси сифатида А. Дандин асарида учрайди. Агар антик безаклар тизимида нотиқ учун алоҳида қимматга эга бўлган сўз такрорлари катта ўрин тутса, фақат бадиийликка мўлжалланган санскрит поэтикасида сўз такрори учрамайди. Дандин А.нинг уч хил кўринишини қайд этади: 1) *падаврати* (сўз такрори); 2) *артхавритти* (маъно такрори); 3) *убхаявритти* (сўз ва маъно такрори). Такрорга асосланган ушбу фигурани аланкара (безаклар назарияси) таркибига киритиш ҳар бир А. таркибида яширин қиёслаш, ёпиқ асослаш мавжудлигига асосланган.

• *Вейнрейх У.* О семантической структуре яз. / Новое в лингвистике. Вып.V. М., 1970; *Анандавардхана.* Дхваньялока («Свет дхвани») / Пер. с санскрита, введ. и коммент. Ю.М.Алихановой. М.: Наука, 1974; *Гринцер П.А.* Санскритская поэтика и античная риторика; Теория «украшений» Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; *Гринцер П.А.* Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987.

АВРОД (арабча: "вирд"нинг кўплиги: вазифалар, топшириқлар) [диншунослик] – ҳар бир обид ёки зоҳид зикр пайтида ўқишни ўзига вазифа қилиб олган дуолар.

АВРОРА (юнонча: aurora – *тонг*) [мифология] – қад. римликлар эътиқодига кўра, тонг (нур) маъбуди. А. маъбудларга ва инсонларга кун, нур олиб келади. Юнон мифологиясидаги маъбуд *Эос*га тенг келади. Расмларда океандан ёруғ аравада кўтарилаётган қанотли аёл рамзида акс этган. Шеъриятда А. тонг рамзи ва синоними тарзида қўлланилади.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.29.

«АВРОРА» – XVI аср олмон файласуфи Яков Бёме асари. Қ.: Бёме, Яков.

"АВРОРА" – адабий-бадиий журн. 1969 й.дан Санкт-Петербург (Ленинград)да чоп этилган.

АВСОН [мифология] – юнон мифологияси ва антик ад-тда Одиссейнинг ўғли, Калипсо ёки афсунгар Киркадан туғилган. Италиядаги авсонлар қабиласи (уруғи) А.дан бошланган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.29.

АВСОФИ АИММА [диншунослик] – имомлар васфи. Шиа мазҳабига мансуб шоирларнинг девонларида ёки маснавий в.б. эпик асарларида ҳамд, наът ва муножотдан кейин шиа мазҳабининг етакчилари бўлган 12 имом васфи келади. Одатда, васфларда Ҳазрат Али номи т.га олиниб, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг васфи баён этилади. Машҳур шоир Шоҳ Исмойил Хатоий (1486–1524) ўзининг туркча "Девон"ида мана шу анъананинг соҳиби бўлган.

Мас., Хатоий "Девон"инида Ҳазрат Али номига мураббаъ бағишланиб, унинг ҳар тўртлигидан сўнг

Алидур, Алидур, Алидур, Али –
Алийу-л-азим шайху-л-валий

байти келади.

- *Шаһ Исмаҗыл Хәтаи.* Эсәрлари. I силд. Бакы, 1966.

АВСТРАЛИЯ АДАБИЁТИ – Австралия халқининг ад-ти. Дастлаб абориген ва XIX асрдан инглиз т.да яратилган. Қад. абориген миф, эртак ва афсоналари асосида шаклланган. Альтира (осмон эгаси), инсоният отаси Нурундере, она Кунапипи ҳақидаги мифлар А. мифологиясининг асосий тимсолларидир.

А.а. нинг нисбатан кенг таркалган жанрлари: ода, пасторал (к. *пасторал*), элегия, сатира. Насрий асарлар сифатида мемуар, йўл эсдаликлари, маиший-оилавий ва саргузашт романлари шаклланган. А. шеъриятида миллий ўзлигини англаш туйғулари Ч.Харпур шеърларида, табиат куйчиси Г.Кендалл ва А.Л.Гордон балладаларида акс этган. XVIII–XIX асрларда А.да Европадан сургун қилинганлар яшаган ва бу мавзу ад-тда анча кенг акс этган. А.адиби М.Кларкнинг "Умрбод қамоқ" романи ушбу мавзуда. 1880 й.дан «Bulletin» журнали нашр этила бошлаши б-н адабий кучлар шу журнал атрофига бирлашдилар. Г.Лоусон, С.Радд, П.Уорунг ижодида ҳикоя, Э.Б.Патерсон, Лоусон ижодида баллада ривож топди. Коллинзнинг "Ҳаёт шундай" китоби йўл эсдаликларидан иборат. М.Гилмор ижодида севги ва оила мавзуси кенг ёритилади. XX аср бошидан К.С.Причард, Э.В.Палмер ижодида социал романлар шаклланди. 1938 й.да Р.Ингамелс ташаббуси б-н «Жиндиуоробак клаб» шоирлар уюшмаси ташкил этилди ва бунга уюшган шоирлар эски абориген оғзаки ва ёзма анъаналари асосида замонавий Европа жанрларида иш кўришга ҳаракат қилдилар. "Vision" журн. ад-тда фалсафий йўналиш кучайишига сабаб бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг А. миллатининг бирлиги ҳақида қайғуриш кучайди ва бу ҳолат Причарднинг "90-йиллар» трилогиясида, Палмернинг «Голконда» романида акс этди. 60–70 й.да П.Уайт насри ва драматургияси шуҳрат топди. "Инсон шажараси" романида Инсон

феноменига эътибор қаратилган. “Ун-т шоирлари” номини олган Ж.Райт, Д.Стюарт, Д.Кэмпбелл, А.Маршалл ижодида А. табиат куйланди. Ж.Хербертнинг “Маним бечора ватаним” романида миллатнинг энг эзгу тилаклари ифодаланган бўлса, янги замон шоирлари К.Уокер, Ж.Дейвис ва носир К.Жонсон ижодида аборигенларнинг келғиндиларга қарши кураши тасвирланади.

♦ Австралийские рассказы. М., 1958; Поэзия Австралии. М., 1967; Современная австралийская новелла. М., 1980.

• Ранние формы искусства. М., 1972; Австралийская лит-ра. Сб. статей. М., 1978; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.29-32; *Зернецкая О.В.* Австралийский социальный роман 30-х. XX в. Киев, 1982; *Касаткина Л., Петриковская А.* Австралийская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.10-11.

АВСТРАЛИЯ ТИЛЛАРИ – Австралия туб жой аҳолисининг т.лари бўлиб, у ноёҳида тиллар оиласини ташкил қилади. 600 дан ортиқ А.т.ни 20 оилага бирлаштиради, аммо уларда 450 дан ортиқ т.лар йўқолган. Нисбатан қад. ва ҳозирга қадар сақланган дампир т. бўлиб, у А. марказий ҳудуд аҳолиси т.дир.

• Народы Австралии и Океании. М., 1956.

АВСТРИЯ АДАБИЁТИ – Австрия (лотинча: auster – жануб) ад-ти олмон т.да яратилган. Қад. ёзма ад-т намуналари XII асрга тегишли. Булар роҳиба Аванинг “Исонинг ҳаёти”, “Антихрист” ҳамда номаълум муал.нинг “Марям ҳақида қўшиқ” (1125) асарларидир. Рицарь Генрих фон Мельк “Ўлим ҳақида эслатма” достонини ёзган. А. ҳудудида ёзилган дастлабки эпик достонлар “Нибелунглар ҳақида қўшиқ” (1200), “Кудруна” XII-XIII асрларда яратилган. В.Фогелвейде, У.Лихтенштейн, В.Садовник асарлари эса ёзма ад-тнинг илк намуналаридир. XVI–XVII асрлар ад-тига *Барокко* ўз таъсирини ўтказган. А.а.да дидактик йўналиш А.Санкт-Клар, И.Бер асарларида устиворлик касб этган. XVIII аср иккинчи ярмидан маърифий абсолютизм даври қарор топди. А.а.да “йозефинизм” (император Йозеф II номидан олинган) номи остида кечган бу мотивлар шоир А.Блумауэр, драматург Ф.Хафнер ижодида акс этган.

Австрия – Ғарбий Европа мусиқаси ватани. Бу мамлакатда Ф.Й.Гайдн, В.А.Моцарт, Сальери, Ф.Шуберт, И.С.Бах, Л.Ф.Лист каби улуғ композиторлар яшаган. Мусиқадаги улуғвор мотивлар А. ад-тида ҳам акс этган, Ф.Грилпарцер драматургиясида мусиқа б-н бирлашиб “камер реализми” номини олган. Вена халқ театри Ф.Раймунд, И.Н.Нестрой каби драматурглар номини жаҳонга танитди.

XIX аср 2-ярмида Ф.Зарр, П.Розеггер, М.Эбнер-Эшенбах, Л.Захер-Мазох ижодида натуралистик концепция б-н реалистик тасвирлар бирлашди. XX аср бошида барча Европа мамлакатларидаги каби А.а.да турли адабий оқимлар тараққий этиб, *махизм, фрейдизм, неопозитивизм, феноменология, диалектик физиогномика, мистик иудаизм, сионизм* кучайди. Бу мотивлар Э.Гуссерл, Р.Каснер, М.Бубер, Т.Херцл каби ижодкорлар асарларига кўчди.

С.Цвейг ҳикоялари (“Амок”, 1922; “Куйган кўнгил фарёди”, 1927) биографик романлари ва эсселари ўзининг бадиий таъсир кучи б-н бутун Европани лол қолдирди. Р.М.Рильке шеърияти жаҳон миқёсида шуҳрат қозонди. Унинг ижодида импрессионизмдан тортиб фалсафий символизмга қадар янги карашлар акс этган. Ф.Верфел, Г.Мейринк, Л.Перуц ижодида экспрессионизм, Ф.Кафка ижодида символизм ўз аксини топди.

Франц Кафка ижоди А.а.ни жаҳон майдонига олиб чикди. Унинг “Эврилиш” ҳикояси, “Ахлоқ тузатиш колониясида” қиссаси, “Жараён” ва “Қаср” романлари дунё ад-тининг энг эътиборли насрий асарларига айланди. Кичик жанрда С.Цвейг новеллалари шуҳрат қозонди. II жаҳон урушидан сўнг А.а.да янги, фашизмга қарши ғояларни илгари сурган ад-т вужудга келди. Т.Бернхард, П.Хандке, Б.Фришмут асарларида бу ад-тга хос хусусиятлар аниқ ифодаланган. Замонавий А.а.нинг янги уфқлари М.Шаранг, Ф.Иннерхофер ижоди б-н боғлиқ тарзда ривож топди.

Ф.Кафканинг “Эврилиш”, “Жараён” каби асарлари, С.Цвейгнинг қатор новеллалари ўзб. т.га тарж. қилинган.

♦ Австрийская новелла 19 в. М., 1959; Из современной австрийской поэзии. М., 1975; Австрийская новелла XX в. М., 1981.

• *Архипов Ю.И.* Австрийская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.11-12.

АВСТРООСИЁ тиллари – Жанубий ва Жан.-Шарқий Осиёда кенг тарқалган т.лар оиласи бўлиб, унинг таркибига Вьетнам, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Бирма, Малайзия, Хитой ва Ҳиндистонннинг шарқидаги тиллари киради. А.т. оиласига 150 дан ортиқ т. киради. Улар характерига кўра ўта турли бўлиб, ягона грамматик ёки генетик хусусиятга эга эмас. А.т. *вокализм*га боғ, *консонантизм* эса нисбатан оз. А.т.нинг айримлари ўз ёзувига эга эмас.

АВТОБИБЛИОГРАФИЯ (юнонча avtos – ўзим, biblion – китоб ва grapho – ёзаман) [библиография] – муаллифнинг ўзи ёзган асарлар рўйхати. Мас., Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида ёзган асарларининг номларини келтиради. Шунингдек, Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам “Таъвизу-л ошиқин” (“Ошиклар тумори”) девонининг дебочасида ўзи ёзган ва тарж қилган асарлар номини келтиради.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.19.

АВТОБИОГРАФИЗМ (юнонча: autos – *ўзим*, bios – ҳаёт ва grapho – *ёзаман*) [поэтика] – адиб таржимаи ҳолидан бадиий асарга бевосита ўтиб қолган жиҳатлар. Асардаги ижодкор таржимаи ҳолига дахлдор нуқталар. А. мумтоз девонларнинг дебочаларида ёки йирик эпик асарларнинг муқаддималарида кўзга ташланади. Мас., Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк”нинг Муқаддимасида ўзининг тилшуносликка оид асарларини санайди, уларнинг

ёзилиши тарихини айтиб, туркий халқлар яшайдиган ш. ва қишлоқларни кезиб чиққанини ёдга олади. Мумтоз бошланмаларда "сабаби таълифи китоб" (китобнинг ёзилиш сабаби) сарлавҳали алоҳида бўлим ҳам учрайди. Айни ҳолат Ғарб адабиётида кенг учрайди. Гёте "Фауст"ининг "Арши аълодаги дебоча" қисмида А.ни учратиш мумкин.

АВТОБИОГРАФИЯ (юнонча: autos – *ўзим*, bios – ҳаёт ва grapho – *ёзаман*) [адабий жараён] – муаллифнинг ўз қўли б-н ёзилган тарж.и ҳоли. Ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи бирламчи манба. Адабий жанр сифатида, асосан, насрий йўл б-н ёзилган асарлар назарда тутилган. Ғарбий Европада бу жанрнинг тараққий этишида диний "Исповедь" ("Иқрорнома")нинг роли бор. Бадиий А. муал.нинг ўз-ўзини тушуниши, тушунтириши ва ўзи ҳақидаги шахсий мулоҳаза ва кузатишлари асосида ёзилади. А. асосан, адибнинг ўз ҳаёти, босиб ўтган йўлига муносабати, болалик, ёшлик даврларини акс эттиришга бўлган эҳтиёждан туғилган. Шунинг учун ҳам А. асарлар адиблар ижодда муайян тажриба тўплаганидан кейин ёзилган. А. нинг Европадаги нисбатан эски намуналари Августиннинг «Иқрорнома» (397–398), П.Абелярнинг "Камбағаллигим тарихи" (1132–36), Б.Челлинининг "Бенвенуто ҳаёти..." асарларидир. А. мемуар асарларга ўхшаш туюлса-да, улардан фарқ қилади. Мемуар асарларда муал.нинг ўз муҳитидаги ҳаётий воқеаларни акс эттириши биринчи планга чиқса, А.да ўз қалбидан кечган жараёнлар, руҳий изтироб ва қувончларга кенгроқ ўрин берилади. Ҳар икки жанрга ҳам мансуб И.В.Гётенинг "Шеърият ва ҳақиқат", А.И.Герценнинг "Кечмиш ва мулоҳазалар", Ф.Шатобрианнинг "Дафн олдидаги ёзувлар" асарларини ҳам мемуар, ҳам А. асар дейиш мумкин. А. да нафақат ўз ҳаёти ва оиласи, балки муал. алоқадор адабий муҳит масалалари тўғрисида ҳам, унга ҳаётда ва ижодда ҳамкор ижодкорлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Ғафур Ғуломнинг «Кечмиш-кечирмишларимдан» шундай асарлар сирасига киради.

А. шеър б-н ҳам ёзилиши мумкин. Мас., Муқимийнинг "Ҳасби ҳол", Махтумқулининг "Кунларим" мураббаси, Рауф Парфининг "Энг қисқа ёзилган тарж.и ҳолим" каби шеърларини кўрсатиш мумкин.

♦ Ад-тимиз автобиографияси / Тўпл. Л.П.Қаюмов. Т.: 1976.

• *Гинзбург Л.Я.* О психологической прозе. Л., 1977; *Мильчина В.А.* Автобиография / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.12; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10-11.

~ *(фик) асар (қисса, роман)* – адиб бошидан кечирган ҳаётий воқеалар асосига қурилган насрий асар. Муал. ўз ҳаётидаги воқеаларга бадиий туе бериб, тугалланган қисса сифатида тавсия этади. А.а. гарчи муаллиф таржимайи ҳолига таянса ҳам айрим ўринларда бадиий тўқима ва хаёлотга ўрин берилиши мумкин. Шунинг учун ҳам А.с. адиб томонидан ёзилган автобиографиясига айнан мос келмайди. А.а. (қ.) барча миллий ад-тларда

мавжуд. Мас., Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаххорнинг «Ўтмишдан эртаклар» асарларини шу турдаги киссаларга киритиш мумкин. Л.Толстойнинг «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик» автобиографик трилогияси, М.Горькийнинг «Болалик", "Менинг ун-тларим» асарлари А.к.дир.

• *Сутаева З.* Теоретические проблемы мемуарной и автобиографической прозы Пушкина / Пушкин и теоретико-лит-ная мысль. М., 1999; *Белокурова С.П.* Словарь литературоведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10-11.

АВТОГЕНЕЗ (юнонча: avto – *ўзим,* yeveol – *келиб чиқиш*) [эстетика] табиатшуносликдаги назарий қараш бўлиб, такомил таълимоти (эволюцион назария)га олдиндан белгилаб қўйилган қонуният сифатида ёндашади. А. онтогенез (модданинг индивидуал тараққиёти)га муносабатда немис олими Г.Штал томонидан илгари сурилган. А. га организмларнинг тарихий тараққиёти сифатида ёндашиш Ж.Ламарк фаолиятига тегишли. Бу таълимот XIX асрда дарвинизмга қарши чиққан, XX асрда алоҳида фалсафий таълимот сифатида шаклланган. А. тарафдорлари такомил моҳиятини кўрсатиш учун параллелизм ва конверганция ҳодисаларига таянишади. А. намояндалари И.П.Бородин, А.Венцль, Г.Дриш, Я.Икскюль в.б.

• *Филипченко Ю.А.* Эволюционная идея в биологии. М., 1977; *Карпинская Р.С.* Биология и мировоззрение. М., 1980; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.11.

АВТОГРАФ (юнонча: autos – *ўзим,* grapho – *ёзаман*) – I. муал. томонидан ўз қўли б-н ёзилган хат (1); А. бадиий асар матнини тиклашда ва нашр қилишда ишончли манба, ёзувчи ижодини ўрганишда бирламчи материалдир. А. матн ва манбаларни ўрганишда, муал.нинг таҳрир услубини тадқиқ этишда ва бадиий таҳлил жараёнида қимматли манба ҳисобланади. Шунинг учун ёзувчи ва шоирларнинг А.лари музей, институт, архив ва шахсий жамғармаларда сақланади. Мас., ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейида Ҳамза, А.Қаххор, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода каби ижодкорларнинг А.лари мавжуд.

II. дастхат. Муал.нинг китобини ўз қўли б-н ёзилган ёзув ва имзоси б-н тақдим этиши ёки бирор сурат (портрет)ига имзо қўйиб беришидир.

♦ Автографы поэтов Серебряного века: Дарственные надписи на книгах. М., 1995.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.19; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10; *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Ад-тшунослик луғати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.6; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 11-12.

АВТОГРАФИЯ (юнонча: autos – *ўзим,* grapho – *ёзаман*) [эстетика] қоғоздаги ёзув ёки расмни тошга, ёғочга в.б. қаттиқ жисмларга– кўчириш.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.12.

АВТОД (арабча: اوتاد – «ватад»нинг кўплиги) – қ.: Ватад.

АВТОДИЕГЕТИК (юнонча: autos – *ўзим, diego* – &&&&) [нарратология, структурал поэтика] – бад. асарда муаллиф иштироки. Муаллиф баёнда иштирок этмаслиги (гетеродиегетик), баён қатига ўзининг "мен"ини сингдириши (гомодиегетик) ва шу жараёнда у ботинан асосий қаҳрамонлардан бири сифатида иштирок этиши мумкин. Ана шу сўнгги ҳодиса А. иштирок ҳисобланади.

- *Иглтон Т.* Теория лит-ры. Введение. М.: Территория будущего, 2010. С.136.

АВТОИНТЕРПРЕТАЦИЯ (юнонча: autos – ўзим, лотинча: interpretation – тушунтириш) [герменевтика] – муаллиф томонидан ўз асарининг тушунтирилиб берилиши. Мас., олмон адиби Томас Манн "Доктор Фаустус" романини ёзгандан сўнг асар ҳақида бир неча тақриз ва мақола эълон қилинганига қарамай, романни китобхонлар унчалик тушунмаган. Шунда муал. ўз романини англатиш учун махсус маърузалар ўқиган. Бу б-н кифояланмай "Роман ҳақида роман" номли асар (ҳажман биринчи асаридан кўра каттарок) ёзиб, уни тушунтириб берган. А.Орипов "Юзинчи маъно" мақоласида шундай ҳикоят келтиради: Мирзо Бедилнинг ғазали ўқилгач, мажлисда иштирок этган 99 киши уни турлича талқин қилади, Бедил келгач, ҳар ким ўзи тушунган маънони айтиб, унинг тўғрилигини сўрайди. Бедил эса, мажлис аҳлига ташаккур билдириб, асарда ўзи назарда тутган маъно (юзинчи)ни бедилхонларга етказади. Шундан Мирзо Бедилни *Абулмаъно,* яъни "маънолар отаси" деб айтиш урф бўлган экан.

- *Манн Т.* Роман о романе. М., 1967; Орипов А. Юзинчи маъно; *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Ад-тшуносник луғати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.7.

АВТОКРАТИЯ (юнонча: autos – *ўзим*, kratos – *ҳокимият*) [герменевтика] – яккаҳокимлик, якка шахснинг қонун, ҳуқуқий меъёрларда чекланмаган ягона ҳукмронлиги.

Авторитар давлат шаклида *деспотия, тирания ва абсолютизм* ҳукмронлик қилади. Бундай давлатда *авторитар тафаккур* ҳукмрон. Фашистик ва коммунистик сиёсий тузум шунга асосланган. Яна қ.: *тоталитаризм.*

- Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва мас. муҳар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.12.

АВТОКРИТИКА (Автотанқид) – қ.: Ўз-ўзини танқид.

- Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.29,217.

АВТОЛИК (юнонча: бўрининг ўзи) [мифология] – юнон мифологиясида чаққон қароқчи тимсоли. Гермеснинг ўғли, Парнас водийсида яшаган. Мифга кўра А. Сисифнинг подасини ўғирлагани учун унинг қизи Антиклея бахтсизликка маҳкум қилинган. А. Гераклни кураш тушишга ўргатган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32.

АВТОЛИТОГРАФИЯ (юнонча: autos – *ўзим*, lithos – тош, grapho – ёзаман) [эстетика] – матбаачилик тури. А. да чоп қилинадиган тасвирни матбаачи ёки литограф эмас, балки муал.нинг ўзи клише (нусха) тайёрлайди. А.да тошбосма китобларини расм б-н безатиш, айрим шакллар ва араб ёзувидаги мураккабликларни бартараф этиш мақсадида хаттот ёки сурат муал.ига мурожаат этилади.

АВТОЛОГИЯ (юнонча: autos – *ўзим,* logos – таълимот) – мураккаб таркибли кўчирма гап. Бошқа бировларнинг айнан келтирилган гапи. Ўзи ҳақида маълумот берувчи, ўз-ўзидан гапирувчи матн ёки асар.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.13.

АВТОМАТИЗАЦИЯ (юноча: automatos – ўзи ҳаракат қилувчи; немисча: automatisation – *тезлаштирилган*) [рецептив эстетика] – бадиий асарни қабул қилишда тезкор усул. Рус формал мактаби вакиллари В.Шкловский, Ю.Тинянов томонидан киритилган. Ҳоз. муқобили – *рецептив эстетика.* Рус формалистларининг уқтиришича, санъатнинг тараққиёти бадиий воситаларнинг А. ва унинг китобхонлар томонидан қабул қилинишига боғлиқ. Бадиий тараққиёт натижасида шакл ўз янгилигини йўқотади, уни қабул қилиш механик жараёнга айланади. Бунинг учун асарнинг тарихан яшаб бўлган қисмини "туртиб" юборишга тўғри келади. Бу жараёнда китобхонлар томонидан "деавтоматизация" жараёни юз бериб, уни қабул қилиш секинлашади. Китобхонлар учун уни тушунтирувчи восита, яъни талқин ва таҳлил ёки шарҳ керак бўлади. Ж.Жойснинг "Улисс" романининг қабул қилиниши ҳам шундай мураккаб кечган. Энди бу жараёнда муал. шарҳлари эмас, балки ташқи кучлар, яъни танқидчиларнинг тушунтируви керак бўлган. Натижада, "Улисс" романи ҳақида бир неча ўнлаб шарҳлар ёзилган. Шу қарашлар асосида олмон олими Х.Р.Яусс «рецептив эстетика» терминини ишлаб чиққан ва адабий жараёнга тадбиқ этган.

- *Шкловский В.* Искусство – как прием / Изб. произведения в 3 т., т.1. М., 1978; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10-11.

АВТОМАТИК ТАҲЛИЛ [герменевтика] – матннинг рентген ва лазер нурлари, компьютер в.б. воситасидаги замонавий техник таҳлили. А.т.да матн нусхалари ёки суратларини катта ёки кичик (макро ва микро) қилиб кўрсатиш орқали матнда оддий кўз б-н кўринмайдиган жиҳатлар аниқланади. А.т.дан матн қўлёзмасининг муал.лигини тиклашда, муаллиф ёки котиб дастхатини аниқлашда, матн тегишли бўлган даврни белгилашда фойдаланилади.

- *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.13.

АВТОНИМ – (юнонча: autos – *ўзим*, onuma – *исм*) тахаллус орқали ижод қиладиган муал.нинг ҳақиқий исми. Мас., Стендалнинг асл исми: Анри Мари Бейль, Чўлпон: Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли, Фитрат: Абдурауф Абдураҳим ўғли, Максим Горький – Алексей Максимович Пешков, Ойбек: Мусо Тошмуҳамедов, Ойдин: Манзура Собирова в.б. Қатағон й.ларида айрим ижодкорлар ўз А.ни яшириб, фақат тахаллуслар б-н имзо чекишган. Мас., "Қаландар", "Андижонлик", "Мирзақаландар" имзолари б-н ўз асарларини эълон қилган.

- *Хотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.19; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11.

АВТОНОМИЯ (юнонча: autos — ўзим, nomos — қонун) – мухторият. бирон-бир адабий бирликнинг унга йўл қўйилган имкониятлар даражасида мустақил айрим амалларни мустақил бажариш ҳуқуқи.

~ шахсият – ад-тда шахснинг инсоний ғояларга яқинлиги (ноавтоном) б-н бир қаторда унинг бошқалардан А. муносабати, теранлиги, "алоҳида ягоналиги" (М.Бахтин) б-н ажралиб туриши. Эстетик кўрсатмаларнинг оригинал ечимини тавсия этишга қодирлиги бугунги қахрамоннинг хусусиятларидан саналади. А.ш. инсон томонидан яратилиб, тайёр мавҳум кўринишда мавжуд бўлмайди. Бунда А.ш. фалсафа т. б-н айтганда, бу ноанъанавий "мен" "бошқалар учун" эмас, "мен" "ўзим учун" аввалги планга чиқади.

Санъат ~си – анъанавий, мумтоз санъатдан фаркли равишда алоҳидаликдан ягоналик сари қадам ташлаш; эйдетик санъат ҳаётдан узилган бўлиб, у қайсидир ғоянинг таркибида бўлар эди. Ҳоз. санъат ўз ўзининг йўлини белгиламоқда, шунинг учун ҳам у ҳаётга (Арастуча айтганда, табиатга) тақлид, ўхшатиш туфайли эмас, балки унга А. тарзда муносабатга киришади. Бад. реаллик ҳаётнинг инъикоси эмас, алоҳида яратилган модал (ҳаётда мавжуд бўлмаган) реаллик сифатида қаралади. Бу реаллик майдонида дунё тўхтовсиз ижод қилинади. Ҳаётга А.ик муносабатдан келиб чиқиб, бад. модаллик поэтикаси асосий меъёр даражасига кўтарилади.

- Теория лит-ры. В 2-х т, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.222-223, 232-234.

АВТОНОМАЗИЯ [риторика] – шахс исмининг предмет ёки ҳодиса номи б-н алмаштирилиши. Бу жараёнда унинг исми ўша шахсга тегишли ёки у ёқтирган бирор предмет б-н алмашинади. Мас., Чеховнинг "Ғилоф бандаси" асарида қаҳрамон номи "ғилоф" б-н алмашинади. Пушкин "Моцарт ва Сальери" асарида Микеланжелонинг исми ўрнига "Ватикан яратувчиси" номини қўллайди. Ў.Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романида қаҳрамон Комиссар деб юритилади.

• *Лотман Ю.М.* Риторика / Труды по знаковым системам, т.12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М. в.б.* Общая риторика. М., 1986; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11.

АВТОПОРТРЕТ (юнонча: autos – *ўзим*, portrait – тасвир) [поэтика, эстетика] – тасвирий санъатда ёки шеъриятда портрет жанридаги асарлар орасида муал.нинг ўзини тасвирлаши. Қад. Европа рассомлари диний мавзудаги, ибодатхона деворлари ва ички гумбазларга чизган расмларида авлиёлар орасида сездирмасдан ўз қиёфаларини ҳам тасвирлашган. Антик даврда ҳайкалтарош Фидий А.нинг дастлабки намунасини яратган, Уйғониш даврида Леонардо да Винчи, С.Боттичелли, А.Дюрер, Д.Гирландайо, Рембранд, Рубенс, Ван Гог, Рерих, ўзбек рассомлари Р.Чориев, Ж.Умарбеков, Т.Саъдуллаев ижодида А. жанридаги асарлар мавжуд. А. рассом А.Абдуллаев ижодида муҳим ўрин эгаллаган. А.да ўзига, ўз ижодига ва ижодий тамойилларига баҳо бериш ҳам акс этган.

АВТОР (лотинча: au(c)tor – айбдор, *асосчи,* таъсисчи) [эстетика, ад-т назарияси, ижодий жараён, матншунослик] – адабий, бадиий ёки илмий асар муал.и, матн яратувчиси; ихтирочи субъект. Замонавий ад-тшуносликда *биографик* А., яъни реал борликдаги ижодкор шахс ва матн ичидаги, матнга сингдирилган муал.. А. биринчи маънода, бадиий асар матни муал.лигига даъвогар шахс тушунилади. А. ўз даврининг адабий ҳаётида қатнашади, бошқа А.лар, мунаққидлар, таҳририят ходимлари, китоб савдоси б-н шуғулланувчилар ва китобхонлар б-н мулоқотга киришади. Халқ оғзаки ижоди намуналари аниқ А. томонидан яратилмайди. А. ўрнида ижрочи, айтувчи, бахши в.б. кўринади. Ёзма ад-тда эса А. нинг индивидуал роли юкори. Матн ичидаги А., асосан, мутахассислар томонидан хусусий маънода қўлланилади. А. матндаги ҳиссий-маъновий бутунликнинг ташкил этувчидир. Бунда матнда бевосита ёки билвосита иштирок этаётган муал. назарда тутилади. Бу ҳодиса ад-тшунослар томонидан бадиий асардаги *А. образи* истилоҳи б-н юритилади. А.га асарнинг адабий тури, жанри, сарлавҳаси, эпиграфи, бошланишидан то охиригача тааллуклидир. Айрим матнларда эса *метатекст*да, яъни матндан ташқарида А. сўзбошиси, сўнгсўзи, изоҳлари в.б. тушунтириш матнлари бўлади. Лирик асарларда А.о. лирик қаҳрамон, унинг тушунтиришлари лирик чекиниш тарзида берилади. А. "мен"и тушунчаси А.о. истилоҳига яқин маънода қўлланилади. Асардан ташқарида ёки матн таркибида адабий тахаллуси ҳам келиши мумкин. Ғазал ва қасида жанрига мансуб лирик асарларнинг мақтаъи (сўнгги байти)да А. тахаллуси берилади. Қад. юнон шеъриятида Акростих (шарқона мувашшаҳ) орқали асар бағишланган шахс, кўпинча, муал.нинг исми биринчи ҳарфлар б-н ифодалан. Эпик асарларда А. интонацияси, ургуси, симпатияси, антипатияси бутун асар тўқимасига сингдирилади. А. ровийликни ўз зиммасиға олади ёки асарда ҳикоячи-қаҳрамон вазифасида иштирок этади.

Айрим автобиографик асарларда эса А.о. эркин иштирок этувчи қаҳрамон сифатида ҳаракат қилади. Асар биринчи шахс томонидан айтилади ёки учинчи шахс томонидан баён қилинганда А. драмадаги каби бирор қаҳрамон (автобиографик) "ичига" яширинган бўлади. Лиро-эпик характердаги сатирик ёки аллегорик асарларда (мас., масал ёки ҳажвия) А. номидан киноя, пичинг, рамз в.б. кўчма маънолардан фойдаланилади. Драматик асарларда А.о. ўз қаҳрамонларининг ортига яширинган ҳолда келиши мумкин. Ёки А. ремарка орқали баён этилади, саҳнадан лукма тарзида ҳам воқеаларга ёки қаҳрамонга муносабат билдирилиши мумкин. Антик театрда бу каби вазифаларни *хор* бажарган.

А. ҳақида турлича қарашлар мавжуд. А. ёзувчининг ижодий индивидуаллиги (М.Б.Храпченко). М.Бахтиннинг фикрича, А. МЕН ва ЎЗГА диалогида катнашади, яъни "ўзи яратаётган адабий олам б-н ўз асарининг чегарасида туриб ҳаракат қилади. Чунки унинг асарга фаол иштироки матннинг эстетик бутунлигига ўз таъсирини кўрсатади. Француз структуралисти Р.Бартнинг талқинига кўра, "бадиий ижодда бизнинг субъективлигимиз ўз изларини йўқотади, унинг овози ўз манбаидан узилади".

Яна қ.: Муаллиф.

- *Виноградов В.В.* Проблема авторства и теория стилей. М., 1961; *Аверинцев С.С.* Автор / Краткая лит-ная энц-я: в девяти томах. Т.9. М.: СЭ, 1978. С.28-30; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшуносл терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979; *Корман Б.О.* Лит-ведческие термины по проблеме автора. Ижевск, 1982; Проблема автора в художествееной лит-ре / Под ред. Б.О.Кормана. Устинов, 1985; *Бахтин М.М.* Автор и герой в эстетической деятельности / Лит-но-критические статьи. М., 1986; *Барт Р.* Смерть автора / Избр. работы. Семиотика. Поэтика. М., 1989; *Рымарь Н.Т., Скобелев В.П.* Теория автора и проблема художественной деятельности. Воронеж, 1994; *Манн Ю.* Автор и повествование / Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. М., 1994; Автор и текст / Подред. В.М.Марковича и В.Шмидта. СПб., 1996; *Прозоров В.В.* Автор / Введение в лит-ведение: Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.11-21; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006; Теория лит-ры. В двух томах / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М., 2006.

~ ***баҳоси*** – бадиий асарда ёзувчининг ўз қаҳрамонининг турли хатти-ҳаракатларига гоҳ ошкора, гоҳ яширин баҳо бериши. Мас., А.б. Гоголнинг "Тарас Булба" қиссасида, А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларида учрайди.

~ ***баёни*** – бадиий асарлар воқеасининг муал. томонидан сўзлаб берилиши. Бадиий насрда бундай баён типи кенг қўлланилган. А.Қодирий, Ойбек, А.Қаххор асарларида бу ифода усулидан кенг фойдаланилган.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.20.

~ ***изоҳи*** – муал.лар матнда тилга олинган воқеа-ҳодиса ва тарихий номларга саҳифа остида ёки асар сўнггида берган изоҳи. А.и.да фикрнинг тўғри қабул қилиниши учун муал. айрим белгилар (шартли) қўллаган ҳолда асар охирида ёки саҳифа остида унинг изоҳини бериши мумкин. Мумтоз матнлар ҳошиясида муал. изоҳи, айрим сўзлар луғати ёки талқини ҳам учраши мумкин.

~ ***концепцияси*** – қ.: Муал. ғояси.

~ ***нутқи*** – қ.: Муал. нутқи.

~ ***образи*** – филологик ва эстетик категория бўлиб, адабий асарда ўзининг индивидуал ва оригинал изини қолдирувчи асар муал.идир. Асарда А.нинг қатнашуви муал. ғоясининг китобхонга етиб боришида, муал. дунёқараши ҳақида муайян хулосага келишда ёрдам беради. Муал.ликка индивидуал ёндашув кучайган сари ад-т тарихида А.о.нинг роли орта борган. А онгидаги қарашларни китобхонга етказишда замонавий ад-тда рамзий, мажозий образлар ва тимсоллар б-н иш кўриш урф бўлган. Автобиографик ва лирик асарларда муал. бевосита матнда қатнашувчи сифатида иштирок этгани учун А.о.ни осон пайқаш мумкин. Драматик асарларда А. фақат саҳна ҳаракатларини ташкил этувчи вазифасида келади, унинг "овози" эшитилмайди, саҳна ортидан ҳар бир ҳаракат ва нутқни бошқариб туради. Эпик асарларда А. – яратувчи А – ҳикоячига ҳар доим ҳам мос келмаслиги мумкин. В.В.Виноградовнинг талқинича, А.о. нутқ образи (речевой образ)дир. Модерн ад-тида А.о. тасвирдаги олам б-н уйғунлашмаган ҳолда, муал. нарсалар ва воқеалар дунёсидан юқори туради, уларни китобхон онгига етказишда интеллектуал шахс сифатида шаклланган бўлади. Китобхон кўзи ўнгида А. тавсия этаётган сюжет ва унинг вариациялари талқини муал. қарашлари б-н мос келмайди. А.о. табиати, асардаги характери ўша асардан олинадиган таассурот ва туйғулар орқали англатилади. А. нафақат эстетик категория, балки ижтимоий-маданий ҳодиса саналгани учун у асардаги А.о.дан кенгроқ тушунча сифатида талқин этилади.

• *Виноградов В.В.* Проблема авторства и теория стилей. М., 1961; *Корман Б.О.* Литературоведческие термины по проблеме автора. Ижевск, 1982; Проблема автора в художествееной лит-ре / Под ред. Б.О. Кормана. Устинов, 1985; *Бонецкая Н.К.* «Образ автора» как эстетическая категория / Контекст-1985. М., 1986; *Роднянская И.Б.* Автор образ / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.13-14.

~ ***позицияси*** – муал. бадиий асарда воқеаларга аралашмаса ҳам кимни ёклаётгани ёки кимдан ва нимадан нафратланиши бутун асар руҳидан сезилиб туради. Асар муал.ининг тасвирдаги воқеалар ва қаҳрамонларга муносабатини билдиради. Мас., "Оливер Твист" романида Ч.Диккенснинг бечораҳол одамларни ҳимоя қилиши.

~ ***чекиниши*** – қ.: лирик чекиниш.

- Проблема автора в художественной лит-ре. Сб. статей в 4 вып. Под. ред. Кормана Б.О. Воронеж, 1967-74; *Роднянская И.Б.* / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.13-14; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.11-21.

~ ***қўшиқлари*** – замонавий лирика ва эстрада жанрларидан бири. А.қ.да бирламчи ҳолат куй эмас, балки қўшиқ матнининг мазмунидир. Шундан келиб чиқиб, уни А.қ. ёки "публицистик қўшиқлар" деб ҳам юритилади. Бу истилоҳ адабий таомилга рус олимаси А.А.Якушева томонидан киритилган. В.С.Висоцкий, А.А.Галич, Б.Ш.Окуджава А.қ.нинг устаси сифатида танилган.

А.қ. дастлаб ирланд лирикасида *бард* номи б-н яратилган бўлиб, кельт халқ қўшиқларида қирол ва саркардаларнинг қаҳрамонликлари куйланган. XX аср бошидан бу жанр, асосан, А.қ. тарзида шуҳрат топган. А.қ. ижрочилари бард деб номланган. Улар, кўпинча, гитара ёрдамида ижро этилган.

~ ***ғояси*** – муал.нинг асар қаҳрамонлари ёки воқеалари орқали англатмоқчи бўлган фикри, илгари сурилган қарашлари. А.ғ. дастлаб бадиий ният сифатида шаклланади ва асар давомида унинг ижроси учун ҳаракат қилинади. А.ғ. бадиий асарнинг шакл ва мазмун жиҳатини белгилайди, муал. ғоясининг ижросида иштирок этувчи персонаж ва образлар, бадиий воситалар мана шу ғоянинг ташувчиларига айланади. А.ғ. муал. услубини белгилашда ҳам муҳим рол ўйнайди.Чунки ёзувчи ўз бадиий ниятига муносиб ифода услубини танлайди, уни асар охирига қадар ривожлантириб, шаклланган бадиий услуб маромига етказади.

А.ғ. айрим ўринларда танқидчилик талқини ва адабий жамоатчилик фикрига тўғри келмаслиги мумкин. Айниқса, шуро мафкураси туфайли муал. ғоясига мос келмайдиган равишда мафкуравий талқинларга ўрин бнрилган. Мас., А.Блокнинг "Ун иккилар" достонидаги Исо образи инқилоб тимсолига, унинг 12 *апостол*и эса, инқилобчиларга менгзалган.

- *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.20.

~ ***лик ҳуқуқи*** – муал.нинг қонун б-н ҳимоя қилинадиган ҳуқуқи. А.лик ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳеч қандай формал талаблар (ариза ёки маълумотнома) талаб қилинмайди, чунки у муал.нинг ижодий меҳнатининг маҳсули бўлиб, ЎзРда (бошқа давлатлардаги каби) қонун б-н ҳимояланади. Нашриётларда А.ҳ. фақат ўша асар ёзувчиси эмас, балки турли тўпламларнинг тузувчиси, мумтоз матнларнинг нашрга тайёрловчиси, оригинал матннинг таржимони ҳам А.ҳ.га эга бўлади. А.ҳ. индивидуал ва жамоавий (ҳаммуал.лик асарларида) бўлиши мумкин.

• *Мильчин А.Э.* Издательский словарь-справочник. – Изд. 3-е, испр. и доп., электронное – М.: ОЛМА-Пресс, 2006; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.15.

АВТОРЕМИНИСЦЕНЦИЯ [матншунослик, ижодий жараён] – матндаги матн типи ёки муал. бирор асарида баён қилган ҳодисанинг бошқа асаридаги такрори. Ёзувчи кўп ҳолларда бевосита ўзи англамаган ҳолда ўзини, ўз фикрини ёки бирор жумла ва наклни такрор келтириши мумкин. Фитрат "Арслон" асарида "Бухоронинг ҳоли" публицистик мақоласидаги судхўр саҳнасини онгли равишда такроран келтириш б-н асар қаҳрамонининг камбағал ҳолатини ифодаламоқчи бўлади. Ойбекнинг "Улуғ йўл" романида "Болалик" қиссасидаги айрим эпизодлар такрор келади.

• *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.15.

АВТОРЕФЕРАТ (юнонча: auto – мен, ўзим; лотинча: refero – хабар бераман) – илмий асарнинг қисқа матни, илмий иш (диссертация)нинг муаллифи томонидан баён қилинган қисқа шакли. Докторлик ва номзодлик диссертацияларининг кенг китобхонларга мўлжалланган қисқа шакли.

АВТОРИЗАЦИЯ [матншунослик, адабий жараён] – бадиий асар муал.лигини тиклаш. Мас., муал.и номаълум асарларнинг муал.ини илмий йўл б-н аниқлаш. Юнон эпоси "Илиада" ва "Одиссея"нинг Гомер томонидан яратилгани аниқланган. Муал. томонидан асарининг расман тасдикланиши. Бу ҳолат нашриёт фаолияти, кашфиётлар учун муал.лик белгиси, тарж. асарларининг муал.лигига тегишлидир. Ўзбек мумтоз ад-тида "Гул ва Наврўз" муал.и сифатида Лутфий белгиланган эди, сўнгги изланишлар ва манбалар асосида асарнинг муал.и Ҳайдар Хоразмий экани аниқланди. Шу каби Дурбекка нисбат берилган "Юсуф ва Зулайхо"нинг, Машрабга нисбат берилган "Мабдаи нур" асарининг муал.лигини тиклаш ўзбек ад-тшунослиги олдида турган вазифалардан.

• Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.4; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 15.

АВТОРЛАШГАН ТАРЖИМА (авторизованный перевод) – муал.нинг вариантига яқинлаштирилган эркин тарж. Айрим ҳолларда асар муал.и томонидан маъқулланган тарж. варианти.

• *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.16.

АВТОРИТАР ТАФАККУР [герменевтика] – фикр юритиш усули. Ижодий фикрлашдан маҳрум, демократияни бўғувчи, жамоат фикрига беписанд каровчи нуктаи назар. А.т. эгаси бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини "асосий мулоҳазалар" б-н чеклаб қўяди. Бу қарашдаги мулоҳазалар аввалдан белгилаб қўйилган хулосаларга олиб келади. Асосий мулоҳазалар

авторитетлар томонидан айтилади, унинг давомчилари бу карашни ижодий давом эттирмай, уни тушунтириш ва изоҳлаш б-н машғул бўлади. Афлотун ва Арасту бу ҳодисани *тирания* деб атаган.

- Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва масъул мух-р: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарк НМАК, 2004. Б.12.

АВТОРИТЕТ (олмонча: autoritat – *ҳокимият*, таъсир) [фалсафа] – бир шахс ёки ташкилотнинг ижтимоий ҳаётга кучли таъсири ёки ижодий таъсир ўтувчи шахс. А. ҳуқуқий жиҳатдан асосланмаган бўлса-да, айрим шахсларнинг куч ишлатмасдан ўз фикрлаш тарзи б-н бошқаларга таъсир этиши. Олмон файласуфи Гоббс "суверен А.", М.Вебер А. "формал типологияси"ни тақдим этган. Вебер талқинига кўра, А. фақат авлиёлар ва сиёсий даҳоларга хос. А. ад-тда социалистик реализм таълимоти воситасида авторитар фикрлаш тарзи сингдирилган, соц.реализм методи қолипига мувофиқ ижод намуналари яратилган. А. бадиий асарда қаҳрамон ёки характер яратишда ҳам учрайди. Бундай қаҳрамонлар *авторитар қаҳрамон* деб юритилади. Улар сирасига А.Қаххорнинг "Синчалак" қиссасидаги Қаландаров, Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" эпопеясидаги Асадбек образини киритиш мумкин.

- Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.12-13; Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва мас. муҳар: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарк НМАК, 2004. Б.12.

АВТОЦЕНЗУРА (юнонча: autosenzor – ўзини кузатиш) – ижодий жараённинг социал шарти. Замон талаби б-н муал. ўз асарини қайта таҳрирдан чиқарса ёки ижодий ниятини ўзгартирса А.га йўл қўйган бўлади. Ижод эркинлиги бўғилса, ижодий жараённи бошқариш цензура вакилларидан ташқари муал. ўз-ўзини чеклаб, А. (замонасозлик, келишувчилик) қилишга олиб келади. А. муал.нинг ўз ижоди намуналари юзасидан ўтказилаётган назорати сифатида айрим аввал ёзилган ёки нашр этилган асарларини замон талаби б-н қайта ёзиши ёки қайта таҳрир этиши мумкин. Шўро даврида Фитратнинг "Қиёмат" ҳикояси А. талаби б-н икки марта таҳрирдан чиққан, А.Қаххорнинг "Сароб" романининг уч нашри, бир-биридан фарқли равишда нашр этилган.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.14; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 22; Қўчқоров Р. Уч "Сароб" // Мен б-н мунозара қилсангиз. Т., 2001.

АВФИЙ, Нуриддин Муҳаммад Бухорий (1171–1233) – шоир ва тазкиранавис, таржимон. А. ҳаётининг дастлабки даври (1172–1201) илм таҳсили б-н ўтган. Иккинчи даври (1201–1220)да Самарқандда қорахонли Қилич Арслон хизматида мунший бўлиб ўтган. Хоразм, Марв, Нишопур, Ҳирот, Ғазна ш.ларига саёҳат қилади. Хоразмда Нажмиддин Кубро ва унинг шогирди Мажидиддин Багдодий (Фаридиддин Атторнинг устози) б-н суҳбат қуради. Учинчи даври (1220–1240)да мўғуллар истило этган жойларни тарк

этиб, Лоҳўр ва Деҳлига саёҳат қилади ва умрининг сўнггига қадар Ҳиндистонда Шамсиддин Элтутмиш даргоҳида адабий фаолиятини давом эттиради.

1222–23 й. Ҳиндистонда тартиб берган "Лубобу-л-албоб" ("Мағизларнинг мағзи") тазкирасининг айрим боблари бизгача етиб келган. Форс т.да ёзилган илк тазкира сифатида эътироф этилган бу асар муқаддима ва 12 бобдан иборат. 1223 й. А. араб адиби Абу Али Муҳассин ат-Тануҳийнинг "Ал-Фараж баъда-ш-шидда» ("Қийинчиликдан кейинги шодлик") асарини форс т.га тарж. қилган. Бу асарга А. "Жавомеъу-л-ҳикоёт ва лавомеъу-л- ривоёт» деган ном берган («Ҳикоялар тўплами ва ривоятлар шуълалари", 1228). Асарда авлиё ва анбиёлар ҳаёти, каромат ва мўъжизалари, халифалар, ажам шоҳларининг адолатли ва адолатсиз ишлари ҳақида ҳикоялар келтирилган. Бу ҳикоя ва ривоятларда диний бағрикенглик, халқларнинг ўзаро ҳамжиҳат бўлиб тинч яшаши ғоялари акс этган. Ҳар бир қисми 25 бобдан ташкил топган асарнинг 2-қисмида одоб, тавозе, лутф, карам, сабр, вафо, меҳр ва мурувват улуғланади. Асарнинг 3-қисмида золимлик, кибру ҳаво, бахиллик, каззоблик (ёлғончилик), мунофиқлик ва ҳасадгўйлик иллатлари қораланади. 4-қисмда аёлларнинг вафодорлиги, зийраклиги ва заковати ёқланиб, улардаги салбий иллатлар танқид остига олинади.

♦ *Авфий М., в.б.* Нодир ҳикоятлар. Т., 1977; Ҳикоялар ва ривоятар. Т., 1983.

• *Шайхзода М.* Тазкирачилик тарихидан / Асарлар. 4 т. Б.307-309; Т., *Шомуҳамедов Ш.* Гуманистик ғоялар куйчиси / Ибратли ривоятлар. Т.: Ўз-н, 2009.

АВҚОТ ("вақт"нинг кўплиги) – тасаввуфий талқинда ибодат (зикр) вақти.

АВҲАД МУСТАВФИЙ (в.868/1463) – форсигўй шоир ва мунажжим. "Кадуд" тахаллуси б-н ҳам машҳур. Сабзавор ш.да туғилган. Илми ғариба ва фалакиётда машҳур бўлган. Ғазал ва қасидалари бир "Девон"га жамланган. Навоий "Мажолис..."ининг Иккинчи мажлисида зикр қилиниб, қуйидаги матлаъси келтирилган:

Эй зи бўстони жамолат чашму жонро зебу зайн,
Гашта бар наргис ҳаводори чашмат фарзи айн.

Мазмуни: Жамолинг боғидан кўз ва жонга зеб-зийнат келди. Наргис гулига кўзинг б-н ғурурланиш аниқ фарз бўлиб қолди.

Навоий А.нинг Ҳусайн Бойқарога бағишланган қасидасидан ҳам бир байт келтирган:

Шод бош, эй дил, ки бар мо сояи раҳмат фиканд,
Офтоби осмони салтанат Султон Ҳусайн.

Мазмуни: Эй кўнгил, шод бўл, подшоҳлик осмонининг қуёши Султон Ҳусайн бизга меҳрибонлик соясини солди.

Қабри Сабзавор ш.да.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.31; *Қайюмов П.* Тазкирату–ш–шуаро. Т., 2006. Б.29.

АВҲАДИЙ – эронлик шоир. Кирмон ш.нинг шайхларидан. Орифона мақомоти ва жазби ошиконаси б-н машҳур. Машҳур шайх ва шоир Авҳадиддин Мароғийнинг устози. "Мисбоҳу-л-арвоҳ" ("Руҳлар чироғи") номли девони бор. Икки байт маснавийларидан:

Чун ғарраи субҳ гашт ғарро,
Шуд турраи осмон мумарро.
Бар басти фалак ниқоби анвар,
Бикшуд арузи субҳ зевар.

• *Қайюмов П.* Тазкирату–ш–шуаро. Т., 2006. Б.30.

АВҲАДИЙ, Рукниддин (в. 1337) – озарбойжон адиби, форс т.да асарлар битган. Шайх Авҳадиддин Мароғий (Мароғали) номи б-н машҳур. Мўғул ҳукмдорларидан Арғунхон даврида Мароғада, сўнгра Исфаҳонда яшаган. Авҳадиддин Кирмонийнинг муриди ва шогирди. "Девон" тартиб берган. Ҳаким Саноийнинг "Ҳадиқат..." асари руҳида ёзилган "Жоми Жамм" номли тасаввуфий достони шуҳрат қозонган. Достондан:

З-ин жомҳо чи фоида чун мекунад ажал,
З-ин пардаҳо чи судки, бар мо ҳамидаранд.
Комтар зи мўру мор шумор он гуруҳро,
К-аз баҳри мўру мор тани хеш парваранд.

Озарбойжон манбаларида ёзилишича, 525 байтдан иборат "Дахнома" номли маснавийси бор. "Мантиқу-л-ушшоқ" ("Ошиқлар нутқи") маснавийсини 33 ёшида (1307) битгани қайд этилади.

♦ Девони Авҳадий. Мадрас, 1951 (форс т.).

• *Бегдеги Ғ.Ҳ.* Эвhадинин hаjат ва jарфдычылығы. Бакы, 1962; *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.30.

АГА (туркча: оға) – Усмонли турк султонлигидаги ҳарбий унвон. XV–XVII асрларда сарой хизматчиларининг алоҳида гуруҳи ҳам шу ном б-н юритилган. Айни маънода қозоқ хонлари ҳам ўрта зобитларга А. унвони берилгани *Дўсмамбет жиров* репертуаридаги халқ достонларида ҳам учрайди. Яна қ.: Оға.

• Қазақстан Улттық энц-я. Алмати, 1998. Б.82; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.39.

АГАВА [мифология] – юнон мифологияси қаҳрамонларидан. Мифга кўра Кадм ва Гармониянинг қизи, Пенфейнинг онаси. А. Фивага қайтиш саҳнаси юнон театрида тасвирланган. Еврипиднинг "Вакханка" фожиасининг бош қаҳрамони.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32.

«АГАМА» – ҳиндустоний динидаги жайнийлик мазҳабининг қонунлар йиғиндиси. Уни шветамбар (оқ кийимлилар) А. деб юртилган, иккинчи номи

"Синддханта" ("Муқаддас таълимот"). М.а. V а.да Валабхи (Гужарат) ш.даги ибодатхоналарда ёзиб олинган. Қонун 12 анга (қисм, бўлим)дан иборат. Ҳар бир бўлим бир неча гуруҳ матнларига бўлинади. Улар орасида энг қад.си "Чхета-судра" ва "Мула-сутра»дир. А. жайнийлар учун ахлоқ қонунлари кодекси бўлиб хизмат қилган. Қонун баёнида насрий матн шеър б-н алмашиб келади. Баён ичида суҳбат ва диалоглар ҳам учрайди. Қонун таркибида афсона, ривоят, латифа ва маиший эртаклар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси насиҳат тарзида, бадиийлик нуқтаи назаридан Будда матнлари даражасида эмас. Иккинчи бўлим – "Суягаданга" бўлиб, турли вазндаги шеърлардан иборат. Бешинчи бўлим "Бхагаватианга" бўлиб, бу эътикоднинг моҳиятини ифода қилади. Матнларнинг "Уттарарадхьяянасутра" қисми бадиий жиҳатдан анча мукаммал бўлиб, ундаги ривоятларда бадиий безаклар, хикматли сўзлар кўпроқ учрайди.

- *Гринцер П.А.* Древнеиндийская лит-ра / История всемирной лит-ры. М.: Наука, 1983 С.234-235.

АГАМЕД [мифология] – юнон мифларида бунёдкор қаҳрамон, Эргиннинг ўғли. Акаси Трофиний б-н бирга Дельфа ибодатхонаси, Мантинейдаги Посейдон ва подшоҳ Авгийнинг Элиддаги саройи қурувчиси.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32.

АГАМЕМНОН (юнонча: Agamemnon), Атрей ўғли – қад. юнон мифологиясида Микен (айрим манбаларда Аргос) подшоҳи, Клитемнестранинг эри. Юнонларнинг Троя урушидаги йўлбошчиси. Урушдан ғалаба б-н қайтаётганида хотини ва унинг ўйнаши Эгисф томонидан ўлдирилган. А. б-н Ахилл ўртасидаги келишмовчилик Гомернинг "Илиада" достонининг асосий сюжет чизиқларидан бири. А. образига юнон трагиклари Эсхил ва Эврипид мурожаат этганлар.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32-33; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.13.

«АГАМЕМНОН» – антик даврга тегишли асар. Дастлаб Эсхил (м.а. 458) томонидан трагедия шаклида яратилган, сўнгра Кичик Сенека томонидан шу мавзуда ва шу номда ёзилган асар.

Эсхил асари "А." "Орестея" (м.а. 458) трилогиясининг биринчи трагедияси бўлиб, бу трилогия Эсхил асарлари орасида бизгача тўла ҳолда етиб келган ягона асардир. Трилогиянинг биринчи қисми "А." бўлиб, у қиска прологдан сўнг, Троянинг забт этилгани шарафига ёқилган олов саҳнаси б-н очилади. Ака-ука Агамемнон ва Менелай катта қўшин б-н Троя шоҳи Приам ш.га келадилар. Маъбудлар А.нинг ягона қизи Ифигенияни қурбонликка сўрайдилар, узоқ мулоҳазадан сўнг А. рози бўлади. Урушдан аввал Менелайнинг қочиб кетган хотини Еленанинг қасофати туфайли бегуноҳ қизнинг қони тўкилади. Сўнгра Кассандранинг найранги б-н шоҳ А. Клитемнестрага уйланади ва шу туфайли рўй берган бахтсизликлар

трагедиянинг асосий воқеасини ташкил қилади. Трилогиянинг иккинчи қисми "Хоэфорлар" ("Ўлим элчилари")да А.нинг Клитемнестра томонидан ўлдирилиши ва унинг ўғли ёш Орестнинг отаси учун қасос олиши тасвирланади. Унга маъбуд Аполлон амр бериб, бу ш.га юборган эди. Асарнинг учинчи қисми "Эвменидлар" деб номланиб, бунда Орестнинг ғалабаси кўрсатилади.

Эсхилдан сўнг ушбу мавзуга қўл урган Л.Анней Сенека (м.а. 4–мил. 65) бўлиб, у файласуф сифатида янги услубга асос солган машҳур адиб Сенеканинг ўғли эди. Испанияда туғилган бу адиб император Нерон (54–86) даврида яшаган, унинг қаламига мансуб фалсафий насрий асарлардан ташқари 9 трагедияси маълум. Улардан бири "А." эди. Сенека гарчи А. воқеаларини юнон трагедияси талаблари бўйича давом эттирган бўлса ҳам, унинг асари Эсхилникидан фалсафий мазмундорлиги б-н ажралиб туради.

- История всемирной лит-ры. М.: Наука, 1983. т.1. С.351-352, 474.

АГАРЬ [мифология] – яҳудий ва араб мифлари қаҳрамони. Юқори Аҳд китобида Сарранинг мисрлик қули, Иброҳим а.с.нинг чўриси. Уларнинг фарзанди Исҳоқ туғилгандан кейин энага А. б-н Сарра ўртасида зиддият туғилади. А. уларнинг катта ўғли, ўзи боққан Исмоилни олиб бу хонадондан кетади. Уларни Аллоҳ қутқаради. Қадимги миср манбаларида фиравннинг қизи тарзида тасвирланган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.33.

АГАТА КРИСТИ – к.: Кристи, Агата.

АГАСТЯ [мифология] – қадимги ҳинд эпосларида илоҳий донишманд, "Ригведа" малҳларининг кўпи унинг номи б-н боғланган. "Махобхорот"да А. маъбудларнинг асура (ёқуз куч)ларга қарши жангида қудратли мададкор. А. асуралар океанга яширинганини билгач, унинг сувини симириб, унинг сўнгги томчилари б-н бирга асураларни енгган. Осмон қадар юксалган тоғлар орасидан йўл очган. А.нинг ери Ҳиндистоннинг жанубий бўлиб, айрим мифларда А. Канопус юлдузи деб талқин қилинган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.33-34.

АГАСФЕР (Усфур) – ўрта асрлар Ғарб мифологиясида масиҳийлик б-н алоқадор сирли, мистик, муъжизавий ном. Мифларда А. Тангри қудрати б-н яшовчи деб тасаввур қилинади. А. Исо (а.с.)га йўлда дам олишга изн бермагани учун Худо томонидан абадий (тўхтовсиз) йўловчилик жазосига мубтало этилган. А. образи доимий йўлчи тимсоли сифатида ад-тда мавжуд. А.га Ф.Д.Шубарт, Н.Ленау, И.В.Гёте шеърлар, Э.Кине эса драма бағишлаган. Француз адиби Эжен Сю (1804 –1857) А. ҳақида кўпжилдли роман-сатира ёзган. Рус адиби В.Иванов ва аргентиналик ёзувчи Л.Борхеснинг А. ҳақида ёзган асарлари шуҳрат топган.

• Еврейская энц-я. Т.5. С.896-904; *Шубарт Х.* Легенда об Агасфере. М., 1919; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.34; *Эжен Сю.* Агасфер. Роман в 4-х т. М., 1990; *Эжен Сю.* Агасфер. Т.: Шарқ НМАК, 1992; *Борхес Л.* Ўлмайдиган одам (М.Маҳмудов тарж.) // Шарқ юлдузи. 1980. № 2.

АГАФОН (~ м.а. 448–397) – асарлари бизгача етиб келмаган юнон классиги, афиналик. У ҳақда Арасту асарларида маълумот учрайди. Эврипиддан кейин яшаган бўлса ҳам, классик трагедияга янгиликлар киритган. А. трагедияларида хор қўшиқлари асарнинг сюжетидан ажратилган, драмага мусиқали номерлар киритилган, қатор риторик фигуралар, шунингдек, антитеза ва параллелизмни асарларида дадил қўллаган. "Анфей" номли трагедияси юнон трагикларининг асарларидан фарқли равишда бошдан охиригача бадиий тўқима асосига қурилганлиги маълум.

• История всемирной лит-ры. М.: Наука, 1983. Т. 1. С.405-406.

АГАЧ КИШИ [мифология] – турк, озарбойжон ва қорачойликлар достонларида "ўрмон одами" (меша адам), А.К. Кавказ тоғли ҳудудларида яшаган. Сочлари пахмоқ тарзида тасвирланган А.К. емиш иўлаб боғча ва томорқаларга келиб озиқланган, айрим кишиларнинг эски кийимларини кийиб юрган. Мутахассисларнинг фикрича, қор–одамнинг маҳаллий шароитдаги муқобили.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.35.

АГАЦЦИ, Эвандро (1934 й.т.) – италиялик мантиқшунос олим ва адиб, халқаро файласуфлар академияси президенти (1988 й.дан). Пиза, Милан ва Генуя ун-тлари профессори. Сўнгги пайтларда Швейцариянинг Фрейбург ун-тида фаолият кўрсатган. А. дастлаб неопозитивизм тарафдори, "назарий юклама" таълимоти асосчиси, уни собиқ иттифоқда илмий реализм тарафдори деб аташган.

Италян олимлари ва машҳур кишилари ҳақидаги эсселар муал.и.

♦*Агацци Э.* Реализм в науке и историческая природа научного познания // Вопросы философии. 1980. № 6.

• Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.12-13; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.5.

АГГЛЮТИНАЦИЯ (лотинча: agglutinatio – ёпишиш) [поэтик лингкистика] т.ларда сўз ўзаги ва негизига қўшимчалар (*аффикс*) қўшиш йўли б-н янги сўз ва грамматик маъно ҳосил қилиш. Бу ҳолат кузатилган т.лар *агглютинавтив т.лар* дейилади. А. ҳодисаси туркий т.да, угор–фин т.да кузатилади. А. тартибига кўра аввал сўз ясовчи, кейин шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қўшилади. Мас.: *ижодкорларга = ижод+кор+лар+га.* Бунда *ижод* – сўз ўзаги, *-кор* – сўз ясовчи қўшимча, *-лар* – шакл ясовчи қўшимча, *-га* – сўз ўзгартирувчи (келишик) қўшимчаси. А. ҳодисаси фақат агглютинатив т.ларга эмас, балки айрим Ҳинд-Европа т.лари оиласига кирувчи т.ларда ҳам кузатилади.

• *Реформатский А.А.* Введение в языкозиание. М., 1960, с. 220—22; *Успенский Б.А.* Структурная типология языков. М., 1965; *Баранникова Л.И.* Введение в языкознание, Саратов, 1973.

АГЕНТЛИК (лотинча: agent – ишончли вакил) – дастлаб бирор ташкилот, ишлаб чиқариш ёки савдо фирмаси. Кейинроқ кенг тармоқли ташкилот. Вазирлик ёки бошқарма мақомидаги бирлашма. Ўз-нда илк А. телеграф А. тарзида матбуотни зарур материаллар б-н таъминлаш мақсадида ташкил топган (1881). Шу й. октябрда Россия телеграф А.нинг Туркистон бўлими иш бошлади. А.ни "Туркестанские водомости" газ. мух-ри Н.Маев бошқарган, 1882 й.дан Шимолий телеграф А. номи б-н юритилган. 1918 й.дан РосТА (Россия телеграф А.) Ўзб-н бўлими ва 1935 й.дан ТАСС (Собиқ иттифоқ телеграф А.) деб ўзгартирилиши б-н ЎзТАГ (Ўзб-н телеграф А.) барпо қилинган. Мас., *Ўз-н Ахборот ва матбуот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги.*

АГИЛЯР, Марям (1816-1847) – инглиз-яҳудий адибаси.

• Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.82.

АГИОГРАФИЯ (юнонча: hagios – *муқаддас,* grapho – *ёзаман*) [диншунослик] – ўрта асрлар насроний ад-тида валийлар ёки диний арбоблар ҳаёти ҳақидаги китоблар мажмуаси. А. оддий биографиядан қаҳрамони дин намояндаси экани б-н фарқ қилади. А. да тарихий воқеалар б-н бир қаторда, асар таркибига айрим афсонавий воқеалар, авлиёлар карамотлари ҳам киритилади. А. ўрта асрлар Европа ад-тининг асосий жанрларидан бири. А. асосида ушбу асар қаҳрамонини мадҳ этиш, унинг имон-эътиқодини улуғлаш, черковга қилган хизматлари ва диний урушдаги зафарларини баён этиш ётади. А. Рим империяси даврида вужудга келган. Дастлаб изтироб чекувчи Исо Масиҳ ҳақида, унинг апостол (ҳаворий)лари ҳақидаги китоблар сифатида баён қилинган. XVII асрдан рус черков ад-тида А. қонунлари деформация бўла бошлади ва бу асарлар асосига маиший ҳаёт воқеалари ҳам кириб келган. Мас., рус православ черковини улуғловчи "Чтение Нестора" ва "Прототоп Аввакум ҳаёти" (1672–75) кабиларни келтириш мумкин. XVIII–XIX асрлар Ғарбий Европа ад-тида А. айрим тарихий асарларнинг бирор қисми сифатида ёки фольклор намуналари сифатида яшай бошлади.

Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовнинг "Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати"да "пайғамбар ва авлиёларнинг ҳаёти ва саргузаштларини тасвирловчи ҳикоя ва қиссалар" тарзида талқин қилиниб, Рабғузийнинг "Қисасу-л-анбиё" ("Пайғамбарлар қиссалари"), Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ("Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи") асарлари ва Абдул Восеънинг "Манокиби Хожа Аҳрор" асарлари мисол тариқасида келтирилган.

• *Барсуков Н.П.* Источники русской агиографии. СПб., 1882; *Лихачев Д.С.* Поэтика древнерусской лит-ры. 3–изд. М., 1979. С.80-102; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.21;

Буланин Н.Д. Жития Святых / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.108-109. Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.270; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.4,55; *Nazarov B.* Tasavvuf adabiyoti janrlari. T.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

~ *фик адабиёт* – А.а. рус ва Ғарбий Европа адибларидан Н.М.Карамзин, Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой, Г.Флобер ва А.Франс асарларида қўлланилган. Айрим мутахассислар фикрича, тасаввуф ад-тидаги мақомотлар ва манқабалар ҳам А. ад-т таркибига киради. Мас., Муҳаммад Бокирнинг "Мақомоти Хожа Баҳоуддин", Муҳаммад Қазвинийнинг "Силсилату-л-орифин" ("Орифлар силсиласи"), Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-хаёт" ("Обиҳаёт томчилари") асарлари каби.

АГИОЛОГИЯ (юнонча: hagios – *муқаддас,* logos – таълимот) [диншунослик] – муқаддас авлиёлар ҳақидаги илм. Айрим манбаларда насроний черкови ходимларига оид фикрлар мажмуаси ҳам А. дейилган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.14.

«АГЛАЯ» (қад. юнонларда гўзаллик маъбудаси Афродитанинг славянча исми) – I. Рус адиби Н.М.Карамзин томонидан асос солинган биринчи рус альманахи. 1794–1795 йй.да Москвада икки марта нашр қилинган.

II. рус т.да Москвада нашр қилинган ойлик адабий журнал. П.И.Шаликов асос солган ва 1808–10 ва 1912 й.ларда нашр қилинган.

- Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14.

АГНИ (санскритча: олов) – "Авесто" ва ҳинд мифологиясида олов маъбуди. "Ригведа"да унга атаб энг кўп (Индрадан сўнг) 200 гимн бағишланган. А.нинг асосий вазифаси кишилар б-н маъбудлар ўтрасидаги воситачи. А. суратларда оловранг, олтинранг, бутун бадани, юзу кўзлари, қўл ва оёклари ёркин тасвирланади.

- Ригведа. М., 1972. С.93-110; Мифология древнеиндийского эпоса. М., 1975. С.84-87. Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.35-36.

АГНОСТИЦИЗМ (юнонча: a – *инкор*, йўқ; gnostos – *билиш*) [эстетика] – фалсафий ва илмий таълимот. Биз, инсонлар дунёдаги ҳеч нарсани тўла била олмаймиз. Ҳамма нарса унинг Яратувчисигагина аён. Худони билиб бўлмайди, деган таълимот. Биринчи марта файласуф Гексли томонидан илгари сурилган. Герберт Спенсер, Гамильтон таълимотига нисбатан қўлланилади. Кейинчалик А. ни олмон файласуфлари Д.Юм ва И.Кант ривожлантирган. Уларнинг талқинича, дунёни яхлитликда, бир бутунликда билиб бўлмайди. Инсон онги қанчалар тараққий этмасин, у оламнинг маълум қисминигина била олиши мумкин. Д. Юмнинг фикрига кўра, табиат бизни ўз сирларидан йироқроқ масофада сақлаб туради, бизга объектларнинг айрим юзаки кўринишларинигина билишга йўл қўяди.

А.таълимот неопозитивизм, махизм сингари қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

• *Хилл Т.И.* Современные теории познания / Пер. с англ. М., 1965; *Ойзерман Т.И.* Главные философские направления. М., 1984; *Юдин Э.Г.* Агностицизм / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.13; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.5; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.15.

АГРА – Шим. Ҳиндистондаги ш. Жамна дарёси соҳилида жойлашган. 1526 й. Бобуршоҳ томонидан салтанат пойтахти қилиб белгиланган. Бобур дарёдан сув чиқартириб, ш.ни обод қилган. Ўзи курдирган "Зарафшон" боғида "Бобурнома"ни оққа кўчирган. Бобурийлар даврида қатор маданий иншоотлар ва меъморлик обидалари қурилган: Акбаршоҳ (1560) томонидан Жамнанинг ўнг соҳилидаги сарой, қурилишни Шоҳжаҳон ниҳоясига етказган ш. қалъаси (1565), Жаҳонгири Маҳал саройи (1570), Марварид масжид (1646–53), Девони Ом (1627), Девони Хос (1637), Тожмаҳал (адабий манбаларда "мармардаги орзу", 1622-28) ва Эътимоду-д-Давла мақбараси (1628), Жомеъ масжиди (1646) в.б. Бу меъморий обидалар Ўрта Осиёлик ҳунармандлар иштирокида барпо этилган. Агра ун-ти (1927) ва Маҳатма Ганди кутубхонасида бобурийлар даврида ёзилган ва кўчирилган кўплаб қўлёзма ва босма китоблар мавжуд.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.15.

АГРАФИЯ (юнонча: а – йўқ, graf – ёзув) [эстетика] – ёзиш қобилиятини йўқотиш орқали вужудга келган талаффузнинг бузилиши. Тиббиёт т.да *афазия* деб аталган жараён б-н баравар содир бўлади. А. б-н касалланган бемор бўғинлар ўрнини алмаштириб талаффуз қилиши (мас., арава – авара), баъзан бу ҳолат унинг ёзувида ҳам акс этиши мумкин.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.15.

АГУ, Мария-Катерина-София де Флавиньи 1805–1876) – таниқли француз адибаси. Тахаллуси Диниэл Стерн. Жорж Санд руҳида романлар ёзган. "Валенсия", "Нелида" романлари муаллифи. Сўнгги асарда А.нинг машҳур бастакор Листга муҳаббати баён қилинган.

• Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.88; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16.

АГУЛШАП [мифология] – абхаз ва нарт эпосларида абадий булоқдан фойдаланувчи аждаҳо. Сув ҳавзаларида гўзал пари сифатида тасвирланади, айрим манбаларда гўзал қизларни олиб қочувчи. "Сасриква" эпосида қаҳрамон унга қарши курашиб енгади, абадий булоқни ҳалос этади. Абхаз халқ эртакларининг доимий салбий қаҳрамонларидан.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.36.

АД (юнонча: *нур тушмайдиган жой*) [мифология, агиография] – дўзах. Юнон мифологиясига кўра, ерости жой бўлиб, у ерга ўлганларнинг руҳи жойлашади. Насроний таълимотига кўра гуноҳкор бандаларнинг жазо оладиган жойи. Италян адиби Дантенинг "Илоҳий комедия" асарида А. нинг тўққиз доираси тасвирланган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми А. деб юритилади. Уни ўзбек т.га Абдулла Орипов тарж. қилган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.36-39; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16.

АДАБ, адаб илми [поэтика] – ўрта асрларда Шарқда инсонни маънавий камол топтирувчи илмлар мажмуаси. А. фалсафада шахснинг малакаси бўлиб, уни ёмон ишлардан сақлайди. "Аддаба" (кўплиги "адаб"), яъни руҳий ахлоқни поклаш сўзидан олинган, А. илм ўрганиш, ёмонлик қилган кимсага жазо бериш маъносида ҳам қўлланган. Одоб умумлашган маънода маориф илмларнинг барчасини қамраб олади ва махсус, лойиқ, муносиб касб ва ҳунарга ҳам нисбат берилади. Комил адаб деб зоҳири ва ботини баробар ахлоқи гўзал ва кавли ҳамда ниятлари тўғри, рост кишига айтадилар, унинг ахлоқи, сўзлари ва ишларига мос бўлсин ҳамда ниятлари аъмолига мувофиқ кўриниши ички олами б-н бир, иши ва сўзи мувофиқ бўлсин.

Абдуллоҳ Ансорий "Адаб зоҳир ва ботиннинг поклигидир", деб айтган. Адаб хатолар, адашишлардан сақланадиган воситалар ҳақидаги билимлардир. Шариат одобини ҳам *адаб* дейдилар. А. Ҳақнинг талабини бажариш қоида-русумларидандир. А. уч турга бўлинади: 1) Ҳақ таолодан қўрқиш, ёмонликдан сақланиш, ўзни хилват ва анжуманда ҳурматсизликдан сақлаш; 2) муомалат адаби – хар қандай ҳолда мурувват кўрсатмоқ, халқ ва ўзинг б-н суҳбатда Ҳақ б-н суҳбат беадабликдир; 3) халқ б-н суҳбат адаби сафарда. Кошоний А. қуйидагилардан иборат деб билади: а) илоҳ каломини диққат б-н қулоқ солиш (эшитиш) ва ундан баҳра олиш одоби, амру нахийни англаш; б) савол ва хитоб таҳсили адаби. Чунончи, одоби мурид ва одоби муршид, одоби набий ва одоби шайх.

Илми ~ – зарурий, энг муҳим илмлар мажмуаси. Мумтоз ад-тшуносликда И.А. қуйидаги филологик соҳаларни ўз ичига олади: луғат (1), сарф, яъни морфология (2); иштиқоқ – сўз ясалиши (3); наҳв – синтаксис (4), маоний (5), баён илми (6), аруз (7), қофия (8), иншо (9), шеър фарзи – бадоеъ (10), муҳозара – тарихий воқеа ва ривоятлардан фойдаланиш (11), расму-л-хат (12). Мазкур илми адабни эгаллаганлар адиб (юнонча: филолог) деб юритилган. Баъзилар бунга илми ғарибани ҳам қўшадилар. Усама ибн Мунқиз (в.1188) "Ал-бадиъ фи нақду-ш-шеър" китобида И.А.ни шу тарзда тасниф қилади: Адаба: аруз ва қофия, адабий танқид ва балоғат. Балоғат эса ўз навбатида: маони, баён ва бадиъ; бунда маони: хабар, муснад илайҳ (субъект), муснад (объект), мутаалликоти феъл, наср ва қаср, иншо, васл ва фасл, изоҳ, итноб ва мусавватни ўз ичига олади. Баён эса: ташбих, истиора

мажоз, киноя. Бадиъ эса: сўз (лафз) ва маъно (маънавий) гўзалликларидан иборат.

Ўрта асрларда И.А. дастлаб поэтика (маоний, аруз, қофия, бадоеъ) ва риторика (баён, иншо) асосида шаклланган, сўнгра А. сўзининг ахлоқ б-н боғлиқ маънолари назарда тутилган ҳолда, унинг таркибига этика (илми ахлоқ) б-н боғлик фанлар киритилган. Жоҳиз, Ибн Муътазз, Қудама ибн Жаъфар сингари олимларнинг ишлари туфайли И.А. филологик, эстетик ва этик илмлар мажмуасига айланган. Айрим мутахассислар унинг таркибига калом илми, илми қол ва илми ҳолни қўшиши натижасида И.А. таркиби янада кенгайган. Ибн Халдун асарлари ("Муқаддима")дан бошлаб бу туркум илмлар филологик илмлар мажмуи сифатида каралган.

- *Усама ибн Мунқиз.* Ал-бадиъ фи нақду-ш-шеър / Таҳқик: Доктор Ахмад Бадавий. Қоҳира, 1371 (араб т.да); *Бартольд В.В.* Культура мусульманства. СПб., 1918; *Крачковский И.Ю.* Общие соображения о плане истории арабской лит-ры. / Изб. соч., т.2. М.-Л., 1956; *Крачковский И.Ю.* Изб. Соч., т.VI. М.-Л., 1960. С.97-178; *Куделин А.Б.* Средневековая арабская поэтика (вторая пол. VIII-XI век). М.: Наука, 1983; *Валихўжаев Б.* Ўзбек ад-тшунослиги тарихи. X–XV асрлар. Т.: Ўз-н, 1993; *Рустамий А.* Адиблар одобидан адаблар. Т.: Маънавият, 2003; Шарк мумтоз поэтикаси Ҳ Болтабоев талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

АДАБ аз-ЗИЙАРА(Т) – азиз-авлиёларнинг қадамжолари ва қабрларини зиёрат қилиш одоби.

- *Газзолий М.* Кимиёи саодат. Т.: Адолат, 2004.

АДАБИЁТ (арабча: ادب – ахлоқ) – I. турли ад-тлар жамланмаси, инсон тафаккури маҳсули, фан ва ижодий фаолият соҳаларидан бирига оид асарлар умумлашмаси. Мас., бад. ад-т, илмий ад-т, сиёсий ад-т.

II. санъат оммавий турларидан бири, сўз санъати (рус т.да словесное искусство). Амалиётда қўлланишда бад. адабиёт, нафис адабиёт деб ҳам юритилади. Санъатнинг бошқа турларидан борлиқни ва руҳиятни идрок этиш усули ва ифода этиш қуролига кўра фарқланади. Санъатнинг барча турларида образли тафаккур мавжуд бўлса ҳам, улар бир-биридан юқоридагича ифода қуролига кўра фарқланади. Бад. ад-тда образ (тимсол) яратувчи асосий ва ягона восита сўздир. А. мулоқот воситаси бўлган оддий сўз (лексема)дан фарқ қилган ҳолда кишилар ўй-кечинмалари, ҳис-туйғу, ҳолат ва ҳаракатни ўкувчи қалбига етадиган, унга таъсир этиб, фикр ва туйғу уйғотувчи сўз орқали ифодаланади. А. ҳам санъатнинг бошқа турлари каби мафкуравий ҳодисадир. А.нинг мезони унинг ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммал бўлишини талаб этади. А.да инсоннинг ижтимоий моҳияти умумлаштирилган ҳолда ифода этилади. А. дунёни ижодий ўзлаштирар экан, ўз маҳсули бўлган бадиий асарни муаллифнинг субъектив қарашлари асосига қуради, борлиқни ифодаловчи ва акс эттирувчигина эмас, балки қайта яратувчидир. Бу жараёнда А. табиат ва жамиятга тақлид (мимесис) қилса ҳам унга айнан ўхшашлик йўлини танламайди, балки ижодкор онги ва шуурида пишиб етган мукаммал тимсол ва персонажлар орқали борлиқ

моҳиятини англашга ўргатади. А.нинг вазифаси образ (тимсол) яратиш экан, бу ижодий жараёнда гўзаллик қонуниятлари асосига қуриладиган, инсон туйғулари ва ботиний дунёсини бойитадиган, уни эзгулик сари етаклайдиган поэтик воситалар б-н иш кўради. А. ҳаётни ўз шаклида эмас, балки бадиий воситалар орқали унинг моҳиятини ўргатишга қаратилгандир. А. давомийлик характерида бўлиб, тарихий жараённинг муайян давр ва кўринишидаги ҳолатини эмас, балки жамият тараққиётидаги ҳаракатини кўрсатади. Образ ва поэтик воситалар ана ўша кўрсатиш, англатишга қаратилган бўлиши керак. Шу маънода А. ақл ўргатмайди, айрим ахлоқсизликлардан ман қилмайди, балки шундай туйғу ва тасаввур уйғотадики, нима қилиш, қандай яшаш кераклигини ўқувчининг ўзи уқиб, хулосалай олиши лозим.

А.нинг борлиққа чиқиш шакли бу *бад. асар*дир. Асар матний кўринишда бўладими, огзаки тарзда тарқаладими ёки аудиовизуал йўллар б-н кишилар онги ва туйғуларига таъсир кўрсатадими у, аввало, эстетик ҳодиса сифатида гўзаллик ташувчидир. Гўзал тимсол ва эзгу ният қоришиғида яратилмаган асар ҳар қанча "ақлли" ва таъсирчан бўлсин у эзгуликка хизмат қила олмайди. Шунингдек, бад. асарнинг яратилиши руҳий-амалий жараён бўлиб, у ўзгаришдаги дунё ва инсонни англашга ёрдам беради. Ижод жарёни қонуниятларини умумлаштирган ҳолда А. нинг бир неча вазифаси юзага чиқади.

- *Волков И.В.* Литература как вид художественного творчества. М., 1985.

~нинг вазифалари – А. шакли, ҳажми ва мазмунидан қатъи назар бир эмас, бир неча вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чиқиб бад. ад-тга нисбатан *полифункционаллик* (вазифалорлик) тушунчаси унинг зиммасига юкланади. А.в.дан асосийлари қуйидагилар:

1. *Ижтимоий вазифаси* – А.нинг ижтимоийлиги кишилар онгига ғоявий-эстетик таъсир қилишда, социал ўзгаришларда қатнашишда, муаллифнинг ҳаёт ҳақиқатини ўрганиб янги поэтик дунё яратишида ва факт, воқеа ҳамда прототиплар асосида таъсирчан образлар яратишида кўпроқ кўзга ташланади. А. муаллиф учун эмас, балки жамият учун яшайди. Шунинг учун ҳам унинг асари биринчи навбатда, ижтимоий вазифадор, яъни жамиятга қайси соҳада бўлмасин наф келтириши керак.

- *Борев Ю.Б.* Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.256-257.

2. *Эвристик вазифаси.* А. – дунёни билиш, ижодий ўзлаштириш воситаси. Бу вазифа ад-тнинг эвристик юмушидан келиб чиқиб, бирор воқеа, ҳодиса, ҳолат, жараён в.б. ҳақида илк маълумот келтиради. Бу вазифа юзаки қараганда асарнинг мавзуси, сарлавҳаси ва мундарижада аксланаётгандай туюлса ҳам ижодий дискурс жараёнида бад. асарнинг барча узв (компонент)лари иштирок этади. Мас., Бальзак романлари XIX аср француз ҳаётини ўрганишда тарихий асарлардан ҳам муҳимроқ вазифани бажарганини мутахассислар эътироф этишган. Шу каби А.Қодирий

романлари яқин ўтмишимизни, хонлик замонларини ўрганишда муҳим манба саналади. Шундан бад. ад-тни "ҳаёт дарслиги" деб атайдилар.

Ю.Б. Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.259-261..

3. *Концептуаллик вазифаси.* А. – ҳаётни бад. тадқиқ этиш воситасидир. А. китобхонни билишдан идрок этишга, ундан англашга ва янада чуқуррок кираганда ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ этишга қараб йўналтиради. А. ҳаётда ва бадиий асарларида инсонларнинг қадрини кўтаради ва мана шу маънода ҳар бир инсон жамият учун қадрли эканлигини англаш орқали жамиятни тараққий эттириш ишига ҳисса қўшади. Адиб ҳаётнинг янги моделини яратар экан, у ўз асарига муаллиф концепциясини сингдиради, дунёни тадқиқ этишнинг ўз усулини тавсия этади. Демак, муаллиф концепцияси китобхонни тадқиқий фаолиятга йўналтиради.

- *Борев Ю.Б.* Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.261-264.

4. *Эмоционал, ҳиссий тарбия бериш.* Бу б-н А. инсон туйғуларини шакллайди, уни ҳис қилишга, севишга, ардоқлашга ўргатади. У китобхон туйғуларига таъсир этиб, туйғу уйғотувчи маънавий кучга эга бўлиши керак, акс ҳолда А. ташиган туйғулар чала, юзаки, енгил-елпи ва муайян мақсадга йўналтирилмай қолади. Эмоционал тарбия жараёнида А. санъат тури сифатида китобхонга лаззат бағишлайди. А.тнинг *гедонистик* (лаззат берувчи) вазифаси унинг бошқа барча вазифаларини бажаришга замин яратади. Қад. кишилар санъат асарлари берадиган маънавий лаззат, роҳатни жисмоний лаззатга нисбатан афзал деб билар эдилар. Бу вазифа қуйидаги сабаблардан келиб чиқади (бошқача айтсак, лаззат манбалари қуйидагилардир): 1) санъаткор ҳаёт гўзалликларини нозик ҳис этади, эстетик бойликларини тез, моҳирона ва эркин ўзлаштиради; шу ҳолат инсонларни қайратлантиради ва завқлантиради; 2) санъаткор инсоният тарихидаги қизиқарли воқеа-ҳодисаларнинг эстетик қимматини кўрсатиб беради; 3) санъат асари ғоявий мазмуни ва бадиий шаклининг мослиги, уйғунлиги билан завқ, лаззат беради; 4) реал воқеликка нисбатан бадиий воқелик гўзаллик ва ҳақиқат қонунлари асосида тартибга солинган ва тузилган бўлади; 5) санъаткорнинг илҳом билан ёзилган (ясалган) асари рецепиенд – қабул қилувчига ҳам илҳом ва шодлик бахш этади; 6) бадиий ижод бир жиҳатдан (топишмоқли, сирли) ўйинга ўхшайди ва санъатнинг мана шу эркин ўйинлари китобхон, томошабин, тингловчини бениҳоя завқлантиради. Цезеф Хейзин: "Санъатда ўйин, ўзни унутиш ва руҳланиш – муқаддас ёки байрамона кайфият, маърифат ёки эрмак учундир. Бу ўйин (асосан, сўз ўйини) санъаткорга қувонч ва ором беради. Поэтик шакл ясашнинг барча усуллари сўз ўйинига киради: вазн ва ритмик бўлинишлар (туроқлар, рукнлар), куй ва оҳанг, қофия ва ассонанс (оҳангдошлик), яширин маънолар, жумланинг қойилмақомлиги. Бадиий ижод одамларга гўзалликни англатиши ва бадиий ҳақиқати билан қувонч келтиради. Санъатнинг гедонистик функцияси ҳар бир шахснинг ўз-ўзича қадрли деган ғояга асосланади.

- *Борев Ю.Б.* Эстетика в 2-х т. Т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.264-66, 277-79.

5. *Эстетик завқ бериш* А. санъатнинг тури сифатидаги асосий вазифаларидан. А. ижодий руҳни шакллантиради, маънавий қадриятларни ўрганишга, ўз қадриятларини яратишга далда бўлади. А. инсонга завқ беради, ҳаёт гўзалликларини севишни ўргатади. Қад.дан одамлар санъатнинг эстетик таъсир кучини яхши билганлар. Ҳинд шоири Камдаса (V) санъатнинг тўрт мақсадини кўрсатади: илоҳий ҳодисалардан ҳайратланиш, атроф-муҳит ва инсонлар ҳаётини бадиий қиёфаларда тасвирлаш; нафис ҳис туйғулар: комизм, фожиа, севги, ҳамдардлик, қўрқув, даҳшат ҳолатлари (расалар) тасвири билан завқ бериш; гўзалликка ошнолик билан хурсанд қилиш. Ҳинд олими В.Баҳодир фикрича, одамларни руҳлантириш, поклаш, олижаноб, ҳимматли қилиш – А.нинг мақсадидир. А.нинг эстетик вазифаси 1) инсонларнинг бадиий дидини, қобилият ва эҳтиёжларини ўстириш; 2) инсонларни нафосат бойликларини қадрлашга ўргатиш; 3) одамларда ижодий руҳни, гўзаллик қонунлари асосида ижод қилиш қобилияти ва малакаларини шакллантириш. Э.Авербах "Мимемис" китобида Гомернинг тасвир услубини таҳлил қилар экан, эпосга хос бўлган сюжет ривожида шоир шиддатли жангни тасвирлаётиб, бирдан лирик чекиниш қилади. Шоир нигоҳида табиат, олам гўзаллиги шеърга, саҳна асарига, картиналар манзараларга айланади. Жамият тараққиёти жараёнида А.нинг эстетик функцияси янада ўсади, уларнинг бадиий диди, ижодий қобилиятларини ўстиради.

- *Авербах Э.* Мимесис. М.: Прогресс, 1976. С.26-28; *Борев Ю.Б.* Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.275-277.

6. *Мулоқотга киришиш (коммуникатив вазифа).* Худди тил каби одамлараро муомала воситаси бўлганидай, А. ҳам бадиий мулоқот воситасидир. Фақат тил орқали кишилар фикрий алоқага киришсалар, А. воситасида туйғулар мулоқоти юз беради. А. воситасида турли халқлар бир-бириининг маданиятлари билан танишадилар, санъаткорлари билан мулоқотга киришадилар. Бадиий асар ўзининг эмоционал таъсирига кўра унда тасвирланаётган халкнинг руҳий оламини, қалбини тушуна олади. А. инсонларни яқинлаштиради, бирлаштиради. Қадимги замонларда турли қабилалар ўзаро сулҳ тузган вақтларида мусиқа ва рақс воситасида ахилликка эришганлар. Бад. асар худди жонли кишидай китобхонга таъсир этади, ҳатто унинг туйғуларини бошқаради.

- *Борев Ю.Б.* Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.267-269.

7.Ахлоқий тарбия қуроли, воситаси бўлишлик. Катарсис, яъни киши қалбини покловчи, эзгуликка йўналтирувчи воситадир. А. ахлоқий мезонларни шакллантириб, аклига ва қалбига таъсир кўрсатади ва чин инсон бўлишига хазмат қилади. Арасту А. инсонларни фожеий драмада тасвирланган аффектлар (руҳий нуқсонлар)дан покланиши – катарсис

шзариясини эстетик категория англатган эди. Арасту фикрича, бадиий асар каҳрамонларининг бошига тушган қайғу, кулфатларга ҳамдардлик билдириш орқали томошабинлар ва ўкувчилар руҳан покланадилар. А. санъат асари сифатида инсонларга тўғридан тўғри панд, насиҳат йўли билан эмас, балки ижобий ва салбий қиёфаларда ифодаланган эстетик идеал орқали тарбиявий таъсир кўрсатади.

Бад. асар қаҳрамонларининг ҳаёти, руҳий кечинмалари китобхон, томошабинга ўз ҳаёти ва кечинмаларидай таъсир кўрсатади. Шу сабабли китобхон, томошабин бегоналарнинг ҳаётидан, тажрибаларидан фойдаланиб, улардан ўз тажрибаларини бойитади, ўз ҳаётига татбиқ этади. Муаллиф асарларида кўринган тажрибаларини ўзлаштирган китобхонлар уларда тасвирланган, умумлашган воқеа-ҳодисалардан ибрат олиб, маънавияти, маърифати бойиб, камол топиб боради.

- *Борев Ю.Б.* Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.270-272.

~нинг миллийлиги – ад-тнинг бирор миллатга мансублиги, муайян миллий-адабий т.да яратилиб, ўша халқнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва руҳий дунёсининг ифода этиши. А. миллийлиги фақат шаклда эмас, балки мазмун-моҳиятда аксланади.

Миллий мустақиллик туфайли эришган қадриятларимиз халқ ҳаётининг барча жабҳаларида ўзлигини намоён этмоқда. Жумладан, истиқлол даври ад-тида туб сифат ўзгаришлари кузатилмоқдаки, бу жараён миллий ад-т ривожига ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

АДАБИЁТ ВА БОШҚА ИЖОДИЙ-ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ – ад-т сўз санъати сифатида интеллектуал фаолиятнинг санъатдан бошқа турлари б-н ҳам алоқага киришади. Булар: фан, ахлоқ, дин, сиёсий қарашлар в.б.

~ ва фан – санъат ва фан ижтимоий онг шакллари сифатида мавжудлик давридан бошлаб ўзаро доимий алоқада. Фан назарий тушунчалар орқали фикр юритиш бўлса, ад-т *образли тафаккур*дир (В.Белинский), деган таъриф ўз кучини сақлаб турибди. Анти даврда файласуфлари сўз ва рақам бирлиги хусусида фикр юритиб, ад-т ва фанга илоҳий гўзаллик ва онг ифодаси сифатида қараганлар. Фалсафа фан сифатида аниқ маълумотлар орқали гўзалликнинг мирларини ўрганишга киришган. Шарчи масалага турли даврлар ва мамлакатларда турлича ёндошган бўлсалар ҳам ҳеч бир қараш ад-т б-н фаннинг доимий алоқасини рад этмаган, уларнинг ўзаро таъсири масалалари эътироф этилган. Модернизм ад-тида "интеллектуал ад-т", "илмий шеърият" каби тушнчаларнинг вужудга келиши бу муҳим алоқанинг ҳамкорлик шакллари сифатида талқин қилинади. Тарих фан сифатида аниқ маълумотлар б-н иш кўради, бироқ ўша фактлар тафсилотини англашда ад-т кўл келади. Мас., Бобуршоҳнинг отасининг ўлими "Бобурнома"да аниқ факт сифатида воқеа санаси ва ўрни кўрсатилган ҳолда камтархондан йиқилиб ҳаётдан кўз юмгани ёзилган. П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романида эса, ўша воқеага тафсил бериб, алокачи кабутар орқали мактуб

жунатаётганда воқеа юз бергани айтиладики, бу бад. ҳақиқат сифатида Умаршайх Мирзо характерини тшлдиради.

Бад. ад-т илмий тушунча ва ғояларни образли ифодалаш б-нгина чекланмайди, у янгитдан ҳаёт яратади, дунё моделининг образли шаклларини тавсия қилади ва бу б-н дунё ва унинг асрорини ўрганишда фанга ёрдам беради. Эйнштейн суҳбатларидан бирида шогирдларига "сен табиат қонуниятларини яхши биласан, лекин даҳолик моҳиятини англамайсан" деган. Ад-т бад. ва илмий тафаккур соҳибларидаги ана шу даҳолик моҳиятини англашга ёрдам беради. Чунки адабий даҳоликнинг кишилик тарихидаги ўрни илмий даҳоликдан кам эмас. Аксинча, илмий даҳо қудрати б-н яратилган кашфиётлар моҳиятини тушунишда бад. ад-т устиворлик қилади. Мас., Мирзо Улуғбекнинг "Зичи Кўрагоний" асари илмий кашфиёт бўлгани учун жаҳон фанида бемисл из қолдирган, ўша кашфиёт соҳиби Мирзо Улуғбек даҳосини ва бу илмий кашфиётнинг халқ ҳаёти учун аҳамиятини англашда Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожиаси аҳамиятли.

• *Агапов В и др.* Художник и наука. М., 1966; Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.23-34;

АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ – Ад-т дунёни ижодий ўзлаштириш ва англашнинг бир тури сифатида санъатнинг бошқа турларидан ўз ифода предмети, қуроли ва усулига кўра фарқ қилади. Фарқлаш асосларини белгилар экан, Г.Э.Лессинг "фазовий-даврий детерминаллик" тушунчасини белгилайди. Бу тушунча воситасида санъатнинг барча асосий турлари таснифики беради. Фитрат "Ад-т қоидалари" қўлланмасида санъатнинг дастлабки олти турини *гузал санъатлар* истилоҳи б-н кўрсатади: мусиқий, расм, ҳайкалчилик, меъморлик, ўйин (ракс) ва ад-т. Санъатнинг бу бошланғич турларидан бошқа уларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида вужудга келган синкретик турлари: кино, театр, опера в.б. замонавий аудиовизуал турлари ҳам мавжуд.

~ ва рангтасвир – қад. маданиятда сўз ва ифода мустаҳкам алоқада тушунилган: сўз ифода б-н, ифода сўз б-н. Ҳодисалар ва предметлар ҳақидаги инсон тафаккурининг тараққиёти туфайли бу тасаввурни алоҳида шаклларда ифодалаш (ёзиш ва чизиш)га эҳтиёж сезилган. Ад-т б-н рангтасвир ўртасида доимий алоқа бўлгани каби бу икки санъат вакиллари ўртасида мунозаралар ҳам бўлган. Леонардо да Винчи Уйғониш даврида "Агар сен рангтасвирни соқов ад-т деб билсанг, унда рассом айтадики, ад-т кўр рангтасвирдир. Кўрамиз, қайси бири мажруҳлик саналаркан: кўрлик ёки соқовликми?" каби мунозарага чорлаган. Г.Э.Лессинг "Лаокоон" асарида даврий изчиллик сифатида шоир, фазовий предмет сифатида рассомга мурожаат қилади: "Жисм ташқи кўриниши б-н рангтасвир предметини, ҳаракат эса ад-т предметини белгилайди" деб ёзган.

XIX асрдан ад-т ва рангтасвирнинг мустаҳкам алоқаси “сўз орқали рангтасвир” тушунчаси орқали ифодаланган. XX асрда киноматографнинг шаклланиши ва жаҳоний муваффақияти сўз ва бўёқ ҳамкорлигининг самарасидир.

- *Леонардо да Винчи.* Спор живописца с поэтом, музыкантом и скульптором / Изб. Пр-я. Т.2. М., 1935; *Лессинг Г.Э.* Лаокоон, или О границах живописи и поэзии. М., 1957; *Дюбо Ж.-Б.* Критические расмышления о поэзии и живописи (1719). – М.: 1976; *Корецкая И.В.* Лит-ра в кругу искусств. М., 2001; Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.35-38.

~ ва мусиқа – бад. ад-т турлари орасида лирика мусиқа б-н боғлиқ тараққий этгани маданият тарихидан маълум. Ҳаётий тажриба давомида уларнинг мустаҳкам алоқаси (синкретизми) эшитиш орқали хотирлашга, ўқилаётган матнни тинглаш орқали хотирага муҳрлаш жараёни б-н боғлиқ. Поэтик сўз мусиқавий ифодага қўшилиш б-н бирга ўзининг конкретлигини йўқотиб, умумийлик сари йўналтирилади. Сўз туйғу уйғотади, мусиқа эса туйғуни ифода қилади. Бу жиҳат орқали бири иккинчсини тўлдиради, таъсирчан қилади, ифода кувватини ва халқчиллигини оширади. Опера (мусиқали драма) санъати сўз ва соз ҳамкорлиги самарасидир. Бу алоқадорликни ҳис қилган мутахассислар куйни сюжет б-н, симфонияни роман б-н мукояса қиладилар.

Шарқ ад-тида сўз ва соз бирлиги шу даражада синтезлашганки, лирик турнинг деярли барча жанрлари мусиқавий асосга эга бўлган аруз вазнида ёзилган. Ҳатто айрим тушунчалар ҳар бир санъат турида ўзига хос моҳият касб этишидан қатъи назар *муножот, соқийнома* в.б. каби бир истилоҳ б-н англатилади.

- *Леонардо да Винчи.* Спор живописца с поэтом, музыкантом и скульптором / Изб. Пр-я. Т.2. М., 1935; *Корецкая И.В.* Лит-ра в кругу искусств. М., 2001; Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.38-39; Алишер Навоий ва мусиқа. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ НАШРИЁТИ – Тошкент ш.даги бадиий ад-т ва санъат асарларини чоп этувчи нашриёт. 1957 й.да Ўз-н давлат нашриётининг адабий-бадиий бўлимлари негизида ташкил этилган. 1964 й.дан «Тошкент», 1966 й.дан Ғафур Ғулом номида. Нашриётда шеърий, насрий ва драматургик бадиий асарлар, танқид ва ад-тшуносликка ҳамда санъат соҳасига доир ад-тлар чоп этилади. Шунингдек, мумтоз ва замонавий ўзбек ад-ти намуналари, хорижий адиблар асарлари, болаллар адабиёти ҳамда фольклор асарлари нашр этилади.

Нашриёт манзили:

«АДАБИЁТ КЎЗГУСИ» (1996 й.дан нашр қилинган) – ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Ад-т музейи ва Қўлёзмалар ин-ти томонидан (ўзбек, рус ва инглиз т.ларида) нашр этилган. Муассис: Ўз-н Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи. "А.к."да Шарқ мумтоз ад-тининг назарий ва амалий масалалари, матншунослик муаммолари ёритилган, йилда бир марта чиқади. Жами 12 сони чиққан. Адади: 1-7-сонлар 500, 8-сон 200, қолганлари 100. Масъул муҳ-р: С.Ҳасанов (1996 й.дан); масъул котиби: С.Матжон (1996-2002), О.Жўрабоев (2001 й.дан).

"А.к."да ад-т тарихи, манбашунослик ва матншунослик, поэтика масалалари, тарж.шунослик, фольклоршунослик ва тил тарихидан тадқиқот ва манбалар берилади.

АДАБИЁТ МУЗЕЙИ – Тошкент ш.да жойлашган илмий, маданий-маърифий муассаса. Тўлиқ номи: Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи (Тошкент ш., Навоий кўчаси, 69). 1940 й.да Алишер Навоий асарлари кўргазмаси тарзида ташкил топган. ЎзРФА Тил ва ад-т ин-ти бўлими (1944–68), ЎзРФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар ин-ти музей бўлими (1978–91) ва Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи (1968–78, 1991 й.дан). Музейнинг 34 минг адабий экспонати бор. Адабий манбалар қўлёзма, тошбосма, нашрлар (3 мингга яқин) ва аудио (овоз) ёзувларидан иборат. А.М.нинг "Алишер Навоий", "Темурийлар даври ад-ти", "Бобур ва бобурийлар даври", "XX аср ўзбек ад-ти", "Истиқлол даври ўзбек ад-ти" сингари бўлимлари мавзуга оид манбаларга бой. А.М.да айрим ижодкорлар архиви ва кутубхонаси ҳам мавжуд (Мас., Л.Азиззода, М.Шайхзода фонди).

Музейда экспозиция, қўлёзмалар, ўзбек адибларининг архивини тавсифлаш бўлимлари фаолият юритади. Музейда 30000 дан ортиқ экспонат, ашё ва ҳужжатлар, 2 мингдан ортиқ қўлёзма жамланган. Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул Тўпкопи саройи кутубхонаси, Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Ҳиндистондаги фондларда сақланаётган қўлёзмаларнинг микрофильмлари мавжуд. Музей олимлари томонидан ўзбек, рус ва инглиз т.ларида қўлёзмалар каталоги тузилган, ўнлаб монография, рисолалар нашр этилган.

Музей Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) аъзоси. А.М.да "Адабий мерос" (1996 й.гача) номида адабий тўплам нашр этилган, ҳоз. "Адабиёт кўзгуси" номли йиллик илмий тўплам нашр этилади.

~ – Қўқон ш.да жойлашган. Фарғона вилояти Ғафур Ғулом номидаги А.м. деб юритилади. 1966 й.да ташкил топган, 1966 й.дан Ғафур Ғулом номи берилган. 7 бўлимдан иборат. Қўқон адабий муҳити (XVIII–XIX асрлар)га оид нодир қўлёзмалар, тошбосма ва нашрларга эга. А.М.да Санкт-Петербург, Истанбул, Боку, Қозон, Уфа, Оренбург ш.да чоп этилган газ. ва журналлар ҳам мавжуд.

«АДАБИЁТ НАДУР?» (1914) – Чўлпоннинг бадиий ад-тнинг санъат сифатидаги моҳиятини англатувчи мақоласи. "Садойи Туркистон" газетасида босилган. Кейинрок Чўлпоннинг адабий-танқидий мақолалари шу номли тўпламда чоп этилган.

- *Чўлпон А.* Ад-т надур? // Садойи Туркистон. 1914; Қайта нашри: Тўпл. Д.Қуронов, З.Эшонова, У.Султонов. Т., 1994;
- *Султонов У.* Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари. НДА.Т., 1997; *Қуронов Д.* Ад-т надур ёхуд Чўлпоннинг мангу саволи. Т.,

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ – бадиий ад-тнинг ўзига хос тури, эстетик ва ижтимоий функцияси, адабий жараён масалаларини ўрганувчи фан. А.н. ад-тшунослик таркибидаги (ад-т тарихи, адабий танқид каби) фан бўлгани учун, биринчи навбатда, ад-тшунослик масалалари б-н боғланади. Ад-т назарияси замонавий аспектда хорижий манбаларда қуйидаги йўналишларда тараққий этмоқда: 1. ***Матн***га асосланган назариялар (формал-структурал ёндошув, *янги танқид*, *нарратология*). 2. ***Муаллиф***ни ўрганишга қаратилган назариялар (биографик ва психоаналитик ёндошув, шу б-н бирга феминистик ад-тшунослик, *феноменологик* тадқиқотлар. 3. ***Китобхон***га қаратилган назариялар (*рецептив эстетика*, асарни қабул қилиш тарихи; тарихий-функционал тадқиқотлар). 4. Адабий ва маданий-тарихий ***контекст***га оид назариялар (*реминисценция, интертекстуал*) тадқиқотлар, социологик ва тарихий-материалистик ёндошув, "янги историзм" ва культурологик методология.

Ад-т назариясининг ўз тадқиқ предмети, дастури ва ўқитиш методикаси бор. Шунга кўра у ад-тшунослик предмети – инсон рухий дунёсининг ифода шакли сифатида бад. ад-т спецификаси ва адабий ижоднинг ижтимоий моҳияти (1); ад-т тарихий тараққиётининг умумий қонуниятлари – адабий тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлар, ҳаётни акс эттириш тамойиллари, бад. услуб, шакл ва мазмун ҳамда унинг компонентлари (2); ад-тшунослик терминологияси ва уларнинг идентификацияси (3) каби масалаларни ўрганади. Ушбу масалалар доирасидан келиб чиқиб, А.н. турли аспектлари ва бўлимлари мавжуд. Бироқ унинг асосий аспекти, ўзак-негизи поэтика масалалалри бўлиб, замонавий дарслик ва қўлланмаларда *назарий ва тарихий поэтика* таснифида қаралади (Н.Д.Тамарченко). Назарий поэтика бад. матн, унинг таркиби, вазифаси, адабий тур ва жанрлар, тил ва услуб жиҳатларини тадқиқ қилса, тарихий поэтика айни шу адабий ҳодисаларнинг тарихан шаклланган ҳолати, мумтоз ад-тшуносликдаги жиҳатлари б-н шуғулланади. Шунингдек, ад-тнинг моҳиятини сўз санъати сифатида тушуниш, адабий жараённинг назарий муаммоларини ўрганиш ҳам А.н. доирасида амалга оширилади. А.н.нинг турли аспект ва бўлимлари орқали илгари сурилаётган ғоялар доимий амал қилинадиган қонунлар деб қаралмаслиги керак. Чунки ўзгараётган дунёда ад-т ҳам ўзгармоқда, унинг имкониятлари кенгайиб, ифода воситалари ранг-баранглашиши натижасида айрим назарий қоидалар тор келиши, айримлари эса истеъмолдан чиқиши мумкин. Мас., шуро даврида А.н.нинг ўзак вазифаси

сифатида идеологик устқурма белгиланган, нафақат ўз даври ад-тига, балки ўтмиш ад-тига муносабатда ҳам мафкуравий талқин етакчилик қилган. Ўз замонига хизмат қилиб, вазифасини ўтаб бўлган бу қарашларни доимий суратда жорийлартиришга, абадийлаштиришга уруниш А.н. имкониятларини торайтиради. Шундай экан, А.н. ягона методология асосига қуриш, бир методни етакчи билиб, қолганларидан воз кечиш ёки иккилламчи характерда деб талқин қилиш мумкин эмас. Бироқ бунинг аксига олиб, А.н. ягона умумадабий талаблари йўқ экан, деган гумонга ҳам бормаслик керак. А.н.га юқорида т.га олинган аспектлари ва масалалари жаҳондаги барча ад-тлар тажрибасидан келиб чиқиб, уларни назарий умумлаштирган ҳолда вужудга келган фан сифатида қаралиши керак. А.н. миллий ад-тшунослик ютуқларига таянади, бироқ уни бир миллат ёки тил доирасида идентификациялаш ярамайди. Тарихда яратилган ҳар бир назарий рисола ёки ал-тшунослик асари А.н. бойитиб келган, шундай давом этади ҳам. Бироқ А.н. тарихий поэтика қонуниятларини айнан қабул қилмайди, балки даврлар синовидан ўтган қарашлар, методологик аҳамиятга эга бўлган тизимлар ва келажакда ҳам адабий самара берадиган тажрибаларни назарий умумлаштириш йўлидан боради.

Ғарбда илк А.н.га оид асар Арасту «Поэтика»сидир. Сўнгра Буало, Дидро, Лессинг, Гердер, Гегел, Потебня, Веселовский в.б. олимларнинг ишлари яратилган. XX асрда Россияда А.н. Шалигин, И.Виноградов, Л.Тимофеев. Н.Гуляев, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализев, Н.Д.Тамарченко в.б. томонидан ёзилган А.н. фаол қўлланишда бўлган.

Мумтоз ад-тшуносликда назарий тамойиллар бевосита поэтика қонуниятлари доирасида тараққий этган. Шунинг учун илми адаб таркибига кирувчи: аруз, қофия ва балоғат (бад. санъатлар) илми ҳамда адабий навъ, шеърий шакллар назарияси ва амалиёти тажрибалари асосида шаклланган. Ўз-нда А.н.га оид Европа типидаги қарашлар XX аср бошларида вужудга келган. Бу жиҳатдан проф. Фитратнинг "Ад-т қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма" (1926), Абдурахмон Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий ад-т дарслари" (1924) илк қўлланмалар ҳисобланади. Сўнгра И.Султон (1939, 1980 ва 2004), жамоа тадқиқиоти сифатида 2 ж.да (1978) ва Ҳ.Умуров томонидан яратилган дарслик (2002)ларнинг А.н. тараққиётида муайян хизмати бор.

- *Сорокин В.И.* Теория лит-ры. М., 1960; Теория лит-ры в 4 т-х т. т.1. М.: Наука, 1962, т.4. 2001; *Юдкевич Л.Г.* Теория лит-ры в связи с проблемами эстетики. М., 1970. *Тимофеев Л.И.* Основы теории лит-ры. М., 1976; *Палиевский П.В.* Лит-ра и теория. М., 1978; *Поспелов Г.Н.* Теория лит-ры. М., 1978; *Уэллек Р., Уоррен О.* Теория лит-ры. М Прогресс, 1978; Ад-т назарияси. 1-2 ж. Т.: Фан, 1978; Хрестоматия по теории лит-ры. Сост Л.В.Осьмакова. М.: Просвещение, 1980; *Бушмин А.С.* Наука о лит-ре. М.: 1980; *Гуляев Н.А.* Теория лит-ры. М., 1985; *Волков И.Ф.* Теория лит-ры. М., 1995; *Томашевский В.Б* Теория лит-ры. Поэтика. М., 1996; *Кормилов С.И.* Основные понятия теории дит-ры. М., 1999; *Хализев В.Е.* Теория лит-ры. М.: Высшая школа, 2002, 2005, 2010; *Умуров Х.* Ад-т назарияси. Т.: Шарқ НМАК, 2002; *Семенов А.Н., Семенова В.В.* Теория лит-ры: вопросы и

дания. М., 2003; Современная литературная теория. Антология. М.: Флинта, Наука, 2004; *У.Иглтон.* Теория лит-ры. Введение. М., 2010.

«АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» (Иззат Султон, 1939) – Ўз-нда шу номда яратилган илк дарслик. Асосан, марксча методология асосига қурилган. Ад-тнинг ижтимоий масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган. XX асрнинг 60-йй.га қадар асосий қўлланма сифатида ўқитилган.

«АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» (жамоа, 1978) – ЎзРФА Тил ва ад-т ин-ти томонидан нашрга тайёрланган икки жилдлик жамоа тадқиқоти. Акад. М.К.Нурмуҳамедов таҳрири остида нашр қилинган. "А.н."нинг 1-ж. *Адабий асар* ва унинг бад. хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда Ад-т ва ижтимоий ҳаёт, Ад-т спецификаси, Бад. образ, Характер ва шароит, конфликт, сюжет, композиция, бад. асар т., мазмун ва шакл бирлиги каби мавзу ва назарий муаммолар акс этган. Муаллифлари: И.Султонов, М.Қўшжонов, П.Қодиров, С.Қосимов, У.Туйчиев, Э.Каримов, Ж.Камол, Т.Расулов в.б. 2-ж. Адабий жараён, Адабий турлар ва жанрлар, Шеър тузилиши масалаларига бағишланган.

Адабиёт назарияси. 1-2 т. Т.: Фан, 1978.

«АДАБИЁТ ПАРЧАЛАРИ" (1924) – адабий мажмуа (*альманах*). Тошкентда чоп этилган. Чўлпон томонидан тартиб берилган ушбу мажмуага шеърлар ап ҳикоялар жамланган. Чўлпоннинг "Сени кўб кўрмасун", "Нонушта" ҳикоялари "А.п."дан ўрин олган.

♦ *Чўлпон А.* Асарлар. II жилд. Нашрга тайёрл. Д.Қуронов. Т., 2012.

АДАБИЁТ ТАРИХИ – инсоният тарихининг бир қисми, маданий тарих таркибида қаралади. Инсоният тарихи эса бир неча турларга: фуқаролик тарихи, давлатчилик тарихи, маданий тарих в.б.га ажралади. Сўнггиси, яъни маданият тарихи санъат тарихи, шаҳарлар тарихи в.б. қисмларга бўлинади. Маданият тарихининг энг унумли соҳаларидан бири санъат тарихидир. Бу тарих, ўз навбатида, санъатнинг турларидан келиб чиқиб: мусика тарихи, рассомчилик тарихи, ҳайкалтарошлик тарихи, рақс тарихи в.б. қаторида Бад. ад-т (санъатнинг тури) А.т. алоҳида эътибор берилади. Демак, у халқ маданий тарихининг ҳаракатдаги муайян бир қисми сифатида англашилади.

А.т. илк бадиий асарлар (дастлаб оғзаки шаклда ёки мифик тафаккур асосида)дан тортиб ҳозирга қадар ўтган адабий-бад. асарларга, яъни ўтмиш ад-тига нисбатан қўлланилади. Турли миллий ад-тларнинг тарихан ўзига хослиги, тараққиёт тамойиллари, адабий авлодлар ўзгариши в.б. адабий ҳодисаларни тарихий жараёнда тадқиқ этади. Конкрет адабий асарлар якка шахслар томонидан яратилган бўлса ҳам ёзув ҳали шаклланмаган дастлабки даврда жамоавий характерга эга бўлган. Яъни бир истеъдод томонидан яратилган бўлса у оғиздан-оғизга ўтиши билан бойиган, сайқалланган ва анонимлашган, натижада жамоавий характер касб этган. Шундай экан,

адабий асарнинг яратувчиси бир шахс бўлиши мумкин, лекин А.т.нинг яратувчиси бир киши бўлолмайди. Ад-т халқ томонидан яратилади. Қайси халқ вакиллари истеъдодлироқ бўлса, улар ўз истеъдодига яраша кучлироқ (бад. жиҳатдан) асарларни эртароқ яратганлар. А.т.даги асарлар, муаллифлар ижодига баҳо берганда уларнинг ўзларигчача ўтган ад-тга қандай янгилик қўшганлари ёки мавжуд адабий ҳодисаларнинг қай жиҳатини янгилаганига қараб баҳо берилади.

А.т. жамият тарихи таркибида тушунилар экан, у миллий характерга эга. Шунга кўра ўзбек ад-ти тарихи, рус ад-ти тарихи... каби миллат маданий тарихи б-н боғлиқ тараққий этади. А.т. ўрганишда тарихийлик тамойилига асосланади, яъни адабий манбалар, сиймолар ва ҳодисалар хронологик тартибда ўрганилади. Ад-т тарихини даврдаштириш, адабий муҳит, ад-т ривожига таъсир кўрсатган минтақавий манбалар ҳам шу соҳа доирасида таҳлил қилинади. Миллий А.т.ни яратиш XX аср бошларига тўғри келди. Бироқ бунга қадар яратилган мумтоз ад-тлиқдаги тазкира, рисолалар ҳамда бад. ва тарихий асарлар таркибидаги лавҳалар А.т.нинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбек ад-ти тарихининг яратилишида проф. Фитратнинг "Энг эски турк ад-ти намуналари" (1927), "Ўзбек ад-ти намуналари. 1-ж." (1928) бу йўналишдаги илк қўлланмалар саналади. Шунингдек, А.Саъдий, О.Шарафиддинов, П.Шамсиев, В.Зохидов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Р.Орзибеков в.б.нинг ад-т тарихига оид ишлари аҳамиятлидир. Узоқ й.лар олий ўқув юртларида Н.Маллаев, В.Абдуллаев, Ғ.Каримов томонидан яратилган изчил "Ўзбек ад-ти тарихи" асосий дарслик сифатида қўлланилди.

- *Фитрат.* Ўзбек ад-ти намуналари. 1-ж. Т.-С., 1928; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. *Маллаев Н.* Ўзбек ад-ти тарихи. 1-китоб. Т., 1966; *Абдуллаев В.* Ўзбек ад-ти тарихи. 2-китоб. Т., 1967; *Каримов Ғ.* Ўзбек ад-ти тарихи. 3-китоб. Т.: Ўқитувчи, 1971; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т.: Фан, 1978. *Валихўжаев Б.* Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Т., 1978; *Ҳайитметов А.* Темурийлар даври адабиёти. Т.: Фан, 1996; *Vohidov R., Eshonqulov H.* O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. T., 2006.

АДАБИЁТ ХРЕСТОМАТИЯСИ – бад. ёки илмий-танқидий асарлар асосида тузилган тўплам, мажмуа, *антология*. А. *мажмуа*лари тузиш қад.дан урф бўлган. Унинг илк намуналари қад. юнон ва Рим ад-тида учрайди. Мумтоз ад-тда туркий т.даги илк А.х. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асари таркибидадир. Гарчи тилшунослик йўналишида тузилган бўлса ҳам адабий мажмуа сифатида туркий т.да яратилган ўндан ортиқ жанрларга мансуб адабий асарлар жамланган. Мумтоз ад-тшуносликдаги *баёз*лар А.х.нинг классик намуналари саналади. Мажмуа ва баёзлар одатда хронологик ёки мавзулар буйича тартибланган, алифбо тарзида (муаллифларининг исми, шарифлари буйича) тузилганлари ҳам мавжуд. Педагогик йўналишдаги А.х.лари муайян мактаб ёки синф ўқувчилари учун дарслик ва қўлланмаларга илова равишда, ўқиш китоблари тархида тузилган.

Ўз-нда XX аср бошларида жадид мактаблари, мадраса тизими ва олий ўқув юртлари учун махсус А.х. тузилиши йўлга қўйилган. Бундай А.х.нинг илк намунаси Мунаввар қорининг "Адиби соний" (1907-16), Фитратнинг "Ўқув" ("Ўқиш", 1917) китоби бўлиб, "Биринчи бўлак. Ибтидоий мактабларнинг сўнг синфлари учун" англатмаси б-н чоп қилинган. А.Авлоний эса "Иккинчи муаллим" (1912-16), "Мактаб гулистони" (1916), ўрта мактабларнинг 7-синфи учун «Ад-т хрестоматияси» (1933) тузган. Ад-т тарихини изчил ўрганишга қаратилган хрестоматия (мажмуа)лар Фитрат томонидан тузилган. "Энг эски турк ад-ти намуналари" (1927), "Ўзбек ад-ти намуналари.1-ж." (1928)да "Девону луғатит турк" ва ундан кейин яратилган адабий манбалардаги бад. асарлар жамланган.

- *Фитрат.* Ўқув. Биринчи бўлак. Ибтидоий мактабларнинг сўнг синфлари учун. Боку, 1917; / Танланган асарлар. 4-ж. Т: Маънавият, 2006. Б.88-116; Энг эски турк ад-ти намуналари. Самарқанд-Т., 1927; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008; Ўзбек ад-ти намуналари. 1-ж. Т., 1928; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013;...
- *Долимов У.* Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012;

АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ – гуманитар йўналишдаги академик лицейлар учун ўқув предмети, назарий фан. Ўз-нда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" (1997)га асосан таълим тизимига киритилган. Ҳ.Болтабоев томонидан тузилган "Адабиёт қоидалари / Академик лицейлар учун ўқув дастури" (1999, 2001-2006)га мувофиқ тарзда маъруза ва амалий машғулот дарслари олиб борилади. Ҳ.Умуров томонидан ёзилган дарслик (2002) асосий ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади. Унда ад-тшунослик фан сифатида асосланиб, бад. адабиёт санъатнинг тури сифатида, бад. ад-т хусусиятлари, адабий жараён қонуниятлари ҳамда адабий тур ва жанрлар хусусида дастлабки маълумотлар берилган.

- *Болтабоев Ҳ.* Адабиёт қоидалари // Академик лицейлар учун ўқув дастури. Т.: 1999, 2001-2006; *Умуров Ҳ.* Адабиёт қоидалари. Т.: O'qituvchi, 2002.

«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ. Адабиёт ҳаваслилари ҳам муаллимлари учун қўлланма» (1926) – Фитрат асари. XX аср бошларида яратилган ад-тшуносликка оид илк назарий фўлланмалардан, араб алифбоси асосидаги ислоҳ қилинган ўзбек ёзувида чоп қилинган.

"А.қ." санъат ва ад-т ҳақида умумий маълумот б-н очилган. Сўнгра шеърга тахриф берилиб, "Ёзиш қоидалари" умумий сарлавҳа остида мавзу, мундарижа, тартиб (сюжет), услуб каби тушунчаларга шарҳлар берилган. Наср ва назм тушунчаларини "сочим ва тизим" номи б-н соф туркча сўзлар орқали ифодалаган. Қўлланмада шеър вазнлари ҳақида муфассал маълумот бериб, ьармоқ ва аруз вазнлари, уларни ҳосил қилиш йўллари, шеър ўлчови амалиёти каби масалаларни чуқур тушунтирган. "Тизим шакллари" сарлавҳаси б-н ғазал, қасида, қитъа, маснавий, рубоий, мустазод, мусаммат, таржиъбанд ва таркиббанд каби жанрларга таъриф ва мисоллар берилган. Фитрат услуб тушунчасига чуқур ёндошиб, унинг умумий ва хусусий ҳолларини белгилайди. Услуб назариясига умуман тўхталган ҳолда "хусусий

ҳоллар" сифатида сифатлаш, ўхшатиш, истиора, киноя, мажоз жонлантириш, муболаға каби бад. нутқ воситаларини тушунтиради. Асарлар "адабий асарларнинг турлари" номи остида ривоя (эпос), юракчилик (лирика) ва ўзбек атомоша (драма) каби адабий турлар ва уларга мансуб жанрларни таснифлайди. Қўлланманинг "Ад-тдаги оқим истилоҳлари" бўлимида XX аср бошларида Европадаги мавжуд адабий оқим ва йўналишлар моҳиятини англатиб, уларга ўзбек ад-тидан мисоллар келтиради. Бу муъжаз қўлланма ўз даврида ад-тшуносликка оид бошланғич маълумот берувчи илк дарслик вазифасини ўтаган.

- *Фитрат А.* Адабиёт қоидалари. Адабиёт ҳаваслилари ҳам муаллимлари учун қўлланма. Т.-С., 1926; / нашрга тайёрл. Ҳ.Болтабоев. Т.: Ўқитувчи, 1995; Танланган асарлар. 4-ж. Т.: маънавият, 2006. Б.11-88.
- *Ойбек.* Ад-т қоидалари // Қизил Ўзбекистон. 1926. 8 декабр; *Дўстқорае Б.* Ад-т назариясига оид илк асарлар / Ўзбек ад-ти масалалари. Т.: ТошДУ Илмий асарлари, 1986. Б. 47-51; *Болтабоев Ҳ.* Қатағон қилинган илм. Т.: Ҳазина, 1996.

«АДАБИЁТИМИЗ АВТОБИОГРАФИЯСИ» (1973) – XX аср ўзбек адиблари томонидан ёзилган автобиографиялар тўплами. Китобдан Ҳамза, С.Айний, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Уйғун, Ғайратий, Миртемир, М.Шайхзода, Зулфия, М.Шевердин, Т.Фаттоҳ, Ҳабибий, М.Бобоев, А.Мухтор, Ҳ.Ғулом, Р.Бобожон, Мирмуҳсин, Шукрулло, Т.Тўла, С.Зуннунова, Чархий, Ж.Жабборов тар.йи ҳоллари ўрин олган.

- Ад-тимиз автобиографияси. Тўпл. ва сўзбоши муал. Л.Қаюмов. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Ад-т ва санъат нашр., 1973.

«АДАБИЁТИМИЗ ФАХРИ» (2007) – Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотиралар ва мақолалар тўплами. Тўпламдан Ойбек, К.Симонов, Л.Ленч, Б.Полевой, Саид Аҳмад, Шуҳрат, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Юсупов, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, И.Ғафуров, И.Ҳаққул, А.Расулов, Д.Қуронов, Ҳ.Болтабоев, А.Умаров, Й.Солижонов, Ҳ.Абдусаматов, Ш.Турдиев, О.Абдуллаев, У.Қосимов, Б.Карим, Н.Жабборов, Р.Тожибоев, А.Улуғов, З.Ҳамидов, Н.Жалолованинг хотира ва мақолалари; Абдулла Орипов, Абдулла Шер ва Сирожиддин Саййид шеърлари ўрин олган.

- Ад-тимиз фахри. Хотиралар, мақолалар. Тўпл. ва нашрга тайёрл. У.Норматов, Б.Каримов. Т.: O'zbekiston, 2007.

«АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЯРИМ АСРИ» (1967, 1975) – мақолалар тўплами. Шуро даврида Октябр ўзгаришининг 50 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами 1967 й.да Тошкентда чоп этилган (1-китоб).

2-китобдан Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Л.Қаюмов, Г.Владимиров, Ҳ.Абдусамадов, Ғ.Каримов, А.Қаюмов (Биринчи бўлим), С.Мамажонов, С.Мирвалиев, И.Ғафуров, А.Рашидов, Н.Нарзуллаев, П.Шермуҳамедов, Н.Каримов, Р.Иноғомов, Т.Солиҳов, У.Норматов, М.Алимов (Иккинчи

бўлим), А.Акбаров, Н.Худойберганов, Х.Ёқубов, О.Тоғаев, Н.Норқулов, М.Юнусов, М.Қўшжонов, Ф.Насриддинов, М.Маҳмудов (Учинчи бўлим) мақолалари ўрин олган.

♦ Ад-тимизнинг ярим асри. Т.: Ғафур Ғулом номидаги ад-т ва санъат нашр., 1967; Ад-тимизнинг ярим асри. Мақолалар тўплами. Т.: Ғафур Ғулом номидаги ад-т ва санъат нашр., 1975.

АДАБИЁТЛАРАРО МУШТАРАКЛИК – бир неча миллий ад-тлардаги алоҳида адабий ҳодиса, қаҳрамон ва ифода хусусиятларининг ўхшашлиги. Турли мамлакатлардаги адабий қарашлар яқинлиги ва уларнинг типологик ўхшашлиги Ад.м. асосида тушунилади. Ад.м. А.Н.Веселовский томонидан илгари сурилган, В.М.Жирмунский томонидан тўлдирилган мотив ва сюжет муносабатларида айтилган қарашларни ёдга олиш мумкин. Бир хил ижтимоий шароитда яшаган халқларда ўхшаш мотивлар ўз-ўзидан туғилиши мумкин, бироқ сюжетлар бири иккинчисига ўтиши, алоҳида ижодкорлар ижодий маҳорати б-н бойиши, янги аспектда янгича муносабатларга сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, глобаллашув даврида ягона ахборот ҳудудида Ад.м. юзага чиқиши мумкин бўлган қонуний адабий ҳодисадир.

• Взаимосвязи и взаимодействие национальных лит-тур. Материалы дискуссии. М., 1961; *Конрад Н.И.* Запад и Восток. М.: Наука, 1966; *Ломидзе Г.* Буюк муштараклик туйғуси. Т., 1978.

АДАБИЁТТАНУВ – к.: Ад-тшунослик.

АДАБИЁТШУНОСЛИК – бад. ад-тнинг вужудга келиши, тарихий тараққиёти, моҳияти ва алоқаларини кўп тармоқлар орқали ҳар томонлама ўрганувчи қад. филологик фанлардан бири. А. ўзига хс фан сифатида амалиётда ўз объекти сўз санъатидан узоқлашмаган ҳолда унинг қонуниятлари асосида тадқиқ қилади. А. кўлами кенг бўлиб, бад. тафаккур спецификаси ҳақидаги билимлар, адабий ижод генезиси, таркиби ва вазифалари; адабий жараённинг умумий қоидалари в.б.ни ўрганади. Тор маънода бад. ад-т ва ижодий жараённинг тамойилларини ўргаувчи фандир.

Анъанавий А. ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган *ад-т тарихи, назарияси ва адабий танқид* асосида таркибланади. Шунингдек, уларга муносабатда мустақил тарзда ад-тлик методологияси ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам улар А.нинг "асосий соҳалари" деб юритилади. Бу бевосита конкрет адабий-тарихий фактлар ва улар ўзаро алоқадорлигининг кенг жабҳалари бўлиб, адабиёт тарихи номи б-н марказлашади. Шу б-н бирга ад-т назарияси ёки назарий ад-тшунослик ҳам мавжуд бўлиб, у адабий ҳаётнинг умумий қонинуниятлари ва биринчи навбатда, адиблар ижодини ўрганишга киришади. Ад-т назарияси ад-т тарихи тўплаган материалларни умумлаштиради, конкрет адабий тадқиқотлар сари йўналтиради, унга тадқиқий характер беради. А.нинг бу соҳалари бири иккинчисисиз яшай олмайди, уларнинг бири бошқасига материал бўлса, иккинчиси биринчисига

назарий йўлланма бўлиб хизмат қиладики, демак, уларга яхлит бир умумий тизимдаги фанлар сифатида қараш керак бўлади.

Шунингдек, А. шаклланишига хизмат қилган матншунослик, манбашунослик, адабий ўлкашунослик (ареал А.), библиография, эвристика, палеография, адабий шарҳ, хронология каби соҳалар ҳам А. таркибига киради. Чунки уларнинг иштирокисиз А. тараққий эта олмайди. Бу фанлар А.га "асос бўлувчи, ҳаёт таъминловчи, таянч соҳалари ҳисобланади" (А.Прозоров). "Бу соҳалар А. учун ҳам базавий, фундаментал ва фактографик ҳамда эмпирик жиҳатдан истиқболлидир" (В.Хализев). Бугунги кунда уларни ёрдамчи фанлар деб аташ мушкул.

А. профессионал истилоҳга кўра, XIX аср бошларида вужудга келган бўлса ҳам унинг илдизи илк мифик тафаккур намуналарига бориб тақалади. Мифологик талқиннинг мавжуд бўлганининг ўзи ад-тшунослиқнинг қадимдан мавжудлигини исботлайди. А. дастлабки босқичда (Гомер асарларига бўлган муносабатда ва Гомергача бўлган даврда) баҳоловчи характерда яшаган бўлса, эллинизм даврида филологиянинг бир қисми сифатида, фалсафий тараққиёт давомида (Афлотундан Гегелга қадар) фалсафанинг таркибида қаралиб келинди. Ниҳоят, Гердер таълимоти орқали А. тарихий тизимга эга бўлган мустақил фан сифатида номланиб (поэтика, риторика, эстетика деб эмас), ўз номи б-н аталадиган бўлди.

А. фан сифатида илмий фаолият соҳиблари б-н ижодкорлар оламини ўзаро боглаб, ижодий ютуқлардан илм тараввиёти учун фойдаланар экан, у иш кўраётган тушунча ва истилоҳларда ҳар хиллик кузатилиши мумкин. Ундаги терминологик чалкашликларнинг олдини олиш, тушунча ва истилоҳларни идентификация қилиш, адабий таҳлил ва жараёндаги энг зарур ва ижтимоий аҳамиятли ҳодисаларга таяниб иш кўриш бугунги адабиёт илмининг вазифаларидан.

А.ни бугунги кунда мафкуравий тазйиқ, соцреализм каби методологик сиқув ва юқоридан бошқарилиш жиҳатларидан ҳоли бўлган, эстетика, лингвистика, фалсафа, тарих, руҳшунослиқдан ташқари кибернетика, семиотика, синергетика в.б. фанлар б-н эркин алоқага киришади. Лекин мифопоэтикани устивор қўйиш, постмодернизм шароитида "адабий ўйин назарияси"га айланиш, постфрейдизмдаги "пансексуализм", оммавий ад-т каби салбий ҳолатларни А. назарий жиҳатдан оқлашни ўз зиммасига олмаган.

• *Верли М.* Общее лит-ведение. М.: Иностр. лит-ра, 1957; Хрестоматия по теоретическому лит-ведению / Подг. И.Чернов. Тарту, 1976; *Бушмин А.С.* Наука о лит-ре М., 1980; Вопросы литературоведения. Хрестоматия. – М.: 1992; *Прозоров В.В.* О составляющих современного лит-ведения // Филология. Саратов, 1996; Современное зарубежное лит-ведение. Страны Западной Европы и США. Концепции, школы, термины / Сост. И.П.Ильин, Е.А. Цурганова. М., 1996; Литературоведение на пороге XXI века. М., 1998; Лит-ная энц-я терминов и понятий / Сост. А.Н.Николюкин. М., 2001; *Хализев В.Е.* Теория лит-ры / Введение. М.: Высшая школа, 2005. С.7-13.

АДАБИЁТШУНОСЛИК эстетик муаммо (проблема) сифатида
Лит-ведение как проблема. М.: Наследие, 2001.

~ ***асослари*** – бад. ад-тни ўрганиш, таҳлил ва талқин этишда дастлабки маълумотлар, истилоҳлар моҳияти, назарий қонуниятларни амалда таҳлил жараёнига татбиқ қилиш каби масалалар б-н шуғулланувчи соҳа. Бад. ад-тнинг тез ўзгарувчан санъат тури экани ҳисобга олинган ҳолда ўзгараётган жараёндаги адабий ҳодисаларни ўрганиш учун ҳам йўлланма берилади.

А.а. ўз таркибига бад. асар ҳақидаги маълумот, ад-т спецификаси, бад. шакл ва мазмун муносабати ва уларнинг компонентлари, поэтика асослари, жумладан, адабий тур ва жанрлар, шеършунослик, адабий тил, услуб ҳамда адабий жараён масалаларини олади. Айрим манбаларда адабий-танқидий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари ҳам А.а. сифатида тавсия этилади.

"А.а." фан (ўқув предмети) сифатида педагогик олий таълим муассасаларида ун-тлардаги "Адабиётшуносликка кириш" курси каби таълим жараёнинг бошланғич даврида ўқитилади.

- *Бобоев Т.* Ад-тшунослик асослари. Т., 199?; Основы лит-ведения / Под ред. В.П.Мещерякова. М.: ДРОФА, 2003.

~ ***методологияси*** – бад. ад-тни ўрганувчи турли методлар тизими.
Б.Каримов китоби????

- Вопросы методологии лит-ведения. М.-Л., 1966; *Фридлиндер Г.Н.* Методологические проблемы лит-ведения. Л., 1984; *Медведев П.Н.* Формальный метод в лит-ведении. М., 1993; *Андреев А.Н.* Методология лит-ведения. Минск, 2000.

~ ***назарияси***

Ўз-ндаги олий таълим муассасаларида А.н. ўқув предмети сифатида икки босқичли қилиб тавсия этилган. Давлат таълим стандарти ва ўқув режасига кўра А.н.: "Ад-тшуносликка кириш" ва "Ад-т назарияси" каби фанларнинг жамлангани сифатида ўқитилади.

- Теоретико-литературные итоги XX века: Т.1.; Художественный текст и контекст культуры: Т.2. М.: Наука, 2003; *Умурв Х.* Ад-тшунослик назарияси. Т., 2004.

~ ***тарихи*** – А.нинг вужудга келиши, шаклланиш манбалари, тарихий тараққиёт тамойилларини ўрганувчи фан. А.т.нинг мақсади жаҳон эстетик тафаккури ва адабиётшунослиги эришган ютуқларни замон талаблари нуқтаи назаридан ўрганиш; адабий-назарий тафаккур тараққиётидаги даврий босқичларнинг моҳиятини аниқлаш; Шарқ ва Ғарб тафаккурлараро муштарак ва фарқли жиҳатларга типологик ёндашиш; қадимги давр, ўрта асрлар, Уйғониш ҳамда XVI асрдан кейин яратилган адабий-назарий манбаларни ўрганиш, адабий йўналиш ва оқимларнинг адабий тафаккур

тарихидаги ўрнини белгилаш; XX аср янги давр адабиётшунослигининг вужудга келишида омил бўлган назария ва концепцияларнинг адабиёт тарихидаги ўрнини белгилашдан иборат. А.т. таркибида, шунингдек, А. нинг илмий тизим сифатида шаклланиши тарихи, мавжуд академик мактаблар тизимлар ва назарий концепцияларни ҳам ўрганиш киради.

А.т. айрим ад-тларда бир миллатга мансуб ёки муайян адабий тилда яратилган манбалар асосида шакллантирилгани, Рус а.т., Ў.а.т. тарзида ўқув ад-тлари тузилгани айтилади (ЎзМЭ).

А.т.ни ўрганишда худди бад. ад-т тарихи каби даврлаштириш тамойилларига суянилади, давр (стадия, эпоха, период) тушунчасининг моҳиятини англаш орқали А.т. тараққиёт тамойиллари белгиланади. Дастлаб ад-тшуносликда мифик тафаккур манбалари, тарихий ва диний ёзгорликлар таркибидаги адабий-назарий тасаввурлар ҳам А.т.нинг илк босқичи сифатида қаралади. Шу жиҳатдан, илк адабий таълим ўчоқлари бўлмиш Миср, Шумер, Ҳиндистон ва Хитойдаги ёдгорликлар таркибидаги назарий қарашлар, «Билгамиш» (шумер), "Ригведа", "Маҳобҳорот", "Рамаяна" асарларида баён қилинган қикрларга ҳам А.т. манбалари сифатида қаралади. Хитойда *Конфуций* таълимоти, Осиё мамлакатларида Будда, монийлик в.б. диний инончлар таркибида ҳам муайян маънода эстнтик-ахлокий қарашлар мужассамланган.

Епропа ад-тшунослиги антик ад-т манбаларига таянган ҳолда шаклланган учун қад. юнон олимларининг эстетик қарашлари, хусусан, Сукрот, Афлотун асарлари ад-тшунослик тарихи учун муҳим манбадир. Чунки улар замирида илк адабий асарлар, Ҳомер, Эзоп, Эсхил, Эврипид, Аристофан, Пиндар каби ижодкорларнинг асарларига муносабат ётибди. Жаҳон мумтоз ад-тшунослиги тарихига асос бўлган манба сифатида Арасту ҳаким таълимотига ёндошиш зарур. Арастунинг "Поэтика", "Риторика" сингари илмий рисолаларида бевосита бад. асар табиати, адабий тур ва жанрлар, характерлар, бад. нутқ шакллари каби бадиийтнинг ўзак масалалари ўз аксини топган. Қад. Римда Вергилийнинг адабий асарлари таркибидаги қарашлар, Плотин ва янгиафлотунчилик эстетикаси, Луций Сенека таълимоти ҳамда Псевдо-Лонгиннинг адабий юксаклик ҳақидаги асарлари антик ад-тшуносликнинг кейинги тараққиётини белгилабгина қолмай, балки А.т. ўрта асрлар б-н боғловчи муҳим кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

Марказий Осиёдаги эстетик тафаккур сарчашмалари А.т.да муҳим омил саналади. Бунда қад. буюм ва ашёларда, турли расм ва чизмаларда муҳрланган аждодларимиз адабий тасаввурлари кейинчалик яратилажак бад. асарларга асос вазифасини ўтаган. Тил тафаккурнинг реаллашув шакли сифатида сақа (скиф), хунн, суғд, оромий т.даги ёзма манбалар ҳам А.т.нинг илк даврини тиклашда алоҳида аҳамиятга молик. "Авесто"да эзгу сўз поэтикаси мужассам топган бўлиб, ундаги эзгу фикр, эзгу сўз ва ҳаракат ҳақидаги таълимот А.т.нинг тараққиётида, бад. асарлар поэтик хусусиятларининг жамланишида муҳим аҳамият касб этган. Марказий Осиё

ва қад. Эронда яратилган адабий-бадиий асарлар “Авесто”дан олинган фикр, сюжет ва талқинлар асосида бад. баркамоллик касб этган.

Ўрта асрлар, ғарбдаги манбаларда, асосан, жаҳолат ва инквизация даври сифатида қаралган. Ҳолбуки, ўрта асрлар дунё тамаддунининг бешиги Ислом Ренесанси (Адам Мец) ҳисобланган. Исломга қадар араб (жоҳилия даври) адабиётшунослигида айрим эпик ва шеърий жанрлар мавжуд бўлган бўлса ҳам улар мусулмонликдан кейин муайян назарий ва илмий моҳият касб этди. “Илми адаб” деб номланган гуманитар фанлар тизимида филологик йомларнинг жамланиши ва илмий моҳиятига кўра таснифланиши айнан Ислом олимлари томонидан амалга оширилган. Илми адаб таркибида *Аруз илми* нафақат шеършуносликда, балки адабий жанрлар таснифида ҳам ўз ўрнига эга. Аруз илмининг шаклланишида араб олими Халил ибн Аҳмад ва унинг шогирди Ахфашнинг илмий қарашлари асос бўлиб хизмат қилади. Халил ибн Аҳмаднинг “Айн китоби” бизгача тўла ҳолда етиб келмаган бўлса ҳам унинг шогирди Ахфаш талқини туфайли аруз илмининг сақланишига ва минг йиллар давом этишига асосий омил бўлган Марказий Осиёда аруз илми тараққиётида Форобий таълимотида араб ва юнон поэтикаси, Беруний асарларида араб ва хинд шеършунослиги ўзаро қиёсан ўрганилган. *Форс аруз*инг шаклланиши Шамсиддин Қайс Розий, Арузи Сайфий в.б. олимларнинг назарий қарашлари ўз таъсирини кўрсатган. *Туркий аруз* манбалари сифатида биз Шайх Аҳмад Тарозий “Фунуну-л-балоға” (“Балоғат фанлари”) асарига, Алишер Навоийнинг “Мезону-л-авзон” (“Вазнлар ўлчови”) ва Бобурнинг “Аруз рисоласи”га мурожаат киламиз. XIX охири ва XX аср бошлари аруз илмининг тараққиётида Фуркатнинг “ “ рисоласи, Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” ва “Аруз ҳақида” асарларида янги давр мезонлари билан боғланган аруз ва бармоқ муносабатлари ўз аксини топган.

Адаб илмлари таркибида бад. санъатлар қад. ўз ўрганилиш объектига эга. “Балоғат илми” тушунчаси кенг маънода илми адаб таркибига кирган фанларга нисбатан қўлланилган бўлса, тор маънода, асосан, бад. санъатларни англатади. Бу илмнинг шаклланиши ва Шарқ шеъриятида қарор топишида араб олими Ибн Муътаззнинг “Китобу-л-бадеъ” (“Бадиият илми”) рисоласи, форс т.да яратилган Умар Родуёнийнинг “Таржумону-л-балоға” (“Балоғат таржимони”), Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқу-с-сеҳр" (“Сеҳрли боғлар”) асарларида юздан ортиқ бад. санъатларнинг назарий асослари кўрсатилган. Айни илм ривожида Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоъеу-с-саноеъ” (“Бадиий санъатлар” асари ўзининг мукаммаллиги б-н ажралиб туради. Шайх Аҳмад Тарозикнинг “Фунун ул-балоға” асарида адаб илмлари таркибига кирган беш назарий фан - шеър навлари, қофия илми, бадиият ва муаммога доир (юқорида тилга олинган аруз илмидан ташқари) ўз назарий ечимини топган. Асарнинг туркий т.да яратилиши ва ундаги мисолларнинг асосан турк ад-ти намуналаридан келтирилиши XV асрдаёқ туркий адабийтшунослик ўз илмий ўзанини топганини исботлайди. Қофия илми араб олими Қудама ибн Жаъфар томонидан илмий асосланган бўлса ҳам унинг тараққиётида ўртаосиёлик комусий олимлар Абу Абдуллоҳ

Хоразмий, Саккокий кабиларнинг қомусий луғатларида ўз аксини топган. Абдураҳмон Жомий "Илми қофия" номли махсус рисола битган.

Жаҳон А.т.да *тазкира*чилик алоҳида мавқега эга. Чунки ад-тшунослик таркибидаги ад-т тарихи, ад-т назарияси ва адабий танқиднинг вужудга келиши ва тараққий этиши Шарқ тазкирачилиги андозаларига асосланган. Тазкирачилик тарихи *шоирлар тазкираси, валийлар тазкираси, дабирлар ва адиблар* ёки *олимлар тазкираси* каби турларга бўлинади. А.т.да *тазкират-ш-шуаро* (шоирлар тазкираси) ва *тазкирату-л-авлиёлар* аҳамиятлидир. Тазкиралар муаллифга замондош бўлган ижодкорлар таржимаи ҳоллари, ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини аниқлашда ёрдам бериши, адабий муҳит моҳияти ва қамрови масалаларини тадқиқ этиши ва адабиёт тарихининг у ёки бу маммоларини ёритишда фойдали усулларни тавсия этиши жиҳатидан А.т.ни тўлдиради. Илк тазкиралар Жумаҳий, Ибн Қутайба ва Ибн Муътазз томонидан араб т.да ёзилгани маълум. Бу тазкираларида қад. шоирлар ижодига эътибор қаратилган бўлиб, асосан, шеърий намуналар унутилиб кетмаслиги назарда тутилган, шоирлар шахсияти ва қаердан эканлигига ҳамда муқаддималарда шеър ва шоирлик ҳақида маълумотлар берилган. Марказий Осиёдаги илк тазкира араб т.да тузилган, унинг муаллифи Абу Мансур ас-Саолибий бўлиб, "Йатимат ад-даҳр" ("Даҳр дурдоналари") леб номланади. Форс т.даги илк тазкира Авфий Бухорий (1171–1233)нинг "Лубобу-л-албоб" ("Билимлар магзи") асари бўлиб, у Бухоро ва Хоразмда бошланиб, 1222–23 й.да Ҳиндистонда якунланган. Туркий т.даги дастлабки тазкира Алишер Навоийнинг "Мажлдису-н-нафоис" ("Нафислар мажлислари") асари бўлиб, у XV асрдаги Хуросон, Мовароуннаҳр ва қисман Кичик Осиё ҳудудидаги адабий ҳаёт масалалари тўғрисида мукаммал маълумот беради. Навоийдан сўнг Ҳирот тазкирачилик мактаби анъаналарига кўра туркий т.да элликка яқин тазкира яратилган бўлиб, улар ўз даврларининг муҳим ад-тшунослик манбалари саналади. Ўзбекда тазкирачилик XX асрга қадар давом этган. П.Қайюмовнинг "Тазкираи Қайюмий" (1960) асари маҳлум маънода мумтоз тазкирачиликка нуқта қўйган асар саналади. Тазкирачилик Озарбойжон ва Эронда Сом Мирзонинг "Тухфаи Сомий" тазкирасидан Ғулом Мамадлининг "Тазкира"сига қадар, Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларида Мутрибийнинг "Нусхаи зебои Жаҳонгир"идан тортиб Офтоброй Лакҳнавийнинг "Риёзу-л-орифин" (1982)га қадар, Абу Абжуллоҳ Жумаҳийнинг "Табақату-ш-шуаро"сидан Мисрда анъанавий тазкирачилик мактабининг янгиланишига сабаб бўлган Жиржи Зайдон асаригача бўлган тазкирачилик жараёни А.Т.нинг ажралмас қисмидир.

Ўрта асрларда Шарқ А.т.нинг ривожида Корея ва Япониядаги адабий-эстетик қарашлар шаклланди. Японияда илк адабиётшунослик асарларида Самурайлар қиссалари ва Хунка адабиёти шарҳланди. Шеър назариясига доир қарашлар тараққий этиб, хойку (хокку) ва танка жанрлари поэтикаси такомиллади. Корейс ад-тшуносликгининг илк даври пхесол (халқ қиссалари) б-н боғлиқ ҳолда тараққий этди.

Европа ўрта асрлар адабиётшунослиги манбалари сифатида Августин томонидан Пифагор назариясининг янгиланиши, *Фома Аквинский* қарашларининг адабиётшунослик тараққиётидаги ўрнини алоҳида кўрстиш лозим. Гарчи диний қарашларга йўғрилган бўлса-да Европа ад-тшунослигида "муқаддас ёлғон" (бадиий тўқима), "ёркин шакл" назарияларининг пайдо бўлиши инквизация даврида прогрессив аҳамият касб этди.

Европа Уйғониш даврида ад-тшуносликнинг алоҳида назарий манбалари б-н бир қаторда бад. ад-т ижодкорининг адабиётшунос ва мунаққид сифатида фаолияти эътиборлидир Бу жиҳатдан Данте Алигьери (Италия)нинг халқ т. ва услублар таснифига бағишланган назариялари, Леонардо да Винчи санъат асарининг жонлилиги ҳақидаги қарашлари, Шекспир (Англия) драмалари қатига сингган Ишонч назарияси, Сиднейнинг шеърият ҳимоясида айтилган нутқлари, Петрарка ва Бокаччо(Франция)нинг гўзаллик яширинган табиат хусусидаги қарашлари, Дюрернинг даҳолик табиати хусусидаги таълимоти А.т.ни тўлдирувчи манбалар сифатида ардокли. Ғарб Кйғонишининг ҳосиласи сифатида поэтик энтузиазм (Жордано Бруно), адабий танқидда исён йўналиши шаклландики, булар ад-тлик фанининг қамрови ва объекти кўламли тарзда кенгайиб бораётганидан даракдир.

XVII аср Европа классицизмининг италян (Скалигер), инглиз (Бен Донсон), француз (Пьер-Даниэл Юэ, Никола Буало) ва олмон (Юстус Шоттел) манбалари шаклланиши даври саналади. Фалсафада акл, санъатда қоида ҳукмронлиги бадиият тараққиётида унча аҳамиятли саналмаса-да, ад-тшунослик тизимидаги фанларнинг аниқ фанлар б-н якинлашувида ўз самарали таъсирини кўрсатди. Натижада Никола Буало "Шеърий санъат" асарида илгари сурган уч бирлик (макон, замон ва ҳаракат бирлиги) қоидаси бад. ад-т, айниқса, драматургияни классик ақидалар доирасида сиқувига сабаб бўди. Бу қарашлар Мольер, Корнейл, Расин каби драматурглар асарлари мисолида тушунтирилганига қарамай Европа ад-тшунослиги тараққиётга мойил янги назарий тамойиллар яратилишига эҳтиёж сеза бошлали. Файласуф олимлар Бэкон ва Декарт қарашлари, Гоббснинг эстетик психологияси, Дид ва акл эстетикасига асосланган Лейбниц ва Спиноза таълимоти натижасида классицизм янгиланиш сари юз бурди. Бу жараёнда инглиз адабиётшунослигида Юм ва унинг эмпиризми, Берклининг идрок этиш маданияти ва ифода сифати хусусидаги кузатишлари, Рейднинг сиёсат ва санъат, Рейнолдснинг гўзалликнинг абстракт моҳияти ҳақидаги асарлари Истеъдод ва Даҳонинг ҳар қандай қоида ва канонлардан юкори эканлигини тасдиқлади. Бу эса Европа ад-тшунослигини классицизмнинг бўғиқ муҳитидан *маърифатчилик реализми* сари қадам ташлашида сезиларли назарий жараён сифатида хизмат қилди. Маърифатчилик арафасида Франция ва Италияда янги генетик метод (Вико) шаклана бошлади, санъат ва нутқ муносабати (Кордиляк) ифода ва ижро маданиятининг шаклланишига туртки бўлди.

Маърифатчилик йўналишидаги бад. асарлар, айниқса, Вольтер ва Руссонинг қиссалари бу адабий оқимнинг назарий асослари ҳам шаклланишига сабаб бўлган. Француз маърифатчилиги томо маънода Дени Дидро асарларида кўринади. Дидро бад. асарлари ва ижтимоий фаолияти б бирга бир қатор назарий рисолалар яратдики, "Драматик поэзия ҳақида" "Актёр ҳақида" деб номланган ушбу асарлар француз маърифатчилигининг манифкстига айланди.

Германияда маърифатчилик яна хам кенгрок миқёсда, бир жиҳатдан Гёте ва Шиллер каби жаҳонга машҳур адибларнинг адабий-эстетик қарашларида (шу ўринда Гёте ва Шиллернинг ўзаро ёзишмаларини ёдга олиш зарур), иккинчи жиҳатдан, Лессингнинг "Гамбург драматургияси", "Лаокоон ёхуд Рангтасвир ва поэзиянинг чегараси ҳақида" асарларида немис драматургиясига хос жиҳатлар таҳлил қилинган, шеърият ва санъатнинг пластик турлари ўзаро қиёсланиб, улар хусусида фундаментал моҳият кашф этувчи тадқиқотлар яратилган.

??????????????????

Адабиётшуносликнинг илмий тизим сифатида шаклланиши. Немис классик эстетикаси адабиёт ҳақида. Адабиётшунослик илмининг мустақилликка эришувида Гердер таълимотининг роли. Санъат фалсафаси. Олмон классик файласуфлари томонидан адабиётшуносликнинг ривожлантирилиши. Кант ва унинг ва танқидий мулоҳазалари. Адабий юксаклик ҳақида. Гумболд ва унинг антропологик мактаби.

Романтизм эстетикаси. Ф.Шлегел таълимоти. Рационализм ва романтизм уйғунлиги (Жан Пол). Ирония ва юмор назарияси (Кьеркегер). Шелли системаси. Ўртаасрчиликка қизиқиш (Уитман).

Эстетика адабий-назарий қарашларнинг асоси сифатида. Адабиёт "абсолют идеализм" камровида. Шеллинг назарида санъат тизими. Ҳегел диалектикаси ва унинг адабиётшунослик тараққиётидаги ўрни. Шарк символизми фалсафий тизимда.

Адабиётшунослик фан асрида.

Ирония назарияси (Золгер). Талқин назарияси. Шлейермахер Герменевтика асосчиси сифатида. Санъат – тасаввур ўйини. Метафизик парадокс (Шопенгауэр). Француз идеализми Сен Симон қарашларида. Натурализм демократик қараш сифатида (Золя). "Санъат санъат учун" назариясининг шаклланиши. Эдгар По эстетик идеал ҳақида.

Метафизика кризиси. Гегел қарашларининг модернизацияси (Фишер). Ницше ва унинг санъат назарияси. Соғлом ва тушкун санъат дуализми (Вагнер). "Қуйи" эстетикаси. Фехнер ва унинг экспериментал методи. Гермголц физиологик назарияси. Дарвин "эволюция назарияси"нинг адабиётшуносликка таъсири. Спенсернинг эстетик қарашлари.

11. Адабиётшуносликдаги академик мактаблар

Адабиётшуносликдаги академик мактаблар. XIX аср рус адабиётшунослигида социал танқид ва унинг тарафдорлари. В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский ва Н.Добролюбов.

Адабиётшунослик тараққиётида академик (мифологик, психологик ва формал в.б.) мактабларнинг ўрни. Мифологик мактаб ва унинг намояндалари. Дуглас, ака-ука Гримлар. А.Н.Веселовский ва унинг тарихий поэтика мактаби. Украин адабиётшуноси А.А.Потебня томонидан назарий поэтиканинг шакллантирилиши.

Формал мактабнинг шаклланиши. "ОПоЯз" унинг адабиётшунослик ривожидаги ўрни. Рус формал мактаби вакиллари. В.Шкловский, Эйхенбаум, Б.Жирмунский, Ю.Тинянов.

12. XX аср бошларида Марказий Осиёда адабиётшунослик.

13. Адабиётшунослик тарихида адабий оқим ва йўналишлар.

Сентиментал ва лирик интуиция. Кроче томонидан эстетиканинг соддалаштирилиши. Символизм назариясининг "ҳукмронлиги" (Э.Кассирер, С.Лангер). А.А.Ричардс семантик таҳлил ҳақида. Семантикада эстетик плюреализм. Релятив эстетика (Дьюи, Лало). Мориц Гейгер ва унинг "феноменологик эстетикаси".

XX аср адабиётшунослигидаги илмий тизим ва назариялар. Модернизм ва унинг адабиётшуносликдаги кўринишлари: акмеизм, футуризм, рационализм в.б.

Соцреализм ва унинг танқиди.

Неомодернизм адабий ҳаракат сифатида. Унинг кўринишлари: сюрреализм, экспрессионизм, конструктивизм, экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлгиз инсон, "онг оқими", неоабстракционизм.

Постмодернизм адабий ҳаракат сифатида (унинг асосий йўналишлари): поп-арт, "демократ-истеъмолчи", сонористика, алеаторика, мусиқий пуантилизм, гиперреализм, хепенинг в.б.

- История эстетической мысли. Т. 1-5. М.: Наука, 1971-86; *Валихўжаев Б.* Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XV асрлар. Т., 1993, 2013. Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008; *Қуронов Д., Рахмонов Б.* Ғарбда адабий-танқидий қарашлар. Т., 2009; *Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М.* Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

Ареал ~

Киёсий ~

Жирмунский В.М. Сравнительное лит-ведение. Восток и Запад. М., 197; *Алексеев М.П.* Сравнительное лит-ведение. Л., 1983;

~ВА БОШҚА ФАНЛАР:

А., биринчи навбатда, ўз тизимига ва вазифасигакўра, филологик (фолклоршунослик ва тилшунослик) ва фалсафий фанлар (ахлокшуеослик эстетика, герменевтика), шунингдек, гуманитар тизимдаги фанлар (тарих, руҳшунослик, социалогия в.б. фанлар) б-н яқин алоқадорлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

~ ва тилшунослик – А. ва т.шунослик нафақат тадқиқот объекти ш материалнинг умумийлиги, балки вазифадорлиги нуқтари назаридан ҳам яқинлашади. Сўз моҳияти ва унинг матндаги ўрнини ўрганишда, айрим адабий ҳодисаларнинг структурал жиҳатларини тадқиқ этишда умумийлик мавжуд. Мас., бад. тасвир воситалари ад-тшуносликда "Поэтик лексика" таркибида ўрганилса, айни шу ҳолатга т.шуносликнинг "Лексикология" бўлимида кўчим турлари нуқтаи назаридан қаралади. Ёки риторикада стилистик фигураларнинг матн таркибидаги ва бадиий нутқ шаклланишидаги ўрни ўрганилса, т.шуносликнинг "Синтаксис" ва "Стилистика" бўлимларида нутқ услублари жиҳатидан ёндошиш орқали уларнинг натижаларидан бири иккинчисини тўлдиради. Т. қонуниятларини билиш орқали асар моҳияти ва образлар воситасида англатилаётган бадиий ният китобхонга етиб боради. Т.шунослик бад. нутққа фикр алмашиш воситаси сифатида қараса, ад-тшунослик уни эстетик мулоқот воситаси сифатида тадқиқ этади. Демак, филологик тизимдаги фан сифатида А. бевосита нафақат умуман, тилшунослик, балки унинг айлоҳи соҳалари б-н ҳам мустаҳкам алоқага киришади. Бир тизимдаги бу икки фаннинг ўзаро яқинлашуви натижасида *лингвопоэтика* ва *риторика* сингари оралиқ фанлар вужудга келганки, уларнинг иштирокисиз, на ад-тшунослик, на тилшунослик ривож топа олади. А.даги *структурал поэтика* б-н *структур тилшунослик*, *генератив поэтика* б-н *когнитив тилшунослик* каби соҳаларнинг вужудга келиши ад-тшунослик ва тилшуносликдаги академик мактабларининг ҳам яқинлашувидан дарак бермоқда.

~ ва фалсафа – А. ва фалсафа дунёни билишда, унинг ҳодисаларини қабул ва талқин қилишда яқинлашади. Фалсафа табиат ва жамиятнинг умумий тараққиёт қонуниятларини, инсоният тафаккури ва дунёқарашининг ўзига хос жиҳатларининг тадқиқ қилса, ад-тлик ана шу дунёнинг бад. асардаги акси, матн модели б-н иш кўриши натижасида умумийликдан хусусийликка қараб боради, инсон ва унинг борлиқдаги моҳияти, унинг яратувчилик қудрати ва дунё тамаддунидаги ўрнини бад. тимсоллар воситасида англатган бад. ад-тни таҳлил қилиш орқали умумийликка эришади. Турли дунёқарашга эга бўлган турли манерадаги адибларнинг ижод маҳсулини ўрганиш орқали ад-тшунослик файласуф англаб етган дунёни қайта бадиий кашф қилади. Бу каби параллелликларни кўплаб келтириш мумкин.

Азалдан ҳар икки фан ўзаро яқин алоқадорлигининг белгиси сифатида А.га Европа файласуфлари деярли икки минг йилдан ортиқ суддат давомида фалсафий фанлар тизимида қараб келишган. Ад-тшунослик аслсини яратган

ва жаҳоний тараққиётига хизмат қилган Арасту, Гегел каби даҳолар, асосан, фалсафий фикр тараққиёти б-н шуғулланганлари ҳеч кимга сир эмас.

~ ва семиотика;

АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ – Ун-т таълимининг дастлабки й.да ўқитиладиган назарий предмет. А.к. анъанавий тарзда таркибан уч бўлим: Ад-т сўз санъати, бад. асар ва адабий жараёндан иборат бўлган. Айрим А.к. қўлланмалари таркибида Адабий-танқидий тафаккур тарихидан қисқа обзор берилган.

Собиқ иттифоқ ҳудудида 1957 й.дан ўқитила бошланган. Рус т.да Ф.М.Головенченко (1964), Л.В.Шепилова (1968), Г.Л.Абрамович (1979), Г.Н.Поспелов таҳрири остида (1988), О.И.Федотов (1998), Л.В.Чернец таҳрири остида (1999), Л.М.Крупчанов таҳририда (2007) "А.к." дарсликлари амалда қўлланилган. А.к.дан дарслик ва қўлланмалар б-н бир қаторда мажмуа (хрестоматиялар) ҳам яратилган. Рус т.да А.к. мажмуалари П.А.Николаев таҳрири остида МДУ олимлари томонидан 1979, 1988 йй.да тузилган ва 1997 й.да қайта нашр қилинган.

Ўзбек т.да "А.к." Н.Шукуров в.б. (1984), Э.Худойбердиев ( ), А.Улуғов ( ), Д.Қуронов ( ) томонидан нашрга тайёрланиб, қўлланилиб келинди.

- *Шукуров Н., Хатамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М.* Адабиётшуносликка кириш. Т.; 1984; Введение в лит-ведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 1988. С.128-166; Введение в лит-ведение. / Под ред. Г.Н.Поспелова. М.: Высшая школа, 1988; Введение в лит-ведение. Под рел. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007.

АДАБИЙ – ад-тга алоқадор, тегишли. Ад-тга алоқадор тушунча, ҳодиса ва истилоҳлар кенг қамровли бўлиб, ад-тшунослик луғат ва қомусий манбаларига уларнинг айримларигина шарҳланган. Бевосита адабий ҳодиса сифатида тан олинган ва муайян қонуниятларга асосланган истилоҳлар адабий алоқа, анъана, билим, йўналиш, мерос, оқим в.б.дир.

~ АЛОҚАЛАР – адабий жараённинг тараққиёт қонуниятларидан бири бўлиб, миллий ад-тларнинг доимий суратдаги ўзаро ҳамкорлиги, таъсири ва акстаъсири. А.а. жаҳон маданитида ад-тлар тараққиёти учун ижобий рол ўйнайди, қадимдан мамлакатлар, халқлар ва ижодкорларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи омил сифатида айрим адабий ҳаракат ва ҳодисаларни тезлатади, бири иккинчисини билиш ва англашга ёрдам беради. А.а.да бевосита адабий таъсир, адабий ворислик, ўрта робита, тенг адабий мулоқот в.б. шакллар мавжуд бўлиб, уларни ўрганувчи алоҳида *адабий мактаб*лар ва *метод*лар шаклланган. А.а.лар мумтоз ад-тда қад.дан мушоира, тазмин, иқтибос каби бадиий ижод шаклларида кўринган.

А.а. шўро даврида тезлашган бўлишига қарамай ад-тларнинг ўзаро тенг ҳакмкорлиги шаклида эмас, балки унинг етакчиси сифатида рус ад-ти белгиланиб, унинг бошқа халқларга намуна бўлишлиги уқтирилган. Ҳоз.

кунда жаҳон ад-тининг "симфоник" бутунлиги ва унинг турли тиллар ва миллатлар томонидан яратилган дурдоналарини яратиш тажрибасини ўзаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан ўрганиш кўзда тутилмоқда.

А.а.нинг ҳафталиклар, ад-т ва санъат ўн кунлиги, учрашувлар сингари шакллари мавжуд.

• Взаимосвязи и вазаимодействие национальных лит-тур. Материалы дискуссии М., 1961; *Конрад Н.И.* Запад и Восток. М.: Наука, 1966; *Ломидзе Г.* Буюк муштараклик туйғуси. Т., 1978; *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. Т., 198?; *Комилов Н.* Тафаккур карвонлари. Т., 200?; *Хализев В.Е.* Международные лит-ные связи / Теория лит-ры. М Высшая школа, 2005. С.378-380;

~ ***АНЪАНА*** – дунёни ижодий ўзлаштириш давомида адабий тажрибада синалган эстетик қарашлар, мотив, сюжет, жанр, услуб кабилар янги давр ижодкорлари томонидан ҳам қабул этилиб жорийланиши муайян даврда эришилган ижодий ютуқлар янги авлод томонидан ўзлаштирилиб, ижодий ёндошган ҳолда ривожлантирилмаса, у А.га айланмай ўша давр доирасида қолиб кетади. Оламни бад. идрок этишда авлодлардан ўтиб келган тажрибаларга издошлик, собитлик б-н бир қаторда уни янгилаш, ўзига хослик асосида такомиллаштирилганда ҳар қандай бад топилма А.га айланиши мумкин. Шарқ ад-тининг устивор жиҳатларидан бири хамсачилик анъанасидир. Тарихда Низомийга эргашиб "Хамса" яратиш учун урунган адиблар қанча. Бироқ Хисрав Дехлавий, Алишер Навоий каби даҳо санъаткорлар туфайли бу анъана кейинги даврларда ҳам давом этдигина эмас, балки янгилик ҳам касб этиб, хамсачилик А.сини янги юқори босқичга кўтарди. Худди шу ҳолни туркий тазкирачилик анъанасига ҳам нисбатда айтиш мумкин. Навоийнинг "Мажолис..." тазкираси А.ларига амал қилган ҳолда туркий т.да ўттиздан ортиқ, форс т.да эса 50 га яқин тазкиралар яратилди. Бу Ҳирот тазкирачилиги А.ларининг давомийлигини кўрсатади.

А.а. бир тил, миллат ёки адабий муҳит доирасида эмас, балки жаҳон ад тидаги тажрибаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

• Верли М. Единство лит-ной традиции / Общее лит-ведение. М.: Иностр. лит-ра 1957. С.217-224.

~ ***БИЛГИЛАР*** – адабий билимлар. Ад-тга оид бошланғич назарий билимлар мажмуаси. Туркия олий ва ўрта ўқув юртларида олий таълимнинг биринчи курсида ўтилади. Ўз-нда академик лицейларда ўтилаётган "Ад-т қоидалари", филология факультетларининг дастлабки курсларидаги "Ад тшуносликка кириш" ёки "Ад-тшунослик асослари" фанларининг туркча муқобили сифатида қаралиши мумкин. Нисбатан дастлабки А.Б.дан бири А.Фитратнинг "Ад-т қоидалари" (1926), турк олими Ниҳат Сами Банарлининг "Edebi bilgiler" қўлланмаси (3 нашри, 1944 йил)дир. А.Б.ни муал. адабий билимларни ўз асарининг биринчи бўлимида қуйидагича таснифлаган: *Ад-т. Ифода шакллари. Вазн. Аруз вазни. Қофия. Нағм*

шакллари. Классик назмнинг давоми ва сарбаст назм. Адабий санъатлар. Иккинчи бўлимда эса *Шеър. Наср, Достон. Масал. Кичик ҳикоя. Роман. Театро (драма). Тарих ва ад-т тарихи. Танқид. Монография. Биография. Библиография. Саёҳат ад-ти. Хотирот. Мактуб. Мақола. Мусоҳаба ва фикра. Мулоқот. Хитобот* ҳақида тушунтиришлар ва мисоллар берган. Ушбу асар ўн йиллар давомида ун-т таълимида асосий қўлланма ҳисобланган. Кейинги йилларда айни йўналишда Мўмин Мажид ва Уғур Сўлданнинг "Ад-т билги ва теорийси" (3-нашри, 2008) бу йўналишда кенг қўлланилган.

- *Banarli N.S.* Edebi Bilgiler. Istanbul: 1944; *Macit M., Soldan U.* Edebiyat Bilgi ve Teorileri. Ankara, 2008; Cilt I. Edebiyat Sanati ve Bilimi. Ankara, 2008.

~ ***ВОРИСЛИК*** – Адабий анъаналарни бирор адиб ёки миллий ад-т томонидан давом эттирилиши. А.в. ўз истилоҳий камрови доирасига адабий таъсир ва издошлик тушунчаларини олиши мумкин. Бирок А.в. таъсирланиш натижасида вужудга келган мотив, сюжет, тимсол ва каҳрамонларни эмас, бирор адабий ҳодисага таяниб, унга издошлик позициясида туриб қабул килишликни эмас, балки адабий тажрибадаги мавжуд самарали жиҳатларни қабул қилиш, уларга эгалик килиш орқали ворислик туйғусини шакллантиришни назарда тутади.

- *Бушмин А.* Преемственность в развитии лит-ры. М.: Худож. Лит-ра, 1978; *Восток* и Запад. Литературные взаимосвязи в заруежных исследованиях. М., 1989.

~ ***ЖАРАЁН*** – бирор мамлакат ёки даврнинг адабий ҳаёти. Глобал масштабда олиб қараганда жаҳон ад-тининг кўпасрлик тажрибаси ва тараққийти. А.д. глобал миқёсда ўрганиш киёсий-тарихий ад-тшуносликнинг вазифаси ҳисобланади. Бунда умумжаҳон ад-ти таркибидаги тараққиёт ва турғунлик масалалари, адабиёт тарихининг *стадиал умумийлиги* ва бад. системалар муштараклиги, ад-тнинг миллий ва миитақавий хусусиятлари назарда тутилади.ини истилоҳлаштиришда терминологик хилма хиллик вужудга келган. Бу, аввало, турли турллардан келиб ўрнашаётган сўз ва атамалар, уларнинг идентификацияси б-н боғлиқ. Мас., бир ад-т вакиллари А.йўналиш деб талқин килган ҳодиса иккинчи ад-тда А. оқим сифатида ёки мактаб тарзида тавсия этилиши мумкин. Шунинг учун А.ж. масалаларини кенг кўламда ўрганганда имкон қадар унификация ва мувофиклаштириш тамойилларини назарда тутган ҳолда иш кўриш лозим. Айрим ад-тшунослар бу ўринда метод ва услуб муносабатларига таяниб иш кўрадилар. Умумадабий ҳодисалар методологик планда, ижодкор индивидуаллиги ва ўзига хослиги б-н боғлиқ назарий масалалар услублар кесимида ўрганилиш тавсия этилмокда.

- *Хализев В.Е.* Лит-ный процесс / Теория лит-ры М.: Высшая школа, 2005. С.367-383.

~ ***ЙЎНАЛИШ*** – *адабий оқим, адабий мактаб* каби тушунчалар қаторида *адабий жараён*га тегишли категориялар, бироқ улардан ҳарақат йўналишининг изчиллиги, қатъий қоида ва талаблар асосийда йўналгани билан фарқ қилади. А.й. Европа ад-тшунослигида XIX аср бошларидан илмий истилоҳ сифатида таомилга киритилган. Одатда қуйилагиларни А.й. сифатида келтириш урф бўлган: *классицизм, барокко, сентиментализм, маърифатчилик, романтизм, реализм, символизм, модернизм* в.б. Уларнинг ҳар бири ўз шакли, тараққиёт йўли, назарий асослари, вакилларига эга. Бир даврда ёки бир ижодий манерадаги адиблар асарларининг умумий хусусиятлари, типологик ўхшашликлар асосида шаклланган. Бу умумийлик ҳаёт ҳақиқатини қабул қилиш, ўзлаштириш ва ифода қилиш тамойилларида, ижодкор услуби ва методида кўринади.

- Лит-ные направления и стили. М., 1976; *Гуляев Н.А.* Лит-ные направления и методв в русской и зарубежной лит-ре XVII-XIX веков. М., 1983; Творческие методы и лит-ные направления. М., 1987; *Волков И.В.* Творческие методы и художественные системы. М., 1989; Введение в лит-ведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007 С.297-300;

~ ***ЁДГОРЛИК*** – миллий ад-тнинг маданият тарихида муайян ўрин олган оғзаки ёки ёзма манбаси. А.ёлар миллий ад-тнинг яратилиши, шаклланиши ва тараққиётида муҳим ўрин тутади ва янги адабий манбалар ёзилишида асос бўлиб хизмат қилади. А.ё. сифатида Маҳмуд Кошгарийнинг "Девону луғотит турк" асари ўзидан кейинги минг йилликда филологик манбалар яратилишига сабаб бўлган бўлса, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"и илк достон сифатида кейинги даврларда яратилган эпик поэзия намуналари учун асос бўлиб хизмат қилди.

~ ***МАКТАБ*** (поэтика мактаблари) – муайян ижодий тамойилларни ўзига дастурий тарзда қабул қилиб, мавжуд анъаналарга таянган ҳолда иш кўрувчи ижодкорлар гуруҳи. Ад.м. одатда ижодий-эстетик принциплари умумийлиги ёки яқинлиги нуқтаи назаридан ҳамда минтақавий хусусиятга кўра шаклланганини кўрамиз. Мас., инглиз ад-тида Спенсер мактаби (XVII), рус ад-тида "Серапионов биродарлар" (XIX) ёки формал мактаб (XX аср бошлари) эстетик тамойилга кўра вужудга келган бўлса, Тула ва Рязань мактаблари регионал асосга қурилган. Шу каби ҳар икки хусусиятлар умумлаштирилган ҳолда ҳам Ад.м. шаклланиши ҳам мумкин. Проф. Фитратнинг ёзишича, ўзбек ад-ти тарихида уч адабий мактаб: Яссавий, Навоий ва Умархон мактаби бор. Бу ўринда Фитрат ўзига хос ижодий мактаб яратиб, ўзидан кейинги авлод ижодкорларини эргаштира олиши, янги адабий тамойиллар ишлаб чиқишига урғу қаратади. Яссавий мактаби нафақат ибодат ад-тини яратган, балки ҳикмат жанрига асос солган, тасаввуфий таълимотни халқона бад. усулларда сингдира олиши б-н муҳим. Ҳазрат Навоий ижоднинг бир қатор соҳаларида мактаб ярата келган адибдир. Булар туркий хамсачилик мактаби, тазкирачилик мактаби, тасаввуф мактаби

в.б.дир. Амирий бўлса ижодда поэтика мактабининг асосчиси сифатида янги-янги ижодий талқинларга, назира ва мухаммаслар яратилишига сабаб бўлган. Бу мактаблар Туркистон, Ҳирот ва Қўқонда дастлаб минтақавий доирада вужудга келган бўлса, улар бир ҳудуд ва миллат доирасидан чиқиб кенг адабий кўламда тарқалган ва эстетик моҳият касб этган.

- Поэтика. Труды русских и советских поэтических школ / Сост. Д.Кирай, А.Ковач. Budapest, 1982; *Федотов О.И.* Группировки и школы / Основы теории лит-ры. В 2-х ч-х. Ч.2. М.: ВЛАДОС, 2003. С.215-217; *Волкова Е.В.* Литературная школа / Введение в литведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.302-305

~ ***МЕРОС*** – миллий тил ва ёзувда яратилган, ўтмиш аждодлардан қолган маданий ва маънавия қадриятлар, оғзаки ва ёзма ад-т манбалари. Қад. мифлар ва "Авксто" каби ёдгорликлардан тортиб шу кунгача яратилган барча маънавият обидалари А.м.ни ташкил қилади. Булар нафақат бад. ад-т, балки унга яқин келган ахлоқий, тарихий, фалсафий йўналишлардаги асарлар, археологик топилмалар, турли хил буюмларда акс этган матнлар ўзбек халқининг А.м.дир. А.м. умумхалқ мулки бўлгани учун уни ўрганиш, сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш давлат ҳимоясида.

«АДАБИЙ МЕРОС» – 1968–1998 й.лар давомида нашр этилган илмий тўплам (ўзбек ва рус т.да). Жами 70 сони чоп этилган. 1968 й. Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллигига бағишлаб 1-сони чиққан, 2-сони (1971) ва 3-сони (1973) 2.000 ададда нашр этилган. 1976 й.дан тўрт сондан чоп этиш мўлжалланган. Муассис: Ўз-н Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи (1968-1978) ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар инс-ти (1980-1998). Масъул муҳ-рлари: М.Юнусов (1968–71), Ф.Сулаймонова (1973–76), Ҳ.Сулаймонов (1977–78), А.Қаюмов (1980–85), Э.Аҳмадхўжаев (1986–93), Н.Раҳмонов (1994–98).

А.м.да ўзбек мумтоз ад-ти ва Шарқ ад-ти тарихига оид илмий тадқиқот ва манбалар чоп этилган.

"Адабий мерос" тўпламининг библиографик курсаткичи (1976-1989). Т., 1989.

~ ***МУҲИТ*** – ижодий шарт-шароитлар ҳозирланган, ижодкорнинг камол топиши учун хизмат қилган адабий давра. Ад.м. кўпроқ пойтахт ш.ларда тараққий этгани сир эмас, чунки ижодмй жараён учун муҳит кучли таъсир этувчи ташқи воситалардан бири. Ҳирот Ад.м.ининг Алишер Навоий, Хива Ад.м.ининг Огаҳий, Қўқон Ад.м.ининг Амирий ижодига таъсири инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Сулолалар ва хонликлар даврларида шаклланган Ад.м. ўз етакчиларига эга бўлгани каби асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган улуғ сиймоларни етиштирган. Қорахонийлар Ад.м. ҳақида бизга биргина Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билин" асари маълумот беришига қарамай айни адабий манбанинг юксаклиги ўша Ад.м. даражасидан далолат беради. Ад.м. хонликлар даврида ва кейин ҳам нафақат сарой ва пойтахтларда, балки айрим йирик ш.ларда ҳам вужудга келганини

ўзига хос ижодкорлари б-н ажралиб турган Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Хива, Қўқон, Андижон каби ш.ларда Ад.м. тасдиқлайди.

~ ***ОҚИМ*** – бад.-эстетик тамойилларининг умумийлиги, бир *адабий йўналиш* ва ҳаракат остида ижод қилаётган адиблар гуруҳи. А.о. б-н адабий йўналиш кўпинча синоним тарзида ишлатилади, бироқ изчил ад-тшуносликда адабий йўналишнинг доминант (етакчи)лик хусусияти мавжудлиги эътироф этилади. Мас., *модернизм* адабий йўналиш сифатида қайд этилса, унинг кўринишлари *импрессионизм, экспрессионизм, сюрреализм, экзистенциализм, акмеизм, футурзм* в.б. бу адабий йўналишнинг оқимлари сифатида кайд этилган. Айрим ҳолларда бир адабий йўналишнинг бошка ад-тлардаги вариант ва кўринишлари ҳам Аюбий истилоҳи орқали англатилади. Мас., *барокко* Европада кенг тараккий этган адабий йўналиш сифатида қаралса, унинг испан ад-тидаги кўриниши гонкоризм, италян ад-тида маринизм в.б. А.о. сифатида қабул қилинган.

Ижодкорнинг бирор бир А.о.га мансублигини аниқлашда унинг оппонентлари, тақризчи ва мунаққидларининг ёзувларига кўра эмас, балки муаллифнинг ўз эътирофига асосланилади.

- Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.300-301; Поэтические течения в русской лит-ре конца XIX – нач. XX века. Хрестоматия. М., 1988; *Волков И.В.* Творческие методы и художественные системы. М., 1989; Теория лит-ры. Т.4. Лит-ный процесс. М., 2001.

~ ***ТАНҚИД*** (арабча: نقدون – сараламоқ) – *назарий ад-тшуносликла* ишлаб чиқилган таҳлил тамойиллари, бад. матнни талқин этиш тажрибалари асосида адабий ҳаракатдаги асарларни ўрганиш, тадқиқ қилиш. Агар ад-т назарияси адабий жараён масалаларига эътибор қаратса, А.т. бевосита айни шу даврда яратилган адабий-бад. асарларга эътибор қаратади, уларни таҳлил объекти қилиб белгилайди. А.т. ад-тликнинг тезкор ва сафарбар соҳаси бўлгани учун янги эълон қилинган асарларга муносабат билдиради, уларнинг адабий жараёндаги ва ўша муаллиф адабий ҳаётидаги ўрнини белгилайди.

А.т. ад-тшуносликнинг кўҳна соҳаларидан бўлиб унинг илдизлари мумтоз меросимиздаги *тазкира*ларга бориб такалади. Чунки тазкира нафақат маълумот ва намуна берувчи, балки асар ва муаллифга муносабат билдирувчи жанр сифатида тараккий этган.

Мунаққид бад. асарни тушуниш ва тушунтиришда, унинг тарғиботи ва талқинида ёзувчи б-н китобхоннинг ўртасида турувчи (муросага келиштирувчи эмас) дўсти ҳисобланади. Лекин мунаққид адабий жараён ҳодисаларидан келиб чиқиб асарга холис баҳо бериши, адабий тилда сўзлаши ва ўз қарашларини элга тушунарли услубда ифодалаши керак. А.т. алоҳида соҳа бўлгани туфайли унинг *тақриз, мақола, портрет, очерк, суҳбат* каби ўзига хос жанрлари мавжуд. А.т. замонавий адабий т.да сўзлаши, замоннинг долзарб муаммоларига муносабати нуқтаи назардан

публицистикага айрим ҳолларда якинлашиши мумкин, бироқ бу даврий муваққат яқинликни А.т. хос асосий жиҳат деб қарамаслик керак. Танқидчи публицист-журналист эмас, ад-тшунос олим сифатида иш кўриши лозим.

А.т. миллий ад-тдаги асосий тенденцияларни илғай олиши, миллат ва халқ келажагига асқотадиган бад. тажриба ва янгиликларни оммалаштириши ва ад-тнинг жамият олдидаги умуминсоний бурчини бажаришига кўмаклашиши зарур.

• *Егоров Б.* О мастерстве литературной критики (жанры, композиция и стиль). Л.: Сов. писатель, 1980; *Бочаров А.Г.* Жанры лит-но-художественной критики. М., 1982; Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1–2 ж. Т.: Фан, 1987; *Соловьев В.С.* Философия искусства и литературная критика. М.: 1991; История русской лит-ной критики. М., 2002; *Штейнгольд А.М.* Анатомия лит-ной критики. Природа, структура, поэтика. Спб., 2003; Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.8-9; Озод Ватан саодати: Адабий танқид: Т.: ADIB, 2013.. –С. 317.

~ ***ТАЪСИР*** – муайян бир ад-тга юксак даражада ривожланган бошқа бир ад-тнинг, бир ижодкорга бошқа бир дахо ижодкорнинг муносабати. А.т. ҳар қандай адабий жараён учун қонуний ҳол бўлиб, у муайяг даражада таъсир этиши мумкин. Кўламли бу жараён ад-тлараро, ижодкорлараро ва даврлараро муносабатга киришади.

Мумтоз ад-т табиий равишда араб, форс т.даги манбалар таъсирида, ёки аксинча, форс ад-тига умумтурк ад-ти сезиларли таъсир кўрсатган. Шўролар даврида ад-тлараро алоқада А.т.га алоҳида аҳмият қаратилиб, рус ад-ти таъсирининг устиворлиги ҳақида кўплаб ишлар қилинган. Айрим даврлар ад-ти бир миллий ад-т доирасида ёки бир неча ад-тлар доирасида А.т. кучига эга. Мас., *антик ад-т*нинг Уйғониш даври ад-ти таъсири, маърифатчиликнинг XX аср болари ад-тига таъсири масалалари адабий тажрибада кузатилган ҳодисалардир. Бир ижодкор услуби ва ўзига хослигининг шаклланишида иккинчи бир ижодкор таъсирчан кудратга эга бўлиши мумкин. Алишер Навоий ижоди нафақат ўзбек адиблари, балки турк (Аҳмад Пошо), озарбойжон (Фузулий), форс (Фахрий Ҳиравий), уйғур (Низорий) каби ижодкорларга таъсир этгани адабий тажрибадан маълум.

XX аср ўзбек ад-тида А.Қаххорга Чехов, Ш.Холмирзаевга Хемингуэй, Шавкат Раҳмонга Гарсиа Лорка ижоди ўз таъсирини ўтказганини ушбу муаллифларнинг ўзлари эътироф этишган. Бироқ бу ижодкорларнинг ҳеч бири ташқи таъсир доирасида қолиб кетмаган, уларнинг ижодда ўз йўлларини белгилашида ва бетакрор услуб соҳиби бўлиб етишишида А.м. маълум маънода устозлик вазифасини бажарган.

• Взаимосвязи и вазаимодействие национальных лит-тур. Материалы дискуссии. М., 1961; *Ломидзе Г.* Буюк муштараклик туйғуси. Т., 1978; *Жирмунский В.М.* Сравнительное лит-ведение. Восток и Запад. Л., 1979.

~ ***ТИЛ*** – бирор халқ ёки миллат т.нинг адабий нормалар асосида қайта ишланган, меъёрлаштирилган нутқнинг ифодаси. А.т. хоҳ оғзаки бўлсин, хоҳ ёзма муайян меъёрларга бўйсунишни талаб қилади. Чунки у маълум бир

гуруҳ, ҳудуд ёки элатга эмас, балки умумхалқ маданияти шакли сифатида хизмат қилади. Бад. асарлар, вақтли матбуот материаллари, илмий, ахлоқий, сиёсий, диний в.б. ад-тлар шу т.да ёзилади ва тарқатилади. Миллий т. ҳам А.т. эмас, унинг ҳаракат шаклларидан биридир. Шунинг учун миллий т.да шевалар, ҳудудий ўзгаришлар А.т. акс этмаслиги мумкин. Муаллиф бир асарда адабий тю меъёрларидан стилизация нуқтаи назаридан чекиниши мумкин, яъни у давр талабига кўра тарихий асарларда ўша даврга хос архаик сўзлардан фойдаланиши, қаҳрамон характерининг бир қиррасини очиш учун шева ёки чекланган тил бирликлари (жаргон, арго)га мурожаат қилиниши мумкин. Лекин бунда ҳам меъёр ва мувофиқлик сақлай билиниши керак. А.т.нинг оғзаки меъёрлари *орфоэпия,* ёзма қонуниятлари *орфография* деб номланадиган т.шунослик соҳалари орқали ўрганилади.

Ўзбек А.т.нинг шалланиш даври ҳақида турли хил баҳс-мунозаралар мавжуд. Шўролар даврида ўзбек А.т. XV асрда (Алишер Навоий ижоди мисолида) шаклланганлиги ҳақидаги даъво нотўғридир. Айрим олимлар ўзбек А.т. X-XI асрларда шаклланган тўғрисида Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" ва Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарига таянган ҳолда фикр билдирадилар. Қатор хорижий мутахассислар (И.В.Стеблева, Н.М.Кляшторный в.б.) Ўрхун-Энасой манбаларининг 1-та қад. ўзбек А.т. намунаси сифатида қараганлар.

- *Раҳматуллаев Ш.* Ҳозирги адабий ўзбек тили. 1-2 китоб. Т., 2009-2010;

~ ***ТУР*** – бад. асарнинг типлари, ўзига хос хусусиятга эга бўлган, поэтик нутқнинг алоҳида шаклланиши, муаллиф ғояларининг бектакрор мушаккал ифодаси. А.т. дейилганда ҳаётни идрок ва ифода этишда бир-биридан кескин фарқ қиладиган муаллиф плзициялари тушунилади. А.т. тушунчаси айрим назарий манбаларда "жинс" (рус т.даги "род"ни калкалаш орқали) истилоҳи б-н юритилади. Айрим хорижий манбаларда эса а.т. ва *жанр* муносабатларида уларни ҳар хил тушуниш мавжуд. Мас., француз адабиётшунослигида "жанр" истилоҳи а.т.ни англатади. В.Белинскийнинг "Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши" мақоласини тарж. қилиш жараёнида а.т.га нисбатан "хил", жанрга нисбатан "тур" сўзлари қўлланилган. Бундай терминологик чалкашликлардан чиқиш мақсадида а.т. "жанрлар гуруҳи"дан иборат эканини, у услуб б-н ҳам, метод б-н ҳам жиддий алоқадорликда тараққий этаётган категория эканини таъкидлаш лозим.

Бад. ад-тни турларга ажратиш, яъни асар типларини белгилаш Афлотун давридан бошлангани анъанавий тарзда *эпос, лирика ва драма*дан иборат экани эътироф этилади. А. "Давлат" асарида бу а.т. фарқини шундай тушунтирган: биринчидан, (муаллиф) ўз номидан тўғридан тўғри гапириши, худди *дифирамб*лардаги каби; иккинчидан, ўз асарини қаҳрамонларининг "нутқ алмашиниш" кўринишига қуриши ва бунда шоир сўзлари аралашмаслиги; учинчидан, ўз сўзларини асарда иштирок этувчи бегоналар сўзлари орқали айтиши мумкин". Суқрот асарларига муносабатда айтилган

бу талқин кейинчалик асрлар давомида ад-тни турларга ажратишда мезон вазифасини бажарган. Афлотуннинг шогирди Арасту бу фикрларни янада ривожлантириб давом эттирган: "Бу соҳада асарлар яна акс эттириш усуллари жиҳатидан ҳам бир-бирилан фарқ қилади. Зотан бир хил нарсани бир хил восита б-н тасвирлаган ҳолда ё муаллиф воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши ва ўзини худди Гомердай тутиши мумкин. Ёки бутун тасвир давомида муаллиф ўзлигича қолиши ёхуд барча акс эттирилувчиларни ҳаракатдагилар сифатида навлалантириши мумкин". Уйгониш асрида бу каби талқинлар янада конкретлаштирилган. А.С.Минтурно "Поэтика" (1559) асарида а.т.ни эпос, мелика (лирика) ва саҳна поэзияси (драма) дея тасниф қилган. Бу каби қарашлар XIX асрда Гегел тасниф асосига объективлик ва субъективликни қўйган ва В.Белинский мана шу асосда махсус мақола ёзган. Ўз-нда а.т. назарияси, асосан, В.Белинский қарашлари бўйича шаклланган. Бад. ад-тни турларга ажратиш Ғарбий Европада нутқнинг ифода шакллари – поэзия ва прозага ажратишга яқин келади. Бироқ бу таснифни Шарқ ад-тига тўғридан тўғри кўчириб бўлмайди. Чунки ислом шарқида *наср ва назм* а.т. сифатида эмас, балки нутқнинг ифода шаклига кўра белгиланган. Шундай қилиб, а.т.ни белгилашда турли таснифларни, бирлик ва асосларни учратиш мумкин, лекин деярли ҳамма назарий манбаларда уч а.т. – эпос, лирика ва драма тарзида (айрим асарларда иккинчи ва учинчи а.т.нинг ўрни алмашган ҳолда) қатъийлашган.

Адабий тажрибада айрим асарларда икки турга хос хусусиятлар жамланган, мас., Шеллинг "эпоснинг драма б-н қўшилган" шакли хусусида сўз юритади. Бу ҳолатни Б.Брехт драматургиясида кузатган мутахассислар унга нисбатан "эпик театр" истилоҳини қўллашган. Айрим жанрлар, мас., достон, баллада ва масалда лирик ва эпик асос бирлашгани кузатилади. Бироқ юқорилаги ҳолатлар зинҳор тўртинчи, янги а.т.ни вужудга келтирмайди. Аксинча, уларнинг ўзаро қоришиғидан янги "фарзанд" – жанрлар туғилганини қайд этилади. XX аср ад-тида а.т.дан ташқари (русча: внеродовые) адабий шакллар мавжудлиги ҳақида ҳам кузатилган. Бу истилоҳ рус олимлари томонидан *очерк, эссе* жанрларига нисбатан ва *"онг оқими"* кузатилган романларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда. Демак, а.т.га анъанавий муносабат б-н бир қаторда ноанъанавий тарзда уларни янгилашга, жанрлар диффузиясига сабаб бўладиган мезонлар ахтиришга ҳам интилиш мавжуд.

А.т. назариясида мунозарали ўринлар бўлишига қарамасдан адабий тажрибада ҳар учала турга хос жиҳатлар аниқ белгиланган, улар нафақат назарий талқинларда, балки амалда бад. асарнинг формал таркибий хусусиятларида, муаллиф *пафос*ида (ўз амарига муносабатда), услубида аниқ кўзга ташланадики, улар ҳақидаги таълимот ад-тшунослигининг асосий бўлимини ташкил қилади.

• *Белинский В.Г.* Разделение поэзии на роды и виды / Полн. собр. соч в 13 т-х. Т.5. М., 1954; *Платон.* Соч-я: в 3-х т. Т.3, ч.1. М., 1971. С.174-76; *Гегель Г.В.Ф.* Эстетика в 4-х т. Т.3. М., 1971. С.348-52; 419-20; *Шеллинг Ф.В.* Философия искусства. М., С.396-399;

Введение в лит-ведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 1988. С.128-166; Адабий тур ва жанрлар. 1-ж.: Эпос, 2-ж.: Лирика. Т.: Фан 1991-92; *Арасту.* Поэтика. Ахлоқи кабир. Янги аср авлоди, 2004; *Хализев В.Е.* Теория лит-ры. М.: Высшая школа, 2005. С.308-312; Теория лит-ры: Роды и жанры. М., ИМЛИ РАН, 2003; Теория лит-ры в 2-х т. т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA, 2004. С. 264-276.

~ ***ТЎГАРАК*** – интилиш ва қизиқишлари бир-бирига яқин бўлган адиб ва олимлар, талаба ва ихлосмандларнинг муайян бир йўналишдаги ижодий бирлашмаси. Илк А.т. Юнонистонда м.а. I асрда вужудга келган, асосчиси Гай Цилний Меценат. Россияда А.т. пайдо бўлиши XVIII аср ўрталарига А.П.Сумароков номи б-н боғланади. XX аср бошларида собиқ иттифоқда турли *салон* ва тўгараклар ҳаддан зиёд кўп ташкил бўлганки, комфирка "Адабий-бад. тўгаракларни қайта тузиш ҳақида" (1932) қарор чиқаришга мажбур бўлган.

Мумтоз даврларда саройда ва адабий муҳит шаклланган ш.ларда турли *адабий мажлис*лар мавжуд бўлса ҳам том маънодаги А.т.лар Ўз-нда XX аср бошларида вужудга келган. Фитрат томонидан *"Чиғатой гурунги"* номи б-н 1918 й.да Тошкентда ташкил бўлган А.т. ўз низомномаси, ҳаракат дастури ва илмий-бад. йўналишига эга эди. Низомномага кўра "тўда" номи б-н унинг "тил ва имло", "адабиёт" ва "мусиқий ва театрў" шўъбалари бўлган. 1921 й.да ўз фаолиятини тўхтатган. Кейинроқ "Қизил қалам" тўгараги ташкил бўлган. Гарчи бу адабий муассасалар манбаларда "тўгарак" номи остида фаолият бошлаган бўлса ҳам кейинчалик вужудга келган ижодий уюшмалар учун бошланғич ташкилот вазифасини ўтган. Тошкентда "Намуна" тўгараги машҳур бўлган.

А.т. ш. ва қишлоқларда, олий ва ўрта таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида ҳам ташкил қилинган.

- *Аронсон М., Рейсер С.* Лит-ные кружки и салоны. Л., 1929; *Каримов Н.* Ўз-нда адабий ҳаракатлар // ЎзАС. 1995. 20 янв.; *Болтабоев Ҳ.* "Чиғатой гурунги" тўгаракми ё ташкилот? // Фитрат ва жадидчилик. Т., 2007. Б.40-46.

~ ***ЭМАҚДОШ*** – театр ижодий жамоасининг аъзоси, бадиий матн (драма ёки либретто)ни саҳнага қўйишда реж., актёр ва ижодий жамоага ёрдам берувчи адабий ходим. А.э. оринигал асар саҳнага чиқадими ёки таржима асарими уни баҳолай билиши, асар ички хусусиятларини саҳна кўринишида тасаввур қила олиши ва бад. асарни имкон қадар аслият (муаллиф нусхаси)дан узоқлашмаган ҳолда саҳнага чиқишига эришиши лозим. Бир қатор таниқли ўзбек адиблари А.э. бўлиб фаолият кўрсатганлар.

~ ***ЎҒРИЛИК*** – бошқа муаллиф томонидан ёзилган бад. ёки бошқа асарлар, интеллектуал мулк маҳсулотларини муаллиф розилигисиз ўзлаштириб олиш (плагиат). А.ў.га йўл қўймаслик мақсадида Ўз-нда муаллиф ҳуқуқи қонун б-н ҳимояланади. 1996 й. 30 августда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўз.Р. 272-1 рақамли Қонуни қабул қилинган.

"АДАБИЙ ПАРЧАЛАР" (1926) — адабий-бадиий мажмуа. Чўлпон ва А.Зоҳирий томонидан тузилган (227 саҳифа). Мундарижада Чўлпондан 20, Бобурдан бир неча газал, Муқимийдан "Танобчилар", "Навбаҳор", Ботудан 2, Рафиқ Муъмин бир достон ва 1 шеър, Ш.Сулаймондан 2, Ғайратийдан 2, турк, ҳинд ва рус т.дан Чўлпоннинг 3 тарж.сидаги шеърлар; Чўлпоннинг 10 ҳикояси, А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романининг "Чақимчилик" боби, Ҳ.Олимийнинг йўл эсдаликлари, Олтой, И.Афғоний, Қ.Арслон, А.Розий, А.Зоҳирийнинг ҳикоялари ва Навоий ҳамда Форобийнинг тарж.и ҳоллари чоп қилинган.

- Ад-т парчалари (мажмуа). Т.: Ўздавнашр, 1926 (араб ёзувида).

«АДАБИЯТ ВЕ ИНЖЕСЕНЕТ» ("АДАБИЁТ ВА НАФИС САНЪАТ") – Озарбойжон Ёзувчилари уюшмасининг ҳафталик газ.си. 1934 й.дан Бокуда чиқа бошлаган. 1953 й.га қадар "Адабият газети" номи б-н ҳафтада уч марта нашр этилган. Ҳозирги пайтда Озарбойжондаги энг оммавий нашрлардан бири. 1992 й.дан ***«АДАБИЯТ»*** номи б-н чоп этилади.

- Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14.

«АДАБУ-Л-МУРИДИН» – Шайх Зиёвуддин Суҳравардий (в. 1117/1168) асари. Унда муридлар одоби, мурид ва муршид муносабатлари ҳамда муриднинг сулукдаги ўрни масалалари баён қилинган. Ушбу асар ҳақида Алишер Навоий "Насойиму-л-муҳаббат"да ёзади.

- *Алишер Навоий.* МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Кошгарий М.С.* Солиҳлар одоби... *Ганиева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5.

АДАД – сон, рақам ва миқдор. Ўзбек т.да рус т.даги *тираж* сўзининг муқобили сифатида қўлланилади. Тасаввуф ад-тида А. ибодат пайтида ўқилиши лозим бўлган дуолар миқдорини англатади.

~ и сараёний (тасаввуфшунослик) – 114

АДАД, АДДУ (аккад, шумер) [мифология] – Месопотамияда момақалдироқ, ёмғир ва бўрон маъбуди. А. шумерда Ишқур м.а XXVI асрга тегишли. Шом (Сурия)да Ҳадад, арамей (оромий)ларда Қад, Фаластин хананейларида Адду ҳам шундай маъбуд саналади. Манбаларда бир қўлида болға, иккинчи қўлида яшин (момақалироқ) ушлаган ҳолда тасвирланган.

- Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981.

АДАЖИО (италянча: adagio – *секин*) [эстетика] – пьесанинг мусиқа б-н оҳиста ижро этиладиган қисми. Симфониянинг ўрта бўлаги. Мумтоз симфониялар мукаддимаси А. усулида ёзилган. Ўз-н композиторлари ижодида кўплаб А. яратилган. Мас., М.Тожиев оркестр учун ёзган "А."си.

Балетда рақснинг секин ҳаракатли тури. А. бир ёки икки киши томонидан ижро этилади. Мас., И.Акбаровнинг "Орзу", М.Ашрафийнинг "Сеҳрли тумори" балетининг А. қисми.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16.

АДАМ (яҳудийча: тупроқ) [мифология, диншунослик] – Ер юзидаги биринчи одам, Инжил ва Қуръони каримда илк пайғамбар. Аллоҳ А.ни тупроқ (кул, чанг)дан яратган, Ҳавво (Ева)ни эса унинг қовурғасидан. А. ҳақидаги тасаввурлар исовий ва мусовий динларида кенг берилган. Исо а.с. ўзини А.нинг ўғли деб атайди. А. ва Ҳавво (Ева)нинг жаннатдан қувилишини тасвирловчи юзлаб бадиий ва мифий манбалар мавжуд. Шунингдек, Микеланжело, П.Веронезе, У.Блейк расмлари машҳур.

Ислом мифологиясида "Адамдан Хатам (Муҳаммад с.а.в.)гача" ибораси қўлланилади. Буни "биринчи пайғамбардан то сўнггиси (пайғамбари охир замон)гача барча пайғамбарлар" маъносида қабул қилиш мумкин. Илмий маомилга кўра у кишига нисбатан "Ҳазрат Одам" ёки Одам а.с (алайҳиссалом) қўлланилади. "Китоби Дада Қўрқуд"да идеал инсон маъносида ишлатилган. Қ.: Одам а.с.

• *Лафарг П.* Миф об Адаме и Еве. СПб., 1906; Происхождение Библии. М., 1964. Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.41-42; Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Bakı: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.10; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.10.

АДАМ (арабча: ادم – йўқлик) [тасаввуфшунослик] – йўқлик, ҳеч. Тасаввуф ад-тида мосуво, зулмат, ботил сўзлари б-н ҳам англатилади. А. икки хил мутлақ ва мумкин. А. мутлақ А. йўқ, мумкин А. эса бўлмаган, аммо бўлиши мумкин А.дир. Аллоҳнинг илмида бор, аммо ташқари оламда йўқдир. Мумкин А. Ҳақ тажалли этадиган ойнадир. Ҳақ йўқлик ойнасида зуҳур этар. Борлиқ эса Ҳақнинг тажаллисидир. Модда, борлиқ ва махлуқлар ўз аслларига ва зотларига қайтишига кўра мумкин А.дир, у Ҳаққа кўра бор бўлиб, борлигини Ҳақдан олган. Тасаввуфда ундан бошқа борлик эса хаёлдир.

• *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.22.

АДАМ де Галли (Adam de Halle, XIII аср) – француз шоири. Севги ҳақидаги шеър ва қўшиқлар муал.и. Арас ш.да туғилган. 1282 й. Неопол (Италия)га кетиб, ўша ерда вафот этган.

АДАМЕЦ, Карл (1838–1865) – чех адиби. Париж ун-тини тамомлаган, дастлаб Гавличко, Челаковский каби романтиклар таъсирида бўлган. "Карл Марианалик" киссаси, "Лизара", "Поклад" достонлари ва халқ қўшиқларига айланган кўплаб шеърлар муал.и.

• Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.91.

АДАМИЗМ – қ.: Акмеизм

АДАМОВИЧ, Алесь (Александр) Михайлович (1927 й.т.) – белорус адиби. Минск ун-тини тамомлаган, 1953 й.дан ад-тга оид мақолалари чоп этила бошлаган. Ватан уруши ва замонавий мавзуларга доир ҳикоя ва қиссалари эълон қилинган. "Том остидаги уруш" (1960) романида белорус халқининг фашистлар зулмига қарши кураши ўз аксини топган. "Қамал дафтари" китоби (1977–81, Д.Гранин б-н ҳаммуал.ликда) шуҳрат қозонган. Ад-тшунос сифатида "Маҳоратга йўл. Козма Чорний бадиий услубининг шаклланиши" (1958), "Ижод маданияти" (1959), "Белорус романи" (1961) каби ишлари чоп этилган.

♦ *Адамович А.* Война под крышами. Минск, 1960; Соч. в 4-х т. Минск, 1981-82.

АДАМ и ЕВА – қ.: Одам Ато ва Момо Ҳаво.

АДАН, Люсен (1833 –?) – француз тилшуноси. Урал-олтой т.лари оиласи гуруҳини тадқиқ қилган. Мўғул, тунгус в.б. олтой т.ларига оид қатор китоблар ёзган. 1870 й.дан Америка қитъаси т.ларини ўрганган. Америкашунос Урикёхеа бошлаб берган йўлни давом эттириб, Америка тубжой аҳолиси: гвайана, чикитос, тимукуа ва тэнс т.ларига оид тадқиқотлар эълон қилган. Америкашунослар конгресси ташкилотчиларидан.

• *Брокгауз и Ефрон.* Энц-кий словарь в 12 т-х. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.98.

АДАН, Пол (1862-1920) – француз адиби. Парижда тугилган, 1884 й.дан адабий ҳаётга фаол аралаша бошлаган. "Буш насл" ("Слабая плоть") номли натуралистик руҳдаги биринчи романи учун қамоққа олинган. Сўнгра символистик руҳда асарлар ярата бошлаган. 1886 й. Жан Мореас б-н ҳамкорликда "Миранданикида чой" ва "Губер отинча" сарлавҳали насрий китоблари эълон қилган. 1888 й. "Борлиқ" романи адибга шуҳрат келтирди ва уни француз символистлари қаторига олиб кирди. Биринчи жаҳон уруши даврида гарчи жангларда иштирок этмаса ҳам, "Лотин биродарлиги интеллектуал жамияти"ни ташкил этиб, қатор хайрия тадбирларини амалга оширди. Машҳур актриса Кларисса Гоби ҳаёти ва фаолиятга бағишланган романлар туркуми яратиб, унда ҳар қандай ахлоқ қоидаларидан ўзини юқори деб билган актриса ҳаётининг фожиасини кўрсатди. Эрк, туйғу ва соғлом ақлнинг синтези сифатида ўз эстетик идеалини тасвирлади. Сиёсатга қизикди, сайловларда муваффақият қозона олмагач, ад-тга қайтди. Романларида Франция сиёсий ҳаёти, суд ва ҳуқуқ идораларини сатира остига олди. Тарихий романларида Наполеон ва реставрация даври вокеаларига сиёсий баҳо берди. Ад-т тарихи ва замондош адиблар тўғрисида эсселар, символизм фалсафаси тўғрисида очерклар ва адабий портретлар яратди. Саҳна асарларида илк бор рамзий тимсоллар талқинини француз театрига олиб кирди.

• *Венгерова З.* Адан П. / Брокгауз и Ефрон. Энц-кий словарь в 12 т-х. Биографии. Т. М.: СЭ, 1991. С.98; Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Литература. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Перевод с франц. М.: Республика, 1999. С.346.

АДАП (аккадча) – аккад халқ қаҳрамонлик эпосининг бош персонажи А. ҳақидаги достон матни м.а. XIV асрга тегишли. У Амарн архивидан топилган. Матнда ёзилишича, А. Эа маъбудининг ўғлидир. Бош маъбуд Ану А.ни арши аълога чақиртирган, жанубий шамолнинг қанотини қайирган учун ҳам уни жазоламоқчи бўлган. Аэ уни бу жазодан қутқармоқчи бўлган, бироқ А. отасининг маслаҳатига қулоқ тутмагани учун ўзини абадий ҳаётдан маҳрум қилган. Бу эпосда инсоннинг табиий кучлар олдидаги ожизлиги, табиат ҳодисалари маъбудлар иродасига боғлиқ бўлса, инсон ҳаёти унга боғлиқ. Шунинг учун ҳам у маъбудлар иродасига қарши боролмайди ва табиат ҳамда маъбудларнинг беқиёс кучи олдида ожиз бўлиб қолаверади.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

• *Йозеф Клима.* Общество и культура древнего Двуречья. Прага: Academia, 1968. С.220-239; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.44.

АДАПТАЦИЯ (лотинча: adapto – енгиллаштирмоқ, *мослаштирмоқ*) [рецептив эстетика] – бирламчи маънода жонли организмлар аъзоларининг ташқи муҳитга мослашуви. Замонавий илм соҳаларида А. фақат биологияда эмас, балки гуманитар фанларда фаол қўлланилмоқда. Кибернетикада "адаптив системалар" ишлаб чиқилган. Т.шуносликда А. Ф.Боппнинг агглютинация назариясига қарши санскритолог А.Людвиг томонидан (1871-73) илгари сурилган. Бирор асар (кўпинча, мумтоз ад-т намуналари) б-н кенг китобхонлар оммасини таништириш мақсадида ўша асар матнини қисқартириш ёки замонавий т.да қайта баён этиш. А. икки хил тарзда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, асарнинг умумий мазмунига зарар етмаган ҳолда унинг айрим тафсилотларини қисқартириб, қайта баён этиш мумкин. Иккинчидан, матнни тўла сақлаган ҳолда, унинг жорий т.даги баёнини бериш ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам А. муал.лари учун ижодкор бадиий оламига кира олиши, унинг эстетик принципларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиши лозим бўлади.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.21; *Калайков И.* Цивилизация и адаптация (пер. с болгарск.) М., 1984; *Ольшанский Д.В.* Адаптация / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.14; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.14; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.19-20; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.27–28; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.11-12.

~ ***ланган матн*** (адаптированный текст) – бадиий асар ёки адабий матннинг енгиллаштирилган, жорий т. ва ёзувга ўгирилган варианти. Айрим ҳолларда хорижликлар ва т. ўрганувчилар учун (баъзан кичик ёшдаги

болалар учун) соддалаштирилган матн. А.М. босма нусхаси А. *нашр* деб юритилади. Мас., Алишер Навоийнинг "Ҳайрату-л-аброр" достони А.Ҳайитметовнинг, "Фарҳод ва Ширин" достони Ғафур Ғуломнинг насрий баёни б-н эълон қилинган. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарининг шундай матни Б.Тухлиев томонидан нашр қилинган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарининг енгиллаштирилган варианти 2008 й.да нашр қилинган (табдилчилар М.Саъдий ва К.Муллахўжаева).

♦ *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. Т.: Oqituvchi, 2008.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.21; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.4.

АДАШБОЕВ, Турсунбой (1939 й.т.) – ўзбек болалар шоири ва адиби. Қирғизистоннинг Ўш вилояти вилояти Олабуқа (Сафедбўлан) қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ)да, Москвадаги Жаҳон ад-ти ин-тида таҳсил олган. Асарлари ўзбек, қирғиз ва рус т.ларида эълон қилинган. Биринчи гуплами "Камолнинг олмаси" (1964)дан тортиб болалар учун ўнлаб шеърий ва насрий китоблар ёзган. Шеърлари умумтаълим мактаби дарслик-мажмуаларида (1-, 3-, 4-, 6-синф), олим таълим тизими учун тузилган хрестоматияларга кирган, болалар адабиётига доир дарслик ва қўлланмаларда ижодий фаолияти ёритилган.

Жаҳон ва кардош халқлар болалар ад-тидан Ян Бжехва, Леонис Бриедис, Корней Чуковский, Самуил Маршак, Т.Қосимбекрв, Муса Жонғозиев, Қодир Мирзаалиев асарларини ўзбек т.га тарж. қилган.

♦ *Адашбоев Т.* Арслонбоб шаршараси. Т., 1969; Нур дарё. Т., 1975; Олатоғ – Лолатоғ. Т., 1978; Жунатаман қуёшни. Т., 1982; Окбура тўлқинлари. Т.: 1985; Совға Т., 1986; Арслонбоб афсонаси. Т., 1988; Уч буталок ва сирли ковок. Т., 1990; Топишмокли алифбе. Т., 1997; Oltin yolli tulpor qissasi. T., 2003; Orzularim - qo'sh qanotim. She'rlar va ertaklar. T.: Sharq NMAK, 2003.

• *Ашуров Б.* Турсунбой Адашбоевнинг поэтик махорати. НДА. Т., 2008; *Баракаев Р., Ашуров Б.* Турсунбой Адашбоев феноменига бир назар. Т.: Akademnashr, 2014.

АДВАИТА (санскритча) [мифология] – ҳинд фалсафий таълимоти. Саркаражари томонидан 750 й.да асос солинган. Инсон қалби олам руҳининг бир қисми, деган фикрни ёклайди.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16

АДВЕНТИСТЛАР (лотинча: adventus – ҳодиса) – Шимолий Америка ва Буюк Британиядаги насроний динининг мазҳаб (секта)ларидан бири. Уларнинг эътиқодига кўра, яқин келажакда Исо Масиҳ янгитдан келади ва янги диний эра бошланади. А. сектаси АҚШда XIX аср 30-йй.да вужудга келган бўлиб, унинг асосчиси баптист У.Миллер (1782–1849)дир. А.нинг турли йўналишлари мавжуд. Улар орасида нисбатан машҳури: *еттинчи кун. А.* (1863) шанба кунни муқаддас билиб, А.Уайт (1827–1915) исмли

"пайғамбар аёл" шарафига байрам қиладилар. Россияда "еттинчи кун шанбачилар" XIX асрнинг 80-йй.да вужудга келган. Ўрта Осиёда Л конференцияси мавжуд. Унга Роберт Гейбел (1992 й.дан) раҳбарлик қилади.

• *Клибанов А.И.* История религиозного сектанства в России (60-е г. XIX в.-1917). М 1965; *Лентин В.Н.* Адвентисты седьмого дня. М., 1966; *Белов А.* Адвентизм. М., 1968, *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АДВОР (арабча: انوار – даврлар) [эстетика, санъатшунослик] – Шарқ мусиқасида шакл ва мазмун жиҳатидан тугал, мунтазам такрорланувчи қоидалар тизими. Ўрта Осиёда м.а. 1-минг йилликда вужудга келган. А. илк маротаба *Киндий* (801-879) рисолаларида "ритмик доира" маъносида, Урмавийнинг "Китобу-л-адвор» асарида «мақом» атамаси ўрнида қўлланган. Рисолаларда айлана шаклида тушунтирилган. Алишер Навоийда шундай байт бор:

Эй Навоий, дахл қилма, гар тилар эрсанг наво,
Ҳар неча хориж наво кўрсанг сипеҳр адворини.
(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний, III б-592)

~ *илми* – мусиқа илми, мусиқашунослик. Мусулмон Шарқида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Нажмиддин Кавкабий, Абдулқодир Мароғаий, Дарвеш Али Чангий в.б. йирик алломалар асарларида акс этган.

Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963; Мақомлар. Т., 2008.

«АДВОР» – Абдурахмон Жомий (1414–1492)нинг мусиқага оид рисоласи, форс т.да битилган (айрим манбаларда "Рисолайи мусиқий"), мусиқа ва ритм назариясига бағишланган асар. "Давр" мусиқа истилоҳида ритм демакдир. Бу асарга Алишер Навоий баҳо бериб: "мусиқий ва адвор рисоласини битидиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур" ("Хамсату-л-мутахаййирин", 706) деб ёзган. Ушбу асар Жомий вафотидан кейин 1500 й.да Ҳиротда кўчирилган Жомий "Куллиёт"ининг (унинг қўлёзма нусхаси ЎзРФАШИ 1331 рақами остида сақланади) 438б–446б саҳифаларида ёзилган. "А."ни форс т.дан проф. А.Н.Болдирев рус т.га тарж. қилиб, 1960 й.да Тошкентда мусиқашунос В.М.Беляев таҳририда изоҳлари ва фотонусхаси б-н бирга нашр қилдирган.

"А." Мукаддима ва икки қисмдан иборат бўлиб, Мукаддима уч бўлимдан: Аллоҳга ҳамд, мусиқанинг келиб чиқиши ва бу соҳада рисола битганлар (Форобий, Сафиуддин, Шерозий, Абдулқодир) ҳақида уч бўлимдан иборат. Асосий 1-қисмда тон (тан) назарияси ҳақида фикр юритилиб, уни таржимонлар "композиция" термини орқали рус т.га ўгирганлар. 2-қисм ийқо илмига бағишланган бўлиб, уни рус т.га ритм ҳақидаги назария сифатида тарж. қилишган.

♦ *Джами А.* Трактат о музыке / Пер. с перс А.Н.Болдырева Редакция и комментарии В.М.Беляева Т.: Изд. АНУз, 1960.

• *Семенов Ю.* Гератское искусство в эпоху Навои / Родоначальник узбекской лит-ры. Т., 1949; *Алишер Навоий.* Хамсату-л-мутахаййирин / МАТ. 15-ж. Т.: Фан, 1999.

АДДЕНДА (инглизча: addenda – илова, қўшимча) – бадиий асарга қўшимча қилинган бўлим ёки материал. А. асарга ёзилиш жараёнида ёки у тугаллангандан кейин қўшилиши мумкин. А. қайсидир сабаб б-н ўз вақтида ёзилмаган, кейин эса ёдга келгандан сўнг ёки замон талаби б-н асосий матнга қўшилган илова. А. бадиий матнга илова равишда алоҳида саҳифада ёки бошқа шрифтда чоп этилиши мумкин.

• *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.22.

АДДИСОН, Жозеф (1672–1719) – таниқли инглиз адиби, сатирик шоир ва санъатшунос. Классицизм руҳида ёзилган "Катон" (1713) трагедиясининг муал.и. Достонларида курашчан Мальборонинг ғалабасини куйлайди. А. ҳис қилишнинг уч турини фарқлайди: буюк, янги ва гўзал. Шундан келиб чиқиб, санъаткор буюкликни, янгиликни ва гўзалликни ҳис қила олиши ва ўз асарида тасвирлай билиши керак. А. бепоён саҳро, улуғ тоғлар, баланд қоялар, чексиз уммонларни Буюклик тимсоли деб билади. Янгилик эса, табиат томонидан инсон кутмаганда келадиган офат ва саховатдир. Гўзалликка эса инсоннинг туғма гўзаллиги, рангининг ёркинлиги, бадан аъзоларининг симметрик жойлашуви в.б. сифатларини келтиради. А.нинг талқинича, инсоният биринчи ҳаловатни Буюк Яратувчи яратган табиатдан олади, иккинчи қувонч ёки қониқиш ҳисси санъат асаридан, яъни ҳайкалтарошлик, рассомлик, ад-т ва мусиқадан келади. Биз санъат асаридан шу пайтда завқланамизки, ундаги ҳолатлар табиатга, тўғрироғи, табиийсига яқинроқ келса. Биз портретни кўрганда онгимизда унинг натураси (асли) б-н солиштирамиз ва аслига қанчалик яқин келса, уни шунчалик юқори баҳолаймиз. Демак, А. фикрича, санъат асари олиб келадиган завқ ахлоқий, ақлий ва диний характер касб этиши мумкин.

• *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / Н.Асилова тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўлёзма. Б.250; *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.254-257; Брокгауз и Ефрон. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.99-100.

АДЕКВАТ (лотинча: adaeguatus – тенглаштириш, мос) [герменевтика] – фалсафада бирор ҳодисани унинг мазмунига мос келадиган аниқ қилиб белгилаш. Билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятлари, алоқаларини ўрганишда унинг оюъектив мазмунига тўғри келиши. А. ад-тшунослик атамаси сифатида тарж. назариясида қўлланади.

~ ***таржима*** [таржимашунослик] – тенг тарж., асл матнга яқин келадиган тарж.. Айрим муал.лар асарларининг ёки халқ оғзаки ижоди намуналарининг аслиятга яқин ҳолдаги тарж.си назарда тутилади. А.т. ад-тшуносликда эркин тарж.нинг зидди сифатида қўлланилади.

• Русские писатели о переводе. XVIII-XXвв. / Под ред. Ю.Д.Левина и А.В.Федорова. 1960; *Кашкир И.А.* Для читателя – современника. М., 1977; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Ғ.* Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. *Гочиладзе М.Л.* Художественный перевод и лит-ные взаимосвязи. 2-изд. М., 1980. *Рагойша В.П.* Проблемы перевода с близкородственных языков. Минск, 1980; *Чуковский К.И.* Высокое искусство. М., 1988; *Сирожиддинов Ш., Одилова Г.* Бадиий тарж. асослари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АДЕЛУНГ (1732–1806) – олмон олими ва муал.и. Пруссиянинг Померания ш.да туғилган. Беш ж.ли "Олмон т. лугати" тузган, "Мукаммал ва муфассал комус" муал.и. Маданият тарихи, фалсафа тарихи (уч ж.)га оид асарлари, жаҳондаги 500 т. ҳақида ёзган лавҳалари шуҳрат қозонган.

• *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / Н.Аслилова тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўлёзма. Б.216.

АДЕПТ (лотинча: adeptus – *эришган*) [диншунослик] – яширин сурат. да қайсидир бир таълимотга эътиқод қилувчилар ёки бирор таълимотнинг яширин давомчилари.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АДИ, Эндре (1877–1919) – можар (венгер) шоири. Асл исми: Эндре Эрминдсонт. Трансилванияда туғилган, Дебрецене ун-тида таҳсил олган. 1904 й. Парижга келган. 1906 й. юртига қайтиб, биринчи тўпламаси "Янги шеърлар"ни нашр қилдирган. "Қон ва олтинлар" китобини (1907) эълон қилган, "Нюгат" журн. мух-ри сифатида фаолият кўрсатган. "Менинг севишларини хоҳлайман" (1909), "Барча сирли ходисалар ҳақида шеърлар" (1910) тўпламлари б-н ўз китобхонларини топди. Янги рамзлар орқали фикрлайди, Замон, Олам ва Йўқлик муносабатларини асарларининг бош мавзуси қилиб олади. Символист шоир сифатида можар ад-тида француз шоирлари Бодлер ва Верлен анъаналарини давом эттирди. Фалсафада Ницшега яқинлашди. Миллат шоири сифатида можар халқининг эркини куйлади, ўзини "чангда қолган той" билиб, сокин осойишталикка чиқиш йўлларини қидирди:

Қалбимда можар дарахти –
Барглари тушиб, қуриб бормоқда.
Менинг ҳам сўлиш пайтим келди...

Ёки:

Мен ноинсонийлик дунёсининг инсониман,
Мен можарман, миллатим сўнганда ҳам
можар бўлиб қоламан.
Қайта тириламан, ўлимга қарши бориб...

(Рус т.дан тарж.)

• *Kakatson A.* Le simbolisme en Hongrie. Paris, 1969; Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Лит-ра. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Пер. с франц. М.: Республика, 1999. С.346;

АДИБ (арабча: اديب – адиб) [поэтика] – ёзувчи ва шоир. Ижоднинг бир неча соҳалари б-н шуғулланувчиларга А. дейилади. Мумтоз ад-тшуносликда *илми адаб*ни эгаллаган олимлар А. дейилган. А. илмий ва адабий унвон сифатида подшоҳ томонидан берилган. Мас., *Адиб* Аҳмад Югнакий.

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ (XII–XIII) – йирик адиб, ҳадисшунос ва таълимий дидактик ад-т намояндаси. Тўлиқ номи: Адиб Аҳмад б. Маҳмуд Югнакий. Фарғона водийсининг Йуғноқ қишлоғида туғилган, Навоийнинг таърифлашича, тугма кўр бўлган."Ҳибату-л-ҳақойиқ" («Ҳақиқат совғалари») асари Фарғона ҳукмдори Дод Сипоҳсолор бекка бағишланган. Асарнинг араб ва уйғур ёзувидаги қўлёзма нусхалари (XV асрда кўчирилган) Истанбулда сақланади. 14 бобни ташкил қилган бу асар Қуръон ва Ҳадис ҳикматларининг бадиий шарҳидир. Таълимий достон жанрига мансуб мазкур асарда ижтимоий, сиёсий масалалар баён қилинган, билим фойдаси ва т. одоби каби ахлоқий муаммолар талқини берилган. Навоий бир неча марта А.А. ижодига мурожаат қилган. Дастлаб, "Насойиму-л-муҳаббат"да маълумот берган: "Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар манқулдур. Дерларки, кўзлари бутов эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир бўлуб, ўзга басирлардек андоқ эрмас эрмишки, кўз бўлғай ва кўрмас бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши эрмиш. Ҳақ Таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғандур". Навоий "Муншаот"да Бадиуззамон мирзога ёзган хатида А.А.нинг қуйидаги тўртлигини келтиради:

Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато токи қилса ато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай Худо.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг бизгача сақланган нисбатан қад. нусхаларининг XV асрда кўчирилиши («А» нусха –1444 й., «Б» нусха – 1480 й.) темурийлар даврида бу турк шоирига эътибор кучайганлигининг далилидир. Машҳур турк олими Шамсиддин Сомийбек (1850–1904) Навоий асаридаги маълумотни такрорлаган. Айни хабарни форс т.да Абдулҳасан Муҳаммад Бокирнинг «Тазкирату-л-авлиё»сидаги маълумот б-н боғлаб, машҳур «Қомусу-л-аълам» асарида Адиб Аҳмадни ҳижрий 80–150 йиллар орасида яшаган шоир сифатида кўрсатган. Ушбу маълумот Ғарб шарқшунослари Т.Ковальский ва Ж.Денининг «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг Нажиб Осимбек томонидан нашр этилиши муносабати б-н ёзилган мақолаларида ҳам такроран келтирилган. Нажиб Осимбек асарга илова қилинган мақолада уч ҳукмдор – Хуросон ноиби салжуқли Додбек ибн Хабаший-Олтунтош, Маҳмуд Ғазнавийнинг жияни Салар Ғозий ва Тўғрул Қилич Асфаҳсолорбек орасидан шу сўнггисини китоб бағишланган шахс деб кўрсатган. Рашидиддин Ватвотнинг Тўғрул Қилич Асфаҳсолорбек ҳақидаги «Жавоҳиру-л-қулоид ва завойиду-л-фавойид» асаридан келиб чиқиб, унинг

яшаган даври XII–XIII асрларга тўғри келишини аниқлаган. Фитрат бу номни шоир Сайфи Исфарангий девонида учратиб, унинг ҳақиқатдан ҳам мана шу А.А. давридаги Фарғона ҳукмдорларидан бири эканини аниқлаган. Ҳижрий 581 й.да тугилган бу форсигўй шоир ўз девонида ҳукмдор номини тилга олиш б-н чекланмай, икки ҳажвида Дод Сипоҳсолорбекнинг айрим хусусиятларини танқид қилиб ўтган. Фитрат ушбу маълумот асосида «Ҳибату-л-ҳақойиқ» номли мақоласида Адиб Аҳмад даврини жилвий суратда текшириб, «Биз(нинг)ча, мана шу Сайфи Исфарангий замони (ҳижрий VI асрнинг охири VII асрнинг бошлари)да яшаган Додбек Сипоҳсолорни Адиб Аҳмаднинг ҳукмдори деб қабул қилиш керак. Бутун эҳтимолларнинг кучлиси шудир», деган хулосага келган. У «Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и каби «фаулун, фаулун, фаулун, фаул» аруз ўлчови б-н «кашғар тили»да битилган» деб ёзган. Асарнинг вазни масаласига ҳам Фуод Кўпрулу ва Фитратнинг алоҳида аҳамият бил қараганини эсга олиб, уларнинг бу вазн ҳақидаги қарашларида «мутакорибвазнида ёзилган дейиш мумкин.

А.А. яшаган даври ва жойи ҳақида ад-тшунослиқда турли қарашлар мавжуд. Асарининг тўла матни (изоҳ ва насрий баён) эълон қилинган, рус олимлари С.Малов, Е.Бертельс, Н.Баскаков, И.Стеблева; турк олимлари Ф.Кўпрулу, Н.Осимбек, Р.Р.Арат, Т.Такин ва ўзбек олимлари Фитрат, Қ.Махмудов, И.Ҳаққулов, М.Имомназаров, Ҳ.Болтабоевнинг тадқиқот ва мақолалари бор.

♦ *Аҳмад Югнакий.* Ҳибату-л-ҳақойиқ / Қ.Махмудов. Ахмад Югнакий ва унинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асари тўғрисида. Т., 1972; *Аҳмад Югнакий.* Ҳибату-л-ҳақойиқ (нашрга тайёр. Қ.Махмудов). Т., 1972.

• *Бертельс Е.Э.* Хибат ал-хакайик Ахмада Югнаки. Труды САГУ, Новая серия. Вып. кн.1. Т., 1945; *Баскаков Н.А.* Тюркские языки. М., 1960; *Алишер Навоий.* Насойимуҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 645-тартиб; *Болтабоев Ҳ.* Бутун эҳтимолларнинг кучлиси // Мумтоз суз қадри. Т.: Адолат, 2004; *Маҳмудов Қ.* XII–XIII асрлар адабий манбаларининг фонетикаси. Т., 1994; *Фитрат.* Ҳибату-л-ҳақойиқ.. Танл. Асарлар. 2-т. Т.: Маънавият, 2000; *Ҳўжанова Г.* «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари. Т., 2001.

АДИБ НИШОПУРИЙ (1867–1926) – Эрон шоири, адиби ва файласуфи. Нишопурда туғилган, 13 ёшлигида Машҳадга бориб турғун бўлиб қолган. Бир қатор шеърлар, рисолар ёзган. Аруз назариясига оид "Рисола дар илми арузи форси ва араби" ("Араб ва форс аруз илми тўғрисида рисола") муал.ли

• *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.25.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ (1078–1147)– шоир ва аллома. Термиз Сагониён адабий муҳитининг етакчи адибларидан. Арабистонда бўлган, 30 й. Хуросон ва Марвда салжуқли султонлар саройида хизмат қилган. Форс т.да ижод қилган. "Девон"ида муҳаббат, маърифат мавзуларидаги ғазал ва рубоийлар ўрин олган. А.С. "Девон"ининг Теҳрон нашри (1952)да 109

қасида, 66 ғазал, 113 қитъа, 7 таржибанд, 92 рубоий бор, умумий ҳажми 7000 байт. Асарларининг қўлёзмалари ЎзРФАШИда сақланади.

♦ *Адиб Собир Термизий.* Танл. асарлар. Т., 1979; Сайланма. Т., 1982; Девон. Душанбе: Адиб, 1983.

• *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском яз. в Средней Азии и Хорасане X – нач. XI в. Т.: Фан, 1984; *Низомий Арузий Самарқандий.* Нодир ҳикоятлар. Т.: 1985. Б.37; *Абдуллоев А.* Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш. 1979; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чағониён ад-ти (X-XII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

«АДИБИ АВВАЛ» – ўзбек т.даги илк алифболардан бири. Маърифатпарвар адиб Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан тузилган. Алифбе ва ўқиш китоби характеридаги асар, араб ёзувида илкмарта 1907 й.да Тошкентда литография усулида чоп этилган. 1907-17 йй. давомида 8 марта қайта нашр этилган. Сўнгги нашрлар расмли тарзда чоп этилган. Бу дарсликка қадар жадид мактаблари учун Саидрасул Саидазизовнинг "Устоди аввал" (1902) илк дарслиги қўлланишда бўлган. А.А. аввалги дарсликка нисбатан методик жиҳатдан анча мукаммал бўлиб, аслида у 1901 й.да яратилган, бироқ нашр этиш имкони бўлмаган. А.А.да араб ёзувидаги ҳарфлар 2 гуруҳга ажратилган: ҳуруфи муттасил (1) бошқа ҳарфларга икки томонидан қўшиладиган ҳарфлар, улар 25 та; ҳуруфи мунфасил (2) – қолган 7 та ҳарф, уч хил кўринишга эга. Товушларни ифодалоқчи ҳарфлар, уларнинг ўқилиши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотдан сўнг "Сон", "Аъзолар", "Ҳайвонлар", "Қушлар", "Оғочлар"... тарзида матлар берилган. А.А.да ўқувчининг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган, дидактик материаллар оддийдан мураккабга қараб ривожланишда тавсия этилган.

♦ Адиби аввал. Биринчи китоб. Мураттаб ва ноширн Мунавварқори ибн Абдуррашидхон. Тошканд, 1335/1914.

• *Долимов У.* Миллий уйгониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.231-233.

«АДИБИ СОНИЙ» – ўзбек т.даги ўқувчилар учун (2-синф) ўқиш китобларидан бири. Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан тузилган (1907) бу китоб "Адиби аввал"нинг давоми саналади. А.С. 1907-16 й. давомида 5 марта қайта нашр этилган бўлиб, икки йўналишда: ахлоқий дарслар; фанний дарслар. 1-йўналиш ўқувчилар учун дарс материали, иккинчиси (ўқитувчилар учун) методик кўрсатмалар. "Назм" рукни остида шеърлар, сўнгра ахлоқий йўналишдаги наср намуналари берилган. Дарслик нисбатан мукаммал бўлгани учун нафақат XX аср бошлари, балки илк шўро даврида ҳам фойдаланилган.

♦ *Мунавварқори Абдурашидхон ўғли.* Адиби соний. 5-табъ. Т., 1912.

Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.233-236..

«АДИБЛАР ИТТИФОҚИ» – Ўз-н ёзувчиларининг иккинчи муқобил уюшмаси (1991–92). XX аср 90-йилларида вужудга келган ва қисқа муддат фаолият кўрсатиб, тарқаб кетган.

АДИБУДДА (санскритча: олий маъбуд) [мифология, диншунослик] буддавийликнинг маҳаяна мазҳаби асосида шаклланган эътиқод ламиномаси. Олий Тангри ҳисобланади. А.дан кейинги буддавийлик маъбудлари яратган. А. ҳақидаги тасаввур диний ад-тларда монотеизм (яккахудолик)нинг пайдо тасаввур қилиниши каби қабул қилинган. А. тимсоли "Манжушринамасангити" (VII асргача) ёдгорлигида тасвирланган. А. культи кунда ҳам Непалда, Марказий ва Шарқий Осиё манбаларида учрайди. Хитой ва Японияда у ҳақдаги тасаввурлар ва бадиий тимсоллар кенг қўлланилади.

• Encyclopaedia of Buddhism. V.1. Fasc.2. Ceylon, 1963. P. 213-219; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.45; *Низомиддинов Н.Ғ.* Жанубий, Жануби-шарқий ва шарқий Осиё халқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010.

АДИВАР, Халида Адип (1884–1964) – турк адибаси. Ускудар-Американ қизлар коллежини тамомлаган, Ризо Тавфиқдан фалсафадан сабоқ олган. Байрут ва Дамашқда ишлаган, ун-тда Ғарб ад-тидан дарс берган. Ўн икки йил Европа ва Америкада (1926–1938) яшаган. 1940 й.дан Истанбул ун-ти профессори, Измирдан миллат вакили (1950–54) бўлиб сайланди. 1908 й.дан асарлари матбуотда чоп этила бошлаган. «Хандон», «Янги Турон» (1912), «Словли қўйлак" (1922), "Қалб оғриги" (1926), "Синекли Боққол" (1936), "Татар қизи" (1939), "Оқила хоним кўчаси" (1958), "Ҳаёт парчалари" (1961) каби романлари чоп этилган. "Оловли қўйлак" (1940), "Синекли Боққол" (1967) каби асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган.

♦ *Halide Edib Adıvar.* Bütün Eserleri. Istanbul: Atlas Kitabevi, 1967-1980.

• *Uyguner M.* Halide Edib Adıvar. Istanbul, 1968; *Güntürkün N.* Halide Edip ile Adım Adım. Ankara, 1974.

«АДИГРАТҲ» – кад. ҳинд фалсафаси ва диний тафаккурида сикҳизм эътиқодига оид матнлар мажмуаси. "А." сикҳизмнинг асосчиси Гуру Нанакка нисбат берилади.

АДИГЕЙ АДАБИЁТИ – адигей халқининг ад-ти, ҳоз. Россия ҳудудида мавжуд. Қад. нардлар ҳақидаги эпосни, лирик ва тарихий қўшиқларни ўз ичига олган халқ оғзаки ад-ти бор. 1918 й.дан адигей т.да матбуот вужудга келган. А.а. шаклланишида Ошиқ Теучеж ижоди самарали таъсир кўрсатган. Унинг тарихий достонлари, замонавий мавзудаги асарлари халқ орасида севиб ўқилади. XX аср 60–80 йй.да Т.Карашев, А.Евтих, М.Паранук, Ю.Тлустен, К.Жанэ, И.Машбаш каби адиблар самарали ижод қилганлар.

1924 й.дан адигей т.да "Закошниг" ("Дўстлик") альманахи, кейинроқ журн. нашр этилади.

♦ Адыгский фольклор. Кн. 1-2. Майкоп, 1980.

• Писатели Адыгеи. Майкоп, 1957; *Хут Ш.Х.* Сказочный эпос адыгеев. Майкоп, 1981; *Шакова Н.* Адыгейская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14.

АДИКАВВА (санскритча: иккилик, икки достон) – ҳиндларнинг санскрит тилда ёзилган буюк достонларидан иккиси "Маҳобҳорат" ва "Рамаяна" А. деб юритилади.

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.34.

АДИТИ (санскритча: чексизлик) [мифология] – қад. ҳинд мифологиясида ёвуз маъбуд (илоҳа) тимсоли. "Ригведа"да кўп ўринларда т.га олинган. А. нур ичлан боғланган бўлиб, муҳибларининг тонгда, пешин ва чошгоҳда даъват қилади. Ундан кўплаб маъбудлар ва коҳинлар авлоди тарқаган. А.дан тарқаган маъбудлар (12 маъбуд ва уларнинг авлодлари) қад. ҳинд мифологиясида Адитьи деб юритилган. А. миф асосида яратилган романларда космогоник характерда бўлиб, А. йўқотилган исм маъноси сингдирилган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.45.

«АДИҚРАНТХ» (панжоб-ҳиндча: ибтидоий китоб) – Ҳиндистондаги диний мазҳаблардан бири сикхларнинг муқаддас китоби. Бу тоифали руҳонийларнинг бешинчи мураббийси бўлган Аржуна (1584–1606) томонидан тартиб этилган. Сикх руҳонийларининг тарж.йи ҳоллари тўплами бўлиб, кейинроқ ўнинчи мураббий Қувинд (1674–1708) А.нинг давоми бўлган "Қрантх" китобини яратган. Ҳар икки китоб сикхлар томонидан ўзозланиб келинади.

• *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.10.

АДЛЕР (1755–1834) – даниялик шарқшунос олим. Арнас ш.да туғилган. Умрининг асосий қисмини Римда ўтказган. Умрининг охирида Копенгагенга қайтиб, сурёний т. ва диний таълимот муаллими бўлиб ишлаган. Араб, сурёний т.лари грамматикасига оид асарлар битган, кўфий ёзув тарихи ва Қуръони каримнинг илк маснафлари ҳақида тадқиқот яратган.

• *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / А.Юнусов тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўлёзма. Б.50.

АДЛЕР, Альфред (1870–1937) – австриялик файласуф, санъатшунос ва адиб, "индивидуал психология" мактабининг асосчиси. 1902 й.дан Фрейд тўгарагига қатнашган. Бироқ Фрейднинг жинсий психоанализ усулини рад қилган. Юнг таълимотини давом эттириб, рамз (символ)ларнинг эстетик вазифасини кузатган. Фрейд ноаниқ ва онгости рамзларига психоаналитика йўлидан борса, А. аналитик фанларнинг методологик хусусиятларини асос қилиб олади. Мутахассислар уни неофрейдизм таълимотчиси сифатида талқин қиладилар. А.нинг "индивидуал психология" мактаби XX асрнинг 20-30 йилларида АҚШда кенг тараққий топган.

♦ *Adler A.* Praxis und Theirie der Individualpsychologe. München, 1920.

• *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит., 1960. С.595; *Соколов А.В.* Адлер Альфред / Современная западная философия. Словарь. М.: Политиздат, 1991. С.8.

АДМИРАЛ (арабча: амиру-л-баҳр – *денгиз амири*) [эстетика] – денгиз ҳарбий хизматидаги энг юқори унвон, бошқа ҳарбий хизматдаги генерал даражасида. Флот хизмати А.нинг тўрт босқичи бор: генерал-адмирал, адмирал, вице-адмирал ва контр-адмирал. Туркчада раис ҳам дейилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АДНАН (қадимги арабча: аждод) [мифология] – исломий анъанага кўра шимолдаги араблар манбаи, эпоними. Бу қараш оғзаки ад-тда жанубий арабларга қаршилантириш маъносида қўлланилади. Ривоятга кўра бу этногенеологик гуруҳ А.авлодлари деб ҳам юритилади.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.46.

АДО, Султонхонтўра (в.1834/35) – Қўқон адабий муҳитидаги шоирлардан, "Девон" ёзган. Самарқандда туғилган. Хожа Аҳрор валий авлодидан. А айрим форсий шеърларида *Аҳрорий* тахаллусини қўллаган. С.Айний "Намунаи ад-ти точик" мажмуаси (1926)да у ҳақда маълумот берган.

Умархон даврасида

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шоҳ Умар афзалму ё султон Ҳусайн Бойқаро

байти машҳур бўлган. Амир Умархон А.га *малику-ш-шуаро* унвонини берган. Умархон вафотидан сўнг Бухорога борган. Бухоро амири А.ни Самарқанд шайхулисломи вазифасига қўйган. Самарқандда вафот этган.

• *Қаюмов А.* Қўқон адабий муҳити. Т., 1962; *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.8; Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.52-52; *Қаюмов А.* Асарлар. 7-жилд. 1-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.113-115.

АДОИЙ – чолғу куйлари туркуми. А. уч қисмдан иборат: биринчи қисми чапандоз, иккинчиси – тарона, учинчиси – соқийнома. 1- ва 2- қисмлар ашула йўллари, 3-қисм якка чолғу ёки жўрнавоз бўлиб ижро этилади.

АДОИЙ (I) – форс шоири, асл исми Амир Муъмин. Эроннинг Язд ш.да туғилган. Ҳиндистоннинг Суврат ш.да ижод ва тоат-ибодат б-н машғул бўлган. П.Қайюмовнинг "Тазкирату-ш-шуаро"сида ушбу байти келтирилган:

Зи шавқи нома нависам, зи рашк пора кунам,
Дамеки нест тасалли дар у чи чора кунам.

(Мазмуни: Шавқимдан мактуб битаётибманки, рашкдан пора бўлдим, тасалли пайти топишим учун ҳеч чора топмадим)

• *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.8.

АДОИЙ (II, в.1595) – туркистонлик шоир, Самарқандда туғилган. Бобурий ҳукмдорларнинг даъвати б-н Ҳиндистонга бориб, у ерда турғун бўлиб қолган. П.Қайюмовнинг "Тазкирату-ш-шуаро"сида ушбу байти келтирилган:

Ёди висоли у дили мо шод мекунад,
Умри гузаштаро ҳама кас ёд мекунад

(Мазмуни: Ёр висолини эслаб шодланаман, одам уни эслаб умри ўтмоқда).

- *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.8.

«АДОЛАТ» – ЎзР Адлия вазирлиги нашриёти. 1992 й.да ташкил этилган. Ҳуқуқшуносликка оид ад-тлар, давлат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг шарҳлари, ўқув қўлланмалар, луғат ва бадиий асарларни чоп этади. "Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан", "Ўзбек детективи" туркумларида мумтоз адибларнинг рисолалари ва замонавий ёзувчиларнинг асарларини нашр этмоқда.

АДОНИС (юнонча:) – қад. Финикияда ҳосилдорлик маъбуди. Йил фаслларининг ўзгариши ва ўсимликлар культи. Эркаклар гўзаллиги рамзи. Афродитанинг севгилиси. М.а. V асрдан Бобилнинг Таммуз илоҳига муқобил А. культи Юнонистонга тарқалган. Мифга кўра, кипрлик Кинир (Кенерас)нинг ўғли, ўзи билмаган ҳолда ўз қизи Майрадан туғилган. Тенгсиз гўзал, ишқ илоҳаси Афротидани севиб қолгани туфайли Зевснинг амрига кўра дарахтга айлантириб қўйилган. Олти ой ер юзида яшаган, олти ой жаҳаннам маъбуди Плутон ихтиёрида бўлган. Бу олти ойлик ер юзидаги кўриниш ва олти ғойиблик Миср ва Сурияда Таммуз (июл ойига тўғри келади) номи б-н аталгани учун А. исми ёз ва иссиқликни ҳам англатади. Ад-тда эркак гўзаллиги рамзи (Юсуф а.с. каби). Ғарб мумтоз рангтасвири ва ҳайкалтарошлигида А. ва Венера суратлари (А.Канова, Ж.Маццуола, Тициан, П.Рубенс) кенг тарқалган.

Қуёш тизимидаги кичик сайёралардан бирига А. исми берилган.

- *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / Н.Аслова тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўлёзма. Б.245; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.46-47; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17-18; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.10-11.

~ ***шеъри*** [поэтика] – беш ҳижо (буғин)ли стопа (рукн, туркум)дан иборат антик шеър ўлчови.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979.

АДОРНО, Теодор (1903–1969) – олмон файласуфи, Франкфурт мактаби вакили, мусиқа танқидчиси. Вена ун-тида ўқиган, 1931 й.дан Вена ун-тида дарс берган, 1934 й.дан Англияда, 1938 й.дан АҚШда ишлаган. Мусиқа асарларининг фалсафий асосларини излаган, Г.Эйслернинг "Фильм учун мусиқа фалсафаси" китобининг бир қисмини ёзган. Т.Манн "Доктор

Фаустус" романини ёзаётганида унга мусиқа тарихи ва назариясидан маслаҳатлар берган. "Янги мусиқа фалсафаси" (1949), "Негатив диалектика" (1966) асарларини ёзган. А.С.Беккетнинг "Абсурд театри"ни ёқлаган ва Хайдеггер таълимоти б-н доимий мунозарага киришган. Адабий-фалсафий масалалар талқинида экзистенциализмни ёқлаган.

♦ *Adorno T.* Gesammelte Schriften. Bde 1-20. Frankfurt/Main: 1973-1986.

• *Михайлов А.В.* Адорно Теодор / Современная западная философия. Словарь. М Политиздат, 1991. С.9-10.

АДРАСТ (юнонча) [мифология] – юнон мифологияси қаҳрамони, Аргосс подшоҳи, Фивага қарши етти қаҳрамон юришининг етакчиси, унинг курашлари самара бермаган. Бу юришдан 10 йил кейин эпигонлар (урушда ўлган доҳийларнинг ўғиллари) томонидан Фива вайрон қилинган. Ад-тда А фавқулодда кучлар б-н боғлиқ ғойибона қаҳрамон. А.дан қочиб қутулиб бўлмайди, ибораси нутққа сингиб кетган. А. шаънига қурбонлик қилиш юнонларда расм бўлган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.49; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДРЕС (французча: adrese – юбормоқ) – яшаш ёки иш жойи манзили. Кимгадир қаратилган ёзма мурожаат, табрик. А. электрон манзил тушунчаси сифатида замонавий мулоқотда оммалашмоқда. Бу ҳолда матн ёки маълумот юбориладиган шахс манзили маъносини ифодалайди.

• *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.22.

АДРЕСАТ [рецептив эстетика] – матнни ўқиши мумкин бўлган китобхонлар аудиторияси, асар мўлжалланган кишилар. Бадиий асар, аввало, ўқиш учун ёзилади, демак, унинг тарихий тақдири ҳам кўпрок А.га боғлиқ. Ёзувчи асарни ёзаётганида унинг кўз ўнгида шу асарни ўқиши мумкин бўлган А. туради. А. асарни ёзиш жараёнида ҳам муал. б-н бир билвосита "қатнашади". Баъзан эса муал.нинг А. ҳақидаги фикри бирор образ тарзида ҳам асарга киритилиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, А. муал. тасаввуридаги, *имплицит*, яъни ички китобхондир. Бадиий асарга киритилган А. образи ҳам шу мазмунда. Бу ўринда бадиий матн А.га таъсир этувчи дастур сифатида англашилиб, риторикага яқинлашади. Риторикада нотиқнинг асосий мақсади тингловчини ишонтириш. Муал.нинг ҳам бадиий мақсади тасвирдаги воқеа ва қаҳрамонларга ўз ўқувчисини ишонтира олишда кўринади. Бадиий ад-тда А. ҳар доим ҳам китобхонга тенг келавермайди. Чунки муал. тасаввуридаги А. ўша китобнинг ўқувчиларидан фарқ қилиши мумкин. Ёзувчи тасаввуридаги А. хос китобхон, яъни муал. даражасида фикрлайдиган, уни тўғри англайдиган ва айрим ўринларда муал. б-н тенг мунозара юритадиган бўлиши мумкин. Шу ўринда Л.Толстой "Бадиий асар номаълум дўстларга ёзилган мактубдир" дейди. Айрим адиблар "китобхон нима деркин?" деган хавотир б-н асар ёзсалар, айримлари учун китобхонларнинг "нима дейиши"

муҳим эмас. “Санъат санъат учун” тарафдори О.Уайлднинг “Дориан Грейннинг портрети” романидаги сўзлар эътиборли: “Ижодкор асарни ёзиш давомида китобхон нима дейишини мутлақо ўйламайди. У ўз ишига берилади. Бошқаларнинг қараши унга фарксиз. Мен шунинг учун ёзаманки, ёзиш жараёни менга катта завқ беради. Агар менинг ижодим бир нечта сара кишиларга ёқса, мен қувонаман. Агар бундай бўлмаса, хафа ҳам бўлмайман”. Биринчи маънодаги А.нинг шаклланишида муал. атрофидаги адабий муҳит, унинг энг яқин ўқувчилари, домий маслаҳатчилари ўз “таъсирини” ўтказиши мумкин. Ж.Жойснинг “Улисс” романини чуқур тушуниш учун эса Гомернинг “Одиссей” достонидан хабардор бўлиш лозим. Бусиз асарни тушуниш мумкин эмас. Мана шу ҳолат ад-тшуносликда *автоинтерпретация* дейилади. Бу ҳодиса ҳам китобхонлар оммасини муал. тасаввуридаги А.га яқинлаштиришга ёрдам беради. Адиб А. учун асар ёзса ҳам унинг савиясини мўлжаллаб ўртача доирадаги асар ёзмаслиги, аксинча, китобхон диди ва савиясини юксалтиришга қаратилган асар ёзилиши керак. Демак, А. ривожланиши ва тараққиёти нафақат ўзига, яъни китобхонлар оммасига, балки ёзувчилар маҳоратига ҳам боғлик.

• *Белецкий А.И.* Об одной из очередных задач историко-лит-ной науки (изучение истории читателя) / Избр. труды по теории лит-ры. М., 1964; *Асмус В.Ф.* Чтение как труд / Вопросы теории и истории эстетики: Сб. статей. М., 1968; *Прозоров В.В.* Читатель и лит-ный процесс. Саратов, 1975; *Гадамер Г.Г.* О круге понимания / Актуальность прекрасного. М., 1991; Художественное воспирятие: Основные термины и понятия. Словарь-справочник. Сост. М.В.Строганов. Тверь, 1991; *Чернец Л.В.* «Как слово наше отзовется…»: Судьбы лит-ных произведений. М., 1995; *Чернец Л.В.* Адресат / Введение в лит-ведение: Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.21-29.

АДРИАН (юнонча: Adrien, II) – юнон адиби, нотиқ ва тарихчи. Сур ш.да туғилган. Афинада таҳсил олган, Марк Аврелий Римга таклиф этган. Айрим нутқлари сақланган.

АДРИАНОПОЛ (туркча: Адирна ш.нинг юнонча номи) – Туркиядаги ш. Қад. Рим императори Адриан асос солган. 1360–1453 й.да Усмонли султонлигининг маркази бўлган. 1713 й. 13 июлда шу ш.да Россия б-н Азов денгизи ҳавзасининг Усмонли султонлигига берилиши ҳақида шартнома имзоланган.

АДУЛТЕРИНИ (италянча: қонундан ташқари) – қонунсиз туғилган болалар Римда А. деб аталган. Улар ўз оталарининг мулкига нисбатан бутунлай ҳуқуқсиз саналган. Ҳатто сўнгги давр Рим қонунлари ҳам уларнинг ўз оталаридан мерос олишларига ҳуқуқ бермаган. Чунки унинг қонунсиз туғилишида айбдор она деб белгиланган. Машҳур Леонардо да Винчига нисбатан ҳам шундай қонун қўлланилиб, отасининг меросидан маҳрум қилинган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДУФ (испанча) – Шарқда кенг тарқалган мусиқа асбобларидан бири. Ғарбдаги *бубна*га ўхшаш.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДЪЮНКТ (лотинча: кичик ходим) – Рим Фанлар академиясидаги ва олий ўқув юртларидаги кичик илмий ходим, ассиссент. Профессор ёки академикнинг ёрдамчиси.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДҲАМИЙЛИК ёки АДҲАМИЯ – Шайх *Иброҳим Адҳам*нинг тасаввуф йўлига кирганларга нисбатан қўлланиладиган истилоҳ, тариқат сифатида шаклланмаган. Иброҳим Адҳамга мансуб суфийлар ва орифлар сифати. Бу йўналишнинг боши Имом Зайну-л-Обиддинга бориб тақалади. Абу Исҳоқ Иброҳим бин Мансур Балхий Балхнинг машҳур амирзодаларидан эди. Зуҳду ирфонга жаҳд қилиб, мулку давлатдан, отасидан қолган катта бойликдан воз кечиб, тасаввуфда катта мақомга эришди. Суфён Саврий, Фузайл бин Аёз каби валийларнинг суҳбатларига етишди. Суфийлик китобларида кўпгина ҳолат ва кароматлар унга нисбат берилади. А.ни ўзида жам қилган қиссалар жаҳоннинг турли мамлакатларига тарқалгандир. Е.Э.Бертельснинг фикрига кўра, “бирор бир шахснинг ҳасбу ҳолига оид китоб йўкки, унда Иброҳим Адҳамга бағишланган бўлим бўлмасин”. А. курдлар орасида алоҳида тариқат даражасида кенг тарқалган бўлиб, бир қанча версияларда қиссалар бор. Улар: “Дарвиш Адам (Адҳам) ҳақида маснавий” (1975 й.да Тбилисида шайх Тафур Маҳмуддан ёзиб олинган), “Мир Браим Адам (Иброҳим Адҳам) ҳақида байт” (1972 й.да Ереванда Худойдод шайх Калетдан ёзилган), “Дарвиш Адам (Адҳам) ўғли” (Сурияда шайх Алидан ёзиб олинган). Сўнгги қиссанинг Ироқ варианти ҳам мавжуд. Барча вариант ва версияларда Адҳам ва унинг уйланиши, ўғли Иброҳимнинг туғилиши, Хуросон амири Иброҳимнинг тахтдан воз кечиб, тариқат йўлига кириш баён қилинган.

АЁЗ – туркий халқлар эртакларидаги қаҳрамон.

АЁЗ ИСҲОҚИЙ (1878–1954) – татар маърифатпарвар адиби, драматург, ношир ва жамоат арбоби. Жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан. Дастлаб большевиклар ғояларини қўллаган (1905), унинг моҳиятини англаб етгач, шўроларга қарши турган. Ҳур фикрлилиги туфайли мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Хитой, Польша, Франция ва Германияда яшаган. Умрининг асосий қисмини Туркияда ўтказган.

♦ *Исхакый Гаяз.* Әсәрләр. Ун биш томда, т. 6: Публичистика һәм әдәби тәнкыйть мәкаләләр (1902–1914). Казан: Татаристан китап нәшрияты, 2005.

АЁЗИЙ, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1499–1551) – "Тарихи Рашидий" асари муаллифи. Ҳайдар Мирзо (лақаби Дуғлат) номи б-н машҳур. Темурийлардан Муҳаммад Ҳусайн кўрагоннинг ўғли, Бобурнинг холаваччаси. Тошкентда туғилган, отаси 1508 й.да Шайбоний буйруғи б-н қатл қилингандан сўнг Бухорода Убайдуллоҳхон никоҳида бўлган опаси б-н қолади. Сўнгра Бобуршоҳ томонидан Кобулга чақиртириб олинган ва унинг тарбиясида бўлган. 1512–14 й.да Андижонда, сўнгра 1533 й.га қадар Қашгарда яшаган. "Бобурнома"да у ҳақда "Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зиҳгир – ҳар нимага илики часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Манга арзадошт қилиб эрди, иншоси ҳам ёмон эрмас" деб баҳо берилган. Ҳайдар Мирзо 1551 й.нинг октябрида кашмирликлар томонидан ўлдирилган.

А. "Тарихи Рашидий" асари 1541–46 йй.да ёзилган. Асар икки дафтардан иборат бўлиб, 1546 й.да битилган биринчисида Туғлуқ Темирхон даври (1347)дан Абдуррашидхон (1533) давригача бўлган воқеаларни қаламга олган. Иккинчи дафтар ундан аввалрок (1542) ёзилган бўлиб, XIV аср охирига оид воқеалардан 1442 й.гача битилган. Асарда Навоий давридаги Ҳирот, Мирзо Улуғбек ва Хожа Аҳрор давридаги Самарқанд адабий муҳити ҳам акс этган. Асар туркий т.га Муҳаммад Ниёз ибн Абдуғафур, Муҳаммад Содиқ Кошғарий, Хожа Муҳаммад Шариф (1837–38) ва бошқа мутаржимларга нисбат берилган 10 дан ортиқ тарж.лар (биргина Санкт-Петербургда 7 та)нинг қўлёзмалари мавжуд. Асар 1895 (Е.Д.Росс), 1996 (В.М.Текстон) й.да инглиз т.га, 1996 й.да рус т. (А.Ўринбоев)га тарж. қилинган.

А. форс ва турк т.да газаллар битган. "Тарихи Рашидий" таркибида ҳам анчагина форсий ва туркий шеърлари мавжуд. Мас., Абдурашидхонга қарата ушбу рубоийси бор:

Жоно не жафоларки манго қилмадингиз,
Бир зарра манго раҳм нега қилмадингиз?
Юз қатла вафо ваъда қилибсиз, аммо
Бир қатла бу ваъдага вафо қилмадингиз.

"Девон"и ҳозирга қадар топилган эмас. 1995 й. Шинжонгда нашр қилинган тўпламида туркий тилдаги уч ғазали келтирилган. Биринчисида Абдуррашидхон мадҳ этилган, иккинчиси баҳор васфи ва учинчиси ишқий мавзуда. 3-ғазалнинг мақтаъи шундай:

Ўшул ойғаки наззора, бўлиб ишқида бечора,
Аёзийдек халққа бенаво қилган мани сансан.

"Жаҳоннома" ва "Маҳмуднома" достонлари муал.идир. А.нинг "Жаҳоннома" маснавийси 1533 й.да ёзилган, 1229/1814 й.да Мулла Умар ибн Мулла Ҳожи томонидан кўчирилган. Ҳажми 125 бет, 2650 мисра. Бу асар Берлин Миллий кутубхонасининг Хартман фондида 1708–рақам б-н сақланади. У 1985 й. Шинжонгда, 1999 й.да Тошкентда нашр қилинган. Достон Мукаддима: Ҳамд, Наът, "Жаҳоннома"ни айтқоннинг сабаби, достоннинг бунёди; асосий қисмда асар қаҳрамони Феруззшоҳ ҳукмронлиги баён қилинган. Хотимада достоннинг хатми ва "Жаҳоннома" от қўйилғани айтилган.

♦ *Мирза Хайдар.* История Рашиди / Пер. с фарси А.Уринбаева, Р.Жалилова и Л.М Епифановой. Т.: Фан, 1996; *Mirza Haydar Dughlat's.* Tarikh-i-Rashidi. A History of the Khans of Moghulistan / Persian Text Edited by W.M.Thackston. Published at Harvard University, 1996; *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий.* Жаҳоннома. Т.: Фан, 1999; *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.* Тарихи Рашидий. Урумчи: Шинжонг халқ нашриёти, 2007; *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий / В.Раҳмонов ва Я.Эгамова тарж. Т.: Шарқ НМАК, 2011; *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Ниёзий.* Тарихи Рашидий. Т.: Ozbekiston НМИУ, 2011.

- *Азимжонова С.А., Уринбоев А., Жалилов О.Ҳ.* Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти / Жаҳоннома. Т.: Фан, 1999. Б.3-21.

АЖАББ (арабча: бичиш, ахта қилиш) [поэтика] – аруз вазнида "мафоийлун" асли "жабб" зиҳофи б-н ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган тармоқ рукни (*фаал*, чизмаси v –)нинг номи. *Жабб* зиҳофида "мафоийлун" асли (v – – –)дан кейинги икки сабаби, яъни чўзиқ хижоси (– –) туширилиб, қолган "мафо..." (v –) қисми ўлчов бўйича ўзига тенг келган *фаал* (v –) алмаштирилади. Натижада А. деб юритилувчи тармоқ рукни ҳосил бўлади. А. тармоқ рукни ҳазаж баҳрининг Ахрам ва Ахраб (рубоий вазнлари) шохобчасида охирги рукнлар аруз ёки зарб ўрнида қўлланилади.

- *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.7.

АЖАИМ – шохи йўқ (эчки).

АЖАЛ (арабча: муҳлат, вақт) [диншунослик] – инсон умрининг тугаш вақти. Ислом динида Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган муддат.

АЖАЛЛ (арабча: жалолнинг кўплиги) – Қ.: Жалол.

АЖАМ – араблардан кейин мусулмон бўлган халқлар. Кўпроқ форс ва туркларга нисбатан қўлланилади. А. сўзи ҳудудга нисбатан ҳам қўлланилиб, Эрон, Кичик Осиё ва Туркистон назарда тутилади. А. юртларидан етишиб чиққанларга *Ажамий* дейилган. қ.: "Тарихи мулуки Ажам" ("Ажам подшоҳлари тарихи").

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.18–19.

~ ***шикастаси*** – Шимолий Озарбойжон, Арзирум, Кайсари (Туркия) ҳудудларида кенг тарқалган мақом тури. 12 мақом шўъбаларидан бири. Шунингдек, А. айрим мақомлар бўлими. Мас., Шашмақом туркуми Сегоҳ мақоми чолғу бўлимидаги мухаммасининг А. қисми.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.19.

АЖАМ(М) (арабча: اجم – жангал) [поэтика] – аруз вазнидаги тармоқ рукнларидан бирининг номи. Бобуршоҳ "Рисолайи аруз"да: "*Жамм ақл била ҳармнинг ижмоъидур нечукким мафоъилотун – фоъилун бўлур, муни ажамм дерлар*" деб маълумот беради (7а).

• *Заҳириддин Муҳаммад Бобир.* Мухтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б.21; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. С.80.

~ и музол –
Тоир У., Саидали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. С.81.

АЖВЕЙПШ, АЖВЕЙПШАА (абхаз) [мифология] – ов маъбуди, ёввойи ҳайвонларнинг ҳимоячиси. А.га бағишланган абхазларнинг юзлаб қўшик ва ривоятлари бор. А. илоҳий оила боши бўлиб, унинг гўзал қизи ва ўғли Иуан ҳамда хизматчиси Швакваз тилга олинади. А. шарафига берилган зиёфатда бир парча гўшт б-н меҳмонлар сийланади.

• *Гулия Д.* Божество охоты и охотничий язык у абхазов. Сухуми, 1926; *Салакая Ш.Х.* Обрядовый фольклор абхазов / Фольклор и этнография. Л., 1974; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.49.

АЖДАР [мифология] – Аждарҳонинг қиска шакли. Туркий халқ фольклорида ҳам кўп учрайди. Қирғизлар Аждаҳо ўрнида қуллайдилар. Қад. Миср эртаги "Аждар ороли"нинг бош қаҳрамони. қ.: Аждаҳо.

АЖДАҲО [мифология] – I. Туркий халқлар фольклорида ёвуз куч. Кўп (уч)бошли, қанотли катта илон тарзида тасвирланади. Мифда айтилишича, узоқ яшаган илонлар А.га айланадилар. А. зулмидан қутилиш учун доим унга ёш қизни ейиш учун юбориб турилган. Фольклор қаҳрамонлари одатда қурбонликка юборилган қизни қутқаришга киришадилар, А.ни енггач, ўша қизга уйланадилар. Озарбойжон мифларида ҳомиладор аёллар танасига кириб, унинг фарзандини ўлдиради. А. курашда оғзидан ўт сочувчи, ер остида яшовчи. Туркlар эпоси орқали бу тимсол Болқон халқлари, арман ва грузин фольклорига ўтган.

• *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969; *Пугаченкова Г.А.* Драконы мечети Анау // Советская этнография. 1956. №2; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.50.

II. Ирфоний ад-тда нафси амморага ва разил сифатларга, жумладан, шаҳват, ғазабга ўхшаш хусусиятларга айтилади. "Ғурбату-л-ғарибия" қиссасида зоҳиран моддий оламга ва саркаш нафсга ишора сифатида кўрсатилган (Суҳравардий. Қиссату-л-ғурбату-л-ғурабо, 289 с.). Жалолиддин Румийнинг бу мавзуда шундай байти бор:

Нафс аждарҳост у кай мўрда аст,
Аз ғами би олати афсурда аст.

Мазмуни: Нафс аждаҳодир, у қачон вафот этади. Ғамдан афсурдаман.

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.20.

АЖЗ (арабча: عجز – нотавон, суст) [поэтика] – Шарқ шеъриятида бир байтнинг иккинчи мисрасининг сўнгги рукни. Садр, ҳашв, аруз ибтидо каби *Зарб*нинг иккинчи номи.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.22.

АЖЗАМ (арабча: жазм) [поэтика] – аруз вазнидаги тармоқ рукнларидан бирининг номи. Рукннинг бошида келган қисқа ҳижони ташлаб юборилиб амали натижасида ҳосил бўлган рукн. Ағар бу рукн мафоъилатунга нисбатан қўлланилса, у *ғасб* дейилиб, ҳосил бўлган муфтаъилун қолипига *аҳтам* дейилади. Бобуршоҳ "Рисолайи аруз"да: *"Жазм ватади мажмуъинг аввалғи мутаҳаррикин исқот қилмоғлиғдур. Вуқуъи мафоъийлунда бўлса [фоъийлун қолур] мафъувлунни анинг ерига қўярлар – <u>ажзам</u> дерлар"* деб тушунтириш беради (5аб). Бироқ форс ва турк шеъриятидан мисол бермаган.

- *Заҳириддин Муҳаммад Бобир.* Мухтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б.20.

АЖЗИЙ, СИДДИҚИЙ – к.: Сиддиқий Ажзий.

АЖИБ (арабча: عجيب – ҳайратланарли) [поэтика] – аруз назариясида Жадид баҳрининг бошқача номланиши.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. С.81.

АЖИБАЙ (Ҳожибой исмининг қирғизча шакли) – қирғиз халқ эпоси "Манас" достонининг қаҳрамонларидан бири. Бахши Саякбай Каралаев версиясига кўра, Манас Талас (водийси)дан чиққандан сўнг ўзига муносиб жанговар йигит топмоқчи бўлади. Унга учраган икки қаҳрамоннинг бири А. деб номланган. Бошқа вариантга кўра, асл исми Абдуллоҳ бўлиб, "сўз устаси Ажибай" деб таништирилган Арабистонга элчи қилиб юборилган. Манаснинг туйида А. исмини олган йигит.

- Манас. Энц-я. 1-ж. Бишкек, 1995; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.19–20.

АЖИБЕЙ (Ҳожибей) – қалъа номи. Одесса ш. ўрнида қурилган қад. турк қалъаси. Кейинчалик Одесса ш. курилгандан сўнг бузиб ташланган–.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АЖИ-ДАХАКА [мифология] – Эрон мифологияси ва "Авесто" қаҳрамони. Эрон мифологиясида *Аджаҳо*нинг мукобили сифатида келади. "Авесто"да учбошли, олтикўзли аждаҳо тарзида тасвирланган. А.-Д. Ардвисура ва Анахитага қурбонлик қилинади. Яштлардан бирида олов маъбуди Атарнинг рақиби. Қад. веда ва юнон мифларида ҳам унинг мукобил тимсоли бор. А.-Д.

қиёматда озодликка чиқади. Айрим эрон суворийлари унинг хизматида бўлган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.50.

АЖИНА (арабча: ал-жин) [мифология] – туркий халқлар фольклоридаги салбий тимсол. А. кўп манбаларда ёвуз руҳ тимсоли бўлиб келади. Инсоният тарихининг уруғчилик босқичида фольклор образи сифатида шаклланган. А. хилват, ташландиқ жой, кимсасиз ўтлоқларда кишиларга учрайди. А. пари, қиз, чақалоқ, кампир, қўзичоқ, эски қиёфаларида келади. А. ҳақидаги тасаввурлар Қуръони каримдадаги жинлар ҳақидаги қиссалар мазмунига кўра ўзгарган. Мушрикларнинг айтишича, Қуръони карим нозил бўлмаган, балки уни жинлар олиб тушган. Муқаддас китобдан бу нотўғри тасаввур ўринли танқид қилинган, унинг тўғри талқини берилган. Туркий халқлар эпосида А. кўпинча йўлда, йўловчиларга дуч келиб, уларни тўғри йўлдан оздирувчи аёллар қиёфасида берилади. Бадиий асарга ҳам шундай тимсол сифатида кўчган. Мас., А.Қодирий "Жинлар базми", Парда Турсун "Ажина" ҳикоялари.

• *Муродов О.* Традиционные представления таджиков об аджина // Советская этнография. 1975. №5; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.44.

АЖИНИЁЗ (1824–1878) – қорақалпоқ шоири. Асл исми: Ҳожиниёз Кусибой ўғли. Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ўқиган. Қорақалпоқлардан етишиб чиққан биринчи *охунд.* Ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ т.ларида асарлар ёзган. Мумтоз шеърият, жумладан, Бердах ижодининг давомчиси. 100 дан ортиқ шеърлар, "Девон" ва "Бузатов" (1859) достони муал.и. "Қиз Менгеш б-н айтишув" (1878) асари машҳур. А. ҳақида К.Султонов роман (1967), И.Юсупов опера либреттоси (1989) ёзган.

Нукус Давлат педагогика инс-ти А. номида.

◆ *Ажиниёз.* Сайланма. Нукус, 1975.

• *Султонов К.* Ажинияз (роман). Нукус, 1967; *Саитов Б.* Бердақ ва Ажиниёз асарлари луғати. Нукус, 1970.

АЖМИР – Ҳиндистондаги ш.. Деҳлидан 375 *км* жанубий ғарбда жойлашган. Суфийлар учун муқаддас ш. ҳисобланади. Чунки у ерда Муйиниддин Чиштийнинг мақбараси бор. *Чиштиийлик* ҳинд мусулмонлари орасида кенг тарқалган.

АЖНОС (арабча: жинслар) [эстетика, санъатшунослик] – Шарқ мусиқасида тўрт ва беш поғонали товуш қаторлари. Оврўпа терминологиясида тетрахорд ва пентахорд. А.нинг қуйидига турлари мавжуд: ажноси зул-маддатайн (икки моддали жинслар), ажноси қавия (қаттиқ жинслар), ажноси мулойима (ёқимли жинслар), ажноси муфрада (мустақил жинслар).

«АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ» – биографик китоблар туркуми. Рус т.даги "Жизнь замечательных людей» сериясига ўхшатма тарзида вужудга келган.

Бу серияда рус т.да 1890–1907 й.да 60 та китоб чиқарган. 1933 й.да М.Горький томонидан қайта жонлантирилган серияда ҳозирга қадар ижодкорлар, маданият ва санъат арбоблари, давлат ва жамоат арбобларининг хаёти ҳақида қисса, роман, ҳаётномалар нашр қилинган. Ушбу туркумда ўзбек т.да А.Қаюмовнинг "Алишер Навоий", Н.Каримовнинг "Чўлпон", П.Шермуҳамедовнинг Беруний, Замаҳшарий ҳақида асарлари чоп этилган.

• Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.108.

«АЖОЙИБУ-Л-ДУНЁ» ("Дунё ажойиботлари") – Шайх Озарий асари. Шайх Озарий Исфаҳонда туғилган. "Девон", "Жавоҳиру-л-асрор" ("Сирлар жавоҳири"), "Муншаот" ("Мактублар") асарлари муаллифи. Навоий уни "Мажолис..." асарида т.га олган.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис. МАТ. Т.: Фан, 2001. *Ганиева С.* Навоий ҳақида олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

АЖОО – шу номли достон қаҳрамони. Енисей қирғизларининг 840 й.лардаги қаҳрамони. 847 й. Ўрхун (Мўғулистон) хоқонлигининг Ўрдубалиқ ш.га юз минг лашкари б-н келиб, уни забт этган. Қирғиз "Манас" эпосида А. номи т.га олинади: "Ай деяжак Ажоо йўқ / Куй деяжак Хўжа йўқ". Айрим мутахассисларнинг фикрича, Манаснинг прототипи.

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.21.

АЖУЗ (арабча: عجز – заиф) [поэтика] – аруз илмида охирги байтнинг рукни бўлиб, ундан аввал солим рукн келади. Мас., Ҳазажи мусаддаси мақсур:

Ғамаш то дар дилам маъво гирифтаст,
Сарам чун зулфи у савдо гирифтаст. (Ҳофиз)
v – – –/ v – – –/ v – ~

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. С.81-82.

АЗАДИ, Давлетмамед (1700–60) – к.: Озодий, Давлатмамад

АЗАЛ [тасаввуфшунослик] – қадим. Азал Аллоҳ номларидан бири ва азалият унинг сифатларидан биридир. Аввали, бошланиши бўлмаган ҳодисага азал дейилади. Ибтидосиз замон, ўтмишнинг чегарасизлиги, беинтиҳолиги, бошланишнинг қадимийлиги. Чунончи, абадият шундай нарсаки, унинг охири бўлмайди. Азал ҳам бошланишга эга бўлмаган чексизликдир.

Замонга кўра бошланиши бўлмаган ҳодиса, яъни Аллоҳ файзининг бардавомлиги:

Эй жамолинг меҳридин равшан азалдин то абад.
Зарра янглиг ул ёруглик ичра саргардон хирад.
(Алишер Навоий. "Хазойину-л-маоний", 2. 118)

Азал абаднинг муқобилида туради. Азал қадимдаги интиҳосизлик, абад эса келажакдаги интиҳосизликни билдиради ёхуд азал – ибтидонинг

йўқлиги, абад – интиҳонинг йўқлигини англатади. Ҳар иккаласи руҳи мутлақнинг замон ва макон б-н чегараланмаслиги, интиҳою ибтидоси йўқлигини англатувчи тушунчалардир. Тасаввуфда мутлақ маъни ва зоти ақадиятдан тажалли этувчи файзнинг давомийлигига ҳам *азал* дейилади.

Азалда чун не насиб ўлди, ўзга бўлмади ул,
Саъидни не шақий қилди, не шақийи саъид.
(Алишер Навоий. "Наводиру-ш-шабоб", 114-ғазал, 5-байт)

Азалда чунки рақам топти содиқу солиҳ,
Манга бу пандларинг бежиҳаттур, эй носиҳ .
(Алишер Навоий. "Фавойиду-л-кибар", 101- ғазал,1-байт)

~ *субҳи* – Ҳақнинг азалий тонги, ёруғлиги.

АЗАЛЛ (арабча: залал – соннинг гўштсиз бўлиб қолиши) [поэтика] – аруз вазнининг тармоқ рукнларидан бирининг номи. А. "мафоийлун" (v – – –) аслининг «залал» зиҳофи б-н ўзгартирилиши натижасида ҳосил бўлган "фоъ" (~) тармоқ рукнидир. Бобуршоҳ "Рисолайи аруз"да *"Залал жазм била ҳатм ижтимоъидур – мафоъийлун "фоъ" бўлур, муни азалл дерлар"* деб тушунтиради.

• *Заҳириддин Муҳаммад Бобир.* Мухтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б. 21; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.7.

АЗБАК – к.: Ўзбекхон.

АЗБУКА (славянча) [лингвопоэтика] – славян алфавитининг биринчи ҳарфлари А (аз), Б (буки)дан ясалган бўлиб, дастлаб алифбо мазмунида қўлланилган. Кейинчалик савод чиқариш учун мўлжалланган бошланғич асарга нисбатан ҳам шу атама қўлланилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.19.

АЗБУКОВНИК (қад. рус алифбосининг илк ҳарфлари "аз", "буки"дан) – рус кириллица ёзувидаги алифбо тартибида тузилган қад. луғат. Россияда дастлабки изоҳли луғатларга ҳам А. сўзи қўлланган.

• *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 22.

АЗДИЙ, Шанфара (VI) – жоҳилийя (исломдан аввал) даври араб шоири. Қатор қасидалар муал.и. Машҳур ва мураккаб қасидаларидан бири "Ломияту-л-араб» ("Араб ломияси") ҳисобланади. Бу қасиданинг шарҳи Маҳмуд Замахшарийнинг "Ажабу-л-ажаб фи шарҳи "Ломияту-л-араб" ("Ажойиботларнинг ажойиби "Ломияту-л-араб" шарҳи) асарида баён қилинган.

• *Рустамов А.* Маҳмуд Замахшарий. Т.: Фан, 1971.

АЗЕЛИО, Массимо Тартарелли (1798 –1866) – италян адиби.

- Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.113-115

АЗЗА ВА ЖАЛЛ(А) [диншунослик] – Худонинг номи тилга олинганда ишлатиладиган жумла бўлиб, у энг иззатли, энг буюк ва қудратли, деган маънони билдиради.

АЗЕРБАЙЖАН АДАБИЙАТЫ – қ.: Озарбойжон ад-ти.

«АЗЕРБАЙЖАН» – Озарбойжон Ёзувчилар уюшмасининг ойлик адабий-бадиий журнали. 1923 й.дан озарбойжон т.да нашр қилинади. "А." журн. тарихан "Кызыл калам" (1924–28), "А.әдәбиjjати" (1937–57) номлари остида нашр қилинган.

АЗИАНИЗМ [риторика] – қад. юнон ва рим риторикасидаги Осиёча йўналишлардан бири. Аниқ ибораларни ишлатишга, қаршилантириш ва параллел нутқ воситаларидан кенг фойдаланишга қаратилган. М.а. III асрга қадар ривожланган. Эллинизм даври эстетикасини Осиё таъсирини ўтказишда *аттикизм* томонидан қатъий танқид қилинган. А. асосида кейинги давр насрининг услуби шаклланган. Хатто, Европада ўрта асрлар, Уйғониш даври ва барокко насрига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

- *Гаспаров М.Л.* Азианизм / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.14.

АЗИАТСКИЙ МУЗЕЙ (Осиё музейи) – шарқшунослик илмий тадқиқот муассасаси. 1917 й.дан музей-кутубхона, 1930 й.дан Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти. 1818 й.да Петербургда турли шарқ т.ларидаги қўлёзмалар жамғармаси ва шарқшуносликка оид китоблар кутубхонаси тарзида ташкил этилган. Пётр I даврида А.м.нинг 1-директори Х.Д.Френ томонидан асос солинган. А.м.да Б.А.Дорн, С.Ф.Ольденбург, В.В.Бартольд, И.В.Крачковский, В.М.Алексеев каби олимлар илмий-тадқиқот олиб борганлар. 1921 й.дан Ленинград (ҳоз. Санкт-Петербург) шарқшунослари марказига айланган.

- *Ливотова О.Э.* Основная лит-ра об Азиатском музее – Инс-те Востоковедения АН СССР (1776-1954) / Очерки по истории русского востоковедения. Сб.2. М., 1956. С.469-511; *Базиянц А.* и др. Азиатский музей – Институт востоковедения АН СССР (1818-1968) М., 1969.

АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ (1928–2006) – ўзбек шоири. Тошкент ш.да туғилган. Маданият техникумини ва Москва Ад-т ин-тини тамомлаган. "Ёш ленинчи" газ., "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журн.да, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган.

Илк шеърий тўплами "Дўстларимга" 1959 й.да чоп этилган. "Йўллар, йўллар" достони (1961), "Яна баҳор" (1962), "Тўлкин" (1965), "Бодом гуллаётир" (1965), "Лирика" (1970), "Юрагимга яқин одамлар" (1975), "Қалб ранги" (1978) тўпламлари муал.и. Болалар учун "Раҳматга раҳмат" (1971),

"Лолакизғалдоқ" (1979) шеърлар тўплами, "аз-Замон ҳикоялари" (1970) насрий китобини ёзган. М.Лермонтов, Т.Шевченко шеърлари, Г.Лонгфеллонинг "Гайавата ҳақида қўшиқ" достонини тарж. қилган.

АЗИЗ МАРҒИЛОНИЙ – тарихчи олим. Марғилон уездида котиб бўлиб ишлаган. "Тарихи Азизий" асарида Фарғона водийси ва Туркистон тарихи қад. даврлардан XIX асрнинг охирига қадар ёритилган.

• *Марғилоний, Муҳаммад Азиз.* Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида) / Нашр. тайёрл. Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. Т.: Маънавият, 1999.

АЗИЗ НЕСИН (1915 й.т.) – турк адиби, ҳажвий ҳикоялар ва драмалар муал.и. Асл исми: Маҳмуд Нусрет. Ҳарбий академия ва Нафис санъат академияси (Истанбул)ни тугатган. "Марко Пошо" сатирик газ.си (таъсисчи Сабоҳаддин Али)да ишлаган. "Нуҳ кемаси" ҳажвий журн.ни ташкил қилган. "Итнинг думи" (1958), "Фил лақабли Ҳамдий ўғри қандай тутилди?" (1955), "Озод жинни" (1956), "Қайси фирқа ютади?" (1957), "У ҳақда, бу ҳақда" (1958), "Нафис ва нозик", "Тадбиркор", "Халқ уйғонмоқда" (1972) каби ҳажвий ва юмористик ҳикоялар тўпламлари нашр этилган. "Бир юртда» (1958), «Ҳўптиринам" (1971) каби ҳажвий эртаклари шуҳрат қозонган. "Азизнома" ҳажвий шеърлар тўплами муал.и. "Футбол қироли" (1973) романи машҳур. "Мэт, нимадир қилгил" (1966), "Маишатга келинг" (1966) номли драмалари сахнада қўйилган. Ноширлик ва публицистика б-н шуғулланган. Икки марта жаҳон сатирикларининг "Хурмо бутоғи" мукофотини олган.

♦ *Азиз Несин.* Собачьи хвосты. М., 1958; Письма с того света. М., 1960; Если б я был женщиной. М., 1961; Мушт кетди. Т., 1966; Хуштак афандим. Т., 1969; Рассказы для вас. М., 1976; Футбол қироли. Т., 1978, 2010.

• *Яковлева Н.С.* Сатирические новеллы Азиза Несина. Л., 1977.

АЗИЗ ШОҲБЕК – қ.: Азизий.

АЗИЗЗОДА, Лазиз (1895–1987) – ўзбек маърифатпарвар адиби, олими. 1929 ва 1937 й.ларда қатағон қилинган. 1956 й.дан реабилитация қилинган. XX асрнинг 20-й.ларида бадиий ва адабий танқидга доир асарлари б-н машҳур бўлган. Жадид ад-ти намояндалари Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон тўғрисида қатор очерклар ёзган.

• *Азиззода Л.* Беҳбудий // Маориф ва ўқитғучи. 1926. №2; Чўлпон ким эди? // Ёшлик. 1988. 10-сон. Б.68-70.

АЗИЗИЙ, Абдулазиз (1509–1550) – Бухоро хони, Шайбоний сулоласидан Убайдуллоҳхоннинг ўғли. 1538 й.дан Урганч ҳокими, 1539 й.дан 11 й. Бухоро ҳукуматини бошқарган. Ободончилик ва қурилиш ишларига аҳамият қаратган. Мадраса, кутубхона ва хонақоҳ қурдирган. Саройида адабий ижодга алоҳида аҳамият берган. Ҳофиз Султон Али Убаҳий, Восифий, Бақоий Андижоний, Мажлисий, Кавкабий, Сурудий, Шайдо, Афсарий каби

шоирларга ҳомийлик қилган. Ҳасанхожа Нисорий А. қурдирган хонақоҳ ва кутубхоналарга таърих ёзиб қолдирган.

Навоий ва Бобурга эргашиб ғазаллар битган. "Девон"и тўғрисида маълумот йўқ. "Музаккири аҳбоб" тазкирасида Азизийнинг икки ғазали келтирилган. Биринчиси туркий ғазал бўлиб, унинг мактаъси:

Бу телба кўнгил бирла Азизий не қилурсан,
Гар бўлмаса ул шўх дилозор мусоҳиб.

Форсий ғазалини А. Комрон Мирзо ғазалига назира тарзида ёзади:

Ҳаргоҳ Азизий бидод хат ба лаби ёр гуфт:
Рўзи саёҳаст ин ё шаби ҳижрони ҳусн.

Мазмуни: Азизий ёр лабидаги холни кўриб деди: "Бу қаро кунми, ё ҳусни ҳижронидаги тунмидир?"

- Ўзбек ад-ти тарихи хрестоматияси. XV-XX асрлар / Тузувчи Олим Шарафиддинов. Т., Ўздавнашр, 1945. Б.55-56; Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.18; *Қаюмов А.* Асарлар. 6 жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.99-102.

АЗИЗИЙ, Юсуф (XV) – ҳиротлик шоир ва олим. Қаерда ва қачон таваллуд топгани аниқланмаган. Илм олиш учун Ҳиротга келган. Балоғат илмларини тугал ўрганган. Айрим шеърлари тазкираларда учрайди. Аруз назариясига бағишланган форс т.даги "Арузи Юсуфий" рисоласи муал.и. Рисола чуқур ўрганилмаган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Россия ФА Шарқшунослик инс-ти Санкт-Петербург филиали кутубхонасида (2931 рақами б-н) сақланади.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал Душанбе: Ирфон,1994.Б.25; *Туйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.95-96.

АЗИЗОВ, Отақўзи (1910-?) – тилшунос олим, филология фанлари доктори (1961), профессор (1965); ПФА академиги (1968), Ўз-нда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Қирғизистон рес-каси Ўш вилояти Лайлат туманида туғилган. Ўрта Осиё пахтачилик ин-ти, Москва Қишлоқ хўжалиги академиясини тамомлаган. Низомий номидаги пед.инс-т (1945-48), Тошкент Давлат ун-ти (1952-1986)да каф. мудири бўлиб ишлаган. Ўзбек ва рус т.ларининг қиёсий грамматикасига оид тадқиқотлар яратган. 5 жилдли "Русча-ўзбекча луғат" тузишда қатнашган (1957).

- *Азизов А.* Сопостовительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. Т. Учпедгиз, 1960, 1980; Тилшуносликка кириш. Т., 1963.
- *Шукуров Ш., Базарова Д.* Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.13-14.

АЗИЗОВ, Турғун – Ўз-н халқ артисти, кўплаб драматурглар асарлари бош қаҳарамон роллари ижрочиси. Жамоатчиликка "Мафтунингман" кинофильмидаги Бакир роли орқали танилган. Ўз-н Миллий академик театрида фаолият кўрсатади. Жаҳон драматургларининг асарларида, жумладан, Шекспирнинг "Отелло", "Қирол Лир" фожиаларида бош ролни

ижро этган. Отелло ва қирол Лирнинг А.Т. талқини бошқа актёрлар, хусусан, Аброр Ҳидоятов ва Ш.Бурхон талқинларидан фарқланади.

АЗИЗОН (бирликда: азиза) – хожагон шайхлари (нақшбандийлик тариқати)га нисбатан қўлланиладиган тасаввуфий атама. Суфи Оллоҳёрнинг "Саботу-л-ожизин" асарига ёзилган шарҳлар китоби "Рисолаи азиза" деб номланади.

АЗИМ СУЮН (1948/22.II) – ўзбек шоири, журналист ва маданият арбоби. Самарқанд вилояти Накурт қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган (1977). ЎзР Олий мажлиси депутати (1994–99). Ғ.Ғулом номидаги нашриётда муҳ-р (1973–78), Ўз-н Матбуот қўмитасида адабий маслаҳатчи (1978–87), Ўз-н Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1987–90), "Халқ сўзи" газ.да бўлим муҳ-ри (1990–93), "Ўз-н овози" ва "Голос Узбекистана" газ.лари бош муҳ-ри (1993–2002), "Гулистон" (2002–12) журнали бош муҳ-ри бўлиб ишлаган.

"Менинг осмоним" (1978), "Зарб" (1979), "Замин тақдири" (1981), "Хаёлот" (1984), "Зиё йўли" (1986), "Жавзо" (1987), "Сарбадорлар" (1994) "Сайланма" (1997), "Ўзлик" (1999), "Ватан фасллари" (2007), "Муҳаббат ҳайратлари" (2009), "Танланган асарлар" (1-ж., 2009) китоблари муал.и. Шеърларида халқ айтимлари, ифода йўсинида халқчиллик кўринади. "Эй дўст" (2005) ўзбек шеъриятида *қайирма* жанрида ёзилган илк тўплам сифатида баҳоланган. "Замин тақдири", "Ўз-н" "Ўзбек давлати" достонлари Ватан туйғуси б-н йўғрилган. "Эзгулик ва ёвузлик" драмаси саҳнага чиққан. Шеърлари инглиз, испан, рус, корейс, турк, қозоқ, туркман в.б. т.ларга тарж. қилинган.

- *Мирвалиев С.* Ўзбек адиблари. Т., 1997.

АЗИМЖОНОВА, Сабоҳат (1923–2001) – шарқшунос олима. ЎзР ФА академиги (2000), тарих фанлари д-ри (1969), Беруний номидаги давлат мукофоти (1989), Ж.Неру номидаги халқаро мукофот (1993) совриндори. Тошкент пед. ин-тини тамомлаган (1942). ЎзРФАШИда илмий ходим (1949), директор (1950–77), бўлим бошлиғи (1977–95), етакчи илмий ходим лавозимларида ишлаган. Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги фаолиятига доир тадқиқотлар олиб борган. "Умаршайх ва Бобурнинг Фарғона улуси" мавзуида номзодлик (1949), "Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги давлати" мавзуида докторлик (1969) диссертацияларини ёқлаган. А. асарлари Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Францияда чоп этилган. Гулбадан бегимнинг "Ҳумоюннома" асарини ўзбек т.га тарж. қилган (1959,1977).

- *Азимджанова С.* К истории Ферганы II пол. XV в. Т.: Фан, 1957; Индийский диван Бабура. Т., 1966; Государство Бабура в Кабуле и в Индии. М.: Наука, 1977.

АЗИМИЙ (в.1846) – ўзбек шоири. Тўлиқ исми: Азимхожа ибн Маллахожа Мавлавий. Низомий Ҳўқандийнинг набираси. Қўқонда туғилган. Бухорода

таҳсил олган. Кал Дўшан қишлоғи масжидида 40 йил имомлик қилган. Қўқондаги Саримозорга бобоси Низомий Ҳўқандий қабри ёнига қўйилган. А. шеърлар девони, Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган "Ҳикмати Азимхожа эшон" китоби бор. Асарлари ўзбек ва форс т.да.

Қаландарона ўтай деб Азим бу оламдин
Хилофи одат аҳли замона айларман.

Форс т.да ёзилган шеъридан бир байт:

Баргу як, ду, се, абёти дарднок Азим
Шоядки, баъд мор намояд нишони мо.

Мазмуни:

Бир, икки, уч, дардли байтлар айтиб ўт, эй Азим,
Шоядки, ўлганингдан кейин нишона бўлиб шул қоладир.

• Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.41; *Қаюмов А.* Асарлар. 7-жилд. 1-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.28-30.

АЗИМИТ (юнонча: каттиқ нон) [диншунослик] – юнонлар ғарбий насронийларни шу ном б-н аташган. Улар ўзларини поклаш жараёнида озуқа сифатида фақат қаттиқ нон б-н чекланганлари учун *азимитлар* деб ном олишган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.19.

АЗИМОБОДИЙ – XVII аср шоирларидан. "Наштари ишқ" (форс т.да) маснавийси муал.и. Мутрибийнинг тазкирасида у ҳақда маълумот берилган.

АЗИМОВ, Айзек (1920–1992) – Америка фантаст ёзувчиси, Ғарбий Белоруссиянинг Петровичи посёлкасида туғилган. 1923 й.да оиласи б-н АҚШга кўчиб кетган. Колумбия ун-тини тугатган (1941). Маълумоти бўйича кимёгар, 1979 й.дан Фалсафа д-ри, Бостон ун-ти биохимия профессори.

1939 й.дан ҳикоя ва қиссалари нашр этилади. "Зулмат келиши" (1941) ҳикояси унга шуҳрат келтирган. Фантастик асарлар ижодкори сифатида икки туркум: роботлар дунёсига ва инсоннинг коинотдаги сафари. Биринчи йўналишда "Мен – робот" (1950), "Пўлат ғорлар" (1954), "Мангулик интиҳоси" (1955), "Қуёшни қучиб" (1957), "Робот ҳақида бошқа ҳикоялар" (1964), "Дарбадар" (1966), "Тонгги роботлар" (1983), "Роботнинг орзуси" (1986) каби асарларини эълон қилган. Иккинчи туркум инсониятнинг Қуёш системасидаги сайёраларараро ҳаёти масалаларига бағишланган "Боскин" (1951), "Боскин ва империя" (1952), "Иккинчи боскин" (1953), "Хавфли боскин" (1982), "Боскин ва Ер" (1986) каби асарларини ўз ичига олади. А.А. бир қатор романлар муал.и: "Осмондаги тошчалар" (1950), "Коинот оқимлари" (1952), "Абадийлик интиҳоси" (1955) романлари, ёшлар ва ўсмирлар ҳаётига бағишланган "Марсликлар йўли" (1955), "Илк Азимов"

(1972), "Юпитерни сотиб олиш" (1975), "Икки юз ёшли киши" (1982) қиссаларини ёзган. "Коинот оқимлари" романи ўзбек т.га тарж. қилинган.

Халқаро ва АҚШ мукофотлари совриндори. 400 га яқин фантастик ва илмий-оммабоп асарлари нашр этилган. Ўзининг ижодий йўли ҳақида икки жилдли "Ҳали хотирам тиниқ" (1979), "Ҳали ҳаёт қувончини ҳис қиляпман" (1980) мемуар асарларини ёзган. А.А.нинг асарларида инсоннинг келажаги, унинг абадият олдидаги масъулияти масалалари қаламга олинган. Унингча, Ернинг келажаги бутун ерликларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ: "Биз планетар масштаб асрида яшамоқдамиз... Ернинг ифлосланиш даражаси, ядро фожиаси... Биз англамоғимиз керакки, Ердаги ҳамма нарса бирдай зарур, бизнинг истагимиздан қатъи назар... биз ҳамкорликда ишламоғимиз лозим".

♦ *Азимов А.* Я – робот. М., 1964; Вид с высоты. М., 1965; Конец вечности. М., 1966; Путь марисиан. М., 1966.

• *Громова А.* Как построить мир? // Иностранная лит-ра. 1967. № 1; *Гопман А.* Азимов, Айзек / Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.11-13.

АЗИМОВ, Сарвар Олимжонович (1923/20.V–1994/3.XI) – ўзбек адиби, давлат ва жамоат арбоби. ЎзР Фан арбоби (1973), Ўз-н халқ ёзувчиси (1983). Филол. ф. д-ри (1968). Жиззах ш.да туғилган. ЎОДУ (ҳоз. ЎзМУ)ни тугатган (1946). ЎзР ФА Тил ва ад-т ин-тида бўлим мудири, директор ўринбосари (1948–55) бўлиб ишлаган. Ўз-н Ёзувчилар уюшмаси котиби (1957– 58, 1980–85), Маданият ишлари вазири (1958–59), Ўз-н ташқи ишлар вазири (1959–69, 1988–91), хорижий Шарқ мамлакатлари (Ливан, Покистон)да элчи вазифаларида ишлаган.

"Юлдузлар жилоси" ҳикоя ва қиссалар китоби (1966), "Қонли сароб" (1964), "Замон" (1968) драмалари эълон қилинган. "Оқ тонг қўшиғи", "Ватан ўғлонлари" қиссаларини ёзган. Киносценарий ва ҳикоялар тўплами ("Икки дил –икки олам", 1967) ва ад-тшуносликка оид "Ҳамид Олимжон абадияти" китоби муаллифи. Бад. асарлари асосида "Блокнот варағи", "Ватан ўғлонлари" фильмлари суратга олинган.

♦ *Азимов С.* Я вижу звезды. Рассказы, пьесы, киноповести. М., 1983; Сайланма. Икки ж. Т., 1988.

АЗИМОВ, Усмон (1950 й.т.) – ўзбек шоири. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Ўз-н халқ шоири ( ), ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган (1972). Республика радиосида, Ўз-н Президенти девонида хизмат қилган.

Шеърлари 1970 й.дан чоп этила бошлаган. "Инсонни тушуниш" (1978), "Ҳолат" (1979), "Ибтидо" (1980), "Акс садо" (1983) шеърлар китоблари ва "Сайланма"си чоп этилган. "Қуёшли дунё", "Бир қадам" драматик достонлари, "Қатағон" драмасини ёзган. В.Маяковский номидаги мукофот (1982) совриндори.

АЗИМОВ, Ҳайитбой (1929–1983) – ўзбек шоири, драматурги. Андижон ўқитувчилар инс-тини тамомлаган (1960), Ижтимоий Фанлар академияси (Москва, 1963)ни тамомлаган. Бад. ва публицистик асарлари 1960 й.дан чоп этила бошлаган. "Тақдир" (1967), "Никоб" (1969), "Ишонч" (1975) драматик асарлари муаллифи. "Салтанат ларзада" тарихий драмаси ўз даврида шуҳрат қозонган. Шеър ва ғазаллари қўшиқ қилиб айтилган.

АЗИНИЙ тиллари – м.а. 3 мингйилликда Осиёда яшаган халқларнинг т. гуруҳи. Мутахассисларнинг аниқлашича, А.т.лари таркибига хуррит, субар, митан, урату (халд), хетт ва Кичик Осиёда яшовчи лувит, ликий, лидий т.лари кирган.

- Турон кавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиклол, 2008 Б.27.

АЗИЯ (материк, қитъа) – қ.: Осиё.

АЗИЯ (Осиё) [мифология] – Исроил (а.с.) нинг хотини, Фиронинг кизи, Мусо (а.с.)нинг тутинган оналари. У ҳақда Қуръони каримда (ал-Қисас, 9; ал-Таҳрим, 11), Пайғамбарлик тарихига бағишланган асарларда, жумладан, "Қисасу-л-анбиё"да маълумотлар бор.

- *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.37-38.

АЗИЯ (сурёнийча: катта ер) – селевкидлар Суриядаги ўз давлатини А. деб аташган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.19.

«АЗИЯ» – козок адиби Ўлжас Сулаймонов асари (1975). "Аз и Я" тарзида ёзилиши ва ўқилиши тўғрироқ. Чунки муал. славян алфавитининг бошланиши ва сўнгги ҳарфларига, дунё тамаддунининг бошланиши ва охирига эътибор қаратган. Асарнинг жанрини белгилашда мутахассислар публицистика, илмий достон, тарихий-назарий тадқикот тарзида фикр юритадилар. Асар икки қисмдан иборат: 1. Лочин ва ғозлар. 2. Шумернома. 1-қисмда славян эпоси "Игорь жангномаси" ва унинг таркибидаги туркизмлар тадқиқ этилса, 2-қисмда жаҳон тамаддунининг илк ўчоғларидан бўлган Месопотамия маданияти ва шумер т., ёзуви ва ундаги тарихий манбалар ўрганилган.

"А" асари вақтида чекловларга сабаб бўлган, мафкура "соқчилари" томонидан қатағон қилинган ва муал. "пантуркизм", ҳатто сионизмда айбланган. Орадан 13 й. ўтиб, қайта қуриш даврида "А." иккинчи марта 200000 нусхада чоп этилган ва муал.нинг бошқа асарлари, жумладан, ушбу асар чеклови муносабати б-н Марказқўмга ёзган мактуби ҳам чоп қилинган.

- *Сулейманов О.* Азия / Эссе. Публицистика, стихи, поэмы. Алма-ата: Жалынь, 1990.

- *Дмитриев Л.А., Творогов О.В.* "Слово о полку Игореве" в интерпретации О.Сулейманова // Русская литература. 1976. № 1; *Селезнев Ю.* Мифы и истины // Москва. 1976. №3; *Лихачев Д.С.* Гипотезы темных мест "Слово о полку Игореве" // Звезда. 1976. №6.

АЗ, АЗЛАР (туркча: *ас*) – Енисей бўйларида яшаган туркий қавмлар. Олтой ва Саян тизмалари оралиғида яшаганлар. 709 й.да Тургут хоконлигига бўйсундирилган. Кул Тегин ёдномаларида "Аз халқи халок бўлди!" дея уларнинг мағлуб бўлгани айтилади. Кейинроқ тургутларга сингиб кетган қабила.

- Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиклол, 2008. Б.27.

АЗЛ (арабча: четлашиш) [поэтика] – аруз вазнига тегишли истилоҳ бўлиб, адабий т. (араб т.) меъёрларига кўра чўзиқ унлиларнинг вазн талабига кўра қисқа ўқилишидир.

- *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998.

АЗМИНА ва АЛФОЗ – қ.: Алфоз.

АЗМИЙ БУХОРИЙ – ўзбек шоири. Асл исми: Мулло Боқий Азмий. Мутрибий тазкирасида "Учинчи нуқта. Муал. кўрмаган шоирлар зикридадир" деган сарлавҳа б-н у ҳақда маълумот беради.

АЗОБ [диншунослик] – кишиларнинг қилган гуноҳлари учун белгиланган жазо. А. охиратда Аллоҳ томонидан белгиланган бўлиши мумкин ва бу дунёда ҳам гуноҳи учун қози ёки бошқа шариат пешволари томонидан жазо белгиланиши мумкин. Тасаввуфда Аллоҳдан жудолик қийноги, ҳижрон азоби.

АЗОЗИЛ (арабча) [мифология, диншунослик] – шайтон, Инжил ва Қуръони каримда Аллоҳ томонидан инсонлар яратилиб, уни ноиб (ўринбосар) қилиб белгиланишига қарши чиққан фаришта. Библиядаги талқинга кўра, халкнинг гуноҳдан фориғ бўлиш кунида кўринади. "Енох китоби"да Исо а.с. ва фаришта Рафаил б-н учрашади. Гётенинг "Фауст" асарида Мефистофел, Ф.Достоевскийнинг "Иблислар" романида Иблис, Антон Таамсаренинг "Дўзахдан чиққан янги Шайтон", М.Булгаковнинг "Уста ва Маргарита" ва Фитратнинг "Шайтоннинг Тангрига исёни" асарлари қаҳрамони. Айрим италянлашган манбаларда "Азазелло" номи б-н т.га олинади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.50-51.

АЗОН (арабча: чақириш) [диншунослик] – мусулмонларни намозга чорлаш. Ҳар куни беш вақт намоздан аввал муаззин томонидан ўқилади. А. чақириш Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) томонидан 622–23 йй.да белгиланган. Илк муаззин ҳабаш Билол бўлган. А. икки қисм матн ва дуодан иборат. А.

матнида мўъминларни намозга чорлаш, А. дуосида эса ибодат қабул бўлишлик Аллоҳдан сўралади. А. матни *такбир*да ҳам такрорланади. Одатда такбир фарз намозидан аввал ўқилади. Мусулмонларда янги туғилган чақалоққа исм қўйишда унинг ўнг қулоғига А., чап қулоғига такбир айтиш урф бўлган. Айтишларича, А. айтилган боланинг қулоғи очилиб, эшитадиган бўлади ва ўз исми қулоғида қолади.

АЗРАҚИЙ (585/1190) – хуросонлик шоир, Ҳаким Азрақий номи б-н машҳур. Марвда туғилган, асл исми: Абул Маҳосин Абу Бакр Зайниддин, отасининг исми Исмоил Варроқ. Эрон шоҳи Тўғоншоҳ саройида хизмат қилган. Девонида икки минг байтдан ортиқ шеър мавжуд. "Синдибод" номли асарни тиб илмига оид "Алфийаи шалфийа" номли рисоласи бор. А.нинг қитъаси:

Гар шоҳ ба шаш хост се як захм уфтод,
Та зин тийрики каъбатайн дод надод.
Шаш чун фигарист хатрати шоҳ,
Аз ҳайбати шоҳруйи хок ниҳод.

Таржимаси:

- *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.9.

АЗРАҚИЙЛАР – 11

АЗРОИЛ (арабча) [мифология] – ислом мифологиясида ўлим фариштаси. А жонзотнинг жонини олувчи эмас, балки ўлимдан устун турувчи фариштадир. А. инсон қисматини яхши билади, бироқ ҳар бир кишининг ўлим вақти Аллоҳ томонидан буюрилган вақтда маълум бўлади. А. фольклор ва ёзма адабиётда ўлим тимсоли сифатида қўлланилади. Мас., халқ эртаклари ва Омон Мухторнинг "Аёллар салтанати" романи қаҳрамони.

АЗУНИ, Доминико Алберто (1749 –?) – италян ёзувчиси.

- Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.116.

АЗФАРИЙ, Мирзо Али Бахт (1760–1819) – шоир, олим ва тарихчи. Ҳиндистонда Мирзо Бобир анъаналарни давом эттирган санъаткор. А. турли соҳаларга оид ўн бешдан ортиқ асарлар битган. Азфарий туркий, форс ва урду т.ларида ёзган шеърларидан уч девон тузган. «Воқеъоти Азфарий», «Савонихоти Азфарий» каби тарихий-биографик асарлар; «Фавод ал мубтада», «Фарҳанги туркий», «Рисолаи қабрия» сингари т.шуносликка оид китоблар ёзган. Алишер Навоийнинг «Маҳбубу-л-қулуб», Бобирнинг «Аруз рисоласи»ини форсчага тарж. қилган. Биргина «Аруз рисоласи»ни форс тилига ҳам назм, ҳам наср йўли билан ағдарган. «Аруззода» деб номланган бу таржималарнинг иккита нусхаси Ҳиндистон қўлёзма фондларида сақланади. Насрий нусхада Азфарий қуйидагиларни ёзади: «...унинг «Аруз туркий» китобидан мунтахаб этиб, форс тилига таржима қилдим, фарзанд ўз отасининг уйидан бирор нарса олиши мумкин, шунинг учун уни ўғри

хисоблаб, айбга санамасинлар». Бу асар Мадорас Давлат кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари фондида сақланади. Тарж. 1836 й. Маҳмудали Саид валади Ҳофиз Муҳиюддин Ҳусайн томонидан кўчирилган.

Азфарий ўз таржимасини Бобирнинг «Арузи туркий» рисоласининг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атайди. А. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини ҳам форс т.га тарж. қилган. «Фарҳанги Азфарий», «Насаби туркий», «Насаби туркийи чиғатоий», «Мезони туркий» асарларида турк т. ва грамматикасига бағишлади.

- *Ҳасанов С.* Ҳиндистонда Бобур даври туркий (ўзбек) адабий муҳити.

АИД, Гадес [мифология] – юнон мифологиясида кўринмас маҳлуқ, ўликлар салтанати маъбуди. Доимий еростида яшаса ҳам Олимп илоҳлари қаторида туради. Кронос ва Реянинг ўғли, Зевс ва Посейдоннинг укаси. Гомер достонларида саховатли, меҳмондўст қилиб тасвирланган.Олимп даври илоҳиётида иккинчи даражали илоҳлардан бирига айланади, уни Геракл енгади.

- *Платон.* Сочинения. Т.1. М., 1968; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.51-52.

АИММАИ АСМО [тасаввуфшунослик] – исмларнинг имоми. Ирфон аҳли т.да Ҳақ зотининг аслий исмлари ва сифатлари. Бошқа сифат ва исмлар шу тушунча орқали бир тизимга келтирилади. Саъдий Шерозий талқинича, булар: ҳаёт, илм, қудрат, ирода, самаъ, басар, каломдир.

"Мисбоҳу-л-унс" асарида келтирилишича, тўрт имом номи зикр қилиниб, улар: "Аиммаи арбаъа, улуҳият исмларининг оналаридирки, ҳаёт, ирода, қудрат ва илмдан иборатдир *(Қунёвий, Мисбоҳу-л-ҳидоя, 235)*

~ и калом – калом илмининг имомлари. Бундай шарафли ном Абу Мансур Мотурудий ва Имом Ашъарийга берилган. Бу устозлар "Бобурнома" (45а)да ҳам мана шу ном б-н улуғланади.

АЙА (аккадча) [мифология] – аккад мифларидаги маъбуда бўлиб, маъбуд Шамашнинг хотини. Уни аккад мифларида "келин" деб улуглайдилар.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.352.

АЙВАЗОВ, Ҳасан Сабрий – крим-татар маърифатпарвар адиби. Исмоилбек Ғаспиралининг шогирди. "Таржумон" газ.ни И.Ғаспиралидан сўнг (1914) 1918 й.гача (Рифат Исмоилбек ўғли б-н ҳамкорликда) чоп эттирган.
Яна қ.: Сабрий.

АЙВАЗОВСКИЙ, Иван Константинович (1817/17.VII–1900/19.IV) – рус рассоми. 1833 –37 йй. Санкт-Петербург Бадиий академиясида ўкиган, 1845 й.дан Бад. академия аъзоси, 1847 й.дан профессори. Феодесияда яшаган. Тўрт мингдан ортиқ сурат чизган. Энг машҳурлари: "Тунги бўрон" (1864),

"Қора денгиз" (1881), "Кирит оролида" (1867) в.б. Бадиий ад-тда "Тўққизинчи пўртана" (1850) асари таъсирида ҳикоя ва шеърлар яратилган.

• *Барсамов Н.С.* И.К.Айвазовский. М., 1967; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.117-118.

АЙВОН [меъморчилик] – масжид, мадраса в.б. меъморий иншоотларнинг олд қисми, кўпинча, устунлар б-н мустаҳкамланган. Шунингдек, уй ва саройнинг олд, кириш қисми. А. қадимда ҳукмдор саройида мусофирни кабул қилувчи жой вазифасини бажарган. Қад. Парфия саройларида ва сосонийлар курдирган саройларда хукмдорнинг аҳолини қабул қилиш жойи вазифасини бажарган. Мас., Эрондаги Кўҳи Хожа, Ирокдаги Ктесифон саройи.

АЙДЗУРИ (японча) [эстетика] – япон китоб босиш усули бўлиб, унда ранглардан фойдаланилади, рангли матбаа. *Индиго* усулида босилган етакчи ранг ва унга мос ранглар туркумидир.

• Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.9.

АЙЙАМУ-Л-АРАБ (арабча: араб кунлари) [поэтика] – илк араб ад-тидаги эпик жанрлардан бири. Исломга қадар ва илк ислом даврида араб қабилалари ўртасидаги урушлар ҳақидаги ҳикояларга нисбатан қўлланилган. Мас., "Йавму Буос" ("Буос куни"), "Йавми Зи Қор" ("Зи Қор куни") киссалари. А.а. жангнома типидаги асарларда ва қаҳрамонлик эпослари таркибида ҳам учрайди. Бадоиунлар томонидан V–VII асрларда фаол қўлланилган. Наср ва назм аралаш ҳолда қўлланилади. Бу туркумда "Басус жанги", "Абс ва Зубйан жанги" асарлари мавжуд. Абу Убайда Мамар ибн Мутанна 1200 А.а.дан иборат мажмуа жамлаган. Араб тарихий насрига таъсир кўрсатган. VII- X асрларда араб файласуфлари асарларини ушбу жанрда ёзишган.

• *Беруний.* Қад. халклардан колган ёдгорликлар. Т.: Фан, 1968; *Абдулмалик ибн Хишом ал-Маъорифий.* Ас-сийра ан-Набавиййа. Т.: Sharq НМАК, 2011. Б.8.

АЙЕР, Альфред (1910–1989) – инглиз файласуфи. Лондон ва Оксфорд университетлари профессори. Илк китоби "Тил, ҳақиқат ва мантиқ" (1936)да мантикий позитивизм вакили сифатида кўринди. Унингча, фалсафа умумлаштирувчи фан сифатида эмас, балки танқидий-таҳлилий фан сифатида яшаши керак. "Билиш муаммолари" (1956) китобида рецепция, яъни идрок, хотира ва шахсий иродага тегишли қарашларни илгари сурган. Бадиий асарни ўзлаштириш ва ахлоқ масалаларида *эмотивизм* концепциясини илгари сурган. Бу А.Н.Веселовскийнинг сюжет ва мотив муносабати ҳақидаги қарашларига танқидий муносабат бўлиб, уни замон талаблари асосида янгилаган.

• Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.11.

АЙЁР САМАҚ – к.: Самақ Айёр.

АЙЛИСЛИ, Акрам Нажаф ўғли Наибов (1937 й.т.) – озарбойжон адиби. "Тоғда туман" (1963), "Мадина амма эртаклари" (1966), "Одамлар ва дарахтлар" (1968) қиссалари муаллифи.

♦ *Айлисли А.* Люди и деревья. Повести. М., 1971; Над Курой в теплых лесах. Повести и рассказы. М., 1976; Сказание о хрустальной пепельнице. Изб. повести и рассказы. М., 1977; Мадина амма эртаклари. Т.: Ад-т ва санъат нашр., 1978.

• *Рустамова А., Набиев Б.,* Караев Я. Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.436.

«АЙМАН, ШОЛПАН» – қозоқ халқ достони. XIX аср 1-ярмида яратилган. Синглиси Шолпан ҳамда ўзини қулликдан озод қилган Айманнинг саргузаштлари баён қилинган. Бу достонда "Қабланди ботир", "Алпомиш" каби эпослардан фарқли ўлароқ мифик қаҳрамонлар учрамайди. 1934 й. М.Авезов бу достон сюжети асосида музикали драма либреттосини ёзган.

АЙМАҚ (аймоқ) [этнография] – I. туркий қавмлардан. Турк, мўғул, тунгус-манчжур т.ида дастлабки уруг ва қавмларга нисбатан ҳам А. сўзи қўлланилган. Мўғулларда айрим ҳудуд ва мулклар ҳам А. дейилади. Афғонистонда А.лар номли уруғ ҳозир ҳам яшайди. Ҳ. Афғонистонда А.ларнинг фирузкўҳий, тайман, жамшид, таймур, *чаҳораймақ* уруғлари яшайди. А. сунний эътиқодли мусулмонлар. XV-XVI асрларда Фарғона водийсида, Қашқадарё воҳасида А. қавми вакиллари яшаган.

II. Бурятия (Россия)да туман, Мўғулистонда вилоят номи.

АЙН – I. кўз, дийда, кўз қорачиғи. Айн – 88, Айн-157, *354*

II. [тасаввуфшунослик] тасаввуфда сифатлар анвори... яқин қалби.

Эй, санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламязал.
Не бўлуб аввалда бидоят санго,
Не келиб охирда ниҳоят санго.
Аввал ўзунг, охиру мабайн Ўзунг,
Борчага холиқ, боригa айн Ўзунг.

(Алишер Навоий, "Ҳайрату-л- аброр", 19-б.)

инсони ~ (инсони айн) – комил инсон:

Деманг айни инсон, ки инсони айн.
Ҳам инсону, ҳам айн Султон Ҳусайн.

(Алишер Навоий. "Тарихи мулуки Ажам", 23-б.)

АЙН – қ.: Олим Шарафиддинов.

«АЙН КИТОБИ» – араб олими Халил ибн Аҳмад асари. Бу асар араб т фонетикасига бағишланган дастлабки тадқиқотлардан биридир. Ушбу асарда араб арузининг метрик асослари баён қилинган. Шунинг учун "А.К." арузшуносликка оид илк асар сифатида ҳам қадрланади. Бизгача етиб келмаган. Халил ибн Аҳмаднинг шогирди Ахфаш устозининг аруз ҳақидаги қарашларини давом эттириб, ўз асарларида бу китобдан намуналар берган.

АЙН ТИЛИ (японча) – Япониянинг Хоккайдо оролида яшовчи қавм тили. XVIII–XIX асрда Курилл оролларида, Камчатка ва Сахалинда ҳам бу тилда сўзлашувчи яшаган. Сўнгра нивхлар ва ителменлар б-н ассимиляциялашган. Айримлари Японияга кўчиб кетган. Таркибида суффиксация мавжуд агглютинатив т.дир. А.т.да сўзлашувчи қавмлар *айнлар* деб номланади. А.т. япончадан кескин фарқланади. Мутахассисларнинг фикрича, А.лар неолит даврида Японияга Жанубий-Шарқий Осиёдан келиб ўрнашиб қолган. А.т.да яратилган мифларда юқори маъбуд Пасе камуй, маъбудлар Яйян камуй, Камуй мосири, Покна мосири кабилар ҳақида сўз боради.

• *Добротворский М.М.* Айнско-русский словарь. Казань, 1875; *Batchelor J.* An Ainu English-Japanese distionary. Tokio, 1938; Народы восточной Азии. М., 1965; *Леонтьев А.* Айнский яз. / БСЭ. М., 1970. С.307; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.52-54.

АЙНИЙ, Бадриддин (1360–1451)* – тасаввуф олими. Тўлиқ исми: Аҳмад б. Мусо б. Аҳмад б. Ҳусайн б. Юсуф б. Маҳмуд. Ойинтоб ш. (Сурия)да туғилган. Бобоси Аҳмад б. Ҳусайн милодий 1320 й.да ўғли Мусо б-н Анқарадан ҳижрат қилиб, Ҳалаб (Сурия)га келиб қолган. А. Ойинтобда илм таҳсилни олиб, сўнгра Малатиа ва Халабда сабоқни давом эттирди. Миср ва Макка сафаридан сўнг, Қоҳирада яшаган, мухтасиб (нозир) ва авқоф (вақф ерлари) нозири бўлиб ишлаган. 1417 й. Қуддуси шарифга келган. А. Туркия султонлари топшириғи б-н фиқҳ ва тарихга доир қатор асарларни арабчадан турк т.га тарж. қилган. 1425 й. ҳанафия мазҳабининг бош қозиси этиб тайинланган. Қабри мадрасайи Айния мозорида.

А. фиқҳ, ҳадис, усули сарф (грамматика) ва луғат илмларида, тарих ва хаттотликда кучли бир зот эди ва туркий т.да ғоят таъсирчан ёзган. А. асарлари аксарияти араб т.да, қисман турк т.да ёзилган. Муҳимлари: 1) Икдум жуман фи таърихи-з-замон; 2) Ибнул Малик "Алфия"сининг 4 шарҳидан шеър масалаларига доир "Ал-Мақосидул навҳия фи шарҳи шавоҳиди шуруҳ "ал-Алфия" номли асари Бағдодийнинг "Хизону-л-адаб" асарига илова қилинган; 3) Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорийнинг "Сахиҳ"и шарҳидан иборат "Умдатул-қорий фи шарҳи ал-Бухорий" асари. Сўнгги асарида А. "Сахиҳ"да баён этилган ҳадисларнинг иснод, маснадлари (манбалари)ни тадқиқ этган. Замахшарий, Абдуллайс Самарқандий ва Байзавий тафсирларига иловалар ёзган. Араб т.да ёзилган 20 ж.ли "Икдуд жуман фи тарихи аҳли-замон" китобини Шиҳобиддин Аҳмад б-н 8 ж.ли

* Мақола М.Маҳмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

келтириб, қайта ёзиб чиққан. А. "Тарихи ал-Бадр фи авсофи ахлул-аср" асарида Абул Фараж Жавзий, Абу Шом, Абул Фидо, Захабий ва Ибн Қосир каби машҳур шахсларнинг ҳаётномасини келтириш йўлидан борган.

А. Ўрта ва Яқин Шарқ, хусусан, Ирок, Сурия, Миср, Андалус (Испаниё), Мағриб ўлкалари, Яман ва Ҳиндистон воқеаларини муфассал ёритади. А. шоирлар ва ҳанафия фақиҳлари учун қўлланмалар, пайғамбарлар ҳаётига доир китоблар, "Али Аббос тарихи" асарлари муаллифидир.

- *Маҳмудов М.* Бадриддин Айний / Ахли дил. Т.: Ўқитувчи, 1998. Б.276-278.

АЙНИЙ, Мехмет Али (1869–1945) – атоқли тасаввуфшунос, тарих ва фалсафа олими. 1888 й.дан Диёрбакир (Туркия)да маориф мудири, Тоиф, Аммора, Балиқасрда сарроф, Харбут, Иония ва Трабзон вилоятларида вилоят ҳокими вазифаларида ишлаган. Истанбул ун-тида Илоҳиёт фак-ти декани вазифасида ишлаган, тарих ва фалсафадан дарс берган. Ҳарвард (Германия, 1926) ва Оксфорд (Англия, 1930) ун-тларининг халқаро конгрессларида қатнашган.

Асосий асарлари: "Ҳужжату-л-ислом» (1907), «Фан ва фалсафа» (1913), «Тасаввуф тарихи» (1922), "Ҳожи Байрам Валий" (1924), "Ибн Арабий фалсафасининг зубдаси (қаймоғи)" (1926, француз т.да), "Турк ахлоқшунослари" (1939), "Абдукодир Жилоний" (1939, француз т.да). "Тасаввуф тарихи" китобида Миср, Ҳиндистондаги суфийлик тариқатлари ҳақида сўз юритилиб, мусовийларда тасаввуф, Искандарияда янги плотинчилик, исовийликда тасаввуф каби мавзуларни ёритган.

- *Ayni, Mehmet Ali.* Tasavvuf tarihi. İstanbul, 1992.

АЙНИЙ, Садриддин Саидмуродзода (1878.15/IV–1954/15/VI) – ўзбек ва тожик адиби, олим ва жамоат арбоби. Тожикистон Фанлар академиясининг асосчиларидан ва биринчи академиги (1951), Тожикистон Р. Фан арбоби (1940), филология фанлари доктори (1948), проф. (1950). Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Сактаре қишлоғида туғилган. Бухородаги Мирараб (1890–91), Олимхон (1892–93), Бадалбек (1894–96), Ҳожи Зоҳид (1896–99), Кўкалдош (1899 –1900) мадрасаларида ўқиган. "Тарбияти атфол" (Болалар тарбияси", 1909) жамиятини тузган. Бухоро сўл жадидчиларининг фаолларидан, 1914 й.дан "Ёш бухороликлар" партияси аъзоси. 1919–21 й.да «Шуълаи инқилоб" журн.да ишлаган.

Жадид мактаблари учун "Тартибу-л-Қуръон" ("Қуръонни тартибли ўқиш)" (1909), "Таҳзибу-с-сибён" ("Покиза хулқли бола") дарсликлари (1909, 1917) чоп этилган. "Қиз бола ёки Холида" (1922, 1924) дарслиги қизлар мактаблари учун мўлжалланган 30 дарсдан иборат қўлланмадир."Алифбо" (1924), "Чаласаводлар учун ўқиш китоби" (1930), ўрта махсус таълим учун "5 дар 4" (1931) каби асарлари жорий мактабларда фаол қўлланилган.

"Озодлик марши" (1918) шеърлар китоби, "Бухоро жаллодлари" (1920), "Одина" (1924), "Қулбобо ёхуд икки озод" (1928), "Эски мактаб" (1935),

"Судхўрнинг ўлими" (1939, 1953) қиссалари муаллифи. "Дохунда" (1930), "Қуллар" (1934) романларини ёзган. Эссе-бадиа шаклида ёзилган «Эсдаликлар" (4 ж., 1949–54) асари Давлат мукофоти б-н тақдирланган. "Манғит сулоласи амирлари тарихи" (1923), "Бухоро инқилоби тарихи" (1924) асарлари хотираларга бой, "Намунайи адабиёти тожик" (1926) тазкирасида 200 дан ортиқ адиб ижоди ҳақида маълумот бор. Рудакий, Ибн Сино, Фирдавсий, Саъдий, Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Восифий ва Бедил ҳақида монография ва рисолалар ёзган. 1938 й. "Тожик т.нинг қисқа изоҳли луғати" (1976 й. нашр қилинган)ни тузган. "Форс-тожик т.лари ҳақида", "Тожик тили" рисолалари муаллифи.

Душанбе ш.да вафот этган. Самарқанд (1967) ва Бухоро (Сактарс)да ёдгорлик ва уй-музейлари бор.

♦*Айний С.* Асарлар. 1-8 ж. Т., 1963–1967; Куллиёт аз 15 ж. Душанбе: 1958-1977; Собр. соч. Т.1-6. М., 1978.

• *Брагинский И.С.* Жизнь и творчество С.Айни. М., 1958; *Азизқулов Ч., Муллачонова Т.* Фуҳрасти асарҳои С.Айни ва ад-ти оидба ўто охири соли 1961. Душанбе, 1963; *Нигматов Х.Н.* Путь С.Айни – поэта. М., 1965; *Брагинский И.С.* Садриддин Айни. М., 1978; *Ҳасанов М.* Айний чамани. Т., 1978; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.271-278.

«АЙНИЯ РИСОЛАСИ» – Шайх Аҳмад Ғаззолийнинг Айну-л-Кузот Ҳамадоний (в.1130/31)га ёзган мактублари тўплами. Китобда Қуръони каримнинг айрим оятларига шарҳлар, ибратли ҳадислар, шайх ва валийларнинг сифат ва карометларига оид маълумотлар ҳамда унга бурилган саволларга жавоблар жамланган. Алишер Навоий "Насойиму-л-муҳаббат"да асарга таъриф беради.

• *Алишер Навоий.* МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5.

«АЙНИЯ ҚАСИДАСИ» – Абу Али ибн Сино асари. "А.қ."да жисм қафасидан қутилган руҳ қушининг арши аълога қайтиши тасвирланган.

♦*Абу Али ибн Сино.* То авжи Зуҳал. Шеърлар тўплами. Форс-тожик, рус, инглиз тилларида. Душанбе: Ирфон, 1980.

«АЙНУ-Л-ЖАМЪ» – Мансур Ҳалложга нисбат бериладиган тасаввуфий руҳдаги асар. А.ж. Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳоту-л-унс" ва Алишер Навоийнинг "Насойиму-л-муҳаббат" асарларида т.га олинган.

• *Алишер Навоий.* МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5.

АЙНУ-Л-ЙАҚИН [тасаввуфшунослик] – тасаввуф таълимотида Аллоҳни билишнинг иккинчи босқичи. Биринчиси *илм-л-йақин*, учинчиси *ҳаққу-л-йақиндир*. А. да ўз кўзи б-н кўриб ишонч ҳосил қилинади, бу жараёнда солик нафсни енгиши керак. А.га етган киши нимага боқса, Аллоҳ қудратини кўради ва унинг моҳиятини англайди. Чунки бу даражада қалб кўзи олдида парда қолмайди.

Кашф ва мушоҳада орқали ҳосил бўладиган ишонч, англанилган илоҳий моҳият:

Етишган бегумон айну-л-йақин асрорин ҳар ким,
Аёғинг туфроғидин кўзларга тўтиё чекса.

(Алишер Навоий, Хамсату-л-мутаҳаййирин, 380)

«АЙНУ-Л-ҲАЁТ» ("Ҳаёт булоғи") – I. Алишер Навийнинг форс т.да ёзилган "Ситтаи зарурия" ("Олти зарурат") қасидалар мажмуасига кирган иккинчи қасида. "А.ҳ." туркумдаги иккинчи қасида (биринчи қасида – Аллоҳнинг ҳамди) бўлгани учун Пайғамбар наъти сифатида ҳам қабул қилинади. Қўлёзма сарлавҳасида бунга ишора бор: «Қасидайи «Айну-л-ҳаёт» дар наъти Расул алайҳи-с-салавот». Асар 106 байтдан иборат.

II. Шайх Нажмиддин Кубронинг Қуръон тафсирига бағишланган асарининг бир қисми ҳам шу ном б-н юритилган. Алишер Навоий "Муҳокамату-л–луғатайн" асарида "А.Ҳ" ҳақида сўз юритган.

• *Алишер Навоий.* Муҳокамату-л-луғатайн. МАТ. Т.: Фан, 2001; *Ганиева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

АЙРЕНИ [поэтика] – Ўрта асрлар арман шеъриятидаги бир бандли, 15 ҳижоли шеър шакли. X асрда Григол Нарекаци ижодида бошланган. Кучак Наапет юксак намуналарини яратган. Замонавий арман шеъриятида В.Давтян, А.Сагиян, С.Капутикян ижодида ҳам ушбу жанр учрайди.

♦ *Кучак Наапет.* Сто и один айрен. Ереван, 1976.

АЙРЙАМАН [мифология] – "Авесто"да эзгу кучлар тарафдори. Шундай қаҳрамон веда ва кельт мифларида ҳам учрайди. Аҳурамаздага қарши курашда Аҳриман ўз кучи б-н рақибини енголмагач, унга карши А. юборади.

АЙТИМ [фольклоршунослик] – ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири, қўшиқ тури. Хонанда иштирокида ижро этиладиган ўзбек мусиқа фольклори жанрлари: терма, ялла, лапар, ашула, маросим қўшиқлари ҳам А. деб юритилади. Вокал мусиқасида Хоразм ашула йўли. "Мансум" деб аталган А. йўли мавжуд.

АЙТИШУВ [фольклоршунослик] – икки шоир ўртасидаги шеърий мушоира. Ёзма ад-тга фольклордан кириб келган. Фольклорда бахши, жиров, оқин, халфа ва лапарчилар мусобақаси. Бахшилар бир мавзуда терма ва достон айтиб ўзаро мусабақалашган. А.да айрим халқ достонларидан намуналар, "Алпомиш", "Гўрўғли" достонларининг версиялари ҳам айтилган. Ёзма ад-тда икки шоир бир байт ёки банддан шеър айтиш мусобақасини ўтказган. Мас.,

АЙТМАТОВ, Чингиз Тўракулович (1928/12.XII–2008) – таниқли қирғиз адиби, мутафаккири ва давлат арбоби. Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968),

Қирғизистон ФА академиги (1974). Халқаро Иссиққўл форуми (ҳоз. Ч.Айтматов номли) асосчиси (1986).

Қирғизистоннинг Шекер қишлоғи (Олой вилояти)да туғилган. Отаси Тўрақул Олой партия қўмитасининг котиби бўлиб, 1937 й.ги қатағонда ўлдирилган. 15 ёшидан Қишлоқ фуқаролар кенгашида котиблик қилган. 1946 й.дан Жамбул зооветеренария техникумида, сўнгра Қирғизистон қишлоқ хўжалиги ин-тида ўқиган ва 1953 й.да тамомлаган. Қирғизистон Чорвачилик илмий-тадқиқот ин-тига қарашли тажриба фермаларида ишлаган. 1956–58 йй. Москвада Ад-т ин-тида таҳсил олган. 1952 й.дан маҳаллий матбуотда, 1956 й.дан марказий матбуотда асарлари чоп этила бошлаган. 1957 й.дан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Москвадаги "Иностранная литература" журналида бош мух-р бўлган, Россиянинг Люксембургдаги, Қирғизистоннинг бир неча Европа мамлакатларидаги элчиси сифатида дипломатик фаолият кўрсатган.

Қирғиз ва рус т.ларида ижод қилган. Илк ҳикоялари 1950 й.да чоп қилинган. "Байдамтол соҳилларида" (1955), "Юзма-юз" (1957) қиссалари кирғиз т.да, 1961 й.дан асарлари рус т.да чоп этила бошлаган. "Жамила" (1957), "Юзма юз" (1958), «Сарвқомат дилбарим", "Бўтакўз" (1961), "Биринчи ўқитувчи", "Момо ер" (1963), "Сомон йўли" (1963), "Алвидо, Гулсари!" (1966), "Ок кема (Эртакдан сўнг)" (1970), "Эрта учган турналар" (1975), "Қирғоқ бўйлаб чопаётган олапар" (1977) қиссалари машҳур. "Асрга татигулик кун (Бўронли бекат)" (1980), "Қиёмат", "Кассандра тамғаси" ("Охирзамон нишоналари"), "Тоғлар қулаганда (Абадий қайлиқ)" романлари ва "Фудзиямада кунчиқиш" драмаси муаллифи.

"Жамила" қиссаси фавқулодда шуҳрат қозонган, Европа т.ларига тарж. қилинган (франц. т.га Луи Арагон тарж.). Асар "севги ҳақидаги дунёда энг гўзал қисса" (Л.Арагон), "тезкор ривожланаётган адабий жараён ҳодисаси" (Г.Гачев) сифатида баҳоланган ва адиб ижоди "кирғиз ренесанси" сифатида (Л.Левченко) эътироф этилган. Айни қисса ва бошқа асарларини ўз ичига олган "Тоғ ва чўл қиссалари" тўплами (беш қисса) Давлат мукофотига сазовор (1963) бўлган. Ч.А. "Жамила"дан кейин тўрт қисса, бир неча ҳикоя ва очерклар ёзган бўлса ҳам А. тадқиқотчиларидан В.Левченко "Жамила"дан кейин "Алвидо, Гулсари!"ни ўқишни тавсия қилади. Ч.А. ижодини жаҳон адаб. ти контекстида ўрганган Г.Гачев адиб қиссаларини мавзусига кўра: эҳтиросли севги ("Жамила"), ҳақиқат ("Алвидо, Гулсари!"), адолат ("Эрта учган турналар"), виждон ("Эртакдан сўнг" – «Ок кема"), курбон ("Сохил бўйлаб чопаётган Олапар") тўғрисидаги асар деб ажратган. "Алвидо, Гулсари!" қиссасида табиат ва табиий туйғулар ҳимоя қилинган бўлса, "Ок кема" қиссаси (1971) соц.реализм қолипларига сиғмайдиган, халқ ижодига хос жўшқинликни сингдирган асар сифатида шуҳрат қозонган. Адибнинг "Асрга татигулик кун" ("Бўронли бекат"), "Қиёмат" ("Кунда"), "Кассандра тамгаси" ("Охирзамон нишоналари"), "Қулаётган тоғлар" ("Абадий қайлиқ") романлари XX аср жаҳон романчилигида ўзига хос ҳодиса сифатида эътироф этилган. "Асрга татигулик кун" таркибига кирган, бироқ ўша пайтда чоп

этилмаган "Чингизхоннинг оқ булути" қиссаси алоҳида асар сифатида эълон қилинган.

А. адабий-танқидий қарашлари собиқ иттифоқ ад-ти, хусусан, Марказий Осиё халқлари ад-ти тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Адиб мақолалари "Ер ва сув ҳаммуал.лигида" номли (1978) тўпламида эълон қилинган. А. нинг деярли барча асарлари ўзбек т.га тарж. қилинган. Уларни А.Рашидов, И.Ғафуров, М.Маҳмудов ва С.Қораев ўзбекчага ўгирган.

♦ *Айтматов Ч.* Повести гор и степей. М.: Молодая гвардия, 1965; В соавторстве с землею и водою / Очерки, статьи, беседы, интервью. Фрунзе, 1979; Собр. соч., т. 1-3. М., 1982-84; Статьи, вкступления, диалоги, интервью. М., 1988; Асрга татигулик кун, Қиёмат. Романлар. Т., 1998; Когда падают горы (вечная невеста). СПб.: Азбука-классика, 2006. Танланган асарлар. 1-3 ж. Т.: Шарқ НМАК, 2009; Тоғлар қулаганда (Абадий қайлиқ) // Жаҳон ад-ти. 2009. № 11.

• *Ауэзов М.* Путь добрый! // Лит-ная газета. 1958. 23 октября; *Арагон Л.* Самая прекрасная на свете повесть о любви // Культура и жизнь. 1959. №7; *Асаналиев К.* Открытие человека современности. Фрунзе, 1968; *Лебедова Л.* Повести Ч.Айтматова. М., 1972; *Коркин В.* Человеку о человеке [О творчестве Ч.Айтматова]. Фрунзе, 1974; *Мирзаахмедова П.* Национальная эпическая традиция в творчестве Ч.Айтматова. Т., 1980; *Гачев Г.* Чингиз Айтматов и мировая лит-ра. Фрунзе, 1982; *Левченко В.* Чингиз Айтматов. Проблемы поэтики, жанра, стиля. М.: Сов.писатель, 1983; *Ахматалиев А.* Чингиз Айтматов и взаимосвязи литератур. Бишкек, 1991.

АЙТЫС [фольклоршунослик] – қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ в.б. қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи туркий халқлар окин ва жировларининг мушоираси, шеърий мусобақаси. А.га айрим ҳолларда театрлашган драма, халқ театри кўшилган ҳолда намойиш этилиши мумкин. А. фольклор жанри сифатида XIX асрда кенг тарқалган бўлиб, унинг турли шакллари мавжуд: йигит б-н қиз А., бахши (жиров)лар ўртасидаги А. Окин ва жировлар ўртасидаги А. муайян мавзуда ёки бирор достоннинг маълум қисмлари бўйича ўтказилган. Қозоқ А. муал.лари Жамбул Жабаев, Нурпеис Байганин, Исо Бойзоқов в.б. Яна қ.: *айтишув.*

• Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М., 1974; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.22; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.14.

АЙХ, Гюнтер (1907–1975) – олмон шоири. Ижоди 20-йиллардан бошланган. 1930 йилда "Шеърлар" тўплами нашр этилган. Дрездендаги "Колонна" журн. тўгарагида қатнашган. Асарлари Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эътиборга тушган. Уруш охирларида АҚШ нинг Рейндаги ҳарбий асирлар лагерида яшаган. "Узоқ ҳовлилар" (1948), "Ёмғир мактуби" (1955) тўпламлари б-н нозик лирик ва пейзажчи шоир сифатида эътироф этилган. "Уйқулар" радиопьесасида ижодининг асосий йўналишларини баён қилган (*"Эсла, Корея ва Бикинини харитадан эмас, қалбингдан изла. Эсла, ҳар қандай жиноятда у қаерда содир бўлмасин сен айбдорсан"*).

♦ *Айх Г.* Стихотворения / Из современной поэзии ФРГ. Вып.1. М.: Радуга, 1983.

АЙХЕНВАЛЬД, Юлий Исаевич (1872 – ?) – атокли филолог олим. Одессада туғилган, 1892 й.да Новороссийск ун-тини тамомлаган. "Локк эмпиризми ва Лейбниц рационализми" асари учун Файласуфлар жамияти олтин медалини олган. 1895 й.дан Москвага келиб, "Вопросы философии и психологии" журн.да фаолият кўрсатган. "Алоҳида саҳифалар" (1910), "Пушкин" (1908), "Валерий Брюсов" (1910) каби асарлари чоп этилган. Шопенгауэр асарларини рус т.га тарж. қилган. Бир неча ж.дан иборат «Силуэты русской литературы» асари б-н шуҳрат қозонган.

- *Венгеров С.* Айхенвальд Ю.А. / Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.120-121.

АЙШ [тасаввуфшунослик] – сўфийнинг Илоҳни мушоҳада қилиб, давомли ҳузурланиш ва руҳий-маънавий фароғат топиши; Ҳақ б-н дўстлашиш (унс) лаззати ва бундан қалбнинг огоҳ бўлиб яйраши. А. тасаввуф ад-тида Ҳақ дийдорига ташналик маъносида ҳам келади. Солик (Ҳақ йўлига кирган сўфий) нафсоний сифатлардан воз кечиб, парданинг кўтарилишига, яъни Ҳақ дийдорига етишига мушток бўлади. Бобур шеъриятида шундай қўлланилган:

Ўзни кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

- *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005.

АЙША – к.: Оиша.

АЙЮБ (а.с.) [мифология, диншунослик] – Қуръони карим ва Тавротда (Иова) номи келтирилган пайғамбарлардан. Аллоҳ таоло Айюб пайғамбарнинг сабр-тоқатини синаш учун бошига кўп кулфатлар ёғдиради. А. бутун мол-мулки қўлдан кетса-да, шукр қилади. Хаста бўлади, лекин сабр қилади. Баданидаги яралари боис ёнига одам келмайди, бунга-да бардош беради. А. пайғамбар ҳамма кулфатларга сабр б-н бардош бергани учун сабр тимсоли бўлиб қолади. Айтишларича, Аллоҳ сабрни ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Айюб пайғамбарга, қолганларини барча инсонларга берган экан. Сабри туфайли Аллоҳ унга қайта соғлик ва фарзанд ато этади, яна йигирма й. пайғамбарлик қилади. Бу ҳақда Бобур ёзади:

Гар ҳажринг имтидоди мундин ортар,
Қолмас менга сабр – сабри Айюб ўлса.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.52; *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005.

АЙЮБ ШАҲРИСАБЗИЙ (XV–XVI) – ўзбек шоири, мусиқашунос олим. Турк ва форс т.ларида ижод қилган. Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис", Содиқбек Китобдорнинг "Мажмау-л-хаввос" ("Хослар мажмуаси") тазкираларида А.Ш.ҳақида маълумот берилган. Мусиқашунос сифатидаги

фаолияти Дарвишали Чангийнинг "Тухфату-с-сурур" мусиқа рисоласида ёритилган.

АЙЮБ ҒУЛОМ – қ.: Ғуломов Аюб.

АЙЮБИЙЛАР – XII-XV асрларда Миср, Сурия, Диёрбакир ва Яманни бошқарган мусулмон подшоҳлари сулоласи. Сулола асосчиси Айюб 1138 й. турк султонлари хизматига кирган. Сўнгра лашкарбоши сифатида Мисрни фатҳ этишда қатнашиб, даслаб Мисрда, сўнгра бошқа ўлкаларни қўлга киритган. А. Мисрда Малик ан-Носир Салоҳиддин (1169)дан Баҳрий мамлуклари ҳокимиятига қадар (1152), Дамашқда Малик ал-Афдал Нуриддин Алидан (1186) Малик ан-Носир II Салоҳиддинга қадар (1260), Диёрбакирда 1185 й.дан ҳокимиятни бошқарган. Қизиғи шундаки, улар мўғул ҳукмронлигидан кейин ҳам яна курашлар б-н ҳокимиятга эришиб, ўзларининг бошқарувини Диёрбакирда 1462 й.га қадар сақлаб қолганлар. Бу сулола б-н темурийлар ва оққўйинлилар ҳам қаттиқ жанглар олиб борганлар.

- *Босворт К.Э.* Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.94-98.

АЙЮҚИЙ (XI) – форсийзабон шоир. Ғазнада яшаб ижод этган. Бизгача сақланган "Варқа ва Гулшоҳ" достони Султон Маҳмуд (998–1030)га тортиқ қилинган. Достон Аҳмад Оташ томонидан Истанбул кутубхонасидан топилган ва 1343 ҳ.й.да Забиҳуллоҳ Сафо томонидан чоп қилинган. Достон романтик сюжетга эга бўлиб, унинг воқеалари араб манбаларига бориб тақалади. Достон воқеалари Яманда кечади. Достоннинг каттагина қисми Тожикистонда чоп этилган "Сабаки Рўдаки" ("Рудакий сабоғи") тўпламида чоп қилинган. Матнни проф. Аҳмад Абдуллаев нашрга тайёрлаган.

- *Айюқий.* Варқа ва Гулшоҳ / Сабаки Рўдакӣ. Душанбе: Ирфон, 1984. С.203-270.

АЙҒУЧИ – Турк хоқонлиги (VI–VII)да давлат маслаҳатчиси. Билга хоқон А.си Тўнюқуқ (Апа Тархон) бўлган. У Хитойда таълим олган, унинг номи ва тарихи битилган Тўнюқуқ битик тоши мавжуд. Битик тоши ҳоз. Мўғулистоннинг Улан Батор ш. шимолидаги явловда сақланади.

АКА БУХОР (1894–1962) – ўзбек қизиқчиси, латифалар ижодкори. Асл исми Бухоржон Зокиров. Қўқон ш.да туғилган. Халқ театри ташкилотчиси Маҳкам Ҳофиз труппасида иштирок этган. А.Б. репертуаридаги "Нон гарови", "Юрак оғриғи", "Рўмолча ўйини" сингари ҳажвиялари эл эътиборини қозонган. 1920-йй.да "Ҳасан, Ҳусан", "Олти бола", "Новвойлик", "Мироббоши", "Чаққон бола" кулги ҳикоялари машҳур бўлган. XX асрнинг 40-й.ларида Шокиржон Тошканбоев, Усмон Нишонбоев, Ҳаким Парпиев каби дорбозлар гуруҳларида қатнашган. А.Б. пантомима, овозга тақлид, аския в.б.фольклор жанрларида маҳоратли санъаткор бўлган.

- *Қодиров М.* Масхарабоз ва қизиқчилар санъати. Т., 1968; Томоша санъатлари: ўтмишда ва бугун. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АКАЙ (АКАС) мерган – қирғиз эпоси "Манас" қаҳрамонларидан бири. Қалмиқларнинг қирғизларга ҳужуми даврида 10 уйлик қирғиз эли бошқалардан ажралиб тоғ орасида қолади. Уларга бозордан от олиб, модлий ёрдам берган синчилардан бири А.дир. Эпосда бу қаҳрамон Манас, Талас ва Авлиё ота каби асосий персонажлар қаторида иштирок этади. А.нинг жасорати ва топқирлиги туфайли унинг ўлимидан сўнг у яшаган яйловга А. мерган номи берилган.

- Манас / Миртемир тарж. Т., 1968; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.84–85.

АКАДЕМ [мифология] – юнон мифологиясида афиналик қаҳрамон. А. Диоскурга Тесей томонидан олиб қочилган унинг синглиси Елена қасрга яширинганини маълум қилади. М.а. IV асрда Еленани яширган ўрмонда Афлотун яшаган ва мактаб барпо қилган. Бу мактаб *Афлотун академияси* номини олган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.55.

АКАДЕМИЗМ (французча: akadémisme – илмий даража, статус) [эстетика] – XVI–XIX асрлар тасвирий санъатида мумтоз анъаналарга асосланувчи йўналиш. А.га кўра юксак санъат мумтоз анъаналари асосида ривож топиши, ижоднинг абадий қонуниятларига амал қилиши лозим. Италияда Болон мактаби санъатда антик ва уйғониш даври қонуниятлари жорий қилинишини ёқлаган. Француз А. санъатнинг мумтоз қонуниятлари (мас., классицизмдаги уч бирлик: макон, замон ва ҳаракат бирлиги қонуни каби) жорий қилинишини учун ҳаракат қилган. XIX асрда Италияда А.Каново, Францияда Д.Энгром ва Россияда Ф.А.Бруни бу йўналишни давом эттирган.

А. илмда юқори профессионал услуб, мумтоз қоида ва қолипларга амал қилиш. Ад-тшуносликда А. соҳанинг мумтоз анъаналарига риоя қилиш, фундаментал тадқиқотлар б-н иш кўриш ва илмда жорий этилган тартиб-низомларга амал қилишни билдиради. А. консерватизм, эскирган илмий тамойилларга ёпишиб олиш каби салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. А. импрессионистлар ва символистлар томонидан қолоқлик сифатида баҳоланган.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-14; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 23.

АКАДЕМИК (французча: akadémisme – илмий даража, статус) – илмий унвон, академия аъзоси. Бирор академиянинг ҳақиқий аъзосига берилади-ган унвон. Фанлар, Бадиий, Ҳарбий ва Тиббий академияларнинг ҳақиқий аъзолари ҳам А. деб юритилган. Россияда Ҳарбий-тиббиёт академиясида 25 й. ишлаган профессорларга ҳам шундай унвон берилган. Ҳар бир академия соҳанинг етук олимларини сайловлар йўли б-н А.ликка қабул қилган. Шўролар даврида Фанлар академисининг *ҳақиқий аъзо*си б-н бирга *мухбир*

аъзоси унвони ва фахрий аъзолиги ҳам жорий этилган. А.га илмий тадқиқотлари жаҳон стандартлари талаблари асосида яратилган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган мактаб яратган, илмий ютуқлари мамлакат интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, ёши 65 дан ошмаган, ЎзР фуқароси бўлган фан докторларидан сайланади.

1942 й.да Ўз-н Фанлар академияси ташкил этилгандан сўнг қатор ўзбек олимларига А. унвони берилган. Шунингдек, Ғафур Ғулом, Ойбек каби адиблар ФА ҳақиқий аъзо, Ҳамид Олимжон ва Уйғун мухбир аъзо этиб сайланган. Қори Ниёзий биринчи ўзбек академигидир.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.20. *Қаюмов А.* Академиклар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

~ ***лицей*** – к.: Лицей.

~ ***мактаб(лар)*** – Флоренцияда шоир Граццини 1582 й., кардинал Ришелье Францияда 1635 й. ташкил қилган илмий мактаблар. Рус ад-тшунослигида "академик мактаблар" бирикмаси XIX аср бошларидан қўллана бошланган.

~ ***нашр*** – изоҳ ва шарҳлари ёзилган, илмий аппарат б-н таъминланган, бир неча матни илмий асосда солиштирилган ишончли нашр. А.н. танқидий матн сифатида матннинг ҳақиқийлиги, нашр асосини белгилашда ёрдам беради. Матншуносликда танқидий матннинг мукаммал шакли бўлиб, у бирор адиб ижодий меросини тўла қамраб олиши, ўша ижодкор қаламига мансуб матнларнинг аслига суянган ҳолда нашрга тайёрлангани, мавжуд қўлёзма ва нашрлардаги фарқларни белгилаганлиги ва уларнинг илмий изоҳланганлиги б-н фарқ қилади. А.н.га хос хусусиятлар: матн аниқлиги (1), турли вариант ва нашрлар асосида тўла таркибланишга эгалиги (2), матн ва манбалар, таҳрир ва нашрлар асосида илмий шарҳга эгадиги (3), матн мазмунининг тўлалиги ва илмий аппарат б-н таъминланганлиги (4)дан иборат. А.н. одатда мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, нисбатан оз сонли тиражда чоп этилади.

А.н. бирор адиб ёки олимнинг бадиий, публицистик, илмий, эпистоляр, мемуар характеридаги тўла асарларини қамрайди. Акад. Д.С.Лихачев А.н.нинг аввал нашр этиш, кейин тадқиқ қилиш (1), аввал манбанинг матн тарихини тўла ўрганиш, сўнгра унинг танқидий нашрини амалга ошириш (2) каби икки тамойилини белгилаган. Ўз-нда Алишер Навоий Мукаммал асарлари тўплами (МАТ)нинг 20 жилдлиги, Ойбек "Асарлар"ининг 19 жилдлиги, Ғафур Ғулом "Асарлар"ининг 12 жилдлиги А.н.га мисол бўла олади.

• Основы текстологии / Под ред. В.С.Нечаевой. М., 1962; Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М., 1974; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.23;

Гришунин А.Л. Исследовательские аспекты текстологии. М.: Наследие, 1998. 413 с.; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 24.

~ *театр* – қ.: Театр.

~ *услуб* – илмий асарларнинг ифода услуби, баён тарзи. А.у. бошқа услублардан (мас., бадиий ёки публицистик услубдан) ифоданинг аниқлиги, истилоҳ ва атамаларнинг кенг қўлланилиши ва жиддийлиги б-н фарқ қилади. Фаннинг турли соҳаларига оид илмий тадқиқотлар, монография, рисола (трактат), илмий мақола ва тақризлар мана шу услубда битилади.

Ўзбек олимларидан Ойбек, М.Қўшжонов тадқиқотлари А.у.да ёзилган.

- *Хотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.22-23; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.23.

«АКАДЕМИКА» – машҳур Рим нотиғи ва файласуфи Цицерон асари. Билиш назариясига бағишланган. А. Цицероннинг бошқа асарлари каби диалог суҳбат асосига қурилган.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АКАДЕМИЯ (юнонча: akademos, киши исми) – I. дастлаб (м.а. IV аср) юнон мифлари қаҳрамони *Академа* шарафига Афлотуннинг фалсафий мактаби сифатида Афинада шаклланган. Эллинизм даврида илмий жамият тусини олган (мас., Искандар музейи). Ислом Шарқида *байту-л-ҳикма (донишмандлар уйи)* номи б-н Бағдодда (IX аср) очилган, Маъмун А.си Хоразмда (XI аср) фаолият бошлаган, Самарқандда Улуғбек даврида (XV аср) расадхона А. бўлган. XVI асрдан Италияда турли тўгараклар ва илмий муассасалар шаклини олган.

II. ҳоз. олий ўқув юрти (Тиббиёт академияси) ва бир қанча фанлар бўйича тадқиқот олиб борадиган илмий-тадқиқот институтлари мажмуаси. Мас., Ўз-н Фанлар академияси, ЎзР Ички ишлар академияси, Қишлоқ хўжалиги академияси.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.20.

Афлотун ~ си – юнон файласуфи Афлотун томонидан Афинада асос солинган (м.а. 387) фалсафа мактаби. Мифик қаҳрамон Академа номи б-н аталган. А.ф. турли даврларда фалсафанинг турли йўналишлари б-н машғул бўлган. Қад. давр (м.а. IV асрдан III асрнинг ўрталарича) Афлотун, Свевсипп, Ксенократ, Ўрта давр А.си Аркесилай, Янги давр А.си Карнеад фаолиятлари б-н боғлиқ. IV–V асрларда А.а.си неоплатонизм (Афинали Плутарх даври) б-н шуғулланди. 529 й. Юстиан буйруғи б-н ёпиб қўйилди.

Уйғониш даврида Флоренцияда (1459–1521) Марсилио Фичино томонидан давом эттирилди.

• *Seel O.* Die Platonische Akademie. Stuttgard, 1953.

Бадиий ~ – санъатнинг пластик (тасвирий) соҳалари бўйича ташкил этилган ижодий-илмий муассаса. Дастлаб XVI асрда Италия ва Францияда Қироллик А.си (1648) ташкил этилган. Сўнгра Вена (1692), Берлин (1694), Санкт-Петербургда (1757), Лондон (1768) ш.ларида вужудга келган. Собиқ Иттифоқда 1918 й. Б.А. тугатилиб, олий ўқув муассасаларига айлантирилган. 1947 й.да Иттифоқ Б.А. қайта тикланган ва иттифоқдош республикаларда унинг бўлимлари очилган. Ўз-н Б.А. ташкил этилган.

• *Кондаков С.Н.* Юбилейный справочник императорский академии художеств 1714-1914, ч.1-2. СПб. 1914; *Зотов А.И.* Академия художеств СССР. М., 1960.

Фанлар ~ ***си*** – бир қанча фанлар бўйича тадқиқот олиб борадиган илмий-тадқиқот институтлари мажмуаси. Дастлаб Италияда (XVII аср) аниқ фанларни бирлаштирувчи ин-т шаклида вужудга келган. Европада Лондон (1660), Париж (1666), Берлин (1700), Санкт-Перетбургда 1774 йй.да шаклланган. Собиқ Иттифоқда 1925 й.да ташкил топган.

1943 й.да Ўз-н Ф.А. республика олий илмий муассасаси сифатида Иттифоқ Ф.А.нинг филиали базасида ташкил топган. Унинг таркибида 1970 й.да 5 бўлим, Қорақалпоғистон филиали ва 28 ин-т фаолият кўрсатган. Шунингдек, Ў.Ф.А. таркибига Алишер Навоий номидаги Ад-т музейи, Ойбек номидаги Ўз-н халқлари тарихи музейи, Шаҳидлар хотираси музейи, "Фан" нашриёти ва Илмий фундаментал кутубхона киради. Ў.Ф.А. нинг Президентлари: Қори Ниёзий (1943–47), Т.А.Саримсоқов (1947–52), Зоҳидов Т.З. (1952–56), Абдуллаев Ҳ.М. (1956–62), Орипов У.О. (1962–66), Содиков О.С. (1966 й.дан) в.б.

Педагогика фанлари ~ – 1943 й.да собиқ иттифоқ П.ф.а. Маориф вазирлиги қошида Москвада ташкил топган. Ўз-нда дастлабки П.ф.а. Самарқандда 1927 йилда ташкил этилган, сўнгра СамДУ (Самарқанд Давлат ун-ти)га айлантирилган.

«ACADEMIA» – XX аср 20-йилларида ташкил этилиб, ҳозир Санкт-Петербургда қайта тикланган нашриётлардан бири. 1922 й.да хусусий корхона сифатида асос солинган. Унинг таркибида кейинроқ Санъат тарихи ин-ти вужудга келган. 1938 й.да Москвага кўчирилиб, давлат нашриётига қўшиб юборилган. "Жаҳон ад-ти хазинаси", "Адабий-бадиий санъат ёдгорликлари" каби туркум ад-тларни нашр этган.

«АКАДЕМКНИГА» – Фанлар академияси нашриётлари томонидан чоп этилган китоблар сотиладиган дўконлар тизими.

АКАНИШТХА [мифология] – Будда мифологиясида олий маъбудларнинг самовий маскани ҳақида тушунча. А. таълимоти "Типитика" конунлар китобида баён қилинган. Унга кўра маъбуд Шакра (Сакка) ҳам А.га тушишни орзу қилган. Айрим манбаларда А.да олий маъбуд Ади-Будда яшайди.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.55.

А КАПЕЛЛА (италянча: cappella – соат созлагич) [эстетика] – мусиқа асбоблари жўрлигисиз айтиладиган қўшиқ. Дастлаб католик ва православ черковларида куйланган диний қўшиқлардан келиб чиққан. Капелла – хор гуруҳи. А.к. усулини Бартоқ, Чайковский, Танеев, Свиридов каби рус бастакорлари қўллаганлар. Д.Шостаковичнинг А. учун ёзган 10 поэмаси бор.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

АКАТАЛЕКТИКА (юнонча: a – зидлик белгиси, katalektikos – якуний, охирги) [поэтика, строфика] – шеършунослик истилоҳи бўлиб, тўлиқ мисра ёки унинг сўнгги туроғи (стопаси) бошқа мисралар б-н оҳангдошлик ҳосил қилади. *Каталектик* (бир-икки стопа етишмаган шеър қатори) шеърнинг зидди. Шу каби *ямб* ва *анапест*ларда мужское окончание, *хорей* ва *амфибрахий*ларда женское окончание А. дейилади.

А. шеър тўлиқ стопа б-н тугалланган шеърдир. Бу стопада бирор урғу сони тушириб қолдирилади.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.23; *Beckson K., Ganz A.* Literary Terms. 3 ed. New York, 1989; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.85; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь литературоведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

«АКАФИСТ» (юнонча: akathistos humnos – тик туриб куйланадиган *мадҳия*») – Византия ад-тининг ёдгорлиги. 431 ёки 626 й.да Роман Сладкопевц томонидан ёзилган деб тахмин қилинган бу асар Ота Худо, Биби Марям ва Исо пайғамбарнинг мадҳи, қўшиқлар ва пандлардан иборат. "Буюк Акафист" деган ном б-н ҳам юритилган. А. нинг таркиби Кукул (зачин), сўнгра икос деб юритилган 12 катта банд, унинг ўртасида кандака 12 кичик банд, урғули ва урғусиз ҳижолар асосига қурилган ритмдан иборат. Кейинроқ А. асосида насроний черковида айтиладиган қўшиқлар вужудга келган. Улар мадҳия – достонлар сифатида байрамларда тик турган ҳолда куйланган.

- ◆ Акафист матери божьей / Памятники византийской лит-ры 4-9 вв. М., 1968.
- *Петровский А.* Акафист / Православная богословская энц-я, т.1. СПб., 1900; *Аверинцев С.С.* Поэтика ранневизантийской лит-ры. М., 1977. С.231-36; *Эдельштейн Ю.М.* Акафист / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.16-17; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.16.

АКАФОРИК ҚОФИЯ [поэтика] – шеърий банд ёки мисранинг бошланишидаги қофияланиш. Қирғиз эпоси "Манас" айтувчилари томонидан кенг қўлланилган. А.қ. мисра якунидаги қофияни инкор этмайди. Аксинча, унга қўшилиб шеърнинг оҳангдорлигини кучайтиради.

• *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры. М.: Асрель-Аст, 2008. С.39 (эл. версия).

АКАША (санскритча: очиқ майдон) [тасаввуфшунослик] – хонақоҳнинг очиқ саҳни. I. сўфийлар зикр мажлисларига тўпланадиган майдон. Масжид олдидаги А. майдонида жума ва ҳайит кунлари масжидга сиғмаганлар ҳам намоз ўқиши мумкин.

II. "беш акаша", яъни ҳаввойи хамса: кўриш, эшитиш, таъм билиш, тегиниш (тана сезгиси), ҳид билиш орқали дунёни ҳис қилиш ва билиш имкониятлари.

АКАЦИРЛАР [этнография] – қад. хуннлар давлати таркибидаги қавмлардан бири. Манбаларда А.ни 463 й.да булғорлар мағлубиятга учратгани қайд қилинади. Аттила ўлими (453)дан кейин хуннлар давлати парчалангач, А. ҳам хуннларга сингиб кетганлар.

• *Раҳманалиев Р.* Империя тюрков. М.: Прогресс, 2002; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиклол, 2008. Б.24.

АКБАР – ҳиндистонлик шоир. Номи Мирзо Акбар. Маснавийда маҳорат кўрсатган. Ижодидан намуна:

Надомати гунаам дўстро раҳм кунад,
Шикасти тавбаам овор ул карим кунад.

• *Қайюмов П.* Тазкирату–ш–шуаро. Т., 2006. Б.18.

АКБАРАЛИ – ҳиндистонлик шоир, XV аср охирида яшаган. Ташбиҳий тахаллуси б-н машҳур. "Девон"и б-н "Зарра ва Хуршид" номли манзум асари мавжуд.

АКБАРИЙ, Султон (1923–1997) – ўзбек шоири. Тошкент ш.да туғилган. Низомий номидаги педагогика ин-ти (1941), Москва Олий ад-т курсини тамомлаган (1953). Ўз-н республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. II жаҳон уруши қатнашчиси. "Ленин учқуни", "Хоразм ҳақиқати", "Ёш ленинчи" (1948–52), "Қизил Ўз-н", "Тошкент ҳақиқати", "Ўқитувчилар газетаси" ва "Гулистон" журнали таҳририятларида ишлаган.

Илк ижоди намуналари уруш й.ларида чоп этилган. "Тинчликни куйлайман" (1950), "Яратувчилар" (1953), "Севгилим" (1956), "Уч достон" (1960), "Тирик излар" (1968), "Кўз ёшлари ва табассум" (1970) шеърий тўпламлари, "Устоз" насрий китоби (1970) муал.и.

♦ *Акбарий С.* Кўнгил оҳанглари Т.: Ўзадабийнашр, 1958.

«АКБАРНОМА» (1589–1601) – *Абулфазл* Алломий асари. Бобурий ҳукмдор Акбаршоҳ тарихи баён қилинган, уч жилддан иборат. 1-ж.да Акбар шажараси, унинг туғилиши, Бобур ва Ҳумоюн даври воқеалари, Акбаршоҳ ҳукмронлигининг 17 й. (1556–72) ҳикоя қилинган. 2-ж. Ҳиндистон ва Шим.Афғонистон тарихи (1573–1602)га бағишланган. 3-ж. "Ойини Акбарий" номли мустақил асар сифатида ҳам машҳур. "А."нинг сўнгги қисмлари ёзилмай қолган. Кейинрок "Такмилайи Акбарнома" ("Акбарнома"га илова) номи б-н Иноятуллоҳ ибн Муҳиб ва Солиҳ Камбо томонидан битилган. "А." Бобур ва бобурийлар, умуман, темурийлар тарихини ёритишда эмас, балки Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон тарихига оид қимматли манба саналади. XIX аср охирида инглиз т.га Бевериж, Эллиот, Доусон (1-2- ж.), Глодвин, Блошман, Жаррет (3-ж.) томонидан тарж. қилинган. "А." Буюк Британия ва Ҳиндистонда нашр қилинган.

- *Аҳмедов Б.* Историко-географическая лит-ра Средней Азии XVI-XVIII вв. Т., 1985; *Берк С.М.* Акбар – бобурийларнинг энг буюги / Инглиз т.дан Ғ.Сотимов тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009; *Мутрибий Самарқандий.* Нусхайи зебойи Жаҳонгир. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014. Б.65-82.

АКБАРШОҲ (1542/14.X–1605) – Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласининг вакили, давлат арбоби ва адиб. Асл исми: Жалолиддин Муҳаммад. Бобуршоҳнинг набираси, Ҳумоюн ўғли. 1556 й.дан 49 й. давомида Ҳиндистонни бошқарган. Дастлабки даврда Байрамхон атка (оталиқ) ёрдамида давлатни бошқарган. А. давлати Шимолий Ҳиндистон, Кашмир, Покистон ва Гужарат ерларини ўзида бирлаштирган. А. асос солган (1582) янги эътиқод – "дини илоҳий"га кўра, уни қабул қилган "тўрт аҳком – молим, жоним, имоним ва динимни гаровга тикиб ҳимоя қиламан" деб қасамёд қилган. Бадоунийнинг таъкидлашича, А. ўз диний одатлари тизимига "тавҳиди илоҳий" деб ном берган, лекин кўп тарихнавислар "дини илоҳий" иборасини кўп қўллайдилар. Бу эътиқод ислом, ҳиндустоний, насроний ва мажусийларни бирлаштирган. Лекин А. вафот этганида ислом дини аҳкомларига амал қилинган ҳолда дафн этилган. Бу хусусда А. вафотидан ўн кун кейин Жаҳонгир саройига келган Британия элчиси Томас Рой ёзиб қолдирган. С.М.Берк А. нинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида муфассал маълумот берган. А. тонгги ибодатдан сўнг сарой болахонасидан халқ оммасига чиқиб кўриниш беришни одат қилган.

Мутрибий Самарқандий "Нусхайи зебойи Жаҳонгир" тазкирасининг Биринчи силсиласини "Подшоҳ Ғозий Акбаршоҳнинг гўзал зикри"дан бошлаган. Унда А.нинг саховати ва шавкатини намоён этадиган тўрт воқеани кўрганлар т.дан ҳикоя қилинган. Тўртинчи ҳикояда А. Жувонмардалихон Самарқандда ҳукмрон бўлган даврда султон соҳибқирон Амир Темур мақбарасини таъмирлаш учун бир фил олтин юборди, бу одат Бобуршоҳ ва Ҳумоюн даврида русум бўлгани айтилади. Мутрибий "подшоҳи ғозий (яъни А.) "бола отасининг кўринишидир" мазмунига биноан бузруквор отасидан ўтган ташқи ва ички фазилатларга ҳам эга эди. Шунча

давлат ва шавкат ва ҳашаматга эга бўла туриб, “Илоҳий арш остидаги хазиналар калити шоирларнинг т.дир” мазмунича гоҳида шеър айтиш сари ҳам юзланардилар”, деб ёзган ва унинг уч форсий байти ва бир рубоийсини келтирган. Улардан бири:

Гиря кардам зи ғамат, мавжиби хушҳол шуд,
Рехтам хуни дил аз дида дилам холи шуд

Мазмуни: Ғамингда йиғладим – кўнгил хушлигимга сабаб бўлди,
Кўзимдан юрак қони оқиздим – юрагим анча бўшади.

А. даврида ўнлаб тарихий асарлар яратилган. Америкалик олим С.М.Беркнинг ёзишича, “дунёнинг ҳеч қаерида ҳукмдор ҳақида бунчалик муфассал ёдгорлик қолдирилмаган”. А. 1582 й.да етакчи тарихнавис олимларни тўплаб, Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин ўтган минг йиллик дунё тарихини ёзишни топширган. Тарихчилар Абулфазл, Бадоуний, Нақибхон, Фатҳуллоҳ, Низомиддин Аҳмад в.б. “Тарихи алфий” (“Минг йиллик тарих») деб аталган китоб ёзишга киришган. Унинг мукаддимасини Абулфазл ёзган. Шунингдек, у “Акбарнома”да темурийлар ва бобурийлар тарихи ҳамда учинчи қисми “Ойини Акбарий”ни ёзган. Асар муал.и вафот этгани (1602) туфайли тугалланмаган ва уни Иноятуллоҳ давом эттирган. Асарнинг 9 жилддан иборат “Табақоти Акбарий” (“Акбаршоҳ фаолияти”) қисмини Низомиддин Аҳмад, “Мунтахабу-т-таворих» («Танланган тарихлар») қисмини Абдукодир Бадоуний ёзган.

Абулфазлнинг “Акбарнома” асарида ёзилишича, А. ўз даврининг мусиқа билимдонларидан бўлиб, икки юзга яқин куй басталаган. Лаъл Калавант исмли олимдан ҳинд т. ва мусиқасини ўрганган. Рассомлик санъатига алоҳида эътибор берган. А. саройида юздан ортиқ рассом ишлаган. Саййид Али, Абдусамад, Дасванд в.б. китобат қилинган асарларни расм ва миниатюралар б-н безатишган. Мас., “Ҳамзанома”, “Рамзнома” (“Маҳабҳорот”), “Рамаяна”, “Калила ва Димна”, “Айёр Дониш” кабилар шундай расмлар б-н безатилган эди.

А. 70 ёшида вафот этган, мақбараси Агра ш.да. Кейинчалик унинг ёнига Зебуннисо бегимнинг хоки кўчирилиб, дафн қилинган.

- *Smirh V.A.* Akbar, the Great Mogul. Oxsford, 1917; *Антонова К.А.* Очерки общественных отношений и политического строя Могольской Индии времён Акбара (1556-1605). М., 1952; *Қодиров П.* Ҳумоюн ва Акбар. Т., 1994; *Берк С.М.* Акбар – бобурийларнинг энг буюги / Инглиз т.дан Ғ.Сотимов тарж. Т.: MUMTOZ SO’Z, 2009; *Мутрибий Самарқандий.* Нусхайи зебойи Жаҳонгир. Т.: MUMTOZ SO’Z, 2014. Б.65-82.

АКВАН-ДЕВ [мифология] – Эрон мифларига кўра, қудратли девлардан бири. “Барзунома”да ёзилишича, у филбошли, сочлари узун, ёввойи кабан сингари тишлари ўткир, оққўзли, қоралабли махлуқдирки, унинг жисмига қараб бўлмайди. “Шоҳнома”да ёзилишича, Рустамнинг қаҳрамонликларидан бири А.Д.ни енгганидир.

АКВАРЕЛЬ (лотинча: aqua – сув) [эстетика, санъатшунослик] – қад. Мисрда сувли бўёқ ёрдамида чизилган сурат. XVI асрдан Епропада урф бўлган рассомлик тури. А.да нозик ранглар сувли бўёқ ёрдамида нафис товланишига эътибор қаратилади. XIX асрда Францияда Э.Делакруа, О.Домье, П.Синьяк, А.Матисс; Германияда А.Менцел; Англияда Р.Бонингтон, У.Кэллоу, Д.Тёрнер; Россияда И.Е.Репин, В.И.Суриков, М.А.Врубель Аю жанрида сурат чизишган. Ўз-нда Ў.Тансиқбоев, Р.Аҳмедов, А.Мирзаев в.б.нинг А. чизилган суратлари бор.

• *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.40 (эл.версия).

АКЕФАЛИЯ (юнонча: тушиб қолиш) – бошланиш қисмининг тушиши ёки йўқолиши. Акефалик китоблар бошланғич қисми мавжуд бўлмаган қил қўлёзмалар. Мас., қад. юнон ва Рим ад-тида бошланғич қисми мавжуд бўлмаган (йўқолган эмас, ёзилмаган) китоблар А. дейилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.22.

АКИФ, Меҳмет Эрсўй (1873–1936/27.XII) – турк адиби, публицисти. Биринчи жаҳон уруши даврида Олмонияда, 1925–35 й.да Қохирада яшаган. Исломчи ва турончиларнинг олдинги сафида бўлган. Анқарада сиёсий фаолият б-н шуғулланган, I Миллат мажлисининг вакили (депутати). 1908 й.дан "Сироту-л-мустақим" газ.да шеър ва мақолалари босилиб чиққан. Ару ва эркин вазнда шеърлар битган. Туркия жумҳуриятининг мадҳияси "Истиқлол марши" (1921)нинг муал.и. Етти ж.дан иборат "Сафоҳот" (1911), "Сулаймония курсида" (1912), "Ҳақнинг саслари" (1913), "Фотиҳ курсисида" (1914), "Хотиралар" (1917), "Асим" (1919), "Соялар (1933) хотиралар китоблари машҳур.

♦ Mehmet Akif Ersoy. Safahat, kitap 1-6. İstanbul, 1911-24.

• *Tansel F.A.* Mehmet Akif / Hayatı ve Eserleri. İstanbul, 1945; *Timurtaş F.* Mehmet Akif ve camiyatimiz. İstanbul, 1962; *Torçu N.* Mehmet Akif. İstanbul, 1970.

АККАД – Месопотамиядаги Тигр (Дажла) ва Ефрат (Фрат) оралиғида, ҳозир Бағдод яқинида жойлашган ш. Саргон подшоҳлиги даври (м.а. 2300 й.)да пойтахт бўлган. М.а. III мингйилликда семит т.ларига мансуб аҳоли кўчиб ўтган. А.лар мамлакат жанубида жойлашган Шумердан фарқли маданиятга эга бўлганлар. М.а. 2200 й.да гутийлар томонидан ишғол қилинган. Кейин эса Бобил (Вавилон) пойтахт қилиб олинган.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

АККАДЛАР – Месопотамия шимолида эр. а. IV–III мингйилликда яшаган туркий қавмлар. Бобил шимолидаги Аккад ш. уларнинг пойтахти бўлган. Кейинроқ бутун мамлакат А. номи б-н юритилган. Демак, А. сўзи ш., мамлакат ва қавм маъноларида келади. М.а. 2350–2150 йй. Месопотамияда Саргон Аккад сулоласи ҳукмронлик қилган. Бу сулоланинг энг машҳур

ҳукмдорлари: Саргон (Шаррукен I), Римуш, Маништусу, Нарамсин, Шаркалишарри в.б.

♦Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

~ *ад-ти* – қад. Бобил ва Ассирия ад-ти. Инсоният тамаддунининг илк манбаларидан бири Шумер маданияти б-н богланган. А.лар м.а. III мингйилликда ўзларининг илк ёзувини яратишган. Шумер т. даврлар ўтиши б-н аккад т.га ва ад-тига таъсир кўрсатган. Бизгача етиб келган А.а. намуналари подшоҳ Ашшурбанапал даври (м.а. 669-636 йиллар)да пойтахт Ниневияда жорий қилинган кутубхона асарларидир. Унда 700 ж.дан ортиқ асар тўпланган бўлиб, уларнинг 200 га яқини илмий асардир. 300 дан ортиғи илоҳий ёзувлар, турли фол китоблари ва башоратлардир. Қолган қисми адабий асар бўлиб, улар махсус сарлавҳалар б-н белгиланмаган. Асарнинг биринчи сатри унинг сарлавҳаси вазифасини ўтаган. Юзга яқин матннинг муал.лари маълум эмас. А.а.нинг энг юксак асарларидан "Гилгамиш киссаси" жаҳон бадиий ад-тининг илк намуналаридан саналади. Кейинги юз йилликда изчил ўрганилаётганига қарамай А.а. тарихи хронологик тарзда тўла яратилган эмас. Бу соҳада АҚШ олими Л.Оппенхейм тадқиқотлари диққатга сазовор.

А.а.нинг жанрлар таркиби бугунги жанрий тамойилларга ўхшамаса-да, унда ҳам эпик асарлар муҳим ўрин тутади. Мас., дунёнинг яратилиши ҳақидаги "Энума элиш" достони янги йил маросимлари фольклори таркибида сақланган. Маъбуд Эрре ҳақидаги достон вабога қарши яратилган. Адабий ёдгорликлар уларнинг қаҳрамонлари, асарда т.га олинган маъбудлар ва подшоҳлар тарихи б-н боғлиқ гуруҳлаштирилган. А.а.даги маъбудлар Шумер мифологиясидаги маъбудлар асосида яратилган. Мас., қуёш маъбуди Шамаш Шумерлардаги Уттудан, Иштар – Инаннадан, Адду – Ишкурдан, Син – Наннадан олинган в.ҳ. А.а.даги типологик ва эпик персонажлар ҳам шумер қаҳрамонларидир. Мас., Гилгамиш – шумер, Атрахасис (луғавий маъноси: донишманддан яралган) шумерларнинг донишманд подшоҳи Зиёсудрани эслатади.

А.а.да матнлар, кўпинча, биринчи шахс номидан айтилган. Шеърий асарларнинг биринчи мисрасидаги маъно иккинчи мисрада кучайтирилган ҳолда сифатлаш ёки ўхшатиш ёрдамида берилган. Параллелизмдан самарали фойдаланилган. *Акростих* тарзида мисраларнинг биринчи ҳарфларидан муал.нинг исми келиб чиққан. XX аср бошида В.Брюсов, Н.Гумилев, В.К.Шилейко А.а. намуналарини рус т.га тарж. қилишган.

♦Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Предисловие В.Афанасьева. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.5-30.

- *Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М.* Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

~ ***тили*** – семит т.лари оиласига кирувчи қад. А. халқининг т. Икки диалект – Бобил ва Ассирий шевасидан таркиб топгани учун А.т.ни ассирий-бобил ва бобил-ассирий т. деб ҳам юритилади. А.т. м.а. 3 минг йилликда жонли т. сифатида фаолиятда Месопотамия (ҳозирги Ироқ) бўлган ва бутун ОлдОсиёнинг расмий алоқа т. сифатида истеъмолда бўлган. А.т.даги ўзак сўзлар фақат ундошлардан иборат бўлиб, унлилар қўшилиши б-н маъно ўзгаради ёки сўзнинг янги шакллари вужудга келади. А. ёзуви шумерларнинг миххатлари асосида шаклланган 500 дан ортиқ белгидан иборат. А.т.даги қад. ёдгорликлар м.а. XXV асрга тааллуқли бўлиб, улар адабий манбалар, хўжалик ва ритуал ёзувлар ва юридик ҳужжатлардан иборат. 1857 й.дан А.т.даги миххатлар ўқила бошланган.

• *Липин Л.А.* Аккадский яз., ч.1-2. Л., 1957; *Дьяконов И.М.* Языки древней Передней Азии. М., 1967; *Ungnad A.* Grammatik des Akkadischen. Vollig neubearbeitet von L. Matous. 4 Auf. Munchen, 1964. Soden W. Akkadisches Handworterbuch, Bd. 1—3. Wiesbaden, 1959—81; *Никольский М.В.* Ассирийские клинообразные тексты с транскрипцией и подстрочным русским переводом, ч.1-2. М., 1983-84.

АККЕРМАН, Луиза-Виктория Шоке (1813–1890) – француз шоираси. 1838 й. Берлинга кўчиб келган, 1856 й.дан шеърлар тўпламлари чоп этила бошланган. А. ҳақида француз мунаққидлари Сент-Бёв, Теофил Готье, Сюлли Прюдомнинг катор асарлари бор. Шеърлари фалсафий руҳ б-н йўғрилган.

• *Веселовский Ю.* / Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т. I. М.: СТ, 1991. С.125-126.

АККОМОДАЦИЯ (лотинча: accomadatio – мослашиш) – тилшуносликда унли ва ундош товушлар артикуляцияси (талаффузининг) қисман мос келиши. Сўзнинг охирги товуши ундан аввалги унли таъсирида жарангсизлашиши ёки ярим қисқа айтилиши. Мас., рус т.даги «мол» – «мел», «лук» – «люк» тарзида айтилиши.

• *Грязнова Н.А.* Аккомодация / Большой энц-кий словарь: Языкознание. М., 1990. С.22.

АККОМПОНЕНТ (французча: accompagnet – кузатиш) – ашулани мусиқа б-н кузатиш, қўшиққа мос мусиқани қўшиб ижро этиш. А. икки турли бўлиб, бир қўшиқчи бир мусиқа асбоби А. бўлиши ёки бир неча қўшиқчи ва хорга бутун бир ансамбль (ёки оркестр) А. бўлиши мумкин (1); Бундан ташқари, бир қўшиқчининг овозига бошқа бир қўшиқчи ёки хор А. бўлиши мумкин (2). А. ижронинг таъсир кучи, бадиийлигини оширади. Баъзида А. фаоллашиб, ижрочига тенглашиши мумкин.

• *Крючков Н.А.* Искусство аккомпонента как предмет обучения. Л., 1961; *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.40 (эл.версия).

АККОРД (французча: accordo – келишув) – уч ва ундан ортиқ мусиқий куй ва турли баландликдаги овознинг ўзаро уйғунлиги ва сўнгги авж пардалари. А.нинг учовозли (тризвучие), тўртовозли (септаккорд) ва бешовозли

(нонаккорд), олтиовозли (ундецимаккорд) турлари мавжуд. А. ўрта асрлардан мавжуд. Уларни ўрганишда давр ва оқимдаги фарқни унутмаслик лозим. Уйғониш даври А. классицизм даврига, романтизм А. эса импрессионизм даврига мос келмаслиги мумкин.

• *Вахромеев В.А.* Аккорд / БСЭ. Т.1. М.: СЭ, 1970. С. 335; *Этингер М.* Раннеклассическая гармония. М., 1979; *Способин И.В.* Мусиқа шакли. Т., 1982; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.22.

АККУЛЬТУРАЦИЯ (лотинча: ad – га, cultura – маданият) [маданиятшунослик] – маданиятларнинг ўзаро таъсирланиш жараёни, бир халқ турмуш тарзига бошқалар маданиятининг қисман ёки тўла кириб келиши. Одатда маданияти нисбатан заиф қавмларга маданияти тараққий топган халқнинг маданияти сингиб кетади. А. термини АҚШда XX аср 30-йй.да қўллана бошланган. Американи эгаллаган инглиз маданияти тубжой аҳолисининг маданий ҳаётига таъсир этди ва А. жараёни юзага келди. Худди шундай жараён Африка қитъасидаги айрим мамлакатларда ҳам французлашув тарзида юзага чиқди. Мутахассислар Лотин Америкасидаги испанлашувни ҳам бунга мисол келтиришади. Шўролар даврида шимолдаги кичик халқлар (нивх, эксимо каби)нинг руслашиш жараёни хусусида шундай дейиш мумкин.

• *Бахта В.М.* Проблема аккультурации в современной этнографической лит-ре США / Современная американская этнография. М., 1963.

АККУМУЛЯЦИЯ (accumulation – тўплаш, *жамғариш*) – замонавий А. санъатда қўлланиладиган коллаж усуллари йиғиндиси. Бир объект ёки рельефга бир неча ҳодиса, предмет ва уларнинг қисмларини англатувчи чизиқ ва бўёқларни йиғиш. Замонавий авангардизмнинг етук вакили М.Дюшаннинг ёзишича, оддий прозаик нарсалар суратини уларнинг моддий маъноларидан озод қилиб, уларга муал. назарда тутган маъноларни тақиш А. га хос вазифадир. Бу усулдан поп–арт йўналишида ижод этган Р.Раушенберг, Ж.Жоунс, К.Ольденбург, Э.Уорхол каби америкалик санъаткорлар фойдаланишган.

• *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.200-202.

АККЎЙУНЛИ – қ.: Оққўйинли.

АКМАЛ (1834/35–1883/84*)* – ўзбек шоири ва муҳаддиси. Тўлиқ номи: Саййид Акмалхон тўра ибн Низомиддин Пискандий ибн Мансур хожа. Пискентда туғилган. Тошкент ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Шарқий Туркистон ҳукмдори Ёқуббекнинг куёви. Қашғар ва Ёркентда қозилик қилган. Шоир Тойиб Ўзгандийга раҳнамолик қилган. Ёқуббекнинг вафотидан кейин А. Қўқон, Пискент ва Тошкентда яшаган. Бухорода Қози калон масжидида имомлик қилган ва Бухорода вафот этган.

"Мажмуат-ш-шуаро" тазкирасида Фазлий А. ҳақида қисқа маълумот б-н форс т.даги 10 байт шеърини берган. Ижодда Бедил издоши. Ўзбек, форс ва араб т.да шеърлар битган. Шайх ибн Форизнинг қасидасига жавобан араб т.да "Қасидайи тоиййа" асарини ёзган. Шунингдек, форс т.да ёзилган "Қасидайи нуния" биографик асари маълум.

А. "Девон"ида ғазал, мухаммас ва қитъалар бор. Бу девон ва шоир ҳақида ёзилган Сомийнинг хотираномаси ЎзРФАШИда сақланади.

- *Абдуллаев И.* Акмал Тошкандий // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2002. №3. Б.214-216; Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.32, 45-46.

АКМАЛ ҲЎҚАНДИЙ (XVIII аср 1-ярми –1810) – ўзбек шоири. *Махмур*нинг отаси. А.Ҳ. ҳақида Муҳаммад Амин Атторнинг "Туҳфату-т-таворих" ("Тарихлар туҳфаси"), Фазлий раҳбарлигида тузилган "Мажмуаи шоирон" тазкираларида маълумот бор. "Девон" тузган, аммо бизгача сақланмаган. Асарлари "Баёзи янги" (1911), "Баёзи Муҳалло" (1912), "Армуғони Хислат" (1912) каби баёзлар орқали етиб келган.

- *Қаюмов А.* Асарлар. 7-жилд. 1-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.32-41.

АКМЕИЗМ (юнонча: akme – *юксаклик*, гуллаб-яшнаш) – XX аср 10-й.ларида шаклланган адабий оқим (айрим А. вакиллари *"адамизм"* деб ҳам атайдилар). Рус акмеистлари (Н.Гумилев, А.Ахматова, С.Городецкий, О.Мандельштам в.б.) ўзаро «шоирлар цехи» (1911–14, 1920–22)га бирлашиб, рамзийликнинг сирли дунёсига қарши «гўзал ёркинлик» шиори остида аниқ ва равон ёзишни тарғиб қилган. Шунинг учун А. тарафдорларини *кларизм* (clarus – аниқ) деб ҳам атаганлар. Улар "Аполлон" журн. таҳририяти теварагида бирлашган эдилар. Н.С.Гумилев (1886-1921)нинг «Символизм мероси ва акмеизм» (1913), С.М.Городецкийнинг «Ҳозирги рус шеъриятидаги айрим оқимлар» (1913), О.Э.Мандельштам (1891-1940)нинг "Акмеизм тонги" (1919) мақолаларида А. нинг назарий асослари акс этган: "нарсаларнинг борлиги севинг, фақат нарсаларни ва сизнинг турмушингиз ҳаммадан юқори бўлади – мана шу А. олий таърифидир".

А. тарафдорларидан баъзилари ўзларини «адамчилар» (Одам Ато номидан олинган) деб атаб, инсонга хос аниқ ва равшан хусусиятларнинг куйчиси ва баёнчиси бўлиш адибликнинг биринчи вазифаси, деб таъкидлаганлар. А. тарафдорлари адабий тимсолларнинг аниқ ва «кўринишли» бўлишига эътибор беришган. Мас., С.М.Городецкий талқинича, атиргул символистлар учун илоҳий ишқ рамзи сифатида қадрланса, акмеистлар учун у ўз табиийлигида гўзал ва қадрлидир. А. оқимидаги ижодкорлар конкрет дунё ва унинг гўзаллигини куйлашни ўзларининг мақсади деб билганлар. Шу жиҳатдан ўз даврида *символизм*га қарши ва у б-н рақобат қилувчи оқимга айланган. А.Ахматова талқинича, рус ад-тидаги сўнгги буюк оқим. А.нинг бад. концепцияси: *шоир – дунёнинг сирларини очадиган, унинг хаос (бузгунчилик)ини бартараф этадиган маъруз*

эгасидир. Фалсафий-эстетик асоси: *сўзнинг онгли маъноси – логос (таълимот), бу шундай гўзал шаклки, гўё символистлар мусиқани танлаганлари каби.* А.лар учун Сўзнинг ўрни арши аълодадир. Сўз мулокот воситасигина эмас, балки тимсол-ғояни барча "ҳажмий бирлик"ларда: мусиқа, рангтасвир, ғоя в.б.да ривожлантирувчи восита. Шунинг учун шоир сўзга йўқотилган оҳорини ва ўз маъно қалъасини қайтариши керак; сўзга дунёнинг абадий кўхлигини бериши керак. Шоир – дунёдан ранжиган одам, Иски дунёнинг рицари, курашчиси ва сайёҳи, изловчи ва етказувчидир. Шеърият – тирик организм. Шоирнинг "мен"лигини сўз воситасида ифода қилувчи, унинг маънавий эҳтиёэини қонлирувчи ягона курол. Шеърият ва дин – танганинг икки томони. Ҳар иккиси кишидан улкан руҳоний юмуш талаб қилади. Н.Гумилев бу б-н шеъриятни худди математика каби аниқ фанга айлантирмоқчи бўлди.

♦ Сборник стихов акмеистов. М., 1915; Русская лит-ра конца XIX-нач. XX в.: 1908-1917. М., 1972. С.286-334; *Мандельштам О.* Камень. М., 1913; *Ахматова А.* Четки. М., 1914; *Гумилев Н.* Колчан. М., 1916.

• *Блок А.* "Без божества, без вдохновенья" (Цех акмеистов) / Александр Блок о литературе. М., 1931; *Гумилев Н.* Наследие символизма и акмеизм // Аполлон. 1913. №1; *Эйхенбаум Б.* Анна Ахматова. Опыт анализа. Петроград, 1923; *Жирмунский В.М.* Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Л., 1977; *Шведова Ю.И.* Акмеизм / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.17; *Лекманов О.А.* Книга об акмеизме. М., 1996; Теория лит-ры в 4-х т-х. т.4: Лит-ный процесс. М., 2001; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.96; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.23-24; *Белокурова С.П.* Словарь литведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10-11; *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Ад-тшунослик луғати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.24.

АКМУЛЛА – қ.: Оқмулла.

АКОИЙ (XVII) – форсийзабон шоир. Мутрибийнинг тазкираси (Учинчи Нуқтанинг биринчи бўлими)да А. тасаввуфда ўз мақомига эга ва шеърлар девон тузгани қайд қилиниб, шоир Ибн Ямин тахаллусли мавлоно Шибирғоний экани айтилади.

АКОСМИЗМ (лотинча: йўқ + коинот) [диншунослик] – дунё буюк Яратувчининг яралмиши бўлиб, у ўз яратувчисидан ажралган ҳолда мустақил яшай олмайди, деган диний-фалсафий таълимот.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКОСТА, Агустино (1886–?) – Куба шоири ва жамоат арбоби. 1926 й. "Сафра" (Жатва" – русча сўз) шеърлар китоби нашр этилган. Янги Куба шеъриятининг бошловчиларидан.

АКРОАМАТИК ОБРАЗЛАР (юнонча akroamatikos – эшитишга, излаб топиб, тушунишга мўлжалланган; akros – *юқори*, юзаки; amatos – номаълум, *сирли*) – бадиий ижоддаги бундай образлар фақат бир маънода қўлланади. Бироқ унинг замиридаги иккинчи маъно асосий маъно ҳисобланади (худди ийҳом санъати каби). Бу истилоҳ дастлаб I–III асрларда Инжилга нисбатан "акроаматик матн" истилоҳи қўлланган. Кейинчалик унинг ифодаси ад-тга кўчган ва Гомер, Ҳесиод, Афлотун ва Арасту асарларига нисбатан ҳам шундай атама қўлланилган. Диалог, савол-жавоб тарзида яратилган асарларнинг образлар тизими ҳам бунга мисол бўла олади.

Тасвирий санъатда бундай образлар асосига қурилган асарлар *криптограмма* (kriptos – *сирли*, gramma – *белги*) деб юритилади, уларда рамзлар ва мажозларни ифодаловчи белги ва бўёқлар қўлланилган. XVI асрда П.Брейгел, И.Босх, А.Дюрер асарларида шундай образлар қўлланган. Бундай образлар модернистик санъатда, сюрреализм ва постмодернизм адтида учрайди.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.24; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКРОПОЛЬ (юнонча: akropolis – юкори ш.) [эстетика, меъморчилик] – қад. юнон ш.ларининг мустаҳкам юқори қисми. Одатда ш.нинг дастлаб ўтроқ аҳоли яшаган, атрофига калъа ёки деворлар б-н ўралган қисмига А. дейилган. А.нинг қалъа деворлари 2-минг йилликка оид. А. кўрғон каби ўраб олинган ёки ер остида қолган қисм ҳам бўлиши мумкин. Ундай ҳолда А.дан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилган. Афинада қазилмалар натижасида А. очилган, Микен ва Аргос харобаларида м.а. V асрга тегишли расм, ҳайкал в.б. санъат асарлари топилган. Фидий, Иктин, Калликрат каби меъморлар Афина А.и қурилишида иштирок этишган. А. мажмуасига кирувчи *Парфенон* ибодатхонаси диққатга сазовор бўлиб, у археологик қўриқхона ҳисобланади. А. харобаларида топилган санъат асарларининг аксарияти Британия музейида сақланади.

АКРОСТИХ (юнонча: akroc – *четдаги*, stichos – *мисра*) [поэтика] – шеърдаги ҳар бир мисранинг бош (четдаги) ҳарфи муал. исмини ёки шеър бағишланган киши (нарса ёки асар қаҳрамони) исмини белгилаши. А. дастлаб юнон шоирлари асарларида қўлланган, кейинчалик Рим шеъриятига кўчган. Қад. Рим шоири Энний ижодида ҳам муҳим ўрин тутади. Италян Уйғониши шоирларидан Боккаччо ижодида ҳам учрайди.

Мумтоз шарқ ад-тидаги *мувашшаҳ* тушунчасига мос келади, поэтикага доир айрим манбаларда *истиҳрож* истилоҳи б-н юритилган. Фақат араб, форс ва туркий халқлар шеъриятида мисра эмас, байтнинг бош ҳарфларидан исм ёки нарса ва жойнинг номи чиқарилади.

Ангел лег у края небосклона,
Наклонившись, удивлялся безднам.

Новый мир был синим и беззвездным.
Ад молчал. Не слышалось не стона.

Алой крови робкое биенье,
Хрупких рук испуг и содроганье,
Миру снов досталось в обладанье
Ангела святое отраженье.

Тесно в мире! Пусть живет мечтая
О любви, о свете и о тени,
В сумраке предвечном открывая
Азбуку своих же откровений.

(Н.С.Гумилев. Акростих, 1911)

Байтдаги илк ҳарфлардан исм чиқариш орқали акростих ясашга мисол:

Арасин кўрса фалак меҳр буроқмаз ойа,
Зарра-зарра келур они бир оғир саҳройа.

Лабларин аксин олиб боға кирар ҳар дам су,
Рашктин қон ичирар барги гули раънойа.

Йеридир аксина ойина дамур банд урса,
Не учун қарши дурур сен кими биҳамтойа.

Булдуғи ерда ҳасаддан кун урур сояна тиғ,
Ки рафиқ олмайа сен моҳи малак сиймойа.

Ўка пайкон дикилир гамзан учун пайваста,
Дўқунур таъна ўқи қошин учиндан йойа.

Лаъли нобин сифати шаҳди мусаффодир илк
Ажи этмиш ани сафройи ҳасад саҳбойа.

Йор солмазса Фузулий санга майлин не ажаб,
Неча майл этмак ўлур сен кими бир русвойа.

(Фузулий, 1554)

Ғазал байтларидаги биринчи ҳарфларни (араб алифбосида) ўзаро бирлаштирилса, "Али Бўли" исми чиқади.

А. ҳар бир сатрнинг сўнгги ҳарфларидан исм чиқариладиган бўлса, у *телестих*, сатр ўрталаридаги ҳарфлардан исм чиқарилса, *мезостих* дейилади. А. баъзан мисралардаги биринчисидан бошқа ҳарфларнинг изчил кетма-кетлигига асосланиши мумкин. Мас., 1-мисрадан 1-ҳарф, 2-мисрадан 2-ҳарф, 3-мисрадан 3-ҳарф олинган ҳолда бирор сўз ясалиши мумкин.

• *Шульговский Н.Н.* Стихосложение. Л., 1929; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.16; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; *Dilcin Cem* Orneklerle Turk Siir Bikgisi. Ankara, 2005. S.493-499; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006.С.12; Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007.S.29; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001.S.97–98; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

АКРОТЕРИЙ (юнонча: acroterion – хайкалча) [эстетика, меъморчилик] – меъморчилик безаги бўлиб, пештоқлар ва устунларнинг ёнларига қўшимча ишлов берилиши. Баъзан қабртошлари ҳам А. б-н безатилган. А.га нисбатан Европада *статуя, пальметта* атамалари ҳам қўлланилади. Бадиий матнда ҳам А. қўлланилиб, турли китобат усуллари орқали сарлавҳадаги бирор ҳарф ажратилиб, алоҳида (каттароқ ёки бошқа шаклда) ёзилиши мумкин.

АКС – инъикос, тажалли; тескари – *аксилҳаракат.* Мумтоз шеъриятда ва тасаввуфда биринчи маънода қўлланилади:

Ашриқат мин акси шамсу-л-каъс анвору-л-Худо,
Ёрни аксин майда кўр деб жомдин чиқти садо

(Алишер Навоий, Ғаройибу-с-сиғар: III, 5)

Мазмуни: етук инсоннинг кўнгли, маънавий олами ҳақиқат майини жомига айлангандир. Бироқ ҳақиқатдан огоҳ бўлган кимса мангу саодат эгасидир (акад. А.Рустамий шарҳи).

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S. 94.

АКСАКОВ, Сергей Тимофеевич (1791–1859) – рус ёзувчиси. Унинг тарихий ва мемуар асарлари рус ад-тида шаклланишига таъсир кўрсатган. "Оилавий хроника" ("Багров набирасининг болалиги"), "Овчининг кундаликлари", "Овчининг хотиралари" асарлари муал.и. А. бадиий асарлари тили содда, мураккаб поэтик комбинациялардан холи.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКСЕНЕВ, Василий Павлович (1932 й.т.) – XX аср рус адиби. Ленинград медицина ин-тини тамомлаган. Ҳикоялари 1959 й.дан нашр этилган. «Ҳамкасблар" (1960), "Мароккодан (келтирилган) апелсинлар" (1963) киссалари, "Бахтли билет" (1961), "Дўстим, вақт бўлди" (1964) романлари муал.и. "Ойнинг ярим йўлида" (1966) ҳикоялар тўплами, "Доимо савдода" драмаси (1965)да шўролар давридаги турмуш тарзи киноя ва ҳажв остига олинган.

• *Рассадин Ст.* Шестидесятники // Юность. 1960. №12; *Гейдеко В.* Перед следующим шагом // Лит-ная газета. 1964. 6 июня.

АКСЕССУАР (французча) – қўшимча предмет ёки нарса. Парданинг безаклари, кийимларга қўшимча тақилган предметлар А. деб номланади. Меъморчилик ва ҳайкалчиликдаги *акротерий* деб юритилади. Театр декарациясида иккинчи даражали деталлар. Бадиий матнда қаҳрамон атрофини ўраб турган предмет ва нарсалар дунёси.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.98; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКСИОЛОГИЯ (юнонча: axios – *қадрият* + logos – таълимот) [эстетика, фалсафа] – қадриятлар ҳақидаги фан, таълимот. Инсон фаолияти йўналтирилган хатти-ҳаракатларнинг умумий тамойиллари назарияси. А. тушунчаси XVIII асрда анъанавий ахлоқшуносликни қайта кўриб чиқиш асосида вужудга келган. Дастлаб И.Кант бу назарияни ривожлантириб, инсон эркинлигини мажбуриятнинг зидди сифатида талқин қилган. Қадриятлар ўзларича мавжуд эмас, улар талаб ва эҳтиёж асосида инсон эркига муносабат орқали юзага келган.

Р.Г.Лотце, унинг шогирди Виндельбанд бу таълимотни маданият фалсафаси сифатида талқин қилган. Улар қадриятлар сифати деб ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликни олганлар. Шунингдек, фан, ахлоқ, санъат ва дин маданий қадриятлар бор, буларсиз инсоният тараққий этиши мумкин эмас. Виндельбанд талқинича, қадриятлар мавжудлик белгиси эмас, балки идеал, ҳар қандай меъёрнинг манбаи бўлган "умумий онг"дир. Риккерт талқинида индивидуал субъектдан юқори турувчи эрк бўлиб, у инсоний қадриятларнинг доимийлигини англатади. Риккерд қадриятлар назариясида «меъёр» (норма) ва «қадрият» категорияларини ишлаб чиқди. XIX аср ўрталарида В.Вунд, Ф.Иодль, Ф.Паульсен тадқикотларида субъектив қадриятлар манбаи сифатида онг эмас, ҳис, туйғу белгиланган. Брентано, Мейнонг, Шелер эса туйғу ва қадриятларнинг субъектив эмас, балки объектив характерда эканини исботладилар. Шелер қадриятларнинг априор таркибини белгилади. Унингча, барча қадриятлар илоҳий қадрият даражасига етгандагина у абадийлик касб этиши мумкин. Яна қ.: Қадрият.

- Проблема ценности в философии. М.Л., 1966; *Столович Л.Н.* Добро, красота, истина. М., 1976; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С. 17; *Ортега-и-Гассет Х.* Эстетика. Философия культуры. М., 1991; *Гайденко П.П.* Аксиология / Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.11-14; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; Фалсафа. Қомусий луғат. Т.: Шарқ НМАК, 2004.

~ ик ёндошув – ад-тга қадршунослик нуқтайи назаридан қараш. А.ё. адабий жараённинг муҳим хусусиятларидан бўлиб, бадиий ад-т ёки асарнинг муайян даврдаги қийматини белгилашга ёрдам беради. Бадиий матннинг долзарблиги ва адабий қимматини белгилайди, унинг замонавийлигини асослаб кўрсатади.

- *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.24.

АКСУ (туркча: Оксув) – Шарқий Туркистондаги ш. номи. Ўз даврида қад. маданият ўчоқларидан бири. Тўрт дарвозаси, 6 мингга яқин уй ва ўтовлардан иборат, 6 карвонсарой ва 5 масжиди бор ш.ча. Хитой ғарбидаги савдо ш., чегара якинидаги стратегик пунктлардан бири.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.24.

АКТ (лотинча: actus – *ҳаракат*, actum – *ҳужжат*) [эстетика, драма назарияси] – бўлиб ўтган ҳар қандай ҳодиса; театр ёки саҳна асарининг бирор қисми ёки якунловчи бўлими. А. томоша саҳнаси алмашинишини англатади. Мас., вокеа хор б-н ёки интермедия ва антракт б-н алмашиниши мумкин. Менандр комедиялари, асосан, 5 А.дан иборат бўлган. Шунинг учун 5 А.ли пьеса мумтоз комедия учун меъёр ҳисобланган. Бу ҳолат Рим театрида, италян Ренессансида, Шекспир комедияларида ва классицизм пьесаларида ҳам давом этган. XVIII–XIX асрлар Европа драматургиясида бу жараён ўзгаришга учраб, кўпинча, 3 А.ли пьесалар урф бўлган. XX асрда вужудга келган эпик театрда (Б.Брехт асос солган) ҳар қандай асар икки актга бўлинган.

Ўзбек театршунослигида бу истилоҳ *парда, кўриниш* деб тарж. қилинган. Парда кўринишга нисбатан каттароқ бўлимни ифода қилган. Сарлавҳа тагида парда ва кўринишлар сони кўрсатилган. Мас., Фитрат. Абулфайзхон. Йўқсул ўлкасининг тарихидан беш пардали фожиа.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979; *Хализев В.Е.* Акт / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова, П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.128; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.99; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. Санкт-Петербург: Паритет, 2006. С.13.

АКТАНТ (инглизча: actant –) [эстетика, театр ва драма назарияси] – асар каҳрамони вазифасининг мавҳум ифодаси. Гегел таъбирича, "персонажлар вокеа (ёки ролни – Ҳ.Б.)ни танламайдилар, балки ўз табиатларига кўра нимани хоҳласа шуни амалга оширадилар". Бу кўпроқ эпопея ва одалар учун хос. А.Граймес «Струтрур семантика» асарида А.ни персонаж моҳиятини аниқ персонаж ёки махсус сюжет элементи бўлмаган структур юклама сифатида қўллаган. А. матн структурасида синтактик позиция деб каралган.

- Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992; Теория лит-ры. В 2 т. Т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.84; *Иглтон Т.* Теория лит-ры. Введение. М.: Территория будущего, 2010. С.135.

АКТЁР (лотинча: aktor – ижрочи, французча: actus – *ҳаракат*) [эстетика, театр ва драма назарияси] – театр ва кино санъати, драматургик асар, бадиий фильмларда асосий қаҳрамонларнинг ташқи ва ички дунёсини очиб кўрсатувчи, мимесис, яъни ижодий тақлид асосида ижро этувчи санъаткор. А. санъати юқори даражада шаклланган истеъдодлар бадиий асарнинг ўқувчига етиб бориши ва таъсир ўтказишига ёрдам беради. А. санъатида оддий ижрочилик б-н бир қаторда, *импровизация*, яъни ижодий ёндошиш муҳим ўрин тутади. Мумтоз асарлар турли даврларда саҳналаштирилганда А. асарнинг томошабинларга етиб бориши учун муҳим омил саналади. Актёрлик санъатида қўшимча ташқи воситалар: грим, парик, костюм в.б. А.га ижро этаётган роли томошабинга англашиларли бўлиши учун хизмат қилади.

Жаҳон санъати тарихида Эдмун Кин (Шейлок), Элизабет Тейлор (Клеопатра), Лоуренс Оливье (Ричард III, Макбет, Марк Красс), Эрол Флинн (Тарзан), Чарли Чаплин, Дуглас Фербенкс каби А.нинг ўз ўрни бор. Ўзбек А.лари Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамраев, Ҳамза Умаров кабилар санъатимиз тарихида шуҳрат қозонишган.

- Ўз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.182; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.99.

АКТИВ (лотинча: activus – фаол, ҳаракатдаги) [эстетика, фалсафа] – ғайратли, ишчан. Арасту ва Форобий асарларида А. талқини муносабати б-н ақл бил-қувва (салоҳиятдаги ақл), бил-феъл (актив ақл)ни ажратиб кўрсатади. А. истилоҳи асосида *А.истлар* гуруҳи шаклланган.

АКТИВИСТЛАР (лотинча: activus – фаол, ҳаракатдаги) – Венгриядаги адабий тўгарак. 1915 й.да шаклланган. Асосан, авангардистларни ўзига жамлаган А. XX аср 20-йй.нинг лхирига қадар мавжуд бўлган.

АКТОР (французча: acteur – ижрочи) [эстетика, нарротология] – ҳаракат вазифасининг абстракт ифодаси. *Нарратологияда актант* истилоҳи ўрнида қўлланилади. Драмадаги персонаж бир вақтнинг ўзида ҳам баён субъекти ва объекти бўлиб хизмат қилади. А. ровий вазифасини ҳам ўз ичига олади. Б.Брехтнинг "Эпик театр"и, Б.Шоунинг "Ўқиш учун драмалар" типидаги асарларда А. вазифаси аниқ кўринади. А. жонлиларнинг драматик ёки насрий асарда иштироки бўлиб, улар драмадаги персонажлар ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. А.бадиий коммуникация даражаларидан бири деб ҳам қаралади (И.Ильин). А. *нарратология* истилоҳи сифатида Р.Ингарден, Ф.К.Штанцел, Я.Линтвельт тадқиқотларида асосланган. А.Камюнинг "Бегона" қиссасида Мерсо шахсий кечинмалари ифодачиси бўлиш б-н бирга А. вазифасини ҳам, ровий вазифасини ҳам бажаради.

• Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.16-17.

~иал баён – бад. асардаги ифода усули, баён типи бўлиб, турли вазиятлардаги талқинларга кўра бир-бирига ўтиши мумкин. Баённинг нейтрал *нарротив* типи сифатида индивидуал ориентациядан ҳоли бўлади ва романний тафаккурда бад. дунёнинг мавҳум талқинчиси сифатида намоён бўлади. А.б. австриялик тадқиқотчи Ф.К.Штанцель томонидан таклиф қилинган. А.б. китобхон ориентациясини излаш баробарида унинг марказини топишга интилувчи баён туридир. А.б. типи А.Камюнинг "Бегона" романида кузатилади.

• *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.50-51 (эл.версия).

АКТРИСА – к.: Актёр.

АКТУАЛ (инглизча: actual – муҳим) – ижтимоий ва маданий ҳаётда долзарб, ўта муҳим, айни шу кунлар учун ҳаддан зиёд аҳамиятли ҳодиса. А. сўзи кўпинча, ад-тшуносликда сифат (аниқловчи) тарзида А. мавзу, А. муаммо, А. қаҳрамон тарзида қўлланилади.

АКТУАЛИЗАЦИЯ (лотинча: actualis – *ҳаракатдаги*) [поэтика, рецептив эстетика] – бадиий тасвир воситалари қўланилиш усулларидан бири. Адабий асардаги бирор эпизод, воқеа ва тасвирни кенгайтириш, қўшимча маъно юклаш ва бадиий асардаги вазифасини кучайтириш. А.да бадиий т. воситалари шундай қўлланилиши лозимки, у фавқулодда маъно касб этсин. Бунда индивидуал метафора орқали кўчма маънода ишлатилган сўз киноя, пичинг маъноларини бериши мумкин. А. адабий истилоҳ сифатида ОПОЯЗ (Общество поэтического языка – Поэтик т. жамияти) томонидан адабий муомалага киритилган. А. Прага т.шунослари мактабида бадиий нутк бирликларидан бири сифатида қаралган.

• *Григорьев В.П.* Актуализация / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992; *Ingarden R.* Erlebris, Kunstwerk. Wert, 1999; *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.52 (эл.версия).

АКТЮБИНСК (туркча: Оқтепа, Оқтўба) – Қозоғистондаги ш. Илгари Тўрғай вилоятининг маъмурий маркази (1891) бўлган. 1891–1992 йй.да шу ном б-н юритилган, ҳоз. номи Оқтўба. 1932 й.да вилоят мақомини олган. Аҳолиси, асосан, деҳқончилик б-н шуғулланган. Тошкент–Оренбург йўлидаги стратегик пунктлардан бири.

• Актюбинск. Алма-ата, 1969; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.24.

АКХЙАНА (санскритча: ҳикоя) [мифология, фольклоршунослик] – қад. ҳинд ҳикоялари. Ведалар таркибида ҳам ҳикоялар бўлган. Ҳинд драматургияси ва насрий асарлари А.дан келиб чиққан, деган қараш мавжуд.

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.89.

АКУСТИКА (юнонча: akustikos – овозли) [эстетика, лингвистика] – товуш ҳақидаги фан, физика фанининг товуш ҳодисаларини ўрганувчи бўлими. А. қадимдан мусиқа ва риторика фанлари б-н қатъий боғланган бўлиб, дастлаб Пифагор (м.а. VI аср) табиат ҳодисаси сифатида кашф этган. Арасту (м.а. IV аср) уни риторика ва поэтика фанлари б-н боғлади. Нутқ А.сига Г.Л.М.Гельмгольц асос солган. Япон олимлари Ц.Тиба ва М.Кадзияма, инглиз олимлари Г.Фант, Ж.Л.Фланаган в.б. томонидан бу фан давом эттирилган. Унли ва ундошлар спектограммаси шаклига кўра нутқ товушлари: вокал–новокал, константив–ноконстантив, юқори–қуйи, компакт–диффузияли в.б. турли бўлиши мумкин.

Ад-тшуносликда нутқ товушлари ҳосил бўлиш ўрни, усули, тарқалиши, қабул қилиниши муаммолари т.шунослик фанида ва бадиий матн орқали китобхонга етказилиши масалалари, матндаги нутқий ўзгаришлар ва улар асосида санъат асарининг яратилиш жиҳатидан ўрганилади.

• *Струтт Ж.* Теория звука / Пер. с англ. М., 1955; *Скучик Е.* Основы акустики. Т.1-2. / Пер. с немец. М., 1958-59; *Фант Г.* Акустическая теория речеобразования / Пер. с англ. М., 1964; *Фланаган Ж.Л.* Анализ, синтез и восприятие речи / Пер. с англ. М., 1968; Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С.24-25; *Сорокин В.Н.* Теория речеобразования. М.,1985; *Галунов В.И.* Акустика / Большой энц-кий словарь: Языкознание. М., 1990. С.23-24;

АКУТАГАВА, Рюноскэ (1892/1.III–1927/24.VII) – япон адиби, ҳикоянавис. Токиода савдогар оиласида туғилган. Токио ун-тини тамомлаган. Денгиз механика билим юртида (1916–19) дарс берган. "Осака майнити" газ. мухбири (1919–21) бўлиб ишлаган. Япон классиги Нацумэ Сосэки (1867–1916)нинг таъсири дастлабки асарларида сезилади. А. асарлари талабалик давридан чоп этила бошлаган. Фожиавий равишда ҳалок бўлган.

А. асарлари япон ад-тининг жаҳон миқёсида шуҳрат қозонишига сабаб бўлган. "Расёмон дарвозаси" (1915), "Бурун" (1916) каби илк ҳикоялари тўплами А.га шуҳрат келтирган. "Дўзах азоби" (1918), "Куз" (1920), "Генерал" (1922), "Совуқ" (1924) ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Автобиографик характердаги "Дайдодзи Нобусукэнинг ярим ҳаёти" (1925), "Телбанинг ҳаёти" (1927), "Тишли ғилдираклар" (1927) қиссалари эътибор қозонган. "Сув алвастилари мамлакатида" хажвий қиссаси (1927)да япон киборлари жамияти танқид қилинган. 1924 й.дан рус в.б. т.ларга тарж. қилинган.

Японияда энг юксак адабий асарлар учун А. мукофоти жорий қилинган.

♦ *Акутагава Р.* В бамбуковой чаще / Запад и Восток. М., 1926; Расёмон. М., 1930. Новеллы. М., 1959; Избранные. Т. 1-2. М., 1971; Новеллы. М., 1974; Паутинка. Новеллы. М., 1987.

• Акутагава Р. Библиогр. указатель. М., 1961; *Гривнин В.* Акутагава Рюнескэ. М., 1980.

АКУША [этнография] – Доғистондаги туркий қавмлардан бири. Лазгин қабилалари б-н яқин алоқада яшайдилар. Ислом динига эътиқод қилади. XX аср бошларида 20 мингга яқин А. рўйхатга олинган. Марказий аҳоли пункти ҳам А. деб юритилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.24.

АКЦЕНТ (лотинча: accentus – *урғу*) [лингвопоэтика] – I. фонетик восита сифатида ажратилган бўғин, таъкид сўз, сўз бирикмаси бўлиб, у чукур нафас олиш, овозни кўтариш, урғу олган бўғинни чўзиш орқали пайдо қилинади. А. айрим ҳолларда урғунинг синоними сифатида қўлланилади. А. ўз табиатига кўра, бир неча турли бўлади: лексик А. (сўз урғуси), логик А. (гап урғуси), ритмик А. (ритмик бирлик сифатида шеъриятда турок, рукн ёки стопа), тоник А. (талаффузга кўра) в.б.

II. А.ни ифодаловчи диакретик белги (ҳарф устига қўйиладиган, мас., ́) ҳам А. деб юритилади. А. умум томонидан қабул қилинган талаффуз меъёрларидан чекиниш. Тилшуносликда талаффуз хусусияти, яъни бирор шева унсурини сақлаган ҳолда адабий тилда сўзлаш ёки ўз тилининг фонетик хусусияти б-н ғайри т.да сўзлаш ҳам А. дейилади.

• *Бернштейн С.И.* Вопросы обучения произношении. М., 1937; *Виноградов В.А.* Акцент / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. С.5; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.18.

Ритмик ~ – урғу олган бўғинлар муайян тартибда такрорланади. Ритмик А. вазн турига караб, ўзгариши мумкин. Мас., бармоқ вазнида ритмик акцент *турок*ка, аруз вазнида *рукн*га, рус ва Ғарбий Европа шеършунослигидаги силлабик ва силлабо-тоник шеър тизимида *стопа*га тенг келади. Демак, ритмик акцент ўрнига кўра паузалар орасидаги ритмик бирликдан иборатдир. Р.а.да интонацион урғу маъно урғусига тенг келиши мумкин.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.24; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.18.

~ стих (А. ли қатор, мисра; тоник шеър) – урғули шеър, тоник (эркин) шеър тизимининг асосий шаклларидан бири. Шеър муайян мисра ёки қаторда максимал урғулар сони б-н бошқарилади ва мисрадаги бўғинлар сони ҳамда урғули бўғинлар ўртасидаги урғу олмаган бўғинлар б-н мослашади. А.с. жуфт қофияли мисраларда тўлиқ шаклланган бўлади. Фаол қўлланилувчи А.с. 4 ва 3 урғули бўлади. Рус халқ шеъриятида фаол

қўлланган. В.Маяковский ижодида А.с. намуналари учрайди. А.с.нинг умумий формуласи: _`0/7_`0/7…

Гражданин фининспектор!
Простите за беспокойство!
Спасибо...
Не тревожьтесь...
я постою...
У меня к вам
дело
деликатного свойства:
о месте
поэта
в рабочем строю.

(В.Маяковский. Разговор с фининспектором о поэзии, 1926) Схемаси: 2_`2_`2_`4_`1
1_`3_`1_`2_`
2_`1_`3_`2_`1
1_`2_`2_`2_`

• *Жирмунский В.М.* Введение в метрику. Теория стиха. Л., 1925; *Никинов В.* Ритмика Маяковского // Вопросы литературы. 1958. №7; *Гаспаров М.Л.* Акцентный стих / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.6; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13-14.

АКЦЕНТОЛОГИЯ (лотинча: accentus — урғу ва юнонча: logos — таълимот) [лингвопоэтика] – т.шуносликнинг урғу табиати, белги-хусусиятлари ва урғу вазифаларини ўрганувчи соҳаси. *Интонация* ҳодисасидан ташқари урғу табиатига кўра т. бирликларини ўрганувчи соҳа. А. урғуни фонологик ва морфологик позициясига кўра ўрганиб, урғули бўғиннинг ўрнини ҳам ўрганади. А.да лингвистик, психолингвистик ва инструментал методлар б-н иш кўрилади.

А. қад. Ҳиндистон (м.а. VIII-VI асрлар), Юнонистон (м.а. IV аср), Хитой (м.а. V аср)да ҳам ўрганилган. Европада А.Бодуэн де Куртенэ; Е.Д.Поливанов, Ф.де Соссюр, Ф.Ф.Фортунатов ва А.Мейенинг классик лингвистикага оид ишларида кузатилган.

• *Тронский И.М.* Древнегреческое ударение. М.–Л., 1962; *Иллич-Свитыч В.М.* Именная акцентуация в балтийском и славянском. Судьба акцентуационных парадигм. М., 1963; *Кацнелсон С.Д.,* Сравнительная акцентология германских языков, М.–Л., 1966; *Редькин В.А.* Акцентология современного русского лит-ного языка. М., 1971; *Потебня А.А.* Ударение. К., 1973.

АКЦИЙ, Луций (м.а. 170 –90) – Рим драматурги ва филологи. Драмаларидан айрим парчаларгина сақланган. 40 дан ортиқ трагедия ёзган, “Брут”,

"Энеида", «Деций» асарларида Эврипид таъсири сезилади. Адабий-тарихий характердаги лавҳалар ва тилшуносликка оид асарлар муал.и.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983.

АКЦИОННИЗМ (лотинча: actio – *ҳаракат*) [эстетика, театр ва драма назарияси] – авангард санъатининг йўналишларидан бири бўлиб, XX аср 70-й.ларида Ғарбий Европа, АҚШда кенг тарқалган. Унда абстракт экспрессионизм, ташизм («ҳаракатдаги тасвир»), поп-арт в.б. йўналишларнинг унсурлари кучли. А. воқеа ва ҳаракатнинг тезкор оқимини беришга интилади.

Ҳикоя, роман ёки драмада воқеа баёни ё тасвиридан кейин вужудга келган *интрига* (можаро) қисми классик театршуносликда "аксион" деб юритилган. А., кўпинча, асарнинг таъсир доирасини кенгайтиришга ва кучайтиришга, қўшимча маъно орттиришга хизмат қилади.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПг.: АЗБУКА Классика, 2005. С.25-26; *Karatas T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.30.

АКШЕПА (санскритча: *эътироз*) [поэтика] – ўхшашликка асосланувчи санскрит бадиий санъат турларидан бири. Дандин фикрича, эътироз ҳам шеъриятга алоҳида шукуҳ бағишлайди. У А.нинг учта турини кўрсатади. Улар: а) сўз ўйинига асосланган (акшепа-шилишта). Мас.: *Сенинг ой юзинг турганда бу ойнинг кимга кераги бор;* б) А. – шубҳа (акшепа-саншая). Мас.: *Бу кўз осмонидаги булутми ёки гозлар галасими, аммо тақинчоқлар овозидан улар гозлар галаси эмаслиги аён;* в) А. – тасдиқ (акшепа-артхантара). Мас.: *Шуниси ҳайратлики, бутун дунёни забт этса ҳам, сенинг мардлигинг қониқишни ҳис этмайди. Ахир ёнган олов қачон тўйинган?*

Дандин А.га келтирган мисолларда икки объект шунчаки қиёсланмайди, балки уларнинг икки аспекти – бири тўғридан-тўғри, иккинчиси яширин қиёсланади. Дандин А.нинг вақтинчалик келишув б-н юз берадиган эътироз (анжуя – акшепа), вақтинчалик бефарқлик б-н юз эътироз (анадар-акшепа), алқаш орқали юз берадиган эътироз (аширвачана-акшепа), шафқатсиз эътироз (паруша – акшепа), иложсиз эътироз (ятна – акшепа), ёрдам сўраб қилинган, яъни илтимосли эътироз (упая – акшепа) каби турларини ҳам келтирадики, улар шеъриятнинг мазмунан гўзаллигини таъминлайди.

- *Гринцер П.А.* Определение поэзии в санскритской поэтике / Проблемы теории литры и эстетики в странах Востока. М., 1964; Санскритская поэтика и античная риторика; теория «украшений». Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987.

АКЫН (ўзбекча: оқин, бахши) [фольклоршунослик] – қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз бахшилари шундай ном б-н юритилади, улар ўз асарларини дўмбира воситасида ижро этадилар. "Алпамыс", "Қиз Жибек" эл орасида машҳурлигига А. сабаб бўлган. А. репертуатида халқ достонлари б-н бирга

термалар ҳам айтилган. Таникли қозоқ А. Жамбул Жабаев (1846–1945), қирғиз А. эса Т.Сатилганов (1864–1933)дир.

• Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М., 1974; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.25; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

АЛАВИЙ, Абдулла (1903–1931/7.1) – ўзбек шоири, фольклоршуноси. Тошкент вилоятининг Пскент ш.да туғилган. Ленинграддаги Шарқ т.лари ин-тида ўқиган (1924–27). Самарқанд педакадемияси (ҳоз. СамДУ)да дарс берган. Шеърларида бармоқ вазни имкониятларини кенгайтирган, сарбаст (эркин) вазнда ёзилган қатор шеърлари мавжуд. "Йўловчи", "Эркин саҳоб", "Арслонбобга", "Денгизга" каби шеърий асарлари ўз даври китобхонларига манзур бўлган. "Алпомиш" достонини Берди бахшидан ёзиб олиб (1926), нашр қилдирган. Ўзбек мумтоз ад-ти, ад-тшунослик ва алифбо масалалари бўйича илмий мақолалар ёзган.

Оғир касалликдан сўнг Тошкентда вафот этган. А.га бағишланган Чўлпон ва А.Авлонийнинг марсиялари ёзилган.

• *Мирвалиев С.* Ўзбек адиблари. Т.: Ёзувчи, 2000. Б.40-41.

АЛАВИЙ–БЕКТОШИЙ – ????????????

– Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. - Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.109–112.

АЛАВИЙ Зийнатий (XI) – форсигўй шоир. Хуросонда яшаган. Шеърлари турли баёзлар орқали маълум. А.З.нинг уч ғазали "Сабаки Рудакий" тўпламида чоп этилган. А.З. ҳаёти ва ижодига доир маълумот сақланмаган.

• *Алавий Зийнатий.* Шеърхо // Сабаки Рўдакй. Душанбе: Ирфон, 1984. С.270-271.

АЛАВИЯ, Музайяна (1909–?) – фольклоршунос олима. Тошкент вилояти Пскент ш.да туғилган. Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тини тамомлаган. Бир неча ўрта мактабда дарс берган. 1944 й.дан ЎзРФА Тил ва ад-т ин-ти илмий ходими, филология фанлари номзоди. Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори.

"Қувончларим" шеърлар тўплами, "Ўзбек халқ қўшиқлари", "Ўзбек халқ маросим қўшиқлари" (1974) монографиялари муал.и. Ахлоқий мавзуда "Инсонийлик ҳақида", "Камтарга камол" китобларини ёзган.

АЛАГРЕК (французча) [эстетика, меъморчилик] – қад. юнон обидаларида қўлланилган меъморий чизиқлар тўплами. А. юнонлар устки кийимининг этак қисмида, этрус вазаларида безак сифатида қўлланган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.25.

АЛАД (шумер, аккадча: шеду) [мифология] – шумер-аккад мифологиясида шайтоннинг бир тури бўлиб, аввал инсонга мўътадил муносабатда бўлган. Эскивавилон давридан бошлаб манбаларда Эзгу куч, ҳар бир инсон ҳалоскори сифатида талқин қилинади. Санъат асарларида ассирияликлар шоҳини ҳимоя қилувчи қанотли ҳўкиз тарзида тасвирланган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.57.

АЛАЙҲИССАЛОМ (арабча: унга салом бўлсин) [диншунослик] [тасаввуфшунослик] – ислом маданиятида пайғамбарлар номи т.га олинганда унинг номи қўшиб айтиладиган дуо. Одам а.с., Нуҳ а.с. каби. Муҳаммад пайғамбарга нисбатан А.ни *саллаллоҳу алайҳи васаллам* (с.а.в.), яъни Аллоҳ таоло ул зотга ўзининг салавот ва саломини нозил қилсин мазмунида қўллаш одат тусига кирган.

АЛАМ (арабча: аломат, белги) [диншунослик, тасаввуфшунослик] – I. тут, байроқ, ялов. Азиз авлиёлар қабрларига ҳам А. (от ёлидан тайёрланган ялов) осилган. Ҳарбий сафар ёки урушларда А. кўтариб юрувчи, *аламдор* деб номланган. "Бобурнома"да бу ҳақда маълумот бор. Шу жумладан, муқаддас жойлардаги дарахтларга яхши ният б-н илинадиган латталар ҳам А. деб номланади. Жой номларига А. қўшиб айтилиши шундан: Аламлисой (Самарқанд вилояти), Хожаалambардор в.б. *Аламбардор* мақбараси (Туркманистон) сомонийлар сулоласи вакили Мунтасир (в. 1005) қабри устига қурилган.

II. Эрондаги махсус байрам. Шиа мазҳаби етакчиларидан Имом Ризо бин ўғли б-н ҳаж зиёратига кетаётганида йўлда карокчилар томонидан ўлдирилган. Ҳар й. Эронда шу кун хотирланади.

III. наққошлик ва кандакорлик санъатидаги усуллардан бири. Биринчи бўлиб Бухорода мисгар Мирҳамид томонидан мис лаганларга зарб қилинган.

- Ўз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.192.

АЛАМКАРА-ДХВАНИ – қ.: Аланкара, дхвани.

АЛАМКАШ (1946–1924) – ўзбек шоири, таржимон ва хаттот. Асл исми Убайдуллоҳ Ислом ўғли. "Девон" тузган шоир, девонига кирмаган 100 дан ортиқ шеърлари турли мажмуалардан ўрин олган. "Чор китоб"ни форс т.дан ўзбекчага эркин тарж. қилган (1898). А. "Девон"и қўлёзмаси ЎзРФАШИда (сақланиш рақами 11306) сақланади.

«АЛАНГА» – ойлик адабий-бадиий журн. Ўз-нда лотин ёзувида чоп этилган илк журн. 1929–30 й.ларда Самарқандда 32 сони нашр этилган. 1929 й.дан "Қизил қалам" адабий уюшмаси муассислигида чиққан. "А." журн.га Боту мух-рлик қилган, таҳрир ҳайъатида Маннон Ромиз, Наби Қодиров, Ориф Олимжонов иштирок этишган. "А."да тил-имло масалаларига кенг ўрин берилган. Боту, Шоикр Сулаймон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир,

Ғайратий шеърлари, Фитрат, Ғози Олим, Ҳоди Зариф ва У.Э.Бертельс мақолалари чоп этилган.

АЛАНКАРА (безаклар назарияси) [поэтика, ритрика] – қад. санскрит поэтикасининг бадиий санъатларга бағишланган бўлими. Санскрит олимлари поэтикани *аланкара-шастра* деб юритишган. А. назариясининг вужудга келиши ва ривожи VII–IX асрларда «аланкариклар мактаби» б-н боғлиқ. Бхамаха, Дандин, Вамана, Удбхата, Рудрата каби олимлар А.ни «шеъриятнинг юраги» дейишган. Дхвани назарияси (поэтик идрок)нинг вужудга келиши, поэтикага раса-дхвани доктринасининг киритилиши натижасида А. категорияси ўз мавқеини йўқотган. Анандавардхонанинг фикрича, А. шеъриятнинг юраги эмас, балки танасини ташкил этади. Натижада, Анандавардхонанинг А.га муносабати санскрит ад-т назариясида мустаҳкамланиб қолди. Хемчандра ўзининг «Кавьянушасана» асарида «А. шеъриятнинг танасига тааллукли, унинг юрагини эса *раса* ташкил этади» деб ёзади. А.ларнинг турлари, ҳар бир турга хос хусусиятлар ва уларнинг адо этган вазифаларини изоҳловчи бир неча хил таснифлар мавжуд. Мас., Бхамаха таснифи, Дандин таснифи кабилар. Улар орасида Дандин таснифи етакчи бўлиб, «Кавьядарша» рисоласидаги аланкаралар таснифи қад. санскрит поэтикаси масалаларга бағишланган. Санскрит поэтикаси назариётчилари аланкарага ўқувчини ишонтириш воситаси эмас, балки бадиий тилнинг беқарорлиги, чуқурлиги ва гўзаллиги б-н таъсирлантириш воситаси сифатида қараганлар. Бхамаха аланкаралар туфайли шеър мазмуни бетакрор бўлади, деб ёзса, Кунтака аланкаралар шеърий нуткка самовий лаззат бағишлайди, деб таъкидлайди. Руйяка эса аланкара сўзнинг мазмуни ва шаклига юксак ранг беради, аланкарага хос бу хусусият сўз ва маънонинг ўта нозиклашишида, деб изоҳлайди. Дандин тўғри кўрсатганидек, қад. санскрит шеъриятида мазмуний аланкаралар етакчи ўрин эгаллайди. Кунтаканинг кўрсатишича, «бурама нутк» (гнутая речь) асосида мазмуний аланкаралар ётади. XI асрда яшаган таникли назариётчи Рудрата «Кавьяланкара» («Поэтик безаклар») асарида шеърият сўз ва маънонинг бирлигидир, дейди. Аланкара концепцияси поэтик нуткнинг етакчи белгиси сифатида сақланиб қолди. Жумладан, XII асрда яшаган Руйяка «Аланкарасарвасва» («Барчаси безаклар ҳақида») асарида қад. назариётчиларнинг қарашларига қўшилиб, безакдорлик шеъриятда энг муҳим хусусият эканлигини таъкидлайди. XIII асрда яшаган Жаядева ва XVI асрда яшаган Уппайя Дикшиталар тадқиқотларида худди шундай караш илгари сурилган.

• *Гринцер П.А.* Определение поэзии в санскритской поэтике Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. М., 1964; Санскритская поэтика и античная риторика; теория «украшений» / Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987; Теория лит-ры. В 2-х т., т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.152-154.

АЛАНЛАР (лотинча: Alani) [этнография] – қад. туркий қавм. Кавказда яшаган. Аслида *иран* (эран); Византия манбаларида *алан,* грузинларда *ослар,* рус т.да *яслар* деб юритилган. М.а. I асрдан манбаларда т.га олинади, Шим. Ҳазарда, Кавказолди тоғларида кўчманчи турмуш кечирганлар. Кейинроқ Қрим, Кавказорти, Кичик Осиё, Мидияга юришлари натижасида ҳудудини кенгайтирган. 372 й. хуннлар томонидан тор-мор этилган. Сўнгра бир қисми Кавказ халқларига, бошқа бир қисми хуннлар б-н қўшилиб кетган. Кавказдаги А. яшайдиган макон *Алания* деб юритилган. Шим.Кавказ, Дон ва Волга дарёлари оралиғидаги ҳудуд А. ерлари сифатида кўрсатилади. VIII–IX асрларда Ҳазар хоқонлиги таркибига кирган бўлса, X–XII асрларда Кавказда Аланлар давлати тузилган. Айни даврда А. ёзувига (араб алифбоси асосида) асос солинган. Бироқ мўғулларнинг ҳужуми туфайли А.нинг бир қисми тарқалиб, бир қисми эронийларга,бошқа бир қисми кавказлик осетин в.б. халқларга қўшилиб кетган. XIV асрдан исломий эътиқод тикланиши б-н яна А. ёзуви ва т.и истеъмолга кирган.

- *Ванеев З.Н.* Средневековая Алания. Сталинири, 1959; *Кузнецов В.А.* Аланские племена Северного Кавказа. М.,1962; *Плетнева С.А.* От кочевий к городам. М., 1967. *Абуший Ҳ.А.* Туркий қавмлар тарихи. Т.: Чўлпон, 1995; *Рахманалиев Р.* Империя тюрков. М.: Прогресс, 2002; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Туз. З.Зиётов. Т.: Истиқлол, 2008. Б.28.

АЛАНҚУВА [мифология] – туркий халқлар орасида тарқалган афсона қаҳрамони. Рашидиддиннинг ёзишича, мўғул қабилалари Добунбаён ва унинг хотини А.дан тарқаган. Туркий халқлар улардан келиб чиққан деган қарашлар мавжуд. Фазлуллоҳ Рашидиддин, Мирзо Улуғбек, Абулғози каби тарихчилар Чингизхон аждодларини А.га боғлайдилар. А. қуралас қабиласидан Хурилартой мерганнинг қизи бўлган. Эри Добунбаён эрта вафот этган, бева қолган А. мўъжиза б-н ҳомиладор бўлиб, ўғилларини тарбия қилиб, вояга етказган. Катта ўғли Букун Қатағандан қатағон уруғи, ўртанчаси Салжидан салжиут уруғи, кенжаси Бодончаркоон (айрим манбаларда Буданжир Мунқақ)дан мўғуллар, яъни Чингизхон насаби тарқаган. Бу уч ўғилдан тарқалган уруғ *нирун* деб аталган.

- *Қаюмов А.* Қадимият обидалари / Асарлар. 9-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

АЛАСТ КУНИ [тасаввуфшунослик] – азалий, ибтидосиз замоннинг дастлабки пайти. Ислом мифологиясида Одам Ато яралган пайтда унинг авлодлари руҳлари чақирилиб, тинч-тотув яшаш, ёмонлик қилмаслик ҳақида Аллоҳ олдида аҳдлашилган кун. А.к. исломий манбаларда *явму-л-мисоқ* ҳам дейилади.

АЛАТОО – к.: Олатов (Олатоғ)

«АЛА-ТОО» – Қирғизистон Ёзувчилари уюшмасининг адабий-бадиий журн. 1931 й.дан Бишкекда чиқа бошлаган. 1936 й.гача "Ҳужум", 1942–55 йй.да "Совет Қирғизистони" номини олган. Тиражи 30.000 га етган (1968).

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.101.

АЛАФА (арабча: ал-уфа – тўлов, *шикоят*) – туркий халкларда, жумладан, татарларда: *алапа*. Олтин Ўрда ҳужжатларида шикоятчи аризаси ўрнида қўлланилган. Маҳмуд ибн Алининг "Наҳжу-л-фародис» ("Жаннатларнинг очиқ йўллари") асарида идора атамаси.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.26.

«АЛАШ» – Қозоғистондаги миллий-озодлик ташкилоти (1917, апр. – 1920, март) ва партияси. XX аср бошларида кадетлар партиясининг сўл гуруҳи сифатида шаклланган (1905). Фирка "Қозоқ" газ.сини (Оренбург) чиқарган. Газ. ёпилиб, унинг мулки ва биноси мусодара қилинган. Партия ташкилотчиларидан Миржақиб Давлат ўғли (1885–1935) қамоққа олинган.

«АЛАШ ЎРДА» – 1917 й.да Оренбургдаги Умумкирғиз I қуролтойида таъсис этилган мухтор ҳукумат, раҳбари А.Бўкейхонов (1869–1937). Дастурида исломчилик ва туркчилик ғояларини ифода қилгани учун шўролар томонидан таъқиб остига олинган ва тўхтатиб қўйилган (1920). Қўқонда тузилган Туркистон мухторияти б-н фаол алоқада бўлган. Атаман Дутов қўшинлари ҳимоясида сақланмоқчи бўлган. Бироқ 1920 й. мухтор ҳукумат тарқатиб юборилган, унинг аъзолари қамоққа олинган.

- *Норқулов Н.* Алаш Ўрда / Ўз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б. 196.

АЛАЧА (туркча: *олача,* шойидан тўқиладиган мато) – XX аср манбаларида Бухоро алачаси жуда машҳур бўлган. Фитратнинг "Ҳинд сайёҳи баёноти" асарида маҳаллий шароитда тўқилган А.ни хориж моли деб, ундан бож ундириш можароси қаламга олинган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.25.

АЛАҚ СУРАСИ – Қуръони каримнинг Маккада нозил қилинган сураси. 19 оятдан иборат. А.с. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га нозил қилинган илк ояти карималаридан. Оятда инсоннинг қуюқ лахта қондан яратилгани айтилгани боис, уни "Алақ» — «Лахта қон» деб номлаганлар.

АЛБА (прованс.: alba – *тонг*) [поэтика] – ўрта асрлар Ғарб лирикаси жанрларидан бири. Трубадурлар шеъриятида тонгги қўшиқ. Испанияда тонгда ижро этиладиган куй. Ғарбий Европа маданиятида очиқ саҳнада ёки табиат қўйнида маъшуқа шарафига айтиладиган қўшиқ. А. рицарнинг

маъшуқа б-н тунги учрашуви ҳақида баён қилувчи тонгги шеърий ёки насрий нутқ. Бу ўринда уларнинг ҳар иккиси (дуэт, диалог шаклида) ҳам иштирок этиши, ёки рицар ёлғиз ўзи (монолог шаклида) маъшуқасини эслаб, тонгда қўшиқ куйлаши мумкин. Тунги қўшиқ *серена* ёки *серенада* дейилган. Серенада учрашувга чорловчи қўшиқ ёки оҳанг, А. эса учрашувдан сўнгги у ҳақдаги ширин хотиралар баёнидир.

• *Гаспаров М.Л.* Альба / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.21; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8.

АЛБАН АДАБИЁТИ – албан т.даги ад-т. Қад. намуналари фольклор жанрларида акс этган. А. ёзма ад-ти XV асрда лотин ёзуви асосида шаклланган. Қад. адабий ёдгорлик П.Энгеланинг "Чўқинтириш таомили" (1462) асари. А. т.даги дастлабки ёзма ёдгорлик "Мэшари" ("Хизмат китоби") Г.Бузуку томонидан 1555 й.да яратилган. Шу асрда М.Барлетинин "Искандарбек, ҳаёти ва қаҳрамонлиги тарихи" номли историографик асари нашр этилган. П.Богдани "Пайғамбарлар" (1685) рисоласини битган. XVII асрдан А.а.га *барокко* услуби кириб келган. Бу ҳолат П.Буди ижодида ёркин акс этган. Унинг диний мазмундаги "Рим одатлари", "Насронийлик қоидалари" асарлари машҳур.

XVIII асрдан шакллана бошлаган маърифатпарварлик ад-тида исломий мотивлар устувор. *Бейтежи* (албанча: ошиқ, бахши) ад-ти араб ёзувида битилган. Унда араб-турк унсурлари кенг ўрин тутади. Халқ шоири Зако Қамбарий ижодида маърифатчилик ғоялари акс этган. Муҳаммад Жомий (1783–1844)нинг "Эрвехея" (1888) ва "Юсуф ва Зулайхо" асарлари диний-таълимий характерда. XIX асрда А.а.да романтизм етакчи адабий оқимга айланган. И. де Раданинг "Милосао қўшиғи", Г.Даранинг "Боланинг сўнгги қўшиғи", З.Серембенинг "Тақдир", В.Шкодранининг "О, менинг Албаниям" достонларида бу оқим акс этган. 1912 й.да А.халқи мустақилликни қўлга киритгандан сўнг А.а. анча ривож топди. Фан Ноли шеъриятида мустақиллик ғоялари ўз аксини топган. Ф.А.Санторининг "Амира" драмаси А.т.да ёзилган биринчи саҳна асаридир. Фрашери, А.Чаюпи, Н.Мьеда каби шоирлар ижодида албан бирлиги масаласи диққат марказига қўйилган. XX асрнинг 2-ярмида албан турмушини эпик планда акс эттирган С.Спассенинг "Улар ёлғиз эмас эди" (1952), Ф.Гьятанинг "Боткок" (1959) романлари яратилди.

♦ Албанская классическая поэзия. М., 1981; Албанская новелла XIX-XX века. М., 1983.

• *Арш Г.Л., Сенкевич И.Г., Смирнова Н.Д.* Краткая история Албании. М., 1965; *Серкова Т.Ф.* Албанская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.18.

АЛБАН ТИЛИ – А.халқининг миллий т. Ҳинд-Европа т.лари оиласига киради. Фракий т.дан келиб чиққан. Икки диалект асосига қурилган: *гег* ва *тоск* шевалари. А. мусулмонлари XVII асрдан араб ёзувида асарлар битишган, Элбосан ш.да миллий ёзув учун ҳаракат кучайган, XVIII асрда

Теодор Хожа Филипп 57 белгидан иборат янги алифбега асос солган. XVIII асрда Т.Ковальти ва Данел томонидан албат т. луғатини тузишган. Араб ёзуви асосида *бейтежи* номли халқ ад-ти тараққий топган. 1879 й.дан Я.Врето, В.Паша, С.Фрашери томонидан лотин ёзуви асосидаги миллий алифбо шакллантирилган. Туркия, Греция, Италия, Сербия, Хорватия, Македония, Косово в.б. ўлкаларда ҳам А.т. сўзлашувчилар бор.

• *Десницкая А.В.* Албанский язык и его диалекты. Л., 1968; *Кочи Р.Д., Косталлари А., Скенди Д.И.* Краткий албанско-русский словарь. М., 1951.

АЛБИКОЙЛАР (лотинча: albiqenses, французча: albiqeris – Алби ш. номидан) – XII-XIII асрларда Франция, Италия, Германияда бюргерлик ҳаракати вакиллари, диний эътиқдда ислоҳот тарабида бўлиб, католик черковига қарши чиққанлар.Уларнинг таркиби ш.лик ҳунармандлар ва санъаткорлардан иборат бўлган. 1167 й. Сан-Фелликсда мажлисга тўпланиб, А. ҳаракатини расман қабул қилишликни талаб қилганлар. А.га қарши папа Иннокентий III салиб юриши эълон қилган. 1209, 1213, 1216 ва 1229 йй.да кескин жанглар бўлган ва инквизация томонидан А. йўқ қилинган.

• *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.17.

АЛВАСТИ [мифология] – турк мифологиясида кўринмас ёвуз куч. Туркий т.ларда албиз (Тува), алмиш (козок), ал (Туркия), албиш (қирғиз), абаси (туркман) каби номлар б-н юритилади. Қирғиз ва қозоқ мифологиясида қора А. ва сариқ А. фаркланади. Сариқ А. аёл киши ёки тулки қиёфасида кишиларга кўринади. Қора А. эса жиддий, оғир феълли руҳ қиёфасида гавдаланади. Йўловчиларга коронғи кечаларида дуч келади ёки уйқусида (туш воситасида) кишига ҳужум қилгани айтилади.

А. ўзбек эртакларида сочи ёзилган аёл қиёфасида учрайди. А. фольклор асарларига кўра ўтдан, ўчоқ бошидан, ёруғликдан қочади. Коронғи ва хилват жойларни макон тутади. Айрим эртакларда ёзилишича, ёнғоқ, тут ва чинор дарахтларининг коронғи соясида ўтиради.

• *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969. С.23-32; Türk Dili ve Edebiyatı Ansiklopedisi: Devirler, İsimler, Eserler, Terimler. 8 c., 1-c. İstanbul, Dergah Yayınları, 1976; *Kalafat Y.* Doğu Anadolu da Eski Türk İnançlarının İzleri. Ankara, 1990; *Басилов В.Н.* Алвасти // Мифы народов мира. Т.1. М., 1980. С.58; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.102–103.

АЛВОН [тасаввуфшунослик] – ранг-баранглик, турли ранглар тўплами; айрим ҳолларда қизил ранг. Сўфийлар хирқасининг ранг-баранглиги. Сўфийлар сулук (Аллоҳ сари йўл) давомида сайр мартабаларида ҳар хил рангларга эътибор қилишган. Улар хирқа ва либослари, даража мартабасига мувофиқ рангда бўлишига интилишган. Ранглар муайян маънони билдирган. Мас., қора ранг *касрат* мақомига ишорадир, унда зулмат ва касофат ҳукмрон; азрақ (тўқ зангори) руҳлар ва тимсоллар суратига ишора. Сариқ рангда соликнинг Аллоҳ ёди б-н яшаши тушунилади. Қизил ранг

соликнинг руҳи вужудидан ажрала бошлаганини, маърифатга яқинлашганини билдиради. Оқ ранг юракнинг покланишига ишора ва ҳақиқатни англашнинг бошланишидир. Яшил ранг вахийликдан нишона. У сирларнинг сирига, ғайбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятларга етишаётганлигини ҳам англатиши мумкин. Мазкур ранглар соликнинг Аллоҳ томон руҳий сафарини англатса, кора ранг Аллохдан халқ сари сафарини билдиради, сирлар хазинасини эгаллашни ва ҳайратга ғарқ бўлишини ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариатнинг мағзи — ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига ўралади. Ниҳоят солик руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл (барча ҳақиқатга етишиш) даражасини эгаллаган солик якранглик ҳолатида мақсадига эришади.

Нажмиддий Кубро етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг – исломни, сариқ ранг — имонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – итминон (ишонч)ни, кўк ранг – икон (тўлиқ ишонч)ни, қизил ранг — ирфонни, қора ранг – ҳаяжон (ҳайрат)ни англатади. Солик руҳий ҳолатларини, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганини пирига айтиб туриши керак. Пир шунга қараб, мурид нинг қайси босқичда турганини билиб, унга янги вазифалар юклайди. Кейинги сўфийлар ҳам Кубро сингари қора рангни ҳайрат белгиси ҳисоблаб, уни руҳнинг фанога ғарқ ҳолати рамзи сифатида таъкидлашган.

• *Комилов Н.* Тасаввуф (2-китоб). Т., 1999; *Снесарев Г.П.* Хорезмийские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М., 1983; Тримингэм Дж.С. Сўфийские ордены в исламе. М., 1989; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005.

АЛГЕБРА – к.: Алжабр.

АЛГУ (Олғу, в.1264) – Чиғатой улуси хони (1260–64). Чиғатойнинг набираси, Байдархоннинг ўғли. Хоқон Мунке вафоти (1259)дан сўнг биродарлари Хубилай ва Ориқбуқони енгиб, тахтга эришган. Хоразм ва Афғонистон ҳам мана шу давр (1262–64)да мўғуллар ҳукмига бўйсунган.

АЛДАНОВ, Марк (1886–1957) – муҳожирликдаги рус адиби, асл исми: Марк Александрович Ландау. Украинанинг Киев ш.да туғилган. Киев ун-тининг физика–математика ва ҳуқуқ факультетларини тугатган. 1913 й.дан адабий фаолияти бошланган. «Толстой ва Роллан» тадқиқоти б-н этибор топган. 1919 й. апрелидан Парижда яшаган. 1921 й.да рус ва француз инқилобларини ўзаро қиёслаб, "Олов ва тутун" тадқиқотини яратган. Рус инқилобчилари ҳақида кўплаб Европа т.ларида сиёсий портретлар яратган. Париждалик пайтида Бунин б-н ижодий ҳамкорликда бўлган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши б-н АҚШга кўчиб ўтган ва М.Цетлин б-н ҳамкорликда рус т.даги "Новый журнал»ни ташкил этган. Ушбу журнал ҳ. ҳам нашр этилади. 1947 й.да Парижга қайтиб, фаол ижод б-н шуғулланган.

Муал.нинг тавсиясига кўра, у яратган тарихий ва сиёсий романларни ушбу тартибда ўкиш лозим: "Пунш суви (1792)", "Тўққизинчи термидор (1792–94)", "Шайтонлар кўприги (1796–99)", "Фитна (1800–01)", "Мукаддас Елена, кичик орол (1821)", "Жангчининг қабри (1824)", "Ўнинчи симфония (1815–54)", "Ўлим ҳақида қисса (1847–50)", "Булоқлар (1874–81)", "Калит (1916–17)", "Қочиш (1918)", "Ғор (1919–20)", "Шайтон кўприги" (1925), "Фитна (1927)", "Тугалланишнинг бошланиши (1937)", "Халос бўлиш (1948)" каби. "Толстой ва Роллан" (1915) эссеси қиёсий ад-тшунослик намунаси. Булардан ташқари, "Император Александр ва унинг салафлари", "Жозефина Бонапарт", "XVIII аср авантюристкаси Олга Жеребцова", "Қизиқарли француз адибаси Мадам де Стал Россияда", "Иғвогар Азеф", "Чекист Урицкий", "Луначарский – адиб", "Польшанинг давлат арбоби Маршал Пилсудский", "Сталин", "Гитлер" сингари тарихий эссе ва сиёсий портретлари б-н шуҳрат қозонган. Россияда шўро даврида "Ўлим ҳақида қисса" асари чоп қилинган.

♦ *Алданов М.* Л.Толстой и Роллан, т.1. Петроград, 1915; Соч., т.1-4. Париж, 1937; Повесть о смерти. М.: Прометей, 1991.

АЛДАР КЎСА [мифология, фольклоршунослик] – туркий халқлар фольклоридаги тўқима образ. Қозоқ, ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд в.б. халқлар эртаклари ва латифалари қаҳрамони, сатирик образ. А.К. фольклор қаҳрамони сифатида уруғчилик давридан мавжуд. "Кўса" сўзи икки маънода: қабила ёки уруғ бошлиғи (1), соқолсиз, юзида бир туки йўқ эркак киши (2). Зукко, чаққон, тадбирли ва айёр, инсонларга доимо ёрдам берувчи тимсол сифатида талқин қилинади. А. кулги уйғотувчи қаҳрамон. А. ҳақида қозоқ фильм ва драмалари бор. Ш.Ҳусаинов "А.К." пьесаси (1946)ни ёзган, шу асосда бадиий фильм суратга олинган (1964).

• Қазақстан Ұлттық Энц-я. Алматы, 1998. S.263; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.104.

АЛЕАТОРИКА (лотинча: alea – «гардкам», суяк ўйини-ошиқ) [эстетика] – тасодифийлик асосига қурилган мусиқа санъати ва бадиий ад-тдаги ижодий йўналиш. *Ҳаёт – тасодиф* фалсафий тушунчасига таянади.

Инсон ҳаёт саҳнасида ўйнаётгандай кўрсатилиб, унинг моҳиятини, яъни тасодифийликни фалсафий қабул қилишга мўлжалланган. А. ижодкорни ижоднинг қатъий талабларидан чекиниб, қаҳрамонини ҳаёт оқимига ташлаб қўйиб, муал.ни эркин фикр юритишга ундайди. А. XX аср 50–60 йй.да К.Штокхаузен ва П.Булез томонидан фалсафий нуқтаи назардан асосланган. А. асосчиларидан бири К.Штокхаузен (1957) турли кетма-кетликда ижро этилиши мумкин бўлган 19 қисмдан иборат фортепиано пьесасини яратди. 1961 йилда П.Булез фортепиано учун 3-сонатани яратади. Бунда қисмлар ижроси муал. параметрларига кўра импровизацияга учрайди. Қолган қисмлар тушуриб қолдирилади, 4/5 бўлаги (ўртачадан ташқари) эркин

тартибда ижро этилади. А.нинг механик (қатъий), эссеистик (бадиҳавий) ва назоратли турлари мавжуд. Ўзбек бастакорлари Н.Зокиров, Т.Қурбонов ижодида А.нинг айрим белгилари учрайди.

А. ад-тда бирор асар қисмларининг доимий ўрни бўлмаслиги б-н белгиланади. Саҳифалари аралаштириб юборилган бир неча китоблар нашр этилган. Г.Хейтнинг асарларида ҳатто сўзда доимий жой йўқ. Мас., Жонсон "Бахтсизлар" (1969) номли 27 бобдан иборат роман ёзган. Асар китоб ҳолида тикилмай, алоҳида боблари кутига жойлаштириб тарқатилганки, уни исталган бобидан бошлаб, исталган кетма-кетликда ўқиш мумкин.

А. тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда ҳам учрайди. А. рассомни "эзувчи структуралар исканжаси"дан, "давомли техника интерваллари"дан озод этади. Аммо рассом бошқа томондан нота матнига алоқадор ижронинг асоссизлигига чекланади. А. муал. "онг оқими"ни бошқармай, ўзини унинг ихтиёрига беради ва қандай келса, шундай ёзиб кетаверади.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

АЛЕВРОМАНТИЯ (юнонча) [мифология] – кад. юнонларда ун воситасида кўриладиган фол. Манбаларда ёзилишича, кохинлар унни ўтга ташлайдилар ва унинг ёниш даражасига қараб, фол очадилар. Улар фол пайтида маъбудлар б-н тиллашганлар, айниқса, Аполлон б-н руҳан боғланиб, фол кўрсатувчининг тақдирини сўраганлар.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.26.

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ – қ.: Мақдунли И.

АЛЕКСАНДРЕ, Висенте (1898.26/IV–1984) – испан шоири. Испания Қироллик академияси академиги, Нобель мукофоти лауреати (1977). Шеърлари 1928 й.дан чоп этила бошланган. "Жаннат кўланкаси" (1944), "Сўнгги туғилиш" (1953), "Қалб тарихи" (1954), "Ботиний диалог" (1974) тўпламлари муал.и. Шеърларида фашизмга қарши кураш ғоялари, юксак инсонпарварлик ва фалсафийлик акс этган. "Учрашувлар" хотира китоби (1954)да замондош адибларнинг портретларини тасвирлаган.

АЛЕКСАНДРИЯ – қ.: Искандария.

«АЛЕКСАНДРИЯ» – "Александр ҳақида қисса" номи б-н машҳур асар. Асар муал.лиги Каллисфенга нисбат берилади. II–III асрларда юнон т.да яратилган. А.да машҳур Александр Македонскийнинг юришлари ҳақида ҳикоя қилинади. Тахминан XII асрда славян (серб) т.га тарж. қилинган, XV асрдан ҳарбий қисса сифатида шуҳрат қозонган.

♦ Александрия. М.-Л., 1965.

- *Веселовский А.Н.* Из истории романа и повести. Материалы и исследования. СПб., 1886; *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре и его гавные версии на Востоке. М.Л., 1948;

Буланин Д.М. «Александрия» / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.19.

АЛЕКСАНДРИЯ ДАВРИ (I–III) – Искандария (Миср)да птоломейлар ва римликларнинг ҳукмронлиги даври. Фан, ад-т ва санъатнинг гуллаган даври сифатида эътироф этилган. Архимед, Аристрах, Аристилл, Тимохарис, Евклид, Птоломей, Эратосфен каби машҳур математиклар томонидан А. мактаби вужудга келган. Зенодот Ефесский, Аристарх Самофракияли, Аристофан Византияои, Эратосфен Карияли юнон ва лотин т.ларидаги қад. манбалар б-н машғул бўлганлар. Феокрит, Аполлоний Радосли, Арат, Никандр, Каллимах, Филет, Тимон Флеазийский, Ликофрон каби адиблар бадиий ижодда шуҳрат қозонган. Фалсафада неоплатонизм даври сифатида тарихга кирган. Қад. юнон фалсафаси А.д.да Шарқ донишмандлиги б-н уйғунлашган эди.

~ ***кутубхонаси*** – эллинизм давридаги йирик маданий иншоотлардан бири. Мисрда файласуф Птоломей II томонидан асос солинган кутубхона. Искандария ш.да жойлашган. А.к.га Эратосфен, Зенадот, Аристарх Самосли, Каллимах каби даврнинг машҳур олимлари раҳбарлик қилишган. Ўз даврида 700 минг китобга эга бўлган. Улар орасида қад. қўлёзмалар, тошбитиклар ва папирус қоғозига битилган Миср ва юнон ёдгорликлари бўлган. Каллимах раҳбарлигида И.К.даги китоблар каталоги тузилган. Уч аср давомида муттасил ривожланган. Юлий Цезар томонидан Миср ишғол этилганида ёндириб юборилган. М.а. 47 й.да, мил. 391 й.да энг катта ёнғин содир бўлган. Рим империяси даврида мавқеини йўқотган, VII-VIII асрларда тугатилган. Халифалик маркази Мисрдалик пайтида қайта тикланган. Ҳозир дунёдаги энг бой ва мухташам кутубхоналардан бири.

- Лит-ный энц-кий словарь. Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.18; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.30.

~ ***мактаби*** – Искандария матншунослик мактаби (м.а. IV аср охири). Тил ўрганишда бадиий матнга таянувчи илмий қарашлар тизими. А.м. вакиллари т.ни грамматик қонуниятлар асосида эмас, балки бадиий матн воситасида ўрганишни тавсия қилганлар. Матн орқали лингвистик қонуниятлар стилистика, фонетика, морфолигия, синтаксис в.б.ни ўрганиш учун йўл очганлар. Бу мактабнинг фаол вакиллари Аполлоний Дикол, Аристофан Византияоик, Дионисий Фракиялик, Зенодот Эфеслик ва Ликофрондир.

- *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.24-25.

~ ***музейони*** (юнонча: музалар ибодатхонаси) – илмий, адабий ва олий таълим муассасаси. М.а. III асрда ҳукмдор Птоломей I томонидан асос солинган. Дастлаб уни олий коҳин бошқарган, кейинроқ А.м.га Эвклид, Эратосфен, Каллимах таклиф қилинган. Александрия кутубхонаси мана шу

А.м. қошида очилган. 273 й. Рим императори Аврелиан қўшини Мисрни босиб олган пайтда вайрон қилинган. XIII асрдан сўнг қайта тикланган.

~ *шеъри (александрийский стих)* [поэтика] – Европа шеъриятидаги 12 бўғинли шеър. А. номини олишига сабаб, Александр Македонский ҳақидаги қад. француз асарларида учраганидир. 1180 йилдан истеъмолга кирган. Учинчи стопадан сўнг *цезура* ва 6- ҳамда 12-бўғинларда урғули келади. А.ш. француз шеъриятига хос бўлиб, шеърда антитезалар туйғулар ҳаракатини ва жонлиликни кучайтиради. Классицизм ад-тида йирик жанрлардаги асарлар (эпос, трагедия, элегия, сатира) А.ш. вазнида ёзилган. Рус шеъриятида учинчи стопадан кейинги олти стопали ямб б-н ифодаланади. XVIII асрда Россияда юқори услуб намояндалари томонидан қўлланилган. Мас.,

Надменный временщик, || ***и подлый и коварный,***
Монарха хитрый льстец || *и друг неблагодарный,*
Неистовый тиран || *родной страны своей,*
Взнесенный в важный сан || ***пронырствами злодей!***

(К.Ф.Рылеев. К временщику, 1820)

Схемаси: ∪_`∪_`∪_` || ∪_`∪_`∪_`∪
∪_`∪_`∪_` || ∪_`∪_`∪_`∪
∪_`∪_`∪_` || ∪_`∪_`∪_`
∪_`∪_`∪_` ||∪_`∪_`∪_`

- *Шенгели Г.* Техника стиха. М., 1960; *Гаспаров М.Л.* Александрийский стих / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.18-19; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.6; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.15.

АЛЕКСАНДРИЯ ШЕЪРИЯТИ – эллинизм даври шеърияти (м.а. 323–30 йй.). Унинг маркази Миср Искандарияси бўлган. Мифологик тимсолларга бой бу шеъриятда шоир маъбудга мурожаат қилиш орқали шеърий образлар яратган. А.ш.нинг асосий жанрлари: эпос, идиллия, мадҳия, элегия, ямб ва эпиграмма. А.ш. халқ ижодига алоҳида эътибор қаратилиб, фольклор мотивлари, ундаги сюжет ва образлар бадиий ижод манбаи ҳисобланган. А.ш.нинг йирик вакиллари: Каллимах, Феокрит, Аполлоний Родосли, Ликофрон, Асклепиад Сомосли, Леонид Тарентли в.б.

- *Legrand Ph.E.* La poésie Alexandrine. Paris, 1924.

АЛЕКСИД (м.а. 392–286) – юнон комедиографи. Фурияда туғилган. Антифандан сўнг ўрта *аттик комедия*ларнинг муал.и сифатида танилган. 245 та пьеса ёзган. А. комедиялари кўпроқ маиший ҳаёт воқеаларидан олинган, унинг қаҳрамонлари турли касбдаги кишилар. “Боғбон”, “Таъминотчи”, “Ҳарбий”, “Сартарош” в.б. “Танрентинликлар” асарида Пифагор таълимоти назариётчилари кулги остига олинган.

АЛЕКТРИОМАНТИЯ [мифология] – фол очишнинг яҳудийча тури. Унда хўроз ёрдамида фол очилади. Бу паррандага нисбатан ҳурмат асосида юзага келган. Бу фол тури кейинроқ руслар ва циганларга ҳам тарқалган. Яҳудий адиби Шолом-Алейхом асарларида т.га олинади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.33.

АЛЕН (1868-1951) – француз файласуфи, эссеист–ад-тшуноси. Асл исми: Эмиль Огюс Шартье. Фалсафа тарихи, санъат назарияси, диншунослик, ахлоқ, сиёсий иқтисод ва педагогика б-н шуғулланган. Ад-тшуносликка доир муҳим асарлари: "Санъат назарияси" (1920), "Нафис санъат тизими" (1926), "Адабий ўйлар" (1933), "Эстетикага кириш" (1939) в.б. тадқиқотларида руҳий эркинлик тарафдори сифатида танилган. Шунингдек, бир қатор ижодкорлар ҳақида адабий портретлар яратган: «Стендаль" (1935), "Бальзак б-н бирга" (1937), "Диккенсни ўқиб..." (1945). Ун-тларда санъат ва ад-тга доир маърузалар ўқиган. Андре Моруа ва Жан Прево унинг шогирдлари. "Нафис санъат тизими" асарида: "Поэзия нафис, тартибга солинган ва муҳрланган гўзал нутқдирки, умумий ғояларнинг ифодасига яроқли бўлсин. Шунда фикрни қисқа, лўнда ва таъсирли шаклда айтиш керакки, ҳар шахс уни ўша ўз шаклида қабул қилиб олсин. Бундай шаклнинг ритм б-н уйғунлиги, айрим товушларнинг такрори ёдда сақланишни таъминлайди, китобсиз уни "ўқишга" зарурат ҳозирлайди" деб ёзган.

♦ Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.75-90.

• *Голенищев-Кутузов И.Н.* Ален Эмиль / Краткая лит-ная энц-я, т.1. М. СЭ, 1962; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.14.

АЛЕН РОБ-ГРЕЙ – к.: Роб-Грей.

АЛЕХО Карпентьер – к.: Карпентьер, Алехо.

АЛЁР [фольклоршунослик] – халқ қўшиқларининг бир тури. Айрим манбаларда: ҳаққон, кўна ва бўзагарлар қўшиғи. Ўтмишда қадаҳ қўшиғи сифатида соқий томонидан айтилган, давранинг бошқа иштирокчилари унга жўр бўлишган ёки навбат б-н жавоб қўшиқларини айтишган. Чилдирма жўрлигида ҳам куйланган. А. кейинчалик поэтик хусусиятлар касб этган. Икки байт (тўртлик)дан иборат бўлиб, биринчи банднинг биринчи мисраси қайси сўз б-н бошланса, иккинчи банднинг биринчи мисраси ҳам ўша сўз б-н бошланган. Халқ достонларида ҳам А.дан фойдаланилган. Мас., "Алпомиш" достонида Ҳакимбек қабристонда ухлаб колганида, тушида Барчиной ва Алпомиш руҳларининг айтишуви

Коса ушлаб қўлим толди,
Бийнинг қизи маҳтал бўлди.
Хон тўрам, сизга не бўлди,
Олинг, алёр-алёр.

А.га мисол бўлади.

АЛЖАБР (арабча: *тикланиш*) – муносабатлар ҳақидаги фан, математиканинг бир соҳаси. Саноқ сонларнинг ўзаро муносабати, тенгламаларни ўрганади. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий "*Ал-жабр вал-муқобала*" асарида асос солган. Асар лотин т.га "Алгебра" номи б-н тарж. қилинган ва жаҳонга шу номда тарқалган. А. тиклаш, яъни манфий ҳадларни тенгламанинг иккинчи томонига ўтказиб, тенгламанинг иккала тен ҳадларини ташлаб юборишни англатади. А. мақсади тўпламларга киритилган амалларни ўрганишдан иборат. Арифметикада тайин сонлар устида биринчи тўрт амал (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш) ўрганилса, А.да эса бу амалларнинг бошқа математик объектлар учун хоссалари текширилади. А.ни *Умар Хайём* тенгламалар ечиш ҳақидаги фан деб эълон қилган. Ўз-нда А.нинг тараққиётига Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, каби олимлар ҳисса қўшишган. Кейинроқ Ғарбий Европа олимлари Кардано, Тарталья, Феррари, Абель, Галуа, Д'Аламбер, Гаусс А.нинг фан сифатидаги ривожини белгилаб бергишган. XX асрда А. бошқа соҳалар: назарий физика, кимё, биология, генетика в.б.га кириб келган. Бу даврда Ўз-нда С.Сирожиддинов, Т.Саримсоқов, Ш.Аюпов, Ж.Ҳожиев, Ш.Алимов каби таниқли олимлар етишиб чиққан.

- *Аюпов Ш.* Алгебра / Ўз-н Миллий энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.198-200.

АЛЖИР АДАБИЁТИ – к.: Жазоир ад-ти.

АЛИ, Ғалибўлули Мустафо (1541-1599/1600) – турк адиби, тазкирачи ва тарихчиси. Машҳур асари "Кунху-л-ахбор"да 305 шоир ҳақида маълумот беради. Бу тарихий асар ҳажм, шакл ва мундарижа, мазмун ва қамров жиҳатидан катта фарқи бўлмаган ҳолда тазкира тарихидан жой олишга муваффақ бўлди. А. асари дебочасида бу тазкирага асос бўлган 130 та асар номини т.га олади.

- *Ali.* Künhü'l-ahbâr, İstannbul, 1277, c. 1-2; Edebiyat Tarihi Açısından Künhü'l-Ahbâr'ın Önemi", Ege Üniv. Edebiyat Fakultesi Araştırma Dergisi II, İzmir, 1983; Мустафо Эсоп Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

АЛИ ЖОМИЙ (Ҳофиз Али) – ҳиротлик мутасаввиф. Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳоту-л-унс" асарида А.Ж. Фаридиддин Атторнинг

Эй рӯй дар кашида ба бозор омада,
Халқе ба дин тилисм гирифтор омада

(Мазмуни: Сен юзингни беркитиб бозорга келгансану халқни бу тилсимга гирифтор қилгансан) деб бошланувчи қасидасига шарҳ ёзганини маълум қилади. Навоий "Мажолис..."да А.нинг қироат илмида "жамеи қурро" (ўқиш санъатини жамлаган) эканини айтиб, бу жиҳатдан ўзи ҳам ундан сабоқ олганини эътироф этган.

Қабри Ҳиротнинг Шайх Баҳоуддин Умар хонақоҳида.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б.40-41.

АЛИ ибн АБУ ТОЛИБ (600–661) – тўрт асл халифа – чаҳорёрларнинг тўртинчиси. Макка ш.да туғилган. Муҳаммад с.а.в.нинг шогирди, куёви (Фотиманинг эри) ва сафдоши. 9 ёшида отаси вафот этгандан сўнг Муҳаммад (с.а.в.) хонадонида тарбия топган. 656 й.да Халифа Усмон ўлдирилгандан кейин унинг ўрнига халифаликка сайланган. Кўпғина Ҳадислар ровийси, ҳикматлар муаллифи ва соҳиби девон шоир.

Саодат асри якун топиб, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотидан сўнг хулафои рошидин (асл халифалар) даври бошланди. Абу Бакр Сиддиқ Аллоҳ берган истеъдод ва илм б-н халифаликка эришди. Умар (р.а.), Усмон (р.а.) халифалигидан сўнг, Пайғамбаримизнинг суюкли шогирди ва куёви Ҳазрат Али (р.а.) халифалиги суронли кечди ва атиги беш йил давом этди. А. умавийлар даврида Сиффин яқинида хорижийлар томонидан ўлдирилган.

Ҳазрат Али (р.а.) қудратли лашкарбоши (Ҳазрат алининг қуввати ва қиличи тилларда достон бўлган), саййиду-л-мурсалинга яқин бўлиши б-н бирга улуғ фасоҳатли инсон бўлган. А. кечирган 60 й.лик умри давомида таъсирлм шеърлар битган, қилич зарбидан озор топган қалбларга юмшоқ сўзи б-н малҳам бўлган шоир эди. У кишининг шоирлиги ҳақида Ҳазрат Навоий «Маҳбубу-л-қулуб»да «валийлик денгизининг гавҳари ва каромат пешаларининг энг юксак юлдузи» деб таърифлайди. «Насойиму-л-муҳаббат»да унинг шахси ва кароматлари, «Назму-л-жавоҳир»да унинг қалами кучи ва маънавий олами ҳақида маълумот беради.

Шоир Жамол Камол А. "Девон"ини ўзбек т.га тарж. қилди, олим Жаъфар Муҳаммад аслига солиштириб, нашрга йўллади. Нашрда ҳар бир байтнинг аслиятда берилиши, табиийки, унинг илмий-адабий қимматини оширган. Англаш қийин сўзлар, изоҳталаб истилоҳларга нашрда шарҳлар берилган. "Девон" 1775 мустақил байтдан иборат. Бунча кўп фардлар ҳеч қайси девон соҳибида учрамайди. Ҳазрат Навоий А. фардлари ҳақида: "Бу гўзал зумралар бир эҳтирос зарби б-н ёзилмаган, улар турфа кунлар, турфа жойлар, масжиду жанггоҳларда яратилмиш назмий жавоҳирлардан эди" деб ёзган. Лекин айрим байтлардаги маъноларни бир-бирига улаганимизда, бир вақтда ёзилган қитъа ёки қасидадан сочмалар каби таассурот уйғотади.

Халқ қиссаларида, достон ва ривоятларда А. афсонавий қаҳрамон сифатида тасвирланади. Шунинг учун "Аллоҳнинг шери", "маликул муслимин" нисбалари б-н юритилган. Муҳаммад с.а.в.ҳадя қилган зулфиқор қиличи ва Дулдул оти б-н душманларига зарба берган. Бадиий ад-тда араб сийра (қисса)ларида ва романларида А. тимсоли яратилган. Журжи Зайдоннинг ислом тарихига бағишланган "Рамазон ойининг 17-куни" романида Ҳазрат Алининг шаҳид бўлиши влқеаси баён қилинган.

♦ Али ибн Абу Толиб. Девон. ???????????

- *Алишер Навоий.* Назму-л-жавоҳир. МАТ. ; *Очилов С.* Ҳазрат Али ва маънавият. Т.: Ўқитувчи, 1998; *Хасанов А.* Ал-жабр вал-мукобала / Ўз-н Миллий энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.198-200; Ислом энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2004.

АЛИ ибн УСМОН ҲУЖВИРИЙ (в. 1064/~1071) – тасаввуфшунос алломи. Тўлиқ номи: Абул Ҳасан Али ибн Усмон ибн Али Ғазнавий Жуллубий Ҳужвирий. Ғазна яқинидаги Ҳужвир қишлоғида тугилган, Жуллабда яшаган. А.Ҳ. ҳақида "Нафаҳот ул-унс", "Сафинат ул-авлиё", "Риёз ул-авлиё", "Калимат ут-табъ" асарларида маълумот бор. Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳасан Хутталий, Абу Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Ашканий, Абул Қосим Гургоний, Хожа Музаффарнинг шогирди.

А.Ҳ. «Кашфу-л-маҳжуб» ("Қалб сирларининг кашф этилиши") асарида ўзининг қуйидаги асарларини қайд этилади: "Девон", "Минхожу-д-дин» («Диннинг тўғри йўли"), "Асрору-л-хирақ ва-л-маъунат» ("Хирқа ва маъун сирлари"), "Китабу-л-фано ва бако" ("Фано ва бақо китоби"), "Китабу-л-баён ли аҳли-л-ъиййан" ("Баён этилган моҳият изоҳлари китоби"), "Баҳру-л-қулуб" ("Қалблар денгизи"), "Ал-риъйат ли ҳуқуқ Аллоҳ" ("Аллоҳ олдидаги фарзларни сақлаш"). Мансур Халлож нақлларининг талқини ва Иймон ҳақидаги китоб муал.и ҳамдир. Бу асарлар сақланиб қолмаган.

Бизгача етиб келган асарининг тўлиқ номи: "Кашфул маҳжуб ли арбобу-л-қулуб" ("Қалб сирларидан хабардорлар ҳижобларининг кашф этилиши"). У Лахўрда ҳужвирли дўсти Абу Саййид саволларига берилган жавоблар тариқасида ёзилган. Асарнинг мақсади, сўфийларнинг нақлларини тўплаш (тасаввуф ад-ти анъанасига кўра) эмас, балки сўфийлик назарияси ва амалиётини баён этишдан иборат. Рисоланинг 14-бобида 12 та сўфийлик мактаби ҳақида маълумот берилган. Унга Абу Наср Саррож (ваф. 377 ҳ.)нинг "Китобу-л-лумаъ» ("Шуълалар ҳақида китоб") рисоласи асос қилиб олинган.

♦ *Худжвири.* Раскрытие скрытого. СПб, 2007.

АЛИ НАҚҚОШ – машҳур рассом, хаттот ва нақкош. XV аср манбаларида Беҳзоднинг шогирдларидан бири сифатида тилга олинади. У ҳақда Содик Китобдор "Мажмаъу-л-хавас" тазкирасида "Мавлоно Али Нақкош Беҳзоднинг шогирди Музаффар Али б-н бирга ишлаб, замонасининг машҳур рассомларидан бири бўлган" деб маълумот берган.

АЛИ ОҲИЙ – машҳадлик форсигўй шоир. Алишер Навоий "Мажолис..."да "...Хамса" мукобаласида неча маснавий..." битганини қайд этади. "Хаёлу висол" номли китоби бизгача етиб келган. "Хаёлу висол" номланишдан "Лайли ва Мажнун"га ўхшамаса-да, достондаги сюжет ва вазн Низомий "Хамса"сининг учинчи достонига жавобан ёзилган дейишга асос беради. Навоий А.О. маснавийсидан бир байт келтиради:

Шеъре ки бувад зи нукта сода,
Монанд ҳама умр як савода.

(Мазмуни: Шеър нозик маънодан холи бўлса, бутун умр бўйи (унга) қоралик бўлиб қолади).

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б. 20.

АЛИ ШАТРАНЖИЙ (XIV асрнинг 2-ярми) – шахмат устаси, адиб. Асли табризлик, Амир Темур даъвати б-н Самарқандга келган. Жаҳон шахмат адтига катта ҳисса қўшган. Амир Темур салтанатида унга тенг келадиган шахматчи бўлмаган. "Шатранжи кабир" ("Катта шахмат") ихтирочиси, шахмат тарихи ва назариясига доир рисолалар муал.и. А.Ш. асарларида 60 та мансуба (комбинация) тўпланган, шундан 19 тасини ўзи тузган.

- *Фитрат.* Шарқда шахмат / Шарқ юлдузи. 1990; *Муҳиддинов М.* Сохибқирон дона сурганда. Т., 1996.

АЛИ ШИҲОБ – форсигўй шоир. Султон Муҳаммад Бойсунғурнинг мулозими. Навоийнинг таъкидлашича, "ҳам равон, ҳам пухта айтур эркандур". Унинг ўғли Мавлоно Сиррий тасаввуф устозларидан бири эди. "Мажолис..."да бир матлаъси келтирилган:

Чу парда аз рух чун офтоб бардори
Ба жони дил кунадат Муштарий харидори.

(Мазмуни: Юзингдан қуёш сингари пардани кўтарсанг, Муштарий юлдузи сенинг харидоринг бўлишга рози).

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б.20.

АЛИ ШОШИЙ (XV) – тошкентлик шоир. Туркий ва форс т.ларида шеърлар ёзган. Давлатшоҳ Самаркандийнинг "Тазкирату-ш-шуаро" асарида муаммо жанрининг устаси сифатида т.га олинган ва машҳур муаммосини келтирган. Бошқа асарлари бизгача етиб келмаган.

- *Самарқандий Д.* Шоирлар бўстони.??????????

АЛИ ШУҒОНИЙ – ҳиротлик форсигўй шоир. Навоий "Мажолис..."да "вазирнинг ўғлидир, шеърий истеъдоди юксак бўлганидан назм б-н кўп машғул бўлган" деб таъриф беради ва А.Ш. ашъоридан байт келтиради:

Чунон ғариқи майам, соқиё, ки аз гили ман,
Агар гуле бадар ояд шароб аз у бичакад.

(Мазмуни: Эй сокий, майга шу қадар ғарқ бўлдимки, агар тупрогимдан бир гул униб чиқса ҳам ундан май томиб туради).

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б.20.

АЛИ ҚУШЧИ (1403–1474) – машҳур олим, мутафаккир, Мирзо Улуғбек шогирди ва давомчиси. Асл исми: Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий. Дастлаб Мирзо Улуғбек саройида қуш (қарчиғай) боққани учун Қушчи лақабини олган. Самарқандда Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Кошийдан таҳсил олган, Кирмон мадрасасида уч йил илм олган. 1417 й.дан Самарқандда Улуғбек расадхонаси қурилишида қатнашган ва у ерда илмий тадқиқот б-н шуғулланган. "Ҳисоб рисоласи", "Фалакиёт рисоласи", "Алжабр ва риёзий жуғрофиё" (?) асарларини ёзган. Элликка яқин илмий рисолалар битган, бизгача улардан йигирматаси етиб келган. А.Қ. аниқ фанлардан ташқари фалсафа, фиқҳ, тилшунослик илмлари б-н ҳам машғул

бўлиб, уларга доир рисолалар битган. Хитойда элчилик қилган. Улуғбек қатлидан сўнг унинг кутубхонасини сақлаб қолганлардан бири. Усмонли султони Муҳаммад II (1452–81) томонидан халифаликка таклиф этилган ва унинг саройида хизмат қилган. Истанбулдаги Аё Суфийа мадрасасида мударрислик қилган. "Улуғбек "Зичи..."га шарҳ" асарини Туркияда ёзган ва бу асар Мирзо Улуғбек номи ва ишини бутун дунёга танитган. Истанбулда вафот этган, қабри Айюб Султон мақбараси ёнида.

А.Қ. асарлари Истанбулдаги Аё-Суфийа кутубхонаси, ЎзРФАШИ, Санкт-Петербург, Оксфорд ва Лейден кутубхоналарида сақланади. А.Қ. Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи асосий қаҳрамонларидан бири.

- *Али Қушчи.* Астрономияга оид рисола. Т., 1968.
- *Носиров А.* Али Қушчи. Т., 1964; *Абдураҳмонов А.* Улуғбек академияси. Т., 1993.

АЛИГЬЕРИ, Данте – қ.: Данте, Алигьери.

АЛИЕВ, Комил (1905/25.VII–1939/10.IX) – журналист, илк ўзбек фельетончиларидан бири. Какра, Нор йигит тахаллуслари б-н ижод қилган. "Туркистон" (1924), "Озод Бухоро" (1925–27), "Илғор Сурхон учун" (1936–37) газ.ларида ишлаган. "Бомба" (1931), "Давр душманлари" (1932) очерк ва публицистик асарлар тўпламлари чоп қилинган.

АЛИЕВА, Назира (1912/31.XII–1980/19.VI) – ўзбек актрисаси, адиба ва таржимон. Ўз-н халқ артисти (1969). Боку театр техникуми, Москва Санъат ин-тини тугатган. Озарбойжон академик театри (1935–41),Тошкент театр ва рассомчилик ин-ти (1945–66)да ишлаган. Жаҳон ва ўзбек адибларининг саҳна асарларида иштирок этган. Жумладан, Жульетта ("Ромео ва Жульетта"), Дездемона ("Отелло"), Жамила ("Бой ила хизматчи") ролларини ижро этган. "Алишер Навоий" (Уйғун ва Иззат Султон), "Сепсиз қиз" (А.Островский) драмаларини (реж.) саҳналаштирган. М.Шамхаловнинг "Қайнона" комедияси, М.Ўрдубодийнинг "Қилич ва қалам" романини ўзбек т.га тарж. қилган. "Санъат – менинг ҳаётим" хотиралар китобида машҳур актёр ва адиблар тўғрисида эсдаликлар бор. "Саҳна нутқи", "Ўзбек саҳна нутқининг баъзи техник элементлари" илмий-методик ишлари муал.и.

АЛИЕВА, Фазу Ҳамзат қизи (1932 й.т.) – авар шоираси. Москвадаги Ад-т ин-тини тамомлаган (1961). Авар ва рус т.ларида асарлар ёзган. 1949 й.дан асарлари нашр этила бошланган. "Она қишлоқ" (1959), "Баҳор насими" (1962), "Сония" (1967) каби шеърлар тўпламлари, "Денгиз соҳилида" достони (1961), "Тақдир" (1964) романи муал.и.

- *Алиева Ф.* Резба на камне. Стихи. М., 1966; Восемнадцатая весна.Стихотворения и поэма. М., 1968; Комок земли ветер не унесёт. Роман. М., 1967.
- *Магамедов Б.М.* Фазу Алиева / История дагестанской лит-ры, т.2. Махачкала, 1968.

АЛИМАТОВ, Турғун (1922/20.I–2008/17.XII) – созанда (торли мусиыа асбобларида). Ўз-н халқ артисти (1992). Тошкент вилоятида туғилган. 1930-й.лардан Тошкент ш.да Тошкент пед. ин-тида (1937–40) танбур, гижжак чалган. Созандаликни Шобарат танбурчи, Наби танбурчи, Мулла Тўйчи ҳофиз, Ю.Ражабийлардан ўрганган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942–43). Ёш томошабинлар театри (1940–42), Мукимий театри (1943–46)да гижжакчи, Ўз-н радиоси халқ чолғулари оркестри (1947–52, 1957–59), Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли (1959–85)да созанда. 1985 й.дан Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасида ўқитувчи, проф. (1994). А.Т. дутор, танбур ва сато ижрочилигини мукаммал ўрганиб, ўзига хос ижро услубини яратди. Бадиҳагўйлик, соз пардаларини нозик нолалантириб чалиш А. ижрочилик услубига хос. Репертуарида халқ куйлари, мақом ва машҳур ашулаларнинг чолғу йўллари («Дутор Навоси», «Танавор I–II», «Танбур Навоси», «Чоргоҳ», «Муножот», «Нола», «Наво», «Наврўзи Ажам», «Эшвой», «Бузрук», «Эй, сабо», «Куйгай» ва б.) ўрин олган. Навоий ва Машраб газаллари билан айтиладиган қўшикларни ижро этган.

«Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (1997). Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

АЛИМЖАНОВ Ануар – қ.: Олимжонов, Анвар.

АЛИМУҲАМЕДОВ, Абдурахмон – ўзбек ад-тшуноси. Асосий асари: Антик ад-т тарихи (Т., 1969). Ун-тларнинг филология факультетлари учун дарслик.

АЛИМҚУЛ, АЛИМҚУЛИ мингбоши (1831–1865) – Қўқон хонлигида муваққат хон, мингбоши ва лашкар амири. Қўқон хони Маллахон даври(1858–62)да вазир бўлган. Россия истилочиларига қарши Тошкент, Қўқон мудофаасида курашган ва жангда ҳалок бўлган.

Қўқон хонлигига Чор Россияси бостириб киргач, А. Туркия, Англия, Афғонистон, Кашмир ва Хитойга элчилар юбориб, уларни хонликда юзага келган вазиятдан огоҳ этиб, чор Россиясига қарши курашда ҳарбий мададга муҳтож эканлигини билдирган. Шу б-н бирга ички сиёсатда бутун кучни ташқи душманга қаратишга ҳаракат қилган. Чор Россияси қўшинлари Тошкент ш. еириб келиши маълум бўлгач, А. қўшин б-н 1864 й. 25 ноябрда Тошкентга етиб келган. А. бу ердан қўшин тўплаб, Туркистон ш. томон йўлга чиққан ва Иқон қишлоғи ёнида рус отрядини енгган. 1864 й. дек. охирида А. ва Султон Саййидхон Қўқонга қайтишган. Салор канали б-н Дархон ариғи оралиғидаги жангда А. қўшини зафар қучган. Кейинги қаттиқ жангда А. оғир яраланиб, вафот этган.

Тошкентдаги Шайхонтоҳур мозорига дафн қилинган.

«АЛИП–МАНАШ» – халқ достони. “Алпомиш” достонининг олтой версияси. Достончи Н.Улашов т.дан ёзиб олинган. Айрим ад-тларда

"Ақпўмиш", "Алпўмиш" тарзида ёзилган. Ўзбек т.даги "Алпомиш" достонидан сюжет чизиғида, айрим образлар талқинида фарқлар бор.

АЛИСОЪ – Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида т.га олинган пайғамбар ворисларидан. А. Бани Исроил қавмидан бўлиб, деҳқончилик б-н машғул бўлган. Илёс пайғамбар уни ўзига валиаҳд қилиб эълон қилган. У бани Исроилни Мусо динига ташвиқ этган. Навоий унинг шундай мўъжиза кўрсатганини келтиради: Бир уйга меҳмон бўлган. Хонадон эгаси Иқбол фарзандсиз эди. А. дуоси б-н мезбон фарзанд кўрди. Аммо бу фарзанд узоқ яшамай вафот қилди, А. яна дуо қилган эди, у фарзанд тирилди. Навоий А. тўғрисидаги хабарни шундай якунлайди:

Илёс чу Алисоъни валиаҳд этти,
Ҳақдин анга аввори нубувват етти.

• *Алишер Навоий.* Тарихи анбиё ва ҳукамо / Асарлар. XV т. Т.: Фан, 1968; *Қаюмов А.* Асарлар. 4-ж.. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.72-74.

АЛИТЕРАТУРА [герменевтика, неомодернизм] – замонавий неомодернистик ва постмодернистик оқим. Клод Мориакнинг "Замонавий А." (1958) китобида илк бор қўлланилган. Ад-тнинг мумтоз қонуниятларидан чекиниш, бадиий асарга санъат асари эмас, дунёнинг модели сифатида қараш. К.Мориак ўзига замондош А.Арто, С.Беккет, Ф.Кафка, А.Роб-Грийе, Н.Саррот романларини мана шу истилоҳ остида таҳлилга тортади.

• *Bourin A., Rousselot J.* Dictionnaire de la littérature française contemporaine. Paris, 1966. *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.19-20.

АЛИФ [лингвопоэтика] – I. араб ёзувининг биринчи ҳарфи. А. асосан "а" товушини ва шу б-н бирга ёзувдаги ўрнига караб "и", "у", "е" ("э") ва "о" товушларини ҳам ифодалайди.

Мумтоз поэтикада "Алиф" тўғрилик, ростлик тимсоли. Ёрнинг қадди Алифга ўхшатилган.

Эй, алифдек қоматинг мили бузулғон жон аро,
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

(Алишер Навоий, Бадойиъу-л-бидоя, 14-ғазал)

Абжад ҳисобида А (алиф) бир (1) рақамини англатади.

II. [тасаввуфшунослик] – Тасаввуф ад-тида А. Аллоҳнинг биру борлигига ишора.

Кўксума наълу алиф шакли иморат тарҳидур,
Ташқари ҳам етти ишқинг мулкига девори паст.

(Алишер Навоий, Фаводиу-л-кибар, 3-ғазал)

Сўфийлар истилоҳида зоти аҳадият (яъни илоҳ зоти)га ишоратдир ва Аллоҳ (الله) сўзида бирликка ишорадир, "лом" илмга ва "мим" олам ва одам аҳлига ишоратдир.

Иморат тарҳидур наълу алифдин хар тараф кўксум,

Вафо қасрин қўпарсанг, бу бинолар узра девор эт.
(Алишер Навоий, Ғаройибу-с-сиғар, 78- ғазал, 7-байт.)

АЛИФБЕ [лингвопоэтика] – Бир тилнинг товушларини ёзувга кўчиришда фойдаланадиган белги (ҳарф)лар йиғиндиси. А.лар миллий асосда тузилади. А. сўзи араб А.сининг дастлабки икки ҳарфи "алиф", "бе"дан олинган. Бошланғич мактабларнинг илк савод чиқаришга кўмаклашувчи дарслиги "А." деб юритилади. Ўз-нда Саид Расулхўжанинг «Устоди аввал» китоби (1902) араб алифбеси асосида савод чиқарувчи илк дарслик саналган. Мунаввар қори "Адиби аввал" (1907), Комилжон Каримий "Алиф" (1910), Мулла Рустамбек Юсуфбек ўғли "Таълими аввал" (1911), А.Авлоний "Биринчи муаллим" (1912), А.Ибодиев "Таҳсилу-л-алифбо" (1912), А.Усмонқори "Таълими аввал" (1914), М.Фахриддинов "Раҳбари аввал" (1917), Саидризо Ализода "Биринчи йил" (1917) китоблари ҳам "А." ўрнида қўлланилган.

"А." номи б-н Ф.Эргозиев ва А.Йўлдошев (1936), О.Шарафиддинов (1938) китоблари босилиб чиққан. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси асосида Қ.Абдуллаева, Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Р.Эштурдиеванинг "Alifbe"си чоп этилган.

- *Абдуллаев Й.* Алифбе / Ўз-н Миллий энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.215; *Долимов У.* Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.368-369.

АЛИФБОЛИ ШЕЪР – алифбо тартибида ёзилган, кўпинча, болаларга алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлигини ўргатишга ва ҳарфларга мисоллар топишга ёрдам тариқасида ёзиладиган шеърлар. Ўзбек болалар шоирларидан Қуддус Муҳаммадий, Анвар Обиджоннинг А.ш.лари ўқувчиларга таниш. Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам учрайди.

АЛИФОТ ФИ-С-СИФАТ - 246

АЛИФНОМА – қ.: алифболи шеър.

- Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.32.

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ, Шокирхонтўра ўғли (1885/21.III–1976/28.II) – жамоат арбоби, аллома ва адиб. Туркистон (ҳоз. Қирғизистон) ўлкасининг Тўкмоқ ш.да туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. 1916 й.дан Қашғар (Хитой)да мухожирликда яшаган. 1944 й. Шарқий Туркистон инқилобий ҳукумати раиси. 1946 й.дан Тошкентда яшаган. "Девони Соғуний" шеърлар тўплами, "Тарихи Муҳаммадий", "Шифоу-л-илал" ("Хасталиклар давоси") каби рисолалар муал.и. "Темур тузуклари", Аҳмад Донишнинг "Наводиру-л-вақое", Дарвиш Али Чангийнинг "Мусиқа рисоласи" асарларини форс т.дан тарж. қилган. Тошкентда Шайх Зайниддин бобо қабристонига дафн қилинган.

♦ *Соғуний А.* Тарихи Муҳаммадий. Икки жилд. Т., 1991, 1997; Ватан туйғуси. Тўплам. Т., 1997.

АЛИШЕР НАВОИЙ (1441–1501) – улуғ ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби. Тўлиқ номи: Мир Алишер Ғиёсиддин ўғли Навоий, нисбаси Низомиддин – диннинг низоми. Отаси Ғиёсиддин Баҳодир Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган, Сабзавор ш. ҳокими бўлган. Онаси Шайх Абусаййид Чангийнинг қизи. Ироқнинг Таф ш.да (1449), Эроннинг Машҳад (1457) ш.да яшаган. Самарқандда (1465–69) таҳсил олган.

10-12 ёшларидан шеърлар ёза бошлаган.

А.Н.нинг "Хазойину-л-маоний" ("Маънолар хазинаси") номи б-н дунёга танилган чор девонининг дебочасида, "Хамса"нинг мукаддимасида, "Муҳокамату-л-луғатайн", "Лисону-т-тайр" асарларида ҳам ад-тнинг назарий жиҳатларини ўрганишга ва ўзининг адабий-эстетик қарашларини ифода қилишга интилиш бўлган. Навоийнинг ад-тшунослик масалалари акс этган "Мажолису-н-нафоис" тазкираси, "Мезону-л-авзон" исмли назарий рисоласи кенг китобхонлар томонидан асрлар оша ўрганиб келинмоқда. Бундан ташқари "Муфрадот", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Хамсату-л-мутаҳаййирин" каби асарларида ҳам ад-т, шоир ва шеърият масалаларига бағишланган мулоҳазалар акс этган. Ҳазрат Навоий тасаввуф олими ҳамдир. Унинг «Лисону-т- тайр» асари сўфийлик достони бўлиб, Фаридиддин Аттор анъаналари руҳида ёзилган бўлса, «Насойиму-л-муҳаббат» Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс...» йўлида етти юздан ортиқ шайх ва сўфийлар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган «Тазкирату-л-авлиё»дир.

♦ *Алишер Навоий.* Танланган асарлар. Уч жилд. Т., 1948; Асарлар / Ўн беш томлик. Т.: Фан, 1963-68; Мукаммал асарлар тўплами. Т.: Фан, Т.1-20. 1986-2002; *Навои.* Лирика. М., 1948; Стихотворения и поэмы. М., 1965; Соч. Т.1-10, Т., 1968-70; Стихотворения и поэмы. Л., 1982; Избр. СПб, 1996; Язык птиц // Суфии. Восхождение к истине. М., 2007; Асарлар. Ўн жилдлик. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2011.

• Мир-Али-Шир. Сб. Л., 1928; Родоначальник узбекской лит-ры. Сб. Т., 1940; Алишер Навои. Сб. М.-Л., 1946; *Ғиёсиддин Хондамир.* Макориму-л-ахлоқ. Т., 1948; *Бертельс Е.Э.* Навои. Опыт творч. биографии. М.-Л., 1948; Изб. труды, т.4. Навои и Джами. М., 1965; *Султон И.* Навоийнинг қалб дафтари. Т., 1969; *Захидов В.* Улуғ шоир ижодининг қалби. Т., 1970; *Маллаев Н.* Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., 1974; *Рустамов А.*

Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., 1979; *Ҳаққулов И.* Занжирбанд шер қошида. Т., 1989; *Абдугафуров А.* Буюк бешлик сирлари. Т, 1995; *Хайитметов А.* Темурийлар даври ад-ти. Т., 1996; *Фитрат.* Асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000; *Камилов Н.* Ҳизр чашмаси. Т., 2007; *Қаюмов А.* Асарлар. Ўн жилдлик. 1-2 ж. Т., 2008; АНАТИЛ, т.1-4. Т.: Фан, 1983-85.

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги ДАВЛАТ АД-Т МУЗЕЙИ – қ.: Ад-т музейи.

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги ТИЛ ва АД-Т ИНСТИТУТИ – қ.: Тил ва ад-т ин-ти.

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги Ўз-н Миллий кутубхонаси – қ.: Миллий кутубхона.

«Ал-АДАБ ал-МУФРАД» ("Адаб дурдоналари") – Имом Бухорий асари ( ). Ҳадислар тўпламидан иборат бу мажмуада 1359 та ҳадис ва хабарлар 645 боб орқали берилган. Имом "А.ал-М" Имом Бухорийнинг асосий асари "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Игончли тўплам")дан бир қатор хусуситлари б-н фарқ қилади. Асар одоб ва ахлоққа оид ҳадислар тўплами бўлиб,Ҳиндистон, Арабистон, Туркияда бир неча бор нашр қилинган. Саййид Сиддиқ Ҳасанхон томонидан урду т.га (1889), Жамил Фазлуллоҳ Жилоний томонидан турк т. (2005) тарж. қилинган. "А.ал-М"ни ўзбек т.га Шамсиддин Бобохонов ва Нуъмон Абдулмажид тарж. қилган.

- *Имом Бухорий.* Ал-адаб ал-муфрад. Т.: Мовароуннаҳр, 2006.

Ал-АЗҲАР (арабча: ал-азҳар) – Мисрдаги ал-Жомиъ ал-Азҳар ўқув юртлари мажмуаси. А. ун-т, ўрта ўқув юртлари, масжид в.б.ларни ўз ичига олган ўқув муассасаси. X асрда Қоҳирада фотимийлар халифаси Муизза (953–975) даврида Азҳар масжиди (970–972) курилган. А. илмий маркази таркибига Олий уламолар кенгаши (50 уламодан 30 таси мисрлик, 20 таси хорижий олимлар), исломшунослик академияси киради. XI асрдан Қуръон, ҳадис, фиқҳ, мумтоз араб т. ва балоғат илмлари ўқитилган. 1961 й. қайта ташкил қилиниб, А.га вазирлик мақоми берилган. Диний илмлар қаторида дунёвий фанлар ўқитила бошлаган.

А. "Мажаллият ал-Азҳар" журн. (1929 й.дан 1936 й.гача "Нуру-л-ислом")ни нашр этади. А. кутубхонасида 50 мингдан ортиқ қад. қўлёзмалар сақланади. Ўзбек олимлари Зиёвуддун Бобохон ўғли, Шамсиддин Бобохонов, Абдуғани Абдуллаев, Юсуф Шокиров, Раҳматуллоҳ Идрисов, Шойимқори Шоисломов А. ун-тида ўқишган.

- Маҳмуд Абу-л-Уйун. Ал-Жомеъ ал-Азҳар / Нубза фи тарихи. Қоҳира, 1948; Ал-Азхар фи иснай ашара аман. Қоҳира, 1965; *Ҳасанов А.* Ал-Азҳар / Ўз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.191.

«Ал-ИЗОҲ» (1917/19.VI–1918/17.IV) – Ўз-ндаги журн. "Уламо" жамияти нашри, Тошкентда чиқа бошлаган. Масъул мудири Ҳожи Абдулмалик ибн Абдулнаби, бош муҳ-ри Саид Аҳрорхон муфти Абдулла махдум ўғли.

Авлиёоталик Мубашширхон ҳам маълум муддат бош муҳ-рлик қилган. Журн.нинг дастлабки сонида "А." мақсади "ислом дини аҳкомини муҳофаза этмоқ ва тараққий ва тамалийсини сарфу ҳиммат айламоқ, фуқоройи исломга аҳкоми динийя хусусида раҳбарлик этмоқ" эканлиги ёзилган. Шунингдек, "халкни разолат, залолатдан саклаб, унинг илм ва маъориф йўлига ва роҳати дунёвий ва саодати ухровийга йўлловчи, уларнинг диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва миллий ишларга мутакаффил бир журнал" эканлигини маълум қилган. Журн. Тошкентдаги Ғулом Орифжон босмахонасида тошбосма усулида, араб алифбосига асосланган эски ўзбек т.да 25х16,5 ўлчамдаги қоғозга босилган, хар бир сони 16-17 бетдан иборат. Шунга кўра 31 та сонда умумий саҳифалар сони 478 ни ташкил этади.

Журн.нинг фаол муаллифлари Шерали Лапин, Мулла Пирмуҳаммад аълам, Абдумалик ҳожи Абдунабиев, Саид Аҳрорхон Махдум, мулла Тошпўлат қори, *Шамс Нажмий Андижоний*, мулла Ниёз Алибек, мулла Қарабой Тўрақўрғоний, Саид Аҳмад Васлий Самаркандий, Аҳмадхўжа, Мулла Акмалхон, Сиддиқхўжа эшон, мулла Турсин Муҳаммад Туркистоний, мулла Исохон Аълам , Аҳрорхон Абдулла ўғли, Аловиддин Маҳзун сингари шахслар эдилар. Журн. нафақат диний, балки миллий масалалар, шаръий ҳукмлар, адабий парчалар безалганлиги билан ажралиб туради. Мусулмонлар учун маърифий ҳам ижтимоий масалалар юзасидан берилган саволларга жавоб ҳам бериб борган. XX аср бошидаги воқеаларни шариат ва ислом аҳкомлари нуқтаи назаридан баҳолаган.

"А." шўролар ҳокимияти томонидан 1918 й. мартида ёпиб қўйилган.

• *Зиё Саид.* Ўзбек вактли матбуотига материаллар / Танланган асарлар (нашр. Тайёрл. Ш.Турдиев). Т.: Ўзбекистон, 1974; *Абдуазизова Н.* Туркистон матбуоти тарихи. Т.: Академия, 2000. Б.197; *Дўстқораев Б.* Ўзбек журналистикаси тарихи. 1-қисм. 1970-1917 / Дарслик. Т., Ғафур Ғулом нашр., 2009. Б. 302-306; *Шодмонова С.* Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870–1917 йй.). Т.: Yangi nashr, 2011. 293 б.

«Ал-ИСЛОҲ» (1914/14.I–1918/15.III) – Ўз-ндаги журнал. Тошкент уламоларини фикр тарқатувчиси сифатида Г.Я.Яковлев типографиясида чиқа бошлаган. Муҳ-ри Абдураҳмон Содиқ ўғли (Содиқов, тахаллуси Сайёҳ; (1879–1918). Таҳририят муҳ-рнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги ҳовлисида жойлашган. Дастлаб 32 саҳифа, кейинроқ 16 саҳифа ҳолида нашр қилинган. Журн. материаллари ўзб. ва форс т.ларида эълон этилган. "А."да тараққийпарвар адиб ва олимлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ашурали Зоҳирий, Саидаҳмад Васлий, Олимжон тўра, Садриддинхон, Ҳамза Ҳакимзода, Файзулваҳоб қори, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Камий, Исҳоқхон Ибрат в.б. асарлари чоп этилган. "А."нинг сўнгги беш сони (1918)га Асқархон Паҳлавонов муҳ-рлик қилган. Жами 77 сони чоп этилган, 1918 й. 15 мартдан кейин шўролар томонидан тўхтатиб қўйилган.

"Ал-Ислоҳ" ўн беш кунда бир чиқадиган диний, илмий, ахлоқий, тарихий ва адабий журн. бўлган. Унинг вазифалари: "замон иқтизосинча

мусулмонларға диний ва дунёвий хидмат этажак энг олий мажалладур (1); "исломнинг аслий таълимотини аворизлар (иллатлар)дан пок эдуб баён этажакдур" (2), "мусулмонларнинг ахлокларини таҳзиб (тарбия) этажакдур" (3), "сойири ашхос (таникли шахслар) тарафиндан савол этилмиш шаръий амрға жавоб беражак" (4), "Тошканд уламо ва ағниёларнинг эҳтимоллари (бойларнинг ҳаракати, ҳиммати) ила нашр бўлажак (5) мажалладур. Жами 77-сони чиққан. "А." журн. мамлакат ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай олди.

"А." сонлари Алишер Навоий номли ЎзРеспубликаси Давлат кутубхонаси Нодир китоблар бўлимида ПФ – 226 – 23 рақами остида сақланади.

• *Авлоний А.* Бурунғи ўзбек вақтли матбуотининг тарихи / Миллий уйғониш. Т.: Университет, 1993. Б. 115-123; *Дўстқораев Б.* Ўзбек журналистикаси тарихи. 1-кисм. 1970-1917 / Дарслик. Т., Ғафур Ғулом нашр., 2009. Б. 240-245; *Назарова З.* "Ал-ислоҳ" журн. – Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба // Тошкент Ислом ун-ти илмий таҳлилий ахбороти. 2006. № 3. Б.34-36.

«Ал-МЎЪЖАМ фи маъойир ашъору-л-Ажам» ("Ажам шеърлари меъёрлари мажмуаси") – форс арузшуноси ва адиби Шамсиддин Қайс Розий (XII-XIII асрлар) асари (1218-33). Муал.нинг мукаддимада ёзишича, бу асарни Марвда бир донишманднинг маслаҳати б-н ёза бошлаган. Асар Муҳаммад Хоразмшоҳга тақдим қилиниши керак эди, бироқ у 1220 й. мўғуллар томонидан қатл этилгандаг сўнг Қайс Розий Ироққа кетишга мажбур бўлган. 1226 й. муал. Форсга Атобак Саъд ибн Зангий ибн Мавдуд хизматига кирган, унинг вафотидан сўнг ўғли Абубакр ибн Саъд ибн Зангий даврида давом эттириб, сўнгра асарини унга тақдим қилган. Асар араб т.да ёзилган бўлиб, унинг мисолларигина форс т.да эди. Асарнинг дастлабки номи "Ал-мўъраб фи маъойири ашъори-л-Араб" ("Араб шеърларининг андозалари луғати") эди. Форс донишмандларининг таклифи б-н рисолани муал. форс т.да қайта таълиф қилган ва юқоридаги ном б-н аталган. Бундай ташқари ушбу рисоладан фойдаланганлар уни "Ҳадойиқу-л-мўъжам" ("Боғлар мажмуаси"), "Ал-қофи фи-л-арузайн ва-л-қавофи" ("Икки аруз ва қофияларнинг қофиялангани") номлари б-н ҳам аташган. Рисолада Қайс Розий Умар Родуёнийнинг "Таржумону-л-балоға", Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқу-с-сеҳр" асарларидан фойдаланган.

"А." дебоча, икки қисм ва хотимадан иборат. Китоб дебочаси тарж.и ҳол характерида бўлиб, унда мўғул қўшинининг Марказий Осиёга қилган ҳужумларига доир маълумотлар бор. Биринчи қисм Аруз назариясига бағишланган бўлиб, у 4 бобдан иборат. 1-бобда арузнинг моҳияти, рукнларнинг зикри, мазкур илмга тегишли истилоҳлар баён қилинади. 2-бобда аруз рукнларининг таркибидан ҳосил бўлган жузвлар ва вазнлар зикр этилади. 3-боб жузвларнинг афоийл рукни тармоқларининг ўзгаришига бағишланган бўлиб, 4-бобда қад. ва янги баҳрларнинг яратилиши, арузий доиралар вазифалари ҳамда тақтиъ қоидалари, баҳр жузвларини бир-биридан фарқлашда амал қилинадиган қонуниятлар борасида фикрлар айтилган.

«Ал-Мўъжам...» асарининг иккинчи қисми қофия илми ва шеър танқидига бағишланган. Муал. асардаги беш боб ҳақида: *«Аввалги боб: шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳақиқати ва имкониятлари хусусида; иккинчи боб: қофия ҳарфлари зикри ва уларнинг асоси ҳақида; учинчи боб: қофия ҳарфларининг ҳаракатлари ва уларнинг номланиши ҳақида; тўртинчи боб: қофия ҳудуди ва синфлари хусусида; бешинчи боб: манзум каломда баъзан учровчи қофия айблари зикри ва номаъқул сифатлар ҳақида»* деб маълумот берган. Олим шеър ва қофия маънолари зикрида шеърни: *«Билгилки, шеър асли луғатда «билим»дир ва сўзнинг тўғри идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъноси мураттаби (тартибли солинган) маъновийи мавзун (вазнли), мутакаррир (такрорланувчи) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охирги ҳарфлари бир-бирига монанд келувчи сухандир»* деб таърифлаган. Шеърнинг бу умумий таърифидан қофияга тегишли маънони ажратади ва уни шундай таъриф қилади: *«Ва қофия, билгилки, байт охиридаги сўзлар бўлиб, мазкур сўзлар суратда ва маънода байт охиридаги сўзлар б-н такрор бўлмасин. Агар такрор бўлса, уни радиф ўқийдилар ва қофия ундан аввал келгай...»*

"А." ўзидан кейин ёзилган барча аруз ва қофия илмига доир асарларга ўз таъсирини ўтказган. "А." тўлиқ суратда Эрон олимлари Муҳаммад Қазвиний (1909) ва Мударрис Ризавий (1960) томонидан нашр қилинган.

- *Шамси Қайси Розий.* Ал-Мўъжам (муал.и сарсуҳани тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У.Тоиров). Душанбе: Адиб, 1991.
- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.27-31; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқ. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

«Ал-ҚИСТОСУ-Л-МУСТАҚИМ ФИ ИЛМИ-Л-АРУЗ» ("Аруз илмига доир тўғри тарози") – Абулқосим ибн Маҳмуд ибн Умар ал-Хоразмий аз-Замахшарий (1075–1144) асари, араб т.да муал. ҳаётининг сўнгида ёзилган. Асар муал.и аруз илмини 12 адаб илмлари таркибида келтиради, аруз илмининг араб шоирлари асарларида қўлланилиш амалиётига доир кузатишларини баён қилади. Муал. сабабнинг икки тури (хафиф ва сақил), ватаднинг ҳам икки кўриниши (мажмуъ ва мафрук) маълум қилиб, фосилани шеър рукнлари қаторига қўшмайди. Муал. бу фикрни фосилаи суғрони сабаби сақил ва хафиф, фосилаи куброни ватади мажмуъ таркибида келтириш б-н исбот қилади. Сўнгра 16 баҳр Ҳазаж, Рамал, Ражаз, Мутақориб, Мутадорик, Музореъ, Хафиф, Мужтасс, Сариъ, Мунсарих, Муқтазаб, Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил уларга тегишли доира ва зиҳофлар ҳамда тақтиъ қоидалари ҳақида маълумот беради.

"А." араб олими доктор Бахижа Боқир ал-Ҳасаний томонидан изоҳлар б-н бирга Боғдадда (1969) нашр қилинган.

- *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.31-32.

АЛКАМЕН (Alkamenes) [санъатшунослик, эстетика] – қад. юнон адиби, ҳайкалтарош. Афсонага кўра, А. Фидий б-н мусобақага киришиб, маглуб бўлган ва унга шогирд тушган. Бад. асарлари сакланмаган, бирок Олимпдаги Зевс саройи ғарбида жойлашган ҳайкал ва барельеф муаллифи.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.47.

АЛКЕЙ (м.а. VII аср охири – VI аср биринчи ярми) – қад. юнон шоири. Митилинада туғилган. Лирик шеърлар, сиёсий кўшиклар муаллифи. Машҳур шоир *Сапфо* замондоши. Ода (қасида)ларида маъбудларга мадҳиялар ёзган, тиранларни танқид килган, мардликни куйлаган. Асарларидан парчаларгина сакланган. "Алкей банди" деб номланган ҳар банди 4 мисрадан иборат шеърни биринчилардан бўлиб адабий таомилга олиб кирган.

♦*Алкей.* Собр. песен и лирические отрывки в пер. Вяч. Иванова. М., 1914; Поэты-лирики древней Эллады и Рима. М., 1955; Античная лирика. М., 1968.

- *Тронский И.М.* История античной лит-ры. Л., 1957; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.306, 337-339, 463.

АЛКЕЙ БАНДИ (строфа) [поэтика, строфика] – антик даврга хос шеър банди. Ҳар банди 4 мисрадан иборат. Юнон шоири Алкей томонидан эр.а. VII-VI асрларда шеъриятга киритилган, Гораций томонидан такомиллаштирилган. Тўккиз, ўн, ўн бир бўғинли мисралардан ташкил топган. Мас., В.Брюсовдан:

Не тем горжусь я, | Фебом отмеченный,
Что стих мой звонкий | римские юноши
На шумном пире повторяют,
Ритм выбивая узорной чашей.

(тўккиз бўғинли):

$$\cup - ' \cup - ' - ' - ' \cup - ' \cup$$

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўкитувчи, 1979. Б.25; *Гаспаров М.Л.* Алкеева строфа / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; *Гаспаров М.Л.* Очерк истории европейского стиха. М., 1989; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.6; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.20.

АЛКМАН (м.а. VII аср 2-ярми) – юнон шоири. Аёллар хори учун парфения (хор кўшиклари матнлари), маъбудларга мадҳиялар ва эротик шеърлар ёзган. Шеърларидан кичик бир қисми сакланган. Фольклорга хос бадиий воситалар кўллаган. А.шеърларидаги баъзи мотивлар И.В.Гёте, М.Ю.Лермонтов ижодида учрайди.

♦Эллинские поэты / Пер. В.В.Вересаева. М., 1963.

- *Толстой И.* Фрагмент Алкмана "Спят вершины гор» / Ученые записки Ленинградского гос. пед. инс-та. Т.15; Л., 1938; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.340.

АЛКМАН шеъри – қад. юнон шоири Алкман (м.а. VII аср) номи б-н аталган шеър шакли.

• Ҳотамов Н., Саримсоков Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.26.

АЛКМЕОН [мифология] – юнон мифлари қаҳрамони. Мифга кўра, Амфиарай ва Эрифиланинг ўғли, эпигонлар юришининг бошловчиси. Фивага қарши еттилар юриши иштирокчиси. "Алкмеонидлар" достонида, Еврипиднинг "А. Псофидада", "А. Конифда" фожиалари бош қаҳрамони. Мифик сюжет асосида Вольтер, П.Франческини, Р.Кайзер, А.Саккини каби адиб ва бастакорлар қисса ва опералар яратишган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.60; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АЛЛА (туркча: чархпалак бўлмоқ, йиқилмоқ) [фольклоршунослик] – болани ухлатиш учун айтиладиган қўшиқ, ўзбек болалар фольклорининг жанрларидан бири. Чўлпон она алласини шундай таърифлаган: "Бир бола ухламаса, алла айтадилар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат ҳис қилур". А. бола руҳига таъсир қилиш учун оддий куйлар б-н ёки бешик ва беланчак тебратиш жараёнида айтилади. А. сўзини айрим мутахассислар "Аллоҳ"дан олинганини қайд этадилар, дастлаб Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилиш мазмунида яратилган. А. мазмунан онанинг фарзанд кўрганига шукур қилиши (1), фарзандга бахт тилаши, унинг келажагини Яратгандан сўраши (2), онанинг ҳис-туйғуларини ифодалаши, баъзан ҳасрати (3) мавзуларида айтилади. А.да онанинг фарзандига бўлган муҳаббати устуворлик қилади. А.болага айтилса-да, гўдак А. мазмунини тушунмайди. Болага А.нинг бир маромдаги куйи уйқу бағишлайди. А. куйи ҳар бир айтувчи томонидан ўзича хусусий тарзда басталанган бўлади.

А. фольклор жанри сифатида олимлар Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, М.Ёқуббекова томонидан ўрганилган. Проф. О.Сафаров А.нинг қуйидаги турларини кўрсатади: пароканда, воқеабанд, маиший, тарихий. А. озарбойжонларда *лайлай*, қозоқларда *бешик жири*, қирғизларда *алдей*, туркманларда *ҳувди*, уйғурларда *аллай*, русларда *колибельная песня* (бешик қўшиги) деб номланади.

• *Алавия М.* Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Т., 1974; Türk Folklorundan Derlemeler (Ninni Özel Bölümü). Ankara, 1989; *Şimşek E.* Azerbaycan Laylayları // Erciyes. 1991, Şubat, Y.14. S.158; *Ёқуббекова М.* Алла. Т., 2006; *Мадаев О.* Ўзбек халқ оғзаки ижоди. T.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

АЛЛАТ (арабча: ал-илоҳа) [мифология] – қадимги араб мифологияси (жоҳилийя даври)да Осмон ва ёмғир маъбудаси. Мифга кўра Узза ва Манатнинг қизи. А. оиласи ҳақида Қуръони карим (53:19-23)да қисса бор. Айрим этник гуруҳлар А. Қуёш маъбудаси, Венера сайёраси маъбудаси

сифатида талқин қилинади. Геродот талқинича, араблар исломгача даврда сиғинган ягона илоҳадир.

- *Шифман И.Ш.* Арабы у Гомера и Геродота / Палестинский сборник, 1962. №9. С.67-79.

АЛЛАФ, Абу Худайл – 14.

АЛЛЕГОРИЯ (юнонча: allos – *бошқа,* agoreuo – *гапираман*) [поэтика, риторика] – ифода воситаларидан бири. Образли тафаккур тарзи бўлиб, унинг асосида маъно кўчими туради. А. воситасида мавҳум тушунча, образли фикр ёки мифик воқеа ифода қилинади. А.да маъно ва нарса-предмет образи мужассамлашади. А. образ оддий образлардан фарқ қилади. А. вазифасида мавҳум тушунчалар ёки аниқ воқеа-ҳодисалар, мифологик персонажлар ва анъанавий тимсоллар келиши мумкин. А. бадиий асарда икки йўналишда: образ-предмет воситасида иштирок этади ёки персонаж ва тимсолга қўшимча маъно юклашга хизмат қилади. Иккинчи йўналиш, кўпинча, етакчилик қилади. А. вазият, характер ва тимсолга метафорик маъно юклайди.

А. антик даврда вужудга келган. Эзоп масаллари, софистларнинг фалсафий қарашлари аллегорик характердадир. А. ўрта асрларда абсолют тушунчаларнинг ифодаси сифатида фаол қўлланилган. А.га диний-пантеистик талқинда яратилган асарларда муайян ўрин берилган. Ғарбий Европада барокко даврида кенг ёйилган бўлиб, ҳар бир предмет ёки ҳайвон образи рамзий маъно ташиган. Мас., масал ва эртакларда қуён – қўркоклик рамзи, тулки – айёрлик, бўри – вахшийлик в.ҳ. Айрим жонзотларнинг сурати рамзий белги ифодалайди: илон ва қадаҳ – тиббиёт А.си, арслон – куч–қувват ва ҳукмронлик А.си, тулки – айёрлик, чапдастлик А.си каби. А. кўчим тури сифатида масал, ривоят, сатира в.б. жанрдаги асарларда учраши мумкин. Данте "Илоҳий комедия" асарида *дўзах* тимсоли орқали ҳаёт моҳиятини тушунишга ҳаракат қилади, қаҳрамон характери асарда ўз мақсадини қидираётган одам қиёфасида келади. XX аср ад-тида А. метафорик образ яратишга хизмат қилган. Бундай образлар Томас Манн, У.Фолкнер, Ф.Кафка, Ж.Жойс, А.Камю каби асрнинг етакчи романнавислари асарларида давр мураккабликларини ифода қилишда алоҳида бадиий унсур сифатида иштирок этган. "Эврилиш", "Вабо", "Улисс" (лотин т.да Одиссей шундай аталган) сингари романларда А. табиатини ўрганиш орқалигина адиб маҳоратини очиш мумкин.

Замонавий ад-тшуносликда А. уч турли: романтик (1), символик (2), мистик (3) А. фарқланади.

- *Губер А.* Структура поэтического символа / Труды Гос. Академии художеств. Философ. отд. М., 1927. С.125-55; *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит., 1960. С.169; *Борев Ю.* История эстетических категорий. М., 1965; *Shaw Harry.* Concise Dictionary of Literary Terms. New York: McGraw-Hill, 1976; *Поляков М.Я.*Вопросы поэтики и художественной семантики М., 1985; *Песков А.М.* Аллегория / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ,

1987. C.20; *Diclier B.* Lexicon de Terms Moderns. Paris, 1989; *Cuddon J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams M. H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Попова М.К.* Аллегория в английской лит-ре Средних веков. Воронеж, 1993; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.200, 252, 433; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.104; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.7; http://web.cn.edu / kwheeler/lit_terms.html

~ *ик образ* – А. воситасида ифода қилинадиган бадиий образ, тимсол. А.о. асосан масал ва сатираларда учраши мумкин. Мас., Гулханийнинг "Зарбулмасал" асаридаги образларнинг барчаси А. моҳиятга эга. Ундаги Бойқуш – хароба ва вайроналар тимсоли, Тошбақа – содиқ дўст, Чаён – доим ёмонликка тайёр махлуқ в.б.

А.о. Ғарб ад-тида ҳам кенг қўлланилган. Эзоп, Лафонтен, Крилов масалларида асосий ғоя ташувчи тимсоллардир. А.да мавҳум тушунча ифода қиладиган сўзларни жонлантириш орқали образ ҳосил қилиши мумкин. Мас., ўзбек мумтоз ад-тида Нишотийнинг "Ҳусну Дил" асарини келтириш мумкин. Альбрехт Дюрернинг "Уч отлиқ" асарида Азроил, Уруш ва Адолатнинг а.о.лари тасвирланган. С.Ботичеллининг "Уч назокат" асарида ҳам А.о. мавжуд. Масал жанрида А. – мантиқий меъёрдан четга чиқади. Унда шахсларни ҳайвонларга хос хусусиятлар (қирол – арслон тимсолида, тулки – айёр одам, чумоли – меҳнаткаш) орқали юзага чиқади.

• *Diclier B.* Lexicon de Terms Moderns. Paris, 1989; *Cuddon J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991. *Abrams M. H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Karatas T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.31-32; http://web.cn.edu/ kwheeler/lit_terms.html

АЛЛЕН УОЛТЕР (1911–?) – инглиз адиби ва ад-тшуноси. "Ҳаётда нималар бўлмайди" (1959) романи б-н шуҳрат топган. "Инглиз романи" (1954), "Анъана ва орзу" (1964, 1970), "Безовта Ғарб" (1969) китоблари ва "Жойс Кэри" монографияси муал.и.

АЛЛИГАТ (лотинча: alligo – боғлайман) [рецевтив эстетика] – бир китобга бириктирилган иккинчи бир китоб. Биринчи китоб одатдаги тарзда ўқилган, иккинчи китоб эса орқа томонидан ўгирилган ҳолда ўқилган. Мас., Ж.Эффелнинг "Дунёнинг ва инсоннинг кашф этилиши" китоби (Прага, 1959)нинг чех т.даги нусхаси.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.26.

АЛЛИТЕРАЦИЯ (лотинча: al – га, учун; littera – ҳарф, ёзув) [поэтика, риторика] – шеърдаги ундош товушларнинг уйғунлиги асосида яратилган бадиий санъат (восита). Фоника, яъни ад-тшуносликда бадиий асарнинг

товуш жиҳати ва оҳанг тизимини ўрганишда муҳим поэтик ҳодиса саналади. Бунда бир хил ундошлар ёки ўзаро якин оҳангдош ундошлар уйғун келиши асосида оҳангдорлик кучайтирилиши, таъсирчанлик оширилиши мумкин. А. кўпинча, мисрадаги сўзларнинг бошланғич бўғинларида келади. Таъсирчанликни оширишга қаратилган А. кўпроқ эшитиш орқали реаллашади. Мас., *Сочилган сочингдай сочилса сиринг* (Чўлпон). Ёки *Қаро қошинг қалам қошинг Қийиқ қайрилма қошинг қиз. Қилур қатлимга қасд қайраб қилич қотил қарошинг қиз* (Эркин Воҳидов). *Пора, перо покоя просит...* (А.С.Пушкин). *Чуждый чарам черный член* (К.Бальмонт).

Т.шуносликда нутқни ташкиллантиришнинг усулларидан бири. А.да ундош товушлар симметрик равишда фольклор ва ёзма ад-т (айниқса, шеърият)да кад.дан мавжуд.

• *Жирмунский В.* Рифма, ее история и теория. П.,1923; *Гаспаров М.Л.* Очерк истории европейского стиха. М., 1989; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991. *Abrams M.H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Большой энц-кий словарь. Языкознание. 2-е изд. М.: БЭС, 1998. С.27; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.124; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.7-8; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13; *Karatas T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.33-34; http://web.cn.edu/ kwheeler/ lit_terms.html

~ он шеър – қад. олмон, инглиз, скандинав ва кельт ад-тидаги *акцент* шеър бўлиб, у ҳар бири икки урғу олган икки ярим мисрадан иборат бўлади. Бу бирликлар ўзаро А. орқали боғланади. Ҳар бир мисрада камида икки сўз А. усулда бир хил товушли сўзлардан бошланиши керак. А. шеърда урғудан аввалги ундош А. такрорга эга бўлади. Урғусиз бўғинлар эса турли ҳолатда келишлари мумкин.

*Вот кубок **браги**, вождь **бранного** веча,*
*В нем **смешана** сила с мощной славой,*
***Полон** он песен, **писем** на **пользу**,*
Разных заклятий и радостных рун...

(Сага о Воллсунгах; Б.Ярхо тарж.)

• *Жирмунский В.* Рифма, ее история и теория. П.,1923; *Гаспаров М.Л.* Аллитерационный стих / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; *Гаспаров М.Л.* Очерк истории европейского стиха. М., 1989; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams M.H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.7; http://web.cn.edu /kwheeler/lit_terms.html

АЛЛОГРАФ (юнонча: allos – бошқа, grapho – ёзаман) – қалбаки имзо; бировнинг хатига ўхшатиб унинг номидан хат ёзиш. Айрим асарларни бошқа адибнинг номидан ёзиб, унинг меросига айлантириш.

- *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛЛОМА (арабча: катта олим) – илм-фаннинг бир неча соҳаларини эгаллаган серқирра олим. А. фанда янги илмий йўналиш, мактаб ёки ихтиролари б-н танилган бўлади.

АЛЛОМА ибн Ваккос – 37,*294*

АЛЛОМИЙ, Абулфазл – қ.: Абулфазл Алломий.

АЛЛОНИМ (юнонча: allos – бошқа, onima – исм) [поэтика, адабий жараён] – адабий тахаллус турларидан бири. Бунда исми, шарифининг айрим белгилари сақланган ҳолда тахаллус белгиланади. Мас., Максим Горький – Алексей Максимович Пешков; Павло Неруда – Ян Неруда.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.125; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.23; *Борев Ю.* Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛЛОҲОБОД – Ҳиндистон марказидаги ш. номи. Бу ерда икки дарё Ганга ва Ямун (Жамна) ирмоқлари қўшилади. Бу ном "Бобурнома"да учрамайди. Ш. Акбаршоҳ давридан А. номи б-н атала бошлаган. Бу номни рамзий маънода икки дин – ислом ва буддавийликнинг бир ўзанга бурилиши деб ҳам қарайдилар. Шоҳ Акбар шу ш.да даҳр ибодатхонаси (бир том остида бир неча дин вакиллари ибодат қилиши мумкин бўлган иншоот) қурдирган.

АЛЛЮЗИЯ (лотинча: allusio – ҳазил, *ишора*) [поэтика, риторика] – бадиий ад-тдаги стилистик фигуралардан бири бўлиб, оғзаки нутқда фаол қўлланилади. Аввалдан таниш бўлган бирор сиёсий воқеа, тарихий ёки адабий факт, асар номи т.га олинади, унга ишора қилинади. Данте "Илоҳий комедия" асарида юнон мифологиясидаги шахслар, жой номлари ва антик муал.лар асарларининг воқеаларига ишора қилади. Бу б-н китобхонни муал. концепциясини тушунишга йўналтиради. Шарқ мумтоз поэтикасидаги *талмиҳ* санъатига яқин келади. Бироқ А.да тарихий шахслар ва бадиий ад-тдаги кишилар образларига ҳавола қилинмайди. Мас., "Герострат шуҳрати" асари. Шавкат Раҳмон "Туркийлар" шеърида "Эгилган бошни қилич кесмайди" мақолига ишора қилиб, *"Эгилган бошларни қиличлар кессин"* мисрасини қўллайди.

Қўшимча маълумот учун қ.: *реминисценция*.

- *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27; *Тухарели М.Д.* Функции аллюзии в литературном произведении / Лит-ное произведение и лит-ный процесс в аспекте исторической поэтики. Кемерово, 1988; Энц-кий словарь юного лит-веда. М.: Педагогика, 1988. С.14-15; *Cuddon, J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams, M. H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth:

Harcourt Brace College Pub., 1993. [Now superseded by later editions]; Введение в литведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.99,103,156, 497; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13.

АЛМАИЙ (1852–1894) – ўзбек шоири, таржимон ва хаттот. Тўлиқ исми: Мулла Мир Фаттоҳ. Тошкент ш.да туғилган. Тошкентдаги Мўйи муборак ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Тошкентдаги Шукурхон мадрасасида мударрислик қилган. Шоир Муқимий б-н дўстона алоқада бўлган. Сохиби девон шоир бўлган. А. асарлари даврининг баёз ва тазкираларига киритилган. Шеърларида мустамлакачиларга қарши нафрат ифодаланган, садоқат, яхшилик ва ҳалоллик каби фазилатлар улуғланган. "Калила ва Димна"ни форс т.дан эркин тарж. қилган, хаттот сифатида уни настаълиқ хатида кўчирган. Тарж.да ҳикоят мазмунидан келиб чиқиб, унга шеърий қўшимчалар (фард, маснавий, қитъа, рубоий) киритган. "Калила ва Димна" бир неча марта (1898, 1901, 1913) нашр қилинган. Шеъриятдаги аруз ва кофия масалаларига бағишланган "Авзону-л-жумуъ" ("Вазнлар жамлангани", 1879) рисоласи "Шарҳи Мулло" дарслиги таркибига кирган ва мадрасаларда ўқитилган. Китобнинг А. кўчирган қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

А. номидаги (1918) Тошкентда Бешёғоч даҳасида очилган. Мактабда меҳнат таълими берилган, унинг қошида мусиқа тўгараки ва драмтурра тш олиб борган. Мактабда адиб ва олимлардан Миртемир домла, Парда Турсун, Жуманиёз Шарипов, Иззат Султон, Ҳасан Пўлат, Сулаймон Азимов в.б. таҳсил олган (1929 й.да мактаб Маориф комиссарлиги ҳузуридаги бошқа мактабларга қўшиб, сингдириб юборилган.

- *Алмаий.* Танланган асарлар. Т., 1965.

АЛМАКАХ, (арабча: қудратли маъбуд) Илумкух, Илмуках [мифология] – Йаман мифларига кўра, Саба давлатининг маъбуди. Ой маъбуди ва мамлакатни балолардан сақловчи. М.а. 2 мингйилликда Саба ва Файшан давлатлари ўртасида сулҳ тузиб, урушдан одамларни сақлаб қолган. А. ҳақидаги қарашлар маҳаллий культларни сиқиб чиқариб, ягона қудратли илоҳ ғоясини илгари суришда муҳим рол ўйнаган.

- *Лундин А.Г.* К возникновению государственной организации в Южной Аравии / Патестинский сборник. №17. М.-Л., 1967; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.62-63.

АЛМАМБЕТ – турк достони қаҳрамони. Алп – баҳодир, Мамбет – Муҳаммад сўзларидан ҳосил бўлган. "Манас" эпосида Манаснинг қирқ йигитидан энг ботири. Достонга кўра, Хитой шаҳзодаси; баъзи вариантларда қалмиқ шаҳзодаси. Ҳарбий санъатда моҳир қаҳрамон. "Манас"да айтилишича, А. ота-онасини исломга даъват этган, улар қабул қилмагандан

сўнг ўз юртини тарк этган. Айрим вариантларга кўра, Манаснинг эмикдоши. Қирғиз юрти учун курашларда Манас қатори курашган қаҳрамон.

- Манас. Энц-я. 2 т., т.1. Бишкек, 1995; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.126.

АЛМЕЙДА (1890 – ?) – Бразилия шоири, тўлиқ исми: Гильерме де Алмейда. Сан-Пауло штатидаги Кампинас ш.да юрист оиласида туғилган. 1904 й.дан шеърлари нашр этила бошлаган. "Клаксон" модернистик журналида иштирок этган, модернистик ғоялари "Менинг", "Аланга" номли (1925) тўпламларида эълон этилган. Португал т.ли Латин Америкаси ад-тининг энг яхши шоирларидан бири сифатида ритм ва қофияни виртуоз шаклда қўллай бошлаган. 1959 й. "Бразилия шоирлари шаҳзодаси" унвонига сазовор бўлган. Олтмишдан ортиқ шеърий тўпламлар муал.и. Софокл, Бодлер, Верлен, Тагор, Сартр асарларини тарж. қилган. "Биз" (1917), "Соатлар рақси" (1919), "Мен йўқотган най" (1924), "Соддалик" (1929), "Сен" (1931), "Тасодиф" (1938), "Кичик романслар китоби" (1957) ва "Кўча" (1961) шеърлар тўпламларидан сайлаб олинган шеърлари 1983 й. "Поэзия Бразилии" ("Бразилия шеърияти") тўпламида рус т.да эълон қилинган.

- Поэзия Бразилии. М.: Художественная лит-ра. 1983. С.75-101.

АЛОГИЗМ (юнонча: a – йўқ, но-; logos – тушунча) [поэтика, риторика] – мос келмаслик, тушунчалар мантиқий номувофиқлиги, матндаги мантиқий алоқаларнинг муайян мақсадда муал. томонидан бузилиши. Бу қисқа сўз бирикмаларида ёки синтактик парчаларда кўзга ташланади. А. нинг илдизи фольклор асарлари бўлиб, уларда предмет ҳақидаги табиий тасаввурдан чекинилади. Бу поэтик восита Шарқ мумтоз поэтикасидаги *ийҳом* санъатига яқин келади. Ийҳомда биринчи, одатдаги маъно эмас, балки китобхон назарда тутмаган иккинчи маънога муал. томонидан ишора қилинади. А. эса маълум тушунчани унутиш ёки бор нарсани йўқдай тасаввур қилишга асосланади. Бу жиҳатдан, Шарқ поэтикасидаги *тажоҳул орифона*га яқин. Демак, А. юнон ва умуман, Европа шеъриятида номутаносиблик асосига қуриладиган поэтик воситадир. Ғарб шеъриятида А. янгиланган кўриниши сифатида *оксиморон* фаол қўлланилмоқда. А.да бирор нарса ёки предметга хос бўлмаган хусусиятларни контекстда унга мослаштирилади. Мас., *иссиқ қор, ёнар дарё.*

Мантиққа зид тушунчаларнинг бадиий санъат сифатида қўлланилиши. Бунга Бобурнинг "Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен» мисраси мисол бўла олади. Замонавий ад-тда, мас., Ф.Кафканинг "Жараён" асарида. А. образ даражасига кўтарилган.

- *Манн Ю.* Поэтика Гоголя. М.: 1978. С.110-113; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б. 27; *Песков А.М.* Алогизм / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.127; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс,

2002. С.8; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.23.

АЛОЙИҚ (арабча: ?????) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида толибларни мурод ва мақсадлардан йироқлаштирувчи сабаб ва муносабатлар.

АЛОУДДАВЛА (в.1433) – темурий шаҳзодалардан, истеъдодли шоир. Шоҳрух Мирзонинг набираси, Бойсунғур мирзонинг ўғли. Ҳиротни бошқарган (1447–48). Атрофига шоир ва фозилларни тўплаган, шоир *Абдулваҳҳоб Суҳоий* А. девонида мухрдор бўлган. А. ҳақида Мир Ислом Ғаззолий қасида ёзган.

- *Алишер Навоий.* Мажолисун-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.18.

АЛП (Алб) [мифология, фольклоршунослик] – туркий халқларда икки қўшин жангидан аввал якка олишувда иштирок этувчи баҳодир, паҳлавон йигит, бадиий ад-тда қаҳрамонлик, жасорат, ботирлик рамзи. Халқ қаҳрамонлик достонларида йигитларнинг қувватлиси. Ўрхун–Энасой ёзувларида Кўк турк давлатидаги ҳарбий унвон. Турк мифологиясида *Чўян алп, Кутан алп* каби қаҳрамонлар бор. Тарихий ва қаҳрамонлик достонларида *Алп Эртўнга, Алпомиш, Алп Манас* каби қўлланилган. "Китоби Дада Қўркуд"да 366 А. т.га олиниб, қаҳрамоннинг алплик ёши 14-15 дир. "Манас"да унинг ўғли Семетей 13-14 ёшда, «Алпомиш»да 14 ёшда қаҳрамон алпликка эришади.

Турк эпосларида алплик фақат унвон ва қаҳрамонлик белгиси эмас, ҳукмдорликка дахлдор шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган. Чунки Тангри бермаса (ёрлақамаса) қаҳрамон алпликка этишолмайди. Ўғузномаларда алплик *~эранлик* якин манода қўлланилган, бу тушунча кейинчалик тасаввуф ад-тида *футуҳот~жавонмардлик* ғоясига асос бўлган. Чунки туркий мифологияда идеал инсон ғояси алплик орқали ифодаланган, тасаввуф ад-тида ҳам идеал тип сифатида эранлар, фатиҳлар (айрим тариқатларда) кўрсатилади. Илк достонларда табиий куч истиқболга эришувнинг воситаси саналса, тасаввуф ад-тига келиб, бу вазифа маънавий куч орқали ифодаланган. Ошиқ Пошо (XIV аср) «Ғарибнома» асарида алпликнинг 9 шартини келтиради: маҳкам юрак, куч, ғайрат, яхши от, (дўйуш палтари), ўқ-ёй, қилич, (жида), йўлдош. Халқ достонларида мана шу шарт-рамзлар тўлиқ иштирок этади.

- *Koprulu M.F.* Alp / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1989; Манас. Энц-я. 2 т., т.1. Бишкек, 1995; Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.21; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.127–130; *Karatas T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.34.

«АЛПАМЫС» – туркий халқлар қаҳрамонлик эпосининг қипчоқ варианти. Қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд версиялари мавжуд. Бу вариантнинг

нисбатан эски версияси А.Диваев томонидан ёзиб олиниб,1899 й. Қозонда чоп этилган. XX асрда "А."нинг Абдурайим Бойтурсунов, Султонқул Аққўжаев, Келимбет Серғазиев, Айнабек Нисанов, Али Оспанов, Рохат ва Суюншали Жанбершиндан ёзиб олинган вариантлари сақланади.

- Алпамыс батыр. Тексты, переводы / Под ред. М.Ауэзова, Н.Смирновой. Алма-ата, 1961.
- *Муқанов С.* Батырлар. Алма-ата, 1939; *Сидиков Т.* Казахские версии "Алпамыса" // Советский Казахстан. 1957. №5; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.50.

АЛП АРСЛОН (1029/20.I–1072/XI) – салжукли султонлардан. Асл исми: Муҳаммад ибн Довуд. Отаси Чағрибекнинг ўлимидан сўнг 1058 й.да мамлакат шарқий қисми ҳокими, 1063 й.да амакиси Тўғрилбекнинг ўлимидан сўнг тахтга ўтирган. А.А. даврида унинг вазири Низомулмулук бўлган. Сирдарёдан Византияга қадар катта ҳудудни бошқарган. 1064 й. Арманистоннинг собиқ пойтахти Ани ш.ни, 1071 й. Византияни эгаллаган. Қатор мадраса ва масжидлар қурдирган, 1702 й.да Амударё бўйидаги урушда ҳалок бўлган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.216-217.

АЛП ЭРТЎНГА – буюк Турон подшоҳи, туркий халклар қаҳрамони, лашкарбоши. Форс т.даги манбаларда *Афросиёб* деб таништирилган, "Шоҳнома"дан сўнг шу ном билан машҳур бўлган. "Авесто"да буюк Турон подшоҳи А.Э. – Афросиёб, санскритча *Франхрасйан*, Ассирия манбаларида *Мадува*, Геродот "Тарих"ида *Мадйес* номи билан берилган. "Китаби Дада Қўркут"да А.Э. сақ (скиф)лар ҳукмдори деб кўрсатилган.

Беруний "Ал-осор ул-боқия" асарида Афросиёбни Манучеҳрдан кейин унинг сулоласини кўрсатар экан: А.Э. ибн Бушенг ибн Инат ибн Ришман ибн Турк ибн Забанасп ибн Аршасп ибн Тужа, ... Пешдодийлар сулоласини келтириб, Манучеҳрдан кейин Эрон ҳокимиятига эришган ва 12 йил подшоҳлик қилган, деб ёзади. Манучеҳр Эроннинг бир қисмида яна 28 йил ҳукмдорлик қилганини айтиб, параллел равишда А.Э. 12 йил Ирок ҳукмдори бўлганини ҳам қайд этади. Шу ўринда Беруний жадвал орқали ҳар бир ҳукмдорнинг исми, шарифини сўнгра ўша давлатда унинг номланиши (подшоҳ, хон, хокон в.б.) ва нисба ёки лақабларини келтиради. Икки ўринда А.ни "турк" нисбаси билан т.га олади. Йилларнинг умумий миқдори жиҳатидан дастлабки 12 йил 2579-2591, кейинги 12 йил эса 2619-2631 деб кўрсатилиши (қад. таквимга кўра)га эътибор берсак, А. Эронда 12 йил, Ирокда (Эроннинг бир қисмини Манучеҳрга қайтаргач) яна 12 йил хукмронлик қилган. Бошқа ўринда "Тирмоҳ" тушунчаси (байрами)га изоҳ бераркан, А.Э. Эроншаҳрни эгаллагач, Манучеҳрни ўлдирмай, у раҳм этишни сўраганда, Табаристон ҳокими қилиб тайинлайди.

А.Э. қаҳрамонликлари ҳақида қўшиқлар тўкилган. Эрон манбаларида ёзилишича, А.Э.нинг каҳрамонликларидан бири енгилмас девни ўлдирганидир. М.Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида А.Э. номи

қатгашган кўпгина адабий парчалар келтирилган. Уларнинг йириги А.Э. вафоти муносабати б-н айтилган марсиядир. Фитрат бу марсияни А.Э. қаҳрамонлик достонининг бир парчаси сифатида талқин қилади.

♦ *Кошғарий М.* Девону луғотит турт. Т.: Фан, 1961; *Фитрат.* Энг эски турк адабиёти намуналари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

• *Беруни.* Избранные произведения. Т.1. – Т.Н Фан, 1957. С. 114-115, 231-232; Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.21. *Ҳомидий Ҳ.* «Авесто»дан «Шоҳнома»га. Т.: Шарқ НМАК, 2007.

«АЛПОМИШ» – туркий халқлар эпоси, қаҳрамонлик достони. А. достонининг қозоқларда "Алпамыс батыр", олтойларда "Алып-Манаш", бошқирдларда "Алпамыш ва Барсын-сулуу", қорақалпоқларда "Алпамыс" каби версиялари ва вариантлари мавжуд.

"А." вариантлари 1922 й.дан ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Берди бахши, Саидмурод бахши, Бўри бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умр бахши, Ҳайдар Бойча ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир Раҳим ўғли томонидан 40 дан ортиқ вариантларда ёзиб олинган.

"А." ўн олти уруғлик Қўнғирот элида ўтган Добонбий, Бойбўри, Бойсари каби уруғ бошлиқлари ва уларнинг фарзандлари Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчиной қисматидан ҳикоя қилади. Достонда қабила-уруғчилик муносабатларининг тугалланиши ва давлатчилик муносабатларининг шаклланиши акс этган. "А." китобхонларни ватансеварлик, мардлик, қаҳрамонлик, адолат руҳида тарбиялайди.

1949 й. аввал Тил ва ад-т инс-тида, сўнг "Дружба народов", "Звезда Востока" журн. (1951)да, 1952 й. Фирқа марказқўми ва Ёзувчилар уюшмасида "А." қатли ом қилинди. Ниҳоят, ниҳоят 1956 й.дан кейин достон ҳақида тадқиқотлар ва асарнинг матни эълон қилина бошланган.

"А" вариантлари: 1938 й.да Фозий Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган нусхаси айрим қисқартиришлар ва сўзбоши б-н Ҳамид Олимжон томонидан нашр қилинган.

♦ Алпомиш. Т.: Шарқ НМАК, 1998; Алпамыш (пев. Ф.Юлдаш оглы) / Пер. с узбек. Л.Пеньковского. Т.: 1998; Алпомиш [Академнашр]. Т.: Фан, 1999.

• *Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т.* Узбекский народный героический эпос. М., 1947. С.60-108; Алпамыш. Тезисы докладов и сообщения регионального совещания по эпосу «Алпамыш». Т., 1956; *Жирмунский В.М.* Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., 1960; Тюркский героический эпос. Л.: Наука, 1974; *Мирзаев Т.* "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари Т.: Фан, 1968; *Саидов М.* Ўзбек достончилигида бад. маҳорат. Т.: Фан, 1969; «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Т., 1999; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.131–140; *Йўлдошев Қ.* "Алпомиш" талқинлари. Т.: Маънавият, 2002; *Мирзаев Т.* Эпос и сказитель. Т.: Фан, 2008; *Каримов Н.* "Алпомиш"нинг қатли ом қилиниши / Адабиёт ва тарихий жараён. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.194-212.

АЛТАИСТИКА – к. Олтойшунослик.

АЛТАЙ тиллари – қ.: Олтой тиллари.

«АЛТАН ТОБЧИ» (мўғулча: товч – *олтин тугма*) [манбашунослик] – мўғул йилномалари тўплами. XVII асрда Лубсан Дандзан томонидан жамланган адабий-тарихий манба. Тўпламга мўғул халқининг қад. қўшиқлари, насрий асарлари, матал ва мақоллари йиғилган. Адабий характери жиҳатидан "Ривоятлар хазинаси" қомусий манбасига яқин. Бироқ ушбу манба кейинроқ тартиб берилгани учун таркибига айрим қисса ва ривоятлар ҳам киритилган. Мас., машҳур ҳукмдор Худэй-сэцэннинг Амбагайхон авлодларига мурожаати, Чингизхоннинг тўққиз давомчилари б-н етим бола суҳбати в.б.

- Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С. 21.

АЛТАНХАН – қ.: Олтинхон

АЛТЕРНАТИВ-ТАРИХИЙ НАСР (лотинча: alter – *иккидан бири*) [эстетика, поэтика] – муқобил тарихий асар, замонавий ад-тдаги эпик (ёки драматургик) жанрлардан бири. Асарда бирор мамлакат ёки макон тасвирланса ҳам айни номдаги ш. ёки мамлакат номи алмаштирилади. У ердаги тарихий воқеалар замирида бошқа ўлка назарда тутилади. Мас., И.Ғаспиралининг "Дору-р-роҳат мусулмонлари" асарида воқеалар замини Андалусия тарзида берилган бўлса ҳам бу муал.нинг хаёлий исломий мамлакат ҳақидаги орзуларидир.

А.н.тарихий ва фантастик асарларда кенг қўлланилади. Бирок тасвирдаги воқеалар орқали х. даврга ишора қилинади. Мас., Фитрат "Чин севиш" ва "Ҳинд ихтилолчилари" асарида Ҳиндистоннинг инглиз босқинчиларига қарши кураши тасвирланган бўлса-да, унда Туркистоннинг руслар томонидан идора қилинишига ишора қилинади. Рус насрида В.П.Аксеневнинг "Қрим ороли" асарида 1920 й. воқеалари тасвирланса ҳам тасвир шўролар даври воқеаларига муқобил равишда параллел кетади. В.А.Пьецухнинг "Роммат", В.М.Рибаковнинг «Арбат болалари» романларида шундай йўл тутилган.

А.-т. асарлар XX асрнинг 80–90-й.йда собиқ шўро ад-тида урф бўлган.

АЛТИНСАРИН, Ибрай – *Қ.: Олтинсарин, Ибрай.*

«АЛТУН ЙАРУҚ» – қ.: "Олтин ёруқ".

АЛФАВИТ (юнонча: «алфа» ва «бета» (вита) ҳарфларининг номи: АБ) – махсус ишланган ёзув белгилари тўплами бўлиб, маълум ички тартиб асосида жойлаштирилган товушларнинг ёзувдаги белгилар б-н ифодаланишидир. А. товуш ифодаловчи белгилар тартиби бўлиб, инсон нутқидаги турли товушларнинг ёзувда ёки нашрда акс эттириш воситаси

ҳисобланган. Ўзбекларда “алифбо” деб юритиладиган бу тизим, Ғарбий Европада А. номи б-н сақланган. А. м.а. иккинчи минг йилликда угарит ва финикий ёзувлари асосида шаклланган, Европа А. га эса финикий белгиларидан келиб чиққан юнон А. асос бўлган. Булар Латин А. деб юритилади. Айрим А.га арамей (оромий) ёзуви асос бўлган. Мас., араб ёзуви асосида шаклланган А. барча араб мамлакатларида, Эрон, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда жорий ёзув саналади. Рус А. – кириллица деб юритилиб, Византия-юнон А. асосида ака-ука Кирилл ва Фёдор Мефодийлар томонидан ишлаб чиқилган эски славян ёзуви асосидадир. Пётр I даврида рус А. ислоҳ қилинган, яъни русча талаффуздан йирок і , ѡ, ѱ , θ чиқариб юборилиб, ўрнига жорий ёзувдаги *э, я, ё, й* ҳарфлари киритилган. Рус А. 1917–18 й.ларда яна бир марта ислоҳ қилиниб, Ъ чиқариб юборилган. Россияда А.лар тўпламлари “Азбуковники” (славян т.даги А-аз, Б-бука ҳарфларига кўра) деб юритилиб, унда А. тартибидаги сўзлар жамланган, имло луғати бўлиш б-н бирга, бу тартибдаги сўзларга изоҳлар ҳам берилган. Нисбатан қад. “Азбуковники” XVI асрга тегишли. Қад. санскрит ёзуви белгилар эмас, бўғинлар асосида шаклланган. Илова-расм. ИЭС, 36.

- *Струве В.В.* Происхождение алфавита. Петроград, 1923; *Щерба Л.В.* Теория русского письма / Избр. работы по русскому языку. М., 1957; *Дирингер Д.* Алфавит / Пер. с анг. М., 1963; *Ковтун Л.С.* Русская лексикография эпохи средневековья. М.Л.: 1963; *Истрин В.А.* Возникновение и развитие письма. М., 1965; *Виноградов В.А.* Алфавит / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.21; *Буланин Д.М.* «Азбуковники» / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.15; Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1998. С.29; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛФИЙ Шомий (XVII) – форсигўй шоир, ҳиндистонли шоир Файзийнинг замондоши. Хуросондаги Шом қишлоғида туғилган. Мутрибий шеърий санъатлар бобида ўткир дидли бўлгани ва гўзал шеърлар битгани ҳақида маълумот беради. *Тадвир* санъати ҳақида тушунтириш бериб (Рашидиддин Ватвот бу санъатни “болалар ўйини” деб атаган), А.нинг бу санъатни қўллаган бир газалларидан намуналар келтиради. Қуйидаги байт шоир истеъдодидан дарак беради:

Чарх хам карда қадди хешу ба доси маҳи нав,
Мекунад мазраи умри ҳамаи халқ дерав.

Мазмуни:

Осмон эгиб қаддини янги ой ўроғи б-н,
Барча одамларнинг умри даласини ўрар.

- *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO’Z, 2013. Б.98.

АЛЬБА (юнонча: alba – тонг) [поэтика] – Ғарбий Европада ўрта асрларда машҳур бўлган жанр, луғавий маъноси: тонг қўшиғи. Одатда туни б-н ҳижрон азобида ёнган, ёри б-н тунда хаёлан кўришган ошикнинг тонгдаги ноласи тарзида куйланган. Илк намуналари XI асрга тегишли, *трубадур*лар

шеъриятида ва *куртуаз* лирикасида қатъий поэтик шаклга кирган. Айрим ҳолларда диалог тарзида ҳам айтилган.

♦Хрестоматия по зарубежной лит-ре. Лит-ра средних веков / Сост. Б.И.Пуришев, Р.О.Шор. М., 1953.

• История французской лит-ры. Т.1. М., 1946; *Гаспаров М.Л.* Очерк истории европейского стиха. М., 1989; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.23.

АЛЬБЕРС, Жозеф (1888 –1976) – олмон рассоми, геометрик абстракционизм назариётчиларидан. 1915 й.да Берлин бадиий мактабини тамомлаб, Мюнхен Бадиий академиясига ўқишга кирган. 1920 –33 й.ларда Баухаузда Қурилиш ва бадиий дизайн мактабида дарс берган. Фашизм ҳокимият тепасига келгач, АҚШга кўчиб ўтган. 1950–58 й.ларда Йель ун-ти Архитектура ва дизайн факультети профессори. Ўзининг тажрибалари ва илмий кузатишлари асосида "Рангларнинг ўзаро ҳаракати" (1963) асарини ёзган.

Рассом сифатида квадратлар композицияси туркумининг ижодкоридир. Квадратларда ранг ва ўлчовлар ўзаро муносабатига доир қатор асарлар чизган: "Америка" (1950), "Дарвозалар" (1959), "Ш." (1970) в.б.

• Энц-я модернизма. М.: Эксмо–Пресс, 2002. С.122-123.

АЛЬБЕРТ фон Больштедт (Буюк Алберт, 1193 –1280) – олмон файласуфи ва диншунос олими. Париж, Кёльн ўқув юртларида дарс берган. Арасту асарларига шарҳлар ёзган. А. туза бошлаган диний асарлар каталоги кейинроқ унинг шогирди Фома Аквинский томонидан давом эттирилган. Универсализм рухидаги қарашлари Ибн Сино таъсирида шаклланган. А. минералогия, ўсимликшунослик ва зоология каби аниқ фанлар соҳаларида ҳам асарлар ёзган.

♦*Альберт Великий.* О растениях / Агрикультура в памятниках Западного средневековья. М.-Л., 1936.

• Трахтенберг О.В. Очерки по истории западноевропейской средневековой философии. М., 1957.

АЛЬБЕРТ, Ханс (1921 й.т.) – немис файласуфи. Ҳейдельберг (Германия) ун-ти профессори, танқидий рационализм тарафдорларидан бири. Дастлаб Паппер таъсирида дуалистик позицияда турган, кейин эса Динглер ғоялари таъсирида танқидий реализм тарафдори бўлган. "Мюнхаузен трилеммаси" ғоясига қарши чиқиб, ўзининг фалсафий таълимотини илгари сурган.

• Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.14.

АЛЬБЕРТИ, Леон Баттиста (1404/18.XI–1472/25.IV) – италян шоири, рассоми, санъатшунос, файласуфи, меъмори ва математиги. Генуяда тугилган. Леон ун-тида таълим олган. Италян т. дарслигининг биринчи муал.и, Рим харитасини биринчи бўлиб ишлаб чиққан ва нашр қилдирган. "Филодокс" (1424) комедияси италян драматургиясининг сара асарларидан саналади. "Мом" (1451) аллегорик ҳажвиясида ўз давридаги носозликларни

танкид остига олган. “Меъморлик ҳақида ўн китоб” асари санъатшуносликка доир фундаментал ишлардан саналади. Ахлоқ соҳасига оид “Оила” асари машҳур. “Уй қурилиши” асарида оилавий муносабатлар ҳамда давлат ва жамият қурилишига тегишли мулоҳазалар баён қилинган. “Бахтсизликдан қочиш” асарида ўзининг фалсафий қарашларини эълон қилган.

А.нинг рассом сифатида бронзадан ясалган “Автопортрет”и, Флоренциядаги “Санта Мария черковининг олд томони (фасади)”, “Ручеллаи уйи” в.б. италян Уйғониш даври санъатининг нодир намуналаридир. А. “Инсон бадани пропорциялари ҳақида тўрт китоб” асарида рассом маҳорати ҳақида сўз юритиб, расм оригинал олдида турган ойнадай аниқлик б-н акс этиши керак, деб ёзади. Рассомлик санъати оддий ҳунар даражасига тушиб қолса, у моҳиятини йўқотади, келажакка эмас, кундалик тирикчиликка хизмат қилади. А. рассомлик санъатини ад-тдан устун қўяди.

♦ *Альберти Л.-Б.* Десять книг о зодчестве. М.: 1937.

• *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.185,209; Италянское Возрождение. Сб. источников. Новосибирск, 1975; *Зубов В.П.* Архитектурная теория Альберти / Леон Баитиста Альберти. М., 1977; *Абрамсон М.Л.* От Данте к Альберти. М.: Наука, 1979.

АЛЬБЕРТИ, Рафаэл (1902–?) – испан шоири. Италия (Рим)да яшаган. “Қуруқликдаги денгизчи” (1924), “Эврилишда” (1937), “Хуан Паннадеро банди” (1949,1956), “Парана дарёси қўшиқ ва балладалари” (1954), “Муҳаббат шеърлари” (1967), “Пикассонинг саккиз номи ва мен нима десам, шуни айтаман” (1970) шеърий тўпламлари муал.и. “Йўқолган ўрмон” (1-2 қисм, 1959, 1968) хотиралар китобини ёзган. “Уруш пайтида Прадо музейида тун” (1960) драмаси саҳнага чиққан.

♦ *Альберти Р.* Избранное. М., 1977.

• *Кельин Ф.В.* Рафаэль Альбери и Манна Тереза. Леон.: Интернациональная лит-ра. 1934. №3-4; *Плавский З.И.* “Строфы Хуана Панадеро” Рафаэля Альберти / Ученые записки ЛГУ. Серия филологических наук. 1955. №184; История испанской лит-ры. М., 1978.

АЛЬБОМ (лотинча: album – оқ мато ёки тахта) – қад. римликлар А.га турли гаплар ва қизиқарли воқеалар ёзиб, гавжум жойларга ўрнатишган; оқ дафтар бўлиб унга кундалик, шеърлар, *автограф* ва бошқа ёзувлар белгилаб боришган (блокнот сингари); расмлар ва фотосуратлар тўплами. Ижодкорлар А.лари одатда сўзбоши, сурат остидаги ёзувлар, изоҳ ва шарҳлар б-н бирга нашр этилади. Рассом ёки фотографнинг бадиий асарлари жамланмаси А. бўлиб, нашр ҳуқуқига эга бўлади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.37.

АЛЬДИНА – кичик форматли, оз сонли китобхонларга мўлжалланган нашр. Дастлаб Альд Мануций, унинг ўғли Паоло ва набираси Альда ҳамда куёни Андрей Торрезанский томонидан амалга оширилгани учун нашр номи бу

оиланинг номида олинган. А. нашрида Арастунинг 6 жилдли “Асарлар”и (1495–98) чоп этилган. XV-XVI асрларда Венеция ноширлари томонидан оммалаштирилган, муқова зарҳал ҳарфлар б-н ёзилган қимматбаҳо терилардан ишланган. А. нашрларида биринчи марта *курсив* (айрим сўз ёки жамлаларнинг айрича ёзилиши) қўлланилган. Антик давр ва Европа Уйғониш даврининг вакилларининг асарлари мана шу нашр тури орқали оммалашган.

- *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛЬМА (лотинча: alma – таъминловчи, севувчи) – Ғарбий Европа шеъриятида кенг қўлланиладиган эпитет, айрим ўринларда тимсол. Рим шоирлари кишиларга яқин бўлган маъбудлар Церера, Венера кабиларга нисбатан ишлатишган. Она маъбуда Кибела асарларда “Алма матер” деб юритилган. Ун-тлар ва бошқа маънавий масканларда руҳий озуқа берувчиларга нисбатан ҳам А. эпитети қўлланилган.

•*Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.37.

АЛЬМАНАХ (арабча: ал-мунах – *тақвим*, вақъ, ўлчов) [адабий жараён] – адабий тўплам, бирор мавзу, жанр в.б. тартиб асосида жамланган. Ўрта асрлар араб таквимида астрономик ҳодисалар акс этган, секин-аста улар турли қизиқарли ҳодисалар, латифалар, ҳазил шеърлар ҳисобига бойиб борган. 1474 й. Венгрияда қирол Матвей Корвин таклифи б-н икки тилли (лотин ва олмон) А. нашр этилган. Йиллик баъзан ҳар фаслда А. чоп этилиб, уларда қирол оиласига тегишли хабарлар ҳам бериб борилган, Германияда “Готик альманах” тузилган. XVI –XVII асрларда А.да шунчалик турли ахборот материаллари жамланганки, айрим мутахассисларнинг фикрича, улар вақтли матбуот вазифасини ҳам бажарган. Вақт ўтиши б-н А.нинг икки тури фарқлана борган: уларнинг биринчиси таквим характерини сақлаган, иккинчи тури эса, адабий асарлар тўпламига айланган. Мавзусига кўра мусиқий, театр, аёллар ва болалар А. нашр этилган. Демак, А.даврий нашр бўлмай, мавзуга ва соҳага кўра асарлар тўпламига айлана борган.

Биринчи адабий А. Францияда “Альманах муз” (Париж, 1764 –1833) номи остида чиққан. “Ад-т. Театр ва нафис санъат А.” (1853–59) Ж.Жанен томонидан чоп этилган. «Париж А.» (1862–70), А.Шамиссо томонидан чиқарилган “Олмон А.” (1830-39) ўз даврида шуҳрат қозонган. Россияда 1-А. Н.М.Карамзин чоп эттирган «Аглая» (1794-95) А.дир. XX асрда футуристлар томонидан “Хира ой” (“Дохлая луна”, 1913) А. тузилган. Россияда “Адабий Москва” (“Лит-ная Москва”), “Шеърият куни” (“День поэзии”), “Прометей” каби альманахлар машҳур бўлган.

Ўз-нда “Ўзбек ёш шоирлари” (Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек шеърлари, 1922), “Гўзал ёзғичлар” (1923), “Адабиёт парчалари” (1926), “Армуғон” (1944), “Зафар” (1945) мажмуаларини шундай адабий А. типига киритиш

мумкин. XX асрнинг 2-ярмида «Гулдаста» (1964,1968), «Ёшлик» (1970), «Ёшлик баёзи» (1979,1984) каби адабий А. эълон қилинган.

- *Смирнов-Сокольский Н.П.* Русские литературные альманахи и сборники XVIII и XIX вв. / Предварительный список. М., 1956; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.126; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.34; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.26.

АЛЬМОРАВИД (арабча: ал-Муравийлар) – Шим. Африка (х. Мавритания)да ҳукмронлик қилган сулола. А. XI аср ўртасидан 1146 й.га кадар давом этган, Абдуллоҳ ибн Ясин асос солган. Бу сулола вакиллари дастлабки ҳаракатини робот (хонақоҳ)да бошлаганлари учун *ал-мурабитун* деб аталган. 1061 й.да Юсуф ибн Ташвин ўз ҳокимиятини кенгайтириб, Испания, Марокаш, Ғарбий Жазоирни эгаллаган. Марокаш ш.ни пойтахт қилган. Кейинроқ *алмохадлар* сулоласига ўз ўрнини бўшатиб берган. Тарихий ва илмий ад-тларда А. давлат ёки сулоласи номи б-н сақланган.

- *Шюльен Ш.А.* История Северной Африки / Пер. с франц., т.2. М., 1961.

АЛЬМОХАД (арабча: ал-муваҳҳидун – бир дин вакиллари, *диндошлар)* [диншунослик] – Шим. Африкада XII аср ўртасидан вужудга келган сулола ва давлат. Ал-Муравийлар сулоласининг бошқарув тизимига қарши бош кўтарган ва 1122–1269 й.да ҳокимиятни бошқарган. А. сулола асосчиси Ибн Тумарт, унинг давомчиси Абдулмўмин даврида кучайган. XIII аср ўртасидан дастлаб Кастилия, Арагон ва Наварра, кейинроқ Испания (Ғарнада-Гренададан ташқари)да ҳокимияти барҳам топган. 1269 й.да Марокашда бутунлай мағлубиятга учраган.

- *Шюльен Ш.А.* История Северной Африки / Пер. с франц., т.2. М., 1961.

АЛЬТ (лотинча: altus – баланд) [эстетика, мусиқа назарияси] – I. хор ёки вокал ансамблида паст овоз (баъзан болалар ёки аёллар овози)да ижро этиладиган партия (кўшиқнинг бир қисми). Тенор ва дискант ўртасида турувчи овоз.

II. торли скрипкасимонлар оиласига кирувчи мусиқа асбоби. Ҳажми скрипкадан катта, лекин бир квинта (парда) паст созланади. XVI асрда партитураларда альт-*виола* номи б-н юритилган. Скрипкадан виончелига ўтишда муҳим восита бўлган. А.дан турли шаклдаги *домра-альт, кларнет-альт, тромбон-альт* мусиқа асбоблари келиб чиққан.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.39.

АЛЬТЕРАЦИЯ (лотинча: alto –) [эстетика, поэтика] – бир ҳодисадан иккинчи ҳодисага тез ўтишни ифодалайдиган поэтик усул. Мусиқада ўтиш даврида нотани ярим овозга кўтариш ёки тушириш учун белгиланган интервал. Бир рассом икки бир-бирига ўхшаш суратларни чизаётганда бир

суратнинг маълум бир қисмини чизиб, иккинчи суратнинг айни ўша эпизодини параллел равишда чизади. Бу поэтик усул бадиий ад-тда ҳам қўлланади. Бир вақтнинг ўзида содир бўлган икки ҳодисани тасвирлашда ёзувчи бир ҳодисанинг маълум бир бўлагини тасвирлаб, параллел равишда иккинчи ҳодисадаги мана шу вақтда содир бўлган воқеани кўрсатади. Мас., Ж.Боккаччонинг "Декамерон" романи.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АЛЬТЕРНАТИВА (французча: alternative – иккидан бири) – мумкин бўлган икки ёки ундан ортиқ қарор ва вариантлардан бирини танлаш зарурати. Мантиқ илмида А. ҳукм, яъни бир қарорга келиш. Ўзбек т.га *муқобил* сўзи орқали тарж. қилинган.

АЛЬТЕРНАНС (французча: alternance – оралаш, сакраб ўтиш) – шеърнинг қофия тизимидаги мисраларарo қофиялаш усули. Ҳар банди 4 мисрадан иборат шеърларда 1- ва 3- мисралар, 2- ва 4- мисралар ўзаро қофияланади. А.да қофиядан ташқари (яъни қофияланмаган) мисра (шеър қатори) бўлмайди. Бироқ бир хил тугалланиш ёки қўшимчалардан иборат қофия А. ҳисобланмайди. Мас., Ф.И.Тютчевнинг "Фонтан"шеъри, М.Ю.Лермонтовнинг "Мцири" достонида А. усули қўлланилган.

- *Гаспаров М.Л.* Очерк истории европейского стиха. М., 1989; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АЛЬТМАН, Натан Исаевич (1889–1970) – рус рассоми, сценографи ва санъат назариётчиси. Украинанинг Винница ш.да туғилган. Одесса Бадиий билим юртини тугатгач (1902–07), Париждаги хусусий студияларда таҳсил олган (1910–11). Петербург ва Москвада яшаган пайтида "Рассомларни рағбатлантириш яҳудий жамияти"ни тузган (1916). Сценограф сифатида "Отелло", "Уриел Акоста" асарлари учун саҳна безаги чизган. Классик услубни замонавий абстракционизм б-н бирлаштиришга урунган. А. портрет жанри устаси. "Анна Ахматова" (1914), "Автопортрет" асарлари машҳур галареялардан ўрин олган. Шекспирнинг "Ҳамлет", Гоголнинг "Петербург қиссалари", Маяковскийнинг "Мистерия–Буфф» асарларига чизган график суратлари дарсликлардан ўрин олган.

- *Петров В.* Разносторонный художник // Творчество, 1969. № 10; Энц-я модернизма. М.: Эксмо–Пресс, 2002. С.122-123.

АЛЬТРУИЗМ (французча: altruisme – бошқадан) – ахлоқий-фалсафий тушунча. Бошқа кишиларга холис хизмат қилиш, эл манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиш ёки ўзини қурбон қилиш тушунилади. А. тушунчаси илмга О.Конт томонидан киритилган. Фалсафадаги эгоизм (худбинлик) тушунчасининг зиддидир.

АЛЬФА (юнонча: α) [лингвопоэтика] – юнон алфавитидаги биринчи ҳарф (сўнггиси *омега*). Кўчма маънода А. бош, асосий, тўлиқ маъноларини англатади. А.дан омегагача – бошдан охиригача.

АЛЬФОНСИ, Петр (XII) – испан-яҳудий адиби. Асарларини лотин т.да ёзган. "Яҳудийларга қарши диалог", "Саройдагиларни ўқитиш китоби" ("Учительной книги клирика") асарлари машҳур. Иккинчи асари фалсафий руҳда бўлиб, араб фалсафаси ва ислом тарихидан қизиқарли новеллалардан иборат. Асарда етти илм (диалектика, арифметика, геометрия, таббиёт, астрономия, мусиқа, грамматика), етти яхши машғулот (отда юриш, сузиш, камондан отиш, кураш, қуш овлаш, шашка ва шеърий ижод) ва етти қийин иш (мечкай, ичкиликбоз, сурбет, фирибгар, ёлғончи, хасис, қўпол сўзли бўлмаслик) ҳақида ҳам қисқа талқинлар берилган.

♦ *Альфонси П.* Учительная книга клирика / Памятники средневековой латинской лит-ры X-XII веков. М.: Наука, 1972. С.171-182.

АЛЬФЬЕРИ ВИТТОРИО (1749–1803) – италян шоири. Италян миллий трагедияси асосчиси, дастлаб классицизм б-н боғланган, сўнгра италян маърифатчилигининг вакили. Трагедияларини шундай тасниф қилган: муҳаббат мавзуидаги: "Клеопатра", "Филипп", "Розамунда", "Софонисба", "Октавия"; озодлик трагедиялари: "Виргиния", "Пацци фитнаси", "Тимолеон", "Агис", "Брут I", "Брут II"; ҳокимият учун кураш мавзуи: "Полиник", "Агамемнон", "Дон Гарсиа", "Мария Стюарт"; оилавий мавзудаги "Орест", "Антигона", "Меропа", "Альцеста"; ички кураш (коллизия) мавзуи: "Мирра", "Саул". А. асарлари XVIII–XIX аср италян трагедияси ривожига ўз таъсирини кўрсатган, 200 сонет, 16 сатира, "Қасосли Этрурия" достони, 5 қасида, "Мизогалл" памфлетлар китоби муал.и. Антик ад-т намуналарини италян т.га тарж. қилган. "Витторио Альфьери ҳаёти, ўзи томонидан ёзилган" биографик асари (1806) машҳур.

♦ *Альфьери* В. Филипп / Пер. Н.Курочкина. -СПб, 1847.

• *Де Санктис Ф.* История италянской лит-ры. Т.2. М., 1964; *Мокульский С.С.* Италянская лит-ра. М., 1966.

АЛҚАСОСУ-Л-ҲАҚ - 284

АЛЪАМОН – Ҳумоюн ўғли. Бобур Ҳумоюннинг ўғлига қўйган исми ҳақида ўзига хос ростгўйлик б-н кўнглидаги мулоҳазани очиқ айтади. Аммо у ўз танбеҳини юмшатиш мақсадида олдин ўғлини яна бир бор фарзанд б-н табрик этади: "Тенгри муборак қилғай". Фақат шундан кейин болага қўйилган отнинг ноўринлигини тушунтирмоққа ўтади: "...мундин гофил бўлубсенким, кисрати истиъмол била авом Аламон дерлар, ё эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алифлом отга кам бўлур". Демак, халкнинг талаффузида бу от ўзгариб кетмоғи мумкин. Бу эса асл мазмуннинг йўқолмоғига олиб

келади. Яна кишига, умуман, алиф-ломга от қўйилмайди. Буни билмоқ керак эди. Аммо ўғил фарзанд кўрмак хушхабари келганда танбеҳ чўзилиб кетса бўлмайди. Шунинг учун ота яна табрик ва дуога ўтади: "Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилғай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Алъамонни давлат ва саодат била тута бергай".

АЛЯДИН, Шомил (1912–?) – крим-татар адиби. Боғчасарой (Украина)да туғилган. Симферопол пед.техникумида, Тошкент мелиоратив ин-ти, кечки пед. ин-тида ўқиган. "Ени дунья" ("Янги дунё", Қрим) газ.да бўлим мудири, Қрим ёзувчилар уюшмаси раиси вазифаси (1939)да ишлаган. II жаҳон уруши қатнашчиси. Ўз-н Ёшлар театрида адабий маслаҳатчи, Ўз-н Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, "Йылдыз" журнали бош муҳ-ри бўлиб ишлаган.

Асарлари 1927 й.дан эълон қилинган. "Кулаётган ер" (1932), "Қозоқ қўшиги" (1935) шеърий китоблари. Қатор қисса ва романлар муал.и.

АЛҚАМА – тўлиқ исми Алқама ибн Абий Ваққос. Ҳазрати Умардан кейинги тобеъинлардан. Кўплаб ҳадислар шу кишининг номидан ривоят қилинади.

АЛҚАМА ибн Абада – жоҳилийя даври (VI аср 1-ярми) араб шоири. Бағишлов, шеърий мурожаат ва қасидалар ёзган. *Бадоиун шеърияти* руҳида саҳродаги ҳайвонлар тимсолини тавсифлаган. Асарлари услуб жиҳатидан Имру-л-Қайсга ўхшаш. Шеърларида кўпҳижоли (11–17) мисралар қўллаган. Замонасининг ҳукмдори Харис ибн Жабалга ўз қабиладошларини озод қилиш тўғрисида ёзган мурожаатномаси ҳозирга қадар кучли ватанпарварлик асари сифатида қадрланади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991. С.216.

АЛҲОН (арабча: куйлар, оҳанглар) [риторика, тасаввуфшунослик] – шеърни оҳангли ўқиш, ҳофизларнинг Қуръонни тиловат қилиши (тажвид қоидалари бўйича), хутба ўқиш. А.нинг баситий (оддий), жирмий (тўлиқ), инфиолиййа (ғамгин, маюс), мулазза (лаззатбахш), муҳаййила (тасаввур эттирувчи), хаттий (энг оддий) каби турлари мавжуд. Мусиқада Шарқ вокал ва чолғу мусиқасининг умумий ифодаси. Вокал мусиқа асарларини ташкил этувчи унсурлар нағма, усул ва шеърнинг якка ҳолдаги ижроси. А. мусиқий рисолаларда парда уюшмалари, маҳоратни оширишга қаратилган машқлар йиғиндиси сифатида ҳам қўлланилади.

• *Ражабов И.* Мақомлар масаласига доир. Т., 1963.

АЛҚАРА (исм) – Манас достонидаги ўлмас қаҳрамонлардан бирининг исми. Хитой беги Конурбайга турклар А. деб ном беришган.

• Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.113.

АМАДИС – Қирол Артур циклидаги асарлар ва кўпгина рицарлик романлари ва унга тақлид, пародия сифатида ёзилган асарлар қаҳрамони. Родригес де Монтальво (1508) томонидан ёзилган "А.Галский" асарида етакчи қаҳрамон. Илк намуналари XIV асрда ёзилган. «А.Г.» номи Сервантеснинг «Дон Кихот» романида бош қаҳрамоннинг севимли асари сифатида учрайди. А. ўзининг ҳаракати ва сўзлари б-н "етук рицар"нинг тимсоли сифатида гавдаланади.

♦ Хрестоматия по зарубежной лит-ре. Эпоха Возрождения, т.1. / Сост. Б.И.Пуришев. М., 1959.

АМАЗОНКАЛАР (сўзма сўз – кўкраксиз, ўк-ёй отишда халақит бергани учун чап кўкрагини кесиб ташлаган) [мифология] – юнон мифологиясида ёзилишича, кичик Осиёдаги жанговор аёллар. Арес ва Гармониянинг қизлари. Азов денгизи (эски номи Меотида) соҳилларида, Фермодонт дарёси соҳилидаги Фемискир (Кичик Осиё) ш.да яшаганлар. А. ўз қавмини сақлаш учун турмушга чиққанида эрларини ўз юртига олиб кетишган. Ўгил бола туғилса, оталарига бериб, қиз туғилса, ўзлари олиб қолиб, уларни А. қилиб тарбиялашган. А. матриатхат давридан сақланган анъаналарни ташувчи ҳикоялар бўлиб дунёга таралган. А.га қарши Беллерофонт, Геракл, Ахилл курашга чоғланган.

А. мавзуида Европа шоир ва драматурглари Р.Гарньенинг "Ипполид", Лопе де Веганинг "А.", Тирсо де Молинининг "А. Ҳиндистонда" асарлари бор.

• *Косвен М.* Амазонки. История легенды // Советская этнография, 1947. №2-3; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.65.

АМАЛ (арабча: иш, ҳаракат) [тасаввуфшунослик] – бажарилиши лозим бўлган ҳаракат. Тасаввуфда А. ўз ҳаракати, тили ва дили б-н эзгу ҳаракатни бажаришга киришиш. Тариқатга кирган солик пир томонидан топшириладиган амалларни бажариши, унга сидқидилдан ишониши, т., дили ва амали бир бўлишига эришиши лозим. Бу даражага эришган сўфийлар *мутасаввифлар* деб аталади. Худди шундай бирликка эришиш XIX аср охири XX аср бошларида Боғчасарой (Қрим)да нашр этилган "Таржумон" газ.га ҳам шиор қилиб олинган: "Тилда, дилда ва иш (амал)да бирлик".

«АМАЛИ СОЛИҲ» ("Тарихи Жаҳоншоҳий") – Муҳаммад Солиҳ Камбуйи Лоҳурий (в.1675) асари (1659). Бобурий ҳукмдорлардан Шоҳжаҳон (1628–1658) тарихига бағишланган. Темурийлар тарихи ва Бобурга бағишланган боблардан сўнг алоҳида боб доирасида ўша давр шоир ва олимларига тўхталган. Асар қўлёзмаларидан бири ЎзРФАШИда сақланади (Инв.№741).

АМАЛИЙ САНЪАТ [эстетика] – санъат (арабча: ҳунар)нинг бир тури. Мутахассислар санъатни икки турга нафис ва амалий санъатга бўлиб ўрганадилар: *нафис санъат*, яъни бадиий санъат турлари: мусиқа, рақс, рассомлик, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, бадиий ад-т ва мана шу асосий санъат турларидан ҳосил бўлган санъат турларидир. А.с. айрим манбаларда безак санъати ҳам дейилиб, амалий ҳаётда, шахсий турмушда қўлланиладиган буюмлар, анжом в.б. нарсалар ишлаб чиқариш санъатидир. Демак, нафис санъатлар фақат инсон маънавиятига хизмат қилса, амалий санъат намуналаридан кундалик турмушда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. А.с. намуналари фақат моддий ҳаётимизда зарур бўлибгина қолмай, балки гўзал ва чиройли буюмлар ишлаб чиқариш б-н инсон дидини ўстиришга, унга эстетик завқ ва тарбия беришга қаратилган бўлади. А.с.нинг кандакорлик (мисгарлик), наққошлик, ганч ўймакорлиги, кулоллик, зардўзлик, каштачилик, гиламчилик, кўнчилик, заргарлик в.б. турлари мавжуд.

- *Ҳакимов А.* Амалий санъат, амалий безак санъати / Ўз-н Миллий энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.253-258.

«АМАЛИЙ ҲАМ НАЗАРИЙ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ» – Абдурахмон Саъдий (1889–1953) асари. 1924 й.да ёзилган. XX аср ўзбек ад-тшунослигида илк қўлланмалардан бири. Шарқ ад-тшунослиги қоидаларини Европа тизимига солишга ҳаракат қилган илк назарий қўлланмада А.Веселовский, А.Потебня, Д.Овсянико-Куликовский, А.Шалигин каби рус ва украин олимларининг ишларига таянади. Асар 7 бобдан иборат бўлиб, Киришдан сўнг "Тил", "Т.да сўзларнинг қўлланиши ҳам услуб масалалари", "Омма ад-ти", "Кишилик ижоди ҳам унинг турлари", "Шеърий ижодларни турларга ажратиш", "Шоирларда ижод кучлари ва ижод қабоғли бўлган хусусиятлар", "Насрий ижод ва уларнинг турлари".

- *Дўстқораев Б.* Ад-т назариясига оид илк асарлар // Ўзбек совет ад-ти масалалари. Т.: ТошДУ, 1986; *Муминова Н.* Абдурахмон Саъдийнинг ад-тшунослик мероси. НДА. Т., 2002.

АМАЛИК [мифология] – қадимги араб ва яҳудий манбаларида бир хил тарзда маҳаллий элатнинг номи бўлиб келади. Айрим яҳудий манбаларида А.ни фаластинли, мидйанит, фиравн халқи деб юритилган. Мусулмон мифологиясида Араб я.о.нинг қадимги ерли аҳолиси сифатида қўлланилган. Малика Зенобия (аз-Забба) номи б-н боғланган эпик циклда қисиб қўйилган, таназзулга учраган элат сифатида талқин қилинади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.65.

АМАРА Синҳа (м.а.VI) – санскрит шоири ва тилшуноси. "Амара Кўча" номли энц-к луғат муаллифи. Уч қисмдан иборат бўлгани учун "Триканда" деб юритилган бу луғатда 10 мингдан ортиқ сўзларнинг шеърий шарҳи мавжуд. Калкуттада санскрит матни (1831), Парижда французча тарж. (1839) босилган.

«АМАРАВЕЛЛА» (санскр. amaravella – *ўлмас ўсиш*) – ёш рус символист рассомлари уюшмаси. 1923 й.да А.Сардон, Б.Смирнов-Русецкий, С.Шигалев томонидан ташкил қилинган. Иккинчи номи: *космистлар* бўлиб, уларда Шарқ маданиятига қизиқиш кучли бўлган. А.Блаватской, Н.Рерих таъсирида улар "ягона дунё курилиши фалсафаси"ни илгари суришган. 1926 й. Рерихни Москвага таклиф қилиб, унинг ёрдамида Нью-Йоркда ўзларининг ижодий кўргазмасини ташкил қилишга муваффақ бўлишган.

• *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.26 .

АМАРЕРАСУ (санскритча: самоларга иссиқлик берувчи) [мифология] – қад. ҳинд мифологиясида, Япониядаги синтоизм эътиқодида Қуёш маъбуди. Манбаларда А. Идзанаки ва Идзаанмининг қизи сифатида тақдим этилади. Япония императорлари ўзларининг келиб чиқишини А.га боғлайдилар.

• Шарқ фалсафаси. *Низомиддинов Н.Ғ.* Жанубий, Жануби-шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.30.

АМАТОР (ҳавасли, марокли) –
Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara: 2007. S.35.

АМАТЭРАСУ (японча) [мифология] – қад. японларда қуёш маъбуди. Тўлиқ номи: *Аматэрасу-оо-но-миками.* Япониядаги *синто* динининг бош маъбуди ҳисобланиб, маъбуд Идзанаги ва маъбуда Идзанамидан туғилган. Идзанагининг чап кўзидан А., ўнг кўзидан ой маъбуди Цукиёми, бурнидан эса шамол маъбуди Сусаноо вужудга келган. А. ва Сусаноо ўртасида узоқ вақт жанг бўлган, ниҳоят, А. ғолиб келгач, Сусаноо ерга, Идзумо мамлакатига қувғин қилинган. Сўнгра мамлакатни Сусаноонинг ўғли Окунинуси бошқарган. А. тавсияси б-н мамлакат А. набираси Нининги бошқарувига топширилган. Афсонага кўра, Нинигининг ўғли Дзимму биринчи япон императори бўлган ва япон императорлари сулоласи А. авлодлари ҳисобланган.

• *Конрад Н.И.* Лекции по истории Японии, ч.1. М., 1937; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.65; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.9.

АМБИВАЛЕНТЛИК (лотинча: ambo – иккови, valenta – куч) [поэтика, герменевтика]– ҳиссий кечинмаларнинг иккиланганлиги. Илк бор Уйғониш даври ад-тида пайдо бўлган. Сўз ёки матннинг икки қарама-қарши маъноларининг ўзаро тенглиги (М.Бахтин); бир объектга нисбатан икки хил муносабат ва кечинмалар мавжудлиги (Ж.Куддон); бир-бирини рад этмайдиган икки хил моҳият (Ҳ.Бенак). Постмодернизм санъатининг фундаментал ижод тамойилларидан бири, швейцариялик психолог Э.Блейлор томонидан илмий муомалага киритилган. А.да ҳар қандай объект

бир вақтнинг ўзида икки хил ҳиссиёт уйғотиши мумкин. Мас., қониқиш – қониқмаслик, севги – нафрат, симпатия ва антипатия. Бу ўзаро зид туйғуларнинг ҳар иккиси ҳам бадиий асарда бир вақтнинг ўзида акс этиши керак. Бадиий асарни унинг яратилиш жараёнига, предметни унинг т.га, ёзувчини ўқувчилар аудиториясига боғлаб тушунишга ҳаракат бу тамойил моҳиятини ташкил қилади. Айрим ҳолларда параэстетика, трансэстетика тушунчасига яқин маънода келади. А. ҳақида француз структуралисти Ролан Барт "Мифология" (1953) асарида: "ассоциативликнинг эркин парвозига кўчиш", мақсад бадиий мазмун эмас, балки унинг шакл унсурлари б-н қизиқиш, "дунёни матндай" қабул қилиш бу тамойилнинг амалий ифодасидир" деб ёзган.

- *Бахтин М.М.* Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. Б.297-325; *Вепас H.* Nouveau Vocabulaire de la Dissertasıon et des Études Litteraires. Paris, 1982; *Cuddon J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.202-205.

АМБРАЗУРА [меъморчилик, эстетика] – меъморчиликда қалъа деворларини баланд-паст қилиб қуриш. Ўқ отиш, кузатиш в.б. мақсадларда девордан атайлаб кемтик жой қолдириш. А. Шарқ меъморчилигида фақат деворнинг устки қисмида эмас, балки унинг ораларига ҳам қўйилган. Китоб матбаасида айрим сатрларни ёки матндан кейин қолдирилган очиқ жойлар ҳам А. дейилади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.41.

«АМБРАКИЯ»

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.434.

АМЕБЕЙ КОМПОЗИЦИЯСИ (юнонча: amoibaios – ўзаро, *такрорланувчи*) [поэтика] – насрий матннинг шеър б-н алмашинуви асосига қуриладиган композицион усул. Бадиий матннинг мазмуни ва жанрига қараб, уларнинг ўрни ҳамда миқдори алмашиши мумкин. А.к. икки мустақил образнинг параллел равишда ривожланиши натижасида ғоявий параллелизмнинг вужудга келиши. А.к. антик театрда икки гуруҳ хорнинг навбатма-навбат (гоҳо савол-жавоб тарзида) қўшиқ ижро этиши.

А.к. бадиий асарнинг асосий қисмларидан бири ёки образларининг такрорланишига асосланган қурилиши, тузилиши ҳамдир. Қад. юнон қўшиқ (лапар)ларида савол-жавоб тарзида бир хил бирикмалар ўзаро такрорланган:

Йигит: Ўзим келдим ёнингга,
Бир гап сўрай, айтасан!
Бойнинг ўғли мен бўлиб,
Совчи қўйсам кайтасан?
Қиз: Бойнинг ўғли сен бўлиб,

Совчи қўйган чоғингда,
Қаттиқ касал мен бўлиб,
Тўрда ётсам кайтасан?..

А.к. усули кейинчалик ёзма ад-тга ҳам кўчган. Шеърдаги қайтариклар, қўшиқлардаги нақоратлар ва насрда айрим жумла ва сифатлашларнинг такрор келиши бунга мисолдир. Мас., Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романида *"Поездлар бу ўлкаларда Шарқдан Ғарбга қараб, Ғарбдан Шарққа қараб бориб келардилар"* жумласи бир неча марта такрорланади.

- *Жирмунский В.М.* Амебейная композиция / Композиция лирических стихотворений. Пг., 1921; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27-28; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8-9; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АМЕНЕМХЕТ I (юнонча: Амени) – қад. Миср фиръавнларидан XII сулола асосчиси. М.а. 2000–1970 й. фиръавнлик қилган. Паластин, Ливия давлатларини ўзига бўйсундирган. Тарихда фиръавн эмас, "Насиҳатлар китоби" муал.и сифатида машҳур. А. валиаҳди Сенусерт I га айтган насиҳат ва сабоқлари отанинг ўз ўғлига эмас, балки буюк донишмандниг ўз юртдошларига айтган фалсафий қарашлари сифатида тасаввур беради.

- ♦ Сказки и легенды древнего Египта.
- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.69-71.

АМЕНТЕС (иероглифлар бўйича: Аменти) [мифология] – қад. Миср мифларига кўра Ерости дунёсининг номи. Қад. Миср ёдгорлиги "Марҳумлар китоби"да тасвирланишича, асосий саҳнада марҳумлар ҳаками Осирис ўлган маъбуда Мат (ҳақиқат Илоҳаси)нинг савоб ва гуноҳ ишларини тортиб кўрмоқда.

- *Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М.* Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.17-18.

АМЕНХОТЕП IV, Эхнатон (м.а. ~ 1424-1400) – Миср XVIII сулоласининг фиръавни. Коҳинлар ва улар б-н бирлашган мулкдорларни қўллаган. Бош илоҳ Амона шарафига курбонликларни жорий этган, сўнгра Атон (Қуёш илоҳийси)ни барқарор илоҳ сифатида тан олган. Дин тарихида монотеизмнинг (яккаилоҳийлик) бошланиши мана шу ҳукмдор номи б-н боғлиқ. Ўз исмини Эхнатон (Атоннинг қардоши) деб ўзгартириб, Фива ш.да диний марказ ташкил қилган. Ҳаётининг сўнгида диний рақиби Тутанхамон томонидан енгилиб, бутун ибодатхоналардан номи ўчирилди. А. давридан бизгача айрим гўзал санъат асарлари, жумладан, унинг хотини Нефетитининг ҳайкали сақланиб қолган.

- *Bunyadov Z.* Dinler, tatiqatlar, mazhablar. Baki: Sarq-Qarb, 2007. S.30-31.

АМЕРИГО Веспуччи (1451–1512) – италиялик сайёҳ, унинг номи шарафига Америка қитъаси аталган. Суринам экспедицияси (1499)да қатнашган, 2

марта (1501, 1503) янги қитъага саёҳат қилган. Саёҳат ва саргузаштларилари натижасида китоб ёзган (1507). Китоб савдоси б-н шуғулланувчи Мартин Вальдзеемюллернинг таклифи б-н янги очилган қитъага А. номи берилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.42-43.

АМЕРИКА АДАБИЁТИ – 1864–68 й.да жанублик қулдорларга қарши озодлик уруши даврида вужудга келган. А.а. мумтоз вакилларидан Лонгфелло ("Гаявата ҳақида қўшиқ"), Г.Торо ("Уолден"), В.Ирвинг ("Ал-Ҳамро" туркуми, "Муҳаммад а.с. ҳаёти"), Эдгар По в.б. жаҳонда шуҳрат қозонган. А.а. вакилларининг дастлабки авлоди инглиз ад-тининг ижодий таъсирида бўлган. Романтизм оқими вакиллари ижодида А. табиатига хос тоглар, ўрмонлар, дарё ва кўллар, маҳаллий аҳолининг руҳий олами, уларнинг келгинди инглизлар б-н тўқнашувлари тасвирланган.

Реалист адиблар Г.Бичер-Стоу, Т.Драйзер, Э.Хемингуэй, Ж.Стейнбек, Ж.Апдайк асарларида оддий одамлар машаққатли ҳаёти, фойдапарастлик, худбинлик ва тошбағирлик ҳукм сурган жамиятда эзгулик топталиши ўз аксини топган. Эндиликда А.а.деганда бугунги кунда фақат АҚШ ад-ти эмас, балки А. қитъаси ад-тлари (жумладан, Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам) назарда тутилади.

• Лит-ная история США в 3-х т.; История американской лит-ры / Под ред. Н.И.Самохвалова. М.: Просвещение, 1971.

АМЕРИКА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ (The Encuclopedia Americana) – АҚШда инглиз т.да нашр этиладиган универсал қомус. 1906 й.дан нашр этила бошланган. Дастлабки нашри 16 ж.д (1903–04). 1918–20-й.ларда такомиллаштирилган 30 ж.дан иборат А.Э. чоп қилинди. А.Э.га 1923 й.дан бошлаб чиқа бошлаган йиллик илова «Americana Annual»да А.Э.ни тўлдирувчи маълумотлар бор.

АМЕРИКАНИЗМ – АҚШ адиби Уияльям Гилмор Симмснинг 1844 й.ги "Ад-тда американизм" маколаси туфайли шаклланган қараш. Кейинги давр манбаларида А. ўрнига "Америка деконструктивизми" бирикмаси қўлланилмоқда. А. асосида «структуранинг структуравийлиги» («таркибнинг таркибийлиги») асосий тамойил даражасига кўтарилган. Ж.Деррида талқинича, мана шу тамойил А.д. нинг шаклланишига сабаб бўлган. Олимнинг "Грамматология ҳақида" (1976), "Феноменлар ва нутк" (1978), "Ёзув ва фарқлар" (1978) каби ишлари тарж. этилгандан сўнг А.д. оммалашган. (Қ.: деконструктивизм)

• *Симмс У.Г.* Американизм в лит-ре / Писатели США о лит-ре, т.1. М.: Прогресс, 1982. С.60-70; Лит-ное произведение как предмет современной зарубежной науки о лит-ре / Введение в лит-ведение. Хрестоматия. Сост. П.А.Николаев, А.Я.Эсалнек. М.: Высшая школа, 2006. С.435.

АМЕША СПЕНДА (авесто т.да: абадий, муқаддас; дарий т.да: *Амшаснанд*) [мифология] – "Авесто"да Ахурамазда атрофидаги 5-6 энг яқин маъбудлар. Айрим мадҳларда эркак жинсида, айримларида аёл жинсида деб талқин қилинади. Ад-тларда бу тимсолнинг ҳинд мифологияси (ведалар) бўйича муқобиллари бор. Ҳинд-эрон версияларида А.С. таркибига Спента Майнью (муқаддас руҳ), ижод илоҳаси, Воху Мана (шарофатли фикр), Аша Вашихта (ҳақиқат), Хшатра Вайрья (самовий ҳукмронлик), Армайти (номус), Аурват (бутунлик), Амертат (абадийлик) каби нисбалар киритилган. Зардушт баёнига кўра Ахурамазда бу кучлар б-н мана шу тартибда учрашган. Бу 7 жиҳат орқали А.С. Зардушт эътиқодини дунёга ёйилишига сабаб бўлган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.67.

АМИДА (санскритча: amitabha – *кўринмас нур*) [мифология] – буддавийлик мифологиясидаги *махаяна ва ваджраяна* каби беш олий буддадан бири, жаннат (*сукхавати*) яратувчиси, жаннатда барча маъбудлар яшайдилар ва А.га эътиқод қиладилар. А. культи Ҳиндистонда вужудга келган ва шимолий ўлкалар, яъни Япония ва Хитойда кенг тарқалган. Бу мамлакатлар санъатида А. жаннат боғининг канонлаштирилган тасвири марказида берилади. X–XII асрлар япон ибодатхоналаридаги суратларда А. ҳар доим олтин рангларда товланувчи нурга йўғириб тасвирланган. Ўрта асрлар япон иконаларида ҳам А. тоғ чўққилари ортидан худди қуёш каби нур таратиб туради ва ўзига тобе кишиларга ғам-андуҳлардан озод бўлишда ёрдам беради.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.67; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.9.

АМИДИЙЛИК [тасаввуфшунослик] – тасаввуф тариқатларидан бири. А. асосчиси Рукниддин Абу Ҳамид Муҳаммад б. Амид Ҳанафий Самарқандий дир. Кўплаб маърифий ва тасаввуфий асарлар ёзган. Бухорода вафот этган (1218).

АМИН (арабча: ишончли, ҳалол) – I. Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий келмасидан бурун, яъни пайғамбарликдан бурун (у зотнинг ҳалол ва ишончли бўлгани учун) берилган лақаб.

II. темурийлар даврида молия ва қишлоқ хўжалигини бошқариш учун белгиланган амалдор. Кейинроқ Бухоро амирлигида қишлоқни бошқариш учун тайинланган ва сайланган амалдор. А.нинг вазифаси солиқ йиғиш, сув тақсимлаш ва аҳолини назорат қилишдан иборат.

АМИН (XVII) – бухоролик шоир ва адиб. Асл исми: Қози Муҳаммад Амин. Мавлоно Исматуллоҳнинг ўғли, илк таҳсилни отасидан олган. 1013/1605 й.гача Самарқанд ш. қозиси бўлиб ишлаган. Мутрибий тазкирасида А. қаламига мансуб байт келтиради:

Шафқат нимаи зи имон аст,

Шафқат одати мусулмон аст.

Мазмуни:

Шафқат ярми эрур эътиқод-иймоннинг,
Шафқат одати эрур ҳар мусулмоннинг.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.81.

АМИН (в.1745) – турк шоири ва мутасаввифи. Тўқат ш.да туғилган, асли Диёрбакирдан. Нақшбандийлик тариқатининг издошларидан. Истанбулда Пирий Пошо мадрасасида яшаган. Шаҳзода Султон Меҳмет жомеъида мударрис, Айюб Султон турбадорлиги (мақбараси ходими), Мадинада ҳазрат пайғамбар мақбарасида фаррош, Шайх Амир Бухорий хонақоҳи (Султонтепадаги Ўзбеклар теккаси-хонақоҳи)га шайх бўлган. Ўз даврининг таниқли мусика устодларидан саналган. А. турк, араб ва форс тилларида шеърлар ёзган. "Силсиланомаи Машойихи Нақшбандия", "Одоб ва Аркони тариқати Нақшбандия" каби асарлари ва тарж.лари бор.

• *Мустафо Эсон.* Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011

АМИН БУХОРИЙ, Мирмуҳаммад (XVIII) – тарихчи олим. "Убайдуллоҳнома" муаллифи. Муҳаммад Юсуф Мунший нинг "Тарихи Муқимхоний" асарининг давоми сифатида Бухоро хонлигидаги XVIII аср бошлари маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба саналади. Асарда ад-т ва санъат масалаларига эътибор қаратилган, Сайидо Насафий, Қосимхожа Сарафроз, Фитрати Зардўз Самарқандий, Мулҳам каби шоир ижоди ҳақида маълумот берилган.

АМИН УМАРИЙ (1913/20.V–1942/14.XI) – ўзбек шоири, драматург ва таржимон. Самарқанд педакадемиясида ўқиган. ТошДУ ва Тошкент давлат педагогика ин-тида дарс берган (1935–36). "Гулистон" журн., "Қизил Ўз-н" газ.да ишлаган (1937-41). А.У.нинг "Янгроқ садолар" (1932), "Давр тантанаси" (1933), "Ёшлик" (1935), "Фарзанд", "Садоқат", "Болалик қўшиқлари", "Овозим" (1937-39), "Қасамёд" (1942) шеърий тўпламлари, "Асад" (1932), "Тошотар" (1939), "Қозон йўлида" (1938) каби хикоя ва очерклари чоп этилган. А.У. Яшин б-н ҳамкорликда "Ҳамза" (1940), Туйғун б-н ҳаммуал.ликда "Қасос" (1941) драмаларини ёзган. Генрих Гейне, М.Лермонтов, Т.Шевченко шеърларини ўзбек т.га тарж. қилган.

◆ *Умарий А.* Танланган асарлар. Т., 1951; Шеърлар. Т., 1973.

• *Олимжон А.* Амин Умарий. Т., 1954; *Икромов А.* Амин Умарий. Т., 1964.

АМИНИЙ, Абумуҳаммад Даҳбидий (XVII) – шоир ва тасаввуф олими. Самарқандниг Даҳбид қишлоғидан, Махдуми Аъзам Косонийнинг ўғли. Бухорода *Хожа Жўйборий*дан таълим олган. Бу ҳақда Муҳаммад Саид Ҳужрадорнинг *"Жумарот"* китобида маълумот келтирилган. Мутрибий тазкирасида А. муносабати б-н: "Шоирларнинг аввалгиларидан,

афзалларидан, қад.ларидан А. олийҳазрат, қудсий манзилат, валийлик осмонининг қутби, йўлбошчилик доирасининг маркази Хожа Калонхожа номи б-н танилган ҳазрат Абу Муҳаммад Даҳбедийнинг тахаллусидир" деб ёзади ва ушбу байтни келтиради:

Васфи туро гар кунанд в-ар накунанд аҳли фазл,
Ҳожати машшота нест руйи дилоромро.

Мазмуни:

Шоирлар васфин қилса, қилмаса ҳам,
Дилором юзига ҳожат эмасдир безак.

Даҳбидда вафот этган, қабри отаси Махдуми Аъзам Косонийнинг суфаси ёнида жойлашган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АМИНИЙ Мавжий – бухоролик шоир. Шеър ёзиш б-н бирга маъракаийиғинларда *тақриб* йўлида битилган шеър ва қасидалар ўқиб юргани учун А. – Маъракагир номини олган. Балх ш.га кетиб Вали Муҳаммадхон саройида яшаган давридан Мавжий тахаллусини қўллаган. Шеърий санъатларни яхши билган. Мутрибий *радд ил- ажз ала ас-садр* санъати б-н безанган ғазалини келтирган. Ғазалнинг мақтаъси:

Аз он замон ки жаҳонро худой кард падид,
Кашем миннати дунон барои нафси палид.

Мазмуни: Худо жаҳонни яратган замондан бери,
Ярамас нафс учун пастлар миннатин тортамиз.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АМИНИЙ Хиёбоний (XVII) – бухоролик шоир ва адиб. Бухоро ш.да муқим яшаган. А. ҳақида Мутрибий: "Бухоро ш.нинг Хиёбон кўчасидан. Ҳалоллик ва диёнат сиймоси атворида аниқ кўриниб, маъно ва мазмун аломати шеърларидан билиниб турибди. Истеъдоди зўр шоир бўлиб, матбуъ ашъор битиш б-н машҳур. Аруз ва қофия илмидан тўла баҳраманд" деб баҳо беради ва 1013/1605 й.да ҳаёт эканини қайд этади. Ғазал, қасида в.б. жанрларда ижод қилган. Абдуллоҳхон Хоразмни фатҳ этганда унга бағишлаб қасида ёзган:

Ҳаддин ошди сўз Аминий, дуо вақти бу чоғ,
Чун дуони одат билур ўзига шуаро.

Қасиданинг қофиясида *ийтойи жалий,* яъни қофияда такрор сўзларни қўллаб, шоир нуқсонга йўл қўйганини ҳам Мутрибий эслатиб ўтган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АМИНОВ, Неъмат (1937/17.VII–?) – ўзбек адиби, ҳажвчи. Ўз-н халқ ёзувчиси (1992). Бухоро педагогика ин-тини тамомлаган. Вилоят радиоэшиттириш қўмитасида мух-р, бош мух-р (1961–73), "Муштум"

журн.да масъул котиб, бош мух-р (1973–95), «Шарқ юлдузи» журн.да бош мух-р ўринбосари (1989–91), Республика маънавият маркази раҳбари (1995–99) вазифаларида ишлаган. “Икки пуллик обрў” (1966), “Қирқ учинчи почча” (1970), “Лабиҳовуз хандалари” (1973), “Чинорлар қўшиғи” (1984), “Елкасиз полвон” (1986), “Ўғри мушукча” (1987), “Қаҳқаҳа” (1987), “Яллама ёрим” (1988), “Чолболанинг эртаклари” ҳажвий тўпламлари нашр қилинган. “Елвизак” (1976), “Суварак” (1983) қиссалари асосида “Ёлғончи фаришталар ёхуд елвизакфеъл ва суваракмижоз Баширжон Зайнишев ҳаёидан” ҳажвий романини ёзган. Асарлари хорижий т.ларга тарж. қилинган.

АМИР (арабча: амр қилувчи) – араб халифалигида лашкарбоши ва вилоят нойиблари. Халифаларга Умар ибн Хаттобдан бошлаб “амир ал-мўъминин” (мўъминлар амири) унвони берилган. Олтин Ўрда ва Мовароуннаҳрда улус бошлиқларига нисбатан қўлланилган. Мас., *Амир Темур.* А.Темур авлодлари “амирзода” ёки унинг қисқа шакли “мирзо” деб юритилган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан Бухоро ҳукмдорлари А. деб юритилган: *Амир Олимхон.* Эронда сафавийлар даврида вилоят ҳокимлари, Саудия Арабистонида ҳукмрон сулолаларнинг валиаҳдлари ҳам А. номи б-н юритилган.

АМИР ДАВЛАТШОҲ – қ.: Давлатшоҳ Самарқандий.

АМИР МУАЗЗИЙ (1049–?) – шоир ва адиб. Термизда Сағониён адабий муҳитининг етакчи муал.ларидан. Дақиқий ижодидан таъсирланган шоир.

АМИР ОЛИМХОН – қ.: Олимхон.

АМИР РУҲУЛЛОҲ – қ.: Мирак Наққош.

АМИР СУЛТОН (1368–1429) – бухоролик шоир, Онадўли (Туркия)да яшаган. Асл исми: Саййид Шамсиддин Муҳаммад б. Али Ҳусайний Бухорий. Шайх Амир Кулолнинг ўғли, Саййид Али Ҳамадонийнинг шогирди. Макка, Мадина ш.ларида яшаб, Ирок орқали Онадўлига келиб, у ерда муқим қолган. Бурсада эътибор топиб, Йилдирим Боязиднинг қизи Ҳиндий Султонга уйланган. 1402 й.да Амир Темур лашкарлари томонидан Бурсада асир олинганида соҳибқирон уни озод қилган. 63 ёшида Бурсада вафот этган, қабри ўша жойда. Онадўлининг турк ислом давлатига айланишида А.С.нинг хизмати бор. А.С.нинг мухиблари томонидан айтилиб юрган бир манақибномаси бор.

- *Şavki.* Manakıb-i Emir Sultan. İstanbul: Süleymanıye Ktp., Pertev Paşa, nr. 265; *Şinasi H.Ç.* Emir Sultan. İstanbul, 1973; *M.Cavid Baysun.* Emir Sultan / İslam Ansiklopedisi. C.IV, 2 b. İstanbul, 1977; Emir Sultan / Büyük Türk Klasikleri. C.3. İstanbul, 1986. S.18-19.

АМИР СУҲАЙЛИЙ (1444–1502) – форс ва туркий т.ларда асарлар битган шоир. Тўлиқ исми: Низомиддин Аҳмад Амир Шайхим Суҳайлий. Шайх

Озарий шогирди. Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёйи аброр” (“Тақводорлар дарёси”), Навоийнинг “Туҳфату-л-афкор” (“Фикрлар туҳфаси”) қасидаларига жавоб ёзган. “Лайли ва Мажнун” достони муал.и.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.*234*.

♦ Темур тузуклари (форс т.дан Б.Аҳмедов, Ҳ.Карокатов тарж.). Т.: Ўз-н, 2011.

- *Каримов И.* Амир Темур – фахрисиз, ғуруримиз. / Асарлар. 5-ж. Т.: Ўз-н, 1997; *Ибн Арабшоҳ.* Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақлир ажойиботлари. Т.: Нур, 1992; *Низомиддин Шомий.* Зафарнома. Т.: Ўз-н, 1996; Аҳмедов Б. Амир Темур. Т., 1996; *Шарафуддин Али Яздий.* Зафарнома. Т.: Шарк НМАК, 1997; Қодиров П. Амир темур сиймоси. Т.: O‘zbekiston, 2007.

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ (бадиий ад-тда) –

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ (1253–1325) – Ҳиндистонда яшаган турк адиби, олими ва мусиқачиси. Отаси Сайфуддин Маҳмуд лочин қабиласидан бўлиб, мўғул истилоси даврида Ш.сабздан Деҳлига бориб қолган. Шайх Низомиддин Авлиёнинг муриди, уни улуғлаб шеърлар ёзган.

А.Х.Д. асарларини форс, ҳинд ва урду т.да ёзган. Мутасаввиф сифатида чиштийлик тариқатига яқин бўлган. Лирик асарлари 5 девонга жамланган. “Дарёйи аброр” номли тасаввуфий қасидасига Жомий ва Навоий жавоб ёзган.

“Девалрани Хизрхон” тарихий достони муал.и. “Хамса” асарида Низомий анъаналарини давом эттирган. А.Х.Д. ижодига «Кхаликбари» номли уч т.ли (араб, форс ва ҳинд) синонимлар луғати нисбат берилади.

- *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре и его главные версии на Востоке. М.Л., 1948.

«АМИР ҲАМЗА» қиссаси – ислом тарихида муқаддас курашлар баён қилинган қисса.Асар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиси Амир Ҳамза тарихини баён қилса ҳам, унинг таркибида оғзаки ад-тга хос мотивлар кучайтирилган. Асарнинг форсий ва туркий нусхалари халқ орасида кенг тарқалган. “Бобурнома”да хабар берилишича, Мир Сарбараҳна “Амир Ҳамза қиссаси” номли маснавий ёзган (176а).

АМИР ҚОСИМ АНВАР (1346–1433) – араб, форс, юнон ва туркий т.ларда шеърлар ёзган шоир. Айрим манбаларда: Шоҳ Қосим Анвар Табризий. Эрон Озарбойжонининг Сароб ш.да туғилган. Машҳур сўфий Шайх Садриддин Ардабилийнинг муриди. Балх ва Самарқандда темурийлар саройларида хизматда бўлган. Умрининг аксарият қисмини Ҳиротда ўтказган.

“Девон” тартиб берган, унга ғазаллардан ташқари “Анису-л-ошиқин” (“Ошиқларнинг дўсти”) маснавийси ҳам кирган. А.Қ.нинг “Таважжуҳнома”, “Вақеаи Ҳирот” (“Ҳирот воқеалари”), “Рисолайи вужуд” (“Борлиқ ҳақида рисола”), “Макотиб” (“Мактублар”), “Саволу жавоб” (“Савол ва жавоблар”) асарлари маълум. Навоий «Мажолису-н-нафоис»нинг аввалги мажлисини шу шоир ҳақидаги маълумот б-н бошлаган. Навоийнинг таъкидлашича,

шеърлари бир "девон жамъ қилурға боис" бўлиб, А.нинг "рутбаси шоирлиқ поясидан юқорироқдур ва валоят зумрасида васфдин ташқарироқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ". Навоий 3–4 ёшларидан унинг

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаон чи бок.

(Мазмуни: Ринд (майхўр)лармиз, ошиқлармиз, жаҳонўртовчи ва ёқавайронлармиз, Сенинг ғаминг турганда дунё фикридан не фойда) матлаъсини ёдлаб юрган. "Мажолису-н-нафоис»да ёзилишича, унинг маснавийлари Жалолиддин Румий маснавийлари вазни (рамали мусаддас)да бўлиб, таржеъбандларида ушбу байт такрор-такрор келади:

Туи асли ҳама пинҳону пайдо,
Ба афъолу сифоту зоту асмо.

(Мазмуни: Феълларинг, сифатларинг, зотинг ва исмларинг б-н ҳамма яширин ва ошкор нарсаларнинг асли Ўзингсан).

Қабри Жом вилоятининг Харжурд қасабасида.

- *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.8-9.

АМИРАНИ [мифология] – грузин халқ эпоси "Амираниани" асарининг бош қаҳрамони. А. Қуёш ўғли бўлиб, одамларга олов келтирган, металлга ишлов беришни ўргатган, инсониятни девлар балосидан қутқарган. А. ҳақидаги миф юнонларнинг Прометейига яқин келади. А.ни Худо қаттиқ жазолайди ва Кавказ тоғларига заржирбанд қилади. А.ҳақидаги эпос м.а. 2-минг йилликнинг иккинчи ярмида яратилган. Грузинларнинг насронийликни қабул қилиши А. ҳақидаги эпоснинг сюжетига таъсир кўрсатган, кейинги таҳрирларда эпосда маъбудлар ўрнида Исо а.с. иштирок этади. 120 дан ортиқ версиялари ва ёзма вариантлари мавжуд.

♦Амирани (Грузинская мифологияеская поэма) / Пер. с грузин. Ш.Нуцубидзе. Тбилиси, 1946; Амираниани (фрагменты) / Пер. с грузин. Н.Тихонова: Антология грузинской поэзии. М., 1958.

• *Чиковани М.Я.* Народный грузинский эпос о Прикованном Амирани. М., 1966; *Вирсаладзе Е.Б.* Грузинский охотничий миф и поэзия. М., 1976; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.68-69.

АМИРИЙ, Али (в.1924) – усмонли турк шоири. Диёрбакир ш.да туғилган. Шоир Соим Саййид Амирий Чалабийнинг авлодларидан. Отасининг исми Саййид Меҳмед Шариф афанди. 1908 й.да Миллий татаббулар анжумани, Таснифи Васойиқи тарихийя, Тарихи Усмоний анжумани ишларида қатнашди. Шу даврда "Али Амирий таснифи" номли тазкира яратди. Вақфлар назариёти учун "виждоннома"лар ёзди. Шахсий кутубхонасидаги 16000 асарни Миллат кутубхонасига ҳадя қилди. Улар орасида Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарининг нодир қўлёзмаси бор. Унинг асарлари "Наводири Аслоф" номи б-н нашр этилган. Асарлари: "Жавоҳиру-л-мулук" ("Мамлакатларнинг жавоҳири", 1911–12), "Девон", "Изҳори ҳақиқат" ("Ҳақиқат изҳори", 1334 ҳ.), "Муроду-л-фавойид"

(“Фойдаларнинг муроди”), “Мусоҳабаи адабийя” (“Адабий баҳслар”), “Осафнома” (1326 ҳ.), “Тазкираи шуарои Амид” (“Амид шоирлари тазкираси”, 1327 ҳ.) асарида Диёрбакирда яшаган шоирлар ҳақида маълумотлар берилади.

♦ *Ali Amiri.* Tezkira-i Su’ara-yi Amid. 1-2 Cild. Istanbul: 1327, 1328 (h.). Aksal Ali “O’lumun 60. Yilinda Kitap Dostu Ali Emri Efendi”, Turk Kulturu, XXII/250, 1984, S.25-28.

• *Arslan M.* Ali Emri Efendi’nin “Ezhar-1 Hakikat Adli Eseri”, Kizihrmak, C. IX (Subat 1993). S.70-77; *Esen M.* Ali Emri Efendi. Istanbul Ansiklopedisi, C.II. S.659-662.

АМИРИЙ, Умархон (1787–1822) – йирик ўзбек шоири, адабий мактаб асосчиси, тарихнавис ва давлат арбоби. Тўлиқ номи: Амирсаид Муҳаммад Умархон. Қўқонда Фаргона ҳокими Норбўтабий хонадонида туғилган. Қўқон мадрасаларида таҳсил олган. Акаси Олимхон Қўқон хони бўлгач, уни давлат ишларига жалб этади. Давлат арбоби сифатида Марғилон ҳокими (1807–1810), Қўқон хони (1810–22) бўлган. 1808 й.да Андижон ҳокими Раҳмонкулибийнинг қизи Моҳларойим (Нодира) га уйланган. 1810 й.дан Қўқон хони. 1816–18 йй.да масжид ва мадрасалар қурдиргани учун “жаннатмакон” лақабини, *амиралмуслимин* унвонини олган. Мамлакатни бирлаштирган, жанубдан Шарқий Туркистон (Мочин) ва шимолдан Қизилжар (Петропавловск)га қадар ҳудудда йирик салтанат барпо этган.

Қўқон адабий мактабининг асосчиси. Фитратнинг талқинича, ўзбек ад-ти тарихида Яссавий ва Навоийдан кейин адабий мактаб яратувчиси. Шоир сифатида “Девон” тартиб берган. Мумтоз девон тузиш анъанасининг барча қоидаларини ўзида акс эттирган бу девонга ўзбек ва форс т.ларидаги шеърлари жамланган. «Девон»нинг нисбатан тўла қўлёзмасида 544 та шеър жамланган, уларнинг 385 таси ўзбекча, 159 таси форс тилида. “Девон”да 465 ғазал, 53 мухаммас, 6 мусаддас, 5 мусамман, 16 туюқ в.б. А.нинг 30 га яқин қўлёзмаси бўлиб, 1888–1911 йй.да Тошкентда 6 марта литография усулида қайта чоп этилган, Истанбулда 1881–87 йиллар оралиғида 8 марта қайта чоп этилган. Шоирнинг “Қошингга текизмагил қаламни...” деб бошланувчи ғазали, айниқса, халқ орасида машҳур. Навоий анъаналарини давом эттирган, шеъриятнинг 12 жанрида қалам тебратган. Ғазалларида дунёвий ишқ тавсифи б-н бир қаторда сўфиёна талқиндаги ғоялар ҳам мавжуд. «Девон»нинг қўлёзма ва босма нашрлари ЎзРФА ШИда 3642, 4419, 90, 9993, 5065, 7489 II, 9917, 6745 I, 6672, 1880, 177, 98 III, 9765, 44, 4727 ва Ад-т музейида 99, 153 рақамлари остида сақланади.

«Умарнома» достонининг муал.и. А. топшириғи б-н Фазлий ва Машриф раҳбарлигида “Мажмуату-ш-шуаро” тазкираси тузилган. Ўзбек ва форс т.да ёзилган асарлари турли баёзларда ҳам эълон қилинган, унинг топшириғи б-н «Муҳаббатнома» мажмуаси тартиб берилиб, Усмонли халифаси Меҳмет II га тортиқ қилинган. “Умарнома” тарихий маснавийси Санкт-Петурбургда сақланади. Умархон тавсияси б-н “Мажмуаи шоирон” номли тазкира (Фазлий раҳбарлигида) тузилган, Гулханий “Зарбулмасал”, Мушриф Исфарагий “Шоҳномайи Нусратпаём” асарларини ёзган.

Ўзбек ад-тшунослигида Амир Умархон ижоди Фитрат, Вадуд Махмуд, П.Қайюмий, А.Қаюмов, М.Қодирова, А.Мадаминов, Ҳ.Болтабоев томонидан ўрганилган, асарлари эълон этилган.

♦ *Амирий.* Девон. (Нашр. тайёрл. М.Қодирова). Т.: Фан, 1972; Мажмуаи шоирон. Т.: 1902 (литография).

• *Қаюмов А.* Қўқон адабий муҳити. Т.: 1961; *Болтабоев Ҳ.* Амир Умархоннинг мактуби // Ўз-н ад-ти ва санъати. 1997. 11 октябрь; *Қайюмий П.* Тазкираи Қайюмий. Т.: 2000; *Қобилова З.* Амирий шеърияти. Т.: Фан, 2010.

АМИРИЙ, Юсуф (XV) – ўзбек шоири. Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Бойсунғур мирзо ҳомийлигида ижод қилган. Машҳур "Даҳнома" ("Ўн мактуб", 1429), "Чоғир ва Банг" мунозараси муал.и. А. "Девон"идан ғазал, туюқ ва таржибандлар ўрин олган. Мунозара жанрининг асосчиларидан. А.нинг "Бангу бода" маснавийсида мажозий йўл б-н инсондаги иллатлар танқид қилинган. Навоий А. тўғрисида бундай деб ёзади: "Мавлоно Амирий – турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур, аммо шуҳрат тутмабдур. Ва бу байт анинг «Даҳнома»сидандур:

Не емакдин, не уйқудин солиб сўз,
Емакдин тўюб, уйқудин юмуб кўз".

А.нинг "Даҳнома" асари қўлёзма нусхаси Лондондаги Британия музейида 7914 рақами б-н сақланади. Ушбу асарнинг "Банг ва Чоғир орасидаги мунозара" қисми Ҳ.Бектемиров томонидан нашр қилинган.

♦ Амирий Ю. Даҳнома / Муборак мактублар. Т., 198?.

• *Самойлович Н.А.* Из туюгов чагатайца Эмири / Доклады АН СССР. Отд. Гуманитарных наук. Л., 1926. С.75-77; *Рустамов А.* Узбекская поэзия в первой пол. XV в. М., 1963; *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б. 22; *Ümran Somer.* Yusuf Emiri. Deh-name. İstanbul, 1969; Gönel Alpay. Yüsuf Emiri'nın Beng ü Çağir Münazarası. Ankara: TDAY Belleten, 1973. S.103-125; *Абдулвоҳидова А.* Ўзбек ад-тида мунозара. Т., 1984.

АМИРИЙ – эронлик шоир, сафавийлардан Шоҳ Таҳмасиб даврида яшаган. "Бўстони хаёл" манзумаси бор. Алишер Навоийнинг "Мажолису–н –нафоис" асарини форс т.га тарж. қилган.

АМИРИЙ – ўзбек шоири. Олтин Ўрда адабий муҳити (Сарой ш.)да иштирок этган. У ҳақда Миён Бузрукнинг "Ўзбек ад-ти тарихига бир қараш" китобида маълумот бор.

«АМИРНОМА» (1216/1801) – тарихий асар. Шермуҳаммад Акмал Ҳўқандий асари. Айрим манбаларда "Насабномайи тарихи хавоқини Фаргона" деб номланади. "А." 1799-1801 йй. орасида ёзилган. Қўқон хони Олимхон (1798-1810) даврида ёзилган. Асар Тошкент ҳокими Юнусхўжанинг Қўқонга келиши ва Аштда бўлиши воқеаси б-н тугалланади. Форс т.да шеър ва наср аралаш ҳолида ёзилган, шеърий қисми 3250 байтдан иборат. Мундарижаси: "Амирнома"нинг ёзилиш сабаби; Пайғамбар наъти ва халифалар тавсифи;

Яхши ва ёмон, Қалам ва қилич, Ёзув ва сўз ҳақида; Шоҳ ва қалам аҳлига мурожаат, турли мавзулардаги ҳадислар шарҳи, Олтин Бешикхон тарихи; Амирнинг Андижон, Исфара ва Хўжандга сафари; Юнусхўжанинг Аштга келиши. "А." тугалланмаган, кимнинг топшириғи б-н ёзилгани ҳам номаълум.

"А."нинг қўлёзма нусхаси ЎзРФАШИда 2322 рақами б-н сақланади.

• *Вохидов Ш.* Историческая наука в Кокандском ханстве / *Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди.* Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история хаканов). Пер. примечания и указ. С.Юлдашева. Т., 2007. С. 7-11.

АМИРОБОД маданияти – сўнгги бронза даври (м.а. IX –VIII асрлар) Хоразм маданияти. С.П.Толстов томонидан қад. Хоразм археологик қазилмалари пайтида (1937–40) юзага чиқарилган. Қад. А.ликлар чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. Кулолчилик ва темирчилик буюмлари сақланган. Яккапарсан қишлоғи яқинидан бронзадан қилинган 2 ўроқ топилган. Ш.созлик ва меъморчилик обидалари, асосан, лойдан тиклангани учун бизгача сақланмаган.

• *Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948; *Итина М.А.* Поседение Якке-Парсан 2 (1958-59 йй. қазилмалари) / Материалы Хорезмской экспидиции. В.6. М., 1963.

АМИРХОН, Фотиҳ Зариф ўғли (1886 –1926) – татар адиби ва олими. 1905 й. Қозонда татар жадидларининг *шогирдлар* (мадраса талабаси) ҳаракати иштирокчиси. 1907 й.дан Москвада нашр этилган "Тарбияти атфол" ("Болалар тарбияси") журнали б-н яқин алоқада бўлган, "Ал-Ислоҳ" газ. (1907–09)нинг асосчиси. Илк асари "Байрам арафасидаги туш" (1907). Қиссалари: "Татар қизи" (1909), "Фатҳуллоҳ Ҳазрат" (1909), "Ўрталикда" (1912). "Ёшлар" (1910) драмасида тараққийпарвар ёшларнинг жаҳолатга қарши курашини гавдалантирган. 1912 й.дан "Қуёш", "Онг" газеталарида ўткир публицистик ва адабий мақолалари чоп этилган. А.Тўқай, Г.Қулаҳметов, Г.Камал тўғрисидаги мақолалар муал.и.

◆ *Амирхон Ф.* Сайланма асарлар, т.1-2. Қозон, 1957-58 (татар т.да); Первый цветок. – Казань, 1957; Татарка: Избр. произведения. – М., 1959.

АМИТАБХА (санскритча: ниҳоясиз нур; айрим *матнларда Амитаюс*) [мифология] – буддавийларнинг тасаввурларига кўра будданинг исмларидан бири. А. манбаларда *сукавати,* жаннатнинг ҳукмрони сифатида талқин этилади. А. культи қадимги ҳиндларда милоднинг бошларида кучайган. Буддавийлик кенг тарқалган мамлакатларда, хусусан, Хитой ва Японияда Амида номи б-н ҳам тилга олинади. Рангтасвирда у қизил рангли, чордона қуриб ўтирган, қўлида қадаҳ б-н тасвирланган. Бундай тасвирдаги санам (икона)лар ибодатхоналарга ҳам ўрнатилган. Буддавийлик эътиқодидаги мамлакатлар (Кавказ ва Ўрта Осиё) мифологиясида ҳам А. тимсоли учрайди.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.69; *Bunyadov Z.* Dinler, tatiqatlar, mazhablar. Baki: Sarq-Qarb, 2007. S.31.

АМИҚ (арабча: عميق – чукур) [поэтика] – аруз вазнидаги баҳр номи. А. асосий ўлчовлардан бири бўлиб, фоилун ва фоилотун аслларининг икки марта такрорланишидан солим (– v – / – v – – / – v – / – v – –) шакли ҳосил бўлади. Бобур "Рисолайи аруз"да бу баҳрни (Арид баҳри б-н) 19 та машҳур баҳрлар қаторига қўшиб, жами буҳур (баҳрлар) 21 бўладир, деб ёзади. А.ни Мухталифа доирасида кўрсатиб шундай маълумот беради: "*...баъзи бу баҳрни амиқ дептурлар мисраъиким доирада битилиб, бу баҳр андин ўқулғай, будур тавил вазни: манга қил гузар сен кел, манга қил назар сен кел*" (45б, 72а, 144б). Бошқа бир ўринда А. баҳрига ўзига ёзган бир байтни мисол қилиб келтиради:

Кел бери, эй париким, ҳажрдин хастадурман,
Лаълинга ташнадурман, зулфунга бастадурман.
Фо и лун фо и ло тун фо и лун фо и ло тун
– v – – v – – – v – – v – –

- *Заҳириддин Муҳаммад Бобир.* Мухтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б.21,27,86,170; *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.34-35; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.8.

'АМКА [мифология] – афсонавий Семурғнинг арабча номи. Ривоятга кўра, Коф тоғида яшаркан, ўзида қуёшни акс эттирар эмиш. Шеъриятда қўл етмас, етишиб бўлмас орзу рамзи.

- Суфии. Восхожление к истине. М.: ЭКСМО, 2007.

АМОН, АТОН (қадимги мисликлар – қиптийлар т.да чўкаётган; м.а. 2 мингйиллик) [мифология] – қад. Шимолий Миср мифларидаги маъбуд номи. А. кўй бошли инсон сифатида талкин қилинган. А.га бағишланган мадхиялар, фалсафий ёзишмалар "Арфист қўшиғи" асари оркали бизгача етиб келган. А. Мисрнинг бош илохийси сифатида эҳтиром қилинган. А.нинг хотини Мут – осмон маъбуди, уларнинг ўғли Хонсу – Ой маъбуди саналган. Булар Фивадаги муқаддас учликни ташкил қилади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.70-71.

АМОНИЙ – бобурийлар хонадонига мансуб Зебуннисо бегим ибни Аврангзебнинг канизларидан. Форсигўй шоира. Манбаларда А.нинг Зебуннисо бегимнинг шеърий саволига жавоби сақланиб қолган:

- Эй Амоний, гули садбарг чаро механдад?
- Бар бақои ҳуду бар ғафлати мо хандад.

Мазмуни: - Эй Амоний, садбарг гули нега куляпти?
- Ўзининг бокийлигига ва бизнинг ғафлатдалигимиздан куляпти.

- *Ғаниева С.* Шох қизи эрсам-да… Т., 2002. Б.26.

АМОНИЙ, Муҳаммад (1535–1596)– озарбойжон шоири. Язд ш.нинг ҳокими. Туре ва форс т.да асарлар битган. Шеърлари *ғазал, қасида, рубоий, қўшма, баяти* жанрларида ёзилган. Асарларида тасаввуфий тимсол ва талқинларга

кенг ўрин берилган. Лиро-эпик сюжетга мойил масал ва ривоятлар ёзган. Фузулийга эргашгани асари мазмунидан очиқ сезилади. Улар орасида "Теваси ўлган кампир", "Тирякчи" ("Нашаванд"), "Ҳотам Тойи" ҳикоятлари бошқа т.ларга тарж. қилинган.

- *Рустамова А., Набиев Б.*, Караев Я. Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.196-199.

«АМОРГ ва СПАРЕТРА» – қадимги туркий халқ (шак)ларнинг қаҳрамонлик қиссаси. М.а. VI асрда яшаган саклар ҳукмдори Аморг ва унинг хотини Спаретра ҳақида ҳикоя қилинган. Эрон шоҳи Кирнинг саклар ерига бостириб келиб, Аморгни асир олиши, унинг хотини Спаретра барча шакларни бирлаштириб Кирга қарши кураши, Аморгни озод қилиши баён қилинган. Қиссанинг сюжети бизгача юнон тарихчиси Ктесий асарлари орқали етиб келган бўлиб, унинг қисқа баёнидан маълум бўлишича, Кир саклар юртига бостириб киради ва қўли баланд келиб, подшоҳ Аморгни асирга олади. Бундан газабланган малика Спаретра барчани оёққа турғазиб Кирни куч б-н енгади ва асирлар айирбош қилинганда, эри Аморгни озод қилади. Бу кичик қиссада ҳам саклар устунлиги ҳикоя қилиниш б-н бирга асосий қаҳрамон вазифаси аёл киши – Спаретрага юкланади.

- *Синявский Б.Я.* Между Помиром и Каспием. – М., 1966. С. 95-96.

АМОРФ тиллар (юнонча: amorphos – шаклсиз) – қўшимча қўшилганда сўзнинг ўзаги ва негизи ўзгармайдиган т.лар. Гапдаги сўзлараро муносабат эса битишув ва ёрдамчи сўзлар воситасида амалга оширилади. А.т.ларга хитой, вьетнам, эве в.б. т.лар мисол бўла олади.

АМПИР (французча: empire – империя) [эстетика, меъморчилик] – амалий санъат, меъморчилик ва санъатшуносликда классицизмда бошланган бадиий концепцияларнинг давом этиб, янги сифатга эга бўлиши. А. меъморчиликда Рим императори саройини бутун маҳобати б-н кўрсатишга ҳаракат. Наполеон I даврида сарой жиҳозлаш ва жнкорацияда алоҳида услуб даражасига кўтарилган. А. ад-тшуносликда мумтоз анъаналарнинг давомийлиги.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АМПЛИФИКАЦИЯ (лотинча: amplificatio – *кенгайиш,* кучайтириш) [поэтика, риторика] – тасвир воситаларидан бири. Турли ҳикоят ва ривоятлар келтириш орқали нуткни безаш, таъсирчанлигини ошириш, муболаға ва бадиий санъатлардан фойдаланиш. Айрим нутқ бўлаклари, бир неча сифатлаш ва ўхшатишларнинг кетма-кет такрорланиб келишидан ҳосил бўлади. Синонимик аникловчилар, ўхшатишлар асосида таъсирчанликни кучайтирувчи синтактик фигура. Мас,. *Ты жива, ты во мне, ты в груди. Как опора, как друг и как случай* (Б.Пастернак). Кўчма маънода кўпсўзлилик, ортиқча оҳангжама қилиб гапириш.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27; *Лотман Ю.М.* Риторика / Труды по знаковым системам, 12. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф. и др.* Общая риторика. М., 1986; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.156. *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.9; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АМПЛУА (французча: amplua – характер, сажия) [эстетика] – театр санъатида актёрларнинг муайян ролларга (комик ёки трагик) мослашуви. Социал типлар ролларининг такрорланиши, драматик характернинг асар охирига қадар сюжетга мос келмаслигига қарама-қарши ҳолат. А. айрим каҳрамонлар характерига актер феълининг яқин келиши, у б-н боғлиқ сюжетлар тизими. Драмада характер вазиятни конфликтга ёки бошқа можарога айлантириши мумкин. А.да эса аксинча, актёр бутун ҳаракатлари б-н ўйнаётган рол ижрочисига айланади. Шундан келиб чиқиб, айрим актерларни ўз асл исмлари б-н эмас, балки у ўйнаган ролдаги қаҳрамон исми б-н аталиши мумкин. Мас., Ҳамид Ғуломнинг "Тошболта ошиқ" комедиясида бош рол ўйновчи Соҳиб Хўжаев кўп томошабинлар тилида ўз исми ўрнига "Тошболта"га айланиб кетган. Ёки Аброр Ҳидоятовни "Отелло" деб аташган.

• Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA, 2004. С. 331-332.

АМР (арабча: иш, юмуш, топшириқ) [поэтика] –бад. санъат турларидан бири. Шоирнинг ўз ўқувчиси (айрим ҳолларда ўзи)га қатъий талаби баён этилади.

МИСОЛ "БАДЎЙИЪУС САНОЪ"дан ёки "СЎЗ САНЪАТИ СЎЗЛИГИ"дан олинади.

• *Атоуллоҳ Ҳусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1981; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Т.: Ёзувчи, 2001; *Исҳоқов Ё.* Сўз санъати сўзлиги. Т.: Зарқалам, 2006.

~ ***олами*** [тасаввуфшунослик] – фаришталар олами, ғайб олами. Амр оламидан келадиган ғайбий қувват Ҳақ тажаллисида акс этади. Раҳмоний нафс сифатида бутун мавжудотга таралган олам файзи ҳам пастга қараб тушади. Таназзулотнинг охири бўлган инсонга келиб етгандир. Демак, халқ олами ва амр олами – иккаласи раҳмоний руҳ воситасида мавжуддир.

АМРАТ маданияти – Миср марказидаги ал-Амра жой номидан олинган. М.а. 5 минг й.ликнинг иккинчи ярми – 4 минг й.ликда А. аҳолиси чорвачилик, овчилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. Тош ва суякдан меҳнат қуроллари ясашган. Қизил сополга оқ рангли расм ва ёзувлар чизиш амалий санъатда юқори баҳоланган. А.м. ўзигача ўтган *бадарийлар*

маданиятининг давоми саналади, шимолий ва ўрта Мисрда узоқ давом этган *герзейлар* маданиятининг шаклланишига сабаб бўлган.

- *Чайлд Г.* Древнейший Восток в свете новых раскопок / Пер. с англ. М., 1956.

АМРИЙ (в. 1523) – Асл исми: Амр. Султон Боязид II даврида яшаган. Шоир Исҳоқ Чалабий б-н бирга ўқиган. Тазкираларда А. девон тузганлиги ҳақида маълумот бор.

♦ *Amri.* Devon. Tankidli basim / Hazirlayan: Dr. Mehmed Çavuşoğlu. İstanbul, 1979; Türk Şairleri II. İstanbul, 1979. S.190.

«АМУДАРЁ » – Қорақалпоқ т.да Нукусда нашр этиладиган адабий-бадиий, ижтимоий журнал. Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси таъсис этган, 1932 й.да чиқа бошлаган. Дастлаб "Мийнет адабияты" ("Меҳнат ад-ти"), 1934. й.дан "Аўдарыспақ жалыны" ("Инқилоб шуъласи"), 1935 й.дан "Женис хаўзасы" ("Ғалаба овози"), 1939–58 йй. "Қарақалпакстан адабияты ҳам искусствосы" ("Қорақалпоғистон ад-ти ва санъати") номлари б-н аталган. 1941–55 й.да тўхтаб қолган. 1959 й.дан "А." номи б-н нашр этилади. "А." журналига Ибройим Юсупов, Т.Қаипбергенов сингари таниқли адиблар мухрлик қилишган.

АМУР (лотинча: amor – севги) (Купидон) [мифология] – Рим мифологиясида илоҳий муҳаббат рамзи ва инсон руҳияти изҳори сифатида кўринади. Юнон мифологиясида гўзаллик маъбудаси (моҳиятига кўра *Эрот*га яқин келади) Афротиданинг ўғли.

• *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры., 1960. С.167; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.71.

АМФИБОЛИЯ (юнонча: amphibolia – иккимаънолилик) [поэтика, риторика] – бирор сўз ёки иборанинг матнда ғайриоддий тарзда икки хил маъно англатиши. А. грамматик номутаносиблик ёки айрим сўзларни нотўғри талаффуз қилиш орқали содир бўлиши мумкин. Мас., рус т.даги «рыбаки ели хлеб с-ухой» жумласидаги "с-ухой" икки маънода: қулоқ ва балиқ шўрва маъносида ишлатилган. Яна: "мать (а не отца) любит дочь" ва "мать любит дочь (не сына)". Бунда 1-маънода "она (ота эмас) қизни яхши кўради", 2-маънода "она қизини (ўғлини эмас) яхши кўради". Бундай стилистик фигура Шарқ поэтикасида *ийҳом* санъатига яқин келади.

• *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.28; *Benac H.* Nouveau Vocabulaire de la Dissertasıon et des Etudes Litteraires. Paris, 1982; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24-25.

АМФИБРАХИЙ (юнонча: amphı – атроф *икки томон*, brachus – *қисқа*) [поэтика] – силлабо-тоник шеър тизимида иккинчи бўғини урғу олган уч бўғинли стопа. Бунда урғу олган ҳижо икки урғусиз ҳижо ўртасида келади.

Мас., ∪ _ ` ∪ Кучли ўринлар урғули бўғин б-н, кучсизроғи урғусиз бўғин б-н ифодаланади. XIX аср бошларидан рус шеъриятида баллада ва романсларда қўлланила бошланган.

Шумела/ полночна/я вьюга
В лесной и/ глухой сто/роне.

(А.А.Фет. "Шумела полночная...", 1842)

Схемаси: ∪ _ ` ∪ / ∪ _ ` ∪ ...

Замонавий шеъриятда М.Смотрицкий (Грамматика. Киев, 1979) тузган жадвалга кўра, уч ҳижоли стопалар (дактил, анапест, амфибрахий, амфимакр, бакхий, палимбакхий, трибрахий, тримакр) саккиз турли бўлиб, улар орасида А. нисбатан фаоли ҳисобланади. Силлабо-тоник шеър тизимида ямб, хорей, дактиль, амфибрахий ва анапест кабилар фаол қўлланилади. А. урғули ҳижо бўлгани учун кучли саналади ва шеърда таъсирчанликни оширади.

- *Брюсов В.* Основы стиховедения, ч.1-2. М., 1924. С.90-94; *Артюшков А.* Основы стиховедения. М., 1929. С.29-33; *Жирмунский В.* Введение в метрику. Теория стиха. – Л., 1925; *Пяст В.* Современное стиховедение. Ритмика. Л., 1931. С.53-72; *Томашевский Б.В.* Стих и язык. М., 1960; *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.28; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366,367,369; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.9; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13.

АМФИМАКР (юнонча: amphi – атроф *икки томон*, macr – *чўзиқ*) [поэтика] – метрик ва силлабо-тоник шеър тизимида уч ҳижоли стопа бўлиб, қисқа ҳижо икки томондан чўзиқ ҳижо б-н келади (амфибрахийнинг тескариси) _∪ _ М.Смотрицкий (Грамматика. Киев, 1979) тузган жадвалга кўра, А. уч ҳижоли стопалар орасида тўртинчи ўринда (амфибрахийдан кейин) туради. Юнон ва рим шеъриятида тўрт стопали тетраметр тарзида қўлланилган. Замонавий шеъриятда қўлланилиш доираси амфибрахийдек кенг эмас. Бу славян т.лари товуш тизими б-н боғлиқ.

- *Гаспаров М.Л.* Метрическое стихосложение. Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366-367.

АМФИОН (юнонча сўзма-сўз: атроф боласи, мазмунан: тақдир фарзанди) [мифология] – юнон мифларига кўра Зевс ва Антиопанинг ўғли, Зетнинг эгизаги. Фива подшоҳи Ликанинг буйруғи б-н Кифорон тоғига олиб бориб ташланган, уни бир чўпон топиб олиб, боқиб катта қилган. Катта бўлгач, Фивага қарши уруш қилиб, Ликани енгган. Юнон ҳайкалтарошлари томонидан эгизаклар А. ва Зетнинг турли қиёфалари ишланган. XVII асрдан кейинги рангтасвир ва ад-тда А.ни лира оҳанглари остида Фива деворидаги тимсоли яратилган. А. ҳақида П.Манья, И.Г.Науман опералари; Б.Галуппи контатаси ва А.Онеггернинг мелодрамаси яратилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.72-73.

АМФИТЕАТР (юнонча: amphitheatron – икки томонлама томоша) – юнон ва Римда оммавий томошалар кўрсатиладиган усти о чиқ майдон. А. майдони эллипсис ёки доира шаклида бўлиб, томошабинлар жойи пастдан юқорига зина б-н кўтарилиб ва ортиб боради. Римда Помпей А. (м.а. 70-йиллар) А.да 15 минг, Колизей А.га (125 йил) 50 минг томошабин жойлашган. Кейинги даврларда стадионлар, томошагоҳлар А. шаклида қурилмоқда.

АМФОРА (лотинча: хум, қадах) [эстетика, амалий санъат] – қадимги юнонларда қўлланилган икки тутқичли хум, май идиши, қадах. А. оддий қадаҳлардан фарқи шундаки, унинг теграсида шеър, байт ёки бирор ҳикматли сўз ёзилган бўлади. Бобур зиёфатларида шундай қадаҳлардан фойдаланишган. Сўнгра шоир май таркини қилгандан сўнг шундай қимматбаҳо қадаҳлар синдирилиб, халққа улушиб берилган.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.69 (эл.версия).

АМХАРА, АМАРА [этнография] – ҳоз.ги Ҳабашистон (Эфиопия)даги халқ. Мамлакатнинг марказий қисми ва шимолида яшайди. Аҳолиси 7–10 млн. нафар. Машғулоти деҳқончилик ва чорвачилик. Семит т. оиласига кирувчи А. т.да сўзлашади. Судан, Сомалида ҳам А.т.да сўзлашувчилар бор. А. ад-ти намуналари XIV–XV асрга мансуб. Ёзуви ҳабаш ёзувидан фарқланади.

- *Юшманов Н.В.* Амхарский яз. М., 1959; Языковая ситуация в странах Азии и Африки. М., 1967.

АМЪАҚ БУХОРИЙ (XI) – ўзбек шоири. Асл исми: Шиҳобиддин. Самарқандда Қорахонийлар давлатида Шамсулмулк (1068-80), Хизирхон (1080-82) саройида яшаган. Низомий Арузий Самарқандий “Чаҳор мақола”сида маълумот бор. 7 минг байтдан иборат “Девон”, “Юсуф ва Зулайхо” достони муал.и. Асарлари бизгача сақланмаган. Саид Нафисий кичик девонини 1919 й.да Техронда нашр қилдирган. Қасидалари б-н машҳур бўлган. Султон Санжарнинг қизи Моҳмаликка отасининг илтимоси б-н таърих ёзган.

- *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.26-28.

АМЭ-НО-УДЗУМЭ (японча: амэ-но – илоҳий) [мифология] – куёш маъбуди Амарэрасу туркумига кирувчи мифларда тилга олинган *синтоистик илоҳ*. Бундай илоҳлар сифатида Амэ-но вака-хико, Амэ-но Кагуяма, Амэ-но-коэяне, Амэ-но Минакануси, Амэ-но-токатати А.У.га қадар тилга олинган. Муал. Кодзикига нисбат берилган “Қад. ишлар хусусида ёзувлар” китобида келтирилган афсонага кўра, бутун борлиқ зулматга чўмганда А.У. қўшиқ ва рақс ижро қилиб, ўзига кулги маъбудини чақиради. Бу рақс кейинчалик оммавий санъатга айланган *кагура* театрлашган байрамига прототип бўлиб хизмат қилган. Япон халқ ривоятларига кўра, А.У. бахт келтирувчи илоҳ сифатида улуғланади.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.74; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.10-11.

АН (шумер т.да: осмон; аккад мифларида Ану) [мифология] – шумер ва аккад мифологисида марказий маъбудлардан бири, Осмон тангриси. М.а. XXVI асрга тегишли тангрилар рўйхатида А. номи биринчи бўлиб т.га олинган. А. – Урук ш.нинг Тангриси, маъбудлар отаси ҳисобланган. "Билгамиш" таркибига кирувчи мифларда А. маъбудларга Осмон ва Ер ўртасида туғилишни буюради ва улардан қатор маъбудлар дунёга келган. Шумер мифларида А.нинг фарзандлари сифатида Ишкур (Адад), Марту, Инанна (Иштар), Баба, Гатумдуг, Нисаба, Нининсина кабилар келтирилган. А. (осмон) хотини манбаларда Ураш (Ер) деб кўрсатилган.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.75.

АНАБАПТИСТЛАР (юнонча: anabaptizo – қайтадан хочга михлаш) – "хочпараст қардошлар" номи остида танилган XVI асрдаги диний ислоҳот тарафдорлари. Протестантлар каби диний тенглик талаби б-н ҳаракатланган. Бу ҳаракат Германия, Голландия ва Моравияда авж олган.

• *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.31-32.

АНАГНОРИСИС (лотинча: anagnorisis – билиб олиш) [поэтика] – драма назариясида ҳаракат босимининг кучайиши, қаҳрамон олдида ҳақиқат ошкор этилиши туфайли фавқулодда кескин вазият юзага келиши (Арасту). Сир ошкор бўлгач, қаҳрамон кўзига дунё бошқача кўриниши мумкин. Мас., Софоклнинг "Шоҳ Эдип" асарида қаҳрамон қисмат туфайли отасининг қотили, онасининг эри бўлиб чиққандан кейин Фивага касаллик тарқалади.

• *Аристотель.* Соч. В 4-х т., т.4. М., 1985; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АНАГРАММА (юнонча: ana – *ўрин*, gramma – *ҳарф*) [риторика] – сўз ёки сўз бирикмаси. Матндаги бошқа сўз ёки сўз бирикмасидаги ҳарфларнинг ўрин алмашиниши асосида содир бўлади. *А.* морфология – сўз ясаш қоидаларига асосланиб, бир сўзда ҳарфлар ё тескарига ўқилади ёки ўринлари алмаштирилади. Юнон грамматика олими Ликофрон (м.а. III) шундай усулни қўллаган эди. Сўздаги ҳарфларни тескари томондан ўқиш натижасида янги сўз ҳосил қилиш. Мас., "ропот" / «топор». А. ихтирочиси юнон олими Ликофрон (м.а. III)дир. А. орқали адабий тахаллуслар, чистон ва муаммолар ҳосил қилишда қўлланилади. А. орқали тахаллус ҳосил қилишда атоқли отлардаги ҳарфлар ўрнини алмаштирилади. Мас., Харитон Макентин / Антиох Кантемир. Айрим шеърлар ҳам А. усулида номланган. Мас., "Нофелет" / "Телефон" (Рауф Парфи).

• *Топоров В.Н.* К исследованию анаграмматических структур (анализы) / Исследования по структуре текста. М., 1987; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik

So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.160–161; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.9; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.39-42; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.17; *Karatas T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri So'zlug'u. Ankara, 2007. S.35.

АНАДИПЛОСИС (юнонча: anadiplosis – *иккига қўпайтириш*) [риторика] – риторик тасвир воситаларидан бири. Мисра охиридаги товушлар уйғунлигини янги мисра бошида такрорлаш асосига қурилади. Мисра охиридаги бирор сўз ёки сўз бирикмаси янги мисра бошида келиши мумкин. Мас., *О, весна, без конца и без краю, Без конца и без краю, мечта!* (А.Блок). Таржимаси: *Эй баҳор, ниҳоясиз ва ҳудудсиз – Ниҳоясиз, ҳудудсиз орзулар!* Бунда биринчи мисра сўнгидаги икки сўз, иккинчи мисра бошланишида қайтарилмоқда. *Градация*га яқин маънодаги поэтик фигура.

- *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф. и др.* Общая риторика. М., 1986; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АНАКОЛУФ (юнонча: anacoıouthos – нотўғри, ноизчил) [риторика] – гап ёки жумладаги қисмларнинг синтактик номутаносиблиги. Т. меъёрларининг атайлаб бузилиши асосига қуриладиган стилистик фигуралардан бири. А. сатирик ва юмористик шеърларда фаол қўлланилади. Замонавий филологиядаги *инверсия* ходисасига яқинроқ воситалардан бири. Инверсиядан фарқли жиҳати шундаки, А.да сўзлар эмас, сўз бирикмаларининг ўрни алмашиниши мумкин. Одатда персонажлар нутқида стилизация мақсадларида қўлланилади.

- *Вепас Н.* Nouveau Vocabulaire de la Dissertasıon et des Études Litteraires. Paris, 1982; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф. и др.* Общая риторика. М., 1986; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.522; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АНАКРЕОНТ, АНАКРЕОН (м.а. 570–478) – қад. юнон шоири, лирик шеърлар устаси. Енгил, қувноқ оҳангларда шеър намуналарини яратгани учун *А. шеър* тушунчаси мавжуд. Афлотун ва Арасту асарларида т.га олинган ва ижоди таҳлил килинган. А. ижоди намуналарини рус т.га А.С.Пушкин, Л.А.Мей в.б. тарж. қилишган.

- Греческая эпиграмма. М., 1960.
- *Ярхо В., Полонская К.* Античная лирика. М., 1967; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.307, 339, 342.

АНАКРЕОНТИК ШЕЪР – енгил, қувноқ, ҳазил мутойиба асосига қуриладиган антик шеър тури. Дастлаб қад. юнон шоири Анакреонт ёзган.

Уйғониш ва маърифатчилик даврларида оммалашган. Севги, май, кувноқлик А.ш. асосий мавзусидир. Анакреонт *ода*ларини француз т.га тарж. қилган Анри Этьен А.ш.ни қайтадан урф қилди. А.ш. Европада П.Ронсар, У.Шекспир, Р.Бернс, П.Беранже, А.Франс, рус шоирлари Г.Р.Державин, А.С.Пушкин, Францияда Вольтер, П.Ж.Беранже, Германияда И.В.Глейм, Г.Э.Лессинг ижодида учрайди.

- *Ярхо В., Полонская К.* Античная лирика. М., 1967; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10.

АНАКРЕОНТИКА (юнон шоири исмидан) [адабий жараён] – ҳаётнинг сурурини куйлаш. Юнон шоири Анакреонт (м.а. VI) бошлаб берган шеърий тасвир 1554 й. француз олими анри Этьен томонидан истилоҳга айлантирилган. А. кўпрок интим севги, май ва маишат тасвири билан банд бўлган. А. мавзусида П.Ронсар, У.Шекспир, Р.Бернс, П.Беранже в.б. асарлар битишган.

АНАКРУСА, АНАКРУЗА (юнонча: anacrousus – туртиш, *нарига суриш*) [поэтика] – шеър бошланишидаги метрик кучсизланиш бўлиб, биринчи метрик урғудан аввал келади. Шеърнинг ритмик ташкилланишида иштирок этмайдиган урғусиз бўғин. А. ямб ва амфибрахийда бир бўғин, анапестда икки бўғин бўлиб келади. Демак, одатдаги тартибдан аввал келувчи урғуга нисбатан айтилади. А. ритмик бошланманинг варианти сифатида бир урғу олмаган бўғин ҳосил қилади.

- *Жирмунский В.* Введение в метрику. Теория стиха. Л., 1925. С.138-45; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. – Москва: 1999. С.129; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.161–162; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.32.

АНАКСАГОР (~ м.а. 500–428) – қад. юнон файласуфи, астрономи. Афина фалсафий мактабининг асосчиси. Юнонистоннинг Клазомена ш.да туғилган. Отаси Гегесибул бадавлат киши бўлган, отасидан қолган меросни яқин қариндошларига бўлиб бериб, ўзи саёҳатга чиқиб кетган. Афинада илмий-ижодий фаолият б-н шуғулланган. Афинанинг давлат бошлиғи Перикл, айрим манбаларда ёзилишича, А. нинг шогирди бўлган. Бутун оламни бир бутунликда талқин қилган. А. гача ўтган Фалес, Пифагор, Ксенофан, Гераклит, Парменид каби олим ва файласуфлар давлат арбоблари бўлишган. Шу маънода А. биринчи профессионал олим ва файласуфдир. Кейинчалик худосизликда ва осмон жисмлари ҳақида мавжуд диний қарашларга зид фикрларни тарқатишда айбланган. Лампсакка бадарға қилинган ва у ерда вафот этган.

Илмда Анаксименнинг космологик қарашларини давом эттирган. Осмон жисмларининг ҳаракати, ботиш ва чиқиш ҳақидаги назарияларни ихтиро қилган. Метеоритларнинг аниқ тушиш вақтини белгилаб берган ва бу амалда

тасдиғини топган. Унинг сўнгги асарлари космология, метеорология, табиий география, биология ва психология масалаларига бағишланган. Асарларининг асосий мавзуси "табиат ҳақида". Арасту "Табиат" асарини ёзишда А. қарашларига таянган.

♦ *Анаксагор.* О природе / Рожанский И.Д. Анаксагор. Приложения. М.: Мысль, 1983. С.130-138.

• *Бергер А.К.* Анаксагор и афинская демократия // Вестник древней истории. 1960. №3; *Асмус В.Ф.* История античной философии. М., 1965; *Рожанский И.Д.* Анаксагор. У истоков античной науки. М.: 1972; *Асмус В.Ф.* Античная философия. М., 1976; *Богомолов А.С.* Анаксагор и диалектика // Вопросы философии. 1977. №9; *Лаэртский Д.* О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М., 1979; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.362.

АНАКСИМАНДР, Милетли (м.а. 610–546) – қад. юнон файласуфи ва олими. Фалеснинг шогирди, Анаксагордан юз аввал яшаган бўлса ҳам, унинг устози сифатида тилга олинади. Бизгача "Табиат ҳақида" асари етиб келган. Биринчи географик харита муал.и, Юнонистонда биринчи бўлиб қуёш соатини жорий қилган.

• *Томсон Ж.* Исследования по истории древнегреческого общества, т.2.: Первые философы / Пер. с анг. М., 1959. С.147-152; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.332, 379.

АНАКС ИМЕН, Милетли (м.а.585–525) – антик давр файласуфи ва нотиқлик санъатининг намояндаси. Иония мактабининг вакили, Анаксимандрнинг шогирди. «Риторика» асари муаллифи. Астрономияга доир илмий асарлар яратган.

♦ Риторика / Античные теории языка и стиля. М.-Л., 1936. С.171.

• *Томсон Ж.* Исследования по истории древнегреческого общества. Т.2.: Первые философы / Пер. с анг. М., 1959. С.153-154; История всемирной лит-ры. Т.1. М.: Наука, 1983. С.332, 379.

АНАЛЕПСИС – к.: ретроспекция.

АНАЛИЗ (юнонча: analysis – қисмларга бўлиш, ажратиш) [поэтика] – бадиий асар ва адабий жараён таҳлили. Бадиий матн таҳлилида асарни ўқиш, уқиш, завқ туйиш б-н бирга ижодкор истеъдодини баҳолай билиш, муал. концепциясини тушуниш жараёни. Бад. матн таҳлилида бир неча фикрий ҳаракат қилиш (қадам ташлаш) зарур. Улар Ю.Борев талқинича, таҳлил нуқтаи назарини белгилаш, яъни объектни умумий планда кўриш (1); бадиий асарнинг ташқи алоқадорлиги ва моҳиятини аниқлаш, яъни объектга якинлашиш (2); бунда а) социологик ёндашув, асар талқини учун "калит" топиш, б) маданий-тарихий ёндашув; в) биографик ёндашув; г) ижодий-генетик ёндашувни аниқлаш лозим; бадиий матн ички таркиби (структураси)нинг моҳиятини англаш (3); бу жараёнда: а) статистик методика; б) структурал таҳлил; в) семиотик таҳлил; г) услубий таҳлил; д) интонацион таҳлилни амалга ошириш; тўртинчи қадамда: а) функционал

ёндашув; б) рецептив ёндашув; в) конкрет социологик тадқиқот олибориш лозим. Ниҳоят, бешинчи – яхлит (целостный) тизимли таҳлилга киришиш керак бўлади.

- Методология современного литературоведения. М., 1978; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.21; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.162; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С. 27, 243-247.

АНАЛИТИК МЕТОД (юнонча: analysis – *қисмларга ажратиш*) [методология] – тафаккур ва таҳлил методи бўлиб, унинг асосида ўрганилаётган объектни мантиқан қисмларга ажратиб таҳлил қилиш ётади. А.м. синтезлаш усули, яъни бўлинган қисмларни бир бутунга йиғиб тасаввур қилиш б-н қўшилган ҳолда олиб борилади. Бу усул антик фалсафанинг асосий методидир.

XX аср бошидан бу методнинг мумтоз санъат таҳлили усули конструктивлик, вазифадошлик асосида кенгайган. А.м. бадиий шакл унсурларини мазмундан устувор қўйиб, бадиий шакл таҳлилига кўпроқ эътибор берган. Мас., рус формалистлари В.Шкловский, Эйхенбаум тадқиқотларида бадиий асарнинг шакл жиҳатига, импрессионистлар ишларида эса ранг ва нур таҳлилига эътибор қаратилган. Бу жиҳатдан Ван Гог, П.Гоген каби рассомлар асарлари таҳлилга тортилган. Замонавий санъатшуносликда анализ интеллектуал онг натижаси сифатида, синтез эса эмоционал, яъни ҳиссий жараён сифатида қабул қилинган. Аналитик санъат намуналарини қабул қилиш бирмунча қийин кечади, бу мураккаб йўл китобхондан ҳам муайян тайёргарликни ҳам талаб қилади.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.27-30;

~ ***реализм*** – таҳлилий реализм, XIX аср ўрталарида шаклланган. Муаллиф олдида алоҳида вазифа – қаҳрамон дунёқарашига шахс ва характер ўртасидаги муносабат сифатида қараш. А.р.да муаллиф образи ўрнини холис баёнчи эгаллайди. У "асарнинг ҳар қаерида мавжуд бўлиши керак, лекин кўринмаслиги лозим" (Г.Флобер).

- Теория лит-ры. В 2-х т, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.243-246.

~ ***тиллар*** – т.лар йиғиндиси, грамматик (аниқроғи, морфологик) муносабатлар кўмакчи сўзлар, сўз тартиби б-н ифодаланадиган т.лар. Бу қараш вакиллари А.т.га инглиз, француз, янги форс ва болгар т.ни киритадилар. Аслида соф *аналитик* ёки *синтетик* т. йўқ. Бу шартли равишда қабул қилинган.

~ ***фалсафа*** – ҳ.ги замон фалсафасидаги оқимлардан бири, Англоамерика олимлари томонидан илгари сурилган. Дунёни ўрганишда т. ва тушунчалараро муносабатни бирламчи деб биладилар. Позитивистик позицияда турсалар ҳам фалсафанинг мантиқий таҳлили, фалсафанинг лингвистик таҳлили каби икки йўналишда ҳаракат қиладилар. 1-йўналиш тарафдорлари: Р.Карнат, Г.Фейгл, К.Гемпел, Ф.Франк, 2-йўналиш тарафдорлари: Г.Райл, Ж.Остин, П.Строусон, Ж.Уисдом.

- *Геллнер Э.* Слова и вещи / Пер. с анг. М., 1962; *Хилл Т.И.* Современные теории познания / Пер. с англ. М., 1965; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.16-17.

~ ***эстетика*** (лингвоаналитик эстетика) – Европа ва Америка эстетик тафаккуридаги эстетик ҳодисаларга лингвистик ёндашув оқими. XX асрнинг 40–50 йй.да неопозитив фалсафанинг Англо-Америка мактаби концепциясига кўра Л.Витгенштейн қарашлари асосида шаклланган. М.Вейц, У.Галли, О.Боусма тадқиқотларида давом эттирилган. А.э. эстетик тушунчаларни қатъий категориялар тарзида таснифлашдан воз кечиб, анъанавий эстетиканинг гўзаллик назариясини танқид қилади. Санъат асарига лингвистик ёндашувни сақлаган ҳолда санъат асарини "ҳаёт шакли" сиифатида ўрганади.

- Эстетика. Словарь. М., 1989; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24;

АНАЛОГИЯ (юнонча: analogia – мос келиш) [поэтика] – адабий ҳодисаларни ўзаро яқин хусусиятларини аниқлаш методи. А. сюжетдаги ўхшашликлар, вазият ва эпизодларнинг якинлашуви, мавзулар умумийлиги ва персонажлар характерларининг мос келиши каби ҳодисаларни аниқлайди.

Т.шуносликда муайян т.л бирликларининг бошқаси б-н вазифадош бўлиши, функционал мос келиши. А. тамойиллари Ф.Фортунатов, А.Пешковский томонидан ишланган, Ж.Гринберг квадрат назарияси сифатида талқин қилган. А. бир т. доирасида эмас, бир неча т.даги муаяйян ҳодисаларнинг мос келиши тарзида ҳам намоён бўлади.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С. 21; Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1998. С. 38; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.162; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.27.

АНАЛОЙ (юнонча: курси) [диншунослик, меъморчилик] – черковларда бут, икона ва муқаддас китобларни қўйишга мўлжалланган баланд стол. Насроний меъморчилигида А. алоҳида санъат асари сифатида ясалган ва омманинг эътиборини тортадиган даражада кўркам ясалган. Никоҳ маросимларида никоҳланувчилар А. устига қўйилган Инжилга қўлларини қўйиб қасам ичишган. Шеъриятда муқаддаслик ва қасам рамзига айланган. А.Блокда:

И вспомнил я тебя пред аналоем,

И звал тебя, как молодость свою.
Таржимаси: Сени аналой қошида эсладим,
Чорладим ёшлигим мисол.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.73 (эл.версия).

«АНАЛҲАҚ» (арабча: мен Ҳақ, яъни мен Худоман) [тасаввуфшунослик] – тасаавуф ад-тида "менлик", ўзликдан бутунлай қутулиб, Аллоҳ ҳукмига ўзини топширишдир. Инсоний ўзликка барҳам берилса, фақат руҳ қолади. Шунда икки руҳ қўшилишидан хулул (сингиш) ҳолати юз беради. Анал ҳақ ана шу икки руҳ қўшилувини ифодалаган каломдир. Тасаввуф таълимотида Мансур Халлож (858 й.т.), Боязид Бистомий (ваф. 875) ва Фаридиддин Аттор (1136-1229) асарларида унинг шарҳи келтирилган. Мансур Ҳаллож ва унинг «Аналҳақ»и хусусида Фаридиддин Аттор ёзади: "«Аналҳақ» деган одам Ҳақ бўлди, чунки куллиятни истаб ягоналик кўрсатиб, Ҳақ дўсти бўлди. «Аналҳақ» деди ва буни ошкора қилди, натижада ўзини пора-пора қилди. «Аналҳақ» деб бирлик – вахдатдан сўз очди, дарҳақиқат, у Ҳақ эди ва ҳеч шубҳага бормай деди. «Аналҳақ» дея дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий қолди!.."

- Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўкитувчи, 2005. Б.

АНАМОРФОЗА (юнонча: anamorphosis – *шакл ўзгартириш*) [эстетика] – тасвирий санъатдаги усуллардан бири. Предмет тасвирида онгли равишда бирор қисми ёки жиҳатини майиб, мажруҳ қилиб еўрсатиш. Таъсирчанликни кучайтириш, сирли ёки руҳоний маънони орттириш учун ракурсни ўзгартириш, фон ва фигураларнинг ўрнини алмаштириш назарда тутилади. Бу тасвир усули Маньеризм ва Барокко даври учун характерлидир.

ХХ асрда А.лар дадаизм, сюрреализм, поп-арт ва оп-арт (франц. нигоҳни алмаштириш) каби авангард оқимларида кенг қўлланган. Литвалик символист шоир Ю.Балтрушайтис ўзининг тадқикотида (1939–40) Европа Уйғониш давридан авангардизмгача кечган А.ларни жамлаш орқали А. истилоҳига янгича маъно берган.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.31.

АНАНД (XVII) – ҳинд рассоми. Акбаршоҳ ва Жаҳонгир даврида яшаган. "Бобурнома"га миниатюралар (табиат манзаралари) ишлаган. Даврининг Фаррух, Мискин, Маноҳар каби моҳир рассомлари б-н ҳамкорлик қилган. Дехли Давлат санъат музейида сақланаётган 16 суратига "Устод" деб имзо қўйган.

- Бобурнома. Дехли Санъат музейи. Қўлёзма. С.279б, 287а, 287б, 298.

АНАНДАВАРДХАНА (IX) – ҳинд шеърият назариётчиси, Кашмирда яшаб ижод қилган. А. "Дхваньялока" ("Поэтик жавҳар ёғдуси") асарида шеър санъатларига янгича қарашлар мавжуд. Истеъдодли шоир А. шеърият

поэтикасига доир асаридан ташқари санскрит т. "Аржуна-Чарита" ("Аржунаакнинг бошидан кечирганлари") достони, "Юз қасида" китоби б-н ҳам шуҳрат қозонган. А.дан юз й. кейин яшаган Абхинавагупта "Дхваньялока" шарҳидан иборат "Лочана" ("Кўз"/ "Нигоҳ") асарини ёзгандан кейин А. асари машҳур бўлиб кетди.

"Дхваньялока"да шеърни баркамол ва гўзал қилувчи фазилатлар – равшанлик, фикр кучи, богланиш, малоҳат (тотимлилик), мутаносиблик, уйғунлик, маънодорлик, нафислик (нафосат), оҳангдошлик, гўзаллик (дилбарлик), олийжаноблик фазилатларни ҳосил қилишда қандай қоидаларга амал қилиш зарурлиги тушунтирилади. Бунинг зидди, тескариси бўлган, шеърни заифлаштирувчи (саёзлик, сийқалик, дағаллик, бефарқлик, беодоблик, хунуклик, қабиҳлик каби) иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам уқтирилади. Асарда лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларининг руҳий ҳолатлари – расалар (ёки раслар) қандай ҳосил қилиниши айтилади. Расалар сўз б-н ифодалаш қийин бўлган руҳий ҳолатлардир. "Дхваньялока"да Арасту "Поэтикаси"га ҳамоҳанг фикрлар ҳам учрайди. Мас., шеъриятда лирик қаҳрамон "мен"и б-н шоир шахсий "мен"и тенг эмаслиги, шеърида шоирнинг эмас, балки лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари ифодаланиши, бошқача айтганда, шоирнинг ўз қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларига "тақлид" қилиши, кечинмаларини "ўхшатиб" тасвирлаши кабилар.

♦ *Анандавардхана.* Дхваньялока («Свет дхвани»). Перевод с санскрита, введение и комментарий Ю. М. Алихановой. М.: Наука, 1974; Поэтик жавҳар ёгдуси. Рус т.дан М.Маҳмудов ва Ҳ.Болтабоев тарж. // Жаҳон ад-ти. 2009. № 1.

• *Алиханова Ю.М.* Некоторые вопросы учения о дхвани в древнеиндийской поэтике // Проблемы лит-ры и эстетики в странах Востока. М., 1964; *Гринцер П.А.* Определение поэзии в санскритской поэтике / Проблемы теории лит-ры и эстетики в странах Востока. М., 1964; *Его же.* Санскритская поэтика и античная риторика; теория «украшений» / Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; *Серебряный С.Д.* К анализу поэтики санскритской кавьи. Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; *Гринцер П.А.* Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.247.

АНАНИМ (юнонча: ana – ўрин, onima – исм) [лингвопоэтика] – тахаллус турларидан бири. Атоқли отлардаги исмларнинг тескари ўқилишидан тахаллус ҳосил қилинади. Мас., Нави Волырк – Иван Крылов.

• *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.17.

АНАНИН маданияти – қад. турк маданияти тармоқларидан бири. М.а. VIII–III асрларда Кама, Волга дарёлари соҳилида яшаган халқлар маданияти. Ҳозирги Татаристоннинг Ананино тумани А. маданиятидан дарак беради. 1858 й.да қабрдан топилган археологик ашёларга кўра А.лар чорвачилик, деҳқончилик, овчилик ва балиқчилик б-н шуғулланганлар. Сак (скиф)лар б-н яхши алоқада бўлган. Ҳозирги удмурдларнинг қад. қариндошлари саналади.

- *Збруева А.В.* История населения Прикамья в ананьинскую эпоху. М., 1952; *Бадер О.Н.* Очерк работ Камской археологической экспидиции в 1953-54 гг / Учёные записки Пермского госун-та, т.11. Пермь, 1956.

АНАПЕСТ (юнонча: anapaistos – *қайтариш, ортга қайтиш*) [риторика] – уч бўғинли шеърий стопа бўлиб, урғу сўнгги бўғинга тушади. Силлабо-тоник шеър тузилишидаги шеърий ўлчов. Уч бўғинли стопа ҳосил қилувчи ва урғу охирги бўғинги тушувчи ритмик бирлик. Кучли ўринлар урғу б-н ифодаланади , кучсизлари эса урғу олмайди. Тўрт ва уч стопали мисраларда фаолроқ қўлланилади. XIX аср рус шоирлари В.А.Жуковский, Н.А.Некрасов шеърларида кўп учрайди.

И цветы /, и шмели/, и трава, и коло/сья
И лазурь/, и полу/денный зной/...

И.А.Бунин. «И цветы, и шмели…», 1918

Схемаси: ∪∪_`/∪∪_`...

- *Брюсов В.* Основы стиховедения, ч.1-2. М., 1924. С.90-94; *Артюшков А.* Основы стиховедения. М., 1929. С.29-33; *Жирмунский В.* Введение в метрику. Теория стиха. Л., 1925; *Пяст В.* Современное стиховедение. Ритмика. Л., 1931. С.53-72; Томашевский Б.В. Стих и язык. М., 1960; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366-367, 369; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб., Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.11; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.27.

АНАР – Қ.: Анор.

АНАРРАТИВ(ЛИК) –

- Теория лит-ры. В 2-х т, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.41-42.

АН АРГИЛ ЎЙУН (ёқут–сақа т.да: биринчи улуғ шаман) [мифология] – ёқут мифологиясига кўра биринчи "қора" шаман (ёқуз куч) ҳисобланади. А. қудрати шундаки, у уч й.гача аввал ўлганларни тирилтира олади ва кўр кўзларни очади. А.А.Ў. мўъжизасининг сирини била олмаган Тангри унга Юрюнгни юбориб, уни ёқишларини буюради. Бирок А.А.Ў. қурбака шаклига кириб ўтдан қочади ва А.А.Ў. инсонлар орасида доимий суратда яшайди.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.75.

АНАРХИЗМ [фалсафа, герменевтика] – ҳар кандай давлат қурилмасига нисбатан бузғунчилик кайфияти. Идеал жамият қуриш ва шахснинг мутлақ эркн ғоясини асос қилиб олган қараш. Мавжуд тузум ёки жамият эркин тузилмалар ҳисобиға ўзгариши керак, деган ғоя тарафдорлари Прудон, Бакунин, Штирнер, Мост, Кропоткин, Реклю қарашларига асосланган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.47.

АНАС (в.1267/1850) – ҳинд шоири, асл исми: Лаъл Чанд. Форс т.да ижод қилган, девон тартиб берган. Қитъаларидан намуна:

Айёми баҳор омаду шўриш ба сар уфтод,
Сад чок маро ҳамчу гул андар жигар уфтод,
Шояд забарад аз асари нолаи ман нест,
Дар баҳру бар аз шуълаи оҳам шарар уфтод.

Таржимаси:

- *Қайюмов П.* Тазкирату–ш–шуаро. Т.: 2006. Б.26.

АНАСТРОФА (юнонча: ana+strofos – банд) – грамматик фигура, одатдаги жумлада сўзлар ўрнининг алмашиниши. Риторика ва шеъриятдаги инверсияга яқин келади. Лекин А. инверсия каби қофия ва вазн талаби б-н эмас, одатдаги жумлада сўзлар тартиби алмашинишига айтилади.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.162.

АНАТ (қадимги семит т.ларида: уруш, кураш) [мифология] – Ғарбий семит мифологиясида ов ва уруш маъбудаси. Курашчи аёл, маъбуд Балунинг ўлиб, яна тирила оладиган хотини, Илу ва Ашеранинг қизи. А. урушларда Балунинг ёрдамчиси ва ҳалоскори. А.га нисбатан "халқ келини" сифатлаши қўлланилади. Қадимги яҳудий мифларида Яхвенинг, паластинларда Сетанинг хотини. Эллинизм даврида А. Артемида ва Минерва номи б-н юритилган қаҳрамонларга айланади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.75-76; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.32.

АНАТОЛ ФРАНС – Қ.: Франс, Анатол.

АНАТОЛИЯ – қ.: Онадўли.

АНАТОМИЯ (юнонча: anatome – тарқалиш, *бўлиниш*) – тирик организмдаги аъзоларнинг шакли ва тузилиши ҳақидаги фан, морфологиянинг бир қисми. Поэтикада аъзоларни тавсимлаш санъати. А. тузилишига кўра ўсимликлар дунёси (фитотомия) ва ҳайвонларни (зоотомия) ҳамда инсон танасининг аъзоларини (антропотомия) ўз ичига олади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.48.

САНЪАТ ~ **си** – санъат асарини тирик организм деб қараб, унинг таркибий қисмларини ўрганувчи фан. Бунда, кўпинча, бадиий асарнинг шакл унсурлари ва уларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Юнон олими Арасту С.а. терминини илк бор санъат асарига нисбатан қўллаган.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.196.

АНАУ (АНАВ) – туркий маданият ўчоқларидан бири. Энеолит давридан ўрта асрларгача бўлган даврда ҳаракатланган маскан. Ҳ. Ашхобод (Туркманистон) яқинида Р.Пампелли раҳбарлигидаги Америка экспедицияси олиб борган қазишмалар чоғида (1904) 4 мажмуа аниқланган. Улардан бири ғиштдан ясалган уйнинг қолдиқлари (1-мажмуа) бўлиб, у мис нақшлар б-н безатилган. Сопол идишлар (2-мажмуа)га икки рангда сурат ишланган. Бу сурат м.а. 5–4 мингйилликка тегишли. А.дан 3–2 мингйилликка тегишли заргарлик буюмлари (3-мажмуа)топилган. Уларга аёл ва ҳайвонлар суратлари ишланган. М.а. 10–4 мингйилликка тегишли темир буюмлар (4-мажмуа) ҳам топилган. А.да 1456 й.да қурилган масжид биноси бўлган ва у 1948 й.даги зилзилада вайрон бўлган. Масжид гумбазида мозаика санъатига тегишли шакллар ва Марказий Осиёда кам учрайдиган икки аждарнинг сурати ишланган.

- *Пугаченкова Г.А.* Мечеть Анау. Ашхабад, 1959; Южно-Туркменской археологической комплексной экспидиции, т.7. Ашхабад, 1956.

АНАФОРА (юнонча: anaphora – *ажратиш*) – [поэтика] шеърий асардаги мисралар ёки насрий асардаги жумлаларнинг бир хил сўз б-н бошланиши. Мусиқада бир хил куй ёки унинг бир қисмининг бошланғичдаги такрори. А. асосига қурилган бадиий санъат (восита), синтактик қурилма шеъриятда кўп қўлланилади.

Люблю тебя, Петра творенье,
Люблю твой строгий, стройный вид

(А.С.Пушкин. Медный всадник, 1833)

А. фонетик бўлиши мумкин ва ҳар бир сўз бир хил товуш б-н бошланади.

Сочилган сочингдай сочилса сиринг (Чўлпон, 1922)

А. муайян мавзуда бўлса, ҳар бир бўлим ёки эпизод бир хил мотив ёки жумла б-н бошланади. Мас., Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романида "Поезда в этих краях ездили с Востока на Запад..."

А. шеърнинг дастлабки икки-уч банди бўлиб келиши мумкин. Мас., Бобурдан:

Қайси бир озорин айтай жонима агёрнинг,
Қайси бир огритқанин кўнглумни дей дилдорнинг.

Қайси бир пайравлигини толеъи гумроҳнинг,
Қайси бир кажравлигини чарх кажрафторнинг.

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлининг
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг.

Шеър яхлит ҳолда А. асосига қурилиши мумкин.

Шагирлайди бетиним дарё,
Шагирлайли ваҳм тўлган жар.
Шагирлайди қоронги дунё,

Шағирлайди водий, далалар.
Шағирлайди... Бермайди уйқу.

(Ҳамид Олимжон, "Ҳолбуки тун")

Юқоридаги мисоллар фонетик ва мавзуға қўра фарқланади. Насрий асарлар бир неча боб ёки бўлимлари бир эпизод ёки вокеа б-н бошланса, мавзуга кўра А.бўлади. *Эпифора* б-н солиштиринг.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.160; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь литведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.11; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.27; *Белокурова С.П.* Словарь литведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.18.

АНАХАД НАДА (санскр.: *енгилмас, ўқ ўтмас*) [диншунослик] – Йога таълимотида юракка яқин Чакра. Тасаввуф таълимотида олий руҳ овози "савти Сармад".

АНАХАРСИС – сақ (скиф) донишманди. Гнурнинг ўғли, доҳий Савлиянинг акаси. Солон даврида дўсти Тўксарис б-н Афина ш.га келгани юнон манбаларида қайд қилинган. Жан Жак Бартелеми "А." номли асар ёзган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.48; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.495.

АНАХИТ, АНАИТ (к. арман т.да: аёл, она) [мифология] – арман мифларида она маъбуда, севги ва ҳосилдорлик маъбудаси. "Авесто"даги Ардвисура, Анахита маъбудаларининг арман мифологиясидаги мукобили. Арманларда бу маъбуда ўзининг бирламчи хусусиятини ўзгартириб, арман миллатининг ҳомийсига айланган. А. культи Арманистонда насронийлик динининг қабул қилинишигача мавжуд бўлган. А. шарафига махсус ибодатхоналар қурилган, унинг ҳайкалчаси санам вазифасини ўтаган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.65.

АНАХИТА (авесто) [мифология] – зардуштийлик таълимотида ободонлик ва фаровонлик маъбудаси. Зардуштийлар қурғоқчилик пайтларида А.га тавоб қилишган, ҳосилдорликни А.нинг саховати деб тушунишган. А. тасвири расм ва ҳайкалларда бир қўлида олма (айримларида анор) ушлаб турган аёл киёфасида чизилган. А.нинг тасвири туширилган сопол парчалари бизгача сақланган.

АНАХРОНИЗМ (юнонча: ana – *тескари*, chronos – *вақт*) [эстетика, адабий жараён] – хронологияга мос келмаслик; ўз умрини яшаган, эскирган, долзарблик касб этмайдиган санъат асари. Дастлаб йил ҳисобидан адашиб, нотўғри ҳисоб қилиш тушунилган. А. ўрта асрлар, Уйғониш ва классицизм даврига тегишли бўлиб, бирор йил ёки давр вокеаларини бошқаси б-н алмаштирилиши назарда тутилган. А. тор маънода, ўтмишда яшаган,

ибратли ва эътиборли тасвир усулларини замонавий асарга қўллаш усули, деб ҳам тушунилади. Европа ўрта асрлар ва Уйғониш даври санъатидаги сюжет ва қахрамонларнинг замонавий асарда учраши ҳам А.дир. Айрим модернистик қарашлар бўйича санъатдаги академизм ва канон А. деб ҳисобланган. Айрим эсселарда бу истилоҳ ўрнига "кечаги санъат" тушунчаси ҳам мавжуд.

Шекспир "Юлий Цезар" асарида XIV асрда қурилган минора соатини т.га олади, Ю.Цезарь даври эса қадимий. XX аср бошида Б.Брехтнинг "Жаноб Юлий Цезарнинг ишлари" драмасида ҳам шу усул истифода этилган. Аср ўрталарида авангард йўналиш вакиллари асарлардаги барча мумтоз ифода усуллар ва қарамонларни ҳам А. деб аташган. Хронологик жиҳатдан хато, бошқа бир давр маҳсули бўлган ходисаларга ёки бирор давр тасвирида унга хос бўлмаган хусусиятларни атайлаб тиқиштириш ҳам А. саналган. XX асрнинг 70-й.ларига келиб Италия ва Францияда постмодернизм санъатида анахронистик оқим вужудга келган. А.Абате, Р.Барни, О.Галлиани, Ж.Гаруй каби А. намояндалари асарларида ўтмишни янгича фонда тасвирлаш, уни бугунги воситалар орқали жонлантириш каби хусусиятлар кўринади.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.161; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь литведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.12; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.32; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; *Иглтон Т.* Теория лит-ры. Введение. М.: Территория будущего, 2010. С.135.

Қаранг: Д.Қуронов

АНАХРОНИЗМ (юн. ана - орқага, қарши; чронос - вақт) - ўтмишни бадиий акс эттириш жараёнида йўл қўйилувчи вақт билан боғлиқ ноаниқликлар, хатоларнинг умумий номи. А. тасвирланаётган даврга оид бўлмаган фактлар (воқеалар, шахслар, иноич-еътикодлар, ғоялар, маиший деталлар ва ш.к.), тамом ўзга замонга хос хусусиятларнинг кириб қолиши билан воқе бўлади. А.нинг юзага келиш сабаблари турлича. Фактларни етарли даражада ўрганмаслик ёки эътиборсизлик окибатида юзага келган А. билан муайян ғоявий-бадиий мақсадни кўзлаб йўл қўйилган А.ни фарқлаш керак. Кейинги ҳолда А. тарихийлик ва замонавийлик муаммоси доирасига кириб кетади. Отмиш мавзусидаги асарда замона руҳи, замона хусусиятларининг акс этиши табиий, шундай экан, муайян ғоявий-эстетик мақсад тақозоси билан воқе бўлган А.га бадиий шартлиликнинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин.

АНБАР –

Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. - Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S. 163.

АНБАР ОТИН (1870–1906) – ўзбек шоираси. Жаҳонотин Увайсий жиянининг қизи. *Дилшод отин* мактабида таҳсил олган. Ўзбек ва форс т.ларида асарлар ёзган. Лирик асарлари асосида "Девон" тузган. Унда 41 ғазал, 4 мухаммас, 1 қитъа, 1 маснавий, бир мустазод ўрин олган. Бундан ташқари яна бир кўлёзма девони топилган, "Қаролар фалсафаси" рисоласи, 80 та фард (якка байт) ҳам ёзган. Девони ЎзРФАШИда (1647 рақами остида) сақланади.

♦ *Анбар отин.* Шеърлар. Т., 1963; Шеърлар, рисола. Т., 1970.

Қаюмов Л., Ҳусаинова Ф. Анбар отин. Т., 1964; *Қодирова М.* XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. Т., 1977.

АНВАР (XIV) – эронлик шоир, Амир Темур даврида Табризда туғилган. Асл исми: Шоҳ Қосим. Замонасининг йирик алломаси Шайх Садриддин Ардабилийнинг муриди. Ботиний ва зоҳирий илмларни эгаллагач, Гилон, Ҳирот ва Самарқанд ш.ларида яшаган. Орифона шеърлари б-н машҳурдир. Соҳиби "Девон" шоир бўлиб, ушбу байтлар унинг ижодидан:

Қазо шахсияти панж ангишт дорад,
Чу хоҳад аз каси коми барорад.
Ду бар чашмаи неҳад он гоҳ ду бар дўш,
Яки бар лаб неҳад гўядки хомуш.

Қайюмов П. Тазкирату–ш–шуаро. Т.: 2006. Б.28.

АНВАР ОБИДЖОН (1947/8.I й.т.) – ўзбек болалар адиби. Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган. Ўз-н халқ шоири (1998). ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган (1979). Фаргона вилояти радиосида, "Ёш гвардия" нашриётида муҳ-р, бош муҳ-р ўринбосари (1981–86), "Ёш куч" журналида мухбир (1987–88), "Муштум"да бўлим мудири (1988–89), "Чўлпон" нашриётида бош муҳ-р, директор (1989–98), Ўз-н телерадиокомпаниясида муҳ-р (1998 й.дан) бўлиб ишлаган.

"Она Ер", "Баҳромнинг ҳикоялари", "Оловжон ва унинг дўстлари", "Аламазон ва унинг командаси" насрий китоблари, "Уста Гулмат ғазаллари" (1974), "Энг ёруғ кун" (1983), "Олтин юракли Автобола" (1988), "Масхарабоз бола" (1986), "Жуда қизиқ воқеа" (1987), "Ерликлар" (1990), "Аламозон ва Гулмат ҳангомаси" (1992), "Ажойибхона" (1993) в.б. китоблар муаллифи.

♦ *Анвар Обиджон.* Мешполвоннинг жанглари. Т., 1994; Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри. Т., 1996.

АНВАР ПОШО (1881/14.VI–1922/4.VIII) – турк адиби, давлат ва жамоат арбоби. "Ганж турклар" ҳаракати, "Иттиҳод ва тараққий" партияси раҳбари. Истанбул Бош штаб академияси (1903)ни битирган. Берлинда ҳарбий атташе

(1909–11), I жаҳон урушида бош қўмондон – султоннинг ноиби сифатида иштирок этган. 1921 й.да Бухорога келиб, миллий озодлик ҳаракатларида қатнашган. Большевиклар томонидан Балжувонда шаҳид қилинган.

А.П.ҳаётига Фитрат, Чўлпон, Ш.Холмирзаев асарлари бағишланган.

♦

АНВАРИЙ (1105–1187) – машҳур форс шоири, Фирдавсийнинг замондоши. Тўлиқ исми: Авҳадиддин Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ. Обивард қасабасида туғилган, Тус ш.да яшаган. Мадрасаи Мансурияда таҳсил олган. Султон Санжар саройида хизмат қилиб, унга қасидалар багишлаган. 1154 й.дан Балхда яшаган ва у ерда вафот этган.

Дастлаб Ҳоварий тахаллусини қўллаган, сўнг устозининг тавсияси б-н Анварий тахаллусида қолган. Давлатшоҳнинг ёзишича, "илми нужумда ўз асрининг саромади эди". "Қасидалар пири" унвонли шоир. 250 қасида ёзган. Шеърий меросининг умумий ҳажми 15 минг байт. Унинг шеърларига Алавий Шодиободий (XVI аср), Абулҳасан Фароҳоний (XVII аср) шарҳлар битган. Қасидаларидан икки байт:

Чу бар кошид шафақ доман аз басити ҳаво,
Шаби сиёҳ фард ҳашт хаймаро доман.

Ҳилоли ийд падид омад аз канори фалак,
Мунир чун руҳи борд нажми чу қомати ман.

♦

♦ *Анварий.* Девон / Чоп кард. Ва тавзеҳоти Р.Ҳодизода. Душанбе, 1972.

• *Аҳмедов Б.* Давлатшоҳ Самарқандий. Т.: Фан, 1967. Б.17; *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.27–28.

АНГАЖИРОВАН (французча: бандлилик) [эстетика, адабий жараён] – бирор санъат ва маданият ходимининг муайян бир динга ёки мазҳабга, социал гуруҳга алоқадорлиги ва асарларида уни ифода ва ҳимоя қилиши. Ж.П.Сартр томонидан адабий муаомалага киритилган истилоҳ. Француз терминологиясидаги *интенционаллик* тушунчасининг адабиётдаги кўриниши. Шўро даври ад-тшунослигида бу сўз ўрнига *тенденциозлик* фаол қўлланилган.

АНГЕЛ (юнонча: фаришта, семит т.ларида: хабарчи) [мифология] – яҳудий, насроний ва мусулмон мифологиясида А. фақат Яратувчига ибодат ва хизмат қилувчи, туғилмаган ва туғмайдиган зот. У олов, нурдан яратилган. А.нинг жинси бўлмайди, унинг нафс туйғуси ҳам йўқ. Илоҳни ерликлар била боғловчи, Яратган амрини бажарувчи. Насронийликда 9 А. (Гавриил, Михаил, Рафаил в.б.) кўп тилга олинади, айрим агиографик манбаларда Исо а.с.нинг 12 апостоли рамзи сифатида келади. Бадиий ад-тда Данте ("Илоҳий комедия"), А.Дюрер ("Апокалипсис") асарларида А. тимсоли яратилган. Яна қ.: фаришта.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.76-78.

АНГЕЛОЛОГИЯ (юнонча: фаришта + таълимот) [мифология, диншунослик] – фаришталар ҳақидаги таълимот, теология (диншунослик)нинг Аллоҳ хабарчилари ҳақидаги қисми.

АНГИРАС (санскритча: ярим маъбуд) [мифология] – Осмон ва маъбудларнинг ўғилларига А.лар дейилган. Қ. ҳинд мифологиясида маъбудлар ва инсонларни боғлаб тутувчи, улар ўртасидаги наслни сақлаб қолган зотлар. Шоирлар А.ни ўз оталари деб ёзганлар. А. ҳаётий кучга эга бўлиб, дунёни янгиловчилар ҳисобланади. Индра, Брахаспати ҳақидаги мифларда фаол тимсол сифатида учрайди.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.78-79.

АНГОЛА АДАБИЁ ТИ – Ангола республикаси (Африка) ад-ти. Банту т.лари оиласига мансуб кимбунду, умбунду в.б. т.ларда оғзаки ад-т намуналари мавжуд. Ёзма ад-ти португал т.да ривожланган (1855). Дастлаб насрнинг кичик жанрлари, шеърлар яратилган. Педру Машадунинг "Африка саҳналари", А.Асиз Жуниорнинг "Марҳуманинг сири" романлари машҳур. А.а.да мустамлакачиликка қарши кураш (Каштру Сороменью, "Ўлик ер"; "Бурилиш", 1957), мухожирлик (Мунделе Диа Кванза, А.Нето, К.Адради, Л.Виейра) ад-тида миллий озодлик масалалари акс этган.

"Прогрессу" адабий журн., "Коррейно де Семана" газ. миллий т.да чоп этилади.

АНГРАМАНЙУ (Анхраманю, авесто т.да: ёвуз) [мифология] – "Авесто"да ёвуз кучлар даҳоси, жаҳолат ва ўлим рамзи, инсондаги ёвуз руҳлар тимсоли, Ахурамазданинг зидди. Гоҳ (гат)ларда бу куч учрамайди, "Кичик Авесто"да қоронғулик, жаҳолат рамзи.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.79-80.

АНДАДИ [поэтика] – шеър тури. Ҳар банди 4 мисрадан иборат бўлган, янги банднинг биринчи сўзи аввалги банднинг сўнгги сўзига оҳангдош бўлиб келган шеър. Тамил шеъриятида VIII–XII асрларда фаол қўлланилган.

АНДАЛИБ (XIX) – «Шоҳномайи девона Андалиб» асари муал.и. Достон (маснавий йўлида ёзилган)да Бухоро ва Қўқон хонлиги ўртасидаги урушлар (1842), Қўқон хонлигида Нодира, Муҳаммад Алихон в.б.нинг катл қилиниши воқеалари ёритилган. Асарнинг қўлёзма нусхаси ЎзРФАШИ (сақл. №596 II) сақланади. 18 варақ, 1200 мисрадан иборат. Унинг сўнгида "Асл нусхасидан имлоси ўзгартирилмай ёзилди, 1344. Моҳи шаъбон мутабиқи мил. 13 феврал, 1924. Қўқон" ёзуви бор. Бу котиб дастхати.

- *Каюмов А.* Асарлар. 7-жилд. 2-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012. Б.78-88.

АНДАЛИБ, Нурмуҳаммад (1711–1780) – ўзбек ва туркман адиби, достончилик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган шоир. Хивада туғилган, Хива ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Ўзбек ва туркман т.да асарлар битган. Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавсу-л-иқбол», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарларида А. ҳақида маълумотлар учрайди. А.нинг туркий девони (1200 мисра) ва «Зайну-л-араб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Ўғузнома», «Саййид Насимий», «Саъд Ваққос» в.б. достонлари бизгача етиб келган.

А. асарлари ЎзРФАШИ институти жамғармасида 1392, 1169, 1198, 1387, 7054, 299, 6759, 1103, 6973, 6998, 1155, 1188, 6993, 1918 рақамлари остида сақланади. А.ни "туркман шоири" деган қараш ҳам мавжуд, унинг асарлари Туркманистонда ҳам машҳур. А. ижоди Х.Кўрўғли, В.Абдуллаев, Б.Ахундов, А.Улуғбердиев, Г.Назаров каби олимлар томонидан ўрганилган.

♦ Антология туркменской поэзии. М., 1958; Ўзбек ад-ти. Т., 1959. 4–5-том; Лайли ва Мажнун / Ўзбек ад-ти. 4-том, 2-китоб. Т., 1960; *Андалиб.* Танл. асарлар. / Б.Ахундов, А.Улуғбердиев нашр. тайёрл. Ашхабад, 1963; Юсуф ва Зулайхо / Г.Назаров нашр. тайёрл. Ашхабад, 1973

• *Кор-огли Х.Г.* Узбекская лит-ра. М.: Высшая школа, 1978; Ўзбек ад-ти тарихи. Т.: Фан, 1978. Б.333-367; *Мухамедова З.Б.* Описание туркменских рукописей, хранящихся в Ленинградских собраниях. Труды ИЛ АН Туркмении. Ашгабад, 1960.

АНДАЛУЗИЯ, *Андалусия* – VIII–XV асрларда Испания ва Португалияни ўз таркибига олган ислом мамлакати. Ҳозир Испаниянинг жанубидаги вилоят (маркази Севилья ш.). А.вилояти Ғарнада, Алморавия, Кадис, Кордова, Малага, Севилья, Уэлва, Хаэнга провинцияларини ўз ичига олади.

А.да қадимда иберлар яшаган, финикияликлар, карфагенликлар ҳам А.да манзил топган. I–VII асрлар мобайнида Рим давлатига бўйсунган. VIII асрдан араб халифалиги бунёд этилган, унда 4 та амирлик: Хаэн, Қуртуба, Севилья ва Ғарнада мавжуд бўлган. А.ни дастлаб маҳаллий берберларни истило қилиш натижасида ҳокимиятга эришган умавийлар сулоласи бошқарган. Аблураҳмон I ал-Дохил (756), ал-Ҳишом (788)дан то Ҳишом III ал-Муътадга қадар (1031) умавийлар, сўнгра 1057 й.дан ҳаммузийлар ва ал-Мурабитунлар сулоласи (1056–1147) бошқарган: Сўнгги сулола вакиллари: Яҳё ибн Иброҳим, Яҳё ибн Умар, Абу Бакр ал-Ламтуний, Юсуф ибн Ташуфин, Али, Ташуфий, Иброҳим ва Исҳоқ; XII асрнинг ўрталарида Шим. Африкада ҳокимиятга келган ал-Муваҳҳидунлар сулоласи А.ни ҳам бошларган. Сулолага Муҳаммад ибн Тумарт (в.1130) асос солган. Сўнгра уларнинг вакиллари: Абдулмўъмин, Абу Яъқуб Юсуф I, Абу Юсуф Яъқуя ал-Мансур, Муҳаммад ан-Носир, Аюу Яъқуб Юсуф II ал-Мустансир, Абдулвоҳид I ал-Махлу, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Одил, Яъё ал-Муътасим, Абу Муҳаммад Абудулвоҳид II ар-Рашид, Абулҳасан Али ас-Саид ал-Муътадид, Абу Ҳафс Умар ал-Муртадо ва Абул Ула ал-Васиқ кабилар бошқарган. XIV асрдан А.ни насронийлар жгаллай бошлаган ва

1492 й.дан Кастилия ва Арагон қироллигига қўшиб олинган. А. майдони 87570 км, аҳолиси 3,5 млн. (1877) бўлган.

А.даги мусулмон салтанати ҳақида И.Ғаспирали "Дору-р-роҳат мусулмонлари" (1887) номли туркий т.даги жаҳон романчилиги анъаналарига мос келадиган биринчи роман ёзган (Симферополда "Ғанимат диёр" номи б-н нашр қилинган, 1906). Бу роман ўзбек адиби Фитрат томонидан форс т.га тарж. этилиб, Петроградда 1915 й.да чоп қилинган. Роман ўзбек т.да 2005 й.да нашр қилинган.

• *Босворт К.Э.* Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.37-73; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.50;

АНДАЛУСИЯ АДАБИЁТИ – мил. I–II асрларда Пиреней ярим ороли (ҳ. Испания ва Португалия)даги халқлар Ғарбий Рим империяси, V–VII асрларда Галлия (Германия)дан келган вандаллар таъсирида бўлган. VIII аср бошларидан умавийлар сулоласи даврида исломни қабул қилган. Айни даврда А. маданияти равнақ топган. Мунзар, Абдуллоҳ ва Абдураҳмон қироллиги даврларида А.а. тараққий этди. Кастилия қироли Альфонс зулмидан қочган испан рицари Родриго Диас қаҳрамонликлар кўрсатиб, саййид унвонига эришган. "Сид ҳақида қўшиқ" достонида унинг қаҳрамонликлари куйланган. Араб маданияти таъсирида А.а. ривожланган. Муҳаммад ибн Хоний Андалусий, Абдуллоҳ ибн Абдураббиҳи ("Ажиб шодалар"), Муҳаммад ибн Хазм ("Кабутар маржонлари"), Амир ибн Жоҳиз ("Китобу-л-Бухало", "Ҳайвонлар китоби", "Фасоҳот"), Абу Бакр ибн Туфайл ("Ҳайй ибн Якзон"), Абулҳасан Али ибн Бассам ("Аҳли Андалус фазилатлари хазинаси"), Муҳаммад ибн Абу Бакр Аббор ("Маърифатнома"), Ибн Арабий ("Фусус ал-ҳикам", "Футуҳоти Маккия"), Ибн Хотиб ("Ғарнатанинг умумий тарихи", "Йўл манзаралари"), Ибн Хаййон Қуртубий ("Билим ташнаси") кабиларнинг наср, фалсафа ва тарихга оид асарлари Европада шуҳрат топган. Ибн Зайдун, Аҳмад ибн Саъд, Ибн Хотиб каби шоирларнинг шеърий тўплам ва достонлари А.а. муҳим ўрин тутади. Данте тан олиб айтган "янги лаззатли услуб" ("Вомиқ ва Узро" асосида яратилган узровий услуб) Андалусияда туғилган ва равнақ топган.

"Дору-р-роҳат мусулмонлари" (И.Ғаспирали) ҳисобланган А. кейинроқ яна Европа қирролликлари таъсирига ўтган ва унинг ўрнида Испания ва Португалия қирролликлари ташкил топган.

♦ *Ибн Туфайл.* Хайй ибн Якзан / Лирики Востока. М., 1976; Средневековая андалусская проза. М.: Худож. лит-ра, 1985; Андалусская поэзия. М.: Худож. лит-ра, 1988; *Ибн Араби.* Меккенские откровения. М.: ИВЛ, 1989.

• *Леви-Провенсал Э.* Арабская культура в Испании. М.: Наука, 1967; *Шидфар Б.Я.* Предисловие к сб. «Средневековая андалусская проза". М.: Худож. лит-ра, 1985.

АН ДАРХАН ТЎЙЎН (ёқут т.да: илк муҳим хожа) [мифология] – ёқут мифологиясида уй эгаси. А.Д.Т. тасвирларда кичик мошгуруч соқолли чол кўриниўида. Оила ҳомийси, уни ёқуз кучлардан сақловчи. Мифларда

гўштнинг дастлабки парчаси, овқатнинг биринчи кошиғи А.Д.Т.га аталган. Ад-тда фариштали, юзи иссиқ чол тимсоли.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.80.

АН ДАРХАТ ХАТУН, Андархан хотун (ёқут т.да: илк оила бекаси) [мифология] – ёқут мифологиясида аёл ер эгаси. А.Д.Х. баҳор, кўкариш рамзи, чорва моллари ҳомийси. Баҳорда А.Д.Х. шарафига қурбонлик байрами уюштирилган. Халқ эпосларида у доно маслаҳатчи тимсолида келади. Айрим фольклор асарларида *Ан Алай хотун, Ан Алахчин* номлари б-н ҳам қўлланилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.80.

АНДЕГРАУНД *(*инглизча: underground – яширин, *нолегал*) [эстетика] – тажрибага асосланган ижод усулларидан бўлиб, у хослар учун мўлжалланган асарларда ўзига хос ифода шакли сифатида юзага чиқади. Бу истилоҳ АҚШ киносанъатида 1940–йй.дан қўлланилган бўлиб, тор доирадаги томошабинларга мўлжалланган, катта экранларга чиқмайдиган асарларга нисбатан қўлланилган. XX асрнинг 50–60 - йй.га келиб, А. барча тажрибавий асарларга нисбатан қўлланилган. Шўро даврида ҳам мана шундай яширин тарзда қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган асарлар, яширин таркатилган кинолента ва видеокассеталар бўлган. Ф.Достоевскийнинг "Яширин ёзувлар" ("Записки из подполья") асари рус бадиий ад-тида А.нинг биринчи намунаси сифатида қаралган. XX аср 80-й.лари охири ва 90-йиллар бошига келиб, А. оммавийлашиб кетди ва бозорга чиқиб, маълум мавқе эгаллади. Бундай асарлар ёки нолегал нашр этилади ёки ўз вақтида ёзилиб, тортмага ташлаб қўйилган бўлади. Мас., Вен. Ерофеевнинг "Москва – Петушки» достони. Шўро даврида соц-арт, ундан кейин эса постсоц-арт оқимида бу турдаги асарлар кўплаб яратилган.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.28; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.33-34; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С. 17.

АНДЕРСЕН, Ханс Кристиан (1805/2.IV–1875/4.VIII)* – Дания адиби, буюк эртакчи. Даниядаги кичик ш.ча Оденсада этикдўз оиласида туғилган. Отадан етим қолиб, онасига қарашади. Копепгагенда таҳсил олаётганда моддий жиҳатдан ночорликда яшаган. Италян Сибонидан хонандаликни, руҳоний Пенициандан лотин т.ни ўрганган. 1819 й.дан актёр бўлишга интилиб, пьесалар ёза бошлаган. Бастакор Вейзе, Шекспирнинг даниялик таржимони – адмирал Вульф, бўлғуси ҳомийси, Копенгаген қироллик театри директори Коллин б-н танишган. А. унинг ёрдамида гимназияга ўқишга кирган. Коллин бўлғуси ёзувчининг истеъдодини эътироф этиб, хусусий дарс олиши, кейинроқ ун-тга кириши учун шароит яратиб берган. Германия, Швеция,

* М.Маҳмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

Франция, Англия ва Африка бўйлаб сафар қилган. А.нинг Шопен, Россини, Вагнер, Лист каби бастакорлар, Дюма, Бальзак, Гюго, Гейне, Диккенс каби буюк ёзувчилар б-н дўстлашуви унинг ҳаётида, ижодий фаолиятида жиддий ўзгариш содир қилган.

1826–27 й.ларда шеърлар тўпламлари чоп этилган. "Соядаги манзара" (1831), "Агнета ва Водяной" (1834) қиссаларида эртакнамо саргузаштларни ҳикоя қилган. "Импровизатор" (1835), "Фақат скрипкачи" (1837), "Икки баронесса" (1849) романларида бўлғуси эртакчи саргузаштлар ишқибози, хаёлпараст шоир образини яратди. 1835 й.дан эртаклар китоблари чоп этила бошлайди. 1835–1872 йилларда 156 та эртак ёзган. Аксарят эртакларида камбағал, етим, қаровсиз қолиб қийналаётган софдил болаларни Худо ва фаришталар ҳимоя қилишини кўрсатади. А. Уйгониш даври адибларининг баъзи асарларини эртакка айлантиради. "Чақмоқтош", "Қиролнинг янги либоси", "Булбул" (1843), "Иркит ўрдакча" (1843), "Оққуш – ғозлар", "Қор маликаси", "Қалайи солдатча" (1838), "Дюмчахон", "Оле-лукое", "Нўхат устидаги малика", "Олтин бола", "Қор одам", "Сув париси", "Қиролича" (1844), "Она" (1848) эртаклари жаҳон ад-ти дурдоналари қаторидан жой олган. Саёҳатлари натижасида "Шоир бозори" (1842) йўл очерклари, "Ҳаётим эртаги" (1846, 1889) автобиографик роман ёзган.

♦ *Андерсен Г.К.* Сказки и истории. В. 2-х томах. М. 1985; *Андерсен Х.* Эртаклар. Ўздаврнашр. 1949; Эртаклар. Т., 1976; Эртаклар. Т., 1983; Сб. Литературные сказки народов мира. М., 1985.

• *Погодин А.С.* Классик датской лит-ры Х.К.Анденсен. М., 1955; *Важдаев В.* Х.К.Андерсен. Очерк жизни и творчества. М., 1957; *Муравьева И.* Андерсен. ЖЗЛ. - М., 1959; *Брандис Е.* От Эзопа до Жанни Родари. М.: Просвещение, 1965; *Маҳмудов М.* Олис, сеҳрли диёр // Ахли дил. Т., 1998.

АНДЕРСОН, Максуэлл (1888–1959) – АҚШ драматурги. Шим. Дакота ун-тини тугатиб (1911), Стэнфорд ун-ти ва Уиттер коллежида ўқитувчилик, 1918 й.дан Нью-Йорк газ.ларида журналистлик қилган. "Туш кўрувчилар" шеърий тўплами эълон қилинган. Л.Столлингсон б-н ҳаммуал.ликда ёзган "Шуҳратнинг баҳоси" асари шуҳрат келтирган. 1930 й.да ёзилган "Қиролича Елизавета" шеърий фожиаси ҳам эътибор топган. Шундан сўнг тарихий драмалар ёзишга киришган. "Шотландиялик Мария" (1933), "Таос туни" (1932), "Қироллар никоби" (1936) в.б. асарлари кўп й.лар давомида саҳнадан тушмади. "Қиш забтига олганда" (1935) асари Сакко ва Ванцетти сюжети асосида ёзилган бўлиб, унда фалсафий миф замонавий воқеликка сингдирилган. А. ушбу асари орқали дунё моделини яратмоқчи бўлган. 1989 й.да пьесалар тўплами рус тилига тарж. қилинган.

• *Долинин А.* Андерсон, Максуэлл / Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.14.

АНДЕРСОН, Шервуд (1876–1941) – америкалик ёзувчи ва публицист. 1898 йилда кўнгилли бўлиб испан-америка урушида қатнашган. Чикагода реклама агенти бўлиб ишлаган. 1922 й.да У.Фолькнер б-н танишиб, унинг ёрдамида "Жангчи мукофоти" романини нашр қилдирган. "Уайнсбург, Огайо" (1919)

новеллалар тўплами А.га шуҳрат келтирган. “Отлар ва одамлар” (1923), “Ўрмонда ўлим” (1933) тўпламлари эълон қилинган. Бу новеллаларда инсон руҳий ҳолатининг турли қирраларини тасвирлаш орқали Америка ад-тида психологик новелла жанри мавқеини кўтарди. Индустриализация даври муаммоларига багишланган “Оқ камбағал” (1920), “Ниятнинг бошқа тарафида” (1932), никоҳ масалалари ҳақида “Кўп никоҳлилик” (1923), “Яширин кулги” (1925) романларини яратди. Хемингуэй, Фолькнер, Маккалерс, О’Коннор каби адиблар ижодига А. асарлари ўз таъсирини ўтказган.

Автобиографик характердаги “Ҳикоячининг тарихи” (1924), “Мемуарлар” (1942, ўлимидан сўнг) асарларида ёзувчи шахси очиб берилган. А. “Ҳикоячининг тарихи” асарида А. ўзининг адабий қарашларини ифода қилган. Шунинг учун асарга қўшимча сарлавҳа қўйган: “Америка адибининг ўз фантазия дунёсидаги ва фактлар оламидаги саёҳатлари, турли эпизодларда тасвирланган ҳолатлари ва бошқа адиблар ҳақидаги кузатишлари”. А. бу асарда Э.Синклер, Т.Драйзер, Ж.Лондон в.б. адиблар ижоди ҳақидаги кузатишларини баён қилган. “Реализм ҳақида” (1924) мақоласида “Қўлига қалам олган адиб ўзга муайян мажбурият олади. У китобхонларни ўз фантазияси дунёсидан олиб ўтмоқчи бўлади. Агар у роман ёзмоқчи бўлса, унинг дунёси одамлар ва воқеаларга тўлиқ бўлади. Агар у ўз меҳнатига ҳурмат б-н қараса, худди реал дунёдаги реал одамлар ҳақида ёлғон ёзиб бўлмаганидай, ўз қаҳрамонларига фирибгарлик қилмайди, улар ҳақида ёлғон тўқимайди. Фирибгарлик камёб ҳодиса эмас, лекин мен бундай адибларнинг ўз виждони олдида қийналганини кўрмадим” деб ёзган.

- *Толмачев В.* Андерсон, Шервуд / Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.16; Писатели США о лит-ре, т.1. М.: Прогресс, 1982. С.254-256, 291.

АНДИГОНИЙ, Бадриддин (XV) – Ҳирот адабий муҳитидаги ижодкор. “Бобурнома”да Султон Ҳусайн Бойқаронинг умароси (амирларидан бири) сифатида т.га олинган: «Яна Бадруддин эди, бурун Султон Абусаъид мирзонинг садри Мирак Абдураҳим қошида эди. Хейли чуст ва часпон экандур. Дерларким, етти оттин сачрағандур. Бу ва Бобо Али мусоҳиблар эдилар”.

- *Бобур, Заҳириддин Муҳаммад.* Бобурнома. Т.: 2002. Б.135;

АНДИГОНИЙ, Бадриддин (XVII) – мутасаввиф шоир ва дарвиш. Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” (“Қаландарлар тазкираси”) асарида Шоҳ Машраб даврасидаги қирқ қаландардан бири сифатида т.га олинган.

- *Боғистоний И.* Тазкираи каландарон / Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.310.

АНДИГОНИЙ, Зийнат – Қўқон адабий муҳитида иштирок этган шоирлардан. Бу ҳақда Фазлий раҳбарлиғида тузилган тазкирада аниқ маълумот бор.

• Мажмуату-ш-шуарои Умархон. ЎРФАШИ, № 6745, 9139, 9914; *Шониёзов М.* Зийнат Андигоний ва унинг қасидаси // Мозийдан садо. 200?. Б.16-17.

АНДИГОНИЙ, Юсуф (XVI) – ўзбек шоири ва адиби. Мутрибийнинг маълумотига кўра, "хўп хушгўй шоир. Юсуф исмли ва ўз шеърларида шу номни тахаллус сифатида қўллайдиган Хожа Юсуф Хитоий, Юсуф Аъраж, Юсуф Қаробоғий ва Юсуф Самарқандий каби шоирлар ичида мазкур мавлоно Юсуф Андигонийнинг шеъри аълороқдир". Шеърда ўзига хос бир услуби бўлиб, шу туфайли бошқа тахаллусдошлари орасидан уни тез ажратиб олиш мумкин. А. ижодидан рубоий:

Юсуф зи харобот чи медори нанг,
Ва зи таънаи душманон чи боши дилтанг.
Зинҳор ки аз даст мадеҳ машрабро,
Мебош ба ҳафтоду ду миллат ҳамранг.

Мазмуни:

Юсуф хароботдан нега уяласан,
Душманлар таънасидан нега сиқиласан.
Машрабликни ҳеч берма қўлдан,
Етмиш икки миллат б-н бир хил бўлма.

«АНДИЖАНСКАЯ ПРАВДА» («Андижон ҳақиқати») – Андижон вил. рус т.даги ижтимоий-сиёсий газ. 1916 й.дан чиқа бошлаган. "Туркестанский голос" (1916–18), "Известия" (1918–21) номлари б-н чоп этилган. 1954 й.дан "А.п." номида. Газ.га Р.Сафаров, Н.Коркин, П.Волков, Г.Крайнов, С.Безносов каби таниқли журналистлар мух-р бўлишган. 2000 й.дан "Андижоннома" таҳририятига қўшилган. Газ.да таниқли ўзбек адиб ва журналистлари Р.Раҳмон, М.Маҳмудов, М.Абдукаримов, Т.Ашуров в.б. ишлаган.

АНДИЖОН – Фарғона водийсидаги ш., вилоят маркази. Хитой манбаларида 3 минг й.дан аввал мавжудлиги тилга олинади. IX–XV асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топган. Буюк Ипак йўлидаги Фарғона водийсини Хитой б-н боглайдиган муҳим бекат. Темурийлар салтанатида Фарғона давлати маркази. "Бобурнома" асарида А.ш.га таъриф берилган: "Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқиъ бўлур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдогирди ҳандакнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдогирди тамом маҳаллоттур... Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида ковун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас. Ов қуши дағи кўп бўлур. Андоқ ривоят қилурларким, юир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур... Эли туркдур. Ш. ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур.

Элининг орасида ҳусн хили бордур. Юсуф Хожаким мусикийда машхурдур Андионийдур". 1876 й. 9 январда Қўқон хонлиги б-н биргаликда тугатилиб, Россия бошқарувига ўтган. А.да мустамлакачилик режимига қарши бир неча кўзғолон содир бўлган. Энг йириги 1898 й. май ойида Муҳаммад Али эшон раҳбарлигида уюштирилган А. кўзғолонидир. 1902 й.даги кучли зилзилада кўплаб қад. обидалар қулаб тушган. Ҳар икки тарихий воқеа ад-тда ўз аксини топган: Мукимий, Завқий в.б.нинг асарлари чоп этилган.

XX аср бошларида А.да Муҳйи, Вола сингари шоирлар яшаган. А.да улуғ шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли *Чўлпон* (1897–1938) туғилиб ўсган. *Андижон адабий муҳитид*ан Ҳабибий, Сайфий, Собир Абдулла, Анисий, Восит Саъдулла, Улфат, Боқир сингари мумтоз услубда асарлар яратган идодкорлар етишиб чиққан. XX асрда А. театрида Тўхтасин Жалилов, Аббос Бакиров, Ҳалима Носирова каби устоз санъаткорлар фаолият кўрсатган. XX асрда Комил Яшин, Султон Жўра, Эътибор Охунова, Рустам Раҳмон, Исмоил Тўлак, Муҳаммад Юсуф каби адиб ва шоирларни етиштирган. Бугунги кунда А.да Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Фарид Усмон, Наби Жалолиддин в.б. ижодкорлар яшайди.

• *Бернштам А.Н.* Древняя Фергана. Т.: Фан, 1951; Города Ферганской долины. Т., 1963; Города Узбекистана. Т., 1965; *Алимов И.* Архитектурные памятники Ферганской долины. Т.: Узбекистан, 1982; *Давидович Е.А.* История денежного обращения среневековой Средней Азии (медные монеты XV - первой четверти XVI в. В Мавераннахре). М.: Наука, 1983; *Шокаримов С.* Андижон. Т., 2000; *Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З.* Древний и средневековый Андижан. Т.: Шарк НМАК, 2011; *Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З.* Андижон тарихи. Қад. даврлардан XX аср бошларигача. Т.: SHARQ НМАК, 2014.

АНДИЖОН АДАБИЙ МУҲИТИ – ??????????????????????????жаҳонга Ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Нодирабегим хаҳоншумул сиймоларни, Абдулҳамид Чўлпону Муҳаммад Юсуф каби XX аср миллий ад-тининг забардаст вакилларини тарбиялаб етказган заминда қадимдан бадиий ад-т шаклланган, у хоҳ адабий муҳит шаклида бўлсин, хоҳ миллий ад-тнинг ҳудудий шакли сифатида эътибор топган бўлсин айрим узилиш ва танаффуслардан қатъи назар доимо тараққиётда эди. Мен тарихи сал кам икки мингйиллик бу ад-тнинг мумтоз манбаларини излаш баробарида унинг шартли равишда уч даврга: *Бобурга қадар Адижон адабий тарихи; Бобуршоҳ ва бобурийлар даври ад-ти ва Бобурдан кейинги давр (XX аср бошларигача)*га ажратиб тасаввур қиламан.

Андижон адабий муҳитининг манбаларини излаганда дастлаб тарихга "Фарғона тазкираси" (Даван-Дайюан дежиан) номи б-н кирган хитой манбашунослигида Шижи (Тарихий хотиралар) деб юритиладиган 120 бобдан иборат манбанинг махсус бўлимидан бошлаш лозим. Чунки бу қадимий хитой манбаси "битикчи", "битикчи жаноблари" деган қайдларни учратамиз[9], бу "муал.", "манбанинг ушбу қисмини ёзувчи" дегани бўлиб,

[9] Ҳўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. "Фарғона" нашриёти, 2013.

табиийки, "Фарғона тазкираси"ни хитойлик солномачилар эмас, маҳаллий олим ёки адиблар ёзгани унинг услубидан сезилади (Бу ўринда Даван давлатининг пойтахти Эрши ш. ҳозирги Мархаматми, Ўш ёки Ахсикентми, деган баҳслардан қатъи назарманбалан адабий парчалар излаш лозим). Айни шу каби маълумотларни Иакинф-Бичурин томонидан жамланган уч жилдлик «Қадимги даврда Ўрта Осиёда яшаган халқлар тўғрисидаги маълумотлар тўплами»ни синчиклаб ўрганилса, унда юзлаб манбалар ичидан руний ёзувда битилган айрим манбаларни хитойлик сайёҳлар Фарғонадан ёзиб олингани айтилади[10]. Табиийки, бу манбалар орқали фикр юритганда чегарани тор олиб, ҳозирги Андижон вилояти доирасида қарамаслик керак.

Агар адабий муҳитнинг исломий илдизларига назар ьашлаганда ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" таркибидан излаш лозим. Чунки Маҳмуд Кошғарий тузган харитада ўз асарига материал тўплаш учун қилган саёҳатлари кўрсатилган. Табиийки, Кошғар ва Болосоғундан у қадар узоқ бўлмаган Фарғона водийси манбалари ўз асарини "қўшиқ, ражаз, наср" ва бошқа жанрлардаги асарлар б-н безадим, дейиши бежиз эмас.

Айни ўринда мен тарихий асарларни ҳам муҳим манба сифатида эслатмоқчиман. Ҳозирги кунда мўғуллар истилоси даври манбаларидан Насавийнинг "Сийрати султон Жалолиддин", Фазлуллоҳ Рашиддиннинг "Жомеъур таворих" асарларининг матни бизга маълум. Атомалик Жувайнийнинг эса "Тарихи жаҳонкушойи" асари яқинда ўзбек тилига тарж. қилинди. Бу тарихий манбаларнинг ҳар бирида юзлаб шеърий парчалар борки, уларнинг муал.ларини ўрганиш орқали янада янги ижодкорларни топиш мумкин.

Маълумки, Марказий Осиёда Абу Мансур ас-Саолибийнинг "Йатимат ад-даҳр" тазкираси араб тилидаги, Муҳаммад Авфийнинг "Лубобу-л-албоб" асари форс тилидаги ва Ҳазрат Навоийнинг "Мажолис..."и турк тилидаги илк тазкиралар ҳисобланади. Бу тазкиралардаги Андижон ад-ти б-н боғлиқ нуқталарни излашдан аввал, тазкиралар турларини эслашга тўғри келади. Бу шоирлар, адиблар (удабо), валийлар (авлиё), хаттотлар (дабирон), мусанниф ёки муғаннийлар тазкираларидир. Биз фақатгина шоирлар тазкираси доирасида фикр юритсак ҳам, бунда бир неча Андижоний ёки Андугонийларни учратамиз. Булардан ташқари замима тазкиралар (С.Ғаниева), яъни тарихий ёки ахлоқий асарларнинг тазкира қисми ҳам борки, улардаги маълумотларни ҳам назардан четда тутмаслигимиз керак.

Ҳазрат навоий тазкираси орқали биз бастакор Хожа Юсуф Андижоний, хаттот ва арузшунос Амир Дарвишбек, қасиданавис ва муаммо фанининг устози Юсуф Бадиий, ва шоир ва арузшунос Сафоий Андижоний, шоир Мир Сарбараҳналарни эслатиш лозим бўлмаса керак. Бу ҳақда акад. А.Қаюмовнинг "бобур давридаги Андижон адабий муҳити" рисоласини ўқиш кифоя. Устоз "Мажолис..." дан ташқари Давлатшоҳ Самарқандий

[10] Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. М., 1950. Айни манба 1987 йили олмаотада ыайта нашр этилган.

тазкираси. Аблураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъу-с-саъдайн…». «Бобирнома», «Тарихи Рашидий», Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб»и ва Дарвиш Али Чангийнинг "Мусиқий рисоласи"ни манба сифатида кўрсатади[11]. С.Азимжонова Бобур мирзонинг илк тарбиячиси (отабеги) Шайх Мазидбекни истеъдодидан сўз очади[12]. Амир Дарвишбек хаттот ва адиб, Хожа Мулла Содир, ҳарбий арбоб ва муҳрдор Амир Ҳасан Яқуббек шоирлиги ҳақида А.Қаюмов хабар беради. Яна "Бобурнома" Мир Сарбараҳна, Камолиддин Гозургоҳийнинг "Мажолисул-ушшоқ" асарIf Мулла Муҳаммад (Бадахший), Аҳлий хусусида сўз юритилган.

Мен бу ўринда "Бобурнома"даги сони 20 дан ортиқ Андижонийлар хусусида сўз юритмайман, чунки улар ҳақида махсус мақола эълон қилганман[13]. Фақат бунга қўшимча равишда "Тарихи Рашидий"да тилга олинганларни қўшсак, бу рақам 30 дан ортади.

Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкираси Мавлоно Қудсий, Мавлоно Сангий, Фозил Андижоний, Насибий Андижоний, Муҳамад Шариф Садр ва Андижонда яшаган Амир Боқий Косонийни кўрсатади[14].

Малиҳо Самарқандийнинг "Музаккирал асҳоб"ида эса ўндан ортиқ Андижоний қаторида "Андижондан келган Бобораҳим Машраб"дан сўз очади.

Мутрибий Самарқандийнинг икки тазкирасида 20 га яқин Андижонийлар тилга олинган. Улар орасида "Тазкиратуш шуаро"да *Аминий, Аҳмад,* Доий Андижоний, Ҳофиз, Юсуфий, Меҳнатий, Убурий, Лойимий Андижоний ва яна бир исми берилмаган Андижонийни тилга олади[15]. Мазкур муал.нинг иккинчи тазкираси "Нусхаи зебойи Жаҳонгир" ("Жаҳонгир даври гўзал адиблар қиёфалари") эса, муал.нинг Ҳиндистонга бориши ва Жаҳонгиршоҳ б-н учрашуви ва унга ҳадя этилган ушбу асар б-н бирга "Тазкираи Жаҳонгир"нинг матнини бизга тавсия қилади[16]. Бу тазкирада Ҳижрий Андижоний, Фозил Андижоний (такрор), Насибий Андижоний (такрор)лар ҳақида нисбатан батафсил маълумотлар бор. Мен улар орасидан биргина *"Мажмаъ ул-фузало" ("Фозиллар тўплами")* эгаси Муҳаммад Ориф Бақоий Андижоний ҳақида сўз юритмоқчиман. Улар Бухорода бир муддат яшагани учун айрим манбалар унга Бухорий нисбасини ҳам қўшиб қўяди. Тазкира 1582 йил декабрда Андижонда ёзила бошлаган, 1595-1597 йиллари Ҳиндистонда тугатилган. Бу тазкира афғонистонлик олим Абдулҳай Ҳабибийнинг "Нусхаҳойи хаттий", А.Накавийнинг "Тазкиранависи дар Ҳинду Покистон", эронлик Гулчин Маонийнинг "Тарихи тазкираҳойи форсий", Хофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома" асарларида

---

[11] Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон маданий муҳити / Асарлар. 5-жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. Б.258.
[12] Азимжанова С. К истории Ферганы второй половины XV века. Т., 1957.
[13] Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004.
[14] Нисорий Ҳ. Музаккири аҳбоб (И.Бекжон таржимаси). Т., 1993.
[15] Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.
[16]

тавсифланган[17]. Мазкур асарда ўрта осиёлик 350 нафар шоир, ўзига замондош бўлганлардан Нозимий тилга олинади. Асли бухоролик Мушфиқийнинг шогирди бўлган. "Орифу-л-осор" ("Маърифатли асарлар") асари ҳам бор. Бақоий мазкур тазкирасида ёзишича, Андижонда шайбоний хукмдорларидан Исфандиёр бин Хусрав бин Ёрмуҳаммад бин Жонибек султон хизматида бўлган. 1587 йили Тошкентда, 1589 йилда Ҳиндистонда бўлган, Банголада яшаган. Аграда Абдураҳим Хонихонон хизматига кирган. Акбаршоҳ даврида "Мажмаъу-л-фузало" асарини ниҳоясига етказган. Афсуски, тазкиранинг матни б-н таниш эмасмиз. Асарнинг ягона нусхаси Покистондаги Лахўр ун-ти кутубхонасида сақланади. Агар мана шу тазкира қўлга киритилса, яна қанча Андижонийларни топишимиз мумкин.

Навоийдан кейин Ҳазрат йўлида 32 туркий тазкира битилган. Уларнинг аксарияти Онадули ва Табризда. Бу ҳақда Мустафо Эсоннинг "Тазкирадан биографияга" асари бизга маълумот беради. Мен биргина Содиқ Китобдор Афшарнинг "Мажмаул хавас" тазкирасини эслатиш б-н кифояланаман. Асар 2010 йилда Бокуда чоп қилинган.

Маълумки, Қўқон хонлиги вужудга келиши ва тарихи хусусида 20 дан ортиқ тарихий манбалар бор. Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандийнинг "Ансобус салотин" асарига сўзбоши ёзган Шодмон Вохидов хонлик тарихига оид 24 асарни номини келтирган[18]. Бу тарихий манбалар асосида А.Қаюмов "Қўқон адабий муҳити" асарини, бунгача Пўлотжон домла Қайюмий "Қўқон ад-ти ва тарихи" китобларини ўқигансиз. Булар таркибидаги Андижон адабий муҳитига доир тарихий лавҳалар, айрим ижодкорлар, маданият хабарлари эвазига яна Анидижонийлар рўйхати ортиши шубҳасиз. Мен тарих китоблари эмас, тазкираларга тўхталаман. "Мажмуаи шоирон" Фазлий рахбарлигида Қўқон хони Умархоннинг топшириғи б-н муал.лар жамоаси 1821 йил январ ойида ёзиб тугаллаган. Асар(1762-1827)да XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқон, Андижон, Марғилон, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Балх, Қашғарда яшаб ижод этган 100 га якин шоирлар ҳақида маълумот берилган. Улар орасида Зийнат Андигоний ҳақида дадил фикр юритиш мумкин.

Бир тазкира Нодирабегимни етказиб берган Андижон адабий муҳити ҳақида бўлиб, афсуски, унинг номи бору ўзи ҳалигача топилмаган. ??????????????????????????????

Пўлатжон домла Қайюмий икки тазкира ёзгани маълум. Уларда Шоҳ Тоҳирий Андижоний, Али Навидий, Фуркатий Андижоний, Калоний, Сипоҳий кабилар тилга олинади.

Фитрат домла "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи"да Навоийнинг мусиқа устози Юсуф Бурхон Андижонийни ва Дарвиш Али Чангийнинг "Мусиқий рисоласи"да тилга олинган Мақсуд Андижонийни эсга олади. Улардан бири Аблуқосим Бобур хизматида, иккинчиси Султон Ҳусайн

[17] *Ҳофиз Таниш Бухорий.* Абдулланома. 2-т. Т.: Шарқ НМК, 2000.

[18] Вахидов Ш. Историческая наука в Кокандском хагстве / С.2-71.

мирзо хизматида бўлган эди. Ҳокимият Шайбонийхонга ўтгач, Мақсуд Андижонийни Шайбонийхон Бухорога чақиртириб олади. Асар муал.и Дарвиш Али Чангий "мен у вақт Андижонда эдим" деб ёзганидан бу улуғ мусиқий устозининг юқорида номлари тилга олинган мусиқашунос ва машшоқлар б-н алоқаси янади очиладики, Мақсуд Андижонийнинг айрим байтлари ҳам мусиқий рисолаларда келтирилган бўлиши мумкин.

Абдулазиз Мажзуб Намангоний "Тазкираи Мажзуб Намангоний" б-н Рушдийнинг Кошғарда Хўжам Пошо ҳонақоҳида тузилган "Тазкиратул авлиё"сидаги сўфийларни тилга олганим йўқ. Фақат Валийлар ҳақида сўз кетганда, машҳур Мадали эшон ҳазратларининг "Ибратул ғофилин" асари ("Пандлар" номи б-н Маҳмуд Ҳасаний нашр қилдирган) ва "Манақиби Мадали эшон" ("Манақиби Дукчи эшон" номи б-н Бахтиёр Бобожонов Олмаотада нашр қилдирган асарларни тилга олиш кифоя.

Ҳорижда XX асрда тузилган тазкиралар ичида "Мажмуату-ш-шуаро" номи б-н ("Ал-ушшоқу-л-камол") тазкирасини тилга оламан. Унда тузувчи Камолиддин ибн Абдулхолиқ Андижоний XVI-XX асрларда яшаган шоирлар ҳақида маълумот бор, уни проф. С.Жалилов Саудия Арабистонидан келтирган.

АНДИЖОН ЗИЛЗИЛАСИ (1902.16/XII) – Ўрда Осиёдаги кучли зилзилалардан. Андижон ш. ва атрофидаги кишлоқлар катта талафот кўрган. А.з.да 4652 киши нобуд бўлган. Бир ой давомида ер силкиниши давом этиб турган. Зилзила маркази Қораёрда бўлган.

Бад. ад-тда А.з.га бағишланган ўнлаб асарлар яратилган. Жумладан, Мукимий, Завқий, Муҳйи, Ҳазиний, Қорий в.б.нинг шеърларида А.з. воқеаси акс этган.

«АНДИЖОН ТАРИХИ (Қадимги даврлардан XX аср бошларигача)» (2014) – Ю.Х.Матбобоев, З.М.Машрабов асари. Археологик ва ёзма манбалар таҳлиллари натижасида мамлакатдаги кўҳна ш.лардан бирининг тарихи, тараққиёт босқичлари белгиланиб, умумий тарзда "А.т." баён қилинган. Илк манбалар м.а. VI-III асрларга оид бўлиб, ш.нинг юзага келиши, топографияси, сув таъминоти ва қад. маданий ашёлар ўрганилган. Китобга тарихга оид юзга яқин сурат, чизма, археолик қазишма намуналари илова қилинган.

♦ *Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З.* Андижон тарихи. Қад. даврлардан XX аср бошларигача. Т.: SHARQ НМАК, 2014.

АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛОНИ (1898/17.V) – мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган ўзбек миллий озодлик ҳаракати. *Дукчи эшон воқеаси* номи б-н машҳур. А.қ.га мингтепалик сўфий Муҳаммадали халифа Собир ўғли раҳбарлик қилган. А.қ. Россия мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган дастлабки уюшган қуролли ҳаракат бўлгани учун Чор Россияси унинг қатнашчиларини аёвсиз жазолаган. А.қ. раҳбарларидан 5 киши 1898 й.12

июнда 8 минг киши қўз ўнгида осиб ўлдирилган, 18 нафари осишга, 344 нафари 4 й.дан 20 й.гача, 3 нафари умрбод қамоқ, 8 нафари турли муддатга қамоққа ҳукм қилинган. Жами 388 киши жазоланган.

А.қ.га ўнлаб шеър, қисса ва ҳикоялар бағишланган. Ўзбек шоирлари Муқимий, Завқий, Рожий в.б. асарларида қўзғолон қатнашчилари танқид остига олинган.

• *Фозилбек Отабек ўғли.* Дукчи эшон воқеаси. Т., 1992; *Эгамназаров А.* Сиз билган Дукчи эшон. Т., 1994; *Болтабоев Ҳ.* Ёлланган ад-т сирлари / Мумтоз сўз қадри. Т.: Адолат, 2004.

АНДИЖОНИЙ, Доий (XVI) – шоир ва маърифатпарвар. Бухородаги Мираараб мадрасасида таҳсил олган. Камбағаллигидан уйланолмай юрганида дўстлари уни уйлантириб қўйишган. Бундан хижолат бўлиб, Ҳиндистонга кетиб қолган. Гужарот ш.да яшаган ва ўша ерда вафот этган. У ҳақда Мутрибийнинг "Тазкирату-ш-шуаро" сида "Фозил киши эди ва шеър яратиш бобида етук истеъдодини намойиш этарди" деган маълумот б-н қуйидаги машҳур байтини келтирган:

Доий ба хидмат омаду иқбол дар наёфт,
Бўсид остону дуо гуфт, боз гашт.

Мазмуни:

Доий хизматга келди-ю, бахту иқбол топмади,
Даргоҳ бўсағасин ўпди-ю, дуо қилди-ю қайтди.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АНДИЖОНИЙ, Лойимий – XVI асрда яшаган шоир. А. Самарқандга зиёрат қилгани ҳақида Мутрибий тазкирасида мухтасар маълумот берилган: "Мустаҳкам сўзли шоирлардан эди. Мана бу байтини ҳазрат қутб ил-аброр хожаи Аҳрорнинг – *сирлари муқаддас* – нурга тўла мозори деворига жалий қалами б-н эсдалик учун шу шариф мақомда жойлашган арғувоний дарахтларга нисбат бериб ёзган эди.

Байт:

Дарахти арғувон чун ман ба чашми пур зи хуни худ,
Саре бар хоки ин даргоҳи олийжоҳ биниҳода".

Мазмуни:

Арғувон дарахти мен каби конга тўла кўз б-н,
Бошини бу олий мақомли даргоҳ хокига қўйган.

Тазкирада А.нинг зулқофиятайн рубоийси ҳам берилган.

АНДИЖОНИЙ, Маҳкам Маҳмуд – к.: Маҳмудов, Маҳкам.

АНДИЖОНИЙ, Мир Сарбараҳна (в.1493) – аллома ва тарихчи. Тўлиқ номи: Саййид Шамсуддин Муҳаммад, лақаби Мир Сарбараҳна (Мир – Амирлик мансабига эришганига ишора, Сарбараҳна – ялангоёк). Андижонда туғилган

ва яшаган. Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларидан Амир Ҳамза қиссасини туркчага эркин тарж. қилган. А. номи Алишер Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис», "Бобурнома", Хондамирнинг "Хулосату-л-ахбор", Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" асарларида т.га олинган. Хондамир у ҳақда: "феълининг хушлиги, сўзларининг мулойимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зеҳнининг ўткирлиги б-н замон фозиллари ва давроннинг зийрак кишилари орасида ажралиб турар эди... Ҳиротга келгандан кейин Мир Алишернинг иноята ва тарбияти туфайли фирқадондан юқори бўлди. Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) ҳам ул жанобни мақбул кўрди ва олий мансаблардан садрлик лавозимига тайинлади" деб ёзган. Ҳасанхожа Нисорий унинг шеър б-н машғул бўлганини қайд этиб, А. ижодидан бир матлаъ келтиради:

Ба хун нишастаам аз ханжари жудойи ту,
З-по ўфтодам аз дасти ошнойи ту.

(Мазмуни: Ҳажринг ханжари қони устида ўтириб қолдим, ағёр ила ошнолигинг мени оёқдан олди", Исмоил Бекжон тарж.).

- Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Фан, 1986; Б.67-68; *Нисорий Ҳасанхожа.* Музаккири аҳбоб / Форсийдан Исмоил Бекжон тарж. Т.: 1993. Б.123; *Бобур.* Бобурнома. Т.: 2002. Б.136; *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»да андижонийлар / Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58;

АНДИЖОНИЙ, Мулла Холбек ибн Мулла Муса (?) – адиб ва тарихчи. "Ғарибнома" асарининг муал.и. А.нинг "Ғарибнома" асари ЎзРФАШИда 8816 рақами остида сақланади.

- *Вохидов Ш.* Историческая наука в Кокандском ханстве / Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история хаканов) / Пер. примечания и указ. С.Юлдашева. Т., 2007. С.9.

АНДИЖОНИЙ, Насибий (манбаларда Мавлоно Насибий А.) – ўзбек шоири. Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкирасида т.га олинган "хушгўй шоир"лардан бири. Қатор фазилатлар эгаси бўлган шоирнинг биргина матлаъси келтирилган:

Ба зулфи печ печаш шона то дандона мебояд,
Зи-ғайрат ҳар тараф девонае занжир меҳояд.

Мазмуни:

Ўрам-ўрам сочини бир тўп қилиб тараш лозим,
Ғайратга келиб ҳар тарафдан бир телба занжир ташлагуси.

- *Нисорий Ҳ.* Музаккири аҳбоб / Форсчадан И.Бекчон тарж. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993. Б.116; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон муҳити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.267.

АНДИЖОНИЙ, Муҳаммад Шариф Садр – ўзбек шоири. Асли андижонлик. Бухорода яшаган шоир, кўп фазилатларни касб этгани учун садрлик мансабига кўтарилган. Ҳасанхожа Нисорий уни кўрмаган бўлса ҳам, таърифини эшитиб шў тазкирасида бир байтини келтирган:

Ба хун нишастаам аз ханжари жудойи ту,

Зи-по ўфтодаам аз дасти ошноийи ту.

Мазмуни:

Ҳажринг ханжаридан қон устига ўтирдим,
Ағёр ила ошнолигинг мени оёқдан йиқитди.

- *Бобур.* Бобурнома. Т., 2001. Б.179; *Нисорий Ҳ.* Музаккири аҳбоб / Форсчадан И.Бекчон тарж. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993. Б.264; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон муҳити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.267-268.

АНДИЖОНИЙ, Навидий Али (ваф. 975/1567/68) – Шоҳ Тоҳир Андижонийнинг шогирди. Манбаларда Мавлоно Навидий Туний наққод (пулнинг сохта ёки ҳақиқийлигини текширувчи давлат ходими) деб т.га олинади. Ҳасанхожа Нисорий "Музаккири аҳбоб" тазкирасида шундай ёзади: "Мавлоно Навидий Туний наққодлик амали билан танилган. Олам-атрофни кезиб чиқиб, кемаю қайиқда кўп юрган, денгизлар оша сайру гаштлар қилган. Шеърлари оби-тобида. Бу дур сочувчи матлаъ унинг гуҳарнисор қилувчи хотири денгизидандир. *Матлаъ:*

Ба хўлқи ташнаи мо тиғи ёр жо карда,
Худо ажаб дам обе насиби мо карда".

Мазмуни: Ташна томоғимизда ёрнинг шамшири жой топмиш,
Худо ажаб бир вақтда сувли нарсани бизга насиб айламиш.

Ҳиндистоннинг Дакан вилояти ҳокими Абулфатҳ Низом Ҳусайннинг илтифотига эришган, бироқ кейинроқ ҳокимдан кўнгли қолгани учун тахаллусини Навумидий деб ўзгартирган экан.

- *Нисорий Ҳ.* Музаккири аҳбоб. Т., 1993. Б.120; *Қайюмий П.* Тазкирату-ш-шуаро. 2-жилд. Т., ((((Б.32; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон муҳити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.269-70.

АНДИЖОНИЙ, Тўрахўжа ибн Зиёиддин Хожа – тарихчи, олим ва адиб. В.В.Бартольд манбалардан А. ҳақидаги шундай таърифни келтиради: *"маъруф ба мансаби дивони аз тарафи боргоҳи султоний ва машҳур ба санъати қаламрони ба маишати Яздоний".* "Миръоту-л-футуҳ" ("Фатҳлар ойинаси") асари муал.и. "Таворихи салотин" ("Султонлар тарихлари") номи б-н машҳур бўлган бу асар Қўқон хонлари тарихи (XVIII асрдан бошлаб муал. ҳаётлик даврига қадар)га бағишланган. А. асарини 1281/1864-65 йилда ёзган ва уни Мулла Алимқули (Шоҳ Муродхон даври ҳукмдори Мулла Алимқули (1278-1281/1862-1865 й.ларда ҳукмронлик қилган) бағишлаган. В.В.Бартольднинг таснифига кўра, асар Алим қулига бағишланган муқаддима ва 6 баёндан иборат. 1-баён: Норбўтабий ўлими (1213/1798-99)гача кечган Қўқон хонлиги тарихи; 2-баён: Олимхон (1213-1225/1798-1810), Умархон (1225-1237/1810-22) ва Муҳаммад Алихон (1237-1258/1822-42) тарихлари; 3-баён: Амир Насруллоҳнинг Қўқонни эгаллаши (1258/1842)дан Муслмоқул қўлига ўтиши (1261/1845)га қадар; 4-баён: Худоёрхон ва қипчоқлар; 5-баён: Маллахон даври (1275-1278/1858-1862); 6-баён:

Маллахон ўлими (1275/1858)дан Саййид Султоннинг тахтга чиқиши (1280/1863)га қадар бўлган даврлари тарихи ёзилган. Хотима қисми хонликдаги шоир ва олимларга бағишланган. А.А.Семёнов ва Л.А.Зимин ҳам асарнинг бошқа таҳрирдаги қўлёзмаларини тавсиф қилган. Қўлёзма Ю.К.Казбеков (Марғилон, 1902) захирасидан олинган. Уни Отабек Қозининг кутубхонасида кўргани (1913)ни З.В.Тўғон ёзади (Восточные рукописи Ферганской области. ЗВО, XXII, 1915, с.310).

- *Бартольд В.В.* Отчет о командировке в Туркестане. ЗВО, XV (1904). С.273 / Сочинения. Т.VIII. М., ?????; *Зимин Л.* Зерцало побед ("Фиръоту-л-футуҳ") и его значение для истории Кокандского ханства (Протоколы… Туркестанского кружка любителей археологии). XVIII [вып. 1], Ташкент, 1913. С.31-38.

АНДИЖОНИЙ, Фозил (манбаларда Мавлоно Фозил А.) – етук шоир, бадиҳагўй. Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкирасида "мўътабар фозил, улуғ султонлар томонидан эҳтиром қозонган" шоир сифатида қадрланади. Муаллиф А. б-н кўриша олмаган, у болалагида А. вафот этган. Шундан шоирнинг XV аср охири XVI аср бошларида яшаганини тахмин қилиш мумкин. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни, сўзамоллигини ўз кўзлари б-н кўришни истаганлар талайгина экан. Тазкирада биргина матлаъси келтирилган:

Ҳаст дил Каъбаи мақсуд машав ғофил аз у,
Гарди дил гардки, мақсуд шавад ҳосил аз у.

Мазмуни:

Дил мақсадга элтувчи Каъбадир, ундан ғофил бўлма,
Дилнинг гарди шундай тупроккки, ундан мақсад ҳосили унади.

- *Нисорий Ҳ.* Музаккири аҳбоб / Форсчадан И.Бекчон тарж. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993. Б.105; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон муҳити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.266.

АНДИЖОНИЙ, Фурқатий (в.1026/1617) – ўзбек шоири, Косонда яшаган, форс т.да шеърлар битган. Тазкирада бир байти келтирилган:

Сиёбахтий аз ин пештар намебошед,
Ки мажлиси дигарон равшан аз чароғи ман аст.

- *Қайюмий П.* Тазкирату-ш-шуаро. 2-жилд. Т., ((((Б.32; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон муҳити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.269-70.

АНДИЖОНИЙ, Хожа Калонбек – Бобуршоҳнинг яқин амирларидан. Кобул ва Қандаҳорда амир бўлган. Бобуршоҳ б-н Ҳиндистонга қадар борган, сўнг ўз подшоҳидан рухсат олиб, Ғазнага кетган. Туркий ва форсий аъло шеърлар битгани манбаларда т.га олинади. Кобулда вафот этган. П.Қайюмий тазкирасида бир байт келтирилган:

Надорам тоб дидан пеши у бадхў рақибонро,
Аз ин бар субҳи васли у гузидам шоми ҳижронро.

Мазмуни:

Унинг ёнида хунук башарали рақибларни кўрмакка тоқатим йўқ,

Шунинг учун унинг васли тонгидан кўра айрилиқ шоми афзал. "Бобурнома"да шундай таъриф келтирилган. Ушбу воқеа туфайли ёзиб қолдирган бир байти эътиборли:

- *Қайюмий П.* Тазкирату-ш-шуаро. 2-жилд. Т., ((((Б.32; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон муҳити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.270-71.

АНДИЖОНИЙ, Хожа Ориф Бақоий – XVI асрда яшаган шоир ва тазкиранавис. У ҳақда Абдулбоқий Наҳовандий Абдураҳим б. Байрамхонга бағишланган "Маосири Раҳимий" тазкирасида маълумот берган (1617). А. Мушфиқийнинг шогирди бўлгани, "Мажмаъу-л-фузало" ("Фозиллар тўплами") тазкираси ва "Орифу-л-осор" ("Маърифатли асарлар") асари борлигини ёзади. "Мажмаъ ул-фузало"ни Андижонда Исфандиёр бин Хусрав бин Ёрмуҳаммад бин Жонибек султон шайбоний хизматида турган пайти ёза бошлаган, аммо ўз ватанида тугата олмаган ва ("Абдулланома"да айтилишича, Исфандиёр султон Искандархон томонидан 1582 йил 29 октябрда Фарғона ҳокими қилиб тайинлангани туфайли) 1587 й. Тошкентда бўлиб, ўша йили Ҳиндистон сари йўлга чиққан. А. 997 (1589) й. Ҳиндистонга етиб борган ва дастлаб Аурасия, Банголада яшаган. Аграда "Орифу-л-осор" асарини ёзган. Сўнг Даканга кетиб, Абдураҳим хонихонон хизматига кирган. Акбар подшоҳ даврида "Мажмаъу-л-фузало"ни ниҳоясига етказган. Бу катта ҳажмдаги тазкиранинг "Муқаддима" деб номланган биринчи бобида қад. араб шоирлари ҳақидаги маълумот уч фикра (қисм)да берилган. Иккинчи бобнинг биринчи фикрасида Рудакийдан Жомийгача, иккинчи фикрада Жомийдан Мушфиқийгача, учинчи фикрада тазкиранависга замондош шоирлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Мазкур фикра ва Хотимада ўрта осиёлик 350 нафар шоир, жумладан, Мушфиқий, Ҳасанхожа Нисорий, Нозимий каби замондошлар ҳақида ҳам маълумотлар ҳавола этилган. "Мажмаъу-л-фузало"нинг ягона нусхаси шу кунларда Покистондаги Лохўр ун-ти кутубхонасида сақланади. Бу тазкира афғонистонлик олим Абдулҳай Ҳабибийнинг "Нусхаҳойи хаттий", А.Нақавийнинг "Тазкиранависий дар Ҳинду Покистон", эронлик Гулчин Маонийнинг "Тарихи тазкираҳойи форсий" асарларида қисқача тавсифланган. Нажиб Мойил Ҳиравий эса "Музаккири аҳбоб"нинг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлашда "Мажмаъу-л-фузало"даги Ҳасанхожа Нисорийга оид маълумотлардан фойдаланган.

- *Хофиз Таниш Бухорий.* Абдулланома. 2-т. Т.: Шарқ НМК, 2000.

АНДИЖОНИЙ, Хожа Юсуф (XV) – машҳур мусиқачи, хонанда ва бастакор. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқарога мусиқада устозлик қилган. Андижонда туғилган, Ҳиротда яшаган. Мусиқачи Устод Шодийнинг шогирди. Бойсунқур мирзо саройида катта эътибор топган. Бу ҳақда "Бобурнома"да, Дарвеш Али Чангийнинг "Мусиқий рисола"сида, Фитратнинг "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" асарларида қайд қилинган. А. 360 дан ортиқ куй яратган. "Ироқ" мақомининг муал.ларидан бири. Шероз ҳукмдори

Султон Иброҳим 1000 динор бериб, А.ни пойтахтга чақиртирганида рози бўлмаган.

Манбаларда А. истеъдоли шоир, ўтмишдаги улуғларнинг ёзишмалари тўғрисида насрий асар ёзгани қайд этилади. Дарвеш Али Чангий А. Абулқосим Бобурга бағишланган шеъридан қуйидаги уч байтини келтиради:

Дуреки, дар баригўши ту, шоҳ, мебинам,
Ситораеки, паҳлуйи моҳ мебинам.

Туро чи ғамки, ту худро ҳамиша мебини,
Марост ғамки, туро гоҳ-гоҳ мебинам.

Ба қасди қуштан мо ду чашми жодуят
Ба ойини ду балойи сиёҳ мебинам.

Таржимаси:

Гавхареким, кўргамен, шоҳо, қулоғинг ёнида
Юлдузедирким, кўрингай бирга ой майдонида.
Сенда ғам нетсин, кўрарсен ҳар қачон ўз-ўзингни
Мендадир ғам, чунки бормен бир кўриш армонида.
Боқа олмайдур фусункор кўзларингга кўзларим,
Икки қора бахтими кўргуси боққан онида.

(Азиз Қаюмов тарж.)

• *Семенов А.А.* Среднеазиатский трактат по музыке Дарвеш Али (XVII). Т., 1946; *Бобур Заҳириддин Муҳаммад.* Бобурнома. Т., 2002. Б.35; *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»да андижонийлар / Мумтоз сўз қадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; *Самарқандий А.* Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. Т.: 2008. Б.308-309; *Қаюмов А.* Хожа Юсуф Андижоний / Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.20-46.

АНДИЖОНИЙ, Шайх Нажмий (XX аср бошлари) – дин ва жамоат арбоби, публицист ва адиб. Тўлиқ исми: Мулла Шамсиддин бин Нажмиддин махдум Андижоний. "Ал-Изоҳ" журн.нинг фаол муаллифлари Шерали Лапин, Мулла Пирмуҳаммад аълам, Абдумалик ҳожи Абдунаби ўғли, Саид Аҳрорхон Махдум қаторида саналган.

"Ал-Изоҳ" журн. 1917 йил 9-сонида "Ал-Изоҳ" ҳаққинда ташвиқ" мақоласи босилган. "Шўрои ислом" жамиятининг фаолларидан бўлгани мақолада қузатилади: "Изоҳ" муҳим масалалар, ҳикматли мавъизалар, адабий шеърлар таркатур. Шаҳру диёрнинг бир буржидин сўралмиш бир масала шаръий жавоби, бир мавъиза ва ҳикматли мақолалар бўлса "Изоҳ" васотати илан атроф ва жавониби олама интишор топуб оммаи халойиқни дилларин уйғотиб фойда еткурар. Хулоса. "Изоҳ"нинг аҳамми муҳиммотдин лекини риштаи таҳрира чизуб итмомина еткурмақ мумкин тугал". Журн.да "Зиёлими ёхуд ифтироу бўҳтончими?" (1-жилд, № 6. 1917, 5 август), "Истизоҳ", "Танбиҳ ул-иҳвон" (бир сонда: 1917,17 август); "Истифсор" (1-жилд. № 10. 1917, 11 сентябр) каби мақолалари босилган.

АНДИЖОНИЙ, Юсуф Бадиий (в.1492) – ўзбек шоири, қасида ва муаммо жанрлари устаси. Андижонда туғилган, Самарқандда Қозизода Румий мадрасасида сабоқ олган. Шу ерда Навоий б-н учрашиб, унинг эътиборини қозонган. Сараҳсда вафот этган. "Бобурнома", Алишер Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис», Хондамирнинг "Хулосату-л-ахбор" асарларида т.га олинган. Бобур у ҳақда "қасидани ёмон айтмас эрди" деб маълумот берган бўлса, Навоий "яхши суҳбати бор эрди ва кўбрак синф шеърини яхши айтур эрди ва аруз билур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Гар бад ин обу ҳаво кўяд бувад манзиликум,
Не зулоли Ҳизр бояд, не дами руҳуллоҳум.

(Мазмуни: Агар сенинг кўчанг шу обу ҳавоси б-н менинг манзилим бўлса, на Ҳизр суви, на ўлик тиргизувчи (яъни Исо Масих)нинг нафаси керак)" деб ёзади. "Миръоту-с-сафо" қасидасига татаббуъ тарзида айтилган бир қасидасининг матлаъи ва муаммо жанрида ёзилган бир байтини келтиради. "Муаммо рисоласи" битгани ҳам айтилган. Манбаларда аруз илмига доир рисоласи ҳам т.га олинади. Бироқ ҳар икки рисола сақланмаган.

- Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Фан, 1986; *Алишер Навоий.* МАТ. 13-ж. – Т.: Фан, 1997. Б.60; *Бобур, Заҳириддин Муҳаммад.* Бобурнома. Т., 2002. Б.139; *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»да андижонийлар / Мумтоз сўз қадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; *Тўйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.87; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.6-7.

АНДИЖОНИЙ, Юсуф Сафоий (XV) –ўзбек шоири. Андижонда туғилган, Самарқандда ўқиган, Ҳазрат Навоий б-н талабалик даврида кўришган. Самарқандда (~ 1490-й.ларда) вафот этган. Алишер Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис» асрида у ҳақда маълумот келтирилган ва қуйидаги байти берилган:

Менамояд гоҳи жавлон наъли шабрангат ба чашм,
Чун моҳи нав к-аз назар созанд мардум гойибаш.

(Мазмуни: Тун рангидаги (қора отинг) нағали жавлон уриб кўзга ташланади, худди янги ой одамларнинг кўзидан беркина бергани сингари).

- *Алишер Навоий.* МАТ. 13-жилд. Т.: Фан, 1997. Б.60; *Бобур.* Бобурнома. Т., 2002; *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»да андижонийлар / Мумтоз сўз қадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АНДИЖОНИЙ, Қиличхон (в.1626) — Акбар ва Жаҳонгир давридаги машҳур ҳарбий саркарда ва давлат арбоби. Унинг ота боболари Андижондаги чиғатойлик ҳокимларга хизмат қилган. Отаси Андижондан Ҳиротга келиб, Ҳусайн Бойқаро саройида юкори амаллардан бирини эгаллаган. Бобур 1526 й. Ҳиндистонни фатҳ этгач, А. Ҳиротдан Аграга келиб Бобур хизматига ўтган. Қиличхоннинг ўзи аввалига Акбар, сўнгра Жаҳонгир мулозимлигини қилган. Акбарнинг ҳарбий юришларида иштирок этган ва қатор қалъаларни қамал қилишда фаол қатнашган. Турли й.ларда турли лавозимларни эгаллаган: Гужорат ва Лоҳур ҳокими, Дивони интизом

(хавфсизлик вазири). 1593 й. Кобул ҳокими сифатида Кобул, Кўхистон ва Ғазнидаги равшанийлар ҳаракатини бостиради. Жаҳонгир замонида яна Кобул ҳокими вазифасини бажарган. Қиличхон ҳанафия мазҳабида бўлиб, мадрасаларда фиқҳ, тафсир ва ҳадисдан сабоқ берган. Шоир сифатида ҳам шуҳрат қозонган ва Улфатий тахаллуси б-н шеърлар битган. Ш.лар ободонлиги ва янги иморатлар қуришда ўз ҳисобидан маблағ ажратган.

- Маосир ул Умаро. Б.69–73.

М.Ш.

«АНДИЖОННОМА» – Андижон вил. ҳокимлиги ижтимоий-сиёсий газ.си. 1921 й.дан ўзбек т.да чоп этила бошлаган. "Қизил қўшчи ва деҳқон" (1921), "Дархон", "Пахта фронти", "Коммунист" (1938–91) номлари б-н нашр этилган. Газ.да ўзбек адиблари Чўлпон, Асқад Мухтор, Саида Зуннунова, Рустам Раҳмон, Р.Абдураҳмонов, Олимжон Холдор в.б. ишлашган. Таниқли журналистлар К.Йўлдошев, С.Шокаримов, М.Абдукаримов, М.Ниёзов, Р.Файзибоева, З.Муҳиддинов, А.Абдуллаев в.б. хизмат қилишган. 2000 й.дан "Андижанская правда" таҳририяти б-н бирлашган ҳолда фаолият кўрсатади.

АНДОКИД – афиналик ритор, файласуф. Софистлар ишини ҳимоя қилиб (м.а.415), судда нутқ сўзлаган. Ад-т тарихида А.нинг 2 нутқи: "Мистерия ҳақида" (м.а.399), "Ўзимнинг қайтиши ҳақида" (м.а. 411) эътибор қозонган. А. ўз гутқларида ўз яқинларини ҳимоя қилган, бироқ натижа бўлмаган.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.385, 386, 494.

АНДРАДЕ (1893–1945) – Бразилия шоири. Тўлиқ исми: Марио де Андраде. Сан–Паулода туғилган, 1917 йили консерваториянинг пианистлик бўлимини тугатган. Шу йили биринчи шеърлар тўплами «Ҳар бир шеърда томчи қон бор"ни чоп эттирган. Бразилия модернизми асосчиларидан бири сифатида танилган, янги адабий ҳаракатнинг етакчиси сифатида эътибор қозонган. Верлибр (сарбаст) вазнида шеърлар битган биринчи бразил шоир. Жонли халқ т.ни шеъриятга олиб кирган, ўз она т. – португал т.нинг грамматик қоидаларини шеъриятда барқарор қилишга ҳаракат қилган. Бу қарашлари "Телба Сан-Пауло" тўплами (1922)да эълон қилинган. "Хаки гулининг ҳиди" (1926), "Клан Жаботи" (1927), "Камбағалликнинг якуни" (1930), "Шеърлар" (1941) китоблари ҳам шу руҳда битилган. Ўлимидан кейин чоп этилган "Сан–Пауло лираси", "Камбағаллик машинаси", "Кофе" каби шеърлар тўпламлари гражданлик руҳининг юксаклиги б-н диққатни тортади. Мусиқа ва ад-т танқидчиси, эссеист ва публицист сифатида ҳам машҳур. 1983 й.да бир туркум шеълари рус т.да чоп қилинган.

- Поэзия Бразилии. М.: Художественная лит-ра, 1983. С.102-125.

АНДРАДЕ (1902 – ?) – Бразилия шоири. Тўлиқ исми: Карлос Друммонд де Андраде. Минас–Жерайс штатига қарашли Итабир ш.да туғилган. Фармокология курсини тугатган бўлса-да, ўзини шеъриятга бағишлаган.

Бразил модернистик ҳаракатига қўшилган. “Ревиста” (1925–26) журн.нинг ташкилотчиларидан бири. 1930 й.да биринчи шеърлар тўплами “Айрим шеърлар” чоп этилган. Бир қатор адабий мукофотлар совриндори. 1983 й.да “Қалб тўри” (1934), “Дунёни ҳис қилиш” (1942), “Халқ гули”(1945), “Нарсалар сабоғи” (1962), ““Чўнтак гитараси” (1955), “Баҳорги нутқ ва айрим соялар” (1977) тўпламларидан олинган туркум шеърлари рус т.да чоп қилинган.

♦ Поэзия Бразилии. М.: Художественная лит-ра, 1983. С.192-223.

АНДРЕ, Карл (1935 й.т.) – америкалик абстракционист-ҳайкалтарош. Предметсиз санъат, яъни минимализм оқими асосчиси. Ғишт, металл ва пенопласт ҳамда цемент блокларидан турли хил конструкциялар муал.и сифатида шуҳрат қозонган. А.нинг ижодий формулаларидан бири: “Инсон тоққа интилади, чунки у бор. Инсон санъат асарини яратади, чунки у йўқ”. Ҳаётда муқобили бўлмаган санъат асари яратувчиси сифатида танилган.

• Энц-я модернизма. М.: Эксмо–Пресс, 2002. С.125.

АНДРЕ СТИЛЬ – қ.: Стиль, Андре.

АНДРЕЕВ, Даниил Леонидович 1906–1959) – рус адиби. Берлин (Германия)да туғилган. Л.Н.Андреевнинг ўғли. Шўро даврида Россияда яшаган, Олий ад-т курсини тамомлаган. II жаҳон урушида қатнашган. 1947 й. антисовет руҳидаги асаолари туфайли ҳибсга олинган. 1957 й. озод қилинган ва турмада касалланганлиги туфайли тез орада вафот этган. “Тунги сайёҳлар” (1942) романи муаллифи. “Дунё гули” (“Роза Мира”) фалсафий романний эссеси турмада ёзилган ва XX асрнинг 50-й.ларида қўлёзма ҳолида тарқалган.

А.нинг ўзига хос китобида “интеррелигия” (динлараро) масаласи кўтарилган бўлиб, бу асар айрим насронийлар томонидан танқид қилинган. Хорижда бир неча марта чоп этилган.

♦ *Андреев Д.* Роза Мира. М.: Руссико, 1991.

АНДРЕЕВ, Леонид Николаевич (1871–1910) – рус адиби. Москва ун-ти юридик фак-тини тамомлаган. Асарларида танқидий реализм руҳи етакчилик қилган. “Бергамот ва Гараська” (1898), “Девор” (1901), “Фикр” (1902), “Ш.” (1902), “Белгилар” (“Призраки”, 1904). Рус ҳаётидаги мавжуд ҳолатни очиқ танқид қилгани учун қувғинга учраган. “Савва” (1907), “Жаҳолат” (“Тьма”, 1907), “Очиққан подшоҳ” (“Царь голод”, 1908), “Сашка Жигулёв” (1912) каби қисса ва романлари шуҳрат қозонган. “Ҳаётимиз кунлари” (“Дни нашей жизни”, 1908), “Анфиса” (1909) драмаларида рус кишилари турмушини очиқ кўрсатган.

♦ *Андреев Л.* Полн. собр. соч. Т.1-8. Спб, 1913; Повести и рассказы. М., 1957; Пьесы. М., 1959.

• *Афонин Л.* Леонид Андреев. Орёл, 1959; *Андреев В.* Детство. М., 1966.

АНДРЕЕВ, Михаил Степанович (1873/11.IX–1948/10.XI) – филолог ва шарқшунос олим. Ўз-н ФА акад. (1943), Россия ФА мухбир аъзоси (1929), Ўз-н ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1945, 1944). Тошкент ш.да туғилган. Эшонқули додхоҳ мадрасасида ўқиган (1894). Тошкент реал билим юртида ўқитувчи бўлибишлаган (1896). 1897 й. Мўғулистон ва Шарқий Туркистон экспедицияларида иштирок этган. 1918–20 й.ларда Туркистон шарқшунослик ин-ти, кейинроқ Ўрта Осиё давлат ун-тида шарқшунослик ф-ти декани. 1927–47 й.ларда доцент, проф. Ўз-н ФА Тарих ва археология ин-тида этнография бўлими мудири (1944–48) бўлиб ишлаган. Шарқий Эрон т.лари таснифига оид асарлари ҳам бор.

АНДРЕЙ (Инжил) [мифология] – насронийлик мифологиясида 12 *апостол*лардан бири. Пётрнинг укаси, Галилей ороларида овчилик б-н шуғулланган. Исо а.с. томонидан биринчилардан бўлиб, апостол сифатида чорланган. Болқон ва Қора денгиз атрофларида скифлар, юнонларнинг ш.ларида насронийлик тарғиботи б-н машғул бўлган. Рим магистрининг буйруғи б-н Патра (Гркция) ш.да хочга тортилган. Рус манбаси "Ўтмиш қиссаси" ("Повесть временных лет")да ёзилишича, А.Херсонес (Корсуни) ш.дан Киев ва Новгород ш.ларигача келиб, православ таълимотини ёйган. Киев Руси А.ни рус давлатчилиги ҳомийси, чор Русияси ҳарбий денгиз флотининг ҳимоячиси деб бнлгилаган. Пётр I А. байроғи, А. орденини таъсис этган.

- *Аверинцев С.С.* Андрей / Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.80-81.

АНДРИ БРЕТОН – қ.: Бретон, Андри.

АНДРОГИН (юнонча: andrógynos – эркак-аёл) [герменавтика] – ад-тга гендер фалсафсаси асосида ёндашув. Эркак ва аёллик хусусиятларига эга бўлган қаҳрамон бадиий асарлар қаҳрамони. В.Вульфнинг "Орландо" (1928) романида А. персонаж бор. Асарни танқид қилган С.Т.Колриджга жавобан "Ўз уйим" (1929) китобида бу истилоҳ юзасидан мулоҳазаларини билдирган.

- *Cuddon J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.28.

АНДРОМАХА (юнон) [мифология] – юнон мифологиясида Гекторнинг хотини, Фива ҳокими Ээтион ўғли. Троя урушида Фива Ахилл томонидан эгалланганда А.нинг отаси ва етти акасини ўлдирган. "Илиада"да Гекторнинг вафодор ва севимли хотини тарзида тасвирланган. Троя урушидан кейин ўғли Ахилл б-н ёлғиз қолган. Ад-тда вафодор аёл тимсоли. Еврипиднинг "А." фожиасида унинг аччиқ қисмати баён қилинган. А.нинг Гектор жасида устидаги ҳолати Европа рангтасвирида минг йиллар давомида қайта мурожаат қилинган тасвир (Ж.Л.Давид, П.П.Рубенс расмлари) бўлиб,

мотам рамзига айланган. Бадиий ад-тда А. мавзусида либретто, мелодрама, симфоник поэма ва фожиалар яратилган. Мас., француз классицизми намояндаси Жан Расин "Гектор ва Андрамаха" фожиасини ёзган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.81-82; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.363, 369.

АНДРОМЕДА (юнон) [мифология] – мифга кўра Эфиопия подшохи Кефей ва Кассиопеянинг қизи. Уни қурбонликдан Персей қутқариб қолади ва уйланади. Улардан катта авлод қолган: Электрион, Амфитрион, Алкмена, Геракл в.б. Персей томонидан А.нинг қутқарилиши воқеасига кўплаб санъат асарлари бағишланган. XVI-XVIII асрлар Европа драматургиясида Г.Сакс, П.Корнель, П.Калдерон, Лопе де Вега кабилар томонидан драма ва опера либреттолари ёзилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.82.

АНДРОНИК, Ливий – қадимги Рим шоири (???). Гомернинг "Одиссея" асарини юнончадан лотин т.га тарж. қилган. Юнон шеърияти руҳида асарлар битиб, Рим ад-тининг илк шаклланишига хизмат қилган.

- *Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М.* Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.183.

АНДРОЦЕНТРИК (юнонча: anér – жинс, andros – эркак) [герменавтика] – эркак дунёқарашини юқори деб билувчи қараш. А. *патриархат* тушунчасини мутлақлаштиришга хизмат қилади. Ғарб тушунчасига кўра, ад-тга гендер ёндашувининг белгиси сифатида хизмат қилади.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.28.

«АНДХРА МАҲАБҲАРАТА» – телугу ад-тининг илк намунаси. XI–XIV асрларда Нанная, Тикана, Ерапрагада каби шоирлар томонидан қайта яратилган. "А.М." "Маҳабҳорот" асарининг тарж.си эмас, балки Андхра халқи ҳаёти воқеаларини акс эттирувчи асар сифатида қадрли. Нанная (1022–63) «А.М.»нинг биринчи ярмини яратган. У санскрит лексикаси асосида телугу ёзма ад-тини шакллантирган. Тиккана (1230–1300) асарнинг 15 қисмини ёзган. Ерапрагада (1280 –1350) эса салафлари бошлаган асарни охирига етказган.

АНЕСТЕЗИЯ (юнонча: ҳис қилмайман) [эстетика] – тиббиётда ҳис қилиш қобилиятининг йўқолиши. Айрим ҳолларда "ҳавоси хамса" (беш сезги)дан бирининг ўз қобилиятини йўқотиши. Ад-тшуносликда бад. асарнинг эстетик қувватини ҳис қилмаслик.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.52.

АНЕКДОТ (юнонча: anecdotos – *нашр қилинмаган*) – латифа, оғзаки шаклда яратилган, кутилмаган фавқулодда ечимга эга кулгили кичик хикоя. А. дастлаб Византияда Прокопий (VI)нинг «Сирли тарих» сатирик асарига нисбатан қўлланилган. Европа Уйғониши даврида қайта жонланган. П.Браччолининининг "Фаценциялар" китоби машхур бўлган. Россияга бу истилох XVIII асрнинг иккинчи ярмида кириб келган. XX аср Ғарб ад-тида бу жанрнинг усталари сифатида Б.Брехт, Ф.Вайскопф танилган. А. замонавий ш. фольклорида кўп қўлланилади. Тадқиқотчи Ю.Борев фольклоршунос-ликка «зиёлилар А.и» терминини олиб кирган. Сиёсий мавзудаги А.ларни "Сталиниада" (1991), "Шўро давлати тарихи ривоят ва А.да" (2003) китобларида тўплаб, нашр қилдирган.

- *Маслова Е.* К истории анекдотической лит-ры XVIII в. / Сб. стат. В честь акад. А.Н.Соболевского. Л., 1928; *Борев Ю.Б.* Сталиниада. Чита, 1992; *Он же.* XX в. в преданиях и анекдотах: в 3-х т. Харьков, 1996; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.12; *Борев Ю.Б.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.28-29; Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.84-91; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.17.

АНЖАНБЕМАН (французча: enjambement – *кўчириш, кўчирик*) [поэтика] – гап ёки сўзнинг ритмик пауза б-н бўлиниши натижасида кейинги янги сўз ёки ибора учун асос хосил қилиниши. А. мисралараро, строфик (бандлараро), бўғинлараро бўлиши мумкин. Сўнггисига мисол:

У –
лица.
Лица
у
догов
годов
рез-
че.
Че-
рез
железных коней
с окон бегущих домов
прыгнули первые кубы.

В.Маяковский. Из улицы в улицу, 1913

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.42; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.19, 119.

АНЖОМ (в.1746) – эронлик шоир, сафавийлар хонадонидан. Асл исми: Амирхон. Бобурийлар даврида Ҳиндистонга келиб, Дехлида яшаган. Аврангзеб даврида Кобул ва Аллоҳобод вилоятлари ҳокими. "Навоби

умдату-л-мулук” унвони берилган ва вазири аъзам вазифасида ишлаган. Манбаларда машҳур байти келтирилган:

Фарёдки, пироҳани девонагийи ман,
Чун домани саҳро хатар аз чок надорад.

Таржимаси: Фарёдки, менинг девонавор кўйлагимнинг
Саҳро этағидай чоки йиртилиш хатари бор.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.25.

АНЖУМАН (арабча: нужум – юлдуз, анжум – юлдузлар) [тасаввуфшунослик] – I. диний-тасаввуфий истилоҳ. Сўфийлар халқ, йиғин, мажлисни “анжуман” билишган. Нақшбандийликда *хилват дар анжуман* деган қоида бор. Анжуманда хилват деганда кишининг жамоа, одамлар ичида бўлмоғи, жамият ҳаётида фаол иштирок этмоғи кўзда тутилади. Аммо у ўзини хилватда яшагандек ўзини тутмоғи, яъни кўнглидаги сирлар (илоҳий муҳаббат)ни ошкор қилмаслиги керак.

Десанг хилватим анжуман бўлмасин,
Керак анжуман ичра хилват сенга.

(Алишер Навоий)

II. кенг доирада ўтказиладиган илмий ва назарий мажлис, йиғилиш, кенгаш. Бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган таниқли шахслар гуруҳи. Мас., “Анжумани тарих”. Бухорода 1921 й.да ташкил топган илмий жамият.

АНЖУМАНДА ХИЛВАТ – к.: Хилват дар анжуман.

АНЖУМИЙ – бухоролик шоир. Асл исми: Мирзо Боқий. Абдуллоҳхон Иккинчининг амирларидан бирининг ўғли. А. Андижон ҳокими Асфандиёр султон хизматида бўлган. Ҳиндистонда Султон Салим (Жаҳонгир) бин Акбар подшоҳни мадҳ қили, унинг илтифотига эришган. Мутрибий “А. хунук башарали бўлса-да, шеърлари чиройли. А.нинг латиф таъби бор эди. Сўз санъатида аниқликка риоя қилмасдан туриб сира шеър ёзмасди” дейиш б-н бирга унинг Жаҳонгир минган отга бағишланган рубоийси, Ҳасанхожа Нисорий матлаъсига битган татаббуъсини ва беш байтлик ғазалини келтиради. Ғазалнинг матлаъси:

То дили Фарҳодро Ширин барад аз дилбарий,
Гашта қуллоби муҳаббат нохуни кабки дарий.

Мазмуни:

Фарҳод дилини дилбарлик ила илитмоги учун Ширинниng
Дашт каклигининг тирноқлари муҳаббат илгакига айланди.

“Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасида айтилишича, А. Самарқандда Камолиддин мунажжимдан астрологияни ўрганган ва А. тахаллусини олган. А.1605 й.дан кейин Лоҳўрда вафот этган.

- *Мутрибий.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2013; *Каримов У.* Ад-ти точик дар асри XVI. Душанбе: Дониш, 1985. Б.109.

«АНЖУМУ-Т-ТАВОРИХ» – муаллифи номаълум тарихий асар. Форс т.да. Қўқон хонлиги тарихи ёритигани, айрим воқеалар Худоёрхон ўғиллари Муҳаммад Амин ва Ибн Ямин мақолаларидагига тўғри келгани учун, улардан бирига нисбат берилади. Икки қисмдан иборат: 1-қисмда– Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир тарихи баён қилинади. 2-қисмда Қўқон хонлиги тарихи баён қилинган.

- *Худаярханзаде.* Анджум ат-таворих (Звёзды истории). Т.: Янги аср авлоди, 2011.

АНЗУ(Д) (шумер, аккад т.ларида шамол, бўрон) [мифология] – шумер-аккад мифологиясида илоҳий баҳайбат бургут. А. шер (арслон) бошли деб тасаввур қилинган. Манбаларда м.а. XXVI асрдан номи келтирилган. А. момақалдироқли булут тимсоли сифатида қўлланади. Мифларда ер ва осмон ўртасида, яъни инсон ва илоҳлараро воситачилик қилувчи мавжудот. Билгамиш ҳақидаги эпосда достон қаҳрамони томонидан дунё дарахтидан қувиб юборилган.

- Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.
- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.82-83.

АНИКСТ, Александ Абрамович (1910–?) – рус ад-тшуноси, театр танқидчиси. Санъатшунослик доктори (1963). 1930 й.дан асарлари чоп этилади. А. ўз илмий фаолиятини Англоамерика ад-тини ўрганишга қаратган. Инглиз драматургияси, жумладан, Шекспир ижоди ҳақида салмоқли тадқиқотлар яратган. “Шекспир ижоди” (1963), “Шекспир” (1964), “Шекспир даври театри” (1965) шулар жумласидан.

- *Аникст А.А.* История английской лит-ры. М., 1956; Бернард Шоу. М., 1956; Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. М., 1967.

АНИМАЛИЗМ (французча: animaliste, лотинча: animal – ҳайвон) [эстетика] – рангтасвир, ҳайкалтарошли в.б. санъат турларида ҳайвонлар тимсолини тасвирлаш. Илк А. Миср эҳромларига чизилган *Анибус* сурати бўлиб, унинг боши бўри қилиб тасвирланган эди. Қад. санъатда ривож топган “ҳайвон услуби” А.нинг назарий асосларини ўрганиш натижасида вужудга келган. А. усулида ҳайвонлар сурати ишлаш идишларда, мозаика ва ҳайкалтарошликда фаол қўлланилган. XVII асрдан Европа санъатида А. кучайган. А.Кейп, П.Портер, Р.Бонер, Н.Е.Сверчков, Е.А. Лансаре А. вакиллари саналади.

АНИМАЛИСТИКА (французча: animaliste, лотинча: animal – ҳайвон) [эстетика] – тасвирий санъатда ҳайвонларни тасвирлаш; Илк даврларда бевосита ҳайвон сурати (скиф маданиятида), ҳаёлий маъбудлар сурати (ярим ҳайвон қиёфасида) чизилган бўлса, антик давр ва ўрта асрлардан бошлаб, А. суратлари сатирик ва рамзий маънони акс эттира бошлади. Қад. Хитой, Японияда безак ва биноларнинг девор ва пештоқларига чизилган. Уйғониш

даврида Пизанелло, А.Дюрер; XVII асрда Голландияда П.Поттер, А.Кёйн; Францияда Ж.Б.Удри, Россияда И.Ф.Гроот чизган суратлар А.-ик жанрга мисол бўла олади.

Ўз-нда сопол ва шиша буюмларга, Афросиёб деворларига, мадраса ва бинолар пештокларига чизилган. Мас., Самарқанддаги Шердор мадрасасида шер, Бухородаги Девонбеги мадрасасида семурғ қуш, кийик тасвири чизилган.

АНИМАЛИСТ (французча: animaliste, лотинча: animal – ҳайвон) [эстетика] – ҳайвонлар суратини чизувчи рассом. А. термини ҳайкалтарошликда ва бад. ад-тда ҳам қўлланилади. Мас., ҳайвонлар ҳақида ҳикоялар муал.и Сэтон-Томпсонга нисбатан. Ўз-нда ҳайкалтарошлар А.Бойматов, П.Иванов, Э.Алиев, И.Жабборов ижодида ҳам учрайди. Амалий санъатда ўзбек усталари У.Жўракулов, Ҳ,Раҳимова, А.Мухторов в.б. ҳайвон шаклларини ишлаганлар.

• *Ватагин В.А.* Изображение животного. М., 1957.

~ тик жанр (французча: animaliste, лотинча: animal – ҳайвон) [эстетика] – ҳайкалтарошлик, рассомлик (мойбўёк, графика)да ҳайвонлар, жониворхашаротлар суратини яратишга каратилган соҳа.

АНИМАТИЗМ (лотинча: animatus жонли) [мифология, диншунослик]– жонли табиатнинг шахссиз дунёсига эътиқод қилиш. Диншунос олимлар (Л.Я.Штернберг) А.ни бошқа эътиқод ва инончлардан (*анимизм*дан ҳам) илгарироқ вужудга келганини таъкидлашади. А.га эътиқод қилувчилар назарида жонли табиат бирламчи ва доимо мавжуд, дунёни у бошқариб туради.

• *Штернберг Л.Я.* Первобытная религия в свете этнографии. Л., 1935; *Токарев С.А.* Ранние формы Религии и их развитие. М., 1964.

АНИМАЦИЯ (лотинча «animation» – жонлантириш) [эстетика, киноматограф] – кино санъатида нарса ва предметлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини жонли одамлардай ўзаро мулоқотда бериш санъати. А. мультипликация («multiplicatio» – кўпайтириш) деб ҳам юритилади. А. ўзига хос синтетик санъат бўлиб, унинг предмети чизма ёки қўғирчоқ образлар узвий ҳаракатларига асосланган. А.да образ ҳаракатининг ҳар бир фазаси алоҳида шаклларда тасвирланади ва кадрлар кетма-кетлигида суратга олинади. Тасмага туширилган чизма ва қўғирчоқ образларнинг секундига 24 кадр тезлигидаги проекцион тасвири натижасида экранда ҳаракатнинг «жонланиш»и юзага келади. А. кенг тарқалган турлари – *чизма* ва *уч ўлчамли* бўлиб, *чизма* А. суратли, сояли ва «қоғоз қўғирчоқ»ларга асосланган бўлади. *Уч ўлчамли* технологияда эса қўғирчоқ, турли шаклдаги предмет ва жонли персонажлар кадрма кадр суратга олинади.

Э.Рейно «Оптик театр» номи остида чизма киносеанслари А.га (1892, Париж) асос солган. *Чизма* расмларни кинематографик усулда кадрма-кадр суратга олиш техникаси француз Эмиль Коль томонидан (1906-1908) ишлаб чиқилган ва "Фантасмагория" (1908) фильмида амалга оширилган.

Қўғирчоқ мультипликациясини Россияда Владислав Старевич (1911) йилда бошлаб берган. Унинг «Гўзал Люканида», «Ҳашаротларнинг авиация ҳафталиги» (1912), «Ниначи ва Чумоли» (1913) фильмлари мавжуд мелодрамаларга пародия тарзида ишланган. Уолт *Дисней* А.да табиат манзаралари ва жонзодларни боғлаш усулини қўллаган. У ҳаётий образларни «Алиса мультипликация мамлакатида» фильмида А. дунёсига олиб кирган. Унинг Микки Маус иштирокида биринчи овозли А. фильми «Пароходча Вилли»ни яратган. «Микки – дирижер», «Ўлим ракси», «Оқойим» муал.га шуҳрат келтирган.

- *Гинзбург С.* Очерки теории кино. М.: Искусство, 1974.

Ўзбек ~ си – XX асрнинг 60-йилларида вужудга келди. Реж. Д.Салимов, сценарий муал. ва рассом Ю.Петровнинг «6х6 квадратида» илк қўғирчоқ фильми Ўзбек А.нинг асосини белгилаб берди. Дастлаб ўзбек А.си кўпроқ қўғирчоқ фильмларга асосланди. «Зумрад ва Қиммат» халқ эртаги асосида «Сеҳрли сандиқ» (реж. Д.Салимов, рассом Ю.Петров, 1966) А. фильми шуҳрат қозонди. Кейинроқ «Олтиндан қиммат» (сценарий муал. ва реж. Қ.Камолова, рассом Ю.Петров, 1968), «Қайт, бахтим!» (сценарий муал. И.Филимонова, реж. К.Камолова, рассом Ю.Петров, 1969), «Содиқ дўстлар» (сценарий муал. С.Муҳамедов, реж. З.Ройзман, рассомлар В.Акудин, Р.Туманков, 1971), «Кичкина деманг бизни» (сценарий муал. ва реж. К.Камолова, рассом Р.Туманков, 1972), «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак», (сценарий муал.лари А.Қобулов, З.Ройзман, реж. З.Ройзман, рассом В.Гриднев, 1974), «Олтин тарвуз» (сценарий муал. ва реж. Д.Салимов, рассом О.Афиногенова, 1977), «Ажойиб гилам» (сценарий муал. Ж.Исҳоқов, реж. Ш.Шокирова, рассом Р.Туманков, 1977), Реж. Қ.Камолованинг «Булутни ким яратди?», «Раҳим ва Қўнғиз» эртак-фильмларида аллегорик образлар воситасида ҳаётий муаммолар акс эттирилган. Реж. Н.Тўлахўжаевнинг (сценарий муал. А.Файнберг ва рассом В.Гриднев) «Сахродаги кўл» мультфильми умуминсоний мавзуга қаратилган. Америкалик фантаст Р.Бредберининг «Ёқимли ёмғир ёғади» новелласи асосидаги Ў.А. Халқаро фестивалида бош совриндан «Олтин кабутар» (1984) совринини олган.

Мустақиллик йилларида Ў.А.да тарихий йўналиш ривожланди: «Жалолиддин ҳақида достон» (реж. ва рассом М.Маҳмудов, сценарий муал. М.Тўйчиев, 1999), «Тўмарис» (реж. С.Муродхўжаева, рассом А.Сафин, 2002) "Зардуштий юлдузи", «Спитамен», «Алпомиш» (сценарий муал. ва реж. Н.Тўлахўжаев, рассом Б.Исмоилов, 1999-2002) каби А. фильмлари яратилди. Ўзбек А.да М.Маҳмудовнинг «Баҳром ва Дилором» (1996), «Шодмон полвон» (2008), «Зўраки фолбин» (2009), С.Алибековнинг

«Эхограмма» (2003), С.Чуфарновнинг «Мушук ва Жин» (2005), «Қирқ ўлғон» (2007), «Азамат ва танбаллар» (2008), Г.Матевосяннинг «Яна бир эртак» (2005), Д.Власовнинг «Юз қоп қор» (2008), А.Муҳамедовнинг «Моҳир қўллар» (2009) каби асарлари муал.лик А. фильмларидир.

- *Кадыров М.* Узбекский традиционный театр кукол. Т.: Изд. им.Г.Гуляма, 1979; *Мирзамуҳамедова М.* Ўз-н анимацияси. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АНИМИЗМ (лотинча: anima, animus – руҳ, жон) [мифология] – I. руҳлар мавжудлигига эътиқод қилувчилар. А.га кўра, агар жон аниқ бирор кимса ёки жонзод жисмида мавжуд бўлса, руҳлар мустақил мавжуддирлар. А. таълимотига кўра руҳлар инсон ҳаётига таъсир кўрсата олади, деган тушунча мавжуд. Зарур пайтларда, махсус маросим ва мавсумларда руҳларга қурбонликлар қилинган. Руҳнинг мавжудлиги инсоннинг сезгиси, туйғуси, билими орқали англанади. А. термини илк бор Г.Шталь (1708) томонидан ҳали инсоният яратилмаган давр руҳлар оламига нисбатан қўлланган. XIX асрда унинг бу қарашини Э.Тэйлор ва Г.Спенсер давом эттирган. Э.Тэйлор А.га «келиб чикиш назарияси" маъносини юклаган. А.нинг *преанимизм* ёки *доанимизм* тушунчалари Ж.Фрейзер томонидан илгари сурилган ғоя бўлиб, пре-А. дейилганда *анматизм* тушунилган.

II. Африка, Жанубий Америка ва Океаниянинг туб аҳолиси илк эътиқодларига нисбатан А. қўлланади.

- *Тэйлор Э.* Первобытная культура / Пер. с анг. М., 1939; *Эншлен Ш.* Происхождение религии / Пер. с франц. М., 1954; *Францев Ю.П.* У истоков религии и свободомыслия. М.-Л., 1959; *Токарев С.А.* Ранние формы религии и их развитие. М., 1964; *Левада Ю.А.* Социальная природа религии. М., 1965; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.165.

АНИС (арабча: дўст, ўртоқ) [тасаввуфшунослик] – тасаввуфда бир сулукдаги кишиларга нисбатан қўлланади. Абдуллоҳ Ансорий (1006–1088)нинг *«Анису-л-муридин ва-ш-шамсу-л-мажолис»* ("Муридлар дўсти ва мажлислар қуёши") асари Қуръоний мавзудаги "Қиссайи Юсуф" асосида 14 мажлис доирасида битилган. Амир Қосим Анвор (в.1431) *«Анису-л-ошиқин»* ("Ошиқларнинг дўсти") асари буюк орифларга бағишланган. Алишер Навоийнинг бу асардан намуналарни болалик пайтидаёқ ёд олган.

- *Алишер Навоий.* МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

АНИСУ-Л-ҚАЛБ – 140

АНИСИЙ (XVII) – бобурий ҳукмдорлар саройида хизмат қилган озар шоири. Асл исми: Йўлқулибек. Ироқий, Жоҳий тахаллуслари б-н ҳам шеърлар битган. Абулфазл Алломий "Ойини Акбар"да А.И. тўғрисида маълумот беришича, А. ёшлигида Ҳиротда яшаб, ҳоким кутубхонасида ишлаган. Абдуллоҳхон ҳужуми пайти асир тушиб, Мовароуннаҳрга олиб кетилган. Кўп ўтмай қутулиб, Бадахшонга келган ва А. тахаллусини қўллай

бошлаган. А. Ҳиндистонга келиб, Абдураҳим хонихонон хизматига кирган. 1607 й.да Бурҳонпур ш.да вафот этган. Туркий "Девон"и ҳақида Содиқбек Афшор ҳам "Мажмаъу-л-хавос" тазкираси (1598)да ишонарли маълумотлар берган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АНИСИЙ, Абдулаҳад Азизов (1900–1970) – андижонлик шоир ва олим. Андижон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. 1938 й.да Навоий юбилейини ўтказиш қўмитасига ишга таклиф этилган. 1948 й.дан Ўз-н Давлат нашриётида, 1954 й.дан Тил ва ад-т ин-тида ишлаган. Ўзбек ва форс т.ларида ғазаллар битган. "Чертганда дуторимни", "Юрак" (Андижон, 1997) шеър китоблари чоп этилган. Бадриддин Чочий адабий меросини ўрганиб, унинг асарларидан намуналарни ўзбек т.га тарж. қилган, шу мавзуда бир неча мақолалар эълон қилган.

Қабри Андижондаги Бобо Саъдиддин қабристонида.

♦ *Анисий.* Юрак. Андижон, 1997.

• *Самад А.* Андижонлик номаълум ва номаълумроқ шоирлар / Хотира сандиғи. Т.: Фан, 2008. Б.139-140; *Отажон У.* Мушоара.

АНИСИЙ, Али Қулибек (в.1603) – Эрон Озарбойжонидаги Шумлу қабиласининг улуғларидан. Шоҳ Исмоилнинг набираси Иброҳим мирзонинг муҳиби. Ҳиндистонга ҳижрат қилиб, бобурийлар саройида хизмат қилган. "Девон" тартиб берган. "Муҳаммад Аёз", "Маҳмуд ва Аёз" маснавийлари бор. Қуйидаги икки байт унинг маснавийсидан олинган:

Шаҳи соҳибқирони Маҳмуд Ғозий,
Берун омад ба азми сайд този.
Ба хун саййид то олуда домон,
Қарори ин бувад шаҳр бо ғуломон.

Таржимаси:

• *Қайюмов И.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.29.

АНИСИЙ Ўратепагий – ўзбек тасаввуф шоири. Мутрибийнинг ёзишича, Мавлоно Анисийнинг таъби яхши эди ва унинг бу матлаъси шуҳрат қозонган.

Матлаъ:

Агар Мажнун ба роҳи ишқ бо ман ҳамсафар мешуд,
Тариқи ишқ медид аз ману девонатар мешуд.

Мазмуни:

Мажнун ишқ йўлида мен б-н ҳамсафар бўлганида эди,
Мендаги ишқ йўлини кўрарди-ю, баттар жинни бўларди.

Ўратепа ш.га дафн этилган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013

АНКЕТА (французча: enquete – суриштирув) [библиография] – бирор шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий аҳволини баён қилувчи, ўша шахс томонидан тўлдирилиши лозим бўлган ҳужжат. А. воситасида ижтимоий сўров орқали шахснинг қизиқиши, ижтимоий ҳолати, бирор ҳодисага муносабати, баҳолаши в.б. аниқланади. А.да шахс томонидан саволга очиқ ва аниқ жавоб берилиши (1), тавсия этилган жавоблардан бирига қўшилиш-қўшилмаслиги (2) таклиф этилади. А. орқали ўқувчиларнинг бирор адиб асари ёки адабий жараёндаги муҳим асар ва нашрларга муносабати аниқланиши мумкин.

- *Грушин Б.А.* Мнения о мире и мир мнений. М., 1967.

АНКЕТИЛЬ-ДЮПЕРРОН – франц. олими, "Авесто" матнларини излаб топган, уни 1771 й.да тарж. қилиб, франц. т.да чоп эттирган.

АННА АХМАТОВА – қ.: Ахматова, Анна

АННАЛ (лотинча: annus – йил) [адабий жараён] – йилма-йил энг муҳим воқеаларни ёзиб бориш, йилнома юритиш. Ўзбекча *йилнома,* русча *летопис*га тенг тушунча. Рим тарихчиси Корнелий Тацит (II аср)нинг "А.лар" асаридан кейин оммалашган. Дастлаб оқ ганч б-н қопланган тахтачаларга ёзиб қўйилган. "А.лар" (117)да Рим тарихи Октавиан Августнинг ўлими воқеасидан бошланиб (14), милоднинг 68 й.гача бўлган тарихий воқеаларни қамраб олган. Юнон тарихчилари Квинт Пиктор, Л.Цинций Алимент, М.Порций Катон йирик А. тузишган. М.а. 387 й.да Римдаги ёнғин туфайли А. йўқолиб кетган, уни м.а. 130 й.да кишиларнинг хотиралари бўйича қайта тиклашган. Дастлабки "Йирик А.лар" тўплами (80 ж.) ўша даврда тузилган. VI асрдан черковларда А. юритилган. Айрим давлатларда шу номдаги йилномалар тузилган. Кичик А.да оила доирасидаги, айрим сулолалар тарихидаги воқеалар баён қилинган.

- ♦ *Тацит К.* Анналы / Историки античности, т.2. М., Правда, 1989. С.308-410.
- *Люблинская А.Д.* Источниковедение истории средних веков. Л., 1955; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АННАЛИСТ (лотинча: annus – йил) – Қад. Римда ва католик чеорковларида йилнома юритувчи.

АННОМИНАЦИЯ (лотинча: ўзгариш) [лингвопоэтика] – зарурий ўзгариш; бир бўғин таркибида ҳарфларнинг ўрнини алмаштириш орқали мазмунни қарши томонга буриш. Мас., лотинча: amens – жинни, ақлдан озган; amans – севиб қолган. Шеъриятда "телбаларча севиб қолган" ўрнида юқоридаги сўзларнинг ўрин алмашган шакли қўлланилади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.55.

АННОТАЦИЯ (лотинча: annotatio – қайд) [библиография] – бирор китобнинг қисқа тафсифи, баёни. Нашрнинг ихчам баёни бўлиб, муаллиф (таржимон) ёки ношир томонидан тузилади. А. қўлёзма ва мақоланинг асосий мазмун ифодаланган қисқа шаклидир. А. умумий тавсифий тарзда ёки тавсия этувчи характерда бўлади. А. мақсадига кўра асарга баҳо бериши, бирор тақриздан парча келтириши, ад-тга ҳавола қилиши ва муал. ҳақида маълумот бериши ҳам мумкин. А. нашр этилаётган асар ҳақида дастлабки маълумот олишга қаратилган. А. адабий, илмий нашрларга ва қўлёзма ҳуқуқидаги асарларга тузилади. А. илмий ишларга тузилганда мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий қиммати ва албатта, таҳлил усули кўрсатилади. А. мазмуни ва сифатига нашриёт масъул бўлиб, одатда 600 ҳарфий белгигача бўлган ҳажмда тузилади.

- *Шамурин Е.И.* Методика составлений аннотаций. М., 1959; *Мильчин А.* Издательский словарь-справочник / Электронное издание М.., 2006.

АНОКОП [поэтика] – шеърий санъат ифода воситаларидан. Мисра ёки байт сўнгида бирор сўз ёки бўғиннинг тушиб қолиши. Мас., М.Светловнинг "Гренада" шеърида

И мертвые губы шепнули: Грена...
Ушел мой товарищ и песню унёс.

Таржимаси:

Ўликлар ҳам лаб тебратиб: Грена...
Дўстим кетди ва қўшикни олиб кетди

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.78 (эл.версия).

АНОМАЛИЯ (юнонча: anomalia, лотинча: anormitas – *меъёрдан чекиниш*, қоидага тўғри келмаслик) [герменевтика] – ижодий янгилик, ижод жараёнида анъанавий айрим жиҳатларнинг учрамаслиги. Шахснинг ақлий ва ҳиссий ривожланишида меъёрдан четга чиқиш. Авангардизм оқимида А. тарихий анъаналардан чекинишдир. Айни оқимда бу ҳолат ижодий ютуқ саналади.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.34 35;

АНОНИМ (юнонча: anonumos – исмсиз) – [адабий жараён, матншунослик] муаллифи яширинган асар ёки муаллифи номаълум, илмда бу хусусда бир тўхтамга келинмаган асар; хат ёки асарида ўз номини яширган муаллиф. Ўз даврида рус адиблари А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Г.Белинский в.б. имзосиз асарлар ёзишган. А.ликни сақлаш учун кўпчилик адиблар тахаллус қўллайдилар. XX аср 20-й.ларида ўзбек адиблари асл исмини яшириб, турли тахаллуслар б-н ижод қилишган. А. асарлар ва нашрлар ҳам бўлиши мумкин. Мас., "Абушка" луғати. Муал.и номаълум, луғатнинг изоҳ қилинаётган биринчи сўзи "абушка" (қари) бўлгани учун луғат шу ном б-н юритилган,

асл номи кам қўлланилган. Халқ оғзаки ижоди намуналарида, одатда, А.лик хусусияти бўлади.

• *Геннади Г.* Список русских анонимных книг с именами их авторов и переводчиков. Спб., 1874; *Масанов И.Ф.* Словарь псевдонимов русских писателей, учёных и общественных деятелей, т.1-4. М., 1956-60; В мире псевдонимов, анонимов и литературных подделок. М., 1963; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.12; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энцкий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.19; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.27.

АНОНИМЛИК (юнонча: anonumos – исмсиз) [фольклоршунослик] – фольклор хусусиятларидан бири, асар муаллифи номининг маълум эмаслиги. Эртак, достон, халқ қўшиқлари, мақоллар, топишмоқлари ким томонидан яратилгани ва биринчи бўлиб ким айтгани номаълум. Давр ўтиши билан фольклор асарининг илк муаллифлари ёддан кўтарилиши, асар оғзаки равишда оғиздан оғизга ўтиб бориши билан айрим ўзгаришларга дуч келиб, бирламчи вариантдан ўзгариши ҳам мумкин. Шунинг учун оғзаки ижод намуналарини ўрганиш жараёнида мана шу хусусиятни унутмаслик лозим бўлади.

• *Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О.* Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: Ўқитувчи, 1990. Б. 4-14; *Аникин А.* Теория фольклора. М.: Изд. МГУ, 2008; *Мадаев О.* Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. 35-37.

АНОНИЯТ (арабча: менлик) [тасаввуфшунослик] – худбинлик "мен" деб ўзини баланд қўйиш, фақирликнинг акси, тавҳидга тескари тушунча. Бундан ташқари "мен" тушунчасига тааллукли нарсалар: "менинг молим", "менинг кучим", "менинг руҳим", "менинг нафсим", "менинг юрагим" каби. Шахс вужуди ва борлигига тегишли нарсалар анонийт бўлиб, тасаввуфда соликнинг вазифаси анонийт (менлик)ни йўқотиб, Ҳақ дарёсига ғарқ бўлиш. Инсоний "мен" буткул маҳв бўлиб, илоҳий "Мен"га қўшилиши лозим. Навоий ёзади: *"Тавба... **анонийт** гафлатидин сесканмакдур ва башарият уйқусидан уйғонмакдур"* ("Маҳбуб ул қулуб", Б.47).

• *Сажжодий С.Ж.* Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати. Техрон: Сах. 22; *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19.

АНОНС (французча: annonce – эълон) [рецептив эстетика] – олдиндан хабар бериладиган киска афиша эълони. А. бирор концерт, спектакл в.б.нинг олдиндан бериладиган рекламаси тарзида шаклланган. А. айрим спектакллар бошланишида махсус реклама тарзида машҳур адиблар томонидан пьесанинг айрим лавҳаларининг берилиши ҳамдир. А. ад-тда янги чоп этилаётган ёки нашрдан чиққан асар ҳақидаги оммабоп хабар. А. субъекти асар муаллифи томонидан белгиланади, яъни асарнинг бошланишида ёки муаллиф сўзбошисида у ҳақда А. бериши мумкин. Автобиографик асарда А. субъекти ёши улғайган киши бўлса-да, у боланинг «мен»и номидан воқеаларни баён қилиши мумкин. Бу ўринда муаллиф (ёши улуғ киши)

А.лаш субъекти бўлса, асар каҳрамони (бола) А. субъекти деб юритилади. Демак, мантиқан А. ва А.лаш бир ҳодиса эмас. Баён агар учинчи шахс т.дан олиб борилса, А. ва А.лаш субъекти яширинган бўлади.

- *Cuddon J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29.

АНОР (1938 й.т.) – озарбойжон адиби.

"Оқ бандаргоҳ" (1967) қиссаси, "Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати" (1979) романи муаллифи. "Мулла Нариддин – 66" (1970), "Одамнинг одами" (1977) каби наср ва драматургия китобларини ёзган. "Сизсиз" роман-икрорномасини шоир Расул Ризо ва Нигор Рафибейлига багишлаган.

- *Рустамова А., Набиев Б.*, Караев Я. Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005 С.434.

АНОРБОЕВ, Суннатулла (1922–?) – ўзбек адиби. Жан. Қозоғистоннинг Қарноқ қишлоғида туғилган. Наманган пед. техникумида, Низомий номидаги Тошкент пед. ин-тида ўқиган. II жаҳон уруши қатнашчиси. 1949 й.дан "Совет Ўзбекистони", "Правда Востока" газ.лари, "Шарқ юлдузи" журн., "Ёш гвардия" ва Ғафур Ғулом номидаги Ад-т нашриётида ишлаган.

Асарлари 1949 й.дан чоп этила бошлаган. "Ҳикоялар" тўпдами (1957). "Мунаввариинг тақдири" (1964), "Қизил ёнғоқ дарахти" (1971), "Архарлар сузади" (1982), Сайрибоғ қушлар" қиссаларини ёзган. "Оқсой" (1962). "Сайли" (1979) романлари муаллифи.

АНОСИРИ АРБАЪ – к.: Тўрт унсур.

АНРИ БАРБЮС – к.: Барбюс, Анри.

АНРИ МИШО – к.: Мишо, Анри.

АНСАМБЛЬ (французча: ensemble – бирга, бирданига) [эстетика, меъморчилик] – йиғинди, жамланма. Меъморчилик ва ш.созликда бир-бирига уйғун қурилган иморатлар ёки иншоотлар мажмуаси. Рассомлик ва декорация санъатида бир йўналишдаги асарлар йиғиндиси. А. созанда ва оркестрнинг кичикроқ гуруҳига мўлжалланган мусиқа асари. Опера, оратория ва кантаталарнинг бир қисми.

Мусиқада ижрочилар сонига қараб дуэт (2), трио (3), квартет (5), секстет (6), септет (7), октет (8), нонет (9 киши)дан иборат чолғучилар ёки қўшиқчилар гуруҳи. Артистлар ёки санъаткорлар гуруҳи маъносида ҳам қўлланади. Мас., "Баҳор" ансамбли (1957), Мақомчилар ансамбли каби.

- Первая книжка о музыке. М., 1977.

«АНСОБУ-С-САЛОТИН ва ТАВОРИХУ-Л-ХАВОҚИН» (Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари) – Мирза Олим Муширф ибн Мирза Раҳим

Тошкандий асари (1310/1901). Қўқон хонлиги тарихи акс этган ушбу асар муаллифи Худоёрхон саройида мунший (котиб) бўлиб хизмат қилган. Асар Худоёрхон вафоти (Афғонистоннинг Куруҳ қишлоғида)дан сўнг ўзбек ва форс т.ларида ёзилган. "А.с." Муқаддима, Олтиш Бешик афсонаси, Шералихонга қадар ўтган Қўқон хонлари, Шералихоннинг тахтга чиқиши, Худоёрхоннинг тахтга чиқиши, иккинчи марта ўз тахтига эришуви (1279/1863), Султон Саййидхон тарихи, Худоёрхоннинг учинчи бор тахтни эгаллаши ва унинг сафарлари, Насириддинхон ибн Худоёрхоннинг тахтга чиқиши, Чор лашкарларининг Учтепага кириши ва Фарғонани босиб олиши ҳамда муаллифнинг ўз тарихи қисмларидан ташкил топган.

ЎзРФАШИда асарнинг 1314/I, 3753/I, 9841, 7515, 12922/I рақамлари б-н сақланувчи турли қўлёзмалари мавжуд. "А.с." тарихчи С.Юлдашев томонидан рус т.га тарж. қилинган.

♦ *Мирзаолим Мушриф.* Қўқон хонлиги тарихи. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1994; *Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди.* Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история ханаков) / Пер. примечания и указ. С.Юлдашева. Т., 2007.

АНСОЖ ИЛМИ – тиббиётга доир инсон бадани тарбияси тўғрисидаги назарий илм. Бундан ташқари инсон баданини ўрганувчи *Ташриҳ илми* (инсон организми аъзоларининг тузилиши ва таркиби) ва *Манофеъу-л-аъзо* каби ҳар бир аъзонинг таркиби ва ҳаракатини ўрганувчи илмлар мавжуд. Бу уч илм инсон вужудидаги ҳар бир аъзо ва зарра (хужайралар)ни изчил ўрганади. Мана шу илмлар асосида жаррохлик амалиётлари тараққий этган.

• *Фитрат.* Раҳбари нажот. Т.: Шарк НМК, 2001; Асарлар. 5-ж. Т.: Маънавият, 2009.

АНСОРИЙ, Абдуллоҳ (1006–1082) – аллома, мутасаввиф адиб. Афғонистоннинг Кандаҳор вилоятида туғилган. Асл исми: Хожа Абдуллоҳ бўлиб, куняси Абу Исмоил, "Пири Ҳирот" лақаби б-н машҳур. Ҳазрат Абу Айюб Ансорий авлодидан. Алишер Навоий "Насойиму-л-муҳаббат"да А. ҳақида "Лақаби Шайху-л-исломдур ва бу китобда ҳар ердаким Шайху-л-ислом воқеъдурур мутлақ мурод ондиндур ва Ул Абу Мансур Маттул Ансорий фарзандларидандур ва Маттул Ансорий Айюб Ансорий фарзандидурки, Ҳазрат Расул с. а. в. нинг соҳиби риҳли эрмиш" деб ёзган ва А.А. т.дан шу сўзларни келтирган: "аввал мени бир хотун мактабида топшурдилар. Чун тўрт (йил) яшадим. Молиний мактабига топшурдилар. Тўққуз ёшимда имло битидим Қози Абу Мансурдин ва Жорузийдин. Ва ўн тўрт ёшимда мажлисқа ўлтуртдилар ва мен араб дабиристонида кичик эрдим ва шеър айтур эрдим. Андоққи, ўзгаларга ҳасад бўлур эрди ва дебдурки, Хожа Яҳё Аммор харобатларидин бировнинг ўғли менинг била дабиристонда эрди ва мен арабий шеърлар айтур эрдим ва ҳар неки, мактаб аҳли мендин тиласалар эрдики, фалон маънида шеър айт, айтур эрдим, аларнинг тилагонидин ортуқ".

Фасҳ ва ҳадис илмининг машҳур олимларидан. Араб, форс т.ларида кўплаб асарлари бор. "Илоҳийнома" (иккинчи номи "Муножот"), "Ганжнома", "Сад майдон" ("Юз майдон"), "Насойиҳ" ("Насиҳатлар"),

"Табақоту-с-суфиййа" ("Суфийларнинг табақалари") асарлари маълум. Тасаввуфга оид "Манозилу-с-сойирин" номли асари (1082)ни араб ва форс т.да ёзган. Асарга кўплаб шарҳлар битилган. ва шу қитъаси машҳур:

Масту туам аз бода у жом озодам,
Сайди туам аз дона у дом озодам.
Мақсуди ман аз Каъбау бутхон туйи
Вар на ман з-ин ҳар ду мақом озодам.

- *Кароматов Ҳ.* Абдуллоҳ Ансорий ижтимоий қарашларининг айрим хусусиятлари // Адабий мерос. 1981. 3-сон; *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.*231;* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. Б.171; *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.27.

АНСОРЛАР (арабча: ёрдамчи) – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ёрдамчилари, саҳобалари (суҳбатдошлари)нинг бир табақаси. Дастлаб Маккадан Мадинага ҳижрат қилган ва Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га ёрдам берган ва исломни қабул қилган мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилалари аъзоларига нисбатан қўлланилган. Бадр жангидан эътиборан муҳаммадийлар қаторида бўлган. Пайғамбар вафотидан сўнг А. ўз қабиласидан халифаликка номзод тавсия этишган, бироқ муҳокамада уларнинг номзоди қабул этилмаган.

АНТАБА (олмонча: handhabe – тутқич) [эстетика, амалий санъат] – эшик тутқичлари, зулфинларга турли хил ҳайвон шаклини бериш. Мас., шер ёки бўри калласи каби тутқичлар ясаш. А. ад. Насрга ҳам кўчган бўлиб, у аллегорик тасвирларга қўл келади. Мас., М.Маҳмудовнинг "Мангу куй излаб..." фантастик ҳикояси қаҳрамони ўзи ихтиро қилган дилбинни устозига қаратса, унда атрофига тулкиларни тўплаб олган шер тимсолини кўради.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.79 (эл.версия).

АНТАГОНИЗМ (юнонча: antagonisma – мунозара, кураш) [герменевтика] – қарама-каршилик, зидлаштирув шаклларидан бири. И.Кант, А.Шопенгауэр асарларида А. диншуносликда икки куч – Эзгулик ва Ёвузликнинг ўзаро зид келиши маъносида қўлланилган. Шўролар даврида икки тузум (капиталистик ва социалистик), икки синф (ишчилар ва эзувчилар), икки мулкчилик (давлат ва хусусий) шакллари ўзаро зидлаштирилган. А. ғояси б-н суғорилган қаҳрамон *антагонист* деб юритилади, унга зид бўлган қаҳрамон эса протагонистдир. Антагонист ғарб модерн ад-тида доимий салбий маъно ташиган ўлим, шайтон, касаллик, ёвуз руҳ каби тимсолларга нисбатан қўлланилади.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams, M. H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Борев Ю.* Эстетика.

Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТАЛИЯ – қ.: Онадўли.

АНТАНАКЛАСИС (юнонча: сўзларнинг зид маънода қўлланилиши) [поэтика] – поэтик воситалардан бири. Бирор сўз жумла бошида ёки бирикма таркибида бир маънода, жумла давомида ёки иккинчи бирикмада иккинчи маънода қўлланилиши мумкин:

У которых есть, что есть, - те подчас не могут есть,
А другие могут есть, да сидят без хлеба.
А у нас тут есть, что есть, да при этом есть, чем есть, -
Значит, нам благодарить остаётся небо.

(Р.Бёрнс / Пер. С.Маршака)

АНТАРА ибн Шаддод (VI аср 2-ярми) – жоҳилийя даври араб шоири ва олими. Тўлиқ номи: Антара ибн Шаддод ибн Амр ибн Муовия ал-Абсий. Шеърларида инсон қалби гўзалликларини куйлаган, кўплаб жангу жадалларда иштирок этган, ислом лашкарларини жанговар руҳини акс эттирган. А.нинг афсонавий қаҳрамонликлари ҳақида қасидалар битилган. Асмоийга нисбат берилувчи "Антара саргузаштлари" (VIII) халқ романи яратилган. Бу роман сажъ усулида ёзилган ва таркибида 10 мингдан ортиқ назм намуналари мавжуд. 1869 й.дан романни тўла 32 ж.да нашр қилишга киришилган.

- *Крымский А.* Арабская лит-ра в очерках и образцах. М., 1911; *Крачковский И.Ю.* Изб. соч., т.3. М.-Л., 1956.

АНТЕЙ (юнонча: anteus – йирик, буюк) [мифология] – қад. юнон мифологиясида Ливияни эгаллаган паҳлавон, Посейдон ва Гея (Ер)нинг фарзанди. Мағлубиятга учрамаган қаҳрамон тимсоли. Геракл Гесперид йўлида А.ни учратган, уни ердан узиб (оёғи ердалик пайтида унга ҳеч жонзот бас келолмаган), ҳавода бўғизлаган. Бу вақеага бадиий асарлар бағишланган, санъат асарларида Гераклнинг А. устидан ғалабаси акс эттирилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.84.

АНТИАНАКРУЗА – қ.: Анакруза.

АНТИБАКХИЙ (палимбакхий) [поэтика] – антик шеър ўлчови. Бир стопа 5 мор, яъни икки чўзиқ ва бир қисқа ҳижодан иборат (схемаси: – – v) ёки унинг акси (схемаси: v – –)дан иборат шеър шакли. Рус шеъриятида уч чўзиқ ҳижо (– – –) ҳам А. бўлиб келиши мумкин.

АНТИГЕРОЙ (французча: anti-hero – қаҳрамон зидди) – бадиий образ турларидан бўлиб, ўзида мутлоқ салбийликни ташиган типларга нисбатан қўлланилади. А. персонаж эмас, балки асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бирига нисбатан айтилади. Бундай қаҳрамон, одатда, бош ижобий қаҳрамонга зид бўлган, яъни ўта салбий типдир. А. сифатида ноқонуний туғилган ворислар ёки етимлар образи ҳаракатда бўлади. Сюжет линияси эса, молиявий можаролар асосига қурилади. Лекин қаҳрамонни А. бўлиши учун бу кифоя эмас. А. Европа ад-тида Уйгониш даврининг охирида вужудга келган, рус ад-тида эса, XIX аср иккинчи ярмидан фаоллашган. Мас., Ф.Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо" асаридаги Лужин, А.Фадеевнинг "Тор-мор» романидаги Мечик, А.Битовнинг «Пушкин уйи» асаридаги Лев Одоевцев в.б. XX асрда А.нинг ёрқин мисоли тарихасида П.Элиотнинг "Муҳаббат қўшиғи" (1917)даги Пруфрок, Ж.Жойснинг "Улисс" (1922) романидаги Леопольд Блум, А.Миллернинг "Коммивояжер ўлими" (1949) қаҳрамонларини кўрсатиш мумкин. "Антитеатр", "антироман" оқимига мансуб асарлар қаҳрамонларига нисбатан ҳам А. истилоҳи қўлланилади.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams, M. H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29-30; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИГОН (м.а. 50) – қад. юнон файласуфи, санъат масалалари б-н шуғулланган.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.116.

АНТИГОНА [мифология] – юнон мифологиясига кўра маъбудлар иродаси б-н гуноҳ иш қилиб қўйган Фива ҳукмдори Эдипнинг қизи. Софокл трагедияси қаҳрамони, Эдип ўз онаси Иокастага уйланганида туғилган. Тақдир ҳукмидан қутула олмаган Эдип қизи Фивага келгач, унинг амакиси шоҳ Креонтнинг таъқибига қарамасдан акаси Полиник мурдасини яширинча дафн қилади. Бу қилмиши учун зиндонга ташланади ва у жойда А. ўзини ҳалок қилади. А. тимсолида ўз қариндошларига содиқлик, оилавий бурчга садоқат, ота-онага муҳаббат мотивлари куйланган. Софоклнинг "Эдип Колонада", "Антигона" трагедиялари шу мавзуда. А. мавзуси Европа драматургиясида XVII асрдан қайта жонланган. Ж.Ротру, Ж.Расин, Ф.Гёльдерлин, Ж.Ануй, Б.Брехт в.б. А. ҳақидаги асарлари мавжуд.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.84; История всемирной литературы, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АНТИК (юнонча: antiquitas эски, кўҳна) – кенг маънода қад. давр жамияти, маданияти, ад-ти ва санъатига нисбатан қўлланилади. Тор маънода қад.

юнон (эллинизм даври б-н бирга) ва қад. Рим маданияти, ад-ти ва санъати назарда тутилади.

~ ***ад-т*** – Европа ёзма ад-тининг бошланғич даври, бадиий тафаккур босқичи. Юнонистонда м.а. IX–VIII асрларда юзага келган ёзма ад-т. Фенелон ("Қад. ва янги ўликлар б-н суҳбат") талқинига кўра, А.а. асосий бадиий концепцияси қаҳрамоннинг гўзаллик ва бузғунчилик ҳукм серган ҳаётдаги курашидан иборатдир. А.а. асосчиларидан бири Гомер "Илиада" ва "Одиссея" асарларида маъбудларни юнон диний эътиқодларида қандай кўйган бўлса, шу тартибда тасвирлаган. А.а. қаҳрамонлари (маъбудлар) бадиий умумлашма сифатида эмас, ҳаётда кўрган кишилардай тасвирланган. А.а.да асосий адабий тур сифатида эпос ва драма шаклланган, лирика фақат майрим жанрлар доирасида тараққий этган. Сатира эпик планда эмас, балки лирик микёсда ижодкорнинг борлиққа субъектив муносабатини ифодаловчи тариқасида юзага чиққан. А.а. сатира инсоннинг ички ва ташқи гармониясининг бузилишига қарши йўналган. А.а. драманинг фожиа, комедия жанрлари устиворлик касб этган. Фожиа инсоннинг ҳали англаб етмаган табиат ва илоҳиёт сирлари, тақдир ҳукми б-н тўқнашуви натижасида содир бўлган. А.а.да эпос, асосан, бадиий тафаккур тараққиётига эмас, балки мифик тафаккур асосига курилган. Мифик тафаккур нафақат асарнинг ғояси, балки воқеалар ривожи (сюжети) ва асарнинг курилиши (композицияси)ни ҳам белгилаган. Шунинг учун ҳам маъбуд ва маъбудалар худди муайян давр кишилари сингари бадиий асарда иштирок қилган. А.а.да бадиий характер шаклланди, у гарчи индивидауллаштирилмаган бўлса ҳам тақдир ҳукмига қарши курашувчи инсон даражасига кўтарилган.

- *Алимуҳамедов А.* Антик ад-т тарихи. Т., 1969; *Боннер А.* Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Аристотель и античная лит-ра. Сб. М., 1978; *Аверинцев С.С.* Древнегреческая поэтика и мировоя лит-ра / Поэтика древнегреческой лит-ры. М., 1981; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.32-35.

~ ***банд (строфа)*** – антик шеъриятда фаол қўлланилган банд тури. Одатда тўрт мисра ёки иккита икки мисрали ўзаро қофияланмаган банд бўлиб, турли ўлчовдаги шеърлар орасида такрорланиб туради. Антик адабмёт намуналарининг тарж.си ва *стилизацияси* пайтида ишлатилади. Яна қ.: антистрофа.

- *Гаспаров М.* Античые строфы. / Словарь лит-ведческих терминов. Сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М.: Просвещение, 1974. С.19-20.

~ ***давр*** – қад. Юнон ва Рим ад-тининг тараққий этган даври, м.а. минг йилликдан милодий V асрга қадар давом этган. А.д. асарларида қаҳрамонлик, очиқ характер, тақдир ҳукми, ғайриоддийлик каби хусусиятлар акс этган. А.д. Юнонистонда мил. аср бошларига келиб сусайган. Искандарияда давом этган *эллинизм даври* ад-ти ҳам А.д. тушунчаси

таркибида ўрганилади. Қад. Рим ад-ти А.д. нинг якуний босқичи бўлиб, мил. V асрларгача давом этган.

- *Боннер А.* Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; *Алимуҳамедов А.* Антик ад-т тарихи. Т., 1969; *Аристотель.* Соч.: в 4-х т., т.1. М., 1975; Аристотель и античная лит-ра. Сб. М., 1978; *Аверинцев С.С.* Древнегреческая поэтика и мировоя лит-ра / Поэтика древнегреческой лит-ры. М., 1981; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.37-38.

~ ***шеър*** – қад. юнон ва рим шеъриятидаги метрик шеър тузилиши бўлиб, чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг ўзаро алмашиниши асосига қурилган. Чўзиқлик ўлчови *мора* дейилади. Қисқа бўғин – бир *мора*, чўзиқ бўғин – икки морага тенг. Чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг туркуми (гуруҳи) *стопа* дейилади. А.ш. нинг уч туркумлиги – ямб, хорей, трибрахий; тўрт туркумлиги – дактил, спондей; беш туркумли – бакхий, антибакхий, кретик; олти туркумли – молосс, хориямб, антиспаст ва икки ионика; етти туркумли – эпитритдан иборат. Ҳар бир стопада кучли ўрин – арсис, кучсиз ўрин – тесис деб юритилади. Мисра бир хил стопалардан иборат бўлади. А.ш. кўпинча эпос ва драмада қўлланилган.

- *Боннер А.* Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Аристотель и античная лит-ра. Сб. М., 1978; *Аверинцев С.С.* Древнегреческая поэтика и мировоя лит-ра / Поэтика древнегреческой лит-ры. М., 1981; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь литведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.14; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.32-35.

~ ***эстетика*** – *Антик даврда* гўзаллик тушунчаси аниқ фанлар б-н шуғулланувчи олимлар томонидан шарҳланган. Улар таълимотида эстетик тафаккур космогония б-н боғлиқ ҳолда тушунтирилиб, гўзаллик табиатнинг бир бутун гармонияси таркибида қабул қилинади. Пифагор ва унинг давомчилари учун гўзаллик гармониясиз мавжуд бўлмайди, гармония бўлса ранг-баранглик йиғиндиси ва қарама-қаршиликларнинг мувозанатидир. Гераклит (м.а. 520–460) таълимотида гармония диалектик тушунча бўлиб, у борлиқнинг ўзгарувчан эстетик моҳиятини ўз ичига олади. Суқрот қарашларида гўзаллик тушунчаси фойда келтиришлик хусусиятларидан келиб чиқиб баҳоланди ("гўзаллик – нарсанинг фойдалилигида"). Афлотун гўзалликни абадий ғоя сифатида қабул қилди ва ўзгараётган дунёда нарсаларнинг ҳиссий асоси сифатида талқин этди. Абадий руҳнинг моҳиятини англаш мумкин бўлгани каби гўзалликни ҳам тушуниш мумкин. Гўзалликни тушуниш алоҳида завқ бағишлайди. Эрос – илоҳий муҳаббат дунё, ҳақиқат, гўзаллик моҳиятини тушунтириш учун ҳаракатдир. Афлотун эстетик категория сифатидаги гўзалликни фалсафий категория даражасида англатмоқчи бўлди. Арасту таълимотида, гўзаллик абсолют ғоя б-н суғорилган ҳолда талқин этилди. У гўзалликни "буюклик ва интизом"да кўрди. Барча инсоният фитрати б-н яратилажак гўзаллик улуғворлик касб этиши, шу б-н бирга инсониятнинг тизимли меҳнати маҳсули эканини

тушунтирди. Арасту назарида гўзаллик, бир сўз б-н айтганда, эзгуликка хизмат қилиши б-н буюқдир. Яна қ.: *Арасту эстетикаси.*

• *Боннер А.* Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; *Лосев А.Ф.* История античной эстетики. Софисты, Сократ, Платон. - М.: Искусство, 1969; История античной эстетики: в 6 кн., М., 1963-80; *Алимуҳамедов А.* Антик ад-т тарихи. Т., 1969; Античные мыслители об искусстве. М., 1987; Аристотель и античная лит-ра. Сб. М., 1978; Поэтика древнегреческой лит-ры. М., 1981; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.35-37.

АНТИКВА (лотинча: antiquus – қадимги) [матншунослик] – антик давр ёзиш услубига яқин ҳарф (шрифт), белги. Бу белги Рим архитектура шрифтлари асосида шаклланган.

АНТИКРИТИКА (юнонча: anti – қарши, зид; ktitic – танқид) –танқидга эътироз. Муаллифнинг ўз асари ҳақида билдирилган мулоҳаза ва тақризларга рози эмаслиги.

АНТИКЛЕЙ (юнонча: қад., + она) [мифология] – юнон мифларига кўра Одиссейнинг онаси, Лаэрт ва Автоликанинг ўғли. Одиссейнинг қайтишини кутиб, изтиробда вафот этган. Ад-тда дардкаш она тимсоли. Ж.Жойснинг "Улисс" (Одиссейнинг лотинча исми) романи персонажларидан бири.

АНТИЛЕГОМЕНА (юнонча: anti – қарши, зид;) – муаллифи мунозарали матнлар. Бирор бад. асарнинг муллифлиги барча илмий ва адабий жамоатчилик томонидан бирдай қабул қилинмаган матнлар А. дейилган. Мас., Логинга нисбат берилган "Юксаклик ҳақида" ("О Возвышенном") рисоласининг муаллифи аниқ тўхтамга келинмагани учун асар Псевдо-Лонгин муаллифлигида нашр қилинган. Шу каби ўзбек ад-тида илгари Лутфийга нисбат берилган "Гул ва Наврўз" достонини ҳам шундай А. матнлар сирасига киритиш мумкин.

•*Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.56.

АНТИМАЗҲАБ (юнонча: anti – қарши; арабча: мазҳаб) [теология, тасаввуфшунослик] – диний-тасаввуфий қараш. Ислом ягона диндир, унда Пайғамбар (с.а.в.) йўлидан бошқа оқимлар бўлиши мумкин эмас. Мазҳабчилар қарашларига асос бўлган Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофий в.б. ҳеч бири менинг ортимдан эргашинглар демаганлар, аксинча, уларнинг барчаси Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) йўлини тутганлар деган қараш тарафдорлари. Мазҳабчилик мусулмонлар орасининг бузилишига олиб келади. А.чилар Жалолиддин Румийнинг "Мен 72 мазҳабчилар б-н биргаман" сўзларини ташвиқ этадилар. Уларнинг назарида, *ижтиҳод* қилиб, бирор бир мазҳабга қўшилиш нотўғри. Чунки исломнинг ичида юзага чиққан фитна ва ички урушлар мазҳаблар айирмаси туфайлидир. Шунинг учун ҳам мазҳабларга қўшилмаслик ҳақида фатво беришган. Кейинги давр А.чилари

ягона бир мазҳабга бирлашишликни ташвиқ қилганлар. Изуддин Абдусалом, Ибн Қойим, Ибн Хумом в.б. А. чилик ғоясини тарғиб қилишган.

- *Юсуф Хаттар Мухаммад.* Энц-я суфизма. М.: Ансар, 2005. С.382-402.

АНТИМАХ, Колофонлик (м.а. V) – юнон шоири. Гомер эпоси йўлида "Фиваида" достонини ёзган. "Лида" достонида мифлар севги мотивлари б-н бирлаштирилган. Яъни асар эпик гекзаметр б-н эмас, элегия дистихи б-н ёзилган. Искандария мактаби А.ни шоирлари эпик поэзияда Гомердан кейинги иккинчи ўринга А.ни қўядилар.

- История греческой лит-ры / Под ред. С.И.Соболевкого, т.3. М., 1960; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.404, 409, 410, 412, 465.

АНТИМЕТАБОЛА (юнонча: antimetabole – ўзаро алмашиниш, ўзгариш) [поэтика] – бир тартибда турган мисранинг бошқа ўринда иккинчи бир тартибда қўлланилиши.

АНТИНОМИЯ (anti – зид, nomos – қонун: *қонунлардаги зиддият*) [герменевтика] – қонунлардаги бир воқеа ҳақидаги мантиқий икки ҳолатнинг ўзаро зид келиши. А. термини олмон файласуфи Р.Гоклениус (1613) томонидан истеъмолга киритилган. И.Кантнинг машхур "нарса ўзида" таълимотида А. асослаб берилган. Унингча, инсон ақли оламнинг моҳиятини билмоқчи бўлса, бир-бирига зид хулосаларга келади. Бу жараёнда 4 та А. вужудга келади: олам чекли ва чексиз (1), ҳар бир субстанция (жавҳар, асос) оддий нарсалардан тузилади ва ҳеч қандай оддий нарса йўқ (2), оламда эркинлик мавжуд ва детерминизм ҳукмронлиги бор (3), оламнинг бош сабабчиси, яратувчиси (Худо) мавжуд ва оламнинг бош сабабчиси йўқ (4). Кант таълимотида А. *агностицизм* б-н боғланади. А. диалектикада ва фалсафада мавжуд ҳодиса сифатида ҳаракатдаги қонунлар сирасига киради.

- *Асмус В.Ф.* Философия Иммануэля Канта. М., 1957.

АНТИОХ девори – қад. Марғиёна (Марв) ш.ни ўраб турган мудофаа девори. Салавкийлар ҳукмдори Антиох I Сотер (ҳалоскор) даври (м.а.324–261 йй.)да қурилган. А.д. дай қабилалари ва сакларнинг ҳужумидан ҳимоя қилган. Тарихчи Страбон (м.а.64–23 йй.)нинг маълумотига кўра, А.д. узунлиги 222–315 *км* узунлигида бўлган. Араб тарихчиси Истахрий (X) асарида бу девор харобалари "Аррай" номи б-н келтирилган. А.д. қолдиқлари Туркманистон археологик экспедицияси томонидан 1946 й.да ўрганилган.

АНТИПАТИЯ (юнонча: antipatheia – хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик) [герменевтика] – бирор кимса ёки қарашни ёқтирмаслик, унга қарши туриш. Фалсафий ад-тда *симпатия*нинг зидди.

АНТИПСИХИАТРИЯ (юнонча: қарши + руҳият) [адабий жараён] – Англияда XX асрнинг 60-йй.да вужудга келган фалсафий оқим. А. истилоҳи

Д.Купер томонидан тавсия этилган бўлиб, А.Эстеттон, Л.Д.Лэйиг ишларида ривож топди. А. асосида экзистенциал анализ (Бинсвангер) ва психоанализ (Сартр) тушунчалари ётади. Оким тарафдорларининг фикрича, психиатрия тахлиллари шахснинг етуклиги ҳақида хабар бермайди, унинг "дунёдаги турмуши"гина руҳий ҳаётининг асосини ташкил қилади. А. "психиатрияда инқилоб", "аклсиз псиатрия" шиорларини майдонга чиқарди. А. АҚШ (Т.Шаш), Францияга (Фуко) ёйилди. А. ҳаракати (интуитив) кечинмаси "шизофреноген оилалар" орқали бошқа социал гуруҳларга кўчди. Психиатриядаги янгиланиш ва ўзгаришлар гуманитар фаолият турларига кўчиши натижасида фалсафа, адабиёт в.б.да янги психоаналитик методлар шакллана бошлади.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.22.

АНТИРОМАН [поэтика, герменевтика] – "янги роман" маъносини англатувчи ад-тшуносликдаги шартли истилоҳ. Кўп тармоқли сюжет яратиш, каҳрамон характерининг шаклланиши, ижтимоий тафсилотлар каби мумтоз романчилик анъаналаридан чекиниш А.га хос хусусиятдир. А. замонавий экспериментал асар бўлиб, унда романчиликдаги асосий хусусиятлар акс этиши шарт эмас. Мас., инглиз адиби Б.С.Жонсон "Бахтсизлар" (1969) романини 27 қисмга ажратган ва уларни муайян кетма-кетликда эмас, исталган тартибда ўқишни тавсия этган. Модернизм ад-тида XX аср 40–50 й.да С.Беккет, А.Роб-Грий, Н.Саррот, М.Бютор романларига нисбатан қўлланилган.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams, M. H.* A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.81 (эл.версия); http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИСПАСТ (юнонча: қарама-қарши томонга сурилган) [поэтика] – антик метрикада 6 морли стопа бўлиб, қисқа, икки чўзиқ ва бир қисқа ҳижодан (схемаси: v – – v), яъни ямб ва хорейнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Баъзан тўрт қисқа ҳижодан (схемаси: v v v v) иборат бўлиши мумкин.

АНТИСТРОФА (юнонча: antistophe – *ортга бурилиш*) [эстетика, поэтика]– қад. юнон хор лирикасида иккилик банддан иборат шеърнинг такрорланувчи иккинчи банди. Строфа (банд)нинг зидди. Дастлаб шеърни строфа ва антистрофага Алкман (м.а. VII) бўлган. Сўнгра бу ҳолат трагедиядаги хор қўшиқларига ўтган. Мас., Эсхилнинг "Занжирбанд Прометей", Софоклнинг "Электра" асарида хорнинг тўртинчи қўшиғи; Софоклнинг «Шоҳ Эдип" асаридаги хорнинг диалоги в.б.

- *Гаспаров М.* Антистрофа. Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М., 1974; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.13; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов.

Санкт-Петербург: Паритет, 2006. С.20-21; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИСФЕН, Афинали (м.а. 435–370) – юнон файласафи, *киниклар* мактаби асосчиси. Софист Горгий ва Сукротнинг шогирди, файласуф Диагеннинг устози. Афлотуннинг ғоялар тўғрисидаги таълимотга қарши турган. Унингча, оқил киши бирор бир давлатга тегишли бўлмай, бутун дунёнинг фуқароси сифатида яшаши лозим. А. анъанавий дин ва давлатни рад килган. Диаген Лаэртий А.нинг 10 жилддан иборат асарлари номларини келтирган: "Сўз хусусида", "Асант", "Одиссей", "Орест апологияси", "Лисий ва Исократ", "Ҳайвонлар табиати", "Адолат ва жасорат", "Никоҳ ҳақида", "Неъматлар ҳақида", "Қонун ҳақида", "Ҳурлик ва қуллик ҳақида", "Аспазия", "Кир", "Ҳақиқат", "Гомер ҳақида", "Ҳаёт ва ўлим ҳақида", "Мерос ҳақида", "Геракл", "Ноҳаклик ва ғирромлик ҳақида", "Табиат ҳақида", "Мусиқа", "Талқин" в.б.

- *Гомперц Т.* Греческие мыслители / Пер. с нем. Т.2, Спб., 1913; *Диагер Лаэртий.* О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М.: Мысль, 1979; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.393, 400.

АНТИТЕЗА (юнонча: antithesis – қарама-қарши, зид) [поэтика, риторика] – маънолари ўзаро зид сўзларнинг матнда қўлланилиши. А. маънони кучайтиришга қаратилади. А. образлараро, сюжетлараро, композицион ва стилистик бўлиши мумкин. Бу усулда антонимлардан самарали фойдаланилади. Бутун асар А. асосига қурилиши мумкин. Мас., Л.Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" каби асарлари.

Бу кун шох эрурман тилак тилагил,
Бу кун мен гадоман тингла малагим.

А. – турли контрастли қарама-қарши қўйиш (тажнис). Бу санъат, хусусан, метафоралардан ташкил топса янада таъсирчан бўлади. Державин, лирик каҳрамони (В.Шекспир Гамлетига ўхшаш нигилист) т.дан:

Шоҳман, қулман, чувалчанг ва худоман
(Я царь – я раб – я червь – я бог!)

Ёки А.С.Пушкин ёзади:

Қўшилдилар. Сув ва тош
Назм, наср, муз – оташ,
Бири бирига туташ...

(М.Маҳмуд тарж.)

- Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.119-120; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.13; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С. 21

АНТИТЕЗИС (юнонча: antithesis – тезисга зид) [герменевтика] – мантиқ илмида асосий фикрга зид мулоҳаза баён қилиш. Тезисга қарши фикр тўғри

деб фараз қилиниб, уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. А. мутлоқ инкор бўлмай, тезиснинг маълум бир қисмини инкор қилиши ва унга қарши антитезани илгари суриши мумкин. Бу жараёнда у тараққиётнинг юқори босқичи мазмунини ифодалайди. А.ни уч босқичли (триада) тезиснинг таркибий қисми сифатида Гегел талқин қилган.

АНТИУТОПИЯ (юнонча: antiuthopos – хаёлга зид) [герменевтика] – жамиятга танқидий, баъзан уни пародия қилувчи, ижтимоий утопияга қарши ҳолат. Агар утопияда ҳозир ва ўтмиш, ўтмиш ва келажак назарда тутилган бўлса, А. келажакка қаратилади. А. келажак ҳақидаги салбий башорат ёки огоҳлатириш тарзида ёзилиши ҳам мумкин. А. бад. фантастика имкониятларидан фойдаланилади. XX аср ад-тида А. Е.Замятиннинг "Биз" (1920), О.Хакслининг "Қадимги янги дунё" (1932), Ж.Оруэллнинг "1984" (1949) романлари А.га мисол бўла олади. XX аср охирида рус ад-тида В.Н.Войновичнинг "Москва 2042", Фозил Искандарнинг "Қуёнлар ва бўғма илонлар", А.Кабаковнинг «Қайтиб келмас", Т.Толстаянинг "Кысь", В.Маканиннинг «Лаз» асарлари А. жанрида яратилди. Ғарб романчилигида ёзилган Э.Тоффлернинг "Келажак шоки", Р.Дюмоннинг "Утопия ёки ўлим" (1974), Э.Кэлленбахнинг "Экоутопия" (1975) асарларини кўрсатиш мумкин.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С. 238; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб: Паритет, 2006. С.21-22. http: //web.cn.edu / kwheeler/lit_terms.html

АНТИФАЗИС [лингвопоэтика] – риторикада комиклик назарияси. Юмордан ҳоли равишда тагдор танқид қилиш. Ад-тларда риторик фигура тури деб юритилади. А. киноя (ирония)дан кулги элементи йўқлиги б-н фарқ қилади.

- *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М.* Общая риторика. М., 1986; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.32.

АНТИФАН (м.а. IV) – қад. юнон шоири. Ўрта антик давр комедиячилиги вакили. 130 га яқин асарининг номи ва комедияларидан парчалар сақланган. Уларнинг аксарияти (сарлавҳада маълум бўлишича) маиший мавзуда: "Врач", "Кифарист", "Жангчи"; "Бошқа ш.дан келган мусофир", "Мисрлик", "Византиялик", "Скиф". А.нинг "Ижод" комедиясида трагиклар б-н комедиографлар баҳси келтирилади: трагик учун ечим олдиндан тайёр, комедиограф эса уни асар давомида ўйлаб топади.

АНТИФОН (юнонча: antiphonos – қарши овоз, жавобан садо берувчи) [эстетика, театр назарияси] – I. мусиқада икки хорнинг ёки хор б-н солист (яккахон)нинг навбатма-навбат куйлаши. Юнон театрига хос бўлган бу усул кейинчалик черков хорларининг айтилиш усулига ҳам кириб келган. А.

мусиқада муайян услуб деб қаралиб, Европа бастакорлари бу ҳодисага алоҳида аҳамият қаратган.

Ўзбек халқ мусикасида ҳам А. услуби мавжуд. Унга кўра катта ашуладан икки хонанда ёки бир хонанда ва бир неча яллачилар гуруҳи ўртасидаги ижроларда бу усул сақланади. "Шашмақом"нинг айтим йўлларида ҳам бир ижрочи ва гуруҳ, эркаклар ва аёллар овозларининг навбатма-навбат ижроси А. услубига мисол бўла олади. Бастакорлар М.Бурҳонов, С.Бобоев, Б.Умиджонов в.б. жўрсиз хор учун яратган асарлари ҳам А.га мисолдир.

II. қисқа шеър бўлиб, бу юнонча шеър шаклида иккинчи мисрадан кейин биринчи мисра такроран қўлланилади.

АНТИФОН (м.а. 480–411) – файласуф, нотиқ. Аттик давр ритори. Фукидийнинг устози. Демократиянинг бузилишига қарши Пелопоннес уруши иштирокчиси бўлгани учун қатл қилинган.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.385, 386.

АНТИФРАЗИС, Антифраза [риторика] – сўзни зид маънода қўллаш, кўпинча, кесатиқ учун. Мас., кучсиз, нимжонни Алпомиш деб, басавлат, паҳлавонни Нўхат полвон деб аташ. А. киноя яқин, аммо ундан фарқли. Кинояда танқид бору юмор кулги билинмайди. Бирор саводсиз, аммо бой одамнинг фикрлари ҳақида "Ана, донолик!" дейдилар.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия М.: ЭКСМО, 2007. С.58.

АНТИХРИСТ (юнонча: Христга қарши) [мифология] – насроний мифологиясида охирзамонда келиб, Исо а.с.га қарши чиқадиган, лекин Исодан енгиладиган мифик каҳрамон. Вавилонияда туғилган. Янги Аҳд китобида А. – осий банда, яъни илоҳий таълимотни бутунлай инкор қилувчи кофир сифатида тасвирланган. А. шайтон эмас, унинг элчиси сифатида ал тларга киритилган. Бад. ад-тда олмон шоираси *Ава* (в.1127)нинг "Исонинг ҳаёти", "А. ҳақида", "Қиёмат куни ҳақида" шеърий туркумларида акс этган. Номаълум муаллифнинг "Марям ҳақида қўшиқ" (1125) асарларида ҳам А қатнашган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.85-86.

АНТИЦИПАЦИЯ (лотинча: anticipatio – олдиндан тушунча ҳосил қилиш) [психоанализ] – йирик оламшумул ҳодисаларни олдиндан ҳис қилиш ва ад-т ёрдамида улар ҳақида илк тасаввур ҳосил қилиш. Руҳий таҳлилга тегишли бу истилоҳ психоаналитикага В.Вунт томонидан киритилган. А. ад-т назарияси ва эстетикада ўзгараётган дунёдаги хавфлар ҳақида олдиндан тасаввур бериш, унинг бадиий моделини яратиш маъносида қўлланилган. Ч.Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" романида охирзамон белгиларини адабий модели яратилади ва инсониятга ўзининг фожиали келажак олдида тургани эслатилади.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.32.

АНТОКОЛЬСКИЙ, Павел (1896–?) – рус шоири ва таржимони. Москва ун-ти юридик факультетини тамомлаган. 1915 й.дан Вахтанговнинг драматик труппасида қатнашган. 1921 й.дан шеърлари чоп этила бошланган. "Ғарб" (1926), "Учинчи китоб" (1927) тўпламлари, "Ропеспьер ва Горгона" (1928) драмаси б-н китобхонлар эътиборини қозонган. "Франсуа Вийон" достонида шоирлар қисмати ифодаланган. С.Чиковани, Т.Табидзе, Е.Чаренц, С.Вурғун в.б. замондошларининг асарларини рус т.га тарж. қилган. "Шоирлар ва замон" (1957) эсселар китоби муаллифи.

- *Антокольский П.* Избр. произведения, т.1-2. М., 1961.

АНТОЛОГИЯ (юнонча: anthologia – гулдаста) [адабий жараён] – шоирларнинг бирор мавзу, соҳа ва жанрга кўра танланган асарлар (шеърлар, ҳикоялар) тўплами. А. таркиби сўзбоши ва асарлар намуналаридан иборат бўлиб, даврий характерга эга эмас. А. нинг дастлабки тузувчиси қад. юнон шоири гадаралик Мелеагр (м.а. II аср охири – милодий I асрнинг боши)дир. XVIII –XIX асрларда рус ад-тида "изборник"лар тарзида кўплаб яратилган. Шарқ ад-тида *тазкира* жанрига нисбатан ҳам ғарблик олимлар томонидан ушбу истилоҳ қўлланилади. Мас., "Тазкирайи Қайюмий" асари рус т.га "Антология Кайюми" деб тарж. қилинган.

XX аср бошларида Фитрат томонидан яратилган "Ўзбек ад-ти намуналари. 1-ж." (1928) замонавий типдаги А.нинг илк намунаси эди. Сўнгра "Ўзбек шеърияти антологияси" (Ойбек таҳрири остида, 1948), "Ўзбек шеъриятининг антологияси" (1960–?), "Ўзбек ҳикоялари антологияси" (200?) кабилар яратилган. XXI аср бошларида Ўз-нда бир неча А.лар яратилди: Ўзбек шеърияти А.си, Ўзбек ҳикоялари А.си, Ўзбек ад-тшунослиги А.си каби. Беш ж.дан иборат "Озод Ватан саодати (Истиклол илҳомлари)" поэтик А.синиг 1-ж. Шеърият, 2-ж. Наср, 3-ж. Драматургия, 4-ж. Бад. публицистика ва 5-ж. Адабий танқидга бағишланган.

- Ўзбек шеърияти антологияси / Ойбек таҳрири остида. Т., 1948; Ўзбек шеъриятининг антологияси. 5 ж. (1960–?), Озод Ватан саодати Истиклол илҳомлари. Т.: ADIB, 2013.
- *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.14; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38; Теория лит-ры. В 2-х, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.155-156; Мильчин А. Э. Издательский словарь-справочник. Изд. 3-е, испр. и доп., электронное. М.: ОЛМА-Пресс, 2006.

АНТОНИЙ, Марк (м.а. 83–30) – қад. Римда давлат арбоби, саркардаси, Юлий Цезарнинг сафдоши. Миср маликаси Клеопатранинг севгилиси. Фаластин ва Мисрга қарши курашда шуҳрат қозонган. А. Клеопатрадан Мисрни тортиб олиб, Рим давлатига қўшмагани учун Октавиан Август б-н душман бўлиб қолган. А. моҳир саркарда эди, у Миср давлатини ҳимоя қилади, бироқ енгилиб, Клеопатра б-н бирга Искандарияга чекинади.

Римликларга асир тушмаслик учун А. Клеопатра б-н бирга ўзини ҳалок қилади. А. ҳақида У.Шекспир "Антоний ва Клеопатра" фожиасини ёзган.

• *Машкин Н.А.* Приципат Августа. М.-Л., 1949; *Плутарх.* Сравнительные жизнеописания в 3-х т. М.: Наука, 1978; *Маҳмудов М.* Клеопатра / Аҳли дил. Т.: Ўқитувчи, 1998.

АНТОНИМ (юнонча: antı – *қарши, зид*; onyma – *исм*) [риторика, лингвопоэтика] – маъноси зид келган сўзлар. Қарама-қарши маъноларни ифодалашга қаратилган бўлади. Т.шунослик илмида уч турли А.лар фарқланади: лексик (баланд–паст), аффиксал, яъни қўшимчалар таркибида (сувли–сувсиз) ва синтактик (очиқ юз–тунд башара) каби. А. бад. адабиётда, айниқса, шеъриятда таъсирчанликни ошириш, ифодани аниқлаштириш, *антитеза* санъатини яратишда қўлланилади:

Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

(Алишер Навоий, "Хазойину-л-маоний", 1448)

Кулган бошқалардир, йиглаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман,
Эрк эртакларин эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман...

(Чўлпон. "Мен ва бошқалар", 1921)

Бундан ташқари *контекстуал,* яъни фақат бир контекстдагина маъноси зид келган сўзлар ҳам А. ҳисобланади.

Ҳар кимки пушаймон бўлуру тавба қилур,
Менким тавба қилибмен пушаймондурмен.

(Бобур, 1497)

• Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С. 28-29; Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984; *Львов М.Р.* Словарь антонимов русского языка.М., 1996; *Ҳожиев А.* Ўзбек тили антонимлари луғати. ??? *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38.

АНТОНОМАЗИЯ (юнонча: antonjmasia – айнан бошқача) [лингвопоэтика] – бирор номни унинг бошқа хусусияти б-н алмаштириб қўллаш. Исм ўрнига унинг сифати (*эпитети*)ни қўллаш (Ж.Куддон). Қирол Лир ўрнида "Жанобий олийлари" деб ишлатиш; Онҳазрат ("подшоҳим" маъносида) ўрнига Умархон; Тошкент ўрнига мамлакат пойтахти; *Абдулла Қодирий* ўрнига *"Ўткан кунлар" муаллифи* деб аташ.

• *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991. *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38.

АНТРАКТ (французча: entre – аро, ўртасида; acte – ҳаракат) [эстетика] – драматик асарда парда (акт) ва кўринишлар ўртасидаги танаффус, пауза. Болгар ад-тшуноси А.Натев талқинига кўра, А.да саҳна ва саҳнаорти ҳаракати тўхтамайди. Аксинча, саҳна ортидаги воқеаларда кейинги воқеалар

учун замин хозирланади, парда оркасида актёрлар навбатдаги кўринишга тайёрланадилар, томошабин ҳам аввалги парда (акт) воқеаларини англаб олиб, кейинги ҳодисаларга ўзини тайёрлаш учун берилган имкониятдир. Антик театрда А. вақтидан парда ва кўриниш давомида ёниб тугаган шамларни алмаштириш учун фойдаланганлар. Мана шу ҳаётий зарурат натижасида саҳна асари парда (акт) ва кўринишларга мўлжаллаб ёзилган.

• *Гегель Г.В.Ф.* Эстетика: в 4-х т-х, т.3: Разд.: Драматическая поэзия. М.: Искусство, 1971; *Хализев В.Е.* Драма как явление искусства. М.: Искусство, 1978; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29-30.

АНТРОПОЛОГИЯ (юнонча: antrapho + logos – одамнинг келиб чиқиши) [эстетика] – одамнинг келиб чиқиши, эволюцияси, ирқларнинг айдо бўлиши, одам тана тузилишидаги ўзгарувчанлик ҳақидаги фан. Инсониятнинг "табиий тарихи" деб ҳам юритилади. Фалсафада инсоншуносликнинг бир қисми бўлиб, инсонларнинг бошқа жонзотлардан фарқи б-н шуғулланади. Санъатда Гердер томонидан асосланиб, унинг назарияси Вильгелм фон Ҳумбольд (1763–1835) томонидан давом эттирилган. Ҳумбольд "А." асарида қайд этилишича, инсоният секин-асталик б-н ягона идеалга интилади. А. тизимини яратиш учун рамзлар тизими (символлар системаси)ни ўрганиш лозим. "А." асарида таъкидланича, "санъат табиатнинг тасаввур воситасида қайта яратилишидир. Санъат табиатни борлиқ сифатида синдиради ва уни ижодий тасаввур ёрдамида қайта яратади".

• *Ошанин Л.В.* Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. Ч.1–3. Ереван, 1957–59; *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.374-375; *Левин М.Г.* Очерки по истории антропологии в России. М., 1960; *Рогинский Я.Я., Левин М.Г.* Антропология. М., 1963; Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Т., 1986; *Ҳўжаев Т.Қ., Ҳўжаева Г.Қ.* Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи. Т., 1995.

~ ***мактаби*** – Европа фольклоршунослиги ва этнографиясидаги илмий мактаблардан бири. XIX аср иккинчи ярмида вужудга келган ва тараққий этган. А.м. асосчиси инглиз олими Эдвард Тэйлор (1832–1917)дир. Бу мактаб тарафдорлари фольклор асарининг дастлабки жанри сифатида мифни тан олганлар ва унинг тараққиёти натижасида ад-т юзага келганини таъкидлайдилар. Бу мактаб давомчилари шотланд Э.Ланг (1844–1912), инглиз Ж.Фрезер (1854–1941). Россияда бу қараш тарафдорлари Н.Ф.Сумцов ва А.И.Кирпичниковдир. Француз тилшуноси Леви-Строс бу мактаб вакилларининг ишларини матн ва унинг татбиқ қилган, натижада бадиий матннинг структурал таҳлилида бирламчи адабий модел сифатида мифлар қабул қилинган.

• *Фрезер Дж.* Золотая ветвь. М., 1980; *Леви-Строс.* Структурная антропология. . – М.: Наука, 1983; *Тэйлор Э.* Первобытная культура. М., 1989; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.14-15; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38-39.

АНТРОПОГОНИК МИФЛАР (юнонча: келиб чиқиш) [мифология] – мифологиянинг Одамнинг яратилиши ҳақидаги қисми, космогиянинг (дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимот) таркибида ўрганилади. Қад. мифларга кўра Худо инсонни турли материаллардан: ҳайвонлар, балиқ ва паррандалар скелетидан (Шим. Америка ҳиндулари), ёнғоқдан (Перу ҳиндулари), дарахтдан (Сибир мифлари), насроний ва мусулмон мифологиясида тупроқ (лой)дан яратган. А.м. одамнинг яратилиши тотемлар б-н ҳам боғлиқ. М.Бахтин тадқиқотларида Ф.Рабле ва Гоголь ижодидаги мифик элементларга нисбатан "мажозий жасад" ("гротескное тело") истилоҳи қўлланган.

- *Анисимов А.Ф.* Космологические представления народов Севера. М.-Л., 1959; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.87-89.

АНТРОПОМОРФИЗМ (юнонча: anthropos – *одам*, morphe – *шакл*, кўриниш) [риторика, лингвопоэтика] – жонсиз нарсалар, предметларга инсонга хос хусусиятларни тақиб тасвирлаш. Мифларда маъбудлар в.б. илоҳий кучларни, табиат ҳодисаларини инсон қиёфасида тасаввур қилиш. Тасаввурга кўра, маъбудлар ҳам инсонларга хос хусусиятларга эга бўлиб, абадий яшайдилар. Ислом дини бу таълимотни тан олмайди. Чунки буюк Яратувчи Аллоҳни инсон қиёфасида тасаввур этиб бўлмайди.

Эстетик тафаккур тарихида *жонлантириш* санъатининг қад. юнонча кўриниши. А.га жонсиз (анорганик) дунёга нисбатан ҳам улар худди жонлилар (органик дунё) каби яшаши, туғилиши ва ўлиши мумкинлиги ҳақидаги мифик қарашлар асос бўлган. Санъатда табиат кучларини, мифик қаҳрамонлар, осмон жисмлари, ҳайвонот дунёсини инсонга суратида тасвирлаш усули; антик драмада кенг қўлланилган. Мас., *Ер ухлаяпти. Осмон тўлганяпти* каби. Илмий ад-тларда А. айрим предмет ва ускуналарга нисбатан ҳам қўлланилади. Мас., *Компьютер хотирасида сақлайди, машина масала ечади* каби.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.19, 21, 357, 445; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.435; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.15; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АНТРОПОНИМ, АНТРОПОНИМИКА (юнонча: anthropos – *одам*, onuma – исм) [лингвопоэтика] – ономастика (номшунослик)нинг бир қисми бўлиб, кишилар, атоқли отлар, уларнинг ўзгариши, вазифалари б-н шуғулланади. А. атоқли отлар, тахаллус, лақаб, нисба, куния ва шахсни аташликнинг бошқа усуллари б-н ҳам шуғулланади. Ҳоз. агар кишилар номлари, отасининг исми ва фамилияси (шарифи) б-н аталса, қад. Римда ҳар бир эркак ўз номи, унга насл бўлиб қолган номен – уруғ номи, когномен – унга мерос даража б-н ҳам юритилган. Арабларда исм бериш фақат ота авлодларни келтириш б-н чекланмай ўғли номи (*кунияси*)ни ҳам ўз исмига қўшиб айтиш учрайди. А. тизимда исмларни қисқартириш ёки эркалатиш орқали унга мурожаат

ҳоллари кенг учрайди. А. тизим кенгайиб тахаллусларнинг келиб чиқиши б-н ҳам шуғулланмоқда. А. тизимида *кипокористика*, яъни эркалатиш ёки кичрайтириш алоҳида ўрин тутади. Мас., Азиз (бек), Дилбар (хон), Карим (ча) в.б. Яна қ.: *ономастика.*

- *Чичагов* В.К. Из истории русских имён, отчеств и фамилий. М., 1959; Введение в литведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С. 99, 103, 344; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АНТРОПОС (юнонча: одам) [мифология] – мифик тасаввурнинг кейинги даври (дунёвий жинлар)да биринчи илоҳий одам. Насроний ва мусулмон мифологиясида Одам Ато (Адам), дунёнинг материалистик моделида инсон прототипи.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.89.

АНТРОПОЦЕНТРИЗМ (юнонча: одам) [лингвопоэтика] – бад. матннинг психолингвистик таҳлил усулларидан бири. Матн яратилишида муаллиф позицияси ва унинг ўқувчига таъсири масалаларини ўрганади. Бад. матнга А.ик ёндошувда В.П.Белянин *воқелик – онг – олам – тил – матн тузувчи (муаллиф) –ўқувчи –матн проекцияси* фаолият тизимини таклиф қилган.

- *Белянин В.П.* Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). М.: Тривола, 2000; *Дорофеев Ю.* Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики. http://www. Nbuv. Gov. ua/portal/Soc-Gum/Is 2008-17/dorofeev/pdf; *Худойберганова Д.* Матннинг антропоцентрик таджики. Т.: Фан, 2013.

АНТУАН де СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ – к.: Сент-Экзюпери.

АНУБИС (юнонларда *Авоубис*, қад. Мисрда *Инпи*) [мифология] – қад. мифларда бўрибошли тангри. "Марҳумлар китоби"нинг 125-бобида қад. мисрликлар тасаввурича, Олий Тангри Осириснинг қиёматда марҳумларни савоб ва гуноҳ ишлари ҳақида сўроқ қилиши тасвирланган. Гавдаси одам ва боши лочин суратли Тангри Ҳор (Гор) б-н бўрибошли Тангри А. тарозида марҳумнинг юрагини тортиб кўрадилар. Тарозининг бир палласида юрак, бир палласида Ҳақиқат илоҳасининг ҳайкалчаси - рамзи қўйилган. Агар инсон тириклигида бировга ёмонлик, гуноҳ ишлар қилмай, ҳалол, пок яшаган бўлса, тарозининг ҳар икки палласи тенг келган ва у жаннатга эришган. Агар инсон бошқаларга жабр-зулм, ёмонлик қилган бўлса, оғир гуноҳлари билиниб, дўзахга ҳукм этилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.89.

АНУННАК (лар), Анунна(юнонча: шумер-аккадча: Энки (тангри) уруғлари, авлодлари) [мифология] – шумер-аккад мифологиясидаги илк Тангри энки авлодига мансуб маъбудлар. А. ер ости ва ер устида ҳаракат қилади. А. инсон тақдирини ҳал қилиш ва илоҳий қонунларнинг бажарилишини назорат қилган.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.89-90; Я открою тебе сокровенное слово / Лит-ра Вавилонии и Ассирии. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.340.

АНУПРАСА (АЛЛИТЕРАЦИЯ) [поэтика] – санскрит ад-тидаги поэтик воситалардан бири. Шеърда сўзлар таркибидаги унли ёки ундош товушларнинг айнанлиги, уйғунлигига асосланиб, бирор нарсага урғу беришга хизмат қилувчи аланкара. Шунинг учун у драматик томошанинг «тана»сига алоқадор тўрт унсурни – (ангика)ни (мимика, имо-ишора, актёрнинг ҳаракати), нутқ (вачика)ни, ташқи безаклар (ахарья)ни, ҳиссий ифода (саттвика)ни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бхарати мана шу тўрт унсур драматик асарда раса – ҳиссий ифода берадиган бирликдан иборат, деб қараган. Рудрабхатта (XI–XII), Бходжа, Шарадатанайа (XII–XIII), Вишвешвара, Бханудатта (XVI) каби олимлар эса эротик раса ягона бўлиб, санскрит ад-тининг барчасида ишқ-муҳаббат мавзуи етакчилик қилганлиги сабабли барча расалар эротик расанинг турли вазият ва ҳолатларда турлича модификация қилиниши оқибатида келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Расалар назарияси таъсирида иккинчи бир концепция – уйғунлик, мутаносиблик ҳақидаги таълимот вужудга келди. Бу концепция эса *аучитья* деб аталади. Анандавархана «Дхваньялока» асари учинчи бобида расанинг тўла воқе бўлиши учун бадиий асар, айниқса, шеърий асарнинг тили ва мазмуни, шунингдек, бошқа барча компонентларнинг ўзаро боғлиқ ҳамда мувозанатда бўлиши шартлигини алоҳида уқтириб ўтади.

• *Гринцер П.А.* Основные категории классической индийской поэтики. М., 1987; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АНУШАХОН, Абул Музаффар Муҳаммад (1663– ~1686) – Хива хони, Абулғози Баҳодирхоннинг ўғли ва тахт вориси. 1686 й. Бухоро хонлигига юриш қилган. А. даврида Хива маданий обидалари қурилган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси таъмирланган, Оқ масжид қайта таъмирдан чиққан. Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк" асари охирига етказилган. Фитна туфайли кўзига мил тортилган ва ўлдирилган. Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига дафн қилинган.

АНУШИРВОН (дарий: ўлмайдиган) [мифология] – сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи. Машҳур подшоҳ Қубоднинг ўғли. Отаси давридаги бошқарув тизимида ислоҳотлар ўтказган, ҳинд эпоси *"Калила ва Димна"* А. топшириғи б-н паҳлавий т.га тарж. қилинган, *Авесто* қайта кўчирилган. Зардуштийлик таълимоти ривожлантирилган. Халқ орасида адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор сифатида шуҳрат топган. Тарихий асарларда, жумладан, "Тарихи Табарий"да А. ҳақида маълумот келтирилган. Тарихчи Л.Н.Гумилевнинг ёзишича, А. 560 йилда Хитой қўшинларига қарши турк хони *Истами хоқон* б-н битим тузган, бу битим А.нинг Истами хоқоннинг қизига уйланиши б-н мустаҳкамланган. Бад. ад-тда, жумладан, Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Кайковуснинг "Қобуснома",

Низомулмулукнинг “Сиёсатнома”, Хожанинг “Гулзор”, “Мифтоҳу-л-адл” (“Адолат калити”) асарларида А. ҳақида ҳикоятлар келтирилган. А. номи Алишер Навоийнинг “Хамса”сида ва “Бобурнома”да ҳам ҳурмат б-н т.га олинади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.90; *Гумилев Л.Н.* Қадимги туркlар. Т.: Фан, 2007. Б.46-55.

АНУШТЕГИН (в.1097) – ануштегинлар сулоласи (1097–1231) асосчиси. Ўғузларнинг Бекдели уруғидан бўлиб, ёшлигида қул қилиб сотиб юборилган. Сўнг Маликшоҳ хизматлари эвазига уни *таштдорлик* (султон ҳаммоми бошқарувчиси) мансабига кўтарган. Бу мансаб доирасига Хоразмни бошқариш ишлари ҳам кирган. А.нинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад тахтга чиққач, мана шу сулолага асос солинган. Хоразмшоҳ унвони Қутбиддин Муҳаммад Ануштегин ўғли давридан жорий бўлган. XII–XIII асрларда мустаҳкам давлат қурган. Сулоланинг машҳур вакиллари: Қутбиддин Муҳаммад (1097–1128), Отсиз (1128–1156), Эр Арслон (1156–1172), Султоншоҳ Маҳсуд (1172), Такашхон (1172–1200), Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200–1220), Жалолиддин (1220–1231). А.лар сулоласи мўғул истилоси натижасида Жалолиддин Мангубердининг вафоти б-н барҳам топган.

- *Бунёдов З.* Ануштагин Хоразмшохлар давлати (1097-1231). Т.: Ғафур Ғулом номидаги ад-т ва санъат нашр., 1998; Марказий Осиёга доир тадқиқотлар: Хоразмшохлар давлати. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2012.

АНФЕЯ (юнонча: гуллаётган) [мифология] – мифга кўра, Гера, Афротида в.б. маъбудлар лақаби. Юнон драматурги Еврипид замондоши Агафоннинг «Анфей» (“Гул”) фожиаси Арастунинг фикрига кўра, сюжети анъанавий мифлардан олинмаган, балки антик драматургиядаги илк тўла тўқима образлардан ҳисобланади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.90; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.405.

АНФИЛАДА (қад. юнонча: такрор) [эстетика, меъморчилик] – меъморчиликда бир хил чизма элементларнинг такрорланишидир. А. асосида қурилган саройлар, боғлар, бири бирининг ичига кириб кетган туташли бир хил хоналар ҳарбий имкониятни назарда тутиб душманни чалғитиш учун қурилган. А. эстетик жиҳатдан ўзаро симметрияга асосланган учун бад. адабиётдаги *абрамление* ҳикоя ичида ҳикояга айтишга яқин келади. Шунинг учун айрим хорижий манбаларда абрамление – қолиплаш усули ўрнида А. ҳам қўлланилади.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.95 (эл.версия).

АНФЛИКАЦИЯ [лингвопоэтика] – шеърда (ва насрда) кўпгина от сўзларни ва феълларни бир-бирига қалаштириш санъати. А.С.Пушкин “Евгений Онегин”да бундай ёзади:

Саҳнада одаму ҳайвонлар,
Амирлару жинлар, илонлар
Сакраб,ўйнаб қилур тўполон.
Ҳориган лакейлавр ухлайди.
Томошабин ҳамон ер тепар,
Акса урар, йўталар, чапаклар чалар.

(М.Маҳмуд тарж.)

Б.Пастернак шеърларида ҳам бу санъат учрайди:

Билгим келар ҳамма нарсанинг
Замирини, моҳиятини.
Янги йўллар изланишда
Кечмишларнинг сабабаларию
Оқибатин билгим келади.
Илдизини ва асосини,
Ибтидоси, интиҳосини

(М.Маҳмуд тарж.)

И.Босх, С.Дали картиналарида ҳам шундай қалаштирувни кўрамиз.

АНХРАМАЙНУ – к.: Аҳриман.

АНШЛАГ (олмонча: эълон) – деворга осиб қўйиладиган эълон. Театр ва бошқа томошагоҳларда билетлар сотиб бўлинганлиги тўғрисидаги эълон. Газеталарнинг бош сарлавҳаси. *А.дан ўтди* ибораси нутқда фаол қўлланилади. Бирор синов ёки қийинчиликдан муваффақият б-н ўтмоқ. А. адабий жараёнда шуҳрат қозонмоқ.

АНЪАНА – ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтиб, маънавий ҳаётнинг турли жиҳатларида намоён бўладиган қадрият. А. муайян ижтимоий ва маданий тартиб қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат ва маросимларда намоён бўлади. А. ёшларни тарбиялашда, кекса авлод тажрибаларини оммалаштиришда муҳим омилдир.

Адабий ~ ўтмиш ад-тидан мерос қолган адабий тушунча ва ҳодисалар, маданий мероснинг давомийлигини таъминловчи *ворислик* тушунчалари б-н боғлиқ ҳолда мавжуд. А.а. кўпроқ миллий шакл ва воситалар асосида намоён бўлади. Мас., туркий ад-тга хос тасвирлаш услуби (Навоий "туркона ёзидир" деб қайд этган), т. меъёрларига амал қилиш бадиий ад-тда сақланган. Шунингдек, А.а. айрим тур ва жанрлар, шакл ва мазмун, бадиий тил, ритм ва услуб каби поэтик ҳодисалардан аниқ кўринади. Ўзбек насрига хос мумтоз анъаналардан бири *ровийлик* бўлиб, одатда баёнчи томонидан ҳикоя қилинган қисса ва бошқа насрий ад-т намуналари "Ровийлар андоқ ривоят қилурларким..." деб бошланади. Ёки ўзбек шеъриятида минг й.лар давомида анъанавий тарзда қўлланилиб келган *аруз* вазни А.а.нинг бир кўринишидир.

АНҚАРАВИЙ, Исмоил Русуҳий (в.1631) – турк шоири ва мутасаввифи, маснавий шарҳловчиси. Анқарада туғилган. Араб ва форс т.ларини мукаммал эгаллаган. Тасаввуфдаги байрамийлик тариқатига кирган. Кўнёда мавлавий шайхи Бўстон Дада б-н танишиб, унинг далолати б-н мавлавийликка боғланган. Истанбулга келиб, Ғалата мавлавийхонасида шайхлик қилган (1610). А. маснавий шарҳловчиси сифатида машҳур бўлгани туфайли Ҳазрат Шориҳ (шарҳловчи) тахаллусини олган. Жалодиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий"ини "ваҳдати вужуд" нуқтаи назаридан шарҳ қилган. "Русуҳий" сўзи абжад ҳисобида Ғалата мавлавийхонасининг қурилиш й.га тенг келгани учун шоир уни тахаллус қилиб олган. "Девон" тартиб бергани манбаларда т.га олинади. "Минҳожу-л-фуқаро", "Нисоби Мавлавий", "Зубдату-л-фусус", "Изоҳу-л-ҳикам", "Ҳадиси арбаин шарҳи", "Жаноҳу-л-арвоҳ" каби тасаввуфий асарларни ёзган.

Мустафо Эсон. Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АО (кад. хитойча: тошбақа) [мифология] – қад. хитойликлар тасаввурича уммонда сузаётган улкан тошбақа (унинг елкасида уч тоғ Инчжоу, Пэнлай, Фанчжан; айрим вариантларда беш тоғ, яна Дайюй, Юанцзяо қўшилган). Мифга кўра хитойликлар ундан хуннларга қарши курашга олиб кирган, хуннлар томонидан оёқлари кесиб ташланган (шунинг учун қурукликда юра олмайди, фақат сувда сузишга маҳкум). А. ўрта асрлар хитой илмий ад-тида олимликнинг юқори поғонасининг рамзи саналган. А.нинг бош қисми сурати Ханлин академияси биринчи аъзоларига берилган унвон сифатида уларнинг кўйлагининг орқа томонига туширилган. А. мифология ва бад. ад-тда имтиҳонлар ҳомийси сифатида қаралган. А. тошбақа танли, одам бошли қилиб тасвирланган.

Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.91.

АПАХНУТИ (санскритча: инкор) [поэтика] – қад. санскрит поэтик категорияларидан бири. Анандаварханинг «Дхваньялока» асарида ёзилишича, бир нарсани инкор қилиш орқали иккинчи бир нарсани тасдиқловчи аланкара.

АПДАЙК, Жон (1932/18.III–?) – АҚШлик шоир ва адиб. Педагог оиласида туғилган. Ҳарвард ун-тини тугатиб (1954), бир йил давомида Англиянинг Оксфорд ш.да тасвирий санъатни ўрганди. Юртига қайтиб, "Нью Йорк" журн.да карикатуралар чизди, шеър, ҳикоя ва фельетонлар эълон қилди. "Ғоч товуқ ва бошқа қўлбола нарсалар", "Телефон симёғочлари" (1963) шеърлар тўплами, "Ўша эшик» ҳикоялар тўплами (1959) чоп этилган. "Ўрта ш бошқа шеърлар" (1969), "Уйқусизлик" (1977) тўпламларига киноявий руҳдаги шеърлари жамланган. Биринчи романи "Ярмарка" (1959)да қариялар уйидаги ҳаёт тасвирланган. "Қуён, қоч!" романи (1960) муаллифга катта шуҳрат келтирган. "Мақсадга отланган Қуён" (1971) романида ёшлар ҳаракати, қора танлиларнинг фуқаролик ҳуқуқи, Вьетнам уруши в.б. сиёсий

воқеалар ўз аксини топган. Ушбу туркумдаги учинчи романи "Бойиган Қуён" (1981)да унинг қаҳрамони Гарри Энгстром ҳат томонлама таъминотга эришгани боис фақат соғлигини ўйлайдиган инсонга айланади. А.Ж. ушбу туркум романлари учун қатор адабий мукофотлар совриндори бўлган. Маънавий-ахлоқий масалалар талқинига бағишланган "Жуфтлар" (1968), "Таътилнинг бир ойи" (1975), "Кел, уйланамиз" (1976), "Иствикдик жодугарлар" (1984) романларида ишратпарастликка ружу қўйган кимсалар ҳаёти тасвирланади. Учинчи туркум романлари "Кентавр" (1963), "Ферма" (1967) кабиларда абадий мавзулар, яъни ўлим ва ҳаёт иккилиги асос қилиб олинган. "Бек: китоб" (1970), "Бекнинг қайтиши" (1982) каби автобиографик романларида ижод аҳли, унинг турфа ҳаёти ва изланишлари ҳақида сўз юритилган.

♦ *Апдайк Дж.* Кролик, беги. М.: Художественная лит-ра, 1979; Ферма. Роман. М., 1967; Кентавр. Роман. М., 1965.

• *Ландор М.* Романы-кентавры // Вопросы лит-ры. 1967. № 2; Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.19.

АПЕЛЛЯЦИЯ (лотинча: appellatio – мурожаат) – шикоят юзасидан ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот ёки шахсга мурожаат (1); маслаҳат сўраб мурожаат этиш (2). Франция юридик тизимида 1808 й.дан жорий қилинган. А. талабгор аризасига мувофиқ имтиҳонни қайта ўтказиш ва унинг сўнгги хулосаси. Ад-тшуносликда...

• Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.330.

АПЕЛЛЯТИВ ВАЗИФА (лотинча: appellatio – мурожаат) [риторика] –нотиқ томонидан нутқ қаратилган шахсга нисбатан таъсир ўтказиш. А.в.ни бажариш учун муаллиф ўз асарида сўз танлайди, турли хил ифода воситаларидан фойдаланади, овозини кўтариб ёки пасайтириб таъкидлайдиган ҳоказо.

• Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С. 330.

АПЕЛЬ, Карл Отто (1922–?) – немис файласуфи. Франкфурт ун-ти профессори. "Дантедан Викога қадар гуманизм анъанасида тил ғояси" (1963) асари б-н танилган. Тарихда тил ғояси ва сиёсати масалаларини прагматик йўл б-н ҳал қилиш тарафдори бўлган. Тилшуносликнинг аналитик фалсафаси бўйича ҳам тадқиқотлар муаллифи. Экзистенциализм ғояларига қарши чиқиб, рационалликнинг 4 типини тавсия қилган: илмий рационаллик, технологик, герменевтик ва ахлоқий рационаллик. Булар асосида коммуникатив муштараклик вужудга келишини асослаган.

• Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.23-24.

АПЕРСЮ (французча: apercu – шарҳ) [матншунослик] – бирор асар ёки тадқиқотнинг қисқа шарҳи. Айрим ўринларда *Резюме* ва *аннотация*га яқин

келади. А. матн каталоглари тузишда ва тасниф қилишда фаол қўлланиладиган истилоҳ.

АПИС – (қад. мисрча: ҳўкиз бошли) [мифология] – қад. мисрликлар маъбуди. А. қора тусли буқа шаклида бўлиб, ўнг тарафида ҳилол шаклида оқ қашқаси бўлган. А.нинг маъбудлик даври 25 й. Маъбудлик даври тугагандан сўнг уни рақиблари Нил дарёсига чўктириб юборишган. Кейинчалик зироат (деҳқончилик) маъбуди сифатида *Узирис* исмли бошқа буқани ўзларига маъбуд қилиб белгилашган. Мифга кўра, А.нинг буқа шаклида тасвирланиши деҳқончилик ишлари ҳўкиз орқали амалга оширилишига ишора. А. юнон тарихчилари Геродот, Страбон, Элиан асарларида тилга олинган.

- *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / А.Юнусов тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўлёзма. Б.50; Мифы и легенды древнего Египта. М., 1971; Мифы народов мира. Т.1. М.: (''), 1980. С.892.

АПКАЛЛУ (аккадча: *донишманд*) [мифология] – аккад мифологиясидаги етти донишманднинг ҳар бири шу ном б-н юритилган. Эрре ҳақидаги достон персонажларидан бири. Ҳар қандай донишманд ҳам кейинчалик шу ном б-н аталган.

- Я открою тебе сокровенное слово / Лит-ра Вавилонии и Ассирии. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.341.

АПОГЕЙ (юнонча: apogeion – ердан узоқ) [поэтика, риторика]– Ердан энг узоқ жойлашган Ой орбитаси (зидди *перигей*). Кўчма маънода: энг баланд чўққи. Бад. асарда бирор воқеа ёки ҳодисанинг энг юқори чўққиси; тасвирнинг энг баланд нуқтаси.

АПОКАЛИПСИС (юнонча: apokalypsis – очилиш) [мифология, диншунослик] – қад. насроний китобларидан. Янги аҳд китобининг апостол Иоанн Богослов очилиши қисми. 68-69 й.да ёзилган бўлиб, анъанага кўра унинг муаллифи апостол Иоанн (Юҳанно) ҳисобланади. “Иоанн каромати” насронийликда Инжил канонига киритилган. «Қад. Аҳд» китобида Уздра, Варух, «Янги Аҳд» ад-тида Петр, Месс, Зострианн кароматлари сохта (апокриф) деб эълон қилинган. А.да дунё ва инсоният келажаги башорат қилинган дейилади. Мас., қиёмат, дунёнинг охири в.б. Муқаддас китобларда ёзилишича: «Мен Альфа ва Омега, ибтидо ва интиҳо, биринчи ва сўнгги»дир.

- *Робертсон А.* Происхождение христианства / Пер. с англ. М., 1959; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Хорев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АПОКАЛИПТИК (юнонча: apokalyptic – очувчи) [мифология, диншунослик] – ўзига хос тарздаги китоблар муаллифи ва Апокалипсис тафсирчиси (м.а. II-

I). Рамзий маънода Мусо а.с.га яқин кишилар. Исроил подшохлигининг дигий маслаҳатчилари.

~ адабиёт – милодий I асрдан Жаниил китоби ва ундан бошланган шу рухдаги ад-т. Насронийликнинг илк асарларидан бири сифатида талқин қилинади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия М.: ЭКСМО, 2007. С.61.

АПОКОПА (юнонча: apokopé – тушиб қолиш) [риторика] – сўзнинг охиридаги бир ёки икки товушнинг тушиб қолиши. Риторик тасвирий восита. Мас., М.Светлов "Гренада"сида:

И мёртвые губы шепнули: "Грена..."

Айрим шева хусусиятлари асосида ёзма ад-тда "қиладурман" – *қилоду(р)ман,* "бордилар" – *бордило(р)* тарзида қўлланилиши А. мисол бўла олади.

• *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М.* Общая риторика. М., 1986, *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АПОКРИФ (юнонча: apocruphus – *сирли, яширин*) – насроний ад-тида черков томонидан ноқонуний ҳисобланиб, ибодат пайтида қўлланилмайдиган асарлар. А. турли мавзудаги диний асарлар, жаннат, охирзамон ва валийлар ҳаётига оид асарлар ёки оғзаки нақллар бўлиши мумкин. А. истилоҳ сифатида IV асрнинг сўнгида насроний черкови ҳужжатларида қўлланилган. Диний рухдаги бадиий ад-тда насронийлик қиссалари ҳам А. номи билан юритилган. Бироқ черков А.ни "ёлғон ад-т" деб ман қилгани туфайли бу атама салбий маънони акс эттирган. X–XVII асрларда рус ад-тида мўъжизалар, авлиёлар кароматига бағишланган жуда кўп А. яратилган.

• *Тихонравов Н.С.* Апокрифические сказания. Спб., 1894; *Яцирмирский А.И* Библиографический обзор апокрифов в южнославянской и русской письменности. Вып 1: Апокрифы ветхозаветные. Пг., 1921; *Свеницкая И.С.* Запрещенные евангелия. М., 1965, *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.15; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003 С.39-40; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.22-23

АПОЛЛИНЕР, Гийом (1880/26.VIII–1918/9.XI) – француз шоири ва мунаққиди. Асл исми: Вилгельм Аполлинарий Костровицкий. "Алкоголь" (1913) ва "Каллиграммалар" (1918) шеърий тўпламлари муаллифи. Биринчи жаҳон урушидан аввал Париждаги адабий авангардизмнинг етакчиларидан. Янги мавзу ва тасвир воситалари, тиниш белгиларидан воз кечиш, "сюрреализм" кабиларнинг ихтирочиси сифатида танилган. Асосий адабий-назарий асари "Янги онг ва шоирлар" (1918) вафотидан сўнг чоп этилган. Ушбу асарида қуйидагиларни илгари суради: "Фан ва техника янгиликлари янгича онг яратишга қанчалик киришмасин, онг ўзининг миллийлигини

сақлаб қолиши керак. Санъат қачон миллий характерини йўқотиши мумкин? Қачонки, кишилар бир хил табиий шароитда, бир хил ҳолатда яшасалар, бутун инсоният бир тилда, бир оҳангда гапирса, демак, ҳеч қачон. Турли миллий ва этник фарқлар адабий шаклларнинг хилма-хиллигига сабаб бўлади, ана шу хилма-хилликни биз сақлаб қолишимиз керак. Миллат учун руҳий мустамлака, қурол кучи б-н забт этилишдан кўра хавфлироқ. Янги онг француз миллатига янгича эрк ва тартиб олиб келиши керакки, бунинг натижасида унинг ўзига хослиги ва руҳий қуввати ошсин. Янги онг ҳар қандай адабий тажрибаларни, ҳатто фавқулодда янгиларини қабул қилади, агар улар лирик характер касб этса. Шунинг учун ҳам ҳозирги шеъриятда лирика янги онгнинг ифодачиларидан биридир, чунки у изланиш ва тадқиқотлар б-н кун кўради. Бу эса янги онг учун кўпсонли материаллардан биридирки, бунинг эвазига ҳаққонийлик заҳиралари, оддийлик ва камтарлик тугилади ва юзини янгилик сари буради. Янгилик шеъриятда ҳам ўз сўзини айтади". "Зона" шеърида:

Глаз. Хрусталик. Христос.
О двадцатый хрусталик веков

қад. образли т. б-н сўзлайди, буни А. илмида *кумуляция тили* деб айтадилар.

♦ Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.53-63.

• Теория лит-ры. В 2 т-х, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.271, 279, 323.

АПОЛЛОДОР, Афиналик (м.а.150–?) – қад. юнон олими, тилшуноси. Кўплаб тарихий асарлар ёзган. Гомер асарларига шарҳлар ёзган. Биргина асари мифологик китоблар мажмуаси "Библиотека" номи б-н сақланган. Асар унинг т.дан шогирдлари томонидан қайта ёзилган.

•*Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.62.

АПОЛЛОН (юнонча) [мифология] – қад. юнон мифологиясида ёруғлик, санъат ва ҳунармандлик, маърифат ва тибб маъбуди. А.ни шеърият ва мусиқа ҳомийси сифатида ҳам эъзозлашган. Муштарий (Юпитер) ва Ложуннинг ўғли (айрим ад-тларда Зевс ва Летонинг ўғли). Гомернинг "Илиада" асарида Зевсдан кейин турувчи саломатлик маъбуди. А. мураккаб мифологик образлардан бири. А. культи Кичик Осиёдан Юнонистонга, сўнгра Римга кириб келган. Кейинги мифларда донишмандлик маъбуди ва санъат раҳнамоси тарзида гавдаланади. Муза (маърифат парилари)ларга раҳбарлик қилгани учун *мусагетлар* раҳнамоси. А. лақаби *Феб (ёруғлик)*, шунинг учун айрим мифларда Қуёш маъбуди сифатида ҳам тасвирланади. Мифга кўра гўзал Дафнани севиб қолиб, унга эришиш учун қувлаганда Дафна А.дан қочиб мангу дарахтга айланиб қолган. Антик давр ҳайкалтароши Фидий ижод қилган А. ҳайкали бизнинг даврғача етиб келган. А. қўлида ўқ-ёй ва мусиқа асбоби ушлаган ҳолда тасвирланган.

• *Лосев А.Ф.* Античная мифология в ее историческом развитии, ч.2. / Аполлон. М., 1957; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.92-96.

«АПОЛЛОН» (1909–1917) – Санкт-Петербургда чоп этилган символистик йўналишдаги адабий ва санъатшуносликка оид журн. Санъатнинг барча турларига эътибор берилган. А. безакли журналига шу номда илова равишда адабий альманах ҳам эълон қилинган бўлиб, унинг 10 та сони нашр этилган (1909-10). Санъат тарихи ва назарияси, театр ва мусиқа ҳаёти, адабий жараён ва жанрларга обзорлар бериб борилган. А. да В.Брюсов, А.Блок, И.Анненский, Н.Гумилёв асарлари, В.Дмитриев, А.Ростиславов, Н.Пунин мақолалари чоп этилган. 1914 й. дан ўз нўналиши ўзгартириб, символизм ва акмеизмга қарши материаллар ҳам бериб борган. 1918 й.да шўролар томонидан нашр этилиши тўхтатилган.

• Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Лит-ра. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Пер. с франц. М.: Республика, 1999. С.373.

АПОЛЛОНИЙ, Родослик (м.а. 295–215) – қад. юнон шоири ва тилшуноси. Эллинизм даври Искандария шеърияти намояндаси. Машҳур Искандария кутубхонсини бошқарган, Каллимахдан таҳсил олган. "Аргонавтлар" асари (тўрт қисмдан иборат)да А. аргонавтларнинг олтин терини қўлга киритиш йўлидаги саргузаштлари баён қилинади. Медеянинг Ясонга муҳаббати эҳтиросли тасвирланган. Бу мавзу А.дан сўнг Вергилийнинг "Энеида" асарида давом эттирилган. Классицизм даври шоирлари ҳам ушбу сюжетга мурожаат этганлар.

♦ *Аполлоний Родосский.* Аргонавтика / Пер. и прим. Г.Церетели. Тбилиси, 1964.

• История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АПОЛЛОНИЙ, Тианалик (Тианский) – мил. I асрда яшаган донишманд, "янгипифагорчи". Илк масиҳийлик даврида антик ад-тда "маъбуд" деб мақталган сохта "худо"ларни танқид қилган. А.Т. "Пифагор ҳаётномаси" асарида баданни эмас, руҳни ўстириш керак, ғояларига амал қилиш, мимесис (тақлид) назариясига фантазияни қарши қўйган. Назарий масалаларда Бобил олимлари б-н баҳслашган, мусиқа ва ҳайкалтарошлик санъатларининг назарий асосини ишлаб чиққан. Кейинчалик "Пифагор ҳаётномаси"дан Порфирий фойдаланиб, шу номда асар ёзган. Аполлонийнинг кенг қўламдаги ҳаётномасини III асрда яшаган машҳур риторика олими Флавий Филострат Рим императори Каракалланинг онаси, малика Юлия Домна топшириғи б-н ёзган. Сурия, Миср, Ҳиндистон, Бобил олимлари б-н баҳслашувчи, жуда кўп илм-фанларни билувчи, юлдузларга қараб фол очувчи, мусиқа ва ҳайкалтарошлик ва бу санъатларнинг назарий асоси – тақлид, фантазия, шакл ва мазмун ҳақида теран фикрлар билдирган. Флавий Филострат ёзишича, А. суриялик ҳамроҳи ва шогирди Дамид б-н бирга Ҳиндистоннинг қадимги пойтахти Таксила ш.га бориб, ш. девори олдида Искандар шарафига қурилган қаср ичида Македониялик жаҳонгир ва Ҳиндистоннинг ўша вақтдаги подшоҳи Пур ўртасидаги жанг манзаралари,

нскала саркарданинг жасоратли тасвирларини томоша қилиб, мусаввирларнинг ижодини баҳолаб, фикр юритганлар. А. ижодий ғоя, характер, фантазия каби санъат назарияси тушунчаларини тилга оладики, устоз назариётчи А.Ф.Лосев тўғри эслатганидай, бу назарий масалаларда А. Афлотун ва унинг шогирди Арастунинг эстетик назарияларига яқинлашади.

Флавий Филострат (III) у ҳақда «Аполлоний Тианалик ҳаёти» романини ёзди.

- *Флавий Филострат.* Жизнеописание Аполлония Тианского. М.: Наука, 1972; *Бычков В.В.* Эстетика поздней античности II-III вв. М.: Наука, 1981; *Тронский И.М.* История античной лит-ры. М.: Высшая школа, 1983; *Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М.* Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т., 2013. Б. 204-205.

АПОЛЛОНИЙ ва ДИОНИСИЙЛИК (юнон исмлари асосида) [эстетика] – маданият икки типининг ўзаро мавжудлиги, қарама-қарши тушунчаларнинг биргаликда бир-бирини тақозо қилиши. Аполлонийлик – қуёшли, рационал, гармоник ва мақсадга интилувчан; дионисийлик эса қоронғу, мавҳум, иррационал ва хаотик (бузғунчи) кайфиятнинг бир адабий ҳодисада учраши мумкин. А.,Д. истилоҳи Ф.Ницше томонидан адабий муомалага киритилган. Бу ҳодиса XX аср фалсафий ад-тларида қўлланилган. Ф.Ницшенинг "Аполодам" (сверхчеловек) ғояси мана шу тушунчанинг мужассами эди.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.96-97 (эл.версия).

АПОЛОГ (юнонча: apologos – *ҳикоя,* масал) – қисқа аллегорик ҳикоя ёки ривоят бўлиб, ҳайвонлар ёки ўсимликлар аллегорик тарзда тасвирланади. А. дастлаб Шарқда санскрит т.даги эртаклар тўплами "Панчатантра" орқали масалдан аввалроқ вужудга келган. "Калила ва Димна"нинг араб ва форс вариантларида ҳам А. насиҳат мотивида ёзилган. А. сифатида рус ад-тида "Варлаам ва Иоасаф қиссаси", "Акир донишманд қиссаси" келтирилади. XIX аср бошларида рус ад-тида И.Дмитриев ижодида учрайди.

- *Venac H.* Nouveau Vocabulaire de la Dissertasion et des Etudes Litteraires. Paris, 1982; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.40.

АПОЛОГЕТЛАР (юнонча: apologeomal – ўзини ҳимоя қилмоқ) – насроний диньватчилари. Мил. II-III асрларда бир гуруҳ насроний адиблари диний ва императорлик ишларига аралашмасликка, уларни танқид қилмасликка интилган этиб, уларни ёқлаб асарлар битганлар. Юстин, Тациан, Афонагор, Тертуллиан в.б. А. асарлари насронийлик тарихида ва ад-тида муҳим ўрин тутади.

- *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.34.

АПОЛОГИЯ (юнонча: apologos – ҳикоя) – юнон ҳакамлик судида айбдорни оқлаш ёки ёзма равишда ҳимоя қилиш; диншуносликда насронийлик ҳимояси учун ёзилган китоб.

«АПОЛОГИЯ» – қад. юнон адиби Апулей асари. Автобиографик мазмундаги бу асар нотиқлик санъатига алокадор. "А."да Апулейни сеҳр-жоду ёрдамида бир аёлнинг эрини ўлдириб қўйишда айблаб, судга чақирилгани ва Апулей ажойиб нутки б-н ўзини ҳимоя қилгани ва окланиб чиққани баён қилинади.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439; *Елисеев И.А., Полякова Л.І* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16.

АПОРИЯ (юнонча: aporia – ўтиб бўлмас йўл) [синергетика] – иложсизлик, ночорлик; қарама-қарши ва шу б-н бирга ҳаққонийлик жиҳатидан тенг тушунча. Юнон фалсафаси ва ад-тида кенг қўлланилган А. диалектик тафаккурининг ҳосили сифатида вужудга келган. Асл маъноси: мантиқий қийналиш, бирор муаммонинг ечимида қатъий позицияга эга эмаслик. Юнон файласуфи Элеилик Зенон (м.а. V) томонидан илмий истифодага киритилган. А. Ғарб фалсафасида бирор муаммони ечишда тўхтамга келмаслик. Мас., Шекспир асаридаги Ҳамлетнинг "Ё ҳаёт. Ё мамот..." хулосаси каби. Матншуносликда ўзаро тенг икки ечимдан бирини танлай билмаслик.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.40-41.

АПОСИОПЕЗА (юнонча: aposiopés – жим туриш, тўхтаб туриш) [риторика] – поэтик воситалардан бири, стилистик фигура. Шеърий асарларда инверсия, қофия ёки ритм талаби б-н феъл туркумига оид сўз қўлланилмай, унинг вазифаси бошқа сўзларга юклатилади. Феъл вазифаси юклатилган сўз предикатлик вазифасини бажаради. Бу ҳолат бошқа бировдан келтирилган кўчирма тарзида ҳам бўлиши мумкин, бунда ҳам грамматик номутаносиблик кузатилади. Феъллик маъноси бошқа банддаги сўзга ҳам юклатилган бўлиши мумкин. Мас., Мандельштам шеърида: *"И лодка, волнами шурша, / Как листьями..."* мисрасида "*уже далёко*" тушиб қолган. Агар тушиб қолган сўзларни жойига қўйсак ҳам инверсия туфайли уни тушуниш қийин. Одатдаги грамматик тартибда эса: "И лодка уже далеко, шурша волнами, как листьями" бўлиши керак.

- Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.517.

АПОСИОПЕСИС (юнонча: aposiopésis – тўхтаб қолиш) [риторика] – персонаж нуткининг бирдан тўхтаб қолиши. А. муаллиф томонидан бирор воқеа туфайли қаҳрамон нуткини тўхтатиб қўйилиши. Драманинг кульминацион вазиятида шу ҳодиса содир бўлиши мумкин. Мас., Гоголнинг "Ревизор" асари охиридаги Ревизор келиши б-н содир бўлган "соқов сахна". Ёзма нутқ ёки ёзувда ҳам бирдан тўхтаб қолиш содир ўлиши мумкин.

- *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной

семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М.* Общая риторика. М., 1986; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОСТАЗИЯ (юнонча: apostasis – қайтиш) – ўз динидан, эътиқодидан қайтиш. Андалусида ва мусулмонлик жорий этилган Европа мамлакатларида насронийликдан қайтган кишиларга нисбатан қўлланилган.

АПОСТОЛЛАР (юнонча: apostolos – элчи, издош) – илк насроний ад-тларида христианликнинг дастлабки 12 тарғиботчиси. А. ҳали руҳоний жамоаси шаклланмаган пайтда даъват ишлари б-н шуғулланиб, турли юртларни кезиб чиққанлар. Мас., "Дидаха" асарида 12 апостоллар таълимоти акс этган. Янги Аҳд китобида Исо пайғамбарнинг яқин сафдошлари ва давомчилари сифатида талқин қилинади. Инжилга кўра булар: Андрей, Пётр, Варфоломей, Иоанн, Иуда Искариот, Матфей, Симон Зилот (Кананит), Фаддей, Филипп, Фома, Иоакав Алфей ўғли, Иоакав Заведей ўғли. Бу сиймолар диний ад-тлардан ташқари бадиий асарларда ҳам учрайди. Мас., А.Блокнинг "Ўн иккилар" достони.

XIX аср бошида Кембриж ун-тида (Англия) А.Теннисон раҳбарлигида "А." номли адабий тўгарак вужудга келган.

- *Воропаева К.Л.* Кто такие апостолы? Л., 1973; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.355-57; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОСТРОФ (юнонча: apostrofos – белги) [семиотика, риторика] – I. ҳарфларнинг уст томонига қўйиладиган белги (’). Мас., *д'Артаньян.* Француз, италян ва инглиз т.да туширилган унлини англатади (1); олмон т. орфографиясида ундошларнинг юмшоқ талаффузини (2); рус т.да маълум даврда (ъ) қаттиқлик белгилси ўрнида қўлланилган. Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек ёзувида айирув белгиси сифатида қўлланилади. Унга тескари бўлган (‘) белги эса ў, г ҳарфларини ҳосил қилишда қўшимча белги сифатида қатнашади: о‘, g‘.

II. риторикада жонсиз предмет ёки номи т.га олинмаётган шахсга нисбатан қўлланувчи риторик фигура.

АПОСТРОФА (юнонча: apostrophé – қайтиш) [эстетика, театр ва драма назарияси] – риторик фигура. Муаллиф ёки персонажнинг асарда қатнашмаётган персонаж ёки нарса ва предметга мурожаати. Рус драматургиясида А.П.Чеховнинг "Олчазор" (1904) асарида Гаевнинг "мухтарам шкаф"га мурожаати бор. А. лирик чекиниш сифатида сюжетдан ташқарида бирор шахс ёки предметга мурожаати тарзида ҳам келиши мумкин. Миртемирнинг "Сурат" лирик достонида қаҳрамоннинг китоб орасидан ногаҳон чиқиб қолган сурат (расм)га мурожаати бор. А. ода

(қасида) ва элегия (мунгли шеър)да ҳам учраши мумкин. Бу ҳолда Шарқдаги ружу санъатига яқин келади.

- *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам–12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М.* Общая риторика. М., 1986, *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

Қаранг: Д.Қуронов

АПОФ(Т)ЕГМА (юнонча: apopthegma – қисқа ва ўткир сўз) [поэтика, дидактика] – машҳур кишилар ҳаётидан олинган ҳикматларга бой пандном тарзидаги ад-тлар. А. жамият ахлоқий меъёрларига риоя қилиш, ахлоқий-дидактик йўналишдаги қисса ва ҳикоятлар тўпламларидир. А. афоризм ва ҳикматли сўзлар тўпламларига синоним тарзида ҳам қўлланилиши мумкин. А. тўпламлар муаллифи сифатида Европа ад-тида Ф.Петрарка, Ж.Боккаччо, рус ад-тида эса Н.Г.Кургановнинг "Письмовник" ("Мактублар") тўпламини мисол келтирадилар. А. типидаги ад-тлар Шарқ ад-тида "Ҳикматнома", "Пандном" умумий номлари б-н эълон қилинган асарларга яқин туради. Яна қ.: *афоризм.*

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОФЕОЗ (юнонча: apotheosis – *мадҳ, тақдирлаш*) [эстетика, театр назарияси] – қад. юнонларда давлат арбоблари, Римда императорга берилган унвон. А. дастлаб Римнинг асосчиси Ромулга, сўнгра император ва унинг оила аъзоларига берилган. А. бадиий асарда кўчма маънода кандайдир ходисани, тантанани шарафлаш (1); саҳна асарларининг якунловчи қисми (2) ҳам шу истилоҳ б-н юритилган. Саҳна асарларининг сўнггида барча актёрларнинг саҳнага чиқиши ёки бирор концерт иштирокчиларининг томоша сўнггидаги саҳнага чиқиши ҳам А. деб юритилган. Бу А.лар "тирик манзара", "жонли лавҳа", "сўзсиз саҳна" каби номлар б-н ҳам аталган. Рус театр санъатида А.нинг намунаси Глинканинг "Иван Сусанин", Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг "Гулсара" операсининг якунловчи қисми ҳам А.га мисол бўла олади.

А. айрим адиблар ва маданият арбобларини унга мос бирор предмет б-н доимий суратда тасвирлаш. Мас., подшоҳ суратини фақат тахтда тасвирлаш, Рим адиби Сенекани бошида гулчамбар тақкан ҳолда тасаввур қилиш.

- *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОФТЕГМА (юнонча: apophthegma – фикрни аниқ ифодалаш) [поэтика, риторика] – сабоқ бўларли ибора ва ҳикмат. А. афоризмларнинг синоними сифатида Ф.Бэкон (1624) томонидан қўлланилган. А. қонунчиликда кўпроқ қўлланилган.

АППИА, Адольф (1862–1928) – швейцар символисти, саҳна санъатининг ислоҳотчиси. Женевада туғилган. "Вагнер драмаларининг саҳнага қўйилиши" (1895) илк асаридир. Декорация, чироқ ва бошқа саҳна безакларига алоҳида эътибор берган. Ўз асарлари б-н натурал санъатга қарши бориб, саҳнадаги рамзийликка диққат қаратган. Муаллиф қарашларини имкон қадар саҳнага олиб чиқиш имкониятларини ахтарган. Асарлари олмон ва француз т.ларида чоп қилинган.

- Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Лит-ра. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Пер. с франц. М.: Республика, 1999. С.346-347.

АППИАН (~ 101–170) – искандариялик тарихчи, асарларини юнон т.да ёзган. Рим императори Траян даври (98-117)да тарихга кириб келган. Асосий асари «Рим тарихи» (160) бўлиб, 30 ж.дан иборат бу асар *анналчилик* руҳида ёзилган. Бевосита ушбу туркум таркибига кирувчи "Гражданлар урушлари" асари беш қисмдан иборат. А. асарлари тарихий солномалар бўлмай, балки уларнинг бадиий жиҳатдан ҳам қимматга эга. А. ўз асарларини ўқишли бўлиши учун кўплаб бадиий лавҳалар яратади, адибларнинг асарларидан намуналар келтиради. Бизгача етиб келган лавҳалар уч ж.да.

♦ *Аппиан.* Гражданские войны / Историки античности, т.2. М.: Правда, 1989. С.523-608.

АПРАСТУТАПРАШАНСА [поэтика] – қад. санскрит поэтик категорияларидан бири. Назарда тутилган нарсани тавсифлаш. Мазкур планкара ассоциацияга, тушунчалар алоқасига асосланган фигура бўлиб, у Шарқ ад-тидаги мажоз – аллегорияга тўғри келади.

АПРЕЛЬ (лотинча: aprilis – очилиш, ёзилиш) – йилнинг тўртинчи ойи. Баҳорги очилиш, ўсимлик ва дарахтларнинг барг ёзиш даврига тўғри келгани учун А. сўзи ой номини ифода қилади. Очилишнинг биринчи кунини кувноқлик б-н кутуб олишган. Мажусийлик давридан колган бу одат ҳамон қўлланилади.

АПРИОР (лотинча: a priori – аввалги) [гнесология] – аввалги тажрибага асосланган, лекин ундан мустақил бўлган билим. А. истилоҳ сифатида ўрта асрларда Декарт ва Лейбниц фалсафий таълимотида қўлланилган. Бу фалсафий тизим И.Кант фалсафасида тараққий эттирилган бўлиб, унингча, билимнинг ўзи эмас, балки илк шакли А. ҳисобланган.

- *Кант И.* Критика чистого разума / Соч., т.3. М., 1964;

~ ***талқин*** [герменевтика] – олмон файласуфи И.Кант назариясининг давоми бўлиб, ҳар қандай талқин аввалги тажрибалар асосида юзага келса ҳам, бу жараёнда тажриба истисно тариқасида иштирок этмайди. Бунинг учун М.Кант кўникиш тамойили ёки дастлабки схемани тавсия этади. Бу инсон табиати б-н унинг ақли ўзаро алоқадорликдаги ҳаракати бўлиб, улар

бир-сингишиб кетган бўлади. Бу умумий гармония Яратувчи томонидан белгиланиб қўйилади, гарчи бизга эстетик категория (мас., гўзаллик) таъсир этса ҳам унинг биз кўрган гўзал гул ёки қушчага алоқаси йўқ. Бунда А.т. ҳар доим субъектив характер касб этади. Бошқа А. категориялар: макон, замон, сабаб буларнинг ҳаммаси субъектнинг табиати таркибига киради.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.352-353.

АПСАРА(С) (қад. ҳиндча: сувдан чиққан) [мифология] – ҳинд ведалари мифологияси бўйича ярим илоҳий аёл жинсига мансуб махлуқот. А. Ерда ва осмонда яшайди. "Ригведа", "Атхарваведа" ва "Рамаяна" матнларида турлича талқин қилинган. А. мингдан ортиқ бўлиб, улар ўз қиёфасини ўзгартира олади. А. инсон ҳиссиётига таъсир этиб, ўзини севдира олади ва кишини ақлдан оздиради.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.96.

АПТ-АРТ (инглизча: art – хона, квартира) – қ.: Концептуал санъат.

АПУЛЕЙ (~125–180) – эллинизм даври ад-ти намояндаси. 124 й. А. асарларини юнон ва лотин т.да ёзган. Рим империясига қарашли Нумидия (Африка)нинг Мадавр ш.да туғилган. 11 китобдан иборат "Метаморфозалар, ёки Олтин эшак" асари муаллифи. II асрда Рим империясида кечган маиший воқеалар ва уларнинг ахлоқий жиҳатлари, 11 ҳикоят шаклида маиший-ишқий ва диний сюжетлар баён қилинган. Барча ҳикояларнинг бош қаҳрамони Амур ва Психей. А. романи сюжети кейинчалик Ж.Бокаччо, М.Сервантес, Г.Филдинг, Т.Смоллетт асарларида ҳам қўлланилган. А., шунингдек, "Апология ёхуд Афсунгарликка айланишда ўзини ҳимоя қилиш учун айтилган нутқ", "Флорида" сингари риторик асарлар муаллифи.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.126; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.499.

АРА ГЕХЕЦИК (қад. арманча: ўлмас) [мифология] – арман мифологиясида қўра ўлиши ва қайта тирилиши мумкин бўлган маъбуд. А.Г. номи ассирий мифларида ҳам учрайди. Арман давлатининг эгаси А.Г. Ассирия маликаси Шамирамга уйланади. Бошқа мифга кўра Шамирам ўч олиш мақсадида арман юртига келиб, А.Г.ни ўлдиради. Арарат тоғи этакларидаги пастекисликнинг номи ҳам А.Г. деб юритилган. А.Г. образи арман рангтасвири ва достонларида акс этган. В.Суренянцнинг "Шамирам ўлган Ара устида" сурати, Н.Зарянинг "Ажойиб Ара" достонлари яратилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.97.

~ ***ёзуви*** – араблар томонидан жорий қилинган ёзув тизими, кейинроқ Ажам (араб бўлмаган мусулмон ўлкалари)да ҳам асосий *алифбо* сифатида қабул қилинган. Ўнгдан чапга томон ёзилади ва ўқилади. А.ё. қад. оромий ёзуви асосида шакллантирилган бўлиб, унинг қад. ёдгорликлари Намарр

(328), Зебед (512) в.б. хатлар ҳисобланади. Дастлабки ёзув тури куфий ёзув Фрот дарёси ёқасидаги Куфа ш.нинг олимлари ихтиро қилганлар. Исломнинг Араб ва Ажам мамлакатларида ёйилиши б-н ёзув ислоҳ қилиниб, ҳарф ости ва усти нуқталари, белгилари қўйилган. Ирок волийси Зиёд ибн Абиҳи буйруғи б-н Абул Асвад Дувалий (688), Валид ибн Абдулмалик Марвон даврида ислоҳ қилинган. Араб мамлакатларидан ташқари ҳоз Эрон, Афғонистон, Покистон, Шарқий Туркистонда жорий ёзув ҳисобланади. Андалусияда XVI асрга қадар, 1928 й.га кадар Марказий Осиё, Кавказ ва Кавказорти ўлкаларида, Татаристон ва Бошқирдистонда, 1929 й.га қадар Туркияда асосий ёзув ҳисобланган. А.ё. мусулмонликнинг ёйилиши ва Қуръони каримнинг А.ё. битилиши б-н бутун дунёга тарқалиб кетган. Араб алифбосида 28 ҳарф ва 12 та диакритик (ёрдамчи) белги бўлиб, уни бошқа халқлар қабул қилиш жараёнида ўзининг т. хусусиятларидан келиб чиқиб айрим белгиларни орттирганлар. Мас., форс т.да 32 ҳарф. А.ё. муқаддас ёзув ҳисобланган учун унда битилган китоб ва номалардан ношаръий мақсадларда фойдаланиш, ножоиз жойларга ташлаш манъ этилган. А.ё.даги ҳарфлар қамарий ва шамсий ҳарфларга бўлинади.

Бундан ташқари диакритик белгилар (ҳаракатлар) айрим унлиларни ҳосил қилишда, ундош ҳарфларнинг такрорини беришда ва сўз ёки бўғиннинг тугаганини англатишда фойдаланилади.

~ ***тили*** – Ғарбий Осиёда ва Африканинг шимолида яшовчи араблар т.. Кейинчалик бу т.да истифода қилувчилар миқдори ва географияси кенгайган. А.т. семит (сомий) т.лари оиласига киради. А.т.да яратилган адабий ёдгорликлар қадимдан (м.а. V аср) мавжуд. Шу даврда А.т.нинг меъёрлари ишланиб, *қўйне* адабий т.га асос солинган. А.т.да яратилган оғзаки ижод намуналари ундан ҳам қадимийрок. Қуръони каримда т.нинг кўҳна меъёрлари Қурайш қабиласи т.га яқинлаштирилган. Шу асосда араб мумтоз т. шакллантирилган. А.т.да сўзлашувчи мамлакатлар жуда кўп бўлгани сабабли унинг турли диалектлари мавжуд. Шунингдек, ш.лар аҳолиси т. б-н бадавий (саҳройи) араблар талаффузида ҳам фарқлар мавжуд. А.т.да сўз ясалиши аффиксация б-н бирга *флексия* (унлиларнинг ўзгариши, ундошларнинг иккиланиши каби) муайян рол ўйнайди. Мумтоз а.т.да икки жинс (род), уч шахс (бирлик, иккилик, кўплик), уч сўз келишик, уч ҳолат каби лингвистик категориялар бор.

• *Шарбатов Г.Ш.* Современный арабский яз. М., 1961; *Гранде Б.М.* Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 1963; *Халидов* . Арабский яз. Т.: Ўқитувчи, 196; *Иброҳимов Н.* Араб тили грамматикаси. 1-2 ж. –Т., 1992-95. *Талабов Э.* Араб тили. Т., 1993.

АРАБЕСКИ ("арабча", "арабий" сўзидан) [эстетика, меъморчилик] – Европа меъморчилигида Шарқ услубига хос орламентларнинг қўлланилиши. Амалий санъат, рассомлик ва гилам тўқишда ҳам фойдаланилган. А. араб

мамлакатларида ва Африкада кенг қўлланилгани учун шундай ном олган. Нозик, нафис ишланган жиҳозларга ҳам А. номини берганлар.

АРАБИЗМ ("арабча", "арабий" сўзидан) [лингвопоэтика] – матнда арабча сўзларнинг учраши. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан арабча сўзлар ўз лексик ҳолида (шеър, адиб), А.+ қўшимча, қўшимча + А. в.б. ҳолларда учраши мумкин.

АРАБИЙ – қ.: Ибн Арабий.

АРАБМУҲАММАДХОН (XVI асрнинг 2-ярми – 1623) – Хива хони (1602–1623). Ҳожи Муҳаммадхон (1598–1602)нинг кенжа ўғли. Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк" асарида маълумот берилган. 1623 й. А. ўғиллари Ҳабаш ва Элбарс б-н жангда, Қум ш.да қамалда вафот этган.

А. маданий-меъморий ишларга эътибор қаратган. А. мадрасасини (1616) қурдирган.

- История Хорезма. Т., 1976.

АРАБШОҲ (XIV) – Олтин Ўрда хонларидан. 1377 й. Нижегород якинида княз Дм. Константинович қўшинига зарба бериб, Нижний Новгород ш.га ўт қўйган. 1378 й. эса Рязанни босиб олган.

АРАГОН, Луи (1897/3.X–?) – француз шоири, ёзувчиси, танқидчи ва жамоат арбоби. Парижда туғилган, 1915 й.дан ун-тнинг Тиббиёт фак-тида таҳсил олган. I Жаҳон уруши иштирокчиси. Шеърлари 1917 й.дан чоп этила бошлаган. Дадаизм, сюрреализм каби адабий оқимларга яқинлашган. Унинг "Қалбдаги ханжар" (1941), «Эльзанинг кўзлари» (1942), "Француз тонги" (1945) шеърий тўпламлари, "Французларнинг инқирози ва кўтарилиши" (1945) ҳикоялар тўплами, "Реал дунё" (1949-51) туркум романлари, "Кўз ва хотира" (1954), "Тугалланмаган роман" (1956), "Шоирлар" (1960) достонлари, "Эҳтиросли ҳафта" (1958), "Жиддий ўлим" (1965), "Бланш ёхуд Унутиш" (1967), "Театр/Роман" (1974) романлари ижодининг юқори даражасини кўрсатади. "Услуб ҳақида трактат" (1928) эссесида сюрреалистик қарашлари ифодаланган. Стендаль, Курба, Матисс каби француз адиблари ҳақида портретлар яратган. Адабий тажрибалари асосида "Мен шундай ёзишни ўрганмадим" (1969) асарини эълон қилган. Шўролар соцреализмининг хориждаги тарафдорларидан бири сифатида "Соцреализм ва француз реализми" (1938) асарини ёзган. Ч.Айтматовнинг "Жамила" қиссасини французчада нашр эттириб, адибнинг халқаро шуҳратини оширган.

♦ *Арагон Луи.* Собр. соч., в 11 т-х. М.: 1957-1961; Изб. статьи и речи. М., 1957. Неоконченный роман. Эльза / Поэмы. М., 1960;

• *Трущенко Е.* Луи Арагон. М., 1958; *Балашова Т.* Творчество Арагона. М., 1964; Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.205-214, 241-243, 336-343.

АРАГОТО (японча) [санъатшунослик] – япон театр санъати ва театр гравюрасидаги «қўпол», "кучли" услуб. XVII асрда тарихий-қаҳрамонлик драмаларида намоён бўлган. Асосан, эркаклар ижро этган ролларда кўзга ташланади. Бу рол бутун пьесанинг гултожиси саналган, театр репертуарлари ва мавсумлари, асосан, мана шундай ролларга эга саҳна асарларидан бошланган. А. Кабуки театрларида шуҳрат қозонган. Актернинг юзи худди маска каби грим (бу грим турини японлар *кумадори* деб атаганлар) қилинган. А. услубида ишланган гравюралар кенг тарқалган ва театр гравюралари орасида қимматли саналган.

• *Сердюк Е.А.* "Стиль силы» - арагото в театре Кабуки и классической японской гравюре // Советское искусствознание–75. М.: Сов. художник, 1976; С.158-173; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.11-12.

АРАМ (қад. арманча) [мифология] – арман мифологиясига кўра қавмнинг отаси, арманиларнинг бош бўғини. А. Хайка авлодидан бўлиб, арман чегараларини сақлайди, Мидия б-н курашга киришади. Ассирияга қарши курашда А. қаршисига Баршамин чиқади. Рамзий маънода Арманистоннинг бошқа қарши кучлардан ҳимоя қилувчи қаҳрамон.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.97.

АРАМЕЙЛАР – кўчманчи тарзда яшовчи семит қабилаларидан. М.а. 3-минг йилликдан манбаларда учрайди, 2-минг йилликда А.лар Месопотамияга кўчиб келган. М.а. XII–XI асрларда бутун ОлдОсиёга тарқалганлар. Мил. I аср бошларидан ОлдОсиё аҳолисининг асосий сўзлашув т.га айланган. А. тили *аккад* т.га ҳам ўз таъсирини кўрсатган. А.нинг авлодлари ҳозирги *ассирий* (айсор)лардир.

• Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981.

• *Дьяконов И.М.* Народы древней Передней Азии / Преднеазиатский этнографический сб. Кн.1. М., 1958.

~ ***адабиёти*** – А.т.да яратилган ад-т. Илк адабий намуналари м.а.V асрга тегишли. Донишманд Ахикар ҳақидаги қисса м.а. V–IV асрларда яратилган. Инжилнинг Эзра, Даниил қисмларининг А.а. тегишли саҳифалари бор. Милоднинг бошларида Инжил А.т.га тарж. (*таргум*) этилган. Мас., "Таргум Онкелос", "Таргум Ионатан". Айни даврга тегишли А.а. намуналари XX асрнинг 40–50-й.ларида Ўлик денгиз остидан топилган. VI–VII асрлардан кейин адабий манбалар араб т.да ёзила бошлаган.

• Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981.

- *Коковцев П.* Древнеарамейские надписи из Нираба. Спб., 1899.

~ *тили* – семит т.лари оиласига кирувчи қавм т. Бу т.да сўзлашувчилар қадимда Сурия ва Месопотамияда яшаганлар. М.а. IX–VIII асрга тегишли манбаларда бу т. элементлари сақланган. Ассирия давлатида м.а. VII-IV асрларда расмий давлат т. ва бошқа халқлар б-н мулоқот т.га айланган. Муқаддас китобларнинг нозил бўлиши бўлиши б-н бу т. яҳудий ва араб т.лари таъсирига учраган. А.т.нинг Эдес, Мандей, Малула, Турайо в.б. диалектлари мавжуд.

- *Винников И.Н.* Словарь арамейских надписей / Палестинский сб. 1958. №3; 1962. №7, 1964. №11; 1965. №13; *Церетели К.Г.* Материалы по арамейской диалектологии. Т.I Тбилиси, 1965.

~ *ёзуви* – семит т.лари оиласига кирувчи А.ё.да фақат ундош товушлар белгилар б-н ифодаланган. М.а. Биринчи 1-минг йилликда шаклланган. А.ё. Шимоли-Ғарбий семит қабилаларининг *финикий* ёзуви асосида шакллантирилган. А.ё. намуналари м.а. IX–VIII асрга тегишли ёдгорликларда сақланган. Эрондаги ахоманийлар сулоласида ҳам шу ёзувдан фойдаланилган. Кейинроқ сурёний, яҳудий, араб, паҳлавий, уйғур ва мўғул ёзувлари ҳам А.ё. асосида яратилган.

- *Коковцев П.* Древнеарамейские надписи из Нираба. Спб., 1899; *Винников И.Н* Словарь арамейских надписей / Палестинский сб. 1958. №3; 1962. №7; 1964. №11; 1965 № 13.

АРАНЖЕМАН (лотинча: arrangement – ўрин алмаштириш) – ҳарфларнинг ўрнини –бир неча марта тўлиқ вариантларда алмаштириш. Мас., лотин алифбосидаги *a, b, c* ҳарфлари ўрнини ьўлв алмаштириш натижасида 6 ўзгариш содир бўлади: *abc, acb, bac, bca, cab, cba.*

АРАРАТ (арманча, туркча: *Ағри тоғи*) – Арманистондаги тоғ номи. Туркия, Эрон ва Арманистон оралиғида жойлашган. Арман адиблари бу қадимги тоғ ҳақида кўплаб насрий ва шеърий асарлар ёзганлар. Қадимги манбаларга кўра *Урарту* давлатини ташқи душманлардан иҳота қилиб турган тоғ (Арарт – Урарт) маъносида ҳам ишлатилган. "Китоби Дада Қўрқуд"да (II, X, XII боблар) *Арқуру* номи б-н келган. Марко Поло "Арк тоғи" (1290), Алишер Навоий, Котиб Чалабий (1635) "Кўхи Ағри", "Жабари Ағри" деб қўллаган.

- Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.15.

АРАСЛИ, Ҳамид Мамедтаги ўғли (1909–?) – озарбойжон ад-тшуноси, академик. Озарбойжоннинг Ганжа ш.да туғилган. 1928 й.дан асарлари чоп этила бошлаган. Боку ун-ти профессори. Озарбойжон ад-ти тарихи, унинг туркий халқлар ад-тлари б-н алоқаларига оид тадқиқот ва китоблар муаллифи. Асосий илмий йўналиши XVII–XVIII асрлар ад-ти (1956). Фузулий (1957) ва Низомий (1967) ҳақидаги монографиялари ва мумтоз ад-т ҳақидаги мақолалардан иборат. Фузулий тўла асарлар тўплами (1-5, 1958)ни

нашрга тайёрлаган, Ковсий, Видодий, Воқиф ва Ахундов асарларини нашрга тайёрлашда қатнашган. Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижодига, ўзбек – озарбойжон адабий алоқаларига оид мақолалар муаллифи.

АРАСТУ (м.а. 384–322)* – қад. юнон файласуфи, ад-тшунос ва нотиқ. Машҳур саркарда А.Македонскийнинг устози. Эгей денгизи бўйидаги Стагир ш.да туғилган (шу туфайли манбаларда Арасту Стагирий ҳам дейилади). А.нинг отаси Никомах табиблар наслидан бўлиб, Македония шоҳи Эминта III саройида хизмат қилган. А. ёшлигидан Македония шоҳининг ўғли Филипп II б-н ўртоқ бўлган. Филипп II тахтга чиққач, А. унинг ўғли Искандарга устозлик қила бошлаган. 15 ёшли А. ота-онасидан етим қолиб, табиблик касбини эгаллаган. Отаси ўрнига мураббийлик, ворислик қилувчи Проксен йигитчанинг қизиқиши доираси кенглигини билиб, уни ўқишни давом эттириш учун юборди. А. 367 й.да Афинада машҳур Афлотун академиясига ўқишга кирди ва у ерда 12 й. Афлотун фалсафий мактабида сабоқ олди. 347 йилда Афлотун вафот этгач, А. унга бағишлаб марсия ёзди. Афлотуннинг билими саёз жияни (Спевсипп) академияга раҳбар бўлиб қолгач, Арасту дўсти Ксенократ б-н Афинани тарк этдилар. Афлотуннинг икки шогирди Кичик Осиёдаги Ассос ш.га келиб, маҳаллий ҳоким Гермийга фалсафадан устозлик қилар эди. А. ҳам улар сафига қўшилди. 339 й.да Искандар подшоҳ бўлгач, А. она ш. Стагирга қайтди. М.а. 336 й.да А. ҳаётининг иккинчи Афина даври бошланди. Эллик ёшида Афинада Искандарга нойиб бўлиб турган лашкарбоши Антипатр ёрдамида ўз академияси – фалсафа мактабини очди ва уни 12 й. бошқарди. Искандар вафоти (м.а. 323 й. 13 июн)дан сўнг А. Ликей академиясидан қочишга мажбур бўлади ва Эвбея оролида вафот этади.

А.нинг бир неча юз асарлари т.га олинади. А.нинг ўғли Никомах унинг асарларини асраб, нашр эттириш б-н шуғулланган. А. асарларидан машҳурлари – "Эвдем", "Софист", "Политик", "Мнексен" (диалоглар), "Ғоялар ҳақида", "Фаровонлик ҳақида", "Биринчи аналитика", "Иккинчи аналитика", "Категориялар", "Софистларга раддия" (мантиқ фанига доир бу асарлар "Орғанун"га жамланган); "Физика", "Метафизика", "Ҳаёт тарихи", "Жон ҳақида", "Никомах ахлоқи", "Эвдем ахлоқи", "Ахлоқи кабир", "Сиёсат", "Поэтика", "Риторика" ва бошқалар. Бу асарлардан фақат "Поэтика", "Ахлоқи кабир", "Риторика"нинг бир қисми ўзбек т.да нашр этилган. А.нинг бадиий-эстетик қарашлари "Поэтика" ва "Риторика" асарларида ўз ифодасини топган. Арастунинг "Поэтика" (Нафис санъат ҳақида) китобида барча нафис санъатларнинг қонун-қоидалари баён қилинади. А.нинг "Поэтика" ("Нафис санъатлар ҳақида") китобида хос.ги замон тушунчасидаги шеърият эмас, балки умуминсоний нафосат, санъат қонун-қоидалари баён қилинади. "Поэтика"га багишлаб Абу Исҳоқ Киндий (801–866), Абу Наср Форобий (878–950), Ибн Сино (980–1037), Ибн Рушд-

* М.Маҳмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

Аверроэс (1126–1198) каби атоқли олимлар китоблар ёзишган ва буларда ўзларининг эстетик қарашларини баён этишган.

А. ижодини Ўз-нда А.Ирисов, М.Маҳмудов каби олимлар тадқиқ этганлар.

♦ *Аристотель.* Соч. в 4-х т. М.: Мысль, 1976; *Арасту.* Поэтика. Ахлоқи кабир М.Маҳмудов тарж. ва шарҳлари б-н. Т.: Янги аср авлоди, 2004, 2011.

• *Асмус В.* Метафизика Аристотеля / Аристотель. Соч. В 4-х т. т.1. М.: Мысль, 1976 С.5–63.

~ ***эстетикаси*** – юнон олими Арасту ҳакимнинг адабий-назарий ва эстетик қарашлари мажмуаси. Асосан, А. нинг "Поэтика", "Риторика" асарлари орқали ифодаланган. А. поэтик (бадиий) санъат тўғрисида, унинг алоҳида кўринишлари (эпос, драма, лирика) ва улардан ҳар бирининг имкониятлари, поэтик асарнинг яратилиши ва жамият ҳаётига таъсири ҳамда инсонлар руҳиятини поклаш ва улар қалбида асар қаҳрамонларининг қайғу-ҳасратларига ҳамдардлик уйғотиш учун ривоят (мифос)ни қандай танлаш зарурлиги тўғрисида фикр юритган. "Поэтика"даги асосий ғоя – мимесис (mimesis – ўхшатиш санъати)дир. Ўхшатиш ўзаро уч жиҳатдан тасвирлашнинг турли воситалари б-н (1); тасвирлаш предмети б-н (2); ранг-баранг, ўзига хос усуллар б-н (3) фарқланади. Ўхшатиш – тақлид санъати ҳаётни турли тасвирларда акс эттириши мумкин. Бўёқлар ва шакллар ёрдамида ўхшатувчи, яъни рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатида (1), мусиқа, қўшиқ ва рақс санъатида (2); мусиқавий санъатларнинг ўзи уч турли: А. Фақат мусиқадан иборат асар. В. Қўшиқ = мусиқа + сўздан иборат асар. С. Рақс = мусиқа + ритмик ҳаракатдан иборат асар ҳамда вазнли сўз ёрдамида ҳаётни тасвирловчи санъат.

А. фикрича, поэзия санъати нима ёрдамида тасвирланишига кўра қуйидаги турлардан иборат: 1. Бўёқлар б-н – рассомлик. 2. Тош ёки бронза ёхуд ганч б-н – ҳайкалтарошлик, деворий нақш – барельеф, горельеф в.х. 3. Чолғу асбоблари ёрдамида – мусиқа, қўшиқ, рақс санъатлари. 4. Фақат сўз ёрдамида: эпос, драма, лирика. Драманинг ўзи кимларни, қандай характерларни тасвирлашига кўра: трагедия ва комедияга бўлинган. Трагедия яхши, улуғвор характерларни, комедия тубан ёки ҳажвий характерларни тасвирлайди. А. ёзади: "Санъатларнинг ҳаммасида ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз ва ёхуд гармония ёрдамида, ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигида тасвирлайдилар. Авлетика ва кифаристика ҳамда мусиқа санъатининг бошқа хиллари фақат гармония ва ритмдан фойдаланади".

А. фикрича, Геродот асари вазнда ёзилса ҳам, вазнсиз ёзилса ҳам барибир поэзия эмас, балки тарихдир. Сабаби – тарих ҳаёт воқеалари ва инсон қилмишларини баён қилади, поэзия – конкрет ҳолатларда кўрсатади. Аммо табиат ёки фалсафага доир шундай асарлар ҳам борки, уларни ҳам илмий, ҳам бадиий асар дейиш мумкин. Бироқ баъзи бир санъатлар борки, улар ҳамма айтилганлардан, яъни ритм, оҳанг ва вазндан фойдаланади. Мас., дифирамбик поэзия, трагедия ва комедия шулар жумласидандир.

А. бадиий ад-тдаги тур тушунчасини фарқлаб кўрсатади. Муаллиф асар воқеаларига аралашмаган ҳолда, унинг ўзини боридай тасвирласа, бу *эпос*дир (худди Гомер асарларидаги каби). Агар муаллиф тасвир давомида ўзлигича қолиб, ўз (туйғу ва кечинмалари)ини акс эттирса, у *лирика* бўлади. Барча акс эттирилувчилар, яъни кишилар ва воқеаларни ҳаракатдагилар сифатида тасвирласа, у *драма* бўлади. Аллома ҳар бир адабий турга хос хусусиятларни кўрсатиш б-н бирга кейинроқ ҳар бир турга мансуб жанрларни қаламга олади. Мас., эпик турга хос эпопея, лирик турга хос дифирамб, драматик турга хос трагедия ва комедия ҳақида батафсил маълумот беради.

А. эстетикасига доир қарашлар унинг "Риторика" асарида ҳам акс этган. Арасту ҳаким талқинича, "*риторика – бу санъат ва ижод бўлиб, маиший турмушнинг диалектик мантиқидан ўсиб чиққан*". Риториканинг фикр тиниқлиги, сўз аниқлиги, исбот–далил, нутқ гўзаллиги, ахлоқий туйғу, эзгу фикр ва нафис ҳисларнинг уйғониши каби жиҳатларига эътибор қаратилади.

Қадимги Юнонистонда риторика (хитоба) санъати поэтика б-н узвий алоқадор бўлса-да, у давлат бошқаруви, давлат ва жамоат арбобларининг сиёсий фаолияти, сулҳ ва ҳарб, уруш ва тинчлик, шон-шуҳратли ишлар, қаҳрамонликларнинг барчаси ватан учун деб билувчи нотиқнинг халқ олдида энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш, ўз мақсади, таклифи, сиёсий йўлининг ватан ва халқ манфаатларига мувофиқ эканлигини далиллаш усулларини ўргатар эди. Сукрот, Афлотун, Демокрит, Ксенофан, Горгий, Исократ, Пифагор, Эмпедокл, Демосфен, Фокион, Протагор ва бошқа донишмандлар поэтика ва риторика асарларини фалсафий талқин қилиб, фалсафанинг муҳим қисмига айлантирдилар. А. ритorикани фақат сўзамоллик санъати деб билмай, балки уни ахлоқ б-н, инсон руҳий олами б-н, маънавият б-н боғлиқ ҳолда тушунтирди. А. "Риторика"си уч китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб бошланғичида риторика ва диалектика муносабатлари тушунтирилади. Риторика ва диалектика барча фикрловчи инсонлар учун зарур, умумий бўлса судда кўрилаётган ишда туҳмат, бўҳтон, ҳамдардлик, қаҳр-газаб каби ҳолатлар воқеа иштирокчиларида бўлса ҳам, судъялар-ҳакамлар бундай ҳолатларга тушмай, холис туриши зарурлиги, давлат қонунларида мумкин қадар барча ҳаётий муаммолар ҳақида хулоса бўлиши, ҳакам ватан ва халқ учун қайси иш-амал адолатли ва фойдали, қайсилари зарарли эканини, ҳақиқатни аниқлашда силлогизм (мантиқий фикрлаш) б-н риторик далиллаш (энтимема)дан биргаликда фойдаланиши яхши натижа бериши ҳақида фикр юритилади. "Риторика" II китобида нотиқ сўзлаётганида ўз фикрини исботлаш учун ҳаётий мисоллар, ўхшатишлар, Эзоп ва бошқаларнинг масал ва ривоятларидан фойдаланса, яхши самара беришини айтади ва ўзи ҳам намуна учун шундай масал ва ўхшатишлардан бир нечтасини келтиради. "Риторика"нинг III китоби риторик ва поэтик услуб масалаларига бағишланган. У риторика санъати (хитоба) нотиқликда энг муҳими уч масалани ҳал этиш эканлигини айтади: 1. Тингловчиларни ишонтириш усулларини қаердан олиш, ўрганиш масаласи. Булар ҳақида I ва

II китобда айтилди. 2. Нутқ услуби масалалари (lexis). 3. Нутқ қисмларини қандай қуриш масаласи. Асар мазмунига нисбатан услуб ва усулларнинг биринчи ўринга қўйилиш иллати ҳам худди шу сабаблидир. Муаллиф шу ҳолатни қоралаб, бадиий асарнинг мазмуни бирламчидир, бу мазмунни турлича усул ва оҳангларда айтишни муҳим деб билиш тингловчиларнинг савияси пастлигидандир, деб ёзган.

♦ *Арасту ҳаким*. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика / Русчадан М.Маҳмудов тарж. – Т Янги аср авлоди, 2004; 2011; *Аристотель*. Об искусстве поэзии. М., 1957; *Аристотель* Собр. соч. в 4 томах. М.: Мысль, 1982; Античные риторики. Тексты М., 1978.

• *Аверинцев С.С.* Риторика и истоки европейской литературной традиции. М., 1996; *Аурбах Э.* Мимесис: Изображения действительности в западно-европейской литературе / Пер. А.В.Михайлова. М., 1976; *Лосев А.Ф.* История античной эстетики: Аристотель и поздняя классика. М., 1975; *Лосев А.Ф.* История античной эстетики: Высокая классика М., 1974; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003 С.42-43.

АРАТ (~ м.а.315-240) – қад. юнон олими ва шоири.

• История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.458.

АРАТ, Рашит Раҳмати (1900–1964) – турк олими, таржимон, матншунос ва т.шунос. Мударрис Абдурашид Исматуллоҳ ўғли. Берлин ун-ти Фалсафа фак-тини тугатган (1927). Фан доктори, 1933 й.дан Истанбул ун-ти профессори, Туркий тадқиқотлар инс-ти мудири (1940–50), Турк маданиятини тадқиқ этиш институти асосчиси.

Қад. туркий т. ва унинг манбалари, тарихий грамматика ва туркий т.лар типологиясига оид тадқиқотлар муаллифи. "Эски турк шеъри" (1965) асарида қад. адабий манбаларга оид қимматли материаллар берган. "Қутадғу билиг" асарига оид тадқиқотлари машҳур. "Бобурнома"ни (1943-46), "Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг бир неча нусхаларини қиёслаб, турк т.га тарж. қилган (1951).

♦ *Arat, Reşid Rahmeti.* Eski Türk şiiri. Üçüncü baskı. Ankara, 1991; Edib Ahmed b Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Hakayık. Hazırlayan Reşid Rahmeti Arat. Ankara, 2006.

• *Чигатой С.* P.P. Reşid Rahmeti Arat Eserlerinin Listi./ Türk Dil Kürümü buletemi. 29-ж №113. Б.188-193.

АРАФА (арабча: билмоқ, танимоқ) – ҳижрий қамарий й. ҳисобида зилҳижжа (12-ой номи) ойининг 9-куни А. деб номланган. Шу куни Пайғамбар Иброҳим (а.с.)га Жаброил ҳаж ибодати арконларини ўргатиб: "Шу жой – Арафотдир, билиб олинг, ҳаж арконлари шу ерда камолига етади" деган экан. Ҳожилар шу куни *Арафот* тоғига чиқиб, то Қуёш ботгунга қадар ибодат б-н машғул бўладилар. Айним манбаларда ёзилишича, Одам Ато б-н Момо Ҳавво жаннатдан чиқариб юборилгандан кейин шу жойда учрашган экан. Қуръони каримда А. б-н боғлиқ ояти карималар (2:194) бор.

Ҳайитдан олдинги кун ҳам А. деб номланишига сабаб, Қурбон ва Рамазон ҳайитидан аввалги кун ҳам А. тоғида ибодат куни ҳисобланади. А. сўзи бошқа байрамолди кунларига нисбатан ҳам қўлланилади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.98.

АРАҚ (арабча: тер) [поэтика] – I. шеъриятда бадиий тимсол, хушбўй ҳид таратувчи тер;

II. [тасаввуфшунослик] тасаввуфда соликнинг мустақим (тўғри, саодатга элтувчи) йўлида чеккан риёзатининг зоҳирий белгиси. Бобур "Девон"ида Аттор исмига ёзилган муаммода шу маъно акс этган:

Биҳишти нашъаға жон бирла иртибот тила,
Хумори дўзахе учунарақи сирот тила.

«АРБАЪИН» (арабча: арбаъ – қирқ), "Чиҳил ҳадис" (1481) – Абдураҳмон Жомий асари. Тасаввуфий руҳдаги рубоийлар тўплами бўлиб, муаллиф 40 та *ҳадис* мазмунини 40 китъада баён этган. Алишер Навоий ўзбек т.га тарж. қилган.

Чиқариб риёзатдин қирқ арбаин,
Бу беш чангин розиға бўлди амин.

(Алишер Навоий, "Садди Искандарий", 323)

А. яратиш анъанаси Жомийга қадар ҳам мавжуд эди. Мас., Шайх Муҳаммад бин Ҳусайн Омилийнинг шу номли асари бор. 40 ҳадис шарҳига бағишланган рисолалар ҳам А. номи б-н юритилган. Мас., Шайхим Суҳайлийнинг шу номли рисоласи.

«АРБАЪИН » (арабча: арбаъ – қирқ хабар) – Алишер Навоий асари. Шарқ адабиётида «арбаъин» анъанаси мавжуд бўлиб, халқ орасида машҳур, саҳиҳ ҳадислардан 40 тасини саралаб олинади ва улардан ҳар бирининг мазмуни бир рубоийда талқин қилинган ҳолда шеърий ифода қилинади.

Абдураҳмон Жомийнинг «Чиҳил ҳадис»и асосида Алишер Навоий қирқ ҳадис моҳиятидан туркий т.да баён қилган. А. таркибига кирган ҳадисларни шеърга солишда уларнинг осон тушунилиши назарда тутилган, ёдда сақланилиши учун шеърий шаклдан фойдаланилган.

АРБАЪИН ҲАДИС (арабча – хабар, янгилик), ҳадислар – *Муҳаммад* (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Ҳ. икки қисмдан иборат (матн ва иснод), икки турга бўлинади: 1) Ҳадиси қудсий; 2) Ҳадиси Набавий. Яна эътиборга олиниши жиҳатидан ҳам уч қисм бўлади (саҳиҳ, ҳасан, заиф). *Қуръони карим*да барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаб уктириш учун *Муҳаммад* (с.а.в.) ўз Ҳ.ларини айтарди. Уларни пайғамбарнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. *Расулуллоҳ* (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида саҳобаларнинг *Қуръони карим*га Ҳ.ларни аралаштириб юборишларидан қўркиб, уларни ёзишдан қайтарардилар.

Сўнгра Ҳ.ларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат б-н бир гуруҳ мусулмонлар пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳ.ларига бегона сўз аралашиб қолиши ва Ҳ. нақл қилувчи саҳобалар вафот этишлари б-н Ҳ. зое бўлишидан қўрқиб, уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Аммо бу одамлар турли юртларга тарқалиб кетган эдилар ва VII аср ўрталаридан бошлаб уларни топиб, Ҳ. ларни огизларидан ёзиб олишга ҳаракат қилинган. Бунда диёримиздан муҳаддислар катта хизмат қилишган. Энг обрўли ҳисобланган Ҳ. тўпламлари: 1) "ал-Жомиъ ас саҳиҳ" ёки қисқача, "Саҳиҳи Бухорий"; 2) "Саҳиҳи Муслим", 3) "Сунани Термизий"; 4) "Сунани Абу Довуд"; 5) "Сунани Насоий"; 6) "Сунани Ибн Можа". Шунингдек, Ибн Ҳанбал муснади ҳам катта шуҳрат қозонган.

Бобур ўз асарлари, жумладан "Мубаййин"да Ҳ.ларга мурожаат ва уларга ишорат қилган. Масалан:

Ибтидо қилғулиқ не ким бордур,
Қилмасанг оти бирла абтардур.

Бу ўринда "абтар" ("чўнтоқ", "чала", "кесик" маъносида) сўзи б-н "Куллу амрин зиболин лам ябдаъу биҳамдиллоҳ фа-ҳува абтар" (Аллоҳ ҳамди б-н бошланмаган ҳар бир иш – кесикдир) ҳадиси шарифга ишора бор. "Бобурнома"нинг айрим ўринларида ҳам Ҳ.га ишоралар учрайди.

- Ислом энц-яси. Т., 2004; Бобур. Мубаййин. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АРБАЪИНИЙА (арабча: арбаъ – кирк хабар) [тасаввуфшунослик] – тасаввуфда соликнинг бу дунё б-н алоқасини узиб, кирк кун (чилла) ибодат б-н машғул бўлиши.

АРБИТР, Петроний Гай – Рим шоири (I). Ҳажвий асарларида таназзулга учраган Рим империяси ва унинг урушқоқ харбий бошликларини танқид қилган. Лонгиннинг "Юксаклик ҳақида" асарида Квинтилиан, Плиний, Тацит каби Рим донишмандлари қаторида т.га олинади.

- *Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М.* Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т., 2013. Б.176-182.

АРБОБ (арабча: "рабб" (эга) сўзининг кўплиги) – I. парвариш қилувчи, соҳиб. Ирфоний тушунча сифатида бир неча турларда қўлланилади:

~ и аҳво – *аҳвол арбоблари.* Ҳол ва аҳвол ибораси баъзида мақол арбоби (қола)га қарама-қарши тарзда ишлатилса, гоҳида илм арбоби муқобилида қўлланилади. Дастлабки йўл кашфу мушоҳада бўлса, иккинчи йўл далил ва ҳужжат тариқидир;

~ и важдҳ – тақлид ва қол б-н эмас, ҳол йўли б-н маънавий мақомга эришганлар;

~ и эҳтисос – махсус арбоблар, яъни авлиёуллоҳ ва хос аҳлуллоҳларга нисбатан айтилади;

~ и роз – *сир аҳли,* илоҳий сир ва асрорлар соҳибларига нисбатан айтилади;

~ ***и роёт*** – раият арбоблари, яъни валийлик байроғи соҳиблари ва авлиёуллоҳларга нисбатан айтилади;

~ ***и русум*** – шариат аҳли;

~ ***и тасаввуф*** – мутасаввифлар ва ҳол аҳлига нисбатан қўлланилади;

~ ***и ҳол*** – маком (қийлу қол) эгалари илм ва расм-русумлар муқобилида (қарама-қарши) маънода ишлатилади;

~ ***и ҳиммат*** – ҳиммат (саъю ҳаракат, ирода)лари фақат Худони исташ ва унинг дийдорини кўриш бўлган ва бундан бошқани истамаганлар в.б.

II. замонавий талқинда ўз фаолияти б-н халққа танилган, давлат, жамоат, фан ва маданият ишларида бошқаларга намуна бўла оладиган кишиларга нисбатан айтиладиган ном ва бериладиган унвон: Давлат ва жамоат арбоби, фан арбоби, маданият ва санъат арбоби каби.

АРВОҲ (арабча: руҳлар) [диншунослик] – диний тасаввурга кўра ўлган кишининг дунё б-н алоқа боглаб турадиган руҳи. *Анимистик* тасаввурга кўра одам ўлгандан сўнг унинг жони жасаддан ажралиб, руҳга айланади ва дунё кишилари б-н алоқада бўлиб туради.

Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.98.

~и қудсий – муқаддас руҳлар. Тасаввуф таълимотига кўра, бундай руҳлар ёлғиз бўлиб, улар малакут (фаришталар) оламидандир. Уларни "олий руҳлар" ёки "инсоний руҳлар" ва "мукаррам руҳлар" деб ҳам аташади. Ирокий айтади:

Арвоҳи қудсий чист, намудор маъниям,
Ашбоҳ унс чист, нигаҳдор пайкарам.

(Мазмуни: Қудсий арвоҳлар нима? Кўрсат менга, эй маънолар соҳиби, инсоний шарпалар нима, айт менга, эй пайкарим).

АРГЕДАС, Хосе Мариа (1911–1969) – Перу шоири ва романнависи. Кечуа (Перу) халкининг тарихи ва маданиятига бағишланган асарлар муаллифи. Кечуа фольклорининг тўпловчиси ва ноширн сифатида ҳам машҳур. Асарлари кечуа ва испан т.ларида нашр этилган. Шеърий тўпламлари: "Отамиз ва яратувчимиз Тупак Амаруга" (Лима, 1961), "Гуллаётган новда" (Лима, 1966), "Хамиртуруш" (Лима, 1972) в.б. Дастлабки тўпламидан шу номдаги достон ўрин олган бўлиб, у Перунинг сўнгги мустакил хукмдорларидан бири бўлган. 1572 йилда Перу испанлар томонидан забт этилганида қатл қилинган. Ҳозир унинг номи миллий қаҳрамон сифатида т.га олинади. Шеърларида мифология б-н замонавий мавзулар уйғунлаштирилган. Рус т.да бир катор асарлари чоп қилинган.

♦ Библиотека латиноамериканской поэзии. Кецаль и голубь / Поэзия Наua, майя, кечуа. Перевод испанского и индейских языков. М.: Художественная лит-ра, 1983. С.305–326.

АРГЕЗИ, Тудор (1880–1967) – румин шоири. Бухарестда туғилган. Илк шеърлар тўплами "Муносиб сўзлар" (1927) А.га шуҳрат келтирган. А.

"Оқшом шеърлари", "Жўр овозлар", "Моғор гуллари", "Япроқлар", "Туп" шеърий тўпламлари муал.и. "Илоҳий она кўзлари", "Лина" каби романларида XX аср 1-ярми румин ҳаёти манзараларини акс эттирган. "Ўтмиш саҳифалари", "Қора дарвоза", "Шамол, мендан нени истайсан?" публицистик асарлари чоп этилган.

- [Тудор Аргези] Сомон йўли чечаклари / Мирпўлат Мирзо тарж. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2004. Б.30–39.

АРГЕНТИНА АДАБИЁТИ – А.халқининг ад-ти. Қад. ҳиндулар фольклори асосидаги асарлар бизгача етиб келмаган. XVI–XIX асрларда Испания мустамлакаси бўлгани учун, асосан, мана шу т.да ад-т ривожланган. XVIII аср охирларидан маърифатчилик руҳидаги ёзма ад-т ривожланган. М. Де Лаварден, Д. Де Аскуэнаги каби адиблар ижоди А.а. ривожида муайян рол ўйнаган. А. мустақилликни қўлга киритгандан сўнг (1816) миллий ад-т ривож топди. А. романтик насри намуналари сифатида Э.Эчеверрия, Х.Гутерросниng ("Инсон – чумоли», «Патрийлар раҳбари», 1838) новеллаларини кўрсатиш мумкин. Биринчи миллий роман (1855) "Амалия"да муаллифлар (Д.Ф.Сарменто, Х.Мармол) А. маиший ҳаёти манзараларини тасвирлаганлар. *Гаучо* шеърияти номи б-н юзага чиққан оким вакиллари Б.Идалго, И.Аскасуби, Э. Де Кампо миллий шеърият анъаналарига асос солдилар. Х.Эрнандесниng "Мартин Фьерро" достони миллий эпопея сифатида баҳоланган. XIX асрнинг 2-ярмидан «костумбристлар ад-ти» оқими реалистик йўналишда асарлар битган. Х.Мартелнинг "Биржа" (1890), Б.Линчнинг "Флорида" (1916), Р.Гуиралдеснинг "Дон Сегундо Сомбра" романларида миллий ҳаёт манзаралари ўз ифодасини топган. XX асрнинг 20-й.лари шеъриятида авангардизм, модернизм кайфиятлари акс этган. А. романчилигининг янгиланишига сабаб бўлган Х.Бьянко ("Каламушлар", 1943), Э.Сабато ("Туннель", 1948); "Қахрамонлар ва қабрлар, 1965), Э.М.Лайнес ("Бомарсо", 1965) романларида А. ҳаётининг тушкун кайфиятлари акс этган. XX асрнинг 2-ярмидан А.а. дунё миқёсида намоён бўла бошлади. Хулио Кортасар "Синфлар ўйини" романи ва қатор қиссалари кенг китобхонлар эътиборини топган.

- ♦ Аргентинские рассказы. М., 1962; Поэзия гаучо. М., 1964. *Кортасар Х.*
- *Шур Л.А.* Художественная лит-ра Латинской Америки в русской печати, 1960-64. М., 1966.

АРГО (французча: argot – жаргон) [лингвопоэтика] – алоҳида ижтимоий гуруҳ ёки касбга хос жонли ясама тил. *Жаргон*дан фарқли равишда А. бир касб доирасидаги чекланган лексика ҳисобланади. А.т. актёрлар, овчилар, мусиқачилар ва шу каби бир касб доирасидаги кишилар учун хос. Тарихан кўчманчи ҳунармандлар ва савдогарлар нутқига бориб тақалади.

- *Стойков С.* Социалтные диалекты // Вопросы языкознания. 1957. № 1; Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С.29.

АРГОНАВТЛАР (юнонча: Argonauta – Аргода сузувчилар) [мифология] – юнон мифологиясига кўра Иолк подшоҳи Пелий акаси Эсонни тахтидан маҳрум этади, Эсон ўз ўғли Ясонни укаси Пелийнинг зулмидан қуиқариб қолиш учун уни ўлган деб эълон қилиб, яширади. 12 ёшга етган Ясон Иолкка келиб, отасининг тахтини талаб қилганда, Пелий уни Эю (Колхида) мамлакатига олтин терини олиб келиш учун юборади. Ясон рози бўлиб, *Арго* кемасида олтин терини олиб келиш учун йўлга чиқади. У ўзи б-н Элладанинг барча қаҳрамонларини (турли мифларда рақамлар турлича, 67 тагача) жамлаб, йўлга чиқади. Мифларда сафарга чиққанлар *аргонавтлар* дейилади, улар Колхида водийсига бориб, сеҳргар Медея ёрдамида олтин терини Юнонистонга келтирадилар. Трансформацияга учраган бу сюжетнинг турлича версиялари бор. Бу сюжет Родослик Аполлонийнинг "Аргонавтика" асарига асос бўлган.

- *Гордезиани Г.В.* Арго в древнейших греческих источниках / Античность и современность. М., 1972; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.98-100.

АРГОТИЗМ (французча: argot – жаргон) [риторика, стилистика] – *арго* (чекланган тоифага оид ясама тил) ва арготик иборалар йиғиндиси. Бад. асар таркибидаги арголар А. деб юритилади ва улар асарнинг жонлилигини ва стилистик бўёқдорлигини таъминлашга ёрдам беради. А., асосан, персонажлар нутқига тегишли.

- Краткая лит-ная энц-я. М.: СЭ, 1962. С.287.

АРГУМЕНТ (лотинча: argumentum – қараш, таълимот) [герменевтика] – хулоса ёки қараш, бирор фикр, фараз ёки қараш ва концепцияни инкор ёки тасдиқ этиш учун қўлланиладиган бошқа бир қараш, хулоса (1). Мантиқ илмида исбот талаб этиладиган масала ёки муаммо (2). Математикада муайян функциянинг аҳамияти (3).

А. ад-т назарияси ва эстетикада асарнинг сюжет схемаси (чизиғи) тарзида ҳам қўлланилади. А. асар бошида персонаж ёки муаллиф мақсадининг ифода қилиниши ҳамдир. Бадиий асарнинг муаллиф томонидан илгари сурилган концепциясига нисбатан ҳам айрим ҳолларда А. истилоҳи ишлатилади.

- *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.42.

АРГУН – қ.: Арғун.

АРДАШЕР, Саййид Ҳасан (1418–1489) – ўзбек шоири ва алломаси, Навоийнинг устозларидан. А.нинг отаси Бойсунқур Мирзо хизматида қушбегилик қилган. Араб т., мусиқа назарияси, аруз, қофия ва бадеъ илмларини пухта эгаллаган. Турк (ўзбек) ва форс т.ларида ижод қилган. Алишер Навоий "Мажолису-н-нафоис" асарида "...бу фақирға ота масоба (мақоми)сида эрди" деб ёзган. Кейинроқ "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер"

номли манокиб-ҳолот ёзган. Асарлари бизгача сақланмаган. Навоий ёзишича, улар 860/1455–56 й.да илк бор учрашган. Навоий А.С.Ҳ. ҳаёти сўнгига қадар у яқин муносабатни сақлайди ва унинг вафотидан 2 йил ўтгач, ў ҳақда махсус рисола ёзган. Рисолада А.С.Ҳ, шоир ва гўзал инсон сифатида тасвирланган.

• Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер / МАТ. 15-ж. Т.: Фан, 1999. Б. 89-104

АРДАШЕР Сосон (~180–239) – Эронда сосонийлар (224–241) сулоласининг асосчиси. Эрон императори Ардашер I Папаканнинг бобоси. А.нинг бобоси Истахр ш.да бош коҳин бўлган. Истахр (ҳоз. Балх) сарой амалдори, 200 й.дан Форс, Кирмон, Гей ҳукмдори. 226 й. шаҳаншоҳ унвонини олган. Месопотамия ва Арманни эгаллагандан сўнг *сосонийлар* давлатини барпо қилган.

• *Пигулевская Н.В. и др.* История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Л. 1958; *Алишер Навоий.* Тарихи мулуки Ажам / МАТ. 16-жилд. Т.: Фан, 2000.

АРДВИ (АРДВИСУРА, АНАХИТА) (авесто т.да: қудратли < сув (тўлқини) [мифология] – «Авесто»да сув ва ободонлик маъбуди бўлиб, унинг V Ардвисур-Яшти А.га бағишланган. 22 мадҳия-ривоятдан иборат. А. га ибодат қилганлар ундан ёмғир, мўл ҳосил ва бахтли ҳаёт сўраганлар. Бу миф дастлаб Сирдарё соҳилида яшовчи кўчманчилар томонидан яратилган, кейин "Авесто" таркибига киритилган. Айрим Эрон манбаларида А. форс т.да Нахид (Зухро юлдузининг қад. дарий т.даги номи) шаклида кўчган *(нахит < нахита < анахита) Анахита* тарзида оммалашган. Юнон мифларида ҳам шу номда келади.

♦ *Гимн Ардви* / Зерна мудрости. Восточный альманах. Вып.15. М.: Художественная лит-ра, 1987. С.548-562.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.100-101; *Брагинский И.* Гимн Ардви – богине воды и плодородия (Ардвисур-яшт) / Зерна мудрости. Восточный альманах. Вып.15. М Художественная лит-ра, 1987. С.546-547.

АРЕАЛ (лотинча: area – майдон, ҳудуд) [эстетика] – ер сатҳидаги бирор ҳудуднинг бўлаги ёки ажратилган майдон (1). Одатда А.да бир хил оилага мансуб ўсимлик ва дарахтлар ўсади, шундай ҳайвонлар яшайди. Харитада воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаш усули. А. чегараси узлуксиз чизиқ ёки штрих б-н кўрсатилади, баъзан А. ичига белгилар қўйилади.

~ ***тилшунослик*** [лингвопоэтика] – тилшуносликнинг бирор ҳудуд ёки минтақа т.и б-н шуғулланувчи қисми. А.т. ривожланиш алоҳида бир илмий йўналиш касб этган бўлиб, бунда асосий урғу географик ҳудуд ёки минтақадаги т.ларнинг тараққиёти ва ўзаро алоқадорлигига берилади.

~ ***ад-тшунослик*** [герменевтика, адабий жараён] – янги атама, XX аср манбаларида *адабий ўлкашунослик* (лит-ное краеведение) деб номланган бўлиб, муайян ҳудуд ва минтиқа ад-тини яхлит ўрганувчи соҳа. Миллий ад-

тининг тил, дин, ёзув в.б. хусусиятларидан қатъи назар бир ҳудудда мавжуд ад-тлараро муносабат ва адабий ҳамкорлик масалаларини ўрганади. Мас., Марказий Осиё халқлари ад-ти, Кавказорти халқлари ад-ти, Болтиқбўйи ад-ти каби.

АРЕЙ (Арес) [мифология] – қад. юнон мифологиясида урушлар маъбуди. Зевс ва Геранинг ўғли, ўлим ва вайроналик келтирувчи адабий тимсол. Қад. Рим мифологиясидаги Марс унга моҳиятан яқин келади. Рассомлик ва кайкалтарошлик санъатида дубулға кийган ҳолда тасвирланган.

АРЕОПАГИТИК (юнонча: arios – бўш, кучсиз, pagos – тепалик) – диний ва фалсафий асарлар мажмуаси. А. V асрнинг 2-ярмида афиналик епископ Дионисий Ареопагит номи б-н боғлиқ. А. китоблар таркибига шеронийликдаги "Илоҳий исмлар", "Самовий иерархия", "Черков иерархияси", "Сирли илоҳиёт" каби асарлар киради. Европа Уйғониши мутафаккирлари Бруно, Фичино в.б. А. китобларга, жумладан, "Илоҳий исмлар"га шарҳлар ёзишган. А. ад-тлар Россияга XIV асрда кириб келган.

- *Хонигман Э.* Петр Ивер и сочинения Псевдо-Дионисия Ареопагита / Пер. с франц. – Тбилиси, 1955; *Нучубидзе Ш.* Петр Ивер и проблемы ареопагитики. Тбилиси, 1957.

АРЕОТЕКТОНИКА (юнонча: arios – бўш, кучсиз) [эстетика, меъморчилик] – мудофаа қурилмаси, ҳимояланув воситаси. Ад-тшуносликда муаллифнинг мунаққидларга берган жавоблари, ўз асари ва концепциясини ҳимоя қилиши.

АРЕТАЛОГИЯ (юнонча: arios – бўш, кучсиз; logos – таълимот, қараш) –

АРЕНА (лотинча: arena – кум) [эстетика, театр назарияси] – қад. Рим *амфитеатри* ўртасидаги кум сепилган айлана майдон. Спорт ўйинлари, гладиаторлар уруши, жазолаш марсимлари ва жанг томошаси А.да ўтказилган. Замонавий цирк ва бошқа томошагоҳларнинг ўйин майдони.

А. кўчма маънода майдонга чиқди, машҳур бўлди, шуҳрат қозонди мазмунида ҳам ишлатилади. Яна қ.: Саҳна.

АРЕНД, Ханна (1906–1975) – олмон файласуфи. Ясперс ва Хайдеггернинг шогирди. Фалсафа доктори (1928). Франция (1933 й.дан) ва АҚШда (1941 й.дан) яшаган. Германия Тил ва адабиёт академияси аъзоси. Тоталитаризм, зўрлик инқилобига қарши фалсафий ишлари А.га шуҳрат келтирган. А. фикрича, инсон фаолияти 3 га бўлинади: меҳнат, ишлаб чиқариш ва фаоллик. Эркинлик интеллект маҳсулоти эмас, балки фаоллик натижасида қўлга киритилиши мумкин бўлган имконият.

А. фалсафий таълимоти XX асрнинг 60-йилларида Ғарбий Европада шуҳтар қозонди, унинг ишлари олмон, француз ва инглиз т.ларида чоп этилган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.24.

АРЕНДС, Альфред Карлович (1893–1978) – шаркшунос олим. Филол фанлари доктори (1963), Ўзб-нда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). 1936 й.дан Шаркшунослик ин-тида ишлаган: Эрон филологияси каф. мудири (1947–52). "Тарихи Масъудий" асарининг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлаган.

АРЕС (юнонча: уруш) [мифология] – юнон мифологиясида уруш маъбуди Зевснинг ўғли деб айтилади. Бошқа маъбудлар қатори Олимпда яшайди. А Афина томонидан яратилган гўзаллик маъбуди Афротидани севиб қолади. Рим мифологиясида Марс номи б-н юритилган. А. ва Афротида қиёфалари Европа мусаввирлари С.Боттичелли, А.Рубенс, Рембранд асарларида, Марс ва Венера ҳақидаги опера ва драмаларда акс этган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.102.

АРЕТИНО (1374–1444) – қ.: Бруни, Леонардо.

АРЖУМАНД бону – бобурийлардан Шоҳ Жаҳоннинг хотини. Жаҳонора бегимнинг онаси, Зебуннисо бегимнинг бувиси. *Мумтоз маҳал, Тоҷ маҳал* лақаблари б-н машҳур. Шоҳ Жаҳон А.б. вафотидан сўнг 36 й. яшаган бўлса ҳам уйланмаган. 1632–50 йилларда унга атаб Агра ш.да машҳур Тожмажал мақбарасини қурдирган.

- *Ганиева С.* Шоҳ кизи эрсам-да. Т., 2002. Б. 15-17.

АРЖАСП (қад. туркча: доҳий = ар (эр) + жас – бошлиқ) [мифология] Турон мифик қаҳрамонларидан бирининг номи. "Авесто"да (Яшт V) Зурдушт эътиқодининг зўрлик б-н сингдирилишига қарши чиққани учун салбий тип сифатида талқин қилинган. Эрон афсонаси "Ядгар Зареран"да ҳам Турон қавми (хионитлар)нинг доҳийси сифатида келтирилади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.101.

АРЖУНА (санскритча: ок) [мифология] – ҳинд эпоси "Маҳабҳорот"нинг бош қаҳрамони, Кунтининг ўғли. А. идеал жангчи, ҳинд маъбудларига асураларга қарши жангда ёрдам беради. Миф бўйича А. жанг қилиб, дунёнинг тўрт томонини эгаллаган. А. Ҳимолай тоғида сафар пайтида вафот этади. А.дан тўрт ўғил қолган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.101.

«АРЗАМАС» – Петербургдаги адабий тўгарак (1815-18). Россиядаги 1 провинциал рассомлик мактаби Арзамас ш. (Ока дарёси соҳили)да жойлашгани учун (1802-62) тўгарак номи шундан олинган. Ушбу тўгарак аъзолари фаолиятига Д.Н.Блудовнинг "Илмий жамият томонидан нашр қилинган "Арзамас" каҳвахонасидаги манзаралар" номли ҳажвий асари ҳам "А." клубининг номланишига сабаб бўлган. XIX аср бошларида яшаган рус

ҳиблари В.А.Жуковский, К.Н.Батюшков, П.А.Вяземский, А.С.Пушкин кабилар «А.» тўгарагида иштирок этганлар.

АРЗИЙ САМАРҚАНДИЙ (XVI) – ўзбек шоири. Исми номаълум, нисбаси: Мавлоно Хожаи калон. Мутрибий талқинича, "Самарқанднинг муқаррар шоирларидан". Таърихлари б-н машҳур бўлган. Самарқанд ҳукмдори Хисрав Султоннинг вафотига айтган таърихи "Тазкирату-ш-шуаро"да келтирилган:

Зи ҳар кас, ки таърих чустам, бегуфт:
Яку кам шуд аз "хусравони жаҳон".

"Хусравони жаҳон" бирикмаси таърих ҳисобида 976/1586, яъни ҳукмдорнинг қатл кунини билдиради.

- *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.279-281; *Мутрибий Самарқандий.* Тазкират уш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АРИАНЛИК (юнонча: Arі – киши номи) – Искандарияда 318 й.да расмий черков аҳкомларига қарши ҳаракат. Унинг йўлбошчиси Ари насронийликдаги уч ҳудолик ғоясини танқид қилгани учун 325 й.да Никея черкови мажлисида қатэий қораланган. А. вафотидан кейин (336) бу ҳаракат Астси ва Евноми ерми б-н давом эттирилган. А. 381 й.да Константинопол черковларида муҳокама қилиниб, уни қатъиян тақиқлаш тўғрисида қарор чиқарган. XVI асрда А. ҳаракати Полшада оёққа тургани кузатилган.

- *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.35-36.

АРИВАРА-НО, Нарихира (825–880) – япон шеъриятидаги «олти даҳо шоир»лардан бири. Императорлар Хедзей (774–824) ва Камму (737–806)нинг набираси. Саройда юқори лавозимларни эгаллаганига қарамай шоир сифатида шуҳрат топган. Шеърларида нафис туйғулар ва табиат куйланган, асарлари кўплаб баёзларга кирган, юзга яқин шеърий асар (*танка*)и сақланиб қолган. "Исэ-моногатари» («Исэ қиссаси") асари муаллифи ва бош қаҳрамонидир. Машҳур олим Ки-но Цураюки у ҳақда: "Туйғулар қуюқлигидан (уни ифодалашга) сўз етишмайди, худди ранги ўчган гул каби рангларини йўқотган, ҳидини эса сақлаб қолган" деб ёзади. Айрим адабий доираларда культга айланган, унинг сурати гравюра ва тасвирий санъатдан кенг ўрин олган.

- Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.12-13.

АРИЕТТА (италянча: arietta – кичик *ария*) [эстетика, мусиқашунослик] – Ғарб мусиқа ва опера санъатида ариянинг икки қисмли содда баёни. XVIII асрдан италян операсида урф бўлган. Саҳна воқеалари б-н боғланмаслиги жиҳатидан *ария*дан фарқланади. Мас., М.Юсуповнинг "Хоразм қўшиғи" операсидаги Баҳор А.си.

А. чолғу асарларига нисбатан ҳам ишлатилади. Мас., Б.Гиенконинг фортепиано учун «Болалар альбоми»даги А.

АРИЕС, Филипп (1914–1984) – француз тарихчиси ва файласуфи. Тарихий днмография юўйича мутахассис. Тарихий антропо[эстетика, театр ва драма назарияси] логия тўгараги раҳбари (1975 й.дан Фуко б-н бирга). Тарихчи ўрганаётган материали фактларининг қули бўлмай, уни психоанализ кили олиши, шахс фаолияти келажаги учун муҳим хулоса чиқара билиши керак. У "экзистенциал тарих"га инсоният борлиғининг асоси сифатиа қараган. Леви-Стросс қарашларига асосланиб, социал фанлар тизимига "совуқ" ва "иссиқ" жамиятлар истилоҳини киритган. А. социал тарихни психотарих сифатида қабул қилган ва ўз қарашларини "Эски режим шароитида бола ва оилавий ҳаёт" китобини баён қилган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.25-26.

АРИЗ (арабча: عريز – кенг, энли) [поэтика] – аруз вазни бахрларидан. Асосий ўлчов турларидан бири, *мафоийлун* (v – – –) ва *фаулун* (v – –) аслларининг кетма-кет такроридан ҳосил қилинади. А. бахри аруз илмига оид рисолаларда учрамайди. Навоийнинг "Мезону-л-авзон" асарида ҳам А. тилга олинмаган. Бобур "Аруз рисоласи"да "Бу вазнда тозий (араб т.даги – *Ҳ.Б.*) шеър топмайдурлар. Бу бахрни ажам шуароси пайдо қилиб, *мақлуби тавил* дептурлар, *ариз* ҳам дерлар" деб ёзган ва А.нинг солим вазнига ушбу мисолни келтирган:

Лабинг маржон, тишинг дур, хатинг райҳон, хадинг гул,
Сочинг анбар, юзунг ҳур, менгинг мўлтон, юзунг мул.
мафоийлун фаулун мафоийлун фаулун
(v – – – v – – v – – – v – –)

Бобур рисоласида *Аризи мусаммани мусаббаг*га:

Санойи зотинг ичра топиб ажз аҳли идрок,
Гаҳи лоуҳси айтиб замони мо арафнок.
мафоийлун фаулун мафоийлун фаулон
(v – – – v – – v – – – v – –)

(Наводиру-ш-шабоб, 322-ғазал)

Аризи мусаммани мақбузга:

Сангаки барги гулдин либос қилса бўлгай,
Гуле бу гулшан ичра қиёс қилса бўлгай.
мафоилун фаулун мафоилун фаулун
(v – – – v – – v – – – v – –)

(Торий ғазали матлаъси)

- *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971. Б.27,84; *Ҳасанов С.* Бобирнинг "Аруз рисоласи" асари. Т.: Фан, 1981. Б.85; *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б. 35; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.8–9.

АРИЙ [мифология] – насроний валийларидан. Яҳудий манбаларида *Л. Афанасий* номлари б-н аталувчи мазҳаблар вужудга келган. Бу мазҳаблар ўртасида низо, жанжаллар бошланди. А. фикрича, Христос муқаддас зот, лекин у Худо б-н тенг эмас, Муқаддас руҳ азалий эмас, чунки уни ҳам Худо яратган. Афанасий фикрича, Худо "ўғли" Исо Масиҳнинг руҳи азалий мавжуд эди, сўнг у одам киёфасида зуҳурга келди. Шу маънода моҳиятан

Худо б-н бирликдадир. Кўринадики, масиҳийликдаги А. мазҳаби Таврот ва Қуръон, аҳли китоблар эътикодига мувофиқ келади.

Император Константин даврида гоҳ Афанасий, гоҳ А. таълимоти ғолиб келиб, бошқаси қувғинга учради. Константин бу мазҳаблар курашига чек қўйиб, уларни яраштириш учун 325 й.да Кичик Осиёдаги пойтахти Никеяда масиҳийларнинг умумжаҳон собори – йиғинини ўтказди (ҳоз. Туркиянинг Измир ш.). Константин Никея соборида масиҳийликни давлат дини деб эълон қилди (у вақтда фуқаролар олдида холис туриш учун ҳеч қайси динга кирмаган эди. Фақат ўлими олдидан у масиҳийликни қабул қилади).

Илк ўрта асрларда Византияда яшаган атоқли олимлардан Қайсарли Евсевий (263-340) Антиохияда ва Иерусалим – Қуддуси шарифда ўқиб, старли маърифат ҳосил қилди. У Никея соборида қатнашиб, икки мазҳаб учун ўртача ибодат лойиҳасини ёзган эди. А. ҳақидаги Евсевийнинг "Инжилга кириш", "Церков тарихи" ("Хроника") асарлари турли жаҳон т.ларига тарж. қилинган.

АРИМАСП (қад. сақ т.да: бир кўзли) – элат номи. Қад.да Епропанинг шимоли-шарқида яшаган мифик халқ. Геродот "Тарих" асарида сақ (скиф)лар ҳақида сўз юритиб, А.ларни енггани ҳақидаги ривоятни келтиради. А. доимий суратда ҳужум қилиб, сақларнинг бойликлари, қизларини ўғирлашган. Айрим манбаларда айтилишича, бу ҳикоялар Урал ва Олтойдаги олтинизловчилар томонидан тўқилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.67.

АРИОН (м.а. VI) – юнон шоири ва мусиқачиси. *Дифирамб*лар ижодкори сифатида машҳур бўлган.

АРИОСТО, Лудовико (1474/8.IX–1533/6.VII) – италян шоири. Ғарб шеъриятининг мавжуд жанрлари: *ода, сатира, элегия, мадригал, эпиграмма, сонет* в.б.да ижод қилган. Сатиралари (Гораций таъсирида ёзилган), комедиялари шуҳрат қозонган. "Тинмас Роланд" достони (40 қўшиқдан иборат) уни жаҳон миқёсида машҳур қилган.

♦ *Ариосто Л.* Неистовый Роланд. М., 1968.

• *Де Санктис Ф.* История итальянской лит-ры, т.1-2. М., 1963.

АРИСТАРХ, Самофракийли (в. м.а.150) – антик давр тарихчиси, тилшуноси. Искандарияла яшаган, юнон шоирлари асарларининг шарҳловчиси ва мунаққиди. Адиблар асарларига хайрихоҳлик б-н қаровчилар тимсолига айланган. Гомер достонларининг аслиятини тўплашга киришган ва мавжуд матннинг китобат қилинишида фаол иштирок этган.

• История всемирной литературы, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРИСТЕЙ (юнонча: энг яхши) [мифология] – юнон мифологиясида Аполлон ва Киренанинг ўғли. А.га турли маъбудлар таълим беришган. Гея

А.ни ўлмас бўлишига, Хирон турли санъатларни мукаммал ўрганишига ёрдам берган. Фива подшоҳи Кадмнинг қизи Автонойга уйланган, ундан Актеон исмли ўғил кўрган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.103.

АРИСТИД, Публий Элий (129–189) – юнон ритори (нотиғи), Иккинчи софистика мактаби аъзоси. А.дан 55 нутқ сақланган. Нутқларида *азианизм* тарафдори сифатида кўринади.

• Краткая лит-ная энц-я. т.1. М.: СЭ, 1962. С.295; История всемирной лит-ры, т.1. М Наука, 1983. С.439.

АРИСТИД, Милетли (м.а. II–I аср) – юнон адиби, 6 китобдан иборат "Милет ҳикоялари" муал.и. Тўплам ёзма ад-тда биринчи эротик ҳикоялар мажмуаси ҳисобланади. А. Овидий, Петроний, Апулей, Лукиан сингари юнон адиблари ижодига таъсир қилган. А. асари тўла ҳолида сақланмаган, ундан намуна ва парчалар Сизенна тарж.да мавжуд.

- Краткая лит-ная энц-я. т.1. М.: СЭ, 1962. С.295.

АРИСТОКРАТИЯ (юнонча: aristou – энг яхши) – давлат бошқарув тизими. Арастунинг маълумотига кўра, давлатни бошқаришга жалб қилинган энг яхши зодагонлар жамоаси; бошқарув тизимини қўлга олишга интилаётган ижтимоий гуруҳ. А. асосида *аристократик* ад-т шаклланган.

~ ик адабиёт – муайян бир ижтимоий гуруҳга хизмат қиладиган, унинг манфаатларини ифода ва ҳимоя қилувчи ад-т сифатида шўролар даврида қаттиқ таъқиб остига олинган ад-т. Мумтоз мерос намуналарига нисбатан сарой-А.ик ад-ти деган атама қўлланилиб, юқори табақага мансуб ижодкорлар асарлари танқид остига олинган.

АРИСТОТЕЛЬ – к.: Арасту.

АРИСТОФАН (~ м.а.445–385) – қад. юнон комедиографи. А. мураккаб даврда яшаган ва 19 ёшидан муҳим ижтимоий масалаларга ўз комедияларида муносабат билдирган. 44 комедиясида фақат 11 таси сақланиб қолган. "Суворийлар" асари 25 ёшли драматургга шуҳрат келтирди. Сўнгра "Булутлар" (м.а. 423), "Тинчлик", "Лисистрата", "Қушлар" асарларида урушларни қаттиқ қоралаган. А. "Қурбақалар" комедиясида А.замондошлари Эсхил ва Эврипиднинг охиратдаги сўрок-савол можаролари нақл қилган. А. комедиялари халқона т., содда услуби ва ҳаётий муаммоларни ўртага қўйиши б-н характерлидир. А. комедиялари кейинроқ Ф.Рабле, Ж.Расин, И.В.Гёте, Х.Хейне ижодига ўз таъсирини кўрсатган.

♦ *Аристофан.* Комедии в 2-х т. М., 1954; Изб.комедии. М., 1974.

• *Головня В.В.* Аристофан. М., 1955; *Соболевский С.И.* Аристофан и его время. М., 1957; *Тронский И.М.* История античной лит-ры. М.: Высшая школа, 1983; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.406; *Гусейнов Г.* Аристофан. М.: Искусство, 1988.

АРИТМИЯ – (юнонча: а – инкор қўшимчаси + ритм) [ритмика] – нормал ритмнинг бузилиши. Мусиқа назариясида, ад-тшуносликда оҳангдорлик (интонация) ҳосил қилиниши. Бу ҳолат аруз илмида ҳам қўлланилади.

АРИФ – к.: Ориф.

«АРИЭЛЬ» – рус фантасти Алексей Беляев романи. Уран планетасининг йўлдоши А. номи б-н аталган фантастик асар. "А." воқеаси Ҳиндистонда бўлиб ўтади. Учар одамлар тасвири берилган.

АРИЯ (италянча: aria) [эстетика, мусиқа назарияси] – опера ёки кантатанинг тугалланган лавҳаси. Одатда оркестр жўрлигида ижро этилади. Қўшиқ ва романсга нисбатан мураккаб таркибли, кўп қисмдан иборат. Асарда қаҳрамон руҳий кечинмаларини очиб беради, кўпинча, ички монолог ижроси сифатида намоён бўлади. Ўз-н композиторларининг опера, мусиқали драма ва комедия жанрлари таркибида келади. Илк ўзбек опера ва мусиқали драма "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" таркибига киритилган А.лар бор.

Пеккер Я. Узбекская опера. М., 1984.

АРК (лотинча: arcus – эгик, кия) [эстетика, меъморчилик] – қалъа, сарой. Ҳукмдорлар қароргоҳи жойлашган қалъа ёки ўрда. Тарихий манбаларда кўҳандиз, коҳ, қаср, қалъа, ҳисор номлари б-н берилган. Бухоро арки, Қўқон ўрдаси каби. "Бобурнома"да Андижон арки ҳақида маълумот берилган. XX аср бошларида "Бухоро Арки тарихи" жамоа тадқиқоти яратилган.

АРКАДИЯ [эстетика, мифология] – қад. юнон ад-тида тасвирланган Юнонистондаги хушманзара диёр. Рим шоири Вергилий *буколика*ларида А. чўпонларининг осуда ҳаёти, шеърий баҳслари тасвирланган.

А. тарихий-мифологик атама бўлиб, Гесиод томонидан илмий муомалага киритилган. А. истилоҳи орқали инсоният тарихини уч эра (олтин, кумуш ва темир)га бўлиб ўрганиш тавсия қилинган.

Baruet S., Berman M., Burto W. A Dictionary of Literary & Cinematic Terms. Boston, 1971; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38.

«АРКАДИЯ» – инглиз адиби ва эстетикаси асосчиси Филипп Сидни (1554–1585) асари. «А.» икки қисмдан иборат: қад. А. ва янги А. 1578–1585 йй. оралиғида ёзилган. Филипп Сидни инглиз ад-тида илк туркум сонетлар муаллифи сифатида ҳам машҳур. Унинг номи "Астрофил ва Стелла" бўлиб, 108 сонет ва 11 қўшиқдан иборат. «Астрофил»нинг луғавий маъноси – юлдузларни севувчи, "Стелла" юлдуз дегани.

Ф.Сиднининг «Апология ёхуд Шеъриятнинг ҳимоясига» асари инглиз ад-ти тарихидаги поэтикага доир дастлабки асардир. Муал. бу асарида *Арасту*

ва *Скалигер* изидан бориб, поэтика илмининг моҳияти, объекти ва хусусиятларини кўрсатиб берган. Поэзия, инглиз муаллифининг талқинича, табиатга тақлид (Арасту ёзганидек) эмас, балки уни қайта яратиш, кўримли қилиш ёки образли қилиб айтганда, гапирувчи тасвир бўлиб, у бизга сабоқ ва завқ беради. Шунингдек, муаллиф бу асарида бадиий ад-тнинг шакл ва мазмунига муносабат билдиради. Бу жиҳатдан буюк Шарқ мутафаккири Ибн Рушид (Аверроэс)га эргашади. Маълум бўлишича, Сидни 1574 йили машҳур италян файласуфи Забарелла (1533–1589)дан араб олими Аверроэ таълимотини ўрганган эди.

♦ *Филипп Сидни.* Астрофил и Стелла. Защита поэзии. М.: Наука, 1982.

АРКОН (арабча: ارکان – рукнлар, устунлар) [поэтика] – аруз тизимида байтларни ташкил қилувчи ритмик бирлик. Бир байтда 4 тадан 36 тагача рукн бўлади: 4 рукнли байт *мураббаъ*, 6 рукнли *мусаддас*, саккиз рукнли *мусамман*, ўн рукнли *муашшар*, 12 дан ортиқ рукнлилари *мутаттаввал* (кўп рукнли) деб юритилади. А. байтдаги ўрнига кўра *садр* (раис, бошлиқ) – биринчи мисранинг биринчи рукни, *аруз* – охирги рукн, иккинчи байтнинг биринчи рукни – *ибтидо*, охиргиси – *зарб* дейилади. Садр б-н аруз, ибтидо б-н зарб ўртасидаги рукнлар *ҳашв* деб аталади.

А. ўлчов бирлиги сифатида *асл* (асосий) ва *фуруъ* (тармоқ) рукнларга бўлинади. Асл рукнлар 8 та бўлиб, *афоийлу тафоийл* (Бобур) ёки *авзони мавозин* (Навоий) деб юритилади. Фуруъ А.и 40 хил шаклга эга бўлиб, жами 96 та. Тармоқ рукнларидан 22 хили ўзбек шеъриятида қўлланган.

• *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Мухтасар. Т.: Фан, 1972; *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.15; *Шайх Аҳмад Тарозий.* Фунуну-л-балоға. Т.: Хазина, 1996; *Фитрат.* Аруз ҳақида (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муал. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.149–150; *Алишер Навоий.* Мезону-л-авзон // МАТ. 13-ж. Т., 2001.

~ *и сулук* – тасаввуфда сайру сулук шартлари, устунлари. Ирфоний сайру сулук йўлига қадам қўйишни хоҳлаган киши асосий кўрсатилган шарт ва одобларни бажариши ҳамда ўз пири йўл-йўриқларига риоя қилиши лозим. Азизиддин Насафий сулук шартларини олти амалда кўрсатади: *тарк*, яъни молу дунёни, дунёсеварликни, мансабни, маъсият – гуноҳларни ва ёмон ахлоқларни тарк қилиш (1); *сулҳ* – олам халқи б-н сулҳ қилиб, унга т.и ва қўлидан озор бермаслик (2); *узлат* – эътиқод ва амалда пирга эргашиш (3); *самт* – ўз раъй ва андиша (иккиланувчи фикр-ўй)ларини тарк қилиш (4); *очлик* – эътироз ва инкор қилишни тарк қилиш (5); *суҳр* – сабот ва давомийлик (6).

• *Насафий, Азизиддин.* Зубдату-л-ҳақойиқ.

~ *и тариқат* (арабча: ارکان – рукнлар + طریق – йўл) – тариқат рукнлари. Тасаввуфда тариқат рукн (устун)лари сифатида манбаларда қуйидагилар тавсия қилинади: *илм, ҳилм, сабр, ризо, шукр, ихлос.*

~ *и қавл* – қ.: Афоил.

АРЛОТ (арулот, орлот) [этнография] – туркий қавмлардан бири. Бу қавм вакиллари мўғуллар истилоси пайтида Туркистонга кўчиб келган. Амударё соҳилларида яшаган, Термез, Тошовуз, Хоразмнинг айрим туманларида учрайди. "Бобурнома"да "Қосим Арлот" номи учрайди (168а).

• *Самарқандий А.* Матлайи саъдайн ва мажмайи баҳрайн. Т.: Ўз-н, 2008; *Бобур.* Бобурнома. Т.: Фан, 2002.

АРМА (хетт т.да: ой) [мифология] – хетт ва хуррит мифологиясида Ой маъбуди. Мифга кўра А. осмондан ерга, бозор майдонига тушиб қолади. А.га момақалдироқ маъбуди таҳдид солади. Ҳўкиз подшоҳ ҳақидаги мифларда ҳам А. тимсоли учрайди.

• Луна, упавшая с неба / Древняя лит-ра Малой Азии. М., 1977. С.50-51.

АРМАЗИ (грузинча исм) [мифология] – грузин мифологиясида пасронийликдан аввалги асосий маъбуд. А. культи Парваназ подшоҳлиги (м.а. III) даврида шаклланган. А. тасвири туширилган буюмларда олтин дубулға ва мис совут кийган, қўлида қилич б-н тасвирланган. Мцхете тоғида унинг тасвири сақланган. А. шарафига ёз ойларида оммавий байрам ўтказилган.

• *Болтунова А.И.* К вопросу об Армази / Вестник древней истории. 1948. № 2; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.104.

АРМАН АДАБИЁТИ – арман халқининг ад-ти. А.а.нинг бошланиши фольклорда акс этган. А. халқининг аждодлари Гайка, Гўзал Ара, Ваагне ҳақидаги мифлар яратилган. Тарихчи М.Хоренацининг "Арманистон тарихи" асарида келтирилган афсона ва ривоятлар А.а.га асос бўлган. А.фольклорининг энг йирик асари "Сосунли Довуд" ҳақидаги эпос саналади. Қад. А.а. манбалари миххат (м.а. биринчи мингйиллик)га мухрланган. А.да пасронийликнинг қабул қилиниши (301) б-н кўплаб мажусийлик характеридаги ёзма манбалар йўқ қилинган. V асрдан бошлаб А.а.нинг ёзма манбалари ва тарж. асарлари тарқала бошлаган. Ёзма ад-тнинг шаклланишида шоир Григор Нарекацининг роли катта. Унинг "Фожиалар китоби", "Қўшиқлар" тўпламлари алоҳида ўрин тутади. Арман ҳукумати (1080–1375)нинг тикланиши б-н миллий ад-тнинг тараққиёти учун имконият яратилди. Ованес Имастасер (Иоанн Саркаваг), Нарсес Шнорали, Григор Тга, Нерсес Ламбронаци каби шоирлари ижоди, Мхитар Гош масаллари, Вартан Айгекци сатиралари омма орасига тарқалди. XIII асрдан халқ жонли т.да асарлар битиш урф бўлди, XVI асрга келиб матбаа ишлари йўлга қўйилди. А.а.да ватан соғинчи мавзуси Ованес Ерзнкаци, Ованес Тулкуранци, Мкртч Нагаш, Григор Ахтамарци, Нерсес Мокаци ва Наапет Кучак ижоди айни даврда шаклланди. XIII–XVI асрларда достончилик тараккий топди. Григор Церенц, Хачатур Кечареци, Аракел Сюнацининг

маърифий ва романтик достонлари яратилди. XVIII асрда ад-тга истеъдодли шоирлар Богдасар Дпир, Петрос Кафанци, Нагаш Овнатан кириб келди. ошиқ-шоир Сайат Нованинг шеърлари машҳур бўлди.

XVIII асрнинг 2-ярмидан янги арман ад-ти шаклланди. Унинг вакиллари О.Ванандеци, П.Минасян, А.Багратуни, Е.Толмачян, Э.Гюрмюзян в.б. Эски арман тили *грабар*да эмас, балки жонли халқ т.га яқинроқ янги адабий тил *ашхарабар* шаклланишида А.Аламдарян, М.Тагиадян сингари ижодкорлар захмати бор. XIX асрнинг ўрталарида шоир Г.Алишан ижоди муваффақият қозонди. *Х.Абовян*нинг "Арманистон жароҳатлари" (1841–43) миллий романнинг шаклланишида алоҳида босқич вазифасини ўтади. А.а.да романтизм қарор топишида М.Пешикташлян, П.Дурян ижоди характерли. Газарос Агаяннинг "Арутюн ва Манвэл" (1867) романи, "Икки опа-сингил" қиссаси (1872)да маърифат қувватига ишонч туйғулари акс этган. Реалистик драматургиянинг асосчиси сифатида Г.Сундукян майдонга чиқди. Царюн "Жалолиддин" (1878), Раффи "Довудбек" (1881-82) романларида тарихийлик ва бадиийлик қоришиқ ҳолда ифодалаган. XIX аср охирида А.Ширвонзода ижодида танқидий реализм кучайди, унинг «Хаос» (1898) романи ва «Номус» (1905) драмасида мамлакатдаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Ованес Туманян ижоди А.мумтоз ад-тининг синтези сифатида кўзга ташланади. "Шоир ва илҳом" (1899) китоби, "Довуд Сосунли" эпоси асосида яратилган достони (1902) икки аср бўсағасида янги ад-т тараққиётига хизмат қилди.

XX аср ад-тида Аветик Исаакяннинг "Қўшиқлар ва жароҳатлар" тўплами, "Абул Аъло Маарий" достони алоҳида ўрин тутади. Янги давр А. ҳаётга шоир Егище Чаренц достонлари ("Тинчимас тўдалар", 1919, "Чаренцнома",1922)да акс этган. А.а.даги анъанавий услуб бўйича "Эпик тонг", "Йўл китоби" шеърлар тўпламларини яратди. Арман насрининг тараққиётида Наири Зарян, Стефан Зорян, Аксел Бакунц, Дереник Демирчян каби носирларнинг қисса ва романлари алоҳида ўрин эгаллаган. А. театрининг тараққиётида Д.Демирчян "Қўркмас Назар" (1923), А.Ширвонзода "Капказ – томоша", М.Жананнинг "Шоҳнома" сингари пьесаларининг ўрни бор. XX асрнинг 2-ярмида Г.Севунц, Г.Эмин, С.Капутикян, П.Севак каби адибларнинг ижоди характерли. Шунингдек, А.а.нинг муайян қисмини муҳожирлик ад-ти ташкил этади. Арманистондан ташқарида туриб, А.т.да асарлар битаётган муал.лар талайгина.

♦ Поэзия Армении с древнейших времён до наших дней / Под ред. В.Брюсова. М., 1916

● *Абегян М.* История древнеармянской лит-ры. Т.1-2. Ереван, 1948; *Бабаян А.* Армянские лит-ные связи (1920-60) / Материалы к библиографии. Ереван, 1960.

АРМАН МИФОЛОГИЯСИ – арман халқининг мифологик тасаввурлар мажмуаси. А.м.нинг генезиси қадимги тоғли Урарту давлати (м.а. XII) ва халқларининг мифик тасаввурларига боғланади. Урату ва Ассирия ўртасидаги курашлар қад. мифларнинг асосий воқеасини ташкил қилади. А.м.га кейинги даврларда юнон ва эрон мифлари ўз таъсирини кўрсатган. Арманлар насронийликни қабул қилганидан кейин (301) исовий дин билан боғлиқ мифик тасаввурлар ўрнашган. А.м. ҳақидаги ёзма маълумотлар

Юнонистон, Византия муаллифлари (Афлотун, Ҳерадот, Ксенофонт, Страбон, П.Кесарийли) асарларида учрайди. Илоҳлар ҳақидаги тасаввурлар Арам, Хайка ва ўғиллари Ара Гехецик ва подшоҳлар Тигран, Арташес, Артавазд номилари б-н боғлиқ. Арман эпоси "Сосунли Довуд" асарида А.м.нинг кейинги даврига тегишли қаҳрамонлари, уларнинг саргузаштлари ва янги талқинлари акс этган.

- *Абегян М.* История древнеармянской лит-ры. Ереван, 1970; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.106.

АРМАН ТИЛИ – ҳозирги Арманистон, Кавказорти мамлакатларида яшовчи арман миллатининг т. А.т. тарихи уч даврни ўз ичига қамрайди: қад., ўрта ва янги. Қад. давр V-XI асрлар манбалари т. бўлиб, *грабар* деб юритилади. Ўрта давр XII-XVII асрларни, янги давр эса XVIII асрдан кейинги даврни ўз ичига олади. XIX асрдан янги А. адабий т. шаклланган бўлиб, у *ашхарабар* деб юритилган. А.т.да 6 унли ва 30 ундош ҳарф мавжуд. Гап қурилишида 7 келишик, 8 турланиш иштирок этади. А.т. морфологияси *агглютинатив* характерга эга. А.алифбоси Месроп Маштоц томонидан юнон (Византия) ёзуви асосида яратилган (405-406). XII асрда айрим ҳарфлар орттирилган. Ҳозирги а.т.да 39 ҳарф бор. 7 келишик, турланишнинг 8 хили мавжуд.

- *Назараянц С.* Обозрение истории гайканской письменности в новейшие времена. Казан, 1846; *Гарибян А.С.* Краткий курс армянского языка. Ереван, 1960.

"АРМУҒОН" –

АРНАУТЛАР (туркча: arnavut) [этнография] – *албанлар*нинг турк т.даги номи. Россияда Албаниядан чиққан кишиларни А. деб атайдилар.

"АРОЙИСУ-Л-БАЁН ФИ ҲАҚОЙИҚИ-Л-ҚУРЪОН" ("Қуръон ҳақиқатларидан аройис баёни") – Қуръон тафсири. Қисқа номи: "Аройис тафсири". Рўзбеҳон Бақлий (в.1209/1210) асари.

- *Алишер Навоий.* МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.6; Ислом тасаввуфи манбалари. Тасаввуф назарияси ва тарихи. Туз., сўзбоши ва изоҳлар муалл. Ҳ.Болтабоев. Т.: O'qituvchi, 2005. Б.8,50.

АРОН, Реймон Клод Фердинанд (1905–1983) – француз файласуфи ва социологи. 1956-68 йй.да Сорбоние, 1970 й.дан Коллеж де Франс профессори. Дастлаб публицист сифатида эътибор топган. А. қарашича, тарих тўла ҳолда объектив билим бера олмайди, тарих индивидлардан устун туради ва ўз структурасига кўра у микроанализ қилинишга лойиқ. Бу инсонларда ҳуқуқий масъулиятдан ташқари тарих олдидаги масъулиятни кучайтириши керак. Яъни инсон фаолиятида ҳуқуқ нормаларини бузмай яшаши баробарида тарих олдида яратилажак кафшиётларга, инсоният тарихини олдинга етакловчи ғоялар ва амалий фаолиятга қурбли бўлиши керак. Икки иқтисодий тизимнинг яқинлашуви, ўзаро конфликтга киришмаган ҳолда бир-бирининг имкониятларини ўрганиб, тараққиёт сари

бирга қадам ташлаши инстиият цивилизацияси учун жуда катта наф келтиради.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.26-27.

АРП, Ганс (1887–1966) – олмон рассоми, шоири ва ҳайкалтароши Германиянинг Страсбург ш.да туғилган. Штутгарт ва Веймар Бадиий мактабларида ўқиган. 1908 й. Париж академиясида таҳсил олган. Биринчи жаҳон уруши пайтида Цюрихда яшаган. Предметсиз санъат назариётчиларидан.

Рассом сифатида "Болға гул" (1916), "Композиция" (1917), "Лаблар" (1926), "Япроқлар ва томчилар" (1930) асарлари б-н шуҳрат топган. "Ғижимланган қоғозлар" коллаж (сурат)и ва шу номдаги шеърлар китоби бор.

- Энц-я модернизма. М.: Эксмо–Пресс, 2002. С.126.

АРРИАН Флавий (II) – Рим адиби ва тарихчиси. Кичик Осиёдаги Никомедия ш.да туғилган. Юнон файласуфи Эпиктет қўлида ўқиган. 131–137 йй.да Кападокия волийси, кейин сенатор ва коҳин бўлган. Фалсафа, тарих, география ва ҳарбий соҳаларга оид асарлар ёзган. "Александр юриши" асарида Искандар Мақдунли тарихи етти китобда баён қилинган. "Ҳиндистон", "Неархнинг ҳарбий юриши", "Эпиктет ҳақида эсдаликлар" асарларини ёзган. "Парфия тарихи", "Аланлар тарихи", "Вифиния тарихи" асарларидан парчалар етиб келган. Бу асарларда Ўрта Осиё тарихига доир қимматли маълумотлар сақланган.

- История всемирной лит-ры. Т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРСЕНАЛ (архитектура, меъморчилик) [эстетика] – меъморчиликда қурол-аслаҳа ва ҳарбий ускуналар сақлаш учун қурилган иншоот. А. санъатда юқорига чиқмоқ, эришиб бўлмайдиган даражага эгалик қилмоқ маъноларида қўлланилади.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.105 (эл.версия).

АРСИС (юнонча: arsis – *кўтарилиш*) ва ***ТЕСИС*** (thesis – *тушиш*) [поэтика, метрика] – шеърдаги стопанинг кучли ва кучсиз қисми. Метрик шеър тизимида қўлланилади. А. икки кисқа бўғин (v v)дан, Т. эса чўзиқ дактил (–)дан иборат. Шунингдек, Европа шеър тизимида хорейнинг биринчи бўғини – А., иккинчиси – Т.; анапестда учинчи бўғин – А., биринчи ва иккинчиси Т.дан иборат.

- *Гаспаров М.Л.* Метрическое стихосложение. Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366-367; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29.

АРСЛОН ХОЖА ТАРХОН (XV асрнинг 1-ярми) – ўзбек шоири ва давлат арбоби. Улуғбек даври амирларидан, Саврон ҳокими. А.Х.Т. саройида

Саккокий хизмат қилган. А.Х.Т. ҳақидаги маълумотлар Саккокий қасидаларида, Шотибийнинг "Қуръон ўқиш санъати ҳақида" рисоласининг муқаддимасида учрайди. Қад. туркий қўлёзмаларни махсус кўчиртирган, ушарни араб ва форс т.ларига тарж. қилган. Адиб Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" достонини уйғур ёзувида кўчиртирган (1444), унинг таркибига А.Х.Т.нинг ўн байтли маснавийси киритилган.

АРСЛОН МУҲАММАД ибн СУЛАЙМОН (в.1130) – Мовароуннаҳр ҳукмдори (1102–30). Қорахонийлар сулоласи Барқиёруқ вассали Сулаймонтегиннинг ўғли. Самарқанд тахтини бошқарган, салжуқлилар келгач, Балхга жўнатилган ва у ерда вафот этган. Кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказган, иншоотлар қурдирган. Бухородаги Жарқўрғон минораси, Масжиди калон ёнидаги минора А.М.С. буйруғи б-н қурилган.

АРСЛОНБОБ (XI) – Хожа Аҳмад Яссавийнинг пири ва тоғаси. Туркистон *хожа*лари силсиласига кирган. Мақбараси Шаулдер (қад. Ўтрор) ш.да. Мақбара ва хонақоҳ Хожа Аҳмад Яссавий даврида қурилган. Шайх Муҳаммад Донишманд *Зарнуқий* бу хонақоҳда муридларга таълим берган ва *жаҳр* мажлисларини ўтказган. Жалолобод вилояти (ҳоз. Қирғизистон)даги Арслонбоб қишлоғидаги қабрни ҳам А. отага нисбат беришади. Бу жой ҳоз.га қадар мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бири саналади.

- *Сайрамий, Мусо.* Тарихи аминийа. Б 1904. С. 289; *Тримингэм Ж.* Сўфийские ордены в исламе. М., 1989; *Умар б. Муҳаммад Насафий.* Ал-Канд фи зикр улама Самарқанд / Тақдим Юсуф ал-Ҳодий. Техрон, 1999. Сах. 348-349, 365-366; *Фитрат.* Аҳмад Яссавий / Танл. асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000; *Муминов А.К.* Арслан-баб / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.15.

АРСУРИ (қад. чувашча: ўрмон) [мифология] – чуваш мифик тасаввурига кўра ўрмон эгаси (урман ияси). А. кулранг соқолли баҳайбат мўйсафид сифатида тасаввур қилинган, айрим мифларга кўра қора юзли, тўрт кўз, уч оёқ, уч қўлли (учинчи қўл ва оёғи орқада) ҳайвонсифат деб ўйланган. А. йўлчиларни манзилдан адаштирган, уларнинг тишларини қоқиб олган. А. отда юришни ёқтиради, лекин сувдан қўрқади. Мифга кўра, фавқулодда ўлимга дучор бўлганлар руҳи А.га айланиши мумкин. А. тимсоли Сибирдаги бошқа туркий халқлар мифларида ҳам учрайди.

- *Ахметянов Р.Г.* Некоторые термины обрядов и мифологии булгаро-чувашского происхождения у народов Урало-Поволжья // Советское фиино-угороведение. 1977. №2. С.102-03; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.106.

АРТ БРЮТ (французча: art brute – *қўпол санъат*) [эстетика] – француз рассомчилигида намоён бўлган модернистик оқимлардан бири. Бу оқимнинг стакчиси Ж.Дюбюффе А. истилоҳини биринчилардан бўлиб қўллаган. 1950–60 й.ларда сюрреалистлар Х.Миро, М.Эрнст, П.Клее унинг ижоддаги давомчилари бўлиб, улар ўз санъатларини ҳар қандай қоидадан озод деб

билганлар, худди болалар ва беморлардаги каби самимийликни шиор қилиб олганлар. Академизм, эстетик меъёрларни четлаб ўтишга урунганлар.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.35-36.

АРТАПАН –

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРТАХШЕР –

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРТ-ДИЗАЙН (латинча: artis – *санъат,* лотинча: *designare* – белгилаш) авангард санъатга тегишли адабий оқим бўлиб, XX асрнинг 80-йй.да кенг тараққий этган. *Поп-арт* давоми сифатида шаклланган. А.д. услубида санъат асари б-н ишлаб чиқариш дизайни бирлашади ва санъат асари таркибида фото, плакат, ишлаб чиқаришга оид деталлар иштирок этади. Бу анъанавийликни бузади, асарга янги руҳ олиб кирмоқчи бўлишган. А.д. асосий нарса бевосита санъат асарининг ўзи орқали эстетик туйғу бериш эмас, балки турли дизайе комбинациялари орқали ўқувчига таъсир этиш, уни анъанавий тасвир услубидан замонавийликка буриш ҳисобланган. А.д.да поп-артдан фаркли равишда мафкуравий матностига эътибор қаратилган. Яна қаранг: Соц-арт.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.36-37;

АРТЕМИДА (юнонча: Artemis – айиқ маъбудаси; қотил) [мифология] – қад. юнон мифологиясида ов ва ҳосилдорлик маъбудаси, Зевс ва Летонинг қизи, Аполлоннинг синглиси. Астерия оролида туғилган. Дастлаб юнон мифларида А. ҳайвонлар ва ов ҳимоячиси, сўнгра аёллар донолиги ва туғилишининг дояси сифатида талқин қилинади. Охиратда кишилардан барча берган ваъдаларини бажаришликни талаб қилувчи маъбуда. Суратларда А. ов қилаётган аёл (елказида ўқ-ёй, бошида ярим ой, қўлида машъала) сифатида тасвирланган. Рим мифологиясидаги Диана тимсолига тўғри келади. Тасвирий санъатда Рим вариантлари асосида П.Рубенс, Рембрандт асарлари, бад. ад-тда Ж.Боккаччонинг "Диана ови" поэмаси, Ж.Ротру, Ҳ.Ҳайненинг драматик асарлари яратилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.108.

АРТЕФАКТ (лотинча: artefactus – *ишлаб чиқилган,* сунъий яратилган) [эстетика] – сунъий равишда ишлаб чиқилган ва бирор ҳодисанинг рамзига айланган предмет. А. нарса-предмет сифатида ҳаётда мавжуд эмас, бирор белги, рамз сифатида муайян моҳиятни ифодалайди. А. бадиий матн статуси вазифасида ҳам ишлатилади. Тасвирий санъатда *поп-арт* услубида яратилган асарларга нисбатан қўлланилган. Эстетик тафаккурда А. моҳиятнинг моддий объекти, бадиий матн эса унинг ифодаси. "Янги

танқид" тарафлорлари бўлган Прага структуралистлари А.ни социал ва тарихий вазиятдан келиб чиқадиган ёпик система сифатида талқин қилишган. Я.Мукаржовский санъат асарини умумий фонда бўлсин оммавий маданиятга қарши туриш деб баҳолайди, қачонки "фон" ўзгарадига бўлса асарнинг баҳоси ва талқини ҳам ўзгаради. Шу жиҳатдан олим санъат асарининг метариал жиҳати, яъни китоб, сурат ёки ҳайкал ва эстетик объект – бу реал фактларнинг умуминсоний талқинини фарқлашни таклиф қилади.

• *Дики Д.* Искусство и эстетика: введение и институциональный анализ. М., 1974; *Мукаржовский Я.* Исследование по эстетике и теории искуства. М.: Искусство, 1994; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.37; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Апрель-Аст, 2003. С.44; *Иглтон Т.* Теория лит-ры. Введение. М., 2010.

АРТИКЛ (лотинча: articulus – аъзо) [стилистика] – грамматик белги. От туркумига оид сўзлардан аввал келиб, унга аниқлик белгиси сифатида грамматик маъно юкловчи категория. А. герман, роман, юнон, араб (семит т.лари), можар в.б. т.да қўлланилади. Асосан, сўздан аввал келади, француз т. (роман т.лари)да сўздан кейин келиши ҳам мумкин: ал-кимё (арабча), le pauple – халқ (французча). А. инглиз т.да келишик, жинс, сонда ўзгармайди, немис т.да ўзгаради. Араб т. *ал-* А. шамсий ҳарф б-н бошланувчи сўзларга қўшилганда ўз шаклини ўзгартирмайди, қамарий ҳарфлар б-н бошланувчи сўзларнинг биринчи ҳарфига қараб талаффузи ўзгаради: ал-шифо эмас, *аш-шифо.*

• *Габучян Г.М.* Теория артикля и проблемы арабского синтаксиса. М., 1972; *Москальская О.И.* Становление категории определенности-неопределенности. Артикль / Историко-типологическая морфология германских языков. Фономор-фология. Парадигматика. Категория имени. М., 1977.

нутқ товушлари ҳосил қилинишида мучаларнинг ҳаракати, ҳолати ва шитироки. А. бир неча боскичли: а) талаффуздастурини қуриш; мучаларни ҳаракатга солиш; в) нутқ органларининг ҳаракати. Фонетикада А. минимал товуш компонентлари сифатида ўрганилади.

Мусиқа назариясида асарни соз ёки овоз б-н ижро этиш усули. А.: икки турли: легато (товушларнинг ўзаробоғланиши), стаккато (товушларни узиб-узиб айтиш ёки чалиш). А.нинг асарни бадиий юксак ва таъсирчан қилишда аҳамияти катта.

• Речь. Артикуляция и восприятие. М.-Л., 1965; *Скалозуб Л.Г.* Динамика звукообразования по данным кинорентгенографирования. Киев, 1979; *Кодзасов С. В.* Артикл / Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1998. С.45-46.

АРТИФИЦИАЛ санъат (лотинча: artificialis – усталик, санъаткорлик) – маҳорат б-н ишланган, мумтоз асар даражасида эътироф этилган, лекин мумтоз ад-т намунаси эмас, балки замонавий санъатга тегишли. Модернизм, постмодернизм даврида А.с. *артефактга* яқин келади.

• *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16

АРТУР АФСОНАЛАРИ (кельт т.да artos – айиқ) [мифология] – кельт (Уэльс) халқ ривоятлари. Айрим манбаларда "Артур романлари" деб берилган. А.а.нинг доимий бош қаҳрамони А. образи бўлиб, V–VI асрларда бритт қироли бўлган. Манбаларда VIII асрдан бошлаб номи зикр этилади. Г.Монмаутлининг «Британия қироллари тарихи" (~1137) асарида А. хроникаси берилган. А.а. XII асрдан бадиий асарларга кириб келган. Кретьен де Труа, Гартман фон Ауэ, Вольфрам фон Эшанбах А.а. сюжетларидан фойдаланиб асарлар битишган.

А.а. қаҳрамонлари Ланселот, Тристан ва Изольда в.б. Э.Спенсернинг "Қиролича Фей", Ж.Драйденнинг "Қирол Артур" опера либреттоси, У.Моррисниг "Гиневр мудофааси" достонларида учрайди. XX аср адиби Марк Твеннинг "Қирол Артур саройида" романида А. образи сатирик планда тасвирланган.

- *Marx J.* Nouvelles recherches sur la littérature arthurienne. Paris, 1965; *Михайлов А.Д.* Артуровские легенды и их эволюция. М., 1974; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.108-109; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.44.

"АРТХАШАСТРА" (санскритча: фойда ҳақида рисола) [мифология] – қад. ҳинд китобларидан бўлиб, давлатни идора қилиш ва иқтисодиётини тиклаш масалалари жамланган. М.а. IV асрда яратилган бу асар *Каутилья*га нисбат берилади. Рисола II-III асрларда қайта ишланиб тўлдирилган. Ҳинд эпоси "Маҳабҳорот", "Рамаяна"да "А." кирган масалалардан баҳс юритилади. Инглиз олими У.Эрскин Ҳиндистонда бобурийлар саройидаги манбалар қаторида "А." номини келтиради.

- ♦ Артхашастра, или Наука политики Пер. с санскр. М.-Л., 1959.
- *Бонгард-Левин Г.* К выходу в свет русского пер. "А.". // Проблемы востоковедения. 1960. № 3; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.228.

АРФА (юнонча: мусиқа асбоби) – торли мусиқа асбоби. Узунлиги бир хил бўлмаган торлари шу қадар нафиски, уни қўлда чертиб эмас, балки майин шаббодада табиий равишда чалинишига мўлжалланган. Миноралар, биноларнинг шамолрўя томонларига ўрнатилган.

АРУЗ (арабча: عروض – водий) [поэтика, метрика] – I. шеър тизими, байтдаги ҳижоларнинг миқдори ва сифати (оҳангдорлиги)га асосланган илм. Арабларда А. вазн тушунчаси сифатида жоҳилийя даврида ҳам мавжуд бўлган, ҳатто *баҳр* аталган вазн турлари мавжуд бўлган. Шеър ўлчов тизими сифатида араб шеъриятида VIII асрдан, форс ва турк шеъриятида IX асрдан мавжуд. А. тизими чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг ритмик асосда муайян гуруҳлар бўйича такрорланиб туришига асосланади. Аруз тизимидаги энг кичик ритмик бирлик ҳарф бўлиб, у *сокин*, яъни мустақил ундош ёки чўзиқ унли ва *мутаҳаррик*, яъни ҳаракатли (ундош ва қисқа унли) ҳарфлардан иборат. Уларнинг ўзаро бирикувидан *сабаб, ватад, фосила* деб номланган

рукн (Навоий) ёки *жузв* (Бобур) бўлаклари ҳосил қилинади. Сўнгра 8 та аслий рукнлар юзага келади: фаулун, фоилун, мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту, мутафоилун ва мафоилатун. Бу рукнлар ўзаро бириккан ҳолда А.нинг асосий ўлчов бирлиги – *баҳрлар* вужудга келади. А.тизимида баҳрлар сони 19 та: мутақориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, комил, вофир, хафиф, мужтасс, музориъ, мунсариҳ, муктазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб ва сариъ. Ҳар бир баҳр бир неча вазнни ўз ичига олади. Ўзбек мумтоз шеъриятида юздан ортиқ вазнлар ишлатилган.

А. тизими туркий шеъриятда Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридан, форсий шеъриятда эса, Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодидан бошланган. XX аср бошларига қадар А. асосий шеърий ўлчов сифатида тараққий этган. XX асрда А. б-н бир қаторда *бармоқ, сарбаст* вазнлари истеъмолга киритилган. А. тизимида Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳ.Олимжон, С.Абдулла, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ж.Камол каби шоирлар шеърлар ёзишган.

- *Корш Ф.* Древнейший народный стих турецких племен. Спб, 1909; *Вахид Табризи.* Джам'и мухтасар / Трактат о поэтике. М., 1959; *Бобур.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971; *Тоир У., Саидаои С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.350-5; *Шайх Аҳмад Тарозий.* Фунуну-л-балоға. – Т.: Хазина, 1996; *Фитрат.* Аруз ҳақида (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муал. Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1997; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.149 –150; *Алишер Навоий.* Мезону-л-авзон. МАТ. 13-ж. Т., 2001; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

II. шеър ўлчов тизимидаги мисранинг охирги рукнининг ўрни. Мисрадаги шу рукн шеър қайси баҳр ва вазнда ёзилганлигини билдиради, шоирнинг вазн танлаш маҳорати ҳам шунда кўринади. Бобур "Аруз рисоласи"да "Арузийлар аввалғи мисранинг аввал рукнини садр дерлар ва охирги рукнини аруз, иккинчи мисранинг аввал рукнини – ибтидо, охир рукнини – зарб" деб ёзган.

- *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.13.

~ илми – арузшунослик (тарихий). А.и.ни фан сифатида шакллантирган олим Халил ибн Аҳмад ҳисобланади. Навоий «Мезону-л-авзон» асарида «Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возеъидир» деб таъкидлаб ўтган. «Айн китоби», «Мўъжам фи илму-л-арузи» («Аруз билими қомуси») каби асарларида А.нинг асосини яратган. Бироқ бу асарлар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Халил абн Аҳмаднинг шогирди Сибавайҳ (в. 796) «ал-Китаб» асарида, «Айн китоби»ни эса Лайс ибн Музаффар ва арузга доир ишларини Абул Ҳасан ибн Саъид Ахфаш (в. 830) илмга маълум қилган. IX асрда Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмаий, Али Райҳоний, Қосим Салом, Аҳмад Бахийлий, Абул Умайсал, Ибн Сиккит, Ибн Қутайба, Бухтурий, X асрда Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний, Ибн Саррож каби олимлар шеър илмига доир асарлари таркибида аруз масалаларини ёритган. XI асрда Ҳасан ибн Рашиқ (в. 1070) «Таянч» ва Абу Ҳилол Аскарий (в. 1005) «Китабу-л-

санъатайн» асарларида А.и. давом эттирилган. Араб арузшунослигида илмий тизимга солинмаган бадавий (сахройи) шеърлар қатъий интизом асосида тартибланди. Шеърдаги ритмик бирликлар: ҳижо, рукн ва байт белгиланди. Байтдаги рукнлар сони ва рукндаги ҳижолар сифати асосида арузнинг бахрлари (аввал 11, сўнгра 16) ишлаб чиқилди.

Марказий Осиёлик олимлар Абу Наср Форобий «Китобу-ш-шеър», Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон», Абу Абдуллоҳ Хоразмий «Мафотуҳу-л-улум» («Илмларнинг калитлари»), Абу Али ибн Сино «Маҳорижу-л-ҳуруф Ҳикмати аруз» («Ҳарфлар маҳражлари. Аруз ҳикмати»), Маҳмуд Замахшарий «Қустосу-л-аруз» («Арузий зеҳн тарозуси»), Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» («Илмларнинг калити») асарларида аруз вазни масалаларини ва А.нинг юнон ва ҳинд метрикасига муносабатини кайд этишган. Абу Абдуллоҳ Хоразмий «Мафотуҳу-л-улум» қомусий луғатида А.и.га оид атамалар маъноларини кўрсатган. Аруз тизимидаги истилоҳлар алифбо тарзида изоҳланган. Бу асар яратилажак Маҳмуд Замахшарий, Абу Ҳафс Насафий, Юсуф Саккокийнинг арузга оид рисолалари учун асос бўлган.

• *Абу Райҳон Беруний.* Танл. асарлар. 2-ж. Т.: Фан, 1965; *Алишер Навоий.* Мезону л-авзон. Асарлар. Ўн беш т., т.14. Т.: Фан, 1967; *Талабов Э.* Араб арузи. Т., 1977. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар ш. (Арабчадан тарж., А.Ирисов). Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993; *Фитрат.* Аруз ҳақида (нашр. тайёрл. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997.

~ ***шунослик*** (XX аср) – ад-тшунослигида А. илми шу ном б-н юритилади. Соҳа мутахассислари мумтоз ад-тшуносликда *арузийлар* деб аталса, XX аср бошидан улар арузшунослар дейилган. Шунинг учун ҳам А. номи остида илми А.нинг XX асрдаги тараққиётини кузатиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек А.и фан тарихига XX аср 20-й.ларида ад-тшуносликка оид илк қўлланмалар орқали кириб келди. А.Саъдийнинг “Амалий ҳам назарий ад-т дарслари”, Фитратнинг “Ад-т қоидалари” қўлланмаларида аруз вазнининг хусусиятлари англатилди. Фитратнинг “Аруз ҳақида” рисоласи (1936)да мумтоз аруз хусусиятларини англатиш б-н бирга уни “замонавийлаштириш”га ҳаракат қилинди. Ф. аруз вазнини бармоқ вазни б-н солиштирилиб, бармоқдаги каби туркумланиш усули орқали тушунтирди. Фитратнинг шогирди Иззат Султон Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асарини номзодлик диссертациясида тадқиқ этиб, унинг танқидий матнини яратди ва нашр эттирди. С.Мирзаев “Навоий арузи” мавзуидаги номзодлик диссертацияси (1946)да Навоий асарларида қўлланилган аруз вазни хусусиятларини ўрганди. С.Ҳасанов Бобурнинг “Рисолайи аруз” асарини тадқиқ қилиш б-н бирга уни нашрга тайёрлади (1978), тадқиқоти асосида “Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари” (1981)ни чоп эттирди. XX аср 70–80-йй.да А.Рустамов “Аруз ҳақида суҳбатлар” (1972), У.Тўйчиев “Ўзбек поэзиясида аруз системаси” (1985), А.Ҳожиахмедов “Мактабда аруз вазнини ўрганиш” (1995), “Ўзбек арузи луғати” (1998) китобларини эълон қилди. Бу

асарларда аруз вазнининг мумтоз қоидалари, ҳосила вазнлар, баҳрлар ва доиралар в.б. масалалар ўрганилди. Ўзбек А.и XXI асрда янги номлар хисобига бойиди. М.Олимов “Рисолаи аруз” (2002), А.Аъзамов “Аруз” қўлланмасини эълон қилди. Ўзбек А. тараққий этмоқда.

• *Ғуйчиев У.* Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Т., 1985; *Фитрат.* Аруз ҳақида (нашр.тайёрл. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.13-16; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

~ ***доиралари*** – аруз илмини ўрганишни осонлаштириш мақсадида рукнлар ва улардаги қисқа ва чўзиқ ҳижолар асосида баҳрларни гуруҳлаштириб, доиралар кашф этилган. Ҳар бир доира бир неча баҳрни ўз ичига олади. Доира атрофидаги мисра биринчи сўздан бошлаб ўқилиши натижасида бир баҳр, бошқа сўзлардан бошланиб ўқилиши натижасида эса, бошқа баҳрлар келиб чиқади. Бир доирадаги баҳрлар қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг ўрни б-н фарқланади. Турли олимларнинг тадқиқотларида доиралар сони турлича (Халил ибн Аҳмадда – 4, Навоийда – 7, Бобурда 9 в.ҳ) кўрсатилади.

• *Бобур.* Мухтасар. Т.: Фан, 1972; *Шайх Аҳмад Тарозий.* Фунуну-л-балоға. Т.: Хазина, 1996; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.16-18; 47–52; *Алишер Навоий.* Мезону-л-авзон. МАТ. 13-ж. Т., 2001.

«АРУЗ РИСОЛАСИ» (айрим манбаларда «*АРУЗИ ТУРКИЙ*») – Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) асари. Ҳиндистондаги бобурийлар тарихига оид манбаларда ўзбек ад-тшунослигида “Мухтасар”, “Муфассал” номи б-н юритилган. Али Бахт Азфарий «А.Р.»ни форс тилига ҳам назм, ҳам наср йўли б-н ағдариб, насрий нусхада қуйидагиларни ёзади: «...унинг *«Арузи туркий»* китобидан мунтахаб этиб, форс т.га тарж. қилдим» (Бу асар Мадорас Давлат кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари фондида сақланади. Тарж. 1836 й. Маҳмудали Саид валади Ҳофиз Муҳйиддин Ҳусайн томонидан кўчирилган).

Бобур араб-форс аруз тизимини мукаммал ўрганиш натижасида туркий аруз, яъни турк т. фонетик хусусиятларига мос келадиган аруз илми яратди. Бобур жузвлар сонини қисқартириб, сабаб ва ватадни кифоя деб билган, шоҳфлар сонини 44 га етказган. Мавжуд 19 та баҳр қаторига яна 2 баҳр қўшган, унинг тизимида туркий аруз 21 баҳрдан иборат бўлган. Ҳазаж баҳрининг мақбуз ва рамал баҳрининг мақфуф вазнлари ўртасида ўхшашлик борлигини аниқлаб, улар асосида янги *мужталибаи мухтариъа* номли янги доира тузган. Бобур тизими биринчи бўлиб 537 вазнни ўз ичига олади. Бунинг 289 таси аввалдан мавжуд бўлса, 248 вазн янгидан Бобур томонидан яратиро қилинган. Аруз назариясини туркий тилга мувофиқлиги жиҳатидан ғидошиб, нисбатан кам қўлланилган вазнларга ҳам эътибор қаратган. Ўзи яратган тизимдан келиб чиқиб, *муталаввин* шеърларни фарқлаб кўрсатган, Шайх Аҳмад Тарозий шарҳлаган *мутаттаввал байт* имкониятларини кенгайтирган. Халқ қўшиқларини Алишер Навоий “ҳеч вазн б-н рост

эмас"лигини айтган бўлса, Бобур *ўлан, турки, тархони* каби фолклор жанрларини аруз нуқтаи назаридан ўрганган. Арузий хусусиятидан келиб чикиб, рубоий, туюқ, сажъ ғазалларни таҳлилга тортган. Бобур рисоласида энг кўп, яъни 73 шоир ижодига мурожаат қилинган. Бу жиҳатдан илмий рисола тазкиравий хусусият касб этган.

"А.Р."нинг бир неча қўлёзмалари мавжуд. Е.Блоше каталогида кўрсатилган, Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусха (сақл. № 1308) ҳақида Ф.Кўпрулу хабар берган: "Бобуршоҳнинг шахси ва асарлари эскидан бери назар, диққатни жалб этмакда... 1923 йили Париж Миллий кутубхонасида муаллифи номаълум чиғатой т.даги аруз рисоласи борлигини кўрдим. Турк назм шаклларига оид маълумотларни топиш умиди б-н текшириб чиқсам, у Бобуршоҳга мансуб эканлигини кўрдим, Ҳожи Самарқандий томонидан 940 (мил.1533) ҳижрийда кўчирилган экан". Бу нусха 1968 й. Ҳамид Сулаймон томонидан Тошкентга келтирилган, уни 1971 й. С.Ҳасанов нашрга тайёрлаган, И.В.Стеблева 1972 й. уни факсимиле ҳолида нашр қилдирган. Бу асар 1524-25 й.да ёзилгани тахмин этилади. Техрондаги Салтанат кутубхонасида бошқа бир, Бобур ҳаётлик пайтида (931/1524) кўчирилган нусха мавжуд.

"А.Р." Д.Росс, А.С.Бевериж, А.Н.Самойлович, Ф.Кўпрулу, М.Шайхзода, И.В.Стеблева, С.Ҳасанов, А.Аъзамов в.б. томонидан ўрганилган.

♦ *Бобир*. Мухтасар. Т.: Фан, 1972.

• *Рустамов А.* Аруз ҳақида суҳбатлар. Т.: Фан, 1972; *Тўйчиев У.* Ўзбек поэзиясида арузи системаси. Т., 1985; *Фитрат.* Аруз ҳақида (нашр.тайёрл. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998; *Болтабоев Ҳ.* Рисолаи аруз ва аруз ҳақида / Мумтоз сўз қадри. Т.: Ад-т ва санъат, 2004; Мумтоз шеър тузилиши ва унинг метрик асослари / Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: ЎМЭДИН, 2006.

«АРУЗ ҲАҚИДА» (1936) – Фитрат асари. XX асрнинг 30-йй.да ўтмиш маънавий меросга ҳужум кучайган бир пайтда проф. Фитрат "А.ҳ" деб номланган аруз тарихи ва техникаси, вазн назарияси ва унинг қўлланилиш тарихидан ҳам сабоқ берувчи назарий-методик қўлланмасини яратган. "А.ҳ." қўлланмасида арузнинг вужудга келиш манбалари, тарихий ўсиши, араб, форс ва турк арузининг хос хусусиятлари ва ўзгаришлари таҳлил қилинади. Бармоқ вазни тизимидаги каби содда йўл тутиб, "ҳар бир рукндаги тўлиқ ва қисқа ҳижоларнинг сифати»га асосланиб, унинг ҳар байтдаги миқдорий жиҳатларини ҳам ҳисобга олгани ҳолда улар ўн икки туркумга ажралган. "Байт" ва "мисраъ" истилоҳлари айнан сақлаган ҳолда ҳар бир мисрада бир ёки икки туроқ белгиланган; улар учун ишорат қўйилган ва "ист" исми берилган. Бир мисранинг "ист" б-н бўлинган парчалари "бўлим" деб аталган. Бир мисраъда такрорланган ҳижо тўдаларига "тўплам" (русча истилоҳ б-н айтганда "стопа") исми берилган. Бундан ташқари рус ва жаҳон шеършунослигидаги мавжуд чўзиқ (–) ва қисқа (v) ҳижолар учун жорий қилинган шартли белгилар илк бор аруз вазнига йўналтирилган. Ҳар бир "туркум" ўз шакли (схемаси) б-н кўрсатилиб, шеъриятимиздаги мавжуд баҳрлар ўзига хос "туркум"ларга ажратилади. Фитрат *баҳр ва вазн*

истилоҳларини сақлагани ҳолда мумтоз шеъриятдаги 19 баҳрни анъанавий тартибда эмас, балки тарихийлик тамойилини сақлаган ҳолда аввал араб шеъриятида қўлланган беш баҳр, сўнгра араб ва форс шеъриятида бирдай истеъмолда бўлган ўн баҳр, кейин эса "форс арузийлари" томонидан қўшилган уч баҳрни келтиради. Бу 19 баҳр асосида "олтилик, саккизлик, тўққизлик, ўнбирлик... йигирмаликдан иборат 12 хил вазн (эски арузчиларча айтганда 12 баҳр) чиқаради. Мана шу тариқа "80 га яқин вазн тартибга олинади".

Фитрат, "фаулунчилик, зиҳофотчилик" каби қотиб қолган қоидалардан қутулиш учун аруз вазнини "чирманда усули"га кўчириш тажрибасини қўллаган. Ёш шоирларни аруз б-н таништириш учун арузни қатъий қоидалар рамкасидан чиқариб тушунтиришга ҳаракат қилган. Олимнинг таъкидлашича, мақсад араб ёки форс арузи назариясини тушунтириш эмас, балки ўзбек арузи қоидаларини англатиб, уни амалда қўлланишига ёрдам беришдир.

• *Fitrat R.R.* Aruz haqida. – Taskent: Fanlar komiteti nasriyati, 1936; Қайта нашри: *Фитрат.* Аруз ҳақида (Нашр. тайёрл. ва изоҳлар муалл. Ҳ. Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; *Фитрат.* Аруз ҳақида / Танланган асарлар. 5-ж. *Фитрат.* Аруз ҳақидаТ.: Маънавият, 2010. Б.208-282.

• *Рустамов А.* Аруз ҳақида суҳбатлар. Т.: Фан, 1972; *Тўйчиев У.* Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Т.: Фан, 1985; *Болтабоев Ҳ.* Рисолаи аруз ва аруз ҳақида / Мумтоз сўз қадри. Т.: Ад-т ва санъат, 2004; *Ўша муалл.* Мумтоз шеър тузилиши ва унинг метрик асослари / Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: ЎМЭДИН, 2006. Б.159-171; Олимов М. Рисолаи аруз. Т.: Ёзувчи, 2002.

АРУЗИ ТУРКИЙ – турк арузшунослиги ривожида Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Фурқат, Абдурауф Фитрат каби миллат фидойилари тер тўкдилар. Натижада "Фунуну-л-балога", "Мезону-л-авзон", "Аруз рисоласи", «Аруз ҳақида» каби фундаментал тадқиқотлар юзага келди.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий (XV) ҳақидаги дастлабки маълумот Бобурнинг "Аруз рисоласи" асарида учрайди. Бобуршоҳ баҳри тавилнинг ражазга оид намунаси сифатида Шайх Аҳмад байтини келтирганди. Олимнинг "Фунуну-л-балоға" ("Балоғат илмлари") асарида "Арузи Қистос", "Арузи Андалусий" ва "Меъёру-л-ашъор" каби рисолалар т.га олинади, булар Маҳмуд Замаҳшарий, Ибн Ҳожиб ва Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар бўлиб, Шайх Аҳмад Тарозий ўз асарини яратишда бу рисолаларга маълум маънода таянган. Рукнларни ўрганиш учун 6 усул (усули ситта) тавсия қилади. Шу олти асосни пайдо қилган жузвлар: сабаб, ватад ва фосила келтирилади. Ва олти асосдан ҳосил бўлган саккиз рукн таҳлил қилинади. Буни олим "ажзойи афоийл" деб атайди. Шу б-н бирга баҳр ўзгаришлари, яъни зиҳофлар ҳақида маълумот беради.

Алишер Навоий "Мезону-л-авзон" асарида араб ва форс арузи хусусиятларини тушунтириш б-н бирга туркий аруз асосига қўйиладиган лисоний сифатларни ҳам белгилайди. Навоий асарида биринчи марта

аруздан бошқа вазн (яъни бармоқ вазни) тилга олинади. Навоий аруз назариясига жами тўққизта доирани бирлаштирган «доираи мужтамиа»ни яратган ва уни назарий жиҳатдан асослаб берган.

Бобурнинг «Аруз рисоласи" да тўққиз доирага баҳрлардаги ўзгаришлар рукнлар, яъни зиҳофлар ҳам киритилади. Тавил доирасига кирувчи Ариз ва Амиқ шохобчаларини алоҳида баҳрлар ҳисоблайди. Бобур мавжуд 289 вазн ва уларнинг шаклларини таъриф қилиш б-н бирга умумаруз илмини 248 янги, ўзи ихтиро қилган вазн б-н бойитган. Бобур туркий т.нинг фонетик хусусиятларидан келиб чиқиб арузни асослайди.

Фурқат аруз илмига «Илми ашърнинг қоидаи авзони» номли рисола яратган ва унда ҳар бир вазн учун Навоийнинг "Мезону-л-авзон" асаридан мисоллар келтирган. А.т.нинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида XX асрда қатор тадқиқотлар эълон қилинган.

Фитрат "Аруз ҳақида" (1936) рисоласида аруз ва бармоқ тизимини ўзаро яқинлаштириш мақсадида "чирманда усусли" деб номланган янги методика асосида мураккаб аруз хусусиятларини бир қадар соддалаштириб, жонли шеъриятни аруз вазнига қайтарди. Натижада XX асрнинг Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳ.Олимжон, Ҳабибий, Собир Абдулла, Восит Саъдулла, Э.Воҳидов, А.Орипов, Жамол Камол в.б. шоирлари туркий аруз имкониятларидан келиб чиқиб, унинг турли хил баҳр ва вазнларида шеърият намуналарини яратдилар.

- *Коркыт Ф.* Древнейший народный стих турецких племен. Спб, 1909; *Алишер Навоий.* Мезону-л-авзон (Критик текст) / нашр.тайёрл. И.Султонов. Т., 1949; *Бабур.* Трактат об арузе / вступ. статья и указ. И.В.Стеблевой. М.: Наука, 1972; Мухтасар. Т.: Фан, 1972; *Бобур.* Мухтасар. Т.: Фан, 1972; *Хамраев М.* Очерки теории тюркского стиха. Алматы, 1969; *Джафар А.* Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз. Баку: Маариф, 1977; *Усманов Х.К.* Древние истоки тюркского стиха. Казань, 1984; *Шайх Аҳмад Тароғий.* Фунуну-л-балоға. Т.: Хазина, 1996; *Фитрат.* Аруз ҳақида (Нашр. тайёрл., изоҳлар муал. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997.

«АРУЗИ САЙФИЙ» (1491) – Сайфи Арузий Бухорий асари. Айрим манбаларда "Илму-л-аруз", "Мезону-л-ашъор", "Рисолаи аруз", "Рисолаи Сайфий" деб юритилади. Рисола муқаддимадан ташқари 112 фаслни ўз ичига олган. Аруз қисмида шоир ва шеър таърифи, арузий истилоҳлар луғати, баҳр ва доиралар, вазнлар таснифи келтирилган. Сўнгра ҳазаж (19 навъ), ражаз (8 навъ), рамал (19 навъ), мунсариҳ (6 навъ), музориъ (7 навъ), мувтазаб (2 навъ), мужтасс (6 навъ), сариъ (2 навъ), жадид (1 навъ), қариб (2 навъ), хафиф (5 навъ) баҳрларига ўрин берилган. Рубоий вазнлари тўғрисида алоҳида фасл орттирилган.

"А.С." Х.Блочман томонидан (1867, 1972) Калькутта (Ҳиндистон) ш.да нашр қилинган. "А.С." Алишер Навоийнинг "Мезону-л-авзон", Бобурнинг "Аруз рисоласи"да т.га олинган.

- Арузи Сайфий. Калькутта, 1972 (форс т.да).

- *Валихўжаев Б.* Дар бораи "Рисолаи арузи" Сайфи Бухорои / Масъалаҳои назария ва таърихи ад-ти точику ўзбек. Самарқанд, 1975. С.1-11; *Туйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.96-97.

АРУЗИ ФОРСИЙ – форс т.даги арузшунослик. Мумтоз форс шеърининг тараққиёти ва форс арузийларининг кашфиётлари туфайли ривожланган. Т. хусусиятларига кўра метрик тизимга яқин бўлгани учун Ажам халқлари орасида дастлаб арузни форслар қабул қилдилар. Форс арузининг тизимли ҳолга келишида Шамсиддин Қайс Розийнинг "Ал-Мўъжам фи маъойир ашъору-л-Ажам" («Ажам шеърлари меъёрлари жамлангани»), Носириддин Тусийнинг "Меъёру-л-ашъор" ("Шеърлар меъёри"), Шамс Фахрийнинг "Меъёру-л-нусрати" ва "Меъёру-л-жамоли", Воҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар", Юсуф Азизийнинг "Аруз", Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолайи аруз" ва Сайфий Бухорийнинг "Арузи Сайфий" сингари асарлари аҳамиятли. Шамси Қайс Розийнинг "Ал-Мўъжам..." асарида арузнинг луғавий ва истилоҳий маъноси тушунтирилган, рукнлар ва А.даги фаол истилоҳларга шарҳлар берилган. Рукнлар таркибидан ҳосил бўлган жузвлар ва вазнлар, жузвларнинг афоийл рукни тармокларининг ўзгариши, аруз доиралари вазифалари ҳамда тақтиъ қоидалари, баҳр жузвларини бир-биридан фарқлашда амал қилинадиган қонуниятлар ўрганилган. XX асрда форс-тожик арузшунослиги шаклида давом этди.

Фан тараққиётида Б.Сирус "Арузи точики", 1963), М.Шарифов, Н.Мирзаҳўжаев каби тожик олимларининг тадқиқот ва мақолалари, Ш.Шомуҳамедов, Г.Туйчиева сингари ўзбек олимлари ўз улушларини қўшдилар.

- *Шамси Қайси Розий.* Ал-Мўъжам... / муалл. Сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандагони чоп У.Тоиров. Душанбе: Адиб, 1991; *Сирус Б.* Арузи точики. Таҳқиқи интиҳоди. Душанбе: Нашр. Давлатии Точикистон, 1963; *Шомуҳамедов Ш.* Форс-тожик арузи. Т., 1970; *Мирзахочаев Н.* Илми аруз ва баъзи масъалаҳои назарияи он / Масъалаҳои назария ва таърихи ад-ти точику ўзбек. Нов. сер. № 262. Самарканд, 1975; *Шарифов М.* Шамс-и Кайс-и Рази и его лит-но-критические взгляды. АКД. Душанбе, 1985; *Туйчиева Г.* Аруз в контексте газелей Амир Хосрава Дехлави. Т., 2005.

«АРУЗИ ЮСУФИЙ» (XV) – аруз назариясига бағишланган форс т.даги рисола. Ҳиротлик шоир ва олим Юсуф Азизий асари. Рисола чукур ўрганилмаган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Россия ФА Шарқшунослик инс-ти Санкт-Петербург филиали кутубхонасида (2931 рақами б-н) сақланади.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.53; *Туйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.95-96.

«АРУЗИ ҲУМОЮН» (XV) – арузшуносликка оид Абдуқаҳҳор Самарқандий асари. А.С. "Арузи Ҳумоюн" рисоласини "Мезону-л-авзон" деб атаган (Навийга тақлидан). Бироқ Эрон олими Муҳаммад Ҳасан Адиб Ҳиравий рисолани "Арузи Ҳумоюн" номи б-н (1959) чоп этгандан сўнг арузшуносликда бу асар ушбу ном б-н сақланган. Рисола 2 бобдан иборат. Дастлабки бобла аруз илми ва унинг истилоҳлари шарҳланада. Иккинчи

бобда аруз қонун-қоидаларига оид фикрлари ифола қилинади. Муаллиф кўпроқ Шамс Қайс Розий ва Носируддин Тусий асарлариган таянган.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.53.

АРХАИЗМ (юнонча: archaios – қад.) [лингвопоэтика] – фаол қўлланилишдан чиққан сўз, ибора ёки грамматик конструкция. А. термини бугунги ҳаётда истеъмолдан чиққан предмет ёки нарсаларга нисбатан ишлатилади. Бадиий ад-тда тарихий давр руҳини бериш учун мақсадида қўлланилади. А. турлари: лексик (аркон, тўксоба), фонетик (эрса, бирлан, эмди), морфологик (билур. турур, бўлғай), фразеологик, семантик в.б. А. рус ад-тида А.С.Пушкин "Борис Годунов", А.Н.Толстой "Улуғ Пётр" асарларида, ўзбек ад-тида Ойбекнинг "Навоий", О.Ёкубовнинг "Улуғбек хазинаси", П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романлари в.б. тарихий асарларда истифода этилган. А. замонавий насрда нисбатан кам қўлланилади.

- *Будагов Р.А.* Введение в науку о языке. М., 1958; *Реформатский А.А. Введение в языкознание М., 1967;* Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С.32. Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.44-45, 337, 524; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. С.16; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.45.

АРХАИКА (юнонча: archaios – қад.) [адабий жараён] – тарихий тараққиётнинг бошланғич даври. А. термини, асосан, санъатшуносликда юнон тасвирий санъатининг м.а. VII–VI асрларига нисбатан қўлланилган. Бу давр санъатида меъёрлар яратилиб, санъат асарлари мана шу ўлчовлар асосида яратилгани учун А. терминининг шаклланишига сабаб бўлган. Кейинчалик санъатнинг бошқа турлари (мас., бадиий ад-т)га нисбатан ҳам айни мана шу даврга тааллукли манбаларига нисбатан бу истилоҳ ишлатилган.

- Искусство стран и народов мира / Энц-я, т.1. М., 1962. С.553-60; Всеобщая история искусств, т.1. М., 1956. С. 161-80.

АРХАНГЕЛЛАР (юнонча: эзгу руҳ, бош фариштa) [мифология] – насроний мифологиясига кўра фариштилар икки турли бўлиб, уларнинг олийлари А. деб юритилади. Самовий иерархияда учинчи навбатда (Михаил ва Гавриилдан кейин) т.га олинади. А. сўзи дастлаб юнон т.дан диний асарларда, сўнгра Янги Аҳд китобида учрайди. Михаил, Гавриил, Рафаэл в.б А. кўрсатилади.

АРХАТ (санстритча: *муносиб*) [мифология] – буддавийлик мифологияси роҳибларидан бири, ўз ахлоқий сифатлари, одамларга яхшиликлар қилиши б-н мукаддас одам (худди Ҳизр а.с.) тимсоли. Хинаяна таълимотига кўра А. ўзини поклаш, ёвузлик руҳдан халос бўлиш б-н машғул бўлади. Мифологияга кўра, А. даражасига Будда ва унинг авлодларигина етишган.

Махаяна таълимотига кўра, А. даражасига етишганлар яна ҳам ўзини поклашда давом этиб, тасаввуф таълимотидаги хослар ва сиддиқлар каби *бодхисатва* (илоҳий одам) даражасига эришишлари мумкин. А. буддавий адтларда Будданинг сифатларидан.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.110; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.14; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.35.

АРХЕЛАЙ (м.а. 413–399) [мифология] – Македония ҳукмдори; юнон мифларига кўра Геракл авлодидан Темен ўғли. А.ни акалари Аргосдан ҳайдагандан кейин Македонияга келиб уни душманлардан ҳимоя қилган. Эга ш.нинг асосчиси, Искандар Мақдунли аждодларидан.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.110; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.362.

АРХЕОГРАФИЯ (юнонча: archaios – қад., grapho – ёзаман) [риторика, генетик танқид] – тарихий ёзма манбаларни нашр қилиш назарияси ва амалиёти б-н шуғулланувчи фан. Қўлёзма манбаларни қайта ишлаш ва тиклаш усуллари, уларни таъмирлаб нашрга тайёрлаш ҳам А. вазифасига киради. Тарихий ҳужжатларни нашрга тайёрлаш назарияси ва тарихи А.нинг бевосита вазифасидир. Қад. матнларни ўқиш, матн тарихи ва ёзилиш ўрни ва усулини аниқлаш ҳам А. вазифасига киради. А. архившуносликка доир ўрдамчи фанлардан бири бўлиб, ад-тшунослик, манбашунослик, матншунослик б-н мустаҳкам боғланган. Баъзан *палеография*га яқин деб қаралади.

• Методическое пособие по археографии. М., 1958; Археографический ежегодник. М., 1958; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.32.

АРХЕОЛОГИЯ (юнонча: archáios – қадимги) – ўтган даврлар тарихи маъносида юнон тарихшунослигида қўлланилган. Ҳоз. кунда *қадимшунослик* фани.

"БИЛИМ ~ си" – ўз ўзини таҳлил қилиш, ўрганиш орқали амалга ошириладиган ноанъанавий билиш услуби. XX аср 60-й.нинг сўнгида файласуф Фуко томонидан "Билим археологияси" асарида асосланган. Б.а. "таъсир, тараққиёт", "муаллиф", асар", "фан, адабиёт, тарих" каби анъанавий тушунчаларга танқидий муносабатдан бошланган. Бу ўринда нутқ шакли, ифода тарзи эмас, балки белгиларнинг мантиқий мавжудлиги орқали тарихий материал ўрганилади. Фуко таълимотига кўра, илм-фан ўзигача мавжуд бўлган билим тарихи, ҳиссий ўрганиш асосига қурилади.

• *Фуко М.* Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. М., 1977; *Автономова Н.С.* Археология знания / Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.27-28.

МАТН ~ си [матншунослик, генетик танқид] – матн вужудга келиш (ёзилиш) тарихини ва уни қайта тиклашни ўрганувчи соҳа. М.а. *билим археологияси* б-н чамбарчас боғлик.

- *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.28.

АРХЕТИП (юнонча: arche – бошланғич, tupos – намуна) [матншунослик, поэтика, риторика] – I. бадиий асар ҳақидаги муаллиф яратган бошланғич тасаввур, универсал тимсол. Ижодий тафаккурга хос бўлган колиплар, схематик фикрлаш тарзи ва ибтидоий мотивлар. А. дастлаб Афлотун томонидан қўлланилган бўлиб, "эйдос" талқини орқали англатилган. Швейцариялик олим К.Г.Юнг уни адабий истилоҳ сифатида ад-тшуносликка олиб кирган. Канадалик олим Нортроп Фрай Юнг таълимотини ривожлантириб, "Адабий танқид анатомияси" китоби (1957)да мифологик мактабга асос солган ва ад-т, фольклор ва мифларни бир тизимда таҳлил қилишга эътибор қаратган. Натижада А. муал. ва китобхон ўртасидаги коммуникатив моделга айланган. Юнгнинг психологик назариясига қадар антрополог Фрезер "Олтин шохча" китоби (1890-1915)да миф ва расм-одатларни тўплаб, уларнинг умумий намуналарини яратган эди.

А. "инсон шахси сирини очиш"га қаратилган. Киши индивтдуал психикасидаги инстинктив шакллардан бири бўлиб, онгга образ, тасвир ва фантазия бўлиб кириб келади. Юнгнинг ёзишича, тафаккурдан воз кечиб, А. орқали тушунтириш мумкин бўлган ҳодисадир. Юнг бир қатор А. ларни аниқлаб, уларга конкрет номлар берган: *анима* (эркак киши онгидаги аёллар ҳақидаги бошланғич тасаввур) ва *анимус* (аёллар психикасидаги эркакнинг тасвири). А. психиканинг онгсиз қисми, соя бўлиб, шахснинг қоронғу ва сирли жиҳатларининг рамзидир. А. индивиднинг бошланғич сояси бўлиб, ташқи ҳаёт таъсирида ўзини белгилаш тамойилига айланади. Шу каби бола, она, чол ёки кекса А. бор. А. матншуносликда бирламчи манбаларнинг вужудга келиш шаклларини аниқлашда ёрдам беради. А. аввал мифларда, сўнгра ад-тда такрорланади. Мавзу, образ, характер, мотив, сюжет ва персонаж кабилар жамоа тасаввурида ўтмиш тажрибаси асосида такрорланади, анъанавий шаклларни қатъийлаштиради. Унинг хусусиятлари: аниқ материалга нисбатан идеал характерга эга (1), типологик такрорийлик (2), шаклнинг илк "табиатдан аввалги тасаввури" (3), алоҳида бир асардагина мавжуд ҳолат эмас (4).

Инсон психикасидан ўрин олган А.лар руҳий фаолиятнинг турли кўринишларида намоён бўлади, лекин кўпинча, у миф ва урф-одатларда (маросимларда) акс этади. Турли халқларнинг мифларида турлича ҳолатда намоён бўлиши мумкин. Мас., космогоник (дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги), антропогоник (инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги), теогоник (маъбудларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги), календар ёки мавсумий (йил фаслларининг алмашинишига доир) ва эсхатологик (дунёнинг тугаши ҳақидаги) мифлардаги А. бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бундай фарқлардан қатъи назар, уларнинг яратувчиси, дунёнинг курувчиси

сифатида намоён бўлади. Юнон мифологиясида бундай маданий қаҳрамон сифатида Прометейни кўрсатиш ва уни А.ик образ сифатида қабул қилиш мумкин. А. ва мифларни ўрганишда бир қатор истилоҳларга дуч келамиз: мифологема (архетипга яқин маънодаги мифик тушунча), А.ик (ёки архаик) модел, А.ик жиҳат, А.ик формула, А.ик мотив каби. Буларнинг ҳар бири таҳлил жараёнида А. бирликларни аниқлаб олишга тўғри келади. Мас., А.Н.Веселовскийнинг талқинича, мотив бошланғич баён бирлиги сифатида қабул қилинган. Ад-т ва санъатнинг барча турларида архаик мотивлар шунга олиб келадики, А. бу ҳолларнинг барчасида тадқиқот қуроли сифатида хизмат қилиши мумкин. А. га бундай ёндашув В. ва Я.Гримлар, В.Буслаев, А.Афанасьев каби мифологик мактаб намояндалари ишларида кўзга ташланади. А. инглиз олими М.Абрамс фикрича, бадиий асар модели, баён типидир. С.Аверинцев талқинига кўра, муал. ва китобхон ўртасидаги коммуникатив модел, феноменологик структура (ички бўш таркиб) бўлиб, у ўқувчи томонидан тўлдирилиши керак. Ж.Куддон А.ни такрорланувчи мавзу, образ ва характерлар тарзида тушунтиради.

Замонавий романларга ёндашувда ҳам А.ни ўрганиш ёрдам бериши мумкин. Мас., Ж.Жойс, Т.Манн, Ф.Кафка асарлари таҳлилига А.ик ёндашув зарур. Ж.Жойснинг "Улисс" романидаги Блум, Томас Маннинг "Сеҳрли тоғ" романидаги Ганс Касторп А.ик таҳлилга "муҳтож" қаҳрамонлардир. Проф. Ю.Лотман А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь ижодидан А.ларнинг турли шакллари трансформациясини келтиради. Замонавий асарлардаги архаик ва мифологик мотивлар таҳлилида Г.Маркеснинг "Танҳоликнинг юз йили", "Бузрукнинг кузи", Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун", "Қиёмат", "Кассандра тамғаси", "Тоғлар қулаганда (Абадий қайлик)" А.дан фойдаланиш мумкин.

А. тушунчаси бадиий асарнинг структурасида тадқиқот унсури сифатида иштирок этади. У замонлар ва инсонни боғловчи ҳодиса сифатида, ўтмиш хотирасини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

II. матн оригинали ёки *оттиски.*

- *Ходанен Л.А.* Поэтика Лермонтова. Аспекты мифопоэтики. Кемерово, 1985; *Лотман Ю.М.* В школе поэтического слова. Пушкин. Лермонтов, Гоголь. М., 1988; *Веселовский А.Н.* Три главы из исторической поэтики / Историческая поэтика. М., 1989; *Гениева Е.Ю.* Комментарии (к роману Ж.Жойса «Улисс» // Иностранная лит-ра. 1989. №1-12; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.28; *Юнг К.Г.* Архетип и символ. М., 1991; *Cuddon, J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Abrams M.A.* Glossary of Literary Terms. New York-London, 1994; *Юнг К.Г.* Воспоминания. Сновидения. Размышления. Киев, 1994; *Мелетинский Е.М.* О литературных архетипах. М., 1994; *Топоров В.Н.* Миф. Ритуал. Символ. Образ. Исследования в области мифопоэтического. Избр. М., 1995; *Мелетинский Е.М.* О лит-ных архетипах. М., 1994; Архетип. Культурологический альманах. Шадринск, 1996; *Хендерсон Ж.Л., Якоби И., Яффе А.* Человек и его символы. М., 1997; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.20,30-36,397; *Эсалнек А.Я.* Архетип / Введение в лит-ведение. Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.30-37; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.45-47; Теория лит-ры. В 2 т-х / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA, 2004. С.41-43; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм,

модернизм, постмодернизм. Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.38-41; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.24 *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.31-32.

АРХЕТИПИК РИВОЖЛАНИШ (юнонча: arche – бошланғич, tupos – намуна) [герменевтика, адабий жараён] – санъатнинг секин-аста илк манбаларига асосланган ҳолда тараққий этиши. А.р. санъат асари қад намуналарни ўзига асос қилиб олган ҳолда анъанавий ривож йўлига эгалик қилишидир. А.р. янги концептуал муаммоларни тавсия этишга, аввалда кузатилмаган марказларни топишга қаратилган.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.109 (эл.версия).

АРХИВ (юнонча: archeion – қатнашиладиган жой, лотинча: archivum – муассаса) – махсус муассаса ёки бирор ташкилотнинг ўтмиш ҳужжатлари, ижро материаллари, қўлёзма ва босма нашрлар сақланадиган ва илмий тизимга солинадиган қисми. А. илмий-тадқиқотлар учун манбалар маркази, амалиёт учун ўтмиш ҳужжатлари б-н танишиш ўрнидир. Ҳар бир давлат, ш ёки маъмурий ҳудуд ўз А.га эга бўлган. Марк. Осиё давлатларида кадимдан А. мавжуд бўлган. Айниқса, сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар давлатларида А. сақлаш тамойилга кирган. Кейинчалик Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида сарой архив-кутубхоналари мавжуд бўлган. Мас Ибн Сино сомонийлар А. ва кутубхонасидаги манбаларнинг тўла рўйхатини ёзиб чиққан.

Ўз-нда Марказий Давлат архиви, Марказий Тарих архиви, Киносурат-овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви каби А.лар мавжуд. А. иши Ўзб Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан белгиланади. А.лар учун мутахассис ходимлар ЎзМУ Тарих факультети ва Тошкент маданият инс-тида тайёрланади.

АДАБИЁТ ~и – Ўзб-ндаги адабий-илмий муассасалар Ёзувчилар уюшмаси, ЎзРФА Тил ва ад-т инс-ти, Давлат ад-т музейи в.б. муассасалар қошида А бўлими мавжуд. Ад-т музейида Л.Азиззода, М.Шайхзода в.б. ижодкорлар архивлари сақланади. Тил ва ад-т инс-тининг Фольклор А. халқ оғзаки ижоди материалларига бой. Ўзб-н Миллий ун-тида проф. Ғулом Каримов А (фонди) жойлашган. Ғафур Ғулом, Ойбек, С.Айний в.б. адиблар А. уларнинг уй-музейларидан ўрин олган.

АРХИВШУНОСЛИК – архив фондларида сақланадиган ҳужжат ва материалларни тартибга солиш б-н шуғулланувчи соҳа. Археография айрим ҳужжатлар ва асарлар тарихи ва талқини б-н шуғулланса, А. мамлакат архив фондларидаги материалларни комплекс ўрганиш б-н машғул бўлади. Архив сақловчиси А.арус деб юритилади.

АРХИЛОХ (м.а. VII асрнинг 2- ярми) – қад. юнон шоири. А. шеърлари парча ҳолида ёки айрим адиблар қайта ишлаган вариантларида сақланган. А

лирик шеърлар муал.и бўлгани манбаларда қайд этилган, унинг шеърлари кўпинча ҳолида куйланган. Юнонистонда А. ёдгорлигида унинг қисқа таржимайи ҳоли ва шеърларидан намуналар ёзиб қўйилган.

♦ *Архилох.* Стихи в отрывках / В.Вересаев. Поли. собр. соч., т.10. М., 1929. С.131-57.

• *Тронский И.М.* История античной лит-ры. Л., 1957.

АРХИМЕД (~м.а. 287–212) – қад. юнон олими, математиги. Сицилиянинг Сиракуз ш.да туғилган. Отаси Фидий астроном бўлган. Шу ш.ни римликлар хужумидан мудофаа қилишда ҳалок бўлган. Тарихчилар уни 75 йил умр кўрганини ёзишади, шундан унинг таваллуд санасини белгилашган. У Мисрда Искандарияда ўқиган, шунинг учун кўпгина асарлари Искандария олимларига қарата ёзилган мактублар тарзида етиб келган. Унинг дастлабки асарлари "Параболанинг квадратура (майдон)си", "Шар ва цилиндр хусусида", "Спираллар ҳақида" в.б. геометрик масалалар ечимига бағишланган. Бошқа туркум асарлари табиёт (физика) ҳақида бўлиб, улар: "Ясси жисмларнинг тенглиги", "Механик теоремалар ҳақида Эратосфенга мактуб" в.б. А.ҳақида Плутарх асарларида кузатишлар баён қилинган. А. физик олим сифатида физик масалаларни математик йўллар б-н ечишни ихтиро қилган, Арастунинг "Табиат" асарига шарҳлар ёзган.

Асосий кашфиёти, таянч нуқтаси ҳисобланиб, бу кашфиётини механикага татбиқ қилган. "Агар таянч нуқтасини топиб берсангиз, ер шарини тўнтариб бераман" деган машҳур ҳикматли сўз А. га тегишли. Соплиштирма огирликни ўлчаш усулини ҳам А. яратган. Оптика соҳасида ажсонавий "ёндирувчи ойналари" мана шу соҳасининг бемисл тараққиётига хизмат қилган. А. муҳандис сифатида ричаг, тош отиш қуроли, кўтарма кранлар ва сувни юқорига элтувчи насоснинг кашфиётчисидир. Астроном сифатида Қуёш тизимидаги бир неча сайёранинг хусусиятларини аниқлаган. У яратган "Ипполит рақамлари" системасига кўра, Ердан ҳар қандай сайёрагача бўлган масофани аниқлаш мумкин (π рақами ёрдамида). Осмон глобусини яратган олим ҳам А. дир.

Шарқнинг буюк алломалари Беруний ва Умар Хайём А. асарларига шарҳлар ёзишган. Ғарбда "А. мактаби" шартли атамасининг давомчилари сифатида Жовани Баттиста Бенедетти (1530-1590), Симон Стевин (1548-1620), Галилей ва Ньютон ҳисобланади.

♦ *Архимед.* Сочинения. М., 1962.

• *Лурье С.Я.* Архимед. М., 1945; *Веселовский И.Н.* Архимед. М., 1957; *Житомирский О.В.* Архимед. Люди науки. М., 1981.

АРХИПЕЛАГ (италянча: arcipelago тўда, йиғинди) [герменевтика] – ороллар йиғиндиси. А. таркибига кирувчи ороллар одатда геологик тузилиши жиҳатидан бир-бирига яқин ва келиб чиқиши нуқтаи назаридан бир даврга оид бўлади. Дастлаб Эгей денгизидаги оролларга нисбатан XIII асрда венецияликлар томонидан қўлланилган. А. пайдо бўлишига кўра турлари: материк, маржон ва вулкон А.лари. Рус адиби *А.Солженицин* томонидан А.

сўзи ГУЛАГ (Турма ва зоналар бош бошқармаси)га тегишли муассасаларга нисбатан қўлланилган. "А.ГУЛАГ" романида сталинизм қатағони туфайли ноҳақ қамалган зиёлилар ҳаёти акс этган.

АРХИТЕКТОНИКА (юнонча: architektonike – қурилиш санъати) [поэтика] – бадиий асар қурилишидаги қонуният. А. бад. асар таркибининг муайян қисми сифатида қаралади. Меъморчиликда бирор асарнинг асосий ва иккинчи даражали қисмларининг ўзаро мутаносиблиги. Бад. асар таркибидаги асосий категориялар қурилмаси А. термини б-н юритилади. Мас., бад. асар қурилишидаги қонуниятлар *композиция* деб юритилса, А. унинг асосини ташкил қиладиган вокеа ва ҳодисалар бирикувидан ҳосил бўлади. А. йирик насрий асарларнинг қисм, бўлим, боб, фасл каби бўлимларида акс этади. Драматургик асарда эса парда, акт, кўриниш, сахна в.б. А. атамаси ўрнида П.А.Флоренский *конструкция* атамасини ишлатган.

- *Вальцель О.* Архитектоника драм Шекспира / Проблемы литературной формы. Л., 1928; *Бахтин М.М.* Вопросы литературы и эстетики.М., 1975; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.47.

~ик шакллар – қатъий ўз жанрига эга бўлган шакллар. Адабиёт назариясига кўра, адабий жанрлар икки турли А.ик ва композицион жанрлардан иборат бўлиб, қатъий жанрлар: ғазал, танка, хокку, притча (ривоят), новелла ва маслдан иборат. *Композицион шакллар* эса рондо, триолета, сонет в.б.ташкил қилади.

- Теория лит-ры. В 2-х т., т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.193-194.

АРХИТЕКТУРА (юнонча: architekton – қурувчи) [эстетика, меъморчилик] – меъморчилик, бино ва иншоотлар тизими ва уларни яратиш санъати. А. гўзаллик қонуниятлари асосида инсон эҳтиёжини қондирувчи бино ва иншоотлар қуриш санъати. А. мажмуавийлик касб этади. А. бад. образ сифатида маънавий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. А. функционал, конструктив, рамзий ва эстетик хусусият касб этади. А. асарлари яхлит, ўзаро уйғун қурилган ва эстетик маъно ташишга хизмат қилади. А.нинг ўз тили ва белгилар назарияси бор. Бадиий ад-тда ҳам бу белгилар рамзий шаклда қўлланилади. Мас., куб – ғоянинг идеал ифодаланиши, мувозанат ва мустаҳкамлик рамзи; цилиндр – ҳар қандай ракурсда тенглилик, абадийлик рамзи; параллипипед (вертикал ҳолда) – осмонга, юксакликка интилиш рамзи в.б. Бу каби рамзлар замонавий шеъриятда ва постмодернизмда фаол қўлланилган. Рус шеъриятида А.Вознесенский, ўзбек шоирлари Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад шеърларида А. рамзларидан фойдаланилган. Яна қ. меъморлик.

1.4.Архитектура

Инсон меҳнат қуролларини ясашни ўрганганидан кейин уя ёки ин унинг учун ошиён бўлмай қолди ва бу мақсадга мувофиқ ҳолда қурилиш янаш жойига айланди ва аста-секин эстетик кўринишга эга бўла бошлади. Қурилиш архитектурага айланди.

Архитектура — инсоннинг турар жойга ва жамоатчилик бинолариға бўлган эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган бинолар ва иншоотларни бунёд этишда гўзаллик қонунлари бўйича шакллантиришдир.

Архитектура ёпиқ утилитар, лекин бадиий ўзлаштирилган дунёни яратади, бу дунё табиатдан четланган бўлиб, табиий муҳитга, офатларга қарши туради ва одамларга уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига қараб шу шаклда фойдаланиш имконини беради. Архитектуравий образ иншоот вазифасидан ажралмасдир ва уни бажарадиган функциясини уйғунликда табиий ифодалайди. Шунингдек, дунё ва шахснинг бадиий концепцисига инсоннинг ўзи ҳақидаги ва ўз даври ҳақидаги тасаввурини аниқ акс эттиради.

Архитектура санъатдир. Назарий жиҳатдан буни исботлаш мумкин, бунинг учун эса архитектура манбаларини ва уларни ташкил қилувчи риторик фигураларни таҳлил қилиб аниқлаш мумкин. Архитектурада асар мажозлар (риторик фигуралар) ёрдамида услубий белгиланган бўлсагина бадиийлик кашф этади.

Риторик фигуралар матнни шакллантиради ва меъёрдан четланган ҳолда меъмор тилидан оғишган ҳолда ёзувнинг "нуллик" даражаси билан ўзгарадиган йўли орқали матнга бадиийлик бахш этади. Архитектуранинг "нуллик" даражаси фикран тасаввур қилинган соф функционал конструкция бўлиб (архитектуранинг ички тили), устувор эҳтиёжларни қондиришга қодирдир ва бадиий қимматга (услубий белгиланмаган) эга эмасдир. Мазкур устувор конструкциядан оғиш риторик фигуралар ёрдамида содир бўлади. Ушбу маънода мумтоз санъатнинг ордерлик тизимига риторик фигураларнинг тизими деб қараш мумкин. Бундай ёндашув архитектурага илмий тус беради ва олдидаги билиб бўлмас тарзда ривожланаётган архитектурада инсоният бадиий маданиятининг муҳим қисмини кўриш имконини беради.

Айрим назариётчилар (Чернишевский, Буров) архитектурани санъат деб ҳисоблашмайди. Шогирдим Бойжон Баликбоевнинг диссертациясида исбот қилинганки, архитектуранинг санъатга алоқадорлиги шунда намоён бўладики, меъморчилик санъати "нуллик" даражасига оғишдир. Архитектурага метафорани мисол келтирайлик.

"Рус борокко"си рус давлатининг бирлигини, миллий ҳаёт кўтарилишини тасдиқлайди (масалан, қишки сарой, Царское Селодаги мажмуалар — Растрелли асарлар) 18-19 асрда рус классицизмининг тамойиллари ишлаб чиқилади: Архитектура образнинг аниқлиги ва ифодалиги, оддий конструктив ва бадиий воситалар XIX асрда эклектизми барқарор топади.

XX асрда биноларнинг янги турлари пайдо бўлади: саноат, транспорт, маъмурий, кўп қаватли ва турар жой массивлари. Уларнинг қурилиши янги усулларда янги материаллардан фойдаланган ҳолда ва заводда тайёрланган замонавий элементларни ишлатиш билан олиб борилади. Бу эстетик тамойилларни ўзгартиради ва архитектурада янги ифодали воситаларни очиб беради (масалан, шаҳарсозликда, оммавий қурилишларнинг бадиий ифодаси муаммоси пайдо бўлади).

Совет архитектурасига ортиқча безакдорлик архитектура ривожига тўсиқ эди. Ундан воз кечиш қурилишларни арзонлаштиради, кўламини кенгайтиради ва суратларини кучайтиради, шунингдек, меъморларнинг ижодий фикрини замон руҳига мос содда, ифодали, соф архитектуравий ечимларни излаб топишга йўналтиради. Бу ўринда Москвадаги кино фахрийлари уйини, Янги Арбатдаги бинолар мажмуасини намуна қилиш мумкин.

Маконий фикрлаш риторикаси, архиетектура кўламлари (конфигурациянинг семантик мазмун билан сингдирилиши) орқали ифодаланади:

куб — ўзгармаслик ғоясини, мувозанат, мустаҳкамликнинг идеал тарзда акс эттирилишидир;

вертикал турувчи параллепипет — самога интилиш образидир:

Ушбу манзараларни унутиб бўлмас,
Улар мисоли метиндир.
Ва осмонўпар бинолар тобутлар каби,
Оёққа қалқиб тургандир.

П — шаклидаги композициялар маконга кириш ва ундан чиқиш образидир;

цилиндр — ротонда —барча ракурсларда бир хил бўлганлик шаклидир;

мифологик рамздир, маъбудлар тимсолидир инсонни илоҳга ўхшатишдир, сегмент — маконнинг бўлинувчанлик образидир,

ярим айлана — осмон образи бўлиб, кўпинча, пантеонларда, планетарийларда қўлланилади;

ордер — бинонинг амалий табиатини беркитувчи восита бўлиб, — конструкцияда мавжуд кучларнинг ишини бадиий тусда намоён қилишга ёрдам берадиган воситадир. “Нуллик” даражасидаги (устун—тиргак—чорчўп) оғишган ҳолда (турли йўналишларда) турли хил ордерлардан, колонналардан —доринфча, ионик, коренфча колонналардан пайдо бўлади.

Архтитектуранинг дунёнинг салномаси деб атайдилар ва қўшиқлар ҳамда ривоятлар тилганда у сўзга киради, халқнинг ўтмишга сингиган тарихи тўғрисида еч нарса эсга солмайдиган пайтда тилга киради. “Тошга битилган китоб”нинг саҳифаларида инсоният тарихининг даври-давронлари мухрлангандир.

Трубецкой Е. Умозрение в красках. М., 1916; Очерки теории архитектурной композиции. Сб. М., 1960; *Райт Ф.Л.* Будущее архитектуры / Пер с англ. М., 1960; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.49.

АРХОНТ (юнонча: archon – бошлиқ) [мифология] – қад. юнон ш.ларида юқори мансабдор шахс. Бу мансаб Афинада м.а. XI асрда пайдо бўлган. Дастлаб умрбод А.лик мансаби берилган, кейин 10 йилга, 683 й.дан бошлаб бир й.га бу лавозим берилган. Сўнгра А. эпоним, басилей, полемарх, фесмофет вазифаларига асос бўлган. М.а. V асрдан бу вазифа бекор бўлиб, фахрийларга бериладиган унвонга айланган.

Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.111.

~ театри –

АРФАЪ – форс шоири. Эроннинг Табриз ш.да туғилган. *Ғаммози Табризий* номи б-н шуҳрат қозонган. П.Қайюмовнинг "Тазкирату-ш-шуаро"сида ушбу байти келтирилган:

Қатъи назар зи соқийу соғар намекуний,
Шарм аз Худоу соқийи кавсар намекуний.

Тарж.си: Соқию соғардан назар узма,
Худодан, кавсар соқийсидан шарм қилмасанг.

• *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.9.

АРУРУ (аккад) [мифология] – шумер-аккад мифологиясида она-маъбуда. Мифларда айтилишича, барча одамлар мана шу она-маъбудадан тарқалган. А. ҳосилдорлик маъбуди ҳамдир.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

АРШ (арабча: тахт) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф назариясига кўра, илоҳ қарор топадиган макон. Фалаклар фалаги, нафси кулл ҳам А. дейилади.

Наълини гар тожи шараф қилди <u>арш</u>,
Қилди Али наълига эгнини фарш.
*(*Алишер Навоий, "Ҳайрату-л-аброр", *3б)*

Ел киби чун қатъи буруж айлабон,
<u>Арш</u> фасилига уруж айлабон.

Фарши бўлуб <u>арш</u> ила лавҳу қалам,
Қуймоқ учун рахши аларга қадам.
*(*Алишер Навоий, "Ҳайрату-л-аброр", *38)*

~и аъло – буюк тахт. Ислом ақидасига кўра, А.а. ер, осмон ва еростидан ҳам кўра катта мавжудот бўлиб, барча яралмишлр ичида у энг каттасидир. А.

в.б. мавжудотларни яратишдан мақсад Ўзининг тенгсиз қудрати ва имкониятини намоён этишдир.

~и муалло – илоҳий исмларга боғланиш қарори маҳали.

Ёки булар барчаси таъвил эрур,
Арши муалло аро қандил эрур.

(Алишер Навоий, "Ҳайрату-л-аброр", 7)

Солик ани арши муалло деди,
Сўфи ани олами кубро деди.

(Алишер Навоий, "Ҳайрату-л-аброр", 63)

- *Алишер Навоий.* МАТ. 7-ж. Т.: Фан, 1991.

АРШАД САМАРҚАНДИЙ (XVII) – шоир ва адиб. Асл исми: Муҳаммад Амин. Самарқанд атрофидаги Шероз мавзеидан, отаси зарроблик (танга зарб қилиш) б-н шуғулланган. Малиҳо Самарқандий "Музакиру-л-аҳбоб" ("Суҳбатдошлар зикри") тазкирасида маълумот беришича, улар кўришганда А.С. 25 ёшда экан. Ғазаллар, рубоийлар ёзган, мушкула муаммолар ёзишга уста бўлган. Малиҳо А.С.нинг 6 ғазал, 2 қитъа, 16 та алоҳида байтларини келтирган (ҳаммаси 43 байт). Ҳинд шеърий услубининг усталари Қосим Девона ва Жалол Асир асарларига назира боғлаган. Ҳиндистонда франги (европалик)ларнинг пайдо бўлиши б-н:

Аршад, аз бадмастии чашми кабудаш ғофили,
Шиша дар оғуш доранд ин фарангизодаҳо.

Мазмуни:

Аршад, мовий кўзларининг бадмастлигидан ғофилдурсан,
Бу фарангизодаларнинг қўйнида май тўла шишалари бор

деб ёзган.

- *Саъдиев С.* Самарканд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.322-324.

АРШАКИЙЛАР (м.а. 250–224) – Парфияда ҳукмронлик қилган сулола. А сулоласи асосчиси Аршак (луғавий маъноси: эр + шак/сак, яъни сак баҳодири) парн қабиласининг бошлиғи бўлган. А. Европада киммерлар деб юритилган. А. етти турк уруғини бирлаштиради: ими, имак, татар, баяндир, қипчоқ, хидхаз ва ислан. М.а. IV асрдан, ЕвроОсиё ҳудудида хунлар, сарматлар номи б-н боғлиқ маданий ҳаракатларнинг асосида сакларнинг ҳаракатлари ётади. М.а. III асрдан Осиёда буюк давлат Парфия вужудга келди, А. етакчилигидаги сақлар лашкарлари Эронни мақдунияликлардан озод қилдилар ва Искандар Мақдунли хароб қилган мамлакат (Қора денгиз бўйлари)да ўзлари (ғарб скифлари)нинг давлатини барпо қилди. А. Каспий денгизининг жарубий-шарқий қисмида яшаган. Сулоланинг машҳур вакиллари: Аршак I (250–248), Тиридат I (248–211), Артабон I (211–191), Прианат (191–176), Фраат I (175–170) в.б.

- *Раҳмонов Н.* Турк хоқонлиги. – Т., 1993.

АРШИЙ КЕШИЙ (XVI) – ўзбек шоири. Исми: мавлоно Хожа Калон Тўхта Самарқандий. Кеш (Ш.сабз)да туғилган. Хоразм саййидлари авлодидан. Бухорода ўқиган, Самарқандда яшаган. Сайҳий, Субҳий тахаллуслари б-н ҳам ижодининг илк даврида шеърлар битган. А.К. ҳақида Мутрибий тазкирасида маълумот бор: "Арший асримизнинг аршпарвоз ва мумтоз шоирларидан. Муқаррар фасиҳлар ва донг таратган, шуҳратга эришган шоирлардан. Унинг нафис шеърлари довруғи фаршдан аршга етган, дилкаш байтларининг овозаси ер куррасида танилган". Мутрибий тазкирасида икки ҳажв, бир қитъа ва бир ғазал келтиради. Ғазалнинг мақтаъси:

Хонд, Арший, то з-ашъори ту мутриб дар Ироқ,
Муҳташам мадхушу Майлий Масту Ваҳший шуд хароб.

[Арший сенинг шеърларингни мутриб Ироқда тараннум этганда
Муҳташам хушидан кетди, Майлий масту Ваҳший хароб бўлди]

- *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.218-221; *Мутрибий Самарқандий.* Тазкират уш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АРШИН (туркча: ўлчов) – қад. турк ўлкаларида ҳозирги метрик тизим эҳтиёжга келгунга қадар мавжуд бўлган узунлик ўлчови. Россияга XVI асрда кириб келган. А. бирлиги сифатида турли ўлкаларда турлича ўлчов қабул қилинган. Бир А. 65,2 *см* дан 112 *см* гача бўлган.

АРШТАТ (форсча: Аршта) [мифология] – "Авесто" ва қад. Эрон мифологиясида илоҳийлик. Беҳистун тоғидаги Доро I томонидан ёзиб қолдирилган ёзувларда ҳам учрайди. Номус ва ҳақиқатнинг персонификацияси (шахс деб тасаввур қилиниши). "Авесто"да махсус ашт бағишланган. Бад. ад-тда ҳам А. тимсоли келади.

Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.111.

АРЭВ (қад. арман т.да: қуёш; кўчма маънода: ҳаёт) [мифология] – арман мифологиясида қуёшнинг персонификация қилинган шакли. Кўпинча, ўсмир ёки ёш йигит тарзида тасаввур қилинган. А. Ван кўлида чўмилганда уни 12 таносқчилари кўриқлашади, А. эса оловдан кийинади. А. қурбонликка отлар юборилган. А. культи насронийлик қабул қилингандан кейин ҳам давом этган. Ҳар ойнинг биринчи куни А. шарафига байрам қилинган. Айрим мифларда А. ва Лусин (Ой) ака-сингил каби тасвирланади.

Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.112.

АРЯВАРТА (қад. ҳинд: йўл, саховат мамлакати) [мифология] – қад. ҳинд мифологиясида мифик қаҳрамонлар мамлакати. Моддий маънода ведалар тарқалган ҳинд замини. А. индуизм, буддавийлик ва жайнизм шаклланган жой бўлгани туфайли муқаддас маскан саналган.

АРГИН – туркий қавмлардан бири. XIX аср охирида А.лар қозоқларнинг Ўрта ва Кичик жуз ҳудударида яшаган. А. қозоқ миллатининг шаклланишида иштирок этган асосий уруғлардан бири. А. "Девону луғатит

турк"да *арғу* тарзида келади. Бу ном Ўз-н ва Туркманистонда этноним сифатида ҳам учраб туради.

АРҒУВОН – дарахт ва бута туркуми. Ўрта Осиё, Крим ва Кавказда учрайди. А.нинг қизил, пушти, сафсар, сариқ рангдаги навълари мавжуд. "Бобурнома"да сариқ ва қизил тусдаги А.га юқори баҳо берилган. Дарахт пўстлоғи ва ўсимлик толаларидан мато тўқилади, бундай матолардан либослар тайёрланган.

Либос, кийим:

Арғувоний тўнмудурким, киймиш ул сарви равон,
Ё магар сарви равон қилмиш либоси арғувон?

(Алишер Навоий, "Хазойину-л-маоний", 3–351)

А. мумтоз шеъриятда нафосат рамзини ифодалайди:

Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чамани гул чеҳрасидин арғувонийдур.

(Бобур. Девон)

АРҒУН – туркий қавмлардан бири. Мўғул истилоси даврида Ўрта Осиёга қараб чекинган. Темурийлар даврида, айниқса, Султон Абусаид ва Султон Ҳусайн даврида А.ларнинг мавқеи баланд бўлган. Атамашунослар Исм + арғун (уруғ вакили) шаклида қўлланилишини кузатадилар. "Бобурнома"да Муқим Арғун номи т.га олинади.

АРҒУШТАК (орғуштак) – рақс б-н куйланадиган қўшиқ тури, куй номи. А. ер тепиб, рақс билан куйланадиган қўшиқдир. Бобур бу ҳақда "Аруз рисоласи"да рамали мусаммани маҳзуф вазни ҳақида сўз юритиркан: "Бу вазн турк орасида қўшиққа мавсумдур. Орғуштак битарда бу вазн тавсим қилурлар" (132б) деб ёзган.

Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шох анда танбура чалиб, Навоий деса қўшиқ.

- *Бобур.* Мухтасар. Т., Фан, 1971.

АСАД I (в.1870–1871) – отаси самаркандлик шоир. Аграда туғилган. Асл исми: Мирзо Асадуллоҳхон. Деҳлида яшаб, форс т.да ижод қилган. Деҳли ҳукмдори Баҳодиршоҳнинг навобларидан бўлган. Форс ва урду т.ларида икки "Девон" тартиб берган. Ҳазрат Али мадҳида ёзилган маснавийси бор. Шоирнинг бир китъаси П.Қайюмовнинг "Тазкирату-ш-шуаро"сида келтирилган:

Дар ишқи ту нолау фигон машраби мост,
В–аз оҳу дил ва оташкадаҳо бар лаби мост.
Зоҳид, ту бирав ба хештан бошки, мо
Дин дода ба ёру кофири мазҳаби мост.

- *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10.

АСАД II (в.1638–1639) – асли эронли шоир, бобурий Жаҳонгиршоҳ даврида Ҳиндистонга борган ва Деҳлида вафот этган. Ушбу байти машҳурдир:

Дируз Асад жомаи ҳижрони ту зад чок,
Имруз зи гам мурд ҳамон жома кафан шуд.

Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10.

АСАДИЙ ТУСИЙ (XI аср боши – 80 йй. охири) – форс шоири. Тўлиқ исми: Абу Мансур Али ибн Аҳмад. Эроннинг Тус ш.да туғилган. Фирдавсийнинг устози. Маҳмуд Ғазнавий "Шоҳнома" ёзишни шу шоирга таклиф этган. У қирилигини айтиб, рози бўлмаган ва шогирди Фирдавсийни тавсия этган. Халқ оғзаки ижоди йўлида ёзган 9 минг байтдан иборат "Гершаспнома" асари (1066) ва қад. "Луғати фурус" муаллифи. Тартибли "девон"и йўқ, бироқ ғазал ва қасидалари турли баёзларда учрайди. Форс ад-тида мунозара жанрининг бошловчиси. "Ер ва осмон", "Найза ва камон", "Мусулмон ва кофир", "Араб ва ажам" мунозаралари бор. "Кеча ва кундуз" мунозараси номли қасидасидан парча:

Бишнав аз ҳужжати гуфтори шабу руз баҳам,
Саргузаштеки, зи дил дур кунад шиддату гам.
Ҳар дуро хост жадал аз сабаби бешийи фазл,
Дар миён рафт фаровон сухан аз мадҳати дам.

• *Бертельс Е.Э.* Пятое Мунозаре Асади Тусского / Учёные зап. ин-та Востоковедения. Т 19. М., 1958; *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10.

АСАДУЛЛАХЎЖАЕВ, Убайдуллоҳ (1878 –1938) – маърифатпарвар адиб, ҳуқуқшунос, журналист ва таржимон. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили, ўзбек матбуоти ташкилотчиларидан. Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида туғилган. Рус-тузем мактабида, Адлия инс-ти (Саратов, 1908-12)да ўқиган. Маҳкамалардан бирида тилмоч бўлиб ишлаган (1897). Давр муаммоларини ечиш мақсадида Лев Толстой б-н ёзишмалар қилган. "Умид", "Турон" (1913) жамиятларини ташкил қилган. "Садойи Туркистон" газ. (1914 – 15) бош муҳ-ри бўлган. "Убайдулла", "У.Хўжаев" имзолари б-н газ.да ўнлаб ижтимоий-ҳуқуқий, публицистик мақолалари чоп этилган. "Маслак ва мақсад", "Ватан муҳофазаси", "Турли ўринларда", "Ш. сайловлари ва мусулмонлар", "Имтиҳон масаласи", "Кенгаш мажлиси ва мусулмонлар" мақолаларида миллат манфаатларини ҳимоя қилган, халқни ўз ҳуқуқларини англашга чақирган. "Садойи Туркистон" газ. ишига Абдулла Авлоний, Мунаввархори ва Абдурауф Музаффарзодаларни жалб қилган. "Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси"нинг раиси сифатида (1916) бу ҳаракатга қарши чиққан, чор Россияси фармонини бекор қилдириш учун Петербургга борган. Давлат Думасида қатнашиб, бу қонуннинг бекор қилинишига эришган. Тошкентда "Шўройи ислом" (1917) жамиятини тузган. Бутун Туркистон ўлка мусулмонлари марказий кенгаши котиби (1917).

Туркистон мухториятининг ташкилотчиларидан, 1917 й.дан мухториятнинг ҳарбий ишлар вазири.

1930-36 йй.да қамалган, 1937 й. ҳибсга олиниб, қонунсиз равишда қатл этилган.

- *Мустафо Чўқай ўғли.* Истиқлол жаллодлари. Т., 1992; Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., 1996; Ўз-н тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Т., 1998; *Пидаев Т.* Матбуот – миллат чироғи. Т., 1999; *Абдуазизова Н.* Туркистон журналистикаси тарихи (1870–1917). Т., 2000; *Дўстқораев Б.* Ўзбек журналистикаси тарихи. 1-қисм. 1970-1917 / Дарслик. Т., Ғафур Ғулом нашр., 2009. Б. 365-373.

АСАМ (арабча: اصم – зич, мустаҳкам) – [поэтика] аруз илмида баҳр номларидан бири. А.ни Халил ибн Аҳмад ихтиро қилган, Баҳром Сарахсий, Бузургмеҳр Қойиний каби арузшунослар томонидан қўлланилшан истилоҳ.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.53-54.

АСАН, ассанлар – туркий қавмлар. Шарқий Сибирда Энасой соҳилларида яшаган (ҳоз. Красноярск ўлкаси). А. бошқа туркий қавмлардан фарқли равишда насронийликни қабул қилганлар (исломдан аввал) ва XVIII асрларгача ўз борлигини ва эътиқодини сақлаганлар. Кейинчалик бу қавм тарқалиб, бошқа туркий уруғлар таркибига сингиб кетган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.72.

АСАР – қ.: Бадиий асар.

АСАФ – қ.: Осаф.

АСВАДИЙ БУХОРИЙ (XVI) – форсигўй шоир. Асл исми номаълум. Бухоро амири Арабхожа б. Баҳодирхўжанинг мулозимларидан бири. Мутрибий Қуръони каримни ёд олган, тажвид билан қироат қиладига ҳофиз сифатида таништиради. Хушнавис хаттот, наққошлик санъатидан ҳам хабардор. "Тазкират уш-шуаро"да икки ғазал ва бир матлаъси берилган.

- *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.95-97.

АСБ (арабча: عصب – дарахт шохининг эгилиши) [поэтика, метрика] – аруз назариясида мафоъилатун асл рукнидан мафоъилун рукнини ҳосил қилиш усули (ҳосила *маъсуб* деб аталган). Бундай зиҳоф ҳосил қилиш усулида ясалган вазн Навоий девонларида бор. Бобур "Аруз рисоласи"да "Вофир баҳри мусамани..." дея бир мисол беради:

Хадинг янглиғ на лолаю гул, қадинг янглиғ на сарви чаман,
Кўзунг янглиғ на оҳуйи Чин, хатинг янглиғ на мушки Хўтан.

(Бобур. Аруз рисоласи, 66а)

АСБОБ (арабча: اسباب – сабаблар) – қ.: Сабаб.

АСЖАДИЙ МАРВАЗИЙ (XI) – форсийзабон шоир. Тўлиқ исми: Абуназар Абдулазиз бинни Мансур Асжадий Марвазий. Таваллуд й. номаълум. Шоирнинг тахаллуси баъзи манбаларда *Асжудий* деб ёзилган. Султон Маҳмуд саройида яшаган. Қасидаларида Маҳмуд Ғазнавий фатҳ этган Хоразм ва Ҳиндистон ҳақида сўз юритилган.

Ғазал, қитъа ва рубоийлари "Сабаки Рўдакй" тўпламида чоп этилган. Улар кам миқдорда сақланган бўлишига қарамай, мазмунан бой: уларда касби ҳол, замон танқиди, ёр васфи, баҳор тасвири в.б. акс этган. Девони сақланмаган, шеърлари турли баёзларда учрайди.

♦ *Асчадий Марвазий.* Шеърҳо / Сабаки Рўдакй. Душанбе: Ирфон, 1984. С.188-193.

АСИММЕТРИЯ (симметриясиз, симметриянинг йўқолиши) [модернизм] – санъатдаги бад. усуллардан бири. А. *барокко, рококо, романтизм* санъатида фаол қўлланилган, кейинчалик япон ва корейс рассомлари ва импрессионизм вакиллари ижодида учрайди. Асар симметрик қонуниятларга эмас, табиий пасодифларга қурилади, модерн ад-тда тимсолга фавқулоддалик ва кутилмаган маъно бахш этади. Айрим ад-тларда *инверсия*, яъни грамматик тартиб (гапдаги сўзларнинг қатъий ўрни)нинг бузилишини ҳам А. мисол қилиб кўрсатадилар.

АСИНДЕТОН (юнонча: asundeton – *боғланмаган*) [риторика]– боғловчиларсиз боғланиш ҳодисаси. Интонация, оҳанг б-н боғланиш. А. таъсирчанликни кучайтириш учун қўлланилади. Замонавий ад-тшуносликда боғловчи ва кўмакчи сўзларсиз матн А. деб юритилади. Яна қ.: анаколуф.

• *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М.* Общая риторика. М., 1986; *Гинсеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17. *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.49-50.

АСИР, Ашер (семит т.ларида: бахтли) [мифология] – насроний мифологияси Юқори Ахд китобида Иокафнинг иккинчи ўғли. Исроил Иакаф уруғининг бош бўғини. Унинг 12 ўғли насронийликда авлиё роҳиблар сифатида машҳур.

АСИРИЙ (в.1601-02) – форсийзабон шоир. Асл исми: Мавлавий Муҳаммад Қосим. Бобурнинг набираси Шоҳ Акбарнинг сарой шоири. П.Қайюмовнинг "Ғазкирату-ш-шуаро"сида ушбу байти келтирилган:

Сабзаи бодийаи мо накашад миннати абр,
Чашм гар хушк шавад обилаи ёйи нест.

• *Қайюмов П.Д.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10-11.

АСИРИЙ (XVIII асрнинг 2-ярми – XIX аср бошлари) – шоир ва таржимон. Насимий ҳақидаги "Қиссайи Саййид Насимий" достони (1774) муаллифи. "Нуҳ манзар" ("Тўққиз манзара") асарини форс т.дан туркийга тарж. қилган. А. асарлари қўлёзмалари Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада ТНС № 85, 4015 рақамлари остида сақланади.

АСИРИЙ, Тошхўжа Хўжандий (1864 –1916.3.III) – тожик ва ўзбек т.ларида асарлар ёзган шоир. Ҳозирги Тожикистоннинг Хўжанд ш.да туғилган. Маърифатпарварлик руҳида шеърлар битган. Муқимий, Фурқат, С.Айний, Хислат б-н адабий ҳамкорлик қилган. Шеъриятда Бедил анъаналарини давом эттирган. Манбаларда А. "илм аҳлининг шамъи" деб таърифланган. "Инсонийлик нима?", "Ҳимоя" каби туркум шеърлари, "Бекобод канали таърифи" (1913) достони муаллифи. "Ўзбек ад-ти тарихи хрестоматияси" (1945)да "Громафўн" радифли ғазали келтирилган.

♦ Ўзбек ад-ти тарихи хрестоматияси. XV-XX асрлар / Туз. Олим Шарафиддинов. Т.: Ўздавнашр, 1945. Б. 371.

• *Рачабов З.* Ачзи ва Асири [Душанбе]. 1951; *Ҳодизода Р. в.б.* Ад-ти точик асрхои XVI-XIX ва ибтидои асри XX. Душанбе: Маориф, 1988. С.400-407.

АСКАРИЙ, Абу Ҳилол (в.1005) – араб олими. "Девону-л-маоний" муаллифи. Маъно ва лафз муносабати ҳақида ёзилган рисолалар каталогини тузган ва бу йўналишдаги 100 дан ортиқ илмий манбаларга тасниф берган. "Китабу-л-санъатайн" ("Икки санъат китоби") номли китоб ёзган, унда шеърнинг қофия ва вазн хусусиятларини шарҳлаган.

♦ *Ал- Аскари.* Диван ал-маоний. 1-2 жилд. Қоҳира, 1933 (араб т.да).

• *Куделин А.Б.* Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век. М.: Наука, 1983; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.81,229.

АСКАРИЙ МИРЗО (1512 –1558) – Бобуршоҳнинг учинчи ўғли. Ҳумоюн ва Комрон мирзодан кичик, Ҳиндолдан катта. Ҳарбий мухорабалар даврида туғилган А. ҳарбий ҳаракатларда маҳоратли бўлган. Мевat (1535) ва Қандаҳор ш.лари ҳокими (1530–51). Онаси Комронга ёрдам берган ва исён қилган Аскарий асир олиниб, кейинроқ Маккага (1551) ҳажга юборилган. Бир неча йилдан сўнг у мусофирчиликда оламдан ўтган. А. туркий ва форсий т.ларда шеърлар битган. Фахрий Ҳиравий "Равзат ус-салотин" тазкирасида "Фаҳму фаросати ниҳоятда яхши эди. Ва табъи назм услубида эътиборга лойиқ эди" деб таъриф беради ва унинг ижоди намунаси сифатида ушбу рубоийни ва икки матлаъ келтиради:

Эй Аскарий, гар маст мудоми, хуш бош,
Вар муътақиди бода ва жоми, хуш бош.
Гуфти: бахаробот набошам бе у,
Бо ёр дар ин мақоме, хуш бош.

Мазмуни:

Эй Аскарий, агар мудом маст бўлсанг, яхши бўл,
Ва агар бода ва жомга берилган бўлсанг, яхши бўл.
Дединг: усиз хароботга бормасман,
Ёр билан ушбу мақомда бўлсанг, яхши бўл.

• *Гулбаданбегим.* Ҳумоюннома. Т.: Фан, 1959; *Муҳаммад Фахрий Ҳиравий.* Равзат ус-сиҳотин. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АСКЕТИЗМ (юнонча: asketes – шуғулланувчи; роҳиб) – юнон фалсафасида кўшилмаслик ҳақидаги таълимот, бетарафлик қоидаси. Насронийликда (м. I асридан) тақводор шахс.

АСКИЯ (арабча: закий – ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб) [фольклоршунослик] – ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири. Икки ва ундан ортиқ киши ёки гуруҳнинг халқ йиғинларида маълум мавзулар бўйича тортишуви. А. латиф, мазмундор ва қочиримларга бой бўлган. А. айтиладиган мавзу *пайров* дейилади. Маълум пайровларнинг ўз усталари бўлган. А.нинг пайров, қофия, радиф, тутал, ўхшатдим, бўласизми, баҳри байт, сафсата, "гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз", ширинкорлик, афсона, раббия, лақаб каби турлари аскиячилар орасида кенг тарқалган. А. жанр сифатида XV асрда шаклланган бўлиб, Мир Сарбираҳча, Мавлони Бурҳон, Саййид Ғиёсиддин, Мавлоно Халил Саҳоф, Муҳаммад Бадахший каби машҳур вакиллари бўлган. Айниқса, Мавлоно Абдулвосеъ мунший закийлиги б-н шуҳрат топган. XX аср 1-ярмида Эрка қори Юсупов, Мамаюсуф Тиллабоев, Юсуфжон Шакаржонов, Расулқори Мамадалиев, Ака Бухор Зокиров каби машҳур аскиячилар яшашган. 60-йиллардан сўнг Фарғона водийсидан Турсунбува (Ижроқўмбува) Аминов, Абдулхай махсум Қозоқов, Мамажон Мадаминов, Тошкентдан ака-ука Шожалиловлар А. ривожига ҳисса қўшганлар.

А.нинг турли пайровлари ЎзМУ (Миллий ун-т) талабалари томонидан ёзиб олинган, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва ад-т институти фольклор архивида сақланади. Реж. Малик Қаюмов "Аския" номли ҳужжатли фильм яратган. Алишер Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис", Комил Яшиннинг "Тор-мор" драмаси таркибида А.нинг айрим эпизодлари учрайди.

• *Муҳаммадиев Р.* Аския. Т., 1970; *Қодиров М.* Ўзбек халқ томоша санъати. Т., 1981; *Имомов К., Қодиров М.* Аския / ЎзМЭ. 1-жилд. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б. 456-457.

АСКЛЕПИЙ (юнонча: Asklepios) [мифология] – юнон мифологиясида табобат маъбуди, *Аполлон*нинг ўғли. Машҳур табиб Хирон тарбиялаган. Табиблар ва дори-дармон тайёрловчиларнинг ҳомийси бўлиб, А. ибодатхоналари шифохона сифатида ҳам машҳур бўлган. М.а. V асрдан Эпидавр ш.да унинг тарафдорлари кўп бўлган. А. эътиқоди III асрда Римда ҳам кучайган. Унинг тасвири бизгача барельеф ва ҳайкаллар орқали етиб келган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.113-14.

АСКОН (арабча: اسكان – "сукун"нинг кўплиги) – қ.: Сукун.

АСКР (скандинавияча: askr, ask – одам) – скандинав мифларига кўра дунёдаги биринчи одам.

АСЛ (арабча: – илдиз, асос, моҳият) [тасаввуфшунослик] – Инсон зоти, насли, борлиқнинг келиб чиқиш манбаи. Бошқа нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқишига асос, сабаб бўладиган кўпайишга сабаб бўладиган моҳият. Тасаввуфда "*асл*аи усул", яъни ҳидоят – йўл кўрсатишдир. Усул аслнинг кўплиги бўлиб, тавҳид, имон, яқин, маърифат сингари ирфоний усуллардир. Ҳужвирий усулнинг зоҳири шоҳидлик қавлидир, ботини эса маърифатнинг таҳқиқидан иборат, деб англатади. Усул мақоминнинг ўн боби фарқланади.

АСЛ МАНБА [матншунослик] – бирор асар ёки тарихий манбанинг таҳрир қилинмаган, шарҳланмаган ёки бошқа т.ларга тарж. қилинмаган асл нусхаси. Матншунослик ва тарж.шуносликда А. манба бирламчи ҳужжат саналиб, унинг асосида табдил, тарж., талқин матнлари вужудга келади. Мумтоз адаб намуналарининг А.м. кўпинча, қўлёзма матнлар ҳисобланади. Муал. томонидан (дастхати б-н) ёзилган ёки тузилган ёхуд муал.нинг хаётлик пайтида кўчирилиб, унинг нигоҳидан ўтган матнлар А.м. ҳисобланади.

АСЛАМ (арабча: اصلم – тешикли нарса) [поэтика, метрика] – тармоқ рукнининг номи. Аруз амалиётида фаъулун аслий рукнидан "салм" (бузилиш, нуқсонли) зиҳофи б-н ўзгартирилишидан ҳосил бўлган фаълун (чизмаси: – –) нуқсонли рукнлардан биридир. Мутақориб баҳридаги асосий зиҳофлардан бири бўлиб, Бобур "Аруз рисоласи"да мутақориби мусаммани аслами мусаббағ вазнини ихтиро қилган ва намунасини берган:

Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсан жонима бедод?

(Бобур. Аруз рисоласи. 103б)

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.55; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.18.

АСЛАМ (арабча: اثلم – асос [поэтика, метрика] – аруз амалиётида мафъулоту аслий рукнини қисқартириш натижасида ҳосил бўлган фаълун фаръий рукни. Аслами мусаббағ зиҳофи учун асос саналади. Асосан, араб шеъриятида кўзга ташланади, форс ва туркий шеъриятда намуналари учрамайди.

- *Талабов Э.* Араб арузи. Т.: ТошДУ, 1977; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.56.

«АСЛИ ВА КАРАМ» – ўзбек халқ достони. Туркий халқларнинг ўғуз қавми орасида куйланиб келинган. Ўз-нда Хоразм, Туркманистон, Озарбойжон, Туркия, Эрон ва Арманистонда версиялари тарқалган. Ишқий-романтик йўналишдаги достон. Муаллифи номаълум, XVI асрдан кейин бад. асар сифатида шаклланган. Достоннинг нисбатан мукаммал варианти Хонқа тумани (Хоразм)да Сўна халфадан ёзиб олинган. Достонда XVI асрда кечган тарихий воқеаларни баён қилувчи лавҳалар ҳам учрайди. XX аср бахши ва халфаларининг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Хивалик шоира Хоним сувчи куйлаган. Мусулмон йигитнинг насроний (армани) қизга севгиси ва унга эришиш йўли асарга сюжет қилиб олинган. Достон фожиа б-н якунланади, А. ва К. оловда куйдирилади. Туркман ва озарбойжон версиялари анча мукаммал ишланган. Достон мотивлари асосида озарбойжон бастакори У.Ҳожибеков "А. ва К." операсини ёзган.

♦ Аслы – Керем. Ашгабат, 1965.

АСЛЛАР [поэтика, метрика] – аруз назариясида асосий шеърий асосини ташкил этувчи саккиз рукнлар мажмуи. А.ни *фаулун (v – –), фоилун (– v –), мафоийлун (v – – –),, фоилотун (– v – – –), мустафъилун (– – v –), мафъулоту (– – – v), мутафоилун (v v – v –) ва мафоилатун* (v – v v –) рукнлари ташкил килади. А. *афоийлу тафоийл* деб ҳам аталади. А.дан аруз амалиётида А.да 19 баҳр юзага келади.

• *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 18; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқиниа. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.197.

АСЛИ(Й) РУКН – қ.: Асллар.

• *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 18; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқиниа. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.221, 224, 301.

АСЛИЯТ ва ТАРЖИМА – қ.: Тарж.шунослик.

«АСЛУ-Л–ВАСЛ» – Бу (Абу) Алишоҳнинг мусиқа назариясига бағишланган асари. Муал.нинг «Аслу-л-усул» асари ҳам бор. Навоийнинг шогирдларидан Устод Қулмуҳаммад Ноийнинг устози.

• *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.6.

АСМАЪИЙ (в. 828) – таниқли араб филологи. Тўлиқ номи: Абу Саййид Абдулмалик Асмаий, Шарқ мумтоз поэтикаси. Б.82,*110,*161,241,282

АСМО (арабча: *исмлар*) [диншунослик, тасаввуфшунослик] – гўзал исмлар. Аллоҳга, Пайғамбарларга, валийларга нисбатан қўлланиладиган исмлар назарда тутилади.

~йи кавния (арабча: *макон*, жойларнинг исмлари) – қ.: Кавн.

~йи наби (арабча: Пайғамбар исмлари) - қ.: Наби.

~йи феъл (арабча: *гўзал хулқлар*) – қ.: Феъл. 224

~йи ҳусно (бирликда: *исм*, ҳусн – *гўзаллик*) – Аллоҳу таолонинг гўзал исмлари (Қуръони карим, VII:180).

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий"нинг 4-жилди "Тавҳид китоби" бўлиб, унда Қуръони каримнинг "Исро" сурасидаги "...Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, Унинг гўзал исмлари бордир" ояти кариманинг талқинига оид 7376- ва 7377-ҳадислар келтирилади. Улардан бирида Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилишларича, "Расулуллоҳ (с.а.в.): Одамларга раҳм қилмайдиган кишига Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди" деган эканлар. Бу исмлар 99 та. А.ҳ. Асмоуллоҳ деб ҳам юритилиб, кўпинча, дуоларга қўшиб ўқилади. Қуръони каримнинг "Ҳашр" сурасида (22–24 оятлар) Аллоҳнинг гўзал исмларининг қисқа рўйхати берилган. Улар: Аллоҳ, Раҳмон, Раҳим, Малик, Қуддус, Салом, Муъмин, Муҳаймин, Азиз, Жаббор, Мутакаббир, Холиқ, Борий, мусаввир в.б.

• *Мансур А.* Ал-Асмо ал-Ҳусно / Ўз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б. 194-195; *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5; Қуръони карим маъноларининг тарж. Т., 2006; *Абу Абдулоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий.* Ал-жомиъ ас-саҳиҳ / 4-ж. Тавҳид китоби. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.590-591.

АСМО – араб шоираси. Саодат асрида яшаган насроний Марвон қизи. Аввал мажусий арабга турмушга чиққан, сўнг турмушидан ажраб, Муҳаммад (с.а.в.)
таъсирида исломни қабул қилган. Оташин шеър ва қасидалар ёзган. Журжи Зайдон (1861-1914)нинг "Қурайш қизи" романи бош қаҳрамони. Араб ёзувчиси талқинида асар сюжетини кескинлаштириш мақсадида А. Марвоннинг эмас, балки Язид ибн Муовиянинг қизи қилиб олинган.

•*Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия М.: ЭКСМО, 2007. С.41.

«АСМАУЛЛОҲ» – Аллоҳнинг гўзал исмлари баён этилган асар. Навоийнинг хабарига кўра, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний «А.»га шарҳ битган. А.ҳ. зикри ҳақида Шайх Муҳаммад Табодгоний (в. 1482–1483) асар ёзган, унга кўплаб шарҳлар битилган. Улар орасида Шарафиддин Али Яздий (в.1454), Али бинни Шиҳоб бинни Муҳаммад Ҳамадоний (в.1384–85) шарҳлари машҳур.

• *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5; Қуръони карим маъноларининг тарж. Т., 2006.

АСМОДЕЙ (юнонча: Asmodey – бузғунчи) [мифология] – яҳудий мифларида шайтоний махлуқ. Мифга кўра А. яҳудий қизи Саррани доимо таъқиб қилиб, уни турмушга чиқишига йўл қўймайди. У 7 марта турмушга чиққан бўлса

ла, А. унинг етала эрини ўлдирган. Шундан А. ад-тларда никоҳ ва муҳаббатга раҳна солувчи шайтон сифатида шахслантирилган.

•Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.114; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.73.

АСМУС, Валентин Фердинатович (1894/18.XII–?) – санъатшунос ва файласуф олим. Киевда туғилган, 1919 й.дан илмий ҳаётда қатнашади. Москва ун-ти проф. (1939 й.дан), Фалсафа ин-ти етакчи илмий ходими (1968 й.дан). Эстетика ва фалсафа тарихига доир асарлари б-н шу соҳалар ривожланишига таъсир кўрсатган. Шиллер, Гёте, Кант, Декарт в.б. эстетик қарашларига доир тадқиқотлар муаллифи. Юнон фалсафаси вакиллари Афлотун, Демокрит асарларини шарҳлаган.

♦*Асмус В.Ф.* История античной философии. М., 1965; Изб. философ. труды, т.1. М., 1969.

АСО [тасаввуфшунослик] – ҳасса. Тасаввуфда шайхлик нишони. Тасаввуфнинг қаландарийлик тариқатида алоҳида рамзий маънога эга бўлиб, кўпинча, "боб", "бобо" деб номланган тариқат етакчилари қўлида бўлган. Бу даражага етишган қаландарларга "боб"лар мартабасини англатиш учун унвон тариқасида рамзий А. берилган. Соликнинг валий ва эранлар нафасига муҳтожлигини ифодалайди: «Эранлар нафасин асо этгин сен» (Юнус Эмро).

Фитрат. Машраб / Асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000.

~йи Мусо – Мусо а.с.нинг ҳассаси. Самовий китобларда, Пайғамбарлик тарихларида ва диний ривоятларда тилга олинадиган сеҳрли кучга эга ҳасса. У "Мусо" сўзининг лугавий маъноси б-н ҳам боғлиқ. Мусо – Сарв дарахтининг номи. Шунинг учун унга шу дарахтдан олинган мўъжизавий ҳасса насиб этган. Мусога бу асони Шуайб пайғамбар, унинг қизига уйланганидан сўнг берган. Бу Одам а.с.нинг биҳиштдан (жаннатдан) чиққан ҳассаси бўлиб, Мусо а.с. бу ҳасса ёрдамида кўп мўъжизалар кўрсатади. Бани Исроилга бош бўлиб, уларни Мисрга тобеликдан қутқаради. "Таврот" китобига эга бўлади. Мусо а.с. ушбу ҳаса ёрдамида улкан одам Авж бинни Уникни енгади. У шундай улкан эдики, боши булутга тегиб юрарди, бир тош парчасини кўтариб, Шом қавми устига ташламоқчи бўлади. Ҳудҳуд келиб, у тогни шундай чўқилайдики, тош тешилиб, Авжнинг бўйинига тушади ва Авж халок бўлади. Қуръони каримнинг ўн саккизинчи сурасида Мусо ва Хизр а.с. қиссалари баён қилинган.

• Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли тарж.. Т.: Чўлпон нашр., 1992; *Алишер Навоий.* Тарихи анбиё ва ҳукамо (нашр. тайёрл. Л.Халилов) / Асарлар. XV том. Т., 1968; *Носируддин Рабғузий.* Қисаси Рабғузий. Т., 1990.

«АСОСУ-Л-БАЛОҒА» («Балоғат асослари») – Маҳмуд Замахшарий асари. Араб т. луғати бўлиб, 3742 сўзни ўз ичига олади. Шундан 2707 сўзнинг асосий маъноси, 1035 сўзнинг асосий маънолари б-н бирга кўчма маъноси ҳам берилган. Луғат таркибига кўра бош сўз ва унинг маъноси, бош сўз

ҳосилалари, изоҳловчи манбалар: Қуръони карим оятлари, ҳадислар, халифа ва саҳобаларнинг сўзлари, шеърлар, мақоллар ва иборалардан иборат. Шунингдек, сўзнинг мажозий маъноси, бош сўз мажозий маънода ишлатиладиган жумлалар ва қўшимча материаллар ҳам берилган.

А. қўлёзмалари Париж, Рим, Болония, Работ, Қохира, Дамашқ, Бағдод, Истанбул (22 та) кутубхоналарида сақланади. Сўнгги нашри 1998 й.да Байрутда икки ж.дан иборат тарзда (нашрга тайёрл. Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд) нашр қилинган.

- *Сулаймонова Н.* Маҳмуд Замахшарий "Асосу-л-балоға" асарининг манбашунослик тадқиқи. НДА. Т., 2007.

АСПАРУХ – қад. туркийзабон булғорлар ҳукмдори (643–701), илк славян булғор давлати асосчиси. А. булғор қабилалари иттифоқи етакчиси Кубрат (Қорот)хон ўғли. 681 й.да Биринчи Булғор подшолигига асос солган.

АСПЕКТ (лотинча: aspektus – кўриниш) [герменвтика] – нуқтаи назар, қараш. А. келиб чиқиш нуқтари назаридан сайёраларнинг муайян табиий ҳолати, Ой ва Қуёшнинг ўз ўрнига кўра ўзаро муносабати. Фалсафада ўрганилаётган тушунча, ҳолат ва предмет асосига қўйилган фикрий йўналиш. Кенг маънода тарихий А., иқтисодий А., эстетик А. Тор маънода *Образ* тушунчасини ад-тшунослик А.да ўрганиш, санъатшунослик ёки фалсафий А.да ўрганиш.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия М.: ЭКСМО, 2007. С.74.

АСРАМ (арабча: الرم – олдинги тишнинг синиши) [поэтика, метрика] – арузи назариясида "фаулун" аслининг "сарм" зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган *фаълу* (– ∨) тармоқ рукнининг номи. Бобур "Аруз рисоласи"да "Сарм – салм била қабзнинг ижмоъидур, фаъулун (аслий рукн) ъувл бўлур, фаъл анинг ерига қўярлар, муни асрам дерлар" (7б) деб тушунтириш беради ва А.да тўрт марта такрорланган фаълу фаъулун қолипида мутатаввал байт кнлтирилади.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал Душанбе: Ирфон,1994.Б.58; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998.

АСРОР (арабча: *сирлар)* [тасаввуфшунослик] – сирлар. Тасаввуфда тўлиқ висол дамида Ҳақда кўринмай қолиши, Ҳақ ғайби, ғайб ва ғойиблик, Ғайбдан келагиган муъжизот сифатида қабул қилинган.

«АСРОРИ МУСИҚИЙ» ("Мусика сирлари") – Бобуршоҳ асари. Манбаларда бу асар ҳақида маълумот билдирилса-да, асар тўлалигича топилмаган. Исматуллоҳ Мўъжизийнинг "Тарихи мусиқийун" асарида "А.м."дан айрим намуналар берилган.

- *Мўъжизий И.* Тарихи мусиқийун. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

~ ***и тариқат*** [тасаввуфшунослик] – тариқат (йўл) сирлари. Соликлар шаҳодида ҳақиқат ҳолати б-н боғликдир. Зеро, тариқат – шариатнинг сири, ҳақиқат – тариқатнинг сири бўлиб, шариатсиз тариқат васваса, тариқатсиз ҳақиқат эса бединликдир.

~ ***макнун*** [тасаввуфшунослик] – яширин сирлар. "Ихвону-с-сафо" аҳли бу истилоҳни мавжудотлар характер хусусиятидаги яширин истеъдодларга нисбатан қўлланганки, улар вақт ўтиши б-н пайдо бўладиган ва етиладиган фазилатлардир. Мазкур сирларни аҳлуллоҳлардан ва илмда олий мақомга эришганлардан бошқалар билишолмайди. Яъни улардан фақат авлиёлар ва уламолар хабардор бўладилар.

«*СРОРНОМА*» – *Фаридиддин Аттор* (1145–1221) асари.

«***АСРОРУ-Н-НУҚТА***» ("Нуқта сирлари") – Али бинни Шиҳоб бинни Муҳаммад Ҳамадоний (в. 1384–1385)нинг араб т.да ёзилган рисоласи. Асар шаҳдати ҳақиқий, маълумлик асоси ҳақидаги тушунчаларни ёзувдаги нуқталар ҳаракатига боғлаб тушунтиради. 1961 й.да Шерозда асарнинг форсча тарж.си нашр этилган.

• *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ғаниева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.6.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119.

АССАМ адабиёти – Ҳиндистоннинг шимолида яшавчи халқ А.а.дир. А.лар индуизм динига эътикод қилади. Тахминан VII асрда санскрит ва тамил ад-ти қаторида, Ҳиндистонда қатор янги ҳинд-арий ад-тлари шаклланди. Бенгал, гужарат, панжоб, урду ва ҳинд ад-тлари б-н бир қаторда А.а. юзага келган ва улар б-н яқин алоқада ривожланган. XIII асрдан ёзма манбалари шаклланган. А.а.да сарой тарихий хроникаси ("А. хроникаси, 1681; "Камарупа хроникаси, 1700) муҳим ўрин тутган. 1836 й.дан инглиз босқини туфайли А. т. давлат идораларида расмий т.сифатида қўлланишдан тўхтаган. Ҳинд янги давр ад-тида А.а. салмоқи ўрин тутади. XIX асрнинг 2-ярмидан А.а. насрий жанрлар: ҳикоя, қисса, романлар ҳисобига бойиган. Л.Безбаруа, Р.Бардола тарихий романлар ёзишган. Калькуттада "Жонаки" ("Шамчирок") журнали (1889) А. ва инглиз т.да асарлар нашр эта бошлаган. XX аср А.а.да С.Малик, Ч.Гогой, Б.Бхаттачарья романлари, Д.Шарма ҳикоялари ва П.Пхукан драмалари шуҳрат қозонган.

• Поэзия народов Индии. М., 1962.

• Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.124-126; *Баруа Б.А.* Ассамская лит-ра. М.: 1968; Краткая история литератур Индии. М., 1974.

АССАМ ТИЛИ – Шим. Ҳиндистонда яшовчи халқ тили. Ҳозирги кунда 10 млн.га яқин аҳоли А.т. сўзлашади. А.т. Ҳинд-Европа т.лари оиласига мансуб.

Адабий т.га икки диалект: шарқий ва ғарбий А. шевалари асос бўлган. Ҳозирги А.т.га сингармонизм хусусияти хос, 5 сўз туркуми мавжуд, от туркумига оид сўзлар, 4 жинсда турланади. А.т. X-XI асрларда шаклланган. А. адабий т.нинг асосчиси Шанкард (1449-1569). Инглизлар босқини туфайли бир муддат расмий ва адабий т. сифатида қўлланилиши таъқиқланган. XIX асрнинг 2-ярмидан фаол қўлланилиш даврига кирган.

• *Бабакаев В.Д.* Ассамский яз. М., 1961.

АССАМБЛЯЖ – қ.: Поп-арт.

АССАСИН (assassin) [диншунослик] – шиа мусулмонлари мазҳабининг бир шохобчаси. Хуросонда Ҳасан шайх (1090) томонидан асос солинган. А.лар раҳбари тоғдаги ғорда яшагани учун Шайху-л-Жаъбал деб юритилган. Салиб юриши ва бошқа диний урушларда насронийларга қарши курашиб енгиб келган. А.лар италян ва салбичиларига қарши аёвсиз жангга кирганлар. А. сўзи роман т.ларида ўлдирувчи, қотил маъносида сақланган.

•*Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.74.

АССИЗ, Жоакин Мария Машаду де Ассиз (1839–1908) – бразилиялик ёзувчи. Дастлаб шоир ва публицист сифатида танилди. Савдо вазирлигига ишга кириб, 1889 й. департамент директори бўлиб сайланди.

16 ёшлигида илк асари "У" ("Аёл") адабий журналларда чоп этилди. Сўнгра «Хризалида» ("Crisalidas", 1864), «Тунги капалаклар" ("Falenas", 1870) ва «Америка шеърлари» ("Americanas", 1875) ҳамда "Муҳаббат, сен ўзингсан" ("Tu so, tu, puro amor", 1881), комедияси нашр этилди. Носир сифатида «Флуминен ҳикоялари» ("Contos Fluminenses, 1870), «Ярим кеча тарихи» ("Historias de meia noite", 1873), «Санасиз тарих» ("Historias sem data", 1884) каби ҳикоялар тўпламларини эълон қилди. Тўққизта роман қолдирди: «Тирилиш» ("Ressureicao", 1872), «Қўл ва қўлқоп» ("A mao e a luva", 1874), «Елена» ("Helena", 1876), «Йяйя Гарсиа» ("Iaia Garcia", 1878), «Брас Кубаснинг ўлимидан сўнгги ёзувлар» ("Memorias postumas de Bras Cubas", 1881), «Кинкас Борба» ("Quincas Borba", 1891) «Дон Казмурро» ("Dom Casmurro", 1900), «Исав ва Иаков» ("Esau e Jacob", 1904) и «Айрес кундалиги» ("Memorial de Aires", 1908) в.б. Рус т.да «Memorias postumas...» романи "Нариги дунёдан ёзувлар" (1974) сарлавҳаси б-н Е.Голубева ва И.Чежегова тарж.да чоп этилган. Дастлабки романларида персонажларнинг руҳий ҳолатларини кенг тасвирлашга қизикиш ("Тирилиш" романи биринчи бразил психологик романи сифатида баҳоланган), ҳаёт ҳодисаларининг кенг таҳлилини бериш устувор (бу даврни муал.нинг ўзи "шеърият қўшилган реаллик" дея баҳолаган) эканлиги эътироф этилган бўлса, "Қўл ва қўлқоп", "Йяйя Гарсиа" каби романлари миллий романчиликнинг энг юқори нуқталари сифатида қабул қилинган. Сўнгги романларида холислик тамойиллари устувор бўлиб, лирик кечинмалардан кўра реалликни ўз ҳолида

кўрсатишга интилган. Уларда пародия, ўз-ўзини танқид ва киноя қилиш руҳи етакчи хусусият касб этади. Адибанинг асарлари "Аёл романлари" рукни остида жаҳон ад-ти хазинасидан ўрин олган.

• История литератур Латинской Америки. М.: 1994; Культура Латинской Америки. Энц-я. М., 2000; Grande enciclopedia portuguesa e brasileira. Lisboa (Катта португал ва бразил энц-яси). Rio de Janeiro, 1966; *Meneses* de *R.* Dicionario literario brasileiro (Раймундо де Менезеш. Бразилия адабий луғати). Sao Paulo, 1969; *Dir. Lins A.* Historia da Literatura brasileira (Бразилия ад-ти тарихи. Алваро Линш таҳрири остида). Vol. XII Prosa de Ficcao (de 1870 a 1920). Rio de Janeiro, 1957; *Dir. Coutinho A.* A literatura no Brasil (Бразилия ад-ти. Афранио Коутиньо таҳрири остида). - Rio de Janeiro, 1968; *Pacheco J.A.* literatura brasileira. (Жоао Пашеко. Бразилия ад-ти). Vol.III, O realismo (1870-1900). Sao Paulo, 1968; *Romero S.* Historia da literatura brasileira (Силвио Ромеро. Бразилия ад-ти тарихи). Vol. V. Diversas manifestacoes na prosa. Rio de Janeiro, 1960.

АССИМИЛЯЦИЯ (лотинча: assimilatio – қўшилиш, эгаллаш, ўзлаштириш) – бир ҳодисанинг иккинчи (йирикроқ) ҳодисага қўшилиши, бир қавмнинг бошқа бир элат таркибига кириши. Этнографияда бир халқнинг т., маданияти, урф-одатларининг иккинчисига қўшилиб, бирикиб, сингиб кетиши. А. т.шуносликда бир товушнинг таъсирида иккинчи ундошнинг унга ўхшаш талаффуз этилиши. Мас., туз + сиз = *туссиз*; тут + дан = туттан. А.нинг бир неча тури бор; тўлиқ: ерни – *ерри*; тўлиқсиз: ўтган – *ўткан*; прогрессив, олдинги товуш таъсирида кейинги товушнинг ўзгариши: ўтди – *ўтти*; ресрессив, кейинги товуш таъсирида олдингисининг ўзгариши: сўзсиз – *сўссиз*; дистант, ёнма-ён бўлмаган ундошлар ўхшаши: мошкичири – *мочкичири*; контакт, ёнма-ён ундошлар ўхшаши: қўлни – *қўлли* кабилар.

АССИРИЯ (Оссурия) – Месопотамиядаги давлат. А. давлатига *Ашшур* атроси асос бўлган. Икки дарё (Фрот ва Тигр-Дажла) оралиғидаги А. даври м.а. 1850–1080 йилларга тўғри келади. Эр. а. I минг йилликка тааллукли Ашшур ш. ибодатхонасининг қошида махсус кутубхона жорий қилинган бўлиб, унда 10 мингдан ортиқ ёрлиқ ва фрагментлар шаклидаги тошкитоблар сақланган. Ниппур кутубхонасида 2 мингдан ортиқ бадиий асарларнинг намуналари сақланган. Бу давр қад., ўрта ва янги даврлардан таркиб топган. Қад. А. даврида Илушима, Шамшиадад; ўрта даврда Агум II, Бурнабуриша I, II, Караиндаш, Куригалгу; Янги даврда Ашшурнасирал II, Салманасар III ҳукмдор бўлганлар. Ашшурбанипал (669–633) даврида Бобил б-н бўлган жангларда кўплаб обидалар вайрон бўлган. Бобил ва Мидия б-н бўлган жангларда А. давлати (625–605) мағлубиятга учраган ва уларнинг таркибига қўшилиб кетган.

Аккад ад-ти номи қад. Бобил ва Ассирия ад-тига нисбатан қўлланилган. Инсоният тамаддунининг илк манбаларидан бўлган Шумер маданиятига алоқадорлари б-н боғланган Аккад ад-ти эр.а. III мингйилликда ўзининг илк ёзувларига эга бўлган.

• *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / Н.Асилова тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўлёзма. Б.94; *Авдиев В.И.* История Древнего Востока. М.: 1953; *Дьяконов И.М.* История

Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. М.-Л., 1956; Законы Вавилонии, Ассирии и Хуттского царства // Вестник древней истории. 1952. № 3; *Редер Д. Г.* Мифы и легенды древнего Двуречья. М., 1965.*Йозеф Клима.* Общество и культура древнего Двуречья. Прага: Academia, 1967. С.276; Ранние формы искусства: Сб. статей / Сост. С. Ю. Неклюдов. – М.: 1972.

~ адабиёти –

♦ Хрестоматия по истории древнего Востока / Под ред. Струве и Редера. М., 1963; Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

АССОНАНС (лотинча: assono – *товуш*; французча: assonanse – *уйғунлик*) [лингвопоэтика] – унлиларнинг уйғунлиги. Асосан, урғу олган бўғинлар А.бўлиб келади. А. маънони кучайтириш, урғу берилаётган сўзнинг таъсирчанлигини ошириш учун қўлланади. Мас., ушбу шеърда *у* ва *ю* товушлари ёрдамида А. ҳосил қилинган:

Брожу ли я вдоль улиц шумных,
Вхожу ль во многолюдный храм,
Сижу ль меж юношей безумных
Я предаюсь моим мечтам.

(А.С.Пушкин)

А. истилоҳи рус шеъриятида ноаниқ қофия маъносида ҳам ишлатилади. Бунда урғу олган унли товушлар уйғун ҳолда келтирилиб, ундош товушларнинг уйғунлиги мутлақо кузатилмайди. Мас., рус т.да *огромность – опомнюсь; жажда – жалко.*

• *Жирмунский В.М.* Рифма, ее история и теория. Пг,, 1923; *Штокман М.И* Библиография работ по стихосложению. М., 1934; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.24.

Шарқ шеъриятида А.дан унумли фойдаланилади. Айниқса, аруз вазни ўз табиатига кўра чўзиқ унлиларнинг уйғунлигига асосланган учун А. туркий шеъриятдаги энг фаол воситалардан ҳисобланади.

Мас.,

Илоҳо подшоҳо кирдикоро,
Санго очуғ ниҳону ошкоро

(Алишер Навоий)

Ёки:

Мен кетай деб, тез етай деб
богладим белга камар,
Сен нетай деб, сабр этай деб
солмадинг дилга кадар.

(Чўлпон)

АССОЦИАТИВ ОБРАЗ (лотинча: assosiatio – бирлашма) тушунилиши қийин бўлган ҳодисаларни ўзига таниш иккинчи бир

тушунарли ҳодиса ёрдамида эслаш, ифода қилиш. Бад. ижодда А.о. метафорик асосга қурилади. Бир иккинчисини ёдга солувчи тимсоллар занжири яратилади. Ж.Локк (1690) томонидан ад-тликка олиб кирилган.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.114 (эл.версия).

АССОЦИАЦИЯ (лотинча: associatio – *бирлашма*) – иттифоқ, уюшма, тушкилотлар бирлашмаси. Бад. ад-тда тимсол тури бўлиб, маъноси узоқ тушунчаларнинг бир пайтда эсланиши, бир тушунча ёки тимсол ёрдамида иккинчи тушунча ёки ҳодисанинг тимсолланишидир. Айрим тимсоллар психологик яқинлиги, ўзаро алоқадорлиги боис ёдга олинади. Ад-тшунослик ва эстетика истилоҳи сифатида Ж.Локк (1690) томонидан илк бор қўлланган. Нарсаларнинг ўхшашлиги ёки ўзаро қиёси натижасида тилга олинадиган фикр ёки образ. А. ғоя ва объект ўртасидаги фикрий алоқадорлик (Ж.Куддон)дир. Мас., И.А.Буниннинг «И цветы, и шмели, и трава, и колосья…» деб бошланувчи шеъри рус табиатига бағишланган бўлса ҳам у Нижилдаги ўгай ўғил ҳақидаги ривоятни эсга солади.

Чўлпоннинг "Халқ" шеъридаги

Халқ истаги – озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка

"кўланка" сўзи "соя" маъносида қўлланилгани б-н, миллатга зуғум қилаётган ҳукмрон босқинчилар назарда тутилади.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.28; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.50; *Белокурова С.П.* Словарь литведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.24-25.

~ ***ПРОЛЕТПИС*** – А. пролетарских писателей – Пролетар ёзувчилар А.си

~ ***ПСАА*** – А.писателей стран Азии и Африки – Осиё ва Африка ёзувчилари А.си.

АСТАР , Истар (кад. семит т.ларида: Зуҳро) [мифология] – қадимги семит мифологиясида самовий маъбудалардан. Унинг эркак муқобили сифатида Астарта ёки Иштар келади. А. дунё ҳукмронлигини қўлга олишга даъвогар. Унинг доимий сифаьловчиси "даҳшатли". Йаман мифологиясида олий маъбуд саналади. А. уруш маъбуди сифатида кучли, қаҳрли ва ўз вақтида шй ва иншоотларнинг ҳимоячиси. А. культи кенг тарқалган бўлиб, ов в.б. маросимларда антилопа, ҳўкиз қиёфасида кўринади. А. шарафига ибодатхонлар ва қурбонлик жойлари қурилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.115

АСТАФЬЕВ, Виктор Петрович (1924/1.V– ?) – рус адиби. Краснояр ўлкасида туғилган. II жаҳон уруши иштирокчиси. 1951 й.дан асарлари чоп этила

бошланган. “Қорлар эримоқда” (1958), “Олтин балиқ” (1976) романлари, “Довон”, “Ўғирлик” (1966), “Сўнгги ўқ” (1968), “Чўпон ва чўпон қиз” (1971) қиссалари муал.и. “Излучина”, “Замондошим қиссалари”, “Оқ куйлакли бола” қиссалари шуҳрат қозонган. “Сўнгги таъзим” (1971–79) автобиографик асарлари туркумида ўз болалиги ва ёшлик даврларини тасвирлаган.

“Олтин балиқ” романи ҳикоялардан иборат қисса шаклида ёзилган бўлиб, унда табиатни асраш, экология муаммолари илгари сурилган. Роман Россия давлат мукофоти (1978)га сазовор бўлган. “Лаънатланган ва ўлдирилганлар” (1992) романида ҳарбий казармалар ҳолати, собиқ иттифоқдаги ҳарбийлар ҳаёти ва жазолаш тизими ҳақида танқидий мулоҳазалар акс этган.

♦ *Астафьев В.* Звездопад. М., 1962; Кража. Где-то гремит война. Повести.М., 1968; Царь-рыба. М., 1980.

• *Макаров А.* Человеку о человеке. М., 1971; *Яновский Н.* Виктор Астафьев / Очерк творчества. М.: Сов. Писатель, 1982.

АСТЕИЗМ (юнонча: asteismos – ҳозиржавоблик, ўткир ҳазил) [поэтика] – тасвирий восита. Киноя (ирония)нинг ўзини пастга уриб айтилган тури. Мас., *Ифлос қўлларимни гўзал оёқларингиз б-н босманг.*

• *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51.

АСТЕРИКС [ноширлик санъати] – матнларни ўзаро мазмун жиҳатидан ажратиб турувчи белги, юлдузча (*). А. ноширлик ишида ажратувчи белги сифатида, кўпинча, учта юлдузча (***) шаклида қўлланилади.

• *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.35.

АСТИАГ – (м.а.584–530) [мифология] – Мидиянинг сўнгги ҳукмдори. Эрон шоҳи *Иштувег*нинг юнонча номи. Кир II томонидан ўлдирилган. Ҳерадотнинг “Тарих” китобида “Тўмарис” ҳақидаги ривоятни келтириш б-н бирга “Астиаг” тарихини ҳам ёзиб қолдирган. А.дан сўнг Мидия давлати таназзулга юз тутиб, Эрон шоҳларига бўйсунган. Унга қадар Мидия манбаларда Эрон эмас, туронлик сифатида т.га олинган.

• *Рустамова А., Набиев Б., Караев Я.* Азербайджанская лит-ра (для азербайджанской диаспоры). Баку: Элм, 2005. С.17-18.

АСТРАЛ МИФЛАР (юнонча: юлдуз) [мифология] – самовий мифлар бўлиб, осмон ёритгичлари, юлдузлар, к.б. самовий жимслар ҳақидаги мифлар. Бу туркум мифларда юқори дунё (арши аъло), яъни само маъбудларнинг доимий қароргоҳи сифатида белгиланган. У ерда маъбуд Хэглун яшайди, у Катта Айиқ юлдузи деб реаллаштирилади. Кичик Айиқ юлдузлари эса маъбуд Манги тимсолидир. А. мифларда бир неча космогоник персонажлар иштирок этади. *Ўн икки бурж* ҳақидаги мифлар юнон, хитой ва туркий халқлар мифологиясидан ўрин олган. Бу туркум мифларда Зуҳро (шумерларда Инанна, семитларда Астар) асосий персонаж сифатида қатнашади. А. мифлари мунажжимлар башоратларига асос бўлган.

Мунажжимлар юлдузларнинг самодаги ўрнига қараб фол очишган, бўлажак хавфдан хабар беришган.

• *Анисимов А.Ф.* Космологические представления народов Севера. М.-Л., 1959; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.96.

АСТРОБОДИЙ, Низом – ҳиндистонлик форсигўй шоир. "Меърожу-л-хаёл" қасидасини ёзган. А. ҳақида Содиқбек Афшар тазкирасида маълумот берилади. Шунингдек, тазкирада ўрта осиёлик шоирларнинг "сабки Ироқ" услуби, Ҳиндистонда битилган янги асарлар, Фузулий Бағдодийнинг озарбойжон ва форс т.даги девони куллиёти ўзбек шоирлари ўртасида машҳур бўлгани, Шарқий Туркистон шоирлари б-н ижодий алоқалар, эронлик, ҳиндистонлик, хуросонлик шоирлар асарларининг Ўрта Осиёда мухлислари томонидан кўп нусхаларда кўчирилиши ҳамда ўрта осиёликлар асарларининг Ҳиндистон, Эронда ҳам маълум бўлгани ҳикоя қилинади. Абдуллоҳ Кобулийнинг ҳиндистонлик адиблар тўғрисидаги "Тазкирату-т-таворих" (1601) асарида ҳам у ҳақда хабар берилган.

• *Шайхзода М.* Тазкирачилик тарихидан / Асарлар. 4-ж. Т.: Ад-т ва санъат, 1972. Б.307.

АСТРОЛОГИЯ (юнонча: astra + logos – сўзма-сўз: юлдузлар ҳақидаги таълимот) – мунажжимлик. Айрим кишиларнинг юлдуз ва бошқа сайёралар ҳаракатига қараб фол очиши ёки келажак воқеаларни олдиндан айтиши. Шарқда, қад. Мисрда шаклланган. Деярли ҳар бир қад. халқларда А.дан астронимияга ўтиш даври кузатилади. Айниқса, ўрта асрларда тараққий этган. А.нинг машҳур қад. вакиллари: Парацельс, Кардано, Тихо де Браге, Кеплер в.б.

АСТРОНИМ (юнонча: astron – *юлдуз*, onima – *исм*) – адабий тахаллус турларидан бири. Тахаллуснинг қандай ҳосил қилинишига қараб унинг *псевдоним, анаграмма, ананим, криптоним* каби турлари мавжуд. А.да ҳеч қандай сўз ёки ҳарф ишлатилмасдан юлдузча (***) ёки шунга яқинроқ белги қўйилади. Яна қ.: *атрибуция.*

• *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.25.

АСТРОФИЗМ [поэтика] – шеър бандидаги бирхилликни ҳосил қилувчи жиҳатлардан воз кечиш. Шеърнинг бир банди иккилик тарзида келса, иккинчи банди тўртлик, бошқа бандлари саккизликни ҳосил қилиши мумкин. Бундай ритмик белгиланиш шеърнинг ички табиатидан келиб чиқиб ҳосил қилинади. Баён характеридаги шеърлар ёки достонларда А. дан фойдаланилади. Рус ад-тида А.С.Пушкиннинг "Полтава" достонида шундай банд ташкил қилиш усули қўлланилган. Ўзбек шеъриятида Чўлпоннинг "Бузилган ўлкага", Фитратнинг "Шарқ" шеърларида, Миртемирнинг "Сурат" достонида А. усулидан фойдаланилган.

• *Иванов Л.* Астрофическое стихотворение / Словарь лит-ведческих терминов. Сост Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М.: Просвещение, 1974. С.23; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51.

АСТРОФИК ШЕЪР [поэтика] – банддаги бир хил қонуният ва такрорларга амал қилмайдиган шеър. А.ш. тузилишда бир банд тўртлик шаклида, иккинчиси иккилик, учинчи банд яна бошқа (мас., саккизлик) тарзида бандлаштирилиши мумкин. А.ш. типига баёний характердаги, воқеабанд шаеърларда, баъзан достонларда мурожаат этилади.

• *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.113 (эл.версия).

АСУКА (японча:) [тарихий жараён] – Япония тарихидаги даврлардан бири (552–645) бўлиб, буддавийлик мана шу даврда давлат дини сифатида тасдиқланган. Бу даврда феодал муносабатлар кучайиб, қўшни Хитой ва Корея б-н сиёсий ва маданий алоқалар кенг йўлга қўйилган, хитой иероглифик ёзув тизими қабул қилиниб, япон календари жорий қилинган. Кўплаб буддавийлик ибодатхоналари қурилган. Уларга санъат асарлари сифатида муносабатда бўлинган, ёғоч ва бронза ўймакорлиги кучайган эди.

Айни даврда ёзув шаклланиб, кўплаб оғзаки ижод намуналари ёзиб олинган. Ёзма ад-тнинг илк намуналарини тўплаб ва баёзлар яратиш анъанаси ҳам мана шу даврда шаклланган.

• Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.15.

АСУРА (санскритча: ҳаётий қувватга эга, жонли) [мифология] буддавийлик мифологиясида алоҳида жоду кучи б-н яратилган персонаж. Ривоятга кўра, А. дастлаб илоҳий қувватга эга бўлганлар, яъни маъбудлар даражасида саналган. Улар шайтон б-н тўқнашганидан сўнг *а-сура* (худо эмас) маъносида талқин этилган. Махаянага кўра, А. буддавийликнинг ҳимоячисидир.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.118; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С. 15.

АСФАНДИЁРХОН (? – 1918) – Хива хони (1910–18). Муҳаммад Раҳимхон Соний (II)нинг ўғли. 1910, 1914 й.ларда Петербургада бўлган, чор ҳукумати ёрдамида тахтга чиққан. 1905 й.дан ташкил этила бошлаган ёш хиваликлар ташкилоти А. даврида кучайди, сиёсий ҳокимият учун кураш бошлади. 1917 й.да ёш хиваликлар талаби б-н А. ислоҳот ўтказишга мажбур қилинди. Давлат ишларини назорат қилувчи “Идорайи машварат” тузилган. Жунайдхон томонидан яширин суратда ўлдирилган.

АСФОР (арабча: сафарлар) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида орифлар ва соликларнинг Ҳаққа сафари. Мулло Садронинг ёзишича, соликлар ҳақиқат сафарида тўртта йўлни: халқдан Ҳаққа томон (1), Ҳақдан Ҳаққа (2),

Ҳақдан халққа (3) ва халқдан халққа (4) сафарини ўташи лозим. А.Жомий "Нафаҳоту-л-унс" асарида бу йўлларнинг талқинини берган. Тасаввуфий талқинда А. *азал*дан охиратга қадар мавжуд бўлиб, жаҳон халқи мусофир каби шу йўлни босиб ўтади. Йўқлик оламидан борлиқ томонга йўналгани (инсоннинг яратилиши) каби борликдан йўқлик сари ҳам бу сафар давом этади. *Жузв* (бўлак)лар *кулл* (бутун) томон, нима қаердан келган бўлса ўша томонга кетади. Яъни ҳар бир нарса ўз асли томон сафар қилади. Ҳақдан яратилган инсоният ҳам Ҳаққа томон қайтади. Муҳим манзиллари 8 тадир: талаб, ахлоқни поклаш, ислоҳ, аҳволнинг намоён бўлиши, шавқ ва изтироб, ишқ муҳаббат, сукру ҳайрат, фаноу бақо ва тавҳид марҳаласи.

- *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlugü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.?.

АСҚАД МУХТОР (1920/23.XII–1997/17/IV) – ўзбек адиби, мух-ри ва жамоат арбоби. Фарғона ш.да туғилган. Ўз-н халқ ёзувчиси (1980). Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1972) соҳиби. ЎОДУ (ҳоз. ЎзМУ)нинг филология фак-тини 1942 й.да тамомлаган. Фарғона, Андижон (кафедра мудири 1942–45) педагогика инс-тларида ишлаган. "Ёш ленинчи", "Қизил Ўз-н" газ.ларида масъул котиб ва бўлим мудири (1945–48) бўлган. Ўз-н Ёзувчилар уюшмасида бошқарув котиби (1957–69, 1985–88), «Шарқ юлдузи» (1960–65), «Гулистон» (1969–80), "Ўз-н ад-ти ва санъати"да бош мух-р (1981–82) бўлган.

Илк достони "Бизнинг авлодлар" 1939 й.да чоп этилган. "Пўлат қуювчи" (1947) достони, "Ҳамшаҳарларим" (1949), "Раҳмат, меҳрибоним" (1954), "Чин юракдан" (1956), "99 миниатюра" (1962), "Шеърлар" (1966), "Сирли нидо" (1984), "Қуёш беланчаги", "Сизга айтар сўзим" шеърлар тўпламлари; "Дарёлар туташган жойда" (1950), "Бўронларда бордек ҳаловат" (1976), "Бухоронинг жин кўчалари" қиссалари ва "Опа-сингиллар" (1954), "Туғилиш" (1961), "Давр менинг тақдиримда" (1964), "Амударё" (1986) романларининг муаллифи. Болаларга атаб "Мардлик чўққиси" (1948), "Чин юракдан" (1956), "Дунё болалари" (1962), "Илдизлар", "Жар ёқасидаги чақмоқ" (1984), "Кумуш тола" (1988) сингари асарлар ёзган. Драматик асарлари ва пьесалари "Тонг б-н учрашув" (1987) китобига жамланган.

"Чинор" (1969) романи афсона ва ривоятларини ўзига хос тарзда синтез қилган, замондошларининг онги, шуури, қалби ҳақидаги ҳақиқатни янгича шаклларда ифода қилган роман сифатида эътибор қозонган. Адиб қаҳрамонлари фикрловчи, мушоҳада юритувчи, баҳслашувчи кишилардир. Бу ҳол унинг лирикаси учун ҳам хосдир. Ўзбек романчилигида А.М. романларига нисбатан илк бор "интеллектуал роман" ибораси қўлланилган (О.Шарафиддинов).

Софокл ("Шоҳ Эдип"), Шекспир ("Ричард III"), Шиллер ("Қарокчилар"), Пушкин ("Мис чавандоз", "Хасис рицарь"), Лермонтов ("Испанлар", "Қочоқ"), Р.Тагор ("Табиат интиқоми"), Ю.О'Нил ("Қайрағоч соясида") в.б. жаҳон адибларининг асарларини ўзбекчага тарж. қилган. "Ёш дўстларимга" (1971, 1980) адабий ўйлар ва эсселар китоби, "Уйку қочганда" (Тундаликлар,

1997) фалсафий мушоҳадалар муаллифи. Юзга яқин адабий-эстетик ва публицистик мақолалар ёзган. А.М.нинг "Ўзим ва шеър ҳақида" автобиографик мақоласи "Ад-тимиз автобиографияси" (Т., 1973)да эълон қилинган.

Тошкентдаги Чигатой қабристонига дафн этилган.

♦ *Асқад Мухтор.* Қуёш беланчаги. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1971; Асарлар. Т., 1980-83; Ёш дўстларимга. Т.: Ёш гвардия, 1971, 1981; Тонг б-н учрашув. Т., 1987; Тундаликлар (Уйқу кочганда). Т.: Маънавият, 1997; Хорижий драматургия Аскад Мухтор таржимасида. Т.: Санъат, 2010; Шеър – шоир виждони. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

- *Саймов Б.* Аскад Мухтор прозаси. Т., 1969; *Каримов Ҳ.* Асқад Мухторнинг инсонни тасвирлаш санъати. Т., 1972; Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т., *Раҳимжонов Н.* Аскад Мухтор поэтикаси. Т.: Ғ.Ғулом нашр., 2003.

АСҚАЛОНИЙ ????

АСҚАРОВА, Мазлума (1924-?) – тилшунос олима, филология фанлари доктори (1964), профессор (1966). ПФА аъзоси (1967), Ўзб-нда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965). Тошкент ш.да туғилган. Низомий номидаги пед.инс-тни тамомлаган ва шу инс-тда умрининг охирига қадар ишлаган. "Ҳоз. ўзбек т.да равишдошлар" (1951), "Ҳоз. ўзбек т.да қўшма гапларнинг боғланиш типлари ва усуллари" (1963) тадқиқотлари муал.и. Олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмаларни нашрга тайёрлаган.

♦ *Асқарова М.* Ҳоз. замон ўзбек т.да қўшма гаплар. Т.: Фан, 1960; Ҳоз. замон ўзбек т. 2-кисм. Синтаксис. Дарслик. Т., 1965.

- *Шукуров Ш., Базарова Д.* Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.15-16.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119.

~ и расс (арабча: қудуқ эгалари) [мифология]

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119.

~ и руҳун – гаров эгалари. Шундай кишиларга айтиладики, тижорат аҳли каби ўз амаллари учун гаровга мукофот олишади.

~ и сакинати кубро – улуғлик маконининг эгалари. Улар шундай кишиларки, уларнинг кўнгиллари малакутий нурлар б-н мунаввардир. Уларнинг мулки бўлиб қолган ва қалби тажаллиёт партави (нури) ва илоҳий файзиётлар б-н ором топади *(Суҳравардий, Ҳикмату-л-ишроқ. 250).*

~ и сир – сир эгалари. Шундай кишиларки, улар назардан яширин бўлишади. А.С. ҳақида шундай ёзилган: "Қачонки ҳозир бўлсалар, ҳеч ким уларни танимайди, қачонки ғойиб бўлсалар, бутунлай йўқ эмасдайлар, қачонки уларни кўрсалар, ҳеч ким уларга эътибор бермайди ва улар яширин ва пархезкордирлар *(Кошоний, Шарҳи манозил ус-соирийн).*

~ и сукр – илоҳий жазба аҳли, мажзублар. Сукр – мастлик ҳолати, яъни мастлик. Бироқ ичимликдан жисмоний мастлик эмас, балки сулукдаги жазба ҳолати. Бу – ваҳдат ва тавҳид бодасидан, малакут нурлар ҳароратидан мастликдир. Авлиёларнинг ҳар хил сукр ҳолатлари мавжуд: баъзилари сукр арбоблари бўлиб, мастлик ҳолатида покиза дилларидаги илоҳий сирларини очиб ташлашади. Бошқа бир сукр аҳли эса агар мастликда айтиб қўйсаларки: мен дарё булоғи-чашмасиман, унинг бехуд (ўзида эмаслигидан) ажабланмаслик керак. *(Лоҳижий, шарҳи Гулшани роз. 29)*

Наз хиш бошам огаҳ ва наз қатра ни зи мавж,
Дар баҳри жарф бихуди ар гутаи хурам.

Таржимаси: Ўзим қошимда огоҳман, найнинг қатраси олдида мавж-тўлқиндан бехудликнинг чукур денгизида агар шўнғисам айб қилмангиз.

~и суффа – суффа аҳли. Мадиналик фақирлар ва муҳожирлар. А.с. Саодат асри (Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётлик даври)да Мадина шаҳрида пайғамбар масжиди суфаси (айвонида) яшашган. Сўфийлик фирқаларининг ҳар бири ўз шажаралари номларини улардан олишган. А.с. пайғамбар (с.а.в.)га юксак садоқатда бўлишган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) уларнинг фақру фақир, чин дилдан Худога ибодат қилувчи инсон эканликларини гапириб, дуои хайр қилгани ва мақтагани тўғрисида ривоятлар мавжуд. Ҳужвирийнинг "Кашфу-л-маҳжуб" асарида А.с. сифатида Абу Хурайра, Салмон Форсий, Абу Зарр, Сухайб Румий, Абу Муса Ашарий в.б. келтирилади.

~ и уҳдуд (арабча: ҳудуд) [мифология] –

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119.

~ и футуҳ – файз эгалари. Илоҳий олам (қудсий олам)га вакил қилинганлар (мутаваккиллар)га А.ф. дейилади. Чунки уларнинг озуқалари маънавий озуқа, руҳоний ҳаёт ва файзлар (футуҳлар)дан иборат.

~ и шариат – шариат аҳли. Шариатга эргашувчиларга нисбатан айтилади. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг "Кашфу-л-асрор" асарида А.ш.нинг тариқат аҳлидан фарқи англатилган. Шараъ (шариат) йўли кенг йўл бўлиб, қурб (тариқат) аҳли яқинлик йўлидир.

~ и шақоват – бадбахтлик эгалари. Жаҳаннам аҳлига нисбатан айтишади.

АТА САЛИҲ – қ.: Ота Солиҳ

«АТАБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ» ("Ҳибату-л-ҳақойиқ", XII–XIII) – Адиб Аҳмад Югнакий асари Туркия, Олмония, АҚШ в.б. хорижий мамлакатларда шу ном б-н юритилади. Асар номининг биринчи ҳарфи (ҳамза) бўлиб, унга ҳеч

қандай диакритик белги қўйилмаган. Шунинг учун бу ҳарфни Фитрат, Радлов каби олимлар "Ҳ" ўқишган, Нажиб Осимбек (1918), Фуод Кўпрулу (1923), Рашид Раҳмати Арат (1944) в.б. турк олимлари "А.х." деб ўқиганлар. Шундан турлича номланиш келиб чиққан. Турк тилига Рашид Раҳмати Арат томонидан 1951 й.да тарж. қилинган ва "А.ҳ." номи б-н уч марта тўлиқ ҳолда нашр қилинган (1951, 1992, 2006). Нашрда Самарқанд (А нусха, Аё Сўфийа кутубхонаси, 4012-рақамли), Истанбул (В нусха, Аё Сўфийа кутубхонаси, 4757–рақамли; С нусхаси Тўпиқапи саройи, 35552–рақамли), Анқара (D нусхаси Узункўпру, Саид Али кутубхонаси; Е нусхаси Ҳожи Жаъфар Иброҳим кутубхонаси), Берлин (F нусхаси Прусия фанлар академияси) нусхаларини ўрганиб чиқиб, асосан, А, В, С нусхаларини қиёслаб "А.ҳ."ни туркчага ўгирган. Китобга батафсил сўзбоши, граматик очерк ва изоҳлар бор. Шунингдек, "А.ҳ." 2006 й.ги нашрига А, В, С нусхаларининг ксерокопияси ҳам илова қилинган.

Хорижлик олимлар Броккелманн, Самойлович, Радлов, Т.Ковальский, Ж.Дени, Боровков кабилар бу соҳада тадқиқотлар яратганлар.

♦ *Edib Ahmed b. Mahmud Yukneki.* Atebetül-Hakayık / Hazırlayan Reşid Rahmeti Arat. Ankara: 2006. 528 s.

• *Necib Asım.* Uygur yazısı ile Hibetu'l-hakayık'ın dığer nüshası // Türkiyat. 1925. I. S. 221-233; *M.Fuad Köprülü.* Hibetu'l-hakayık // Milli tetebbülar мecmuası. Sayı 5. S.369-380.

АТАЛАНТА Беотийли (юнонча: Atalanta) [мифология] – юнон мифологиясида малика, Схенейнинг қизи. Мифга кўра, А. кийикдай тез югурувчи. А.га харидор бўлган шаҳзодаларга тез югуриб, унга етиб олиш шарти қўйилган. Мусобақада кўплаб номдор шаҳзодалар шартни бажаролмагани учун қатл қилинган. Ҳипумин исмли шаҳзода югураётиб, малика томонга олтин олмалар отади, бунга махлиё бўлиб секинлашган А.га етиб олади ва уни мусобақада енгади. Бошқа бир мифда А. овчи қиёфасида тасвирланади. Малика А. сюжети айрим юнон муаллифларининг асарларидан ўрин олган.

• *Шамсиддин Сомийбек.* Қомусу-л-аълом / А.Юнусов тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи Қўлёзма. Б.56.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.120.

АТАР (авесто) [мифология] – "Авесто"га кўра, ўт тимсолининг персонификацияси (шахслантирилгани), ҳинд мифологиясида, жумладан "Ригведа"да ўт, оловнинг доимий сифатловчиси. "Авесто"нинг гоҳ (гат)ларида бўйича мустақил ҳаракат қилмайдиган тимсол сифатида талқин қилинади. "Кичик Авксто"да А. Ахурамазда ўғли (Ясна 17, 1), яъни алоҳида шахс сифатида кўрсатилган. Қад. форс тақвимида "ўтга топиниш" ойи мавжуд бўлиб, олов б-н боғлиқ бир қатор маросимлар бор. Бундай маросимларнинг Накши Рустам барельфида, сақлар ва хоразмликларнинг қад. одатларида ҳам кузатиш мумкин.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.120.

АТАРАКСИЯ (юнонча: ataraxia – безовта қилмаслик, осойишталик, хотиржамлик) [поэтика] – бадиий асарнинг проблемасизлиги, бирор муаммони акс эттирмаслик ҳолати. Юнон ахлоқшунослигидаги руҳий осойишталикни англатувчи тушунчадан олинган. Юнон олимлари Демокрит, Эпикур томонидан ишланган таълимот. Бадиий асардаги сокин тасвирлар, кескин муаммолар йўқлиги, каҳрамонлараро интрига ва конфликсизлик А.га мисол бўла олади.

- *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51.

АТАСЎЗУ – турк т.да мақоллар шу ном б-н юритилади. қ.: Мақол.

АТАТУРК, Мустафо Камол Пошо – қ.: Отатурк.

«АТВОҚУ-З-ЗАҲАБ» (1130) – Маҳмуд Замахшарийнинг асари. Тўлиқ номи: "Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб" ("Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари"). Айрим манбаларда: "Насойиху-с-чигар" ("Кичикларга насиҳатлар"). Хоразм шоҳи Қутбиддин Муҳаммадга бағишланган юз мақоладан иборат асар. Ихчам ва гўзал тарзда ҳикматлар шодаси каби тартиб берилган. Ҳар бир мақола мавзуга оид Қуръони каримдаги ояти карима б-н тугалланган. А.з. таъсирида Шарафиддин Исфаҳоний (XIII), Муҳаммад Амин ибн Иброҳим (XIX), Мирзо Юсуфхон Аштиёний, Аҳмад Шавқий (XX) в.б. шу йўналишда асарлар битишган.

- *Замахшарий М.* Олтин шодалар / Туркчадан М.Маҳмуд ва Н.Раҳим тарж.си. Т., 2010.
- *Исломов З.* Қимматли манбалар силсиласи // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2010. 2-сон. Б. 109–111.

АТЕЙ (~ м.а. 429–339) – скифлар ҳукмдори. А. даврида скифлар ерлари кенгайган, Дунай ортидаги Добружа, Бужоқ (Гет) саҳроси кабилар қўшиб олинган. Филипп II нинг босқини туфайли унга қарши жангда ҳалок бўлган.

АТЕЛЛАНА (лотинча: Atella – Италия жанубидаги ш. номидан) – италян халқ комедиясининг тури. Қад. Римда м.а. III асрда вужудга келган. Комик саҳна ва қўшиқлардан иборат жанр, кўпроқ қишлоқ мавзуида ижро этилган. Жанрнинг хусусияти шундаки, унинг иштирокчилари ниқоб б-н саҳнага чиқишган, асосий персонажлари Маккус, Паппус ва Букко. А. анъаналари Европа драматургиясида давом этган. А. намондалари Квинта Невий, Луций Помпоний, кейинроқ Муммий.

- Краткая лит-ная энц-я. Т.1. М.: СЭ, 1962. С.351; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51.

АТЕНЕЙ (~200) – юнон нотиги ва тилшуноси. "Суҳбатлар таълимоти" асарининг муаллифи. Асарда қад. Юнонистондаги фан ва илмнинг турли соҳалари бўйича билдирилган қарашлар суҳбатлар тарзида баён қилинган.

АТЕТЕЗА [поэтика] – муаллиф матнини тиклашда онгли мистификацияга йўл қўйиш, бу асар аниқланган муал.га тегишли эмаслиги исботлаш. Бу ўринда матнни комплекс текшириш орқали матн муал.и деб расман эълон қилинган маълумотга антитеза тайёрланиб, бу матн унга тегишли эмаслиги исботланади. Мас., XX асрнинг 20-йилларида матбуотда Навоийнинг форсий шеърлар тўплами – «Девони Фоний» топилгани ҳақидаги хабар тарқалади. Фитрат домла бу девонни синчиклаб текшириш натижасида ушбу тўплам, Алишер Навоий – Фоний девони эмаслигини асослаб, "Навоийнинг форсий шоирлиги ва форсий девони тўғрисида" мақоласи (1926)ни эълон қилади. Кўп йиллар давомида Лутфийга тегишли деб ҳисобланган "Гул ва Наврўз" достони унинг асари эмаслиги манбалардан маълум бўлди. Ёки "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг муаллифи Дурбек эмас, деган хулосага келинишида А. ҳодисасини кўриш мумкин.

- *Николаев А.* Атрибуция и атетеза в классической филологии // Древний мир и мы Классическое наследие в Европе и России. СПб. Алетейя. СПб., 1997; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.35-36.

АТИШАЙОКТИ (санскритча: ошириш, бўрттириш) [поэтика] – санскрит шеъриятидаги бадиий воситалардан бири. Ўзбекча *муболаға* истилоҳининг муқобили. Дандин, Бхамаха, Рудрата, Кунтака, Анандавардхана, Маммата, Виш-верваша каби санскрит назариётчилари муболағага шеъриятнинг энг муҳим тури деб таъриф беришган. Шеърда унинг меъёрини билиб қўллаш лозимлигини алоҳида таъкидланган. Европа атамасидаги *гипербола*га мос келади.

- *Гринцер П.А.* Основные категории классической индийской поэтики. М., 1987; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51.

АТКА [тарихий жараён] – ёш, вояга етмаган подшоҳ ёки хон ёнида туриб, унинг номидан давлат ишларини бошқаришга масъул этилган шахс. Бу тадбирнинг афзаллиги шундаки, бунда ёш шахзодага ўзига хос амалий тажриба мактаби сабогини олиш имкони берилади ва келгусидаги масъулиятли вазифага уни олдиндан тайёрлаб борилади. Акбаршоҳ 13 ёшида тахтга ўтирганда унга оталик қиладиган тажрибали амир ва беклардан махсус киши қўйилган. Дастлаб "Хон бобо" унвонли Муҳаммад Байрамхон Шоҳ Акбарнинг аткаси қилиб белгиланган. *Аткахон* исми б-н машҳур бўлган Шамсиддин Маҳмуд Ганг дарёсида чўкаётган Ҳумоюншоҳни ўлимдан сақлаб қолган, шоҳ уни саройга олган ва Ҳумоюншоҳ вафотидан сўнг у Акбаршоҳнинг аввал аткаси, кейинчалик бош вазири бўлиб хизмат қилган. А. XVI–XIX асрларда *оталиқ* номини олган.

- *Берк С.М.* Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АТЛАНТ (юнонча исм: Atlas) [мифология] – юнон мифларига кўра титан, Иапед ва Клименанинг ўғли, Прометейнинг акаси. Мифга кўра, уни Персей тошга айлантириб қўйган. Титанлар б-н урушда Ер куррасини елкасида

кўтариб бориш топширилган. А.нинг қизи Гесперида А. эриша олмаган олтин олмага етишади.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.121.

АТЛАНТИДА – Африканинг ғарбида жойлашган афсонавий орол. Зилзила туфайли уммонга чўкиб кетган. Бу ҳақда Гелланик Лесбосли (V) «А.» асарини ёзган.

История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.380.

АТЛАС (юнонча Atlas – Атлант исмидан) – жуғрофий хариталар йиғиндиси. Биринчи марта географ Меркатор (XVI) томонидан истеъмолга киритилган. Унинг илк саҳифасида елкасида Ер шарини кўтариб кетаётган Атлант (Атлас)нинг сурати бўлган.

АТЛИ (қад. исландча: Atli; олмонча: Etsel) – германоскандинавия эпосининг бош қаҳрамони. Эпоснинг прототипи тарихий шахс хуннлар қироли Аттила (434–453). Асарда А. томонидан Бургунд қироллигининг емирилиши (437) ва А. ўлими воқеаси таъсирли тасвирланган. Исланд ва норвеж сага (халқ қиссаси)ларида ҳам А. тимсолида қаҳрамонлик тасвирланган.

• *Гуревич А.Я.* "Эдда" ва сага. М., 1979; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.121-122.

АТОЙИ (XV) – ўзбек шоири. Балхда туғилган. Мумтоз шеъриятда ғазал жанрининг тараққиётига ҳисса қўшган, ўзбек ва форс т.ларида ижод қилган. Балх ш.да яшаган, яссавийлик тариқати шайхларидан Исмоил отанинг ўғли. Мирзо Улуғбек саройга бир қанча шоир ва олимларни таклиф этганда, улар орасида А. ҳам бор эди. А.нинг биргина девони ("Девони Шайхзода Атойи") маълум. Девонда шоирнинг 260 ғазали жамланган бўлиб, Россия ФА Санкт-Петербург бўлимида сақланади (инв. 22В-2456). А. ҳақида Ҳазрат Навоийнинг шундай эътирофи бор: "Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ шингдурким:

Ул санамким сув қирғинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклугидин сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эътиётиға муқайяд эмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур". А. шеъриятида ғазал жанри етакчилик қилади, уларнинг аксарияти тасаввуфий руҳда. Тил ва услуб жиҳатидан халқ ижодига яқин бўлиб, халқ иборалари, таъбирлари, мақолларига бойлиги б-н ажралиб туради. Бу омиллар шоир ғазалларининг ёқимтайлигини таъминлаган.

♦ Ўзбек ад-ти намуналари (туз. проф. Фитрат). Т.: 1928; 2. *Атойи.* Ғазаллар (нашр. тайёрл. Э.Рустамов). Т., 1958; Избранные газели. Т., 1960; Кровное слово (Перевод С.Иванова). Т., 1981; *Атойи.* Ғазаллар / Ҳаёт васфи. Т., 1988; Девон. Т., 2009.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. XII т. Т., 1966. Б.62-63; *Рустамов Х.* Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963; *Рафиддинов С.* Мажоз ва ҳақиқат. Т., 1998.

АТОМИЗМ (юнонча: atomos – бўлинмас) [эстетика] – фалсафада билиш назариясининг тарқалишида алоҳида рол ўйнаган Левкипп ва Демокрит эстетикасига асосланган. Демокрит таълимоти бўйича инсоннинг вақтини хуш ўтказишлиги хушкўнгиллик (кўнгилхушлик эмас) билан боғлиқ. Хушкўнгиллик ахлоқи гўзаллик эстетикаси билан боғланади. Олим ёзадики, ҳар қандай ҳузурланишга интилмаслик керак, фойда келтирмайдиган ҳузурланишдан воз кечишлик талаб этилади. Демокрит гўзаллик эстетикасида меъёр категориясини илгари сурган бўлиб, унингча, энг хуш кўринган нарса, нохушликлар келтириши", кўнгил хушлиги кўнгилсизликка сабаб бўлиши мумкин.

• *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51

АТОУЛЛОҲ ҲУСАЙНИЙ (XV аср ўртаси – 1513) – асли нишопурлик шоир ва олим, «Бадойиъу-с-санойиъ» муал.и. Тўлиқ номи Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний Нишопурийдир. Манбаларда аллома ҳаёти ҳақида маълумот кам учрайди. Ҳиротда ўқиган. А.Ҳ. Нишопурда туғилган бўлса-да, асосин Машҳадда яшаган, унинг илмий-мударрислик фаолияти ҳам ўша ерда кечган. Навоийнинг "Мажолис..."ида А. шундай тавсифланади: "Бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноъъда даги маҳорат пайдо қилди ки муаммоға кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин анга авқоти вафо қилмас, аммо саноъъда китобе тасниф қилибдур "Бадоъи Атоий"га мавсумдур. Эмди баёзға борди. Маълум эмаским, бу фандаҳаргиз ҳеч киши онча жамъ ва муфид китоб битимиш бўлғай. Бовужуди ихтисор мақлуби муставий (араб ёзуви бўйича ўнгдан ҳам, чапдан ҳам ўқилиши мумкин бўлган шеър) санъатидаким, андин мушкулроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

Шаккар даҳано, ғаме надорад,
Дайр ову найи мугона даркаш.

Анинг табъи диққатиға бу байт далили басдур".

Ҳазрат Навоийнинг ушбу сўзлари айни ҳақиқат экани нафақат ушбу байтда балки форс т.да илми бадеъга доир мукаммал асар яратганида ҳам кўринади. Муаллиф ўзи ҳақида *«Умримнинг бошларида, фароғат ёшларида бу каминада дилрабо назму санъаткорона нутққа табиатан комил бир майл бор эрди ва имкон борича ушбу фан била машғул бўлур эрдим. Тангрига ҳамду шукрким, ул асарлардин ҳар неким, замона саҳифасида зоҳир бўлса улуғу кичик қошида манзуру мақбул бўлди»* деб ёзади. Шунингдек, балоғат ёшида бадиият илмига доир мукаммал бир китоб ёзмоқчи эканини ҳам эслатади: *«Агар каромат соҳиби карам айласа, «Такмилу-с-синоъа» («Мукаммал санъатлар») китоби ёзилғай ва анда шеърнинг жамиъ фунун муфассалу мукаммал баён этилғай».* Бобур у ҳақда: "*Яна Мир Атоуллоҳ*

Машҳадий эди. Арабий тилини яхши билур эди. Қофияда бир форсий рисола битибдур, таврк битибдур, айби будурким, амсила (мисол) учун тамом ўзининг абётини келтурубтур" ("Бобурнома", 179а). Алишер Навоий "Бадойиъи Атойи" деб атаган "Бадойиъу-с-санойиъ" асари форс т.ида ёзилган бўлиб, олий мадрасаларда бадиият илмидан дарслик-қўлланма сифатида фойдаланилган. Асарнинг матни Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланади.

♦ *Атоуллоҳ Ҳусайний.* Бадойиъу-с-саноеъ / Форсчадан А.Рустамов тарж. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1981.

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.122-123; *Шайхзода М.* Навоийнинг шеършунос шогирди / Асарлар. 4-т.

АТМАН (санскритча: бошланиш) – ҳиндуизм фалсафасидаги марказий тушунчалардан бири. Руҳий дунёнинг ибтидоси тушунчасини англатади.

• Шарқ фалсафаси. *Низомиддинов Н.Ғ.* Жанубий, Жануби-шаркий ва шаркий Осиё халқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010.

АТРАХАСИС – Аккад мифологиясидаги қаҳрамонлардан бири.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.123.

АТРИБУТ (лотинча: atributio – ўзгармас; бахш этмоқ) [матншунослик, лингвистика] – нарса ва ҳодисанинг ўзгармас муҳим моҳияти. Фалсафада тушунча объектининг зарур, муҳим хусусияти. Мас., нутқда қарашлилик, бирор предмет ёки ҳодисанинг доимий сифатловчиси. Бад. асарнинг муаллифи, ёзилиш ўрни ёки даврига оид зарур белги ва хусусиятлар. Тилшуносликнинг синтаксис қисмида *аниқловчи*га нисбатан ҳам А. истилоҳи қўлланилади.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.78.

АТРИБУЦИЯ (лотинча: attributio – нисбат бериш, аниқлаш) [матншунослик, ижодий жараён] – муаллифи номаълум бадиий ёки илмий асарнинг муаллифи, ёзилиш ўрни ва даврини тиклаш. А. бад. асар таҳлили, яъни унинг услуби, т. ва бошқа жиҳатларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. А.да социологик, лингвистик ва стилистик таҳлил тамойиллари орқали иш кўрилади. А. матншуносликнинг илмий муаммоларидан биридир. XIX асрдан А. тиклашда услубий таҳлил етакчилик қилмоқда. А. ни аниқлашда мемуар ва эпистоляр жанридаги асарлар мурожаат ҳам лозим бўлади. А. тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин. А. ёрдамида бирор асарнинг муаллифлиги узил-кесил тикланса, тўлиқ А.; агар унга дахлдор бирор унсур ёки белги аниқланса, қисман А. содир бўлади.

• *Томашевский Б.* Писатель и книга: Очерк текстологии. Л., 1928; *Ланн Е.Л.* Лит-ная мистификация. М.-Л., 1930; Реставрация и исследование художественных памятников. Сб. М., 1955; *Берков П.Н.* Об установлении авторства анонимных и псевдонимных произведений XVIII в. // Русская лит-ра. 1958. № 2; *Виноградов В.В.* Проблема авторства

и теория стилей. М., 1961; *Николаев А.* Атрибуция и атетеза в классической филологии // Древний мир и мы: Классическое наследие в Европе и России. СПб. Алетейя. СПб., 1997; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. – Москва: 1999. С.408, 416; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.37.

МАТН ~ си – бирор адабий ёки тарихий матн А.ни тиклаш. М.а.да тарихий ҳужжатлар ва архив материаллари, бир даврга тегишли матнларнинг қиёсий тадқиқи, матн котиби, хат тури, хаттотлик мактаби; уни китобат қилиш жараёни, китоб материали (қоғоз, сиёҳ, муқова в.б.) иштирок этади. Уларни ўрганишда замонавий таҳлил усуллари макро- ёки микросъёмка, рентген, лазер ва ультрабинафша нурларидан фойдаланиш ҳам мумкин. А.ни тиклашда матншунослик б-н бир қаторда тазкира ва рисола (трактат)ларни алоҳида ўрни бор. Чунки қўлёзмаси тўла сақланмаган асар муал.и ҳақида унинг замондоши бўлган тазкиранавис ёки рисола муал.и мазкур асарнинг кимга тегишли эканини аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

- *Лихачев Д.С.* Вопросы атрибуции произведений древнерусской лит-ры. // ТОДРЛ. т.17. М.-Л., 1961; *Николаев А.* Атрибуция и атетеза в классической филологии // Древний мир и мы: Классическое наследие в Европе и России. СПб. Алетейя. СПб., 1997; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.408, 416; *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.38.

АТРОК (арабча: турклар) [этногенетика] – туркий қавмларга бериладиган умумий ном, ўзбек халқи этногенезисида асос бўлган қавм, қабила ва уруғлар йиғиндиси.

АТТИКА – қад. Юнонистондаги вилоят. Афина атрофидаги ҳудудларнинг А.га бирлашуви Тесей даврида содир бўлган. Ҳозирги Грецияда ҳам А. номли маъмурий-ҳудудий бирлик сақланган. Бу ҳудудда яратилган адабий асарлар ўзига хос жиҳатларга эга. Юнон адабий анъаналарининг янгиланиши А. ад-ти б-н боғлиқ.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АТТИКИЗМ (юнонча: Attikos – қад. Юнонистондаги ярим орол) [риторика] – қад. юнон ва Рим риторикасидаги адабий оқим. М.а. II асрда *азианизм*га рақобат қилувчи йўналиш сифатида шаклланган. А. назариётчиси Дионисий Галикарнасли, унинг вакиллари наср ва драматурнияда уч юз йил аввалги анъаналарни тикламоқчи бўлганлар. Кейинчалик мумтоз ад-тнинг т. меъёрларига муносабатда азианизм б-н мунозара қилиб енгиб чиққан ва аттик наср талабларига уларга ҳам бўйсуниб, унинг таркибига сингиб кетган.

- Краткая лит-ная энц-я. Т.1. М.: СЭ, 1962. С.355; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.52.

АТТИЛА Мундцук ўғли (в.453, хуннча: Худонинг балоси) – туркий қавмлардан бири хуннлар иттифоқи етакчиси, Европада хуннлар давлатининг асосчиси. “Худонинг ғазаби” лақаби б-н машҳур. V асрда марказлашган Хунн давлатини барпо этган ва бошқарган (434–453). Венгрия (можар т.да Hungary)да ўзи б-н ҳамҳукмдор бўлган акаси Бледуни ўлдириб (445), яккаҳокимликни қўлга киритган. Волгадан Дунайга қадар хуннлар, германлар ва сарматларни бирлаштирган. Галлия, Германия, Шим. Италияни ишғол этган. А. иттифоқи таркибига остготлар, гепидлар, геруллар, ругийлар, ҳазарлар в.б. кирган. А.нинг қароргоҳи Можаристоннинг Токай ш. бўлган. Мизия, Фракия, Иллирика ва Константинополни ўзига бўйсундирган. Ғарбда Германия ва Римни истило қилган. Паннонияга келиб, Бургунд маликасига уйланаётган пайтда заҳарланиб, ўлдирилган. А.нинг ўғли Эрнак даврида хуннлар мустақилликни қайтариб олганлар. Кейинроқ унинг иттифоқи тарқаб кетган. Халқ томонидан А. ҳақида қўшиқ ва достонлар тўқилган.

Хуннлар (VI-II мингйиллик) даври Европа ва Осиёда то м.а. II асргача мавжуд бўлган. Хитойдаги Хан империяси (м.а. 202-милодий 220 йиллар) б-н ўзаро маданий алоқада бўлгани Хитой манбаларида қайд этилади. Хунн сулоласининг асосчиси сифатида Тўнғу (хитойча Чўнвей, Чўнгбаг)нинг кўрсатилиши (м.а. 1200 йиллар) хуннлар даври узоқ давом этганини англатади. *Хунну* хитойча: бегона, яъни хитойлик эмас, бефойда, натижасиз маъноларини билдиради. Катта қомус (БСЭ)да Урал ва Марказий Осиёдаги кўчманчи элатлар туркий қавмлар деб тавсифланиб, хуннлар уларнинг кейинги Ғарбга қараб юришлари туфайли Европани забт этгани т.га олинади. *Хуп-ну* Ши-Цзу, яъни *Хунну* бу қавмнинг асосчиси эканини ёзади. Хуннлар Шимолий Хитой, Мўғулистон, Ордос, Гансу, Ғарбда Касбий денгизи бўйлари ва Кавказ тоғларигача, Шарқда Буюк Хитой деворигача, Жанубда Ҳиндистон ва Тибетгача бўлган улкан ҳудудда яшаганлар. М.а. I асрда улар бир неча қабилавий иттифоқларга, яъни Шарқий иттифоқ б-н Ғарбий иттифоққа бўлиниб кетган. Ғарбий иттифоқ Европага кетиб, Шим. Кавказда аланлар давлатини, Фракияда готларни, *А.* даври (434-453)да Шарқий Рим ва Византияни эгаллаган. Уларнинг авлодлари ҳозирги Можаристон (Хунгару)да сақланиб қолган.

• *Турғун Олмос.* Қисқача хунлар тарихи. Қашғар, 1986 (араб ёзувида); *Гумилев Л.* Хунну. Москва: Изд. Восточной лит-ры, 1960; *Иностранцев К.А.* Хунну и гунны. Л., 1926; *Бернштам А.Н.* Очерк истории гуннов. Л., 1951; БСЭ. т.7. М.: СЭ, 1972. С.450; *Раҳмонов Н.* Турк хоқонлиги. Т., 1993

АТТИТЬЮД (инглизча: attitude – вазият; муносабат) [ижод психологияси] – кўриш орқали идрок этишни тайин қилиш. Эстетик туйғуларни онгсиз равишда тўғридан-тўғри идрок этиш орқали ҳиссий кўникма ҳосил қилиш. Аналитик тафаккурнинг зидди.

• *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.41.

АТТОР, Фаридиддин (1148–1221) – буюк мутасаввиф ва шоир. Асл исми Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Абубакр Иброҳим бўлиб, "Фаридиддин" (диннинг ягонаси) унга берилган тавсифий унвондир. Нишопур якинидаги Шодяҳ қишлоғида туғилган. Шайх Мажидиддин Багдодий, Шайх Рукниддин сингари суфийлардан таълим олган. Ҳаж сафарини ўтаган, Миср, Ирок, Шом мамлакатларининг турли ш.ларида саёҳатларда бўлган. Шеърий асарлари манзума ва достонлар битган. "Девон"и асарлари каторида саналади. Тазкираларда 190 дан ортиқ асарлар ёзгани айтилган. Давлатшох Самарқандийнинг "Тазкирату-ш-шуаро" асарида унинг шеърий асарлари ҳажми 250 минг байтга яқин деб кўрсатилган. Асосий илмий-фалсафий ва тасаввуфий руҳдаги асарлари: "Ҳайдарнома", "Жавоҳирнома", "Шарҳу-л-қалб", "Хусравнома", "Асрорнома", "Мусибатнома", "Мухторнома", "Илоҳийнома", "Булбулнома", "Панднома", "Меърожнома", "Гумгумнома", "Вуслатнома", "Уштурнома", "Жавҳару-з-зот", "Ҳайлож", "Мазҳару-л-ажойиб" («Мўъжизаларнинг кўриниши»), "Лисону-л-ғазаб" в.б.

А. асарларида тасаввуфнинг асосий масалалари: иймон, тавҳид асрори, пир–муршид муносабати, солик ва сулук йўли, тариқат мақомлари (тавба, вараъ, фақр, сабр, таваккул, ризо), водийлари (талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано) в.б. бад. тимсоллар орқали акс эттирилган. «Мантику-т-тайр» асари (1175) Имом Ғаззолийнинг "Рисолату-т-туйур" асари таъсирида ёзилган ва ўз навбатида Алишер Навоий, Гулшахрий в.б. таъсир ўтказган. А. асарларининг таъсири хусусида Жалолиддин Румий "Аттор руҳ эди, Санойи унинг икки кўзи / Биз Аттор ва Санойи изидан келдик" деган таърифи бежиз айтилмаган. А.нинг тўқсон етти нафар машҳур суфийлар ҳаёти ва ҳолоти зикр қилинган "Тазкирату-л-авлиё" асари мусулмон Шарқида энг кўп тарқалган китоблардан биридир. ЎзРФАШИда А. асарларини ўз ичига олган 17 қўлёзма сақланади.

◆ *Шайх Фаридуддин Аттор.* Куллиёт. Лакхнау, 1872; Тазкират –л-авлиё / Форс т.дан Мирзо кенжабек тарж. Т., 1997; Мантику-т-тайр / Форс. т.дан Жамол Камол тарж. Т.: Фан, 2006. 400 б.; Мантику-т-тайр / Н.Комилов ва М.Маҳмудов насрий баёнида. Т.: 2006. Илоҳийнома / Форсийдан Жамол Камол тарж. Т.: Musiqa, 2007. 400 б.; Асрорнома / Форсийдан Жамол Камол тарж. Т.: Тамаддун, 2012; Тазкират ул-авлиё / Тарж. М.Ҳасаний, Ҳ.Аминов, А.Мадраимов. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2012.

• *Бертельс Е.Э.* Навои и Аттар / Суфизм и суфийская лит-ра. М., 1965; *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.235; Шайх Фаридуддин Аттор Нишобурийнинг ҳаёти ва ижоди. Халқаро илмий конференция масалалари. Т., 2004. *Азизий.* Фаридудин Аттор // Жаҳон адабиёти. 2009. 12-сон. Б.122-155.

Ат-ТАРИҚ – қ.: Тариқат.

АТФИЛД, Робин (1941) – инглиз файласуфи, ахлоқий экология мутахассиси. 1968 й.дан Англиядаги Кардифф ун-тида дарс берган. Экологик ахлоқни консерватив оқим тарафдори. Ғарбий Европа анъанавий фалсафий ва маданий меросида "табиатни бошқариш" ҳукмидан келиб чиқиб ёндошиш

мумкин эмаслигини исботлаган. Шу нуқтаи назардан *ахлоқий атомизм*, *холизм* тарафдорларини танқид остига олган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.28-29.

«АТҲАРВАВЕДА» [мифология, диншунослик] – ҳиндларнинг буддавийликка қадар бўлган эътиқодини акс эттирувчи диний асар. А.га ад-т адгорлиги сифатида ҳам қаралади. М.а. IX–VIII асрларда тўрт шеърий ва насрий асарлардан иборат қилиб тузилган ведалар тўплами: Ригведа – мадҳ (гимн)лар ведаси; Самаведа – қўшиқлар ведаси; Яжурведа – қурбонлик сўзлари ва қоидалари тўплами ва А. – зодагонларнинг ҳикматли сўзлари ва қарғишлари жамланган тўплам. А. асари қад. ҳиндларнинг дини, маданияти ва урф-одатлари ҳақида ҳам маълумот берувчи манбадир.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АУДИОВИЗУАЛ САНЪАТ (лотинча: audio – эшитиш, visuakis – кўриш) – ҳам эшитиш, ҳам кўриш асосида санъат асарининг таъсирчанлигини ошириш, бунинг натижасида идрок этишни алоҳида тафаккур типи сифатига кўтаришдан иборат. XX-XXI асрларда анъанавий номдаги тасвирий санъат ўрнини А.в.с. эгалламоқда. Бу *вербал* (оғзаки, сўз орқали) санъатнинг зидди бўлиб, фақат сўз орқали ифодалаш камлик қилади, унинг ёнига мусиқа, расм, кино, клип в.б. синтетик усуллар қўшилган ҳолда ўқувчи (томошабин)га етказилади. Мас., интернет ад-ти *(синература)*нинг вужудга келиши билан китобхонга ёлғиз матнгина тавсия қилинмайди, балки унга ишланган суратлар, слайдлар, чизма ёки мусиқа жўрлиги кабилар тавсия этиладики, бу матнни тушунишга ёрдам бериши керак. А.в.с.нинг ифодачиси сифатида *видео-арт, виртуал реаллик, кинематик санъат, компьютер графикаси, оп-арт* каби тушунчалар кужудга келган.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.41, 65-66.

АУКТОР, АКТОР (лотинча: auctor – ижодкор, адиб) – ровий, бадиий асар баёнчиси ёки баён олиб бораётган қаҳрамон. Австриялик олим Ф.Штенцель (1955) томонидан ад-т илмига киритилган, Ю.Кристева, Ж.Женетт, Я.Линтвельт томонидан давом эттирилган. Ад-тшуносликнинг А. б-н бевосита шуғулланувчи қисми *нарратология* деб юритилади. А. китобхонга асарнинг қаҳрамонлари тўғрисидаги ўз талқинини тавсия этади, айрим ўринларда китобхонни ўзига эргаштиради. А. икки шаклда муаллиф ва қаҳрамон вазифасида келади. А. муаллиф сифатида асарни баён қилганда воқеаларга нисбатан холис бўлади, ўзининг муносабатини очиқ баён қилмаслиги мумкин. А. персонажлардан бири сифатида бадиий асарда катнашганда у, табиийки, воқеаларга аралашади, бошқа қаҳрамонлар б-н муносабатга киришади, улар ҳақида ўз карашларига эга бўлади.

• Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. М., 1992; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М Асрель-Аст, 2003. С.52.

АУЛА (хона, уй) [эстетика, меъморчилик] – маърузалар учун мўлжалланган академик мажлислар зали. Махсус қурилмага эга бўлиб, кўпинча, амфитеатр шаклида (пастдан юқорига) овозни ҳар ўринга етиб боришига мўлжалланади.

АУРА (юнонча: aura – насим, шамол) – бадиий асарнинг руҳий таъсир майдони. Бу майдон орқали бадиий асар буюк қудратга эга бўлади, инсониятга таъсир этиб, унинг тараққиётини ўзгартириши мумкин. А бадиий асарнинг маъно хусусиятлари тўплами сифатида инсон писхикасига таъсир қилиб, унинг ўзгариши учун муайян муҳит яратади. Санъат асарини таҳлил қилишда қўлланиладиган атама сифатида олмон олими В.Беньямин (XX аср бошлари) томонидан киритилган. А.ни Г.Лукач мимесис назарияси, К.Ясперс оммавий маданият истилоҳи, А.Рейес бадиий ижод табиати ва В.Беньямин "техник" санъат моҳияти б-н боғлаган ҳолда талқин қилишган.

Ҳинд фалсафасида сўзнинг абадийлиги ҳақидаги таълимот. Унга кўра, айтилган сўз беиз кетмайди, ёзилган сўз мутлақ унут бўлмайди. Сўзлар аура, яъни макон, муҳит ва иқлим яратади. Инсон шу сўз муҳитида ҳаракат қилади, маконида яшайди. Сўзсиз яшаш маконсиз қолиш, сўзсиз яшаш унут бўлишга йўл – замонсиз яшаш. Шунинг учун ҳам Сўз аурадир.

• Панчатантра. ????; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М Асрель-Аст, 2003. С.52.

АУТЕНТИК МАТН (юнонча: authentikos – ҳақиқий) [матншунослик, манбашунослик] – бир матннинг муаллиф нияти ва ғоясига тўла мос келиши ёки мазмуни тўла мос келган бошқа т.даги айнан таржимаси. А. матн халқаро шартнома ва ҳужжатларда бир неча т.да бир хил матн тайёрланади. Ҳужжат бир т.да тайёрланиши ва имзога тақдим этилиши мумкин, бироқ унинг А. матни бошқа т.даги б-н айнан бир хил бўлиши керак. А.м. сўнгги автор таҳрири ва мақсадига мос бўлиши керак.

• *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.38.

АУТО (португалча: autu – мен) [эстетика] – бир пардали диний-мажозий мазмундаги театр кўриниши. XIII асрнинг 2-ярмидан Андалузия (Испания ва Португалия)да урф бўлган ва XVIII асргача халқ томошаси сифатида давом этган. А.нинг сценарийси драматурглар томонидан ёзилган. Ж.Висенте (Португалия), Х. Дель Энсина, Лопе де Вега (Испания) ёзган А. матнлари шуҳрат қозонган ва ҳаваскорлар томонидан ҳам ўйналган. Испан адиби Кальдерон ижодида А. ўзининг мумтоз шаклини топган, у 80 дан ортиқ А. ёзган.

• *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.52.

АУТОЭРОТИЗМ (юнонча: autos – мен, ўзим; eros – эҳтирос) – ўз ижодидан қониқиш, атрофдагилар, аудитория, жамиятга менсимай, "менга етолмайсан" деган киб б-н караш. Ўз ижодига нисбатан танқидий қарашнинг етишмаслиги, ҳаммасининг янгиланиши ёки бошланиши мендан дпб тушуниш. қ.: *онанизм.*

▪ *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.42,186.

АФАНДИ [фолклоршунослик] – "Насриддин Афанди", "Мулла Насриддин" номлари б-н машҳур фольклор қаҳрамони. Турли қавмларда турли исмлар б-н юритилган. Мас., ўзбекларда Насриддин А., туркларда Хожа Насриддин, козоқларда Хўжа Носир, озарбойжонларда Мулла Насриддин. Турк маибаларида тарихий шахс сифатида келтирилган, ҳатто уни сўфий шоир деб таништириб, қабри жойлашган қишлоқ аниқ кўрсатилган.

А. латифаларда мард, тўғрисўз, адолатпарвар қилиб тасвирланган. А. сиймоси бадиий асарлардан ҳам ўрин олган: "Насриддин Хўжандда", "Насриддин Бухорода", "Хўжа насриддиннинг 12 қабри" каби бадиий фильмлар, "Хўжа Насриддин" опереттаси, "Насриддин А." мусиқали драмаси яратилган.

▪ *Йўлдошева Ф.* Ўзбек халқ латифаларида Насриддин афанди образи. Т., 1979.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ – қ.: Латифалар.

«АФАНДИ» – "Муштум" журналига илова сифатида нашр этилган газета. "А."да ҳажвий ҳикоялар ва танқидий мақолалар босилади.

АФГОР САМАРҚАНДИЙ (в.1688) – шоир, адиб. Малиҳо Самарқандийнинг "Музаккиру-л-асҳоб" ("Суҳбатдошлар зикри") ва П.Қайюмов тазкираларида зикр қилинган. Асл исми: Мулла Зоҳид. Самарқанднинг Дегрезон гузарида яшаган. Раъно ва Офарин тахаллуслари б-н ҳам шеърлар битган. 1680 й.да Балхга сафар қилган. Аштархоний сулоласидан Субҳонқулихон даврида яшаган. Ҳажвий ва мутойиба шеърлар ёзгани учун Малиҳо уни "шўхона" деб атайди ҳамда "қарро қасидалари", "чиройли қитъалари", "тотли газаллари", "таҳсинга сазовор рубоийлари" дан хабар беради. Умрининг охирида уздатга чекинган "муваҳҳидона" ва "дарвишона" шеърлар битган. Хоқоний Ширвонийнинг "Тухфату-л-Ироқайн" ("Икки Ирок тухфаси") маснавийсига жавоб тариқасида "Шамъу парвона" маснавийсини ёзган. Малиҳо ушбу рубоийни келтирган:

Он чи мегўфтанд: маъқул аст, номаъқул буд,
Ҳеч маълумам нашуд, маълум шуд – мажҳул буд.
Ёр гуфта, дўст гуфта, мондаам бе ёру дўст,
Ёр гуфтам дев буду дўст гуфтам қўл буд.

Мазмуни:

Оники маъқул дедилар, номаъқул эди,

Маълум деганлари номаълум – мажҳул бўлди,
Ёр деб, дўст деб ёрсизу дўстсиз қолдим,
Ёр деганим дев эдию дўст деганим қўл эди.

П.Қайюмов тазкирасида биргина байт келтирилган:

Талхаст баски, коми ман аз шаҳди рўзгор,
Хун мехўрам чу гул зи шакарханди хештан.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.17; *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б. 291-193.

АФЕМИЯ (юнонча) – нутқнинг йўқолиши, аклга таъсир этилмаган ҳолда.

АФЕРЕЗА [семасиология, риторика] – сўз бошидаги бўғиннинг тушиб қолиши. Сатр ёки сўз бошидаги ҳарф ёки бўғиннинг тушиши натижасида сўзнинг маъноси ўзгаради ва янги маъно ясайди. А. бўғин тушиши натижасида ҳосил бўлган янги маъноли сўздир.

- *Лотман Ю.М.* Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М.* Общая риторика. М., 1986. *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17. *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2001. С.49-50; *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.11 (эл.версия).

АФЗАЛ – эронлик шоир, Кошон ш.да туғилган. Манбаларда Бобо Афзал Кошоний дея т.га олинади. Хулагухоннинг эътимодли кишиси машҳур Носириддун Тусий б-н яқин дўст эди. Умрининг сўнггида узлатни ихтиёр қилган. Суфиёна руҳда шеърлар битган. Унинг шеърларидан:

Кам гўй ба жуз маслаҳати хеш магўй
Чизеки, напурсад ту худ пеш магўй.
Доданд ду гўшу як зи забонат зи оғиз,
Яъники, ду шинаву яке беш магўй.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.16–17.

АФЗАЛ ПИРМАСТИЙ (XVII) – ўзбек мутасаввиф шоири. Бобораҳим Машрабнинг севикли шогирди ва доимий ҳамроҳи. 1711 й.да Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон шоирни зиндонга ташлаганида ҳам уни тарк этмаган. Халқ орасида "Қиссайи Машраб", "Шоҳ Машраб", "Девонаи Машраб" номлари б-н машҳур агиографик асар А.П.га нисбат берилади. "Тазкирайи қаландарон" асари муаллифи Исҳоқ Боғистонийнинг далолатига кўра А.П. уни Машрабдан ёдгорлик сифатида икки китоб қолдирган: бири "Қиссайи Машраб" манқабаси, иккинчиси "Мабдаи нур" асари.

- Қиссайи Машраб. Т., 1994; *Исҳоқ Боғистоний.* Тазкираи қаландарон / Исломи тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005.

АФЗАЛИЙ Самарқандий (XVI аср) – форсигўй шоир, мутасаввиф. Асл исми: Мир Афзал. Мавлоно Мушфиқий ва мавлоно Донишийнинг замондоши. Аруз ва қофия илмидан хабардор. Чиройли шеърлари ва султонлар мадҳида битган қасидалари бор. Шеърларидан девон тартиб берган. Бир ғазалининг матлаъси:

Каъбаи васл, дило, жўз сари он кўям нест,
Қиблае хуштар аз он тоқи ду абруям нест.

Мазмуни:

Васл каъбаси, эй дил, ёр кўчасидан ўзга жой эмас,
Ул гўзалнинг икки қоши тоқидан ўзга яхши қибла йўқ.

• *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.174-177; *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. Нусхайи зебойи Жаҳонгир / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АФЗАЛХОН ХАТТАК (1687 –1748) – афғон адиби ва тарихчиси. Пушту т.да ижод қилган. Машҳур адиб Хушҳолхон Хаттак авлодидан. "Тарихи мурассаъ" ("Мўътабар тарих") асарида хаттаклар қавми тарихини ёритган. Шеър ва ҳикоялар ёзган, "Калила ва Димна" асарини пушту т.га таржима қилган, асар таркибига ўзининг айрим шеърларини ҳам киритган.

• *Маннонов А.* У истоков афганской классической лит-ры. Т.,1994; Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз ад-ти тарихи. Т., 2001.

АФИНА (юнонча: Паллада) [мифология] – қад. юнон мифологиясида бош маъбудалардан бири. Уруш ва ғалаба маъбуди, донишмандлик, санъат ва ҳунармандлик раҳнамоси. Зевснинг қизи. А. сурат ва адабий манбаларда дубулға кийган қаҳрамон сифатида тасвирланади. А. афсонага кўра шундай қиёфада туғилган. Рим мифологиясидаги Минервага мос келади. А. ш.даги Парфенон ибодатхонси майдонида унга ҳайкал қўйилган. А. шарафига Панафиней маросими шу майдонда ўтказилади. А. Юнонистондаги Афина ш. яратувчиси сифатида ҳам талқин қилинади.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.125.

~ *мактаби* – юнон ад-тидаги адабий йўналишлардан бири (XIX асрнинг 30-70 – й.лари). Шартли равишда қад. юнон т. (кафаревус)да шеър ёзган адибларни бирлаштирган, улар Ионий мактабининг вакиллари димотик т.да асар ёзувчиларга қарши окимга бирлашган эдилар. А.м. вакиллари А.Суцос, А.Рангавис, И.Тандалидис в.б.

• *Доватур А.* Политика и политики Аристотеля. М.-Л., 1965; *Шестов Л.* Афины и Иерусалим. Париж, 1951.

~ *ш.* – Юнонистоннинг (ҳоз. Греция) пойтахти. Аттика ярим оролида жойлашган. Манбаларга кўра м.а. XVI–XIII асрда А.ш. барпо қилинган. 146 й.дан Рим давлати, IV асрдан XIII аср бошларигача Византия тасарруфида бўлган. 1204 й. Афина герцоглиги ташкил қилинган, 1458-1821 йй. давомида

Усмонли турклар салтанатига бўйсунган. 1929 й.дан ҳозирги Грециянинг пойтахти. А. ш.да *Акрополь* жойлашган.

- *Тюрина Л.* У подножия Акрополя. М., 1965; *Колобова К.М.* Древний город Афины и его памятники Л., 1961; *Сидорова Н.А.* Афины. М., 1967.

АФИША (французча: affiche – эълон) – бирор асар (спектакл), концерт ёки адабий тадбирлар учун олдиндан бериладиган кичик хабар-эълон. А. одатда эълонлар тахтасига, кўча, майдон, томошагохларнинг олдига ёпиштириб қўйилади. М.а. бундан эълонлар учун махсус тўртбурчак устунлар ўрнатилган, деворларнинг маълум қисми ажратилган. Ўрта асрларда оғзаки А.чилар, яъни жарчилар бу вазифани бажарган. А. XVI асрдан қоғозга босиладиган бўлди ва рассомлар шуғулланган учун тасвирий санъатнинг турига айланди. XX асрдан чироқлар воситасидан эълон қилинадиган бўлди. Кейинги пайтда Интернет тармоқлари орқали ҳам А. тарқатилмоқда.

Ўз-нда илк театр А.си Беҳбудийнинг "Падаркуш" асари муносабати б-н Самарқанд (1914, 15 январ) ва Тошкент (27 феврал)да берилган.

АФЛОКИЙ – эронлик шоир, Табризда туғилган. П.Қайюмий тазкирасида қуйидаги байти келтирилган:

Зи оби дийдаи ман сарви ноз парвари ман,
Чунон расидки, афканд соя бар сари ман.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.17.

АФОИЛ (арабча: افاعيل – "фаала" сўзидан иш қилмоқ) [поэтика, метрика] – аруз назарияси ва амалиётида рукн ва зиҳофлар тўплами. А. икки хил бўлади: аслий ва фаръий.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.25;

~ у тафойил – қ.: Асллар.

АФОРИЗМ (юнонча: aphorismos – *қисқа ифода,* ихчам ибора) [лингвопоэтика] – тугал фикрни ифодаловчи қисқа ҳикматли сўзлар. Ҳодиса ёки моҳиятнинг бир неча сўзлар б-н ихчам баён қилиниши. А. қад. Хитойда м.а. VIII асрда (Чунцю даври) ад-тга кириб келган. А. ҳаёт тажрибаси ёки фалсафий мушоҳада асосида туғилади. Аксарият А. 3-5 сўздан ташкил топган. А. мақол каби бирор ҳодисани шарҳламайди ёки исбот қилмайди, балки ўзига хос ҳикматни айтиш орқали фикрга таъсир қилади. А. мақол ёки маталдан шу б-н фарқ қиладики, уларнинг муал.и бўлмайди. А. муаллифи аниқ кўрсатилади ва матни ўзгаришсиз қабул этилади. Мас., 1968 й.да Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати б-н «Афоризмлар» сарлавҳаси остида буюк шоирнинг ҳикматли сўзлари 8 т.да чоп этилган. Айни номда рус в.б. т.ларда ўнлаб ҳикматлар тўпламлари чоп этилмоқда.

Асқад Мухторнинг “Тундаликлар”, Ў.Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобларида “А.”лар фаол қўлланилган. Яна қ.: Ҳикматли сўз.

♦ Афоризмы. Избранные изречения деятелей лит-ры и искусства / Сост. Е.С.Райзе. Л., 1964; *Ключевский В.О.* Письма. Дневники. Афоризмқ и мысли об истории. М., 1968; Афоризмы: по иностранным источникам. М., 1985; Великие мысли великих людей: антология афоризма в 3-х т. М., 1998; Суфийская мудрость. Минск, 1998; Энц-я бизнеса в афоризмах. М., 1998; В мире мудрых мыслей. М., Медиагрупп ОЛМА, 2007.

• *Успенский Л.* Коротко об афоризмах / Афоризмы. Л., 1964; Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова: литературные цитаты, образные выражения. М., 1987; Энц-кий словарь юного лит-веда. М.: Педагогика, 1988. С.24; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.52; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.25; *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.116-117 (эл.версия).

АФОРИСТИКА (юнонча: aphorismos – *ибора*, yıstık – *соҳа*) – ҳикматли сўзларни тўплаш, муаллифларини аниқлаш ва нашрга тайёрлаш б-н шуғулланувчи соҳа. А. қад. Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон в.б. Шарқ мамлакатларида алоҳида жанр сифатида тараққий этган. Бамбук пояларига, буюмларга, тошларга афоризмлар нақш этилган. А.да афоризмларни нашр этишда икки анъанавий тамойилга асосланган: мавзулар бўйича ва хронологик тартибда. Бирор халқ ёки т.даги афоризмлари алоҳида нашрга тайёрланиши ҳам мумкин. Яна қ.: Паремия.

Бад. ижодда афоризм, ҳикматли сўз ва мақоллардан фойдаланиш. Айрим ҳолларда бирор муаллиф томонидан ёзилган афоризмларнинг жамланмаси. Тажрибали адибларда ихчам, қисқа ифодага эришиш, айрим жумла ва фикрларни афоризм даражасида айтиш. Мас., А.Қаххор ижодидаги каби.

• Афоризмы древнего Китая. М., 1989; В мире мудрых мыслей. М.: Медиагрупп ОЛМА, 2007; Древнеиндийские афоризмы. М., 1966; *Шопенгауэр А.* Афоризмы и максимы. Л., 1991.

АФОЪИЙЛУ ТАФОЪИЛ (арабча: ҳаракат ва ўзаро ҳаракат) [поэтика, метрика] – аруз назарияси ва амалиётида рукнларнинг қолипини белгилаш тизими. Бундай қолиплар ф, ъ, л (ўзак: фаъл) ҳарфларидан ясалгани учун шундай номланади. Навоий ва Фитрат 8 та рукнни бнлгиласа, Бобур “Бу аркон чувратта секкиздур, ҳақиқатта ўн. Арузийлар бу арконни усули афоъийлу тафоъил, авзони мавозин (мезонлар ўлчовлари) дерлар” (“Аруз рисоласи, 3а).

АФРАНИЙ, Луций (м.а. I аср) – Рим драматурги. Рим ҳаётидан “Тогата комедияси” муаллифи.

История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АФРИДИС – афғон қавмларидан бири. 1879 й. инглизлар ишғолига жиддий қаршилик кўрсатгани учун жангари қабила сифатида Ғарб манбаларида қайд этилади.

АФРИДУН (Фаридун) ***ХАЗИНАСИ*** – Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод аждаҳони енгиб, у қўриқлаган ғорга киради ва А хазинасини топади. Бу хазинадан аждаҳога ўхшаган қилични ва ҳалқа бўлиб ётган илон сингари қалқонни ўзига олди. Бутун хазинани эса, отасига жамоасига беради. Навоий бу ўринда Афридун хазинасидаги фақат иккита анжом – қилич ва қалқонга эътибор қаратган, холос. Бу аслаҳалар унга келгуси курашларида асқотади. А.х. Навоийга қадар ҳам манбаларда т га олинган.

А.(Ф.) Эрондаги пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор бўлиб, унинг номи “Хазойину-л-маоний»да ва «Садди Искандарий»да ҳам т.га олинган. А. ҳақида “Шоҳнома”да маълумот берилган.

- *Алишер Навоий.* Фарҳод ва Ширин / МАТ. 8-ж. Т.: 1998; Фарҳанги “Шоҳноме” / Ном касон ва жойҳо. Ҳусайн Шаҳидий Мозондароний (Бижан). – Теҳрон: 1388 / Сах. 524-525

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.129.

АФРИҒ (Офриғ) (IV) – Хоразм ҳукмдори, африғийлар сулоласи (305-38[illegible]) асосчиси. Берунийнинг ёзишича, А. Кайхусрав авлодидан бўлган эроний сулола бўлиб, ундан 22 нафари қад. Хоразмни бошқарган. Сулола давомчилари: Бағра, Саххосак, Асқаджамуқ, Аскаджавар, Сахр, Шаун Хамгари, Бузгар, Арзамух. Саодат асрида А. сулоласидан Арсамух ҳукмдор эди. Унинг авлодлари А.ни тахтга ўтирганидан бошлаб, йил саналарини белгилай бошлаганлар. А.лар сулоласи X асрга қадар ўз ҳукмронлигини сақлаган. Сулоланинг сўнгги вакили Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад томонидан ўлдирилиши б-н сулола барҳам топган.

- *Беруний.* Ал-осор ал-бокия / Асарлар. Т.1. – Т.: Фан, 1957; *Босворт К.Э.* Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.152.

АФРИҒИЙ МАДАНИЯТИ (IV–VIII) – Қад. Хоразм маданияти. Археологик қазишмалари натижаси (1937–40)да топилган бу маданият намуналари ҳозиргача сақланган. Африғийлар сулоласи асосчиси Африғ Қиёт атрофида Фир деб номланган қаср курдирган. Қалъа 10 мил масофадан кўриниб турган. Фир қасрини Амударё 993 й.да ювиб кетган. А.м. даврида антик ҳунармандчилик ўрнини мулкдорларнинг каср ва кўрғонлари эгаллай бошлаган. Бургут қалъа воҳасида сақланган харобалар бунинг далили. Йирик қалъалар: Якка Порсон, Қум қалъа, Уй қалъа, Тешик қалъа шу даврда курилган. А.м.га оид мис тангалар, жез ва сопол идишлар, безак ва тақинчоқлар, деҳқончилик ва ҳунармандчилик қуроллари ва сўғд ва рунн ёзувидаги ёдгорликлар топилган.

- *Беруний.* Ал-осор ал-бокия / Асарлар. Т.1. – Т.: Фан, 1957; *Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948; По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962; Қад. Хоразм маданиятини излаб. Т., 1963; *Нарезик Е.Е.* Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв).

АФРОД (арабча: أفراد – шахслар) [тасаввуфшунослик] – Тасаввуф ад-тида бу сўз қутб (қутбу-л-ақтоб)нинг назаридан четда бўлган кишиларга нисбатан айтилади. А. уч нафардан иборат бўлиб, чиройли тобеълик (бўйсуниш) воситаси ҳамда ниҳоятда комиллик б-н қутб теварагида бўлади. А. шундай юқори мақомга етишган кишиларки, қутб ва қутбу-л-ақтоб уларни ўз назарлари остига ололмайди ёки бунга ҳожат ҳам йўқ. Ҳақиқатда эса А. якка юришади ва тартиб-интизомда ҳамда қутб назарида бўлмайди..

АФРОДИТА – қад. юнон мифологиясида гўзаллик ва муҳаббат маъбудаси. Бош маъбуд Зевс ва маъбуда Диона қизи. А. культи денгиз ва денгиз саёҳатчиларининг ҳомийси бўлгани учун Юнонистон, Кичик Осиё ва Эгей ва Қора денгиз соҳилларида машҳур. Мифга кўра, А. денгиз кўпигида тугилган. А.га сиғиниш Кичик Осиё ва Қибрис ороллари аҳолиси ўртасида ёйилган, асосий ибодатхона Кипрдаги Пафос ш.да бўлган. Рим мифологиясидаги *Венера*га мос келади. Афротида ҳайкали бизнинг даврга ча сақланган.

Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.132.

АФРОСИЁБ – қ.: Алп Эртўнга.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.129.

АФРОСИЁБ – Самарқанддаги қадимий ш. харобаси. Ҳоз. Самарқанд ш.нинг шимолий томонидаги майдони 219 *га* бўлган бўш тепаликлардан иборат. 1919 й. археологлар М.Е.Массон ва В.Л.Вяткин томонидн очилган. Кейинроқ казишма ишлари В.А.Шишкин ва Я.Ғуломов томонидан давом эттирилган. 1966 й. *археологик қўриқхона* деб эълон қилинган.

А.да топилган манба ва материаллар м.а. VIII–V асрларда Сўғдиёна давлатига тегишли бўлиб, 329 й. А.Мақдунли истилосидан сўнг харобага айланган. Кейин қайта тикланиб, IX асрдан сомонийлар сулоласи қарамоғига ўтган. Бу даврда А.да Жуйи арзиз (Қўрғошин арик) номли сув иншооти курилган. X асрнинг охиридан қорахонийлар ҳукмронлик қила бошлаган. Чингизхон истилоси даврида Жуйи арзиз бузиб ташланиб, ш. сувсиз қамал қилинган. Самарқанд тарихини ўрганишда ва ш. ёшини белгилашда А. харобалари муҳим рол ўйнаган.

А.даги 30 дан ортиқ хоналар махсус суратлар б-н безатилган. Шундан 11x11 *м* ва 7x7 *м* ҳажмдаги суратлар ҳозирга қадар сақланган, деворда сўғд ёзувларида ёзилган битиклар бор. Сўғд ҳукмдори Вархумоннинг хорижий элчиларни қабул қилиши, ов манзаралари тасвирланган суратлар мавжуд.

- *Вяткин В.Л.* Городище былого Самарканда. Самарканд, 1926; *Шишкин В.А.* Афросиёб – қадимий маданият хазинаси. Т., 1966; Афрасияб. Сб. Вып. 1. Т., 1969; *Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И.* Очерки искусства Средней Азии. М., 1982; *Асқаров А.* Афросиёб / ЎзМЭ. Т., ЎМЭДИН, 2000. Б.518–19.

АФТЕРКУНСТ – қ.: дегенератив санъат.

АФФЕКТ (лотинча: affectus – эҳтирос) – ҳиссий тўлқин, фавқулодда кўтаринки ҳиссий кўзғолиш. Ижодкорлар А. вақтида жазба (экстаз) ҳолатида бўлиши мумкин. Унга ортиқча гап айтиш, бир сўз ноҳуш кайфият олиб келиши мумкин. Ижодкор учун А. кутилган ҳолат ҳисобланади. К.Г.Юнгнинг талқинича, А. акл билан бошқариб бўлмайдиган ҳиссиёт. Модернизм ва постмодернизмда А. санъаткор учун нормал, кутилиши мумкин бўлган ҳолатдир.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб: АЗБУКА Классика, 2005. С.42.

АФСАР – хуросонлик шоир, Машҳадда туғилган. Темурий ҳукмдорлардан Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган. Муаммо жанрида моҳир бўлиб, илми муаммо ҳақида рисола битган. Байт:

Мекунам девонагий то бар сарам гавғо шавад,
Шояд аз баҳри тамошо он пари пайдо шавад.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.14.

АФСАРИЙ – Ҳиндистоннинг Деҳли ш.да туғилган, Шайх Камол Деҳлавий номи б-н улуғланади. "Ройиҳ ва Райҳон" номли бир маснавийси ва "Девон"и бор.

АФСАХ (в.1737-1738) – ҳиндистонлик шоир, асл исми: Мир Муҳаммад Али. Боболари Самарқанд ш.дан.Катта бобоси Амир Темурнинг кадҳудоси эди. Қуйидаги қитъаси манбаларда келтирилади:

Дил хароби мекунад аз зулфи тажбираш кунад,
Даст ёби мезанад девона занжираш кунад.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.16.

АФСОНА (форсча: افسانة – тўқима, уйдирма) [фолклоршунослик] – халқ оғзаки ижодининг эпик жанри. Дастлаб миф таркибида бўлган, сўнгра мустақил жанр сифатида саналган. Оғиздан оғизга, элдан элга ўтиб келган ҳикоялар бўлиб, хаёлий тимсоллар ва тасаввур асосига қурилади. А. бошқа фольклор жанрларидан, жумладан, ривоятдан асар таркибида мўъжиза, сеҳр бўлиши б-н фарқланади. Оламнинг яратилиши (космогония), элатлар келиб чиқиши, тарихий шахслар ҳақида А.лар яратилган. А.лар ёзма ад-тга материал бериши, унинг таркибий қисми сифатида яшаши мумкин. Мас., Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк", Алишер Навоийнинг "Хамса" таркибидаги достонларда А.лар иштирок этган. Замонавий ад-тда ҳам А.дан фойдаланиш фаол тусга кирган. Ч.Айтматовнинг "Оқ кема" қиссасида Шохдор Она буғу, "Асрни қаритган кун" романида Манқурт ҳақидаги афсоналар мазмун жиҳатидан асар таркибига сингиб кетган.

Ўзбек ад-тида Асқад Мухторнинг “Чинор” романи, Эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни”, Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” достонларида ва Омон Мухтор асарларида ҳам афсоналардан фойдаланилган.

- *Мадаев О.* Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. Б.59–64.

АФСУС (XIX) – ўзбек шоири. Асл исми: Тўрахон махдум. Жиззахда туғилган. XIX аср бошида Қўконга келган. Тўрақўрғонда муқим яшаб, қозилик вазифасида ишлаган. Исҳоқхон Ибрат ва Васфий Тўрақўрғонийнинг бобоси.

Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.62.

АФШАР – туркий элатлардан, туркман қабилаларидан бири. М.Кошғарий “Девону луғотит турк” да “Ўғузларнинг бир қабиласи” деб таништиради. Асосан, Хуросонда яшаган. А.лар маданиятли форс ва турк т.ларини яхши билган қавм саналади. А.лар орасидан кўплаб адиб, олим ва ҳукмдорлар етишиб чиққан. Жумладан, Ҳазрат Навоий эътиборига сазовор бўлган тазкиранавис Содиқбек А. в.б.

Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ А.лардан бўлган, Эрон ва Хуросондаги А.лар сулоласи бошқаруви (1736-1795)га асос солган ҳамда ўзи “Афшар” тахаллуси б-н ғазаллар битган. Нодиршоҳ сафавийлардан Тахмасп Қулихон қўлида хизмат қилган, лашкарбоши сифатида Кафқаз ва Ҳамадонни бўйсундиргандан кейин ўзи тахтга эгалик қилган. У Ўрта Осиёга ҳужум қилиб, Бухорони эгаллаган ва аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхонни ўлдириб, Бухоро тахтига унинг амири Раҳимбий оталиқни қўйиб, ўзи Эронга қайтган. Нодиршоҳ А.нинг Бухородаги истилосига нисбатан қаршиликлар хусусида Фитрат “Абулфайзхон” фожиасини ёзган. Нодиршоҳ А.дан кейин Одилшоҳ, Иброҳим ва Шоҳруҳ каби А.лар Эрон тахтини бошқарганлар.

- *Арунова М.Р., Ашрафян К.З.* Государство Надир-шаха Афшара. Очерки общественных отношений в Иране в 30-60-х годах. М., 1958; *Босворт К.Э.* Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.230-231.

АФШАР, Содиқбек (1534–1610) – озар шоири, адиби ва адабиётшуноси. Асл исми: Муҳаммад Али Содиқ, Содикий, Афшар (элат номи), Китобдор (касбига кўра) – нисбалари. Шом (Сурия)дан Табриз ш.га келиб ўрнашган. Мавлоно Али Наққош, Бехзоднинг шогирди Музаффар Али б-н бирга ишлаб, замонасининг машҳур рассомларидан бири бўлган. Қаландарлар сафида Қазвин, Исфаҳон, Язд, Гилон, Лоҳижон, Астробод, Ҳамадон, Боғдод, Насаф ва Карбало шаҳарларига саёҳат қилган. Шоҳ Исмоил II, Шоҳ Аббос I даврида девон кутубхонаси мудири (китобдор) бўлган. А.нинг эски ўзбек, озарбойжон ва турк т.ларида битган асарлари асосида Куллиёти тўпланган.

Унга “Зубдату-л-калом” (“Сўзлар қаймоғи”) қасидалар тўплами, “Фотиҳномаи Аббос Номдор” маснавийси, “Мақолот ва ҳикоётлар”, “Саъд ва саййид” маснавийси, “Девон ғазалиёти форсий ва туркий”, “Манзумаи қонуну-с-сувари наққоший” (“Рассомлик қонунлари манзумаси”), “Муншаот

ва Мукотибат" тўплами, "Тазкирату-ш-шуаро" (Рубоий ва муаммо ёзган шоирлар) вб. кирган.

"Мажмау-л-хавос" ("Хослар мажмуаси") (1532-1613) асарини (1602) ўзбек (чиғатой) т.да ёзган. Тазкирада Шоҳ Исмоил давридан Шоҳ Аббос давригача ўтган 369 шоир ҳақида маълумот берган. Улар орасида Убайдхон (Убайдий), Аваз Ғози (Абдуллоҳхон II), Ҳумоюн, Байрамхон, Сусанийбеги, Айюб в.б. ўзбек шоирларининг исмлари учрайди. Муаллиф тазкирасини Навоийга эргашиб, унинг услубини сақлаган ҳолда ёзган. Муаллиф тазкиранинг тегишли қисмини шоирнинг номи билан бошлаб, сўнгра оиласи ва туғилган жойи, касби ҳақида сўз юритади. Шоирлик даражаси ва асарларидан намуналар беради, айрим шоирлар ҳақида латифанамо нақллар келтиради. Шоирлар ижодидан 59, 74, ҳатто 99 байт келтирган ўринлар ҳам бор. Шоирлар географияси Ўрта Осиё, Хуросон, Онадўли, Ироқ, Озарбойжон ўлкаларини ўз ичига олади. Тазкира, асосан, туркий шоирларни қаламга олиши билан характерлидир. Хотимада муаллиф ўз ижодидан намуналар келтирган. Қўлёзмага (тазкирага кирган) турк усмонли шоирларининг рўйхати илова қилинган.

- Тазкираи «Мажмау-л-хавос», ба забон турки-чиғатойи. Таълиф Содикий китобдор ва таржимаи он ба забони форсий ба хомаи доктор Абдуррасул Хайёмпур муаллими донишгохи Табриз. – Табриз: 1327 / 1948; Закон изображений. Баку, 1971; *Əfşar, Sadiq bəy* Əfşar. Məcməul-xəvas. Baki: Elm, 2008. 410 s.

- *Шайхзода М.* Тазкирачилик тарихидан. Асарлар. 4-том. Т., 1972. Б.295-346; *Орасли Ҳ.* XVII-XVIII аср Озарбайжон адабиёти тарихи. Боку, 1956; *Орасли Ҳ.* Навоий меросини ўрганиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960. 3-сон; *Ғаниева С.* Навоийнинг «Мажолису-н-нафоис» асари таъсирида ёзилган тазкира. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1963. 6-сон; *Рустамова А., Набиев Б.,* Караев Я. Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.320-322.

АФЪОЛ (арабча: феъллар) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида сўфийларнинг феъл ва ҳаракатлари бирлиги. Айрим манбаларда "ихтиёрий жабр" маъносида хам келади. Азизиддин Кошоний ёзишича, Ҳақ таоло аъёнлар яратувчиси бўлгани каби бандалар феълининг яратувчисидир. Ҳеч бир яралмишнинг феъл-ҳаракатини кескин ўгартириш имкони йўк, бу фақат Яратганнинг хоҳиш-иродаси б-нгина мумкиндир.

АФҒОН АДАБИЁТИ – Афғонистон халқи ад-ти. Икки т. (пушту ва дарий)да яратилиб, ривожланмокда. А.а.нинг шаклланишига халқ оғзаки ижоди асос бўлган. А. афсона ва ривоятлари, эртак ва ҳикоятлари асосида ёзма адаб манбалари яратилган. А. халқ қўшиқлари (сандир), айтим ва тароналари А шеъриятига асос бўлган. X–XV асрлар давомида форс т. (*дарий т.*)да яратилган бадиий ад-т (Рудакий, Фирдавсий, Саъдий в.б.) Эрон, Тожикистон ва Афғонистон халкларининг умумий мероси саналади. Темурийлар ва Бобур даврида А.а. ривож топган. *Пушту т.*даги XV асрдан кейинги адаб манбалари сақланиб қолган. Улар "Номаълум хазина" ва "Манокибу-л

шлиё" ва "Шайх Малий китоби" саналади. XVI асрдан *рўшаний* ад-ти ривожланган, унинг асосчиси Боязид Ансорий (XVI аср 2-ярми XVII аср 1-ярми)дир. Хушҳолхон Хаттак, Абдураҳмон, Аҳмадшоҳ Дурроний, Абдулҳамид каби шоирлар ижодида мумтоз жанрлар ривож топган. Дурронийлар анъанаси (1747) ад-тда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу жиҳатдан Нур Соҳиб, Нуриддин ошиқ шеърлари, Ҳамид Кашмирийнинг "Акбарнома" достони (1844) аҳамиятли.

Хушҳолхон Хаттак (1613–1691) бобурийлар салтанатига қарам Акора вилоятининг ҳокими (1641 й.дан) бўлган, афғон қабилаларини бирлашишга даъват қилиб, пушту (пашту) т.да асарлар яратган. 40 минг байт шеърни ўз ичига олган «Куллиёт»и "Девон"и б-н бирга «Фазлнома», «Фараҳнома» достонлари, «Фирокнома» туркумини ўз ичига олади.

XIX аср охири XX аср бошида Маҳмуд Тарзий, Ғулом Муҳиддин Афғон, Солиҳ Муҳаммад ижодида маърифатчилик ад-ти шаклланган. Маҳмуд Тарзий ижодида ....

Афғонистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг (1919) А.а. янги йўналишлар олди. 1936 й.да дарий т. б-н бирга пушту т. ҳам давлат т. деб эълон қилинган. Абдулҳақ Бетоб, Халилулла Халилий, Назиҳий, Бехроз, Жобак каби шоирлар анъанавий шеъриятни давом эттирганлар. Абдурауф Бенавонинг сочмалари, Гулпоча Улфат фалсафий руҳдаги шеърлари А.а.нинг янгиланишига сабаб бўлди.

• *Беҳрўз Муҳаммад Ҳусайн.* Ад-ти Афғонистон. Кобул, 1955-56; *Герасимова А., Гирс Г.* Лит-ра Афганистана. М., 1963; *Мавлоно Хаста.* Муосирине суханвар (Ҳозирги афғон адиблари). Кобул, 1963; *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана, т.1-2. М., 1964-65; *Ғаниев А., Абаева Т.* Афғон классик шоири Хушҳолхон Хаттак. Т., 1967; *Герасимова А.С.* Лит-ра Афганистана на яз. пушту. М., 1968; *Гирс Г.Ф.* Литература непокоренного народа. М., 1968; Афганистан: Вопросы истории, экономики и филологии. Т.: Фан, 1978; *Иномхўжаев Р.* Афғонистон маърифатпарварлик ад-ти очерклари. Т., 1999; *Иномхўжаев Р.* Маҳмуд Тарзий ва афғон маърифатпарварлик ад-ти. Т.,1999; *Маннонов А.* Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз ад-ти тарихи. Т., 2001; У истоков афганской классической лит-ры. Т.,1994.

АФҒОНИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ – ҳоз. Афғонистон ҳудудида қад.дан ўзбеклар яшаган ва юу ҳудудда ўзбек тюдаги ад-т узлуксизривож топиб келган. Азалдан ўзбек шеърияти марказларидан бўлган, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Машраб каби улуғ шоирларнинг хоки кўмилган А.ў. шеърияти анъаналарини давом эттириб келаётган ижодкорлар, айниқса, XX асрда мамлакат маданий-адабий ҳаётида фаоллашдилар. Афғонистондаги ўзбек шеъриятига назар ташлаганда, бу давр адиблари орасида Назиҳий Жилва, Қори Шарафиддин Шараф, Устод Қурбат, Устод Қори Муҳаммад Азим Азимий, Абдурашид Маҳдум Чустий каби қатор соҳиби девон шоирлар мавжуд бўлиб, уларнинг асарлари нафақат Афғонистонда, балки бу мамлакат жуғрофий ҳудудидан ташқарига чиқиб, Ўзбекистон, АҚШ, Покистон, Туркия ва Ҳиндистон каби ўлкаларда ҳам нашр этилганлиги бу адабиётнинг салмоғини кўрсатди.

А.ў.а. XX асрнинг иккинчи яримларидан кенг тараққиёт йўлига чиқди, ижтимоий, маданий аҳамияти ошди. А.ў. адиблари яратган насрий ва шеърий асарлар адабиётнинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу давр ичида Муқимий Андхўйи, Қори Шарафиддин Шараф, Мир Муҳаммад Амин Қурбат, Муҳаммад Омон Фавзи, Мир Олимбек Самимий, Назиҳий Жилва, Домло Қосим Жанда Бесар, Саййид Фозил ғамгин, Хайри Форёбий, Муҳаммад Олим Ожиз, Аламий Форёбий, Назар Муҳаммад Наво, Самимий Андхўйи, Худойназар Обир, Абдулҳалим Ҳаё, Муҳаммад Рафиқ Анбар, Нафир Форёбий, Файз Муҳаммад Фикрий, Мавлавий Асадуллоҳ Нусрат, Дўст Муҳаммад Хоксор, Мажнун Қайсорий, Ризвонқул Таманно, Солиҳ Муҳаммад Салоҳ, Ҳомид Форёбий, Эргаш Учқун, Абдулҳамид Огаҳ, Муҳаммад Аваз Нудрат, Анвар Андхўйи, Мадҳуш Сарҳожи, Муҳаммад Осиф Марот, Нажмиддин Аён, Лаҳиф Тотор, Ҳаётий Алморий, Шафиқа Ёркин, Муҳаммад Карим Зарра Азимий, Фариштa Зиёий, Ғулом Муҳаммад Хадим, Сайфиддин Нурий, Қори Азим Азимий Жўзжоний, Қори Сайфуллоҳ Сангин, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Муҳаммад Амин Учқун каби шоир ва адиблар мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган ҳолда А.ў.а. янги давр шароитида янги мавзу, ғоя, жанр ва бадиий воситалар билан бойиб шаклланишига, тараққий этишига хизмат қилдилар. Халқнинг адабиётга бўлган эҳтиёжи бу давга кадар, асосан, қўлёзмалар, литографик асарлар ва Афғонистонга четдан кириб келаётган адабиётлар билан қондирилган.

Ҳоз. А.ў.а. шаклланишида бу мамлакатда ўзбек т.да вужудга келган матбуот ва ноширлик ишларининг роли катта бўлди. Афғонистонда ўзбек “Юлдуз” газ. пайдо бўлиши 1357 (1978), кейинроқ “Гураш” номи б-н туркман т.даги нашр йўлга қўйилиши А.ў. бад. публицистикасининг риводига сабаб бўлди. Унинг илк намояндалари А.Ш.Жўзжоний, А.Баёний, О.Баёний, М.А.Матин, М.А.Азимий, Ш.Ёркин, М.Олим Лабиб, М.И.Сано, М.Ҳ.Ёркин, М.А.Баёт, Т.Баҳоий етишиб чиқди.

Ҳоз. Афғонистон ҳудудида ўзбек миллатига мансуб аҳоли мамлакатда юз берган мураккаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қарамай миллий ўзлигини, илдизлари узоқ тарихий даврларга кириб борадиган адабий маданий анъаналарини сақлаб қолганлиги туфайли бу мамлакатда ўзбек фольклори ва ёзма миллий адабиёти яшаб келмоқда. А.ў. шеъриятини яратишга маҳаллий ижодкорлар билан бир қаторда Қори Шарафиддин Шараф, Устод Қурбат, Махдум Чустий, Муҳаммад Амин Учқун каби тарихий шароит туфайли Ўрта Осиёдан бу мамлакатга келиб яшаган муҳожир адиблар ҳам салмоқли улуш қўшдилар. Устод Қурбат, Қори Азим Азимий, Абдурашид Чустий, Эргаш Учқун каби шоирлар, асосан, мумтоз шеъриятдаги анъаналар доирасида асарлар битган бўлсалар, 80-90-йиллар шеъриятида ўз ижоди билан сезиларли из қолдирган янгилик изловчи адиблар авлоди шаклланди. Бу давр шеъриятида, асосан, аруз вазни таомилдаги шеърий тизим бўлиб хизмат қилган бўлса ҳам, мазкур адиблар бу тизимни ичдан янгилашга, бармоқ ва эркин шеър шаклларида асарлар яратишга, янги шаклий изланишларга юз тутдилар. А. ў. шеъриятида фаол

жанрлар сифатида ғазал, мухаммас, рубоий, маснавий, мустазод, ва китъаларни кўрсатиш мумкин. Адабий анъаналарга эргашиш туфайли "Тонг отди" деб аталган Султон Ҳусайн Бойқаро ғазалларига татаббуъ қилинган шеърлар тўплами, Бобурга эргашиб ёзилган асарлар "Бобурга армуғон" номли тўпламда намоён бўлди.

• *Усмонов О.* Курашларда тобланган шеърият. Т., 1982; *Аймок Ф.* Народные песни узбеков Афганистана. АКД. Т., 1987; *Исмоилов А.* "Юлдуз" саҳифаларида // ЎзАС. 1987. 24 апр.; *Нишонов М.* "Юлдуз" - дўстлик элчиси // Шарқ юлдузи. 1991. 12-сон; *Темури Ш.* Независимая печать Афганистана: традиции и современность. АКК. Т., 1993; *Хашимбеков А.* Узбеки северного Афганистана. М., 1994; *Абдуллаев А.* Курашларда янгиланаётган шеърият // Жаҳон ад-ти. 2002. 9-сон. Б.97-104; ХХ аср Афғонистон ўзбек адабиёти. Т.: Университет, 2003.

АФҒОН ТИЛИ – қ.: Пушту.

АФҒОНИЙ, Жамолиддин – қ.: Жамолиддин Афғоний

АХ (арабча: *ака, ога*; кўпликда *ихван*) –

АХАЗЗ *(арабча:* хазз – тез кесиш) [поэтика, метрика] – тармоқ рукнларидан бири. Аруз амалиётида мустафъилун рукнидан фаълун ҳосил қилиш натижасида ҳосила А. содир бўлади. Нисбатан кам учрайдиган бу вазнга Бобур "Аруз рисоласи"ла ўзи мисол ёзиш б-н чекланган.

АХБОР (арабча: хабарлар) – шиа мазҳабига мансуб мусулмонларнинг муқаддас ҳикоялари, Муҳаммад (с.а.в.) ва Ҳазрат Алининг сўзлари ва фаолияти асосидаги ривоятлар тўплами. А. шиалар учун Қуръондан кейинги (худди суннийлар учун Ҳадислар каби) муқаддас манба ҳисобланади.

АХГАР САМАРҚАНДИЙ (XVII) – шоир. Асл исми Мирзо Муҳаммад, отаси Муҳаммаж Саййид. Малиҳо Самарқандийнинг "Музаккиру-л-асҳоб" ("Суҳбатдошлар зикри") тазкирасида А..С.нинг Бўстони Болода яшагани айтилади. А.С. хушхат хаттот ва сиёқ илми (ҳисоб-китоб)дан яхши хабардор бўлган. А.С. 20 ёшда эканлигида Малиҳо б-н кўришган. Унинг ғазал таҳлили ва суҳансанжлик (танқид) маҳорати шаклланаётганлигини тазкирачи эътироф қилган ва 8 байт шеърларини мисол келтирган. Кейинги ҳаёти ҳақида маълумот йўқ.

Биргина байт:

Зи санги сурма работе бино кунам, Ахгар,
Ба дашт агар гузари он сиёхчашм афтад.

Мазмуни:

Ахгар, тош сурмасидан робот бино қилгаймен,
Агар даштдан ул қарокўз ўтгувчи бўлса.

• *Саъдиев С.* Самарканд адабий мухити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.335-337.

АХЕЙЛАР (юнонча қавм номи) [мифология] – қад. юнон қавмларидан бири. М.а. иккинчи минг йилликда Фессалия (ҳоз. Шим. Греция)да яшашган. А.лар қад. юнон шеваларидан бири бўлиб, юнон адабий т. шаклланишида муҳим ўрин тутган. М.а. XVII –XVI асрда Микена, Пилос давлатларини барпо қилишган. Гомер достонларида А. турмуши ва қаҳрамонликлари баён қилинган. Троя урушидан кейин А. давлати таназзулга юз тутган. А. бир қисми Кичик Осиёга, бир қисми Кипрга кўчиб кетишган. М.а. VIII асрда Ахайю вилояти тузилган, Ахей иттифоқи (м.а. 280–146) А.ни бирлаштирган ва Римга қарши курашда муҳим зафарларга эришган. Римликлар Юнонистонни босиб олганларидан сўнг А.и. тарқатиб юборилган.

- *Георгиев В.* Исследования по сранительно-историческому языкознанию. М., 1958
- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.

АХЁР (арабча: хайрнинг кўплиги – энг яхшилар) [тасаввуфшунослик] – А. "тариқат эгалари" мазмунида ҳам сўфийларга нисбатан қўлланилади. Улар ғойибдаги 356 нафар киши бўлиб, *аброр* деб ҳам юритилади. А.Жомий "Орифлардан ва мутасаввуф авлиёуллоҳлардан иборат акд ва ҳалқа соҳибларини А. дейишади" деб тушунтирган. Абу Бакр Тоҳир Абҳарийнинг талқинига кўра, ёмонларнинг яхшиларга эҳтиёжи ҳар иккала гуруҳга яхшилик келтиради; аксинча, яхшиларнинг ёмонларга эҳтиёжи тушиши ҳар икки гуруҳнинг фитнаю офатидир.

Тариқи ~ – Кубронинг "Усули ашара" китобида берилган.

- Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005.

АХЕЛОЙ – қад. Мисрга тааллуқли миф қаҳрамони. Айрим ад-тларда Мисрда яшаган реал шахс сифатида, айримларида эса, афсонавий қаҳрамон сифатида акс этган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.137.

АХЕРОН(т) – мифик қаҳрамон. Гелиос ва Геянинг ўғли. Титанлар мағдубиятидан сўнг таназзулга учраган.

АХЗАМ (арабча: اخزم – туянинг халқаси) [поэтика, метрика] – аруз илмида мисранинг бошида келиб, вазн ва тактиъга лохил бўлмаган ҳарфлар ёки ҳижо. қ.: Хазм.

АХИЙЛИК (арабча: اخى – қардош; туркча: мард) [тасаввуфшунослик] – аббосий халифаларидан бири Носир ли-динуллоҳ (1180-1225) томонидан футувват тариқатининг янгиланган оқимидир. А. илдизлар қорахонлилар давридаги тасаввуфнинг илк туркий ўчоқларига бориб тақалади. Сўфийларнинг аксарияти бирор касбнинг эгаси бўлгани ҳолда А. санъат билан машғул бўлиб, бозор ва гузарларда ўтирардилар. А. XIII аср бошларида Онадули ва Озарбойжонда кенг ёйилган, бўлса ҳам манбаларда А.нинг Марказий Осиё, Ироқ ва Сурияда хонақоҳлари борлиги айтилади.

Салжуқлилар даврида Самарқандда ҳам А. масканлари қурилгани маълум. Табризда Шайх Аҳвадиддин Кирмоний А. ғояларини тарқатган сўфийдир. Унинг куёви Шайх Маҳмуд Насриддин (в.1262) бу ғояларни тариқат даражсига олиб чиққан ва Ахий Эвран номи б-н танилиб, унинг нисбаси Абу-л-Ҳақойиқ бўлган. XIII аср бошларида Ахий Эвран Онадулига келиб, Қиршаҳарда ўрнашиб қолди. Турк султонларидан бири Усмон Ғозий (1299) А,шайхларидан Аҳвадиддин қизига уйлангач, бу тариқат янада кенг ривож топди. А.да етти фано эшигини ёпиб, етти эзгу эшик очмоқни шиор қилинган. Хасисликни боғлаб лутф этишликни очиш (1), қаҳр ва зулм ўрнига билим ва мулойимлик (2), ҳирс эшиги ўрнида қаноат ва ризо (3), тўқлик ва лаззат ўрнида очлик ва риёзат (4), халқдан Ҳаққа қараб йўналмоқ (5), ҳарза ва ҳазаён ўрнида маърифат (6), ёлғон ўрнада доврукликни жорий қилмоқ (7). Бу етти фазилатни қозонган инсонгина А. бўлиши мумкин экан. А. маъомидагиларнинг 7 даражаси мавжуд бўлган: игид (номзод), йамак (ўн ёшидан сурункали икки йил бир устанинг қўлида ишлаган), чироқ (устасининг розилиги б-н шогирдликдан чиққан), калфа (уч йил давомида мустақил ишлаб устозларнинг эътирофини олган), уста (хусусий дўкон очиш имтиёзига эришган), нақиб, халифа, шайх ва шайху-л-машойих.

XVI асрга қадар давом этган А. тариқатининг турк ва форс шоирларига таъсири сезиларли даражада эди.

• *Şapolyo E.B.* Mezhepler ve tarikatlar tarihi. Istanbul, 2006; *Bayat F.* Türk Təkkə ədəbiyatı. Bakı: Elm ve təhsil, 2011. S.176-184.

АХИЛЛ, Ахиллес (юнонча: Achilltus) [мифология] – кад. юнон мифологияси қаҳрамони. Пелей (пелид) ва Фетида (денгиз маъбудаси)нинг ўғли, Эаканинг набираси. Троя урушида иштирок этган. А. қаҳрамонликлари ҳақида Гомер "Илиада" достонидан муфассал тўхталган. А.ни онаси ўлмайдиган қилиш учун товонидан ушлаб Стикс муқаддас сувига ботирган. Шу тариқа А.нинг товони унинг заиф аъзоси бўлиб қолган. Парис томонидан жангда унинг товонига ўқ отиб ўлдирилган. А. тимсоли юнон мифологиясида қаҳрамонлик культи сифатида сақланган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.137.

АХИМСА, Ахинса (санскритча: кўчиш) [мифология] – жонли махлуқларни руҳий дунёга сафари, бадандан руҳнинг кўчиши ҳақидаги диний тасаввур. Ахимслар жонли махлуқнинг гўштини истеъмол қилмайдилар. Уларнинг ақидаси зулмга қарши бормасликдир.

• *Bunyadov Z.* Dinler, tatiqatlar, mazhablar. Baki: Sarq-Qarb, 2007. S.12-13.

АХИР (арабча: اخير – охирги, якун) I. [поэтика, метрика] – арузнинг фаръий баҳрларидан бирининг номи. Форс арузийлари Халил ибн Аҳмаддан кейин ихтиро қилган. А.ни баҳр сифатида талқин қиладиганлар Мунтазиа доирасидан чиқариб кўрсатишган.

Яна қ.: Мушокил.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал Душанбе: Ирфон,1994. Б.61.

II. [тасаввуфшунослик] – Аллоҳнинг исмларидан бири. Сафар ойининг сўнгги чоршанба куни. А.ликнинг Ҳиндистон мусулмонлари томонидан қабул қилинган байрами. Ривоятга кўра Муҳаммад (с.а.в.)нинг касаллиги шу кун бир оз енгиллашган. Ҳинд шиалари бу кунни қиёматда Исрофил сур чалиб, чорлайдиган кун сифатида талқин қиладилар.

- *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.12.

«АХЛОҚИ ЖАЛОЛИЙ» – адиб Давоний асари. Тўлиқ номи: "Лавоми ул-ашроқ фи макориму-л-ахлоқ" ("Яхши хулқларда нурлар зиёси"). Ок қўюнлилар сулоласи асосчиси Ҳасанбекнинг талаби б-н унинг ўғли Султон Халилга атаб ёзилган. Муаллиф Арасту, Афлотун, Ибн Мискавайх, Форобий, Ибн Сино асарларидан фойдаланган. "А.ж." уч қисмдан иборат. 1-қисмда ахлоқий хислатларни эгаллаш ва донолик, адолат,шижоат, иффат каби ахлоқ категориялари; 2-қисмда оила ва оилавий ҳаёт ахлоқи; 3-қисмда ахлоқнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни хусусида баён қилинган. Асар Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташқари Ҳиндистон ва Араб мамлакатларида ҳам шуҳрат топган ва мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилган.

- *Аликулов Ҳ.* Ахлоки Жалолий / ЎзМЭ. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.531.

«АХЛОҚИ КАБИР» – Арасту асари. Юнонча номи: "Магниа Моралиа" (русчада "Большая этика"). Арастунинг отаси Катта Никомахга бағишлангани ва унинг ахлоққа доир асарлари ичида кўплаб маърифий муаммоларни қамраб олгани учун кабир (катта) сифатловчиси б-н бирга номланган. "А.К."да ўтмишдаги ахлоқий таълимотлар (Арастугача бўлган давр), фазилат, ҳаёт неъматлари ва унинг турлари 1-қисмда, халоллик, маънавий гўзаллик, дўстлик, адолат, омад каби тушунчалар 2-қисмда илмий шарҳланади. Асар юнон т.дан рус т.га Т.Миллер томонидан 1883 й. тарж. қилинган, ўзбекча таржимаси шу нашр асосида (тарж. Маҳкам Маҳмуд) амалга оширилган.

♦ *Арасту.* Поэтика. Ахлоки кабир / М.Маҳмуд тарж. ва шарҳлари б-н. Т.: Янги аср авлоди, 2004.

«АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ» – Ҳусайн Войиз Кошифий асари. Султон Ҳусайн ўғли Марв ҳукмдори Муҳсинга бағишланган. "А.м." форс т.да ёзилган, 40 бобдан иборат. Асарда адолат, сабр, ёқимлилик, ҳаё, одоб, ишонч, вафо, шижоат ва сиёсат каби масалалар хусусида сўз юритилади. Асар Огаҳий томонидан ўзбек т.га тарж. (1858) қилинган. Рус ва Европа т.ларига ҳам ўгирилган. Асар матни ва таржимасининг кўпгина қўлёзмалари ЎзРФАШИда сақланади.

♦ *Кошифий Ҳ.* Ахлоқи муҳсиний. Т.: Ўзбекистон, ????

- *Маҳмудов Р.* Дегонимни улуска марғуб эт... Т.: Ўз-н, 1992.

АХМАДУЛЛИНА, Белла (1937 й.т.) – рус шоираси. Москвада туғилган. Ад-т инс-тини тамомлаган (1960). Биринчи шеърий тўплами "Соз" (1962) б-н адабий жамоатчиликка танилган. Шеърлар китоби Германияда чоп этилгани учун А. тазйиқ остига олинган. Кейинроқ "Мусиқа дарси" (1969), "Шеърлар" (1975), "Шам" (1977), "Бўрон" (1977) тўпламлари нашр этилган. Грузин мумтоз шеъриятидан тарж.қилган. Россия Давлат мукофоти б-н тақдирланган (2004).

♦[Белла Ахмадуллина] XX аср рус шеърияти / Мирпўлат Мирзо тарж. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2010. Б.277–304.

АХМАН (АКМАН) – юнон тарихчилари Эрондаги ахомонийлар сулоласи асосчисининг номини шундай атаган.

АХМАТОВА, Анна (1889/11.VI–1966/5.III) – рус шоираси. Асл исми: Горенко Анна Андреевна. Одессада ш.да туғилган. Она томонидан Олтин Ўрда ҳукмдори Аҳмадхон авлоди. Киев ун-ти юридик факультетини тамомлаган. 1910 й.да Петербургга кўчиб ўтган. *Акмеист*лар тўгарагида қатнашган. А.нинг турмуш ўртоғи *Н.Гумилев* отувга ҳукм қилинган (1921), ўғли *Л.Гумилев* бўлса қамоққа олинган (1935). II жаҳон уруши даврида Тошкент (ҳоз. С.Азимов кўчаси, 54)да яшаган. "Тошкент шеърлари" (1944) туркуми шу ш.да яратилган.

А. асарлари 1912 й.дан нашр этила бошлаган. Биринчи шеърий тўплами "Оқшом" (1912) шоирага шуҳрат келтирган. Сўнгра "Тасбеҳ" (1914), "Оқ гала" (1917), "Баргизуб" (1921) тўпламлари, "Қаҳрамонсиз достон" (1940–62), "Марсия" поэмаси, "Қўға", "Еттинчи китоб"и чоп этилган. "Вақтнинг тез ўтиши" (1965) китобида ўз ижоди хусусида сўз юритган. А.С.Пушкин тўғрисида тадқиқотлар муаллифи. Шеърлари жаҳон т.ларига тарж.қилинган, А.А. "Корея анъанавий шеърияти" (1958), "Шарқ мумтоз шеърияти" (1969) тарж. китоблари муаллифи.

♦ *Ахматова А.* Из шести книг. Л., 1940; Стихотворения. М., 1961; Бег времени. Л., 1965; Голоса поэтов. Стихи зарубежных поэтов в пер. А.Ахматовой. М., 1965; Сочинения в 2-х т. М., 1986; [Анна Ахматова] XX аср рус шеърияти / Мирпўлат Мирзо тарж. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2010. Б.7–34.

• *Эйхенбаум Б.* Анна Ахматова / Опыт анализа. Петроград, 1923; *Павловский А.* Анна Ахматова / Очерк творчества. Л., 1966; *Добин Е.* Поэзия Анны Ахматовой. Л., 1968; *Жирмунский В.М.* Творчество Анны Ахматовой. Л., 1973;

АХОМАНИЙЛАР (м.а.558–330) – форс подшоҳлари сулоласи. Унинг асосчиси Ахоман (қад. т.да Хахоманиш) форс қабилалари етакчиси бўлган. Ахоман ўғли Теисп (Чишмиш), авлодлари Кир I, Камбис, Кир II Аншан давомчилари бўлган. Сулоланинг катта тармоғи Камбис II (530–522) вафоти б-н (522) тугаган. Кичик тармоққа Доро I (522–486) асос солган, унинг давомчилари Ксеркс (486–465), Артаксеркс I (465–424), Ксерск II (424), Суғдиён (424–423), Доро II (423–404), Артаксеркс II (404–358), Артаксеркс

III (358–338), Арсес (338–336), Доро III (336–330) бўлган. Бу сулола тарихи кўплаб манбаларда, жумладан, Навоийнинг "Тарихи мулуки Ажам" асарида баён қилинган.

А. давлати ҳоз. Эрон, Ҳинд дарёсидан Эгей ва Ўрта ер денгизигача ҳудуларни, Миср, Ливия ва Болқон ярим оролининг баъзи мамлакатларида ўз ҳукмронлиги ўрнатган. А. сулоласи вакили Кир II форс қабилалари иттифоқини тузган. Давлат Доро I даврида 20 та ҳарбий маъмурий бўлинма (сатрапия)дан иборат бўлган. А. давлати бир неча марта Туронга ҳужум уюштирган. Туркий халқларнинг А. ҳужумига қаршилиги Тўмарис, Широқ, Марғиёна афсоналарда баён қилинган. А. ҳукмдори м.а. 330 й.да Искандар Мақдунли томонидан ҳалок қилинган.

Ахоманий шоҳлари кучли марказлашган давлатни вужудга келтириш учун зардуштийлик диний эътиқоди ва маросимларидан яхши фойдаланган. М.а. VI асрда (аниқроғи, 521-486 йилларда) ҳукмдор бўлган Доро I ҳозирги Кирмоншоҳ яқинидаги Беҳистун қоятошига уч т.да (элам (Шумер)), Бобил ва қадимги форс-паҳлавий т.ларида) тарихий обида сифатида қуйидаги сўзларни нақш эттирган: "Менким, Форс подшоҳи, шаҳаншоҳ, Виштасп (Виштасп) ўғли Аршама набираси Ахоман авлоди Дородурман. Дорошоҳ сўзим: Менинг отам Виштасп, отамнинг отаси Аршама, Аршаманинг отаси – Чишпиш, Чишпишнинг отаси – Ҳомондир. Шу сабабли биз ахоманийларми. Менинг авлодларимдан саккизтаси подшоҳ бўлган, мен – тўккизинчисиман. Ахура Мазда менга подшоҳлик берди.

Ахура Мазда шарофати б-н қуйидаги мамлакатларни қўлга киритдим: Форс, Элам, Бобил, Ассурия, Арабистон, Миср, Лидия, Иония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дрангийона, Ария, Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Гандарва, Сакистон (Сейистон), Саттагидия, Мако – ҳаммаси бўлиб, 23 мамлакатга подшоҳ бўлдим.

Ахура Мазда ҳиммати б-н бу мамлакатлар менга итоат этиб, ҳирож ўлпон тўлайдилар. Кечаси ҳам, кундузи ҳам менинг айтганимни бажо қиладилар. Мен бу мамлакатларнинг яхши одамларини кадрладим, душманларни жазоладим. Ахура Мазда иродаси б-н бу мамлакатлар менинг қонунларимга риоя қилдилар. ...Бу ерда аввал Кир (Кайковус) подшоҳ, сўнг унинг ўғли Камбиз подшоҳ бўлди. Камбиз укаси Бардияни ўлдирди. Мисрга борди. У ерда халқ унинг зулмига қарши ғалаён кўтарди. Унинг даврида Форсда ҳам, Мидияда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам жабр-зулмга қарши халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Ўша вақтда Пешавод деган жойда Ҳавмота исмли муғ (сеҳргар) чиқиб, (Камбизга қарши) қўзғолон кўтарди. У ўзини Бардия деб халқни алдади ва халқ унга қўшилиб, ҳокимиятни Камбиздан тортиб олдилар. Форс, Мидия ва бошқа мамлакатлар муғ Ҳавмотага ўтди (м.а. 522, 9 апрел). Сўнг Камбиз ўз ажали б-н ўлди." Шундан сўнг Беҳистун тошбитигида муғ Ҳавмота уни Кирнинг ўғли Бардия эмаслигини билганларнинг ҳаммасини ўлдириб юборганлиги, на форс, на мидиялик, ҳеч бир инсон ундан ҳокимиятини тортиб ололмагани, халқ ундан қўрқиб, ҳақиқатни айтишга журъат қилолмагани ёзилган.

АХРАБ (арабча: اخرب – вайрон қилиш) [поэтика, метрика] – аруз назарияси ва амалиётида мафоийлун аслининг "харб" зиҳофи б-н ўзгариши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган *мафъулу* (– – ∨) тармоқ рукнининг номи. Бобур "Аруз рисоласи"да "Харб – кафф била хармнинг ижмоъидур мафоъийлун фоъил бўлур, мафъул анинг ерига қўярлар, бу муғаййарни ахраб дерлар". 24 рубоий рукнларининг 12 тасида А. қатнашади.

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.61--64; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 19; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқиниа. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.136, 220.

~ шажараси – аруз назариясида рубоий вазнларидан 12 тасини ўз ичига олувчи туркум бўлиб, уларнинг барчаси мафоийлуннинг ахраб тармоғи мафъулу рукни б-н бошланувчи рукнлар тизими. А.ш.дан 4 тасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслининг мақбус тармоғи мафоилунга, 4 тасининг иккинчи рукнлари шу аслнинг мақфуф тармоғи мафоийлуга, яна 4 тасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслининг солими мафоийлунига тенг келади. Учинчи руклар мафоийлун ёки мафъулун бўлганда тўртинчи рукнлар мафоийлун аслининг *абтар* тармоғи *фаъ* ёки *азалл* тармоғи *фоъга*, учинчи рукнлар мафоийлу ёки мафъулу бўлганда тўртинчи рукнлар мафоийлун аслининг *ажабб* тармоғи *фаал* ёки ахтам тармоғи *фаул*дан иборат бўлади.

Ўзбек шеъриятида яратилган рубоийларнинг аксарияти иккинчи рукни мафоийлун бўлган *ахраби мақбус* мансуб тўрт ўлчовга асосланади. Булар: ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб, ҳазажи мусаммаани ахраби мақбузи мақфуфи ахтамдан иборат. Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва Аваз ижодидаги бир вазнли рубоийларнинг учдан икки қисми ушбу шохобча ўлчовларида битилган. Қолган шохобчалар нисбатан кам қўлланилган.

• *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.19-21.

~и мақфуф – аруз назариясида рубоий вазнларидан бири. Ўзбек рубоийнависликда кенг қўлланган ўлчовлардан бири. Рукнлари бир мисрада мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ (– – ∨ ∨ – – ∨ ∨ – – – –) тарзида ўлчанади. А.м. Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз рубоийларида қўлланган. Мас.,

Жонимга қилур жавру жафо ёр асру,
Ким ёр ичида жавру жафо бор асру,
Бўлдум чекибон жавру жафо зор асру,
Мен жаврқашу ёр жафокор асру.

(Алишер Навоий)

• *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.25-26.

~и мақбуз – аруз назарисяида рубоий вазнларидан бири. А.м. тўрт хил вазндан иборат: ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб, ҳазажм мусаммани ахраби мақбузи макфуфи азалл. Буларндан биринчиси ўзбек рубоийнавислари Ҳофиз Хоразмий, Навоий, Бобур томонидан фаол қўлланган. Мас.,

Аҳбоб фириқингиз била эл нетгай,
Сизларга киши нечора айлаб етгай.
Жамъиятингизни жамъ тутқай Тенгри,
Бобурни доги бу жамъда жамъ этгай.

(Бобур)

- *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 22

АХРАМ (арабча: اخرم – бурунни кесиш) [поэтика, метрика] – А. мафъулун (– – –) тармоқ рукнининг номи. Аруз назариясида мафоийлун аслининг "харм" зиҳофига дуч келиши натижасида (аслий рукн бошидаги қисқа ҳижони ташлаб юбориш) ҳосил бўлади. Рубоий рукнларининг 24 тадан 12 тасида А. қатнашади. Ушбу рукн асосида *Ахрам шажараси* вужудга келади.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.65; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.28-30; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқиниа. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.136, 220

~ и макфуф

Тоиров У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.66.

~ и мусаббағ

Тоиров У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.66-67/

«АХРАМ» («ал-Ахрам) – Мисрда араб т.да чоп этиладиган газ. (1875) Ҳоз. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб т.ли мамлакатларга тарқатилади. Ад-т ва санъат масалаларига кўп ўрин берилади. Ўзбек адиблари Навоий, Бобур Чўлпон асарларидан намуналар А.да эълон қилинган.

АХРАС (арабча: اخرس – гунг, лол, соқов) [поэтика] – I. форс т.даги аруз баҳрларидан бири. Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс арузийлари, жумладан, Баҳром Сарахсий, Бузургмехр Қойиний асарларида учрайди. Мунъалиқа доирасидан ажратиб, уни алоҳида баҳр сифатида талқин қилишган.

II. Эрон олимларидан Маҳдий Ҳамидий томонидан номланган баҳр, у "Арузи Ҳамидий" асарида аслий рукни (солим) мутфо (– –) тарзида келтиради. "Фаълун"нинг тўрт марта такроридан рукн ҳосил қилинган:

Гар дар домаи гавҳар дори,

Баҳри Ахрас кам пийдори

– / – – / – – / – –/

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.68.

АХСИ (АХСИКАТ, АХСИКЕНТ) – қад. ш. харобалари. Ҳоз. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ҳудудида жойлашган. М.а. III–II асрларда вужудга келган, IX–X асрларда Фарғона давлатининг пойтахти бўлган. 1219 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Темурийлар даврида қайта тикланиб, Фарғона ҳукмдорлари қароргоҳи бўлган. Бобуршоҳнинг отаси Умаршайх Мирзо даврида А. салтанатнинг ёзги пойтахти эди. У қалъа деворларини мустаҳкамлаган, атрофига жарлар қаздирган, мудофаа қудратини оширган. Умаршайх Мирзо А.да жарга йиқилиб, ҳалок бўлган (1494). "Бобурнома"да "Умаршайх Мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки марта ташқарирокдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк қўрғон йўқтур. Маҳаллоти қўрғондин бир шаръий йироқроқ тушубтур" деб ёзилган (61а).

А. харобаларида акад. Я.Ғуломов томонидан археологик экспедициялар ўтказилган. 1950 й.дан давлат муҳофазасига олинган.

АХСИЙ (в.1601) – шоир ва мутасаввиф. Асл исми: Поянда охунд. Ахсикатда туғилган, Самарқанд ва Тошкентда таҳсил олиб, тафсир ва ҳадис илмини ўрганган. Кейинчалик Балх ш.га келиб, Хўрд Ахсикатий таълимотига эргашган. Мавлоно Хўрд вафотидан сўнг Бухорога келиб, тариқат йўлига кирган, кўплаб муридларга пирлик қилган. Қасидалари б-н шуҳрат қозонган. Бу байт А. қасидадан:

Зеҳи хўжаста асосе ки қуббаи ахзар
Хамида аз паййи таъзими у дар ин манзар.

Мазмуни:

Яшасин қутлуғ асосли бу жой ки мовий осмон,
Таъзими учун эгилмишдир каддин қилиб камон.

Қабри Бухоронинг Файзобод мавзесида.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АХСИКАТИЙ, Асириддин (1108/10–1196/98) – шоир, олим. Асл исми: Муҳаммад Тоҳир, нисбаси: Абулфазл. Хоқоний б-н бир даврда яшаган, Жаварийнинг устози. Балх, Ҳирот, Марв ш.ларида бўлган. Арслон бинни Тўғрул (1160–1179) ва Қизил Арслон (1185–1191) даргоҳида ишлаган ва "маликушшуаро" унвонини олган. Озарбойжоннинг Харлол қишлоғида вафот этган. Қарийб 8 минг байтга яқин шеърни ўз ичига олган девони сақланган. Девонда 120 қасида, 220 ғазал, 80 қитъа, 80 рубоий, 4 таркиббанд, 24 фард жамланган. Улвий Коший томонидан кўчирилган (1313) ушбу девон

Лондондаги “Индиан офис”да сақланади. Девон нусхалари Берлин, Техрон, Деҳли ва Душанбеда ҳам мавжуд.

А. ҳақида Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” асарида маълумот бор: «Фазл эгалари Асир(иддин)нинг шоирлигига тан бериб эдилар. Баъзилар унинг сўзлари Анварий ҳам Хоқоний сўзларидан фазллироқ эканлигини айтганлар... Асириддин сўзни донишмандона, Анварий завқ б-н айтар эдилар. Хоқоний сўзга безагу оройиш беришда барчадан мумтоз эди... улар учаласи маънилар дарёсининг гаввослари эдилар ва ҳар бири ўша дарёдан кучи етганча дур олиб чиққандир”.

Рубоий: *Уйқумда бўлиб ҳамнафас ул ёрни суйибмен,*
Ҳам ҳар нафас ул ёр ила асрорни туйибмен.
Оҳ, шавқли юзим юзига қўйдим, куйибон, воҳ –
Уйғондиму кўрдимки, юзим ерга қўйибмен.

(Тоҳир Каххор тарж.)

♦ *Асириддини Ахсикатий.* Девон. Душанбе, 1989.

• *Самарқандий Д.* Шоирлар бўстони. Т., 1981. Б.58-59; *Ҳомидий Ҳ.* Кўҳна Шарқ дарғалари. Т., 1999. Б. 122-125; Ахсикент. Т.: MUMTOZ SO’Z, 2009; Энц-яи ад-т ва санъати тожик. ж.1. С.184.

АХСИКАТИЙ, Аҳмад (1073–1134) – шоир, тилшунос, тарихчи олим ва хаттот. Тўлиқ номи: Абу Рошид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим Ахсикатий. Фарғона водийсидаги Ахсикат қишлоғида туғилган. Форсий шеърлари асосида девон тузган. Озарбойжонда Отабеклар сулоласининг сарой шоири, Марвда султон саройида муншийлик қилган. “Зулфазойил” (икки фазилат эгаси – олим ва шоир) деган номга сазовор бўлган. А. “Китобу-т-тарих», “Китобу-з-завойид фи шарҳ “Сақту-з-занд” (“Чақмоқтош учқунлари” достонига битилган шарҳ”), “Китоб фи қавлиҳим казаба алайка казо” (“Уларнинг сени бундай деб алдаган сўзлари ҳақидаги китоб”), “Девони шеър” в.б. асарлар битган.

• Китобу мўъжами-л-булдон. 1-ж. Б.148; *Бунёдов З.* Марказий Осиёга доир тадқиқотлар. Хоразмшоҳлар давлати. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. С.228; *Заҳириддин Байҳақий.* Татимату-с-савон ал-ҳикма. Т.: Фан, 1987; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.19.

АХСИКАТИЙ, Муҳаммад (в.1247) – фиқҳ олими, файласуф ва адиб. Тўлиқ номи: Ҳисомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий ал-Ҳанафий. Фарғона водийсидаги Ахсикат қишлоғидан. Асосий асарлари “Мухтасар фи усули-л-фиқҳ” (“Фиқҳ усули ҳақида мухтасар китоб”), “Ҳисомий” (“Ҳисомуддин китоби”), “Мифтоҳу-л-усул” (“Усулларнинг калити”), “Ғойату-л-таҳқиқ” (“Текширишлар чегараси”), “Дақойиқу-л-усул ва-т-табйин” (“Усул ва баённинг нозик қирралари”) в.б.

• Китобу мўъжами-л-муал.ин. 3 ж. Б. 663; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.19-20.

АХТАР (I, в. 1740–41) – ҳиндистонлик шоир ва олим. Ожмирда туғилган. Исми Шайх Саъдулла. Бурҳону-л-мулук Саодатхон саройида девонбеги

бўлган. Форс т.да ёзилган "Девон"и сақланган, "Гулшани Маҳмуд", "Шуълаи ишқ", "Гетийи ошуб", "Ажабнома", "Ашшурмайи ҳайрат", "Тилсими ваҳдат" номли манзумалари ҳам "Девон"дан ўрин олган. Манбаларда шу байт келади:

Аз руҳи тобони худ бар абри моҳи ман ниқоб,
Афтоби субҳ маҳшарро чи нисбат бо саҳоб.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.18.

АХТАР (II) – ҳиндистонлик шоир. Шоҳ Аврангзеб Оламгирнинг набираси, шаҳзода. Баъзи манзумалари бор. Икки байт ундан:

Бувад токай зи ҳоли ишқ гуфтор,
Кунам Ахтар зи ҳоли хеш изҳор.
Ки чун зин салтанат коҳи мажози
Баромад шоҳи Оламгир Ғозий.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.19.

АХТАР (III) – ҳиндистонлик шоир ва олим. Асл исми: Вожуд Алихон. Мамлакатни идора қилиш усуллари ҳақида "Дастури Вожудий" асарини ёзган. Аруз илмига оид "Иршоди Хоконий", мусиқа илмига оид "Савту-л-муборак" асарлари бор. "Девон"и машҳурдир. 1855 й.да Калькуттада инглизлар томонидан ўлдирилган. Бир байт:

Саалта то чанд бошад мустаийят
Ҳоли зорам эй шаҳи мардон, бингар.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.19.

АХТАРИЙ – ўзбек шоири. Тошкент ш.да туғилган. Иккинчи тахаллуси: Афандихон. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан. Шеър ва мақолалари "Садойи Туркистон"да чоп қилинган.

- Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.141.

АХТАЧИ (мўғулча: синчи, от табиби, сайис) – қад. туркий қабилалардан бирининг номи. Айрим манбаларда қипчоқ уруғларидан бири. Андижон вилоятида А. номли топоним мавжуд.

АХУНДОВ (Ахундзода), Мирза Фатали (1812/30.VI–1878/26.II) – озарбойжон адиби, маърифатпарвар олим, озарбойжон драматургияси асосчиси. Тифлисда яшаган. Чор ҳукумати девонида тарж. бўлиб ишлаган (1834–1861). "Мулла Иброҳим Халил, алхимик" (1850), "Ҳожи Қора" (1852), "Шарқ адвокатлари" (1855) каби комедиялар муал.и. "Адашган юлдузлар" (1857) сатирик қиссасида давр амалдорларини танқид қилган. Фалсафий асарларида билиш назариясини илгари сурган. XVIII аср француз материалистларининг таъсирида атеизмга йўл берган. "Файласуф Юмга

жавоб" эссесида руҳнинг абадийлиги хусусида олмон олими б-н бах юритган. "Ҳинд шаҳзодаси Камолуддавланинг уч мактуби" (1864-65)да ў фалсафий қарашларини баён қилган.

♦ *Ахундов М.* Асарлари, ч.1–3. Бакы, 1949–55; Изб. М., 1956; Изб. философск. произв. М., 1962.

• *Рафили М.* М.Ф.Ахундов. М., 1959; *Джафаров Дж.* Ахундов М.Ф / Критико-биографический очерк. М., 1962; *Мамедов Ш.* Мировоззрение М.Ф.Ахундова. М., 1962. *Bunyadov Z.* Dinler, tatiqatlar, mazhablar. Baki: Sarq-Qarb, 2007. S.12-13.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.142.

АХУРАМАЗДА (ХУРМУЗ) ( ) [мифология] – зардуштийлик эътиқодида бош маъбуд. "Авесто" муқаддас китобининг асаосий қаҳрамони. "Авесто"га кўра, А. осмон, замин ва инсониятни яратган. Ҳукмдор ва Низом (давлат тартиботлари китоби)лар ҳомийси. А. *Анхра-Майню (Аҳраман)*га қарши қўйилган. А.эзгулик ва маърифат тимсоли бўлса, Аҳраман зулм ва жаҳолат тимсолига айланган. А. "эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал"ни мадҳ этувчи, "жами эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга" ўзини бағишлаган тимсол.

♦ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Аскар Маҳкам тарж.) Т.: Шарқ НМАК, 2001; Авесто / Поэзия и проза Древнего Востока. М., 1973; Авеста / В пер. и с коммент. И.М.Стеблин-Каменского. Душанбе: Адиб, 1990.

• *Маковельский О.* Авеста. Баку, 1960; *Абу Бахр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий.* Бухоро тарихи. Т., 1966; *Абу Райҳон Беруний.* Ал-осору-л-бокия ан-ал каруну-л-ҳолия. Т., 1969. *Қаюмов А.* Қадимият обидалари. Т., 1971; *Ҳомидов Ҳ.* «Авесто» файзлари. Т., 2001. *Нитше Ф.* Зардўшт таваллоси / И.Ғафуров тарж. Т., 2007; *Каримов О.* "Авесто" изидан Т., 2008.

АХУРАМАЗДА ????????

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.141.

АЧАМАЙЛИ (очамайли, очамойли) [этнография] – туркий қавмлардан бири. А. қанғли қабиласига мансуб уруғ бўлиб, қорақалпоқлар таркибидаги 13 уруғдан бири. Ўз-н ва Қозогистонда ҳам бу уруғга тегишли аҳоли яшайди. А. Этноним ва топоним сифатида Тошкент, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё, самарқанд вилоятларида Тожикистоннинг Ўратепа туманида учрайди.

АЧИН – қ.: Очун.

АШАНТИ

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.142.

АШАРАЙИ МУБАШШАРА (арабча: *башоратли ўнлик*) [диншунослик] – Муҳаммад (с.а.в.)га ислом ғалабаси учун курашда қаҳрамонлик кўрсатган ўн саҳобанинг жаннатга кириши башорат қилинган. Улар: Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Талҳа ибн

Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Абдураҳмон ибн Авф, Саъд ибн Ваққос, Саъид ибн Зайд, Абу Убайд Омир ибн Абдуллоҳ.

• *Закойи Кўнрапа.* Пайғамбаримиз ва ашарайи мубашшара. Т., 1996; *Ризоуддин ибн Фахруддин.* Чаҳорёрлар. Т., 1995.

АШВАМЕДХА

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.143.

АШВАТХА

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.144

АШВИНА

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.145.

АШИН – қад. туркий қавмлардан бирининг етакчиси. Бу ном б-н уруғ ҳам аталган бўлиб, Иккинчи хунну давлатида Муғонхонга қарам бўлган, сўнг 500 оила б-н А. етакчилигидаги қавмлар Олтой ўлкасига кўчиб кетган. Бу кўчишда уларга "Ашиннинг 500 хонадони" номи берилган. А.дан кейин унинг авлодлари телеут ва в.б. туркий қавмлар б-н иттифоқ тузиб, Биринчи улуғ хоқонлар давлатини тузган. А. авлодлари Биринчи турк хоқонлиғи ва Хазар хоқонлигини бошқарган. Кўктурк хоқонлигини А. авлодлари жасорати Кул Тегин ёдгорликлари (Улуғ матн)да ёзиб қолдирилган. Бумин хоқон (в. 552) бу сулола асосчиси бўлиб, унинг ўғилари Истами хоқон (в.553), Мухан хоқон (ҳукмронлиги 553-572) машҳур ҳукмдорлар эдилар. А. қавмининг давлат тепасига келиши ҳақида Л.Гумилев ёзади: "Ҳар бир халқнинг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалса-да, барча даврлар тарихчилари халқнинг вужудга келганлигини муайян санадан (албатта, ўз фикрига кўра) бошлашга интиладилар... *Туркут (турк)лар* учун ана шундай сана 545 йилдир". Кейинроқ сулола Шарқий ва Ғарбий хоқонликларга бўлиниб кетган, Шарқий хоқонликнинг сўнгги вакили Чженчу, Ғарбий хоқонликнинг сўнггиси Хик исмли ҳукдордир. Сулоланинг Нишуфу (в.680), Фунйану (в. 681) сингари вакиллари исёнлари туфайли Хитой ҳукмдорлари томонидан қатл қилинган.

• *Гумилев Л.Н.* Қадимги турклар. Т.: Фан, 2007. Б.30-48; *Стеблева И.В.* Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М.: Наука, 1976. С. 51-88.

АШИНА (хитой–мўғулча: улуғ бўри) – туркий уруғлардан бири. Мифга кўра, хунлар (туркий халқларнинг қадимги аждоди) душман томонидан бутунлай қириб ташланади, фақат оёқ-қўллари кесиб ташланган 9 яшар болани ботқоқликда қолдириб кетадилар. Бола хунлар шаҳзодаси бўлиб, кийинчиликлар б-н яшаб қолади. Ўрмонда урғочи бўри б-н қовушади, унинг ҳаётлигидан хабар топган душманлар қайтиб келиб, болани ўлдирадилар. Бўри эса Олтой тарафларга қочиб бориб, фарзанд кўради. Шундай қилиб, бу уруғ Хун шаҳзодаси ва урғочи бўрини ўзларини насаббошиси деб

биладилар. Бу уруғ вакиллари қад. турк хоқонликларида юқори даражага эришганлар. Ҳатто А. исми турк хоқонлари номига қўшиб айтиладиган фахрий унвонга айланиб кетган. Мас., Ашина Хэлу (VII аср), Ашина Шер каби. Тан империяси даврида бу уруғ вакиллари хитойликлар томонидан тор-мор қилинган.

- *Гумилев Л.Н.* Қадимги турклар. Т.: Фан, 2007. Б.26-30.

Ашина (хитой–мўғулча: улуғ бўри) – туркий уруғлардан бирининг номи бўлиб, мифга кўра, хуннлар душман томонидан бутунлай қириб ташланади, фақат оёқ-қўллари кесиб ташланган 9 яшар болани ботқоқликда қолдириб кетадилар. Бола хуннлар шаҳзодаси бўлиб, қийинчиликлар б-н яшаб қолади. Ўрмонда урғочи бўри б-н қовушади, унинг ҳаётлигидан хабар топган душманлар қайтиб келиб, болани ўлдирадилар. Бўри эса Олтой тарафларга кочиб бориб, фарзанд кўради. Шундай қилиб, бу уруғ хунн шаҳзодаси ва урғочи бўрини ўзларини насаббошиси деб биладилар. Бу уруғ вакиллари қадимги турк хоқонликларида юқори даражага эришганлар. Ҳатто Ашина исми турк хоқонлари номига қўшиб айтиладиган фахрий унвонга айланиб кетган. Мас., Ашина Хэлу (VII аср), Ашина Шер каби. Тан империяси даврида бу уруғ вакиллари хитойликлар томонидан тор-мор қилинган. Тоғ лавҳадаги бўрининг одам боласини эмизишида мана шу ва ушбу мавзудаги бошқа афсоналарга ишора бўлиши мумкин. Кўринадики, бўри тотеми фақат мардлик, жанговорлик ёки ҳужумкорлик тимсоли эмас. У она тимсолида туркий халқларга меҳрибонлик қилган халоскор маъносида ҳам келар экан. Шундай экан, турли рамзлардаги бўри тимсоли б-н боғлиқ лавҳаларни умумлаштириб, унинг фалсафий маъносини ахтаришга алоҳида эҳтиёж бор.

АШИҚ (арабча: севимли) – қ.: ошиқ.

АШИҚ ПАША (1271-1332) – қ.: Ошиқ Пошо.

«АШИЪАТУ-Л-ЛАМАОТ» (“Порлоқ шуълалар”) – Абдураҳмон Жомий асари. Фахриддин Ироқий (в. 1289)нинг “Ламаот” тасаввуфий асарига шарҳ тарзида ёзилган. А.л. Ибн Арабийнинг “Фусусу-л-ҳикам” асари таъсирида ёзган. Асар Алишер Навоий Ироқийнинг асарини ўрганишга киришган пайтида унга шарҳ сифатида Жомий томонидан ёзилган. Фахруддин Али Сафийнинг “Ра(юнончa: Аргода сузувчилар) [мифология] шаҳоту айни-л-ҳаёт” асарида кўнгил ойинасида пайдо бўлган суратнинг шарҳида шундай таъриф келтирилган: “Ҳазрати Махдумий (Абдураҳмон Жомий) қуддиса сирруҳу “Ашиъату-л-ламаот”да бу байт шарҳидаким:

Ойинаи сурат аз сафар дур аст,
Кон пазирои сурат аз нур аст

(Мазмуни: Ўзи суратни қабул қилувчи ойина сурат каби сафар қилишдан узоқдир, негаки унинг суратни қабул қилиши нур туфайлидир)” Ушбу байт нақшбандийлик тариқатидаги 11 рашҳанинг учинчиси – “сафар дар ватан” шарҳида берилган.

• *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ислом тасаввуфи манбалари. Тасаввуф назарияси ва тарихи. Илмий мажмуа. Туз., сўзбоши ва изоҳлар муал. Ҳ.Болтабоев). Т.: O'qituvchi, 2005. Б.120. *Ганиева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.6.

АШКИЙ Самарқандий (XVII) – қасиданавис шоир. Мутрибий у ҳақда: "Шеър айтишда таъби аниқлик кўрсатади ва покиза маъноларни назм либосига буркайди. Турли илмлар бўйича таҳсил олиб, мавлонолик касб этган. Муаммо фанида ўта билимдон бўлиб, амаллари таҳсилини такмил қилган" деб ёзади. Ғазалидан бир байт:

Насими нахли ту гар сиймбар бижунбонад,
Чу мурғ жон ба ҳавои ту пар бижунбонад.

Мазмуни:

Ниҳолинг насими кумуш танни қимирлатса,
Қуш каби жон ишқингда қанот қоқар.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

«АШМА» (хитойча: Ашима) – Хитойдаги сани халқининг эпоси (Юннан провинцияси) . Асар бош қаҳрамон, ёш қиз А. исми б-н юритилган. 1953 й.да ёзиб олиниб нашр қилинган. Эпос мазмуни мифлар асосида шакллантирилган. А. севгиси учун курашиб, акс-садога айланиб кетган.

• Эпические сказания южных народов Китая. М.-Л., 1956.

АШРАФ (1398–1460) – озарбойжон шоири, асарларини форс т.да ёзган. Тўлиқ исми: Абу Али Ҳусайн ибн Ҳасан Мароғий. Хусрав Деҳлавийдан кейин форс т.да тўрт девон тузган, Низомий йўлида "Хамса" яратган (1436-40, 23860 байт). Алишер Навоий у ҳақда: "Ҳирий ш.да бўлур эрди ва сўфия тариқи била сулуки бор эрди. Бошиға кийиз бўрк қўяр эрди ва назм аҳли акобири била суҳбат тутуб эрди. Кўпи ани дарвешлик жиҳатидин таъзим қилурлар эрди. Кўпрак авқотида «Хамса» назмиға ўткарур эрди. Оқибат ул-амр ул мутабаррак китоб итмомиға мушарраф бўлурға тавқиф топти. Бу байтни гўёки матлуб висоли вақти айтмиш бўлғайким, байт:

Аз шарафи васли ту Ашраф шудем,
Давлати мо буд мушарраф шудем".

Таржимаси: Васлинг шарафидан Ашраф бўлдик, бу биз учун давлат эди, мушарраф бўлдик.

А. "Хамса"си таркибига "Минҳожу-л-аброр" ("Тақводорларнинг ёруғ йўли"), "Риёзу-л-ошиқин" ("Икки ошиқ машаққати"), "Ширин ва Хусрав", "Ишқнома" (ёки "Лайли ва Мажнун"), "Ҳафт авранг" ("Етти тахт"), "Зафарнома" достонлари кирган. Тўрт шеърий девон тартиб берган. Ҳазрат Али ҳикматларини "Сад панди Али" ("Алининг юз панди") номи б-н форс т.га тарж. қилган.

• *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 731-тартиб Мажолису-у-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.16; *Рустамова А., Набиев Б.,* Караев Я Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.172-173.

АШРАФ (I) – форс шоири. Асл исми: Мирзо Муҳаммад Саид. Мозандаронда туғилган. Бобурийлардан Шоҳ Оламгир замонида Ҳиндистонга бориб, у ерда муқим яшаб қолган. Машҳур шоира Зебуннисонинг муаллими.

• *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.11.

АШРАФ (II) – ҳиндистонлик форсигўй шоир. Асл исми: Муҳаммад Ҳасан. Бобурийлар салтанатида Аллоҳободнинг ҳукмдори Муҳаммадшоҳнинг фарзанди. "Маодини файз" сарлавҳали маснавийси бор.

• *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.11.

АШРАФИЙ МИР РУМУЗИЙ – шоир ва олим. Самарқандда туғилган. Бухоро ва Балхда яшаган. Мутрибий: "таъби ғоятда аниқ ва сўзлари ниҳоятда тиниқ. Яхши шеърлари бор ва шеър фанида маҳорат кўрсатарди. Муаммо амалларини жуда яхши ўзлаштирган бўлиб, бу соҳада қилни қирқ ёрувчи билимдонлар таъбига мақбул бўлган рисолалар битган... Маснуъ таърихлар яратишда ҳам моҳир" деб баҳо берган. Абдуллоҳхон Хуросон вилоятини фатҳ этган (1589)да айтган маснуъ таърихи машҳур бўлган. Ал таърихи ўн байтдан иборат ундаги айрим рукнларни бирлаштирилса, тўрт таърих чиқади ва улар жамланса, бошқа байт ҳосил бўлади. Ҳар бир рукнни бошқа рукнлар б-н қўшса, олтмиш байтлик бир қасида *тарди-л-акс* санъати б-н ҳосил бўлади. Ушбу таърихнинг матлаъи:

Моҳи нав мерасад аз айни иноят шаби ийд,
Ки дари айш кушояд ба зар андуди калид.

Мазмуни:

Янги ой келди иноят айлагач бу окшом ҳайит,
Солай деб айш эшигига олтин нурдан калит.

• *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.120-122; *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АШРАФИЙ САМАРҚАНДИЙ (XI-XII) – шоир ва фозил. Самаркандда туғилган. Ризоқулихон Ҳидоят "Мажмау-л-фусаҳо" тазкирасида Саййид Муиниддин деб таништиради. Авфий С. б-н Бухорода 1183 й.да кўришган ва "Лубобу-л-албоб" тазкирасида шундай маълумот беради: "Қулоғи оғир эшитада, аммо руҳи енгилдир, аста эшитади, аммо фазлу камоли жовруғининг садоси ҳамма жойга етган". Тазкирада 2 ғазал, 1 қитъа, 3 қасидадан парча, 5 рубоий, ҳаммаси бўлиб 58 байт шеърини келтирган. Асарлари орасида қорахонлилар султони Қилич Арслон ва Муҳаммад Хоразмшоҳга битилган қасидалар бор. Қасидаларидан бирида

Беоб шуд забони араб назди ман, бале,
Аз нанги як жаҳон адабомузи беадаб.

[Назаримда араб тили эътиборини йўқотди,
Бир жаҳон адаб ўргатувчилар беадаблар айбидан]

деб ёзади. Р.Ҳидоят шеърларидан 7 байт намуна келтиради, П.Қайюмов тазкирасида қуйидаги қитъа берилган:

Токай гўйики, ҳар ду олам
Дар ҳастийу нести йашимаст.
Чун ту тамаъ аз жаҳон буридий
Доники, ҳама жаҳон каримаст.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.12; *Саъдиев С.* Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.56-59.

АШРАФИЙ, Мухтор (1912/29.V–1975/15.XII) – ўзбек бастакори, дирижёр, ўзбек операси етакчиларидан. Халқ артисти (1951), Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1970) ва Ж.Неру (1971), Ж.А.Носир (1972) халқаро мукофотлари соҳиби. Самарқанд мусиқа ва хореография инс-тида ўқиган (1928–30), Петербург консерваторияси дирижёрлик курсини тугатган (1948). Тошкент консерваторияси проф. (1953), ректори (1947–62, 1971–75), Самарқанд опера ва балет театри директори ва бош дирижёри (1964–66) ва Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри директори (1967–71) бўлиб ишлаган.

Биринчи асари "Содраш марши" (Т.Содиқов ва Ш.Рамазонов б-н ҳамкорликда). "Бўрон" (К.Яшин либреттоси асосида, 1939), "Буюк канал" (К.Яшин ва М.Раҳмонов либреттоси, 1940) опералари, "Қаҳрамонлик" (1942) симфонияси, "Дилором" ("Сабъаи сайёр" достони асосида К.Яшин ва М.Мухамедов либреттоси, 1958), "Шоир қалби" (И.Султон либреттоси) опералари ва "Севги тумори" (1969), "Матонат" (1971), "Муҳаббат ва қилич" (1973) балетлари шуҳрат қозонган. "Рустам ҳақида достон" ("Шоҳнома" асосида, 1975) ораторияси, "Бахт таронаси" кантатасини ва ўнлаб бадиий фильмларга мусиқа ёзган.

♦ *Ашрафий М.* Ўзбек қўшиклари. Т., 1939; Арии из оперы "Дилором". Т., 1972; Амулет любви. Т., 1973; Музыка в моей жизни. Т., 1975.

- *Джаббаров А., Соломонова Т.* Композиторы и музыковеды Узбекистана. Т., 1975; *Пеккер Я.Б.* Узбекская опера. М., 1984.

АШТАР (арабча: اشتر – бурдаламоқ) [поэтика, метрика] – аруз амалиётида мафоъийлун аслий рукнидан фоълун ҳосил қилиш натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукни. Бу амалиёт ҳазаж баҳри доирасида амалга оширилади. Бобур "Аруз рисоласи"да ҳазажи мусаммани аштар вазнига қуйидаги матлаъни келтиради:

"Бир рукн аштар, бир рукн солим
Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айш эрур боқий, ол чоғир, бот тут
Фоъилун мафоъийлун фоъилун мафоъийлун" (40б).

• *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971. Б.49; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.68; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.36.

~ и мусаббаг –

Тоир У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.70.

АШТАРХОНИЙЛАР (жонийлар) – Бухоро хонлари сулоласи (1599–1753). Чингизхон ўғли Жўчихон хонадонидан чиққан хонлар авлоди. Шайбонийлардан сўнг Бухоро ҳокимиятига келган. 1601 й. Боқи Муҳаммад ҳокимиятга келгач, Бухорода шайбонийлар сулоласи тугатилган. А. Жўжихон наслидан бўлиб, Астраханда XIV асрдан ҳокимият учун курашларда қатнашган. 1556 й. Астрахан Россия томонидан ишғол этилгач, Ёрмуҳаммадхон Бухорога келиб, Бухоро хони Искандархоннинг қизи Зуҳробегимни ўғли Жонибек султонга олиб берган. Жонибекнинг уч ўғли бўлиб, ўртанчаси Боқи Муҳаммад даврида сулола тахтга чиққан. Сулола вакиллари: Боқи Муҳаммадхон (1601–05), Вали Муҳаммадхон (1605–11), Имомқулихон (1611–42), Надр Муҳаммадхон (1642–45), Абдулазизхон (1645–81), Субҳонқулихон (1681–1702), Убайдуллоххон II (1702–11), Абулфайзхон (1711–47), Абдулмўминхон (1747–51), Убайдуллоххон III (1751–54), Шерғозихон (1754–57).

• *Абдураимов М.А.* Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI–XIX вв. Ч. I–II. Т., 1966, 1970; *Ахмедов Б.* История Балха. Т., 1982; Ўз-н халқлари тарихи. Т.II. Т., 1994.

АШУГ – к.: Ошиқ.

АШУЛА [фольклоршунослик] – куйга солинган шеър, якка ёки хонандалар гуруҳига мўлжалланган қўшиқ. Асосан, лирик шеър ва ғазаллар заминида А. яратилади. А. мусиқачилар жўрлигида ёки мусиқасиз ижро этилиши мумкин. А. фольклордаги қўшиқдан куй диапозонининг кенглиги, шакл ва мазмуннинг ўзаро уйғунлиги б-н фарқланади. Қўшиқ фольклордаги каби халқ томонидан куйланса, ашула профессионал ижрочилар томонидан ижро этилади. Ашуланинг бармоқ вазнида ёзилган шеър асосида яратилган турида накорат-банд, мумтоз усулда яратилганида эса авж пардалари бўлади. А.нинг куйлари куйи ва ўрта пардалардан бошланиб, юкори пардаларда ривожланади.

Катта ~ – мусиқачиларсиз ижро этиладиган, ички ритм ва оҳанг-куй уйғунлигига асосланган А.дир. Одатда К.а.профессионал ижрочилар ва юқори пардаларга овози етадиган хонандалар томонидан ижро этилади. К.а. матни кўпроқ мумтоз матнлар асосида куйга солинади.

• Мукимий ва Фуркат ашулалари. Т., 1958; Ўзбек халқ мусиқаси / тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. т. I-V. Т., 1955-59; *Гафурбеков Т.* Ашула / ЎзМЭ. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.541.

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ (1885–1938) – ўзбек адиби, т.шуноси ва журналисти. Қўқондаги Муҳаммад Алихон мадрасасида таҳсил олган (1914). Рус-тузем ва жадид мактабларида дарс берган. Дорилмуаллимин ташкил этган, Қўқон педагогика техникуми, саводсизликни тугатиш курсларида муаллимлик қилган. Мактаб ўқувчилари учун "Туркий хрестоматия ёхуд терма китоб" (1912), "Имло" (Қозон, 1916) дарсликларини тайёрлаган. "Ғайрат" нашриётини ташкил қилган, "Садойи Фарғона" (1916–21), "Фарғона" газ.ларида ишлаган. Навоийнинг "Вақфия", "Муҳокамату-л-луғатайн" асарларини нашрга тайёрлаган. "Русча-ўзбекча луғат" (1925) тузган, Чўлпон б-н бирга "Ад-т парчалари" тўплами (1926) нашр қилдирган.

АШУРО (арабча: ўнинчи кун) [диншунослик] – ҳижрат пайтида Муҳаммад (с.а.в.) Маккада Мадинага кўчиб ўтганда муҳаррам ойининг 10-кунида тутилган рўза. Рамазон ойида рўза тутишлик белгиланган сўнг А. ихтиёрий тарзда амалга оширилган.

Шиа мазҳабидаги мусулмонлар Ҳазрат Алининг ўғли Ҳусайннинг Карбало жангида шаҳид қилингани муносабати б-н ўтказиладиган мотам маросими. А. кунида шиа мазҳабидагилар Карбало ш.га йиғилиб, имом Ҳусайн ва унинг сафдошлари қабрларини зиёрат қиладилар. Айрим жойларда шу куни арафа куни каби "Ашур оши" улашилади.

АШХАРАБАР (арманча: муқаддас) – ҳозирги арман адабий ва жонли тили. XIX аср ўрталарида қад. арман т. (грабар – китоб т.) ўрнига қабул қилинган.

«АШ-ШЕЪР ВА-Ш-ШУАРО» (IX) – Абумуҳаммад Абдуллоҳ ибн Қутайба асари. Араб т.да ёзилган бу рисола мукаддима ва икки қисмдан иборат: вазн ва қофияни алоҳида шеърлар мисолида таҳлил қилган.

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.70.

АШШУР (аккад) – ассирий мифологиясида олий маъбуд. Дастлаб А. ш.нинг ҳомийси бўлиб, маҳаллий маъбудлардан эди. Кейинроқ ассирий подшоҳлари А.ни Энлил, Аншар ва Мардук сингари олий маъбудлар қаторига қўйишган. А. "маъбудлар отаси" шарафига эришган.

А. ш. м.а. 4 минг йилликда барпо этилган, м.а. 614 й.га қадар мавжуд бўлган. 2 минг йиллик ўрталарида Ассурияннинг пойтахти (ҳоз. Ироқнинг Қалъат-Шарқот яқинида харобалари қолган) бўлган. Савдо ва маданият ривожланган миххат б-н ёзилган матнлар кутубхонаси бўлган.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.145.

АШШУРБАНИПАЛ (м.а. 669–633) – Ассирия ҳукмдори. Ашшур (аккад) подшоҳи Асархаддон ўғли. *Бобил* (Вавилония) ш.ни ободонлаштирган. А. топшириғи б-н шумер т.даги миххатда ёзилган минглаб ёдгорликлар жамланиб, Бобилга келтирилган. Ниневия (ҳ. Ирок)да археологик қазилмалар натижасида А. кутубхонаси топилган (1849–54). Тарихда ҳукмдоргина эмас, балки ёзма ёдгорликларни тўпловчи маърифатпарвар сифатида ном қолдирган.

АШЪАРИЙ (873–935) – калом илмининг асосчиси. Тўлиқ номи: Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Машҳадда таҳсил олган. Муътазила таълимотининг назариётчиларидан. Имом Ғаззолий унинг изидан бориб калом илмини янада такомиллаштирган. XII–XIII асрда калом илми барча сунний мазҳабидаги мусулмонлар томонидан қабул қилинган. А. давомчилари ашъарийлар ёки *мутакаллимлар* деб юритилган. Калом илмидаги бу йўналиш ашъарийлик деб юритилган.

АЪЗАМОВ, Йўлдош (1909/10.V–1985/16.VI) – ўзбек кинорежиссёри ва актёри. Ўз-нда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Ўз-н халқ артисти (1965). Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти соҳиби (1972). "Ёш томошабинлар театри", "Ўзбекфильм", "Востоккино"да реж. бўлиб ишлаган. Реж.лик фаолиятини "Тоҳир ва Зуҳра" (1945) бадиий фильмига (иккинчи реж.)дан бошлаган. Кинореж. сифатида "Қилич" (1934), "Гулбаҳор" (1956), "Мафтунингман" (1958), "Фуркат" (1959), "Истиқбол йўли" (1961), "Ойдин саҳифа" (1965), "Сайёд кўнғироғи" (1966), "Ўткан кунлар" (1969), "Олтин сўқмоқлар" (1971), "Меҳробдан чаён" ("Зулматни тарк этиб..."), 1974), "Одамлар ташвишида" (1976), "Ота насиҳати" (1979), "Катта ва қисқа ҳаёт" (1981) в.б. бадиий фильмларни суратга олган.

Актёр сифатида "Ер чанқоғи" (1930), "Юксалиш" (1931) фильмларида бош ролни ижро этган.

АЪЗАМОВ, Миразиз (1936 й.т.) – ўзбек шоири. ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ)ни тамомлаган. "Ғунча", "Ёш гвардия" нашриётларида ишлаган. 1964 й. биринчи шеърлар тўплами ("Металлург") чоп этилган. Кейин болалар учун "Ўйлаётган болалар" (1969), "Нима сен юилан?" (1970), "Чўнтак тўла ёнғоқ" (1971), "Ғаройиб туш" (1972), "Ер айданади" (1974), "Жўстона қадам ташлаб..." (1976) китоблари нашр этилган. Шунингдек, "Севаман" (1977), "Туйғу" (1980), "Ўжарлик" (1983) каби шеърлар тўпламлари чоп этилган. Асарлари қардош т.ларга тарж. қилинган.

Нозим Ҳикмат, Меҳмет Акиф Эрсўй, Ўрхон Камол, Пабло Неруда асарларини ўзбек т.га тарж. қилган.

АЪЗАМОВ, Эркин (1950 й.т.) – ўзбек адиби. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика фак-тини

тамомлаган (1972). Республика радиосида, "Гулистон", "Ёшлик" журн.ларида ишлаган. 1992 й.дан "Тафаккур" журналинингбош мух-ри.

Ҳикоялари 1972 й.дан эълон қилинган. "Чироқлар ўчмаган кеча" (1977), "Ям-яшил олам" (1983) ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. "Отойининг туғилган йили" қиссаси Ёшлар мукофоти (1982)га сазовор бўлган. "Шовқин" (2011) романи муаллифи.

Киноматография соҳасида муваффақият қозонган.

Расулов А.

АЪЗАМОВ, Ғани (1909/9.V–?) – Ўз-н халқ артисти (1962). Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти соҳиби (1989). 1930 й.дан ижодий фаолияти бошланган, "Ҳалима" мусиқали драмасида Раҳим ямоқчи ролида иштирок этган. Уйғуннинг "Қалтис ҳазил"ида Мамарасул, Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" домла имом, мунажжим ("Алишер Навоий"), Арслоншер ("Чин муҳаббат"), Соқи сумбат ("Тоға-жиянлар"), Қамбар ("Қутлуғ кон"), Омонёр ("Қонли сароб") каби ролларни ижро этган. Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" асарида Петр ролини ижро этган.

Сатирик актёр сифатида шуҳрат қозонган. Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" комедиясида уста Мўмин, "Алмандар" асарида Алмандар,Саид Аҳмаднинг "Куёв" комедиясида Ғани, "Мафтунингман"да Сартарош, "Икки дил достони"да Қорахон шоҳ, "Суюнчи"да Холмат, "Темир хотин"да Серҳунар чойхоначи шулар жумласидан.

Тасаввуфда *аъён* деб илмлар суратига айтадилар ва ҳакимлар т.да нарсалар моҳиятидан иборат. А. илоҳий исмларнинг суратлари бўлиб, Ҳак илмида ақлга мувофикликлир.

А.с.нинг икки жиҳати маълум: бири шуки, улар асмонинг суратидирлар, иккинчиси шуки, ташқи (хорижий) аъённинг ҳақиқатидирлар. Кўринмасликнинг шаклланиб кўриниши, қиёфа олиши, суратланиши, маънонинг сўзда ифодаланган, ёзувчи ғояси унинг унинг асарида, меъмор режаси бино тархида, рассом хаёлоти ранглар гармониясида суратлангани каби. Тасаввур қилингки, олдингизда бўм-бўшлиқ чексиз бўшлиқ ғайб олами ва у аста-секин ёки бирлаҳзада, муайян шаклларда кўринади, аёнлашди. Собит (барқарор) айн – илм олами ва кенгайган, соддалашган файз, мавжуд айн эса ашё жамъининг безалишидир. Исм, айн, руҳ ва жисм тўрталаси битта ботнинг соясидирлар. Ва аъёни собита – собит айнлар илмия (илмийлик билинган нарсалар) сурати бўлганлиги сабабли мажҳулият (билинмаган, номаълум) деб атамайдилар, чунки улар бу вокеа (бундай ваъзиятда) хорижда номаълумдирлар (маълум) ва тайинланган (белгиланган) хорижда мавжуд бўлиши лозим, чунончи бизнинг илмий ва хаёлий суратларимиз (тасаввурларимиз) масъулияти, модомики хорижда мавжуд бўлмайдилар – белиланган нарсалар сифатида аталмайдилар, зеро улар белгилангандир. А.с. ботинан Ҳак таолонинг асмоидирлар ва хорижий мавжудот уларнинг

зоҳиридир ва шу тариқа хориждаги мавжуд аъёнга қарашли зоҳирий жиҳатдан Ҳақнинг исмларидир ва улар зуҳур этадиган жой (мазҳар)нинг пайдо бўлиши – аёнлашувидир.

- *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.15.

«АЪЛОМУ-Т-ТУҚО» (“Тақво илмлари”) – Тўлиқ номи: “Аълому-л-ҳудо ва ақидат арбобу-т-туқо” (“Тақво арбоблари ақидалари ва ҳидоят (тўғри) илмлар”). Шайх Шиҳобиддин Сухравардий (в. 1234)нинг таснифий асари. Муҳаммад (с.а.в.) умматларининг каромат ва одатлари, мўъжизалар баён қилинган.

- *Алишер Навоий.* Насойиму-л–муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001; *Ганиева С.* Навоий ёзган олган асарлар. Т., 2004. Б.6.

АЪЛОУДДИН ҒУРИЙ – Ғурийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (1149–1161). Афғонистодаги Ғур ш.ни пойтахт қилган. Ғазнага ўт қўйиб, вайрон қилгани учун “Жаҳонсўз” (жаҳонни куйдирувчи) лақабини олган. Шундан келиб чиқиб, бу сўз мумтоз шеъриятда юқорилаги маънода талмиҳ қилинган.

АЪМАҚ БУХОРИЙ (в.1148) – шоир ва адиб. Асл исми: Абу Нажиб Шаҳобиддин. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Қорахонийлар саройида хизмат қилган. Асарларини араб ва форс т.ларида ёзган. Амирушшуаро (шоирлар амири) унвонига сазовор бўлган. Девони сақланмаган, бироқ 37 қасидасидан парчалар, 7 рубоийси тазкира ва мажмуалар орқали етиб келган. Марсия жанрининг устозларидан экани т.га олинади. “Юсуф ва Зулайхо” достонини бошқа вазнга мослаб ёзган.

АЪРИЗ (арабча: اعاريض – “аруз”нинг кўплиги) – қ.: Аруз.

АЪРОФ (арабча: тўсиқ) – Қуръони каримнинг 7 сураси номи, исломий манбаларда жаннат ва дўзах оралигидаги жой деб талқин этилади, оғзаки тилда “аросат” деб ҳам айтилади. Тасаввуф ад-тида жаннат ва дўзах орасидаги бир девор. А.нинг ички томони жаннат томонга қараган бўлиб, жанАзимоват унинг ёнида жойлашган, Парвардигорнинг раҳмати ва иноят майдонидир. А.нинг ташқи томони дўзахга қараган бўлиб, жаҳаннам унинг ёнгинасида жойлашган. Бу жой азоб, қийинчиликлар ва уқубат марказидир. А. тарозининг икки палласи ўртасида бўлиб, инсоннинг ҳар иккала амалларини тенглаштириб туради.

АЪША – қадимги давр турк шоирларидан бири. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”да “اَلِف” ни ن *н* га алмаштириш араб т.да ҳам бордир. Чунки Қуръони каримда Мусо а.с. ҳикоясидаги وَمَارَبُّ الْعَالَمِيْنَ иборасидаги ما *ма* сўзи مَنْ *ман* маъносидадир. Яъни ن ўрнида الف алмашгандир. Чунки араб т.да нима? маъносидаги сўроқ олмоши жонлиларга مَنْ *ман*, жонсизларга ما *ма*

дир. Шунингдек, لَنَسْفَعًا بِالنَّاصِيَةِ деган оятда ҳам الف га алмашганлиги *Аъшо* деган шоирнинг қуйидаги шеърида:

وَلا الْنُصُبَ الْمَنْصُبَ لاتَعْبُدَنَّهُ
لعا قِبَةٍ واللهُ رَبَّكَ فاعْبُدا

АЭД (юнонча: aoidos – *айтувчи,* қўшиқчи) – қад. юнон ад-ти дастлабки даври (VIII –VII)да бадиий асарни яратувчи, ижро этувчи. Асосан, Гомер даврига тўғри келади. А. лира ва кифара сингари торли мусиқа асбоблари ёрдамида қўшиқ ва эпик достонлар куйлашган. Юнон эпослари даври тугагандан сўнг А. ўз ўрнини *рапсод* (лирик қўшиқ куйловчи)га бўшатиб берган. Афлотун (Платон) "Ион" асарида Гомер "Илиада"сини айтувчи бахши ҳақида ёзган. Кейинроқ лирик шоирлар ҳам А. деб номланган.

• *Толстой И.И.* Аэды: античные творцы и носители древнего эпоса. М., 1958; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.35; *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. – Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17-18; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.53; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.26.

АЯКС (юнонча: Aias, лотинча: Aiax) [мифология] – юнон мифологиясида Троя урушининг икки иштирокчиси. Ҳар иккаласи Еленанинг қўлини сўрагани туфайли урушга кирган. Улар доим бирга жанг қилгани учун бир ном б-н юритилган, улардан бири А.Оилид шоҳ Оилей ва Эриопиданинг ўғли, калтабўй ва чопқир, унга фақат Ахилл тенглашиши мумкин. А. Теламонид эса Зевснинг авлоди, Теламон ва Перибеянинг ўғли, Ахиллнинг амакиваччаси. Узунбўйли, кучли, кескир қилич ва йирик қалқон соҳиби, жангларда ғолиб келган. Ҳар икки қаҳрамон маҳрур, нафақат инсон иродасига, балки мақсад учун маъбудлар иродасига қарши ҳам бора олади. Ҳар бир икки қаҳрамон ҳам бир мифик образ сифатида талқин қилинган. Архетипга кўра "Илиада"да дастлаб ҳар икки қаҳрамон бир образ сифатида иштирок этган. Бу образ санъат асарларида: рангтасвир. Амалий санъат ва безакларда, тангаларда бад. адабиётда кенг учрайди. Софокл ушбу мавзуда "А." номли трагедия ёзган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.146-147.

АЯЛА – испан адиби. Ғарнада (Гренада)да туғилган. Мадрид ун-ти профессори (1934 й.дан). А. асарлари 1925 й.дан чоп этила бошлаган. Хосе Ортеги-и-Гассет тўгараги иштирокчиларидан бири. Биринчи ҳикоялар тўплами "Боксчи ва фариштa" 1929 й.да чоп этилган. "Умри тугаган соат" ҳикояси б-н испан насрида "телеграф услуби"га асос солган. 1937 й.ги уруш туфайли Лотин Америкасида мухожирликда яшай бошлаган. Испанияга эмиграциядан 1960 й.да қайтган.

АЯМИ [мифология] – тунгус-манжур мифларида (нанайларда) шомон авлодлари руҳи. Ҳар бир шомоннинг А.си бор, у ўз шомонини ишга йўналтириб турган, қандай кийим кийишни, қандай даволашни ўргатиб турган. Шомонларнинг тушида аёл сифатида (шомон агар аёл бўлса, эркак сифатида) аён бўлган. Ибодат пайтида ҳайвонлар (бўри, арслон каби) рамзи сифатида "кўринган". Мифологик ад-тда рамзий тимсол сифатида учрайди.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.147.

АҚВО, иқво (арабча: اقوا – устиворлик) [поэтика] – мумтоз поэтикада қофия айбларидан бири. А.дан кейин ийто, синад ва икфо келади. А. ҳақида Юсуф Саккокийнинг "Мифтоҳу-л-улум", Қиноийнинг қофияга доир асарларида батафсил маълумот бор. Жомийнинг ёзишича, "А. деб ҳазв ва тавжиҳнинг ихтилофин (зидди) айтурлар, чунонки *дур* ва *давр*, *жаст* ва *жуст*, *пуб* ва *бар*ни бир шеърда жам қилурлар". Демак, ёзилиши бир бўлса ҳам, талаффузда фарқланадиган сўзларни қофия қилиб шеърга солиш бу дастлабки нуқсонлардан биридир.

• *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.70-71; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.274-315.

АҚДАСИЙ (ҳ. 976–1003) – хуросонлик шоир. 976 ҳ.й.да Сабзаворда туғилган. Бир қатор Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиб, Машҳудда яшаб қолган. Шунинг учун Содиқ Афшар "машҳадлиғдур. Худпанд ва носозкор киши бўлдуғидин эл била омизаш қилмас эрди. Аксар авқот танҳо юрур эрди" деб таърифлайди.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.Б.130-131; *Содиқ Афшар.* Мажмау-л-хаввас. Баку, 2010.

АҚИДА (арабча: қоида) [диншунослик] – ишониш, тасдиқ этиш ва уни қабул қилиш. Диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, баҳс-мунозарасиз қабул этиладиган қоидалар. Сунний мазҳабида исломнинг асосларидан бўлган имон талаблари (7 та) ҳам ақида деб юритилади. Тасаввуфда ишонч-эътиқод тамали. Аллоҳни қалбан ҳамд этиш, Уни ҳеч қандай ўхшатиш ва рад этишга ўрин қолдирмасликдир. "Ал-Бурҳон ал-муаййид" китобида ёзилишича, Аллоҳни шарафлашда "юқори", "қуйи", "ўрин", "қўл", "кўз" сингари инсонга хос аъзо номини қўллашдан тийилиш лозим. Чунки Яратувчига илоҳий сифатлар хос, инсоний сифатлар Унинг бандаларига тегишли. Қуръони каримда айтилганидек, "Аллоҳнинг ўхшаши йўқ..." (42:11). Ушбу ояти карима мазмунига кўра. Тавҳид (ягоналик) ақидаси мавжуд.

• Ислом энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2004; *Юсуф Хаттар Мухаммад.* Энц-я суфизма. М.: Ансар, 2005. С.37.

АҚЛ (арабча: اقل – ишкал чиқариш) [поэтика] – аруз илмида зиҳоф чиқаришга айтилади. қ.: Маъқул.

АҚОЙИД (арабча: ақиданинг кўплиги) [тасаввуф] – ақидаги тегишли ҳужжатлар тўплами. "А." мадрасаларда диний ахлоқ қоидаларидан дарслик сифатида ўрганилган. XX аср бошларида жадид мактаблари учун дастлабки дарслик китобларидан бири Мунаввархори Абдурашидхоновнинг "Ақоиди исломиййа" (1911, 1915) асаридир. Саидаҳмад Васлий форс т.дан "Ақоид" (Дин ва ибодат қоидалари) китоби (1915)ни Самарқандда нашр этган.

- *Долимов У.* Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.368-369.

АҚС (арабча: عقص – қисқартириш) [поэтика, метрика] – аруз амалиётида 5 ҳижоли мафоъилатун аслий рукнидан қисқартириш натижасида содир бўладиган ҳосила. Бобур "Аруз рисоласи"да унга намуна сифатида бир байт келтирган:

"Бир рукн аъқас, бир рукн солим
Агярга ўқ урубон дардига даво қиладур,
Бисёр ёмон борадур, ул ёр хато қиладур
Мафоъилатун мафъулун мафоъилатун мафъулун" (66а).

Яна қ.: Маъқус.

- *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.71.

АҚСАМ (арабча: اقصم – таксимламок) [поэтика, метрика] – аруз амалиётида мафоъилатун аслий рукнидан мафъулун рукни ҳосил қилиш. Бобур "Аруз рисоласи"да қуйидаги мисолни беради:

"Бир рукн солим, бир рукн ақсам
Ғамим, санамо, билмайсен, бери гузаре қи(л)майсен,
Тараҳҳум этиб бир лаҳза манга назаре қи(л)майсен
Мафоъилатун мафъулун мафоъилатун мафъулун" (66а).

- *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.71-72.

~ и мусаббаг –

Тоир У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.72.

АҚШ (Америка Қўшма штатлари) АД-ТИ –

Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. – S. 42–58.

АҒСАБ (арабча: ғасб –) [поэтика] – аруз амалиётида беш ҳижоди мафоъилатун аслий рукнини бошидан бир ҳижога қисқартириш орқали ҳосил қилинган тармоқ рукни. Бобур "Аруз рисоласи"да "Ғасб агар мафоъилатунда жазм воқиъ бўлса (фоъилатун волур), муфътаилунни анинг ерига қўярлар, муғаррар рукнни ағсаб лерлар" деб ёзади (5б).

АҲАЗ(3) (арабча: احذ – соқит қилмоқ) – аруз илмида зиҳофлардан бирининг номи. Мустафъилун (– – v –), фоилун (– v –) ва мутафоилун (v v – v –)дан бир мажмуъ ватад (v –) соқит қилинади.

- *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.73-74.

~ и мақсур –

Тоир У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.75.

~ и маҳзуф –

Тоир У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994.Б.76.

~ и мусол –

Тоир У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.77.

~ и мусаббағ –

Тоир У., Саидали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.78.

АҲДИЙ (? – 1593) – тазкиранавис. Боғдодда туғилган. Асл исми: Маҳдий ёки Аҳмад. Айрим манбаларда Аҳдий Бағдодий деб юритилади. Султон Сулаймон (1495–1566) даврида Истанбулда яшаган. Сўнгра Султон Салим (1523–1574) даъвати б-н адабий анжуманларда қатнашган. Боғдодга қайтиб, умрининг охирига қадар у ерда ҳаёт кечирган. Шаҳзода Султон Салимга бағишланган “Гулшани шуаро” (971/1564) тазкираси мавжуд. Сахий ва Латифий тазкираларидан кейин битилган. Тазкира муқаддима, “Равза” номли уч асосий бўлим ва Хотимадан иборат. А. умрининг сўнгига қадар тазкирани давом эттирган бўлиб, сўнгги нусха тўрт “равза”дан иборат. Биринчи равзада шаҳзода Султон Салим ва бошқа шаҳзодалар б-н бирга 17 шоир тилга олинади, иккинчи равзада давлат амалдорларидан 14 шоир, учинчи равзада уламо ва мударрислардан 25 шоир, тўртинчи равзада эса алифбо тартибида 325 шоирнинг номи келтирилган.

- [Haluk Ipekten] Mustafa Isen, Filiz Kilic, Hakki Aksoyak, Aysun Eyduran. Shair Tezkireleri. Ankara: Grafiker yayinlari, 2002. S.43-45; *Solmaz, Suleyman.* Gulsen-I Suara Inceleme-Tenkidli Metin. GUSBE. Basilmamis Doktora Tezi. Ankara, 1996; *Mazioglu Hasibe* Ahdi-I Bagdodi ve Siirleri. Turk Dili Arastirmalari Yilligi, Belleten, 1978-1979. Ankara, 1981 S.95-150; *Мустафо Эсон.* Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011.

АҲДИЙ ҚАРОКЎЛИЙ – бухоролик шоир. Мутрибий “ғоятда хуштаъб ва ширин калом, шеърда мазмунни ажаб бир ёкимли тарзда боғларди ва ашъоридаги ташбиҳлари ғоятда беназир” деб баҳо берган ва тазкирасмда ушбу байтни келтирган.

На саф зада мижжаи чашм, ашкбори ман аст,
Қаламчаҳост ки бар тарфи жўйбори ман аст.

Мазмуни:

Кўз киприклари саф тортган эмас, кўзим ёшлари у,
Қаламчаларким, менинг боғим бурчагига экилган.

• *Мутрибий Самарқандий.* Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АҲАЗ (арабча: ҳазаз – احدد) [поэтика] – аруз амалиётида аслий рукннинг охиридан фаъул қолипидаги ҳижоларга қисқартириш натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукни. Бобур "Аруз рисоласи"да "Ҳазаз ватади мажмуънинг исқотидур рукннинг охиридан, нечукким, фоълун фаъ бўлур, мутафоъилун мустафъилун фаъилун фаълун бўлур, аввалғисининг айни мутаҳаррик, сўнгғисининг айни сокин" (5б) деб англатади.

• *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971. Б.20; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. Б.79.

Ҳиндистондаги уч диний таълимот (браҳманлик, жайнизм ва буддавийлик)дан бир *жайнизм* (к.: жайнизм)даги тирик жонга зиён-заҳмат етказмаслик ғояси. Бу ғоя тақвонинг фарз амалларидан саналади. Уларнинг эътиқодича, Тангри ўз яралмишлари, барча жонзотларда яшайди. Уларнинг ўлимига сабаб бўлиш, Тангрига қарши бориш б-н баробардир. Шунинг учун улар нафақат сигир ёки кўй ва балиқлар, умуман, тирик жонзот гўшти б-н озиқланмайдилар. Фақат ўсимлик мойи б-н чекланадилар. Ҳатто айрим жайнистлар чивин ёки бошқа ҳашарот қулоқ ёки бурунга бехосдан кириб ўлиб қолмасин, деб қулоқ ва бурунларини махсус пардача б-н беркитиб оладилар.

• *Васильев Л.С.* История религии Востока. М., 2000; Культура Древней Индии. М.: Наука, 1975; *Низомиддинов Н.Ғ.* Жанубий, Жануби-шарқий ва шарқий Осиё халқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010.

~ и завқ – завқ аҳли. Завқнинг ҳикмати (ҳол илми) бахсу мунозара (қол илми)га қарама-қаршидир. А.з. жаҳон ҳақиқатларини бахсу мунозара (илм) б-н эмас, балки завқ (ҳол) б-н топишни истовчи кишиларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, сукр-мастлик (жазба, экстаз ҳолати)га иштиёқманд соликларга ҳам завқ аҳли ибораси қўлланади. А.з.ни Азизиддин Насафий шундай тушунтиради: Умрингнинг бошидан то охиригача донолар суҳбатида бўл, улар томон юзлан, (шундагина) кашф мақомига эришасан ҳамда завқ аҳлидан бўласан. (Ана шунда сен) барча нарсаларнинг ҳақиқатини туб-тубигача (илдизигача) англаб оласан ва кўрасан.

тариқат аҳли. Тариқат аҳли икки қисмдан иборатдир: бири – олий мақсадга интилувчи толиблар ва Аллоҳ жамолига интилувчи муридлардирки, "юрийдуна важҳиҳи" (Қаҳф сураси, 28-оят ва Анъом сураси, 52-оятга ишора) ва улар "хавфун ли-нарихи" (дўзахдан қўрққанларидан ёки

жаннатдан таъма сифатида) ибодат қилмайдилар. Балки уни аҳли ибодат деб топадилар ва ўз олий мақсадлари деб биладилар.

Бобо Тоҳир бу ўринда уч тоифани фарқлайди: олим, мурид ва ориф. Орифлар шундай кишилардирки, Худони хоҳлайди. Ўз лаззатларига юзланмаган ҳолда яшайди. Олим шундай кишики, илм талаби ва ўз ҳузурида бўлади. Мурид ўз мақсадлари талабида бўлувчи кишидир. Яна айтадики, одам сулук (тариқат) ишлари уч табақадир: бири риёзат ва жидду жаҳд бўлади. Муридлар ўз ҳузурларини кўрган ҳолда ўз муродларини истовчиси бўлади.

АҲЛИЙ (в.1497) – Шаркий Хуросонда яшаган турк шоири. Темурий ҳукмдорлардан Султон Ҳусайннинг саройидаги шоир. Мавлоно Аҳлий Таршизий Туроний номи б-н машҳур. Фавқулодда вазиятда Султон Ҳусайннинг олдига кирмоқчи бўлганда, Бахт исмли ҳабаш қули уни қўймайди. Бир олма ичига икки байт ёзиб, сувга оқизади. Султон Ҳусайн олмани олиб емоқчи бўлганда, унинг ичида шу байт ёзиғлик қоғоз бор экан:

Ду чашми фарши он манзилки, созад жилва гоҳ онжо,
Ба ҳар жо по неғи хоҳеки бошам хоки роҳ онжо.
Чу хуш базмаст рангин мажлиси ҳоқаи чи суд аммо,
Ки натвон шуд сафид аз шумийи бахти сиёҳ онжо.

Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.30-31.

АҲЛИЙ ШЕРОЗИЙ (1455 –1536) – эронлик шоир, Шерозда туғилган. Шоҳ Исмоил Сафавий саройида хизмат қилган. Ўн икки минг байтдан иборат "Девон"и бор. "Сеҳри ҳилол", "Шам ва парвона", "Рисолаи луға", "Соқийнома" каби манзум достонлар муал.и. "Фавойиду-л-фавойид" асарини Котибийга жавобан ёзган. *Қасидайи маснуъ* усулида Салмон Соважий ва Навоий қасидаларига жавоб ёзган, Исмоил Сафавийга қасида бағишлаган. Ғазаллари содда, поэтик санъатларга бой. Навоий қуйидаги байтини келтирган:

Ману Мажнун ду асиремки, ғаму шодии мост,
Ҳарки ин шева надонист на аз водийи мост

Тарж.си: Мен ва Мажнун икки асирмиз, ғаму шодлигимиз бизники, Ҳар кимки бу одатни билмаса, бизнинг водийдан эмас.

• *Сафо З.* Ганжи сухан, ч.3. Теҳрон, 1961 (форс т.да); *Алишер Навоий.* Мажолису-н нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.160, *276*; *Қайюмов П.* Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.31.

АҲЛУЛЛОҲ (арабча: Аллоҳга яқин) [тасаввуф] – Аллоҳга яқин кишилар. Ҳар нафасда Аллоҳ зикри б-н яшовчи, унинг розилиги учун иш тутувчилар. А. дейилганда, кўпинча, Маъдуми Аъзам назарда тутилади. 103, 201, *342*

АҲМАД АРУЗИЙ НИЗОМИЙ Самарқандий (XI аср охири–1160) – етук шоир ва ад-тшунос олим. Тўлик исми: Аҳмад ибн Умар, Низомий – шоирлик тахаллуси, аруз илмининг етук мутахассиси бўлгани учун қалам аҳли уни Арузий деб атаган. Асли Самарқанддан бўлиб, 45 йил Гур ва Бомиён (Афғонистоннинг шимолий ғарби) вилоятлари ҳукмдорларининг хизматида бўлган. Гур вилоятининг молики Аловуддин Ҳусайн Жаҳонсуд б-н кўп харбий сафарларда ҳам қатнашган, номи Низомий Ганжавий асарларида т.га олинади. А.А.га шуҳрат келтирган асар "Чаҳор мақола" ("Тўрт мақола") (1157) Бомиёнда ёзилган, ўзбек тилига "Нодир ҳикоятлар" номи б-н тарж. қилинган. Китоб ҳамд, наът, муқаддима қисмларидан ташқари тўрт мақола: дабирлик (котиблик) илмининг моҳияти ва етук дабир сифатлари (1), шеър илмининг моҳияти ва шоир салоҳияти (2), юлдузлар илмининг моҳияти ва мунажжимлар салоҳияти (3), тиб илмининг моҳияти ва табиблар зарурияти (4). А.А. талқинича, мамлакат ишларининг мустаҳкамлиги шоҳга, унинг номини (қасабаси, мулки, вилояти, лашкари, хазинаси) қолдириш даврига, унга шуҳрат бахш этиши шоирга, турмуш тадбирларининг ўнгидан келиши мунажжимга, бадан сиҳати табибга боғлиқ. Шунингдек, агар илмдан баҳра топмаган, ҳар бир нуқтани ёд олмаган, ҳар ҳакимдан бир ҳикмат эшитмаган ва ҳар адибдан бир санъат ўрганмаган дабирнинг сўзлари аъло даражага етмайди. Асарнинг ҳозирга қадар сақланган 12 та қўлёзма нусхаси мавжуд, шулардан иккитаси XIV асрга оид. Эрон олими Мирзо Муҳаммад Қазвиний асарнинг танқидий матни (1909) нашр этилган. Жаҳоннинг кўп тилларига тарж. қилинган.

♦ *Низомий Арузий Самарқандий.* Нодир ҳикоятлар / Форс. т.дан М.Ҳасаний тарж. – Т.: 1986.

АҲМАД ДОНИШ (1826–1897) – ўзбек адиби, олим, рассом ва хаттот. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Маърифатпарвар сифатида Амир Назруллоҳхон назарига тушган. А.Д. маълум муддат Бухоро туманларида қози лавозимида ишлаган. Амир Музаффар вафотидан сўнг Бухорога қайтган, мадрасалардан бирида мударрислик қилган.

Махдум (давлат ходими) сифатида 1857 й. Амир Насруллоҳ, 1869 ва 1874 йй. Амир Музаффарнинг элчилари қаторида Россия (Петербург)да бўлган. А.Д. сафарлари асосида "Наводиру-л-вақоеъ" ("Нодир воқеалар") асарини ёзган (1870-1895). Асар муқаддима, 23 боб ва Хотимадан иборат. А.Д. «Нодир воқеалар» асарида фан, техника янгиликлари, табиат ҳодисалари, география, коинот, Ой ва Қуёш тутилиши, зилзила ҳақида фикр юритган.

А.Д.нинг "Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития" ("Мангит сулолалари салтанати тарихига доир рисола" асари тарихий жиҳатдан аҳамиятли. Бу асар "Қисқа рисола", "Рисолаи тарихий", "Тарихий ва танқидий рисола" номлари б-н ҳам машҳур. Амир Музаффар таклифи б-н "Манозиру-л-кавокиб" ("Сайёраларнинг жойланиши", 1865) асарини ёзган. "Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун" ("Тамаддун ва жамят тартиби

ҳақида назмий рисола", 1874) амирга маъқул бўлмагани учун саройдан четлаштирилган.

Рассом сифатида "Мактаб", "Мажнун саҳрода" миниатюраларини чизган. Бедил асарларини юксак хаттотлик санъати б-н кўчирган. «Шоир ва дарвиш» миниатюраси, «Мажнун саҳрода» номли 2 миниатюраси унинг рассомлик салоҳиятидан дарак беради. Бу миниатюра ва суратлар ЎзРФАШИ (инв. №373) ва Ўз-н давлат санъат музейида сақланади. Т.даги кўчалардан бирига ва маҳаллага А.Д. номи берилган.

♦ *Аҳмади Дониш.* Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. Душанбе, 1992. Наводиру-л-вақое. Т.: 1978.

• *Бертельс Е.Э.* Рукописи произведений Ахмади Каллэ. М.-Л., 1936; *Ражабов З.* Маорифпарвар Аҳмади Дониш. Душанбе, 1964; *Мўминов И.* Ўз-н ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Т., 1964; *Ҳодизода Р. в.б.* Ад-ти точик асрҳои XVI-XIX ва ибтидои асри XX. Душанбе: Маориф, 1988. С.316-342; Маънавият юлдузлари. Тўпл. М.Хайруллаев. Т., 2001. Б.339-341.

АҲМАД ЖАЛОЙИР (в.1410) – жалойирийлар давлати султони. Басра (1375 й.дан), Тарбиз (1382 й.дан) ҳокими. Боғдодда Жалойирлар давлатини ўрнатган, Шомда Амир Темур лашкарлари томонидан ҳибсга олинган.

Араб ва форс т.ларида шеърлар, мусиқага оид рисолалар ёзган.

АҲМАД ЖОМИЙ (в.1141) – форс олими ва мутасаввифи. Шиа мазҳабининг валийларидан бири. Тўлиқ номи: Абу Наср Аҳмад б. Абулҳасан. Лақаби Зиндапил (тирик фил). Шайхулислом мартабасига кўтарилган. "Анису-т-толибин" ("Толиблар дўсти"), "Кунузу-л-ҳикмат" ("Ҳикматлар хазиналари"), "Биҳору-л-ҳақиқат" ("Ҳақиқат денгизлари"), "Сирожу-с-сойирин" ("Сайр қилувчилар чироғи"), "Мифтоҳу-н-нажот" ("Нажот калити") каби фалсафий ва тасаввуфий асарлар ёзган. Алишер Навоий «Насойиму-л-муҳаббат»да А.Ж.га шундай таъриф беради: "Ва ул баланд қаду бисёр жамил эрди. Амиру-л-муъминин Умар р. а. анга бу умматнинг Юсуфи от қўюб эрди… Ва халқнинг муктадоси-ю пешвоси эрдилар. Ва ўзи уммий эрди ва йигирма икки ёшида тавба тавфиқи топти ва тоғқа чиқди. Ва ўн саккиз йил риёзатлар тортқондин сўнгра қирқ ёшида ани халқ ичига юборибдурлар ва ладуннийлм эшикларин юзига очибдурлар. Ва уч юз той қоғаздин ортукдурки, тавҳиду маърифат илмида ва сирру ҳикмат маърифатида ва тариқат равишида ва ҳақиқат баёнида тасниф қилибдурки, ҳеч олим ва ҳаким анга эътироз қилмайдур ва қила олмайдур».

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.*239*; Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 435-тартиб.

АҲМАД ЗАКИЙ Валидий Тўғон – Қ.: Тўғон, Аҳмад З.В.

АҲМАД ЗИЁИЙ (1906–?) – уйғур шоири, таржимон ва драматург. Алишер Навоий анъаналарини Шарқий Туркистондаги давомчиларидан. "Хаста диллар" (1936), "Тақдир" (1940), "Мухаммаслар" (1943), "Тўзимас чечаклар"

(1945) шеърий тўпламлари муаллифи. "Вадоқ йўлида карвон" романи (1948)ни ёзган, Низорийнинг "Робия ва Саъдин" достони асосида мусиқали драма ёзган. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарини уйғурчага тарж. (1950–53) қилган. "Ҳазрат Навоий ва Абдураҳим Низорий" мавзуида илмий тадқиқот яратган.

АҲМАД ибн Худойдод Тарозий (XV аср) – улуғ ўзбек олими ва шоири. Тароз (ҳоз. Жамбул) ш.да туғилган. А.Т. ҳақида дастлаб Бобуршоҳ маълумот ("Аруз рисоласи") берган. Биргина "Фунуну-л-балоға" ("Балоғат илмлари", 1436–37) китоби сақланган, уни Мирзо Улуғбекка бағишлаган. Асарда ад-т илмидан сабоқ берувчи анъанавий Шарқ ад-тшунослигининг тўрт муҳим тармоғи: шеър навълари, қофия ва радиф, бадиий санъатлар ва аруз вазни масалалари акс этган. Китобнинг бизгача етиб келмаган қисмида "муаммонинг усул ва аркони" ҳақида баҳс юритиш режалаштирилган қисмининг қисмати номаълум. А.Т. рисоласида Носириддин Тусийнинг "Меъёру-л-ашъор", Рашиддиддин Ватвотнинг "Ҳадойику-с-сеҳр" анъаналари давом эттирилган. "Фунуну-л-балоға"ни замондошлари "Латойифи Тарозий" деб ҳам аташган. Бизга етиб келган нусха 1581 йил Бухорода Мир Кулинки ал-Ҳожи исмли котиб томонидан кўчирилган. Муаллиф араб ва форс шеъриятини яхши билган, мисоллар Қуръони каримдан тортиб ўзига замондош шоирлар ижодигача келтирилган. Аксар ҳолларда муал. мисоллар излаб ўз асарларига ҳам мурожаат қилган. "Фунуну-л-балоға" мумтоз ад-тдаги айрим мунозарали масалаларга аниқлик киритиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

♦ *Шайх Аҳмад Тарозий.* Фунуну-л-балоға. Т.: Хазина, 1996;

АҲМАД ибн ҲАНБАЛ Марвазий – қ.: Марвазий Аҳмад.

АҲМАД МАНШУРИЙ – форсигўй шоир. Тўлиқ номи: Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий. Ғазнавийлар даврида яшаган. Муҳаммад Авфийнинг "Лубобул албоб" тазкирасида маълумот берилган. Султон Маҳмуд Ғазнавийга айтган қасидаси машҳур. Рашиддиддин Ватвотнинг "Канзу-л-ғаройиб" асарида А. муталаввин шеърларни тўплагани тилга олинади. Бобур ҳам "Аруз рисоласи"да мана шу маълумотни такрор келтиради.

• *Рашид ад-дин Ватвот.* Хада'ик ас-сихр фи дака'ик аш-ши'р (Сады волшебства в тонкостях поэзии). М.: Наука, 1985.

АҲМАД МИДҲАТ (1844 –1913/30.XII) – турк маърифатпарвар адиби. Турк адибиётида реалистик ҳикоя ва роман бошловчиси. "Бир турк" тахаллуси б-н мақолалар ёзган. Истанбул ун-тида маърузалар ўқиган. "Яничарлар" (1871), "Иккинчи милод" (1874), "Ҳасан Муллоҳ" (1874), "Ҳусайн Фаллоҳ" (1875), "Парижда бир турк" (1876), "Раққоса" (1877), "Ёш турклар" (1908)

романлари муал.и. Франц. адибларининг асарларини турк т.га тарж. қилган. Тарих, илоҳиёт ва фалсафага оид тадқиқотлар муал.и.

• *Baydar, M.* Ahmet Mithan efendi. Istanbul, 1954.

АҲМАД МИРАК МИРЗО (Султон Аҳмад) – темурий шаҳзодалардан, Хуросон ҳукмдори. А. ҳақида "Мажолис..."да шундай маълумот бор: "Йиллар Хуросон тахтида ҳукумат қилдиким, ҳеч киши андин шикоят қилмади ва таъна этмади. Ва Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро – нашр.)ға ота масобасидадур ва икки девон ихтиёри ва мулку мол мушорун илайҳи ва сипоҳи ва черик муътамаддун алайҳи улдур ва гоҳи назм ҳам айтур. Бу байт анингдурким:

Сен киби шўхи ситамгар дунйида пайдо қани,
Сеҳр бобида кўзунгдек кофири ягмо қани?"

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.173.

АҲМАТ ПОШО (в. 1497) – турк шоири. 1451 й.дан Бурсада мударрис, Султон саройида ҳарбий қозикалон вазифасида ишлаган. Турк шеъриятининг "олтин асри" А.П. ижоди б-н бошланган. А.П. ижодида қасида, ғазал ва мураббаълар етакчи ўринни эгаллайди. Ҳофиз, Ҳусайн Бойқаро асарларига назиралар ёзган. Навоий ғазалларига ёзилган 33 назираси машҳур. Султон ва сарой амалдорларига қасидалар битган. Тасаввуфий руҳдаги асарлари А.П. "Девон"ида етакчи ўринда туради. Мураббаълари *шарқи* (қўшик) сифатида куйланади. Турк олими Эрол Баттол ўзининг "Мумтоз шоирлардан намуналар" (2004) китобида унинг ғазал ва мураббаъларидан намуналар келтирган. 1496 й.да вафот этган. Олмон олими Клейенмиҳелнинг "Навоий ва Аҳмат Пошо" номли тадқиқоти бор.

• Divan Siirinden Secmeler. Hazirlayan Erol Battol. Istanbul: 2004.
• *Гарбузова В.С.* Поэты средневековой Турции. Л., 1963.

АҲМАД ТАБИБИЙ (1868-1910) – ўзбек шоири, таржимони ва тазкиранависи. Хиванинг машҳур табиби Али Муҳаммад ўғли. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройида ишлаган. А.Т. ёшлигида жигар хасталигига йўлиққан ва шу касаллик билан 42 ёшида вафот этган.

А.Т. зуллисонайн шоир, моҳир таржимон, лирик ва эпик шеъриятда шуҳрат топган. Лирик мероси унинг 3 туркий («Туҳфат ус-султон», «Мунис ул-ушшоқ», «Ҳайрат ул-ошиқин») ва 2 форсий («Миръот ул-ишқ», «Мазҳар ул-иштиёқ») девонларидан ўрин олган. Шоирнинг ижодий мероси ғазал (3138), мухаммас (518), рубоий (588), китъа (138), мусаддас (37), қасида (20), таржеъбанд (21), мустазод (18) в.б. жанрлардаги асарлардан иборат. А.Т. нинг «Нозир ва Манзур», «Вомиқ ва Узро», «Етти равза» достонлари маълум.

Тазкиранавис сифатида шуҳрат қозонган. «Мажмуату-ш-шуарои пайрави Ферузшоҳий» («Ферузшоҳга пайрав (қилган) шоирлар тўплами") (1906)

сулолавий тамойил асосида тартибланган. Тазкирада дастлаб хон ва шаҳзода шоирлар, сўнг сарой амалдорлари, мадраса мударриси, мирзабоши, мадраса талабалари ва бошқа табақа кишилари ўринлаштирилган. Асар Дебоча (152 байт), асосий қисм (ғазаллар) ва Хотима (32 байт)дан иборат. Иккинчи тазкираси "Мухаммасоти мажмуату-ш-шуарои Ферузшоҳий" ("Ферузшоҳ (га ёзилшан) мухаммаслар тўплами") (1909) 33 шоир мухаммасларидан ташкил топган. Унда даставвал *Огаҳий* ғазалларига, сўнг Феруз шеърларига боғланган мухаммаслар ва мусаддаслар келтирилган. Ҳаммаси бўлиб 190 мухаммас ва 58 мусаддас бор. Хотима қисмида Умидий, Доий ва Хаёлийнинг вафоти ҳақида хабар, Баёнийнинг «Мажмуату-ш-шуарои пайрави Феруз Шоҳий»га ёзган тақризи берилган. Тазкирада шоирларнинг ҳар бирига хос сифатлар айтилиб, сўнг тахаллуслари келтирилган.

Фузулийнинг «Ҳафт жом» (Етти жом) достонини форсчадан ўзбек т.га тарж. қилган.

♦ *Табибий А.* Танлаган асарлар. Т., 1968.

• *Самойлович А.Н.* Мажмуаи си шуарои шоҳий пайрави Фирузшоҳий // Записки Восточного отд., т.19. С.0198-0209; *Ғанихўжаев Ф.* Табибий. Т., 1978; *Абдуллаев Ҳ.* Хоразм адиблари. Урганч: УрДУ, 1998. *Маткаримова С.* Табибий – тазкиранавис. Т.: Муҳаррир, 2011.

АҲМАД ФАРҒОНИЙ (~ 797–865) – ўзбек комусий олими. Тўлиқ номи: Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир. Шарқда ал-Фарғоний, Ғарбда *Алфраганис* тахаллуси б-н машҳур. Фарғона водийсининг Қува ш.да туғилган, Боғдодда халифалар Хорун ар-Рашид, Маъмун, Муътасим ва Мутаваккил даврида яшаган. Марв, Дамашқ, Қоҳирада илмий фаолият б-н шуғулланган. Богдодда Байтул ҳикмада ишлаган. Халифа Мутаваккил таклифи б-н Нил дарёси сатҳини ўлчайдиган иншоот яратган, устурлоб кашф этган.

Асосий асари "Китобу-л-ҳаракот ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум" ("Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби") астрономияга оид бўлиб, 1145 ва 1174 й.ларда лотин т.га тарж. қилинган. А.Ф.нинг "Астрономия асослари китоби" Европа ун-тларида дарслик сифатида ўқитилган. "Ернинг маълум мамлакатлар ва ш.ларнинг номлари ва ҳар бир иклимдаги ҳодисалар" китобида барча олимга маълум бўлган мамлакат ва ш.лар хусусида бошланғич маълумот берилган. А.Ф.нинг 7 та асари сақланган.

А.Ф. ҳақида Ҳайитмат Расулнинг "Пири коинот", Йўлдош Сулаймоннинг "Фарғона фарзанди", Нуруллоҳ Абдуллоҳ ўғлининг "Башар алломаси" асарлари саҳналаштирилган. Ойдаги 20 *км*ли кратерлардан бирига А.Ф. номи қўйилган.

• *Носиров А., Ҳикматуллаев Х.* Аҳмад Фарғоний. Т., 1966; *Аҳмедов А.* Аҳмад ал-Фарғоний. Т., 1998; *Қаюмов А.* Асарлар. 9-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

АҲМАД ХОЖАГИЙ Косоний (махдуми аъзам) (1463/64–1542) – машҳур мутасаввиф, диншунос олим, накшбандийлик тариқати раҳнамоларидан.

Тўлиқ исми: Саййид ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбидий. Илк таълимни Косон ш.да олган. Мадрасани битириб, Шайх Мир Саййид Алига мурид бўлган. Тошкентга келиб, Хожа Ахрорнинг шогирди Муҳаммад Қози (в.1516)га халифа бўлади. Устози б-н Ҳиротга сафар қилади, Абдураҳмон Жомий б-н учрашади. 1503 й.дан Бухорога қайтади ва Ахсикатга бориб нақшбандийлик тариқати тарғиботи б-н машғул бўлади. Муҳаммад Қози вафотидан сўнг тариқат шайхлари А.Х.ни ўз пешволари сифатида қабул қиладилар. Бобур Мирзо А.Х.га рубоийлар ёзган. Ўз навбатида А.Х. ҳам «Бобурия» рисоласини ёзиб, Ҳиндистонга жўнатган.

Асарлари: «Асрору-н-никоҳ» («Никоҳ сирлари»), «Ганжнома» («Бойлик ҳақида рисола»), «Рисолату-н-самъиййатун» («Самоъ рисоласи»), «Баёни зикр» («Зикр баёни»), «Рисолайи силсилаи Хўжагон» («Хўжагон силсиласига оид рисола»), «Меърожу-л-ошиқийн» («Ошиқлар меърожи»), «Муршиду-с-соликийн» («Соликлар муршиди»), «Рисолайи Нақшбандиййа», «Рисолату-н-вужудиййатун» («Вужудлар ҳақида рисола») каби 30 дан ортиқ рисоласи бор. Асарларида уламолар, сўфий шайхлар ва тариқат одоблари, мурид ва муршид муносабатларига тўхталган. А.Х.нинг 23 рисоласи ЎзРФАШИда сақланади.

АҲМАД ЯССАВИЙ (в.1166–67) – илк турк мутасаввифи, яссавийлик (жаҳрийлик) тариқати асосчиси, орифона шеърият бошловчиси. XI асрнинг сўнгида Туркистоннинг Ясси (айрим манбаларда Сайрам) кишлоғида Шайх Иброҳим оиласида туғилган. Шайх Арслонбободан таълим олган. Бухорода Юсуф Ҳамадонийга учинчи халфа бўлган, шайхликни Ҳамадонийнинг тўртинчи халфаси Абдухолиқ Ғиждувонийга топшириб, Яссига қайтган. Олтмиш уч ёшида чиллахона қаздириб, “оламдан этакни силккан». Алишер Навоий А.Я. ҳақида: “Туркистон мулкининг шайху-л-машойихндур. Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом.Юсуф Ҳамадоний қ.с.нинг асҳобидиндур… анинг мозори Туркистонда, Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаидур вокеъ бўлубдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур” деб ёзган.

«Фақрнома» (айримлар Яссавийга нисбат берадилар), «Маслаку-л-орифин», «Ламаъот», «Самарату-л-машойих», «Жавоҳиру-л-аброр» каби манқаба ва рисолаларда яссавийлик тариқатининг асослари акс этган. “Девони ҳикмат” китоби шогирдлари томонидан тартиб берилган. Унда илоҳий ишқ ғояси ва маърифий мазмун етакчилик қилади. Ҳикматлар маъно ва моҳият эътибори б-н Қуръони карим ва Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига чуқур боғланган. «Девони ҳикмат»нинг 20 дан ортиқ нусхалари ЎзРФАШИ жамгармасида сақланади. Асар қўлёзмаларидан энг қад.си XVII асрга тегишли. А.Я. ҳикматлари XIX асрдан бошлаб Қозон, Истанбул ва Тошкентда чоп қилинган.

А.Я. мероси ва тариқати хорижда Л.Массигнон, А.Арберри, М.Смитт, Х.Кислинг, Ф.Майер, А.Шиммел, Р.Хартман, Ж.Тримингэм, Ф.Кўпрулу,

К.Эраслон, Идрис Шох, Девин де Уис; Россияда А.Кримский, И.Петрушевский, Е.Бертельс; Ўз-нда Фитрат, А.Саъдий, Э.Рустамов, Б.Қосимов, И.Ҳаққулов, Н.Ҳасанов томонидан ўрганилган. Қабри Қозоғистоннинг Туркистон ш.да. Мақбараси XIV асрда Амир Темур томонидан қайта таъмирланган.

♦ Сокровенное. Сб. мистических духовных стихов, приписываемый Ахмеду Ясави. Казань: 1878; Ўзбек ад-ти намуналари (туз. проф. Фитрат). Т.: 1928; *Аҳмад Яссавий.* Ҳикматлар (нашрга тайёрл. И Ҳаққул. Т., 1991; Девони ҳикмат (нашрга тайёрл. А.Абдушукуров). Т., 1992; Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар. Т., Мовароуннахр, 2004.

• *Крымский А.Е.* История Персии, ее лит-ры и дервишской теософии. Т.1. М., 1903; *Бертельс Е.Э.* Суфизм и сўфийская лит-ра. М., 1965; *Березиков Е.* Святые лики Туркестана. Т., 1992; *Рустамов Э.* Ахмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // Ўзбек тили ва ад-ти. 1972, №4-5; *Саъдий А.* Яссавий ким эди? / Нашр. тайёрл. Б. Дўсткораев. Т., 1994; *Ҳаққул И.* Ахмад Яссавий. Ҳаёти ва ижод йўли. Т., 2001; *Ҳасанов Н.* Туркияда яссавийшунослик. Т., 1999; *Фитрат.* Ахмад Яссавий. Танл. асарлар / Нашр. тайёрл. Ҳ.Болтабоев). 2-ж. Т.: Маънавият, 2000; *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 611-тартиб; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) / Сб. стат. памяти Ф.Майера. СПб.: 2001 (См. статьи Девин де Уиса, Б.Бабаджанова).

АҲМАД ҲАРОМИ – Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. - Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.74–76.

АҲМАД ҲОЖИБЕК (Амир Аҳмад Ҳожи Дўлтой, в.1495/96) – Ҳирот ва Самарқанд ҳокими, Навоийнинг ҳомийси ва форсигўй шоир. Малик Кошғарийнинг ўғли, Вафоий тахаллуси б-н шеърлар ёзган, девон тузган. Хуросонда тарбияланган, ўн йилдан ортиқ Ҳиротда хизмат қилган. "Мажолис..."нинг Олтинчи мажлиси шу кишининг номи б-н очилади: "Ва табъи бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмға кўп илтифот қилур. Бу матлаъ Бекнингдурким:

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан басти,
Кушоди парда аз рухсори хешу чашми ман басти.

Мазмуни: Танимдин жонимни олиб, кўп занжирли қилиб сочинг б-н боғладинг, юзингдан пардани очиб, кўзимни боғладинг".

• *Алишер Навоий.* Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.151; *Самарқандий А.* Матлаъ ас-саъдайн мажмаъ ал-бахрайн. II ж., Т.: Шарқ НМАК, 2008; Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. Т.: Ўз-н, 2013.

АҲМАДИЙ – ўзбек шоири (XV). Шоир ижодига тааллукли «Созлар мунозараси» асари маълум. Асарнинг XVI аср бошларида кўчирилган ягона бир нусхаси Британия музейида сақланади.

♦ *Аҳмадий.* Созлар мунозараси (парча). www. ijod.uz. 15.03.2013

АҲМАДХОН (в.1481) – Олтин Ўрда хони (1465–81). Акаси Маҳмудхон (1459 –65)дан кейин тахтни эгаллаган. Султон Ҳусайннинг синглиси Бадака

бегимга уйланган. “А.нинг ўғиллари ҳиротга келиб, Султон Ҳусайнга хизмат қилгани “Бобурнома”да айтилган (335б). Поляк қироли Казимир IV, Россия подшоҳи Иван III б-н дипломатик муносабатларни йўлга қўйган. Машҳур шоира А.Ахматова аждоди А. ҳақида эссе ёзган.

АҲМАДШОҲ (1715–1754) – Ҳиндистондаги бобурий ҳукмдорлардан. Аврангзебнинг эвараси. Олти йиллик ҳукмронлиги даврида Афғонийстондаги Дурронийлар давлати ва турли ҳинд қавмлари б-н жанглар олиб борган. Англиянинг Ост-Индия компанияси ёрдамида бош вазир Ғизиуддин Имолулмулк А.ни тахтдан қулатиб, кўзига мил торттирган. Бу воқеалар бобурийлар сулоласининг таназзулини тезлаштирган.

АҲМАРОВ, Чингиз (1912/5.VIII–?) – ўзбек рассоми, миниатюрачи-монументалист. Ўз-н халқ рассоми (1964). Москва Бадиий академиясини тамомлаган. Алишер Навоий номидаги Ўзбек опера ва балет театри, Мирзо Улугбек расадхонаси, ЎзРФА Шарқшунослик институти фойеларига суратлар ишлаган. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достони қаҳрамонлари “Етти гўзал” сурати машҳур. Ўзбек адибларининг портретларини чизган. Ўзбек амалий санъатига мозаика санъатини олиб кирган.

- *Умаров А.* Росписи Чингиза Ахмарова // Искуство. 1968. № 1.

АҲМЕДОВ, Бўрибой (1924.12.VIII–2002/15.V) – тарихчи ва шарқшунос олим таржимон. ЎзРФА акад. (1995), Ўз-нда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), тарих фанлари д-ри (1974), проф. (1985). Ўрта Осиё ун-тининг Шарқ ф-тини битирган (1953). Ўз-н ФА Шарқшунослик ин-тида илмий ходим, илмий котиб, бўлим бошлиғи (1960–90). 1991 й.дан бош илмий ходим. Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси (1995 й.дан). А. манбашунослик, Ўрта Осиё халқларининг X–XIX асрлар тарихи, Темур ва темурийлар даври тарихи каби соҳалар б-н машғул бўлган. «Амир Темур» тарихий романи муаллифи. “История Балха”, “Историко-географическая дитература Средней Азии XVI-XVIII вв.” (1985), “Навоий заиондошлари хотирасида” (Тузувчи, таржимон, 1985), “Ўз-н халқлари тарихи манбалари” (1991), “Ўз-ннинг атоқли тарихшунос олимлари” (2003) асарларини нашр қилдирган.

Тошкент ш.даги Чиғатой қабристонига дафн этилган. Беруний номидаги Ўз-н Давлат мукофоти лауреати (1989). «Дўстлик» (1997), «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари б-н тақдирланган.

АҲМЕДОВ, Муҳаммад – қ.: Муҳаммад Али.

АҲМЕДОВ, Раҳим (1921/26.VII–?) – ўзбек рассоми. Ўз-н халқ рассоми (1962), Ўз-н Рассомлар уюшмаси раиси (1965). Ленинградда ўқиган. Мойбўёқда чизилган "Она ўйлари", "Қизим портрети" асарлари шуҳрат қозонган. "Ўзбек адиблари" туркум портретлари учун Давлат мукофотига сазовор бўлган.

- *Зименко В.* Рахим Ахмедов// Искусство. 1969. № 4.

АҲРОР, Хожа Убайдуллоҳ (1404 - 1490) – улуғ мутасаввиф, файласуф ва адиб. Тўлиқ исми: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ибн Хожа Маҳмуд. Боғистон (хоз. Бўстонлиқ ҳудудида) қишлогида таваллуд топган. Кейинроқ Самарқандга кўчиб, Қутбиддин Садр мадрасасида таҳсил олган. Хожа Низомиддин Хомуш ва Саъдиддин Кошғарий билан бир тариқат ва илмда боғланганлар. 29 ёшида Яъқуб Чархийдан иршод олиб, муршиди комиллик мақоми б-н Тошкентга қайтган. Абу Саид Мирзо даврида давлат ва жамоат ишларида қатнашган, катта мулкдор сифатида ҳам шуҳрат топган. Хожа Аҳрор Валий ҳақида маълумот берувчи ишончли манбалар қаторида Мир Абдулаввал Нишопурийнинг "Масмуъот", Фахруддин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт.", Муҳаммад Қозининг "Силсилату-л-орифин", номаълум муаллифнинг "Манақиби Хожа Аҳрор", «Насабномайи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор» асарларини келтириш мумкин. Алишер Навоий "Насойим..."да "Ул рукъаларни мураққаъ ясаб, мужаллад қилиб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсуни била асрабмен. Умидим улки, аларнинг баракотидин бу ишнинг завқи ва талаби насиб бўлғай. Аларнинг ёши тўксондин олти ой ўксук эрди. Саккиз юз тўксон тўртда дунёдин ўттилар. Аларнинг асҳобидин иршод ва талқинға мушарраф бўлғанлардин Мавлоно Қосим ва Мавлоно Хожа Али ва Мавлоно Мир Ҳусайн ва Мавлоно Мир Муҳаммад ва Мир Абдулаввал ва Мавлоно Бурҳонуддин ва Мавлоно Лутфуллоҳ ва Мавлоно Ҳусайн Турк ва дарвиш Ахмад Жомий эрди ва яна дағи дарвишлар бор эрдилар ва мухтасарда мунчаси собит бўлди».

Қатор диний-тасаввуфий асарлар муаллифидир. А.нинг «Фикроти Аҳрория», "Рисолайи волидия", «Рисолайи ҳавория», «Рисолайи анфоси нафиса», «Руқъаот» асарлари шундай китоблар сирасига киради.

- ◆ *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор.* Табаррук рисолалар / Нашр. тайёрл. М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004.
- *Алишер Навоий.* Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 460-тартиб.

бўлимида унинг яна 1 байт ва 1 рубоийсини ҳавола этади. А. вафотига бағишланган марсиясидан келтирган байтлар ичида яна ўша таърихни такрорлайди. Мутрибийнинг ёзишича, Ҳошим Аҳрорий бир умр Самарқанддаги улуғ бобоси Хожа Аҳрор мозори устида мужовир бўлгани сабабли "Мозорий Аҳрорий" нисбасини олган ва шу ерда дафн этилган.

- Мутрибий. Тазкират уш-шуаро. Қўлёзма. – В.88а–90а.
- Мутрибий. Нусхайи зебойи Жаҳонгир. Қўлёзма. В.129б-130а.

«АҲСАНУ-Л-ҚИСАС» (“Қиссаларнинг гўзали”) – Қуръоний сюжетлардан “Қиссайи Юсуф” шу сифат б-н юритилади. “Юсуф” сурасининг 12-ояти каримасида “(Эй Муҳаммад) биз сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий орқали қиссаларнинг энг гўзалини сўзлаб берамиз” дейилган. Абдураҳмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида ҳам шу қиссанинг номи зикр этилган бўлиб, бу қисса илоҳий ишқнинг қудрати, Илоҳ санъатининг гўзаллиги ҳақидадир, деган изоҳи ҳам берилган.

- *Алишер Навоий.* Хазойину-л–маоний. МАТ. 4-жилд. Т.: Фан, 1990; *Ганиева С.* Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.6-7; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So’zlug’u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig’i, 2001. S.77.

АҲТАМ (арабча: احتم – тишни синдириш) [поэтика, метрика] – арузий амалиётида зиҳоф (ўзгариш)лардан бири бўлиб, мустафъилундан фаълун, мафъулотудан фаъилоту ҳосил қилинишидир. Бобур “Аруз рисоласи”да шундай мисол (ражази муасаммани аҳтам) келтирган:

“Бир рукн солим, бир рукн мақбул
Дарди дилим эшитиб қилмас ул ой тараҳҳум,
Зулми ани кам ўлмас неча қилай тазаллум.
Мустафъилун фаъулун мустафъилун фаъулун” (51а).

- *Бобир.* Мухтасар. Т.: Фан, 1971; *Тоир У., Саидали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. С.79.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚОМУСИЙ МАНБАЛАР

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1–4 - жилдлар / Акад. Э.Фозилов таҳр. остида. Т.: Фан, 1983.
2. *Ахманова О.С.* Словарь лингвистических терминов. М.: СЭ, 1966.
3. *Абу Абдуллоҳ Хоразмий.* Мафотуху-л-улум. Қўлёзма. ЎРФАШИ. Инв. № ????
4. *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. 320 с.
5. Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1990. 688 с.
6. *Борев Ю.* Эстетика. Теория литературы. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. 576 с.
7. *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011.
8. *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. 960 с.
9. *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энц-кий словарь в 12 т-х. Биографии, т.I. М.: СЭ, 1991.
10. Введение в лит-ведение. Лит-ное произведение: основные понятия и термины. Под ред. Л.В.Чернец. М.: Высшая школа; Academia, 1999.
11. *Виноградова Н. А., Каптерева Т. П., Стародуб Т. Х.* Традиционное искусство Востока. Терминологический словарь. М.: Эллис-Лак, 1997.
12. *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005.
13. *Греймас Ж., Курте Ж.* Объяснительный словарь теории языка.
14. *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002.
15. Зайдон Ж. Тариху адаб ил-луғати ил-арабиййа. Қоҳира, 1967 (араб т.да).
16. Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009.
17. *Ильин И.П.* Постструктурализм, деконструктурализм, постмодернизм. http: / www. philosophy.ru/
18. *Квятковский А.П.* Поэтический словарь. М., 1966.
19. Краткая литературная энциклопедия. т.I-9 (доп). М.: СЭ, 1962–78.
20. Кракий словарь терминов тзобразительного искусства. М., 1959.

21. *Кудина Г.Н., Новлянская З.Н., Архангельский А.Н.* Словарь литведческих терминов. Для школьников и преподавателей. М.: ОНИКС 21 век, 2004.

22. Культура классической Японии. Словарь-справочник / Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002.

23. *Лесин В.М., Пулинец А.С.* Словарь литературоведческих терминов. Киев, 1971.

24. Литературная энциклопедия / Под ред. В.М.Фриче, А.В.Луначарского. т.1. М., 1929–39.

25. Лит-ная энц-я терминов и понятий / Сост. А.Н.Николюкин. М., 2001.

26. Литературный энциклопедический словарь / Под общ. ред. В.М.Кожевникова, П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. 752 с.

27. Литературоведческие термины (Материалы к словарю) / Ред.-сост. Г.В.Краснов. Коломна, 1997.

28. *Мень А.* Библиологический словарь: в 3-х томах. Т.1. М., 2002. http: slovary. Yandex.ru/dict/men/article

29. *Мильчин А.* Издательский словарь-справочник. М., 2006 (эл.изд.)

30. Мифологический словарь. М.: СЭ, 1990. 672 с.

31. *Никифор А.* Библейская энциклопедия. М., 1990.

32. *Пави П.* Словарь театра / Пер. с франц. М., 1991.

33. Поэтика. Словарь актуальных терминов и понятий. – М.: Издательство Кулагиной: Intrahda, 2008.

34. Психология. Словарь / Под общей ред. А.В. Петровского и М.Г.Ярошевского. М., 1990.

35. *Руднев В.* Словарь культуры XX века. Ключевые понятия и тексты. М.: Аграф, 1997.

36. *Русова Н.Ю.* От Аллегории до Ямба / Терминологический словарь – тезаурус по литературоведению. М.: Флинта–Наука, 2004.

37. Словарь античности. М.: Прогресс, 1989. 704 с.

38. Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М., 1974.

39. Словарь по этике / Под ред. И.С. Кона. М., 1983.

40. Словарь терминов французского структурализма / Сост. И.П.Ильин // Структурализм: «за» и «против» / Сост. М.Я.Поляков. М., 1975.

41. Современное зарубежное лит-ведение (страны Западной Европы и США): Концепции, школы, термины: Энц-кий справочник / Научн. Ред.и сост. И.П. Ильин, Е.А.Цурганова. М., 1996.

42. Сомийбек Ш. Қомусу-л-аълом.

43. Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992.

44. *Тоир У., Саидали С.* Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. 512 с.

45. Философский энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1983. 816 с.

46. Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳ-р: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ НМАК, 2004. 496 б.

47. Художественное восприятие: основные термины и понятия. Словарь-справочник / Ред.-сост. М.В.Строганов. Тверь, 1991.

48. *Ширли Дж.* Словарь мировых литературных терминов. М., 1970.

49. Энциклопедический словарь юного литературоведа. М.: Педагогика, 1988. 416 с.

50. Энциклопедический словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. 352 с.

51. Энциклопедия искусства XX века. М.: Олма-Пресс, 2002.

52. Энциклопедия модернизма. М.: Эксмо-пресс, 2002.

53. Энциклопедия символизма. Живопись, графика, скульптура. Литература. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. / пер. с франц. М.: Республика, 1999. 432 с.

54. Энциклопедии адабиёт ва санъати точик. Ч.1. Душанбе: 1988.

55. Эстетика. Словарь. М., 1989.

56. *Юсуф Хаттар Мухаммад.* Энциклопедия суфизма. М.: Ансар, 2005. 480 с.

57. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. 736 б.

58. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиёттшунослик луғати. Т.: Akademnashr, 2010. 400 б.

59. *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. 224 б.

60. *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979.

61. *Abrams, M. H.* A Glossary of Literary Terms. New York-London, 1994.

62. *Baldick C.* The conceise Oxford of Dicionary Litetary Terms. Oxford, 1990.

63. *Beckson K., Ganz A.* Literary Terms. A Dictionary. New York, 1989.

64. *Bourin A., Rousselot J.* Dictionnaire de la littérature française contemporaine. Parıs, 1966.

65. Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007.

66. *Cebecioğlu E.* Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005. 742 s.

67. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.

68. Encyclopaedia Britannica. London, 1994–98.

69. *Gray M.* A Dictionary of Literary Terms. York Press, 1988.

70. *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlügü. Ankara: 2007.

71. Kitab*i*-Dədə Qorqud Ensiklopediyası. I-II cild. Bakı: Yeni Nəşrlər Evi, 2000.

72. *Muallim Naci, Sarac Yekta M.A.* Edebiyat Terimleri / Istilahat-I Edebiyye. Istanbul: 2004.

73. *Myers J., Simms M.* The Longman Dictionary of Poetic Terms. New York; London, 1989.

74. *Uludağ S.* Tasavvuf Terimleri Sözlügü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. 440 s.

75. Türk Dili ve Edebiyatı Ansiklopedisi: Devirler, İsimler, Eserler, Terimler. 8 c., 1-c. İstanbul, Dergah Yayınları, 1976-94.

76. Türk Dünyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlügü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kültür Markezi Başkanhğı, 2001.

77. Türk Dünyasi Edebiyatcılari Ansiklopedisi. Cilt 1, Atatürk Kültür Markezi, 2001.

78. *Wilpert G. von* Sashwörterbuch der Lıteratur / 7.Aufl/ Stuttgart, 1989.

79. http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

Адабий-илмий нашр

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шоҳисмоил
Мусаҳҳиҳа: Ҳилола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-60-33

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 27.12.2013
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 35,3
Шартли босма тобоғи 36,0. Адади 100
Баҳоси келишилган нархда

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20

Адабиёт
энциклопедияси

ISBN 978 9943-398-04-7